

# МАРКАЗИЙ ОСИЁ ТАРИХИ ВА МАДАНИЯТИ



**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ**  
**ОЛИЙ ТАЪЛИМ, ФАН ВА ИННОВАЦИЯЛАР ВАЗИРЛИГИ**  
**МИРЗО УЛУҒБЕК НОМИДАГИ**  
**ЎЗБЕКИСТОН МИЛЛИЙ УНИВЕРСИТЕТИ**

**МАРКАЗИЙ ОСИЁ ТАРИХИ ВА МАДАНИЯТИ**

*ХАЛҚАРО ИЛМИЙ-АМАЛИЙ АНЖУМАН*

*МЕЖДУНАРОДНАЯ НАУЧНО-ПРАКТИЧЕСКАЯ  
КОНФЕРЕНЦИЯ*

**ИСТОРИЯ И КУЛЬТУРА ЦЕНТРАЛЬНОЙ АЗИИ**

*INTERNATIONAL SCIENTIFIC-PRACTICAL  
CONFERENCE*

**HISTORY AND CULTURE OF CENTRAL ASIA**

**Тошкент – 2023**

Мазкур тўпламдан тарих фанлари доктори, профессор Мавлонов Ўктам Махмасобировичнинг 60 йиллик юбилейи муносабати билан 2022 йил 19 ноябрда ўтказилган “Марказий Осиё тарихи ва маданияти” мавзусидаги илмий-амалий анжумандаги мақолалар ўрин олган. Мақолада келтирилган маълумотлар ва мулоҳазалар учун муаллифлар шахсан жавобгар ҳисобланади.

**Масъул муҳаррир:** А.С.Сагдуллаев, тарих фанлари доктори, профессор, ЎзФА ҳақиқий аъзоси

**Таҳрир ҳайъати:**

Ў.М. Мавлонов  
Ф.Б. Очилдиев  
Ж.Т. Аннаев  
А.Ш. Шайдуллаев  
Ж.Э. Тоғаев  
З.Б. Ҳайдаров  
Р.М. Қўйлиев  
Х.А. Палвонов

**Редакционная коллегия**

Ў.М. Мавлонов  
Ф.Б. Очилдиев  
Ж.Т. Аннаев  
А.Ш. Шайдуллаев  
Ж.Э. Тоғаев  
З.Б. Хайдаров  
Р.М. Куйлиев  
Х.А. Палвонов

**Editorial board**

U.M. Mavlanov  
F.B. Ochildiev  
J.T. Annaev  
A.Sh. Shaydullaev  
J.E. Togaev  
Z.B. Khaydarov  
R.M. Kuyliiev  
H.A. Palvanov

Мирзо Улуғбек номидаги Ўзбекистон Миллий университети Тарих факультети Археология кафедрасининг 09.11.2022 йилдаги 5-сонли баённомаси билан нашр этишга рўхсат этилган.

## МУНДАРИЖА

Сагдуллаев А.С.	Кичик сўқмоқлардан катта йўллар бошланади.....	12
Муминов А.Г.	Таниқли олим ва жонкуяр устоз.....	15
Норхўрозов Қ.	Бахт кушига миналган инсон.....	17
Аминов Б.Б.	Вақт бирликлари ва ўлчамлари.....	18
Яхшиев А.	Серқирра олим ва фикри бутун инсон.....	23
Нажимадинов Р.	Қадрли устозим Ўктам Мавлоновга чизгилар.....	27
Мирзаев Д.	Устозга дил изҳорларим.....	28

### *МАРКАЗИЙ ОСИЁ ТАРИХИ ЯНГИ АРХЕОЛОГИК ТАДҚИҚОТЛАРДА*

\*\*\*

### *ИСТОРИЯ ЦЕНТРАЛЬНОЙ АЗИИ В СВЕТЕ НОВЫХ АРХЕОЛОГИЧЕСКИХ ИССЛЕДОВАНИЙ*

\*\*\*

### *HISTORY OF CENTRAL ASIA IN THE CONTEXT OF NEW ARCHAEOLOGICAL RESEARCH*

Сулейманов Р.Х., Муҳаммадиев А. Ғ.	Музбел ўрта палеолит даври устахона-манзилгоҳи.....	30
Россо Rante	История Бухары, от возникновения до Тимуридов.....	34
Эшов Б.Ж.	Суғдаги археологик ёдгорликларнинг умумий таснифи.....	49
Қудратов С.С.	Ўзбекистон тарихини даврлаштиришга доир айрим мулоҳазалар.....	59
Раимқулов С.	Хазор Буқо шаҳрининг тарихий топографияси хусусида.....	62
Хушвақов Н.О.	Нақшаб. Антик даврига оид актёрлар ниқоби.....	65
Бобоёров Ғ.	Исломдан олдинги Ўрта Осиё тангаларидаги айрим суғдий ёзувларнинг янгича ўқилиши...	76
Турганов Б.Қ.	Хоразмнинг антик даврдаги заргарлик буюмлари таснифи.....	80
Нормуродов Д.Р.	“Банокат-Шоҳрухия”дан топилган қорахонийлар даври мис тангалари хазинаси...	84
Шамукарамова Ф.Ш.	Первые археологические находки и исследования Ташкента и его окрестностей...	88
Очилов А.Т.	Бухоро воҳаси тош даври жамоаларининг моддий маданияти: тарихий реконструкция масалалари.....	93
Назаров А.Ё.	Туркистон археология ҳаваскорлари	

	тўғараги фаолиятида маҳаллий зиёлиларнинг ўрни.....	99
<b>Палванов Ҳ.А.</b>	Антик даврига оид манзилгоҳларда 1950-1986 йилларда олиб борилган тадқиқотлар (Хоразм воҳаси мисолида).....	102
<b>Ҳайдаров З.Б.</b>	Канпирак деворининг ўрганилиш тарихидан.....	107
<b>Рахмонова К.М.</b>	Sazag'on madaniyatining davrlashtirishga oid ba'zi mulohazalar.....	112
<b>Пардаев М.Х.</b>	Сўх ҳавзасидаги археологик қидирув-қузатув ишларида Corona – сунъий йўлдош тасвирларидан фойдаланиш амалиёти.....	116
<b>Мамадиев Б.</b>	Воҳанинг қадимги ирригация тизимига оид ёдгорликлари.....	119
<b>Неъматов Р.А.</b>	Илк ўрта асрлар Хоразм тарихшунослигининг бугунги ҳолати.....	122
<b>Хидиров И.</b>	Бронза даври ютуқлари ҳамда илк темир даврида Суғд воҳасида кечган тарихий жараёнлар.....	126

***МАРКАЗИЙ ОСИЁНИНГ КАРВОН ЙЎЛЛАРИ,  
ИНФРАТЎЗИЛМАЛАРИ ВА ХИЗМАТ КЎРСАТИШ ТИЗИМИ***

\*\*\*

***КАРАВАННЫЕ ПУТИ ЦЕНТРАЛЬНОЙ АЗИИ,  
ИНФРАСТРУКТУРА И СИСТЕМА УСЛУГ***

\*\*\*

***CARAVAN ROUTES OF CENTRAL ASIA, INFRASTRUCTURE AND  
SERVICE SYSTEM***

<b>Отахўжаев А.М.</b>	Буюк ипак йўлида суғдийларнинг тутган ўрни.....	132
<b>Кобзева О.П.</b>	Проблемы истории изучения великого шелкового пути.....	135
<b>Ачилов А.Т.</b>	Буюк ипак йўли хизмат кўрсатиш тизимида карвонсройларнинг аҳамияти.....	141
<b>Раҳмонқулова З.Б.</b>	Турк муаллифлари манбаларида Ўрта Осиё шаҳарлари тавсифи.....	146
<b>Ражабова Н.</b>	Қашқадарё воҳасининг XIX аср иккинчи ярми –XX аср бошларидаги халқаро савдо алоқалари тарихи.....	150
<b>Қудияров А.Р.</b>	Савдо йўллари ва унинг аҳамияти.....	154
<b>Шоназаров Ш.Б.</b>	Придорожные согдийские гостиницы на трассе Великого Шёлкового пути (по археологическим материалам Каршинского	

	оазиса).....	157
<b>Шайдуллаева Г.Б.</b>	Бактрия лазурити – қадимги шарқнинг нодир маъдани.....	162
<b>Каримов Я.А.</b>	Хива хонлигида кемачилик.....	170
<b>Мухамедов Я.К.</b>	Ғарбий Турк хоқонлиги даврида Чочнинг товар ва пул муносабатлари.....	173
<b>Юсупов И.С.</b>	VIII-XIII асрларда Марказий Осиёда почта алоқа тизимини ривожланиш тарихи.....	176
<b>Ҳамраев С.А.</b>	Эрназар элчи мадрасаси тарихидан.....	180
<b>Ваисова Н.А.</b>	Новейшая китайская историография истории согда и согдийцев.....	184
<b>Sultonov Sh.Е.</b>	Eftaliylar buyuk irak yo'lida.....	188
<b>Кудайбергенов С.</b>	Жанубий Оролбўйида илк алоқа йўллари шаклланиш тарихидан.....	192
<b>Тоғаев Ж.Э.</b>	Қадимги йўллар шаклланишига доир айрим мулоҳазалар (Жанубий Ўзбекистон мисолида).....	196

**МАРКАЗИЙ ОСИЁДА ДАВЛАТЧИЛИК ВА БОШҚАРУВ ТИЗИМИ  
ТАРИХИ, СИЁСИЙ, ИҚТИСОДИЙ ВА МАДАНИЙ АЛОҚАЛАР**

\*\*\*

**ИСТОРИЯ ГОСУДАРСТВЕННОСТИ И СИСТЕМА  
УПРАВЛЕНИЯ, ПОЛИТИЧЕСКИЕ, ЭКОНОМИЧЕСКИЕ И  
КУЛЬТУРНЫЕ ОТНОШЕНИЯ В ЦЕНТРАЛЬНОЙ АЗИИ**

\*\*\*

**HISTORY OF STATEHOOD AND SYSTEM OF GOVERNMENT,  
POLITICAL, ECONOMIC, AND CULTURAL RELATIONS  
IN CENTRAL ASIA**

<b>Алимова Д.А.</b>	Кисториографии денежного обращения в средней азии древнего и античного периодов.....	200
<b>Мусаев Н.У.</b>	XIX аср охири-XX аср бошларида Туркистонда кончилик саноатининг фаолияти.....	205
<b>Бўриев О.</b>	Абу Райхон Беруний таваллудининг 1050 йиллигига.....	212
<b>Юлдашев А.</b>	Марказий Осиё минтақавий хамкорлик масалалари генезиси ва асосий муаммолари: Европа тажрибасидан сабоқлар.....	216
<b>Ерметов А.А.</b>	Туркистонда совет давлат бошқарувини мустақамланишида ишчи-деҳқон инспекциясининг иштироки (1918-1923 йиллар).....	222
<b>Эгамбердиева Н.А.</b>	Ахамонийлар ҳукмронлиги даврида Ўрта	226

	Осиёдаги сатрапликларнинг бошқаруви тизими.....	
<b>Хасанов А.М.</b>	Қарши беклигининг сиёсий-маъмурий тузилиши тарихидан.....	229
<b>Худойқулов Т.Д.</b>	Хива хонлиги марказий ва маҳаллий бошқарув тизимида мансаб ва унвонларнинг ўрни.....	234
<b>Яхшиев А.Ж.</b>	Шимолий Бақтриянинг тарихий географияси.....	238
<b>Бийкузиёв А.А.</b>	Қадимги даврда Марказий Осиё ва Ҳиндистон халқлари ўртасидаги ижтимоий-иқтисодий ва сиёсий муносабатлар тарихи.....	242
<b>Замонов А.Т.</b>	Турон ҳудудида Шайбонийлар сулоласи бошқарувнинг ўзига хосликлари ҳақида.....	247
<b>Tadjiyeva F.J.</b>	Xiva xonligi shaharlari tarixi tadqiqotlar talqinida.....	252
<b>Адилов Ж.Х.</b>	Марказий Осиёнинг қадимги тарихига оид юнон ва рим муаллифларининг тарихий ва географик манбалари тарихшунослигига доир.....	256
<b>Ботиров Э.А.</b>	Туркистон АССР иқтисодий бошқарув тизимида божхоналарнинг ўрни.....	261
<b>Давлатова Ш.</b>	Ўзбекистонда ўзини оқламаган кадрни маҳаллийлаштириш сиёсати (Сурхондарё округи мисолида).....	265
<b>Хатамова М.</b>	Турк хоқонлигида халқаро тижоратга давлат ҳомийлиги ва шаҳарларнинг тижорат-симбиотик хусусияти.....	269
<b>Polvonov J.A.</b>	Xiva xonligining boshqaruvi va ma'muriy tizimi XIX asrda.....	275
<b>Makhmasobirova Y.U.</b>	Cooperation's development problems in Uzbek-French relations.....	279
<b>Мўминов У.</b>	Қарши шаҳрининг халқаро савдо-сотикда тутган ўрни.....	283
<b>Поёнов Т.</b>	XIX асрнинг иккинчи ярмида Шаҳрисабз беклиги (П.Равшанов тадқиқотлари асосида).....	289
<b>Makhmasobirova F.U.</b>	Liaison Termez et Amou darya: economie de la ville.....	292
<b>Халмуминов У.Р.</b>	Илк ўрта асрлар даврига оид суғдий тилли манбаларда Фарғона тарихининг ёритилиши.....	296
<b>Rahmonov A.</b>	Vuxoro amirligida ko'tarilgan xitoy-qipchoq qo'zg'olonida tashqi kuchlarning tutgan o'rni....	299

**МАРКАЗИЙ ОСИЁДА АҲОЛИ МИГРАЦИЯСИ, ЭТНОГЕНЕЗ ВА  
ЭТНОМАДАНИЙ ЖАРАЁНЛАР: ТАРИХ ВА ЗАМОНАВИЙ АНЪАНАЛАР**

\*\*\*

**МИГРАЦИИ НАСЕЛЕНИЯ И ЭТНОКУЛЬТУРНЫЕ ПРОЦЕССЫ В  
ЦЕНТРАЛЬНОЙ АЗИИ: ИСТОРИЯ И СОВРЕМЕННЫЕ ТЕНДЕНЦИИ**

\*\*\*

**POPULATION MIGRATIONS AND ETHNO-CULTURAL PROCESSES IN  
CENTRAL ASIA: HISTORIES AND CURRENT TRENDS**

<b>Абдушукуров Б.Б.</b>	Дўрмон уруғи тарихи хусусида.....	304
<b>Алимбетов А.К., Қдырниязов О Ш.М., Толыбаев М.Е.</b>	Ўрта асрлардаги жанубий шарқий Устюрт кири шаҳар элатлиқлари.....	310
<b>Хақимниязов Ж.Х., Шерниязов Р.Х.</b>	Устюртдаги ўрта асрлардаги карвонсаройлари.....	315
<b>Жумаев Т.Х.</b>	Мамлакат ижтимоий-маданий тараққиётида миллатлар ўртасидаги ҳамкорликнинг ривожланиш босқичлари (корейс диаспораси мисолида).....	319
<b>Алманов Қ.О.</b>	Жиззах воҳасида тожик этноси вакилларининг жойлашуви ва этномаданий хусусиятлари.....	322
<b>Ибрагимов Р.З.</b>	Тошкент воҳаси ҳудудида содир бўлган қадимги миграция жараёнлари.....	327
<b>Чориева Д.А.</b>	Ўзбекистонда бадий хаваскорлик жамоалари фаолияти тарихидан.....	330
<b>Abdullava М.М.</b>	Ilk o'rta asr terrakotalarini tadqiq qilishda ba'zi mulohazalar.....	333
<b>Жўраев И.</b>	XIX аср ўрталарида Мирзачўл ҳудудида яшаган аҳолининг ижтимоий ҳаёти.....	336
<b>Чориев С.Х.</b>	Сурхон воҳасида мискарлик ва заргарлик санъати ҳақида айрим мулоҳазалар.....	339
<b>Rahmonov М.Х.</b>	Surxon vohasi toqchi qavmlari hududiy joylashuvining ilmiy tahlili.....	341
<b>Равшанов Ш.Р.</b>	Россия империяси даврида Фарғона вилояти аҳолисининг миллий-этниқ таркиби.....	344
<b>Ахмедов С.С.</b>	Сурхон воҳаси тожикларида халқ ўйинларининг тарихий-ижтимоий ва маиший-хўжалиқ хусусиятлари.....	348
<b>Бахрамов Т.Б.</b>	Бухоро амирлиги доирасида кечган этниқ жараёнларда Қашқадарё воҳаси аҳолисининг иштироки.....	351
<b>Давлетияров М.М.</b>	Кангли в родовой структуре каракалпаков.....	355
<b>Кичкилов Ш.Х.</b>	Лалмикор дехқончиликда аждодлардан	357



	мерос анъана ва урф-одатлар (Кўхитанг тоғ қишлоқлари мисолида).....	
<b>Абдуғаниев А.А.</b>	Ўрта Осиёдаги илк ўтроқ маданият манзилгоҳларида аёлга эътиқод (Жойтун маданияти).....	361
<b>Pozilova X.O.</b>	Farg'ona vodiysining tirnab solingan bezakli sopol buyumlari tarixshunosligi.....	365
<b>Хомиджонова М.А.</b>	Антропологические исследования средней азии до 80-х годов XX в. (на примере Ферганской долины).....	368
<b>Носиров С.Ш.</b>	Анъанавий хўжаликда Сурхон воҳаси аҳолисининг доривор гиёҳлардан фойдаланиши.....	372
<b>Юсупова Х.М.</b>	Чоч воҳаси Буюк ипак йўлидаги алоқаларда..	374
<b>Gofforov Sh.S.</b>	From the history of the madrases of Uzbekistan.....	378
<b>Ermatov M., Tursunov F.G‘ Рахмонов Ф.</b>	Harbiy sarkarda an Lu-shan (Ruxshon) jasoratining tarbiyaviy ahamiyati.....	389
	Темура ва Темурийлар даврида карвон йўлларининг тараққий этиши ва унинг этномаданий жараёнларга таъсири.....	392
<b>Орзиев М.З, Кўчаров Ж.Қ. Турсунова Г.Б.</b>	Денгиз савдосида юртимиз аҳолиси иштироки хусусида(илк ўрта асрлар даври)... Сирдарё вилоятига метрополиядан кўчириб келтирилган аҳолининг миллий таркиби (XIX асрнинг иккинчи ярми – XX аср бошлари).....	397 400

## **ЎЗБЕКИСТОННИНГ ЯНГИ ВА ЭНГ ЯНГИ ТАРИХИ**

\*\*\*

### ***НОВАЯ И НОВЕЙШАЯ ИСТОРИЯ УЗБЕКИСТАНА***

\*\*\*

#### ***NEW AND RECENT HISTORY OF UZBEKISTAN***

<b>Қобулов Э.А., Алламуратов Ш.А.</b>	XIX аср охири – XX аср бошларида Сурхон воҳасининг Амударё сув йўли ва кечувлари орқали савдо муносабатлари.....	405
<b>Ишанходжаева З.Р.</b>	Цифровой Узбекистан и актуальные задачи исторического образования.....	409
<b>Кощанов Б.А.</b>	Новое направление в историографии Узбекистана и Каракалпакстана.....	411
<b>Холбеков А.</b>	Ўзбекистон энг янги тарих чорраҳасида (геосиёсат ва унда инсон омилига оид айрим мулоҳазалар).....	414

<b>Турсунов С.Н.</b>	Россиянинг шарқий Бухородаги мустамлакачилик сиёсати.....	418
<b>Буриева Х.А.</b>	Мустақиллик йилларида Тошкент шаҳар кўчалари номланишида тарихийлик ва миллийлик жиҳатларининг акс этиши.....	423
<b>Пардаев Т.Р.</b>	Ўзбекистоннинг жанубий худудларида шаҳарларнинг ривожланиши ва ундаги муаммолар таҳлили (XX асрнинг 50-60 йиллари мисолида).....	427
<b>Очилдиев Ф.Б.</b>	XIX асрнинг биринчи ярмида Бухоро - Россия савдо алоқалари.....	432
<b>Холикулов А.Б.</b>	Эрон элчиси сафарномасида Бухоро амирлиги расмий қабул маросимлари.....	438
<b>Ҳамидова М.С.</b>	Ўзбекистон меъморий ёдгорликларини ўрганишда архив ва музей манбаларининг аҳамияти.....	442
<b>Тухтабеков К.А.</b>	Юнусхоннинг Мовароуннаҳр тарихида тутган ўрни (тарихи рашидий асари асосида).....	446
<b>Сиддиқов Р.Б.</b>	Янгиланаётган Ўзбекистонда олий таълим ва кадрлар тайёрлаш тизимини янада такомиллаштирилиши.....	449
<b>Саидбобоева Г.</b>	Тошкент воҳасидаги гидроэнергетик станциялар тарихи.....	452
<b>Смесова Е.А.</b>	Источники деятельности русских духовно-культурных учреждений в Туркестане конец XIX- начало XX вв.....	455
<b>Худойкулов У.К.</b>	Ўзбекистоннинг жанубий худудларида озиқ-овқат саноати ривожига камчилик ва нуқсонлар.....	458
<b>Худаёров А.Х.</b>	Ўзбекистонда солиқ тизимининг ташкил этилиши ва унинг такомиллашув босқичлари.....	462
<b>Раджабов О.А.</b>	Совет ҳокимиятининг дастлабки даврида Марказий Осиё инфратузилмалари тизимида темир йўлларнинг тутган ўрни.....	466
<b>Хидиروف Х.Д.</b>	Мамлакатимизда темирйўл тармоқларини қуриш ва моддий техник таъминоти тарихидан.....	469
<b>Толибов Н.А.</b>	XX асрнинг 20 – 30-йилларида Ўрта Осиё минтақасидаги географик тадқиқотлар.....	473
<b>Аннаева З.М.</b>	Экологик муаммолар ва унинг инсоният ҳаётига таҳдиди.....	476
<b>Толибова С.Р.</b>	Туризм соҳасидаги ҳамкорликнинг янги	481

	уфқлари (Ўзбекистон ва Асеан давлатлари мисолида).....	
<b>Акбаров Р.М.</b>	Ikkinchi jahon urushi yillarida o‘zbek milliy matbuotida sog‘liqni saqlash masalasi.....	485
<b>Рахманова М.Ш.</b>	Xiva xonligi tarixshunosligi masalasiga oid ba’zi mulohazalar.....	490
<b>Ўролов Ғ.</b>	Қашқадарёда мустақиллик йилларида зиёрат туризмнинг ривожланиш жараёнлари.....	494
<b>Сулайманов С.А.</b>	XX аср бошида Амударё флотилиясининг минтақа коммуникация тизимида тўтган ўрни.....	497
<b>Расулова М.</b>	Амир Темур даври меъморчилик обидаларида туризм масалалари.....	501
<b>Эрназаров А.Х.</b>	Ғузур беклигининг тарихий – географик шарҳи.....	505
<b>Хосиятов Х.О.</b>	Жанубий Ўзбекистон музейларида халқаро ташкилотлар ва хорижий мамлакатлар билан ўзаро алоқалар.....	509
<b>Шамсиева И.М.</b>	Хоразмий алгоритми эволюцияси: алгоритмдан googleгача.....	513
<b>Чориев Ш.Ш.</b>	Ўзбекистон Миллий архив ҳужжатлари совет ҳокимиятининг коллективлаштириш сиёсати тарихига оид манба сифатида.....	518

## СЎЗ БОШИ

Хурматли Ўктам Махмасобирович Мавлонов, Мирзо Улуғбек номидаги Ўзбекистон Миллий университети жамоаси Сизни муборак 60 ёшингиз билан самимий табриқлайди. Сизга мустаҳкам соғлиқ, куч-ғайрат ва оилавий бахт-саодат тилаймиз.

Биз сизни Марказий Осиё ва унинг “юраги” бўлган Ўзбекистонда тарих ва археология фанини ривожлантиришда, давлатчилик ва бошқарув тарихини янги асосларда ёритишда ўз ўрнига эга бўлган тарихчи олим сифатида биламиз ва қадрлаймиз. Марказий Осиёнинг қадимги йўллари, хусусан, Буюк ипак йўли бўйлаб олиб борилган кенг кўламли сиёсий, иқтисодий ва маданий алоқалар, карвон йўллари инфратўзилмалари ва хизмат кўрсатиш соҳалари тарихини ёритишга қўшган ҳиссангиз халқаро миқёсда эътироф этилганини яна бир бор маъмунийят билан қайд этамиз. Бутун куч-ғайратини, билим ва тажрибасини Ватан равнақи ва илму фан ривожини учун сарфлаб, буюк Устозлар илмий мактабини ривожлантириб келаётган сиздек етук олим сафимизда борлиги қувонарли ҳолдир.

Илмий-педогогик фаолиятингизни ТошДУ ўқитувчиси сифатида бошлаб, бугунги кунда Ўзбекистон Миллий университети Тарих факультети археология кафедрасида профессор лавозимида самарали педогогик фаолият олиб бориб, ёш авлодни тарихий меросга ҳурмат ва ватанпарварлик руҳида тарбиялашга қўшаётган ҳиссангиз таҳсинга лойиқ. Сизнинг илмий раҳбарлигингизда тайёрланган магистр ва PhD тарихчи олимларнинг кенг камровли илмий мавзулари сизнинг педогогик тафаккурингиз самарасидир.

Сиз томонингиздан тайёрланган дарслик ва ўқув қўлланмалар, монография ва рисоалар, илмий мақолалар мамлакатимиз илм-фани ривожига, рақобатбардош тарихчи кадрлар тайёрлаш сиёсатини амалга оширишда муҳим ўрин тутиб келмоқда.

Сиз бағрикенг, илмга чанқоқ ёшларни тўғри йўлга бошлайдиган мураббий сифатида танилган инсонсиз. Биз сизга узоқ ва барокатли умр тилаймиз. Оилангиз, фарзандларингиз, Устозу шогирдларингиз ва бизнинг бахтимизга доимо соғ-омон бўлинг!

*Ўзбекистон Миллий университети жамоаси*

**Ў.М.МАВЛОНОВНИНГ 60 ЙИЛЛИК ЮБИЛЕЙИГА БАҒИШЛАБ,  
УСТОЗЛАРИ, ҲАМКАСБЛАРИ, ШОГИРДЛАРИ ВА  
ҚАРИНДОШЛАРИНИНГ ХОТИРАЛАРИ**

\*\*\*\*\*

**КИЧИК СЎҚМОҚЛАРДАН КАТТА ЙЎЛЛАР БОШЛАНАДИ...**

**Сагдуллаев А.С.**

*т.ф.д., профессор, академик  
Ўзбекистон Миллий университети*

1974 йилда шу сатрлар муаллифи Чирокчи тумани худудида, ўтмишда Қоратикан номи билан аталган Кўкдала даштларида археологик қидирув ишларини амалга оширган. Дашт қишлоқларида уйлар бир-биридан йироқда жойлашиб, илон изига ўхшаш эгри-бугри дала йўллари ва сони кўп сўқмоқлар билан боғланган. Чўл эса кенг сариқ денгиз сингари, олисда уфққа кўшилиб кетарди. Лекин бу – алдамчи манзара. Негаки, кўзга кўриниб турган осмон чегараси ва ер юзи туташган жойда янгидан поёнсиз чўл бошланган.

Баҳор ёмғирлари туфайли, дашт ерлари қалин ўт билан қопланиб, ёз бошларида у қуриб қолар эди. Кеч кузда пайдо бўлган дастлабки қор қатлами чўлнинг кул рангини бекитиб, ушбу ҳолат ҳар йили қайтариларди...

Ўктам туғилиб ўсган Кўкдала даштлари шундай манзарага эга бўлиб. тилга олинган археологик изланишлари чоғида Ўктам эндигина 12 ёшга тўлган. Эҳтимол, ўша пайтда у баланд тепалиқда туриб, чўл шамоли учиб кетган олисга назар солган. Аслида бундай бўлганми-йўқми, бизга номаълум. Бироқ узоқ сарҳадларда жойлашган ва ўспирин тасаввур қилиш мумкин бўлган дунёда катта чуқур дарёлар, кенг кўк денгизлар ва баланд тоғлар мавжудлиги айни ҳақиқат.

Бироз кейин Ў.Мавлонов собиқ давлат армиясида хизмат қилиб, ҳарбий машқлар вақтида катта серсув Дунай дарёси тубидан танк ичида кечиб ўтади. У Македонияда талабалик археологик танишиш амалиётини ўтаган кезде Адриатика денгизи, сўнг эса Эгей ва Қора денгизлари соҳиллари бўйлаб саёҳат қилган. Тоғлар сирларини билиб олиш учун Ҳисор ва Зарафшон тизмалари доволаридан ошиб, яширинган тор дараларида пиёда юрган.

Яёв юриш масаласига келсак, бу баъзи бир кезларда ўспирин Ўктам ҳаётида машаққатли муаммога айланган. Ўзининг Суфи деган қишлоғида фақат бошланғич мактаб бўлиб, юқори синфлар учун мактабгача масофа 8 километрни ташкил этган. 5-синфдан бошлаб, ўқувчи Ўктам Мавлонов гоҳо эшак миниб, ҳамда, айниқса қишда, олис мактабга қишлоқдош болалалар билан пиёда қатнаб, таҳсил олган, дарслардан кейин худди шундай уйига қайтиб келган.

Баъзан хилват жойларни кесиб ўтган мактаб сўқмоқларида оч дашт итлар галаси ўқувчиларга хужум қилган. Негаки, ҳар бир ўқувчининг

орқасига осиб юриладиган халтачада дафтар ва дарсликлар билан бирга бир бурда нон мавжуд эди. Мазали нон ҳидини итлар узоқдан сезган. Бундай хавфли вазиятда мактаб болалари бирданига тиззага чўқиб ва бўйинларини эгиб, қимирламай қотиб қолишган. Шу ҳолатда улар ит бўйига тенг бўлиб, гўё мағлубият ҳолда ҳайвон кучига итоат қилишган. Ақилли итлар бунга тан берган. Шундай қилиб, ўқувчилар ўзларининг жонлари ва нонларини сақлаб қолишган...

Яқинда ушбу ҳикояни менга айтиб берган тарих фанлари доктори, профессор Ўктам Мавлонов ёшлиқдан романтик туйғуси ва шеърий қобилиятга эга бўлган. Бунда унинг раҳматли отаси, ўзбек тили ва адабиёт фани бўйича мактаб ўқитувчиси Маҳмасобир аканинг ҳамда адабиётга ихлосманд, халқ оғзаки ижодидан яхши хабардор бўлган онаси Ойшаҳар опанинг тарбиявий хизматлари ҳал қилувчи аҳамият касб этган. Маҳмасобир ака ўз фарзандларида мутолаага ҳавас туғдириб, китобнинг маънавий ва маърифий кадр-қиммати ва китоб ўқиш заруратини тушуниб англашга мақсадли кўмаклашган.

Мен Ўктамни 1984 йилдан бери биламан. Ўша йили кузида у Тошкент давлат университети (ҳозирги ЎзМУ) тарих факультетида, ҳарбий хизматидан сўнгра таҳсил ола бошлаган. “Археология асослари” фани дарсларида қадимги тарих ва маданиятига қизиқиш, ўтмиш сирларини очиб бериш ва кашфиётларга интилиш билан у бошқа курсдош талабаларидан ажралиб турган. Шу боис 1-курс талабаси Ў.Мавлоновга Ўрта Осиё археологияси кафедрасида ўқишни давом эттириш таклиф этилди.

Кафедра талабалари ҳар йилнинг баҳори ва кузида ўтказиладиган дала амалиёти, экспедицияларда иштирок этишган. Шунда қазилган ишлари орқали ўз меҳнати билан қўлга киритилган археологик материалларига ишлов бериш, уларни қайта тиклаш ва таҳлил қилиш асосида талаба ёшларнинг илмий кўникмалари бойитилган.

Экспедицияларда устозларнинг меҳрибонлиги, дала шароитидаги айрим қийинчиликлар ва маиший муаммоларга ҳазил кўз билан қараш ҳамда уларни бартараф этиб, ёшларнинг кайфиятини кўтаришга интилиш талаба Мавлоновга катта таъсир қилганди. Бундай ёндашув ҳаётга унинг қарашларини янада ривожлантиришда муҳим аҳамият касб этган десам муболаға бўлмайди.

Шу тарбиявий усулдан у кейин ўз педагогик фаолиятида фойдаланди. Яқинда эълон қилинган мақоласида кафедрада таълим олиш аҳамиятини Ў.Мавлонов қуйидагича ёритади: “Археология кафедрасида таҳсил олиш йилларида бир қанча археологик экспедицияларда иштирок этдим. Экспедиция даврида археолог учун муқаддас бўлган тартиб ва анъаналар билан танишдим. Уларнинг кўпи ҳаётимда ўчмас сабоқ, илмий тадқиқотларимда мустаҳкам таянч бўлди”<sup>1</sup>

---

<sup>1</sup> Мавлонов Ў.М. Устозлар изидан: кашфиётлар ва изланишлар йўлида // Ўрта Осиё археологияси кафедраси: авлодлар изланиши ва кашфиётлари. – Тошкент, 2020. – Б. 40.

Ў.Мавлоновнинг Қашқадарё археология-топографик экспедицияси томонидан олиб борилган тадқиқотларида иштирок этиши, ўзи таваллуд топган ва вояга етган юртнинг тарихи ва маданиятига оид билимлари доирасини анча кенгайтириб, уни олим сифатида шаклланишида бекиёс ўрин тутди. Натижада Мавлонов Ўктам Маҳмасобирович 1994 йилда “Торговые и культурные связи Кашкадарьинского оазиса в XVII – XIXвв.” мавзусида тарих фанлари номзоди диссертациясини муваффақиятли ҳимоя қилади. Бу ишнинг иккинчи боби “Воҳанинг карвон йўллари ва уларнинг савдо-маданий алоқаларида ўрни” деб аталган. Бизнингча, масалани, айнан, шу шаклда илгари суришга юқорида тасвирланган “машаққатли мактаб сўқмоқларидан юриш” мавзуси ҳам маълум даражада таъсир қилганлиги эҳтимолдан ҳоли эмас...

Аслида, Кўкдала даштидан стратегик аҳамиятга эга Самарқанд – Насаф транзит савдо йўли ўтган. Унга Шаҳрисабздан бошланган Чирокчи – Кўкдала дашт йўли тўташиб кетган. Шу савдо-алоқа йўли қадимги давр ва ўрта асрларнинг иқтисодий тизимида муҳим ўрин тўтган. Чўлда анъанавий чорвачилик хўжалиги қатори ҳунармандчилик соҳалари ва савдо-сотик ривожланган. Бундан дашт сарҳадларида топиб текширилган Чандарактепа, Сартепа ва Ҳазорбуқа шаҳар харобалари дарак беради. Ў.Мавлонов дашт аҳолисининг тарихи ва маданиятини янги талқинга катта ҳисса қўшган. Олим фақат ўз юрти тарихини ўрганиш вазифаси билан чекланмади. Унинг илмий изланишлари туфайли, қўлга киритилган янги маълумотлар ва масалалар доираси доимий равишда кенгайиб борди. Бунинг натижасида 2009 йилда Ў.Мавлонов “Марказий Осиёнинг алоқа ва савдо йўллари: шаклланиши ва ривожланиши босқичлари” мавзусидаги докторлик диссертациясини ҳимоя қилди. Ушбу катта ишда, Марказий Осиё минтақаси мисолида, энг қадимги даврлардан бошлаб алоқа йўлларининг шаклланиши сабаблари, турли даврларда ички ва транзит алоқа-савдо йўлларининг ривожланиш омиллари, улов-транспорт воситалари, йўлбўйи иншоотлари ва карвон йўлларида хизмат кўрсатиш каби масалалар умумлаштирилган ҳолда илк бор очиқ берилган.

Профессор Ў.Мавлонов монографиялар, рисоалар ва кўплаб илмий мақолалар қаторида дарсликлар ва ўқув қўлланмалари муаллифи. У хушсухбат, очиқ кўнгил инсон, ўз атрофидагиларга самимий муносабатда бўлиб, шогирдларининг фикрлари ва нуқтаи назарига ҳурмат билан қараш қобилиятга эга.

Ўктам Мавлонов ўз қишлоғи тарихи, ўтмишдан етиб келган урф-одатлар ва маданий анъаналарини билишга ёшлик чоғидан интиланган. Ўзи танлаб олган касбига садоқат, Ватан тарихи ва маданий меросига чексиз ҳурмат билан катта олимга айланди. У кичик чўл сўқмоқларидан кенг йўлга чиқиш сирларини билиб олди, бироқ янги кашфиётлар ҳали олдинда....

## ТАНИҚЛИ ОЛИМ ВА ЖОНКУЯР УСТОЗ

Муминов А.Г.

с.ф.д., проф.,

Ўзбекистон Миллий университети

Инсон туғилганидан бошлаб изланади. Изланаверади, изланаверади. Қадамлар секинлашади, сочларга оқ оралайди, тўкилади...Аммо умр сўнггида топгани бир ҳовуч ҳам чиқмайди. Сабаби? Сабаби минг битта. Чунки бу ҳаёт.Ҳаёт йўлида топганларимизнинг барчасида ҳикмат бор. Яхшиликлар бор. Яхши инсонлар бор.Ана шундай яхши инсонлардан бири Профессор Ўктам Маҳмасобирович Мавлонов.

Кўп ҳолларда илм аҳлининг ўзаро танишуви, мулоқот алмашинуви илм даргоҳларида юзага келади. Бизнинг Ўктам билан танишувимиз эса футбол майдонида рўй берган. 90-йилларнинг ўрталарида...Хали ҳамон эсимда, футбол майдонида ёшгина йигит бизга қўшилиб тўп сургани. Мен Ўктамни тарих факультети талабаси эканлигини билар эдим. Шунга қарамай, ҳеч юзма-юз гаплашмагандик. Энг қизиғи, Ўктам одам ажратмас, ёш, талаба, ёинки ўқитувчилар командаси демасдан бизларга қўшилиб футбол ўйнарди. У ҳақиқатдан ҳам зўр тўп сурар эди.Орадан анча йиллар ўтган бўлса да, унинг футболга ишқибозлиги йўқолмаган. Эҳтимолки, Ўктам Мавлонов археолог бўлмаганида, моҳир футболчи бўлиб, шаклланиши мумкин эди.

Анатолий Сагдуллаевич Сагдуллаев тарих факультети декани бўлган бир даврда тарих, археология, этнология фанларига, илмга муҳаббати туғилган иқтидорли ёшлардан, улар қаторида Аминов Бобур, Эшов Баҳодир, Яхшиев Анвар, Татибоев Азиз, Раҳмонов Улуғбек ва яна кўплаб тарихчи, археологлар факультетда тўпланган эди. Улар қаторида Ўктам Мавлонов ҳам бор эди. Мен Ўктамни танибманки, унинг қиёфасида камдан-кам инсонларда учрайдиган ҳокисорлик, касбий фаолиятига ўта жиддий муносабат, олим сифатида ўз устида хормайдиган, танқидни кўтара оладиган шахс эканлиги намоён бўлади. Илмий-педагогик фалоиятига таллуқли бўлмаган пайтларда эса у ҳазилкаш, турли мавзуларда соатлаб гаплашадиган суҳбатдош. Асосийси, тинглашни билади, муаммоли масалаларга жўяли маслаҳатлар беради.

Бугун 60 ёшини нишонлаётган археолог-олимнинг илк илмий ва меҳнат фаолияти айнан тарих факультетида талабалик йилларидаёқ бошланган десак муболаға бўлмайди. Ўша йилларда университетга ўқитувчи бўлиб ишга қабул қилиниш кўпчилик учун осон кечмаган. Бироқ юбиляримизнинг ўткир зеҳнини англаган, илмий қобилиятини муносиб баҳолай олган факультет раҳбари Анатолий Сагдуллаевич ёш педагог шогирдлари қаторида уни ҳам ишга қабул қилади. Устоз, ҳамкасбимиз ана шундай бағрикенг, ҳамиша шогирдларини қўллайди.

Ўктам Мавлонов Ўрта Осиё археологияси ва қадимги давр тарихи бўйича йирик мутахассис. Археолог-олимнинг “Марказий Осиёнинг қадимги



йўллари: шаклланиши ва ривожланиш босқичлари” монографиясида Марказий Осиё минтақасидаги қадимги алоқа ва савдо йўлларининг шаклланиши ҳамда ривожланиш босқичларига хос хусусиятларини очиб беришга бағишланган. Шунингдек, ҳаммуаллифликда чоп этилган илмий асарлари, тарихий-маданий меросни тарғиб этувчи, маданий ёдгорликларни асраб-авайлаш заруратини ифода этувчи, оммавий ахборот воситаларида эълон қилинган мақолалари, телевидение орқали кенг оммага намоёиш этилган бир неча ҳужжатли фильмларга ёзилган сценарийлари алоҳида аҳамиятга эга. Ўктам Мавлонов фаолияти кўпқиррали бўлиб, у фундаментал олим, узоқ йиллик педагог, ижодкор, чин маънода ўткир қалам соҳибидир. Бу бежизга эмас. Негаки Ўктам шеър ёзади, шеърятни яхши кўради. Таъбир жоиз бўлса, яқинлар даврасида шеърхонлик қилади. Айниқса, Аллоҳ раҳматига олган бўлсин раҳматли Неъмат Полвонов билан гўзал ташбеҳлар ила баҳру-байт айтишувларини завқланиб тинглаганмиз. Шунини алоҳида таъкидлаш керакки, Ўктам моҳир нотик ҳам. Унинг Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат бошқаруви академиясида олиб борган фаолияти давомида академия тингловчиларига ўқиган маруза дарсларида бевосита иштирок этганман. Олимнинг марузалари ўзига хос, асосларга бой. Ўрганилган турфа маълумотларни аудиторияга мослаб содда ва ихчам тарзда, барча учун тушунарли тилда етказиб беради. Муҳтасарини айтганда, салоҳиятли олим, археолог. Археолог бўлганда ҳам тиниб-тинчимайдиган ҳилидан. Хатто ёзнинг чилласида Қашқадарё ва Сурхондарёни яёв кезиб тарихий-маданий объектларни ўрганди. Фанга янгилик бўладиган маълумотлар тўплади. Ҳақиқий илм инсонининг қўлидан келиши мумкин бўлган ишларнинг барчасини бажара олгани таҳсинга сазовор.

Ҳозирги кунда олим Мирзо Улуғбек номидаги Ўзбекистон Миллий университети тарих факультети археология кафедраси профессори лавозимида илмий-педагогик фаолиятини амалга оширмоқда. Магистратура йўналиши талабаларига махсус курслардан маърузалар ўқиб, шогирдларига илмий раҳбарлик қилмоқда. Тарих факультетининг ҳар томонлама ривожига, ўз йўналишида талаба-магистрларни етиштириш борасида Ўктам Мавлоновнинг олиб бораётган ишлари салмоқли ўрин касб этмоқда. Ишонаманки, бугун Ўктам Мавлоновдан илм олаётган, археология сирларини батафсил ўрганаётган ёшларимиздан келажакда етук олимлар чиқиши шубҳасиздир.

Ҳамкасбимиз Ўктам Мавлоновни муборак ёшлари билан табриклайман. Уларга сиҳат-саломатлик, узоқ умр, туганмас муваффақиятлар, оила ва шогирдлар ардоғида бўлишни ҳамда илмий ижодларида улкан зафарлар ҳамроҳлигини тилаб қоламиз. Изланишдан, шогирдлар етиришдан тўхтаманг!

## БАХТ ҚУШИГА МИНАЛГАН ИНСОН

Норхўрозов Қ.

*Ҳайкалторош*

*Ўзбекистон Бадиий Академияси*

Ўктам Махмасобирович Мавлонов 1962 йилнинг 19 ноябрида Қашқадарё вилояти, Чирокчи туманидаги Кўкдала совхозида жойлашган Сўфи қишлоғида туғилиб вояга етган. Ўктамнинг илмга интилувчи, маърифатли, зиёли инсон бўлиб вояга етишида оила муҳити катта ўрин тутганлигини алоҳида эътироф этишим керак.

Ўктамнинг отаси Махмасобир ака Мавлон бобонинг тўнғич фарзанди бўлиб, бизга она авлод қариндош (Мавлон бобонинг акаси Давлат бобонинг кизи Салҳа момо менинг онажоним бўлган) ҳисобланади. Илмли инсонларни кадрлайдиган Мавлон бобо катта ўғли Махмасобир акага Олий таълим олиши учун барча шароитларни яратиб берди. Махмасобир ака қишлоғимизда биринчилардан бўлиб Тошкентда институтга ўқишга кирган бахтли инсонлардан эди. Низомий номидаги Педагогика институтида филология факультетида ўқишни тугатгач, Махмасобир ака киндик қони тўкилган қишлоғига қайтиб, қишлоғимиздаги ўрта мактабда она тили ва адабиётдан дарс бериб келди. Махмасобир ака туманимизда таниқли педагоглардан бўлиб, мактаб директори лавозимида ҳам ишлади, олис қишлоқда ёш авлодга билим, таълим ва тарбия беришда фидокорона меҳнат қилиб, элу-юртнинг зиёли ва ҳурматли инсонларидан бўлиб келди.

Ўктамнинг онаси Ойшаҳар момо бизга ота авлод қариндош бўлиб, халқ оғзаки ижодидан, адабиётдан яхшигина хабардор аёл эди. Уй бекаси бўлиб, бир умр фарзандлари ва набиралари тарбияси билан шуғулланган Ойшаҳар момо тўққиз фарзанднинг бахтли онаси бўлиб, тўнғич фарзанди Ўктамнинг тарбиясига алоҳида меҳр билан эътибор қаратиб келар эди. Ўктамнинг адабиётга, тарихга қизиқишида онасининг эртақчи момо бўлгани, халқ дostonлари, маталларини қизиқарли қилиб фарзандларига етказиб бера олгани ҳам муҳим ўрин тутганлиги аниқ.

Махмасобир ака она тили ва адабиёти ўқитувчиси бўлгани сабабли уйларида тез-тез қишлоқнинг зиёлилари, ўқитувчилар йиғилишиб, шеърлар, дostonлар айтилар ва албатта шахмат тахтасида кескин «жанглар» бўлиб ўтарди. Ўктамжоннинг адабиётга қизиқиши ота мерос бўлиб, 4-5 ёшидаёқ савод чиқариб, эртақларни, халқ дostonларини, шеърларни мустақил ўқиб, ёд олиб уйдаги йиғинларда, кейинчалик қишлоқдаги тўйларда айтиб берарди. Қишлоқ аҳли бундай миттигина боланинг хотирасига, зеҳнига тасаннолар айтишар, биз катта болалар - амакилари, тоғалари унинг бу қобилиятига ҳавас билан қарадик. Мени айниқса ҳали мактабга ўқишга бормаган Ўктамжон томонидан Пушкиннинг «Поп ва Балда ҳақида қисса» номли ҳажман йирик дostonни ёд олгани ҳайратга солганди.

Мен ўша пайтларда мактабда 6-синфда ўқир эдим. Адабиётга бўлган қизиқишим, ҳавасим Ўктамжон туфайли янада кучайиб кетганди. Ўша болалик давримни эслар эканман қалбим қувончга тўлади, ўзгача бир завқ ва фахр туяман.

XX асрнинг 80-йиллари бошларида, мен Тошкентда театр ва рассомчилик институтида ўқишни тугатишим арафасида, Ўктамжон Тошкентга ўқишга келгандаёқ, бу йигит келажакда катта олим бўлса керак, деган фикр ҳаёлимдан ўтганди.

Мана орадан анча йиллар ўтди, замон ўзгарди, тизим ўзгарди, одамлар ўзгарди. Ўктам Мавлонов бугун таниқли тарихчи олим, профессор. Лекин, бугун Ўктам билан суҳбатлашиб унинг болалик туйғулари, содда ва самимийлиги йўқолмаганини кўриб қувонаман. Йирик тарихчи, профессор бўлсада шеърятга, адабий меросга, ўзбек ва дунё адабиётининг сара асарларини ўқишга, ўрганишга бўлган қизиқиши янада ортганини унинг уй кутубхонасидаги асарларни кўриб иқроп бўламан. Дунё адабий мероси билан танишлиги унинг Ватанимиз тарихини, дунё халқлари тарихини тўғри талқин қилишида, хайратда қоларли бағрикенглик туйғуларига эга бўлишида ҳам катта ўрин тутган, десам хато бўлмаса керак.

Ўтган асрнинг 90-йиллари иккинчи ярмида, биз ўз гуруҳимиз билан «Алпомиш» достонининг 1000 йиллиги юбилеи арафасида, Термиз шаҳрида Алпомишга ўрнатиладиган ҳайкални яратиш бўйича танловда қатнашиб юрган даврларимизда, Ўктамжон билан кўп суҳбатлашганман. Унинг Қўнғирот қавми, уларнинг турмуш тарзи, кийимлари, урф-одатлари ҳақида берган маълумотларини миннатдорчилик билан эсга оламан. Танлов ғолиби бўлиб, биз ясаган Алпомиш ҳайкали Термиз шаҳрида, Алпомиш боғида ўрнатилганда Ўктамжон чексиз қувонч билан биринчилардан бўлиб табриклагани ҳали ҳамон эсимда. Умуман, Ўктамжон менинг устахонамга тез-тез келиб туради, ясалаётган ҳайкалларим эскизлари билан танишиб, фикр билдириб мени янги-янги асарлар яратишга ундаб туради.

Ўктам Мавлонов бугун 60-ёшни тўлдириб турибди. Ўктамжоннинг кутлуғ юбилеи кунларида унинг болалигини эсга олдим, болалигидаги биз билган орзулари ушалганини кўриб қувониб турибман. Ўйлайманки, унинг орзулари кўп ва ҳаётда эришиши керак бўлган илм чўққилари ҳали олдинда. Аллоҳ Ўктамжонни илмини зиёда, мартабасини янада баланд қилсин, дея дуога қўл очаман.

## **ВАҚТ БИРЛИКЛАРИ ВА ЎЛЧАМЛАРИ**

**Аминов Б.Б.**

*т.ф.д., доц.,*

*Ўзбекистон Миллий университети*

Вақт замоннинг бир миқдори, у тез ўтади ва уни тўхтатишнинг ҳам имкони йўқ. Биз шу учун ҳам вақтни ғанимат билиб, унинг ҳар бир сонияси, дақиқасидан унумли фойдаланишимиз керак. Қуръони каримнинг 103 сураси

“ал-Аср” деб номланиб, унда Аллоҳ таоло аср билан қасам ичиб ушбу сурани бошлайди ва бунда вақтни бекорчи, кераксиз ва фойдасиз ишлар, амалларга сарф қилмаслик ҳақида хабар беради ва вақтни фойдали, солиҳ амалларга сарфлашга ҳамда тақвода бўлишга даъват қилади. Абу Саъид Абу-л Хайр бир шеърида “Дунё иши учун юз вақтинг бўлса, гўр фикри учун ҳам бир сония вақт топишинг лозим” деган. *Мавлавий ҳазратлари*

صوفى ابن الوقت باشد اى رفيقتيست فردا گفتن از شرط طريق.

“Эй дўст сўфий инсон вақтнинг фарзанди, яъни вақтни ганимат билгувчи ва эртага ишни бошқага ҳавола қилиши ва вақтни қўлдан бой бериши орифлар тариқатининг шартларидан эмас”. – деганлар. Вақт ҳақида бошқа орифлар, аҳли уламо, донишмандлар ўз фикрларини ёзганлар ва булар барчаси бизларни вақт хусусида алоҳида фикр-мулоҳаза қилишга ундайди.

Вақт бирликлари ва ўлчамлари бўлган сониялар, дақиқалар, соатлар, кунлар, ойлар-у йиллар дўстимиз Ўктам ака Мавлоновни билдирмасдан 60 ёшга етказиб қўйди. Бу улуғ ёш ва сарҳисоб қилинадиган бир палла. Бу ёғига вақтни ва умрни солиҳ амаллар, фойдали ва унумли ишларга сарфлаш лозимлигини режалаштириш керак.

Ўктам Мавлонов 60 ёшга кираётган экан, шунинг 37 йили бизнинг ўзаро дўстона муносабатлар замирида кечди. Чунки дўстлик, ўртоқлик ва садоқат ҳаёт заруриятларидан, эҳтиёжларидан ва шу дўстона муносабатлар туфайли инсон дунёда хайр-у баракага етишади. Мана шу 37 йиллик дўстлик даври ҳар биримизнинг хотирамизда ёрқин из қолдирган ва албатта биз ўтмишимизни доим эслаб турамыз ва ундан ўзимиз учун фойдали бўлган нарсаларни оламыз.

Ўктам ака Мавлонов кўнгли очик, саҳий ва самимий инсон. Буни кўпчилик яхши билади. Қўли очиклиги, суҳбатдошликка мойиллиги ва оддий инсонлиги сабаб бўлса керак, унинг яқин дўстлари, таниш билишлари кўп. У барча билан тил топишади, хорижий тилларни билмаса-да, инглиз билан инглизча, япон билан японча, француз билан французча мулоқот қилишни эплай олади.

Ўктам Мавлонов шеърият шайдоси. Кайфияти кўтарилиб қолса борми, тилидан, лафзидан ажойиб назмий сатрлар чиқади. Филолог бўлганида, эҳтимол ундан яхшигина шоир ҳам чиқиши мумкин эди. Навоий, Ҳофиз, Саъдий, Мавлоно Румий, Рудакий ва бошқаларни жон дилидан яхши кўради. Мазкур буюк даҳоларни шеърларини ёд олишдан кўра, уларнинг мазмун-моҳиятини англашга ҳаракат қилади. Имкон қадар классик шоирларнинг шеърларидан парчаларни хотирасида сақлашга ва уларни давраларда айтиш ва шу йўл билан кўпчиликни назмдан хабардор қилишга интилади. Биз биргаликда Қашқадарёда археологик экспедицияда юрганымизда, Хожа Илғордаги 16 асрга мансуб қабртошларидан бирида бир марсия учраган ва у

форс-тожик тилида бўлиб, шуни мен тош битикдан ўқиган пайтимда бу байтлар Мавлоновнинг хотирасида муҳрланиб қолган:

*Ҳар ки омад ба жаҳон, аҳли фано хоҳад шуд.*

Дўстимиз шоир табиат инсон бўлиши билан бир қаторда, спортга, унинг азарт турларига ҳам қизиқади. Шулардан бири миллионлар севимли ўйини - футболдир. Футбол Ўктам акамизнинг жонидили. Хориж клублари орасида унинг севимли командаси "Барса" бўлса, мамлакатимиздаги севимли командаси "Насаф"дир. Агар шу икки клуб ўзаро учрашиб қолса борми, Ўктам акамизнинг қайси бирига ёнбосишини энди тасаввур қилиб кўринг. Албатта футболга ошиқ акамиз Қаршининг "Барса" клуби ва Испаниянинг "Насаф" клублари ўртасидаги ўйин дуранг тугаши тарафдоридир.

Ўктам акамизнинг ўзлари ҳам тўпсуришни хуш кўради. Аммо негадир уларнинг тўп суришлари номунтазам бўлиб қолганидан бўлса керак, организмнинг горизонтал ривожини биров интенсивлашган. Лекин, шундай бўлишига қарамай, Ўктам ака имкон топиши билан майдонга тўп суришга ошиқади. Ҳеч бўлмаганда бир марта бўлса ҳам оёқни тўпга теккизсалар, бу бир олийжаноб мақсадга эришишнинг намунасидир.

Талабалик йиллари бизлар биргаликда Қашқадарё археологик топографик экспедиция (КАТЭ) амалиётида иштирок этганмиз. Бу ажойиб ўзига хос талабалик йиллари хотирамизда яхшигина муҳрланиб қолган. Экспедициямиз учун шийпондан жой ажратилар ва биз шу бинонинг турли хоналарига жойлашиб олар эдик. Ўктам ака, мен Самиддин ва Слава Шиндин бир хонада алоҳида алоҳида кроватларда ётар эдик. Самиддин шўхлик қилса, Ўктам ака китоб ўқир ёки уйқуни яхши кўрганидан ҳеч нарсага эътибор қаратмасдан дунё ғамидан озод уйқуга кетар, Слава эса Самиддинни шўхлигидан ғудурлаб-ғудурлаб ўз норозилигини билдириб турар эди. Самиддин эрта саҳарда туриб бировнинг шими, кўйлаги ёки яна бирор бир нарсасини бекитар ва билмаганга солиб ўз ишини давом эттираверарди. Баъзида Самиддин бир хонадагиларнинг кийими, иштонини олиб бошқа бир хонадагилар кийим бошига алмаштириб қўяр ва шу ҳазил мутойибаси билан дўстлар орасида машҳур бўлиб кетган эди. Бировнинг иштонини, бошқа бировнинг эса кўйлаги, яна бировнинг эса бош кийимини қидириб юргани одатий ҳолга айланиб қолган эди. Агар Самиддин шийпонда навбатчилик қилса борми, ҳар биримизни кўрпа тўшакларимиз орасига қазини ишлари натижасида чиққан сопол бўлаклари ва парчаларини, ёки кўрпачамиз, тўшакларимиз ўрнига газеталарни кўрардик. Ўктам ака ҳам бир неча маротаба шунақа вазиятга тушиб қолган ва Самиддин яқин дўсти бўлганлигидан ўзининг ажойиб кулгиси билан жавоб берган.

Узунқирда қазув ишларида бўлганимизда, шу ёдгорликнинг ёнида жойлашган ва давлатга қарашли узумзордан узум териб келиб тушликда узум истеъмол қилардик. Узумларни танлаб териб олишда Самиддинга тенг

келадигани бўлмас эди. Бир маротаба Ўктам акани узум теришга жўнатганмиз. Кўкдалада узум бўлмаганидан бўлса керак, Ўктам ака узумнинг фарқига бормасдан вино сорти учун ишлатиладиган узумдан бир челак териб келган ва Самиддин: “Э жаноб Мавлўнуф, сиз узумни фарқига борасизми ёки йўқми? Бу қанақа узум териб келдингиз. Буни еса бўларканми? Энди буни ўзингиз ейсиз?”- дея ҳазиллашган. Шунда Ўктам акамиз: “Нима қипти ҳаммаси ҳам узумда” – деб жавоб берган. Самиддинни гапига парво қилмай ўзи териб келган узумларни ўзи паққос туширган. Шундан сўнг Ўктам акани экспедиция узум териш масъулиятдан озод қилган.

Шунингдек биз қазиш ишларидан ташқари Қашқадарё диёрининг айрим қишлоқлари, туман марказлари, шунингдек Шаҳрисабз, Қарши шаҳарларини ҳам томоша қилишга ошиқардик. Ўктам аканинг илтимосига биноан археологик экспедиция раҳбари бизнинг гуруҳимизнинг Кўкдаладаги Сўфи қишлоққа боришимизга рухсат берган. Гуруҳимизда сурхондарёлик Ўткир деган йигит меҳмонга боришга алоҳида тайёргарлик кўрган. Унинг Финляндияда ишлаб чиқарилган костюм шими бўларди. У шу либосини кийди ва биз аввалига енгил машинада, ундан кейин юк машинасида Ўктам аканинг қишлоғига равона бўлдик. Сўфи қишлоққа етаклаб борувчи йўл асфальт ётқизилмаганлигидан юк машинасининг усти очиқ юкхонасида турганимиз сабабли ҳамма ёғимиз чанг босиб кетган. Оддий кийинганимиз сабабли бунга парво қилмасак-да, фин костюм шимидаги Ўткирвой дўстимиз авзойи бузилди ва ҳар замонда либосини тозалашга тушди. “Эй Ўктам ака сиз бизни қаерга олиб келдингиз. Бу импорт костюм-шимнинг аҳволини қаранг, нима бўлди?”- деган саволига Ўктам акамиз яна хотиржам кулгиси билан жавоб берган. Аммо Сўфи қишлоқ аҳли Ўткирвойни кийими ва либоси қандай бўлишидан қатъий назар бир олийжаноб инсон сифатида кутиб олган ва меҳмон қилган. Бундан ташқари биз бу ерда ажойиб футбол томошаси ҳам кўрсатганмиз. Ўшанда Сўфи қишлоқнинг футбол майдони машҳур Мараканага нисбатан икки баравар катта бўлган. Тўп оёғингизга илиниб қолса, хоҳлаган томонга олиб қочишингиз мумкин, агар чопағон бўлсангиз ҳеч ким сизга етолмаса, сиз Сўфи қишлоқ бўйлаб тўпни айлангириб, тўри ва устунлари йўқ дарвозага беҳижолат гол киритасиз. Ўктам акани оиласидагилар барчаси футболга ишқибоз ва ҳаммаси тўп тепади.

Талабалик йиллари археологлар ва санъатшуносларни Югославия ва Македонияга 20 кунлик амалиётга жўнатишган. Ўшанда мен, Ўктам ака, Самиддин, Асқаров Қаҳрамон ва санъатшунослардан 4 қиз, ўқитувчилардан Наталья Самойленко ҳамда Абдухалил Раззоқовлар ҳамроҳлигида биз Тошкентдан Москва орқали Югославияга жўнаб кетганмиз. Асосан Македония республикасидаги археологик объектлар, меъморий бинолар, музейлар, олий ўқув юртларидан ташқари бу ерлардаги дам олиш

масканларида ҳам ҳордиқ чиқарганмиз. Кўкдалада ўсиб улғайган Ўктам ака Охрид, Преспа каби кўлларда сузишни ўрганди. Сузишни Ўктам акага сузиш санъатини биладиган санъатшунослар ўргатган. Сузиш сир асрорларини ўргангандан кейин Ўктам акамиз сувдан чиқмасдан кун бўйи сув ичида қолиб кетадиган бўлган. Охир оқибат ватанга қайтишни эслатганимиздан кейингина сувдан чиқишни лозим топган.

Ўктам ака Мавлоновнинг талабалик йилларидаги ғалати одати, яъни уйқучилиги сабаб бўлса керак, уларнинг лафзидан янги ҳикоя, қиссаларни тез-тез эшитиб турардик. Бу уйқусидаги тушга асосланиб асар яратувчи ёзувчи Брэм Стокер ижодини эслатади. Афсуски Ў.Мавлонов шу иқтидорини ривожлантирмади, йўқса яхшигина асарлар унинг қаламига мансуб бўлиши турган гап эди. Баъзида уйқучиларда дангасалик ҳам ҳукмронлик қилса керак.

Талабалик йиллари билан боғлиқ яна бир нарсани эслатиб ўтиш лозим, у ҳам бўлса, Ўктам акага омаднинг кулиб боқишидир. У ҳамма қатори имтиҳонларга кўп тайёргарлик кўрмас эди, яхшигина дам олиб ва ухлаб, сўнгра имтиҳонларни яхши ва аъло баҳоларга топшириб чиқиб кетар эди. Унга омад кулиб боқилишининг яна бир нишонаси футбол ўйинига кириб, футболга олинган билети бор лотереяда Ваз Жигули машинаси ютганидир ва бу ютуқ оддий бир талаба учун олам олам қувонч келтирган. Мана шу Жигули машинаси билан бизлар кўплаб экспедициялар, саёҳатларни бошдан кечирганмиз. Айниқса ТошДУ тарих факультетида ишлаган пайтимизда мазкур машина жуда катта хизматлар қилган ва у бизнинг хотирамизда ёрқин из қолдирган.

Олдин Олой бозори, ундан сўнг Сквер ва ниҳоят Хадра майдонига кўчган кўчманчи тарих факультетидаги ишларимиз оғир бир қийинчиликлар ва машаққатли даврга тўғри келган. Зиддиятлар ҳамда қарама-қаршиликлар бўлишига қарамай, шундай оғир ва қийин довонни ҳам биргаликда босиб ўтганмиз. Молиявий муаммолар бўлишига қарамай ўтган асрнинг 90 йиллари археологик экспедициялар уюштирилган, айнан шу даврларда Ўктам аканинг номзодлик диссертацияси ҳимоя қилинган. Ўша пайтлар биз ҳам археологик ҳам эпиграфик экспедициялар уюштириб турар эдик, Қашқадарё, Бухоро ва Сурхондарёга ҳам илмий ишлар, ҳам меҳмондорчилик сафарларида бўлганмиз. Бу ерлик талабалар билан бўлган илиқ муносабатларимиз туфайли бу экспедицияларга, илмий ишлар ва ўқув ишларимизга яхши ва ижобий таъсир кўрсатган.

1992 йилги талабалар шаҳридаги воқеалардан сўнг биз ёш ўқитувчиларни вилоятларга дарс беришга жўнатишар эди. Сурхондарёга борганимизда бизга талабалар ётоқхонасида жой ажратишган. Талабаларимизни топиш қийин бўлганидан мажбуран шу ерда қолиб кетганмиз. Аммо ётоқхонага кириш эшигини кечаси қулфлаб кетишар экан

ва бу ярим кечаси айрим қийинчиликларни юзага келтирган. Шундай бўлишига қарамай, омадли Ўктам акамиз муаммони ечимини топа олган.

Ўктам ака Мавлонов билан бошимиздан кечирган воқеа-ҳодисалар ҳақида ёзиладиган бўлса, у кўп қоғоз ва сатр талаб қилади. Келинг, уни Ўктам аканинг кейинги юбилейига қолдирайлик. Ўшанда, балким бафуржа суҳбатлашармиз.

## СЕРҚИРРА ОЛИМ ВА ФИКРИ БУТУН ИНСОН

**Яхшиев А.**  
*т.ф.н., доц.,*  
*Фискал институти*

Айни пайтда тарих фанлари доктори, профессор, таниқли олим Ўктам Мавлонов билан қачон ва қандай вазиятда танишганимни, ростки, эслай олмайман. Аслида ўтган асрнинг саксонинчи йиллари биринчи ярмида ўша пайтдаги ТошДУнинг тарих факультетида олдинма-кетин ўқиганмиз. Бошқа курсларда ўқийдиган талабалар орасида фақат ётоқхонада яшайдиганларини яқиндан билардим, қолганларини эса шунчаки танирдим. Афтидан, Ўктам Мавлонов ҳам ётоқхонада яшамаган, адашаётган бўлсам маъзур тутасизлар. Аммо, хонаси келганда айтиш керакки, ётоқхонада яшамаган ва пахта теримида иштирок этмаган талаба талабаликнинг чинакам руҳини ҳис эта олмайди, бу туйғуни фақат бошдан кечирганларгина билади, холос.

Хуллас, факультетда танаффуслар пайтида кўришиб юрардик. 1986 йили ўқишни тугаллагач, мен бир муддат турли ташкилот ва муассасаларда фаолият олиб бордим. 1991 йилнинг сентябрида устозим Анатолий Сагдуллаевич мени ТошДУнинг тарих факультетига ишга таклиф этди. Шу кезларда факультет жамоаси ёш ва истиқболли кадрлар билан тўлдириляётган экан. Мен ишга келганда Ўктам Мавлонов ҳам ана шундай ёшлар сафида факультетда фаолият олиб бораётган ва анчайин ўрнини топган, эътиборга молик педагоглар сафидан жой олишга улгурган эди. Яқиндан танишиб, ҳамсуҳбат, ҳамфикр ва ҳаммаслак бўлишимиз айни шу даврлардан бошланган.

Факультетнинг умидли ёшлари орасида Ўктам Мавлонов биринчилардан бўлиб номзодлик диссертациясини ёзиб тугаллади. Номзодлик ишига раҳбарлик қилган устози русийзабон бўлгани учун бўлса керак, мустақилликка эришилган бўлса-да, диссертациясини рус тилида ёзиб, рус тилида ҳимоя қилган. Ўша пайтда Ватан тарихи бўйича Ихтисослашган Кенгаш факультетда фаолият олиб борарди ва унга айни пайтда марҳум бир олим раҳбарлик қиларди. Бу пайтга келиб Ўктам Мавлонов билан анча қалин биродар бўлиб улгурган эдик ва кўпчиликка айтилмайдиган айрим муаммоларини ҳам мен билан ўртоқлашарди. Диссертация иши анчайин пухта ёзилган ва тадқиқотчи уни ҳар қандай вазиятда ва исталган саволга



тўлақонли илмий жавоб берган ҳолда, ҳеч муаммосиз ҳимоя қилиш даражасида олим бўлиб шаклланган ва ўз мавзусининг пухта билимдони эди. Аммо Илмий Кенгашга ишини тақдим этса, Кенгаш раиси диссертациясида камчиликлари борлигини писанда қилибди. Биродаримиз, соддалик қилиб, айнан қанақа камчилиги борлигини сўраган экан, раис жаноблари ҳовли кураётганлигини ва уни битказиш учун 2 минг дона пишган ғишт етишмаётганлигини, диссертациянинг ҳам шунча камчилиги борлигини сира тап тортмасдан ва уялмасдан айтибди. Бу ўта кетган адолатсизлик ва зулм эди аслида. Чунки, такрор айтаман, иш юқори савияда ёзилган ва юксак баҳога лойиқ диссертация эди. Аммо устасига барибир экан. Қозончининг ҳаққи бор, қаердан қулоқ чиқарса, деганларидек, таъмагир раис учун ишнинг савияси мутлақо аҳамиятсиз бўлиб, унинг рухсатсиз ҳимояга чиқиб бўлмасди. Биродаримизнинг инсонийлигини қарангки, бемалол ҳаққини талаб қилиб, раиснинг устидан шикоят қилса, уни обрўсизлантириб, ишдан четлаттирса ҳам ҳеч ким уни айбламасди. Бу пайтга келиб Ўктам мустақил фикрга эга олим сифатида анчайин танилган ҳамда унинг илмини тан оладиган ва уни қўллайдиган устозлар Кенгаш таркибидаям, факультетдаям талайгина бор эди. Бироқ у бошқача йўл тутди. Очик порахўрлик қилаётган бўлсаям, ёши улуғ, фан доктори, профессор даражасига эришган бир инсонни ёмонотлик қилишни ўзига эп кўрмади. Қарз эвазига 2 минг дона пишган ғишт сотиб олиб, Кенгаш раисини уйига жўнатди. Шундан кейингина ҳимояга рухсат тегди, аммо ишнинг бирор жойига қалам теккани йўқ, чунки раис Ўктам ёритган мавзуни нафақат камчилигини топа олишга қодир, ҳатто мавзунинг моҳиятини тушунишга ҳам қуввайи ҳофизаси торлик қиларди аслида.

Биродарлик шу даражада эдики, сир эмас, ўша кезлари кўпчилик, айниқса мен анча-мунча қашшоқликда яшардим. Уйимда ҳатто телевизорим ҳам йўқ эди. Сира эсимдан чиқмайди, гарчи аниқ йили эсимда йўқ, янги йил арафасида Ўктам биродарим қишлоғига ота-онасини зиёрат қилгани оиласи билан кетадиган, мен эса янги йилни пойтахтда қаршилайдиган бўлдим. Биродарим кетаётиб, уйдаги телевизорини менга қолдириб кетган. Ўша кезлари янги йилни ҳамма орзиқиб кутар, негаки, энг яхши теледастурлар айнан янги йилда намоёиш этиларди. Ўзининг мулкани вақтинча бўлса-да, биродарининг манфаатини ўйлаб, у билан баҳам кўришдай тантилик, менимча, унча-мунча инсоннинг қўлидан келмайдиган саховат бўлса керак.

Ўктам Мавлоновнинг ажойиб хислатлари бисёр. Энг муҳими, у киришимли инсон ва одам айирмайди. Ҳар қандай табиатли одам билан ҳам дўстона муомала қила олади. Душмани борлигини эслолмайман. Масалан, мен ўзим ҳаммани бирдай ёқтиришни сира эпллолмайман, таъбимга ўтирмаган одамни жиним суймайди, зўрма-зўраки муомала қила олмайман, кимнидир ёқтирмасам, афту ангоримдан атрофдагилар ҳам буни дарҳол пайқашади. Биродаримизга келсак, дўстлари ёқтирмаган инсонлар билан ҳам апоқ-чапоқ, очилиб муомала қила олади, ҳатто устози суймайдиган ва узоқроқ юришни очик маслаҳат берган, эслаганда ғашланиб гапирадиган

инсонлари билан ҳам Ўктам алоқани узмайди ва дўстликка сира хиёнат қилмайди. Шу боисдан биродаримизнинг дўстлари ниҳоятда кўп.

Бир неча бор туғилиб ўсган қишлоғида, ота ҳовлисида меҳмон бўлганмиз, раҳматлик отаси билан анча ҳамсуҳбат бўлганман. Касби ўқитувчи, содда ва самимий инсон эди. Пойтахтда ўз ўрнини топиб кетган ўғиллари билан бир ота сифатида ҳақли равишда фахрланарди. Айниқса, Панжи ака деган бир қариндоши сира эсдан чикмайди. Раҳматлик ўзи рус тили ўқитувчиси, қишлоқнинг зиёли ва зиё тарқатувчи инсонларидан бири эди. Қуввайи ҳофизаси кенг, ҳазил ва мутойибани кифтини келтирадиган, даврадагилар ва меҳмонларни сира зериктирмайдиган дилкаш, суҳбати жонон, хушчақчақ инсон эди. Қишлоғига меҳмонга борсангиз, охириги куркасини сўйиб бўлсаям, албата шоҳона зиёфат берарди, беғараз ва қалби дарё инсон эди.

Ўктам биродар билан хориж сафарларидаям бирга бўлишга тўғри келган. Жанубий Кореяда, Россия Федерациясининг Москва, Санкт-Петербург шаҳарларида сафарда бўлганмиз, сафарлар чоғи ҳамхона бўлиб яшашга тўғри келган. Дилтортар суҳбатлар қурилган, шу жараёнда илм-фан муаммолари ҳам теран таҳлилдан ўтказилган, баҳс ва мунозаралар анчайин куюқ бўлган. Москвадалик чоғимизда Ўктам биродар Геродотнинг “Тарих” китобини варақлаб, “Октамисада” деган жумлага дуч келибди. Бу туркий атама бўлиб, Ўктам шод, яъни саркарда, ўн минг кишилик кўшин кўмондони деган маънони англатарди. Туркийлар тарихининг чинакам жонкуяри бўлган олим бундан қанчалик шодланганини сўзда ифодалаш қийин. Бу чиндан ҳам шунга қадар ҳеч ким эътибор қилмаган илмий кашфиёт эди.

Эринмасдан, дам олиш кунлари Москвадан Санкт-Петербург шаҳрига саёҳатга бориб келардик. Музейлар, саройлар, ибодатхоналар, умуман тарихий жойларнинг анчасини томоша қилганмиз. Бир гал Третьяков галереясида бир суратга дуч келиб қолдик, ким чизганлиги ҳозир эсимда йўқ, аммо номланиши “Завтрак аристократа”, яъни “Аслзоданинг нонуштаси” деб аталарди. Кенг ва шинам хона, ўртада стол, стол атрофига аслзода ёлғиз нонушта қилишга ўтирган, стол устида эса ликобчада 4-5 бурда қора нон билан, бир стакан сут тасвирланган. Бор-йўқ нонушта шундан иборат. Яна полда кўзини мўлтиратиб, нонуштадан умидвор ит ҳам ётибди. Буни кўриб биз роса ажабландик ва аслзоданинг нонуштаси шу қадар қашшоқ бўладиган бўлса, унда оддий халқ нима еган экан, деган руҳда рус тилида ўзаро фикрлаша бошладик. Чунки Москвада ўзбекча гаплашиб, ҳаммани диққатини тортмас-лик учун жамоат жойида, одамлар орасида русча гаплашишни маъқул кўрар-дик. Бир пайт қарасак, ортимизда катта оломон йиғилган, барча томошабинлар қолган суратларни кўйиб, шу сурат атрофига тўпланган ва ҳамма бу суратни энди кўраётгандек ҳайратини яшира олмас, қизгин муҳокама эса давом этарди. Рассомнинг асл мақсадини юртга қайтгандан кейин санъатшунос мутахассис-лардан билиб олдик. Аслида бу аслзоданинг зикналигига шаъма экан, фақат нонуштани уйида қилиб, шоҳона тушлик ва кечки зиёфат бошқаларнинг ҳисобидан уюштирилган экан, нонушта ўз

ҳисобидан бўлганлигидан шунақа камчиқим нонушта қилар экан тасвирдаги аслзода.

Биродаримизнинг Ватанга садоқати ва эҳтиёткорлигиям таҳсинга лойиқ. Сиёсий масалаларни танқидий муҳокама қилишдан ўзини тия олади. Даврада эҳтиросга берилиб, сиёсий жараёнларга бир томонлама танқидий муносабат билдирадиган ҳамсуҳбатларни эса босиқлик, мулоҳазакорлик ва вазминлик билан, рад этиб бўлмайдиган қарши далиллар келтириб, шаштидан тушира олади ва даврадаги кўпчиликнинг фикрини холис ўзанга буриб юбора олиш қобилиятига эга. Табрик айтадим, тилак айтадим, ҳар қандай вазиятда фикрларини мантиқ занжирига тера олади, фикри бутун инсон, шунчаки номига гапириш ва олди-қочди гаплар биродаримизга ёт, ҳамиша салмоқли фикрлар айтади ва одамларни ишонтира олиш қобилияти анча сайқал топган.

2005 йил ўрталари эди, Андижон воқеаларидан сал ўтиб Россияга хизмат сафарига борганмиз. Китоб дўконларидан биридан биродарим Андижон воқеаларига бағишланган китоб харид қилди. Меҳмонхонада мен ҳам китобни варақлаб чиқдим, аммо батафсил ўқишга улгурмадим. Китоб анчайин салмоқли, унда келтирилган далиллар ва баён этилган воқеалар тафсилоти, гувоҳларнинг кўрсатмалари Ўзбекистоннинг расмий позициясидан кескин фарқ қиларди ва анчайин танқидий руҳда, воқеаларга фожиали тус берилиб, давлатнинг ва ҳуқуқ-тартибот органларининг тутган йўли буткул қораланиб ёзилган эди. Бажарилиши керак бўлган топшириқ ва ўқийдиган бошқа нарса кўп бўлганлигидан, Ватанга боргандан кейин ўқийман, деган ўй билан китобни эгасига қайтариб бердим. Аммо шу китобни кейин қайта кўриш насиб этмади. Ватанга қайтиб келгандан кейин бир неча бор эслатишимга қарамасдан, биродарим турли важлар билан китобни менга ўқишга бермади. Бошда сал ранжидим. Аммо чуқур мулоҳаза қилиб, бунинг сабабини англагандек бўлдим. Ўктам Мавлонов Ўзбекистонда расмий хабарларга зид маълумотлар тарқалишини ва одамларда иккиланиш юзага келишига сабаб бўлиб қолишни хоҳламаган. Агар шу китоб бошқа бир эҳтирослироқ кишида бўлганида, ҳеч иккиланмасдан барча танишларига ўқитган бўларди, балки. Биродаримизнинг узоқни кўзлаши ва Ватанга садоқати ана шундай ўринларда ўзини яққол намоён этади.

Ўктам Мавлонов шеърят шайдоси, фалсафий шеърлар замиридаги болиғ маъноларни чуқур англаш ва ҳис қилиш туйғусига эга. Ҳатто баъзан ўзи ҳам шеър ёзса керак, деган хаёлга бораман, аммо шеърларини кўрмаганман. Футбол ва шахмат ишқибози ва яхшигина шахматчи ҳам. Биродарим анчайин меҳригиёси бор инсон, гап шундаки, аввалдан эътиборимни тортган, Ватанда бўладими, Жанубий Кореяда бўладими, Россияда бўладими, атрофидан қизлар айрилолмасдан қоларди ва бу хусусият ҳозирги ёшида ҳам уни тарқ этмаганлигига кўп бор гувоҳ бўлганман. Қуввайи ҳофизасининг кенглиги ва хушмуомалалиги ҳам бунинг сирларидан бири бўлса керак, ҳойнаҳой.

Қарангки, кечагина йигирмадан ошган қирчиллама ёшда эдик. Мана, бугун биродаримиз 60 ёшни қаршилабди. 5-6 ойлик фарқ билан ортидан мен

хам қувиб бораяпман. Илгарилари 60 яшар инсон кекса чол бўлиб кўринарди, аммо ҳозирги кўз билан қарасам қирчиллама бўлиб кўринади, албатта, ёшлар наздида биз ҳам анчайин кеса чол бўлсак кераг-у, аммо одам ўзи шуни ҳис қилмас экан, ҳар ҳолда менга шундай туюлади. Хуллас, дўстимиз Ўктам Мавлонов йиллар давомида тўпланган билимлар қаймоғини энди тўкиб-соладиган, илми ва ижоди энг гуллаган, авлодларга мўлжалланган фикрлар шодасини китобга жамлайдиган навқирон паллада ҳозир. Ана шу йўлда унга сиҳат-саломатлик, қалб хотиржамлиги ва фикр теранлигини тилаб қоламан. Айтадиган хотиралар ниҳоятда кўп аслида, аммо ҳали кейинги юбилейлариям борлигини назарда тутиб ва ўшаларда ўзим ҳам иштирок этаман ва қолганини ҳали айтишга улгураман, деган катта умид билан сўзимни шу ерда мухтасар қиламан ва дўстим ҳамиша Аллоҳ паноҳида бўлишини, Аллоҳим биродаримни сира Ўзидан бегона қилмаслигини тилаб қоламан.

## ҚАДРЛИ УСТОЗИМ ЎКТАМ МАВЛОНОВГА ЧИЗГИЛАР

**Нажимадинов Р.**

*Тошкент давлат иқтисодиёт университети*

Инсонлар бўладик, ўзининг комиллиги, меҳнатсеварлиги, фидойилиги, бағрикенглиги, ватанпарварлиги, дилкашлиги, одамохунлиги, оилапарварлиги, фикрлаш доирасининг теранлиги, юксак дидлилиги ҳамда ўзига хос дунёқараши билан бошқалардан ажралиб туради.

Юқорида қайд этган фазилатларни ўзида тўла маънода мужассамлаштирган эл ардоғидаги инсон бу эндигина 60 ёшни нишонлаш арафасида турган устоз Ўктамжон акадир.

Ўта маънавиятли, фикрлаш диапазони кенг бўлган, ота-оналар бағрида таваллуд топган инсон - ёшлигиданоқ зийраклиги, воқеа-ҳодисаларга қизиқувчанлиги билан оиладаги фарзандлар ичида, қавм-қариндошлар, тенгқурлари ичида, қолаверса ўзи истиқомат қилаётган маҳалладаги эл оғзига туша бошлади. Ўрта мактабда ўзининг тиришқоқлиги, изланувчанлиги, тарихга қизиқиши ва меҳнатсеварлиги билан педагоглар жамоаси ҳамда устозлар назарига тушди. Тарихий, бадий, шеърӣ адабиётларни, илм-фанга бағишланган рисолаларни кунт билан ўрганди. Бошқаларда учрамайдиган, ноёб қобилият эгаси бўлган устоз Ўктамжон акага хос бўлган фазилатлардан бири ундаги универсализм ҳамда прагматик тафаккурнинг юқори даражада эканлигидир. Фикримизнинг исботи сифатидаги қуйидаги мисолларга эътиборни қаратайлик:

*биринчидан*, у киши, оилапарвар бўлиб, ота-онасининг дуосини доимо ва ўз вақтида ола билишга вақт топа олиб, уларнинг нозик қалбига йўл топа билганлиги, *иккинчидан*, оиласи, фарзандларининг комил инсон бўлиб етишишлари учун тўхтовсиз ғамхўрлик қилиш билан бирга уларни одамохун ва ватанпарварлик руҳида тарбия этиши,*учинчидан*, у киши ташкилий

ишларда жуда фаол бўлиб, бутун фаолият жараёнига тизимли ёндошиб, уларнинг ечимини зафарли тарзда топа билиши. *Тўртинчидан*, публицистика, яъни тарихий, ахлоқий - сиёсий мавзуларда ўта зарур йўналишларда 20 га яқин асарларни дунёга келтириб (мени билганим), нашр эттириб, Республикамиз тарихий ва маънавий тараққиётига муносиб ҳисса қўшиб келиши. *Бешинчидан*, тарихчи олим сифатида кўплаб монографиялар, дарслик ва ўқув қўлланмалар яратиб, қатор хорижий мамлакатлар ҳамда республикамизнинг ОАК томонидан эътироф этилган илмий журналларида фаолият кўрсатиб - илм фан хазинасини ва тарихини янги дурдоналар билан бойитиб келиши каби фазилатлар ва қобилиятларга эга инсон деб биламан. У кишидаги универсализм - фаолиятининг юқорида қайд этганимиздек серқирралиги, кундалик барча жараёнлар ва ҳолатларга вақт топиб, ёндошувларда ёрқин ифодаланишидир. Устозимиз Ўктамжон ака 8 соатлик иш давомийлиги фаолиятида, халқаро, республика ва ҳудудий миқёсидаги тадбирларда ўзига хос жонбозлик кўрсатиб фаолият юритадилар. Ҳозирги кунда, устозимиз республикасининг турли жабҳаларида меҳнат қилишга ҳаракат қилаётган ёш авлодни ўқитишда - ўқув жараёнларини юқори даражада ташкил этишга, улардан обрўли, истеъдодли мутахассисларни тайёрлаш асосида назарийлик ва амалийлик диалектикасига прагматик ёндошиб - эл ардоғидаги инсон даражасида зафарли фаолиятни давом эттирмоқда. Устоз Ўктамжон ака изланишдан, ижоддан, ташкилий фаолиятдан ҳеч қачон чарчаманг! Сизни она Ватанимиз тараққиёти йўлидан соғ-саломат юришингизни, ҳеч қачон чарчамаслигингизни, шундай довлонлардан бир нечтасини завқу-шавқ билан ўтишингизни чин дилдан иштаймиз!

## УСТОЗГА ДИЛ ИЗҲОРЛАРИМ

**Мирзаев Д.**

*Ўзбекистон нодавлат номижорат  
ташкilotлари миллий ассоциацияси*

Бу инсон ҳақида фикр билдирар эканман аввало, бир жиҳатида алоҳида эътибор қаратиб, ўз мулоҳазамни айтиб ўтмоқчи эдим. Инсон ҳаётга келиши, ҳаёт кечириши, маълум бир орзулар қилиши, унга етишиш йўлидаги қийинчиликларни, муаммоларни енгиб ўтиши даврида характери шаклланиб борада деб ўйлайман. Шунингдек, инсоннинг ички дунёси, билими, илми, фикр ва мулоҳазалари ўша характерида хос бўлишини таъминлайди.

Устознинг Қашқадарё вилоятидан Тошкент шаҳрига илм излаб келишлари давридаги ҳаракатлари, устозлар хурматида эга бўлишлари, дўстлар ўртасида хурмат топишлари, шоғирларнинг эъзозидан бўлишлари аввало, бу инсоннинг характерида инсонийлик, меҳрибонлик, самимийлик ҳислатларини юқори даражада шаклланишига сабаб бўлган деб ўйлайман.

11 йилдан ортиқ бўлибдики, Устозни яхши танишга уларнинг харкатерни яқиндан билиш имконияти эга бўлдим. Очиғини айтман устознинг инсонийлиги ҳислати барча шогирдлар учун асосийси, ҳар дойим шогирларнинг кўнглига йўл топа олиши, уларнинг ўз тилида гаплаша олишидир. Бу эса, шогирларнинг дилда устозга нисбатан ўзига хос ҳурмат ва иззатни шакллантирган.

Устознинг ҳар бир дўстлари ва шогирларининг муаммолари, ютуқларидан хабардор бўлишлари, ўз вақтда улар билан доимий алоқаларни ушлаб туришлари энг асосийси ўз беминнат эгзу масалаҳатларини бериб боришлари ўйланмаки, уларнинг меҳрбонлик, самимийлик ҳислатларини юқори даражадалигидадир.

**Ҳурматли Устоз Ўктам ака,**

Сизнинг таввалуд аёминиз билан табриклайман. Дойим эл, дўстлар ва шогирдларингиз ардоғида бўлиб юринг. Мамлакатимиз тарихини дунёга кўрсатиш йўлида қилаётган улкан хизматларингиз эътироф этилиши бардавом бўлишини тилаб қоламан. Юртимиз келажаги бўлган навқирон авлод вакилларига таълим-тарбия бериш каби машаққатли ва шарафли ишларингизда Яратгандан куч-ғайрат тилаб қоламан. Соғ-саломат бўлинг.

\*\*\*\*\*

**МУЗБЕЛ ЎРТА ПАЛЕОЛИТ ДАВРИ УСТАХОНА-  
МАНЗИЛГОҲИ**

**Сулейманов Р.Х.**

*т.ф.д., проф.,*

*Ўзбекистон Миллий университети*

**Муҳаммадиев А.Ғ.**

*ЎзР ФА Миллий археология маркази*

Ўзбекистон палеолит даврини тадқиқ этишда яққол намоён бўлган асосий муаммолардан бири бу ёдгорликларнинг ҳудудий ва даврий тақсимотидаги кескин фарқларнинг мавжудлигидир [1]. Республикамизда нисбатан ўрта палеолит даври ёдгорликлари кўплаб топиб ўрганилган бўлиб, улар асосан тош хомашёси манбаларига бой ҳудудлар атрофида тўпланган. Ўрта палеолит даври ёдгорликлари жойлашувидаги ушбу хусусият гоминидлар ҳаётида хомашёга бўлган эҳтиёж бошқа эҳтиёжлар каби муҳим аҳамиятга эга бўлганлигидан далолат беради. Сўнгги йилларда Оҳангарон воҳасида аниқланган Музбел ёдгорлигида олиб борилган тадқиқотлар палеолит даври жамоаларининг хомашёдан фойдаланиш стратегияси анча мураккаб бўлганлигини кўрсатади.

Музбел ёдгорлиги ғарбий Тиёншаннинг тармоқларидан бири бўлган Чотқол тизмасининг жануби-ғарбий қисмида, шу номдаги довонда жойлашган. Ёдгорлик бевосита хомашё манбаида жойлашган бўлиб, тоғ тизмаси ётқизиклари асосан вулқоноген-чўкма ҳолида шаклланган қатламлар ташкил этади. Ҳудудда содир бўлган фаол тектоник ўзгаришлар ушбу ётқизикларни ер юзасида очиқ манбаларини шаклланишига сабаб бўлган.

Ёдгорлик жойлашган адирлик жануби-ғарбдан шимоли-шарққа қараб бироз нишабликка эга. Унинг жанубий ва шарқий қисмида ҳам ер сатҳи бироз кўтарилиб яшаш учун қулай ихоталанган микрорельеф шаклланган.

Ёдгорлик майдони 200-250 м<sup>2</sup> ни ташкил этади. Унинг шимоли-шарқий қисмининг ер устки қатлами қор-ёмғир сувлари натижасида бироз ювилган. 2020-йилда амалга оширилган дала қидирув тадқиқотлари натижасида ер сатҳидан бир неча ўнлаб артефактлар йиғиб олинди. Қазилар ишлари давомида археологик топилмалар биринчи қатламнинг қуйи ва иккинчи қатламнинг юқори қисмидаги тупроқ қатламида аниқланди.

Юқорида таъкидлаб ўтилганидек ёдгорлик жойлашган ҳудудда вулқоноген-чўкма ҳолдаги тоғ жинслари манбаи мавжуд. Тектоник ва бошқа геологик ўзгаришлар туфайли ер юзасида уларнинг очиқ манбалари шаклланиб, ибтидоий жамоалари фойдаланишлари учун имконият пайдо бўлган. Бу манбалар Музбел ёдгорлигидан шимоли-шарқ томонда жойлашган тоғ ёнбағирларида кўплаб учрайди. Бу тоғ жинслари асосан

андезит, андезит-дацит, андезит-базальт, алевролит, халцедон кабилардан иборат. Бундан ташқари туфли қумтош ҳам кенг тарқалган. Манзилгоҳ-устахонада фойдаланилган хомашё таркиби худуддаги манба билан бир хил бўлиб, асосан юқорида санаб ўтилган турлардан иборат<sup>2</sup>.

Ёдгорликдан топилган артефактларнинг юзаси сезиларли ўзгаришларга учраган. Петрографик таҳлил учун тайёрланган намуналари юзаси патина билан қопланган артефактлар юзасидан кескин фарқ қилади. Фойдаланилган андезит ва алевролитнинг тузилиши текис ва таркиби майда донадор бўлиб, кесмада уларнинг ранги оч кулранг, пушти ва тўқ жигарранг тусли. Ушбу намуналар микроскоп остида кўзатилганда ҳам асосан псаммитли, майда донадор тузилишга эга эканлиги кўринади. Хомашё таркибида аллотиморф тузилишли тоғ жинслари ҳам мавжуд бўлиб, уларда чўкиндиларнинг қайта кристаллашиш жараёни деярли сезилмайди. Шунингдек майда ва йирик донадор халцедон ҳамда кварц-халцедондан ҳам фойдаланилган.

Фойдаланилган андезит таркиб ва тузилиш жиҳатдан бир-бирига яқин. Фақат асосий минерал ва тоғ жинсини ҳосил қилувчи плагиоклазнинг миқдорий кўрсаткичлари ҳисобига бироз фарқ юзага келган. Умуман флюидал ҳолда маълум бир йўналишга йўналган, ингичка плагиоклаз қатлами катта фоизни ташкил этади. У изотропик хусусиятига эга бўлган шиша кўринишида. Айнан шу ҳолат, яъни фойдаланилган хомашё таркибидаги плагиоклазнинг катта миқдори уларнинг ўткир қиррали синишини таъминлаган.

Хомашёнинг петрографик таркибини ўрганиш жараёнида уларнинг юзалари турли даражада патинизациялашганини кўриш мумкин. Бундай топилмалар ер сатҳи ва маданий қатламдан олинган артефактлар ичида ҳам мавжуд. Уларнинг сақланиш ҳолати бир-биридан фарқ қилмайди. Уларнинг ранги оч сариқ ёки тўқ жигарранг тусгача ўзгарган. Баъзи ҳолларда тош артефактларнинг нафақат ранги, балки юзасининг тузилиши ҳам ўзгариб, ғоваксимон чуқурчалар пайдо бўлган. Ушбу ҳолатда хомашёни таркиби ва тузилишига кўра йирик донадор хусусиятга эга, деган хулоса чиқариш мумкин. Ер юзасида очиқ ҳолда ётган ва маданий қатламлардан олинган артефактларнинг бир хилда патинизацияга учраши кўпроқ тоғ жинсларининг шаклланиш ҳолати ва кимёвий таркиби билан боғлиқ бўлиши мумкин. Шунинг учун ер сатҳидан ва маданий қатламдан олинган топилмаларнинг даврий мансублигини белгилашда уларнинг сақланиш ҳолати асосий мезон сифатида қаралиши мумкин эмас. Турли даражада патинизациялашган артефактларнинг даврий мансублигини изоҳлашда уларнинг техник-типологик жиҳатдан ягона индустрияга оид эканлигига эътибор қаратиш керак. Чунки коллекция таркибидаги артефактлар, маданий қатлам ёки ер сатҳидан йиғиб олинганлигидан қатъий назар бир хил техник-типологик хусусиятга эга.

---

<sup>2</sup> Хомашё таркибининг петрографик тавсифи геолого-минералогия фанлари номзоди В.Ф. Проценко томонидан амалга оширилди.



Артефактлар юза сиртининг ўзгариши жараёнида емирилиш суръати ва якуний ҳолати бир қанча омилларга боғлиқ бўлган. Биринчидан, вулқоннинг отилиш вақти ва давомийлиги тоғ жинслари кимёвий таркибига таъсир кўрсатган. Тош артефактлар ётган тупроқ ҳамда геологик қатламлар ёши ва кимёвий ҳолати ҳам эътиборга олиниши зарур. Шунингдек атроф муҳит ҳам артефактларнинг тупроқ қатлами билан кўмилгунгача бўлган вақтда унга маълум даражада таъсир кўрсатиши мумкин эди. Бир сўз билан айтганда манзилгоҳ маданий қатлами ҳолати, фойдаланилган хомашё кимёвий таркиби тош буюмлар юзасининг ўзгаришига сабаб бўлган.

Музбел ёдгорлигида фойдаланилган андезит хомашёси билан танишган г-м.ф.н. В. Ф. Проценконинг хулосасига кўра, вулқон фаоллиги жараёнида лава таркиби ва унинг отилиши қисқа вақт оралигида ҳам ўзгариб борган. Шунинг учун ёдгорлик ҳудудида турли эффузив турдаги тоғ жинслари, ҳатто оралик турдаги жинслар шаклланиши табиий ҳол. Вулқонларнинг кетма-кет отилиши эса аввал отилган лава парчалари ва интрузив жинслардан иборат вулқоноген туфларнинг пайдо бўлишига олиб келган. Уларнинг ҳаммаси вулқондан кейинги қайноқ қоришмада эриган ҳолда қўшилиб, бир-бирига бириккан. Ушбу ҳолатда эффузив тоғ жинслари таркибидан келиб чиқиб ўзгаришлар (кремнеланиш, каолинланиш, альбитлашув) турлича бўлиши мумкин эди. Шунингдек жараёнга ўзгаришларнинг даражаси ҳам таъсир кўрсатган. Натижада андезит хомашёсининг таркиби кимёвий жиҳатдан турлича шаклланган. Буни баъзан битта тош буюмнинг юзи турли рангда эканлигида ҳам кўриш мумкин. Шунингдек тош буюмлар юзаси тупроқ ва геологик қатламлар хусусиятидан келиб чиқиб, кимёвий таъсир натижасида ўзгарганлигини ҳам инкор этиб бўлмайди (тадқиқотчининг оғзаки маълумотиغا кўра).

Музбел манзилгоҳ-устахонасининг коллекцияси майда тош буюмларни кўшиб ҳисоблаганда 200 га яқин артефактдан иборат бўлиб, юқорида таъкидлаб ўтилганидек ягона индустрияни ташкил этади.

Коллекция таркибида нуклеуслар ва нуклеуссимон буюмлар сони ўндан ортиқ бўлиб, улардан техник-типологик хусусиятлари яққол намоён бўлган нуклеусларнинг сони жуда кам. Чақмоқлаш усулида асосан бир зарб майдондан, текис юзадан синдириш кенг қўлланилган. Нуклеусларнинг бир гуруҳини тажриба-синов жараёнида чақмоқланган нуклеуслар ташкил этиб, улардан бир нечта кичик йўнилғилар олинган. Нуклеуслар учун зарб майдон сифатида тошнинг табиий юзасидан фойдаланилган. Кўп ҳолларда нуклеуслар учун табиий плиткасимон тош парчаларидан фойдаланилган бўлиб, қўшимча ишлов берилмаган. Нуклеуслар учун хос бўлган хусусиятлардан яна бири, уларда табиий уст қобиклари сақланиб қолганлигидир. Шунингдек, охириги босқичигача чақмоқланган нуклеуслар ҳам мавжуд.

Чақмоқлаш жараёни асосан учриндилар олишга қаратилган. Тўғри пропорцияли пластиналар сони кам. Олинган учриндилар турли ўлчамда. Улар учун хос бўлган умумий хусусиятлардан бири бир хилдаги пропорцияга

эга эканлигидир. Кўп ҳолларда учриндиларнинг эни бўйига нисбатан икки баробар катта. Уларнинг зарб майдончалари ва зарб бўртмаси яққол ажралиб турибди.

Топилмалар орасида қуроллар миқдори сон жиҳатдан камчиликни ташкил этади. Улар ҳам асосан тасодифий тановарлардан тайёрланган. Индустрия таркибидаги йўнилғаларнинг техник белгилари ва қуроллар типологияси хомашёдан фойдаланишда маълум бир танлов амалга оширилганлигини кўрсатади.

Музбел ёдгорлигида олиб борилган дастлабки тадқиқот натижалари унинг маданий қатламлари ҳолати, индустрия ва топилмаларнинг техник-типологик хусусиятлари каби масалалар доирасида маълумотларни қўлга киритиш билан бирга, бошқа илмий хулосаларни ҳам илгари суриш имконини берди.

Биринчи навбатда ёдгорлик бугунги кунгача аниқланган палеолит даври ёдгорликларидан типологик жиҳатдан фарқ қилади. Шу вақтгача аниқланган устахона ва устахона-манзилгоҳлар тош даврининг бир неча ўн минг йилликлари давомида фаолият кўрсатган. Ушбу ёдгорликларда маданий қатламлар мавжуд эмас, ёки улардаги топилмалар аралаш ҳолда учрайди. Устахоналарнинг ижтимоий-маданий мансублиги масаласи ҳам очиқ қолган. Бу каби ёдгорликларни типологик жиҳатдан таснифлаш масаласи илмий адабиётларда узоқ вақтлардан бери муҳокама қилинади [2, 31–38 б.; 3; 4; 5; 6, 265–268 б.; 7, 29–36 б.; 8; 9; 10, 142–147 б.; 11; 12, 9–16 б.; 13, 36–38 б.]. Музбел ёдгорлиги эса маълум бир вақт оралиғида фаолият юритиб, ҳамда топилмалар битта тарихий даврга тегишли.

Иккинчидан ёдгорлик ўзининг жойлашган ўрни билан фарқ қилади. Ёдгорлик баланд тоғ минтақасида жойлашган бўлиб, минтақа экологияси ва табиий муҳити ўзига хос хусусиятларга эга. Ушбу ҳолат қадимги жамоалар томонидан экологик минтақаларни ўзлаштирилиши ва табиий-муҳитга адаптацияси жараёнларини яхшироқ ўрганиш имконини яратади. Шунингдек, алоҳида экологик минтақада жойлашганлиги ва мавсумийлик хусусияти қадимги жамоаларнинг мавсумий турмуш тарзи ҳамда мобиллиги масалалари ҳақида маълумотлар олишда қўл келади. Шунингдек, ёдгорликнинг Кўлбулоқ, Обирахмат каби бир қанча муҳим ёдгорликларни бир-бирига боғловчи муҳим нуқтада жойлашганлиги қадимги ижтимоий-маданий алоқалар ҳақида хулосалар чиқариш имконини беради. Ушбу омиллар келажакда Музбелни тадқиқ этиш зарур бўлган истиқболли ёдгорликлар сирасига қўшиш мумкинлигини кўрсатмоқда.

#### **Адабиётлар:**

1. Вишняцкий Л. Б. Палеолит Средней Азии и Казахстана. СПб., 1996. – С.213.
2. Гурина Н.Н. Исследования древних шахт по добыче кремня в Белоруссии // Краткие сообщения института археологии. М.; Наука.–1966. – № 106. – С. 31–38.

3. Гурина Н.Н. Древние кремнедобывающие шахты на территории СССР. – Ленинград, “Наука”, 1976. – С.178.
4. Джуракулов М. Д. Самаркандская стоянка и проблемы верхнего палеолита в Средней Азии. Ташкент: Фан, 1987. – С. 171.
5. Касымов М.Р. Кремнеобрабатывающие мастерские и шахты каменного века Средней Азии. Ташкент: Фан, 1972. – С. 160.
6. Касымов М.Р., Крижевская Л.Л. О классификации кремнеобрабатывающих мастерских // Советская Археология. М.; “Наука” – 1969. – № 1. – С. 265–268.
7. Колесник А.В. Новые региональные типы памятников археологии Донбасса. // Святогірський альманах. Донецьк. 2013. – С.29-36.
8. Лев Д. Н. Поселение древнекаменного века в Самарканде. Исследования 1958-1960 гг. //Труды СамГУ. Нов. серия. Самарканд, 1964. – № 135. – С.109.
9. Мирсаатов Т.М. Древние шахты Учтута. – Ташкент: Фан, 1973. –154 с.
10. Павленок К.К., Павленок Г.Д., Лазарев С.Ю., Шнайдер С.В., Раджабов А. Новые данные о каменном веке Узбекистана. Стоянка-мастерская Гыштсай-1 в долине реки Ахангаран // Проблемы археологии, этнографии, антропологии Сибири и сопредельных территорий. – Новосибирск, 2015. Т. XXI. – С. 142–147.
11. Холюшкин Ю. П. Проблемы корреляции позднепалеолитических индустрий Сибири и Средней Азии. –Новосибирск, 1981. – С.152.
12. Хужаназаров М., Сайфуллаев Б. Кук-аяз-новый палеолитический памятник в Кызылкумах // История материальной культуры Узбекистана. – Самарканд, 2000. – № 31. – С. 9–16.
13. Эргашев О.Т. К вопросу о классификации кремнеобрабатывающих мастерских каменного века Узбекистана // Наука и мир. –Волгоград, 2017. № 3. (43) – С. 36–38.

## **ИСТОРИЯ БУХАРЫ, ОТ ВОЗНИКНОВЕНИЯ ДО ТИМУРИДОВ**

**Rocco Rante**

Археологические исследования оазиса Бухары и его историческую реконструкцию никогда нельзя считать завершенными. Как указано во введении, данный труд интересен тем, что в нем показана эволюция человеческих поселений и поведения человека в его собственной природной и социоэкономической среде, а также — характеристики городской и материальной культуры в обширном регионе, где динамика преобразований началась еще в бронзовом веке и продолжается по сей день. К этому следует добавить важные результаты, полученные в ходе геоморфологического исследования, в котором отслеживается история водных ресурсов оазиса, а также изменение климата и последствия этого явления для Центральной Азии.

Полученные палеоэкологические данные отсылают нас к весьма древним эпохам, вплоть до среднего плейстоцена. Хотя конечная цель настоящего труда заключается не в этом, речь идет об эволюции данной территории, а раз так, то, не вдаваясь в излишние подробности, позволю себе в заключение сделать несколько комментариев, надеясь на снисхождение специалистов по доисторической эпохе. Как показывают геоморфологические результаты, по крайней мере со времен среднего плейстоцена, территория дельты реки Зеравшан расширялась к северу и к западу, по всей вероятности, вплоть до Амударьи. Недавние археологические открытия (Slonetal. 2017: 605-608) после раскопок в Денисовой пещере на Алтае позволили обнаружить кости гоминидов, относящиеся к периоду с -40000 до -30000 гг. Дальнейшие исследования в целом подтвердили гипотезу о том, что на обширных территориях Центральной Азии обитали племена *HomoAltaiensis* (по крайней мере в период с -40000 до -30000 гг.). Эта ветвь гоминидов, которых сегодня называют также денисовцами, отличная от *HomoNeanderthalis* и *HomoHeidelbergensis*, отделилась и мигрировала из Африки на восток. Имеющиеся археологические данные свидетельствуют о вероятном существовании поселений именно этих племен особенно на Алтае, а также в Фергане, в районе Гиссарского хребта, на Памире и далее к юго-востоку (Ranovetal. 1996: карта 3).

Таким образом, это краткое археолого-доисторическое введение дает представление об ареале человеческих поселений, где были выявлены самые ранние изменения климата в Центральной Азии. Недавние исследования, в которых анализируется скопление лёсса в западной части Центральной Азии (Wangetal. 2016: 1-9), наглядно показывают, что со времен раннего плейстоцена переход от морских осадочных пород неглубокого залегания к лёссу свидетельствует о радикальных климатических изменениях, подтверждающих, что на смену влажному морскому климату постепенно стал приходить полузасушливый климат. Более того, сравнения с осадочными породами восточной части Европы дают основания полагать, что подобные климатические явления в период с раннего до среднего плейстоцена распространялись к западу. Согласно одной из гипотез, это объясняется распространением ледяного покрова в северном полушарии, которое привело к охлаждению северной акватории Атлантического океана, что породило более ярко выраженный переход к континентальному климату во Внутренней Азии и сделало климат более засушливым. Во второй гипотезе учитывается воздействие Монголо-Сибирской области высокого давления.

Именно в таких широких временных рамках наблюдались ранние гидрографические изменения дельты реки Зеравшан. В течение периода с 188300 г. до нашей эры и приблизительно вплоть до неолита начался

медленный процесс иссыхания северных рукавов Зеравшана. Это климатическое явление продолжалось на протяжении всего позднего плейстоцена вплоть до начала межледникового периода (Wangetal. 2016: 9) в Северном полушарии, как об этом свидетельствует, в частности, устойчивая засушливость данной территории на протяжении последнего ледникового максимума, характеризующаяся также иссыханием северо-западного и западного рукавов дельты.

Это явление не привело к полному исчезновению воды. В ходе последующих периодов, приблизительно от верхнего плейстоцена до неолита, климат вновь становится слегка влажным и устойчивым, о чем свидетельствует, в частности, карта температур, подготовленная Джереми Шакуном (JeremyShakun) и его коллегами, подтверждающая стабильность температуры вплоть до начала железного века (Maslin 2014: 41, рис. 10). Это, предположительно, привело к образованию озер, вероятно в определенное время года, что дало человеку возможность заселить данные территории: следы человеческих поселений были найдены к северу (Brunet 2011) и к западу (Ranovetal. 1996: карта 3) от оазиса. Вместе с тем, отнюдь не исключено, что наличие озер объясняется более ранним иссыханием.

Даже в ходе климатических флуктуаций в период между поздним плейстоценом-неолитом и бронзовым веком явление иссыхания неуклонно продолжалось. Бронзовый век был также отмечен высыханием ряда западных каналов, а также дальнейшим иссыханием западных рукавов реки Кашкадарьи, русла которых пролегли примерно параллельно по отношению к руслам рукавов реки Зеравшан; эти рукава, предположительно, также впадали в Амударью. Такие явления имели место в районах, расположенных к югу и юго-западу от оазиса, что приводило к образованию заболоченных и болотистых зон. Об их последствиях можно судить по районам, прилегающим к северным границам орошаемых земель оазиса, или по районам к югу от оазиса, которые и сегодня представляют собой сплетение палеоканалов, перемежающихся с болотистыми участками, где трудно проехать даже на внедорожнике.

К 4 веку до н.э., ландшафт полностью изменился вследствие природной катастрофы. На самой катастрофе я в деталях останавливаться не буду, поскольку ей уже было посвящено несколько подробных статей (Fouacheetal. 2016; Ranteetal. 2016), но хотел бы подчеркнуть, что катастрофа эта началась с изменения климата, которое неизбежно привело к таянию льда и вечной мерзлоты, и, по всей вероятности, характеризовалась притоком огромных объемов воды с верховьев реки Зеравшан, что изменило гидрографическую сеть дельты. Таким образом, в то время, как на равнине каналы текли по-прежнему, и их русло может быть изменялось без каких-либо заметных последствий, рельеф южной области стал характерным для неогенового

периода: образовались две узких впадины, причем восточная впадина оказалась неожиданно затопленной водами основного рукава Зеравшана, хотя ранее воды в ней не было. Совершенно очевидно, что нельзя исключить чисто сейсмическое явление. Однако причиной столь быстрых преобразований мог стать и разлом, перерезавший район Пайкенда с востока на запад, что, впрочем, не исключает и вышеупомянутый климатический тренд, который привел к изменению географической обстановки данного региона. Со времен упомянутой природной катастрофы общий ландшафт не менялся, и с тех пор оазис ориентирован не на запад и на север, а на юго-запад.

Согласно этим данным, как представляется, история Бухарского оазиса началась с «обычных» климатических, а может быть также и с геологических явлений. Представляется также, что нынешний климатический тренд, усугубляемый сегодня деятельностью человека во всем мире, по целому ряду причин ускорил искусственные изменения ландшафта, в связи с чем уменьшился общий объем водных ресурсов. Последнее явление также скажется и на продуктивности хозяйственной деятельности, что может привести к росту цен на продовольствие. Это, в свою очередь, может дать толчок безудержной спекуляции, что скажется на населении всей нашей планеты. И, как об этом свидетельствуют более ранние исследования (Maslin 2014: 83-85; рис. 24), это не просто одна из теоретических гипотез.

Возвращаясь к исходной цели данного труда, а именно к исторической и культурной реконструкции Бухарского оазиса, следует отметить, что географические изменения в регионе неизбежно повлекли за собой и антропологические изменения. Датировать их с какой-либо степенью точности невозможно. Однако, можно утверждать, что речь идет о 3 веке до н.э. Дело в том, что именно к этой эпохе относятся самые ранние человеческие поселения в пределах собственно оазиса, которые значительно отличались от тех, что существовали в эпоху неолита-бронзового века и железного века, когда люди селились вокруг озер или в конце водных каналов. Этот период имеет решающее значение для формирования культуры населения оазиса. Сведения о материальной культуре свидетельствуют о принадлежности жителей оазиса к скифским племенам. Согласно археологическим данным, относящимся к этой эпохе, в те времена люди селились вдоль главного русла Зеравшана, причем плотность населения была более высокой в западных районах оазиса. Это может объясняться тем, что для своих поселений люди искали места на границе орошаемых земель, где течение реки было менее бурным; однако не исключено, что они воспроизводили привычные им схемы поселений между орошаемыми землями и пустыней. Ранее люди селились в деревнях, скорее всего, без укреплений. Качество гончарных изделий той эпохи можно охарактеризовать

между средним и хорошим. Гончарные изделия изготавливали на гончарном круге, шлифовали, а затем иногда покрывали красным, черным или бежевым шликером, а иногда раскрашивали черными полосами с четкими очертаниями (порой присутствуют следы, похожие на тамги [1]; это были кубки на ножках с подставками; кубки обтекаемой формы как на ножках с подставками, так и без них, подобно тем, что были найдены в Самарканде (Lyonnnet 2013: 269, рис. 6); кувшины и горшки для приготовления пищи, часто лепные, которые датировались периодом от 4 века до н.э. до середины 2 века до н.э. (Lyonnnet 2013: 268). Эта культура просуществовала в течение еще двух столетий. С исторической точки зрения, согласно отлично обоснованным сводным материалам Клода Рапена (Rapin 2001: 86), данные культурные элементы дают основания предполагать, что ранее оазис был заселен саками, которые мигрировали с севера и заняли Центральную Азию. Саков привлекли обширные территории и хорошие пастбища Бухарского оазиса, что побудило их осесть здесь. Но поскольку саки все еще сохраняли верность кочевому образу жизни, у них в отличие от других городищ, как например, Самарканд, или поселений Сурхандарьинской области, не было мощных централизованных политических властных структур. Согласно имеющимся у нас археологическим данным, благодаря этим племенам в Бухарском оазисе появились не только кубки на ножках с подставками, как об этом пишет Рапен, (2001: 86-87), но и техника черного шликера, следы которой были также обнаружены в Самарканде, в Ахсикете (см. выше) и в Кубадияне (этап II), хотя все они позже были датированы 2 или 1 веком до н.э. С чисто археологической точки зрения, проводить сравнения с проживавшими на востоке саками здесь трудно. Корин Дебен-Франкфор (Debaine-Francfort 1990: 92) напоминает, насколько сложно порой определить точные характеристики этих племен, хотя несколько примеров, которые она приводит в своих статьях, можно в какой-то степени сопоставить с относящимися к той же эпохе открытиями, сделанными в Бухарском оазисе: например, островерхие головные уборы или раскрашенные гончарные изделия появятся на территории оазиса лишь сто лет спустя.

Однако, как представляется, по крайней мере, исходя из нынешнего состояния научных исследований, культурные рамки в пределах оазиса были несколько иными. Гончарные изделия, найденные в Бухаре, по своим основным характеристикам отличаются не только от тех, что были обнаружены в Ромитане, Какиштуване и Искийкате, но и от тех, что были найдены на объекте Рамиш тепе (*Ramiltetepe*), а также — в ходе предыдущих раскопок, например, в Кермане [2]. Как представляется из этого разрозненного описания, было два основных района, разделенных главным руслом Зеравшана. Первый — на западе, северо-западе и далее к востоку, включая Керман. Второй — на юге и юго-востоке, вокруг Бухары. При этом,

данные районы отличались друг от друга по своим основным характеристикам, например, касательно техники черного шликера и существования гончарных изделий обтекаемой формы. Нельзя ли сделать вывод, что упомянутые культурные рамки в пределах оазиса свидетельствуют о том, что ранее здесь жили другие племена, пришедшие из других регионов? Не прибегая к домыслам, а исходя из теоретических рассуждений, можно предположить, что племена, пришедшие с севера и северо-востока по долине Зеравшана, осели вдоль главного русла реки, а также к западу и северо-западу от нее, вытеснив племена, прибывшие из района Сурхандарьи до 2 века до н.э. (именно ко 2 веку до н.э. относятся гончарные изделия, покрытые черным шликером, которые можно найти и в Еркургане), и поселились как в самой Бухаре, так и вокруг нее. Вместе с тем, нельзя исключить и то, что эта своеобразная техника зародилась в Бухаре, а позже распространилась на восток.

Именно в период с конца 1 века до н.э., когда ослабла военно-политическая мощь саков, и началом 1 века н.э. произошли серьезные изменения в плане антропологии и градостроительства. Прежде всего, более ранние поселения в ту эпоху более равномерно распределялись по всей территории оазиса, хотя на его западной границе плотность населения была выше. По своей структуре эти поселения были хорошо организованы: крепости четырехугольной формы представляли собой мощные укрепления, которые позже стали называть «трисоставными городищами». На заре 1 века н.э. появились также и новые поселения под названием «двусоставные городища». По своей организации они представляли собой хорошо продуманную социополитическую систему. Динамика заселения территории была столь активной, что в рамках тех же систем появились и другие городища под названием тепе [3]. С археологической точки зрения, пока еще не совсем понятно, представляли ли собой эти городища уже на том этапе хорошо продуманные экономические системы. Согласно археологическим наблюдениям, как представляется, люди вели натуральное хозяйство, а правители деревень отправляли часть собранного урожая в основной город, где проживал князь, или азат. В конце концов, были заселены все орошаемые земли, причем, имелся доступ к плотной сети водоснабжения, и вся территория оазиса была разбита на города-государства. Распределение человеческих поселений в эту эпоху свидетельствует о хорошей организации деревень и более мелких поселений вокруг основного города (в настоящем труде такую организацию называют едиными тепе).

Гончарные изделия, как правило, отличаются высоким качеством, однако качество кувшинов среднего размера не столь высокое. Найдены многочисленные черепки из красно-розовой глины, покрытой более тонким слоем черного шликера, чем в предыдущие столетия. Использовался и темно-



красный шликер, в частности, в Самарканде (Lyonnet 2013: 274, рис. 9b). К 1 веку относится также и хорошо известная в Кургане типология, выявленная в результате раскопок курганов в районе Бухарского оазиса, а также археологических комплексов Кызылтепе (Obelchenko 1992: 68-90) и Коктепе (Rapin 2001: рис. 12), особенность которой заключается в том, что краска разливалась по корпусу гончарного изделия, оставляя брызги в нижней его части. Эта типология отличается от более поздней, где большая часть корпуса покрыта более тонкими брызгообразными следами. Аналогичную типологию форм и декоративных мотивов можно также наблюдать на примере керамических изделий эпохи Кушанского царства. В Термезе (Houal 2013: 427-429), в некоторых подборках артефактов можно найти кубки и миски характерной формы с загнутыми внутрь краями, а также кувшины и горшки, иногда покрытые черной и красной краской посредственного качества.

Согласно историческим исследованиям, Согдиана входила в состав Кангюйского государства, население которого, кангюи, вело кочевой образ жизни. Кангюи проживали вдоль среднего течения Сыр-Дарьи и контролировали обширную территорию от Бухарского оазиса до Казахстана и Ферганы. Некоторое представление о политико-военной организации и о значении Согдианы может дать открытие древних писем в районе Культобе (Sims-Williamsetal. 2007). В таких обстоятельствах, учитывая недавние археологические открытия, многочисленность городского населения, динамику урбанизации, высокий уровень городской организации, равно как и высокое качество материальной культуры, следовало бы пересмотреть отнесение кангюев к кочевым народам или сделать вывод о том, что население, проживавшее в тот период в пределах оазиса, было сродни племенам саков. Более того, такая культурная динамика и сходство с кушанской материальной культурой, а также с Самаркандом, вплотную подводят нас к выводу о том, что в те времена с севера и северо-востока под влиянием той же хорошо известной динамики, которая привела к миграции кушанцев, мигрировали и другие схожие народности. Как и в Самарканде, по мнению ряда специалистов, (Lyonnet 2013: 273, Rapin 2001: 87-88), материальная культура в целом свидетельствует о том, что на территории оазиса обосновались скифо-сарматские племена. Как мне представляется на основании археологических данных, эти вновь прибывшие племена вели скорее оседлый образ жизни, сохраняя некоторые особенности поведения, свойственные кочевникам, что особенно заметно по их похоронным обрядам (Obelchenko 1992; Rapin 2001), и с оседлым и полуоседлым населением оазиса они жили в симбиозе.

В эту эпоху был проложен северо-восточный маршрут Великого шелкового пути, напрямую связавший город Мерв с оазисом. Материальные

следы торговли, осуществлявшейся по этому маршруту обнаружить сложно; не упоминается этот торговый путь и в письменных источниках. Вполне возможно, однако, что столь мощная и динамичная урбанизация, как в данном случае, вызвана бурным экономическим ростом, который объяснялся, в частности, прохождением караванов. Вместе с тем, как отмечалось выше, по данному пути караваны, по всей вероятности, проходили реже, поскольку в письменных источниках вплоть до первых веков нашей эры упоминается маршрут через столицу Бактрии Балх.

Судя по археологическим данным, в 3 веке явной интенсификации урбанизации не наблюдалось. Хотя в результатах настоящего исследования невозможно привести полную хронологию тысячи с лишним городищ, по крайней мере, по основным из них прослеживается эволюция городских планов и архитектуры, равно как и явная эволюция в материальной культуре. Это четко видно на примере Ромитана, где в ту эпоху, крепость квадратной формы, защищенная четырьмя квадратными башнями, расширилась, сохранив при этом примерно ту же геометрическую форму. Новое городище было защищено башнями округлой формы той же типологии, что и существующие по сей день башни вокруг Бухарской цитадели. Башни округлой формы, хотя и несколько иной типологии, можно видеть и в Варакше, и датируются эти башни периодом не позднее первых веков нашей эры (Льількін 1963: 109). В железном веке в Коктепе также были башни полукруглой формы, и это, как представляется, свидетельствует о том, что типология башен явно не устоялась. Со времен своего основания Пайкенд был также защищен квадратными башнями, но они сохранили свою форму и в последующие столетия (Omelchenko et al. 2015: 38-39, рис. 1-2).

Некоторые изменения наблюдаются и в гончарных изделиях. Так появился кувшин большой вместимости под названием хум; иногда хумы отделявали брызгообразным орнаментом от горловины до основания. Вплоть до недавнего времени хумы датировали слишком поздним периодом, и иногда они служили хронологическими маркерами. Археологи обнаружили также гончарные изделия серого цвета, которые до сих пор не встречались. Черный шликер на красном фоне применяется и сегодня, хотя намного реже. Из всех этих артефактов наиболее интересными представляются гончарные изделия серого цвета. На некоторых серых черепках хумов также видны черные брызгообразные мотивы. Керамическая посуда такой типологии применялась еще кушанцами в Бактрии (Houal 2013: 426), а также в широких масштабах изготавливалась парфянами [4].

Данные культурные элементы свидетельствуют о том, что, начиная с этого времени, на территории оазиса жили другие племена. Значительная эволюция городской и материальной культуры, ее высокое качество, а главное — ее преемственность на протяжении последующих веков

позволяют сделать вывод о том, что так называемые «нашествия хионитов» следует датировать приблизительно на один век раньше, чем считалось до сих пор [5]. Франц Грене (Grenet, 2010: 269) подтверждает, что миграция сармато-аланских племен из Джетысарских городищ в низовья Сырдарьи имела место примерно в 3-4 вв., что частично подтверждает появление в Согдиане последующих культурных компонентов, хотя не исключено, что они датируются более ранним периодом, начиная с 1 века, по крайней мере, применительно к Бухарскому оазису [6]. Этот период отмечен также падением Кушанского царства, что также могло привести к миграции народов. К тому же, постепенно укреплялись прямые связи между парфяно-сасанидским Хорасаном и оазисом. Вероятно именно в этот период народы, проживавшие в Согдиане, начинают осознавать свою стратегическую значимость в масштабах Великого шелкового пути, и эта значимость в еще большей степени возросла в связи с тем, что после падения Кушанского царства и последовавшей за ним политической нестабильностью маршрут через Бактрию стал применяться реже.

Неизвестно, продолжались ли эти миграционные процессы в течение 4 века, но исключить этого нельзя. Очевидно лишь то, что они повлекли за собой существенное развитие городов. Основные города оазиса в те времена представляли собой обнесенный стеной шахристан, что не означало отсутствие за стенами крепости деревень. Наоборот, люди уже обустроились и жили как вокруг крепости, так и в деревне, что наглядно видно на примере Искийката и Ромитана. Новое в градостроительстве заключалось в наличии вала, что отражало стремление защитить население таких крупных городов, как Ромитан, Пайкенд, Бухара, Варахш и, по всей вероятности, многих других. Очевидно то, что это стремление объяснялось не только военными соображениями, но и необходимостью защиты таких городских сословий, как, например, купцы или ремесленники, игравших весьма важную роль для Великого шелкового пути и для экономического роста оазиса, а также желанием более рационально организовать указанные сословия.

Такая тенденция прослеживается и в 5 веке, когда оазисом правили эфталиты. В этот период никакой реальной эволюции в области керамики не наблюдалось, ни в форме изделий, ни в их отделке. Производились керамические изделия прежней типологии, хотя порой иных размеров: декорированные брызгообразными мотивами хумы и отделанные красным шликером миски с загнутыми внутрь краями. Тем не менее, наблюдается рост производства керамики, по крайней мере, судя по количеству собранных осколков и черепков, относящихся к 5 - началу 6 века. Хотя новых строений в пределах оазиса не отмечалось, сам город был лучше оформлен по своей структуре, а прилегающее к городу пространство — лучше организовано. Например, предместья Ромитана представляют собой хорошо

спланированные территории с сетью проложенных по гипподамовой системе дорог, и на этих территориях находились прочные строения из глинобитного кирпича, имевшие, вероятно, разное, но скорее всего, коммерческое назначение. Судя по Ромитану, можно сказать, что под влиянием основного города прилегающие к нему пространства начинают приобретать околородскую структуру с постройками для торгово-производственных целей, предназначенными для временного или постоянного пребывания.

Период с конца 6 до начала 8 веков в целом был также отмечен преемственностью материальной культуры и, как представляется, отсутствием новых городских построек. Более того, когда город был захвачен тюрками — вероятно, князем Гарду (*прим. переводчика: в советской и российской научной литературе князь Гарду известен под своим тюркским именем Кара-Чурин-Тюрк*), позже ставшим правителем Бухары, в политическом плане он пришел в упадок, хотя в нем оставалось население и наблюдалось активное производство гончарных изделий. То же самое относится к Какиштувану и Искийкату. Согласно более ранним исследованиям, прежде всего нумизматическим, этот период характеризуется активной чеканкой монет правителями Бухары. К тому времени Бухара занимала площадь, сопоставимую с территорией Ромитана, однако, как представляется, в этот период ее политическое и экономическое влияние усилилось, и она поглотила население, прибывавшее из оазиса, причем, доля ремесленников и торговцев среди населения возросла. В ту же эпоху произошла реорганизация городской структуры Пайкенда: ввиду стратегического географического положения города, находившегося на пересечении нескольких маршрутов Великого шелкового пути, городское пространство, обнесенное стеной — шахристан-2 — расширилось в западном направлении. С этого момента среди немногих городов, где отмечался мощный экономический рост, особенно бурно развивались Бухара и Пайкенд.

Как хорошо известно из истории, начало 8 века прошло под знаком завоевания Согдианы мусульманами. К 709 году исламские воины окончательно захватили Бухару. 8 столетие главным образом характеризовалось взятием под военный контроль Бухары в пределах оазиса и изменением социополитической структуры города, что, вопреки распространенному ранее мнению (Frye 2007: 162-163), не повлекло за собой ни общего уменьшения численности населения, ни резкого снижения производительности труда, по крайней мере, согласно нашим археологическим данным. При нынешнем состоянии археологических исследований сложно привести конкретные сведения в отношении демографии или уровня производства продукции, однако, как представляется, городская жизнедеятельность реорганизовалась довольно

быстро, по крайней мере, в основном городе. Ранние элементы новой культурной эпохи по-настоящему можно расшифровать примерно с конца 8 столетия. Весь этот период, особенно, начиная с 9 века, характеризуется явными признаками производства и строительства, а также социоэкономическими изменениями, однако новые города не строятся, как об этом свидетельствует обзор нескольких сотен городов. Изменения наблюдаются скорее на прилегающих к городам территориях, где происходит своего рода «революция». Стремясь сохранить торговый обмен между Китаем и Средиземноморьем, осознавая экономическую значимость торговли для оазиса, исламские правители по-новому организовали городские районы, прилегающие к центру. Эти районы были заселены и ранее, и производство в Ромитане существовало до ислама, однако теперь улучшилась планировка городского пространства и появились мощные, хорошо оформленные по своей структуре торговые районы. В этом отношении показателен пример Пайкенда, ибо он подчеркивает стратегическую важность города на протяжении веков с точки зрения торговли. Здесь не только появился квартал гончаров и был обустроен базар, но и была расчищена дополнительная территория для оборонительных сооружений и для караванов, как в восточном предместье — или рабаде — общей площадью приблизительно 61 гектар, где также были предусмотрены открытые площадки или временные постройки для караванов. К тому времени Бухара окончательно утвердила свою ведущую роль в политическом плане, продолжая и наращивая процесс централизации. Не случайно, что на той территории, которую позже стали называть провинция Бухара, практически не было основных городов с ремесленными кварталами или торговыми площадями. Центры в Бухаре сохранялись с древних времен, и в городе имели место значительные социальные перемены, главной из которых был раздел шахристана на две части, в одной из которых жили мусульмане, а в другой — зорастрийцы. В Ромитане наблюдалась иная система организации города: прежний политический центр был явно заброшен, и в юго-западной части города появился новый исламский центр. При этом, жители шахристана и предместий оставались на местах и продолжали заниматься своими привычными делами. В целом, однако, наблюдалось замедление развития города и деревень в пределах оазиса в связи с уменьшением численности населения и снижением производства, за исключением нескольких городов, таких, как Варданзи, Кармана, Вабкент, Тавовис, Искийкат, Зандана, Афшана, Рамиш-тепе, Сивандж, Хатта. Отличительной особенностью всех этих городов было их выгодное географическое положение, обеспечивавшее им интенсивную торговую деятельность, а некоторые из них имели также определенные преимущества в культурном или политическом отношении.

Эта эпоха характеризовалась также рядом технологических нововведений, особенно в керамике: впервые появились глазированные предметы, самыми ранними из которых были, как представляется, монокромные гончарные изделия зеленого цвета, а также ишкор. Все найденные вплоть до настоящего времени стеклянные изделия относятся к исламской эпохе. Однако, зная о частых экономических и дипломатических контактах между Ираном и Согдианой, невозможно представить себе, что в доисламские времена о стекле ничего не было известно. Учитывая его физические характеристики, не исключено, однако, что стекло не производилось, а было известно лишь благодаря караванной торговле или дипломатическим дарам.

В ту же эпоху имели место социальные изменения и в городской жизни, что особенно заметно благодаря раскопкам жилищ в Пайкенде и строений Ромитане, в западном предместье. Общая тенденция заключалась в том, что пространство было четко разделено на жилые и кухонно-складские помещения (или помещения, предназначенные для иной хозяйственной деятельности). Кроме того, тогда как в исламский период в ходе раскопок были обнаружены прилегающие к дому дворики, до сих пор неясно, существовали ли такие дворики в доисламский период. Нельзя ли предположить, что двор за пределами стен дома, который, вероятно, служил и садом, представлял собой одно из исламских нововведений? Ответ на этот вопрос можно получить только благодаря новым, более точным данным, которые можно будет собрать в ходе дальнейших раскопок.

Важно подчеркнуть, что с приходом ислама городская планировка не изменилась, и города сохраняли свою прямоугольную конфигурацию. Более того, по сравнению с доисламским периодом не изменилась и ориентация зданий, за исключением мечетей.

10 век ознаменовал собой экономический и политический расцвет Бухары. Жители окрестных, более мелких, селений начинают покидать сельскохозяйственные земли и переселяться в Бухару, которая играет роль метрополии, что в буквальном переводе с древнегреческого означает «мать городов». Образование метрополии можно рассматривать как глобальное антропологическое изменение: население города растет, появляются новые городские кварталы, нередко прилегающие к центру, глубоко меняется городская культура. Именно так следует рассматривать тогдашнюю Бухару, учитывая, конечно, специфику той эпохи. Площадь города значительно увеличилась и превысила 500 га, как и территория другого крупного города того времени, Хорасана. Вследствие столь динамичных демографических и экономических процессов город был обнесен мощной оборонительной стеной, периметром приблизительно 11 км, которая защищала население и политический центр, а также гарантировала дальнейший экономический

рост. Помимо чисто военных функций, стена способствовала также замедлению притока в город новых жителей.

В то время Бухара была также политическим центром большого исламского эмирата, которым правила династия Самонидов. Территория эмирата охватывала весь Хорасан-э Бозорг и Согдиану, вплоть до Шаша. Это не означает, что основные города, расположенные на этой обширной территории, пришли в экономический упадок. Наоборот, такие города, как Нишапур, Балх, Мерв, Самарканд по-прежнему сохраняли свою экономическую мощь и политическую значимость в регионе. В культурном плане оазис находился под ирано-хорасанским влиянием династии Тахиридов; на всей территории оазиса и особенно в самой Бухаре наблюдалось дальнейшее развитие технологий, развивались и традиции, в результате чего сложилась самобытная модель, которая быстро распространилась и на другие страны исламской империи.

Такая ярко выраженная политическая стабильность привела к определенной пассивности в военном плане, что легко проследить на основании археологических данных. В Пайкенде, например, раскопки показали, что в тот период вал вокруг шахристана-1 был частично разрушен. Разрушенные участки вала покрыты слоями песка, а это означает, что оборонительное сооружение было заброшено. Вал, по крайней мере, в раскопанной части никогда не восстанавливался. Более того, как отмечает Ричард Фрай (Frue 2007: 165), в 10 веке над некоторыми валами шахристана-1 были вырыты колодцы, и это доказывает, что валы не использовались. Данную политико-военную тенденцию подтверждает и тот факт, что в Ромитане вокруг нового исламского города никаких валов не было, хотя жилые дома, скорее всего, были защищены прочными стенами.

Конец 10 и весь 11 век были ознаменованы прибытием Караханидов, первой мусульманской тюркской династии, которая вплоть до начала 13 века правила территориями от бассейна реки Тарим до Амударьи. На протяжении этого времени, продолжался приток сельского населения в Бухару, хотя население по-прежнему проживало в основном городе, занимаясь кустарными промыслами и караванной торговлей, как отмечает ДилнозаДутураева (2016: 173-212; 2017 скоро выйдет в свет). Интенсивная жизнь в жилых кварталах Пайкенда, а также в квартале гончаров свидетельствует об экономической стабильности, по крайней мере, на этом первом этапе, тогда как, исходя из данных стратиграфии, положение во второй половине 12 века представляется не столь определенным. Практически в каждом городище оазиса при раскопках в верхних слоях находили характерные гончарные изделия, датированные периодом конец 11 - 12 вв., покрытые толстым слоем непрозрачной бирюзовой глазури, иногда поверх красного шликера. Среди исследованных в ходе раскопок городищ

больше всего керамики такого типа — наряду с обычными гончарными изделиями — находили в Пайкенде и Ромитане. Существенных различий в характеристиках городских поселений этого периода не наблюдалось, и здесь прослеживается та же культурная модель эпохи саманидов. В восточном предместье Пайкенда, в рибате-4, обнаружено немало керамики этого периода, наряду с другими типами керамики, относящимися к 12 веку, например, керамика с черным орнаментом поверх толстого слоя сине-бирюзовой глазури. В те времена в этой части Пайкенда находилось кладбище, отличительной особенностью которого были массивные надгробья, иной раз в виде стел с надписями. Постепенно кладбище расширилось и заняло обочины основных дорог, ведущих из Рабада к каналу. Гробницы были ориентированы с севера на юг, а границей кладбища служила дорога. Намного позднее кладбище переместилось к северному склону, где его можно видеть и сегодня. В настоящее время кладбище расположено на самой южной окраине восточного предместья.

В 13 — начале 14 вв. следов человеческих поселений явно мало, по крайней мере, в основной части города; исключение составляет лишь Бухара, где в результате стратиграфического исследования, выполненного специалистами Археологической миссии в оазисе Бухары (АМОБ), были обнаружены слои, относящиеся к этому короткому периоду. Следует отметить, что гончарных изделий было обнаружено очень мало, и они относились к наиболее распространенным типам. Однако совершенно очевидно, что продолжался мощный отток населения из сельских районов наряду с медленным оттоком населения из основных городищ. Хотя монгольские нашествия были весьма разрушительными, это не означало, что люди покинули Бухарский оазис. Вполне можно предположить, что оазис по-прежнему занимал территории за пределами древнего города и что к тому времени начались существенные трудности с водоснабжением. Не исключено, что в новых районах оазиса стали появляться постройки городского типа.

Эпоха Тимуридов, конец 14 — 15 вв., характеризовалась восстановлением численности населения, хотя плотность его была невелика, по крайней мере, на территории основных и самых древних городищ оазиса. Гончарные изделия характерны для этой эпохи, и их можно найти, как в старых слоях, так и близко к поверхности. В Пайкенде на территории шахристана-1 в ходе раскопок были обнаружены постройки прямоугольной формы из пахсы, и они впервые были ориентированы с юго-запада на северо-восток, в направлении Мекки. Кроме того, в то время еще работала большая обжигательная печь. В Ромитане вновь была заселена древняя часть города квадратной конфигурации. Хотя правление Тимуридов длилось недолго, и постройки той эпохи были порой непрочными, следует отметить, что именно



тогда была заселена вся территория оазиса, и изготовлявшиеся в тот период гончарные изделия отличались довольно высоким качеством.

На территории некоторых древних городищ, например, в Ромитане, находили разрозненные гончарные изделия, относящиеся к последующим столетиям, и это свидетельствует о том, что люди здесь по-прежнему жили. Тем не менее, данные человеческие поселения носили недолговременный характер, и уже начался медленный, но массовый отток населения в близлежащие районы, результаты которого явно видны на карте, датированной 1893 годом.

Таким образом, в результате исследования региона вокруг оазиса можно сделать вывод о новой хронологии и новой динамике человеческих поселений. Эти неизвестные ранее данные дополняют прежние исследования, на которые в весьма существенной степени опирается настоящий материал. Благодаря благоприятным природным явлениям население богатого своими пастбищами обширного региона дельты Зеравшана продолжало расти особенно в пределах оазиса, и люди, прибывающие из близлежащих областей, оседали здесь. Как уже отмечалось в более ранних исследованиях, Бухарский оазис с момента своего зарождения и начала урбанизации, но особенно, начиная с 3-4 вв., продолжал развиваться в экономическом плане благодаря своему географическому положению, а также — навыкам и мастерству жителей, которые на протяжении веков сменяли друг друга. Культурное наследие, оставленное этими первооткрывателями, предопределило культуру последующих эпох, которая всегда опиралась на торговлю.

#### **Литература:**

1. Тамгинанесенные на гончарные изделия, относящиеся к данному периоду, обнаружены также на объекте Кубадиян II (Djakonov 1953: 282-287).

2. В ходе раскопок в Кермане были обнаружены гончарные изделия, покрытые черным шликером (Grizina and Khujanazarov 2005: 45-46).

3. На мой взгляд, именно к этому периоду следует относить поселения других оазисов Согдианы. Зачастую их датируют 5-6 вв.н.э. (De la Vaissiere 2011), когда несомненно — как следствие миграционных процессов — существовали довольно крупные поселения, но скорее всего эти поселения были не самыми ранними.

4. Приношу благодарность Джакомо Бруно (Jacopo Bruno) за то, что он показал мне некоторые подборки гончарных изделий этого типа, найденные в Нисе.

5. Их появление часто датируют 4 веком н.э. (см. в частности, Zeimal 1996: 123); именно в этот период они впервые упоминаются в письменных

источниках, относящихся к конкретному историческому событию (Ammianus Marcellinus 16.9.4, 1968; Felix 2011: 485).

6. Относительно культурных элементов хионитов, см. также Grenet and Khasanov (2009: 69-82).

## СУҒДАГИ АРХЕОЛОГИК ЁДГОРЛИКЛАРНИНГ УМУМИЙ ТАСНИФИ

**Эшов Б.Ж.**

*т.ф.д., проф.,*

*Қарши Давлат университети*

Мустақиллик йилларида Ўзбекистоннинг жанубидаги қадимги тарих ва моддий маданиятни ўрганиш борасида самарали ишлар амалга оширилмоқда. Хусусан, қадимги Суғддаги археологик тадқиқотларнинг салмоғи ҳам анча юқори. Бизга маълумки, Суғд тарихига оид ёзма маълумотлар “Авесто”да Суғд-Суғуда этнонимининг пайдо бўлиши билан бошланиб, эллинизм, илк ўрта асрларда янада кўпроқ келтирилади. Бу ҳолатни даврий жиҳатдан уч даврга: 1) “Авесто” ва Суғднинг Аҳамонийлар давлати таркибига кирган давр; 2) Эллинизм даври; 3) Ўрта асрлар даври.

Ўзбекистоннинг жанубидаги қадимги шаҳарларини тарихий-географик ва археологик нуқтаи назардан ўрганиш дастлаб Россия тарихшунослигида бошланди. Ўрта Осиё Россия мустамлакасига айлантирилгандан сўнг рус ҳокимияти ўзининг сиёсий, ҳарбий ва иқтисодий манфаатларидан келиб чиқиб минтақани батафсил ўрганишга киришди. Хусусан, ўлканинг ҳарбий-стратегик аҳамиятга эга бўлган ҳудудларини ўрганишга катта эътибор қаратилди.

Қадимги Суғд ҳудудларида жойлашган шаҳар ва қишлоқлар, бу ерда истиқомат қилувчи аҳоли ҳамда унинг этник таркиби, хўжалиги, маданияти, сиёсий қарашлари, бу ҳудудлар орқали ўтган алоқа сув ҳавзалари, конлар, Ўрта Осиёнинг жанубий ҳудудларининг географияси ва топографияси, алоқа йўллари тизими, улов воситалари, асосий қарвон йўллари йўналишлари, уларнинг хусусиятлари, тоғ доволари, дарё кечувлари ва бошқа масалаларни батафсил ўрганишга киришилди.

Қадимги Суғд шаҳар маданиятининг археологик жиҳатдан ўрганилишини таҳлил этишдан олдин таъкидлаш лозимки, Ўрта Осиёнинг қадимги ва ўрта асрлар даври шаҳарлари ва шаҳар манзилгоҳлари тарихи ҳамда маданиятини тадқиқ этиш бошланганига 150 йилга яқин вақт бўлди. Ўтган давр мобайнида минтақанинг катта ва кичик шаҳарлари ҳамда қишлоқларида кечган тарихий-маданий жараёнларни ёритиб берувчи кўплаб илмий тадқиқотлар нашр юзини кўрди [1]. Сўнгги йиллардаги археологик тадқиқотлар ва янги кашфиётлар натижаларининг таҳлиллари шуни кўрсатмоқдаки, Ўрта Осиёдаги ўрта асрлар давридаги урбанизация жараёнлари умумтарихий, ижтимоий, иқтисодий, маданий ва сиёсий қонуниятларни ўзида акс эттиради. Бу даврдаги шаҳар маданияти

шаклланиши ҳамда ривожланишининг минтақавий (худудий) ўзига хос хусусиятларини ўрганиш ва тадқиқ этиш тарихшуносликдаги муҳим масалалардан ҳисобланади.

XIX асрнинг иккинчи ярми – XX асрнинг бошларидаги даврда шаҳарлар тарихини тадқиқ этишда ёзма манбалар маълумотларига асосланган шарқшуносларнинг ишлари устунлик қилиб, улар қисман археологик маълумотлардан ҳам фойдаланганлар. Аммо, бу даврда қадимги ва ўрта асрлар шаҳарлари тарихи ва маданиятини археологик қазилмалар воситасида тадқиқ этиш услублари ҳали ишлаб чиқилмаган эди. Ўша даврда Россия Императорлиги Археология қўмитаси томонидан Афросиёбга юборилган атоқли профессор Н.А.Веселовский ҳам қўрғон қазилмалари бўйича машҳур эди [2]. Шунинг учун ҳам унинг Афросиёбдаги тажрибаси муваффақиятли чиқмади.

Бу даврда М.Ростиславов, В.Крестовский, Н.Ситняковский, Б.Кастальский, Л.Зимин, В.Бартольд, В.Вяткин [3] каби олимлар томонидан тадқиқотлар олиб борилди. Умуман, дастлабки тадқиқотларда шаҳарлар тарихини ўрганиш “археология ҳаваскорлари” фаолияти сифатида баҳоланади [4].

1841-1842 йилларда Петербургдан Бухоро амирлигига ориенталист Н.В.Хаников келади ва бу ерда саккиз ой яшайди ва амирлик ҳақида асар ёзди [5]. Муаллиф амирлик шаҳарлари ҳақида маълумот берар экан, Қарши шаҳри ҳақида маълумот бериб, уни уч қисмли шаҳар сифатида таърифлаб, шаҳар дарвозалари, эски масжид, Қашқадарё дарёсида Абдуллахон II бунёд этган эски кўприк ҳақида маълумотлар бериб, Қаршини амирликдаги Бухоридан кейинги иккинчи пойтахт шаҳар сифатида таърифлайди ва Қарши шаҳри атрофларидаги археологик ёдгорликлар борлиги ҳақида маълумот беради [5].

1870 йилдан Тошкентда ишлаган рус генерали Н.А.Маев 1872 йилда (1874-1878 йй.) Бухоро амирлигининг жанубий ҳудудларида сафарда бўлиб, Ҳисор ва Кўлоб бекликлари, Зарафшон ва Шаҳрисабз воҳалари, Самарқанд-Китоб, Қарши-Шеробод йўллари йўналишлари ҳақидаги асарини яратди [6]. 1878 йилда “Туркестанские ведомости” да муаллифнинг Шаҳрисабз-Ғузор-Дарбанд-Шеробод-Термиз йўллари йўналишлар, Ғузор-Танги ҳарам дараси, Куйтан қишлоғи ҳақидаги мақолалари нашр этилди [7]. Н.Маевнинг тадқиқотлари кейинги давр археологик тадқиқотлари учун аҳамиятли бўлди.

1882-1883 йилларда Туркистон генерал-губернаторлигининг махсус топшириғи билан ёзувчи В.В. Крестовский Қарши ва Шаҳрисабзга келади [8]. В.Крестовскийнинг тадқиқотлари шу билан аҳамиятли бўлдики, муаллиф Шулуқтапа кўҳна шаҳар харобаларини бориб кўрди ва уни ўз асарига киритди. Аммо, кўҳна шаҳарга батафсил таъриф бермади. 1895 ва 1910 йилларда Қарши шаҳрига зобит-рассом Б.Н.Литвинов ташриф буюрди [9]. Муаллиф Қаршини амирликдаги муҳим шаҳарлардан бири сифатида таърифлаб, шаҳарни Бухоро, Самарқанд, Термиз, Балх, Ҳирот, Карки билан боғловчи карвон йўллари ҳақида маълумот беради. Шаҳар атрофини ўрганар

экан Б.Литвинов Шуллиуктепа ҳақида шундай ёзади: “Унутмаслик керакки, замонавий Қарши ўзининг эски ўрнидан жануби-ғарб томонга силжиган. Албатта, ҳозирги Қарши ҳам ярим минг йил олдин мавжуд бўлган. Лекин, қадимги Нахшаб, эски Қарши маҳаллий аҳоли Шуллиуктепа деб атайдиган қалъа ўрнида бўлган. У ҳозир қадимги изларни сақлаб қолган улкан тепаликдан иборат [10]”.

1895 йил декабрда ташкил топиб, 1917 йилгача мавжуд бўлган “Туркистон археология ҳаваскорлари тўғараги” (Туркестанский кружок любителей археологии) фаолияти ўша давр Ўрта Осиё тарихи ва археологиясини ўрганишда муҳим аҳамиятга эга бўлди. Ушбу тўғарак аъзоларининг сайёҳи-ҳаракатлари билан жанубдаги бирор-бир кўҳна шаҳарда кенг кўламдаги қазилма ишлари олиб борилмаган бўлса-да, ўлка ҳудудидаги қадимги ёдгорликларни аниқлаш, уларга таъриф бериш ва археологик харитага киритиш, археологик ёдгорликларни сақлаш, археологик ёдгорликлар ҳақида маълумот бериш каби масалаларда олиб борилган изланишлар диққатга сазовор бўлди [11].

XX асрнинг бошларида чегара зобити Д.Н.Логофет Самарқанддан Тахтақорача домини орқали Шаҳрисабз, Яккабоғ ва Қаршига келади. Муаллиф ўз асаридан [12] Шаҳрисабз атрофидаги археологик ёдгорликлар ҳақида маълумот бериб, шаҳарнинг Оҳанин (Агенин), Абдуллоҳ дарвоза, Касабон дарвоза ва Шаҳристон дарвоза каби 4 та дарвозасини таърифлайди. Д.Логофет Яккабоғ ҳақида шундай ёзади: “... бир неча марта вайрон этилиб, яна қайта тикланган Яккабоғ шаҳри ва қалъаси эски ҳаёт қолдиқларини сақлаб, қалин ер қатлами билан қопланган. Археологик қазилмалар ва тадқиқотлар мавжуд бўлганига салкам икки минг йил бўлган ушбу шаҳар ўтмишини ёритиш учун кўплаб материал бериши мумкин [13]”. Д.Логофет воҳадаги археологик ёдгорликларга катта эътибор қаратганлиги билан ўз давридаги тадқиқотчилардан ажралиб туради.

1916 йилда ТАҲТ аъзоси И.А.Кастанье ўзининг ҳамроҳи Н.Голошевич билан бирга Қарши воҳасига келди. Улар Қалъайи Зоҳҳаки Морон қалъасидан то Косонгача бўлган ҳудуддаги темир йўл бўйлаб 54 та қўрғонни аниқладилар [14]. И.Кастанье тадқиқотчилар орасида биринчи бўлиб Қашқадарё воҳасидаги ёдгорликларни антик давр муаллифлари маълумотлари билан қиёсий солиштириб, локализациялашга ҳаракат қилди. Тадқиқотчи воҳадаги кўпгина археологик ёдгорликларни юзаки кузатиб, уларнинг тузилиши ва санасини белгиламаган бўлсада, ўз даври археологик тадқиқотлари учун кўпгина маълумотлар тўплаган эди [15].

ТАҲТ нинг яна бир аъзоси Л.А.Зимин фотограф П.М.Никифоров билан 1916 йилнинг май-июнь ойларида Қарши воҳасига келди. У Шуллиуктепа кўҳна шаҳрига бориб, уни ўрганиш ҳамда ўрта асрлар ёзма манбалари билан қиёслаб бу ёдгорлик илк маротаба XVIII аср адабиётларда учраши, манбаларда қайд этилган дарёнинг ҳар иккала томонида жойлашганлиги тарихий топографияга мос келишини қайд этиб, Мовароуннаҳрдаги араб истилоси ва ундан кейин ҳам Қашқадарёнинг қуйи оқимидаги Нахшаб-Насаф

битта шаҳар эканлиги ҳақида фикр билдирди [16]. Л.А.Зимин Қалъайи Зоҳҳаки Морон кўҳна шаҳрида ҳам кузатув ишларини олиб бориб, уни Қалъайи Дабус каби қалъаларнинг қолдиқлари сифатида таърифлаб, Зоҳҳаки Морон Амир Темур томонидан барпо этилганлигини таъкидлади. Тадқиқотчининг 1927 йилда нашр этилган мақоласида [17] Қарши ва унинг атрофларидаги Зоҳҳаки Морон, Шуллуктепа ҳақида маълумот берди, тадқиқотчилардан биринчи бўлиб Қозонхоннинг Занжирсарой қалъаси ҳақида маълумот берди, даштлик ўртасидаги катта кўҳна шаҳарни ҳам эслатиб ўтди [15].

XX асрнинг 20-йилларидан бошлаб минтақада ўрнатилган совет ҳокимиятининг зўравонлик сиёсати, турли-туман мафкуравий тазйиқлар, компартиянинг яккахокимлиги бошқарувига қарамасдан, Ўзбекистонда, Ўрта Осиёда археологик тадқиқотларга, қадимги тарих ва маданиятга, жумладан, шаҳарлар тарихини тадқиқ этишга бўлган эътибор йилдан йилга кучайиб, тадқиқотларнинг кўлами кенгайиб борди. 20-30-йиллардан бошлаб турли воҳалар, тарихий-маданий вилоятлар ва кўҳна шаҳарлар, қалъалар ва кўрғонлар тарихини тадқиқ этиш бўйича кўплаб археологик ва этнографик экспедициялар фаолияти йўлга қўйила бошланди.

1926 йилда Моддий маданият институтининг давлат Академияси (ГАИМК) томонидан А.Ю.Якубовский тарихий топографияни ўрганиш учун Шаҳрисабзга юборилди. Ўша пайтдаги ёш тадқиқотчи Қашқадарёдаги юздан ортиқ маъморчилик ёдгорликларини сураатга олди, меъморий ва археологик ёдгорликларида кузатув ишларини олиб борди [18].

1928 йилда тоғ инженери Я.С. Ефименко Касбитепада тадқиқотлар олиб бориб, бу ердаги пишиқ ғишт парчалари, сопол буюмлар, қурилиш қолдиқлари, сув қувурлари парчаларига қараб бу ёдгорлик қачонлардир сарой бўлганлиги ҳақида фикр билдирган эди. 1929 йилда Т.Мирғиёсов томонидан Қарши воҳасида тадқиқотлар олиб борилди. Ушбу тадқиқотларнинг натижаларидан М.Е.Массон томонидан Қашқадарё воҳаси тарихий топографияси, хусусан, ўрта асрлар даврдаги Базда шаҳри (Кўҳна Фазли)нинг жойлашувини аниқлаштиришда фойдаланилган [19].

1946 йилда ЎзССР ФА Тарих ва Археология институтининг илмий тадқиқотлар режасига “Қашқадарё дарёси воҳасининг тарихий географияси ва археологик ёдгорликлари” мавзусининг киритилиши воҳадаги археологик тадқиқотларнинг жонланишига имкон яратди. Ўша йили Қашқадарё воҳаси археологик ёдгорликларини режа асосида ўрганишга киришилиб, бу ишни С.К.Кабанов бошлаб берди. У ўзининг номзодлик диссертациясида кўйидагиларга асосий эътибор қаратди: топонимик материалларни тўплаш, шаҳарсозлик маданиятини ўрганиш, Қашқадарё воҳаси қадимги аҳолисининг тарихи ва маданияти, воҳадаги савдо-иқтисодий алоқалар, аҳолининг типлари ва ирқий белгиларининг таснифи [20].

С.К.Кабанов 1946 йил мавсумида Қашқадарёнинг юқори оқимидаги Яккабоғ, Шаҳрисабз, Китоб ҳудудларида ҳам археологик тадқиқотлар олиб борди. Ушбу тадқиқотлар натижасида муаллиф ҳудудлардаги 200 га яқин

археологик объектларни рўйхатга олди [21]. Уларнинг кўпчилиги ўрта асрларга оид бўлиб, кейинчалик уларнинг айримларида археологик тадқиқотлар олиб борилди.

С.К.Кабанов 1949-1950- йилларда Қашқадарёнинг юқори оқимида жойлашган Кеш воҳасида археологик кузатувлар олиб борди. Олим агар Қарши воҳасида қадимда нисбатан йирик шаҳар Ерқўрғон бўлса, Китоб-Шаҳрисабз воҳасидаги энг қадимги шаҳар Китоб шаҳри худудидаги Қаландартепа, деган фикр билдирди. Қаландартепанинг топографияси ва археологик топилмаларини ўрганар экан, С.К.Кабанов бу осори-атиқаларни мил.авв. III асрдан XVIII асргача бўлган давр билан саналади ҳамда Қаландартепа кўхна шаҳарнинг арки, деган хулосага келди [22].

50-йилларда С.К. Кабанов томонидан Қашқадарё воҳасининг Эски Анҳор канали атрофларида, Чимқурғон сув омбори қурилишида, Овултепа, Жангалтепа, Чимқўрғонтепа, Қўрғонтепа, Сариктепа, Холматтепа, Бўритепа, Киндиклитепа, Калонтепа, Тоштепа, Қизтепа каби қишлоқ манзилгоҳларида тадқиқотлар олиб борди [23]. Бу тадқиқотларда В.Д.Жуков ва М.Д. Корзухиналар ҳам иштирок этдилар [24]. Воҳа ёдгорликларидаги моддий маданиятни ўрганиш ва қиёсий таҳлил қилиш асосида С.К.Кабанов бу худудлардаги ишлаб чиқариши, хўжалиги ва турмуш тарзи бир-биридан фарқланувчи тўртта хронологик даврни ажратди [25].

1960-йиллардан бошлаб Қашқадарё воҳасининг барча худудларида археологик тадқиқотлар олиб борилди. ТошДУ Археология кафедраси қошида М.Е.Массон ташаббуси билан ташкил этилган Кеш археологик-топографик экспедициясининг (КАТЭ) ташкил этилиши тадқиқотлар учун кенг имкониятлар яратди. 1963 йилнинг баҳорида бир гуруҳ археологлар шарқий Қашқадарёга экспедиция уюштирдилар. Ушбу экспедиция аъзолари Китоб туманидаги Ҳазрати Башир қишлоғи атрофидаги Сарфарос ғори, Ниёзтепа, Маликшоҳтепа, Камолшоҳтепа қабиларда қидирув-текширув ишларини олиб бориб археологик топилмаларни тўпладилар ҳамда уларга асосланиб бу ёдгорликларни III-VII, XI-XII асрлар билан саналдилар [26]. Дастлаб Е.А. Давидович кейин эса М.Е.Массоннинг Қорахонийлар ва Хоразмшоҳлар даврига хос бўлган Термизнинг ўрта асрлар нумизматикасини тафсифланиши ҳам алоҳида аҳамият касб этди [27].

Шаҳрисабз атрофларини тадқиқ этиш натижасида VI-VIII асрларга оид Чилмозортепа ўрганилиб, шаҳар ўрнида XI-XII асрларда манзилгоҳ пайдо бўлиб, кейинчалик кенгайиб борганлиги аниқланди [28]. Касбида ва Кўхна Фазлида ҳам тадқиқотлар олиб борилди. Қалъайи Зоҳҳаки Морон ва унинг атрофлари кузатилиб, ёдгорликнинг нураган жойларида тозалаш ишлари ўтказилди. 1965-1966 йилларда Кеш археология топографик экспедицияси (КАТЭ) олимлари томонидан Ерқўрғон, Шуллауктепа, Қарши қалъаси ёдгорликларида ҳам тадқиқотлар олиб борилди. Қарши шаҳрининг ўзида ҳам тадқиқотлар ўтказилиб, бу ерда ҳаёт XIV асрнинг биринчи ярмида бошланганлиги аниқланди [29]. Мана шу экспедициянинг ғоят муҳим ишлардан бири М.Е.Массон томонидан Қарши шаҳрида яшовчи маҳаллий

кариялардан олинган маълумотлар асосида Қарши қалъасининг топографик тархи яратилди [29].

Қашқадарё археологик-топографик экспедицияси 1980-йилларда воҳада кузатув-текширув ишларини давом этирди. Бу даврда тадқиқот ишлари олиб борган А.С.Сагдуллаев Қашқадарёнинг юқори ва ўрта оқимидаги изланишларни умумлаштириб, бу ҳудудлардаги тўртта маданий-хўжалик районларини ажратган. Шунингдек, олим Аҳамонийлар даври ёдгорликларидаги қазилмаларига асосланиб, ўзининг тарихий-маданий мазмундаги хулосаларини берган [30].

Ўша пайтдаги ТошДУ (ҳоз. Ўз МУ)нинг Археология кафедраси ходимлари қадимги Кешнинг Сангиртепа ёдгорлигида археологик тадқиқотлар олиб бердилар. Ушбу тадқиқотлар натижасида Сангиртепада иккита қурилиш қатлами аниқланди. Биринчи пастки қурилиш қатлами 3 метр қалинликда, илк темир даврига оид бўлса, иккинчи, юқори маданий қатлам 5 метр қалинликда аҳамонийлар даврига оид эканлиги қайд этилган [31].

1997 йилдан бошлаб Сангиртепа, Узунқир, Подаётотепа каби ёдгорликларда дастлаб Ўзбек-Америка [32], кейинроқ эса, Ўзбек-Француз [33] экспедициялари иш олиб борди. Натижада Сангиртепанинг марказий қисмида олтига маданий қатлам (Сангир-I-VI) очилиб, бу қатламлар илк темир давридаги ўрта асрлар давригача эканлиги аниқланган. Шунингдек, Сангиртепадан Суғд ҳудудларидаги мил. авв. VII-VI асрларга оид дастлабки зардуштийлик ибодатхонаси аниқланган. Бу ибодатхона мил.авв. II асргача мавжуд бўлган [34].

Подаётотепа (Узунқирнинг қалъаси)да 1981-1982 йилларда Н.И.Крашенникова дастлабки тадқиқотларни ўтказган. Олима томонидан ушбу ёдгорликда аҳамонийлар ва илк антик давр қатламлари кузатилган [35].

Узунқирда дастлабки иккита қурилиш даври аниқланади. Кейинчалик, А.Сагдуллаев ва О.Лушпенколар томонидан турли даврларда қад кўтарган учта давр қолдиқлари кузатилган. Ушбу даврлар тўғри бурчакли, камондан ўқ отиш йўлаклари бўлган миноралар билан мустаҳкамланган бўлиб, иншоот мил.авв. IX-VIII асрлар билан саналанган [36].

Суғдадаги қадимги ёдгорликларни ўрганиш бўйича А.Омельченко ҳам изланишлар олиб борган. Хусусан, ушбу муаллиф томонидан Китоб туманининг шимоли-ғарбий қисмидан 100 дан зиёд қадимги ва ўрта асрлар ёдгорликлари аниқланган [37].

Ўтган срниинг 1970-80-йилларида қадимги пойтахт шаҳар Нахшаб ҳудудидаги Ерқўрғон кўҳна шаҳрида режали равишда фаол археологик тадқиқотлар олиб борилди. Ушбу даврдаги тадқиқотларда асосий эътибор кўҳна шаҳарнинг стратиграфияси, ички тузилиши ҳамда топографиясига қаратилган эди. Хусусан, сарой мажмуаси, шаҳар ибодатхонаси, ҳимоя деворлари [38], кулоллар ва темирчилар маҳаллалари очиб ўрганилган. Ундан ташқари, Қарши воҳасининг ривожланиш босқичлари ва аҳоли жойлашуви, Ерқўрғон кўҳна шаҳрининг топографияси ва антик давр

Ўзбекистон шаҳарларининг умумий тузилиши масалалари [39] тадқиқ этилган.

Таъкидлаш лозимки, 1970-йилларидан бошлаб Ўзбекистон ФА Археология институтининг Р.Х.Сулаймонов бошчилигидаги Қашқадарё экспедицияси Қарши воҳасининг кўҳна шаҳарлари бўлган Ерқўрғон, Қалъаи Заҳоки Марон, Шуллиуктепа, Косонтепа, Касби ва бошқа ёдгорликларда самарали археологик тадқиқотлар олиб борди. Хусусан, М.Туребековнинг Қалъаи Заҳоки Марон кўҳна шаҳрининг биринчи ҳимоя деворларида олиб борган тадқиқотлари хулосаларига кўра, кўҳна шаҳар мил.авв. II асрда скиф қабилалари томонидан қад кўтарган. Бу кўҳна шаҳарнинг режавий тузилиши Бухородаги Шаҳри вайрон ва Хоразмдаги Жонбосқалъанинг тузулишига анча яқин [40], деган хулоса чиқаради М.Туребеков.

Р.Сулаймонов эса, Қалъаи Заҳоки Марон кўҳна шаҳри режавий тузилишини Оролбўйидаги Бобишмулла ёдгорлигининг тузилиши ва бу ёдгорлик моддий маданиятидаги баъзи ўхшашликларни ҳисобга олиб, Суғд ҳудудлари Евкратит ҳкумронлиги (мил.авв. II аср) даврида Оролбўйи саклари томонидан босиб олинган [39], деган хулосага келган.

Бу ўринда М.Исомиддинов ва Ш.Рахмоновларнинг айрим тадқиқотларини ҳам таъкидлаш лозим. Ушбу олимлар 1982-83 йилларда Қалъаи Заҳоки Мароннинг марказий минорасида тадқиқотлар олиб бордилар. Қазиишмалар натижасида кўҳна шаҳарни ўраб турган ҳимоя деворлари ўрганилиб, бу деворлар кўҳна шаҳар қалъасининг деворлари бўлиб, кўҳна шаҳар фаолиятининг сўнгги даврларида бунёд этилганлиги аниқланган [41].

Жанубий Суғддаги Киндиктепа кўҳна шаҳрида ҳам тадқиқотлар олиб борилган бўлиб, даставвал бу кўҳна шаҳарнинг хронологияси милоднинг I ва V-VI асрлари билан саналанган [42]. 1985-1987 йилларда М.Ҳасанов ҳам Киндиктепада тадқиқот ишлари олиб борди. Олимнинг кўҳна шаҳардаги қазиишмалари натижасида бу асрда тўртта қурилиш қатламлари кузатилиб, бу қатламлар мил.авв. II- I асрлардан милодий V-VI асрларга қадар мавжуд бўлганлиги аниқланган [43].

Ушбу бўлимга хулоса қилиб айтиш мумкинки, ўтган асрнинг охиридан бошлаб Қашқадарёнинг юқори ва қуйи оқимларининг қадимги тарихини ўрганиш бошланган юўлсада, бу даврлардаги тадқиқотлар археологик ҳарактерга эга эмас эди ҳамда Россия императорлиги маъмурларининг манфаатларига хизмат килди. 1950-йиллардан бошлаб ҳозирги кунга қадар давом этаётган археологик тадқиқотлар натижасида Жанубий Суғддаги кўплаб кўҳна шаҳарлар (Узунқир, Ерқўрғон, Қалъаи Заҳоки Марон, Шуллиуктепа ва бошқ.) қолдиклари очиб ўрганилиб, шаҳарлар тарихи бўйича билимлар сезиларли даражада кенгайди. Жанубий Суғднинг шаҳар цивилизацияси нафақат Ўзбекистон, балки, бутун Ўрта Осиёда ўзига хос мавқега эга эканлиги катта кўпчилик олимлар томонидан эътироф этилганлиги фикримиз далилидир.



### Адабиётлар:

1. Эшов Б. Ўрта Осиёнинг қадимги шаҳрлари тарихи. Дасрлик. Тошкент: “Fan va texnologiya”, 2008. – Б.16 (235)
2. Веселевский Н.А. Древние курганы Средней Азии и их изучение // Отчёт о раскопках курганов, произведенных комитетом Археологии. СПб. 1880.С.26. Ўшамуаллиф. Заметка о курганах Туркестанского края// Записи восточного отделения. Вып. 3-4. СПб. 1888. – С. 224.
3. Ростиславов М.Об археологических изысканиях в Зарафшанском округе // ПТКЛА. Год III.-Т., 1899. – С. 144-149; Крестовский В.В. В гостях у эмира Бухарского. – СПб. 1887. – С. 38; Кастальский Б.Бия-Найманские оссуарий // ПТКЛА. – Т., 1909. – С. 1-36; Замин Л.Разалины старого Пайкенда// ПТКЛА.Т.; 1913. – С. 59-89.
4. Эшов Б. Ўрта Осиёда илк шаҳар маданиятининг шаклланиши ва ривожланиши тарихи. Тар.фан.докт.дисс. Қўлёзма. – Тошкент. 2008. – Б. 12.
5. Ханыков Н.В. Описание Бухарского ханства. – СПб. 1843. – С. 179., 44-45.
6. Маев Н.А. Очерки Бухарского ханства-Ташкент. 1875. – С. 238.
7. Известия // ТВ, 1878.№24; Известия // ТВ.1878. №35.
8. Крестовский В.В. В гостях у эмира Бухарского. – СПб. 1887. – С. 319.
9. Литвинов Б.Н. Карши // ТВ. 1910.№114; ТВ. 1910. № 116.
10. ТВ. 1910. №116. 27 май.
11. Пугаченкова Г.А., Германов В.А. Туркестанский кружок любителей археологии и домусульманские древности Средней Азии (к 100 летию Туркестанского кружка любителей археологии) // ВДИ. 1996. – № 4. – С. 189-195.
12. Логофет Д.Н. В горах и на равнинах Бухары. – СПб. 1913. – С. 619.
13. Ўша асар. – Б. 522 .
14. Кастанье А.И.Археологическая разведка в западных частях Бухары // Протоколы Туркестанского кружка любителей археологии. – Ташкент, 1917. – С. 26-30.
15. Ражабова Н.Н. Становление и развитие археологической школы в Узбекистане (историография изучения археологических памятников долины Кашкадарьи). – Ташкент,:Янгинашр. 2012. – С. 27, 28.
16. Зимин Л.А. Краткий отчет о поездке по Бухаре в 1916 г. // ПТКЛА-Ташкент, 1916. – С. 103-104.
17. Зимин Л.А. Нахшеб. Несеф. Карши. Их история и древности // В.В. Бартольд. Туркестанские друзья, ученики и почетатели. – Ташкент: 1927. – С. 197-214.
18. Якубовский А.Ю. ГАИМК и ИИМК и археологическое изучение Средней Азии за 20 лет // КСИИМК. – М. – Л. 1940. Вып. VI. – С 16-17.
19. Массон М.Е. Проблема изучения цистерн-сардоба-Т., 1935. – С. 23-24.

20. Кабанов С.К. Нахшеб в III – VIII вв. в свете археологических данных.: Дисс. канд. ист.наук.-Ташкент. 1959. – С. 212.
21. Кабанов С.К., Шахурин К.А. Археологическая разведка в верховьях р. Кашкадарья // История материальной культуры Узбекистана. Вып.7. 1966. – С. 112-124.
22. Кабанов С.К. В оазисах и степях Кеша и Нахшаба-Ташкент.: Узбекистан. 1988., – С. 80.
23. Кабанов С.К. Культура сельских поселений Южного Согда. Ташкент, 1981. – С. 95.
24. Жуков В.Д. Археологическая разведка Киндаклитепа // ИМКУ, 1966. Вып.7. – С. 94-95; Ёша муаллиф. Археологическая разведка на Бурытепа в 1956 г.// Известия АН Уз ССР. 1958. – №5. – С. 55-56.
25. Кабанов С.К. Археологические данные по истории Нахшеба в III–IV вв. // ВДИ. 1956. – №2. – С. 169-170.
26. Аскарлов А.А. Археологическая поездка в северо-западную часть Каршинской степи // ИМКУ. Вып. 5. 1964. – С. 28-29.
27. Давидович. Е.А. Термезский клад медных посеребренных дирхемов 617/1200 г. Эпиграфика Востока. Вып. 8. М.– Л., 1933. – С. 43-55; Массон М.Е. Кладиккараханидских медных дирхемов первой половины XII в. из Термеза // КСИ-ИМК. Вып. 80. – М., 1960. – С. 29.
28. Массон М.Е. Полевой отчет о работе Шахрисабзско – Китабской археологической экспедиции в 1963 г. Архив Глав НИУ РУЗ. – Ташкент, 1963. – С. 2-4.
29. Массон М.Е. Столичные города в области низовьев Кашкадарьи с древнейших времен (Из работ КАТЭ. 1965-66.гг.). – Ташкент: Фан. 1973. – С. 98, 89.
30. Сагдуллаев А. С. Поселения раннежелезного века в бассейне Кашкадарьи // СА, № 3. – М., 1984. – С. 154; Он же. Самарканд в системе древней урбанизации // Роль города Самарканда в истории мирового культурного развития. Материалы международного научного симпозиума, посвященного 2750-летию юбилею города Самарканда. – Ташкент-Самарканд, 2007.
31. Крашенинникова Н.И. Раскопки в Китабском районе // АО. – М., 1985. – С. 459; Она же. Древнеземледельческий оазис Южного Согда // АО. – М., 1986. – С. 533–535; Сагдуллаев А. С., Лушпенко О.Н. Новые данные к изучению древнесогдийских поселений // ОНУ, № 12. 1989. – С. 36–38.
32. Хасанов М., Мехендали С. Раскопки на Сангиртепа в Кашкадарье // АИ, вып. 4. – Ташкент, 2004. – С. 182–186.
33. Хасанов М. Х., Рапен К. [и др.]. О работах на городище Сангиртепа в 2012 году // АИ. Вып. 9. – Самарканд, 2013. – С. 182–186.
34. Хасанов М. Некоторые новые данные к становлению городской культуры в Согде // Роль города Самарканда в истории мирового культурного развития. ММ научного симпозиума, посвященного 2750-летию юбилею города Самарканда. – Ташкент-Самарканд, 2007. – С. 38–40.

35. Крашенинникова Н. И. Работы в Китабском и Шахрисябзском районах. С. 458–459; Она же. Работы в Китабе // АО. – М., 1984. – С. 474; Она же. Раскопки в Китабском районе // АО. – М., 1985. – С. 533–534; Она же. Древнеземледельческий оазис Южного Согда. – С. 476; Сагдуллаев А.С. Древние пути на юге Узбекистана // ОНУ, №3. – Ташкент, 1981; Он же. К вопросу о второй столице Согдианы // СА, № 4. – М., 1988. – С. 40–42; Лушпенко О. Н. К истории изучения поселений раннежелезного века долины Кашкадарьи // Древняя и средневековая археология Средней Азии. – Ташкент, 1990; Омельченко О.В., Мамадиев Б. Раскопки на городище Подаятак в Китабском районе // ОНУ, № 1–2. – Ташкент, 1999. – С. 72–75; Омельченко О.В. Культура восточных районов Южного Согда эпохи античности (конец IV в. до н. э. — IV в. н. э.). АКД. – Самарканд, 2003; Он же. Керамические комплексы эллинистического времени из области Кеш (по материалам городища Подаятактепа) // РА, № 3. – М., 2006. – С. 137–143.

36. Сагдуллаев А.С., Лушпенко О.Н. Новые данные к изучению древнесогдийских поселений. – С. 42–45.

37. Омельченко А. В. Районирование, типология и внутренняя структура поселений античного времени восточной части Южного Согда // Ўрта Осиё археологияси, тарихивамаданияти. ТД МК. – Ташкент, 2002. – С. 13–14; Он же. Культура восточных районов Южного Согда эпохи античности... – Самарканд, 2003.

38. Сулейманов Р.Х., Туребеков М. Этапы развития фортификационной системы Еркургана // ИМКУ, Вып. 14. – Ташкент, 1978. – С. 60–65.

39. Сулейманов Р. Х. Древний Нахшаб: проблемы цивилизации Узбекистана VII в. до н. э. – VII в. н. э. – Самарканд-Ташкент, 2000. – С. 28

40. Туребеков М. Археологическое изучение оборонительных сооружений городища Калай-Захоки-Марон // ИМКУ, Вып. 15. – Ташкент, 1979. – С. 68–75.

41. Исамиддинов М., Рахманов Ш. А. Предварительное исследование цитадели городища КалайЗахакиМорон // ТД конф. «Творческое наследие народов Средней Азии в памятниках искусства, архитектуры и археологии». – Ташкент, 1985.

42. Кабанов С. К. Нахшаб на рубеже древности и средневековья (III–IV вв.). – Ташкент, 1977. – С. 40.

43. Хасанов М. Античные сельские поселения Южного Согда. АКД. – Самарканд, 1990.

## ЎЗБЕКИСТОН ТАРИХИНИ ДАВРЛАШТИРИШГА ДОИР АЙРИМ МУЛОҲАЗАЛАР

Қудратов С.С.

*т.ф.н., доц.,*

*Гулистон Давлат университети*

Даврлаштириш – материални таҳлил қилиш ва тартибга солишнинг самарали усулидир. Тарихни даврлаштириш эса тарихий жараёнларни шартли равишда маълум бир хронологик даврларга ажратишнинг ўзига хос тизими. Бу даврлар ўзига хос хусусиятлари билан ажралиб туради. Даврлаштириш учун мезон сифатида жамиятдаги туб ўзгаришлар қабул қилинган. Тарихни даврлаштириш тарихий жараёнларни яхшироқ тушиниш учун зарур. Шунингдек, даврлаштириш ёрдамида кўхна тарихнинг кўплаб жумбоқларига ечим топиш мумкин бўлади. Шу сабабли ҳам даврлаштириш тарихни ўрганишда муҳим аҳамиятга эга. Таълим муассасаларида Ўзбекистон тарихи фанини Ўзбекистон тарихини даврлаштиришсиз ўтиш бу ўқувчи ва талабаларни тарих деб аталувчи улкан уммонга компаси бўлмаган кемага чиқариб юборишдек гап. Шунинг учун Ўзбекистон тарихини даврлаштириш мавзуси Ўзбекистон тарихи фанининг 1-мавзуси бўлмоғи керак.

Тарихни даврлаштиришнинг бир неча турлари мавжуд<sup>1</sup>. Улар ичида нисбатан кенгроқ қўлланиладиганлари булар: формацион, цивилизацион ва классик даврлаштиришлар ҳисобланади.

Формацион даврлаштириш К. Маркс ва унинг совет давридаги издошлари томонидан илгари сурилган бўлиб, унинг асосида мулкчиликнинг шаклидан келиб чиқиб, синфийлик нуқтаи назаридан ёндошиш ётган. Унга кўра, тарих 5 та формацияга:

1. Ибтидоий давр
2. Қулдорлик даври
3. Феодализм
4. Капитализм
5. Социализм бўлинган эди<sup>2</sup>. Бироқ барча халқлар тарихини синфийликга асосланган формацион даврлаштириш асосида босқичларга ажратиш мантиқан тўғри эмас. Социалистик тузумнинг емирилиши бу даврлаштиришнинг нотўғри бўлганлигини исботлади.

Цивилизацион даврлаштириш ғояси А. Тойнбининг 12 томлик “Тарихни англаш” деб номланган асарларида баён қилинган<sup>3</sup>. А. Тойнби ушбу асарларида 30га яқин цивилизацияларни ажратади. Унинг фикрича, цивилизациялар ташқи омиллар таъсирида пайдо бўлади. Муаллиф фикрича, ҳар бир цивилизация пайдо бўлиш, ривожланиш, синиш ва парчаланиш босқичларини бошдан кечиради. Бироқ турли цивилизацияларнинг пайдо бўлиши ва инқирозга юз тутиши турли сабаблар билан содир бўлади. Айнан шу сабабли ҳам ушбу даврлаштиришни ҳам барча ҳудудлар учун қўллаш мумкин эмас.

Бугунги кунда тарихчилар орасида инсоният тарихини анъанавий (классик) равишда қадимги дунё, ўрта асрлар, янги давр ва энг янги даврга ажратишни мақсадга мувофиқ санайдиганлар ҳам анчагина. Мустақилликка эришганимиздан кейин тарихимиз борасида холис фикр билдириш имконига эга бўлдик. Жумладан, Ўзбекистон тарихини даврлаштириш борасида ҳам маълум бир фикрлар билдирилмоқда. Жумладан, академик А. Асқаровнинг Ўзбекистон тарихини даврлаштириш борасидаги қарашлари халқ таълими вазирлиги томонидан умумтаълим мактаблари ўқитувчиларига фойдаланиш учун тавсия этилган.

Академик олимимиз Ўзбекистон тарихини 7 та даврга ажратади. Булар:

- 1.Ибтидоий тўда даври (мил. авв. I миллион – 40 минг йилликлар)
- 2.Ибтидоий уруғчилик жамоаси ва мулк эгалигининг шаклланиш даври (бундан 40 минг йил аввал то милодий III-IV асрларгача)
- 3.Илк ўрта асрлар даври (милодий V асрдан то VIII аср охирига қадар)
- 4.Ўрта асрлар даври (IX - XIX аср ўрталаригача).
- 5.Мустамлакачилик ва миллий уйғониш даври (Россия империяси босқинидан то 1917 йил Октябрь тўнтаришига қадар)
- 6.Советлар ҳокимияти даври(1917-1991 йй.)
- 7.Миллий истиқлол, демократик давлат ва фуқаролик жамияти қуриш даври (1991 йилдан бошлаб)

А. Асқаров илк даврни Ибтидоий тўда даври деб номлаган. Бу давр инсоният пайдо бўлгандан то ҳозирги замон инсонларига ўхшаш инсонлар – (*Homo sapiens*)лар пайдо бўлган давр(сўнгги палеолит)гача бўлган даврларни олган. Бу назаримизда жуда дадил қараш ва бугунги хориж олимларининг қарашларини инобатга оладиган бўлсак, тўғри. АҚШдаги Калифорния университетининг профессори Аллан Уильсон 1992 йил “Science” журналида босилган мақоласида инсонлар тахминан 200 минг йиллар олдин Шарқий-Африкада бир она (Ева)дан тарқалганлиги борасида фикр билдиради. Олим фикрича, улардан олдин яшаган неандерталь одамлар ҳозирги замон одамларининг аجدодлари эмас. “*Homo sapiens*” “*Homo happiness*” лар тахминан 30-50 минг йил бирга аралашмасдан яшаганлар. Бунинг асосий сабаби неандерталь одамда ҳайвонийлик хусусияти устун бўлган, шу сабабли улар билан аралаштириш (метисация) мумкин бўлмаган. Тўғри фанда бу фикрга қарши чиқувчилар ҳам кўп, улар фикрича “*Homo sapiens*” типидagi инсонлар “*Homo happiness*” типидagi инсонларнинг ворислари ҳисобланади. Нима бўлганда ҳам сўнгги палеолит даври одамлари – (*Homo sapiens*)дагина ҳозирги инсонларга хос бўлган таффакур, тил, пайдо бўлади. Шунингдек, уй-жой қуришни ўзлаштирадilar. Энг муҳими улар оила-оила бўлиб яшай бошлайдилар. Шубҳасиз бу муҳим ўзгаришлар ва бу ўзгаришлар уларни ибтидоий тўда давридан кескин ажратиб туради. Сўнгги йилларда мутахассислар томонидан сўнгги палеолитнинг бошланиш даври бир мунча қадимийлаштирилаётганлигини ҳам унитмаслик зарур. Шундай қилиб, А. Асқаровнинг Ўзбекистон тарихининг 2-даврини сўнгги палеолитдан бошлаганлиги тўғри. Бироқ олимнинг ушбу даврни то милодий III-IV

асрларгача бўлган давр билан чегаралашлари эътирозга сабаб бўлади. Чунки, бизнинг назаримизда, Ўрта Осиёда илк шаҳарлар, давлатлар ва ёзув пайдо бўлган даврни - бронза даврини алоҳида даврга ажратиш мақсадга мувофиқ бўларди. Зеро бу қадим аجدодларимизнинг цивилизация босқичига қадам қўйганликларининг белгисидир. Шундан келиб чиқиб, Ўзбекисон тарихини даврлаштиришнинг 2 - даврини – “Энг қадимги давр” деб номлашни ва унинг хронологик даврини мил.ав. 40(50) минг йилликдан то мил. ав. II-минг йиллик ўрталаригача яъни Ўзбекистон худудида илк шаҳар ва давлатлар пайдо бўлгунгача бўлган давр билан чеклашни таклиф этамиз. Ундан кейинги даврни - мил.ав. II- минг йиллик ўрталаридан то милодий III-IV асрларни эса “Қадимги давр” деб номлашни таклиф этамиз. Шубҳасиз, милодий 4-5 асрлар бу янги давр, чунки бу даврда янги ишлаб чиқариш муносабатлари ўрнатилди. Ерга, ишлаб чиқариш воситаларига эгалик қилиш узил-кесил хусусийлашади. Бу шубҳасиз янги даврнинг бошланиши. Бироқ ўрта асрларни икки даврга: илк ўрта асрлар ва ўрта асрларга ажратиш ҳам назаримизда биров маъқул эмасдек. Зеро, илк ўрта аср бўлгач, табиийки сўнгги ўрта аср ҳам бўлади. Шу сабабли, ўрта асрларни учга ажратишни таклиф этамиз. Илк ўрта асрлар (милодий V асрдан то VIII аср охирига қадар); ривожланган ўрта асрлар (IX – XV-асрлар) ва сўнгги ўрта асрлар (XVI-XIX-аср ўрталаригача).

Ўрта Осиёнинг Россияси империяси томонидан босиб олинганидан то мустақилликка эришганимизгача бўлган даврини яъни мустамлакачилик даврини “Янги тарих” деб, уни икки босқичга ажратишни таклиф этамиз. Биринчи босқич –Россияси империяси босқини даври XIX-аср ўрталаридан то 1917 йилгача) ва советлар ҳукмронлиги даври 1917 йилдан то 1991 йилгача бўлган давр.

№	Даврлаштириш	Босқичлари	Хронологик даври
1	Ибтидоий тўда даври		Ўзбекистон худудида инсоният пайдо бўлган даврдан то сўнгги палеолит давригача(тахминан мил. авв. I миллион – 40(50) минг йилликлар)
2	Энг қадимги давр		Сўнгги палеолит давридан (бундан 40(50) минг йил) то мил. ав. II-минг йиллик ўрталаригача
3	Қадимги давр		мил. ав. II-минг йиллик ўрталаридан то милодий –III-IV асрлар
4	Ўрта асрлар даври	Илк ўрта асрлар	милодий V асрдан то VIII аср охирига қадар
		Ривожланган ўрта асрлар	IX – XV-асрлар
		Сўнгги ўрта асрлар	XVI-XIX-аср ўрталаригача
5	Янги тарих	Россия империяси босқини даври	XIX-аср ўрталаридан то 1917 йилгача
		Советлар ҳукмронлиги	1917 йилдан то 1991 йилгача

		даври	
6	Энг янги тарих	Миллий тикланиш даври	1991-2016 йиллар
		Миллий юксалиш даври	2017 йилдан

Ва ниҳоят, 1991 йилдан бошланган даврни “Энг янги тарих” деб номлашни ва уни икки босқичга: 1. “Миллий тикланиш” (1991-2016) ва “Миллий юксалиш” (2017 йилдан ) босқичларига ажратишни таклиф қиламиз. А. Асқаровнинг “Ўзбекистон тарихи жаҳон тарихининг таркибий қисмидир. Бу заминда юз берган тарихий жараёнларни жаҳон тарихидан ажратиб ўрганиш мумкин эмас” деган сўзлари айти ҳақиқатдир. Шу сабабли ҳам Ўзбекистон тарихини даврлаштиришда жаҳон тарихини даврлаштиришда кенг қўланиладиган терминлардан фойдаланишни мақсадга мувофиқ деб ҳисобладик. Бу Ўзбекистоннинг жаҳон тарихида тутган ўрнини тўлароқ тушуниш имконини беради. Шу тариқа Ўзбекистон тарихини кўйидагича даврлаштиришни таклиф этамиз:

#### **Адабиётлар:**


1. Ртвеладзе Э.В., Сагдуллаев А.С. Типы периодизаций истории Средней Азии.//Независимость и история: новые подходы к учению истории Узбекистана (Тезисы докладов международной научной конференции, г. Ташкент, 1997 г.) с.3-4
2. Толстов С.П. Периодизация древней истории Средней Азии. КСИИМК.
3. Вып.28.М.-Л., 1949,
4. Тойнби А. Дж. Постигание истории. М., Прогресс,1991,736 с.
5. Асқаров А. Ўзбек халқининг келиб чиқиш тарихи. Тошкент, 2015

### **ХАЗОР БУҚО ШАҲРИНИНГ ТАРИХИЙ ТОПОГРАФИЯСИ ХУСУСИДА**

**Раимқулов С.**

*Самарқанд археология институти*

Ушбу ёдгорликлар мажмуаси ҳозирги Чирокчи тумани Кўкдала массиви Талоктепа қишлоғидан шарқ томонда жойлашган. Улар ичида Хазор Буко 1 ни марказий ёдгорлик сифатида таърифлаш мумкин.



**Ҳазор Буқо 1.** Ёдгорлик томонлари 130x130 м, баландлиги 9 м бўлган квадрат шаклидаги тепалик бўлиб, унинг барча томонлари тик, тепаликка чиқиш жойи унинг шимолий ва жанубий қисмларида. Тепаликнинг юзаси нисбатан текис, унинг усти ва ён атрофларида X-XIII аср бошларига оид бўлган кулолчилик буюмларининг парчалари учрайди. Бу топилмалар ушбу марказий тепалик ўрнидаги қишлоқ мўғуллар ҳукмронлигигача бўлган даврда фаолият юргизганлигини кўрсатади. Ҳазор Буқо 1 мўғуллар ҳукмронлиги давригача фаолият кўрсатган арк ва шаҳристондан иборат ўрта аср шаҳрининг қолдиқларидир. Аркнинг жануб томонида усти ясси тепаликлардан иборат, умумий майдони 17-18 га бўлган шаҳристон жойлашган. Шаҳристон ҳудудида бўйлаб X-XIII аср бошларига оид бўлган катта миқдордаги турли-туман кулолчилик идишларининг парчалари, кулолчилик ишлаб-чиқариши билан боғлиқ сопол шлаклар, темирчилик билан боғлиқ тошқоллар, пишиқ ғиштлар бўлаклари сочилиб ётганлиги, бу ерда тўлақонли ўрта аср шаҳарчаси фаолият юргизганлигини кўрсатади. Шаҳристон мудофаа деворларига эга бўлмаган. Унинг жанубий ва жануби-ғарбий қисмлари ғалла экиладиган майдонларга туташган бўлиб, ҳудуди аниқ чегараларга эга эмас. Ҳазор Буқо ёдгорлиги арк ва шаҳристон билан биргаликда 20 гектардан ортиқ майдонга эга бўлган Насаф-Самарқанд йўлидаги шаҳар харобаси бўлиб, мўғуллар истилоси даврида вайронага айланган.

Бу ёдгорлик даставвал Тошкент Давлат университети (Ҳозирги Ўзбекистон миллий университетининг КАТЭ (Кеш археологик-топографик экспедицияси) олимлари томонидан илмий муомалага киритилган, лекин бу ерда археологик қазилма ишлари олиб борилмаган (Ртвеладзе, Сагдуллаев, 1986, С.28)

**Ҳазор Буқо 2.** Бу ёдгорлик Ҳазор Буқо 1 дан 130 м жанубда жойлашган, томонлари 30x30 м, баландлиги 1,5 м бўлган квадрат шаклидаги алоҳида турган иншоотнинг қолдиқларидир. Барча томонида деворларнинг



қолдиқлари яхши кўзга ташланади. Ёдгорлик алоҳида турган ҳовлининг қолдиқлари эканлиги ҳақиқатга яқин.

**Ҳазор Буқо 3.** Ҳазор Буқо 1 дан 200 м жануби-шарқда жойлашган квадрат шаклидаги иншоот қолдиқлари бўлиб, томонлари ҳам 30x30 м.. Бу ёдгорликнинг усти ҳам ҳайдалган бўлиб, жойнинг рельефида элас-элас ташлансада, контурлари аэрофотосуратда яққолроқ кўринади.

**Ҳазор Буқо 4.** Ҳазор Буқо 1 дан 600 м шимоли-шарқда жойлашган тўғри тўртбурчак шаклидаги иншоот қолдиқлари бўлиб, жанубдан шимолга қараб чўзилган, томонлари 120x105 метрни ташкил этади. Ёдгорлик жойнинг рельефида умуман кўзга ташланмайди, унинг контурлари ва ўлчамлари ҳам худди Ҳазор Буқо 1 ва Ҳазор Буқо 2каби аэрофотосурат ёрдамида аниқланди.

**Ҳазор Буқо 5.** Ҳазор Буқо 2 дан 40 м шимоли-ғарбда жойлашган тўғри тўртбурчак шаклидаги иншоот қолдиқлари бўлиб, томонлари 60x40 метрни, баландлиги эса 4 метрни ташкил этади.

**Ҳазор Буқо 6.** Ҳазор Буқо 1 дан 260 м жанубда жойлашган тўғри тўртбурчак шаклидаги иншоот қолдиқлари бўлиб, жанубдан шимолга қараб чўзилган, томонлари 45x30 метрни ташкил этади. Бу ёдгорлик бошқа ёдгорликлар каби жойнинг рельефида деярли кўзга ташланмайди, унинг контурлари ва ўлчамлари ҳам худди Ҳазор Буқо 1 ва Ҳазор Буқо 2каби аэрофотосурат ёрдамида аниқланди.

Ҳазор Буқо 1-6 ёдгорликлари жойлашган ҳудудда X-XIII аср бошларига оид қулчилик буюмлари, қулчилик хумдонлари қолдиқлари, пишиқ ғиштар парчалари катта миқдорда учрайдилар ва улар орасида камроқ миқдорда XIII–XIV асрларга оид сопол буюмлар ҳам мавжуд. Бу ҳолат Ҳазор Буқо ёдгорлиги мўғуллар истилосигача фаолият кўрсатган шаҳар қолдиқлари эканлиги ва бу шаҳар мўғуллар хужуми даврида вайронага айланганлиги, кейинчалик Чигатой улуси даврида, давлатнинг пойтахти Қарши шаҳри эканлиги пайтида унинг харобалари устида давлатнинг ҳукмрон доиралари вакилларининг қароргоҳ–ҳовлилари (Ҳазор Буқо 2-6) бунёд этилганлигини кўрсатади.

Энди ёдгорликни Ҳазор Буқо деб аталиши хусусида. Ҳазор Буқо тарихий шахс номи бўлиб, у Чингизхоннинг ўғли Угедей ҳукмронлиги даврида Қарши шаҳрида доруғачи, яъни шаҳар ҳокими лавозимида бўлган. В.В.Бартольднинг маълумотига кўра, Ҳазор Буқо Нахшабда яшаган, асли кирмонлик Қутбиддин Кирмонийнинг синглисига уйланган (Бартольд, Соч. т. I, 1963 с.543). Келиб чиқиши кўчманчи бўлган Ҳазор Буқо шаҳар ҳокими лавозимида ишлаган бўлсада, у шаҳарда эмас, балки унда маълум масофада чўлда бунёд этилган қароргоҳида яшаган ва шунинг учун айнан ўша тарихий шахснинг номи у яшаган жойлардаги мана шу ёдгорликларда бизнинг кўнларгача сақланиб қолган.

Ўрта асрлардан бошлаб шаклланган ушбу ёдгорликлар мажмуаси қадимданок мавжуд бўлган Насаф-Самарқанд йўли устида жойлашган. Қолаверса, бу ердан 4,5 км масофа ғарбдан Зарафшондан Қарши воҳасига қараб қадимий Эски Анҳор ариғи оқиб ўтади. Ушбу омиллар Ҳазор Буқо ўрнидаги шаҳар мана шу йирик савдо йўли устидаги муҳим манзиллардан бири сифатида фаолият юргизганлигини кўрсатади.

#### **Адабиётлар:**

1. Бартольд В.В. Туркестан под владычеством монголов (1227-1269 гг.) Сочинение. Том .I, М., 1963.

2. Ртвеладзе Э.В., Сагдуллаев А.С. Памятники минувших веков. Ташкент, 1986.

### **НАҚШАБ. АНТИК ДАВРИГА ОИД АКТЁРЛАР НИҚОБИ**

**Хушвақов Н.О.**

*директор*

*“Шаҳрисабз” давлат музей-қўриқхонаси*

Қашқадарё вилоятидаги Шуллиуктепа ёдгорлигидан ўта ноёб сопол плитка (плакетка) топилган бўлиб, археологик материал “Шаҳрисабз” давлат музей-қўриқхонаси фондига кирим қилган. Театр актёрлари ниқоби акс этган мазкур археологик топилма на фақат Қашқадарё вилояти, балки тарихий Суғдиёна худудида театр санъатини шаклланиши ва ривожланиши масаласини аниқ ёритиб беради. Плитка жуда юпқа ва квадрат шаклдаги пластинка тарзида ясалган. Унинг юза қисмида 9 та грек-рим услубидаги театр ниқоблари босма тарзда ифодаланган. Ниқобларнинг кўпчилиги комик характерга эга, битта ниқоб эса трагедик образ сифатида тасвирланган. Бу плакетка апотропик ва хитоник тумор сифатида ишлатилган, у Дионис ва Демитра каби илоҳий диний аҳамиятга эга. Нахшаб худудидан топилган мазкур археологик топилма жуда муҳим, у қадимги Суғдиёна худудидаги маданий алоқаларни ёрқин мисоли бўлиб, театр санъати антик даврларда мавжудлиги ва театр санъатининг тараққиётини исботлайди. Фикримизча, Қашқадарё вилоятидан топилган мазкур археологик топилмалар орасида мазкур плитка энг ноёб музей экспонатидир.

Ўрта асрларга оид Шуллиуктепа ёдгорлиги тарихчилар томонидан Насаф шаҳри деб талқин этилади ва шаҳар Ерқурғон ёдгорлигидан V-VI асрларда кўчиб ўтган [1]. Шуллиуктепанинг Насаф сифатида Ибн Хордадбек, Ал-Истаҳрий, Ибн Хавқал ва Муқаддасий каби муаллифларнинг асарларини ўрганиш орқали талқин этилган. Араб ва форс тилларидаги ёзма манбаларда асослансак, Шуллиуктепа ўрнидаги Насаф манзилгоҳ сифатида антик даврнинг III-IV асрларда шаклланган [2]. Тадқиқотчиларнинг фикрича, V-VI асрларда манзилгоҳда Шуллиуктепа атрофини суғориш учун бунёд этилган

суний каналларни назорат қилиш учун йирик кўрғон қурилган. Айнан шу даврларда Ерқурғондан шаҳар аҳли кўчиб ўтиб, VI асрларда йирик шаҳарга айланди. VI-VIII асрларда эса шаҳар тезлик билан тараққий этган ва Қашқадарё воҳасининг энг йирик шаҳрига айланди. Бу даврда Арки-аъло бунёд этилиб, шаҳристон деворининг қалинлиги 15 м. гача етади [3].

Плиткақизғиш-жигар рангли лойдан тайёрланган ва трапециясимон шаклда ва жуда юпқа (1-расм), уч томони бироз қабарик ва қийшиқроқ, аммо тўртинчи томони текис. Плитканингбарча қирра бурчаклари текис кесилган. Плитка икки бўлакка ажралиб синган, музейшунослар моҳирлик билан бирлаштириб клей ёрдамида ёпиштирган. Унинг ўлчамлари: баландлиги - 5,5 см, юзасининг кенглиги - 5,5 см, охириги қирғоғи - 4,2 см, қалинлиги эса – 2-2,5 мм. Плитка уста кулол томонидан техник жиҳатдан “қолип-шакл” услубида тайёрланган, хумда пишгач, чеккалари пичоқ билан силлиқ қилиб кесилган. Плиткани юза қисмида тўққизта ниқоб таққан актёрлар композицион декор сифатида ишланган ва уч қаторда шахмат услубида жойлаштирилган. Ниқоблар қалин эмас, аммо жуда маҳорат билан ишланган.

Плитканинг юқорисида жойлашган ниқобли актёрлар ҳар бири алоҳида тасвирланиб учта ниқобли актёрлар эса бир гуруҳга бирлаштирилган, биринчи ниқобли актёр ниқобида асабийлик сезилиб туради. Ниқоб таққан актёр кенг пешонага эга, сочлари қулоғи ортидан ён томонига тушиб турибди. Бурни кичкина, кўзлари тўғрига қараган, лаби юмиқ, аммо табассуми сезиларли. Юзининг пастки қисми қалин соқоли билан қопланган ва соқоли ўралган. Кўринишидан бу ниқобдаги актёр қария, бундай образлар Бопсор қорапластикаларида эркак актёр образини ифодалайди.

Биринчи қатордаги учта ниқобли актёрлар бир гуруҳга бирлаштирилиб, сатирик тарзда ифодаланган. Охиригидаги чап томондаги шахс ён томонидан тасвирланган, унинг сочлари пешонасига тушган, кўзи чуқур ва кўзқорачиғи думолоқ ва марказда жойлашган. Тўғри бурун, бурнининг учи пастга қараган, ияги думолоқсимон, салгина чиққан. Унинг узун сочлари пастга тушган, тасвир аёл киши бўлиши мумкин.

Кейинги ниқобдаги образ бошқалари билан бирлашиб турибди ва олд томонидан ифодаланган. Бу актёрнинг сочи йўқ, тўғрироғи силлиқ, кўзлари тўғрига қараб турибди, юзи думолоқ, бурни кичкина ва тугмасимон. Оғзи очик ва оғзининг бурчаклари юқорига кўтарилиб, ярим ойсимон тарзда ифодаланган. Юқори лаби устидан узун муйловлари осилиб турибди, иягини кенг соқоли қоплаб олган. Ниқоб қарияни ифодалаган. Мазкур ниқобга яна тўғрига қараб турган эркак киши ниқоби жуда яқин жойлашган. Унинг пешонаси жуда кенг, юзи эса думолоқ шаклга эга. Кўзлари тўғрига қараб турибди, қовоқлари бодомсимон, кўз марказида қорачиқлар тугмасимон тарзда ўйилган. Қовоқлари устида қалин қоши осилиб турибди. Бурун ўртача, оғиз юмуқ, аммо лаби чўзилган ҳолда табассум қилиб турибди. Соқоли калта. Бу учта актёрнинг бир гуруҳ сифатида жойлашилгани тасодиф эмас, балки улар оилавий актёрлар бўлиши, эр, хотини, чеккадаги бобоси

бўлиши мумкин. Ёки оилавий можораларни сахнага ўйнаётган актёрлар гуруҳи деб ҳам талқин этса бўлади.

Плакетканинг иккинчи қаторида учта ниқобли актёр тасвирланган. Иккинчи қатор биринчиси биланалоқадор ва бир-бирини тўлдиради. Чап томондаги биринчи ниқобли актёр ёнбошидан ифодаланган. У ярим шар шаклга эга, актёрнинг пешонаси кенг, йирик бурун, қийиқ кўз, кўзқорачиклари марказда ва чуқур жойлашган. Ияги кичик, қоши ва муйлови йўқ. Балки бу актёр ўспирин ёки аёл бўлиши мумкин.

Кейинги ниқобли актёр эса марказда жойлашган, Ниқоб кенг юзли эркак кишидек таассурот қолдиради. Унинг пешонаси тор, сочлари қулоқлари ёнидан пастга тушган. Кўзлари тўғрига қараб турибди, кўз қийиқ, ромбсимон шаклда, бурни пачоқ. Плитка рельефида юзининг яноқлари бўртирилган, кичик оғзи озгина очик тарзда тасвирланган. Юқори лаби устидан узун муйловлари осилиб, иягига қадар тушган. Узун соқоли эса иккита қилиб ўралган ва пастга тушиб турибди. Бу варвар ёки сатирик образбўлиши мумкин.

Иккинчи қатордаги учинчи ниқобқаторнинг ўнг томонидаги охирги жойда жойлашган. Бу шахс қария ва кенг юзга эга. Пешона кенг ва пешонада тарам - тарам ажинлар мавжуд, қошлари қалин, кўзи баргсимон қийиқ, кўзининг марказида қорачиклари аниқ билиниб турибди. Бурни катта эмас, оғзи катта, очик, лаблари қалин. Иягини соқол қоплаб олган. Ўнг қулоғи ярим ойсимон тарзда. Бу шахс трагедия ҳолатини ўйнаётган актёрга ўхшайди.

Учинчи қаторда иккита ниқоб ифодаланган. Биринчиси фронтал тарзда ифодаланган, аммо бироз униқиб қолгани учун юз тузилишида ноаниқликлар мавжуд. Шундай бўлса-да, унинг пешонасида ажинлар билинади, пешонаси тор, кўзлари катта, тўғрига қараб турибди, кўзқорачиғи нўктасимон, қошлар ўсиб кўзга тушган. Бурун кичик учбурчак тарзда, оғзи очик ва квадрат шаклда. Ияги аниқ эмас, шахснинг бошида тасма ўралган. Тасма остидаги сочи эса ҳар томонга тушиб турибди. Балки бу услуб орқали сочларнинг узунлиги таъкидланган бўлиш мумкин.

Кўринишидан мазкур шахс драматик ниқобда бўлиб, қандайдир фожеани ифодалаётган бўлса керак. Шуни ҳисобга олиш керакки, бу Горгонейон, яъни Медуза Горгонни ифодалайдиган ниқоб бўлиши мумкин. Чунки унинг сочлари илонни ифодалайди. Бу ерда ҳам бир соч ўрими теппага кўтарилиб илон рамзига ўхшайди. Айнан ана шу сочнинг детали эрамизнинг I-II асрларидаги Кеп саркофагидаги Медуза Горгонани эслатади.

Охирги ниқоб эса аввалгисидан ўнг томонда жойлашган. Бу ниқоб йирик ва фронтал жойлашган. Ниқоб шахснинг кенг юзини ифодалайди. У тўғрига қараб турибди, кўзлари ромбсимон шаклда, кўзқорачиғи аниқ ва марказда жойлашган. Тўлқинсимон қоши кўз устига тушиб турибди. Бурун ўртача, юзда ажинлар билинади, катта оғзи очиква ярим ой тарзида, пастки лаби қайирилган, тишлар аниқ кўриниб турибди, лаблар орасида билинар-билинемас чизик мавжуд ва тили сал кўринади. Йирик оғизли ниқоблар қадим

грек маданиятида ҳам учрайди ва улар одатда карнай чалаётган актёр образини ифодалайди. Лабнинг юқориси қайрилгани ниқобни комедия уйнаётганини ифодалаш мумкин. Бундай ниқоблар Қора Денгиз атрофидаги антик давр ёдгорликларида кўп учрайди.

Мазкур ноёб археологик материалнинг санасини белгилаш жуда мураккаб иш, чунки уни атрофидан бошқа археологик материаллар топилмаган, плиткани ер юзасидан топилиши бирор бир маданий қатлам билан боғлаш имконини бермайди. Шунинг учун мазкур плиткани бошқа худудлардан топилган актёр ниқоблари билан солиштириш асосида санасини нисбий белгилаш мақсадга мувофиқ.

Кўпчиликка маълумки, оғзи катта ниқобли актёрлар дастлаб Грек амфитеатрларида қўлланилган, ниқобдаги катта оғизлар очик майдондаги амфитеатрларда актёр товушини узоққа етиб боришида карнай (рупор) воситасини уйнаган. Эрамиздан олдинги VI-IV асрларда трагедия ва комедиялар учун шунга ухшаш ниқоблар тайёрланган. Оғизнинг пастга қараб эгилишиқайғуни, оғизнинг юқорига қараб қўтарилгани эса кулгули комедияни билдиради [4]. Шулуқтепадаги плиткада айнан йирик оғизли ниқоб ифодаланган. Аммо эрамиздан олдинги III асрнинг бошларида ниқобларнинг тасвири ўзгаради. Бундай ўзгариш Менандрнинг “янги комедиялари” билан боғланади ва эрамиздан олдинги III-I асрлардаги ниқобларда “катта оғизликўқолиб”, актёрларнинг натурал оғзи урф бўла бошлади [5].

Шулуқтепа плиткасидаги ниқобларда 8 та образ айнан шу тарзда ифодаланган. Шунга асосан мазкур ниқоблар ифодаланган плитка санасини белгилашда пастки чегара сифатида эрамиздан олдинги III-I асрлар асос қилиб олиниши мумкин. Бу ниқобларга ўхшаш тасвирлар шимолий Қора Денгиз атрофидаги археологик ёдгорликларида учрайди.

Марказий Осиёда мазкур ноёб плакеткага айнан ўхшаш материаллар топилмаган, аммо маскаронлар Сурхондарё вилоятида мавжуд. Масалан, Сурхондарёнинг Шаҳри-гул сув омбори атрофидан маҳаллий аҳоли топган актёрлар ниқобини қиёслаш мумкин, унда қария шахс узум барглари бошига тақиб олган. Топилманинг ўлчовлари, баландлиги 8 см, эни 5 см ва қалинлиги 3,5 см.ни ташкил этади [6]. Нахшаб ва ва Сурхондарёдаги Шаҳри-Гул ниқоби ўзининг тасвирлари ва тайёрланиш технологияси билан грек-рим театр ниқобларига ухшайди. Фақатгина мрамордан тайёрланган Сурхондарё ниқоби бошқа жойлардан келиб қолган маҳсулот бўлса, Нахшаб плитасида айнан маҳаллий кулол томонидан тайёрланган ниқоб сифатида катта аҳамиятга эга.

Мавзуга оид яна бир археологик топилма-ниқоб жанубий Қозоғистон худудидаги Қуйруқтепа ёдгорлигида учрайди. Унда терракота ниқоб яшов уйдан топилган бўлиб, унинг санаси X-XI асрларга оид. Бу ниқобнинг ўлчамлари қуйидагича; баландлиги 20 см, кенлиги 12 см, у оғир ҳажмга эга, ва кенлиги 3 см. юзаси силлиқланган ва қизил ангоб билан буялган. Ниқобда кош ва ияк буртиб чикқан, қулоқлар ёпиштирилган, кўз бодомсимон. Оғиз

кичик ўйиш технологияси орқали шакллантирилган. Терракотанинг орт томонида кулолнинг бармоқ излари сақланган. Терракотани деворга ёки бирор бир жойга маҳкамлаш учун излар йуқ [6].

Маълумки, қадим грек маданиятидаги театр деҳқончилик фаришталари- Демитра и Дионисга бағишланган ва фаришталар билан боғлиқ диний урф-одатлардир. Театр ва театр ниқобларининг пайдо бўлиши, байрамларини ўтказилиши қадим Грецияда Дионисни шарафлаш ва унинг байрамини ўтказишга бағишланган. Бундан ташқари театр ўз даврида ибодатхона функциясини бажарган. Театрлардаги оркестр ёки илмий термин билан айтсак, оркестрда Дионис алтари жойлашган эди. Маълумки, диний байрамларда Дионис кийимлари сариқ хетон, мантия ва бошга узум барглари билан тож кийган ҳолда ифодаланар эди. Дионис образини уйнаётган актёрга эчки ва қуй териларини елкасига ташлаб олган аёл ва эркаклардан иборат йўлдошлар қўшилиб юрарди. Уларнинг барчаси Дионис ҳақидаги афсоналарни хор бўлиб ижро этишар ва намоёйиш қилишарди. Илк бора актёр Феспис монолог афсоналарни ижросини амалга оширган. V-асрга келиб монолог айтишда учта актёрлар иштирок этарди. Маълум вақт ўтгач, махсус кийим кийган актёрлар намоёйишига хор иштирокчилари турли хил уйин ва қўшиқлар айтиб қатнашадиган бўлишди.

Айнан шу вақтларда актёрлар юзларига узум суви-вино суртиш, ток пуслўғидан ниқоблар ясашни урф қилганлар. Ниқобларда турли хил категориядаги шахслар, қариялар, ёшлар, куллар ва аёллар образи акс этган. Айрим ниқобларда антик даврдаги афсонавий қаҳрамонлар юзи ҳамда диний атрибутлар ниқоб сифатида яратилган. Антик давр тарихчиси Плутарх ўз асарларида Рим қўмондони Краснинг Парфияга юришини театрлаштирилган саҳнаси ҳақида маълумот берган эди. Унда Парфия ҳукмдори Ороднинг меросхўри Пакорнинг байрамона тантанали тўйи, Арман ҳукмдори Аравад саройининг принцессаси томонидан Эврипиданинг “Вахканка” драмаси ижроси ҳақидаги маълумотлар мавжуд [7]. Саҳнада актёрлар Агава ролини ижро этиши ва “мағлуб Красс”нинг бошини ниқоб қилишгани ва турли хил бутафоралари ҳақида маълумотлар учрайди.

Айнан антик даврда Ўрта Осиё халқларининг аслзодалари грек театрлари, томошалари ва ниқобли актёрлик маданиятидан хабардор бўлишган. Масалан Парфия давлати худудига кирадиган Эски Нисадан топилган эрамиздан олдинги II асрларга оид Ритонларда Олимпия фаришталари (худолари), театр ниқоблари, вакхана тасвирлари ҳамда театр тасмалари билан ифодаланган. Г.А. Пугаченкованинг фикрича, Ритонларда грек афсоналари саҳналантирилган драма эпизодлари тасвирланган. Унинг фикрича, Парфияда театр маданияти Грек-Рим таъсири остида шаклланган [8].

Албатта, театр ниқоблари диний урф-одатлар ва маросимларда фойдаланилган ниқоблар таъсири натижасида шаклланган. Фақатгина грекларда эмас, балки бошқа халқларнинг рақслари ва урф- одатлари ҳамда маросимларида ҳам ниқоблардан фойдаланилган. Ниқоблар афсонавий

қахрамонларнинг рамзига кириш ҳисобланган. Ниқоблар ёки юзнинг турли хил рангларга буяш орқали актёр айнан ифодалаётган образ “тимсолига айланган”. Масалан, ибтидоий даврда овчилар ҳайвонларни терисини ёпиниши, ҳайвонлар билан “тил топишиш”, ҳайвонлар кучи ва қувватига эгалик қилишни назарда тутган.

Авесто фаришталари тожини отнинг калла суягидан яшаш ҳам бежиз эмас. Китоб туманидаги Шатри қишлоғидан топилган эрамизнинг VII-асрга оид ассураиядаги шахс-ҳарбий қудрат хомийси Виретрагнанинг тожи иккита отнинг калла суягидан ясалгани яққол мисол бўлиш мумкин<sup>3</sup>.

Ибтидоий қабилаларда ҳайвонларнинг тимсоли акс этган ниқобларда қабилаларнинг тотеми-илк аждоди образи ифодаланиб, маросимларда тотем ҳайвоннинг куч-қудрати ва ақли қабил аҳлига ўтиши суралади. Ибтидоий қабилаларнинг дастлабки ниқоблари магик урф одатлар бўлиб, турли хил маросимларда ижро этилган. Бошқа халқлар каби Ўрта Осиё ҳудудида яшаган қабилалар ҳам ўзларининг урф одатлари, маросимлари ва мавсумий байрамларида чиройли кийиниш, юзини буяш, турли хил ниқоблар тақиш каби одатларга эга эди. Байрамлар турли мусиқалар ижроси ёрдамида ўтказилган. Тадқиқотчилар фикрича, ниқоблар яшашнинг илдизлари аждодлар руҳига сиғиниш урф-одатлари, турли хил тотемлар, тақвимлар, дафн маросимлари ва оилавий урф одатлар билан боғлиқ.

Масалани фактологик бойитишда Холчаён саройидаги деворий безак амалий ёрдам бериши мумкин. Сарой ўлчамлари 35 м. х26 м. бўлиб, археологик материалларга асосан тадқиқотчи Г. А. Пугаченкова эрамиздан олдинги II аср ва эрамизнинг I асрлари билан саналайди. Холчаён саройининг айвонида ва асосий зали деворларида лой ва гипсдан тайёрланган ҳайкаллар, декорлар ва деворий расмлар қолдиқлари топилган. Расмларнинг асосий мазмуни ҳукмдорнинг қабули маросими бўлиб, Кушоннинг “ҳарбий қахрамонлари” шарафланган. Деворнинг юқори қисмида театр саҳна ҳаракати ифодаланган, фризда рақс тушаётган қизалоқ, мусиқачилар ва сатирик қиёфали образлар тасвирланган. Тадқиқотчи Г. Пугаченкованинг фикрича, бу шахслар образи вакханик саҳна ижрочилари бўлиб, Бактрия ҳудудида эллинизм таъсири билан шаклланган ўзига хос театр санъати намунаси дир.

Тупроққалъа ёдгорлигида ҳам бундай образларни учратишимиз мумкин. С.Толстов Тупроққалъа саройи деворларидан бири 14-залда, (ҳудуди 100кв.м.) нисбий равишда Дионис фариштаси расмлари ифодалангани учун бу зални “Ниқоблар билан рақс тушиш зали” деб номлаган эди. Тупроққалъанинг дастлабки даврида (эрамизнинг II-III асрлари) сарой деворлари турли хил расмлар билан безатилган ҳамда ёпиштирилган декорлар шифтнинг грляндлари билан қопланган. Деворнинг тоқчаларида барельеф композициялар эркак ва аёллар қиёфаси жуфт тарзда натурал буй-басти билан яратилган.

---

<sup>3</sup> Ассуария Қарши шаҳридаги Вилоят тарихи ва маданияти музейининг кўрғазмасида намоён этилмоқда.

Тупроққалъадан топилган ниқоблар орасида соқолли эркак кишининг хайвон кулоқлари билан ифодаланган ҳайкали жуда қизиқарли маълумот беради. Тадқиқотчи Ю. Рапопорт бу ҳайкалчани VII асрга оид Хоразмдан топилган мис идишдаги “Эчкибошли шахс” га ухшайди, деб ҳисоблайди. Бу идишда Хукмдор кохин алтарга қурбонлик келтираётган палласи тасвирланган [9]. Бизнинг мавзуга барельефдаги “Ниқоблар билан рақс”даги шахслар ва уларнинг ҳаракатлари кўпроқ маълумот бериши мумкин. Ниқобдаги шахслар Хоразм ҳукмдори ва хонзодасининг муқаддас тўйида ҳосилдорлик маъбудига қурбонлик қилиш маросимини театрлаштирилган саҳнаси ҳисобланади.

Фикримизча, Суғдиёнада илк ўрта асрларда ниқоблар билан театрлаштирилган саҳналар ва кўча намоишлари Наврўз байрамини нишонлаш ва Зардуштийлик урф одатлари асосидаги байрам тарзида нишонланишидан келиб чиққан. Бу фикримизни Самарқанд ҳукмдорини Афросиёбдаги саройида чизилган деворий расмларнинг айрим деталлари ҳам тасдиқлаши мумкин. Ғарбий деворда Вархуманнинг қабулида Суғдиёна ҳукмдори Хитой, Корея, Чағаниён, Чоч, Фарғона ва бошқа мамлакатлар элчиларини қабул қилиши акс этган [10]. Бу саҳнанинг шимолий қисмида корейлик элчи ортида суғд амалдори атрофида қандайдир енгил конструкцияга эга 11 дона ёғоч кўриниб турибди. Конструкциянинг пастки қисмида думолоқ предмет, юзасида эса ёвуз думолоқ юзли демоник қиёфа акс этган, у қалин қошли, думолоқ кўзли ва қиёфасида жаҳл кўриниб акс этган. Оғзи катта очик ва ундан тишлари кўриниб турибди [11].

Бизнинг фикримизча, мазкур конструкциядаги ниқоб айрим жиҳатидан Хитой шерига ўхшайди, у кўча намоиши палласида ёвуз руҳларни кўчалар ва шаҳар аҳолисининг уй-жойларидан “кўрқитиб ҳайдаяпти”. Непал, Тибет, Японияда ҳам ўрта асрлардаги Буддавийлик байрамларида “кўрқинчли ниқоблар” билан рақс тушиб, ёвуз руҳларни ҳайдаш диний урф одатлари мавжуд бўлган. “Кўрқинчли ниқоблар”га ҳам Будда ҳайкалларида сиғиниш одатлари мавжуд бўлган.

Суғдиёнадаги Афросиёб, Панжакент ва Бунжикентдаги деворий расмларда ҳам артистларнинг тасвири учрайди. Буддавий монах Сюань Цзяннинг маълумотларида 629 йилда Самарқанддаги байрам маросимида қатнашгани ва аҳолини кўчаларда кўшиқлар куйлаб, рақслар билан намоиш ўтказишини гувоҳи бўлганини ёзади. Байрамда намоиш ўтказаётган аҳоли кўлида катта ва кичик барабанлар, беш қаторли арфа ва чанг мусиқа асбоблари мавжудлигини ёзади.

Хитойнинг Турфон водийсида дафн этилган Суғдийларнинг қабристонидagi VI-VII асрлардаги қабртошларда мусиқачилар, раққосалар ифодаланган, айримларида эса мусиқачилар ва раққосаларнинг тўлиқ ансамбли чизилган. Бундан ташқари Хитой манбаларида Суғдиёнадан кўплаб мусиқачилар ва раққосалар келишгани эслатилади. Масалан, Самарқанд шаҳридан Хитой императори Сюань Цзунга 713 ва 727-йилларда икки марта мусиқачилар ва раққосалар совға қилингани қайд этилган. Ёки Тань



империяси даврида Суғдиёнадан келишган мусиқачи ва раққосалар Хитой ошхоналарида томошалар кўрсатиб, суғдийча куй-қўшиқлар ижро этишган ва аёллари рақс тушгани маълум. Айниқса Самарқандлик раққосаларнинг “хусюань” (балки хусн-муаллиф) уйини чиройли кийимда, қўлидаги рўмол билан копток атрофида айланиб рақс тушиши хитойлик хўрандаларга жуда хуш келган [12].

Кўпчилик тадқиқотчилар Хитойнинг мусиқа остида понтамамалари Суғдиёна мусиқа санъатининг таъсири туфайли шаклланган деб ҳисоблашади. Масалан, “вино ичаётган варвар” пьесасида ижрочи бурни қизариб кетган ниқоб тақиб, маст булиб қолган суғдий образини уйнаган. Яна бир пьесада “коптокни тепиш мусиқаси” деб номланади ва унда поло уйини намойиш этилган. Шимолий Хитой ҳудудида байрам томошаларидан бири “сумочже”-совуқнинг ҳайдаш деб аталади. Унда ўсмирлар белигача ечиниб, ҳайвонлар қиёфаси акс этган фантастик ниқоблар тақиб икки гуруҳга бўлинади ва бир-бирига қарши армия сифатида кураш тушишади [13].

Араблар томонидан Ўрта Осиёнинг босиб олиниши ва Ислом динининг кириб келиши натижасида кўплаб ибодатхоналар ва кохинларга прессинг ўтказилишига қарамасдан қадимий урф-одатлар ва кўчаларда оммавий тарзда намойиш услубида ўтказиладиган ибтидоий байрамларни бекор қила олмади. Бу урф-одатлар IX-XI асрларда ҳам кенг тарзда ўтказилган. Масалан Наврўз байрами оммавий тарзда бир-бирини меҳмон қилиш ва турли хил тортиқлар бериш услубида давом этиб келди. Ёзма манбаларда Боғдод халифаси саройида ҳам ниқоблар билан сахна кўриниш ўтказилгани ҳақида маълумотлар мавжуд [14].

К.М. Байпаковнинг фикрича, Қуйруқтепа шаҳридаги уйлардан биридан топилган ниқоб, мазкур ҳудудда ҳам актёрлар ёрдамида театр сахнаси мавжуд бўлганидан далолат беради. Балки, “Қуйруқтепа ниқоби” маҳаллий шаманга ҳам тегишли бўлиши мумкин [15].

Комик актёр (масқарабоз)нинг тасвири XV-XVII асрларга оид миниатюраларда ҳам учрайди. Ибн Арабшах асарларида, Шараф-ад-дин Али Яздий, Руи Гонсалес де Клавихо асарларида Амир Темур давридаги ажойиб кўча томошалари ҳақида маълумотлар мавжуд. Масалан, Самарқанд шаҳридаги карнавал, чиройли мусиқа жўрлигида бўлиб ўтган кўча намойиши, шаҳар ташқарисидаги саройдаги тадбирларда янграган мусиқалар, артистлар, хунармандлар уюшмаси томонидан ижро этилган сахна кўринишлари ҳақида маълумотлар мавжуд. Кўринишидан айнан шу даврда масхарабозлар, қизиқчилар, қуғирчоқ ўйини ва дарбозлар каби актёрлардан иборат профессионал уюшмалар шаклланган. Бу уюшмалар XIX- асрнинг бошлари ва XX асрларда ҳам ривожланиб борди. Уларнинг уюшма низоми-рисоласи тузилиб, рисолада умумий иш тартиби, фаолиятнинг иш хажмлари белгиланган ва рисолага риоя этишни Корфармон назорат қилиб борган [16].

XIX-асрнинг ўрталари ва сўнгги даврида ҳам “Дайди масхарабозлар ва актёрлар” кўча томошаларини турли хил байрамлар, тўйлар ва сайилларда

давом эттирган. Уларнинг гуруҳлари кўплаб шаҳар ҳукмдорлари саройида мавжуд эди. Ҳар бир гуруҳнинг ўз оқсоқоли ёки устаси бўлиб, улар Қушбегига бўйсунган. Крестовскийнинг маълумотларига кўра, Бухоро амирининг буйруғига билан, “Дайди масхарабозлар ва актёрлар” текин равишда умумбайрамларда кўча ва сайилгоҳларда томошалар кўрсатишган. Одатда улар кечқурун гулханлар ёқиб томошалар кўрсатишган. Хоразмда эса Г.Снесаревнинг маълумотига кўра, сайиллар вақтида актёрлар эчки терисини ёпиб, эчки шохларин бошига тақиб томошалар кўрсатишган [17].

Шуни таъкидлаб ўтиш лозимки, айрим қабилаларда ниқоблар билан томошалар кўрсатиш ғояси вафот этган аждодларни “қайта туғилиши ва руҳини муҳофаза қилишни” ҳам назарда тутган. Масалан, эрамиздан олдинги I асрлар ва эрамизнинг I асрларидаги Грек ва рим саркофағларида ниқоблар акс этган бўлиб, апотропик ва хтоник аҳамиятга эга, яъни Дионис ва Деметра илоҳи билан боғлиқ эди.

Ўрта Осиёда ҳам қабрлардан топилган ниқоблар учрайди. Масалан, Қирғизистоннинг Жалпоқтепа қабристонидан ниқоб топилган. У олтиндан ясалган кичик пластинка, жуда ёпқа бўлиб, улчамлари 7,5x5,3 см.ни ташкил этади [18]. Ниқобдаги кўз, оғиз ва бурун тешик сифатида ифодаланган. Ниқоб IV-V асрларга оид бўлиб, унинг кичик хажми юз ниқоби эканига шубҳа уйғотади. Чуй водийсидан топилган яна бир ниқоб қизиқарли маълумот беради. У ҳам юпқа тиллодан тайёрланган. Ниқоб узун, аммо кенг, схематик тарзда ясалган, сердолик тошидан ясалган кўз ўрни чуқур, кичик, бодомсимон шаклда. Сердолик ниқобга ёпиштирилган, Бурун тўғри, юпқа тилло пластинкани қайириб яшаш услубида бажарилган, кулоқ ёнида ўсимликсимон тасвир мавжуд. Тадқиқотчи И. Кожомбердиевнинг фикрича, бу чизиқлар “хаёт дараҳти” сифатида татуировка имитацияси бўлиш мумкин. Ниқобнинг чеккаларида тешик мавжуд, бу тешикдан ип ўтказиб, юзга тақилган бўлиши мумкин. Ниқоб IV-V асрларга оид. Бу ниқобларда Хитой анъаналарининг таъсири-Даос таълимоти, яъни ўлим ва қоронғуликдан “инсон руҳининг қайта туғилиши ва вояга етиши” бўлиши мумкин [19].

Шуллуктепа ниқоби ўта ноёб бўлиши ва узоқ йиллардан бери тадқиқот олиб боришимизга қарамасдан, унинг қўлланилиши масаласида аниқ фикрга эга эмасмиз, фақат илмий тахминни илгари суришимиз мумкин. Плитканинг қирраларини кесилганлиги, қандайдир предметга мустаҳкам жойлашни мақсадида амалга оширилган. Фикримизча, ниқоб тасвирланган плитка тумор вазифасини бажарганлиги ҳақиқатга яқинроқ.

Антик даврдаги апотропея (қадим грек термини-"апотропайона" – “кўз тегмаслиги учун тасвир”) ғоясига кўра, туморларда кўрқинчли ёвуз образлар карикатура тарзида тасвирланиб, ёвуз руҳларни қулишига сабаб бўлади ва кўз тегишидан сақлайди. Масалан, МедузГоргона-сочларидан илон ўсиб чиқаётган образ апотропеянинг ёрқин далил ҳисобланади. Бу образ билан антик давр тақинчоқлари, ниқоб-туморлар, идишлар, иморатлар, қалқонлар ва тангалар безатилган. Фикримизча, айнан шу мақсадда ниқоб- плакеткадаги

образларта свирланиб, у ёмон кўзлардан сақлаш учун тумор сифатида фойдаланилган [20].

Шуллуктепа ўрнида жойлашган Насафнинг маданий қатламлари эрамизнинг IV-XIII асрларига оид бўлиб, археологик плакетка эса антик даврга оиддир. Юқоридаги ҳолатларни ҳисобга олиб, шимолий Қора денгиз атрофидаги плакеткалар билан қиёсий солиштириш асосда Шуллуктепадан топилган ниқоблар акс этган плакеткани эрамиздан олдинги I асрлар ва эрамизнинг II-III асрларга билан саналаш мумкин. Топилма Шуллуктепанинг пастки қатламлари ёки ундан унча узоқ бўлмаган Ерқурғонда жойлашган эллинистик Никшаппа шаҳри худудидан тумор сифатида келиб қолган бўлса керак. Нахшаб ниқоби жуда муҳим тарихий факт ҳисобланади, у бир томондан антик даврдаги Сугдиёнанинг маданий алоқаларини ёрқин ифодаласа, иккинчи томондан антик даврларданок Ўзбекистон худудида театр шаклланиши ва тараққий этганидан далолат беради.

### Адабиётлар:

1. Сулаймонов Р.Х.: Нахшаб – унутилган тамаддун сирлари. Т.: «Маънавият» 2004. Лунина С.Б. Города Южного Согда в VIII-XII вв. – Т.: 1984; Туребеков М. Оборонительные сооружения древних поселений и городов Согда (VII-VI вв. до н.э., VII в.н.э.) – Нукус: Каракалпакстан, 1990; Исамиддинов М.Х., Сулейманов Р.Х. Ерқурган (стратиграфия и периодизация). Т.: Фан, 1984; Исамиддинов М.Х., Хасанов М.Х. История древнего и средневекового керамического производства Нахшаба. Т.: 2000.

2. Массон М.Е. Столичные города в области низовьев Кашкадарьи с древнейших времен. - Ташкент; «Фан», 1973. Сулейманов Р.Х. Древний Нахшаб. Т.: Фан. 2000. Зимин Л.А. Нахшеб. Несеф. Карши. Их история и древности//В.В.Бартольд. Туркестанские друзья, ученики и почитатели//Под ред. А.Э.Шмидта, Е.К.Бетгера. Ташкент, 1927. Бартольд В.В. Согд://Собр. соч., том 3. М.: 1963. Бартольд В.В. Сочинения в 9 т. -М., 1984. Беленицкий А.М., Бентович И.Б., Большаков О.Г. Средневековый город Средней Азии. Л., 1973. Бичурин Н.Я. Собрание сведений о народах, обитавших в Средней Азии в древние времена, Т. II, Л., 1950. Камалиддинов Ш. Историческая география Южного Согда и Тохаристана по арабоязычным источникам IX-начала XIII в. Ташкент, Узбекистан, 1996. Камалиддинов Ш. «Китаб ал-Ансаб» Абу Саъда Абдалкарима ибн Мухаммада ас-Самъани как источник по истории и истории культуры Средней Азии. Ташкент, «Фан», 1993.

3. Сулейманов Р.Х. Древний Нахшаб. Т.: Фан. 2000., Туребеков М. Оборонительные сооружения древних поселений и городов Согда. Нукус.: «Каракалпакстан», 1990.

4. Кобылина М.М. Театр, актеры, музыкальные инструменты //Археология СССР. Античные государства Северного Причерноморья. Москва, Наука, 1984., С. 219-220.

5. Денисова В.И. Коропластика Боспора (по материалам Тиритаки, Мирмекия, Илурата и сельской усадьбы). Ленинград, изд-во Наука, ленинградское отделение, 198.,172 с.
6. Тургунов Б.А. Малоизвестные кушанские памятники Северной Бактрии // Бактрийские древности. Л., 1976. (С. 103-106)
7. Пугаченкова Г.А., Ремпель Л.И. Очерки искусства Средней Азии. Москва, 1982 (288 с.)
8. Пугаченкова Г.А. Римский маскарон из Северной Бактрии /История и культура античного мира. Москва, изд-во "Наука", 1977.,С. 183-185.
9. Рапопорт Ю.А. Глава III Центральный массив // Труды ХАЭЭ, т. XIV. Топрак-кала. Дворец. Москва, изд-во Наука, 1984. С. 53-194.
10. Альбаум Л.И. Живопись Афрасиаба. Ташкент, изд-во ФАН, 1975., 110 с.
11. Богомолов Г.И. О некоторых образах народных представлений раннего средневековья // Общественные науки в Узбекистане. № 5-6-7-8, Ташкент, ФАН, 1995., С.152-156.
12. Wertmann Patrick Sogdians in China. Archaeological and art historical analyses of tombs and texts from III to the 10<sup>th</sup> century AD. Darmstadt. Deutschland, 2015.,334 p.
13. Крюков М.В., Малявкин В.В., Софронов М.В. Китайский этноссредневека (VII-XIIIвв.). Москва, ГРВЛ, издательство «Наука», 1984., 235 с.
14. Мец Адам Мусульманский Ренессанс. Москва, Наука, 1966.
15. Байпаков К.М. Городище Куйрыктобе – город Кедер. Алматы, Изд-во Баур, 2005. 184 с.
16. Зияева Д. Трансформация народных театров Туркестана конца XIX - нач. XX вв. / Цивилизации и культуры Центральной Азии в единстве и многообразии. Материалы международной конференции. Самарканд-Ташкент, 2010., – С. 278-282.
17. Снесарев Г.П. Реликты домусульманских верований и обрядов у узбеков Хорезма. Москва, Наука, 1969.336 с.
18. Абетеков А.К. Художественные изделия из Алая и Кетмень-Тюбе. 109.Маска /Памятники культуры и искусства Киргизии. Каталог выставки. изд-во Искусство Ленинградское отделение, 1983.,С. 41.
19. Кожемяко П.Н., Кожомбердиев И. Могильник Шамши. 141. Маска /Памятники культуры и искусства Киргизии. Каталог выставки. изд-во Искусство Ленинградское отделение, 1983., – С. 4.
20. Вейс Герман. История культуры народов мира. Истоки Древняя Греция. европейской цивилизации. Москва, изд-во Эксмо, 2005., 144 с.

# ИСЛОМДАН ОЛДИНГИ ЎРТА ОСИЁ ТАНГАЛАРИДАГИ АЙРИМ СУҒДИЙ ЁЗУВЛАРНИНГ ЯНГИЧА ЎҚИЛИШИ

Бобоёров Ғ.

ЎзР ФА Миллий археология маркази

Илк ўрта асрлар, айниқса, исломдан олдинги чоғлар Ўрта Осиё тангаларининг кўпчилиги суғдий ёзувда бостирилган бўлиб, уларнинг кўпчилигида туркий ва суғдий атамалар ўрин олган. Бунинг негизида Турк хоқонлиги ва унинг қарамоғида бўлган ўнлаб катта-кичик ҳукмдорлик – мулкликларнинг ўз танга-пулларини суғдий ёзув билан зарб қилдирганликлари ётади. VI – VIII юзйилликларда ўз танга-пул тизимида эга бўлган Чоч, Ўтрор, Исфижоб (Сайрам), Еттисув (Тароз, Балосоғун), Фарғона, Уструшона, Суғд (Самарқанд, Панч, Кеш, Нахшаб ва б.), Бухоро, Шимолий Тўхористон (Чағониён, Вахш, Термиз ва б.) каби воҳа ҳукмдорликлари тангаларидаги суғдий ёзувларнинг ўқилиши юзасидан билдирилган қарашлар бир-биридан бирмунча ажралиб туради.

Кейинги йилларда айрим тангашунослар ва томонимиздан Ўрта Осиё тангаларидаги суғдий ёзувларнинг ўқилиши бўйича бир неча қарашлар ўртага ташланган бўлиб, уларни қуйидаги тангалар ўрнагида кўриб чиқамиз.

## 1. Уструшона тангалари

1. “Уструшона ҳукмдори Сатачари” сўзлари ўрин олган тангалар. Олд юзасида тожли ҳукмдор боши тасвири, орқа томонида  $\zeta$  кўринишидаг тамға ва унинг теграсида суғдий ёзув ўрин олган тангалар томонимиздан *sttcry* 'wstwr(ʎn)c MR'Y... “Уструшона ҳукмдори... Сатачари” деб ўқилган эди [4, б. 18-40].



1

Деярли юз йилдан бери ўрганиб келинаётган Уструшона тангаларидан “Уструшона” сўзи учраши илк бор томонимиздан аниқланиши бу ўлка тангалари билан боғлиқ кўплаб чигалликларга ойдинлик киритди.

2. “Уструшона ҳукмдори Элтабар” сўзлари ўрин олган тангалар. Бу танга турининг олд юзасида ҳукмдор тасвири, орқа юзасида  $\zeta$  кўринишидаги тамға ва унинг теварагида суғдий ёзувда [*'str*](w)ʎny-kw MR'Y 'y(r)tp'y[r] “Уструшона ҳукмдори Элтабар” сўзлари ўрин олган [11, б. 168].



2

Ю. Ёшиданинг ёзишича, Уструшона тангаларида эски туркча “элтабар” сўзи, хитой йилномаларида “сйе-ли-фа” кўринишида учраб, бу атама Турк хоқонлиги (552-744) томонидан бўйсундирилган ўлкалар бошқарувчисига

берилган “тархон”, “тутук”, “тудун” каби унвонларидан юқори турувчи унвонлардан бири бўлган. Хоқонлик ўз бошқарувини қулайлаштириш учун ўзига бўйсунувчи ҳар бир қарам ўлка бошқарувчисига туркча “элтабар” унвонини берган ва “тудун” унвонли ноиб юбориб, уларни назоратда тутишга интиланган.  $y(r)tp'y[r]$  “элтабар” унвонли Уструшона тангаларининг келиб чиқиши ҳам шу каби тарихий ўзгаришлар билан боғлиқ. Уструшона тангаларида “элтабар” унвонининг учраши ўз-ўзидан бўлмаган. 560-йилларда Ўрта Осиёнинг кўплаб ўлкалари Эфталийлардан тортиб олиниб, Турк хоқонлиги чегараларига кўшиб олинган кезларда Уструшона ҳам хоқонлик қўл остига ўтади. Бир сира қарам ўлкаларни ўз ички бошқарувида эркин қўйган хоқонлик кейинчалик Уструшона теграсидаги ўлкалар бошқарувида айрим ўзгаришлар қилади. 605 йилда Чочнинг ерли ҳукмдори *Нийенинг* Фарбий турклардан Шегуй томонидан ўлдирилиши ва бу ер бошқарувига *Тянчжи Те-ле/Те-жин* (Тегин) тайинланиши, Тун ябғу-хоқон бошқарувининг илк йиллари – 620-йилларда Тўхористон бошқарувига хоқонлик шахзодаси Тарду-шаднинг юборилиши ва у ўзини “ябғу” деб атай бошлаши, 630-йилларда эса Фарғонанинг ерли бошқарувчиси Киби Фарбий турклар томонидан ўлдирилиб, ўрнини Ашина Шени, кейинроқ эса унинг ўғли Эбочжи эгаллаши – буларнинг бари хоқонликнинг вассаллар бошқарувидаги ўзгаришлар қилишга уриниши билан боғлиқ эди [3, б.310-313, 321-322; 5, б.238-248]. Шунингдек, VII юзйилликнинг ўрталарига келиб Уструшона яқинидаги Суғд ўлкасига қарашли Панжикентда туркий бошқаруви ўрнатилиши, Самарқандда эса туркий-суғдий аралаш бошқарувнинг йўлга қўйилиши – буларнинг бари Уструшонага ўз таъсирини кўрсатмай қолмаган. Чамаси, VI–VII юзйилликларга тегишли Раханч, Сатачари, Чирдмиш каби киши исмлари, *MR'Усингари* ерли атамалар ўрин олган Уструшона тангаларида эндиликда “элтабар” унвони учрай бошлаши хоқонлик томонидан йўлга қўйилган сиёсий ўзгартиришлар билан боғланади.

## **2. Исфижоб (Сайрам) – Чимкент тангалари**

Жанубий Қозоғистондаги Арис дарёсми қирғоқлари, Чимкент ва Сайрам шаҳарлари теграларидаги эски шаҳар қолдиқларида олиб борилган археологик қазилмалар сўнггида шу чокқача фанга таниш бўлмаган кўйидагича танга турлари аниқланди.

Олд юзасида бироз сўлга қараган ҳукмдор боши тасвири, орқа юзасида эса кўринишидаги тамға ва унинг теграсида суғдий ёзувда *sp'dny* “қўшин бошлиғи, сипоҳсолор” атамаси ўрин олган тангалар:



3



4


Тангаларда ўрин олган рамзий белги – тамғалар исломдан олдинги Уструшона ва Еттисув (Жануби-шарқий Қозоғистон – марказий Қирғизистон) тангаларида учрайдиган тамғалардан бири билан яқин

ўхшашликка эга. Қизиғи шундаки, бундай тамға ўрин олган Еттисув тангаларидан биридаги суғдий ёзувнинг бир қисми томонимиздан *sp'δny* “қўшин бошлиғи” деб ўқилган [қар. 2, б. 94-95], бу ўқишимиз таниқли суғдшунос олим Н. Симс-Виллиямс томонидан қўллаб-қувватланган эди. Шу ўринда айтиб ўтиш керак, Еттисув тангасининг орқа юзасида суғдий ёзувда *xwβw 'yr-cwr* “хукмдор Эл-чўр” (*el-čor* - қадимги туркийунвон *el* “эл, давлат”, “чўр” эса “қўшин бошлиғи”) сўзлари томонимиздан аниқланган эди [2, б. 85-100].

Чимкент ёки Сайрам тангаси деб қаралаётган ушбу тангалардаги суғдийча *spδny* сўзи эски форсча “сипох”, “сипохбод” (“қўшин бошлиғи”) унвони билан битта негиздан. Бу атама Чимкентга яқин Арис дарёси қирғоғидаги эски аҳоли қўналғаси – Кул-тепадан топилган суғдий ёзувли III – IV юзйилликларга тегишли сопол битиклардан бирида учрайди [9, б. 95-111]. Чамаси, бу атама исломдан олдинги Исфижоб (Сайрам) ёки Нучекет (Чимкент) хукмдорликларида қўлланилган унвонлардан бири бўлган. Ушбу тангалар тили суғдийча экани ўша кезлардагивоқеликлар билан боғлиқ бўлиб, Тароз ва Сайрам оралиғида суғдий ва туркий аҳоли аралаш яшаб, суғдий тил Ўрта Осиёда, айниқса, бугунги Жанубий Қозоғистонда кенг тарқалган эди. Бу ерда суғдийлар ва туркийларнинг аралаш яшаши Маҳмуд Кошғарийнинг “Девону луғати-т-турк” асарида эслаб ўтилади [6, б. 66].

### 3. Тўхористон тангалари





#### 1. “хоқон” унвонли тангалар

Олд юзасида ўнгга қараган хукмдор боши, орқа томонида  кўринишидаги тамға ўрин олган тангалар. 5- тангада хукмдор юзининг олдида суғдий ёзувда *x'γ'n* “хоқон”, 6- тангада тамға теграсидаги суғдийча ёзувчамаси *prn (βγγ) x'γ'(n)* “Илоҳий кут (соҳиби) хоқон” деб ўқилади.



5

6

Қизиғи шундаки, “хоқон” унвонли Тўхористон тангаларида ва тамгалар Турк хоқонлиги томонидан Чочда бостирилган тангалардаги тамгалар яқин ўхшашликка эга:  /  -  / () [1, б. 3-13].

#### 2. “тегин” ва “тархон” унвонли тангалар



7

8

9

Ушбу тангаларнинг олд юзасида ўнг томонга қараган, икки қанотли тож кийган Сосоний хукмдорлари боши тасвирлари ўрин олган. 7-тангада хукмдор бошининг олд томонида босма ёзувлар жойлашган бўлиб, ўнгдагиси *tk'un* “тегин”, чапдагиси *βγγ* “Илоҳий”, учинчиси эса *trx'n* “тархон” деб

ўқилади. 8-тангада ҳукмдор елкасининг ўнг ва чап ёнида жой олган босма ёзувлар қуйидагича: ўнгдаги ёзув *tk'un* “тегин”, чапдагиси *trx'n* “тархон”. 9-тангада эса 4 та босма ёзув ўрин олган – ҳукмдор тасвирининг тепасидаги *trx'n* “тархон”, сўлдагиси *tkun* “тегин”, ўнгдагиси *руькwr*, пастдагиси эса *дльсу βуу* “Илоҳий (и)дишчи” / “Тиш илоҳи” деб ўқилади.

Кўпроқ хитой йилномаларидан, қисман эса бошқа (византия, араб, форс) манбаларидан аниқланишич, Турк хоқонлиги 560- йилларда Амударё–Сирдарё оралиғидаги Тўхористонгача бўлган воҳа ҳукмдорликларни (Чоч, Фарғона, Уструшона, Суғд, Бухоро, Хоразм), 580- йилларда эса Тўхористон, Кобулистон ва Хуросоннинг катта бир қисмидаги воҳа ҳукмдорликларини қўл остига олади [3, б. 229]. Араб тарихчиси Диноварий Сосонийлар ва хоқонлик Ҳайтал (Эфталит)лар давлатини тор-мор қилиб, унга тегишли ердарни ўзаро бўлишгани, турклар Чоч, Фарғона, Суғд ва Бухорони қўлга киритгани, Сосонийлар эса Тўхористон (Чағониён ва х.к.) ҳамда Кобулистонни ўзига олганини ёзади [7, б.229; 8, б.482-483]. Шунингдек, хитой йилномаларида Турк хоқонлиги 580-йилларда Суғдга тегин тайинлангани, Тўхористонга бир тегин юборилиб, унга туташ худудлар ҳам у орқали назоратга олингани тилга олинади [10, б. 88]. 580-йилларда Тўхористон Турк хоқонлиги таркибига киритилган бўлса-да, орадан қарийб 40 йилча вақт ўтгачгина бу ерда хоқонликка тўғридан-тўғри боғлиқ сулола ташкил топади. Хитойча ёзма манбаларда эслатилишича, 620-йилларда Тўхористонни хоқонлик номидан бошқараётган Ашина хонадони вакили “ябғу” унвонига эга бўлиб, йилномаларда ўлкани шу йиллардан бошлаб 750-йилларгача бошқарган 10 га яқин ҳукмдор “ябғу” унвонида эслатилади. Бундан кўринадики, 620-йиллардан то 750-йилларгача бўлган 130 йил давомида Тўхористонни Ашина хонадонининг бир тармоғи бўлмиш турк ябғулари бошқарган.

Қисқаси, яқин йилларда қўлга киритилган кўплаб тангаларда ўнлаб туркий ва суғдий унвонлар ўрин олгани аниқланди. Тангалардаги билгилар ёзма манбалар билан солиштирилиб, Ўрта Осиёнинг исломдан олдинги ўтмиши билан боғлиқ кўплаб чигалликларга ойдинлик киритилди.

#### **Адабиётлар:**

1. Бабаяров Г., Кубатин А. Тамги как источник по истории взаимоотношений Чача и Тохаристана в раннем средневековье (на основе нумизматического материала) // *O'zbekiston tarixi*, №1. – Т., 2010. – С. 3-13.
2. Бабаяров Г., Кубатин А. Новые чтения легенд на монетах доисламских правителей Семиречья // *Согдийский сборник*. Вып. 3. Под. ред. Ш. Камолиддин. Berlin: LAP LAMBERT Academic Publishing, 2016. – С. 85-100.
3. Бичурин Н.Я. (Иакинф). 1950-1953. Собрание сведений о народах, обитавших в Средней Азии в древние времена. В 3-х томах. М.- Л. Том I. 383 с.; Том II. 335 с.; Том III. 327 с.



4. Бобоёров Ғ. Илк ўрта асрлар тангаларида Ўзбекистон худудидаги давлатчиликка доир маълумотлар // Ўзбекистон тарихи манбашунослиги масалалари. – Т., 2010. – Б. 18-40.
5. Бобоёров Ғ. Ғарбий Турк хоқонлигининг давлат тузуми. – Тошкент, 2018.
6. Кошғарий Маҳмуд. Туркий сўзлар девони (Девону-луғот ит-турк) / Тарж. ва нашрга тайёрловчи С. М. Муталлибов. 1- том. – Т.: Фан, 1960–1963
7. Chavannes E. Documents sur les Tou-Kiue (Turks) occidentaux // Сборник трудов Орхонской экспедиции, вып. 6. – СПб., 1903.
8. Shaban M. A. Khurasan at the Time of Arab Conguest //Iran and Islam. In memory of the Late Vladimir Minorsky. – Edinburg, 1971. –P. 480-490.
9. Sims-Williams N., Grenet F. The Sogdian inscriptions of Kultobe // Shygys, No. 6. – Almaty, 2006. – P. 95-111.
10. Taşağıl A. Gök-Türkler. – Ankara: TTK, 1995.
11. Yoshida Y. [Turkish rule of Sogdians as reflected on coins: Some new readings of the legends of coins belonging to the Shinji Hirano Collection](#) // Memoirs of the Faculty of Letters Kyoto University 54, Mar, 2018. P. 155 – 182 (吉田 豊, 貨幣の銘文に反映されたチュルク族によるソグド支配 // 言語学雑誌, 2018, 155 -182).

## **ХОРАЗМНИНГ АНТИК ДАВРДАГИ ЗАРГАРЛИК БУЮМЛАРИ ТАСНИФИ**

**Турганов Б.Қ.**

*Нукус Давлат университети*

Заргарлик – ҳунармандчиликнинг қадимий ва анъанавий соҳаларидан биридир. Заргарлик буюмлари бадий ҳунармандчилик ва санъатнинг ажралмас қисми бўлиб, халқимиз маданий меросини ўрганишда асосий манба сифатида хизматқилади. Шунингдек, заргарлик буюмлари халқнинг эстетик ва ахлоқий идеалларини белгилаб берадиган амалий санъатнинг оммавий турларидан бири ҳисобланади. Заргарлик буюмларини таснифий ўрганиш Хоразмнинг антик даврдаги савдо – иқтисодий ва маданий алоқалардаги ўрнини белгилашда ҳамда эстетик ҳаётини ўрганишда муҳим аҳамиятга эга.

Хоразмнинг архаик ва антик давр ёдгорликларида заргарлик буюмлари ассортимента маҳсулот ҳажми кескин кўпайиши кузатилади. Бу ҳақида Кўзалиқир, Бозор-қалъа, Кўйқрилганқалъа, Тупроққалъа ёдгорликларидаги археологик топилмалар гувоҳлик беради. Тупроққалъа саройидан шиша, паста, рақовин қаури, янтарва пирита, гранат, сердолик тошидан тайёрланган хилма-хил мунчоқлар ва бошқа заргарлик буюмлари қайд қилинган [6, Б. 227]. Хоразмнинг антик давр заргарлик буюмлари фойдаланиш функцияларига кўра қўйидаги гуруҳларга ажратилади.

I гуруҳ. Бош ва сочга тақиладиган безак буюмлари. Бунга ҳукмдорлар тожи ва хотин-қизлар тўғноғич, соч турмагич ва бошқа буюмлар киради. Бош ва чаккага тақиладиган безак турлари тўғрисида антик давр терракоталари,

кальалардаги деворий расмлар ва тангаларидаги тасвирлар бир қанча маълумот беради. Акшахон қалъа (мил. ав. IV-III аср), Тупроққалъа деворий расмлари ва тангалардаги (III аср 2-ярми IV аср) тасвирларда ҳукмдор тожи қуш кўринишида акс эттирилган [7, Б. 27]. Жумладан, Тупроққалъа ёдгорлиги (Шоват тумани)даги ҳайкалчада аёл сиймоси бошидаги диадеманинг марказий қисми учта жойидан безатилган, калта бўйнига тўрт қатор мунчоқлар шодаси осилган [3, Б. 32]. Шунингдек, Қўйқирилганқалъа (мил. ав. IV-III аср)дан иккала учи оққуш шаклида бронзадан қўйма ясалган безак буюми топилган [2, Б. 332]. Афтидан, ундан бошга тақиладиган безак буюми таркибий қисми сифатида фойдаланган.

Тупроққалъа саройидан (I-II аср) қўл панжаси шаклида яқунланадиган, бош қисмида олма ёки анор тутган тўғноғичлар топилган. Унга ўхшаш тўғноғичлар бронза давридан Ўрта Осиёда кенг тарқалган [7, Б. 10]. Одатда, уларнинг бош қисми архар, қўй, қўл панжаси ёки бирор нарса тутган ҳолда ясалган. Ушбу қиёфадаги шаклларнинг диний аҳамияти анча кенгдир. Уларнинг анъанавий шакллари Марказий Осиёда қушонлар даврига оид ёдгорликлар учун ҳам хосдир. Шунингдек, антик давр ёдгорликларида бронза симлардан тайёрланган оддий тўғноғичлар кўплаб учрайди.

II-гуруҳ. Бўйин ва кўкракга мўлжалланган заргарлик буюмлари. Ушбу гуруҳдаги заргарлик буюмлари таркибига хилма-хил шокила, қулоқчали кўнғироқча, мунчоқ, тумор ва медалионлар киради. Неолит давридан маржонлардан бўйин ва кўкракга мўлжалланган мунчоқлар шодасини териш анъанасимавжуд бўлган. Улар дастлаб турли хил тошлардан хилма-хил шаклларда ясалган бўлса, бронза давридан жез мунчоқлар яшаш ҳам йўлга қўйилган. Антик даврда бронзадан турли хил шаклларда ясалган жез мунчоқлар кенг тарқалади. Улардан турли хил заргарлик буюмларининг таркибий қисми сифатида фойдаланилган.

Архаик ва антик даврда олтин, бронза, тош, шиша ва миср фаянсидан ишланган шокилалар шакли жиҳатидан мағизли параллелепипед, амфорасимон, муштча шаклида, айлана, узум шингили ҳамда кубба тарзли қулоқчали кўнғироқча шаклларда бўлган. Улардан кичик кўнғироқчалар антик даврдаги Тупроқ қалъа, Қўйқирилган қалъа ёдгорликларида учрайди [6, Б. 227]. Тупроқ қалъадаги бронза кўнғироқча баландлиги 2,3-2,5 см, диаметри 1, 8 см, иккинчисига олтин сувида ишлов берилган.

Унга ўхшаш кўнғироқчаларнинг этнографик материллардаги таҳлили шундан далолат берадики, антик даврдаёқ улардан турли хил безак буюмларининг таркибий қисми сифатида кенг фойдаланган. Жумладан, антик даврга оид Тупроққалъа (Шоват тумани)дан топилган сопол ҳайкалчадаги аёл сочлари орқаси томон турмакланган ва қулоғига кичик кубба шаклдаги кўнғироқчали сирға осилган ҳолатда ишланган [3, Б. 32].

Шокилалар турли материаллардан айлана, бодом, цилиндрсимон ва бошқа хилма-хил шаклларда тайёрланган [6, Б. 224]. Хоразмдаантик даврда туя, хўроз, чўчқа, фил каби турли хил жонзодлар қиёфасидаги металл шокилалар тарқалган. Бундай шокилалар антик даврдаги Аязқалъа, Бургутқалъа ва

Кардар маданияти ёдгорликларида аниқланган [7, Б.32-33]. Қизиқарли топилмалардан бири, Тупроққалъадан одам кўринишида услублаштирилган антропоморфик шокила ҳам қайд қилинган.

III гуруҳ. Қулоққа мўлжалланган оддий ва шокилали сирғалар. Хоразмда бронза давридан антик даврга қадар симкори усулда тайёрланган оддий сирғалар тарқалган бўлса, антик даврда шокилали сирғаларнинг хилма-хил шакллари пайдо бўлган. Хоразмнинг антик давр сирғалари кўйидаги бир-неча шаклларга ажралади.

Шакл I. Мўъжазгина учбурчаксимон металл пластинага тўртта бодомсимон шокила осилган сирға.

Шакл II. Охирги учлари туташтирилмаган халқасимон сирғалар. Уларнинг пастки томони спираль тарзли симга осилган айланасимон мармарид мунчоқлар билан безатилган.

Шакл III. Айлана тарзли охири кенгайиб боровчи текис кесилган сирғалар. Улар кушонлар даврида кенг тарқалган бўлиб, бронзадан оддий сим кори усулда ясалган.

Шакл IV. Юрак шаклидаги чўзинчоқ қалқончали сирғалар[1,Б.164]. Сирға қалқончаси чеккаларига юрак тарзли яшил шишадан кўзлар қадалган. Ушбу сирға қалқончасига симдан даста-илдиргич бекитилган. Бошқа бир сирға қалқончасининг чекка гардишлари дон дончалари тарзли безатилган.

Шакл V. Кесилган пирамида тарзли сирғалар[8,Б.121-122]. Сирғанинг ён қирралари учбурчак шаклида бўлиб, шиша пластина тагига олтин тахтачалар ўрнатилган. Пирамиданинг асоси учбурчак тарзли кесилган қорақизил рангдаги шиша пластина тагига ингичка олтин тахтачалар ётқизилган. Сирғанинг иккала ён томонларидаги юқорги қисмлари учбурчак тарзли кесилиб олтин ленталар билан қопланган. Улар орасига маълум масофада учта олтин халқа жойлаштирилган. Пирамиданинг юқорги қисмига жуфт тугмалар қовширилган. Битта тугмадан сирға дастасини бириктириш учун фойдаланилган. Сирға асосининг охирига стержен ёрдамида кичик айлана мармарид бириктирилган. Сирға дастаси баланд қилиб мисдан ясалган. Сирғанинг умумий узунлиги 4 см га тенг.

VI гуруҳ. Қўлга тақиладиган билагузук ва узуклар. Хоразмда дастлабки билагузуклар Тозабөгёп маданияти (мил. ав. II мингйиллик 2-яrimi) Кўкча-3 маконидан кўплаб топилган. Улар айлана шаклида новасимон тарзли ясалган ва охирги учлари туташтирилмаган. Бронзадан кўйма усулда тайёрланган.

Антик даврда заргарлик буюмларини ясашда «ёввойи услуб» кенг тарқалган. Қорақалпоғистон Республикаси Қувандарё ҳудудидаги қадимги массагет-тохар қавмлари ёдгорлигидан «ёввойи услубда» тайёрланган иккита олтин билагузук қайд этилган [4, Б. 141]. Улардан бирининг охирги учлари «от боши», иккинчиси эса «кўпбошли бўри» тарзли ясалган. Шунингдек, Тупроққалъа ёдгорлигидаги билагузук охирги учлари арслон боши тарзли ясалган. Хоразмда архаик даврга оид охирги учлари туташтирилмаган темир билагузуклар ҳам учрайди [1, Б. 63-164].

Антик давр ёдгорлиги Тупроққалъа саройидаги деворий расмда арфа чалаётган аёл кўлларида айланасимон билагузук тасвирланган[4, Б.177].

Хоразмда узукларнинг дастлабки шакллари архаик ва антик даврлардаги Жонбосқалъа[5, Б.89,100], Бозорқалъа[1,Б.165], Қўйқирилганқалъа[2, Б. 332], Аязқалъа, Тупроққалъа[5, Б. 100,121-122] ёдгорликларида кенг тарқалган. Улар қўйидаги шаклларга ажралади.

Шакл I. Халқасимон узуклар.

Шакл II. Халқасимон, охирги учлари туташтирилмаган узуклар.

Шакл III. Қалқонча қисми шишиқяссимон ёки дўнг тарзли узуклар.

Шакл IV. Турли хил катта-кичикликдаги кўзли узуклар

Шакл V. Текис қалқончали узуклар, уларнинг баъзилари қалқончаларига «ёввойи услуб» да жонзотлар тасвирланган.

Уларнинг анаънавий шакллари яшаш ва фойдаланиш Хоразм заргарлик ҳунармандчилигида бугунги кунга қадар давом этмокда.

*V-гуруҳ.* Пардоз-андоз буюмлари. Бронза давридан жез кўзгулар маълум, уларнинг анаънавий шакллари антик даврдаги Қўйқирилганқалъа, Тупроққалъа ва бошқа ёдгорликларида учрайди[2, Б. 147-148]. Хоразмда антик даврда асосан айланасимон, юзаси текис, дастасиз жез кўзгулар кенг тарқалган.

Уларга ўхшаш шакллари Волгабўйи, Шимолий Кавказ ва Шимолий Қораденгиз бўйларидаги сарматлар ёдгорликларида кўплаб аниқланган.

*VI-гуруҳ.* Эркаклар заргарлик буюмлари. Хоразмнинг антик давр ёдгорликларида камар тўпламлари таркибига кирувчи темир ва бронзадан ясалган камар халқаватўқалар топилган[6, Б. 223-225]. Ушбу камар халқалари ва тўқалар икки турда: тўғрибурчакли ва тухумсимон. Уларга бадий безаклар берилган ва қимматбаҳо тошлар ёки шиша қадалган. Нақшлари одатда ёввойи услубда ишланган бўлиб, антропоморфик тасвирлар ёки геометрик нақшлар ҳам мавжуд.

Демак, Хоразмда антик даврда заргарлик буюмларини ишлаб чиқаришда бирмунча муваффақиятларга эришадилар. Бунга ўша даврда заргарлик ҳунармандчилигининг ихтисослашуви ва кўшни худудлар билан маданий алоқалари муҳим омил сифатида хизмат қилади. Ўша давр Хоразм аҳолиси бадий ва эстетик ҳаётида заргарлик ҳунармандчилиги муҳим аҳамиятга эга соҳалардан бири сифатида фаолият кўрсатади.

#### **Адабиётлар:**

1. Гудкова А.В., Манылов Ю.П. Могильник у городища Базар-кала// Культура и искусство древнего Хорезма. – М., Наука, 1981.– С. 154-211.
2. Кой-крылган-кала- памятник культуры древнего Хорезма. IV в. до н.э. -IV в. н.э. //ТХАЭЭ. том. V. – Москва, Наука, 1967.
3. Мамбетуллаев М. Топрак-кала Шаватская (раскопки 1979-1980гг.) //Археология Приаралья. Вып. III. – Ташкент. 1986. – С. 12-51.
4. Толстов С.П. По следам древнехорезмийской цивилизаций. – М., 1948.

5. Толстов С.П. Древний Хорезм. – Москва, МГУ. 1948.
6. Топрак-кала дворец // ТХАЭЭ. том. XIV, – Москва, Наука, 1984.
7. Фахретдинова Д.А. Ювелирное искусство Узбекистана. – Ташкент: Фан. 1988.
8. Ягодин В.Н. Ходжайов Т. Некрополь древнего Миздахкана. – Ташкент. Наука, 1970.

## **“БАНОКАТ-ШОХРУХИЯ”ДАН ТОПИЛГАН ҚОРАХОНИЙЛАР ДАВРИ МИС ТАНГАЛАРИ ХАЗИНАСИ**

**Нормуродов Д.Р.**

*т.ф.ф.д.(PhD),*

*Ўзбекистон Миллий университети*

Алоқа ва савдо йўллари қадимдан турли ҳудудларда яшовчи аҳоли вакилларининг сиёсий, иқтисодий, ижтимоий тараққиётида муҳим аҳамият касб этиб келган [5, - 432-б.]. Буларни тиклашда нафақат ёзма, балки моддий манбалар хусусан, тангалар ёки тангалар хазинасининг ҳам ўрни каттадир. Улар ёзма манбалар кам сақланган давр тарихини ёритиш, археологик маданий қатламларни аниқ даврлаштириш, маҳаллий ва халқаро савдо-сотик муносабатларини аниқлаш кабиларда муҳим маълумотларни беради. 2021 йилда Тошкент вилояти, Оққўрғон тумани, “Шоҳрухия” маҳалла фуқаролари йиғини “Ҳосилдор” маҳалласининг жанубида, Сирдарёнинг ўнг қирғоғида жойлашган Шоҳрухия археологик ёдгорлигидан топилган қорахонийлар даврига оид мис тангалар хазинасини илмий ўрганиш ҳам юқоридаги масалаларни ечишга ёрдам берадиган манбалар сирасига киради.

Маҳаллий фуқаро Шодиёр Эргашов томонидан топилган хазина жами 427 дондан иборат бўлиб, улар Шоҳрухия харобасининг Сирдарёга туташ жойидаги тик жарликда, мато қопчага солиб қўйилган ҳолда топилган (ҳозирда тангаларнинг 10 донаси Оққўрғон тумани ўлкашунослик музейида, қолганлари уларни топган фуқаро кўлида сақланиб келмоқда). Узоқ йиллар давомида намликда тургани учун оксидланиб чириган ва кўкимтир тусга кириб қолган хазинани олаётганда ўз вақтида улар солиб қўйилган қопча титилиб кўкинга айланиб кетган. Бу хазина ўрганиш учун олиниб, оксидлардан ва зангдан тозаланиши, ишлов бирилиши натижасида уларнинг мисдан ясалганлиги, 426 донасининг ҳар иккала томонига араб ҳарфлардаги ёзув туширилгани, улар оғирлиги ўртача 4 грамм, диаметри 32-34 миллиметр келадиган мис тангалар эканлиги (1-расм), 1 донасининг ҳар икки томони текис, бир четида ип ўтказиб осибилган мўлжаллаб, диаметри 2 миллиметр қилиб тешилган тешикчаси бўлган, оғирлиги 4 грамм, диаметри 33 миллиметрлик мис ашё (тақинчок, 1.2-расм)лиги аниқланди.

Хазинада жамланган барча тангалар бир хил тузилишда бўлиб, уларнинг юзалари ва ёнлари емирилган, аксариятида туширилган ёзувларнинг айрим ҳарфлари ўчиб кетган (1.3 – 1.4-расмлар). Айниқса, танга четларидаги ёзувлар

кўпроқ зарарланиб, бирортасида ҳам тўлиқлигича сақланмаган. Ҳар иккала томонига қавариқ шаклда арабча матнлар битилиб, безаклар туширилган бу тангалар қуйидагича тавсифга эга:

*Тангаларнинг олд томони* (1.5-расм): қавариқ кўринишда, икки қаторли, саккиз қирра геометрик шаклли ҳошия ичига, уч қаторда Ислом динида муқаддас ҳисобланадиган калими (“калимаи Тоййиба”): “Аллоҳдан ўзга (сиғинадиган) илоҳ йўқ! Муҳаммад Аллоҳнинг Расулидир ( لا اله الا الله / رسول الله / محمد / رسول الله / لا اله الا الله – Ла илаҳа ила / Аллоҳ Муҳаммад / Расулуллоҳ)” калима туширилган. Ҳошиядан ташқарида, танганинг четига, айланаси бўйлаб “Ўзжанд шаҳрида, танга зарб қилинган сана (ظرب نلد الاوزجند سنة – зард / балад / ала Узжанд / сана ...) туширилган”. Ҳеч бирининг четада тўлиқлигича сақланмаган ёзувларнинг тангаларда турлича даражада сақланганлиги уни тиклаш имконини берди. Умумий тангаларда араб ҳарфларидаги ёзув билан танга зарб қилинган сана туширилганлиги, жумладан, уларнинг айримлари ҳижрий 570 (سنة سبع وخمس مائه, милодий 1174) йилда зарб қилинганлиги малум бўлди. Бошқаларини эса аниқлашнинг имкони бўлмади. Балки кейинги тадқиқотларда бу масалага ойдинлик киритилар.

*Танганинг орқа томони* (1.6-расм): қавариқ кўринишда икки қатор халқа, унинг ичига айланасига нуқтачалар, унинг ичига эса тўрт томондан ташқарига уч япроқ шаклида безатилган квадрат ҳошия ичига “Иброҳим / Арслон / хоқон (ابراهيم / ارسلان / خاقان)” – деган исм ва унвон (мансаб) туширилган. Тангаларнинг бу томонидаги, ҳошия ташқарисидаги ёзувлар ҳам ўчиб кетган. Умумий тангалардаги ёзувларни таҳлили орқали танга атрофига “дунёвий ҳамда диний оламда адолатли ва энг буюк ҳукмдор الخاقان الهالم الهادل الاعظم نصرة الدنيا و الدين – алхоқон алеалам алеадил алаеизам нусрат алдуња ва алдийн)” – деган ёзув туширилганлиги аниқланди.

Мазкур тангалар хазинаси улардаги ёзувларга кўра қорахонийлар ҳукмдор Иброҳим Арслонхон хоқон ҳукмронлиги даврида, мамлакатнинг Фарғона воҳасидаги марказий шаҳарларидан бири бўлган Ўзганд шаҳрида зарб қилинганлигини кўрсатади. Бу тангаларга айнан ўхшаш мис тангалар Тожикистоннинг Хўжанд шаҳри ва унинг атрофларидан кўплаб топилган бўлиб, улардан 655 донаси бизга маълум [2, Б. 202 – 207, 211]. Улар тангашунос Елена Абрамовна Давидович томонидан ўрганилиб, ҳижрий 570 – 574 (милодий 1174/1175 – 1178/1179) йилларда қорахонийлар сулоласи ҳукмронлиги даврида, сулола вакили Иброҳим Арслон хоқон номидан, ўша пайтдаги Фарғона бошқарувининг пойтахти – Ўзженд (Узжанд) шаҳрида зарб қилинганлиги қайд этилган [2, Б. 429]. Қорахонийлар даври тангалари бўйича чуқур тадқиқотлар олиб бориган тангашунос олим Б. Д. Кочнев эса XI аср боши – XII аср охирларида зарб қилинган қорахонийлар даври тангаларидан 6 кишининг номи туширилганида “хоқон” унвони келтирилганлиги аниқланган [4, Б. 27]. Бу ўша пайтда мамлакат бошлиқларидан нисбатан кўзга кўринганлари “хоқон” деб юритилганлигини кўрсатади.

Тангалар ҳазинаси топилган, Шохруҳия милодий I асрлардаёқ мустаҳкам бошқарув тизими, яъни қароргоҳ – арк ва аҳоли яшайдиган қисм – шахристондан иборат шаҳар бўлган, IX – XII асрларда шаҳар ривожланиб, Банокат номи билан машҳур бўлган ва бу жойда шу ном билан тангалар ҳам зарб қилинган [3, Б. 80]. Қорахонийлар даврида тараққиётнинг юқори чўққисига чиққан Банокатнинг савдо-иқтисодий марказ сифатидаги мавқеи янада ортган. Афтидан, шаҳарнинг бой-бадавлат, эҳтимол, савдогар ёки амалдор кишининг қўлида тўпланиб, бизгача сақланиб келган мато қопчага солиб сақлаб қўйилган. Бу хазинанинг эгаси қайсидир сабаб туфайли уларни меросхурларига қолдира олмаган ва улар сарфламасдан вафот этган. Балким, бу XII асрнинг 1-ярми ўрталаридаги Чингизхон бошчилигидаги жангчиларнинг Мовароуннаҳрги, хусусан Банокатдаги қирғинбарот жанглари билан боғлиқ бўлиши мумкин. Маҳълумки, бу пайтда шаҳар катта талофат кўрган ва вайрон этилган эди [1, Б. 36-53; 6, Б. 106]. У кейинчалик Амир Темур ҳукумронлиги даврида қайта тикланиб, Шохруҳия номи билан қайта тикланган, бу ерда ҳаёт XVIII асрларгача давом этган бўлсада, тангалар унинг харобаларида бизгача тегинилмасдан сақланиб келган.

Хуллас, Шохруҳиядан янги топилган хазина қорахонийлар даври нафақат Фарғона қолаверса, Чоч – Тошкент, Уструшона ўлкаларидаги шаҳар ва қишлоқлардаги савдо-сотик ишларини амалга оширишда муомала воситасида сифатида фойдаланилган. Бу юқорида қайд қилинганидек, тангаларнинг Фарғонанинг марказий шаҳри Ўзгандда зарб қилиниши, уларнинг кўплаб миқдори савдо ва алоқа йўллари бўйлаб жойлашган Уструшонанинг йирик шаҳри – Хўжанд ва Чоч-Тошкентнинг муҳим маркази – Банокатдан топилиши билан ўз тастифини топади. Бу ўз навбатида ушбу ҳудудлар ўртасида фаол савдо-иқтисодий ва маданий алоқалар олиб борилганлигини кўрсатади.



1-расм. 1. 2021 йилда Банокат-Шохрухиядан топилган, Ўзгандда XII асрнинг 70 йиллари ўрталарида Иброхим Арслон хокон номи билан зарб килинган мис танглар хазинаси;

### Адабиётлар:

1. Буряков Ю. Ф. Канка и Шахрухия. Древние города Чача и Илака на Великом Шелковом пути. – Тошкент, 2011.
  2. Давидович Е. А. Клады древних и средневековых монет Таджикистана. – Москва: Наука, 1979.
  3. Древний и средневековый город Восточного Мавераннахра. – Ташкент, 1990.
  4. Кочнев Б. Нумизматическая история караханидского каганата (991 – 1209 гг.). Часть I. Источниковедческое исследование. Москва: София, 2006.
  5. Мавлонов Ў. М. Марказий Осиёнинг қадимги йўллари. – Тошкент: Академия, 2008.
  6. Фасих Хавафи. Муджмал-и Фасихи. Перевод, предисловие, примечания и указатели Д. Ю. Юсуповой. – Ташкент: Фан, 1980.
- Fayzulla, O. (2020). The craftsmanship of the emirate of bukhara at the second half of the xix century-the beginning of the xx century. *The American Journal of Interdisciplinary Innovations and Research*, 2(11), 33-38.



Ochildiyev, F. (2019). Trade relations between Bukhara and India in the second half of the 19th century and at the beginning of the 20th century. *Actual Problems of Applied Sciences Journal World*, (4), 13-19.

Очилдиев, Ф., & Хайдаров, З. (2022). Кеш ва Шахрисабз археологияси: КАТЭ тадқиқотлари. *Общество и инновации*, 3(2/S), 79-86.

Khaydarov, Z. (2021). Archaeology of Kesh and Shakhrisabz: on the basis of KATE reports. *current research journal of history (2767-472X)*, 2(11), 52-57.

Mukhamedov, Y.Q. (2022). Chach administrative center of the western turkic khaganate. *American Journal Of Social Sciences And Humanity Research*, 2(05), 46-52. Muhamedov, Y. K. (2019). The history of commercial economical-cultural relations of Tashkent oasis. *Theoretical & Applied Science*, (10), 579-582.

## **ПЕРВЫЕ АРХЕОЛОГИЧЕСКИЕ НАХОДКИ И ИССЛЕДОВАНИЯ ТАШКЕНТА И ЕГО ОКРЕСТНОСТЕЙ**

**Шамукарамова Ф.Ш.**  
*Институт истории. АН. РУз*

Начало археологическим исследованиям в Ташкентском оазисе было положено еще во второй половине XIX в. российскими востоковедами, краеведами, археологами-любителями, чиновниками и коллекционерами после завоевания Средней Азии Российской империей и образования Туркестанского генерал-губернаторства в 1867 г. На первых этапах изучение истории Ташкента носило эпизодический характер. Информация накапливалась буквально по крупицам: случайные находки при каких-либо земляных работах, отрывочные упоминания в письменных источниках, мимолетные наблюдения исследователей и др.

Так, в 1886 г. в «Туркестанских ведомостях» было сообщение старшего чиновника по особым поручениям при Военном губернаторе Сырдарьинской области краеведа-любителя Е.Т. Смирнова о том, что близ Ташкента, у почтовой станции Ниязбаш при разравнивании одного из многочисленных насыпных холмов случайно найдены глиняные сосуды, наполненные человеческими костями [23]. Информированный об этом исполняющий дела генерал-губернатора Н.И. Гродеков, дал распоряжение – немедленно прекратить земляные работы и принять меры к сохранению найденных предметов. Е.Т. Смирнов, описывая историю находки писал: «... отставной рядовой Ваулин, разравнивая поле под клевер, срывал насыпной холм земли, для облегчения смачивая водой из арыка и производил обвалы. При одном из таких обвалов упал и разбился небольшой глиняный сосуд, с крышкочкой, наполненный человеческими костями и землёю; вслед за этим был найден другой такой же, ... но при падении он разбился на мелкие части, ... Первый сосуд и кости мною отобраны от Ваулина» [23], которые первоначально были «выброшены крестьянином, владельцем земли» [14, Л. 2].

Тщательно осмотревший и подробно описавший находки, Е.Т. Смирнов пришел к выводу, что «это – несомненно погребальные урны, принадлежащие народу, обитавшему здесь в домусульманский период, что придает находке большой археологический интерес» [14, Л. 2; 23]. Автор сообщения, описывая в деталях урну и ее содержимое, проведя опрос местного населения, пришел к предположению, что подобный способ захоронения «не практиковался ни у древних персов, исповедовавших религию Зороастра или иначе – огнепоклонничество, ни у монголов и тюрков, исповедовавших буддизм. Найденная могила напоминает скорее греческие похороны. ... Присутствие греков в долине Чирчика, или их живые торговые сношения с местными жителями доказываются находимыми монетами в Ташкенте и окрестностях» [23]. Он связывал все эти находки с пребыванием здесь греко-македонцев. По приказу генерал-губернатора все найденные предметы были затем переданы в Ташкентский публичный музей.

Другая случайная находка в том же году обнаружена на так называемых «землях Никифорова» (ныне Мирзо-Улугбекский район г. Ташкента, улица Буюк Ипак йўли. – *Ф.Ш.*). Это были глиняные обломки с изображением двух фантастических фигур, которые Императорская Археологическая Комиссия, куда они были отправлены, признала чрезвычайно интересными и просила осуществить полное обследование той местности [16, С. 305]. После этого Н.П. Остроумов – директор Ташкентской учительской семинарии, редактор «Туркестанской туземной газеты», где также публиковались статьи историко-археологического характера, впоследствии председатель ТКЛА [8; С. 260-262], с несколькими учителями семинарии произвел разведочные исследования местности. В результате была обнаружена пещера, где нашли человеческие кости, глиняные кувшины, чашки и глиняные оссуарии [1; 18]. В 1887 г., расширив территорию раскопок и вскрыв 20 курганов, Н.П. Остроумов пришел к выводу, что на «Никифоровских землях» находятся сплошные могильники, которые большого научного значения не имеют [18].

В целом, исследователи Ташкентского оазиса не раз сообщали Императорской Археологической Комиссии, что Ташкент и его окрестности богаты древними сооружениями различных типов и лишь тщательные археологические исследования могут дать ответы на многие интересующие вопросы. Случайные находки или покупки у местного населения предметов старины не могли влиять на научные выводы. К тому же местное население не всегда сообщало о них, особенно, если это касалось драгоценных камней, золотых, серебряных или медных монет, ювелирных изделий [2].

После образования в 1895 г. в Ташкенте Туркестанского кружка любителей археологии (ТКЛА) процесс накопления материалов по истории Средней Азии, в том числе Ташкентского оазиса, стал носить систематический характер. Однако деятельность Туркестанского кружка ограничивалась лишь выполнением разведочных работ, сбором подъемного материала, небольшими раскопками. Определялось это тем, что в его составе

не было ни одного профессионального археолога [20]. Раскопки проводились в основном без всякой научной методики, которая в то время и не была выработана. Большая часть этих работ касалась Ташкента. На заседаниях Кружка он часто упоминался как объект археологических наблюдений. Доклады, статьи, сообщения и отчеты членов Кружка носили также топографический, краеведческий [21; 9, С. 112-123], географический [4], этнографический [6], лингвистический характер, и в некоторых из них предпринимались попытки описать историю города [11; 10, С. 126-137; 12, С. 138-145; 5, С. 145-151; 7].

Так, в докладе Е.Т. Смирнова [21], уже члена Кружка, были подробно описаны территория Ташкента и его окрестности с многочисленными буграми (тепа), которые он считал искусственными и называл насыпными, маршрутами малых и больших рек. В процессе изложения своего доклада, который был опубликован в виде очерка, автор ставил перед аудиторией конкретные вопросы: «К какому историческому периоду относится время постройки этих бугров, бугорков и насыпей? Каким народом они строились и с какой целью? Ответов на эти вопросы пока нет, очевидно же только одно, что соорудил их многолюдный и сильный народ» [21, С. 9].

Анализируя исследованные им оссуарии, о которых мы упоминали ранее, Е.Т. Смирнов обратился к членам Кружка с вопросами: «Что это за способ погребения, к какому времени, к какой религии и к какому народу он относится?», и сам же высказал предположение: «Не напоминает ли он несколько способов погребения исповедников религии Зороастра, господствовавшей здесь в полной мере до периода появления буддизма, христианства и магометанства?» [21, С. 11]. Это говорит о том, что автор, прежде чем приступить к исследованию, изучил все доступные для него источники, так как к теме истории Ташкента Е.Т. Смирнов возвращался не раз.

Так, в 1900 г. на 4-м заседании Туркестанского кружка Е.Т. Смирнов сделал сообщение о результатах разведывательной работы на развалинах древнего городища Канка [22, С. 164-184] с детальным описанием топографического расположения местности со ссылкой на письменные источники, пути водного снабжения древнего города (находится на территории Ак-Курганского района Ташкентской области, археологические экспедиции на котором продолжаются и по сегодняшний день – *Ф.Ш.*). Е.Т. Смирнов представил членам заседания образцы собранного подъемного материала: обломки стекла и глиняной посуды. В частности, он констатировал, что «осколки стекла в большом количестве встречаются во всех древних курганах долины Ангрена», и предполагал, что «стеклянная посуда не привозилась сюда откуда-либо со стороны, а выделялась именно местными жителями» [22, С. 174]. При этом он указывал: «Источники свидетельствуют о том, что в очень древние времена китайцы заимствовали секрет его выделки из Средней Азии» [22, С. 175]. Я подтверждаю предположения Е.Т. Смирнова, так как при посещении городища Канка сама

нашла кусочек стеклянного шлака в одном из раскопов на территории квартала ремесленников.

Классификация найденных глиняных черепков помогла определить Е.Т. Смирнову, какой посудой пользовалось население того времени, какие трубы были проложены для водоснабжения города.

В этом звене первых археологических исследований следует отметить первые раскопки летом 1896 года, когда члены ТКЛА в составе Н.П. Остроумова, Е.Т. Смирнова, В.Ф. Киселева, К.Е. Коревицкого, Н.С. Лыкошина, О.П. Егорова осуществили поездки с археологической целью в такие объекты, которые сегодня носят название городище Ак-тепе Юнусабадское, Минг-Юрюк, Ак-тепе Чиланзарское, Кугай-Тепе (Ярты-тепа), Шаш-тепа[15, Л. 40-46; 19, С. 31-36]. Со всех объектов были сняты планы, сделаны фотографические снимки.

Н.П. Остроумов более подробно изучил городище Шаш-тепа. Он проложил на цитадели городища траншею, игнорируя кладку стен, и вскрыл три галереи и стрельчатую арку. Здесь следует сказать, что из-за плотности насыпи, галерею вскрывали минными взрывами[15, Л. 43 об; 19, С. 34]. После расчистки остатки сооружения были определены как сторожевой пост с подземным зданием. Кроме того, были найдены целый горшочек из хорошо обожженной глины, обломки глазурованной и неглазурованной керамики, куски железа, стекла, кости животных и их зубы, а также другие предметы. Но, к сожалению, никакой датировки ни найденным предметам, ни самому городищу дано не было.

На тот момент археология Средней Азии находилась в зачаточном состоянии и не могла ответить на все поставленные вопросы. Но на заседаниях ТКЛА часто велись дискуссии по актуальным проблемам, касающимся тех или иных находок[17, С. 32-44]. Высказывались разные точки зрения, которые и в дальнейшем стали предметом научного обсуждения, в частности, тема оссуариев была дискуссионной на протяжении многих лет[3].

Следует сказать и о дальнейшей судьбе артефактов. Все вышеперечисленные археологические находки отправлялись в Ташкентский музей, а оттуда наиболее ценные или определенные экземпляры находок – в Императорскую Археологическую комиссию, после первичного изучения которых отдавалось распоряжение о ведении уже целенаправленных археологических раскопок на тех или иных территориях. Самые ценные находки Императорская Археологическая комиссия показывала Российскому Императору, который решал, куда передавать находку – Императорскому Эрмитажу или в другие назначенные места, или в хранилище древних предметов[13, Л. 7]. На сегодняшний день большинство ценнейших археологических находок не только из Ташкента, но и всего Среднеазиатского региона хранятся в Государственном Эрмитаже.

Не смотря на то, что исследователи того периода не были специалистами-археологами, не обладали методами и методикой введения

археологических раскопок, не всегда могли дать датировку тех или иных городищ, тепе и других археологических объектов, и даже не все были сведущи в сведениях письменных источников, но они оставили бесценный наблюдательный, топографический, гидрографический, подъемный и извлеченный из письменных источников ценный материал, послуживший для дальнейших археологических изысканий.

Не исключено, что многие суждения были ошибочны либо спорны, но именно эти первоначальные заключения, основанные на первичных разведках, небольших любительских археологических раскопках, случайных находках, нашедшие отражение в печати, дали толчок многолетним систематическим исследованиям Ташкента и его окрестностей, которые продолжаются и сегодня.

### Литература:

1. А.Р. Библиографический листок. Отчет Императорской Археологической Комиссии за 1882-1888 годы. СПб. 1891 г. // Туркестанские ведомости. 1892. 20 октября. № 42.
2. Андреев М. Местности в долине р. Ангрена, интересные в археологическом отношении // Туркестанские ведомости. 1893. 16 (29) июня. № 46.
3. Бартольд В.В. К вопросу об оссуариях Туркестанского края // ИРКИСВА. СПб., 1908. № 8.
4. Вяткин В.К исторической географии Ташкентского района // Туркестанские ведомости. 1900. № 101.
5. Диваев А. Предание о возникновении азиатского гор. Ташкента // Приложение к Протоколам ТКЛА 1900. № 4. Ташкент, 1900. С. 145-151.
6. Диваев А. Промыслы и занятия туземцев азиатского города Ташкента // Туркестанские ведомости. 1901. № 33.
7. Добросмыслов А.И. Ташкент в прошлом и настоящем. Ташкент, 1911.
8. Историография общественных наук в Узбекистане. Библиографические очерки. Сост. Лунин Б.В. Ташкент: Фан, 1974.
9. Кастанье Л. Отчет о поездке в Шахрухию и местность «Канка» // Протоколы ТКЛА. Год XVII. Вып. II. 1 апреля 1913 г. – 11 декабря 1913 г. Ташкент, 1913. С. 112-123.
10. Маллицкий Н. К истории Ташкента под Кокандским владычеством // Приложение к Протоколам ТКЛА 1900. № 4. Ташкент, 1900. С. 126-137.
11. Маллицкий Н. Несколько страниц из истории Ташкента за последнее столетие // Приложение к Протоколам ТКЛА от 16 ноября 1898 г.
12. Маллицкий Н. Страница из истории Ташкента в XVII столетии // Приложение к Протоколам ТКЛА 1900. № 4. Ташкент, 1900. С. 138-145.
13. НАУз, ф. И-17, оп. 1, д. 1526.
14. НАУз, ф. И-17, оп. 1, д. 917.
15. НАУз, ф. И-71, оп. 1, д. 6.

16. Никитенко Г.Н. Н.П. Остроумов и истоки археологической науки Средней Азии // Востоковедческие чтения памяти Н.П. Остроумова. Сборник материалов. Ташкент, 2008.

17. Остроумов Н. Новые данные о глиняных погребальных урнах // Протоколы ТКЛА. Год XI. 1 января 1906 г. – 1 января 1907 г. Ташкент, 1906. С. 32-44.

18. Остроумов Н.П. Из поездки в селение Мамаевку // Туркестанские ведомости. 1893. № 50, 52.

19. Протокол заседания от 26 августа 1896 г. // Протоколы ТКЛА. Вып. 1. Ташкент, 1896. С. 31-36.

20. Ртвеладзе Э.В. Краткий очерк истории изучения археологических памятников Средней Азии // Историко-археологический обзор Древней Средней Азии (Рукопись хранится у автора).

21. Смирнов Е.Т. Древности в окрестностях города Ташкента // Протоколы Туркестанского кружка любителей археологии. Вып. 1. Ташкент, 1896; Ташкент: Типо-литография, 1896.

22. Смирнов Е.Т. Развалины города Канки // Протоколы ТКЛА. Приложение к протоколу. – Ташкент, 1900. № 4. – С. 164-184.

23. Туркестанские ведомости. 1886. 6 мая. № 17.

## **БУХОРО ВОҲАСИ ТОШ ДАВРИ ЖАМОАЛАРИНИНГ МОДДИЙ МАДАНИЯТИ: ТАРИХИЙ РЕКОНСТРУКЦИЯ МАСАЛАЛАРИ**

**Очилов А.Т.**

*т.ф.ф.д.(PhD),*

*Бухоро Давлат университети*

Кишилиқ тарихида тош давридан бошлаб инсоният ҳаётида иқтисодий ва маданий ривожланишлар бўлган. Қадимги тош даври аҳолиси асосан тоғ ён бағирлари, сой жарликларнинг ёқалари ва сув ҳавзаларида истиқомат қилишган. Бунинг сабаби эса бундай жойларда табиат ҳайвонот дунёсига бой бўлиб ов қилиш учун жуда қулай бўлган. Бухоро воҳаси айниқса, воҳанинг шарқий қисмлари тош даврларидан бошлаб ибтидоий овчиларнинг диққат марказида бўлди.

Тош даврида истиқомат қилган инсонлар меҳнат қуроллари тайёрлашда техникавий кашфиётлар қилганлиги Навоий вилоятининг марказидан 22-25 км шимолий-шарқда, Қоратов тоғ тизмасининг Воуш тоғи жанубий ёнбағрида жойлашган Учтут, Ижонд қишлоқларида ибтидоий одамларнинг меҳнат қуроллар яшаш устохонаси ва чакмоқтош қазиб олиш конларининг топилишидан билиш мумкин[1]. Воуш тоғларининг жанубий ён бағридаги қоянинг юқори қисмида 10-15 см қалинликда узоқ масофага чўзилган чакмоқтош қатлами бўлиб, у ибтидоий одамларимизни ўзига жалб қилган[2]. Учтут қишлоғи яқинидан топилган бу устахона палеолитнинг ўрта ва сўнги босқичи, мезолит, неолит даврларига мансуб бўлиб, узоқ даврлар мобайнида

қуролсоз усталарнинг бирламчи қурол яшаш макони бўлиб хизмат қилади. Учтутликлар янги тош даврида меҳнат қуроллари яшаш учун хом ашё қидириб шахталар қазиганлар. Бу жараён нафақат Ўзбекистон ҳудудида балки, Ўрта Осиёда кўзга ташланадиган биринчи жараён ҳисобланади.

Учтут ва Ижонд ёдгорликлар комплексини чақмоқтош хомашёсини топиш услубига асосланиб, уч хил объектларга бўлинган. Улардан иккитаси хомашёни қазиб олиш билан боғлиқ конлар, биттаси меҳнат қуроллари ишлаб чиқариш устахонаси бўлган.

Учтут шахталари асосан неолит даврига тегишли бўлиб, уларнинг 100 дан ортиқ излари Учтут қишлоғи яқинида Воуш қояларида жойлашган.

Т.Мирсаатовнинг тахминига қараганда шахта тубидан олинган хомашёдан дарҳол қуроллар ясалмаса тошлар қуёшга чиққач унинг нами қочиб қаттиқлашади ва меҳнат қуроллари яшаш мураккаблашади[3].

Агар масалага кенгроқ, тарихий таҳлил нуқтаи назаридан қаралса, биз неолит даврида юз берган яна бир ижтимоий-иқтисодий туб ўзгаришларни англаб етган бўламиз, яъни тоғ саноатида ихтисослашган меҳнат таксимотида дуч келамиз. Хомашё қазиб олиш профессионал касби-корига айланган шахтёрлар ўз харидорларига сифатли маҳсулот етиштириш мақсадида маълум миқдор хомашё захираларини сақлаган.

Зарафшон водийсининг Навоий вилояти Кармана туманининг Учтут ва Ижонд қишлоқлари яқинида олиб борилган археологик қидирув ишлари давомида янги соҳа – тоғ-кон саноати билан боғлиқ хомашё ишлаб чиқариш объектлари очилди. Улар Воуш тоғининг палеоген ётқизиқлари устида қадимги тош(неолит) даврида ташкил топиб, мезолит даврида давом этган тош устахоналари ва неолит даврининг шахталари бўлиб, бу объектлар Учтут шахталари номи билан фанга кирди.

Учтут шахталарини ўрганиш «неолит инқилоби» билан боғлиқ инсоният тарихида, унинг кундалик ҳаётида илк бор таркиб топган кашфиётлардан бири бўлиб, айнан шу даврдан бошлаб аجدодларимиз иқтисодий ва ижтимоий ҳаётида туб ўзгаришлар содир бўла бошлади. Учтут шахталарини ўрганиш жараёнида аجدодлар ҳаётида юз берган биринчи ижтимоий меҳнат таксимотининг илк куртаклари неолит даврдан бошлаб ниш урабошлайди.

Бу ўзбек халқи ўтмиш тарихида юз берган инқилобий ходиса бўлиб, унинг жаҳон тарихи ва цивилизациясига қўшган улкан ҳиссаларининг дебочаси эди.

Ўрта Осиёнинг чўл зоналаридаги дарёлар ва кўлларнинг кенг тарқалган қуруқ каналлари атрофида ҳам тош даври аҳолиси кенг жойлашган. Қадимги даврларда бу ердаги иқлим ибтидоий популяциялар учун қулай бўлган [4]. Мезолит даври охири ва неолит даври бошларида (милoddан аввалги 10-8 минг йил) аҳоли сонини кўпайиши натижасида манзилгоҳлар сони ортиб боради. Бу даврларда нафақат Бухоро воҳасининг тоғлик ҳудудлари ўзлаштирилди, балки воҳанинг ғарбий қисми Зарафшоннинг куйи ҳавзалари ҳам овчи қабилалар эътиборидан четда қолмади. Қадимда Бу-хоро

воҳасининг ғарбий қисми Зарафшоннинг тошқин сувларидан ҳосил бўлган кўл ва ботқоқликлардан иборат бўлиб, улар қалин бутазор, чакалакзор ва тўқайзорлар билан қопланган. Тош даври инсониятини Зарафшоннинг қуйи ҳавзаларидаги ҳайвонотга бой табиий чакалакзорлар ва балиққа сероб кўллар ўзига тортди. Аҳоли бу ҳудудларни ўзлаштира бошлади. Бухоро воҳасининг ғарбий қисмларида ҳам тош даври айниқса, неолит даври қизгин кечади. Зарафшоннинг қадимги ўзани Мохондарё Қорақўл тумани орқали Қизилқумга ўтиб Амударёга қуйилган. Натижада, бу жойларда овчилар, балиқчиларнинг дастлабки манзилгоҳлари пайдо бўлган. Шунинг учун ҳам Қуйи Зарафшон ҳудуди ва унинг атрофидан топиб ўрганилган тош даври маконлари асосан сув ҳавзалари бўйидан топилган [5]. Сув ҳавзаларининг жойларини ўзгартириб туриш оқибатида одамлар кўноқ ва кўналғаларини ҳам ўзгартириб туришга мажбур бўлганлар. Неолит даврига оид бу кўналғалар Катта Тузконнинг шимоли ва шимоли-шарқий то-монида жойлашган бўлиб, кўл бўйига қурилгани учун бир тизимда, бир қаторда жойлашган [6].

Зарафшон тошқини туфайли ҳосил бўлган ва денгиздек кенг майдонга ёйилган, ҳозирда эса Моханкўл, Замонбобо кўли, Қичик Тузкон, Катта Тузкон, Чуқур кўл, Парсангкўл, Лахликўл ва Қоронғи шўр деб номланган ибтидоий «сув омборлари»ни қум тепалари босиб, улар кенг шўрхоқ, пастқам жойларга айланган [7], уларнинг қирғоқларида неолит даврининг турар-жой излари топилган [8].

Мезолит ва неолит даврларида глобал иқлим ўзгариши содир бўлиб, минтақавий ва маҳаллий аҳамиятга эга бўлган қурғоқчиликни келтириб чиқарган [9]. Натижада аҳоли сув ҳавзаларига қараб силжийди. Бухоро воҳасининг ғарбий қисмида ҳаёт анча гавжумлашади. Маҳаллий аҳоли орасида Катта Тузкон, Кичик Тузкон, Қоранги шўр номлари билан аталувчи кўл соҳилларида инсоният томонидан кенг ўзлаштирилади [10]. Шунинг учун ҳам бу ерлардан неолит даврига оид бир қанча манзилгоҳлар топиб ўрганилган [11]. Афсуки, уларнинг деярли барчасида маданий қатламлар сақланмаган.

Манзилгоҳларнинг марказий қисмида материаллар уюми қалашиб ётганлиги кузатилган. Археологик кузатувларга кўра, манзилгоҳларнинг барчаси мавсумий характерга эга бўлиб, уларнинг жойини тез-тез алмашиб туриши кўл соҳили сувларининг ўзгариб туришига боғлиқ эди. Шунинг учун балиқ ови билан шуғулланган уруғ жамоаларининг мавсумий манзилгоҳларида тегишли маданий қатламлар пайдо бўлиб улгурмай, турар-жой манзиллари ўзгариб турган. Агар манзилгоҳни сув тошқини даврида бир неча бор лойқа сув босиб улгурган бўлса, яъни унинг устида қалин балчиқ ҳосил бўлган бўлса, у ҳолда маданий қатламнинг қалин лойқа остида сақланиб қолишига умид қилса бўлади. Аммо уларни топиш ҳам осон кечмайди.

Калтаминор маданиятининг Қуйи Зарафшон ёдгорликларини ўрганиш билан мунтазам шуғулланиб келган археолог Ў.Исломов Катта Тузкон



ёдгорликлари мажмуасида, икки манзилда маданий қатлам сақланганлигини аниқлашга муяссар бўлган. Улар Дарбозақир I [12] ва Дарбозақир II [13] ёдгорликлари эди. Икки қир оралиғидаги тор йўлак, яъни Катта Тузкон кўлидан шимолий ғарбда чиқиш жойида қир мавжуд. Шу қирни кесиб ўтган тор йўлак орқали аҳоли кўл ёқасига чиқган. Айнан шу жой аҳоли томонидан “Дарвозақир” деб юритилган, шунинг учун ҳам манзилгоҳга Дарбозақир номи берилган [14].

Катта Тузкон топилмалари овчилар ва балиқчиларнинг неолит маданияти билан характерланган. Уларнинг кўшни ҳудудлардаги Калтаминор мажмуаларига тўлиқ ўхшашлиги тош қуролларининг шакли ва нисбатларида намоён бўлади. Тузан ёдгорликларининг пастки хронологик чегараси радиокарбон усули билан милоддан аввалги IV минг йилликнинг бошларига тўғри келганлиги аниқланган бўлса, унинг юқори чегараси милоддан аввалги III минг йиллик охирига тўғри келади. Неолит давридаги Зарафшоннинг қуйи оқими аҳолисининг асосий иқтисодий фаолияти ов ва балиқ ови эди. Буни нафақат аҳоли пунктлари дарёлар ва кўллар бўйида жойлашганлиги, балки қазилма жараёнида топилган ҳайвонларнинг суяк қолдиқлари ва тош қуролларининг турлари тасдиқлаган. Топилмалар орасида тошдан ишланган ёрғучоқ, дон бўлаклари ва ўроқнинг мавжудлиги, эҳтимол маҳаллий шароитда деҳқончиликнинг вужудга келиши ҳақидаги хулосани илгари суришга хизмат қилган [15]. Лекин, Тузкон атрофини тадқиқ қилган Я.Ғуломов, Ў.Исломов ва А.Асқаровларнинг фикрича Қуйи Зарафшоннинг энеолит жамоалари асосан овчилик ва балиқчилик билан шуғилланган, топилган ўроқ ва ёрғучоқ каби қуроллардан доимий деҳқончиликдан эмас балки, илдизларни, қуруқ меваларни, ёввойи арпа, буғдой ва бошоқли экинликларни йиғиш учун фойдаланилган [16]. Зеро, этнографик маълумотлардан билишимиз мумкинки бундай қуроллардан термачилик билан шуғилланган, ҳали деҳқончиликдан хабари йўқ қабилалар ҳам фойдаланган [17].

Дарбозақир маконидан топилган хилма-хил ашёвий материалларнинг таҳлили аҳолининг иқтисодий-ижтимоий ҳаётида овчилик айниқса, балиқчи овчилик билан истиқомат қилувчи аҳоли яшаганлигидан далолат беради. Манзилгоҳдан ҳар хил ҳайвонларнинг ва қушларнинг суяк қолдиқларининг топилганлиги ов қилишнинг ўз аҳамиятини йўқотмаганлигини кўрсатади. Чақмоқтошдан ясалган микролит пичоқ, қирғич, бигиз, ёғоч ўйиш қуроллари, ўк-ёй учлари, пармалаш қуроллари, болға, тошболталар кундалик ҳаётда тошдан ясалган меҳнат қуроллари муҳим аҳамият касб этганлигини исботлайди. Дарбозақирда қазилма ишларини олиб борган Ў. Исломов сопол синиқлари сиртига ишланган бой ва содда нақшларга қараб, ушбу манзилгоҳ Зарафшон қуйи ҳавзасида ўрганилган Калтаминор маданияти ёдгорликлари орасида энг қадимийси бўлса керак, деган хулосага келади [18].

Хулоса қилиб айтганда, Қуйи Зарафшон минтақаси аҳоли томонидан ўзлаштирилиши, унинг кундалик машғулоти ва ҳўжалик шакллари билан боғлиқ бўлган. Чунки одамлар ўзлари яшаши учун қулай табиий шароит,

Ўсимлик ва ҳайвонот дунёсига бой ерларни ўзлаштиришга интилганлар. Қуйи Зарафшон минтақасида бундай жараёнлар тош даврининг палеолит ва мезолит даврларида нисбатан секин ва тор ҳудудда кечган бўлсада, неолит даврда воҳани ўзлаштириш жараёнлари фаоллашди. Неолит даври овчилик, балиқчилик, термачилик ва қисман илк зироатчилик билан кун кечирган уруф жамоалари Қуйи Зарафшон минтақасининг катта ҳудудига келиб жойлашди. Натижада неолит даври жамоаларининг маконлар сони воҳада кескин ортди. Бу маконларнинг ўрганилиши Қуйи Зарафшон минтақасида тош даври антропоген ландшафтини ривожланиши ва жамоаларнинг воҳанинг турли географик ҳудудларида кенг ёйилишидан гувоҳлик беради.

#### **Адабиётлар:**

1. Касымов М.Р. Кремнёвая мастерская у кишлака Учтут в районе горы Каратау Бухарской области (Поматериалам археологической экспедиции). Научные работы и сообщения. Кн.6, Ташкент,1963.
2. Асқаров А.А. Бухоронинг ибтидоий давр тарихидан лавҳалар. Тошкент:Фан,1973. -Б.5.
3. Мирсаатов Т. Горные разработки эпохи камня. Ташкент-1977.- С.33.
4. Толстов С.П. По древним дельтам Окса и Яксарта. -М.,1962. - С.321.
5. Тошкенбоев Н. Бухоронинг энг қадимги даври тарихидан. Инсониятнинг илмий ва маданий мероси – учинчиминг йилликка. Бухоро ва Хива шаҳарларининг 2500 йиллигига бағишланган халқаро симпозиум тезислари. 1997 йил 18-20 октябрь. Бухоро-Хива. Тошкент,1997. Б.9-10.
6. Исломов Ў.И. Қадим Бухоро воҳасида илк хўжалик фаолияти кўринишлари. Инсониятнинг илмий ва маданий мероси – учинчи минг йилликка. Бухоро ва Хива шаҳарларининг 2500 йиллигига бағишланган халқаро симпозиум тезислари. 1997 йил 18-20 октябрь. Бухоро-Хива. - Тошкент, 1997. –Б.12-14.
7. Асқаров А. Бухоронинг ибтидоий давр тарихидан лавҳалар. - Тошкент,1973.-Б.10.
8. Гульямов Я. Г. Исследование исторической гидрографии низовьев Кашкадарьи и Зарафшана. ИМКУ. Вып.6. –Ташкент,1965.-с.17-22.
9. Francfort H.P. Lecomte O. Irrigation et societe en Asie Centrale des origines a l'epoque achemenide. Ann. Hist. Sci. Soc. 3. 2002.
10. Гульямов Я.Г. Археологические работы к западу от Бухарского оазиса. Тр. Ин-та Истории и археологии АН Республики Узбекистан. Вып.8, Ташкент, 1956; Он же, Исследование исторической гидрографии низовьев Кашкадарьи. ИМКУ. вып.6.Ташкент-1965; Мухамеджанов А.Р. К изучению древнего русла Махандарьи. ИМКУ.вып. 5, Ташкент, 1964; Гулямов Я.Г., Исламов У., Асқаров А. Первобытная культура в низовьях Зарафшана. Ташкент,1966.
11. Асқаров А.А. Бухоронинг ибтидоий давр тарихидан лавҳалар. - Тошкент:Фан,1973. -Б.11.

12. Гульямов Я.Г., Исломов У., Асқаров А. Первобытная культура в низовьях Зарафшана. Ташкент,1966.-С. 23-38.
13. Гульямов Я.Г., Исломов У., Асқаров А. Первобытная культура в низовьях Зарафшана. Ташкент,1966.-С.38-72.
14. Асқаров А.А. Бухоронинг ибтидоий давр тарихидан лавҳалар. Тошкент: Фан,1973. -Б.11.
15. Коробкова Г.Ф. Орудия труда и хозяйство неолитических племен Средней Азии// МИА. 1981. -№158.-С.180-181.
16. Гульямов Я.Г., Исломов У., Асқаров А. Первобытная культура в низовьях Зарафшана. -Ташкент,1966.-С.87-88, 90.
17. Сагдуллаев А.С, Холматов Н.Ў., Абдуллаев Ў.И., Матёқубов Х.Х., Шайдуллаев А.Ш., Тоғаев Ж.Э., Маткаримов Х.О., Юсупов А.Ш. Марказий Осиёда тарихий-маданий вилоятларнинг шаклланиши ва этник географияси муаммолари.-Тошкент: Университет, 2020.-Б.21.
18. Гульямов Я.Г., Исломов У., Асқаров А. Первобытная культура в низовьях Зарафшана.–Ташкент,1966.-С.43.
19. Асқаров А.А. Бухоронинг ибтидоий давр тарихидан лавҳалар. Тошкент: Фан,1973. Б.15.
- Очилдиев, Ф. Б., & Тоғаев, Ж. Э. (2015). Заметки о системе местного управления в Бухарском эмирате в середине XIX-начале XX века. *Национальная ассоциация ученых*, (2-9 (7)), 47-50.
- Ochildiyev, F. (2019). Trade relations between Bukhara and Russia in the second half of the XIX century-the beginning of the XX century//*Social Sciences: Achievements and Prospects Journal* 3 (11), 2019/OEAPS Inc. (Open European Academy of Public Sciences); Chief Editor Mark Freeman-Barcelona, Spain. 16.03. 2019: OEAPS Inc., 2019.-pp. 55-60.
- Fayzulla, O. (2020). The craftsmanship of the emirate of bukhara at the second half of the XIX century-the beginning of the XX century. *The American Journal of Interdisciplinary Innovations and Research*, 2(11), 33-38.
- Ochildiyev, F. (2019). Trade relations between Bukhara and India in the second half of the 19th century and at the beginning of the 20th century. *Actual Problems of Applied Sciences Journal World*, (4), 13-19.
- Muhamedov, Y. K. (2019). The history of commercial economical-cultural relations of Tashkent oasis. *Theoretical & Applied Science*, (10), 579-582.
- Очилдиев, Ф., & Хайдаров, З. (2022). Кеш ва Шахрисабз археологияси: КАТЭ таджикотлари. *Общество и инновации*, 3(2/S), 79-86.

## ТУРКИСТОН АРХЕОЛОГИЯ ҲАВАСКОРЛАРИ ТЎГАРАГИ ФАОЛИЯТИДА МАҲАЛЛИЙ ЗИЁЛИЛАРНИНГ ЎРНИ

Назаров А.Ё.

т.ф.ф.д.(PhD),

Ўзбекистон Миллий университети

Ўрта Осиё ва унга ёндаш ҳудудларни тадқиқ этган жамиятлардан бири ўлка тарихини археологик жиҳатдан ўрганган Туркистон археология ҳаваскорлари тўгараги ҳисобланади.

Тўгаракнинг ташкил топишида фаол қатнашган В.В. Бартольднинг маълумот беришича, ўлкада хизмат сафарида бўлган пайтида (1893 йил 11 декабрь) Табиатшунослик, антропология ва этнография рус императорлик жамиятининг Туркистон бўлими йиғилишида генерал-губернаторликда археология ҳаваскорлари тўгарагини таъсис этиш масаласи кўтарилган[1]. Бу борада В.В. Бартольд ва Н.П. Остроумовлар томонидан билдирилган фикрлар қизгин муҳокамага сабаб бўлган. Йиғилиш давомида Тошкентда археология тўгарагини ташкил этишга қарор қилиниб, тез орада тўгаракни ташкил этиш лойиҳаси ишлаб чиқилади ва уни тасдиқлаш ишлари бошланади. Бу борада Туркистонда фаолият юритган олимлар, маориф соҳаси вакиллари ва ўлка бошқаруви органлари ходимларининг Санкт-Петербургдаги олимлар билан ҳамкорликда олиб борилган ташкилий ишлари тўгарак фаолиятини йўлга қўйишга имкон яратди. Натижада Туркистон археология ҳаваскорлари тўгараги император Николай II нинг 1895 йил 19 октябрдаги фармонга биноан ташкил этилган ва Маориф вазири томонидан 1895 йил 31 октябрда Низоми тасдиқланган[2].

Тўгарак Низоми 21 банддан иборат бўлиб, унга кўра фаолияти кўйидагилардан ташкил топган:

- а) Туркистон ўлкаси ҳудудида жойлашган қадимий обидаларни ўрганиш;
- б) уларнинг тавсифини ва ўлка археологик харитасида қайд этилишини амалга ошириш;
- в) археологик обидаларни кўриқлаш;
- г) археологик қазув ишларини амалга ошириш;
- д) маҳаллий археологик материалларни нашр учун қайта ишлаш[3].

Юқоридагиларга қарамай, тўгарак ўлка тарихини фақат археологик жиҳатдан эмас, балки этнологик, лингвистик, эпиграфик ва бошқа жабҳаларда ҳам тадқиқ этган. Шунингдек, тўгарак аъзолари яна медиевистик, генеалогик, нумизматик ва бошқа тадқиқотларни ҳам амалга оширган.

Юқорида таъкидланган Низомга кўра, фахрий раис ўлка генерал-губернатори бўлган. Тўгаракнинг фахрий раиси ва ҳақиқий аъзолар ҳамда тўгарак ходимларидан ташкил топган.

Тўгарак ташкил топган 1895 йилда унинг фахрий раиси ўлка генерал-губернатори барон А.Б. Вревский бўлган. Тўгаракнинг таъсисчи аъзолари сифатида К.В. Аристов, В.В. Бартольд, С.М. Граменицкий, Н.Л. Зеланд,

Ф.М. Керенский, Н.С. Ликошин, В.П. Наливкин, Д.В. Назаров, В.Ф. Ошанин, Н.П. Остроумов, В.О. Преображенский ва бошқалар қайд этилган[4].

Тўғарак таъсисчилари ва унинг аъзолари орасида Туркистонда фаолият юритган олимлар ва маориф соҳаси вакиллари, йирик амалдорлар ҳамда харбийлар, шунингдек, нафақат ўлкадаги тадқиқотчилар, балки Россия империя марказий губернияларида фаолият юритувчи тадқиқотчилар ҳам аъзо бўлишган.

Шуни алоҳида таъкидлаш лозимки, Ўрта Осиё археологиясини ўрганишда маҳаллий зиёли вакилларининг хизматлари ҳам аҳамиятга эга. Хусусан, тошкентлик савдогар А. Асқаров ўша даврларда ўзининг қадимий коллекцияси билан шуҳрат қозонган. У Н.И.Веселовский раҳбарлигида Туркистонда ўтказилган археологик тадқиқотларда қатнашган. А.Асқаров қадимги тангаларни йиғишда катта маҳоратга эга бўлган, Афросиёб ва унинг атрофидаги ёдгорликлар, Бухоро, Сирдарё, Фарғона вилоятларидаги тарихий обидаларни ўрганишда иштирок этган[5].

XX асрнинг биринчи ўн йиллиги охирларида В.Л. Вяткин раҳбарлигида Улуғбек расадхонаси қолдиқларини топиш мақсадида ўтказилган қидирув-казув ишлари муваффақиятга эришган. В.А. Шишкин таърифи билан айтганда, “казув ишлари Ўрта Осиё халқлари маданиятининг дурдона ёдгорликларидан бири, дунё миқёсидаги кашфиёт, рус ва чет эл илмий нашрларида катта мунозара ва муҳокамаларга сабаб бўлган Улуғбек расадхонасининг очилиши билан ниҳояланади”[6].

Маълумотларга қараганда, Абу Саид Маҳсум ушбу кашфиётнинг аниқлашишида катта хизмат қилган. Ўтган асрларда вақф ҳужжатларини ўрганган, оғзаки ҳолда авлоддан-авлодга ўтиб келаётган этнографик маълумотлар, афсоналар билан солиштирган, тасодифий топилмалар қайд этилган жойларни ҳисобга олган Абу Саид Маҳсум В.Л. Вяткинга расадхона жойлашган жойни кўрсатиб берган.

Юқоридаги маълумотлардан кўриниб турибдики, XIX асрнинг сўнгги чорагида бошланган Туркистон археологиясини ўрганиш ишларида маҳаллий зиёли вакиллари ҳам қатнашиб, муайян малака ва тажрибаларни тўплай бошлашган.

Тўғарак аъзолари томонидан Туркистон ўлка тарихи, маъмурий тузуми бўйича ўрта аср шарқ қўлёзма манбалари, маҳаллий халқ афсоналари, урф-одат ва фольклорига оид материаллар тўпланиб ўрганишга киришилган бўлса-да, аслида бунинг замирида Россия империясининг ўлкада ўз мустамлакачилик бошқарув тизимини мустаҳкамлаш сиёсати ётган.

Ўзбекистон Миллий архиви И-71-фонддаги йиллик ҳисоботлар тўғарак археологик фаолиятини ҳар тарафлама ёритувчи ҳужжатлар ҳисобланади. Хусусан, тўғаракнинг дастлабки бир йиллик фаолияти (1895 йил 11 декабрь–1896 йил 11 декабрь) ҳисоботида тўғарак аъзолари томонидан белгиланган ишлар амалга оширилганлиги қайд этилган[7].

1896 йил 22 январдаги тўғарак йиғилиши баённомаларида кўрсатилишича, Е.Т. Смирнов “Тошкент шаҳри атрофидаги қадимги

обидалар” номли илмий ахборотини маъруза шаклида тақдим қилган. Шунингдек, ушбу маъруза материаллари “Средная Азия” тўпламида нашр этилган. Ушбу йиғилишда тўғарак аъзоси Х.Б. Гемлон қадимий Бухоро тангаларини Туркистон Археология ҳаваскорлари тўғарагига совға қилган. Йиғилиш баённомасида Самарқанд–Андижон темир йўл қурилиши даврида топилган қадимий топилмалар тўғаракка топширилиши белгилаб қўйилган. Яна тўғарак таъсисчи аъзоларидан бири Д.В. Назаров томонидан тўғарак аъзолари учун махсус жетон лойиҳаси намойиш қилинган. Йиғилиш қарорида ушбу жетон ҳажмини кичикроқ ва Т.А.К. (Туркестанский Археологический Кружок) ҳарфлар монограммасидан иборат кўринишда лойиҳалаш сўралган[8]. Жетон кейинчалик тайёрланган ва тўғаракнинг ҳар бир аъзосида мавжуд бўлган.

Тўғаракнинг 1896 йил 26 февралдаги йиғилиши баён этилган ҳужжатда Россия империясининг Кошғардаги бош консули Н.Ф. Петровскийнинг Тошкент обидаларини тадқиқ этиш бўйича кўрсатмалари муҳокама этилган. Йиғилиш давомида тўғаракнинг ҳақиқий аъзоси В.А. Калаур томонидан юборилган Ктай қора киргиз(қирғиз – *А.Н.*) уруғига тегишли бўлган қадимги мўғул ялови муҳокама этилган. Кейинчалик у тадқиқ этиш учун барон Розенга юборилган. Айнан шу йиғилишда ҳарбий муҳандис Н.Т. Пословскийнинг Амударё ўнг соҳилидаги қадимги Термиз шаҳри харобаларини ўргангани ҳақидаги маълумоти ҳам мавжуд. М.С. Андреев эса Фарғона вилоятидаги ёдгорликларни маҳаллий аҳоли вакиллари тавсиясига асосланиб ўргангани ҳақидаги маълумотларни тақдим этган[9].

1896 йил 1 апрелдаги йиғилиш ҳужжатида тўғарак аъзо-котиби Н.С. Лыкошин томонидан ёзилган “Очерки археологических изысканий в Туркестанском крае до учреждения Туркестанского кружка любителей археологии” номли рисоласи тақдим этилган. Шунингдек, тўғарак аъзоси М.А. Терентьев йиғилганларга тошлардаги эпиграфик ёзувларни нам қоғоз ёрдамида кўчириб олиш усулини ўргатган, тўғаракка маҳаллий тиллар хрестоматияси коллекциясини ҳадя этган[10].

Бу сингари ҳужжатлар асосида ўлкада археология фанининг вужудга келиши ва ривожланиши, дастлабки тарихий тадқиқотлар, XIX аср охири ва XX аср бошларида Туркистон генерал-губернаторлиги ҳудудида мавжуд бўлган тарихий обидалар тарихи, уларни сақлаш ҳамда қайта тиклаш ишларига оид маълумотларни илмий муомалага киритиш мумкин.

Шуни эътиборга олиш керакки, Марказий Осиё тарихчилар ва археологлар илмий-тадқиқот мактабини ривожлантириш ишига катта ҳисса қўшган олимлар ўлканинг маъмурий-сиёсий маркази – Тошкентни археолог олимлар марказига айлантиришган. Бу мактабдан кейинчалик жаҳон миқёсида машҳур кўплаб тарихчи, археолог олимлар етишиб чиққан.

#### **Адабиётлар:**

1. Бартольд В.В. Новое научное общество в Ташкенте. – Ташкент: Наука, 1977. – С.487.

2. Шамукарамова Ф.Ш. Случайные археологические находки в Туркестанском крае и их значение в становлении археологической науки // ЎзМУ Хабарлари. 2017. №1. – Б. 97-102.

3. ЎзМА И-71-фонд, 1-рўйхат, 1-йиғмажилд, 2-орқа варақ.

4. ЎзМА И-71-фонд, 1-рўйхат, 2-йиғмажилд, 38-варақ.

5. Ўзбекистон миллий энциклопедияси. 1-жилд. – Тошкент: Давлат илмий нашриёти, 2000. – Б. 235.

6. Шишкин В.А. Обсерватория Улугбека и её исследование // Труды Института истории и археологии АН УзССР. – Ташкент, 1953. – С. 3-100.

7. ЎзМА И-71-фонд, 1-рўйхат, 3-йиғмажилд, 52-60-орқа варақ.

8. ЎзМА И-71-фонд, 1-рўйхат, 1-йиғмажилд, 23-23-орқаварақ.

9. ЎзМА И-71-фонд, 1-рўйхат, 3-йиғмажилд, 55-56-варақлар.

10. ЎзМА И-71-фонд, 1-рўйхат, 3-йиғмажилд, 56-орқа варақ.

## **АНТИК ДАВРИГА ОИД МАНЗИЛГОҲЛАРДА 1950-1986 ЙИЛЛАРДА ОЛИБ БОРИЛГАН ТАДҚИҚОТЛАР (Хоразм воҳаси мисолида)**

**Палванов Ҳ.А.**

*таянч докторант*

*Ўзбекистон Миллий университети*

1950 йилда ёдгорлик Хоразм экспедициясининг Узбой йўналиши бўйича олиб борган қидирув жараёнида манзилгоҳда амалга оширилган текшириш ишларида қазилма ишлари олиб борилади. Кенг қамровли қазилма ишлари 1953 ва 1958 йилларда Ю.А. Рапопорт раҳбарлигида олиб борилиб, тўпланган ашёвий манбалари ўзининг мазмуни жиҳатдан 3 даврга оид бўлиб, қалъа ва илк босқичда қурилган. Муҳофаза деворида амалга оширилган қазилма ишларида остодонлар ўрганилган. Топиб ўрганилган қўл чархида қўпол ишланган сополлари ва скифларникига ўхшаш камон ўқларининг учларига асосан милоддан аввалги V-IV йилликлар билан саналанган [1, Б. 141-155].

1953-1954 йилларда Хоразм археологик экспедициясининг О.А. Вишневская раҳбарлигидаги археология отряди Кўзалиқир ёдгорлигида тадқиқот ишларини олиб бориб, шаҳристон қисмида амалга оширилган. Қазилма ишлари давомида унинг муҳофаа деворлари ва уларга хом ғиштдан таянч қилиб қурилган уйларнинг хоналарини қазиб ўрганилган. Қазилма ишлари давомида милоддан аввалги VI-V асрларга оид қўп сонли сопол буюмлари, скифларникига ўхшаш камон ўқларининг учлари, бронзадан ишланган билакузуклар, темирдан ишланган ўроқ ва темирга ишлов бериш ишлаб чиқариш излари аниқланган [2, Б. 98-99].

1953-1958 йилларда Ю.А. Рапопорт бошчилигидаги археологик отряд Кўзалиқир ёдгорлигидан шарқда жойлашган бошқа бир ахамонийлар даврига оид бўлган ёдгорликда кенг қўламдаги тадқиқот ишларини олиб боради. Манзилгоҳда 30 та ча ўлчами квадрат шаклли ғиштлардан қурилган

уйларнинг ўрни, айрим йирик хоналарнинг устунларини кўтариб турган таглик тошлар (устунлар базаси), кулолчилик чархида ишланган сополлар топилган [3, Б. 109-110].

1958-1960 йилларда Хоразм археологик экспедициясининг М.Г. Воробьева бошчилигидаги тадқиқотчилар Хазорасп харобаларида археологик тадқиқот ишларини олиб боради. Манзилгоҳда 10 та қазилма, иккита стратиграфик шурф қазилган ва манзилгоҳда муҳофаза деворларининг ўрни сақланиб қолган барча жойларида уларни тозалаш ишлари олиб борилган. I, II, III ва V қазилмалар муҳофаза деворларининг қурилиш констукцияси, қурилиш босқичлари ва даврини аниқлаш мақсадларида амалга оширилган. I-V, VIII, IX ва № 2 шурфларнинг қуйи қисмида манзилгоҳнинг энг қадимги даврига оид қатламлари аниқланган. I, III, V қазишмаларда антик даври қадимги муҳофаза деворлари ўрганилган[4, Б. 157-200].

1958-1960 йилларда Хоразм археологик экспедициясининг қидирув ишлари давомида Хивадаги Тупроққалъа ёдгорлиги аниқланиб, харитага туширилган. [5, Б 22] Кейинчалик ёдгорлик М.С. Лапиров-Сабло томонидан ўрганилиб, қисқача маълумот берилган.[6, Б. 414-415].

Ўтган асрнинг жанубий Хоразм археологик ёдгорликларини ўрганиш ишларининг янги босқичи бошланади. Мазкур давр тадқиқот кўлами кенгаяди. Археология ишлари асосан Амударёнинг сўл соҳилида авж олади. Бу даврда амалга оширилган тадқиқотлар ёдгорликларда стратиграфик қазиш ишлари олиб борилишидан иборат бўлган.

Натижада 1973-1976 йилларда ЎзФА Қорақалпоғистон филиали ходимлари томонидан Хоразм вилоятининг археологик харитаси тузилди. 1976-1993 йилларда Амударёнинг сўл соҳилида археологик тадқиқот ишлари олиб борилиб, антик даврга оид Хивада Тупроққалъа, Шовотдаги Тупроққалъа, Янгиариқдаги Тупроққалъа, Олмаотишкан ва бошқа шу каби археологик ёдгорликлар ўрганилиб, Хоразмнинг қадимги давр тарихи ва маданиятига оид илмий маълумотлар доираси анча кенгаяди [7, Б. 483].

Хивадаги милоддан аввалги V-IV асрларга оид мудофаа иншоотлари тизимига кирувчи Ичанқалъа ўрганилган [8, Б. 165-174].

1971 йилдан 1976 йилга қадар Хоразмнинг чекка жанубида Амударёнинг чап соҳили худудида жойлашган Капарас (1971-1975 йиллар), Елхарас мажмуида (1973-1975 йиллар) антик даври қалъалари ва қуйи қисмидан антик даври қатламлари мавжуд бўлган Жигарбанд (1974-1976 йиллар) ва Садварда (1972-1975 йиллар) каби манзилгоҳларда тадқиқот ишлари олиб борилган.

Тадқиқот ишлари натижасида уларнинг қуйи қатламларидан антик давр қатламларида мазкур даврларга оид мудофаа иншоотлари, уй-жой иморатлари ва бошқа моддий топилмалар кенг миқёсда ўрганилиб, антик даври шаҳарсозлиги, моддий маданияти соҳалари тўғрисидаги маълумотлар доираси кенгайган [9, Б. 502-503].

Я.Ғ.Ғуломов Жигарбанд кўҳна шахрининг шаклланишини милоддан аввалги III-II асрларга оидлигини тахмин қилган [10, Б. 11]. Кейинги



тадқиқот ишлари натижасида унинг шаклланган даврини бир аср қадимийликка эга эканлигини, яъни милоддан аввалги IV-III асрларга мансублигини қайд этган [11, Б. 44].

1971-1972, 1978-1979 йилларда Кўзалиқир қўхна шаҳри ҳаробаларида археологик тадқиқот ишлари қайта ташкил этилган. Вишневская томонидан манзилгоҳнинг жойларида олиб борилган қазилма ишлари натижасида Хоразмнинг қадимги пойтахт шаҳри тўғрисидаги илмий маълумотлар доираси кенгаяди [12, Б. 544-545].

Юқорида таъкидлаганимиздек 1958-1960 йилларда Хоразм археология – этнография экспедицияси ходимлари томонидан Тупроққалъа вилоят археологик харитасида қайд этилган эди, лекин қазилма ишлари олиб борилмаган. 1973 йилда М. Мамбетуллаев, Н. Юсупов раҳбарлигидаги археологик гуруҳ томонидан Тупроққалъани тузиш режаси ишлаб чиқилган, ammo яна археологик қазилма ишлари олиб борилмаган.

Ва ниҳоят 1979-1980 йилларда М. Мамбетуллаев раҳбарлигидаги археологик гуруҳ Тупроққалъада қазилма ишлари олиб борди ва унинг муҳофизат девори, буржи ўрганилди, олинган ашёларга асосланиб ёдгорлик милоддан аввалги IV асрга оидлиги аниқланди [13, Б. 53].

XIX асрнинг 80 йилларидан бошлаб жанубий Хоразмда кенг қўламда археологик тадқиқот ишларини олиб бораётган тадқиқотчилар Г. Ходжаниязов [14, Б. 175-180] ва С. Болелов қадимги Хоразмнинг антик давр ёдгорликларини ўрганиш ишига катта ҳисса қўшдилар ва қадимги Хоразм шаҳарсозлиги ва моддий маданиятига оид бой археологик маълумотларни қўлга киритдилар [15, Б. 215-234].

Мазкур адабиётлардаги маълумотларни таҳлил қилиш орқали Амударёнинг ўнг соҳилидаги суғориш тизимлари ҳамда ёдгорликлардаги ўзига хосликни кўриш мумкин.

Хоразм археология – этнография экспедициясининг топографик текширувлар бўлими ходими Б.В. Андрианов томонидан 1956 йилда суғориш иншоотлари бўйича олиб борилган тадқиқотлар жараёнида Оқчахон ёдгорлиги очилиб, топографик харитага туширилди ва антик даврига оид деб баҳоланган эди. Ғ. Ходжаниязов 1982-1985 йилларда Оқчахон қалъасида қисқа муддатли тадқиқот ишларини ўтказди. Натижада қалъанинг милоддан аввалги IV-III асрлардан милодий III-IV асрларгача аҳоли яшаган иншоот эканлиги, унинг икки қисмдан иборатлиги, ўша даврдаги энг катта қалъа бўлганлигини аниқлади. [16, Б. 135].

Профессор В.Н. Ягодин ва профессор А. Бетслар раҳбарлигидаги экспедиция томонидан олиб борилган тадқиқот ишлари натижасида Оқчахон қалъанинг милоддан аввалги IV-III асрларда Хоразм воҳасидаги энг катта шаҳри эканлиги тўғрисидаги юқоридаги айтилган фикрлар тўла ўз тасдиғини топди [17, Б. 18].

Хулоса қилиб айтганда, Хоразмда антик даврда илгаригига нисбатан деҳқончилик воҳаларида шаҳарлар, қалъалар, деҳқонлар қишлоқлари сони кескин кўпайиб боради. Давлат чегарасида, савдо йўллари бўйларида ва

муҳим стратегик аҳамиятга эга бўлган жойларда мустаҳкам қалъалар, шаҳар марказлари барпо этилади. Шаҳарлар ҳунармандчилик ишлаб чиқариш, савдо-иқтисодий ва маданий марказ сифатида ривожланади.

1950-1986 йилларда Ю.А. Рапопорт, О.А. Вишневская, М.Г. Воробьева, М.С. Лапиров-Сабло, Я.Ф. Ғуломов, М. Мамбетуллаев, Н. Юсупов, Ғ. Ходжаниязов, С. Болелов, Б.В. Андрианов, В.Н. Ягодин, А. Бетс ва бошқаларнинг олиб борган тадқиқот ишлари натижасида тўпланган бой маълумотлар, Хоразм воҳаси антик даври тарихи ва маданияти, хусусан, шаҳарсозлик маданияти уларнинг шаклланиши ва тараққиёт босқичлари, меъморчилик ва қурилиш ишлари, хўжалик хусусиятлари, савдо-иқтисодий муносабатлар, диний қарашлари ва шу каби масалаларни атрофлича ёритиб беришда муҳим аҳамиятга эгадир.

### Адабиётлар:

1. Рапопорт Ю.А., Лапиров-Скобло М.С. Раскопки. 1968.
2. Толстов С.П. По древним дельтам Окса и Яксарта. М., “Восточная литература”, 1962.
3. Воробьева М.Г., Лапиров-Скобло М.С., Неразик Е.Е. Археологические раскопки.
4. Толстов С.П., Жданко Т.А., Итина М.А. Работы.
5. Лапиров-Скобло М.С. Новый памятник фортификации Древнего Хорезма // АО-1968. М., 1969.
6. Мамбетуллаев М., Юсупов Н Археологические работы Хорезмской области.// АО-1973. М., 1974. С 483; Мамбетуллаев М. Топрак-кала Шаватская (раскопки 1979-1980). // Археология Приаралья. Вып. 3. Ташкент. “Фан”, 1986.
7. Мамбетуллаев М. Хива антик даврида (мил.авв. VI-Пасрлар). Хива шаҳар маданиятининг шаклланиши ва унинг асосий босқичлари. Тошкент 1997. 165-167 бетлар; Собиров Қ. Хива ва Хазорасп шаҳарлари муҳофаа иншоотлари қурилишининг асосий босқичлари.
8. Воркутская Н.Н., Воробьева М.Г., Лоховиц В.А. Работы Хорезмской экспедиции. С 47.; Воробьева М.Г. Работы на Капарасе. //АО 1973. М., 1974.
9. Ғуломов Х.Ғ. Хоразмнинг суғорилиш тарихи. Тошкент, 1959.
10. Древности Южного Хорезма. // Труды Хорезмской археолого-этнографической экспедиции. Вып №16. М., “Наука” 1991.
11. Вишневская О.А. Раскопки на городище Кюзелигир-Ао 1971. М., 1972. С 533-534; Ўша муаллиф. Раскопки городище Кюзелигир-Ао 1977. М., 1978.
12. Собиров Қ. Тупроққалъа тарихига доир янги маълумот // Илм сарчашмалари.-2004. №1.
13. Ходжаниязов Г.Х., Ягодин В.Н., Хелмс С.У., Макларен Б.К. Раскопки на Акшаханкале // Археологические исследования в Узбекистане 2000. Самарканд, 2001. С-175-180; Ходжаниязов Г. Қадимги Хоразм муҳофаа иншоотлари. Т., Ўзбекистон, 2007.

14. Болелов С.Б. К вопросу о южных и юго-западных связях Хорезма во второй половине 1 тыс. до н.э. по археологическим данным (древнехорезмийский археологический комплекс) // Центральная Азия. Источники. История. Культура. М., 2005.

15. Андрианов Б.В. Древние оросительные системы Приаралья. М., Наука, 1969.

16. Ягодин, Беттс, Ходжаниязов и др., 2006-Ягодин В., Беттс А., Ходжаниязов Г., Кидд Ф., Амиров Ш., Искендерова А. Археологические исследования на городище Казахлыяткан (Ахшахан). // Археологические исследования в Узбекистане Т., Фан, 2004-2005.

Ochildiev, F. B. (2020). Social relationship and tax types in the XIX-XX century in Bukhara Emirate. *International Journal of Scientific and Technology Research*, 9(1), 723-729.

Очилдиев, Ф. Б. (2008). Сурхон воҳаси бекликларидаги ижтимоий-сиёсий ва иқтисодий ўзгаришлар. Т.: *ABU MATBUOT-KONSALT*, 82.

Ochildiev, F. (2021). the inflow of Russian capital and industry into the Bukhara emirate in the late 19th and early 20th centuries. *Current research journal of history (2767-472X)*, 2(06), 20-26.

Ochildiev, F., & Kuyliyev, R. (2021). Location of the population and ethnic composition of surkhan oasis in the late xix and early xx centuries. *ACADEMICIA: An International Multidisciplinary Research Journal*, 11(3), 1062-1069.

Очилдиев, Ф. (2021). XIX асрнинг иккинчи ярми-XX аср бошларида Сурхон воҳаси бекликларининг мамурий бўлиниши ва бошқарув тизими. *Общество и инновации*, 2(4/S), 387-397.

Ochildiev, F. (2021). Cotton Production Development In Bukhara Emirate During The Late XIX–Early XX Centuries. *The American Journal of Social Science and Education Innovations*, 3(02), 119-125.

Ochildiev, F. B. (2019). Trade relations between Bukhara-Russia in the second half of XVIII century-in the XIX century. *Theoretical & Applied Science*, (5), 484-487.

Ochildiev, F. B. (2019). The creation of the amudarya fleet. *ISJ Theoretical & Applied Science*, 10(78), 583-586.

Очилдиев, Ф., & Хайдаров, З. (2022). Кеш ва Шахрисабз археологияси: КАТЭ тадқиқотлари. *Общество и инновации*, 3(2/S), 79-86.

Khaydarov, Z. (2021). Archaeology of Kesh and Shakhrisabz: on the basis of KATE reports. *Current research journal of history (2767-472X)*, 2(11), 52-57.

Mukhamedov, Y. Q. (2022). Chach administrative center of the Western turkic khaganate. *American Journal of Social Sciences And Humanity Research*, 2(05), 46-52.

## КАНПИРАК ДЕВОРИНИНГ ЎРГАНИЛИШ ТАРИХИДАН

Хайдаров З.Б.

ўқитувчи

Ўзбекистон Миллий университети

Ўлкамизда илк ўрта асрларга оид жуда кўплаб мудофаа иншоотлари сақланиб қолган. Бугунги кунда уларнинг қурилиш тарихи ва қандай вазифа бажарганлиги ҳақида маълум бир маълумотга эгамиз.

Бунга мисол қилиб, Бухоро воҳасида жойлашган Канпирак деворини келтириш мумкин. Археологлар бу деворни «воҳа девори» деб ҳам тилга олиб келишган. Ушбу мудофаа иншоотнинг умумий узунлиги 350-400 километрни ташкил қилиб, деворнинг сақланиб қолган қисми Бухоро воҳасида бошқа жойлардагига нисбатан яхши сақланган. Деворнинг бу қисми ҳозирги Қизилтепа туманининг дашт ҳудудларига тўғри келади. Канпирак деворининг қурилиш тарихи бизга бу ҳудудда яшаган аҳолининг ҳаёт фаолияти, иншоотнинг меъморий ечими, мудофаа тизими, ўтмишдаги халқларнинг ҳаёт тарзи ва қўшни ўлкалар билан олиб борган савдо ва дипломатик алоқаларини олиб борганлиги тўғрисида муҳим маълумотлар бериши билан аҳамиятли ҳисобланади.

Канпирак мудофаа тизимининг қурилиши кўчманчи қабилалар ҳужумидан сақланиш мақсадида бунёд этилган. Маълумотларга кўра бу девор дастлаб IV асрда қурила бошланган. Девор қуриб битказилиши воҳада Бухорхудоднинг ҳукмронлиги кучайган даврига яъни - V асрга тўғри келади. Таъкидлаш лозимки, Буюк Хитой девори каби бу иншоотни бунёд қилишда жуда кўп маблағ, ишчи кучи ва узоқ муддатни талаб қилган. Маълумотларга кўра, Турк ҳоқонлиги даврига келиб, Канпирак девор бир асрдан кўпроқ вақт давомида қаровсиз қолиб кетган. Бу иншоотни қайтадан тиклаш ишлари араблар истилосидан кейин кўчманчилар билан маҳаллий аҳоли ўртасида низолар кучайиши туфайли таъмирлаш ишлари бошланган. Деворни қайта тиклашда катта маблағ талаб қилганлиги учун бу жараён 50 йилга чўзилиб кетган ва якунига етказилмаган. Бухоро тахтига Исмоил Сомоний ўтиргач, ўзаро низолар бартараф этилиши натижасида воҳа мудофаа тизими ўз аҳамиятини аста-секин йўқота бошлаган.

Воҳада ирригация ва хўжалик иншоотларининг қурилиши натижасида Канпирак деворнинг жуда катта қисми бузиб юборилган лекин, Қизилтепа туманида 13 километрга яқин бўлган қисми нисбатан яхши сақланган. “Канпир девор” атамасига тўхталадиган бўлсак, унинг маъноси “қазилган чоҳ” деган маънони англатган. Талаффузда эса “н” билан “м” товушлари алмашуви кузатилади. “Пир” бўғини эса қадимги пайрйа – айлана, ўров маъносида келган. Демак, кан(м)пир сўзининг ўзи “хандакли девор” маъносини билдиради. Девор сўзи канпир сўзининг туб маъноси унутилганда қўшилган. Ҳозирги даврда Канпир девор (Девори канпирак) атамаси Ўрта

Осиёда деҳқончилик воҳаларини кўчманчилар ҳужумидан ҳимоя қилиш мақсадида барпо этилган мудофаа иншоотлари тизимини англатади.

Қизилтепа туманида сақланиб қолинган Кампирак девори шимолӣ-шарқӣ, жанубӣй-ғарбӣй томондан узоқ масофага чўзилганлиги кўзга ташланади. Ушбу мудофаа иншооти Кармана тумани марказий чегарасидаги Қоратоғ ўнгирларидан бошланиб, Зарафшоннинг чап қирғоғи бўйлаб, шарқ ва ғарб томонга чўзилган. Иншоотнинг йўналиши Абу Муслим каналининг чап қирғоғи бўйлаб, туман марказида жойлашган Қизилтепа ёдгорлиги томон ва ундан жанубӣй-ғарбга, сўнгра жанубга йўналиб, Когон туманининг жанубӣй-шарқӣ қисмида ўз ниҳоясига етган.

1896 йилда ҳарбий топограф Н.Ф. Ситняковский қадимда Бухоро воҳасини ўраб турган девор қолдиқларидан иборат ҳудудни харитага туширган бўлиб, у “Кампир девор” номи билан маълум бўлган [1, Б. 130]. Маҳаллий аҳоли тилида ушбу маҳобатли қурилиш истехкоми “Кампирдевол” деб номланган. Ўрта Осиё мудофаа истехкомлари меъморчилигининг нодир намунаси ҳисобланган бу иншоот тарихи Бухоро воҳаси халқлари тарихи билан чамбарчас боғлиқ бўлиб, археологлар ва тарихчилар томонидан у “воҳа девори”, “кампирак девори” каби номлар билан юритилган. У ўзининг меъморӣй-қурилиш усуллари билан жаҳонга машҳур Буюк Хитой деворини эслатади. Археолог ва тарихчи олимлардан Ўткир Алимов ва Мирсодиқ Исҳоқовнинг фикрича, илк ўрта асрларда қадимги Ўзбекистон ҳудудини ўраб олган бешта Кампирак девори мавжуд бўлганини ёзади. Биринчи Кампирак девори юқорида таъкидланган қадимги Бухоро воҳасидаги шаҳар-қишлоқларни ўраб олган мудофаа девори ҳисобланган. Манбааларда, хусусан, Наршахийнинг “Бухоро тарихи” асарида Кампирак девори 782 – 831 йилларда қурилганлиги келтирилган [2]. Шунини таъкидлаб ўтиш керакки, Наршахий маълумоти бу деворнинг қайта тикланган даврига тўғри келади. Араб тарихчиси ва сайёҳи Масъудийнинг ёзишича, Кампирак девори қадимги Сўғд подшолари замонида (V – VI асрлар) барпо қилинган. Ёзма манбаларда Кампирак девори тўғрисида берилган маълумотлар археологик қазув ишлари жараёнида ўз исботини топган. Масъудий хабар қилган дастлабки девор Наршахий ёзган Кампирак деворига қараганда анча кичик майдонни эгаллаган бўлиб, у сунъий марза ҳолда сақланиб қолган. Бу деворнинг умумий узунлиги 336 км бўлганлиги тўғрисида маълумотлар учрайди.

Иккинчи Кампирак девори VIII аср охири – IX аср бошларида бино қилинган бўлиб, Қадимги Сўғд воҳасини ўраб олган. Унинг узунлиги 120 км ни ташкил этган. Учинчи Кампирак девори қадимги Уструшона воҳасида бунёд этилган. Тўртинчи Кампирак девори VIII аср охири – IX аср бошларида қадимги Фарғона водийсининг ғарбӣй қисмида барпо қилинган. Бешинчи Кампирак девори эса қадимги Тошкент воҳасини шимол тарафдан ўраб олган бўлиб, Хўжакентдан Сирдарёгача чўзилган [3, Б. 439].

Ўрта Осиёда араблар ҳукмронлиги даврида VIII – IX асрларда Бухоро, Сўғд ва Уструшона воҳалари Кампирак деворлари бир-бири билан туташ ягона мудофаа тизимини ташкил қилган. Бу деворлар кўчманчи қабила ва

элатларнинг ўтrock дехқончилик воҳаларига босқинчилик ва талончилик юришларига қарши мудофаа тизими сифатида барпо қилинган. Бухоро воҳасидаги Канпирак девори Бухоро Сўғдига қарашли Карманадан ҳозирги Когон тумани марказигача, шунингдек, шимолий - ғарб, шимол ва шимолий-шарқий ҳудудларни ўраб олган. Девор шимолий-ғарбда Варахша (Жондор тумани), ундан Субуктепа, Бўронтепа (Ромитан), Хўжакултепа (Пешкў) сарҳадлари бўйлаб ёйилиб, Шофиркон канали чап қирғоғи томон ўтган ва Абу Муслимтепага бориб туташган. Шунингдек, Ҳазора дараси бўйлаб яна бир кўтарма девор Конимех воҳасини кесиб ўтган ва Кармана тумани марказида Қоратовга бориб тақалган.

Қорақўл воҳаси таркибидаги қадимги Пойкент шаҳри атрофларида мудофаа девори бўлмаган. Унинг ўрнида мудофаа қудрати оширилган кўп сонли карвонсаройлар бунёд этилган. Чорвадор қабилаларнинг босқинчилик юришлари кучайган пайтларда Бухоро воҳаси қишлоқларидан кўплаб ёш жангчилар тўпланиб, талончиларнинг ҳужумларига қарши туришган.

Канпирак девори йўналишининг ҳар бир фарсах (6-8 км) масофасида шаҳар ёки қишлоқлар, работлар бунёд этилган. Қизилтепа тумани ҳудудида Қизилтепа шаҳар ёдгорлигидан ташқари Шаҳри Вайрон (Тавоис шаҳрининг ўрни), Оқсочтепа, Лавандоқ каби истехкомлар жойлашган. Девор билан ўраб олинган ҳудудларда махсус дарвозалар, қўрғонлар орасида бир чақиримдан камроқ масофада ҳарбий буржлар қурилган. Бу эса, Канпирак девори кўп тармоқли, қудратли мудофаа иншооти вазифасини бажарганлигини кўрсатади.

1913-1916 йилларда Л.А.Зимин Бухоро воҳасида тадқиқот ишларини олиб борди. У ўзининг тадқиқотларида ушбу ҳудуддаги ёдгорликлардан ташқари, Кампир деворни ҳам тадқиқ қилди. Ушбу тадқиқотлари давомида Кампир-деворни, шунингдек, қатор бошқа шаҳристон ва тепаликларни кўздан кечириб, қайтадан таърифлаган [1, Б. 130]. 1934 йилда эса А.Ю.Якубовский ташаббуси билан Зарафшон қўшма экспедицияси ташкил этилди. Экспедиция давомида Бухоро ва Самарқандни бирлаштирган халқаро аҳамиятга эга бўлган қадимги карвон йўли археологик жиҳатдан ўрганилди. Шунингдек, экспедиция давомида Канпирак деворининг сақланиб қолинган қисмида ҳам тадқиқот ишлар олиб борилди [1, Б. 131].

Н.Ф. Ситняковский, А.Ю. Якубовский, А.В. Шишкин, Х. Муҳаммедов каби археологлар томонидан ўтказилган тадқиқотлар давомида Кампирак деворнинг Қизилтепа туманидан ўтувчи қисмида қуйидаги натижалар аниқланган: иншоотнинг тағ қисми шағал аралашган тупроқдан иборат бўлиб, эни 13 метр эканлиги; девор асосан пахсадан, айрим жойлари қисман тўғри тўртбурчак шаклидаги йирик ҳажмли хом ғиштлардан кўтарилганлиги; девор қурилиши ҳақиқатдан ҳам икки босқичда амалга оширилгани; иккинчи босқичда айрим ўзгаришларни ҳисобга олмаганда аввалги ўрнида сақлаб қолингани исботланган.

Кампирак деворининг қурилишига сабаб бўлган омиллар милодий V асрида Ўрта Осиё, Шарқий Туркистон, Афғонистон ва Шимолий

Ҳиндистоннинг катта қисмида қудратли Эфталийлар давлати ташкил топди. Бу давлат манбаларда Оқ хуннлар давлати деб ҳам юритилган. Кўпчилик тадқиқотчиларнинг фикрича, эфталийлар Сирдарё водийсида истиқомат қилган, дастлабки ҳаёти кўчманчи чорвадор қабила тарзида бўлиб, кейинчалик жануб томонга силжиган. 420-579 йилларда фаолият кўрсатган Эфталийлар давлатининг пойтахти аввал Бухоро яқинидаги Пойкенд ва Варахша шаҳарлари, сўнгра Ҳиндистондаги Шакала шаҳри (ҳозирги Сиалкат) бўлган [4, Б. 47-48].

VI асрнинг бошлари ва ўрталарида Эфталийлар давлатига Эрон Сосонийлар давлати ва Турк ҳоконлиги томонидан жуда катта хавф солинган. Айнан мана шу сабаб Канпирок деворининг қурилишига туртки бўлгани манбаларда келтирилган. 563-567 йиллари орасида Бухоро остонасида турклар билан эфталийлар ўртасидаги жангда эфталийлар мағлубиятга учраган ва Эфталийлар давлати 579 йилда бутунлай барҳам топган. Турк ҳоконлиги даврида девор узининг аввалги мавқеи йўқолган. Ҳоконлик даврида Ўрта Осиё ҳудудидаги 15 га яқин катта-кичик давлатлар мустақиллиги чекланган, улар ҳоконликка расман бўйсиндирилиб, йиллик бож ва хирожлар тўлашган. Мазкур кичик давлатлар (Бухорхудотлар подшолиги, Вардонхудотлар подшолиги, Самарқанд Сўғди) Сўғд конфедерацияси бўлиб уюшган ва Буюк Турк ҳоконлиги таркибига кирган [5, Б. 28-40]. Ҳоконлик савдо-сотикдан, айниқса, ипак савдосидан катта фойда кўргани учун Сўғд савдогарларига катта имкониятлар яратилган, уларга дунёнинг энг узоқ ўлкаларида ҳам савдо иншоотлари қурдириб берилган. Бу жараёнлар Канпирок девори аҳамиятини йўқотиб, унинг харобага айланишига сабаб бўлган.

VII аср охириги чораги ва VIII аср бошларида Турон ҳудудига яна бир сиёсий куч тажовуз қила бошлади. Бу - араб босқинчиларининг истилочилик юришлари эди. Хуросон ноибни этиб тайинланган Қутайба ибн Муслим (660-715)нинг биринчи юришларидан сўнг Мовароуннаҳр, жумладан, Бухоро (Ғарбий Сўғд) ҳам VIII аср бошларида босиб олинади ва аҳолини исломлаштириш бошланади. Бу даврда исломга кирган воҳа аҳолиси ва исломни қабул қилмаган чўл-дашт кўчманчи аҳолиси ўртасида қарама-қаршилиқ кучайиб, Канпирок деворга яна эҳтиёж туғилиши натижасида у қайта тиклана бошланди.

819 йилда Мовароуннаҳр ва Хуросонда сомонийлар сулоласи ҳокимият тепасига келади. Араб халифалигидан мустақил равишда фаолият кўрсатган Сомонийлар давлатига 874 йилда Исмоил Сомоний асос солди. Бу давлат ўзининг қудрати, маънавий-маърифий ҳаётдаги таракқиёти билан машҳур бўлган. Сомонийлар давлатининг асосчиси Исмоил Сомоний *«То мен тирик эканман, Бухоро вилоятининг девори мен бўламан»* деган [2] ва шу даврдан бошлаб Канпирок девор ўз аҳамиятини тамоман йўқотган.

Тадқиқот натижаларидан шуни ҳулоса қилиш мумкинки, Канпирок девори Бухоронинг V-VI асрлардаги чегараларини аниқлаб берувчи ягона мудофаа иншооти ҳисобланган. Мазкур ҳудуд ўша даврда анъанавий

давлатчилик куртаклари мавжуд бўлган йирик маданий ўлка сифатида фаолият кўрсатганлиги тадқиқотларда ўз исботини топган. Канпирак девори ўзбек халқи аجدодларининг қаҳрамонона тарихидан бир нишон бўлиб, унинг тарихини ўрганиш, сақланиб қолган қисмини йўқотмаслик ва келгуси авлодларга етказиб бериш долзарб масалалардан бири саналади.

#### Адабиётлар:

1. Журнал Российская археология №1 2008 С -130.
  2. Наршахий. Бухоро тарихи. А.Расулевтаржимаси.
  3. Алимов Ў., Исҳоқов М. Канпир девор // Ўзбекистон миллий энциклопедияси. Т.4. – Т.: ЎЗМЭ нашриёти, 2002. 439-бет.
  4. Ражабов Қ., Қандов Б., Шоймардонов И., Норматов О. Жаҳон тарихининг муҳим саналари (Энг қадимги даврлардан бугунги кунгача). – Т.: Ўзбекистон, 2011. 47-48-бетлар.
  5. Отаҳўжаев А. Илк ўрта асрлар Марказий Осиё цивилизациясида турк-суғд муносабатлари. – Т.: ART – FLEX, 2010. 28-40-бетлар.
- Очилдиев, Ф., & Хайдаров, З. (2022). Кеш ва Шахрисабз археологияси: КАТЭ тадқиқотлари. *Общество и инновации*, 3(2/S), 79-86.
- Очилдиев, Ф. (2021). XIX асрнинг иккинчи ярми-XX аср бошларида Сурхон воҳаси бекликларининг мамурий бўлиниши ва бошқарув тизими. *Общество и инновации*, 2(4/S), 387-397.
- Ochildiev, F. B. (2020). Social relationship and tax types in the XIX-XX century in Bukhara Emirate. *International Journal of Scientific and Technology Research*, 9(1), 723-729.
- Очилдиев, Ф. Б. (2008). Сурхон воҳаси бекликларидаги ижтимоий-сиёсий ва иқтисодий ўзгаришлар. Т.: ABU MATBUOT-KONSALT, 82.
- Ochildiev, F. (2021). The inflow of Russian capital and industry into the Bukhara emirate in the late 19th and early 20th centuries. *Current research journal of history (2767-472X)*, 2(06), 20-26.
- Очилдиев, Ф. Б., & Тогаев, Ж. Э. (2015). Заметки о системе местного управления в Бухарском эмирате в середине XIX-начале XX века. *Национальная ассоциация ученых*, (2-9 (7)), 47-50.
- Khaydarov, Z. (2021). Archaeology of Kesh and Shakhrisabz: on the basis of KATE reports. *Current research journal of history (2767-472X)*, 2(11), 52-57.
- Haydarov Z. (2021). The Role Of The Department Of Archeology Of The National University Of Uzbekistan In The Study Of The Ancient And Medieval History Of The Tashkent Oasis. *The American Journal of Social Science and Education Innovations*, 3(01), 609–613.
- Ochildiev, F., & Kuyuliev, R. (2021). Location of the population and ethnic composition of surkhan oasis in the late xix and early xx centuries. *ACADEMICIA: An International Multidisciplinary Research Journal*, 11(3), 1062-1069.



Mukhamedov, Y. Q. (2022). Chach administrative center of the western turkic khaganate. American Journal Of Social Sciences And Humanity Research, 2(05), 46-52.

## **SAZAG‘ON MADANIYATINING DAVRLASHTIRISHGA OID BA‘ZI MULOHAZALAR**

**Raxmonova K.M.**

*o‘qituvchi*

*O‘zbekiston Milliy universiteti*

Zarafshon vohasi qadimda insonlar tomonidan o‘zlashtirish uchun qulay geografik hudud bo‘lgan. Buni biz olib borilgan tadqiqotlar natijasidan bilishimiz mumkin. Aynan Zarafshon daryosining o‘rta va quyi oqimlarida tosh davrining so‘ngi bosqichlariga oid olib borilgan arxeologik ishlarni uch turkum yodgorliklar kompleksi asosida tadqiq etilgan. Xususan:1.Zarafshonning o‘rta oqimida Qoratepa tog‘ massivining adirli mintaqasida tarkib topgan Sazog‘on madaniyati. 2.Qoratog‘ tizmasining Vaush tog‘i sharqiy qismida joylashgan Uchtut neolit shaxtalari. 3.Zarafshonning quyi havzasining ko‘l yoqalarida aniqlangan yerto‘lalar sifatida aniqlangan Kaltaminor madaniyatining Darbazaqir yodgorliklari aytib o‘tish mumkin. Sazog‘on yodgorliklarida dastlab olib borilgan izlanishlar natijasida davriy sanalari haqidagi mualliflarning xulosalarida qarama-qarshiliklar uchraydi. Keyingi tadqiqotlar natijasida esa ularda bir tuxtamga kelish uchun yetarli ma‘lumotlarni qo‘lga kiritishadi. Ayniqsa, Sazog‘on madaniyati yodgorliklarining sanasi masalasida ilmiy baxslar bo‘lib, ular haqida ba‘zi bir fikr-mulohazalarni keltirib o‘tamiz.

O‘rta Zarafshon vohasi Qoratepatog‘ tizmasi shimoliy yonbag‘ri yangi kashf etilgan paleolit (Olmabuloq makoni), mezolit (Qoraqamar, Zamicha tosh vohasi Ochil g‘or makoni pastki madaniy gorizonti) va neolit (Jangal 1, Tapaqul 3,4,5, Lolab, Ochil g‘or yuqori madaniy gorizonti, Oxalik) yodgorliklari asosida maskur hudud tosh davrida o‘ziga xos “mikro madaniy voha” bo‘lganligi aniqlangan [1, B. 11]. Hozirgi kunda arxeologlar qo‘lida Sazog‘on yodgorliklari sanalarini aniqlashda arxeologik artefaktlar yetarli darajada. Shu bilan birga, Sazag‘on soyining terrasalari bo‘yicha geologik va geo morfologik tadqiqot natijalari ham muhim ahamiyatga ega. Xususan, Sazag‘on soy terrasalarining geologic kesmalariga asoslanib, geolog E.D. Mamedov ularning sanasini mezolit-neolit davri bilan belgilanishini taklif qilgan [2. B. 74, 77]. Trassolog G.F.Korobkova esa Sazog‘on manzilgohlari tosh industriyasi ustida trassologik izlanishlar o‘tkazib, ularni mezolit davriga oid degan hulosaga kelgan [3. B. 23]. Anashu tadqiqot natijalariga asoslangan M.J. Jo‘raqulov va Yu.P. Xolyushkinlar har bir manzilgoh komplekslari tahliliga alohida to‘xtab, Sazog‘on 1 manzilgohi arxeologik kompleksining yuqori darajadagi mikrolit xarakterda ekanligini ta’kidlaydilar va Sazog‘on 1 yodgorligi kelib chiqish tarixiy ildiziga ko‘ra, Samarqand yuqori paleolit yodgorligiga oid hisoblanib, u davriy mezolit davriga tegishlidir, degan xulosaga keladilar [4, B.307].

Sazog'on 1 va Sazog'on 2 manzilgoxlarining Yoshi masalasida bir-biriga zid fikrlar mavjud bo'lib, bir guruh olimlar ularni neolit davriga tegishli deb chiqdilar [5, B. 58]. Birinchi yil qazilma materiallariga asoslangan D.N. Lev Sazag'on 1 manzilgohini neolit davriga tegishli ekanligini alohida ta'kidlab, uni Kaltaminor madaniyatiga mansub deb xisoblashgan [6, B. 15-16]. Sazag'on madaniyati yodgorliklari arxeologik komplekslarining qiyosiy tipologik tahlili va adir zonasi soylari terrasalarining geologic va geomorfologik analizi, Sazag'on yodgorliklari sanasi masalasida quyidagi xulosalarga kelish mumkin: Sazag'on 1 - so'nggi mezolit - mil. avv. VII-VI mingyillik; Sazag'on 2, Jangal 1, Tepaqul 3 - neolit - mil. avv. VI- III mingyillik. Keyingi uchta manzilgoxlarning saqlangan yuqori qatlamlarida eneolit va bronza davri materiallari ham aniqlangan [7, B. 111].

M.J.Jo'raqulov va N.U.Xolmatovlar esa Sazog'on 2 arxeologik kompleksining asosida asosan neolit davri materiallari yotishini ko'rsatib, manzilgohning qaysi bir joyida "sof" neolit davriga tegishli madaniy qatlam saqlanganligi va u ikki gorizontdan iborat ekanini yozadilar [8, B. 42]. Shuningdek, Sazag'on 2 tosh qurollari yer satxidan 40 smlar chamasida pastroqda ko'proq uchrashini ta'kidlab, stratigrafik va tipologik kuzatuvlar ularni (artefaktlarni) kamida ikkita madaniy qatlamga tegishli degan xulosaga keladilar. Biroq, bunday jiddiy xulosa matnida va tegishli illyustrativ materiallarda o'z aksini (tasdig'ini) topmagan [9, B.42].

Gulyamov Ya.G., Islamov U. va A.Asqarovlarning xulosalariga ko'ra, Tepaqul 3 manzilgohining asosida neolit yotadi. Ammo uning yuqori qatlamlari ham kuzatilgan. Tepaqulda solingan shurflarning birida kuzatilmagan qatlamning ustidan bir necha spool parchalari uchratilib, ular naqshining kompozitsion syujeti neolit davri sopollari naqshlaridan farq qiladi, ya'ni bu spool parchalarining sirtiga bosma nuqta uslubida naqsh berilgan, naqshlar asosan ichi shtrixlangan uchburchakli geometric shakllardan iborat. Sopollar juda yupqa, bir yarusli xumdonlarda pishirilgan, keramika loyiga maydalangan spool kukini yoki usimlik kuli aralastirilgan. Tadqiqotchilarning kuzatuviga ko'ra bunday sopollar sazag'on yodgorliklari komplekslarining eneolit davri keramikasiga o'xshash. Aynan shunday sopol parchalari uchburchak naqshlari bilan quyi Zarafshon havzasida o'rganilgan eneolit davriga oid Kattatuzkon 30 va 35, Kaptarnikumi 4,5,7 manzilgohlarida ham uchragan [10, B. 68-72]. Shuningdek, bu manzilgoxlarda mis bigiz va metallardan ishlangan mexnat qurollari parchalaridan tashqari bodom shakl tosh paykonlar, qistirmapichoq (вкладышинож) va arratishli qistirma qurollar topilgan [11, B. 68-72]. Shuningdek, eneolit keramikasi neolit davrining yupqa sopollaridan farq qilgan holda, qalin va qupolishlangan, shakli jixatidan Zamonbobo madaniyatining tuxumsimon shakldagi idishlari va ramziy xumo suvdonlariga o'xshash.

Sazog'onga mansub yodgorliklarining stratigrafiyasi va ulardan topilgan ashyoviy dalillarning tahlilidan kelib chiqib, Sazog'on yodgorliklarining tosh davri bilan bog'liq mexnat qurollari davr jihatidan so'nggi mezolit va neolit davrlariga oidligi aniqlangan [12, B.321-323]. Tosh qurollarining mezolit

xarakteri barcha Sazog'on manzilgohlari tosh industriyasida ma'lum miqdorda bo'lganligi aniqlangan. Bu holat ayniqsa, Sazog'on 1 manzilgohida yaqqol ko'zga tashlanishini aytib o'tish mumkin. Shuningdek, to'plamdagi qayroqtosh quroli va qurollari bo'laklari ham makon tosh industriya xarakterini aniqlashda ahamiyatli hisoblanadi. Yirik o'lchamli va butun holatdagi qayroqtosh quroli o'z vazifasi bo'yicha yumshoq ushatgichlar tipiga kiradi. Uch qismi ish maydoni va yon qirralarida ishlatilganlikdan qolgan izlarini o'zida mujassamlashtirganligi aniqlangan. Yuqorida keltirilgan tosh qurollarning tipologiyasi bo'yicha ma'lumotlar Sazog'on makoni tosh industriyasining o'ziga xosligini, xarakterini belgilab beradi. Tosh qurollari o'z yasali shakli, ishlov berilishi usullari hamda turmushda bajargan funksiyalari, xomashyosi bo'yicha Sazog'on neolit yodgorliklari qurollariga o'xshashligi aniqlangan. Tosh buyumlar to'plamida chaqmoqtosh, chaqmoqtoshli slanets, xolsedonlardan yasalgan, yaxshi ishlov berilgan uchirindi qurollarning ko'pliligi Sazog'on 3 yodgorligi tosh industriyasi uchirindili-payraqali industriya ekanligi va u O'rta Osiyo tog' mintaqasi mezolit-neolit jamoalari moddiy madaniyatiga tegishliligi haqida xulosaga kelish imkonini beradi. Sazog'on 3 yodgorligi tadqiqotida qo'lga kiritilgan ko'p sonli spool idishlar parchalari, asosan yuqori qatlamlardan topilgan bo'lib, ular tarixiy taraqqiyotning keying davrlariga, ya'ni o'rta asrlarga tegishli idishlarning parchalari hisoblanadi. O'z xamirining tarkibi, idish devorlarining yupqaligi, rangi bo'yicha sanoqli tarzda topilgan sopollar neolit davriga oid bo'lishi mumkin [13, B. 221-224]. Shuningdek, qazilma jarayonida ko'plab hayvon, qisman parrandalar suyak qoldiqlari topilgan. Ular mutaxassislar tomonidan tahlil etilishi nazarda tutilgan. Sazog'on 3 yodgorligi 2019 yilgi qazilma ishlari jarayonida qo'lga kiritilgan arxeologik ashyolar, ma'lumotlarga tayanib, quyidagi ilmiy xulosalarni keltirish mumkin [14, B. 321-323]:

1.O'rta Zarafshon vohasi Qoratepa tog' tizmasi shimoliy yon bag'ri Sazog'onsoy yon terrasasidan Sazog'on 3 makonining topilishi, mazkur hudud tosh asri jamoalari moddiy madaniyatini o'rganishda o'ta istiqbolli o'lka ekanligini yana bir bor tasdiqlaydi.

2.Sazog'on 3 makoni tadqiqotida qiziqarli tosh buyumlar to'plami qo'lga kiritildi. Tosh qurollarining tipologik tahlili natijalari bu makon tosh industriyasining o'ziga xos xususiyatlarini aniqlash va uni Sazog'on neolit madaniyati yodgorliklari turkumiga kiritish imkonini berdi.

Shuningdek, N.U.Xolmatov tomonidan kompleks tarzda keng qiyosiy usul qo'llanilib, Sazog'on madaniyati arxeologik majmualarining davriy xrologiyasini yangicha ishlab chiqishga imkon bergan. Bunda tosh qurollariga ishlov berish uslublari hisobga olingan. Natijada ayrim makonlar (Sazog'on 1, Zamicha tosh va Ochilg'or) mil.avv. VIII – VII – V mingyilliklar boshlari bilan, ya'ni mezolit davrining so'nggi bosqichi va ilk neolit davriga mansubligi aniqlangan.

Sazog'on 2, Tapaqul 4 kabi makonlar o'rta neolit – mil. avv. V mingyillik boshlari – IV mingyillikning birinchi yarmi bilan belgilandi. Jangal 1, Tapaqul 3,5 makonlarining xronologiyasi mil.avv. IV mingyillik o'rtalari – III mingyillik

boshlari bilan bog‘lanadi. Ushbu bosqich so‘nggi neolit davriga to‘g‘ri keladi [15, B. 23-24].

Maskur davrlashtirish tizimining ishlab chiqishda Sazog‘on madaniyati mehnat qurollari va ularning tipologik klassifikatsiyasining muhimligini yana bir bor ta'kidlash joiz. Sazog‘on madaniyati tosh qirg‘ichlar, teshgichlar, o‘q-yoyuchlarini silliqlovchi va boshqa qurollar mavjud [16, B. 22].

Sazog‘on madaniyatining kelib chiqishi masalasida, uning Samarqand so‘nggi paleolit davri makoni tayanch nuqta sifatida va quyi Zarafshon vohasidagi Chorbaqti mezolit davri jamoalari madaniyatining ishtiroki qayd etilib, maskur madaniyatining tub joyli ekanligi to‘g‘risida xulosaga kelingan [17, B. 138-141]. Ushbu fikrga qushilgan holda, ya'ni turli hududlarda (Ustyurt, Janubiy Orolbuyi, Qizilqum va Zarafshon vohasida) o‘ziga xos xususiyatlaridan iborat mahalliy neolit davri madaniyatlari rivoj topgan bo‘lsada, ushbu bosqich urug‘dosh jamoalarning hayotiga ko‘ra, o‘zlashtiruvchi ho‘jalik sohasining muayan shakli ustunlik qilgan [18, B. 6-7].

#### **Адабиётлар:**

1. Холматов Н.Ў. Сазоғонмаданияти ва унинг неолит даврида тутган ўрни: Тарих фан. докт. (DSc) дисс... автореф. – Самарқанд: Археологик тадқиқотлар институти, 2019, – Б. 11. 7, Б. 111. Б. 23-24. 13. Б. 22.

2. Джуракулов М.Дж., Мамедов Э.Д. Геология археологических памятников Зарафшана. Ташкент-1986, с.74, 77.

3. Коробкова Г.Ф. Культуры и локальные варианты мезолита и неолита Средней Азии. СА № 3. 1975, с.23.

4. Джуракулов М.Ж., Холушкин Ю.П. Предварительные результаты статистического подсчёта и характер развития неолитической индустрии Сазаган 1// «Материалы по истории Узбекистана». Тр. СамГУ, вып.307. – Самарқанд, 1976.

5. Лев Д.Н. Итоги работы археологического отряда СамГУ в 1966 г. Тр. СамГУ вып. 218. с. 15. Холушкина В.А. Неолитическая стоянка Сазаган. Тез. Докл. Самарқанд-1972, с. 11. Джуракулов М.Дж. Стоянка эпохи неолита в Сазагане. ОНУ, № 8, с.58, с. 15-16.

6. Джуракулов М.Ж., Н.У. Холматов. Мезолит и неолит Среднего Зарафшана. – Ташкент, 1991. с. 42. 12, с. 321-323.

7. Гулямов Я.Г., Исламов У. ва А.Аскарров. Первобытная культура в низовьях Зарафшана. Ташкент- 1966, с. 68-72,

8. Холматов Н.У. Сазоғон 3 неолит макони // Ўзбекистонда археологик тадқиқотлар 2018-2019 йиллар №12. –Самарқанд.2020. – Б. 321-323.

9. Холматов Н.Ў. Сазоғон маданиятига оид янги археологик манбалар хусусида // СамДУ ахборотномаси. №2. – Самарқанд, 2012. – Б. 221-224.

10. Холматов Н.Ў. Сазоғон маданияти ва унинг неолит даврида тутган ўрни: Тарих фан. докт. (DSc) дисс... автореф. – Самарқанд: Археологик тадқиқотлар институти, 2019, – Б. 11. 7, Б. 111. Б. 23-24. 13, Б. 22

11. Холматов Н.Ў. Происхождение и судьба неолитических культур Средней Азии // Проблемы истории, археологии и этнологии Центральной Азии. – Ташкент, 2018. – С. 138 – 141.

12. Сагдуллаев А.С. Актуальные проблемы древней истории Центральной Азии // Фармирование историко – культурных областей в Центральной Азии и проблемы этнической географии. – Ташкент, 2018. – С. 6-7.

Ochildiev, F. (2021). Cotton Production Development In Bukhara Emirate During The Late XIX–Early XX Centuries. *The American Journal of Social Science and Education Innovations*, 3(02), 119-125.

Ochildiev, F.B. (2019). Trade relations between Bukhara-Russia in the second half of XVIII century-in the XIX century. *Theoretical & Applied Science*, (5), 484-487.

Ochildiev, F.B. (2019). The creation of the amudarya fleet. *ISJ Theoretical & Applied Science*, 10(78), 583-586.

Очилдиев, Ф., & Хайдаров, З. (2022). Кеш ва Шахрисабз археологияси: КАТЭ тадқиқотлари. *Общество и инновации*, 3(2/S), 79-86.

Khaydarov, Z. (2021). Archaeology of Kesh and Shakhrisabz: on the basis of KATE reports. *current research journal of history (2767-472X)*, 2(11), 52-57.

Mukhamedov, Y. Q. (2022). Chach administrative center of the western turkic khaganate. *American Journal Of Social Sciences And Humanity Research*, 2(05), 46-52.

## **СЎХ ҲАВЗАСИДАГИ АРХЕОЛОГИК ҚИДИРУВ-КУЗАТУВ ИШЛАРИДА CORONA – СУНЪИЙ ЙЎЛДОШ ТАСВИРЛАРИДАН ФОЙДАЛАНИШ АМАЛИЁТИ**

**Пардаев М.Х.**

*таълим докторанти*

*ЎзР ФА Миллий археология маркази*

Жорий 2022 йилнинг июнь ойида Қўқон экспедицияси аъзолари томонидан Қўқон шаҳрида жойлашган Тепакўрғон ёдгорлигида археологик қазув ишлари билан биргаликда Сўх дарёсининг қуйи оқимида жойлашган худудларда археологик қидирув-кузатув ишлари олиб борилди. Бунда асосан Фарғона вилоятининг Бувайда, Учкўприк ва Данғара туманлари ўрганилиб, аниқланган ёдгорликларнинг электрон жадвал-каталоги тузилди. Мазкур каталогга шунингдек, 2019 йилда Фарғона вилояти археологик ёдгорликларини рўйхатга олиш ва харитасини яратиш доирасида олиб борилган изланишлар доирасида Сўх туманида олиб борилган қидирув кузатиш ишлари [Саидов, Жўраев, Пардаев, 2020], архив хужжатлари ҳамда мақолаларда қайд қилинган 18 та ёдгорлик ҳам киритилди. Ёдгорликлар координаталарини белгилашда глобал навигация тизимлари (GPS)нинг WGS84 координаталар тизимидан фойдаланилди. Ёдгорликлар номлари

аввалги тадқиқотларда номланганидек ёки маҳаллий аҳоли тилида айтилишига кўра номланди.

Ёдгорликларни аниқлашда дала қидирув-кузатув ишлари билан биргаликда АҚШнинг CORONA миссияси сунъий йўлдош тасвирлари ёрдамида масофадан зондлаш амалиётидан ҳам кенг фойдаланилди. Ҳозирда хорижда кенг қўлланилаётган мазкур амалиёт сўнгги йилларда Ўзбекистондаги археологик лойиҳаларда ҳам фойдаланила бошланди [Rondelli, Tosi, 2006; Mantellini, Berdimuradov, 2019].

CORONA – бу АҚШнинг 1960–1972 йиллардаги биринчи фотографик жосуслик сунъий йўлдош миссияси кодининг номи бўлиб, дастур Америка Қўшма Штатлари томонидан совуқ уруш даврида ишлаб чиқилган. Шу вақт ичида CORONA сунъий йўлдош тасвирлари Совет иттифоқи мамлакатлари ва бошқа сиёсий нуқталарга эътибор қаратган ҳолда, ҳарбий объектларни кузатиш орқали Мудофаа вазирлиги (U.S. Department of Defense) учун хариталар ишлаб чиқариш учун ер юзасининг катта қисмини юқори аниқликдаги тасвирларини олади. 1995 йилда АҚШ президенти Билл Клинтон фармони билан CORONA миссиялари давомида тўпланган 800000дан ортиқ тасвирлар АҚШ Геология тадқиқотлари хизмати (United States Geological Survey) орқали кенг оммага тақдим этилди [Broad, 1995]. CORONA дунёнинг юқори аниқликдаги тасвирларини сақлаб қолганлиги сабабли улар атроф-муҳит ўзгариши, қишлоқ хўжалиги, геоморфология, археология ва бошқа соҳаларни ўрганувчи тадқиқотчилар олимлар учун ноёб манба бўлиб хизмат қилади. CORONA дастури тасвирлари археология учун айниқса муҳимдир, чунки сўнгги бир неча ўн йилликлар давомида рўй берган урбанизм, қишлоқ хўжалиги интенсивлиги ва сув омборлари қурилиши сон-саноксиз археологик объектлар ва қадимги йўллар, суғориш тармоқлари каби бошқа тарихий аҳамиятга эга манзилларни йўқ бўлишига олиб келган. Ушбу объектлар кўпинча CORONA тасвирларида аниқ кўринади, бу эса тадқиқотчиларга йўқолган объектларни хариталаш ва илгари маълум бўлмаган кўплаб тарихий жойларни топиш имконини беради. Тасвирларнинг катта қисми КН4В сунъий йўлдошидан олинган ва 1967 йилдан 1972 йил майигача бўлган даврни қамраган CORONA миссиясининг сўнгги авлоди ҳисобланади. Шу вақт ичида 16 та мувафаққиятли CORONA миссияси бўлиб унда 188000 дан ортиқ тасвир олинган.

Тадқиқотда қўлланлилган ҳудуднинг CORONA сунъий йўлдош тасвирлари 1968-1970 йилларга оид, DS1104-2169DF083 ва DS1110-1153DA074 идентификацияли ўрта ўлчамдаги тасвирлари мос равишда 1967–1970 йилларда олинган. Барча тасвирлар Геология тадқиқотлари хизмати (USGS)нинг очик маълумотлар базасидан олинди.

Марказий Осиёдаги археологик ёдгорликларни аниқлашда совет иттифоқи даврида яратилган ҳарбий хариталар юқори самара беради. Ҳарбий топографик хариталарда тепалик ўрни маҳсус белги билан кўрсатилиб, унинг баландлиги қайд этилган. Бу ҳолат Ўрта Осиёда ишлаган бир қанча ГАТ мутахассислари томонидан ҳам қайд этилиб, амалий ишларда

фойдаланилган [Mantellini, Berdimuradov, 2019]. Бунда топографик хариталарни GlobalMapper дастури ёрдамида CORONA тасвирлари билан боғлаб, реал вақтдаги коинотдан олинган тасвирларни юклаш орқали ҳосил бўлган кўп қатламли электрон харита яратиш мумкин. Топографик харитадаги махсус белги остида кўрсатилган нуқталарни бошқа қатлам хариталари билан солиштириш ҳамда ўзгаришлар жараёнларини аниқлашимиз мумкин бўлади. Тадқиқот давомида 1967–1970 йилларга оид CORONA сунъий йўлдош тасвирларидан фойдаланганлигимиз сабабли айнан йиллардан сўнг йўқолиб кетган археологик ёдгорликларни аниқлаш имкони бўлди.

Юқоридаги хариталардан ташқари ҳудудда аввалги йилларда ўтказилган тадқиқот ишларида йиғилган маълумотларидан ҳам муҳим тадқиқот манбаси сифатида фойдаланиш мумкин. Тадқиқот ҳудудида бир неча бор кузатув-қидирув ишлари олиб борилган. 1939 йилдаги В. М. Массон бошчилигидаги экспедиция Сўх дарёсининг ўрта ва қуйи оқимларини ҳам ўрганади. Мазкур экспедициянинг Я. Ғуломов бошчилигидаги учинчи отряди қоғозга туширган ёдгорликларнинг топографик режалари мазкур ишда фойдаланилди [Гулямов, 1951].

Шунингдек, Н. Г. Горбунова бошлиқ Давлат Эрмидажи ва Фарғона музейининг 1973–1976 йиллардаги Фарғона экспедицияси натижасида тузилган Фарғона вилоятининг археологик харитаси ва унда кўрсатилган ёдгорликлар солиштирув мақсадида кўриб чиқилди [Горбунова, 1979. С. 16–35].

Бундан ташқари, ЎзР ФА Археология институти ходимларининг 1987 йилдаги Сўх сув омборини куриш муносабати билан ҳудудни ўрганиш мақсадида тузилган гуруҳи ишлари ҳисоботи маълумотларидан фойдаланилди [Матбабаев, Ботиров, Хужаназаров, 1988].

Иزلанишлар давомида ўрганилиш ҳудудида 59 та археологик объект қайд қилинди. Улар жойлашув ўрни, шакли, сақланилиши ҳолати, даври, тури ва ўрганилиши ҳолати бўйича таснифланиб, жадвал ҳолатига келтирилди. Топографик хариталар ва коинотдан олинган тасвирлардан олинган маълумотлар эвазига антропоген ўзгаришга учраган бир неча ёдгорликларда кузатув ишлари олиб борилди. Қўлга киритилган маълумотлар Сўх ҳавзасида охириги 50–60 йилда рўй берган антропоген ўзгаришлар ва мазкур жараёнларнинг ҳудуд археологик харитасига таъсирини ўрганишда фойдаланилади.

#### **Адабиётлар:**

1. Горбунова Н. Г. Итоги исследования археологических памятников Ферганской области (к истории культуры Ферганы)// СА. №3. М.: «Наука», 1979. С. 16–34.
2. Гулямов Я.Г. Отчет о работе третьего отряда археологической экспедиции на строительстве Большого Ферганского канала / ТИИА АН УзССР. Т. IV. Ташкент: Изд-во АН УзССР. 1951. 124 с.

3. Матбабаев Б., Ботиров А., Хужаназаров М. Отчет Сохского археологического отряда о работах 1987 г. // Научный архив институт археологии им. Я. Гулямова АН РУз., Ф. VIII, О. I, Д. 120. Самарканд, 1988.

4. Саидов М., Жўраев Ф., Пардаев М. Сўх туманида олиб борилган археологик кузатув ишлари // Ўзбекистонда археологик тадқиқотлар / тўшам; масъул муҳаррир Ф.А. Максудов. Самарканд: Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси Миллий археология маркази, 2020. 284–286 б.

5. Broad William J. (12 September 1995). "Spy Satellites' Early Role As 'Floodlight' Coming Clear". The New York Times.

6. Mantellini S., Berdimuradov A.E. Evaluating the human impact on the archaeological landscape of Samarkand (Uzbekistan): A diachronic assessment of the Taylak district by remotesensing, field survey, and local knowledge // Archaeological Research in Asia Vol. 20. 2019. P. 100–143. DOI:<https://doi.org/10.1016/j.ara.2019.100143>

7. Rondelli B., Tosi M., 2006. GIS and Silk Road Studies Monitoring Landscape and Population Changes at Samarkand and in The Middle Zeravshan Valley // Reading Historical Spatial Information From Around The World, Studies of Culture and Civilization based on Geographical Information Systems Data / Ed. by T. Uno. Kyoto: International Research Centre for Japanese Studies. P. 459–489.

## **ВОҲАНИНГ ҚАДИМГИ ИРРИГАЦИЯ ТИЗИМИГА ОИД ЁДГОРЛИКЛАРИ**

**Мамадиев Б.**

*Қашқадарё вилояти тарихи ва маданияти давлат музейи*

Сунъий суғоришга асосланган деҳқончилик Ўрта Осиё қишлоқ хўжалигининг асоси ҳисобланиб, бу жараён жанубий Туркменистон, Тожикистон ва Ўзбекистон-нинг жанубида бронза (мил. авв. III-II йилликлар) даврида, Тошкент воҳаси ва унинг атрофларида эса илк темир (мил. авв. VIII-IV асрлар) даврида шакл-ланиб, ривожланди. Ўрта Осиёда илк давлат уюшмалари сунъий суғориш бир мунча қулай бўлган Амударё (юқори, қуйи, ўрта) оқимлари бўйларида, Мурғоб воҳасида, Зарафшон ва Қашқадарё воҳаларида шаклланиб ривожланади. Бундай ҳолатни дунё тарихидаги дастлабки давлатлар-Миср (Нил) ва Месопотамия (Дажла ва Фрот) мисолида ҳам кузатиш мумкин.

Хоразм воҳаси дунёда энг қадимги суғориш бошланган ерлардир. Тарихчи ва археологлар: Бартольд, Якубовский, Толстой, Гуломов ва Андриановлар маълумотларига кўра каналлар қуриш ва суғориш ишлари эраמידан аввалги 2000-йиларнинг ўрталарига тўғри келади.

Маълумки, бир қатор Шарқ мамлакатлари, жумладан, Ўрта Осиёда қишлоқ хўжалиги ривожидан сунъий суғоришнинг аҳамияти катта бўлган. Сунъий суғоришнинг энг оммавий турларидан бири коризлар ёрдамида



суғориш, яъни ер ости ёки дарё, булоқ сувини ер ости каналлари орқали окизишдир.

Хўш, аслида кориз ўзи нима? Маълумотларга кўра, кориз (форсча) — ер ости сувларини йиғиш ва уларни ер юзасига чиқариш учун қуриладиган ер ости иншооти бўлиб, аҳолини сув билан таъминлаш, ерларни суғоришда қўлланилган. Кориз Яқин Шарқ, Жануби-Шарқий Осиёда кенг тарқалган. Ўрта Осиёнинг тоғли ва тоғ олди ҳудудларида учрайди. Масалан, Туркменистоннинг Ашхобод шаҳри яқинида чуқурлиги 100 метр, сув сарфи 150- 225 л/с. Ўзбекистоннинг Бухоро, Самарқанд, Навоий вилоятларида 200 га яқин кориз қазилган. 20-асрнинг 20-йилларига қадар Ўрта Осиёда кориз сувларидан экинларни суғоришда фойдаланилган.

Кориз кавлаш ер ости сувлари сатҳида рўй берадиган ўзгаришлар ва жой рельефидаги нишабликни аниқ белгилашни талаб этган. Бу махсус асбоблар (астролябия, ватерпас) воситасида амалга оширилган. Кориз трассаси белгилаб чиқилгач, шу трасса бўйлаб ҳар 5 - 40 метрда қудуқлар қовланган. Қудуқларнинг чуқурлиги 14 - 15 метрдан баъзан 60 - 70 метргача борган. Қудуқлар сувли қатламга туташидиган лаҳим (туннель) орқали бири-бирига бирлаштирилган. Лаҳимнинг баландлиги 1,5 метр, эни 1 метр бўлиб, деворлари ёғоч ёки тошлар билан мустаҳкамланган. Узунлиги жой нишаблигига қараб бир неча километргача чўзилган.

Масалан, Нурота (Навоий вилояти)даги “Мастон” номли коризнинг 280 та қудуғи бўлиб, бош қудуғининг чуқурлиги 14 метр ва лаҳимнинг узунлиги 3 километр бўлган. Кориз қурилиши даврида бу қудуқлар тупроқ-шағални чиқариб ташлашга, коризни ишлатиш даврида эса кузатиш (назорат), тиклаш, тузатиш ва ҳаво алмаштириш учун хизмат қилади. Хўжаилмкони қишлоғининг шарқий қисмида 13 та қудуқни ер остидан бирлаштириб қазиб ўтказилган, қишлоқ аҳолисини булоқ суви билан таъминлаб турадиган кориздан бугунги кунда ҳам фойдаланилмоқда. Қишлоқ оқсоқолларининг таъкидлашича, қудуқлар қадимий бўлиб, Хўжаилмкони қишлоғининг вужудга келиш тарихи билан боғлиқ.

Маълумки, дехкончилик ва суғориш иншоотлари тарихи анчайин кизиқарли мавзу ҳисобланади. Ўзбекистоннинг қадимги вилоятлари ҳудудидан дехкончилик маҳсулотларининг қолдиқлари, меҳнат қуроллари, қишлоқ хўжалик маҳсулотлари сақланадиган идишлар, суғориш иншоотлари илдизларининг топилиши хўжалик юритишнинг муайян туридан далолат беради. Сўғдиёнадаги мил.авв I минг йилликнинг ўрталарига оид дехкончилик ва суғориш иншоотлари тўла-тўқис ўрганилмаган. Бу ўринда Я.Ғуломовнинг ўтган асрнинг 60-йилларида Зарафшон ва Қашқадарёнинг қуйи оқимларидаги қадимги ерларни суғоришнинг ўзига хос хусусиятлари ва гидрографиясига оид масалаларини тадқиқ этганлигини таъкидлаш зарур. Айниқса, А.Мухаммаджановнинг антик ва ўрта асрларга оид суғориш масалаларига бағишланган тадқиқотларини алоҳида қайд этиш лозим.

Бақтрия, Хоразм, Марғиёна ва Сўғдиёна ҳудудларидан Ахмонийлар даврига оид суғориш иншоотларининг излари аниқланган. Кўпчилик

тадқиқотларнинг фикрича, тоғ олди текисликлари ва дашт худудларини суғоришда ишлатилган коризлар – ер ости каналлари айнан мана шу даврда пайдо бўлган.

Хусусан, Полибий салавкийлар подшоси Антиох III нинг Парфия даштлари орқали ўтган харбий юришлари хақида маълумот берганда ушбу дашт худудлари бир канча қудуқлари бўлган ер ости каналлари орқали суғорилиб, бу каналлар «форслар даврида» бунёд этилгани хақида ёзади. Қашқадарёнинг мана шундай мураккаб суғориш иншоотларидан фойдаланилган тоғли худудларидан бири Китоб туманидир. Бу ерда коризлардан ҳозирги кунда ҳам фойдаланилади. Юқоридатаъкидлаганимиздек, кориз – ер ости сув иншоотидир. Бундай суғориш иншоотини қуриш ниҳоятда оғир ва мураккаб бўлган. У машаққатли кўл меҳнатидан ташқари ер ости сувларининг тўпланадиган қатлами, йил мавсумларида бу сувлар сатҳида рўй берадиган ўзгаришлар ва кориз чиқариладиган жой рельефидаги нишабликни жуда аниқ белгилашни талаб этади. Кориз тизими бизнинг эрамыздан минг йил аввал қадимги Форсда сув таъминотининг асосий усулига айланган. Кейинчалик у Ўрта Осиё, Кавказ ва Хитойга тарқалди. Энг ажабланарлиси шундаки, ушбу тизим бизнинг давримизда ҳам мавжуд ва ишлайди.

Техник жиҳатдан, бу вертикал қудуқлар тизимига ўхшайди, чуқурлиги бир неча метрдан бир неча юз метргача, диаметри бир метргача, ер ости сув қатламининг тубига қазилган. Уларнинг орасидаги масофа тахминан 30 метрни ташкил қилади.

Ер остидаги барча қудуқлар галереяга бирлаштирилиб, сув омборига сувни этказиб бериш ёки суғориш учун тақсимланадиган нишаб орқали суғориладиган ерларга ер ости галереяси орқали етказилади. Ер ости галереясининг баландлиги 1,5 метргача, кенлиги 2 метргача, баъзиларида деворлари ғиштдан, тошдан қурилган бўлади.

Коризнинг ишлаш принципи.

1. Ер остида қурилган кориз.
2. Сув юрадиган галерея.
3. Сувманбаи.
4. Кориз йўналишидаги бўйлама қудуқлар (хар 10-40 метрларда жойлашган бўлиб, чуқурлиги 15 метрдан -70 метргача қазилган)
5. Ер ости сизотсувлари.

Кориз кавлашда бир қанча коризчи жамоолар ойлаб, йиллаб лахмлар, қудуқлар қазиб, минглаб кубометр тупроқ ва шағаллар қазиб чиқаришган.

Қадимда Туркистон ўлкасида сув мавжуд бўлмаган жойларни, сув сатҳидан баланд бўлган текисликларни, дашти биёбонларни коризлар ёрдамида суғорилган. Қашқадарё вилояти Китоб туманида коризлар тизими ишлаган бўлиб, бугунги кунда кўпи кўмилиб кетган. Коризнинг 10 га яқин қудуғи бўлиб, бош қудуғининг чуқурлиги 14 метр ва лаҳимининг узунлиги 3 км бўлган. Кориз қурилиши даврида бу қудуқлар тупроқ шағалларни чиқариб

ташлашга, коризни ишлатиш даврида эса кузатув, назорат қилишга, тиклашга, таъмирлашга ва хаво алмаштириш учун хизмат қилган.

XIX асрнинг охири ва XX асрнинг бошларига келиб қурилган темир йўллар эвазига сардобалар тизимини ташкил этган карвон йўлларида ўрта асрлардагига нисбатан кам қатнов бўлиб қолди. XX аср бошларида советлар ҳукмронлиги бошланиши натижасида кориз, ҳовузлар каби сардобалар ҳам қаровсиз қолди, ғиштлари талон- тарош қилинди, қолганлари эса омборхона вазифасини ўтади.

Тарихий қадриятларимиз бўлган сардобалар табиий географик муҳит билан ниҳоятда уйғунлаштирилиб қурилганлиги учун ҳам асрлар оша табиат танловига дош бериб келган. Уларнинг ўлкамизни чучук сув билан таъминлашдаги роли беқиёс бўлган ва бу аҳамият ҳозир ҳам йўқолган эмас.

### **Адабиётлар:**

1. Хамидов М.Х., Шукурлаев Х.И., Маматалиев А.Б. “Қишлоқ хўжалиги гидротехника мелиорацияси”. Тошкент. Шарқ. 2008. – 408 бет.
2. Костяков А.Н. Основы мелиорация, – М.: Сельхозгиз, 1960 г.-604 стр.
3. Анорбоев А. Благоустройство средневекового города Средней Азии. –Т., 1988.-С. 91.
4. Мавланав У.М. Торговые и культурные связи Кашкадаринского оазиса-12.
5. Равшанов П. Қарши тарихи... – Б. – 508.
6. Мавлонов, Ў. (2008). Марказий Осиёнинг қадимги йўллари: шаклланиши ва ривожланиш босқичлари. Тошкент: Академия.
7. Сагдуллаев, А., & Мавлонов, У. (2006). Узоекистонда давлат бошқаруви тарихи.
8. Мавлонов, Ў., & Маҳкамова, Д. (2004). Маданий алоқалар ва савдо йўллари. Тошкент: Академия.
9. Мавлонов, У. М. (1994). Торговые и культурные связи Кашкадарьинского оазиса в XVII-XIX вв.
10. Мавлонов, У. М., Каримов, Я. А., & Артиков, Х. (2017). Место амударьинских переправ в коммуникационной системе центральной Азии. *The Newman in Foreign policy*, (38 (82)), 54-58.

## **ИЛК ЎРТА АСРЛАР ХОРАЗМ ТАРИХШУНОСЛИГИНИНГ БУГУНГИ ҲОЛАТИ**

**Неъматов Р.А.**

*ўқитувчи*

*Гулистон Давлат университети*

Илк ўрта асрлар, хусусан, VI – VIII асрларда Хоразм воҳасида кечган ижтимоий-сиёсий ва этномаданий жараёнлар тарихи ўзбек давлатчилиги тарихининг нисбатан кам ёритилган масалаларидан бири ҳисобланади.

Айниқса, бу даврда Марказий Осиё ва унга қўшни ҳудудларда йирик салтанат сифатида билинган Турк хоқонлиги (552-744) ва унинг таркибий бир қисми бўлмиш Хоразм тарихи бўйича амалга оширилган тадқиқотлар ниҳоятда камчиликни ташкил қилади.

Илк ўрта асрларда Хоразм Чоч, Ўтрор, Фарғона, Суғд, Уструшона, Тўхористон, Марв каби Ўрта Осиёдаги ўнлаб воҳа ҳукмдорликларидан бири бўлиб, ўз географик жойлашувига кўра Амударёнинг қуйи ҳавзасида ҳудудларни ўз ичига олиб, бу ерда минтақанинг бошқа ҳукмдорликларидан фарқли бир сиёсий вазият ҳукм сурган. Яъни, Хоразм ўзаро бир-бирига қўшни ва ҳудудлари бир-бирига туташиб кетган Чоч, Фарғона, Уструшона ва Суғддан фарқли ўлароқ атрофлари асосан бепоён чўлларлардан иборат бўлиб, ўз ички бошқарувида ҳам бирмунча эркинликка эга сиёсий тузимга сифатида ўзини намоён қилади. Бу ҳолат Хоразм воҳасида Эфталлийлар ва Турк хоқонлиги даврида ҳам сақланиб қолади. Айниқса, Хоразмнинг Эфталлийлар давлати таркибида бўлган ёки аксинча эканлиги масаласи бугунгача тўлақонли аниқланмаган. Турк хоқонлиги даврида эса Хоразм хоқонлик таркибида бўлганлигини тасдиқлайдиган анчагина ёзма материаллар мавжуд. Фарбий Турк хоқонлиги даврида Хоразмда мавжуд бўлган ижтимоий-сиёсий ва этномаданий ҳолат бўйича махсус тадқиқотлар олиб борилмаган. Фақат айрим тадқиқотчилар илк ўрта асрлар ёки исломдан аввалги минтақа тарихини ёритиш мобайнида масалага қисқача тўхталиб ўтишган.

Илк ўрта асрларда Хоразмнинг ижтимоий-сиёсий ва этномаданий ҳаёти бўйича илк илмий изланишлар XIX асрнинг охири чораги – XX аср бошларига тегишлидир. Жумладан, В.В. Бартольд “Ислом энциклопедияси”га ёзган мақолаларидан бирини “Хоразмшоҳлар” деб номланган мақоласида [1, Б.12-14] ва Э. Шаванн 1903 йилда нашр қилинган «Фарбий Туркларга доир ҳужжатлар» номли монографиясида Хоразм тарихига ҳам бирмунча тўхталиб ўтган [2,Б.34-47]. Кейинчалик эса Й. Маркварт Хоразмдаги маҳаллий сулола – Хоразмшоҳларларга анчагина эътибор қаратади[3,Б.3-8]. Хоразмда туркийлар тарихи бўйича бир қатор фикрлар З.В. Тўғон асарларида ўз аксини топган [4,Б.18].

Хоразм тарихининг қадим ва илк ўрта асрлар даври тарихини синчиклаб ўрганиш XX асрнинг иккинчи ярмига тўғри келиб, совет тадқиқотчилари С. Толстов, Я. Ғуломов, О.И. Смирнова, В.А. Лившиц, А.В. Гудкова, В.И. Вайнберг ва бошқалар қадимги Хоразм шаҳар қолдиқларидан топилган археологик топилмалар бўйича изланишлар олиб боришди[5,Б.14-18].

Истиқлол йилларида қадимий Хоразм ҳукмдорлигининг ўтмиш тарихи моддий маданият асосида ўрганиб оммалаштиришда ўзбекистонлик бир қатор олимларнинг у ёки бу даражада ҳиссаси бор. Жумладан, А. Асқаров[6, Б.5], В.Н. Ягодин[7,Б.8], Э.В. Ртвеладзе[8,Б.36], А. Сағдуллаев[9,Б.48], М.Қдирниязов[10,Б.30], М. Мамбетуллаев[11,Б.35], С. Баратов[12,Б.56] ва бошқаларнинг изланишларида Хоразм тарихининг илк ўрта асрлар даврига ҳам бирмунча тўхталиб ўтилган. Шунингдек, Фарбий Турк хоқонлиги

давлатчилиги тарихини ўрганган Ғ. Бобоёров хоқонлик ва Хоразм ҳам бир қатор воҳа ҳукмдорликлари каби бир неча усул ва воситалар орқали бошқарилганини урғу берган[13,Б.88].

Хоразм тарихи бўйича кейинги йилларда Хоразм ва Қорқалпоғистон вилоятларида олий ўқув юртлари тарихчи мутахассислари ҳам бир қатор илмий изланишларни амалга оширмоқда[14,Б.154].

Бугунги кунда Хоразм воҳаси тарихи бўйича германиялик тарихчи З. Штарк [14,Б.47], россиялик суғдшунос ва археолог П.Б. Лурье [15,Б.31] томонидан чоп этилган илмий монография ва мақолалар диққатни жалб қилади. Шу билан бирга ушбу ҳудудга мил.ав. VII асрдан бошлаб ғарбдан чорвадор қабилаларнинг кириб келиб ўрнашганлигини ҳам эътироф этиш лозим. Ушбу ҳудудлардан фарқли равишда Шарқий Фарғонада мил.ав. II минг йиллик охири - I минг йиллик бошлари пайдо бўлган ва аҳолиси деҳқончилик ва хунармандчилик билан шуғулланиб келган чуст маданияти мил.ав. III-II асрда тўғридан-тўғри “Шўрабашат” маданияти билан алмашади. Демакки, бу ҳудудда чустликларнинг авлодлари умргузорлик қилишган. Бунинг исботи сифатида Шарқий Фарғонада чуст маданиятига хос бўлган кўлда ясалган бўёқли нақшли сопол идишларнинг турмушда қўлланилишининг давом этганлиги. Бизнинг назаримизда, мил.ав. IV асрда македониялик Александар бошчилигидаги юнон-македонлар босқини натижасида Марказий Осиёнинг ўзига хослиги бўлган деҳқончилик билан шуғулланган аҳоли билан чорвадор аҳоли ўртасидаги зарурий эҳтиёж бўлган алоқаларни сунъий равишда бузади. Табиийки, бундан икки томон ҳам бирдек жабр кўради. Натижада, кўчманчи сакларнинг (мил.ав. III асрда) салавкийлар давлатига қарши юришлари бўлиб ўтган. Айнан шу юришларни амалга оширган кўчманчиларни жазолаш учун ҳам Салавк мил.ав. 293-289 йиллари Салавк ўз лашкарбошиси Демодамни Яксарт ортига юборади. Босим остида қолган сакларнинг бир қисми Фарғона томон силжишга мажбур бўлади. Шу билан бирга юечжлар ҳам Шарқий Туркистонда мил.ав. 176 йилда хунлар томонидан тор-мор этилгач, жанубга айнан Фарғона орқали ўтишган. Чамаси, уларнинг бир қисми Фарғонада қолишган. Шу тариқа, Фарғонанинг жанубий-ғарбий ҳудудларида мил.ав. III-II асрда ўтроқлашган сакларнинг янги қишлоқ ва шаҳарлари пайдо бўлади. Довон давлати мил.ав. III асрда шарқий Фарғонада маҳаллий аҳоли-деҳқончилик билан шуғулланган чуст маданияти авлодари томонидан барпо этилган шубҳа уйғотмасида, кейинчалик мил.ав. II асрга келиб давлат бошқаруви саклар қўлига ўтганлиги эҳтимоли юқори. Эйлатан шаҳрининг меъморий тузилиши, унинг ташқи қисмида чорва учун кўра бўлганлиги, кучли мудофаа тизимининг мавжудлиги, ушбу ёдгорлик ҳам ўтроқлашган саклар томонидан барпо қилинган бўлиши мумкинлиги борасида мулоҳаза билдириш имконини беради.

### **Адабиётлар:**

1. Бартольд В. В. Статьи из “Энциклопедии Ислама” / Сочинения. Т. II. Ч. 2. – М.: Наука, 1964. – С. 497
2. Chavannes E. Documents sur les Tou-kiue (Turks) occidentaux ... – P. 140.
3. Markwart J. Wehrot und Arang. Untersuchungen zur mythischen und geschichtlichen Landeskunde von Ostiran. – Leiden, 1938; Marquart J. Eranshahr nach der Geographic des Ps. Moses Xorenaci. – Berlin, 1901.
4. Togan A. Z. V. Umumi Türk Tarihine Giriş. 3. Baskı. – Istanbul, 1981.
5. Толстов С. П. Древний Хорезм: Опыт историко-археологического исследования. – М.: Издание МГУ, 1948; Гулямов Я. История Орошения Хорезма. – Т., 1957;
6. Смирнова О.И. Очерки из истории Согда. – М., 1970. – С. 9-10;
7. Лившиц В.А. Глава шестая. Документы / в книге Топрак-кала. Дворец. – М., 1984. – С. 251-252;
8. Гудкова А.В. Ток-кала. Т.: Наука, 1964; Вайнберг В.И. Монеты древнего Хорезма. М.: Наука, 1977.
9. Асқарова. Қадимги Хоразм тарихига доир баъзи бир масалалар // Ўзбекистон этнологияси: янги қарашлар ва ёндашувлар. – Т., 2004. – Б. 76-84.
10. Ягодин В.Н., Ходжаев Т.К. Миздакхон. – Т., 1977.
11. Ртвелдзе Э.В. Государственное объединение “Большой Хорезм» - миф, созданный учеными или исторической реальность? // Хорезм в государственности Узбекистан. – Ташкент, 2013. С. 30-44.
12. Сагдуллаев А., Аминов Б., Мавлонов Ў. , Норкулов Н. Ўзбекистон тарихи: давлат ва жамият тараққиёти. – Т.: Академия, 2000.
13. Бобоёров Ф. Турк хоқонлигининг Мовароуннаҳрдаги бошқарув тизими ҳақида // O‘zbekistontarixi. – Тошкент, 2000. – № 4. – Б. 71–79; Ўша муалл. Илк ўрта асрлар тангаларида Ўзбекистон ҳудудидаги давлатчиликка доир маълумотлар // Ўзбекистон тарихи манбашуносилиги масалалари. – Т., 2010. – Б. 18-40; Ўша муал. Ғарбий Турк хоқонлигининг давлат тузуми. Тарих фанлари док. дисс.автореферати. – Т., 2012. – Б. 41-43;
14. Бобоёров Ф. Турк хоқонлиги даврида Хоразм // Хоразм тарихи замонавий тадқиқотларда. Кўпмуаллифлик илмий монография. Масъул муҳаррир Д. Алимова. – Тошкент-Урганч, 2019. – Б. 47-54.
15. Хоразм тарихи замонавий тадқиқотларда. Кўпмуаллифлик илмий монография. Масъул муҳаррир Д. Алимова. – Тошкент-Урганч, 2019.

## БРОНЗА ДАВРИ ЮТУҚЛАРИ ҲАМДА ИЛК ТЕМИР ДАВРИДА СУҒД ВОҲАСИДА КЕЧГАН ТАРИХИЙ ЖАРАЁНЛАР

Хидиров И.

*мустақил тадқиқотчи*

*Қарши Давлат университети*

Ўрта Осиёнинг бронза даври тараққиёти ўзининг нотекис ривожланиши билан фарқ қилади. Минтақанинг жанубий ўлкаларида энеолит даври ўтроқ деҳқончилик маданияти тараққиёти давомида протошаҳар маданияти (Олтинтепа, Саразм, Гонур, Тўғалоқ, Жарқўтон ва бошқалар) марказларининг ривожланиш жараёни содир бўлган бўлса, шимолий қисмида ўзлаштирувчи хўжалик шаклидан ишлаб чиқарувчи хўжалик шаклига ўтиш, ўтроқ деҳқон ва чорвадор қабилалар маданиятининг шаклланиши ва ривожланиш жараёни кечади. Калтаминор маданиятининг сўнгги босқичи (мил.авв.IV мингйилликнинг охири-III мингйилликнинг биринчи ярми) яъни, Лавлаконт намгарчилиги охирида иқлим қуруқлашиб, сув ҳавзаларининг манбаи тортилиб боради. Мил. авв. III минг йилликнинг иккинчи ярмига келиб Зарафшон дарёси сувсизланиб, унинг қуйи қисмида сув сатҳи кескин пасайиб кетади [5, Б. 17]. Қуйи Зарафшон воҳасида қурғоқчилик вужудга кела бошлайди. Бундай ҳолат Катта Тузконни сув билан таминлаган Гужайлининг сув сатҳи ўзгариб содир бўлганлигида ҳам кўриш мумкин [13, Б. 23]. Иқлим ўзгариши оқибатида табиий озуқа заҳираси камайиб, ибтидоий жамоа аъзоларнинг яшаш шароити қийинлашиб боради. Бу ўзлаштирувчи хўжалик шакли билан кун кечирадиган жамоа аъзолари яшаш ҳудудининг қисқариб кетишига олиб келган.

Аҳолининг маълум бир ҳудудда яшаши табиий озик-овқат заҳирасига боғлиқ бўлиб қолади. Натижада ўзлаштирувчи хўжалик билан кун кечирган аҳолининг бир қисми табиий озуқа заҳирасига бой бўлган шимоли-ғарбга, яъни Жанубий Уралбўйи ерларига кўчишга мажбур бўлган. Аҳолининг қолган қисми эса хўжаликнинг ишлаб чиқарувчи шаклига ўтган. Ҳудди шу жараён Суғдда ҳам содир бўлган. Бу ерда яшаган аҳоли мил. авв. III минг йилликнинг охирида ишлаб чиқарувчи хўжалик шаклига тўлиқ ўтган. Мил. авв. III минг йилликнинг охирига келиб лиман усулли суғоришга асосланган деҳқончилик ва хонаки чорвачилик тури билан кун кечирган Замонбобо маданияти вужудга келган [18, Б. 47-50].

Суғд воҳаси аҳолиси металлургия соҳасида бошқа халқлар билан ижтимоий-иқтисодий алоқаларни амалга оширганлар. Бу ердан топилган мунчоқ Бадахшон лазуритидан ишланганлиги, қабрлардан топилган пичоқ Батендан, айлана шаклдаги узунлиги 7 см.лик ойна Теппахисор III дан ҳам топилганлиги, мисдан ишланган игна ва думалоқ симнинг кесишмасидан ясалган балиқ ови қуролининг илгаги [10, Б. 158-162], кумушдан ишланган турубка, олтиндан ишланган слондирсимон мунчоқ, металдан ишланган кичик лапоткалар ва шунга ўхшаш металллар Шохтепа II, Ҳисор III [5. Б. 21]

ва Жанубий Туркменистондаги (Қоратепа) бошқа ёдгорликлардан ҳам топилганлиги [10, 166 б.; 5, Б. 21-22] фикрни тасдиқлайди. Замонбобо маданияти вакиллари ўз навбатида Волга бўйи ва ЖанубийСибирдаги ибтидоий аҳоли билан ҳам ўзаро иқтисодий ва маданий алоқалар амалга оширишганлиги археологик далилларда ўз аксини топган [11, Б. 152]. Қолаверса, Замонбобо маданияти аҳолисининг металлни ўзлаштириши ва унга ишлов бериши Қуйи Зарафшон қабилалари хўжалигида меҳнат унумдорлигини ошишига ва муҳим ўзгаришларга олиб келди.

Бу даврда хўжаликнинг асосини мотиға деҳқончилиги ва хонаки чорвачилик ташкил этган. Замонбобо манзилгоҳидан топилган кўп сонли тош ёрғучоқлар, чакмоқтошдан ишланган қистирма ўроқлар, тош кели соплари, қорайиб кетган бошоқли ўсимлик донлари (арпа, буғдой, тарик вабошқалар) уларнинг ҳаётида деҳқончилик ўрнининг қанчалар муҳим эканлигини кўрсатади. Хонаки чорвачилик ҳақида эса мазорлар ва манзилгоҳдан топилган уй ҳайвон суяклари далолат беради. Замонбобо маданияти суяклари комплексида ёввойи ҳайвонлар суяклари ҳам етарли даражада бўлиб, улар асосан Бухоро буғуси, жайрон ва тўнғизга тегишли. Замонбобо аҳолисининг иқтисодий асосини намлик оқерларга экиладиган мотиға деҳқончилиги ва асосан ғўшт ва сут маҳсулотлари биланжамоани кундалик эҳтиёжини таъминлаб турган хонаки чорвачилик ташкил этган. Шунинг учун ҳам тадқиқотлар натижасида топилган уй ҳайвонлариорасида қора мол, қўй ва эчки суяклари кўплаб учрайди. Бу эса қорамол, қўй, эчкининг чорвадор жамоалари ҳаётидаги ўрни ва аҳамияти юқори бўлганлигидан далолат беради. Уй ҳайвон суяклари орасида биронта ҳам от ёки туя суяги топилмаганлиги бу даврда ҳали улар қўлга ўргатилмаганлигини кўрсатади. Ҳайвон суяклари орасида ёввойи ва хонаки эшакка тегишли суяклар ҳам учрайди. Эҳтимолӣ бронза даврида Қуйи Зарафшон ҳудудларида истиқомат қилган аҳоли эшакдан улов сифатида фойдаланган бўлиши мумкин.

Бу даврнинг аҳолиси руҳий олам борлигига ишонишган. Замонбоболиклар эътиқодида инсон жони чиққач, унинг руҳи кушқа битанадан ажраб, боқий оламга учиб кетади ва танадан тез-тез хабар олиб туради, деган тасаввурлар мавжуд бўлган. Мана шу тасаввурга кўра, замонбоболиклар қабрларга кундалик хўжаликда ишлатилмайдиган митти идишлар, яъни квадрат ва тўғритўртбурчак шаклида ишланган сопол кушдонлар қўйганлар. Кушдонларнинг ички қисми иккига бўлинган, яъни кушдоннинг катта қисми дон учун, кичик бир бурчак қисми сув учун режалаштирилган. Манашу типдаги сопол идишларнинг қабрларда учраши замонбоболиклар руҳий оламининг оташпарастлик билан боғлиқ баъзи бир элементларини рамзий кўринишидир [7, Б. 45-60].

Қадимги тарихимизни археологик даврлаштирилишида бронза давридан сўнг темир даври бошланади. Бу давр инсоният ҳаёти ва фаолиятида қатор ўзгаришлар даври бўлди. Бунинг асосий сабаби инсон каттиқ металл – темирдан фойдаланишни бошлади. Темирдан фойдаланиш,



ундан меҳнат қуроли ва ҳарбий қурол-яроғлар ясалишининг бошланиши инсоният тарихида кескин ўзгаришларни келтириб чиқарди.

Мавжуд ёзма манбалар ва археология маълумотлари энг қадимги темир металлургияси Кичик Осиёдаги Хетт подшолиги ҳудудида мил. авв. XIV – XIII асрларда вужудга келганлигидан далолат беради. Миср, Икки дарё оралиғи ва Эгейда аввал зеб-зийнат буюмлари сифатида кашф этилган. Оссурия ва Урарту тупроғида топилган, мил. авв. IX-VIII асрларга мансуб темир буюмлари темирчиликнинг ёйилиш географиясини англашга ёрдам беради. Археологик маълумотларга кўра, темир эритиш хунармандчилигининг энг қадимги маркази Яқин Шарқ эди. Мисол учун, Сурияда ва Месопотамиянинг шимоли ғарбида мил. авв. XII асрдаёқ темир буюмлар кенг тарқалган бўлса [6, Б. 83-87; 9, Б. 19-31], Оссурияда мил. авв. XIII асрда темир мис ва бронзани хўжалик ҳаётидан сиқиб чиқаради [8; 15, Б. 91-94; 16, 124 б.]. Кам сонли бўлсада, мил. авв. II мингйилликнинг охирига оид Кавказортидаги археологик мажмуаларда темир буюмлар учраса, мил. авв. II-I мингйиллик бўсағасида Эрон ва Ҳиндистонда [4, Б. 231 б.; 12, 215 б.; 20, Б. 167] ҳам темирпайдо бўлади.

Мил. авв. II мингйилликнинг охири чорагида Атлантикадан Тинч океанигача бўлган ҳудудларда тарқалган бронза даврининг кўпгина маданиятлари инқирозга учраши ёки шаклини ўзгартириб янги маданиятлар қарор топиш ҳолати кузатилади. Янги маданият айрим белгилари билан сўнгги бронза даври анъаналаридан фарқ қилган. Биринчидан, йирик илк шаҳар туридаги манзилгоҳлар инқирозга учраб, уларнинг ўрнида кичик деҳқончилик қишлоқлари пайдо бўлган. Иккинчидан, кулолчиликда сополидишларни қўлда ясаб, сиртига геометрик нақшлар бериш анъанаси қайта жонланган. Учинчидан эса, юксак даражада ривожланган торевтика, глиптика, бадий санъат йўқолади. Тўртинчидан марҳумларни қабрларда дафн этиш анъанаси барҳам топади.

Яқин вақтга қадар темир буюмлар жанубий Туркменистондаги Ановда, Фарғонадаги Далварзинда, Туркменистоннинг жануби-ғарбидаги Доҳистондагина маълум эди. Ҳозирги кунга келиб милоддан аввалги I мингйилликнинг бошларига оид кўплаб ёдгорликлар маълум бўлсада, улардаги топилмалар орасида темир буюмлар кўпчилики ташкил қилмайди. Таъкидлаш жоизки, милоддан аввалги X-VIII асрларда олдинги даврларда бўлгани каби Ўрта Осиёнинг барча ҳудудларида метал қуролининг асосий қисми бронзадан тайёрланган. Бу даврга оид археологик тадқиқотлар натижалари эълон қилинган кўпгина илмий ишларда бу давр баъзан сўнгги бронза, баъзан эса илк темир асри деб талқин қилинади.

Жанубий вилоятларда милоддан аввалги II мингйилликнинг иккинчи ярмида чуқур иқтисодий ва маданий ўзгаришлар юз беради. Бир томондан Марғиёна ва Бактрияга чорвадор аҳолининг кириб келиши юз берса [19, Б. 35-47], иккинчи томондан Чуст маданиятининг таъсирида Марғиёнада Ёзтепа, Бактрияда Кучуктепа, Қизилтепа, Тиллатепа каби ёдгорликлар қад кўтаради. Бу маданиятлар Бактрия ва Марғиёнада ҳар хилномлар билан

аталсада, уларнинг моддий маданиятлари айнан ўхшашлиги билан характерланади.

Минтақада темир металлургиясининг пайдо бўлиши, минтақадаги кўпгина йирик дарёлар воҳаларида суғорма деҳқончиликнинг кенг ёйилиши, қадимги шаҳарларнинг пайдо бўлиши ва шаҳарсозлик маданияти ривожини, ёзувнинг шаклланиши натижасида илк ёзма манбаларнинг пайдо бўлиши, минтақанинг бепоён даштларида, тоғ олди воҳаларида кўчманчи чорвачиликнинг ривожланиши, ҳамда ижтимоий-иқтисодий ҳаётдаги бошқа ўзгаришлар бу даврни олдинги тарихий даврлардан ажратиб туради. Бу даврнинг яна бир муҳим хусусияти Ўрта Осиё ҳудудида бирқанча тарихий-маданий вилоятлар шаклланиб, уларнинг айримлари йирик давлатлар уюшмаларига бирлашадилар [1, Б. 107; 2, Б. 10]. Шундай йирик тарихий-маданий вилоятлардан бири Сўғдиёна эди.

Сўғдиёна-Зарафшон ва Қашқадарё ҳавзасида жойлашган қадимий, маданий воҳа ҳисобланиб, Марказий Осиёнинг ижтимоий-иқтисодий, сиёсий ҳамда маданий жараёнларида ўзига хос ўринга эга бўлиб келган. Бу мамлакат зардуштийларнинг муқаддас китоби «Авесто»да ҳам “Тава-Сўғудалар яшайдиган юрт”, деб таъкидланган [3, Б. 33]. Ўтмишда бир неча бор дунёмаданияти марказларидан бири даражасига етган Турон заминнинг марказий қисми, хусусан Зарафшон ва Қашқадарё воҳалари бўйлаб жойлашган қадимий деҳқончилик ҳудудлари айрим манбаларда “Сўғд” деб ҳам юритилган.

Илк темир даврининг дастлабки босқичига келиб, Сўғд ҳудудига ўтрок зироаткор деҳқонлар кириб кела бошлади ва кўчманчи чорвадорлар билан аралашув бошланади. Сўғд ҳудудида ҳам қисман ўтрок деҳқончилик маданияти қарор топа бошлади. Ўлканинг илк темирдаврига оид ўтрок деҳқончилик манзилгоҳлари дастлабки аҳоли томонидан ўзлаштирилган ва кейинги тараққиёт босқичларида улар мураккаблашиб борган. Сўғд ҳудудларида илк темир даврига оид ёдгорликлар бир хил суратда ривожланмаган. Бу даврда ўтрок деҳқончилик маданиятига асосланган жамоа қишлоқлари вужудга келади. Аҳоли деҳқончиликда арпа, буғдой, жавдар каби бошоқли экинликларни экишган. Археологик тадқиқотларда хонаки ҳайвон суякларининг топилиши эса аҳоли деҳқончилик билан бирга чорвачилик билан ҳам шуғулланганликларидан далолат беради. Бу даврда чорвадор аҳоли нафақат Сўғд ҳудудида балки, Марказий Осиёнинг барча дашт ва тоғли ҳудудларида истиқомат қилган.

Минтақада махсус хўжалик тури сифатида кўчманчи чорвачиликнинг пайдо бўлиши алоқа йўлларининг шаклланиши ва ривожланишига ҳам олиб келди. Ярим кўчманчи ва кўчманчи чорвачиликнинг пайдо бўлишида бепоён дашт, чўл, сахро ва яримсахро ҳудудларидаги чорва учун озиқ бўладиган емиш ўтларнинг мавсумийлиги, яъни уларнинг баҳор, ёз ва куз-қиш ойларида ўсадиган турлари мавжудлиги ҳам катта аҳамиятга эга эди.

Чорвадор хўжаликлар томонидан моллар учун емиш бўладиган тўйимли озуқабоп ўсимликларга бой ҳудудларни ўзлаштира борилиши жараёнга мос равишда борган. Минтақанинг тоғ ва адирлари, чўл ва яримчўллари, дашт ва саҳролари бирйиллик ва кўпйиллик озуқа боп ўсимликларга бойдир [3, Б. 34-36]. Хусусан, Қизилқумдаги тадқиқотлар бу ҳудуд кумлик ва чўл табиий иқлим шароитига мослашган сувсизликка чидамли ва иссиқсевар ўсимликлар ҳисобланган куз ва қиш ойларида чорва учун озиқ бўладиган қора саксовул, оқ боялиш, қуйровуқ, шувоқ, коврак сингари ўтлар турларига бойлигини аниқлаб берди.

Марказий Осиёда кўчманчи чорвачилик пайдо бўлганмил. авв. IX-VIII асрларда ёк турли қабилалар томонидан яйловлар ва қишки қароргоҳлар жойи аниқ белгилаб олинган. Кўчманчи чорвачилик кенг ёйилган ҳудудларда, хусусан, минтақанинг шимолий ҳудудларида кўчманчиларнинг қишки қароргоҳлари кўп топилган. Бу қароргоҳлар бир томондан кўчманчи чорвадорларнинг маълум уруғига тегишли доимий яшаш жойлари ва сулолавий қабристонлар жойи бўлса, иккинчи томондан, уларнинг моҳияти узок тарихий давр мобайнида ўзгармасдан қолганлиги, яъни қишки қароргоҳ сифатида фойдаланиш узлуксизлиги кузатилади. Бунга асосланган мутахассислар кўчманчи чорвадорлар маданияти, хўжалиги, турмуш тарзининг яхлитлиги ва меросийлиги масаласини кўтариб чиқмоқдалар. Кўчманчилар қишки қароргоҳлари ёнида чорвадорларнинг маълум уруғига тегишли сулолавий қабристонлар ҳам жойлашган бўлиб, уларларнинг айримлари сўнгги бронза, илк темир давридан бошлаб кўчманчиларнинг сулолавий қабристонлари вазифасини бажарганлиги кузатилади. Бу ёдгорликлардан ягона этник гуруҳларга тегишли сулолавий қабристонлар сифатида бир неча минг йиллар давомида узлуксиз фойдаланиб келинганлигини кўрсатади. Чорвадорларнинг мазор-қўрғонлари Нафақат Суғд воҳасидан, балки Ўрта Осиёнинг деҳқончилик воҳалари дашт зоналари чегарасидан, тоғ олди ҳудудларидан ҳам кўплаб топилган.

Хуллас, темир буюмларнинг тарқалиши минтақадаги суғорма деҳқончиликнинг ёйилишига, Суғд ҳудудлари кўчманчи чорвадор ва ўтроқ зироатчилар томонидан кенг ўзлаштирилишига замин яратди. Натижада кўчманчилар билан ўтроқ аҳоли орасида яқинлашув содир бўлди. Деҳқончилик ва ҳунармандчилик билан шуғулланган ўтроқ аҳоли ҳамда кўчманчи сак, массагет қабилаларининг ўзаро яқинлашуви ва аралашиб бориши натижасида Ўрта Осиё аҳолисининг кейинги асрлардаги этник тараққиётига замин яратилди.

#### **Адабиётлар:**

1. Авеста. Видевдот. 1-фрагард, 5 банд: Авесто. Тарихий адабий ёдгорлик. А.Маҳкам таржимаси. – Тошкент: Шарқ, 2001.
2. Авеста: «Видевдот» китоби. М.Исҳоқов таржимаси. – Тошкент: ТошДШИ, 2007.
3. Акишев К.А. К проблеме происхождения номадизм аваридной зоне

- древнего Казахстана//Поиски раскопки в Казахстане. Алма-Ата:Наука, 1972.
4. Аскарлов А.А. Древне земледельческая культура эпохи бронзы юга Узбекистана. – Ташкент: Фан, 1977.
  5. Аскарлов А. А.Бухорининг ибтидоий тарихидан лавҳалар–Тошкент:Фан, 1973.
  6. Белинский А.Б. и др. Исследования больших курганов эпохи раннего железного века Северного Кавказа и их периферии с применением магнитометрии // Труды IV (XX) Всероссийского археологического съезда в Казани. – 2014.
  7. Бурков С. Б. Находки фигурных форм из "Египетского Фаянса" и стекла эпохи раннего железного века на территории Чечни // Археология и этнология Северного Кавказа–2014. –№. 3.
  8. Вестник Таджикского государственного университета права, бизнеса и политики. Серия гуманитарных наук. – 2016. – №. 3 (68).
  9. Вольная Г. Н.Наконечники ножен с изображением головы птицы из памятников раннего железного века Центрального Кавказа и их аналогии в скифо-сибирском зверином стиле // Российская археология. – 2015. – № 1.
  10. Гулямов Я.Г, Исламов У, Аскарлов А. Первобытная культура в низовьях Зарафшана. – Ташкент: Фан, 1966.
  11. Джуракулова Д.М. Зарафшон водийсининг тош ва бронза даври қабилалари маданияти. т.ф.н. илмий даражасини олиш учун ёзилган диссертация. – Самарқанд, 2009.
  12. Массон В.М. Древне земле дельческая культура Маргианы.–М., – Л.,1959.
  13. Муҳаммаджонов А. Қадимги Бухоро (Археологик лавҳалар ва тарих). –Тошкент: Фан, 1991.
  14. Муҳаммаджонов А. Куйи Зарафшон водийсининг суғорилиш тарихи (Қадимги даврлардан то XX аср бошларигача). – Тошкент: Фан,1972.
  15. Пеласаеиди К. Культурные связи Ирана с сопредельными странами на примере терракотовых антропоморфных статуэток гиляна в раннем железном веке (I тыс. до н. э.) // Древности Восточной Европы, Центральной Азии и Южной Сибири в контексте связей и взаимодействий в евразийском культурном пространстве (новые данные и концепции). – 2019.
  16. Рахимов Н. Т. Ранний железный век Ирана. Рецензия на книгу Хассана Талаи «Археология и искусство Ирана в I тысячелетии до нашей эры». – М.: Вече, 2011.
  17. Рахимова Т., Шомуродов Х. Жануби-Ғарбий Кизилкум шароитида айрим озуқабоп ўсимликларнинг биоэкологик хусусиятлари//Экология хабарномаси.–Тошкент,2003. – №5.
  18. Рузанов В.Д. Некоторые итоги изучения металла Заманбабинской культуры//ИМКУ.–Ташкент:Фан, 2008.–№36.
  19. Сагдуллаев А.С. Қадимги Ўрта Осиё тарихи. –Тошкент, 2004.
  20. Сарияниди В.И. Древние земледельцы Афганистана. – М.,1977.

# **МАРКАЗИЙ ОСИЁНИНГ КАРВОН ЙЎЛЛАРИ, ИНФРАТУЗИЛМАЛАРИ ВА ХИЗМАТ КЎРСАТИШ ТИЗИМИ**

\*\*\*\*\*

## **БУЮК ИПАК ЙЎЛИДА СУҒДИЙЛАРНИНГ ТУТГАН ЎРНИ**

**Отахўжаев А.М.**

*т.ф.д., доц.,*

*Тошкент Давлат педагогика университети*

Азалдан то бугунги кунга қадар ҳам ўз сиёсий, ижтимоий-иқтисодий ва маданий-маърифий аҳамиятини йўқотмаган, бир неча минг чақирим бўйлаб яшаган Шарқ ва Ғарб халқларининг ҳаётида муҳим ўрин тутган, минтақавий ва халқаро аҳамиятга молик бўлган савдо йўллари тизими – Буюк ипак йўли ўз тарихини милоддан олдинги III–II минг йилликлардан бошлайди. Бу йўл ўз даврида “Шоҳ йўли”, “Лаъл йўли”, “Меридиан йўли” каби турли номлар билан аталган. Аммо бу йўлга XIX асрда, яъни 1868-1892 йилларда Хитойда бўлган немис географи Фердинанд фон Рихгофтен янги ном берди. Унинг 1877 йилда ёзилган “Сира” (“Хитой”) асарининг 1-жилдида келтирилган “Буюк ипак йўли” номи қабул қилинди [8, 196; 233].

“Буюк ипак йўли” асрлар давомида турли қабилалар, элатлар ва халқларнинг маданиятини буюк тамадунлар даражасига чиқариб ўзаро яқинлаштирди. Мазкур интеграцион жараёнга ҳамюртларимиз – асли келиб чиқиши асли прототурк - қадимтурк, яъни сак қабилаларига бориб тақалувчи суғдийларнинг бениҳоя улкан ҳисса қўшганликлари аввалда ҳам, ҳозирда ҳам эътироф этиб келинади. Чунки улар милоддан олдинги I минг йиллик ўрталаридан то милодий I минг йилликка қадар Амударёдан то Гансунинг Хэси (Хэши) йўлагигача бўлган савдо-тижорат, маданий-маънавий, иқтисодий-сиёсий жараёнларда қавмдошлари шимоли-шарқий йўналиш бўйлаб жойлашган туркийларнинг кўмагида етакчилик қилишди [6, 7-8]. Айниқса, илк ўрта асрлар (V–VIII аср биринчи ярми) минтақа учун “суғдийлар даври” эди. Қолаверса, бу даврда макур йўлда етакчилик қилиш учун Хитой, Эрон, Византия ва Турк хоқонлиги ўртасида рақобат кучайди [3, 16].

Суғдийлар қонида тадбиркорлик руҳи азалдан юксак бўлган. Хатто Хитой императори Ян-ди (605-617)нинг элчиси Вэй Цзе: Самарқанднинг “барча аҳолиси асл савдогар, ўғилларини беш ёшга тўлгандан савдога ўргатадилар. Бола ўқишни бошлагач, уни савдо ишларидан таълим олишга соладилар. Нафъ кўриш аҳолисининг кўпчилиги томонидан қадрланади”, - деб ёзган эди [12, 37-43].

Суғдий савдогарлар нафақат тижорат ишида воситачи, балки ўзларининг боғдорчилик, узумчилик, чорвачилик, заргарлик, ипакчилик маҳсулотларини Византиядан Корея ва Япониягача, Тибетдан Шри-Ланкагача бўлган ҳудудларга етказиб бордилар. Албатта улар бу фаолиятни ёлғиз ўзлари амалга оширишмади. Уларга чочликлар, фарғоналиклар, уструсоналиклар,

тоҳаристонликлар ҳамкорлик қилишди. “Тан-шу” солномасига кўра, 618-647 йилларда Ўрта Осиёнинг “сиёсий ва савдо иттифоқидан” Хитойга 9 та элчилик миссияси юборилган. Чунки ягона ватан туйғуси, ўзаро ҳамжиҳатлик ва қолаверса, узоқ йўлга тушадиган карвонлар хавфсизлиги масаласи бундай ҳамкорлик учун муҳим эди. Карвонларни ўз манзилига беҳатар етиб бориши учун аксарияти жангари туркийлар бўлган маҳаллий чоркарлар ёлланар эди [5, 25-28].

Суғдийлар етакчилигидаги ўртаосиёликлар ўзларининг турмуш тарзидан келиб чиқиб, савдо йўналишларида, яъни Чоч, Етисув, Шарқий Туркистон ва туркий қабилаларнинг Хитой билан чегараси (Ганьсу – Кенгсув) гача тижорат, хунармандчилик марказлари тизими – кент (суғдча k'nδ - шаҳар, қалъа, кўрғон)лар (Харашкат, Новкат, Чинончат, Паркент, Пискент, Шавкат, Навкат, Куркат, Хуваканд (Кўқон), Суткат, Ҳамукат, Шалжикат, Жувикат, Навикат, Нузкат қабилар)ни вужудга келтирдилар [9, 141-148]. Бу манзилгоҳларда ўртаосиёликлардан ташқари, форслар, хиндлар, хитойлар ҳам фаолият олиб боришар эди. Бу турли маданият вакиллари ўзаро ҳамкорлигини таъминлар эди. Айниқса, кўчманчи туркий қабилалар бундай алоқалардан ниҳоятда манфаатдор эди. Хусусан, Турк хоқонлари хазинасига бу фаолият катта даромад келтиргани боис, хоқонлар суғдийлар етакчилигидаги ўртаосиёликлар савдогарларни сиёсий ва ҳарбий жиҳатдан химоя қилишни масъулият деб биларди. Асрлар ўтиши билан суғдийларнинг эроний тилли қисми яна азалий туркий тилларига қайта бошлади. Жумладан, Маҳмуд Кошғарий: “Баласоғундаги суғдаклар Бухоро ва Самарқанд орасидаги Суғддан бўлиб, улар туркларнинг кийим ва одатларини қабул қилганлиги” ҳақида ёзган эди [4, 65]. Бу жараён туркийлар орасидаги суғдийларнинг ўзаро симбиоз, яъни ёнма-ён яшашадан, туркийлар билан ассимиляциялашуви - бирхиллашиш жараёнига ўтишини ҳам эди.

Суғдийларнинг Буюк ипак йўлидаги фаолияти доим ҳам бир текис кечмади. Айниқса, Хитой билан муносабатларда зиддиятлар бор эди. Қолаверса, Ўрта Осиёга қизиқиб келган императорлар жосусларини (Сон Юн, Сюань Цзан, Хой Чао қабилар)ни “Ғарбий ўлка”га йўллаб турган. Тарихчи Хоу Жэн-чжининг ёзишича Хитой: “тўлов йўқ, савдо йўқ, тўлов бор - савдо бор” сиёсатини олиб борган. Хеси йўлаги томонларнинг савдо қилиши учун урушлардан ҳоли ҳудуд деб эълон қилинган эди [2, 256].

Ҳозирги Хитой ҳудудида суғдийлар милоддан олдинги III асрдан савдо-иқтисодий муносабатларга киришди. Натижада ҳозирги Шинжон (тарихий Шарқий Туркистон)да ўртаосиёликлар, хусусан суғдийларнинг тижорат ва хунармандчилик марказлари пайдо бўлди. Шу билан бирга Сарағ (хитойча Лоян), Ахумтан (хитойча Чанъан), Чучан (хитойча Цзюцюан) каби шаҳарларда суғдийлар салмоғи ошди. Айни пайтда Ўрта Осиё ва Шарқий Туркистон – ягона этномаданий макон бўлганлигини ҳам унутмаслик керак.

Хитой чегарасидаги Хами вилоятини хоқонлар суғдийлар назоратига берди. Нафақат хоқонлар, балки Хитой маъмурлари ҳам суғдийлардан унумли фойланди. Самарқандлик Кан Су-ми Ордосдаги Бэй-ан округига

губернатор (духуфу) бўлди. 630 йилда бухоролик “улуғ сардор” – Ан Ту-хан ўзининг 5 минг ватандошини олиб юриб, Вэйчжоу округига ҳокими бўлди. VII асрнинг 2-ярмида самарқандлик Кан Ян-тян Тарим сойи шарқдаги Лоб Нор кўли атрофида учта қишлоқ бунёд этди. Лоб Норнинг жанубида яна тўртта суғдийлар кенти пайдо бўлди. VII асрдан Друан (Дуньхуан)да суғдийларнинг нуфуси ортганини шу ердан топилган ҳужжатлар ва Ли Минвэйнинг “Суйтан сичоу чжилу” асаридаги: “Дунгхуан вилоятидаги 13 та қишлоқдан бири Сунгхуа деб аталади”, деб ёзгани ҳам тасдиқлайди. Ордос ва Шанси ўлкалари оралиғидаги Лучжоу, Личжоу, Ханчжоу, Сайчжоу ва Ичжоу шаҳарларида ҳам суғдийлар салмоқли эди. Бу борада Хитой тарихчилари – Ванг Чжэнгъя, Гуан Лянжи, Ли Минвэй, Чэн Айчжу, Жин Юэ: “Хитой ва Ғарб ўртасидаги алоқаларда сак, хун, суғдий, рузеи (юэчжи), турк ва уйғурлар ниҳоятда катта ҳисса қўшганлар. Саклар Евроосиё шимолий савдо йўлини илк бор очган халқ ҳисобланса, суғдийлар мил. авв. V асрдан то мил. X асргача, тахминан бир ярим минг йил давомида Ипак йўли орқали олиб борилган алоқаларнинг ривожланишига бекиёс ҳисса қўшганлар”, - деб холис фикр билдиришган [10, 66-74].

Маъмурий бошқарувда ҳам суғдийлар ўз ўринларини топишган. Хитой саройида самарқандлик Фаданинг ўғли Канг Можа хизмат қилган ва у ҳарбий жасорати учун мукофатланган. Чанъандан 557-581 йилларда Тунчжоу сартбауси – манзилгоҳ раҳбари бўлган Аньцзя сартбау – Тунчжоудаги суғд савдо манзилгоҳи раҳбарига Хитой ҳудудида суғдийлар ва Турк хоқонлиги манфаатларига хизмат қилган. Тан сулоласи даври (755-762 йиллар)да бухоролик генерал Ан Лу-шан ва унинг сафдоши чочлик Ши Чао-илар исён кўтариб, Хитой тарихида катта из қодирган [1, 10-20].

Хитойшунос Э.Г. Пулейблэнкка кўра: “Улар (суғдийлар) нафақат моҳир савдогар, балки мусаввир, ҳунарманд ва янги дин тарғиботчиси эди. Суғдийлар Марказий Осиёга тарқалиб, Ипак йўли бўйлаб жойлашиб, Хитойнинг ички вилоятлари ҳамда кўчманчилари орасига кириб бордилар. Шулардан бири суғдийларнинг туркийларга цивилизация таъсири эди” [11, 347-353].

Буёқ ипак йўлида суғдийлар Турк хоқонлигини Эрон ва Византия билан боғлашда ҳам катта хизмат қилишди. 567 йилдаги шартномага кўра, Амударёнинг шимоли-шарқидаги ерлар Хоқонликка, жануби-ғарбидаги ерлари Сосонийлар ихтиёрига ўтган эди. Аммо иқтисодий манфаатлардаги рақобат барҳам топмади. Хоқонлик ўз маҳсулотлари (хусусан Хитой ва Суғд ипак матолари)ни Византияга Эрон орқали олиб ўтарди. Бу Эрон савдогарлари манфаатига зид эди. 563 йилда Эскил, 568 йилда суғдийлар “раҳбари” Маниах Византияга ипак матолар етказиш мақсадида Эронга элчи қилиб юборилди. Аммо натижа бўлмагач, Маниах Византияга Каспийнинг шимолий соҳили орқали боришни зиммасига олди ва буни амалга оширди. Турк хоқонлиги Яқин Шарқ ва Мисрга чиқиш мумкин бўлган “Кавказ ипак йўли”га бўлди. Маниах дипломатияси Марказий Осиё минтақасининг умумманфаатлари учун хизмат қилди [7, 203-206].

Хулоса қилиб айтганда, кўп асрлик тарихга эга Буюк ипак йўли суғдийларни ўз қавмдошлари туркийлар билан ҳамкорликда юксак тамаддун яратишига замин яратди. Бу меросга бугунги кунда ўзбек, тожик ва уйғур каби минтақамиз халқларнинг умумий ворис ҳисобланади.

### **Адабиётлар:**

1. Камалов А. Положение иноземцев вТанской империи: восстание Ан Лу-шаня и Ши Чао-и (755-762) // Shygys. –2005. – № 2.
2. Кляшторный С.Г. Древнетюркская письменность и культура Центральной Азии // Тюркологический сборник. – 1972. – Москва: Наука, 1973.
3. Кобзева О.П. Великий шелковый путь: история и современность. – Ташкент: Фан, 2005.
4. Махмуд Кошғарий. Девону луғотит турк / Тарж. ва нашрга тайёр. С.М. Муталибов. 1-жилд. – Тошкент: ЎзФАН, – 1960.
5. Отахўжаев А.Суғд қурол-аслаҳаси ва чокарлари ҳақида манбалар // ЎзР Қуролли Кучларининг тарихи, бугуни ва келажаги: илмий амалий анжуман. – Тошкент., 2005.
6. Отахўжаев А. Илк ўрта асрлар Марказий Осиё цивилизациясида турк-суғд муносабатлари . – Тошкент: ART-FLEX, 2010.
7. Пигулевская Н.В. Византия по пути в Индию. Из истории торговли Византии с Востоком в IV–VI вв. –Москва – Ленинград, 1951.
8. Ртвеладзе Э.В. Цивилизации, государства, культуры Центральной Азии. – Ташкент, 2005.
9. Рысбергенова К.К. Древние топонимии по маршруту «Великого шелкового пути» / Шелковый путь и Казахстан. – Алматы: Жибекжолы, 1999.
10. Хўжаев А. Буюк ипак йўли: муносабатлар ва тақдирлар. – Тошкент: Ўзбекистон Миллий энциклопедияси. Давлат илмий нашри, 2007.
11. Pulleyblank E.G. A Sogdian colony in Inner Mongolia // T'oung Pao. – 1952. – Vol. 41. – P. 347–353.
12. Vaissiere de la И. Histoire des marchandssogdiens.–Paris: Collige de France, 2004.

## **ПРОБЛЕМЫ ИСТОРИИ ИЗУЧЕНИЯ ВЕЛИКОГО ШЕЛКОВОГО ПУТИ**

**Кобзева О.П.**

*д.и.н., проф.,*

*Национальный университет Узбекистана*

Формирование древних торговых дорог началось еще в эпоху неолита, в период сложения раннеземледельческих культур и получило широкое развитие в цивилизациях эпохи бронзы. Древними торговыми путями, органически вошедшими в состав Великого Шелкового пути были:



“Лазуритовый”, “Нефритовый”, “Западный Меридиональный”, “Степной” и др.

Среди многих факторов повлиявших на зарождение, формирование и развитие дорог можно выделить: экономические, географические, политические.

В структурной организации Великого Шелкового пути могут быть выделены разные уровни (исторический, экономический, функциональный), стороны и плоскости (по видам и типам путей: сухопутные, водные и т.д.), составные компоненты (города, караван-сарай, крепости и др.).

Основываясь на археологических данных, источниках древности и средневековья, а также на трудах ученых XIX–XXI вв., можно предложить следующую периодизацию истории Шелкового пути: первый период – III тыс. до н.э. – II в. до н.э.; второй период – конец II в. до н.э. – IV в. н.э.; третий период – V – начало VIII вв. н.э.; четвертый период – VIII – начало XIII вв.; пятый период – середина XIII – начало XVI вв., которые отражают наиболее значительные вехи в его жизнедеятельности.

Сложение трасс Великого Шелкового пути было сложным процессом, протекавшим на протяжении многих веков. Можно утверждать, что в древности и средневековье функционировали *три главные трассы Великого Шелкового пути: Северная, Средняя, Южная*, частота использования которых зависела от многих факторов, в первую очередь, географических и политических (противоборства разных государств и кочевых народов за контроль над караванными путями и т.д.). Именно этим объясняется то, что его трассы сдвигались то в южную, то в северную стороны. Для его успешного функционирования была необходима политическая стабильность на всем протяжении пути, от Восточного Средиземноморья до Китая. Этого можно было добиться двояко: либо созданием огромной империи, контролирующей все важнейшие евразийские караванные пути, либо «разделом мира» между крупными региональными державами, способными обеспечить безопасность торговли. Междоусобные войны и упадок центральной власти приводили к разорению городов, узловых пунктов на торговых путях, и грабежу караванов. Это вело к разрушению отдельных участков или даже всего Великого Шелкового пути.

В истории этого пути были три кратковременных периода, когда он почти полностью контролировался одним государством: Тюркским каганатом в последней трети VI в., империей Чингисхана во второй четверти XIII в. и государством Амира Темура в последней трети XIV в. Однако из-за высокой протяженности путей объединить их под единым контролем было чрезвычайно трудно. Чаще наблюдался «раздел мира» между несколькими крупными государствами.

Необходимо отметить, *многофункциональность трасс* Великого Шелкового пути. Это были дороги транзитного и почтового сообщения, торговли, миграций, дипломатических контактов, культурных и духовных взаимоотношений.

Шелковый путь способствовал развитию торговли и многих институтов («правил») рыночного хозяйства. Регулярное заключение крупных торговых сделок между купцами разных стран требовало использования общепризнанных денежных знаков. Эпоха Великого Шелкового пути породила многие институты, схожие с международной торговлей нового и новейшего времени (международное разделение труда, чековая система, экстерриториальная защита прав собственности).

Великий Шелковый путь сыграл важную роль в развитии географических знаний. Только после образования этой сквозной торговой трассы европейцы и китайцы впервые узнали о существовании друг друга и получили хотя бы приблизительное представление о всех цивилизациях Евразии. Также можно отметить огромное влияние этого пути на миграционные процессы на Евразийском континенте, и процессы урбанизации.

В результате функционирования Великого Шелкового пути впервые в истории проявилась тенденция к сближению культур в процессе интенсивных и регулярных мирохозяйственных связей. Вдоль всего маршрута Великого Шелкового пути происходила постепенная унификация культурных компонентов.

В результате ряда геополитических и геоэкономических факторов (открытие морского пути из Европы в Индию; военные конфликты между Сефевидским Ираном и Османской Турцией; запрет Китая на вывоз ряда своих товаров; войны и соперничество между кочевыми народами) в XVI в. Великий Шелковый путь окончательно прекратил свое существование. Впрочем, локальные сегменты этого пути продолжали ещё долго функционировать (например, караванная торговля между Средней Азией, Россией, Ираном, Индией, Китаем, продолжалась практически до нач. XX в.).

В типологическом ракурсе трассы Шелкового пути могут быть представлены следующим образом: межконтинентального значения (Великий Шелковый путь, связывающий два континента – Азию и Европу); континентального значения (коммуникации, связывающие различные регионы одного континента – Бактрию и Индию, Бактрию и Китай; регионального значения (коммуникации внутри какой-либо части континента – дорога между Бактрией и Согдом, Бактрией и Хорезмом и т.д.) [1].

Функционирование Великого Шелкового пути требовало создания развитой системы международного разделения труда в производстве товаров на экспорт и в обеспечении инфраструктуры транспортных коммуникаций.

Великий Шелковый путь стимулировал развитие на средневековом Востоке торговых городов. Возникает торговая специализация городов, торговая дифференциация, появление селений, специализировавшихся на производстве экспортных товаров[2]. Если в Западной Европе города обслуживали в основном местные рынки, то в Азии – международную торговлю, играя роль транзитных пунктов на караванных путях. Эти города (Тебриз, Ормуз, Бухара, Самарканд, Хорезм, Отрар, Кашгар, Турфан, Хотан,

Дуньхуан и др.) обязательно имели караван-сарай, сочетавшие функции гостиниц и складских помещений. Для купцов – иноземцев организовались специальные рынки наиболее ходовых товаров. На обслуживании торговых караванов работали люди многих профессий – переводчики, менялы, погонщики верблюдов, охранники караванов, сборщики налогов и т.д.[3]. «Привязанность» торговых городов континентальной Азии к обслуживанию караванной торговли на дальние расстояния привела к тому, что разрушение Шелкового пути привело к упадку и этих городов. Некоторые из них совершенно исчезли (напр., многие города Восточного Туркестана).

Тесные межкультурные контакты на Великом Шелковом пути способствовали созданию оригинальных произведений искусства, в которых проявился синкретизм иранской, китайской, согдийской и тюркской культурных традиций. Эти элементы переплелись так тесно, что исследователи (одни и те же явления с равным основанием относят к западным или, напротив, восточным влияниям)[4].

Трансконтинентальные связи разрывали замкнутые поведенческие мирки сельских общин, интенсифицировали многие виды интеллектуальной деятельности, расширяли кругозор, в этом состоит особый вклад феномена Великого Шелкового пути в мировую историю[5].

Проследив многовековую историю Великого Шелкового пути можно выявить три основных фактора, способствовавших его изучению:

1) Геополитический фактор. Китай и Центральная Азия в XIX в. становятся зонами соприкосновения интересов крупнейших держав – Великобритании и Императорской России. Наука, поставленная на службу стремительно распространявшим свои политические интересы державам, призвана была удовлетворять их потребности в изучении и исследовании регионов, входивших в сферу их влияния. Так, первые материальные данные о существовавшей в древности караванной торговле между Китаем и Центральной Азией были добыты именно учеными – разведчиками, состоявшими на службе у королевы Великобритании, картографами, политическими агентами и т.д.

2) Экономический фактор. Расцвет и прогрессирующее развитие капиталистической системы экономики развитых стран требовало все новых источников сырья и рынков сбыта. Ученые, в первую очередь, геологи и географы, должны были «находить», открывать эти источники сырья. Напомним, что Ф.Ф.фонРихтгофен, по своему образованию был геологом, и лишь широта его научных интересов стала важнейшим моментом, способствовавшим сбору материалов по истории, культуре, этнографии, экономике Китая и сопредельных стран, во время его неоднократных геолого-географических путешествий в Китай.

3) Научный фактор. В XIX веке наука и техника получают ускоренное развитие, создаются научные школы, общества, кружки. Богатые меценаты жертвуют на организацию экспедиций деньги (в целом, характерно для Западной Европы, но не России). Особый подъем испытывают такие

отрасли знаний, как география, картография, геология, что способствует, в конечном итоге, изучению огромных, ранее неизведанных районов и дает возможность, на основе полученных материалов экспедиций, развиваться другим наукам (археологии, истории, этнографии, лингвистике и т.д.).

Изменение геополитической обстановки на рубеже XX и XXI вв., переосмысление истории, самоидентификация – все это «породило к жизни» новые концептуальные аспекты в изучении Великого Шелкового пути. На первый план сегодня выходит *цивилизационный аспект*. Шелковый путь – феномен сразу нескольких цивилизаций: китайской, среднеазиатской, ближневосточной, степной, в частности, и евразийской цивилизации, в целом. Он формировался под влиянием этих цивилизаций, с одной стороны, и служил ретранслятором культурных и экономических достижений между ними. Шелковый путь был экономической основой многих цивилизаций.

С другой точки зрения, Шелковый путь, уже в древние времена, воплощал собой лозунг «единство в многообразии», т.к. даже в сложные периоды политической истории отдельных государств способствовал взаимным связям народов, их толерантности, поискам взаимной выгоды и взаимного сотрудничества. Исходя из этого, вторым концептуальным аспектом в изучении Великого Шелкового пути является *интеграционный аспект*.

Третий концептуальный аспект – *геополитический*. Ученые – историки не могут признавать за Шелковым путем только экономические и культурные достижения, реалии XXI в. диктуют свои условия. Великий Шелковый путь становится мощным геополитическим рычагом.

Отдельно также можно выделить *культурологический* и *экономический* аспекты изучения. Они, в свою очередь, органично аккумулируются в геополитику, интеграцию, цивилизацию и достаточно разработаны в современной историографии Великого Шелкового пути.

Необходимо отметить, что основные крупные направления научной работы по изучению Великого Шелкового пути окончательно сформировались лишь к концу XX в., чему безусловно способствовало усиление его исследований в рамках специальной программы ЮНЕСКО.

По нашему мнению, в настоящее время существует несколько актуальных проблем связанных с Великим Шелковым путем, разработка которых ведется в настоящее время историками. Их условно можно объединить в следующие направления научной работы:

*Первое направление:* изучение историко-культурного наследия Великого Шелкового пути (памятники письменности, духовной и материальной культуры); Великий Шелковый путь в эпоху древности и средневековья; взаимодействие оседлых и кочевых культур на Великом Шелковом пути; города и городская культура на Великом Шелковом пути; междоцивилизационный обмен на Великом Шелковом пути; формирование трасс Великого Шелкового пути; влияние Великого Шелкового пути на

развитие государственности в Центральноазиатском регионе; Речные трассы Шелкового пути и Морской Шелковый путь. [7]

*Второе направление:* теоретико-методологические аспекты и методические проблемы изучения предмета «Великий Шелковый путь и мировая цивилизация» в ВУЗах различных государств; Великий Шелковый путь и информационные порталы Internet; создание компьютерных лабораторий и цифровых платформ по изучению Великого Шелкового пути и прогнозированию его дальнейшего изучения и развития в XXI в.;

*Третье направление:* геополитические аспекты Великого Шелкового пути (проблемы геополитики на Евразийском пространстве; Россия, Закавказье, Иран, Центральная Азия, ЕС, США и возрождаемый Великий Шелковый путь); попытки превращения Великого Шелкового пути в один из рычагов геостратегического воздействия;

*Четвертое направление:* роль ЮНЕСКО в изучении Великого Шелкового пути (в контексте программы ЮНЕСКО «Великий Шелковый путь – путь диалога»); международное сотрудничество ученых Узбекистана, США, Японии, России, Южной Кореи, стран Европы, Китая и т.д. в организации исследований Великого Шелкового пути;

*Пятое направление:* возрождение транспортных магистралей Великого Шелкового пути (в рамках проектов: «Великий Шелковый путь – 2000»; Север – Юг; «ТРАСЕКА», «Евразийский аналог Шелкового пути», «Один пояс и один путь» и др.); международный туризм на Великом Шелковом пути; экономические реалии возрождения Великого Шелкового пути и перспективы для Центральноазиатского региона и Евразийского континента, в целом.

*Шестое направление:* историография изучения Великого Шелкового пути (история изучения Великого Шелкового пути в конце XIX – начале XX в.; зарубежная и советская историография о Шелковом пути в XX в.); архивные документы о Великом Шелковом пути (материалы ЦГА РУз о попытках возрождения Великого пути колониальной администрацией края в конце XIX – начале XX в.) и т.д. [8]

### **Литература:**

1. Ртвеладзе Э.В. Великий Шелковый путь. – Ташкент: УзМЭ, 1999. – С. 31.
2. Аскарлов А.А., Буряков Ю.Ф., Гуляев В.И., Сайко Э.В. Город в структурной организации Шелкового пути // Формирование и развитие трасс Великого Шелкового пути в Центральной Азии в древности и средневековье: Тез. докл. межд. семинара ЮНЕСКО. Самарканд, 1-6 окт. 1990. – Ташкент: Фан, 1990. – С. 5-8.
3. См., например: Мукминова Р.Г. Самарканд и Бухара на трассах Великого Шелкового пути в XV–XVI вв. // Формирование и развитие трасс Великого Шелкового пути в древности и средневековье. – Ташкент: Фан, 1990. – С. 110-113.

4. Гюль Э. Диалог культур в искусстве Узбекистана. Античность и средневековье. – Ташкент: Mir-Info, 2005. – С. 89-96.

5. Массон В.М. Великий Шелковый путь как инструмент экономической и интеллектуальной интеграции: Тез. докл. межд. семинара ЮНЕСКО. Самарканд, 1-6 окт. 1990. – Ташкент: Фан, 1990. – С. 15.

6. Кобзева О.П. Великий Шелковый путь: история и современность. – Ташкент: Фан, 2005. – 156 с. Кобзева О.П. История изучения ВШП во второй половине XIX – начале XX в. – Ташкент: Zargalam, 2006. – 180 с. Кобзева О.П. Страницы истории Великого Шелкового пути: шелк, специи и чай. – Ташкент, 2013. – 140 с.

Кобзева О.П. Узбекистан и Китай на возрождающемся Шелковом пути. – Ташкент, 2015. – 102 с. Кобзева О.П., Закирова М. Шелковый путь в потоке истории. – Т., 2017

7. Мавлонов У. Марказий Осиёнинг қадимги йўллари: шаклланиши ва ривожланиши босқичлари. – Ташкент, 2008. Мавлонов У. Коммуникации и торговые пути в Средней Азии: Формирования и этапы развития. – Ташкент, 2009. – 46 с.

8. Ваисова Н.А. Согдийские колонии на Великом Шелковом пути и их историческое значение. Автореферат дисс. – Ташкент, 2022. 48с.

## **БУЮК ИПАК ЙЎЛИ ХИЗМАТ КЎРСАТИШ ТИЗИМИДА КАРВОНСРОЙЛАРНИНГ АҲАМИЯТИ**

**Ачилов А.Т.**

*т.ф.ф.д.(PhD),*

*Қарши Давлат университети*

Ипак йўли иншоотлари Марказий Осиёдаги хизмат кўрсатиш тизимининг муҳим таркибий қисми бўлиб, уларнинг пайдо бўлиши ва ривожланиши қадимги йўллар фаолиятига мос равишда борган. Тегишли манбалар таҳлили ва ибтидоий қабилалар турмуш тарзидан келиб чиқилса, оддий йўлбўйи иншоотлари илк алоқа йўллари тармоқлари шакллана бошлаган қадимги давридаёқ барпо этила бошланган бўлиши мумкин.

Нисбатан узок масофани пиёда босиб ўтишга мажбур бўлган қадимги қабилалар ҳудуддан-ҳудудга кўчишда, овчи гуруҳларининг кўп кунлик ов сафари даврида ва бошқа вазиятларда тўхташ жойларида хавфсизлик нуқтаи назаридан чайласимон иншоотлар барпо этила бошлаган. Қисқа муддат фойдаланишга мўлжалланган бундай шакилдаги биноларга йўлбўйи иншоотларининг илк кўриниши сифатида қараш мумкин. Албатта, ўтган тарихий давр мобайнида бундай енгил конструкцияли иншоотлар бизгача етиб келмаганлиги табиий ҳолдир.

Шунга қарамасдан, бундай иншоотларга бўлган эҳтиёж илк алоқа йўллари билан бирга пайдо бўлганлиги ва бу талаб ибтидоий аждодларимизни уларни барпо этишга ундаганлиги шубҳасиздир. Йўлларда

хавфсизликни таъминлашга интилиш, йиртқич ҳайвонлар ва заҳарли ҳашаротлардан ҳимояланишга бўлган эҳтиёж ҳамда табиий муҳит таъсири (совук, жазирама иссиқ, шамоллар ва бошқалар) ибтидоий йўлбўйи иншоотларининг пайдо бўлиши ва даврлар ўтиши билан такомиллашиб боришига олиб келган муҳим сабаб эди.

Хусусан, ўрта асрларда ҳам минтақанинг дашт ҳудудлари орқали ўтган карвон йўллари бўйида савдо карвонларига, йўловчиларга, давлат хизматчиларига, алоқа-почта хизмати ходимларига хизмат кўрсатишга мўлжалланган махсус чодирлардан иборат бекатлар мавжуд. Бундай иншоотлар, вазиятга қараб тезда қуриш ва йиғиштириш, бошқа жойга кўчириш имконини бергани боис ҳам катта амалий аҳамиятга эга бўлгани шубҳасиздир. Умуман олганда, ибтидоий йўлбўйи иншоотлари йўловчиларни турли хавфлардан сақлашга хизмат қилган ҳамда ўзига хос белги, йўлкўрсаткич вазифасини ҳам бажарган.

Улов (от, туя, эшак ва бошқалар) ва транспорт воситалари (аравалар ва бошқалар)дан фойдаланиш бошланган, ҳудудий ва минтақалараро алоқалар вужудга келган энеолит ва бронза даврларидан бошлаб йўлбўйи иншоотлари алоқа йўллари тизимининг муҳим таркибий қисмини ташкил эта бошлаган. Жамият тараққиёти, қурилиш-меъморлик соҳасида қўлга киритилган ютуқлар, хусусан йирик монументал иншоотлар, мустаҳкамланган қалъалар барпо этиш борасидаги тажрибалар ҳамда савдо-сотиқ ривожига талаблари савдо йўллари бўйида махсус иншоотлар барпо этилишига ундаган муҳим омиллардан эди.

Бундай иншоотлар дастлаб қудуқлар бўйида, тоғ доволари бошланадиган жойларда, дарё кечувлари яқинида муҳим ҳарбий-стратегик аҳамиятга эга йўллар йўналишида барпо этила бошланган. Ички ва ташқи алоқалар ривожига карвон йўлларида хавфсизликни таъминлаш ва хизмат кўрсатиш тизимини такомиллаштириб боришни талаб этган. Марказлашган йирик давлатларнинг ташкил топиши билан йўлбўйи иншоотлари барпо этиш давлат иқтисодий сиёсатининг таркибий қисмига айлана бошлаган.

Аҳамонийлар даврида улкан империянинг турли ҳудудларини ўзаро боғловчи алоқа йўллари бўйида, хусусан машҳур “Шоҳ йўли” бўйлаб бир кунлик масофада работлар ва карвонсаройлар мавжуд бекатлар қурилгани маълум[1:286]. Мутахассислар фикрича, Ўрта Осиё ҳудудида ҳам милoddан аввалги VI-V асрларда, яъни Аҳамонийлар даврида муҳим транзит йўллар бўйича кичик қалъа типидagi мустаҳкамланган иншоотлар барпо этила бошлаган. Бундай иншоотлар одатда савдо йўлларининг хавфсизлигини таъминлаш вазифаси юклатилган кичик ҳарбий гуруҳлар учун мўлжалланган бўлиб, улар савдо карвонлари тўхтаб дам олиши учун ҳам мўлжалланган, яъни карвонсарой вазифасини ҳам бажарган[2:54]. Шу тариқа работлар, яъни мустаҳкамланган карвонсаройлар вужудга келган.

Карвонсаройлар қуриш жараёни, айниқса ўрта асрларда жадал тус олган. Ривожланган ўрта асрлар, хусусан, IX-X асрлардаги работлар, уларнинг меъморий тузилишидан келиб чиқсак, улар мустаҳкамланган ва

қўриқланадиган карвонсаройлар вазифасини бажаришга хизмат қилган. XII асрда улар ўзларининг ҳарбий истехком сифатидаги аҳамиятини йўқотган. Лекин уларнинг қурилиши бутун ўрта асрлар давомида тўхтаб қолмаган.

Илк ислом даврида Мовароуннаҳрнинг ҳар бир қишлоғи аҳолиси йирик шаҳарларда работлар қурган. Бу иншоотлар дастлаб ғозийлар (ислом дини учун қурашувчилар) учун барпо этилиб, айниқса ислом дини ёйилган чегара ҳудудларда катта ўрин тутган. Хусусан, Бинкат, Жиззах ва бошқа шаҳарлардаги бундай работларнинг мавжудлиги[3:172-173], Муаррих Наршахийнинг Бухорони ҳар бир қишлоғи аҳолиси Пойкент яқинида работлар қургани ҳақидаги маълумотлари[4:24-25], Истаҳрийнинг Сомонийлар даврида Мовароуннаҳрда 10 мингдан ортиқ работ, карвонсарой ва қўналғалар фаолияти мавжуд бўлганлиги ҳақидаги фикри[5:304], Қорахонийлар даврида барпо этилган кўплаб работлар[3:168-169], Чигатой улусида йўл бўйларида барпо этилган махсус бекат – ёмлар[6:170-174], Амир Темур ва теурийлар, шайбонийлар ва бошқа сулолалар даврида барпо этилган кўплаб йўлбўйи иншоотлари бу соҳага бўлган эътибордан далолат беради.

Карвонсаройлар ва работлар савдо йўлларини назорат қилишда катта ўрин тутган ҳарбий истехком сифатида ҳам аҳамиятли бўлган. Ўрта асрларда йўлбўйи иншоотлари барпо этишда савдо-сотиқ ривожидан манфаатдор бўлган ҳукмдорлар катта ўрин тутган. Умуман олганда, ислом даврида турли ижтимоий бинолар – масжидлар, мадрасалар, хонақоҳлар, кўприклар, работлар, карвонсаройлар, сардобалар ва бошқалар барпо этиш адолатли ҳукмдорнинг муҳим хислатларидан бўлган.

Манбаларга муружат қилсак, Ўрта Осиёда ҳукмронлик қилган сулолалар вакиллари бу масалага катта эътибор қаратганлигини кўраимиз. Замондошларини ҳайратга солган карвонсаройлар ичида Бухоро – Самарқанд йўлида, Кармана яқинида қурилган Работи Малик карвонсаройини, Султон Санжарнинг Марвдаги ноиби Абу Тоҳир ибн Саъд томонидан Нишопур – Марв йўлида барпо этилиб, энг маҳобатли ҳисобланган Работи Шариф карвонсаройини, Абдуллахон II томонидан Қоровулбозорда қурилган йирик карвонсаройи мавжуд эди[3:168].

Давлат хазинасидан ташқари йўлбўйи иншоотлари қурилишида маҳаллий бойлар, савдогарлар ва амалдорларнинг ҳиссаси ҳам катта бўлгани манбалардан маълум. Шу ўринда Жиззахдан 2 фарсах узоқликда ал-Афшин (Ҳайдар ибн Ковус) томонидан IX асрда барпо этилган Худосор карвонсаройини ва бу шаҳар яқинида X асрда қурилган Ҳасан работини, Жиззах – Шош йўлидаги Тўрткўлтөпа ёдгорлиги ўрнидаги карвонсаройни, Алишер Навоийнинг Ҳиротда ва Хуросоннинг асосий йўллари бўйида кўплаб карвонсарой ва работлар барпо этганини[3:174-176], Жўйбор хожалари томонидан Бухоро – Қарши ва Амударёга кетувчи йўллар бўйида қурилган ўнлаб работлар ва сардобаларни[7:26-27], XVII асрда Бухоро хони саройида дастурхончи мансабини эгаллаб турган Зокирбий исмли киши маблағига Қарши чўлидаги Қақир деб аталган жойда барпо этилган работни[8:312],



унинг ёнида XIX асрнинг биринчи ярмида Амир Насрулло томонидан курилган сардобани[9:248] ва бошқа иншоотларни келтириш мумкин.

Темурийлар даврида Олой тоғларида, денгиз сатҳидан 3050 м. баландликда, Отбошдан 85 км. жануби-шарқда, Қорақуюн дарёси яқинида курилган Тошрабат карвонсаройи[10:592] бу даврда карвонсаройлар курилган худудлар географияси кенг бўлганидан далолат беради. Юқорида келтирилган маълумотлар карвонсаройлар ва работлар барпо этишда давлат хазинасидан ташқари йирик савдогарлар ва амалдорлар, маҳаллий бойлар, яъни савдо-сотикдан катта амалий фойда кўрган ижтимоий қатлам, тадбиркорлар катта ўрин тутиб, ўрта асрларда карвонсаройлар ва работлар барпо этиш кўлами анча юқори бўлганлигини кўрсатади.

Карвон йўлларининг ва умуман савдо-сотикнинг энг муҳим унсурларидан бўлган карвонсаройларнинг тузилишини ўрганиш, халқимизнинг бой меъморлик тарихини ўрганишга ҳам ёрдам беради. Карвонсаройлар одатда савдо марказлари бўлган шаҳарларда, муҳим савдо йўллари бўйида барпо этилган бўлиб, улар тузилишига, ҳажмига ва айрим ҳолларда бажарадиган вазифасига кўра ҳам бир-биридан фарқланган. Археологик тадқиқотлар ва ёзма манбалар маълумотларини таҳлил қилиб, айрим карвонсаройлар тузилиши ҳақида маълум маълумотларга эга бўлиши мумкин. Масалан, Зоминдан Фарғонага ва Тошкентга кетувчи йўлда топилган X-XII асрларга оид Тўрткўлтёпа карвонсаройи тўғри тўртбурчак (томонларининг узунлиги 106 x 106 м.) шаклида бўлиб, шимол томондан баландлиги 5 метрни ташкил қиладиган асосий аркасимон дарвозага эга бўлган[3:175-176].

Карвонсаройлари тузилиши ҳақида Пойкентдаги работ ҳамда Бухоро – Қарши савдо йўлида жойлашган Қоровулбозордаги карвонсарой (XVI аср) ҳақидаги маълумотларни ҳам келтириш мумкин. Қоровулбозордаги карвонсарой томонлари узунлиги 100 метрга яқин бўлиб, унинг жанубий ва шимолий қисмида баландлиги 8 метрдан иборат катта дарвозалари мавжуд бўлган ва XIX аср манбаларида кўрсатилишича гарчи бу даврда у хароба аҳвол бўлсада, маҳобатли саройга қиёсланган[11:649-654].

1878-1879 йилларда Россия элчилик миссияси таркибида Бухоро ва Қарши орқали Афғонистонга борган И.А.Яворский бу карвонсаройнинг отхонасида 300 тагача от-уловларни сақлаш мумкинлигини қайд этган[9:317]. Мазкур карвонсарой 1916 йилда ТКЛА (Туркестанский кружок любителей археологии) аъзоси И.А.Кастанье томонидан махсус ўрганиб чиққан. У бу карвонсаройнинг тўла тарҳини чизиб, тузилишини батафсил таърифлаб ўтган[12:31-32]. Бу иншоот Ўрта Осиёда ўрта асрларда кўплаб бунёд этилган бир каторли қилиб курилган йўлак-секцияли карвонсаройлар туркумига кирган. Қиёс учун айтадиган бўлсак, Бухоро – Қарши йўлидаги Бўзачи работи тузилишига кўра секцияли иншоотлар туркумига мансуб бўлган[2:61-64].

Хоразм воҳасидан Каспий бўйидаги Доҳистонга кетувчи карвон йўлида Хоразмшоҳлар даврига оид бўлган доирасимон шаклда курилган,

ховлисида сардоба (ёки қудуқ)га эга бўлган карвонсаройлар (Тансиқлидепа ва бошқалар) топилган[13:427]. Бу маълумот минтақада карвонсаройлар тузилишига кўра мураккаб ва кўп қиррали бўлганидан далолат беради.

Савдо карвонлари ва йўловчиларни, улов воситаларини сув билан таъминлашга хизмат қилувчи гидротехник иншоотлар (қудуқлар, ҳовузлар ва сардобалар) қадимги коммуникация йўллари тизимининг муҳим унсурини ташкил этган. Бронза давридан бошлаб минтақадаги дашт ва чўлларнинг чорвадор қабилалар томонидан жадал ўзлаштирилиши алоқа йўллари йўналишлари бўйлаб зарур инфратузилмалар – йўлбўйи иншоотлари, биринчи галда қудуқлар барпо этилишини талаб этган.

Маълумки, Ўрта Осиёнинг жанубий ҳудудларида энеолит давридан барпо этила бошланган ирригация тизими, бронза даврида минтақанинг марказий ҳудудларидаги дарё водийларига ҳам ёйилган. Бу даврда суғориш иншоотлари барпо этиш соҳасида тўпланган тажрибалардан келиб чиқсак, ўз тузилишига кўра унчалик мураккаб бўлмаган қудуқларнинг барпо этилиши нафақат чўл ва дашт ҳудудларда, шу билан бирга ичимлик сувига бўлган табиий эҳтиёж туфайли, ўтроқ деҳқончилик водийларида ҳам барпо этила бошланган.

Хуллас Марказий Осиё ўрта асрларда Буюк ипак йўлидаги инфратузилмалар савдо-сотик ва хизмат кўрсатиш ривожига ижобий роль ўйнаган.

#### **Адабиётлар:**

1. Геродот. История. В девяти книгах / Пер. с греческого и коммент. Г.А. Стратановского. – М.: ОЛМА-ПРЕСС Инвест, 2004– С. 286.
2. Маньковская Л.Ю. Типологические основы зодчества Средней Азии (IX- нач. XX вв.). – Ташкент: Фан, 1980. – С. 54.61-64
3. Грицина А.А. Уструшанские были. –Ташкент: изд. Народного наследия им. А.Кадыри, 2000. – С.168-169.172-176
4. Наршахий. Бухоро тарихи. – Тошкент, 1991. – Б. 24-25.
5. Abu Ishak al-Farisi al-Istakhri. *Viae regnorum* / Ed. M. J. de Goeje. *Lugduni Batavorum apud E. J. Brill*, 1967. – P. 304.
6. Марко Поло. Книга о разнообразии мира / Перевод И.Минаева. – М.: ЭКСМО, 2005.– С. 170-174.
7. Аҳмедов Б.Тарихдан сабоқлар. – Т.: Ўқитувчи, 1994. Б. 26-27.
8. Яворский И.Л. Путешествие русского посольства по Афганистану и Бухарскому ханству в 1878-1879 годах. – Т. 2. – СПб., 1883. – С. 312.317
9. Арандиренко Г.А. Цистерны в Каршинской степи // Досуги в Туркестане. – СПб., 1883. – С. 248.
10. Кубатбеков М. Караван-сарай Таш-Рабат // АО 1978 года. – М.: Наука, 1979. – С. 592.
11. Крестовский В.В. В гостях у эмира Бухарского. (Путевой вестник) / Журнал, Русский вестник, 1884. – № 6., июнь – С. 649-654.
12. Кастанье И.В. Археологические разведки в Бухарских владениях // Протоколы ТКЛА. Год. XXI. Ташкент, 1917. – С. 31-32..

13. Вайнберг Б.И., Юсупов Х. Археологические исследования в западной части Туркмении // АО 1969 года. – М.: Наука, 1970. – С. 427.

## ТУРК МУАЛЛИФЛАРИ МАНБАЛАРИДА ЎРТА ОСИЁ ШАҲАРЛАРИ ТАВСИФИ

Раҳмонқулова З.Б.

*т.ф.н, проф.,*

*Ўзбекистон Миллий университети*

Ўрта Осиё хонликлари ва Усманийлар давлати ўртасидаги сиёсий, иқтисодий ва маданий алоқалар тарихига оид маълумотлар бир қатор мемуар характерга эга асарлар-эсдаликлар, саёхатномалар, илмий тадқиқотлар орқали бизгача етиб келган. Шулардан бири Сейди Али Раиснинг “Миръотул мамолик” (Мамлакатлар кўзгуси) ва Меҳмед Амин Афандининг “Истанбулдан Ўрта Осиёга саёхат” асарларидир. Мазкур асарларда муаллифлар Буюк Ипак йўлида катта аҳмиятга эга бўлган Самарқанд, Хива шаҳарлари ҳақида қимматли маълумотларни бериб ўтади.

Маҳмуд Амин Афандининг “Истанбулдан Ўрта Осиёга саёхат” асари хижрий 1295 (милодий 1878) йилда Истанбулда нашр қилинган. Маҳмуд Амин Афанди асли келиб чиқиши Ўрта Осиёлик бўлиб, асл ватанига саёхат қилиш учун хижрий 1295 (милодий 1878) йилда Истанбулдан йўлга чиқади. Қора денгиз орқали келган сайёҳ дастлаб Кавказга сўнгра Ўрта Осиёга келади. Муалиф Хива хонлигига сайёхатлари давомида қимматли маълумотларни ёзиб қолдиради.

Муаллиф Хивадан кейинги энг катта, аҳоли гавжум, савдо-сотик шаҳари Янги Урганчдир эканлигини таъкидлайди. Ҳатто савдо-сотикнинг ривожланиши жиҳатидан Хивадан олдинда эканлиги, Оренбург ва Бухоро шаҳарларидан тинмай савдо қарвонлари қатнаб туриши ҳақида маълумотлар беради. Бу дарвда Урганч тужжорларининг Оренбург ва Москва каби машҳур шаҳарларда, Эрон Ҳиндистон давлатларида ҳам савдо шериклари бўлган. Ҳар бир тужжор ўзининг махсус муҳрларига эга бўлган.

Янги Урганчда уйлар жудда катта-катта қилиб қурилган. Ҳар бир уйда дўкон ва омборлар бор. Шунингдек, ҳар бир уйда ўз тегирмонлари бор. Уни от ёки эшак билан вақти-вақти билан юрғазиб туришади.

Сейди Али Раис XVI асрда яшаб ижод этган турк муаллифидир. У Ўрта Осиёга “Котиби Румий” номи билан тинилган. Сейди Али Раис географияга оид «Муҳит» асарининг ҳам муаллифидир[10]. Шунингдек, у Али Қушчининг асарларини ҳам турк тилига таржима қилган.

Сейди Али Раис Усманийлар давлати ҳарбий денгиз флотининг асосчиси, назариячиси ва машҳур турк адмиралидир. У 1548 йилда Усманийлар султони Султон Сулаймон Қонуний (1520-1566) нинг Эронга қилган ҳарбий юришларида 1552 йилда Кипр жангларида ҳам қатнашади. Сейди Али Раис шу жангларда кўрсатган катта ҳарбий маҳорати туфайли Султон Сулаймон Қонунийнинг чексиз ҳурматига сазовар бўлиб, кейинчалик Халаб султони қилиб ҳам тайинланади[6, Б. 8].

Сейди Али Раис Миср командири қилиб тайинланиб, Португалиянинг Сувайш каналидаги флотига қарши курашиш учун юборилади. Аммо жангда турк флоти мағлуб бўлиб, қолган кемалари билан Шимолий Ҳиндистонга боради. Сейди Али Раис Ҳиндистонда бўлиб, Заҳириддин Муҳаммад Бобурнинг ўғли Ҳумоюн Мирзо билан учрашган[5, Б. 185]. Сейди Али Раис Синд, Панжоб, Афғонистон, Ўрта Осиё, Хуросон, Озарбайжон ва Эрон орқали йўл босиб, машаққатлар билан тўрт йилдан сўнг, 1556 йилда ватанига етиб келади ва “Мирьотул мамолик” асарини ёзади.

Сейди Али Раис асарининг “Турон заминда, яъни Моварауннаҳрда юз берган воқеалар баёни” бўлимида 1555 йилда Чоғаниёнга, Сангардак тоғидан ошиб Шаҳрисабзга сўнгра эса Самарқандга келганлиги ҳақида ёзади. Муаллиф Сангардак тоғида ёмғир ёғгандек сув томчилари тўхтовсиз томиб туриши ва у катта сойни ҳосил қилишини таъкидлаб ўтади.

У Наврўз Аҳмадхон (Бароқхон) билан ҳам учрашади ва совғаларини топширади. Наврўз Аҳмадхон эса унга от совға қилади. Наврўз Аҳмадхон Сейди Али Раисга Усманийлар султони Султон Сулаймон Қонуний бир қанча ўқчилар ва қаъла тўплари юборганлиги ҳақида айтиб ўтади.

Сейди Али Раис мамлакатдаги сиёсий вазият Абдулатифхоннинг вафоти, Бухоро тахтини эгаллаш учун олиб борилган курашлар, Наврўз Аҳмадхон Самарқанд, Шаҳрисабз, Бухорони эгаллагани ва Шаҳрисабзда бўлиб ўтган жангда турк аскарларининг бир-неча бошлиқлари ҳалок бўлганлиги ҳақида ҳам тўхталиб ўтади. Наврўз Аҳмадхон Самарқандга қайтиб келгач, турк аскарларининг бир қисми Аҳмад Човуш билан Румга қайтиб кетади. Қолган бир қанча яничар (турк аскарлари)лар Бухорода, Наврўз Аҳмадхон ёнида эса юз элликка яқини қолган[11, Б. 97-106]. Дастлаб, Наврўз Аҳмадхон ҳузурида уч юзта турк аскари бўлган[4, Б. 29; 6, Б. 34].

1551 йилларда Султон Сулаймон Қонуний Абдулатифхонга Аҳмад Човуш орқали маълум бир миқдордаги ўқчи ва отлиқ аскар юборган эди[1, Б. 82]. Улар етиб келганида мамлакатни Наврўз Аҳмадхон бошқармоқда эди. Наврўз Аҳмадхон ҳокимиятни қўлга киритгач Султон Сулаймон Қонунийга Абдулатифхон (1540-1551)нинг вафот этганлигини ва Истанбулдан 300 та ўқчи, тўпчи ва отлиқ аскарларнинг етиб келганлигини маълум қилиб элчи юборади.

Наврўз Аҳмадхон Сейди Али Раисга кетишига рухсат беради ва у билан бирга Аҳмад Яссавий авлодидан бўлган Садри Олам Шайхни элчи қилиб жўнатади. Наврўз Аҳмадхон кейинроқ 1556 йилда элчиси Қутлуғ Пўлат орқали жўнатган мактубида Бухорони эгаллагани ҳақида ёзади ва Сафавийларга қарши юриш учун ёрдам сўрайди[7, Б. 530]. Лекин Усманийлар давлати Сафавийлар билан 1551 йилда Амасия шартномасини имзолагани учун ёрдам қила олмаслигини билдиради. Усманийлар султони агарда Сафавийлар Ўрта Осиёга ҳужум қилгудек бўлса бунга ҳам қарши эканлигини маълум қилади. Эрон-Усманийлар муносабатлари шоҳ Тахмасп (1525-1576)нинг вафотига қадар дўстона давом этади.

Сейди Али Раис Самарқандда Қуръони-каримнинг эски нусхасини кўрганлигини ёзади. У Самарқандда Абу Мансур Мотрудий, Шоҳи Зинда, Хожа Аҳрор қабрларини зиёрат қилади. Карманага, Зарафшон дарёсидан ўтиб Ғиждувонга келади ва Абдуҳолик Ғиждувоний қабрини ҳам зиёрат қилиб Бухоро шаҳрига келади. Бухорода ўн беш кун бўлиб Баҳовуддин Нақшбандий, Чорбакр, Сайид Мирқуллол, Исмоил Сомоний, Ҳазрати Айюб, Хоразмда эса Паҳлавон Маҳмуд, Нажмиддин Кубро, Замаҳшарий қабрларини зиёрат қилади.

Меҳмед Амин Афанди “Истанбулдан Ўрта Осиёга саёҳат” асари 1878 йилда Истанбулда нашр қилинган. Иккинчи марта Риза Акдемир томонидан Анқарада 1986 йилда нашр қилинган.

Меҳмед Амин Афанди 1877 йилда саёҳат қилиш мақсадида Истанбулдан йўлга чиқади. Қора денгиз орқали келган сайёҳ дастлаб Кавказга сўнгра Ўрта Осиёга келади. Муаллифнинг китобидан Европанинг кўпгина давлатларида ҳам бўлганлигини билишимиз мумкин.

Муаллиф Хоразмни тарихга гўзаллиги ва бойлиги билан танилган шаҳар деб таърифлайди. Сайёҳ Кўҳна Урганчнинг юксак ва машҳур миноралари ва авлиё қабрларини кўриш билан янги кунини бошлаганлиги ёзади. “Кўҳна Урганчга келаркан йўлда йўловчилардан бири менга отини берди. Мен 25 кундир йўлда эдим. Менинг аҳволимни кўриб раҳми келди. Бу ҳолатда мен бой ва ҳашаматли Хоразмда Султон Маҳмуд Жалолиддин Хоразмшоҳ даврида юргандай ҳис қилдим”[3, Б. 113].

Меҳмед Амин Афанди Хива гиламларининг дунёнинг ҳар ерида гўзал саънат намунаси сифатида ўзини намоён қилади деб ёзади. XIX асрда Бухоро ва Хивада тайёрланган йўл-йўл олтин ва кумуш нақшли парча, атлас, адраслар ва улардан тайёрланган буюмлар, коракқл тери, гиламларни Эрон, Туркия, Хитой бозорларида учратиш мумкин эди[9, Б. 51].

Сайёҳ Кўҳна Урганчдаги хонадонларнинг бирида меҳмон бўлади. Бу ҳақида у “бу одамлар шу даражада қўли очиқ одамлар эдики, уларнинг меҳмонларга кўрсатадиган иззат ва икромни дунёнинг ҳеч бир ерида, ҳеч бир халқ кўрсата олмайди[3, Б. 123]” деб ёзади. Унинг шарафига қўй сўйилганлигини, энг яхши қовунларни танлаб дастурхонга қўйганлигини, Хивада нафақат қаҳвани, балки унинг номини ҳам билмаслигини, Ҳиндистондан келтирилган чой ичилишини таъкиблаб ўтади. Бу даврда Ҳиндистондан Ўрта Осиёга Палампур кўк чойи, Бомбей ва Калькутта қора чойлари олиб келинган[7, Б. 191]. Хивада бу даврда буғдой, жавдар, кунжут жуда кўп экилган. Халқ асосан кунжут ёғини ишлатган. Ипак қуртининг асосий озуқаси бўлган тут дарахти ҳам кўп экилган. Хива тарвузи, совуни шарҳ мамлакатларида жуда машҳур бўлган. Хива тарвузининг биттаси Боғдод бозорларида 700 дирҳамга сотилган[4, Б. 91-92].

Муаллиф Хива хонлигининг Хивадан кейинги энг катта шаҳри, гавжум шаҳри Урганч эканлигини таъкидлаб ўтади. Оренбург ва Бухородан Урганчга тинмай савдо қарвонлари қатнаб турган, шаҳар савдогарларининг Оренбург, Москва каби машҳур шаҳарларда, Эронда, Ҳиндистонда ҳам савдо

шериклари бўлган. Ўрта Осиёнинг Эрон билан алоқалари Марв ва Машҳад ёки Каспий денгизи бўйлаб ўтадиган Хива-Машҳад ўли билан олиб борилган. Машҳад-Марв йўлининг хавфли бўлганлиги боис Ўрта Осиёлик хожилар Маккага боришда Оренбург-Астрахон-Туркия орқали узок, бироқ хавфсиз йўлини афзал кўрганлар. Астрахон қадимдан Хиванинг ташқи иқтисодий алоқарида қулай савдо маркази бўлган. Астрахонга чўлдан ўтиб Хивага, у ердан Манғишлоққа келиб, Каспийга қатнайди деган кемаларда борилар эди[8, Б. 165-166].

Меҳмед Амин Афанди Хивада отларга катта аҳамият берилганлигини, “Китне Тоғас” лақабли баҳоси юз тилла (икки юз эллик лира) бўлган отни кўрганлигини, отларнинг шу қадар қиммат эканлигини кўриб ҳайратланганлиги ёзади. Истанбулда бу даврда энг қимматли отлар ўн беш, йигирма лирага сотилган. Хивада қозоқ, ябу оти деб ном олган зотли отлар Истанбул отларига ўхшамаслиги, кичкина бўлса ҳам чидамли, чопқирлиги ҳақида ёзади.

Меҳмед Амин Афанди Хива хони Муҳаммад Раҳимхон II (1865-1910) билан ҳам учрашади. У Хива хони ҳақида “Узун бўйли, соғлом, гавдали, келишган, виқорли кўринади. Илм соҳибларига кўрсатган ҳурматига қусур йўқ, қўли очик бир подшоҳдир” деб ёзади. Муҳаммад Раҳимхон II ва Меҳмед Амин Афандилар дунёдаги сиёсий вазият, техника соҳасига оид ихтиролар ҳақида суҳбатлашади. Муаллифнинг таъкидлашича, Хивада ўша даврда ўн олти масжид ва иккита мадраса бўлган[3, Б. 121]. Уйлар ғиштдан Бағдодий услубда қурилган, уйнинг эшиклари ва деворлари нафис уйма нақшлар билан безатилган.

Меҳмед Амин Афанди асарининг сўнгида Хивадан ташқари Тошкент, Қўқон ва Қашғарга ҳам борганлигини, Афғонистон орқали Ҳиндистонга ўтганлигини сўнгра Истанбулга қайтганлигини ёзади. Муаллиф бу саёҳатлари тафсилотлари ҳақида кейинги китобларида батафсил маълумотлар бериб ўтишини таъкидлайди.

Хулоса қилиб айтганда, Сейди Али Раиснинг “Мирьотул мамолик” ва Меҳмед Амин Афандининг “Истанбулдан Ўрта Осиёга саёҳат” асарлари XVI-XIX асрлардаги Ўрта Осиё тарихига оид сиёсий, иқтисодий, элчилик алоқалари, географик, этнографик, карвон ва алоқа йўллари ҳақида қимматли маълумотларни берувчи муҳим манбадир.

#### **Адабиётлар:**

1. Budak. M. Osmanli–Ozbek iliskilerinin baslanisi // Avrasya etyudlari. 1995. №4. s. 82.
2. Kilic. R. Osmanli-Ozbek iliskileri (1530-1555). Turk Kulturu. sayi 437. 1999. XXXVII. 530 s.
3. Mehmet Emin Efendi. Istanbuldan O’rta Asyaya seyahat. Ankara. 1986. 113 s.
4. Suavi Ali. Hive hanligi ve Turkistanda Rus yayilmasi. Hazirlayan M.Abduhalik Cay. s. 29.

5. Абдуллаев Ф. Маърифат фидойиси// Шарқшунослик. 1999. №9. 185-бет.
6. Азимжонова С. Сейди Али Раис ва унинг “Миръотул мамолик” асари ҳақида. Тошкент: Фан. 1963.
7. Байкова Н.Б. Из истории караванной торговли между Средней Азией и Северной Индией в XIX в. Взаимоотношение народов Средней Азии и сопредельных стран Востока. Ташкент, 1963. с. 191.
8. Валиева Д. XIX асрнинг биринчи ярмида Бухоро ва Хиванинг ташқи иқтисодий алоқарига доир (Архив ҳужжатлари асосида) // Шарқшунослик. 1997. №8. 165-166 б.
9. Валиева Д.Среднеазиатско-иранские отношения в первом половине XIX века. Взаимоотношение народов Средней Азии и сопредельных стран Востока. Ташкент, 1963. с. 51
10. Крачковский И.Ю. История арабской литературы. Избранные сочинения. Т. IV. М., 1957.
11. Сейди Али Раис. Миръотул мамолик. Тошкент: Фан. 1963. 97-106-бетлар.

## **ҚАШҚАДАРЁ ВОҲАСИНИНГ XIX АСР ИККИНЧИ ЯРМИ – XX АСР БОШЛАРИДАГИ ХАЛҚАРО САВДО АЛОҚАЛАРИ ТАРИХИ**

**Ражабова Н.**

*т.ф.н., доц.,*

*Қарши Давлат университети*

XVIII асрнинг иккинчи ярмидан бошлаб Бухоро амирлигининг кўпгина шаҳарларида (Бухоро, Қарши, Термиз, Шахрисабз, Ғузур ва бошқалар) карвонсаройлар қурилишига катта эътибор берилди. Бу ҳолат Бухоро амирлигининг Россия, Ҳиндистон, Эрон, Афғонистон ва қўшни хонликлар билан савдо-иқтисодий алоқаларининг ривожланиб бораётганлиги билан боғлиқ эди. Шунингдек, Ҳирот, Машҳад ва Кашмир билан [1. С. 171-176] савдо алоқалари йўлга қўйилган. Қобулдан ҳам амирлик шаҳарларига турли маҳсулотлар келтирилган. XIX аср маълумотларидан маълум бўлишича, Қобулдан амирлик шаҳарларига “ўсма, зарчуба, айрим афғон қуроллари, найзалар, пичоқлар, камонлар, гуруч ва қисман тулки терилари” келтирилган [2. С. 80]. Эрондан амирлик шаҳарларига турли бўёқлар, чит, симоб, мурч, қурол-яроғ, кумуш ва кўплаб қўлғина босма китоблар келтирилди эди. Ҳиротдан “қуруқ мевалар, қўй терилари ва қўллар, Марвдан туркман отлари ва қурол [3. С. 136]” олиб келинган бўлса, Қошғар ва Қўқон орқали Хитойдан тўқтачой (ғишт чой), оққуйруқ (кўк чой), чинни идишлар, кумуш ёмбилар [4. С. 81] каби маҳсулотлар келтирилган.

Ўрганилаётган давр амирлик шаҳарларидан қўшни мамлакатларга турли хил ип, ипак ва жун газламлар, тайёр кийим-бош етказиб берилган.

Венгриялик олим А. Вамбери “Маҳаллий маҳсулотларнинг ҳаммаси арзон бўлиб, шунинг учун ҳам Бухоро шаҳарларининг кўйлак бозори Хитой Татариясигача бўлган барча мусулмонларни серҳашам кийим билан таъминлайди” [5. С. 145], дея маълумот беради. Яна бир муаллифнинг хабар беришича, ...Бухоро амирлигидан Қобулга отлар, мис, адрас, юпка мато тўплар, симлар, феруза, ипак, чой, Хитой маҳсулотлари ва шойи рўмоллар олиб борилган [6. С. 207].

Бухоро шаҳарларида тўқилган турли матолар, кийим - бош Россияга ҳам олиб борилган. Мисол учун, 1769 йилда “кўплаб оддий ва тўқилиш сифати турлича бўлган ип газламалар, мато тўплар Оренбургга келтирилган”. Шунингдек, бу шаҳарга “қиммат нархда сотиб олинган кул ранг ва жингалаксимон Бухоро қоракўллари, феруза ва бошқа қимматбаҳо тошлар, қуритилган ўриклар, шафтоли ва жуда ёқимли майда узум, кишмиш, ёнғоқлар ҳам олиб келинган” [7. С. 349].

Бухоро амирлигида туркман гиламларига талаб катта бўлган. Ўз навбатида туркман савдогарлари амирлик шаҳарларидан кийим-кечак учун керак бўлган бўз ва бошқа матолар олиб кетганлар. Амирлик савдогарлари Балх ва Бадахшонда (Термиз орқали) ҳам қизгин савдо ишларини олиб борганлар. Бу ҳудудларга амирлик шаҳарларидан қозонлар, Бухоро матолари, Россиядан келтирилган игна, ойна, қайчи ва шу каби бошқа маҳсулотлар олиб келинган. Бухорога эса олтин, кумуш олиб қайтишган. Амирликнинг савдо қарвонлари Қобул, Ҳиндистон, Хитой, Шарқий Туркистон билан ҳам савдо қилганлар [8. С. 41-42].

Амирлик ўзининг савдо алоқаларини олиб боришда Россия билан бўлган савдо муносабатларини ривожлантиришга катта эътибор берган эди. Бу ҳудудлар ўртасидаги савдо алоқалари Оренбург орқали олиб борилган. Оренбургда жуда катта савдо маркази қурилган бўлиб, бу ерда доимий ташкил этиладиган савдо ярмаркаларида амирлик савдогарлари фаол иштирок этиб турганлар [9. Б. 91]. Маълумотларга кўра, XVIII асрнинг 80-90-йилларида Бухоро амирлиги билан Россия империяси ўртасидаги савдо алоқалари анча тез ривожланади. Бу даврда амирлик шаҳарларидан Россияга ипак матолар, ипак хом ашёси, тери хом ашёси, тери қайишлар, пахта, ип, газлама, тамаки, қоракўл каби маҳсулотлар, олтин ва кумуш олиб борилган. Россиядан эса мих, ойна, игналар, қанд, шакар олиб келинган. 1801 йилдан бошлаб, то XIX асрнинг ўрталарига қадар амирлик шаҳарларига Россиядан кўплаб темир, мис, чўян ҳатто олтин ва кумуш олиб келинган [10. С. 42-43].

Маълумотларнинг таҳлилларига эътибор берадиган бўлсак, Россия империяси босқинига қадар пахта ва пахтадан ишланган маҳсулотлар амирлик савдосининг асосини ташкил этган. Амирликнинг Россия билан савдо алоқаларида Бухоро, Самарқанд билан бирга Қарши ва Шаҳрисабз ҳам йирик шаҳарлари сифатида асосий савдо марказлари ҳисобланган.



П. Небольсиннинг маълумотларига қараганда 1858 йилда Россия билан Бухоро амирлиги ўртасидаги савдо айланмаси 11 млн. рублни, 1862 йилда эса 15 млн. рублни ташкил этган [11. С. 22-23]. Тадқиқотчиларнинг таҳлиллари шуни кўрсатадики, савдо-сотик ишлари айланмасидаги катта улуш Бухоро амирлиги ҳиссасига тўғри келган. Бу даврда ҳам Бухородан Россияга, асосан пахта ва ундан тайёрланган маҳсулотлар олиб борилган [12. Б. 92].

XIX асрнинг ўрталарига келиб Ўрта Осиё хонликларида маҳсулот ишлаб чиқариши нисбатан ортиши натижасида савдогарлар (жумладан, ҳукмрон доиралар ҳам) чет мамлакатлар билан савдо алоқаларини кучайтириб бордилар. Мисол учун, Бухоро амирлиги савдогарлари Россияга кўпроқ пахта ва ип-газлама маҳсулотларини олиб бориб, у ёқдан темир ва мис келтира бошладилар. Ушбу материаллардан амирлик шаҳарларида меҳнат қуроллари ва рўзғор буюмлари ясалди, тангалар зарб қилинди. Фикримизча, ўрганилаётган даврда хонликлар ҳудудларидан маълум даражада қимматбаҳо металллар, аввало, олтин ва кумуш қазиб олинса-да, бироқ у тобора ошиб бораётган аҳоли эҳтиёжлари ва талабларини қондира олмас эди. Айнан шунинг учун ҳам қимматбаҳо металлларнинг катта қисми Россия, Ҳиндистон, Эрон ва Хитойдан келтирилган эди.

Биз ўрганаётган давр Бухоро амирлиги айрим шаҳарларининг улгуржи савдо амалга ошириладиган марказлар сифатидаги аҳамияти ортиб борди. Бундай шаҳарлар жумласига турли карвон йўллари тутшиб кетган ҳудудларда жойлашган, транзит ва ташқи савдо кенг ривожланган Қарши, Китоб, Шаҳрисабз, Ғузор каби шаҳарларни киритиш мумкин. Амирлик шаҳарларида ташқи савдо юритилишининг асрлар давомида шаклланган қонун-қоидалари мавжуд бўлган. Мисол учун, турли давлатлардан Бухоро амирлигига келаётган савдо карвонларининг молларини пойтахтга қадар очиб текширмаганлар. Манбада маълумот берилишича, Ҳиндистон ва Афғонистондан Қаршига борувчи карвонлар ўз молларини бу ерда очмаганлар. Тўғри Бухорога ўтиб кетиб, у ерда закот тўлаганлар ва шундан сўнггина у ердан маҳсулотларининг айримларини, жумладан, ҳинд чойини яна Қаршига сотиш учун олиб келганлар [13. С. 227].

Хуллас, кўриб чиқилган даврда Қашқадарё воҳасидаги мавжуд шаҳарлар нафақат амирлик, балки жаҳон аҳамиятига молик савдо алоқаларини олиб боришда ўзига хос ўринга эга бўлганликларини ўша даврдаги манбалар асосида таҳлил қилиб берилди.

### **Адабиётлар:**

1. Ханьков Н. Описание Бухарского ханства. Санкт-Петербург, 1843. – С. 171 - 176.
2. Записки о Бухарском ханстве (Отчеты П.И. Демизона и И.В. Веткевича). – М., Наука, 1983. – С. 80.

3. Петровский Н. Моя поездка в Бухару. Путевые наблюдения и заметки. Ч. 2. – Т., 1872. – С. 136.
  4. Записки о Бухарском ханстве... – С. 81.
  5. Вамбери А. Путешествие по Средней Азии. М., 1874. – С. 145.
  6. Путешествие Мир Иззет Уллы от границы Кокандского ханства до города Самарканда // Труды САГУ. Вып. X.C. Ист.науки. Кн.14. – Т., 1957. – С. 207.
  7. Паллас П.С.Путешествие по русским провинциям Российской империи. – Ч.1. – СПб. 809/1769 г. Оренбург. – С. 349.
  8. Михалева Г.А. Торговые и посольские связи России со среднеазиатскими ханствами через Оренбург. – Т., 1992. – С. 41 - 42.
  9. Холиқова Р. Россия-Бухоро: тарихчоррахасида (XIX асрнинг асрнинг иккинчи ярми – XX аср бошлари). – М., 2005. – Б. 91.
  10. Михалева Г.А. Торговые и посольские связи России со среднеазиатскими ханствами через Оренбург (вторая половина XVIII - первая половина XIX в.)Г. А. Михалева.-Ташкент:Фан,1982.– С. 42 - 43
  11. Небольсин П.П. Очерк торговли России со Средней Азии // Записки географического общества. Т.Х. – СПб., 1856. – С. 22 - 23
  12. Холиқова Р. Россия-Бухоро: тарихчоррахасида.. – Б 92.
  13. Петровский Н. Моя поездка в Бухару// Вестник Европы. Т. II. 1873. С. 212.
- Мавлонов, Ў. (2008). Марказий Осиёнинг қадимги йўллари: шаклланиши ва ривожланиш босқичлари. Тошкент: Академия.
- Сагдуллаев, А., & Мавлонов, У. (2006). Узоекистонда давлат бошқаруви тарихи.
- Мавлонов, Ў., & Маҳкамова, Д. (2004). Маданий алоқалар ва савдо йўллари. Тошкент: Академия.
- Мавлонов, У. М. (1994). Торговые и культурные связи Кашкадарьинского оазиса в XVII-XIX вв.
- Мавлонов, У. М., Каримов, Я. А., & Артиков, Х. (2017). Место амударьинских переправ в коммуникационной системе центральной Азии. *The Newman in Foreign policy*, (38 (82)), 54-58.

## САВДО ЙЎЛЛАРИ ВА УНИНГ АҲАМИЯТИ

Қудияров А.Р.

*т.ф.н., доц.,*

*Қорақалпоқ Давлат университети*

1937-йилдан бошлаб республикамизда илмий-изланишларини олиб борган Хоразм археология-этнография экспедицияси Ғарб билан Шарқни боғлаб келган «Буюк Ипак йўли» ўлкамиз орқали ўтганлигини далиллаб берди. Улкан икки дарё оралиғидаги Ўрта Осиёнинг Мисри” деб аталган Қорақалпоғистон ҳудуди жаҳон маданиятининг қадимги марказларидан биридир. Жанубий Орол бўйи шаҳарлари Буюк Ипак йўли орқали савдога ўрта асрларда экспорт, импортга 40 дан ортиқ маҳсулот турларининг чиқарилганлиги ёзма ва археологик манбалар билан тасдиқланди. Халқлар орасидаги алоқалар фақатгина савдо ва элчилик муносабатларидан иборат бўлиб қолмай, балки халқимизни маданий ва маънавий жиҳатдан ривожлантирувчи восита бўлиб ҳам хизмат қилади. Донишмандлар айтганидек «Қайси мамлакатнинг олими ва савдогарлари кўп бўлса, шу эл-юрт бой бўлади». Ўрта асрларда Кердер шаҳарлари орқали ўтган савдо йўли шаҳарларнинг ўсишига имконият яратди. Шаҳар халқи фақат хўжалик маҳсулотларини ишлаб чиқарибгина қолмасдан, атрофидаги элатлар ва кўчманчи қавмлар билан иқтисодий, маданий алоқада бўлган. Қиёт шаҳридан чиққан гузар карвон йўллари Миздахқан, Дарсан, Кердер, Куйик қалъа, Қорғанша орқали, Оролнинг шарқий ёқалари билан Сирдарё бўйлаб ўтувчи Буюк Ипак йўлига туташган. Натижада Кердер вилояти Фарғона, Бухоро, Тароз, Ўтрор билан савдо қилган. Миздахқандан Тан империяси даврига оид Хитой тангасининг топилиши, ташқи давлатлардан келган тоғ хрусталидан ясалган мунчоқларнинг учраши Кердер шаҳарларининг халқаро савдо алоқаларида бўлганини тасдиқлайди. Кердер аҳолиси зич жойлашган шаҳар, халқи деҳқончилик билан шуғулланган, унда кўплаб қорақўл тери тайёрланган [1, Б. 22].

Шу билан бирга Мақдисий Бухородан Хоразмга ўтивчи йўлда 7 работ, 2 шаҳар, Шўрохон, Қиёт шаҳарларини кўрсатиш билан бирга 6 та тўхташ жойини эслатиб ўтади. Қиёт шаҳри аҳамиятли савдо-иқтисодий ва маданий марказ бўлиб, ҳудуд орқали ўтивчи транзит савдо йўллари ва ички аҳамиятга эга йўллар шу шаҳар орқали ўтган. Араб олимларининг маълумотларига таянсақ, аҳамиятли савдо йўллари чоррахасида жойлашган Қиёт шаҳрига кўплаб Шарқ мамлакатларидан савдогарлар келиб, савдо-сотик ишлари билан шуғилланувчиларга ишонч кучли бўлган. Мовароуннаҳр, Хуросон, Журжония ва шимолдаги Булғорлар мамлақати, славянлар юртига ўтувчи ҳеч бир карвон, ҳатто шимолдан Мовароуннаҳр ва Хуросонга, у ердан Ҳиндистонга, ҳатто Хитойга ўтувчи ҳеч қайси йирик савдо карвони Қиётда тўхтамай ўтмаган. Бу шаҳар Шарқ ва Ғарб, Шимол ва Жануб мамлақатлари савдосида аҳамиятли улгуржи савдо маркази ҳисобланган. Ҳатто ўзининг кўп

йиллик саёхатлари даврида ҳеч нарсага ҳайрон қолмайдиган араб саёхатчиси ва географи Муқаддасий Қиётда бўлганида бу шаҳарнинг ва умуман жанубий Орал буйи шаҳарларининг савдо адоқалари кўламига лол қолганини ёзиб қолдиради. Ички ва ташқи савдо қуруқликдаги йўллар ва сув йўллари бўйлаб Амударё ва унинг каналлари орқали юргизилган. Муқаддасийнинг маълумот беришича, Қиёт шаҳри дарё кемалари ясаладиган ва таъмирланадиган асосий марказ ҳисобланган[2, Б. 74-75].

Жанубий Оралбўйи шаҳарлари орасида маданияти ривожланган Миздахқан қаласи ҳудудидан ўтган савдо қарвонлари қалъа ҳунармандчиларининг қимматбаҳо буюмларини олиб кетиб, бу ерга чет эл буюмларини олиб келган. Миздахқан қалъасининг савдо алоқалари Ҳинд океанидан олиб келтирилган қаури чиғаноқлари, коралл (маржон), Хитойнинг салатон, фарфор идишлари, танга, Эрон ва Византиядан олиб келинган қуш, арслон, суратлари бор, олтин ипли газламалар ҳамда Олтин Ўрдахонлари Ўзбек, Бердибек, Жонибеклар тангаларининг топилиши билан исботланади. Амударё бўйларида жойлашган шаҳарлар ҳудудидан сув ва қуруқлик орқали савдо йўллари ўтди[3, Б. 31].

Миздахқанда олиб борилган археологик изланишлар давомида фанда жумбоқ бўлиб келаётган номаълум бир қатор янги эсдаликларни очишга эришилди. Улар ўз навбатида эсдаликнинг сир-сандиғини очишга ёрдамини текказди. Шуларнинг қаторида савдонинг ривожланганлиги ҳақида манбаларни айтиб ўтиш жоиз. Шунингдек, шу даврларда чиқарилган тангаларнинг иморат атрофидан топилгани ҳам маълум. Унинг маданий қатламларидан топилган 1345-1346, 1370-1371, 1373-1374-йиллари чиқарилган тангалар ўттиз йилга яқин муомалада бўлганлигини кўрсатади[4, Б. 10]. Қорақалпоғистон ҳудуди орқали ўтган Буюк Ипак йўли тарихида қарвонсаройларнинг хизматлари катта бўлган. Ўлкамизга келаётган чет эл савдо қарвонлари, улар билан бирга чиққан саёхатчи олимлар ва бошқа йўловчиларнинг кўпчилиги шу ердан ўтган. Уларнинг тўхтаб ўтишлари учун, йўл бўйидаги қишлоқ ва шаҳарлар оралиғида, ҳар бир кунлик масофада қарвонсаройлар қурилган. Бу қарвонсаройларда, Миздахқан ва Куйик қалъаларда олиб борилган археологик изланишлар натижасида топилган тангаларга қараганда, Хитой, Византия ва бошқа мамлакатлардан савдогарлар тўхтаб ўтганлиги маълум. Халқаро савдо йўллар бўйлаб, қарвонсаройлардан ташқари, алоқа вазифасини бажарувчи устунлар – миноралар қурилган. Миноралар, бир-бирига аниқ кўринадиган, шу ҳудуддаги энг баланд жойларга ўрнатилиб, улар орқали давлат аҳамиятига эга хабарлар тез етказилган. Бундай хабарлар, кундуз кунни маҳсус қўйилган отлар ёрдамида, тунда бўлса гулхан ёрдамида берилган. Устунлар, баланд жойларда ўрнатилганлиги сабабли, қарвонларга узоқдан кўриниб, йўл кўрсатувчи маёқ вазифасини бажарган. Султон Увайс бобо қадамжоси билан Устюртгача ораликнинг қисқа бўлагидаги Султон Увайс бобо устунни, Қизилқалъа, Қояншиқ устунни, Абу Муслим қалъа, Хожакўл устунни, Шилпик, Егизтўба,

Етимтўба, Назархан устунни, Кушхона устунни каби эсдаликлар аниқланган[5, Б. 16].

Куйик қалъадан топилган Византия материаллари билан Тахтакўпирдан топилган 200 га яқин Сосоний (Эрон ) тангалари илк ўрта асрларда Шарққа қараб савдо йўлининг ўтганлигини кўрсатади. Машхур Хитой сайёҳи Чжан Цянь «Амударё бўйида савдо-сотик билан шуғулланувчи одамлар яшайди. Улар қуруклик ва сув йўллари орқали ўз маҳсулотларини бир неча минг лигача (ҳозирги 1 ли 579 метр, қадимги ва ўрта асрларда 1 ли 350 метрга яқин бўлган) бўлган масофага етказиб беради» деб ёзиб қолдирган. Унинг ёзишича Мовароуннаҳр ва Хоразм халқи савдо-сотик ишларини жуда кенг турда олиб борган. Кейинги пайтларда ўлкамиз худудидан топилган илмий янгиликлар қаторига Тахтакўпир хазинаси киради. Тахтакўпир қалъаси атрофидан топилган бу хазинада ҳар бирида тахминан икки юзта тангадан иборат икки кўза бор. Олимларнинг аниқлишича, улар V асрнинг охири VI асрнинг бошларидаги Хоразм ҳукмдорлари томонидан юқори сифатли кумушдан қуйилган. Тахтакўпир хазинаси юртимизнинг V-VII асрлардаги сиёсий, иқтисодий ва маданий тарихини, бошқа халқлар билан алоқаларини аниқлашда бебаҳо манба бўлиб ҳисобланади. Шунингдек, халқаро савдо йўлларининг ўлкамизнинг шимолий туманлари орқали ўткан тармоқлари ҳақида янада тўлиқроқ сўз юритишга имконият беради. Аниқроқ айтганда қадимдан маълум бўлиб келган ўлкамизга жанубдан келувчи Хитой-Самарқанд-Бухоро йўли билан бирга, унинг шарқдан Сирдарё тарафдан ҳам ўтганлиги маълум бўлди. Бу ўз навбатида шу даврларда ушбу йўл бўйлаб қишлоқ ва шаҳарларнинг бўлганлигини кўрсатади ва улар бўйича ҳар томонлама изланишлар юргитишни талаб қилади. Ҳозирча, бу йўл бўйида, ҳар ҳил даврларга оид бўлишига қарамасдан, Шарқдан Ғарбга қараб қуйидаги эсдаликларнинг маълум эканлигини айтиб ўтишимиз жоиз. Барақтам, Тақ минар, Қос минар, Жаман қалъа, Қорғанша (Қобланнинг қалъаси), Ақ жағис (Айдос қала), (Тахтакўпир), Сейит несип минораси, Мурат шайх минораси, Қирк йигитнинг қалъаси, Катта ва кичик Бағдод (Қараўзак), Шахтемир, Тўк қалъа, Қирон қалъа (Нукус тумани), Миздахқан – Хўжайли. X-XI асрларда Шорахан, Қиёт қалъалари орқали жанубдан келган карвонларнинг Кердер қалъаларигача етканлиги араб-форс олимлари асарларидан маълум. Унга Тўк қалъадан Самарқанд, Чағониён ҳукмдорларининг, эфталлардан Хусрав тангалари, аббосийларнинг фельеси, ёки Миздахқандан топилган Хитойнинг Сун сулоласи вакили император Тан Цзуннинг 976-997-йиллар оралиғида чиқарган тангаси, Куйик қалъадан топилган Византия императори Тиберий III Апсимаранинг 698-705-йили чиқарган олтин тангаси мисол бўла олади[6, Б. 35-37]. Қорақалпоғистон худудидан Буюк Ипак йўлининг ўтганига боғлиқ 1989, 1991-йиллари Республикамиз орқали БМТ нинг ЮНЕСКО ташкилоти томонидан ташкиллаштирилган, дунёнинг 24 мамлакати вакилларидан ташкил топган экспедиция ўтказилди. Улар Аязқалъа, Ёнбош қалъа, Тупроққалъа, Миздахқан сингари ажойиб эсдаликларимиз билан танишди.

Халқимизнинг миллий маданияти, урф-одат дастурлари билан танишиб, бахши-жировларини тинглади[7, Б. 21]. Бу ерда яшовчи халқлар кўшни худудда яшовчи халқлар билан мустақкам иқтисодий алоқада бўлди. Бу йўлларнинг чоррахасида жойлашган ўлкамиз савдо алоқаларида Орол атрофи билан шарқий Европани бирлаштирувчи «Дарвоза» сифатида хизмат қилган.

Қадимги ва ўрта асрларда ўлкамиз орқали ўтган савдо йўллари маданий алоқалар йўли сифатида ҳам маълум бўлган. Савдо йўллари бўйида жойлашган қалалар, карвонсаройлар маданий марказлари сифатида танилган. Ушбу йўл муносабатларини ўрганиш орқали Жанубий Оролбўйлари қадимги ва ўрта асрларда иқтисодий-маданий алоқалар марказларидан бири эканлигини кўрсатиб берди. Ўлкамиз орқали ўтган йўллар, йўл бўйидаги жойлашган қалъа ва овуллар, хизмат кўрсатувчи ҳар хил қурилишлар, савдо ва хунармандчилик, шу даврдаги халқимизнинг ижтимоий-иқтисодий ва маданий турмушини ўрганишда қимматли маълумот бўлиб ҳисобланади.

#### **Адабиётлар:**

1. Худуд ул-Олам. Т. 2008.
2. Мавлонов Ў., Маҳкамов Д. Маданий алоқалар ва савдо йўллари. Т. 2004.
3. Қидирниязов М-Ш. Алтын Орда дэўириндеги Тўслик Арал бойы мәденияты. Н. 1993.
4. Хожаниязов Ғ. Назлымхансулыў// «Арал қызлары» 1991, № 2.
5. Хожаниязов Ғ., Оразымбетов Ж. Назархан. Н. 2006.
6. Хожаниязов Ғ. Тахтакөпирғэзийнеси// «Арал қызлары» 2003, №1-2.
7. Есбергенов Х. Қоңырат тарийхий хэмме дений естеликлер Н. 1993.

### **ПРИДОРОЖНЫЕ СОГДИЙСКИЕ ГОСТИНИЦЫ НА ТРАССЕ ВЕЛИКОГО ШЁЛКОВОГО ПУТИ**

**(по археологическим материалам Каршинского оазиса)**

**Шоназаров Ш.Б.**

*стр. преподаватель*

*Национальный университет Узбекистана*

Со времени вхождения Средней Азии в Арабский Халифат в начале VIII в., с оживлением международной торговли и расширением культурных связей с ближневосточным миром, важнейшие жизненные коммуникации региона получили новый импульс развития. Караванные пути, пролежавшие через Среднюю Азию и Казахстан и связывающие страны Запада и Востока, способствовали усилению функции базаров и укрупнению городов [1.С.18.]. Эти города обязательно имели караван-сарай, сочетавшие функции гостиниц и складских помещений [2. С.284.], существовали постоянные дворы как необходимый элемент международной торговли [3. С.11.]. Средневековые караван-сарай строились в комплексе с торговыми и ремесленными рядами, мечетями, медресе и были центром общественной жизни [1.С.18.], и служили важнейшими общественными учреждениями [3.С.9.], также выполняли

функцию почтовой связи [1.С.18.], способствовала тесным взаимным культурным контактам между народами, обмену различными идеологическими представлениями и технологиями, взаимопроникновению обычаев, нравов и традиций [4.16-18 бетлар.], паломничества к святым местам и т.д.[5. С.40-46.]. Именно поэтому Великий Шелковый путь воспринимается как культурный «мост» между Востоком и Западом [3.С.9.]. Торговля в Средней Азии была высоко развита еще до пришествия арабов.

Есть данные, что в VII-VIII вв. в Согде существовали постоянные дворы [6. С.138-139.]. Согдийцы свои гостиницы называли 'spnc (>перс. sipanl «временный») [7. С.86.]. В этом значении согдийское слово зафиксировано в согдийских переводных текстах разного содержания и в старых письмах; 'sp'nc, 'spnc 'гостиница', 'spnt 'святой'[8. С.72, 230.], 'rspn – должность или титул, ср. 'spnc 'rspn «управляющий постоянным двором» (|əspanč|) [9. С.109.], возможно, связано с авест. spanah– «святость» [7. С. 86.]. Данный термин, встречается также во многих согдийских, буддийских, христианских текстах. В манихейской проповеди мирянам, *сарбаг* (s'r β'γ) упоминается рядом с гостиницей ('spnc) и дворцом (л'-'ykn) на третьем месте и передает сирийское magdlā (греч. λυγύζ «укрепление»). Эти же подворья - гостиницы являлись и почтовыми станциями [6. С.107-138.].

*Испони*- древнее поселение на территории Уструшаны было расположено в предгорьях, где развивалось скотоводство. Через его дороги и горные тропы весной и зимой пастухи вели свои стада от степей бассейна Сырдарьи к полям высокогорного Туркестана и обратно [10.С.17-18.]. Термин *испони* происходит от древне-согдийского *спанч* или *испанч*[11. С.37.], т.е. «согдийская гостиница» [10.С.6.]. Таджикский термин «Сипанч», нашедший отражение в таджикской литературе X в. и означающий придорожные временные гостиницы, возник на базе пехлевийско-согдийского термина «спинч». В X-XII вв. в связи с широким развитием арабского языка данный термин был заменен арабскими словами «рабат» и «каравансарай». Селение Исписор расположено в 12 км юго-восточнее Худжанда на перекрестке торговых путей. Исписор возник в I-II вв. н.э. на равнине Даштак, в подпойменной террасе горной речки Такоб. Городок Исписор V-VIII вв. являлся важной караванной остановкой после Худжанда, на трассе Великого шёлкового пути. Суффикс «сор» в слове «Исписор» указывает на то, что здесь имелось много сооружений гостиничного типа. Суффикс «сор» в термине «Исписор» указывает на то, что на этом торговом пункте караванной дороги имелось много сооружений, гостиниц типа Испандж. Данный факт указывает на то, что в раннем и развитом средневековье Исписар являлся после Худжанда очень важным узловым пунктом на трассе ВШП. Исследователи полагают, что следующие топонимы, такие как Испони, Испара (позже Исфара), а также Испиджаб в южном Казахстане, произошли от согдийского слова «Спанча», или «Сипанча». В верховьях реки Такоб археологами исследован ряд поселений эпохи раннего средневековья, в том числе Карабулак, Узук, Лайлак, Андархан, Кайрагач и другие. Эти

сельские округа в прошлом, имели тесные экономические и культурные отношения с селением Исписар, а также городом Худжанд [12.С.5-6.]. Селение с названием Испана находилось на берегу реки Заравшан в Бухарской области [1.С.18.]. В Дарганском оазисе сохранились развалины крепости Испас-кала, расположенной в 90 км от Туркменабата и в 20 км от Бирагизкента, соответствует средневеково-му населенному пункту Асбасу - третьей станции (по дорожнику Истахри), найдя-шейся от Амуля в трех днях пути [13.С.159.].

В средневековых источниках арабские географы упоминают название селения Ибсан (اييسن) - в 1 фарсахе от Насафа. Йакут дает чтение Ибасн. Ась-Сам'ани утверждает, что село Ибсан было расположено в 6-7 км от города Карши [14.С.119.]. Селения Ибсан соответствует кишлак *Каучин*, расположенное в 7 км до центра Бешкента и до центра г. Карши 20 км. Близ юго-западной окраины его находится *Каучинтепа* - крупный бугор, типа двухъярусного, с большой подпрямоугольной вышкой в северной части и относительно небольшим двором. Сохранились лишь небольшие останцы внешнего вала. На поверхности найдены фрагменты тонкостенных кувшинчиков V-VI вв. Близ к. *Каучин* находится два архитектурных памятника комплексы *Имам Маин* и *Хазрети Шейх* [15.С.176.].

В состав комплекса *Имам Маин* входит мечеть, мавзолей, несколько ханакахи, комната омовения, двор, хозяйственные комнаты и огромное кладбище, распротертый на запад. Комплекс появился благодаря культу имама Абул-Му'ин Маймун ибн Мухаммад ибн Мухаммад ибн Му'тамид ибн Мухаммад Макхул ан-Насафи (1027-1114гг.), оставивший значительный след в мусульманской культуре, знаменитый представитель теологической школы калама мотуридийа, видный ученый по фикху [16.5-6 бетлар.].

Полное имя уче-ного, по данным источника, звучало как АбульМу'ин Маймун ибн Мухаммад ибн Му'тадим ибн Мухаммад ибн Макхул ибн аль-Фазл ан-Насафи аль-Макхули. Ученый ась-Сам'ани, АбульМу'ину добавил еще титул «аль-Ибсани». Согласно этому, стано-вится ясным, что АбульМу'ин ан-Насафи родился в данном селе. Ась-Сам'ани называл АбульМу'ина ан-Насафимухаддисом. Он был в почете как факих среди большин-ства улемов. Необходимо отметить роль АбульМу'ина ан-Насафи в раз-витии матуридитского учения в Маверауннахре. Именно эти за-слуги возвели его в статус великого ученого. Все это связано с его произведением «Табсират аль-адилла», которое он написал в последние годы своей жизни [17. С.101-114.]. Ядро всего комплекса *Имам Маин* составляет мавзолей. Своеобразен его интерьер с системой тропов и расположенным над ними ярусом плоских арочек, на котором покоится чаша яйцевидного купола. Сильно выдвинутое по главному фасаду вестибюльное помещение выделено сводчатым порталом. Мавзолей и мечеть, перекрытая куполом, формируют ансамбль, который в XVI веке был дополнен купольной галереей. Комплексный прием планировки и объемной композиции здесь уже значительно сложнее, чем в Хазрет-Шейхе. Вмазанные в стену



гурханыплитки резной поливной терракоты, близкие по типу к облицовкам ранних мавзолеев Шахи-Зинды, когда-то входили в архитектурный декор этого памятника [18.С.251.]. После смерти имам был погребен здесь, вокруг могилы и мавзолея которого современем произрастал огромное кладбище, где хоронят своих умерших родственников населения еще двух кишлаков: Тюракул кавчин и Ширкент кавчин [19. 16 б.].

Топоним *Каучин* тюркское родо-племенное название. В записках Бабура упоминается монгольский род *каучин*. Происхождение слова «*каучин*» восходит к монгольскому слову «*хуучин*» (*хаучин*), что означает «старый, древний» [20. С.34-38.]. Для защиты караванов от разбойников в придорожных гостиницах мог быть небольшой военный гарнизон [3. С.12.]. Возможно также, что оно происходит от *Хоучэн* – «форпост, передовой пост». Употребляется также и как собственное название, например известен уездный город *Хоучен*, существовавший в Маньчжурии. Иероглиф «*хоу*», имеет значение «разведывать, высматривать, следить за ...». Как отмечается в словарях, в просторечии часто употребляется другой иероглиф «*хоу*» «сторожевой пост, небольшая крепость» [21. С.212-213.]. Манц подчеркивает, что *каучины* были наследственным военным классом или группой без внутренней организации [Manz.1989. 163] [22. С.91.]. *Кошун-кавчинов* («из рода особой тысячи») – личная гвардия Тимура. Для обеспечения баланса сил во властной вертикали империи служили элитные воинские части, подчинявшиеся непосредственно Тимуру, в том числе и знаменитый тысячный *кошун* гвардейцев-кавчинов [23.С.23-63.]. Изучение нами во время полевых экспедиций, показывает, что территории кладбищ обычно были разделены между отдельными родовыми подразделениями. По сведению информаторов, жители кишлака Ковчин состоят из следующих родов: Товош, Гамаг, Теват, Аланг, Мангит, Ковчин, Минг и т.д.) [24.].

Таким образом, Комплекс Имам Му'ийн является одной из главных святынь западной части Кашкадарьинской области. В нем сосредоточивались исторические и духовные основы периферии Карши. Мазар Хазрат Имам Муин на протяжении последних веков почитался местным населением как могила святого, к которой совершал паломничество население всего Каршинского оазиса и долины Кашкадарьи. Быть похороненным поблизости от этого мазара было большой честью для каждого мусульманина, и поэтому здесь погребались только самые уважаемые и авторитетные люди всей округи. Для почитаемых «святых» мест как в Средней Азии в целом употребляется общераспространенный термин *мазар* букв. «место поклонения», а также *аулия* «*святой*». В ходе этого исследования намечен новый вариант прохождения торгового пути средневекового периода через Ибсан. Здесь, по всей вероятности, мог быть оптовый рынок, возможно, был селением в предместьях большого в те времена города Насафа. Здесь проходящие через эти места караванчики получали благословение на дальнейший путь.

### Литература:

1. Убайдуллаев Х, Худойбергана Н. Возникновение караван-сараев и их архитектурно-типологическое решение // Эхо истории. 1.(21). 2004. С.18.
2. Исаков Б. Великий Шелковый путь – перекрестки цивилизаций. “Буюк ипак йўлида умуминсоний ва миллий қадриятлар: тил, таълим ва маданият” номли халқаро илмий-амалий конференция материаллари. – Самарқанд: СамДЧТИ нашри, 2016. С.284.
3. Зиливинская Э.Д. Архитектура Золотой Орды. Часть II. Гражданское зодчество: Монография. Казань: Отечество, 2018. С.11.
4. Мавлонов У., Махкамова Д. Маданий алоқалар ва савдо йуллари. Т., “Академия”, 2004. 16-18 бетлар.
5. Немцева Н. Б. Караванными дорогами Голодной стены // Вехи времён: Альманах. 1989. С. 40-46.
6. Смирнова О.И. Очерки по истории Согда. М., 1970. С. 138-139.
7. Лившиц В. А. Согдийские документы из замка Чиль-худжра // ScriptaGregoriana, Сборник в честь семидесятилетия академика Г. М. Бонгард-Левина. М., 2003. С. 86.
8. Лурье П.Б. Историко-лингвистический анализ согдийской топонимии. Диссертация на соискание ученой степени кандидата филологических наук. Санкт-Петербург. 2004. С.72, 230.
9. Лившиц В. А. Согдийская эпиграфика Средней Азии и Семиречья. СПб., 2008. С.109.
10. Аюбов А.Р. Топонимия и материальная культура уструшанцев // Лавровский сборник: Материалы XXXVI и XXXVII Среднеазиатско-Кавказских чтений 2012–2013 гг. Этнология, история, археология, культурология. — СПб.: МАЭ РАН, 2013. С.17-18.
11. Мирбабаев А.К. Испанч, Испони, Исписар // Илмваҳаёт. 1992. № 10. С.37.
12. Бурханов А. А. Археологические памятники Чарджоуского оазиса Лебапского региона на трассе древних и средневековых торгово-караванных путей (Восточный Туркменистан) // Вестник НГУ. Серия: История, филология. 2013. Том. 12. Вып.7. С.159.
13. Камалиддинов Ш.С. «Китаб ал-Ансаб» Абу Са‘ да ‘ Абд ал-Карима ибн Мухаммада ас-Сам‘ани как источник по истории и истории культуры Средней Азии. Издательство «ФАН». Ташкент. 1993. С.119.
14. Кабанов С.К. Нахшеб на рубеже древности и средневековья(III-VII вв.).Ташкент. 1977. С.176.
15. Уватовт У. Абу-л-Муъийн ан-Насафий (хаёти ва мероси). Тошкент. ”Маънавият”, 2003., 5-6 б.
16. Окилов С.С. Абуль Му’ин ан-Насафи – как реформатортеологического учения «матуридизм» в Маверауннахре // Россия и мусульманский мир: Научно-информационный бюллетень / РАН. ИНИОН. Центр науч.-информ. исслед. глобальных и региональных проблем. – М., 2018. – № 3 (309). – 120 с. С. 101-114.

17. Пугаченкова Г. А., Ремпель Л. И. Очерки искусства Средней Азии. Древность и средневековье. // М.: «Искусство». 1982. С.251.

18. Шарапов Ш. Қашқадарё зиёратгоҳлари, 1 китоб, Тошкент.: Voris-nashriyot, 2010., 16 б.

19. Абдурахманова М. И. Роль Бабура в процессе развития социокультурных связей между Центральной и Южной Азией. Монголизмы в «Бабур-наме» Интеллектуальное наследие Захириддина Мухаммада Бабура и современность: Сборник статей и тезисов докладов Международной научно-практической конференции. – М: Пробел-2000, 2020. С. 34-38.

20. Малявкин А.Г. Танские хроники о государствах Центральной Азии. Тексты и исследования. // Новосибирск: 1989. С.212-213.

21. Цит. по: Маликов А. М. Монгольские элементы в этнонимике и этнотопонимах долины Зеравшана (XV-XIX вв.) // Урало-алтайские исследования. 2021. №4 (43). С. 91.

22. Бобров Л.А. Военачальники чагатайской армии Амира Тимура в Кондурчинской битве 1391 г. // Тюркологические исследования 2018. Том 1. № 3. С. 23-63.

23. Шоназаров Ш.Б. Культурные связи Каршинского и Туркестанского оазисов по тюркским тамгам. Ўзбек давлатчилиги ва маданияти тарихида Жанубий Ўзбекистоннинг ўрни // Республика илмий-амалий анжуман материаллари. Қарши. 2011. С. 78-84; Шоназаров Ш.Б. Позднесредневековые надгробные плиты Каршинского оазиса и их аналогии в Казахстане. Маргулановские чтения – 2011// Материалы международной археологической конференции. Астана. 2011. С.183-188.

24. Гольдицер И. Культ святых в Исламе. М 1938. С. 82.

## **БАКТРИЯ ЛАЗУРИТИ – ҚАДИМГИ ШАРҚНИНГ НОДИР МАЪДАНИ**

**Шайдуллаева Г.**

*т.ф.ф.д.(PhD),*

*Ўзбекистон Миллий университети*

Профессор Ў.М. Мавлоновнинг асосий илмий тадқиқот ишлари Марказий Осиёда қадимги йўлларнинг шаклланиши ва эволюциясига бағишланган. Маълумки, йўллар тарихини ўрганиш халқларнинг маданий, иқтисодий алоқаларини ўрганиш демакдир. Устоз Марказий Осиёда илк йўлларнинг пайдо бўлишини палеолит давридан бошлайди ва сўнгги ўрта асрларгача бўлган даврларда кечган маданий ҳаётни, қадимги халқлар ўртасида кечган ассимиляцияжараёнларни очиқ берган.

Йўллар ва унинг тармоқлари ҳамда йўналишларини ўрганишда минераллар асосий манба бўлиб хизмат қилади[12, Б. 119-129]. Қадимги Шарқ ва Ўрта Осиё ўртасидаги маданий алоқалар тарихини ўрганишда лазурит маъдани ва унинг тарқалиш йўллари энг асосий манба бўлиб хизмат қилган. Лазурит маъдани ўрта осиеликлар томонидан энеолит даврида кашф этилган[4, Б. 7-9]. Лазурит (ляпс, ляпс-лазурит, лаъл, бадахшон лаъли,

ложувард, лазавард) илк бронза давридан бошлаб энг машхур минералга айланган, чунки барча Қадимги Шарқ маданиятига оид ёдгорликлардан, айниқса ҳукмдорларнинг қабрларидан жуда бежирим қилиб ясалган тақинчоқлар, муҳрларнинг топилиши шундай хулоса қилишга асос бўлади.

1.Лазурит ҳақида, яъни унинг кимёвий таркиби, табиатда қандай ҳолатда учраши, жойлашган маконлари, қазиб олиш усуллари ҳақида Ўрта Осиёнинг ўрта асрлар даври алломаларидан бири - Абу Райҳон Беруний тўлиқ маълумотлар берган[1- Б. 70-74].

Лазурит қимматбаҳо, юмшоқ таркибли, осмон сингари мовий рангли, бетакрор ва бежирим санъат асарлари яшаш мумкин бўлган минераллардан бири бўлганлиги сабабли жуда қадимдан инсонларнинг диққат ва эътиборини тортган. Инсоният тарихидаги энг қадимги маданий алоқалар ва савдо йўлларининг ҳам шу маъдан номи билан аталиши бежиз эмас. Албатта, гап қадимги Бақтрия, Ҳиндистон ва Месопотамияни боғловчи лазурит йўли ҳақида бормоқда[15- Б. 651-658].

Археостратиграфик тадқиқотларга кўра лазурит Қадимги Шарқ шаҳарларига, жумладан Ур ёки Урукда илк сулолалар давридан бошлаб тарқалган ва иккинчи ва учинчи сулолалар даврида энг кўп учрайдиган минераллардан бирига айланган. Албатта, Ур шаҳри ҳукмдори қабридан топилган нодир топилмалар ҳам бу фикрга мисол бўлади. Месопотамия шаҳарлари тарихига эътибор берадиган бўлсак, ушбу минерал биринчи цивилизация вакиллариининг инкирози давригача узлуксиз бориб турганлигининг гувоҳи бўламиз[4- Б. 54].

Лазуритнинг табиий макони Бақтрияда, яъни тоғли Бадахшонда жойлашган. Бадахшон лазурити жуда қадимдан маълум ва машхур бўлган. Бақтриянинг Қадимги Шарқ маданий марказлари билан маданий алоқалари масаласи нафақат Ўрта Осиё, балки Европа олимлари эътиборини XIX асрдаёқ тортган. Бу қизиқишларнинг сабаби ҳам аниқ, яъни лазуритнинг асосий макони узоқ ва тоғли Бадахшонда жойлашганлиги бўлган, албатта[32- Б. 87]. Лазуритнинг Месопотамия шаҳарларига тарқалишида эронликларнинг ҳамда қадимги ҳиндистонликларнинг ўрни катта бўлган. Улар эгаллаган тарихий географик ўрнига кўра, лазурит савдосида воситачи сифатида фаол иштирок этишганлиги археологик манбалар асосида кузатилмоқда[14-Б.383]. Демак, Бақтрияни Олд Осиёнинг Шумер, Элам каби қадимий давлатлари билан боғловчи йўлнинг бир тармоғи Эрон орқали ўтган[7-Б. 165]. Тадқиқотчилар Месопотамияга лазурит икки, куруклик ва сув йўли орқали тарқалганлигини эътироф этишади. Сув йўли хараппаликларнинг денгиз йўлини кашф этганларидан сўнг ривожланган бўлиши мумкин, унга асосий савдо йўли курукликдан олиб борилган[39- Б.15-23]. Г. Херманнинг XX асрнинг 60-йилларидаги маълумотларига кўра лаъл Буюк Хуросон йўли орқали тарқалган[11-Б.87]. Бадахшон лаълининг тарқалиш йўли фанга энг қадимги савдо йўли сифатида кирган ва турлича номлар билан аталади.

Ҳиндистон ва Ўрта Осиё халқлари маданий алоқалари бўйича йирик тадқиқотлар муаллифи А.Я. Щетенко ҳам Ўрта Осиё маъданлари Қадимги

Шарқ шаҳарларига иккита йўл орқали тарқалганлигини эътироф этади. Сув йўли Лотхалдан Икки дарё оралиғи шаҳарларига, куруклик йўли эса Жанубий Балужистон орқали ўтган[17-Б.98]. А.Я. Щетенко «Лаъл йўли» ни қўйидагича тасаввур этади: Копетдоғ – Кўҳи бобо тоғи – Ҳирот – Қабул – Хайбар довони – Хараппа шаҳарлари.

В.М. Массон Олтиндепе – Мохенжо Даро йўлини таклиф этган[8-Б.478]. Бу тадқиқотлар Ўрта Осиё ва Қадимги Шарқ халқлари ўртасидаги маданий ва савдо алоқалари илк бронза давридан бошланганлигини кўрсатади. Ўтган ўн йилликлар мобайнида тадқиқотчилар томонидан Ўрта Осиё, Эрон ва Яқин Шарқ ўртасидаги алоқалар ўрганилиб келинди[9-Б.474].

Марказий Осиёнинг қадимги йўллари мавзусида Ў.М. Мавлоновнинг тадқиқотлари мавжуд. У бронза даври йўллари маҳаллий аҳамиятга, минтақавий аҳамиятга ва трансминтақавий аҳамиятга эга бўлган йўлларга ажратган. Ички йўлларга Тоғли Бадахшон – Саразм; Тоғли Бадахшон – Замонбобо маданияти; Тоғли Бадахшон – Жанубий Туркменистон йўналишлари кирса, ташқи, трансминтақавий йўлларга Мохенжо-Даро – Хараппа – Мундигак – Намозгоҳ – Мурғоб воҳаси; Мохенжо-Даро – Хараппа – Шўртўқай – Жанубий Тожикистон – Саразм; Мохенжо-Даро – Хараппа – Шўртўқай - Сурхон воҳаси – Амударё – қуйи Зарафшон - Хоразм – Уралорти – Сибирь; Мохенжо-Даро – Хараппа - Шўртўқай – Сурхон воҳаси – Қашқадарё воҳаси - Зарафшон воҳаси – Қизилқум конлари – Марказий Қозоғистон конлари – Уралорти – Сибирь каби йўл йўналишлари мавжуд бўлганлигини таъкидлайди[6-Б.432]. Муаллиф мазкур йўллар йўналишларини ёдгорликларнинг жойлашиш географияси асосида тузган.

М. Касанованинг маълумотларига кўраҚадимги Шарқ цивилизацияси ёдгорликларидан топилаётган лазурит тошлар кимёвий анализдан ўтказилган [22, – Б. 56]. Натижада, Шаҳри Сўхта ёдгорлигидан топилган лазурит тошлар тўпламининг кимёвий таркиби уч хил эканлиги маълум бўлган. М. Касанованинг хулосасига кўра, Шаҳри Сўхтага лазурит маъдани энг камида учта макондан, яъни Покистон худудидаги Чағай, Тожикистондаги Помир ва Афғонистондаги Бадахшон конларидан олиб борилган [3, – Б. 52-54].

Кейинги вақтда тадқиқотчилар бронза даври маданиятлари ўртасидаги алоқаларни маданиятлараро тарқалган хлорит тошдан ясалган ашёлар ёрдамида ҳам аниқлашмоқда. Ҳозирги кунгача Месопотамиядан то Ҳинд ўлкасигача бўлган 30 та ёдгорликдан, Эрон, Афғонистон ва Ўрта Осиёнинг бронза даврига оид деярли барча ёдгорликларидан шундай ашёлар топилган. Бу идишлар шакллари ва уларда ифодаланган тасвирларнинг бир-бирига яқинлиги билан характерланади [27, – Б. 39-40]. Шаклан ва тасвирий ифода жиҳатидан бир-бирига ўхшайдиган, хлорит тошдан ясалган идишларнинг пайдо бўлиши ва тарқалиш йўллари тўғрисида фанда анча тортишувлар бўлиб ўтган [28, – Б. 96].

Ҳинд цивилизацияси аҳолисининг миграцияси натижасида шакланган Шўртўқай ёдгорлиги аҳолисининг мақсади лазуритми ёки янги ерларни ўзлаштириш учун келганми, бундан қатъий назар икки тарихий ўлка

ўртасида тарихий маданий алоқаларнинг шаклланишида асосий вазифани бажарган. Кейинги йилларда олиб борилган археологик ёдгорликларни районлаштириш шуни кўрсатмоқдаки, Юқори Амударё ҳавзасида жойлашган (Панж воҳасида) Шўртўқай ёдгорлигидан бошланган лаъл йўли Жанубий Тожикистон (Макони Мор, Каримберди), Жанубий Ўзбекистон (Сополлитепа, Жарқўтон, Тиллабулоқ), Жанубий Туркменистон (Тўғалоқ, Гонур), Балужистон (Мергар, Кветта) орқали Ҳиндистонга ўтган. Ундан ташқари Қадимги Ҳинд цивилизацияси намоёндалари Панж воҳасига келиши учун Ҳиндикушнинг юқори доволари орқали, тоғ йўллардан ўтганлиги ҳам эътироф этилмоқда [16, – Б. 190-195].

Келтириб ўтганимиздек, тадқиқотчиларга Ўрта Осиё ва Қадимги Ҳиндистон илк алоқалари тарихини ўрганишга «Авеста» ва «Ригведа» маълумотлари, Жанубий Туркменистоннинг Олтиндепе, Тўғалоқ 21, Гонур, Жанубий Ўзбекистоннинг Сополлитепа, Жарқўтон, Тиллабулоқ, Эрон худудидаги Шахдод, Гиян, Хисор, Хараппа маданиятига оид Хараппа, Калибанган каби ёдгорликларида олиб борилган археологик тадқиқотлар натижалари асосий манба бўлиб хизмат қилган. Асосий манба эса ёдгорликлардан топилган археологик артефакт – ложувард ҳисобланади.

Куруқлик йўлидаги асосий манзилгоҳлар Шимолий Эрон худудида жойлашган Тепаи Хисор ва Эрон Сеистонидаги Шаҳри Сўхта ёдгорликларидир. Италиялик археолог тадқиқотчилар Тепаи Хисор ёдгорлигида ҳеч кимнинг хаёлига келмайдиган усулда изланишлар олиб боришган, улар ёдгорликнинг тепа қисми тупроғи таркибини лаборатория таҳлилидан ўтказганда тупроқ таркибининг жуда катта фоизини лазурит кукунлари ташкил қилган. Археологлар тадқиқотларини давом эттириб, қайроқ тошларнинг юза қисмида сақланган чанглари ҳам таҳлилдан ўтказган ва тош қуроллар ҳам лазуритга ишлов беришда қўлланилганлиги аниқланган [40, – Б. 15-17].

Месопотамия ва Эрон ёдгорликларидан топилган лазуритдан ясалган тақинчоқлар тури таққосланганда, Эрон худудидаги ёдгорликларда мазкур маъдандан ясалган тайёр тақинчоқлар кам учраган. Жумладан, Ур ёдгорлигида лазуритдан ясалган 45 та тип тақинчоқ маълум бўлса, Эрон ёдгорликларида 3 та тип аниқланган, холос [35-Б.56]. Келтирилган маълумотлардан шундай хулоса чиқариш мумкинки, эрон маъдансозлари ушбу тошларни «яримфабрикат», хомашё сифатида Қадимги Шарқ шаҳарларига етказиб беришган, месопотамиялик маъдансозлар эса лазурит маъданларига охириги ишловни беришган ва товар ҳолатига келтиришган.

Шаҳри Сўхта ёдгорлиги жойлашган географик ўрнига кўра табиий кулай бўлиб, алоқа йўллари устида жойлашган. Шарқий Эрон, Жанубий Туркменистон, Афғонистондан Балужистонгача бўлган худуд савдогарлари бевосита шу ердан ўтишга мажбур бўлган. Италиялик профессор М. Тоси ўз асарларида бу худудни «Турон бассейни» деб атайдиган [39-Б.15-23].

Ўрта Осиё халқларининг Қадимги Шарқ дунёси билан муносабатлари қандай характерда кечганлигини аниқлаш тарихий жараёнларни ўрганишга

хизмат қилади. Бу масалада «биринчи цивилизация» вакилларида қолган ёзма ва археологик манбаларга мурожаат қиламиз.

Мил. авв. III минг йилликнинг охирига оид Месопотамиянинг шарқдаги қўшнилари билан қилган алоқалари ҳақида ёзма манбалар сақланиб қолган. Бу манбалар сопол доскаларга битилган миҳсимон ёзувлар бўлиб, илк сулолалар даврига оид. Улар хўжалик, мифологик ҳукмдорларнинг қаҳрамонликлари, лугалларнинг мардонавор ҳарбий юришлари, жанг тафсилотлари ва ғалабалари ҳақида бўлиб, жанг натижасида ғалаба қилган ҳукмдорларнинг бойликлар билан қайтганлиги сўзланган [21, – Б. 7].

Манбаларда археологик тадқиқотлар натижасида аниқланган Ўрта Осиё лазурити, Эрон хлоритлари ва сердолиги ҳақида маълумотлар учрамайди. Билвак, археологик тадқиқотлар натижасида учрамайдиган, тупроқ қарида сақланмайдиган текстил матолар, озиқ-овқат маҳсулотлари ҳақида хабарлар сақланган [37, – Б. 154]. Бу ҳолатни тадқиқотчилар баҳолар экан, Месопотамия усталари узоқдан келтирилган ушбу қимматбаҳо маъданларни иккинчи ёки учинчи қўлдан олганлиги хусусида фикрлар билдиради [38, – Б.155]. Археологик жиҳатдан кўп учрайдиган маъданлар ва бу маъданлардан турли хил тақинчоқлар ясаган хунармандлар ҳақида ҳам ёзма манбаларда маълумотлар келтирилмайди.

Манбаларда Месопотомия ҳукмдорларининг Элам, Аншан, Мархаш, Тукриш каби давлатлар билан жанглари олиб борганлиги хусусида маълумотлар бор [10, – Б. 17-18]. Келтирилган маълумотлар асосида айтиш мумкинки, Қадимги Шарқ мамлакатлари ўртасидаги ўзаро муносабатлар савдо-сотик, халқларнинг кўчиши ва гоҳида уруш характерида бўлиб, бу муносабатлар алмашилиб турган.

Америкалик шарқшунос ва археолог олим К. Ламберг-Карловскийнинг фикрига қараганда мил. авв. III минг йилликда товар алмашиш халқлар ўртасидаги энг характерли восита ҳисобланган, бунда хусусий тадбиркорлар бош вазифани бажариб, ўзаро муносабатларда талаб ва эҳтиёж асосий восита бўлиб хизмат қилган [31, – Б. 368]. Америкалик яна бир олим Ф. Коллнинг қарашлари бўйича, шумерликлар билан Эрон ўртасида эркин бозор муносабатлари ҳал қилувчи ролни бажарган [29, – Б. 47].

Месопотамия ва қўшни халқлар ўртасидаги муносабатлар масаласига айрим тадқиқотчилар, жумладан Д. Потс бошқа нуқтаи назар билан қарайди. У К. Ламберг-Карловский ва Ф. Коллнинг тарихий жараёнларга тўғри баҳо бермаган деб ҳисоблайди. Унинг фикрича Месопотамия қўшни халқлар билан доимий нотинч, уруш ҳолатида бўлган, бунинг асосий сабаби маъдан конларига ҳукмронлик қилиш ва назорат қилиш ётади деб ҳисоблайди. Д. Потс маъданлар учун бўлган бу қарама-қаршилиқ Шарқ давлатлари ўртасидаги асосий муносабатларни белгилаган. Тинч савдо муносабатлар ва товар алмашилиш ҳақидаги фикрларни у тўлиқ инкор этади. Аҳамонийлар империяси даврига, яъни «шоҳ йўли» даврига узоқ масофали тинч савдо йўлининг бўлишини ҳақиқатдан йироқ деб ҳисоблайди [36, – Б. 53].

Д. Поттс фикрини тушуниш мумкин, ҳақиқатдан ҳам жамоаларнинг ибтидоийликка дахлдор даврида эркин савдо механизмини англаш қийин. Бу ҳолатни ечишда маъданларга бой бўлган Ўрта Осиё моддий манбалари асосида қандай хулосага келиш мумкин, шу йўналишдаги манбаларга эътибор берсак.

Бадахшон лазурити - энг мовий рангли, қимматбаҳо ҳисобланадиган минерал туридир. Б. Лионе мил. авв. III минг йилликда Шарқий Бактрияда, хусусан Тўлиқон воҳасида Балужистон таъсирида ўзига хос маданият шаклланган [33, – Б. 117]. Демак, Қадимги Шарқ шаҳарларида лазуритга бўлган эҳтиёжнинг кучайиши натижасида Бадахшон худудини илк бора балужистонликлар эгаллаган. Бактриянинг мил. авв. III минг йилликка оид маҳаллий аҳолиси ҳақида фанимизда айтарли маълумотлар йўқ. Бактриянинг маҳаллий аҳолисига айланган Сополли ва Даштли маданиятлари аҳолиси эса бу худудда мил. авв. III минг йиллик сўнггида пайдо бўлган [26, – Б. 95-104].

Эслаб ўтганимиздек, А.-П. Франкфорнинг изланишлари натижасида Шўртўқай ёдгорлигига хараппаликлар томонидан мил. авв. 2200-2000 йилларда асос солинганлиги аниқланган [24, – Б. 78-83]. Демак, бу воҳа иккинчи марта қадимги шарқликлар, аниқроғи қадимги Ҳинд цивилизацияси вакиллари томонидан «ўзлаштирилмоқда».

Шўртўқай ёдгорлиги маданий қатламларининг гувоҳлик беришича, мил. авв. II минг йиллик бошида Сополли ва Даштли маданияти аҳолиси Бактрияни эгаллабгина қолмади, балки уни Қадимги Шарқ маданияти аҳолисидан, маъдан изловчилардан ҳам халос этган. Бу ҳолат Шўртўқай ёдгорлиги стратиграфияси асосида кузатилган, унга кўра Шўртўқай ёдгорлигини хараппаликлар ташлаб кетгандан сўнг, бу ерда ҳаёт қайта тикланади. Кузатганимиздек, бу тикланишда хараппаликлар эмас, балки Бактриянинг маҳаллий, аниқроғи Сополли ва Даштли маданиятлари аҳолиси томонидан амалга оширилган. Бу давр мил. авв. 2000-1700 йилларни ўз ичига олади [25, – Б. 78-83].

Бу маълумот маҳаллий Бактрия ва хараппаликларнинг маъдан кони учун бўлган курашини ва бу курашда бактрияликларнинг қўли устун келганлигини тасдиқлайди. Бу стратиграфик маълумот Қадимги Шарқ халқлари билан маъдан конлари учун бўлган кураш тинч йўл билан амалга ошмаганлигини кўрсатади.

Келтирилган тарихий ва археологик маълумотлар асосида Бактрия лазурити ва унинг Қадимги Шарқ дунёсига тарқалиши бўйича қуйидаги хулосаларга келиш мумкин:

- Бактрия маъдан конлари энг аввал Тўлиқон воҳасига келиб жойлашган балужистонликлар томонидан эгалланган ва ўзлаштирилган;
- Бактрия лазурити Элам, Месопотамия ҳамда Қадимги Ҳинд цивилизацияси шаҳарларига узлуксиз равишда олиб борилган;
- Шўртўқай ёдгорлиги маданий қатламлари стратиграфияси шуни кўрсатмоқдаки, Бактрия лазурити жойлашган Тўлиқон водийси



балужистонликлардан сўнг Хараппа маданияти соҳиблари томонидан эгалланган;

- Мил. авв. II минг йиллик бошларидан Сополли маданияти соҳиблари Бактриянинг маҳаллий аҳолисига айланган ва шу ҳудуддаги маъдан конлари хукмдорлигини ҳам қўлга киритган;

- Месопотамиянинг Эбле шаҳар харобасидан топилган лазурит маъданлари шуни тасдиқлайдики, бактрияликлар лазуритни ёмби, яъни, хомашё ҳолатида ривожланган шаҳар хунармандларига етказиб берган;

- Қадимги Шарқда лазуритга ишлов бериш, ҳар хил бежирим тақинчоқлар, муҳрлар ясаш, қимматбаҳо тошлар савдоси билан алоҳида аҳоли гуруҳлари шуғулланишган;

Бактрияликлар ривожланган Қадимги Шарқ давлатлари аҳолиси билан тинч савдо ва маданий алоқада бўлган. Маъдан конларидан олинган қимматбаҳо тошлар савдоси айрибошлаш усулида амалга оширилган.

### Адабиётлар:

1. Беруний Абу Райҳон. Китоб ал-Жамоҳир фи-Маърифат ал-Жавоҳир. – Тошкент, 2017. – Б. 70-72.

2. Беруний Абу Райҳон. Китоб ал-Жамоҳир фи-Маърифат ал-Жавоҳир. – Тошкент, 2017. – Б. 70-74.

3. Бронза ва илк темир даври ёдгорликларининг географияси ва картографияси. Тошкент, 2019. 52-54 бетлар.

4. Дьяконов И.М. Люди города Ура. – М., 1990. – 4

5. Кирчо Л.Б. В.М. Массон и Ленинградская / Санкт-Петербургская школа изучения древностей Центральной Азии // Древности Восточной Европы, Центральной Азии и Южной Сибири в контексте связей и взаимодействий в евразийском культурном пространстве (новые данные и концепции). Материалы Международной конференции. 18-22 ноября 2019 г. Санкт-Петербург. – Санкт-Петербург, 2019. – С. 7-9.

6. Мавлонов Ў.М. Марказий Осиёнинг қадимги йўллари: шаклланиши ва ривожланиш босқичлари. – Тошкент, 2008. – 432 бет.

7. Массон В.М. Протогородская цивилизация юга Средней Азии // СА. 1967. – С. 165.

8. Массон В.М. Средняя Азия и Древний Восток. – М.;Л., 1964. – 478 с;

9. Массон В.М. Средняя Азия и Древний Восток. – М.-Л., 1962. – 474 с.

10. Международные отношения. – М., 1998. – С. 17-18.

11. Hermann G. Lapis Lazuli the Early Phase of Trade.–Iraq, v.30, 1968. –P. 87.

12. Сарияниди В.И. О великом лазуритовом пути на древнем Востоке // КСИА. – Вып. 114. – М., 1968. – С. 67.

13. Сверчков Л.Д. Ляпис-лазурь: исторические сведения, месторождения, археологические данные // История и археология Турана. № 5. - Самарканд, 2020. – С. 119-129.

14. Чайлд Г. Древнейший Восток в свете новых раскопок. – М., 1956.– С.383.
15. Шайдуллаева Г.Ш. Бактрия лазуритининг Месопотамия шаҳарларига тарқалиши ҳақида ёзма ва археологик манбалар // Ўтмишга назар. Tadqiqot.uz. 2020 йил. Махсус сон. 4 қисм. – Б. 651-658.
16. Ширинов Т.Ш. Связи Средней Азии и Индийского субконтинента во II тыс. до н.э. / Этюды нашей истории. Ташкент, 2011. - С.190-195.
17. Щетенко А.Я. О торговых путях эпохи бронзы по материалам Туркменистано-Харапских параллелей. КСИА. – Вып. 122. –М., 1970. – С. 98;
18. Щетенко А.Я. Обмен и торговля доисторического Индостана. КСИА – №138. – М., 1974. – С. 88;
19. Щетенко Ф.Я. Новые серийное издание по проблематике древнеиндийской цивилизации // Археологические вести. №4. РАН. ИИМК, 1995;
20. Щетенко Ф.Я. Первобытный Индостан. – Ленинград, «Наука», 1979.
21. Carter E, Stolper M.W. Elam. Surveys of Political History and Archaeology. – London, 1984, –p.VII.
22. Delmas A.B., Casanova M. The Lapis Lazuli Sources in the Ancient East. – South Asian Archaeology 1987. P 1. Rome, 1990. – P. 56
23. Francfort H.-P. A propos de l’urbanisation du site de Shortughai (Afghanistan). Une approche archéologique des transformations de l’économie de production // Bulletin du Centre Genevois d’Anthropologie. 1988. T. 1. P. 15–34.
24. Francfort H.P. Fouilles de Shortughai. Recherches sur L’Asie Central protohistoriques. V.II. – Paris: Boccard, 1989.
25. Francfort H.P. Fouilles de Shortughai. Recherches sur L’Asie Central protohistoriques. V.I ... – P. 78-83.
26. Francfort H.-P. Tradition harappienne et innovation bactrienne a Shortughai // L’archéologie de la Bactriane ancienne. Actes du colloque franco-soviétique de Dushanbe / Ed. J.-C. Gardin (ed.). Paris: CNRS, 1985b. P. 95–104;
27. Frankfort H. The Art and Architecture of the Ancient Orient.–L.,1977.– P.39-40.
28. Frankfort H. The Art and Architecture of the Ancient Orient. – L.,1977. – P. 40;
29. Kohl Ph. The «World –Economy» of West Asia in the Third Millennium B.C. // South Asian Archaeology 1977. – Napoli, 1979. – P. 47.
30. Lamberg-Karlovsky. Third Millenium Models of Exchange and Models of Production//Ancient Civilizations and Trade. – Albuquerque, 1975. – P. 358.
31. Lamberg-Karlovsky. Third Millenium Models of Exchange and Models of Production. Ancient Civilizations and Trade. – Albuquerque, 1975. –p.365.
32. Layard L. Monuments of Nineveh. – London, 1851. – P. 87.
33. Lyonnet B. Ceramique et peuplement du chalcolitique a la conquete arabe. (Prospections archeologiques en Bactriane orientale (1974-1978). Soes La direction de Jean-Claude Gardin. V.2). - Paris, 1997. – P.117.
34. Piggott S. Prehistoric India. – L., 1950. – P.119,

35. Potts D.T. Tepe Yahya and the End of the 4<sup>th</sup> Millennium on the Iranian Plateau – Le Plateau Iranien et l’Asie Centrale des origins a iaconquete islamique. – Paris,1977. – P. 56.

36. Potts D.T. Tepe Yahya and the End of the 4<sup>th</sup> Millennium on the Iranian Plateau – Le Plateau Iranien et l’Asie Centrale des origins a iaconqueteislamique. – Paris, 1977. – P. 53.

37. Ratnager Sh. Encounters. The Westerly Trade of Harappa Civilization. – Oxford, 1981. – P. 154

38. Ratnager Sh. Encounters. The Westerly Trade of Harappa Civilization .. – P. 155.

39. Tosi M, Pirerno M. Lithik technology behind the ancient lapis lazuli trade \ Expedition.1973. V.16. – P. 15-23.

40. Tosi M., Pirerno M. Lithic technology behind the ancient lapis lazuli ...P.15-17.

41. Woolley L. The Development of Sumerian Art. – N.Y. 1935. – P. 96;

### **ХИВА ХОНЛИГИДА КЕМАЧИЛИК**

**Каримов Я.А.**  
*т.ф.ф.д.(PhD),*

*Урганч Давлат университети*

Амударёнинг қуйи оқимидаги ҳудудларни кўздан кечириш мақсадида Хива хонлари кемаларда Чоржўйдан Туямуйингача сайр қилиб туришлари ҳам сарой маросимларидан бири бўлган. Хива хонларининг Амударё сув йўлининг Хива хонлигига тегишли оқими бўйлаб кемаларда сайр қилиши, шикор пайтларида маълум масофаларни кемада босиб ўтишлари одатий ҳол ҳисобланганлиги манбаларда ҳам акс этган. Огаҳийнинг “Зубдату-т-таворих” асарида келтирилган маълумотлар ҳам бу фикрга келишимизга имкон беради. Бу асарда Хива хони Раҳимкулихон Эрон юришидан қайтишда, Марвдан Мужовир кўли, Тархон кудук, Ёнтоқли, Сиртлонли, Учорли (Хон фармони билан шу ерда балан қум устига ўтиндан баланд йўл белгиси қўйиладики, йўловчилар учун белги бўлиши учун), Тахт, Ҳавзхон орқали Жайхун қирғоғидаги Қабокли тўғойга етиб келгани, бу масофани босиб ўтиш учун 8 кун, пайшанбадан пайшанбагача вақт сафрлагани ҳақида маълумотлар мавжуд (бу масофани босиб ўтиш учун 8 кун, пайшанбадан пайшанбагача вақт сафрлагани маълум бўлади.) [8,Б.74-75]. Амударё қирғоғига чиққач, бу ерда хон учун махсус барпо қилинган “баргоҳи олийға” дам олган. Жума куни тонгда қўшин қуруқлик йўли билан Хоразмга қайтгани, Хон эса ўз аёнлари билан “барқсуръат заврақларға (кемаларга. – Я.К.) миниб, дарё ажойиботини тамоша қила азимат кўргузди”, дея маълумот келтирилган[8,Б.75].

Бу манбада хоннинг дарё бўйлаб саёҳати бир неча кунга чўзилганлиги таърифланади. Бу маълумотлар кемалар бир кунда босиб ўтган масофани

аниқлаштириши жиҳатидан муҳимлиги боис, уларга қисқача тўхталиб, маълумотларни куйидаги жадвал кўринишида келтириб ўтамыз:

№	Жўнаш манзили	Келиш манзили	Босиб ўтиш учун сарфланган вақт
1	Қабокли тўғойи	Доя хотун работи	Бир кун
2	Доя хотун работи	Отхўр бешаси	Бир кун
3	Отхўр бешаси	Шишли қароайғир	Бир кун
4	Шишли қароайғир	Судук бешаси	Бир кун
5	Судук бешаси	Тевабўйун	Бир кун
6	Тевабўйун	Яккачакир	Бир кун

Шу тариқа, Хива хонининг Қабоклидан Ҳазорасп яқинидаги Яккачақаргача Амударё бўйлаб кемадаги сафари 6 кун давом этган. Бу ердан Хон қуруқлик йўли орқали Ҳазораспга келган[8,Б.76].

Хива хонлигида ҳам қайиқлар яшаш билан шуғулланадиган шаҳар ва қишлоқлар (Қорамаз ва Жаланди қишлоқлари аҳолиси) бўлган. Хонқа шаҳрида қайиқ ясовчи маҳаллий усталар ва уларни керакли хом ашё билан таъминловчи тадбиркор бойлар фаолият кўрсатганлар. Хива хонлигида 300 га яқин қайиқ ясовчи усталар бўлиб, уларнинг 8 нафари 8 кунда битта қайиқ ясай олишган. Хива қайиқлари чидамлилиги билан Бухоро қайиқларидан устун бўлиб, XIX аср охири XX аср бошларида улар Амударё бўйлаб Чоржўй яқинидаги “Россия юк транспорт жамияти”дан Кўнғиротгача юк ташишда асосий ўрин тутган (бу даврда Бухоро амирлигида руслар томонидан бир йилда 33 та қайиқ ижарага олинган бўлса, Хива хонлигида 100 га яқин қайиқни ижарага олиш мумкин бўлган. Ўртача қайиқнинг йиллик ҳақи 120-140 рубль миқдоридан бўлган.)[6,С.12-13].

Амударёда кемалар ва қайиқлар яшашда маҳаллий хом ашё сифатида тол, гужум дарахти ёғочидан фойдаланиб келинган. Толдан ясалган кемалар сиғимига боғлиқ равишда 20-40 тоннагача юкни манзилга еткази олмаган. Одатда бундай қайиқлар унча мустаҳкам бўлмасдан, сувга анча ботиб, тезлиги унча юқори бўлмаган. Сибирдан арча ёғочи келтириш йўлга қўйилиб, кема ва қайиқлар ундан ясала бошлагач, Амударё кемачилигида бирмунча ўзгаришлар пайдо бўлди.

Бундан ташқари Хива хонлиги худудида бақатерак ва мирзатерак ўсган. Биринчиси кам учраган, иккинчиси эса ҳаддан ташқари кўп экилган. Теракнинг бунчалик кўп етиштирилишига сабаб, унинг ёғочидан қурилиш ишларида ишлатилгани, уй ва омборхоналарнинг шифтлари ва девор синчларида кенг фойдаланилган. Хоразм воҳасида қайиқларни ҳам теракдан яшашган[7,С.125.].

Манбаларнинг далолат беришича, ўрта асрларда Хоразмда ҳам кўплаб катта каналларда кемалар қатнови йўлга қўйилган. Улар ҳақида маълумот берган Мақдисий уларнинг кўплигидан харитага туширмаганлигини қайд қилади[4,С.189]. Амударёдан ғарбий йўналишда чиқарилган Ҳазорасп, Говухар, Кардаранхош (Кардаран-хас), Мадра, Вадак ва бошқа каналлар бўйлаб қатнаган кемалар воҳанинг ички ва ташқи иқтисодий алоқаларида ўзига хос ўрин тутган[1,Р.461. 2,С.10-11.]. Истахрий асарида бу каналлар

Ҳазораспдан бошлаб қурилгани, бу каналдан 2 фарсах (1 фарсах– 6-7 км. Я.К) куйида Кардаранхош, кейин Хива, Мадра, Говухар каби каналлар ҳақида, Кат шаҳридан 2 фарсах узоқликда бошланган Вадак канали ва ундан куйироқда бошланувчи яна бир канал – Бувва (Бую) билан Андаристон кишлоғи яқинида кўшилиб Журжонияга қараб оққани қайд этилади. Вадак ва ундан бироз кичикроқ Бувва каналида кемалар қатнови йўлга қўйилган бўлиб, улар Журжония яқинидаги ( $1/24$  фарсах узоқликдаги) тўғонгача сузиб борганлар. Улардан ташқари Катдан 4 фарсах узоқликда 4 та жойдан бошланиб, Курдаргача борувчи каналлар бўлган. Улар қўшилиб Вадак (ҳозирги Шовот канали. Я.К.) ва Бувва (ҳозирги Ёрмиш канали. Я.К.) каби катта канал бўлгач, унда кемалар қатнай олган[3,С.301-304.].

Ўрта асрларда Хоразмдаги катта каналларда, хусусан, Амударёдан ғарбий йўналишда чиқарилган Ҳазорасп, Гавхўра, Кардаранхош (Кардаранхас), Мадра (ҳозирги Ғозовот канали. Я.К.), Вадак ва бошқа каналлар бўйлаб кемаларда юк ташилган[4,С.178-180. 1,Р.461.].

#### Адабиётлар:

1. Ibn Hawqal. La configuration de la Terre (kitab surat al-Ard) / Introduction et traduction par J. H. Kramers et G. Wiet. – Paris: Maisonneuve et Larose, 2001.

2. Абдуллаев Т. Водные пути и транспорт в древнем и средневековом Хорезме (письменные источники) // Приаралье на перекрестки культур: Тезисы докладов Международного симпозиума и второго полевого семинара “Археология древнего Ташкырманского оазиса”, посвященные 100-летию со дня рождения выдающегося исследователя Центральной Азии С.П. Толстова: – Нукус, 2007.

3. Ал-Истахри. Извлечения из “Китаб масалик ал-Мамалик” ал-Истахри / / Перевод с персидского З.Н.Ворожейкиной, Я. Крапольского // Материалы по истории киргизов и Киргизии. – М, 1973.

4. Арабские и персидские источники. VII-XV вв. Труды института востоковедения. – М.-Л. Изд-во АН СССР, 1939. Т. I.

5. «Ахсан ат-такасим фи-ма’рифат ал-акалим» ал-Макдиси / Перевод С. Волина. Сведения арабских источников IX-XVI вв. о долине реки Талас и смежных районах // Новые материалы по древней и средневековой истории Казахстана. – Алма-Ата, 1960.

6. Гинтелло. Сведения по интендантской части, собранные в Бухарском ханстве капитаном Гинтелло в мае и июне 1885 г. // СМА. – СПб.: Военная типография, 1886. Вып. XXI.

7. Данилевский Г. Описание Хивинского ханства// Записки русского географического общества, 1851. Книга V.

8. Огахий. Мир Мухаммад Ризо. Зубдату-т-таворих // Нашрга тайёрловчи, сўзбоши, изоҳ ва кўрсаткичлар муаллиф Н. Жабборов. – Тошкент: “O’zbekiston” NMIU, 2009.

## ҒАРБИЙ ТУРК ХОҚОНЛИГИ ДАВРИДА ЧОЧНИНГ ТОВАР ВА ПУЛ МУНОСАБАТЛАРИ

Мухамедов Я.К.

*т.ф.ф.д.(PhD),*

*Ўзбекистон Миллий университети*

Инсоният тарихида савдо йўлларининг аҳамияти жуда муҳим ўрин эгаллайди. Кишилиқ жамиятининг бронза давридан, баъзи жойларда ундан ҳам анча аввал, маълум ихтисослашган йўллар пайдо бўлганлигини биламиз. Уларнинг пайдо бўлишида қабилалар, халқлар ва давлатлараро алоқалардан келиб чиққан иқтисодий, этник, сиёсий ва маданий эҳтиёжлар сабаб бўлди. Дастлаб Ўрта ва Яқин Шарқда Бадахшоннинг лаъл(лазурит)ига бўлган эҳтиёж “лазурит йўли”нинг вужудга келишига олиб келган. Милоддан аввалги VI-IV асрларда эски йўллар асосида Эронда (Ахамонийлар империяси даврида такомиллашиб борган) “шоҳ йўли” таркиб топади. Кейинчалик бу йўллар негизида Буюк ипак йўли ва бошқалар такомиллашиб боради.

Чоч воҳаси географик жойлашувига кўра Марказий Осиёда асосан, иккита хўжалиқ типини ўзида мужассам қилган худуд сифатида намоён қилади. Унинг минтақа шимоли ва шимоли-шарқидаги кўчманчи чорвадорлар ҳамда жанубдан ўтроқ деҳқон этнослар орасида ўрин олганлиги, бу ерда қадимдан савдо-сотик ва хунармандчилик соҳаларининг кенгайишига замин яратди. Айниқса, Чочнинг хорижий ўлкалар, хусусан, Хитой билан тижорий алоқалар ўрнатганлигига доир хитой йилномаларида, воҳада ўнлаб шаҳарлар мавжуд бўлганлигига доир араб ва форс манбаларида маълумотларнинг учраши бундан далолат беради.

Ғарбий Турк хоқонлигига ва Чоч воҳасининг туркий сулолаларига оид тангалар Тошкент воҳасининг кўплаб жойларидан, хусусан, Қанқа, Хонобод, Кавардон ёдгорликларидан топилган [1, - Б.150, 67-74].


Е.Б. Зеймалнинг фикрича, Чочда V асрдан, ёки VI-VII аср бошларидан пул муомаласи йўлга қўйилган [2, -Б.204]. Бироқ, кейинги йилларда Э.В. Ртвеладзе Чочнинг энг қадимий тангалари милодий III-IV асрларга бориб тақалишини ва уларнинг ўнг юзасида ҳукмдор тасвири, орқа томонида Қанғ тамғаси ва унинг атрофида суғдий ёзувда “Чачан напч Ванван хув”, яъни “Чоч халқи/жамоаси ҳукмдори Ванван” ёки “Чоч халқи/жамоасининг ғолиб ҳукмдори” сўзлари ўрин олганини аниқлади [3, - С.10-20].


Ғ. Бобоёров эса VI-VII асрларда Чоч воҳасида туркий тангалар зарб қилиш анъанаси йўлга қўйилгани, уларнинг бир қисмини “жабғу”, “жабғу-хоқон” ва “хоқон” унвонли Ғарбий Турк хоқонлиги тангалари, бир қисмини эса “тегин” ва “тудун” унвонли Чоч тегинлари ва Чоч тудунлари каби туркий сулолалар зарб қилган тангалар ташкил этишини исботлаб берди [4, -С.204].

Чочнинг хоқонлик даври тангалари Қанғ даврида бўлганидек мисдан ясалган бўлиб, ушбу тангаларга ҳокимиятни бошқарган сулола

вакилларининг тасвири ва сулола тамгалари туширилган. Йиллар ўтган сари тангаларнинг ўлчами ва вазни камайиб борган. Тангаларнинг аверсидаги (Av) ҳукмдор тасвири, жумладан, унинг соч турмаги, безаклари, кийим-кечак деталлари соддалашган [5, -С.333-342].

Турк хоқонлиги даврида Тошкент воҳасида кўпроқ хоқонлик тангалари муомалада бўлган. Бу пайтда бир қатор катта-кичик ҳукмдорликларда маҳаллий мис тангалар ҳам зарб этилган. Уларнинг реверсидаги (Rv) туширилган сулолавий уруғ рамзлари – тамгалар бир-биридан фарқланган. Бир-биридан бирмунча фарқ қилувчи бундай тамгалар исм, унвон, ҳукмдорлик номини англатувчи суғдий ёзувлар воситасида танга доирасининг ичида тасвирланган. Тангаларнинг ҳар бир гуруҳи уларнинг Av ҳукмдорнинг портрети шунингдек, Ғарбий Турк хоқонлигининг бош ҳукмдори ва малика ҳамда шер ва туя каби ҳайвонлар тасвирлари ўрин олган.

Олмалиқ шаҳридан шимоли-ғарбдаги Қулота харобаси яқинидан науслар топилган. 1978 йилдаги қазилмалар пайтида сағананинг пахсадан, деворлари хом ғишт ва пахсадан, куббаси (гумбази) хом ғишдан қурилганлиги аниқланган бўлиб, унинг ичидан одам суяклари билан бирга сопол синиқлари ҳамда Av қадимги туркларни қиёфадаги Чоч ҳукмдори тасвирланган Rv томонига айрига ўхшаш (паншаҳасимон)  тамға туширилган VI-VII асрларга оид мис тангалар топилган[6, -С.38-42]. Бундай тангаларнинг айрим типларида “тегин”, айримларида эса “Чоч тудуни” каби қадимги туркча унвонлар ўрин олганлиги уларнинг Ғарбий Турк хоқонлиги даврида воҳанинг туркий сулолалари томонидан зарб қилинганидан дарак беради [7, -С.44-63].

Чоч муҳрлари орасида тўртбурчак шаклдагиси жуда ноёб бўлиб, унда исломдан аввалги Чоч ҳукмдорлигига тегишли тамға  (санҷқисимон) билан бир хил[8,-С.391,52-70]. Айниқса, милодий 640-750 йилларда Чоч бошқарувида бўлган туркий Чоч Тудунлари сулоласи тангасидаги тамға билан ушбу тамғанинг бирдай эканлиги[9, -С.52-70] бу муҳрнинг мазкур сулолага тегишли ёки тегишли эмаслиги хусусида фикр юритишга ундайди.

Қисқаси, илк ўрта асрларга келиб Чоч воҳаси ўз тараққиётининг юқори босқичига кўтарилди. Мамлакат пойтахти эса йирик хунармандчилик ва савдо-сотик марказига айланди. Чочнинг халқаро карвон савдоси чорраҳасида жойлашганлиги эса, биринчи навбатда Шарқ мамлакатлари минтақаси билан савдо-иқтисодий алоқалар олиб боришда фаол иштирок этиш имкониятини яратиб берди. Давроқе, Ғарбий Турк хоқонлигининг Чоч воҳасига катта эътибор қаратиб, бу ерда ўз қароргоҳларидан бири – Жабғукатни барпо қилиши, ўз танга-пулларини айнан ушбу воҳада зарб қилдирганлиги, шунингдек, воҳада хоқонлик билан боғлиқ Чоч Тегинлари ва Чоч Тудунлари каби ҳукмдор сулолаларнинг фаолият юритиши натижада бу ер минтақанинг муҳим сиёсий ва маданий марказга айланишига олиб келди.

Умуман олганда, Чоч ички бозорида савдо-сотик, иқтисодий муносабатлар анчагина жадаллашган. Бу албатта, янги миграциялар натижасида воҳада аҳоли сонининг ўсиши билан боғлиқ эди.

Хоқонлик таркибида бўлган даврда Чоч бир томондан атроф-теваракдаги Фарғона, Уструшона, Суғд билан иқтисодий алоқаларни йўлга қўйган бўлса, иккинчидан, унинг савдо жамоалари Хитой, Олтой, Жанубий Сибир, Ўрхун водийси (Мўғулистон), Волга-Уролбўйи ўлкаларига бориб, савдо-сотик ишларини жонлантирганлар. Айниқса, Буюк Ипак йўлининг шимолий тармоғи Чоч ва унга яқин худудлардан ўтиши бевосита хоқонлик томонидан бу тармоқнинг осойишталиги таъминланиши воҳада иқтисодий ҳамда маданий жиҳатдан ўсиш учун замин яратади.

#### Адабиётлар:

1. Мусакаева А.А. Начальный этап денежного обращения в Чаче // Столице Узбекистана Ташкенту 2200 лет. Труды международной научной конференции. – Ташкент, 2009. – С. 150; Шагалов В.Д., Кузнецов А.В. Каталог монет Чача III–VIII вв. – Ташкент: ФАН, 2006; Бабаяров Г. Древнетюркские монеты Чачского оазиса ... С. 9–19, 40–45, 67–74.
  2. Зеймаль Е.В. Монеты раннесредневековой Средней Азии // Археология. Средняя Азия в раннем средневековье. – Москва, 1999. – С. 204.
  3. Ртвеладзе Э.В. История и нумизматика Чача (вторая половина III – середина VIII в.н.э.). Ташкент, 2006– С. 10–20.
  4. Бабаяров Г. Древнетюркские монеты Чачского оазиса ... С. 9–19, 40–45, 67–74; Бабаяров Г., Кубатин А.К орфографии титула «джабгу» на согдоязычных монетах Чача эпохи Западно-Тюркского каганата // Акад. У. Каримов номидаги ёшлар қшунослар илмий конференция ситезислари. – Тошкент, 2007. – С. 129-131; Бабаяров Г., Кубатин А. К монетам Чачских правителей тегинов // *O'zbekiston moddiy madaniyat tarixi*, №35, Самарқанд, 2006. – С. 194–198.
  5. Бабаяров Г., Кубатин А. Методы идентификации и определения последовательности выпусков монет Западно-Тюркского каганата // Казахстан и Евразия сквозь века: история, археология, культурное наследие. Сборник науч. трудов посвящ. 70-лет. со дня рождения акад. НАН РК К.М. Байпакова. – Алматы, 2010. – С. 333-342.
  6. Буряков Ю.Ф. Новые данные к стратиграфии городища Кульбата // ОНУ. № 9. – Ташкент: Фан, 1978. – С. 38–42.
  7. Бабаяров Г. Древнетюркские монеты Чачского оазиса ... С. 44–63.
  8. Смирнова О.И. Сводный каталог согдийских монет ... С. 391; Бабаяров Г. Древнетюркские монеты Чачского оазиса ... С. 52 – 70.
  9. Бабаяров Г. Древнетюркские монеты Чачского оазиса ... С. 52 – 70.
- Fayzulla, O. (2020). The craftsmanship of the emirate of bukhara at the second half of the XIX century-the beginning of the XX century. *The American Journal of Interdisciplinary Innovations and Research*, 2(11), 33-38.
- Ochildiyev, F. (2019). Trade relations between Bukhara and India in the second half of the 19th century and at the beginning of the 20th century. *Actual Problems of Applied Sciences Journal World*, (4), 13-19.



Очилдиев, Ф., & Хайдаров, З. (2022). Кеш ва Шахрисабз археологияси: КАТЭ тадқиқотлари. *Общество и инновации*, 3(2/S), 79-86.

Khaydarov, Z. (2021). Archaeology of Kesh and Shakhrisabz: on the basis of KATE reports. *current research journal of history (2767-472X)*, 2(11), 52-57.

Haydarov Z. (2021). The Role Of The Department Of Archeology Of The National University Of Uzbekistan In The Study Of The Ancient And Medieval History Of The Tashkent Oasis. *The American Journal of Social Science and Education Innovations*, 3(01), 609–613.

Mukhamedov, Y.Q. (2022). Chach administrative center of the western turkic khaganate. *American Journal Of Social Sciences And Humanity Research*, 2(05), 46-52.

Muhamedov, Y.K. (2019). The history of commercial economical-cultural relations of Tashkent oasis. *Theoretical & Applied Science*, (10), 579-582.

Muhamedov, Y. (2021, November). Chach As The Administrative Center Of The Western Khanate. In *International Scientific and Current Research Conferences* (pp. 75-79).

Мавлонов, Ў. (2008). Марказий Осиёнинг қадимги йўллари: шаклланиши ва ривожланиш босқичлари. Тошкент: Академия.

Сагдуллаев, А., & Мавлонов, У. (2006). Узоекистонда давлат бошқаруви тарихи.

Мавлонов, Ў., & Маҳкамova, Д. (2004). Маданий алоқалар ва савдо йўллари. Тошкент: Академия.

## **VIII-XIII АСРЛАРДА МАРКАЗИЙ ОСИЁДА ПОЧТА АЛОҚА ТИЗИМИНИ РИВОЖЛАНИШ ТАРИХИ**

**Юсупов И.С.**

*т.ф.ф.д.(PhD),*

*Тошкент тиббиёт академияси Урганч филиали*

Ўрта Осиёда қадимги даврлардан бошлаб қарвон йўллари бўйлаб почта хизмати йўлга қўйилган бўлиб, йўллардаги махсус бекатларда хабарчилар, подшо чопарлари озиқ-овқат ва чопқир отлар билан таъминланган.

Арабларнинг Умар халифалиги (717-720) вақтида, Ўрта Осиё давлат почтасига сўғдлар ёки марвликлардан бўлган Сулаймон ибн Абу Сари “берид” бошлиқ эди.[1,Б.4] “Девони берид” асосан давлат эҳтиёжларига хизмат кўрсатган. Почта маҳкамаси бошлиғига шаҳарлардаги маҳаллий почта амалдорлари бўйсунарди. Улар ихтиёрида чопарлар ва кўп миқдорда почта отлари бўлган. Почта амалдорлари маҳаллий маъмурлар, яъни ҳокимларга бўйсунмасдан, балки ўзларининг марказий маҳкамасига қарарди.[2,Б.5] Умавийларга қарши кўтарилган кўзғолонга раҳбарлик қилган Абу-Муслим 747 йил 9-июнда кўзғолон бошланади деб хабар бериш учун ўзларини одамларини турли ҳудудларга юборади. Сафизанж қишлоғида

гулҳан ёқиб қўйишни юборади. Бу қўзғолон бошлаш учун берилган сигнал эди.

Арабларга қарши 769-783 йилларда кўтарилган Муқанна бошчилигидаги қўзғолонни мағлубиятга учрашида Бухоронинг соҳиб-бариди (давлат почтасини бошлиғи) халифа Маҳдийга қўзғолончилар ҳақида махфий маълумотларни юбориб тургани асосий сабаблардан бири бўлганди.[3,Б.236]

Хат-хабар етказиш имкониятининг пайдо бўлгани минтақада илм-фан ривожига жиддий туртки берди. Айниқса, Шарқ уйғониш даврида (IX-XI асрларда) яшаб ўтган улуғ мутафаккирларнинг ўзаро мулоқотлари (шу жумладан, хат орқали), ёзишмалари мисолида кўришимиз мумкин. Хусусан 997 йили Хоразм тахтига ўтирган янги шоҳ Али Ибн Маъмун Берунийга ўз ватанига қайтишни таклиф қилади. Беруний бу таклифни қабул қилади ва ўз она ватанида илмий фаолиятини янада ривожлантиради. Беруний илм йўлидаги ҳамкорликни жуда қадрлар шунинг учун ҳам ўз даврининг таниқли олимлари билан илмий алоқалар ўрнатганди. Масофалар миқдори тафаккур шуъласи қаршисида ожиздир. Катдан Беруний ёзган мактублар бошқа турли шаҳарларга юборилган мактубларда баён этилган илмий масалаларга жавоб ва талқинлар узоқ қарвон йўллари охирига Катга келиб турган. [4,Б.12]

Ёш олимнинг доврўғи ўша даврнинг энг йирик математиғи Абул Вафо ал-Бўзжонийгача етиб борганди. Бўзжоний бу вақтда Бағдодда яшаётган эди. Шундан сўнг иккала олим бир-бирлари билан хат орқали боғланишади ва икки жойдан Кот-Бағдод шаҳарларидан туриб 997 йилги ой тутилишини кузатишга келишиб олишади. Бўзжоний ва Берунийлар томонидан бир вақтнинг ўзида олиб борилган кузатишлар натижасида ўша вақт учун жуда аниқ бўлди. Олимлар топган Бағдод ҳамда Кот шаҳарлари орасидаги вақт шунақа кичик бўлган Беруний уни бир соату (15) деб олишни маъқул топади. Бу икки шаҳар вақти ўртасидаги ҳақиқий тафовут 1 соат-у 5 минутни ташкил этади.[5,Б.14] Беруний шундай ҳамкорликни ўз замонасининг машхур тиббиёт олими ва табиби Абу Али ибн Сино билан ҳам ўрнатганди.

Беруний Хоразмда илм-фан билан машғул бўлиб турли билим соҳаларни тадқиқ этаётган бир пайтда Бухорода ўн етти яшар Ибн Синонинг шуҳрати ёйила бошлаганди. Тезда бу ёш табиб ва файласуфнинг доврўғи Хоразмгача етиб келади. Натижада Беруний Ибн Синони илмий фаолиятини диққат билан кузатиб борган. Ҳамда Ибн Синога ўн саккизта савол ёзиб юборган. Уларнинг ҳаммаси Аристотелнинг “Осмон ҳақида” (ўн савол) ва физика (саккиз савол) китоблари ҳақида бўлган. Ибн Синонинг Берунийга қайтарган жавобларини фақиҳ (қонуншунос) Масъудий кўчириб ёзар ва ўзининг Берунийга ёзган хатларини қўшиб Хоразмга жўнатарди.

Беруний ва Ибн Синонинг 997-1004 йиллардаги ёзишмалари ўрта аср Шарқининг бу икки буюк олим ва мутафаккирлари ўртасида илмий ҳамкорликнинг ёрқин бир намунасидир. Абу Райҳон Беруний ва Абу Али ибн Синонинг метафизика, космология, физика минералогия каби фанларга оид мураккаб илмий масалалар юзасидан бир-бири билан хат орқали ўзаро фикр алмашиб тургани, 1004 йилда Хоразмга қайтган ал-Беруний Ибн

Синони хат орқали Гурганжга таклиф қилаганини эслаш жоиз. [6, Б.5] Бу икки даҳо олим бир-бирини илмий мавзудаги мактублар орқали билар ва келгусида учрашиш ниятида эдилар. Бизгача уларнинг ёзишмаларидан 18 таси етиб келган. Орадан бироз вақт ўтиб, 1005 йилда Хоразмга келган Ибн Синонинг Беруний ва унинг устози Абу Наср ибн Ироқ, машҳур табиблар Абул Ҳайр Ҳаммор, Абу Саҳл Масиҳий, Абу Абдуллоҳ ал-Илоқий ва бошқалар кутиб олдилар [7,Б.12]. Ибн Сино кейинчалик Хуросонда яшаган вақтида Хоразмда ҳамкорлик қилган олимлар билан яқин мулоқотда бўлганлиги ҳақида маълумотлар жуда кам сақланган.[8,Б.69] Кўриниб турибдики буюк алломалар ўртасидаги бундай чинакам илмий мулоқот, нафақат шу даврда давлат почтаси, шу билан бирга хусусий шахсларга тегишли хатларни етказишда изчил тизим йўлга қўйилганини, шахслараро мулоқотлар учун ҳам шарт-шароит яратилганини кўришимиз мумкин бўлади.

Хоразмда Олтинтошлар сулоласи ҳукмронлик қилган (1017-1036) даврида почта хизмати орқали юборилаётган хат-хабарларни ўз вақтида етиб боришини назорати билан махсус девон шуғулланган. Барча шаҳарларда почта бошлиғи лавозимлари ҳам жорий қилинган [9, Б. 293].

Х-ХІ асрларда Моварауннахрдаги давлатларда фаолият олиб борган “почта бошлиқлари” ҳукумдорларнинг фармонлар ва хатларини вилоятлардаги ноибларга етказиб турувчи ва улар орасидаги ўзаро ёзишмалар, хисоботлар ва бошқа ҳужжатларни сақловчи махсус девони бошқарган. Шу билан бир қаторда давлатда фаолият олиб бораётган амалдорларидан фақатгина почта учун маъсул бўлган амалдорга ойлик маошидан ташқари ҳақ қўшимча тўловлар ҳам тўлаб берилган. Ўша даврларда Моварауннахр вилоятларида почта сохибларига қўшимча йигирманчи пул тўловлари тўланган. Агар ҳудудлар ўртасида таққосланса почта бошлиқлари Самарқандда 750 дирхам, Марвда 900 дирхам, Фарғона ва Хоразмда 1000 дирхам маош олишган. [10, Б. 24] Сомонийлар, Қорахонийлар, Ғазнавийлар, Салжуқийлар, Ануштегинлар ҳукумронлик қилган даврларда ҳам почта алоқасига алоҳида эътибор қаратилганлигини таъкидлаб ўтиш лозим.

Ўрта Осиё ҳудудида мўғуллар ҳукмронлик қилган даврларда почта алоқасининг бошқа тизимидан ҳам фойдаланганлар ва у “ямлар” деб аталарди. Уларда доимо отлар тайёр турган ҳамда йўловчиларга, чопарларга доимий хизмат кўрсатиш учун бир неча киши хизмат қилган. Дастлабки “ямлар” ХІІІ асрда пайдо бўлган. Чингизхоннинг кичик ўғли Ўқтой уларни куришга катта аҳамият берган. [11, Б.80]

Мўғуллар империяси даврида 1229 йилда жорий этилган ёмлар тўғрисидаги қонунга кўра, аҳоли томонидан ҳар бир чопар учун гўшт, ун, гуруч, шароб ҳамда хизмат отларини тайёрлаб қўйилиши зарур эди. Аммо бу қонун бора-бора ҳокимлар ва аҳоли учун қийинчиликларни туғдира бошлади. Сабаби чопарлар муҳим бўлмаган ишлар вақтида ҳам ўзлари билан 200-300, базилари эса 500-1000 нафар отлиқлар билан юришган. Кўпгина ҳолларда муҳим бўлмаган хабарни етказётган чопарлар ўз навқарлари билан яхши отларни олиб кетиб, муҳим хабар эгаларига отлар ва бошқа таъминот

етишмай қоларди. Шундай ҳолатларни олдини олиш мақсадида империянинг бош маслаҳатчи лавозимида фаолият олиб борган Елюй Чуцай томонидан куйидаги ислохотлар амалга оширилганди.

Чопарларнинг қишлоқлардан таъминот олиши учун пайза (махсус ёрлик) кўрсатиш тартибини жорий қилди. Шунингдек қишлоқлардан кимнинг қанча от олиши ва нималар талаб қилишга ҳаққи борлиги аниқ белгилаб берилди. Бу тадбир мўғул зодогонлари томонидан аҳолининг ноқонуний таланиши, жойлардаги халқ ва маъмурият вакилларининг марказий ҳокимиятдан норозилиги ва кучайишининг олдини олди. Шундан сўнг алоқа ҳамда жосуслик тизимлари анча мукамал ва сифатли тарзда ташкиллаштириладиган бўлинди. [12, Б. 20]

Ямлар пойтахтдан қўшни давлатларнинг чегараларигача борадиган асосий йўлларда жойлашганди. Ямлар (работлар) тахминан ҳар 25-30 километр масофада ташкил қилиниб, алоҳида ҳарбий қўшинлар билан кўриқланарди. Ҳар бир чопар ўз отини ана шу масканларда алмаштириб кетар эди. Айрим ямчилар хон ёрликлари, тамғаларга эга эдилар. Ямлар албатта марказий ҳукмдор қармоғида бўлиб, фақат хон фармонлари ва хабарларни етказиб бериш хизматини ўтарди. Ямлар асосан ерли халқдан олинадиган солиқ ҳисобига сақланарди. [13, Б. 5]

#### **Адабиётлар:**

1. Мухамедов Ю.Х. Ўзбекистонда почта алоқаси. — Тошкент: “Ўзбекистан”, 1959. — Б.4
  2. Мухаммадиев Ў. Бир зумдаги алоқа. — Тошкент: “Фан”, 2000. — Б. 5.
  3. Мўминов И.М, Ўзбекистон ССР тарихи биринчи том Қадимий даврлардан XIX асрнинг биринчи ярмигача. Тошкент: 1970. — Б. 236.
  4. Қаюмов А. Абу Райхон Беруний, Абу Али Ибн Сино. Тошкент: “Ёш гвардия”, 1987. — Б.12.
  5. Булгаков П.Г. Абу Райхон Беруний. Тошкент: “Фан”, 1973. — Б. 14.
  6. Мавлонов, Ў., Аҳмедов, С., Умаров, Б. Ўзбекистон почтаси тарих ва тараққиёт. — Тошкент: Маънавият, 2014. — Б. 14.
  7. Қаюмов А. Абу Райхон Беруний. Тошкент: “Ёш гвардия”, 1987. — Б.12.
  8. Маҳмудов М. Хоразм тарихи истиқлол кўзгусида. — Урганч, 2013. — Б. 69.
- Абул Фазл Байхаки. История Масуда 1030-1041. — Тошкент: Изд. АН УзССР, 1962. — Б. 293.
9. Ибн Ҳавқал. Китоб сурат Ал-Ард Мовароунаҳр. Араб тилидан таржима ва изоҳлар муаллифи, тарих фанлари доктори, профессор Ш.С. Камолиддин. — Тошкент: “Ўзбекистон миллий энциклопедияси”, 2011. — Б. 24.
  10. Чориев З. Тарих атамаларининг қисқача изоҳли луғати. Тўлдирилган иккинчи нашри. —Тошкент: “Академия” 2002. — Б. 80

11. Латипов Ж, Кенжаев С. Елюй Чуцай: Мўғуллар империясининг буюк мутафаккири. Бухоро: “Камолот”, 2022. – Б. 20.

12. Мухамедов Ю.Х. Ўзбекистонда почта алоқаси. — Тошкент: “Ўзбекистан”, 1959. – Б.5.

Мавлонов, Ў. (2008). Марказий Осиёнинг қадимги йўллари: шаклланиши ва ривожланиш босқичлари. Тошкент: Академия.

Сагдуллаев, А., & Мавлонов, У. (2006). Узоекистонда давлат бошқаруви тарихи.

Мавлонов, Ў., & Маҳкамova, Д. (2004). Маданий алоқалар ва савдо йўллари. Тошкент: Академия.

Мавлонов, У. М. (1994). Торговые и культурные связи Кашкадарьинского оазиса в XVII-XIX вв.

Мавлонов, У. М., Каримов, Я. А., & Артиков, Х. (2017). Место амударьинских переправ в коммуникационной системе центральной Азии. *The Newman in Foreign policy*, (38 (82)), 54-58.

## ЭРНАЗАР ЭЛЧИ МАДРАСАСИ ТАРИХИДАН

**Ҳамраев С.А.**

*докторант*

*ЎзР ФА Тарих институти*

Ўзбекистон тарихан бой маданият маркази, дунё илм-фан ўчоқларидан бири бўлиб келган. Мутахассислар томонидан Марказий Осиё минтақасида хонликлар даври (XVI-XIX асрлар) турғунлик, тараққиётдан ортда қолиш, илм-фан ривожидан тўхташ даври сифатида баҳоланади. Аммо, ушбу даврда ҳам мамлакат ривожини, унинг дунё билан савдо-иқтисодий алоқаларини қайта йўлга қўйиш борасида ҳаракатлар бўлган. Шундай уринишлардан бири элчи Эрناзар Мақсуд ўғли томонидан амалга оширилган. Шунингдек, Марказий Осиё хонликларида мадраса таълими ривожланишдан тўхтамаган эди. Ҳукмдорлар, йирик амалдорлар, савдогарлар ва катта сармоя эгалари ўз ҳисобидан мадрасалар ва масжидлар қурдирган ҳамда унда таълим ва илмни ёйиш ишларига ҳомийлик қилганлар. Элчи ва йирик савдогар Эрназар Мақсуд ўғли ҳам ўз олдига шундай эзгу мақсадларни қўйган эди.

Мулла Муҳаммад Эрназарбий Мақсуд ўғли (баъзи манба ва адабиётларда Эрназарбий, Домулло Эрназар Элчи, Эрназар Мақсутов исми билан ҳам қайд этилган – С.Ҳ.) XVIII асрда Бухорода туғилган – 1780 йил Кўнйда вафот этган[10, Б. 519-538]. Ўзбекларнинг Қатагон уруғидан бўлган. Мулла Эрназарбий ёшлигида мадрасада ўқиган ва қачондир ўзи ҳам мадраса қуриш орзусида бўлган[7, Б. 344-345]. Умри давомида йирик савдогарга айланган мавқеи ортиб борган Эрназарбий Бухоро амирлигининг Россияга юборган элчиларига раҳбарлик қилади.

У Россияга савдо ишлари билан 1745 йилдан бошлаб, бир неча марта борган. Шу ўринда таъкидлаш жоизки, савдо ишлари баробарида Эрназар

Мақсуд ўғли Россия императори ва сарой аёнларининг эътиборини қозонади ҳамда уларнинг Ўрта Осиёга нисбатан ишончини мустаҳкамлайди. Қолаверса, император Елизавета Петровна қабулида бўлади ва унинг илтимосига биноан бир нечта ноёб буюмларни олиб келиш учун Хуросон ва Ҳиндистонга ҳам борган [7, Б. 344-345]. Шу вазифа бажарилгани ва буюмларнинг император саройига олиб келган пайтда (1762 йил) у, Россия императори Петр III (Елизавета вафот этган эди – С.Ҳ.)дан, Эрондан Маккага ўтувчи йўл хавфли бўлганлиги сабабли бухороликларнинг Астрахан орқали Ҳаж зиёратига боришини сўраган. Шунингдек, зиёратчиларнинг ибодат қилишлари учун Астраханда давлат ҳисобидан масжид қуришни тавсия қилган [2, Б. 166-167]. Ушбу омиллар унинг кейинги элчилик фаолияти даврида ўзига юклатилган вазифаларни муваффақиятли амалга оширишида муҳим аҳамият касб этди. Кейинчалик, Бухоро ҳукмдори Дониёлбий оталиқ томонидан Россияга юборилган, 2 та элчилик миссиясига бошчилик қилган [2, Б. 166-167]. Биринчи элчилик 1774–1776 йилларда, иккинчи элчилик 1779 йилда амалга оширилган [2, Б. 67, 173, 178; 3, Б. 88-89; 11, Б. 7-10]. У иккинчи элчилик миссиясини яқунлагач Россиядан Усмонли Турклар давлати орқали Маккага ўтишни сўрайди ва Макка сафаридан қайтиб келаётганида Кўня шаҳрида юқумли касалликдан вафот этган [10, Б. 518-538].

Шу ўринда таъкидлаб ўтиш жоизки, Мулла Эрناзар шахси Бухоро амирлиги ва Россия ўртасида дипломатик муносабатларнинг ўрнатилиш ва кейинги ривожига ўзига хос аҳамиятга эга. Бу кўплаб тарихий тақиқотларда таъкидлаб ўтилган. Жумладан, XIX аср бошларидаги илмий хабарларда Эрназар элчи ҳақида маълумот берган Яковлев: *“Эрназар барча бухороликлар каби ақлли ва айёр одам, моҳирлик билан бизнинг ҳукуматимизниг ишончини қозонди”* [11, Б. 7-10] – деб, таърифлаган.

Эрназар Мақсуд ўғли ўзининг савдогарлик ва элчилик фаолиятлари (элчиликлар давомида унга Каспий денгизи орқали савдо қилишда 5 йил мобойнида 10 минг рублгача бўлган моллар учун солиқ имтиёзи белгиланган – С.Ҳ.) натижасида маълум даражада маблағга эга бўлган.

Эрназар элчи Бухорода Девонбеги ҳовузи (Лаби ҳовуз) ёнида мадраса қуришга қарор қилгани айтилади [4, Б. 374]. Мадраса ҳижрий 1209 (милодий 1794-1795) йили қуриб битказилган [4, Б. 37]. Эрназар Мақсуд ўғли мадраса қурилишидан бир неча йил олдин вафот этган бўлса-да, мадраса унинг номи билан аталган. Қурилиш ишларига ким раҳбарлик қилгани ва нега Эрназар элчи номи билан юритилганлиги тўғрисида тадқиқотларда аниқ маълумотлар келтирилмаган.

Эрназар элчи мадрасасининг бош тархи жанубга қараган икки қаватли, куйи қаватда дарсхона ва масжид бўлган. Дастлаб пештоқининг икки ёнига гулдаста ишланган (буни дастлабки чизма ва XIX асрга оид чизма суратларда кўриш мумкин, аммо, кейинчалик, XX аср суратларида бу кўринмайди, афтидан XX аср бошларида қулаб тушган). Иккинчи қаватда хужралар жойлашган. Пештоқ орқали кираверишда миёнсарой жойлашган унинг бир

тарафида масжид ва бир тарафида дарсхоналар жойлашган. Миёнсарой тепасидаги кичик хужралар талабалар учун ётоқхона бўлган.

Ушбу мадрасада диний илмлардан ташқари тиббиёт, қишлоқ хўжалиги асослари, қурилиш ишлари, дорихона иши, тригонометрия каби фанлар ҳам ўқитилган. Кўкалдош мадрасаси ва Шоҳсанам масжиди олдида кўримсизгина, лекин, меъморий ечими билан ўзига хос бўлган Эрناзар Элчи мадрасаси мавжуд. Икки қаватли бу иншоот оқ мармардан қурилган ва шарқона безаклар билан жилоланган. Ички ҳовлиси кенг бўлиб, мударрислар ва талабалар учун хоналар ва хужралар бор. Вақф маблағлари ҳисобига ўз даврида бу ерда шогирдлар бепул таълим олиш баробарида нафақа ҳам олиб турганлар[10, Б. 518-538]. Мадраса дастаб бир қават бўлганлиги кейинчалик эса, иккинчи қавати қурилганлиги тўғрисида фикрлар мавжуд. Шунингдек, Эрназар элчи мадрасаси ХХ асрнинг 50 йилларида бузиб ташланган. Бугунги кунда мадраса ўрнида “Азия-Бухара” меҳмонхонаси қурилган [12].

Эрназар элчи мадрасаси қурилишининг молиялаштирилишига оид маълумотлар эътиборни жалб қилади. Хусусан, кўпчилик тадқиқотларда мадраса қурилиши учун Россия императори Екатирина II хайрия маблағи ажратганлиги таъкидланади. Жумладан, шарқшунос ва сайёҳлар А. Вамбири, Н.В. Хаников, П. Савельев мазкур мадраса Екатерина томонидан барпо этилганини таъкидлаган [1, Б. 180; 8, Б. 10; 9, Б. 86]. В.В. Крестовский “В гостях у эмира Бухарского” асарида Эрназар элчи мадрасаси фаолияти, унда ўтиладиган фанлар, талабалар ва хужралар сони, жойлашган ўрни ва мударрислар ҳамда талабаларнинг маошлари ҳақида маълумотлар келтиради. Шунингдек, Эрназар элчи мадрасаси мударрисидан унинг асос солиниши тарихига оид икки версиядаги ҳикояни келтиради (битта версияда мадраса қурилган вақти гапирилаётган даврдан 100 йил олдин яни 1784 йил деб ҳикоя қилинган – С.Ҳ.) [7, Б. 343-345]. Аммо, В.В. Крестовскийнинг бу ҳикоялар аниқ манбага асосланмагани туфайли унга ишониш қийинлигини эътироф этган. Қолаверса, шарқшунос Хаников Н.В. маълумотларида ҳам мадраса Император Екатерина II маблағига қурилганлиги таъкидланишига таяниб мазкур масала ҳақидаги ўз хулосасини “*Бу ҳақда биз аниқ биладиган ҳамма нарса шу*” деб, яқунлаган[7, Б. 344-345]. Кейинчалик, В.В. Крестовскийнинг ушбу маълумотларини таҳлил қилган П.П. Шубинский, унинг Эрназар элчи мадрасаси қурилишида Екатерина II иштирокига шубҳа қилмаганлигини таъкидлаган[10, Б. 518-538]. Шунингдек, мазкур олим ўз мақоласида Г. Пославский ўз қайдларида мадраса император Екатерина томонидан ажратилган 40000 рублга Эрназар Элчи томонидан қурилгани ҳақидаги маълумотни ҳам келтиради[10, Б. 518-538]. Шу ўринда таъкидлаш жоизки, П.П. Шубинский Эрназар элчининг элчилик фаолияти бўйича хужжатларни ўрганиш натижасида, мазкур элчиликнинг мақсади бошқа масалалар эканлигини таъкидлайди. Қолаверса, мадраса Екатерина II нинг хайрия пулларига қурилганлигини шубҳа остига олади ҳамда кейинги тарихий тадқиқотларда ушбу хато фикрдан четлашиш кераклигини тавсия қилади[10, Б. 518-538]. Юқоридаги маълумот ва қарашларнинг ҳеч бири архив хужжати

билан асосланмайди. Қолаверса, воқеанинг бевосита гувоҳи томонидан ёзилган манбага асосланмаган. Шу нуқтаи назардан мазкур маълумотларни ишончли дея олмаймиз. Аммо, совет ва мустақиллик даври тадқиқотларида ҳам мазкур масалада юқоридаги шарқшунос ва сайёҳларнинг фикрларига асосланган ҳолда Эрназар элчи мадрасасининг қурилишини Екатирина II маблағига қурилганлиги асоссиз равишда давом эттирилган.

Масалага оид яна бир қараш мавжуд. Хусусан, тадқиқотчи, Ҳ.З. Зиёев Я.Ғ. Гуломовнинг *“Мулла эрназар Мақсуд ўғли рус давлатининг маблағи билан Бухорода мачит қурган. Бу мачитнинг рус давлати ёрдами билан қурилганлиги Бухоро халқига ҳозирги кунда ҳам маълум”*[6, Б. 80] деган маълумотини келтириб ўтади. Шунингдек, бошқа бир тадқиқотида *“элчи Эрназар Мақсудовга шу даражада қойил қолганларки, Екатерина унга Бухорода мачит қуриш учун 3000 рубль берганлиги ҳақида маълумот бор. Унинг фаолияти жуда самарали равишда ниҳоясига етган эди”*[5, Б. 49], деб таъкидлайди.

Хулоса қилиб айтадиган бўлсак, Эрназар Мақсуд ўғли замонасининг илғор фикрли кишиларидан эди. У элчилик фаолиятида маълум ютуқларга эришган, мамлакатининг дипломатик ва савдо алоқаларини янада кенгайтириш учун ҳаракат қилган моҳир дипломат бўлган. Шу билан бирга илм-фанни ривожлантиришга ўз ҳиссасини қўшиш мақсадида Бухоро шаҳрида мадраса қурдирган. Ушбу мадрасанинг қурилиши, унинг молиялаштириши масаласи кўплаб ноаниқликлардан иборат. Биринчидан, мадраса қачон қурилган ва қурилиш ким томонидан назорат қилинган ёки бошқарилган. Зеро, тадқиқотларда мадрасанинг қурилган вақти келтирилган саналарда Эрназар Мақсуд ўғли вафот этган эди. Иккинчидан, мадраса кимнинг маблағига қурилганлигини ҳужжатлар асосида кўрсатиш. Чунки, мазкур масалада ҳозирга қадар келтирилган барча маълумотлар архив ҳужжатлари ёки бошқа аниқ, ишончли манбаларга асосланмаган. Ушбу сабаблар мазкур масаланинг ечимини топиш мақсадида янги тадқиқотлар амалга ошириш лозимлигини кўрсатади. Зеро, мадраса қурилишига бошқа давлат ҳукмдорининг дахлдорлиги тўғрисидаги гап-сўзлар ва масаланинг давлатлар ўртасидаги муносабатлар контекстида қўлланилиши бунинг долзарб масала эканлиги билдиради.

#### **Адабиётлар:**

1. Вамбири А. Путешествие по Средней Азии. Санктпетербург, 1865.
2. Гуломов Х. Дипломатические отношения государств средней Азии с Россией в XVIII – первой половине XIX века. Ташкент: Фан, 2005.
3. Жуковский С.В. Сношения России с Бухарой и Хивой за последнее трехсотлетие. Пг., 1915.
4. Жуманазар. А. Бухоро таълим тизими тарихи. Тошкент: Akademnashr, 2017.



5. Зиёев Ҳ. Ўзбекистоннинг Каспий-Волга бўйлари ва Оренбург орқали Россия билан элчилик алоқалари тарихи (XVI асрнинг иккинчи ярми – XIX аср). I жилд. Тошкент: 2014.
6. Зиёев Ҳ.З. Ўрта Осиё ва Волга бўйлари (XVI асрнинг иккинчи ярми – XIX асрлар). Тошкент 1965 йил.
7. Крестовский В.В. Въ гостяхъ у эмира Бухарскаго. С.-Петербургъ, 1887.
8. Савельев П. Бухара въ 1835 году. Санктпетербург, 1836.
9. Ханыков Н.В. Описание Бухарскаго ханства. Санктпетербург, 1843.
10. Шубинский П.П. Бухарские посольства при дворе Екатерины II // Исторический вестник, № 2. 1897. С. 518-538.
11. Яковлев. Мулла Ирназар Максюттов, посланник бухарский // Сибирский вестник. Ч. I. 1824. С. 7-10.
12. <https://rusrav.uz/2019/04/23/medrese-jernazar-jelchi/>

## **НОВЕЙШАЯ КИТАЙСКАЯ ИСТОРИОГРАФИЯ ИСТОРИИ СОГДА И СОГДИЙЦЕВ**

**Ваисова Н.А.**

*д.ф.и.н., (PhD),*

*Национальный университет Узбекистана*

Безусловно, китайские исследования занимают значительное место среди всех зарубежных публикаций по исследованию Согда. В 1977 г. был издан «Сборник материалов по истории взаимодействия Запада и Востока» профессора ЧжанСинлана [1], в пятом томе этой работы под заголовком «Взаимодействие Древнего Китая и Западного Туркестана» впервые в китайской историографии, на основании древнекитайских источников были рассмотрены вопросы согдийской колонизации. Следом за Чжан Синланом, в 1980-1990 годах появился ряд работ выдающихся учёных, главным образом, таких как ЧэньИнькэ [2], выдвинувшего предположение о том, что обнаруженные в китайских источниках слова «чжэцзе», «цзеху» относились именно к согдийцам, являвшимся ключевой силой в мятеже Ань Лушаня (755-763 гг.) во время правления династии Тан.

Самой известной работой Цзи Сяньлиня в этой области является его комментарии к книге буддийского паломника СюаньЦзана «Путешествие в Западный край во времена Великой Тан», изданной в 1985 г. Данный труд стал настольной книгой любого исследователя истории и культуры Средней и Южной Азии, Китая. В свою очередь Чжан Гуанда [3] опираясь на работы за падных исследователей изучил историческую топонимику и лингвистики согдийцев.

Несмотря на то, что в большей степени китайские труды по расшифровке согдийских документов были написаны на основе западных исследований, имеется немало работ, основанных на первоначальном

источнике - на согдийском языке. В 1990 г. было опубликовано сочинение МаСяохэ [4] «Согд в начале VIII века: исследование нескольких мугских документов», в котором рассматривается ряд согдийских и арабских документов, а также с опорой на советские исследования описывается история пенджикентского правителя Деваштича и захват арабами Средней Азии в начале VIII века. Из-за того, что всё больше и больше согдийцев устремлялось в Китай под угрозой арабской экспансии в VIII веке во время царствования династии Тан, культурное взаимодействие Китая и Согда достигло небывалой величины, в результате чего постепенно возникала тенденция китаизации согдийской культуры, и наоборот, в сам Китай глубоко проникли согдийская религия - зороастризм, западные товары, обычаи и их национальное искусство.

На рубеже XX-XXI веков, на основе успешных археологических раскопок (особенно на севере Китая), изучение данной области в Китае под руководством профессора Жун Синьцзяна [5] стремительно развивалось, особое внимание уделялось таким направлениям как культура и искусство.

Китайский историк Шу Минь [6] в своей книге «Дамочансян» («Воображение пустыни», 2004 г.) привлек внимание к роли Великого Шелкового пути в процессе развития мировой цивилизации. Он считает, что этот маршрут, посредством согдийцев, соединил самые старейшие человеческие культуры, а именно культуру Древнего Китая, развивавшуюся в долине реки Хуанхэ, древнегреческую и персидскую культуры.

В материалы конференции «Согдийцы в Китае: новые исследования по истории, археологии и лингвистике» был включен цикл статей, посвященных искусству согдийцев в Китае, в частности, статья Цзян Боцинь «Согдийская система управления сабао в Китае и монументальное искусство каменных барельефов» [7], ЦиДунфана «Хэцзяцуньский клад и культура Согда» [8] и другие.

Цзян Боцинь опубликовал монографию «Изучение истории искусства китайского зороастризма» [9], в основе которой лежат новейшие находки, в первую очередь погребальный инвентарь и настенная живопись согдийцев, найденные на раскопках в Китае. Кроме этого, Цзян Боцинь акцентирует внимание на сравнительной методике, опубликовав «Сопоставительный анализ по настенным живописям в Дуньхуане и Согде».

Что касается прочих китайских исследований по согдийскому прикладному искусству, можно особенно выделить работу ЦиДунфана [10]. В 1999 году была издана его монография «Танское золото и серебро», в котором рассматриваются проникновение сасанидской и согдийской художественных школ в Танскую эпоху.

Китайский профессор Чикагского университета У Хун в своих работах уделяет большое внимание изучению культуры Согда с точки зрения искусствоведения. По его мнению, культурное взаимодействие Согда и Китая отражено в двух характерных чертах: китаизации Согда и обширном проникновении иноземного стиля в династию Тан. В статье У Хуна

«Культурно-искусственное взаимодействие и слияние в течение династий Хань и Тан» отмечено, что новый подход культурной коммуникации образовался в силу распада политической структуры, чаще всего при помощи которого осуществляется взаимодействие между периферией и центром, метрополией и зарубежьем. Под влиянием этого же взаимодействия находились различные виды искусства и визуальные формы. С этой же точки зрения в статье «Китаизация и ретро: откровение каменного саркофага в форме жилища» У Хун специально рассматривал возобновление использования каменного саркофага в форме Ханьского жилища в эпоху Северных династий, полагая, что, в отличие от типичной Ханьской традиции этот стиль саркофага представляет собой одно из выражений китаизированных обычаев Сяньби или Согда [11].

Необходимо отметить и работы других китайских историков, ЧжанЦзиПина и Лю Чжи Цзюаня [12].

Монография «История шелка» ЛюЧжицзюань опубликованная на английском языке «The Story of Silk» [13] была издана 2006 году в Китае, в ней изучена история происхождения шелка а также ее распространение по Великому шелковому пути.

Книге «История шелкового пути» ЦзянгЧжипин, описывается Дом шелка, Путешествие Чжан Цяня на запад, в Китай и Рим. В книге описываются о племенах, проживающих на западной границе Китая во времена династии Хань, дается повествование о древней пустыне страна – Лолан. Большое внимание уделено стране «небесных лошадей» - Усуни, таинственному оазису – Ния, стране «танцев в сопровождении музыки» - Кызыл. Здесь также описываются странствия купцов на Шелковом пути, процветающая торговля в династии Хань, которую вели согдийцы, греки и евреи.

В монографии нашло отражение проникновение буддизма в Китай через Шелковый путь, странствие китайских монахов на запад по Шелковому пути. Автор уделил внимание согдийцам во время правления династии Тан мегаполис того приода - Чаньане и Дуньхуане и др.

В 2016 году состоялась международная конференция, посвященная истории Согда. По окончании ее работы в свет вышел сборник статей под общим названием «Согдийцы в Китае: новые доказательства из археологических находок и источников», в который были включены труды участников конференции. Опираясь на новейшие достижения археологии за последнее десятилетие, был выдвинут ряд свежих идей. Эти работы по большей части ориентируются на глубокое исследование религии, культуры, искусства Согда, расшифровке мертвых языков. Из всех трудов стоит выделить великолепные работы Би Бо «Найденный оссуарий в поселке ЦигэсинКарашара» [14], Лин Мэйцуна «Род Хэчоу и проникновение согдийского ремесла на восток», Дуань Цин «Прибытие согдийского каравана в Хотан: расшифровка хотанского документа ВН4-135» [15]. В 2017 году была издана фундаментальная монография Линь Мэйцуна «Археология

и искусство Западного края» [16], в которой прослеживается ряд вопросов, касающихся культурной коммуникации Согда и династии Хань, с одной стороны, и Согда и династии Тан, с другой.

В 2018 году была опубликована другая фундаментальная монография «Древний шелковый путь Китая» подготовленная китайскими исследователями Пэн Ланьцзя и Ян Янлином [17]. В книге представлен большой фактический материал о роли согдийцев сыгравших огромную роль в развитии, обмене и обогащении культур Евразийского материка.

Также здесь можно выделить последние 2021 года издания ЧжанХунчао статья посвящена изучению культурной дипломатии КНР Инициативы председателя КНР Си Цзиньпина в области культурной дипломатии. изучается отношение других стран к подъему Китая, определяется роль культурной дипломатии во внешней политике страны, предложенной председателем Си Цзиньпином. Актуальность этой темы заключается в том, что внешняя политика председателя Си Цзиньпина, особенно культурная, оказала большое влияние на политический, экономический и культурный порядок Китая и всего мира. [18]

#### Литература:

1. ЧжанСинлан. Чжунсицзяотуншиляохуэйбянь («Сборник материалов по истории взаимодействия Запада и Востока»). –Пекин, 1977. – С.33.
2. ЧэньИнькэ. Суйтанчжидуюаньюаньлюэлуныгао («Коротко о истоках строя династий Суй и Тан»). -Пекин: 2001.-С.213-216.
3. ЧжанГуанда. Сиюйшидицунгаочубянь («Сборник статей об истории и географии Западного края»). -Шанхай: 1995.-С.56
4. МаСяохэ. Гунюаньбашицзичуняньдесутэ – жоганьмугэшанвэньшу дэ яньцзю («Согд в начале VIII в. н. э.: исследование нескольких мугских документов») // Чжоуясюэкань. –Пекин, 1990. Т. 3. -С. 109-138.
5. Жун Синьцян. Чжунгучжунгоуйвайлайвэньмин («Средневековый Китай и экзогенная культура»). - Пекин, 2001.-С. 201. Его же: Чжунгучжунгоуйсутэвэньмин («Средневековый Китай и культура Согда»).- Пекин: 2014.-С.298
6. Шу Минь Воображение пустыни «Дамочансян» Китай 2004г. Зонн И.С., ТяньЮй-чжао Новое прочтение Великого шелкового пути.// [www.postsovietarea.com](http://www.postsovietarea.com)
7. Цзян Боцин. Жухуасут эжэнь сабаофушэнь фэньтичжи юйхуасянши цзинянь синишу («Согдийская система управления Сабао в Китае и монументальное искусство каменных барельефов») // Сутэжэньцзайчжунго. - Пекин: 2005. С. 201-208.
8. ЦиДунфан, Хэцзяцуньбаоюйсутэвэньхуа («Хэцзяцуньский клад и культура Согда») // Сутэжэньцзайчжунго. -Пекин: 2005. -С. 375-389.
9. Цзян Боцин. Чжунгосяньцзюиошушияньцзю («Изучение по истории искусства китайской зороастризма»). Пекин: 2004; Его же Дуньхуанбихуаюйсутэбихуа дэ бицзюяньцзю («Сопоставительный анализ по

настенным живописям в Дуньхуане и Согде») // Дуньхуаняньцзю. - Ланьчжоу: 1988 (2). -С. 82-84.

10. Ци Дунфан. Тандайцзиньиньцияньцзю («Танское золото и серебро»). -Пекин: 1999.-С.389

11. У Хун. Хуахуаюй фугу – фансингодэциши («Китаизация и ретро: откровение каменного саркофага в форме жилища») // Наньцзинишусюэюаньсюэбао. -Нанкин: 2005 (2).- С. 1-6.

12. Jiping Jhang. Story of the Silk Road. Beijing: China International Press, 2005.176р.; Zhijuan Liu. The Story of Silk. Beijing: Foreign Languages Press, 2006. 160 p.

13. Zhijuan Liu. The Story of Silk. -Beijing: Foreign Languages Press, 2006. -160

14. Би Бо. Каогусиньфасяньсоцзянь Канцзюйюй Сутэ (Кангюй и Согд по новым археологическим находкам). тезисы докладов. -Ланьчжоу: 2011.- С.4-8

15. Дуань Цин. Сутэшандуйдаоюйтянь – ВН4-135 чжиюйтяньвэйшудэцзеду («Прибытие согдийского каравана в Хотан: расшифровка хотанского документа ВН4-135») // Сутэжэньцзайчжунго. - Пекин: 2016. – С. 96-115.

16. Лин Мэйцунь. Сиюйкаогуяйишу («Археология и искусство Западного края»). -Пекин: 2017. – С.174

17. Пэн Ланьцзя, Ян Янлин, Древний шелковый путь Китая. В 2-х т. - Ташкент, 2018.-С.18.

18. Чжан Хунчао Инициативы председателя КНР Си Цзиньпина в области культурной дипломатии. Журнал международного права международных отношений № 4 (99 ). 2021

## **EFTALIYLAR BUYUK IPAK YO‘LIDA**

**Sultonov Sh.E.**

*o‘qituvchi*

*Al-Buxoriy universiteti*

So‘nggi yillarda O‘zbekistonda o‘zbek xalqi va uning davlatchiligi tarixi muammolari ustida qator tadqiqotlar amalga oshirilmoqda. Hozirda Markaziy Osiyo hududining geografik yaxlitligi, tarixiy voqealarning unda joylashgan barcha davlatlar va xalqlarga daxldorligi, ular etnomadaniy umumiylik asosida yaratilgan madaniy va ma’naviy merosning vorislari ekanligini anglab yetish davri keldi. Buni amalga oshirish uchun avvalo tarixning ana shunday davrlarini mansublilikka berilmasadan xolisona o‘rganish, tadqiq etish lozim. Tariximizning ana shunday davrlaridan biri eftalitlar davridir.

Malumki, bugungi O‘zbekiston hududida mavjud bo‘lgan o‘z zamonasining buyuk davlatlari Qang‘ va Kushon podsholiklarining milodiy asr boshlarida boshlangan inqirozi shimoldan ko‘chmanchi turkiy qabilalarning hujumi natijasida yanada kuchaydi. Dastlab, xioniylar, toharlar va ular bilan birga kirib kelgan kichik

etnoslar va eftalitlar bunga yorqin misol bo'la oladi. Bu turkey qabillar hududa o'z davlatlariga asos soldilar. Ulardan ayniqsa o'lka hududida yuz yildan ortiq vaqt davomida o'z hukumronligiga ega bo'lgan eftalitlarning o'rni alohida ahamiyatga egadir.

Ta'kidlash kerakki, eftalitlar davrida turkiylar va mahalliy aholi o'rtasidagi munosabatlar asosida bu davrdagi davlatchilik holati va evolyutsiyasi xolis, ilmiy asoslangan, manbalarga suyangan holda ochib berilgan maxsus tadqiqotlar mavjud emas.

Biroq, bu davrni chuqur o'rganish, atroflicha tahlil etish va voqealarga obyektiv baho berish o'zbek xalqi va uning davlatchiligi tarixida muhim bosqichi bo'lgan ushbu davrdagi ko'plab qarama-qarshiliklarni bartaraf etish bilan bir qatorda XXI asr boshlarida vujudga kelgan hududiy va etnik mansublik kabi muammoli masalalarning yechimini topishga ham yordam beradi.

Ma'lumki, eftalitlar turli nomlar ostida manbalarda tilga olib o'tilgan. Masalan, armancha "hyeptal", "hyetal", "tetat"; Yunoncha - "eftalit", "Abdel", "eftal", "Oqovlar"; Suriy - "eptalit", arabcha - "baland", "hyetal"; O'rta forscha - "heptal" va "hyeptal". Zardushtiy manbalarida ular ba'zan "pyoz", hind manbalarida "hula" ko'rinishida uchraydi; Arab manbalarida eftalitlar "haitallar" deb atalgan bo'lsa-da, ba'zida ular "turklar" deb nomlanadi va arman manbalarida ularni kushonlar nomi bilan tanishtirishadi [1]. Xitoy manbalarida eftalitlar "ye-da", "ye-diyen", "idan", "e-ta-lito" kabi uchraydi [2]. Yuqorida sanab o'tilgan barcha variantlardan, tarix fanida ularning nomi eng ko'p ishlatilgani - "eftalitlar"dir [3].

Yana bir jihat eftalitlarning kimlar avlodi ekanligi bo'yicha turlicha qarashlarning bugungi kunda ham mavjudligidir. Albatta bu holning aniqlanishuvi etnik jarayonlarga ham anchayin oydinlik kiritadi. Chunonchi, Arman tarixchisi Sebeos, Sosoniy hukmdori Perozni mag'lub etgan tetallar (eftalitlar)ni turklarga tenglashtirib, "Xurmuzd II ning onasi turklardan edi" degan ma'lumot beradi va turklarni maskut (massaget)larga aloqador, - deb ko'rsatadi [4]. Antik davr tarixchisi Prokopiy Keseriyskiy ham eftalitlar- "oqxunlar" haqida: "ular (eftalitlar) boshqa xunn xalqlari kabi ko'chmanchi emaslar, ammo azaldan hosildor yerlarda o'troqdurlar. Bir podsho tomonidan boshqariladi va qonuniy davlatchiligiga egadurlar. O'zaro va qo'shnilari bilan rumliklar va forslardan kam bo'lmagan adolatga rioya qiladilar" - deb, yozgan edi [5]. VI asrning Vizantiya tarixchisi Kesariya Prokopisi shunday yozgan edi: "eftalitlar - bu xunlarning odamlari va ular deyilgan, ammo ular biz biladigan xunlar bilan aralashmaydilar va ular bilan aloqa qilmaydilar, chunki ular bilan chegara hududi yo'q va ular yaqinida yashamaydi. Ular boshqa xunnik xalqlari singari ko'chmanchi emaslar, ammo uzoq vaqtdan beri yaxshi yerga joylashib kelishgan. Shuning uchun ular fors qo'shinidan tashqari Rimliklarga hujum qilmadilar. Ular tanasi oq, tashqi ko'rinishi xunuk bo'lmagan, ularnikiga o'xshash hayot tarsi bo'lmagan va xuddi shu podshoh tomonidan boshqarilgan va huquqiy davlatchilikka ega bo'lganlar kabi, o'zlari va qo'shnilari o'rtasida adolatni saqlaydigan biron bir hayvon turiga ega bo'lmagan xunlardan. Rimliklar va forslardan ko'ra yomonroqdir" [6].

Shunday qilib, Kesariya Prokopiysi, eftalitlar, garchi xunnik xalqi bo'lishiga qaramay, tashqi ma'lumotlarda ulardan farq qilishini aytadi. VI asrning yana bir Vizantiya tarixchisi Mirinskiyning Agatiysi qisqacha yozadi: "eftalitlar – bu xun xalqidir"[7]. Eftaliylar haqida ma'lumot qoldirgan o'rta eroniy tilidagi "Bahman yash" asarida: "bosqinchilar (eftaliylar) turklar yoki qizil xioniyalar" edi, - deb keltiradi. Bu ma'lumot ham eftaliylarning etnik mansubligi xususida ayrim aniqliklarni beradi [8]. Eftalitlar tili masalasida izlanish olib borgan V.B. Xenning va V.A. Livshis kabi olimlar tangalar tahlili orqali Toxariston eftaliylari tilini baqtriya tiliga taqqoslaganlar. Ammo biror-bir manba eftaliylarni eroniy tilli ekanligini tasdiqlamaydi. Faqat ularni yuechjilarga bog'liq jihatlari "Bey shi" solnomasida ta'kidlanadi xolos. Unda: "ular (yeda - eftalitlar) gogyuy (uyg'urlarning) bir tarmog'i bo'lib, urf-odatlarini, bir qancha jihatlari bilan turk (tukyu)larga o'xshash", - degan xulosalar mavjud[9]. Qolaversa, VII asrda xitoylik muallifi Vey Chiye o'zining "Si-fan-chi" asarida shunday ta'kidlaydi: "Ma'lumotlar uzoq mamlakatlardan keladi, va chet tillar buzilish va tushunmovchiliklarga duch kelmoqda, ayniqsa bu juda uzoq vaqt davom etadigan holatlarga tegishli. Shunday qilib, biz aniq bir narsani bilmaymiz. Shu sababli, eftalitlarning kelib chiqishi haqidagi savolni halqilib bo'lmaydi" [10].

Yana bir masala eftalitlarning "oq" va "qizil" ranglari orqali talqin qilinishidir. V.A. Livshis Afrosiyob devoriy suratlaridagi shaxslarni "oq xionlar" va "qizil xionlar", - deb mulohaza bildiradi. Bunday bo'linish qizil xun va oq xun tarmoqlari, keyinchalik ham sariq va qora turkash, oq, sariq, qora qipchoq, sariq uyg'ur kabi bo'linishlar aslida turk xalqlarida saqlangan. U ham eftaliylarning ilk ajdodlari turkiylar bilan bir qavmga mansubligini tasdiqlaydi.

A. Otaxo'jayevning takidlashicha, Sug'ddagi eftaliylar tili sug'diylashib borgan. Chunki manbalarda eftaliylarga nisbatan qo'llanilgan nomlanishlar, mazmuni X asr muarrix Ba'lamiy fikricha, buxoroliklar tilida hayatila-haytal-"kuchli odam" ma'nosida keltirilgan [11]. Takidlash lozimki, Etnik jarayonlar uchun e'tiborli jihati xioniy, kidariy va eftaliylarning kelib chiqishi bir tarmoqdan ekanligida edi. Shu bois, ular o'rtasida mintaqadagi hokimiyat almashuvi to'qnashuvlarsiz ro'y bergan. Bu hol mintaqadagi etnik simbioz jarayonlariga ham zamin hozirlagan. Xioniyarning marhumlarni olovda yoqib, so'ng suyaklarini kumush idishga solib ko'mish odati Xorazmdagi Kang'qal'a va Ko'hna Uveys shahar manzilgohlaridagi topilmalar bilan aynanligi, ularning kelib chiqishini Orolbo'ylaridagi sak-massaget substratidagi xun-turk ta'sirida shakllangan degan faraz mavjud [12]. Xuddi shu kabi A.N. Bernshtam ham o'rta va quyi Sirdaryo hamda Amudaryoning etaklarini eftaliylar shakllangan hududlar deb ko'rsatadi [13]. Chunonchi, Eftaliylar davlati qaysidir ma'noda Qang' davlatining vorisi ham edi. Chunki Eftaliylar davlati aholisining etnik tarkibi Qang' davlati etnik tarkibi bilan bir xil bo'lgan [14].

Eftaliylar ham Qang' kabi mintaqaviy viloyatlari ma'muriy boshqaruvni tashqi nazorat asosida amalga oshirgan. Qolaversa Karim Shoniyozov ham o'z tadqiqotlarida ushbu ma'lumotlarni tasdiqlaydi [15]. Shuni qo'shimcha takidlash lozimki, eftalitlar O'zbekiston hududlariga to'satdan kirib kelib qolganlari yo'q

albatta. Bungacha ham ular hudud aholisi bilan ayniqsa Qang‘ davlati bilan yaqindan aloqa qilgan. Demak yuqoridagi etnoslar O‘rta Osiyo etnik muhiti uchun begona emasligini va ular bundan oldin ham bu hudud aholisi bilan aloqa qilib kelganligini, etnik aralashuv oldin ham kuchli bo‘lmasa-da mavjud bo‘lganligini ko‘rsatadi.

#### Адабиётлар:

1. Сударева М. Происхождение Эфталитов. – Ташкент, 2012.– С. 5.
2. Ahmedov В. O‘zbekiston tarixi manbalari. –Toshkent: O‘qituvchi, 2001. – В. 42.
3. Ртвеладзе Э.В. Великий Шелковый путь. Энциклопедический справочник. Древность и раннее средневековье. – Ташкент, 1999. – С. 271.
4. Камолиддин. Ш.С. К вопросу о происхождении Саманидов // Archivum Eurasiae Medii Aevi, edited by Th.T.Allsen, P.B.Golden, R.K.Kovalev and A.P.Martinez, 15 (2006/2007). –Wiesbaden: Harrassowitz Verlag, 2008.
5. Отахўжаев А. Илк ўрта асрлар Марказий Осиё цивилизациясида турк-суғд муносабатлари–Тошкент:ART-FLEX,2010. – Б. 149.
6. Гафуров Б.Г. Таджики Древнейшая, древни и средневековая история. –М.: Изд-во восточной лит-ры, 1972. – С. 206.
7. Сударева М. Происхождение Эфталитов. –Ташкент, 2012. – С. 6.
8. Отахўжаев А. Илк ўрта асрлар Марказий Осиё цивилизациясида турк-суғд муносабатлари– Тошкент:ART-FLEX, 2010. – Б. 150.
9. Хўжаев А, Айтбаев А., Қўлдошев Ш., Думаниёзова. Ф. Марказий Осиё тарихи Хитой манбаларида.–Тошкент, 2016. – Б. 87; Отахўжаев А. Илк ўрта асрлардаги сиёсий, ижтимоий-иқтисодий ва маданий муносабатларда Суғд ва Чоч // O‘zbekiston tarixi.– Тошкент, 2009. –№ 1. – Б. 150.
10. Сударева М. Происхождение Эфталитов. –Ташкент, 2012. – С. 6; Ильясов Дж. Некоторые замечания к проблеме эфталитов // Transoxiana. История и культура. Сб. статей. – Ташкент, 2004. – С.117.
11. Отахўжаев А. Илк ўрта асрлар Марказий Осиё цивилизациясида турк-суғд муносабатлари.– Тошкент: ART-FLEX,2010. – Б. 150.
12. Ahmedov В. O‘zbekiston tarixi manbalari. –Toshkent: O‘qituvchi, 2001.– В. 42; Madarimov А. Fuzailova G. Manbashunoslik. –Toshkent: O‘zbekiston faylasuflari milliy jamiyati nashriyoti, 2008. –131 b.
13. Отахўжаев А. Илк ўрта асрлар Марказий Осиё цивилизациясида турк-суғд муносабатлари. – Тошкент:ART-FLEX, 2010. – Б. 150.
14. Шониёзов К. Қанғ давлати ва қанғлилар. (Ўзбек халқининг сиёсий ва этник тарихидан). – Т.ошкент: Fan, 1990. – Б. 54-55.
15. Шониёзов К. Қанғ давлати ва қанғлилар. (Ўзбек халқининг сиёсий ва этник тарихидан). – Тошкент: Fan, 1990. – Б. 23-24.



## ЖАНУБИЙ ОРОЛБЎЙИДА ИЛК АЛОҚА ЙЎЛЛАРИНИНГ ШАКЛЛАНИШ ТАРИХИДАН

**Кудайбергенов С.**

*таянч докторант*

*Нукус Давлат университети*

Жанубий Оролбўйи Марказий Осиё цивилизация марказларининг Қуйи Волгабўйи ва Уролбўйи ҳудудлари билан илк алоқалари алоқалари амалга оширилган, улкан Евроосиё минтақасида миграция жараёнларида қадимда муҳим ўрин тутиб келган. Жанубий Оролбўйида илк алоқа йўллари шаклланишининг илк босқичларини аниқлашда археологик маълумотларнинг аҳамияти беқиёсдир. Сўнгги йилларда тадқиқотчилар томонидан, ушбу маълумотларга таянган ҳолда, тош даврида ҳудудларни ўзлаштириш жараёни ва хўжалик-маданий типлар, Устюрт сарҳадлари, қуйи Амударёнинг Окчадарё ва Сарикамиш бўйи ўзанлари ҳавзаларининг ибтидоий жамоалари томонидан ўзлаштирилишининг ўзига хос хусусиятлари каби масалалар кўриб чиқилган [1].

Оролбўйида алоқа йўллари шаклланиши жараёнларини қайта тиклашда инсонни ураб олган қадимги ландшафт-иқлим муҳити ва палеогеография, ҳайвонот ва ўсимликлар дунёси ҳамда меҳнат ва ов қўроллари яшаш учун тош конлар ва чучук сув манбаларининг мавжудлигини ўрганиш [2], яъни одамларнинг хўжалик эҳтиёжларини қондирган ва табиатда мавжуд бўлган озиқ-овқат маҳсулотларни қўлга киритишга имкон яратган қадимий шароит жиҳатларини аниқлаш муҳимдир. Ушбу муаммони қисқача таърифлаш мақсадга мувофиқ.

Ҳозирда Устюрт худуди ва Оролбўйидаги кум тепаликлар билан қопланган ва чўлга айланган текисликлар ҳаёт учун ноқулай шароитга эга. Бироқ, мазкур ҳудудларни палеолит – қадимги тош даврдан ўзлаштирилиши бошланганлиги ҳолати аниқланган. Устюрт платосининг жануби-шарқида ҳамда қуйи Амударёнинг сўл ва ўнг соҳилларидан сўнгги палеолит даврига оид бир қатор ёдгорликлар топилган [3]. Айниқса, мезолит даврида Устюрт сарҳадлари кенг ўзлаштирила бошланган. Бундан шу даврга оид Жайронкудук, Айдабол ва Октойлоқ каби ёдгорликлар гуруҳлари дарак беради [4]. Демак, энг қадимги тарихий босқичларида Устюрт ва Оролбўйи табиий муҳити замонавий иқлим ва табиий-географик шароитга мос келмаган. Палеолит, мезолит ва неолит даврларда ушбу ҳудудлар сув манбалари билан етарлича таъминланган бўлиб, қўллар соҳиллари теварагида мавжуд ўсимликлар ва ҳайвонот дунёси овчилик ва термачилик соҳаларининг ривож топишига замин яратган.

Амалга оширилган археологик тадқиқотларнинг натижаларига кўра, палеолит ва мезолит даврларда, Устюрт ҳудудлари ва Султон Увайс тоғларининг тевараги доимий равишда яшаш мақсадида ўзлаштирилмаган.

Ушбу ҳудудларда Шарқий Каспийбўйи, Манғишлоқ ва қўйи Урал дарёси ҳавзасидан кириб келган овчилар гуруҳлари, табиий озуқа маҳсулотларини кўлга киритиш мақсадида мавсумий кўчиб юришган деб фараз қилинади, негаки Устюртда узоқ муддатли фойдаланилган маконлар топилмаган [5].

Бизнингча, бундан келиб чиққан муҳим хулоса шуки, сўнгги палеолит давридан бошлаб, хўжалик эҳтиёжларни қондириши учун фойдаланилган дастлабки сўқмоқларнинг тармоқлари, йўналиши жиҳатдан кенгайиб боради. Улар аввалдан ибтидоий жамоалар маконларини озиқ-овқат ва хом ашё манбалари мавжуд ҳудудлар билан боғлаш аҳамиятга эга бўлиб, кейинги босқичларда яшаш жойларини ҳудудий жиҳатдан кенгайтиришга кўмаклашган. Шу асосда овчилар жамоаларининг бир ҳудуддан икинчисига кўчиш, ўсимлик ва хайвонот дунёсига бой, ва хом ашё конлари мавжуд янги ерларни эгаллаб олиш ҳамда маҳсулот билан айирбошлаш анъанавий ички ва ташқи алоқа йўллари вужудга келган.

Шарқий Каспийбўйи ва Жанубий Оролбўйи тош даври археологик ёдгорликларнинг географияси ва картографияси маълумотларига кўра, Каспийбўйи ва Оролбўйи оралиғидаги дастлабки хўжалик алоқа сўқмоқлари камида сўнгги палеолит-мезолит даврларида вужудга келган [6]. Бундан Каспийбўйидаги Янгажа, Жебел маконлари, Жанубий Оролбўйида Есен, Султон Увайс ҳамда Юқори Ўзбой каби ёдгорликларнинг ҳудудий жойлашиши хусусиятлари дарак беради [7].

Ўзбой ўзани атрофларидаги Қалтаминор маданиятига оид кўплаб маконлардан тош найза ва чакмоқтош ўқ учлари топилган [8]. Даштларда яшовчи қадимги жамоалар ҳаётида жайрон, қулон ва сайғоқ ови муҳим аҳамият касб этган. Хайвонлар тўдалари изидан кўчиб юрган овчиларнинг гуруҳлари ўртасида хўжалик ва айирбошлаш муносабатлари мунтазам равишда ривожланиб келган. Натижада алоқа йўлларининг тармоқлари ҳам кенгайиб борган. Хоразм археологик экспедицияси томонидан Ўзбой ўзани бўйлаб амалга оширилган археологик тадқиқотлар натижасида Девқалъа, Ўртақую, Талайхонота ва Оқяйла каби ўрта асрларга оид қарвонсаройларнинг қолдиқлари топиб текширилган. Улар Хоразм – Хуросон савдо йўлида жойлашган [9]. Бироқ, мазкур ҳудудларни анча аввал неолит даври овчилари ва балиқчилари ўзлаштиришган [10].

Археологик маълумотлар таҳлили, ёдгорликларнинг картографиясига асосланиб, Жанубий Оролбўйи ва Устюрт орқали ўтган илк алоқа йўлларининг қуйидаги йўналишларини келтириб ўтиш мумкин:

1) Жанубий Оролбўйида сўнгги палеолит даврига оид Султон Увайс ва Кўкча маконлари [11] орқали Устюртдаги Есен ва Қорақудуқ каби маконлари томонига ўтган алоқа йўллари. Улар Оролбўйи ҳудудларини Марказий Қизилқум ва қўйи Зарафшон ҳавзаси билан боғлаган.

2) Жанубий Оролбўйи – Юқори Ўзбой – Шарқий Каспий бўйи йўналиши. У сўнгги палеолит ва мезолит даврларидан бошлаб фаолият кўрсата бошлаган. Мезолит даврида Қорақумни ёриб ўтган Амударёнинг Ўзбой ўзани

соҳиллари атрофларида кўп сонли маконлар пайдо бўлган. Шу даврда Амударё Каспий денгизига қўйилган [12].

Тадқиқотчиларнинг такидлашича, мезолитнинг сўнги босқичлари ва неолит даврида Устюрт, Қорақум ва Қизилқумнинг даштларида илиқ ва нам иқлимнинг пайдо бўлиши оқибатида, чўл сарҳадларидаги кичик сув ҳавзалари ва шўрланмаган кўллар атрофида бой фауна ва флора дунёси шаклланиган [13]. Шу сабабли, даштларда овчилик ва термачилик хўжалиги соҳалари муҳим аҳамиятга эга бўлиб, уруғдош жамоаларнинг табиий озуқа маҳсулотларига эҳтиёжларини талаб даражасида қондирган.

3) Жанубий Оролбўйи – Устюрт – Манғишлоқ ҳамда Жанубий Урал йўналиши. Шунини айтиб ўтиш жоизки, неолит давридан бошлаб, қўйи Зарафшон ҳавзаси, Марказий Қизилқум, Устюрт, қўйи Волга ва Урал дарёсининг оралиги, Уралорти ва шимоли-ғарбий Қозоғистон каби кенг ҳудудий миқёсида чакмоқтошдан ишланган Қалтаминор маданиятига оид бир хил камон ўқи пайконлари тарқалган [14]. Мазкур ҳолат Шарқий Оролбўйи ва қўйи Сирдарё орқали шимоли-ғарбий Қозоғистон ҳудудлари томонига ўтган алоқа йўлининг мавжудлиги гувоҳлик беради.

Шунини таъкидлаш жоизки, бугунги кунга келиб Устюрт пасттексислигида 80 дан ортиқ қадимий ёдгорликлар аниқланган. Улар тош асри, антик даври ва ўрта асрларга оид бўлиб, ибтидоий маконлар, кўчманчиларнинг мазор кўрганлари, ўрта асрлар карвонсаройлари ва тунда олов ёқиб ёруғлик сигнал беришга мўлжалланган қоровул тош буржларидан иборатдир [15].

1946-1947 йиллари Хоразм археологик экспедицияси ходимлари Устюрт чинки бўйлаб дастлабки археологик текшириш ишларини олиб боришган. Экспедиция раҳбари С. П. Толстов, Устюрт карвон йўлида жойлашган Учқудук, Булоқ, Қўшбулоқ, Белавли каби карвонсаройларни ўрганиш натижасида ўрта асрлар Хоразмдан Волга бўйига олиб борадиган “Катта шоҳона йўли” ҳақида масалани илгари сурган [16].

Олиб борилган ушбу тадқиқотлар Устюрдан ўтган алоқа йўллари шаклланиши ва ривожланиши масаласини кенгроқ ўрганишга хизмат қилган. Олинган натижалар таҳлили Жанубий Оролбўйи ҳудуди Марказий Осиёнинг қадимги давр алоқа йўллари тизимида тугган аҳамиятини кўрсатиб турибди. Келгусида бу йўналишда олиб бориладиган тадқиқотлар бу масалалар бўйича янги илмий хулосаларни ишлаб чиқишга хизмат қилади.

#### **Адабиётлар:**

1. Абдуллаев Ў.И. Ўрта Осиёда ибтидоий жамоа тузуми ва илк давлатчилик тарихи. – Тошкент, 2019. – Б. 124-126; Маткаримов Х.О. Хоразм воҳасида археологик тадқиқотлар тарихи (қадимги даврга оид тарихий реконструкция муаммолари): Тарих фан. фалсафа докт. (PhD) дисс. ...автореф – Нукус: Қорақалпоқ давлат Университети, 2021. – Б. 15-16.

2. Мавлонов Ў. Марказий Осиёнинг қадимги йўллари: шаклланиши ва ривожланиш босқичлари. – Тошкент: Akademiya, 2008, – Б. 8-10.

3. Бижанов Е.Б. Памятники каменного века впадины Шахпахты // Археология Приаралья. Вып. 4. – Ташкент: Фан, 1984. – С. 8-20; Виноградова Е.А. Первые палеолитические находки в Султануиздаге // Приаралье в древности и средневековье. – М.: Наука, 1998. – С. 74-77.
4. Бижанов Е.Б. Мезолитические и неолитические памятники северо-западного Устюрта // Археология Приаралья. Вып. 1. – Ташкент: Фан, 1982. – С. 14-37.
5. Авизова А.К. Трасологический анализ орудий труда стоянок юго-восточного Устюрта // Археология Приаралья. Вып. VI. – Нукус, 2003. – С. 17-20.
6. Sagdullaev, Anatoliy, and Togaev Jasur. "Bronze age migrations in Central Asia." *International Journal of Advanced Research in Management and Social Sciences* 7.12 (2018): 86-92. Сагдуллаев А.С., Холматов Н.Ў., Абдуллаев Ў.И. Марказий Осиёда тарихий-маданий вилоятларнинг шаклланиши ва этник географияси муаммолари. – Ташкент: Университет, 2020. – Илова, хариталар.
7. Окладников А.П. Верхнепалеолитическое и мезолитическое время // Средней Азия в эпоху камня и бронзы. – М.-Л.: Наука, 1966. – С. 59-66.
8. Итина М.А. Памятники первобытной культуры Узбоя // Тр. ХАЭ. Т. II. – М., 1955. – С. 66-68.
9. Низовья Амударьи, Сарикамыш, Узбой. История формирования и заселения // МХЭ. Вып. 3. – М., 1960. – С. 325-327.
10. Толстов С.П. Древний Хорезм. – М.: МГУ, 1948. – С. 59-66.
11. Сайфуллаев Б.К., Хужаназаров М.М., Джуракулова М.Д. Новые данные по палеолиту Кызылкумов // История и археология Турана. № 3. – Самарканд, 2017. – С. 31-37.
12. Sagdullaev, Anatoliy, et al. "Problems Of Cartography Of Ancient EthnoCultural Processes In Central Asia." *INTERNATIONAL JOURNAL OF-SCIENTIFIC-& TECHNOLOGY RESEARCH* 9.04 (2020): 745-748.; Сагдуллаев А.С., Холматов Н.Ў., Абдуллаев Ў.И. ва бошқ. Марказий Осиёда тарихий-маданий вилоятларнинг шаклланиши ва этник географияси муаммолари. – Тошкент: Университет, 2020. – Б.13.
13. Виноградов А.В., Мамедов Э.Д. Ландшафтно-климатические условия среднеазиатских пустынь в голоцене // ИМКУ. Вып.11. – Ташкент. 1974. – С. 32-44.
14. Виноградов А.В. О распространении наконечников стрел Кельтеминарского Типа // Этнография и археология Средней Азии. – М.: Наука, 1979. – С. 3-9.
15. Қдирниязов М.-Ш., Қдирниязов О.-Ш. Белеўли мейморий-археологик мажмуаси (ёдгорликнинг ўрганилиши ва экологияси) // История и археология Турана. № 3. – Самарканд, 2017. – Б. 351-355, 1-расм.
16. Толстов С.П. Қадимги Хоразм маданиятини излаб. – Тошкент: Фан, 1964. – Б. 279-281, 82-84-расмлар.

## ҚАДИМГИ ЙЎЛЛАР ШАКЛЛАНИШИГА ДОИР АЙРИМ МУЛОҲАЗАЛАР (Жанубий Ўзбекистон мисолида)

Тоғаев Ж.Э.

*т.ф.ф.д. (PhD), доцент в.б.,  
Ўзбекистон Миллий университети*

Жанубий Ўзбекистон худудидан ўтган қадимги йўллар масаласига турли тадқиқотлар бағишланган. XIX асрнинг 70-йилларидан бошлаб, ўрта асрлар муаллифларининг маълумотларига таянган ҳолда, Амударё кечувлари ҳамда Балхдан Кеш ва Самарқандга олиб борувчи йўллар таърифланган [1]. Шунингдек, юнон-рим манбалари асосида Македониялик Александрнинг Бактрия шаҳридан Мароқандага юришлари ёритилган [2].

Ўтган асрнинг 70-80-йилларида, мазкур масалани ўрганиш жараёнида археологик-топографик маълумотлар ҳисобга олинган бўлиб, бу борадаги ёзма манбаларда акс этган далиллар билан қадимги ёдгорликларнинг археологик географияси қиёсланган [3].

Шу даврда илгари сурилган қадимги йўллар реконструкциясининг айрим масалалари баҳс-мунозараларга айланган. Нафақат қулай текислик жойлардан ўтган коммуникацияларни, балки фойдаланиш мураккаб бўлган Сурхон ва Қашқадарё воҳалари чегараларида жойлашган тоғлар даралари ва доvonлар йўлларини ўрганиш муҳим вазифани ташкил этган. Баъзи бир тадқиқотларда Ҳисор, Бойсун, Кўҳитанг тоғларидан айланиб ўтган йўллар савдо қарвонлар ва сайёҳлар учун қулай шароит яратган, Оқработ ва Тахтақарача доvon йўлларидан кенг фойдаланиш антик давридан бошланган каби қарашлар мавжуд бўлган [4].

Маълумки, жанубда барча йўллар Амударё ҳавзасига олиб келган ёки дарё қирғоқлари бўйлаб давом этган. Мисол тариқасида, мил. авв. IV – III минг йилликларда табиий қазилма бойликлар билан ажралиб турган тоғли Бадахшонга туташ Афғонистоннинг шимоли-шарқий худудлари (Шарқий Бактрия) Хилменд ва Ҳинд воҳаларидан келиб чиққан қабилалар томонидан кенг ўзлаштирилган. Бу йўналишда улар баланд Ҳиндикуш тоғи доvonларидан ўтган [5].

Юқорида қайд этилганидек, энеолит даврида Белужистон илк деҳқончилик маданияти вакиллари ҳамда кейинчалик бронза даврида Ҳинд цивилизацияси жамоаларининг миграциялари натижасида Панж ҳавзасида янги ўтроқ манзилгоҳлар шаклланган [6]. Шимоли-шарқий Афғонистон худудидаги савдо пункти [7] (фактория) ҳисобланган Шўртўқай манзилгоҳи Ҳинд цивилизациясининг маркази бўлган Мохенжо-Дародан 1100 км дан ортиқ узоқликда жойлашган [8]. Аниқланган сопол буюмлар, муҳрлар ва бошқа археологик топилмалар Шўртўқайга Ҳинд цивилизацияси вакиллари томонидан асос солинганлигидан дарак беради [9]. У тоғ-кон қазилма маҳсулотларини ишлаб чиқариш жойларидаги савдо факторияси сифатида вужудга келган. Мазкур худуд Бактриянинг шарқий қисмига тегишли бўлиб,

бу тоғли ерлар камёб минерал ва металл ресурслари (лазурит-ложувард, кумуш, олтин) билан машхур. Металлургия ва ҳунармандчилик учун зарур бўлган ашёлар узоқ ҳудудлар билан олиб бориладиган савдо алоқалари ривожини таъминлади.

Археологик маълумотларга кўра, минтақада энеолит ва бронза даврларида миграция жараёнлари жадал равишда содир бўлган. Улар нафақат янги деҳқончилик воҳаларини ўзлаштирилиши билан, балки, металлургия ривожини учун асос бўлган хом ашё конларини (мис, қалай, кўрғошин) излаш билан боғлиқ эди. Жанубий Туркменистон ва Белужистон илк деҳқончилик жамоалари маданиятига оид инновациялар юқори Зарафшон Саразм манзилгоҳида акс этиши кузатилади [10]. Саразм макони нафақат қадимги деҳқончилик маданиятининг ноёб ёдгорлиги, балки, минтақада энеолит ва бронза даврининг металлургия марказига айланган [11].

Шуни таъкидлаш жоизки, Белужистон (Ҳинд водийси) – Саразм йўналишида жанубий аҳоли гуруҳлари мураккаб табиий тўсиқлар бўлмиш Ҳиндиқуш, Панж дарёси ва Ҳисор тоғларига дуч келиб, уларни муваффақиятли бартараф этишган. Тоғ йўлларида фойдаланиш жуда эрта бошланган ва улар дашт йўллари тармоқлари қаторида иктисодий-маданий алоқалар тизимида катта аҳамиятга эга бўлган.

Сурхон – Шеробод воҳаларидан ўтган қадимги йўллар минтақавий аҳамиятга эга бўлиб, турли вилоятларнинг (Марғиёна, Бактрия, Суғд) ўзаро алоқаларини таъминлашга хизмат қилган. Масалан, Бактрия ва Суғдни боғловчи йўл бир неча йўналишдаги йўллар бўлган. Биринчи йўналиш Амударёнинг ўрта оқимидаги кечувлар – Шўроб, Келиф ёки Керкидан чўл орқали Никшапага (Ерқўрғон ёдгорлиги ўрнида сақланиб қолган қадимий шаҳар) олиб келган. Иккинчи йўналиш Шўроб кечуви – Сурхон воҳаси – Темир дарвоза – Оқработ орқали ўтган. Шўроб кечуви бўйидаги Шўртепа ва Темир дарвоза оралиғидаги ҳудудда илк темир даврига оид Бешқўтон ва Талашкантепа манзилгоҳлари жойлашган бўлиб, улар бу қадимги алоқа йўли йўналишини кўрсатиб турибди. Аниқланган археологик ёдгорликлар ҳам мазкур йўналишларда йўллар мавжуд бўлганлигини тасдиқлайди [12].

Илк темир даврида Марғиёнани Бактрия ва Суғд билан боғлаган алоқа йўли Мурғоб дарёсини жанубий йўналиши бўйлаб, Афғонистондаги Давлатобод ва Оқча орқали Амударёнинг Чўчкагузар ва Шўроб кечувларига олиб келган. Амударёдан бу йўлнинг шарқий тармоғи Кучуктепа, Бандихон ва Қизилтепа орқали Жанубий Тожикистонга ўтган, шимолий тармоғи эса Оқработ доғи орқали Жанубий Суғддаги Даратепа, Узунқир, Тахтақарача – Мароқанда йўналишида Чоч ва Фарғона водийсигача давом этган [13].

Хусусан шу йўлнинг қадимийлиги, унинг мил. авв. III минг йилликнинг охирида – II минг йилликнинг бошларида шаклланиши ва ривожланиши Шимолий Афғонистон ва Жанубий Ўзбекистонда аниқланган бронза даври ёдгорликларининг (Даштли, Сополли, Жарқўтон) археологик географиясини тасдиқлайди [14].

Археологик ёдгорликлар географияси ва картографияси ҳамда тадқиқотлар натижасида қўлга киритилган илмий маълумотлар Ҳинд воҳаси, Ўрта Осиё, Эрон ва Олд Осиё ҳудудларини ўзаро боғловчи қадимий йўллар тармоқларининг шимолда дашт ҳудудлари ва шарқда Хитой чегараларига давом этиши – Буюк ипак йўли тарихининг бошланишидан анча аввал бронза даврида минтақалараро транзит иқтисодий алоқа йўллари шаклланганлигини кўрсатиб беради. Мазкур даврда улов (юк ташувчи ҳайвонлар – туя, от, эшак) ва транспорт воситалари (турли шаклдаги аравалар) иқтисодий-маданий алоқаларнинг кенгайиб боришига хизмат қилган. Жанубий Ўзбекистон ҳудудидаги бронза ва илк темир даври аҳолиси ҳам мазкур жараёнда муҳим ўрин тутган. Сурхон воҳаси ҳудудлари қадимдан иқтисодий жиҳатдан муҳим минтақаларо йўл тармоқлари кесишган ҳудудлардан бирига айланган.

#### Адабиётлар:

1. Tomashek W. Central Asiatische Studien. Sogdiana. – Wien, 1877. – S. 27-28; Маев Н.А. Очерки Бухарского ханства // Материалы для статистики Туркестанского края. – СПб., 1879. Вып. I. – 178 с.
2. Пьянков И.В. Мараканды // ВДИ. – М., 1970. №1. – С. 32-48.
3. Ртвеладзе Э.В. К локализации “греческой” преправы на Оксе // ВДИ. – М., 1977. №4. – С. 182-188; Сагдуллаев А.С. Древние пути на юге Узбекистана // ОНУ. 1981. №7. – С. 33-38.
4. Аскарлов А.А. Еще раз о древних путях на юге Узбекистана // ОНУ. 1982. №7. – С. 46-49.
5. Gardin J. - C. Pour une géographie archéologique de la Bactriane // L'archéologie de la Bactriane Ancienne. – Paris, 1985. – Pp. 39-46; Сагдуллаев А.С. Средняя Азия и Индия: формирование и развитие ранних путей историко-культурных связей // Индия и Центральная Азия. – Ташкент, 2000. – С. 119-120.
6. Gardin J.-C., Lyonnet B. La prospection archéologique de la Bactriane orientale (1974-1978): premiers résultats // Mesopotamia. 1978-1979, XIII-XIV. – P. 99-154.
7. Francfort H.P. Fouilles de Shortughai. Recherches sur L'Asie Central protohistoriques. V.I.II. – Paris: Boccard, 1989.
8. Francfort H.-P. Tradition harappéene et innovation bactrienne a`Shortughai // L'archéologie de la Bactriane ancienne. – Paris, 1985. – P. 95-104.
9. Francfort H.-P., Pottier M.-H. Sondage préliminaire sur L'établissement protohistorique harappéen de Shortughai // Arts Asiatiques. 1978. XXXIV. 40. – P. 29-86.
10. Исаков А.П. Изучение древнеземледельческого поселения Саразм в долине Зарафшана // Древнейшие культуры Бактрии. – Душанбе: Дониш, 1982.
11. Асқаров А. Ўзбек халқининг келиб чиқиши тарихи. – Тошкент: O'zbekiston, 2015. – Б. 140.

12. Мавлонов Ў.М. Марказий Осиёнинг қадимги йўллари – Тошкент: Akademiya, 2008. – Б. 74.

13. Сағдуллаев А.С. К эволюции древнейших путей на юге Средней Азии // На среднеазиатских трассах Великого шелкового пути. – Ташкент: Фан, 1990. – С. 6-17; Мавлонов У. Марказий Осиёнинг қадимги йўллари. – Тошкент: Akademiya, 2008. – Б. 72-74.

14. Сарияниди В.И. Исследование памятников Дашлинского оазиса // Древняя Бактрия. – М.: Наука, 1976. – С. 21-86; Аскарлов А.А., Абдуллаев Б.Н. Джаркутан. – Ташкент: Фан, 1983. – 120 с.



**МАРКАЗИЙ ОСИЁДА ДАВЛАТЧИЛИК ВА БОШҚАРУВ ТИЗИМИ  
ТАРИХИ, СИЁСИЙ, ИҚТИСОДИЙ ВА МАДАНИЙ АЛОҚАЛАР**

\*\*\*\*\*

**К ИСТОРИОГРАФИИ ДЕНЕЖНОГО ОБРАЩЕНИЯ В СРЕДНЕЙ  
АЗИИ ДРЕВНЕГО И АНТИЧНОГО ПЕРИОДОВ**

**Алимова Д.А.**  
*д.и.н., проф.,*  
*Ин. Ис. АН РУз*

Денежное обращение древнего и античного периодов в Средней Азии – тема широко обсуждаемая специалистами, археологами, нумизматами и искусствоведами, как отечественными, так и зарубежными. Первая характеристика древних монет Средней Азии, найденных в 1917-1927 гг., осуществлена М.Е. Массоном в 1928 г.[14].

В.М. Массон в 50-х годах опубликовал несколько статей, в которых дал характеристику денежного хозяйства Средней Азии по нумизматическим данным[12, 13]. В одной из них он делает вывод о появлении местных согдийских, бактрийских и, в известной мере, хорезмийских чеканов во II – I вв. до н.э. Выпуск таких монет, по его мнению «был вызван значительной потребностью в средствах обращения чеканивших их обществ и следовательно отражает уровень развития этого общества. Основываясь на анализе подражания тетрадрахм греко-бактрийского царя Евкратиды (хранящейся в Государственном Эрмитаже) и отраженной на ней тамги он делает заключение о политическом подчинении отдельных областей Бактрии и Согды кангюйскому объединению», центр которого, видимо, находился на берегах Сыр-дарьи»[11]. Анализируя древнебактрийские монеты, чеканные по типу тетрадрахм Гелиокла, В.М. Массон отмечал, что появление на лицевой стороне портретных черт неизвестного правителя и нового типа оборотной стороны (изображение лошади) указывает на проявление самостоятельной государственности[13, С. 74]. Со временем такого рода статей и монографий, с анализом монетного чекана, стало больше. Как правило, авторы брали несколько или группу монет, найденных в разных областях и регионах Средней Азии, давали им характеристики без подведения общего знаменателя по истории государственности[29; 10; 2; 18; 28; 27; 5; 3; 24; 15; 25; 26; 16; 17; 4].

Проблема возникновения собственной монетной чеканки в Средней Азии представлялась исследователями в хронологическом и территориальном аспектах. В ряде работ Е. Зеймаля на основе обширного нумизматического материала определены характер и особенности ранних этапов становления монетной чеканки в регионе и сделаны теоретические выводы[7; 8]. Не ограничиваясь Средней Азией, автор делает сравнительный

анализ с данными по Кавказу и другим странам Востока. По мнению Е.В. Зеймаля первая монета собственного чекана в Среднеазиатском Двуречье были подражаниями золотым иностранным монетам и как считает он, они были начальной формой денежного обращения в областях и странах, прилегающих к территориям государств, где было развито денежное обращение. По этому поводу Э.В. Ртвеладзе высказывал свое сомнение. Он писал: «если даже согласиться с данным предположением, остается неясным вопрос о том, являлись ли селевкидские и особенно греко-бактрийские монеты иноземными по отношению к Согду и Северной Бактрии, или же они обращались здесь потому, что обе области входили в состав эллинистических государств»[9, 396]. Автор прав, утверждая, что этот вопрос связан с политической историей Среднеазиатского Двуречья в III–II вв. до н.э. Первой обобщающей работой в этом направлении стала публикация Э.В. Ртвеладзе «Древние монеты Средней Азии», изданная 1987 году[22; 21; 23].

Очевидно, что денежное обращение необходимо рассматривать в контексте развития государств и состояния финансовой политики, что сделано Э.В. Ртвеладзе в разделе книги «История государственности Узбекистана»[9, 396].

Наполнение большого количества монетного материала позволило Э.В. Ртвеладзе впервые в историографии разработать периодизацию денежного обращения в этом регионе. В монографии «История государственности Узбекистана» этому вопросу посвящен специальный параграф[19] (Ранее этот вопрос был освещен в монографии Э.В. Ртвеладзе совместно с А.Х. Саидовым и Е.В. Абдуллаевым[20]). Первый период он определяет второй половиной II – первой половиной I тыс. до н.э. В это время происходит натуральный обмен и меновая торговля, возможно использование металлических слитков. Керамические круглые предметы, найденные на памятниках этого времени в отличие от мнения М.М. Дьяконова[6], Э.В. Ртвеладзе считает эквивалентом монет[19].

Уже во второй периоде V – конец IV в. до н.э. появляется надчекан на ахеменидских монетах[19]. Их находки в Средней Азии Д.В. Бирюков считает свидетельством того, что регион входил в сферу денежного обращения империи Ахеменидов[1]. Э.В. Ртвеладзе делает предположение, что здесь существовало и слитковое обращение. Ссылаясь на сведения Геродота о том, что области Средней Азии делившиеся на 3 сатрапии выплачивали налог серебром в конце ахеменидских царей, делает вывод о том, что это были весовые слитки.

Таким образом, исследователь считает этот период временем первоначального знакомства населения этого региона с монетой и возможного ее использования, в особенности надчеканенных сиклей, в определенных торговых ситуациях[9, 393].

Третий период – конец V – середина II в. до н.э. Э.В. Ртвеладзе связывает с вхождением ряда областей средней Азии (Бактрии, Согда,

Парфии) в эллинистическую систему монетного дела. По его мнению именно в этот период происходило здесь становление и развитие настоящих товарно-денежных отношений, что подтверждает находки медных и бронзовых монет на многих городищах. Очень важным является заключение автора о возникновении чеканки монет от имени местного правителя. На следующем этапе этого периода, по мнению, Э.В. Ртвеладзе происходит дальнейшее развитие денежных отношений в Среднеазиатском Двуречье, расширение ареала и возникновение новых районов, в частности, Бухары, в денежном отношении. Это подтверждает находки первых монетных кладов свидетельствующих о наличии больших денежных средств у отдельных лиц. И это время характеризуется появлением первых согдийских и бактрийских подражаний селевкидским и греко-бактрийским монетам, как первой стадии становления монетной чеканки в Среднеазиатском Двуречье[9, 402-403], что свидетельствует, по нашему мнению об укреплении местной власти.

Но основе анализа монет историко-культурных областей Узбекистана, в частности, Северной Бактрии, Согда, Кеша и Нахшеба, Самаркандского Согда, Бухары и Хорезма, Э.В. Ртвеладзе делает заключение, что в этот период «лишь в двух наиболее развитых областях этого региона – Северной Бактрии и Согде, находившихся под юрисдикцией греко-бактрийских царей, существовало денежные отношения, при чем в Согде только вероятно в крупных городах – Мараканде, Еркургане и Бухаре. Вместе с тем в отдельных областях господствовал натуральный обмен»[9, 404].

Четвертый период автор обозначает второй половиной II в. до н.э. – началом I в. н.э. и связывает с падением Греко-бактрийского царства в начале II в. до н.э. и с изменением политической ситуации в регионе и возникновением конфедеративного Юечжийского государства. Важнейшей особенностью данного периода Э.В. Ртвеладзе считает «распространение почти во всех областях Среднеазиатского Двуречья, за исключением Ферганы, Чача, чеканки подражания греко-бактрийским монетам»[9, 405].

Пятый период определяет I – первую половину III в. н.э. и прослеживает возникновение новой политической ситуации, определенной «отходом от эллинистических традиций монетного дела как в весе, стандартах, и составе монет, так и в иконографии и символики, на смену которым приходят местные азиатские нормы и традиции»[9, 407].

Рассмотрев основные денежные единицы из найденных кладов исследователь прослеживает замену подражательных портретов властителей на изображение местных правителей в этот период, отмечая, что этот процесс особенно интенсивно проходил в Хорезме, где произошел полный переход к совершенно самостоятельной монетной чеканке[9, 413].

Э.В. Ртвеладзе подтверждает теорию Б.И. Вайнберга о том, что в середине третьей четверти I в. н.э. шел важный этап монетного дела в Хорезме. На них появляется тамга, которая стала традиционной в монетном чекане Хорезма до конца VIII в. и местная легенда, в которой отражены имя

царя и титул. Таким образом, Э.В. Ртвеладзе делает важное заключение о том, что «в I в – первой половине III в. в Среднеазиатском Двуречье существовали три большие нумизматические провинции – три локальные области денежных отношений, различающихся друг от друга весовыми стандартами и металлом монет»[2, 49-51]. Это Хорезм, Согд, Северная Бактрия, Фергана, возможно Чач. Далее, связывая последующие состояние денежного хозяйства в процессе становления новых государств автор пишет, что «политическая обстановка в регионе, вызванная крушением Кушанского и Парфянского царств, переход к новой социальной системе, несомненно повлияло на изменение характера денежных отношений, появлению новых центров монетной чеканки и полному исчезновению эллинистических традиций в иконографии, в метрологии и эпиграфике»[9, 416].

Итак, если рассматривать проблему денежного обращения в контексте развития государственности, мы можем сделать выводы о том, что не все авторы ставили такую задачу, но в той или иной степени связывали анализ денежного хозяйства с той политической системой, которая существовала в период нахождения тех или иных монет на определенной территории. В историографии вопроса, которая очень обширна, делается заключение о проявлении на определенном этапе денежного обращения и развитии денежных отношений, как признак самостоятельной государственности. Нумизматические данные позволяют авторам делать выводы и о взаимоотношениях государств, о мере проявления заимствований и о преодолении традиционности.

#### **Литература:**

1. Бирюков Д.В. У истоков денежного обращения Средней Азии // НЦА.1. Ташкент, 1995. С. 5-18.
2. Вайнберг Б.И. Монеты древнего Хорезма. М., 1977. С 303.
3. Горбунова Н.Г., Ивочкина Н.В. Монеты у-шу из могильников Ферганы // Сообщения ГЭ. Л.: «Искусство», 1988. Вып. 3; С. 45–50.
4. Горин А.Н. Денежное обращение Северной Бактрии в середине II в. до – III в. н. э. Автореферат диссертации на соискание учёной степени кандидата исторических наук. Ташкент, 2009. С 26.
5. Дьяконов И.М., Зеймаль Е.В. Правитель Парфии Андрогор и его монеты // ВДИ. 1988. №4. С. 4-18.
6. Дьяконов М.М. Сложение классового общества в Северной Бактрии // СА. 1954. № 19. С. 121–140.
7. Зеймаль Е.В. Начальный этап денежного обращения древней Трансоксианы //Средняя Азия, Кавказ и зарубежный Восток в древности. М., 1983. С. 61-80.
8. Зеймаль Е.В. Древние монеты Таджикистана. Душанбе, 1983. 310 с.
9. История государственности Узбекистана. Т. I. Ташкент:Узбекистан, 2009. С 560.

10. Мандельштам А.М. К предкушанскому чекану Бактрии // ЭВ. 1966. № 27. С. 85-91.
11. Массон В.М. Редкая среднеазиатская монет из собрания Государственного Эрмитажа // ВДИ. 1953. № 3. С. 167-169.
12. Массон В.М. Денежное хозяйство древней Средней Азии по нумизматическим данным // ВДИ. 1955. № 2. С. 37-47.
13. Массон В.М. Древнебактрийские монеты, чеканенные по типу тетрадрахм Гелиокла // ЭВ. 1956. Вып. 11. С. 63-75.
14. Массон М.Е. Монетные находки, зарегистрированные в Средней Азии в 1917–192 гг. // Известия Средазкомстариса. Вып.3. Ташкент, 1928. С. 280-293.
15. Мусакаева А.А. Монеты Западного Согда III в. до н. э. - VIII в. н. э.: (Опыт типологии и исторической периодизации): автореферат дис. ... кандидата исторических наук. Самарканд, 1991. С 23.
16. Мусакаева А.А. Монеты Гиркода // ИМКУз. Вып. 34. 2004. С. 76-87.
17. Мусакаева А.А. Начальный этап денежного обращения в Чаче // Археология и история Центральной Азии. К 70-летию со дня рождения академика АН республики Узбекистан Ю.Ф. Бурякова. Самарканд, 2004. С. 110 - 115.
18. Пугаченкова Г.А. Уникальная группа монет чаганианского чекана VI в. // Культура и искусство древнего Хорезма. М., 1981. С. 250-261.
19. Ртвеладзе Э.В. Денежные отношения // История государственности Узбекистана... С. 394-416.
20. Ртвеладзе Э.В. Очерки по истории цивилизации древнего Узбекистана: государственность и право. Ташкент, 2000. С 352.
21. Ртвеладзе Э.В. Древние и раннесредневековые монеты историко-культурных областей Узбекистана. Т. I. Ташкент, 2002. С 304;
22. Ртвеладзе Э.В. Древние монеты Средней Азии. Ташкент, 1987. С 182. (на узб., рус., англ. языках);
23. Ртвеладзе Э.В. Модели генезиса монетной чеканки в среднеазиатском междуречье // На среднеазиатских трассах Великого шелкового пути. Очерки истории и культуры. Ташкент, 1990. С. 176-187.
24. Ртвеладзе Э.В. Монеты Кеша (Киша) III-II вв. до н. э. – VIII в. н. э. // ОНУ. 2002. №6. С. 43-49;
25. Ртвеладзе Э.В. Селевкидские монеты из Кампыртепа // ОНУ. 1989. №2. С. 47-49;
26. Ртвеладзе Э.В. Южно-согдийские монеты династии Абтата с изображением Геракла и Зевса // Шахрисабз шахрининг жахон тарихида туган урни. Тезисы докладов. Ташкент. 2002. С. 123-126.
27. Ртвеладзе Э.В., Мусакаева А.А. К истории денежного обращения в Западном Согде (Клад подражаний тетрадрахмам Евтидема из Бухары) // ОНУ. 1986. №6. С. 35-38;
28. Ртвеладзе Э.В., Ниязова М.И. Первый клад греко-бактрийских монет из Бухары (Предварительное сообщение) // ОНУ. 1984. №6. С. 54-58;

29. Смирнова О.И. Каталог монет с городища Пенджикент (Материалы 1949-1956 гг.). М.: Издательство восточной литературы, 1963. С 201 .

## **ХІХ АСР ОХИРИ – ХХ АСР БОШЛАРИДА ТУРКИСТОНДА КОНЧИЛИК САНОАТИНИНГ ФАОЛИЯТИ**

**Мусаев Н.У.**

*т.ф.д., проф.,*

*Ўзбекистон Миллий университети*

ХІХ асрнинг иккинчи ярмида Россия империяси томонидан Туркистон ўлкасининг катта қисми босиб олингандан кейин бу ҳудудларни кезиб чиқишган рус сайёҳлари ва кончилик муҳандислари бу ерда табиий бойликларнинг кўплиги ва турли-туманлигини кончилик муҳандиси П.С.Назаров, қуйидагича таърифлаган: «...Туркистонда қазилма бойликлар ниҳоятда мўл, деярли ҳеч ким келажакда ўлканинг Урал ёки Биринчи жаҳон урушидан олдинги Бельгия каби кон саноати ривожланган мамлакатлар даражасида бўлиши мумкинлигини тасаввур ҳам қилолмайди. Аммо, у аллақачон иккинчи Урал ёки Бельгия бўлган эди. Ўлканинг кончилик саноати халқаро миқёсда ривожланган бир вақтда Россия давлати йўрғақда эди, йилномачининг ёзишича, бизнинг аждодларимиз ҳали хайвоний одатларини тарк этмаган эдилар»[1, 1]. Бу ерда сақланиб қолган қадимги конларнинг қолдиқлари, қазиб олинган тоғ-тоғ тошқоллар ўлка аҳолисининг қадимдан кончилик билан шуғулланиб келганлигини тасдиқлайди.

Қадимшунослар олиб боришган тадқиқотлари жараёнида кўплаб шаҳарлар харобалари ва конлар қолдиқларини топишган. Бу тадқиқотлар Х-ХІІ асрлардаёқ Ўрта Осиё ҳудудларида кончилик саноати анча яхши йўлга қўйилганлигини кўрсатади. Тадқиқотлар қадимги кончилар Хўтталда кумуш ва олтин, Уструшонадан катта миқдорда темир рудаси, Жайхун (Сирдарё) дарёси қумларидан олтин, Зарафшон дарёсининг юқори қисмида жойлашган Буттам конларидан олтин, кумуш, мис, темир, оникс (ақик), навшадил, туз ва бошқалар, Фарғона водийси тоғларидан олтин, кумуш, смола (қатрон), ганч, темир, мис, кўрғошин, симоб, навшадил ва бошқа маҳсулотлар қазиб олишганлигини тасдиқлайди. Жумладан, Исфара яқинида тошқўмир конлари бўлган. Фарғона водийси ҳудудларидан қалайи ва нефт ҳам қазиб олинган» [2, 71]. Қазилма бойликлар водийда хунармандчилик ва савдо-сотик ишларини ривожлантириш имконини берган.

Россия империяси Ўрта Осиёга бостириб киришдан олдин Ўрта Осиё хонликларида ўз таъсир доирасини кенгайтириш, аҳолининг ижтимоий-иқтисодий ҳаёти ва бу ердаги табиий топиш бойликларни қидириб топиш ҳамда ўрганишмақсадида жўнатган экспедициялари орасида муайян топшириқ билан Бухоро амирлиги ҳудудларига жўнатилган К.Ф.Бутенев миссияси ҳам бўлиб, унинг таркибида тоғ инженерлари, географлар, олтин конларини ўрганиш бўйича мутахассислар, тоғ техниклари, топограф,

шарқшунос-таржимонлар бўлиб, уларга ўнта кўрикчи казак ҳамроҳлик қилган.

1841- йил 15-майда Оренбургдан йўлга чиққан Бутенев гуруҳи 5-августда Бухорога етиб келган. Бутенев Бухоро амири билан савдо ва дипломатик муносабатларни йўлга қўйиш борасида кутган натижаларига эриша олмаган бўлсада, амирликнинг хўжалик ҳаёти тўғрисида бой географик, этнографик, табиий ва тарихий маълумотлар тўплашга муваффақ бўлди. Миссия Зарафшон водийсида геологик текширишлар олиб бориб, бу ерда темир, мис, кўмир, кўрғошин, графит, феруза ҳатто олтин ва кумуш борлигини аниқлаган. Олиб борилган тадқиқотларининг натижаси сифатида Н.Ханиковнинг “Бухоро хонлиги тавсифи” номли китоби, К.Бутеневнинг “Бухоро минерал бойликлари”, “Бухорода пўлат тоблаш усули ҳақида мулоҳазалар” номли мақолалари босилиб чиқди.

К.Ф.Бутенев Бухоро ва Хива хонликларида металл қазиб чиқариш ва унга ишлов бериш жуда содда усулларда амалга оширилганлигини, 1841-йили Бухорода 6 та чўян қуйиш қозонлари бўлганини ёзиб қолдирган[3, 144]. Бу металл қуйиш қозонларида тўплар учун ўқлар ва бошқа ҳарбий қуроллар, шунингдек деҳқончилик асбоб-ускуналари ясалган. Мис қиммат бўлганлиги учун Бухоро амирлигида тўп ясашда мис ўрнига кўпроқ чўяндан фойдаланилган[4, 33]. Тўп ясашда анча тажрибали бўлган Шаҳрисабз усталари амирликда энг йирик тўп стволени қуйишган, уни ўрнатиш учун ўн икки ғилдиракли қурилма ясалган[5, 95].

Бутенев Бухоро амирлиги ҳунармандлари металлсозликда маълум тажрибага эга бўлишларига қарамасдан, амирликда металл ишлаб чиқариш ночор аҳволда эканлигини қуйидагича таърифлайди: «Бухорода ҳунармандчилик мукамалликнинг қуйи босқичида туради, заводчилик иши яхши йўлга қўйилмаган. Агар ҳукуматнинг бу соҳага эътибори бундан кейин ҳам ҳозиргидагидек давом этса, бирор ўзгариш бўлиши қийин. Жоҳил ҳукуматнинг заводлар қуриши ҳақида сўз бўлиши ҳам мумкин эмас, чунки у бундай заводлар келажакда катта фойда келтиришини билмайди. Бундан ташқари, заводлар қуриш учун маблағ ҳам, билимдон кишилар ҳам етишмайди»[3, 148-149]. Шу каби сабабларга кўра, Бухоро амирлиги конларидан қазиб олинган рудадан мис ва кўрғошинлар ниҳоятда оддий усулда қурилган ўчоқларда ажратиб олинган. Мисдан буюмлар ясашда, кўрғошиндан ўқлар тайёрлашда ортиқча исрофгарчиликларга йўл қўйилган. Бундай ҳолда металл ишлаб чиқаришдан кутилган натижага эришиш имкони йўқлигини кўрган ҳукмдорлар асосий эътиборини улар учун нисбатан осон бўлган қишлоқ хўжалиги, чорвачилик ва ҳунармандчиликни кучайтиришга қаратишган. Фақат жанубий бекликлар (Қоратоғ, Бойсун)дагина хонаки усулда металл қазиб олиш давом этган. Лекин бу металллар маҳаллий аҳоли эҳтиёжларини қондириш учун етарли бўлмаган. Шунинг учун амирлик металлни Ҳиротдан, кейинчалик Россиядан олиб келишга мажбур бўлган.

XIX аср ўрталаригача Қўқон хонлигида маҳаллий аҳолининг тажрибасизлиги ва кончилик илми бўлмаганлиги туфайли, ёнилғи

маҳсулотлари-нефт ва тошкўмир қазиб олиш машаққатли иш ҳисобланган. Айрим манбаларда келтирилишича, Россиядан келиб қолган татарлар Ўратепа тоғларидаги конлардан темир ажратиб олишда тошкўмрдан фойдаланишган. Маҳаллий ҳунармандлар нефт маҳсулотларини жуда оддий усулларда катта қийинчиликлар билан қазиб олишган. Хусусан, нефт топилган қудуқлар сувга тўлдирилган ва юзага чиққан нефтни тоғ шувокларидан ясалган супургилар билан сидириб олинган. Шундай усулда Намангандан 40 км. масофада жойлашган «Мойбулок» конидан бир кеча кундузда 60 пуд (960 кг) гача нефт қазиб олинган[3, 64].

Қўқон хонлигида ҳам нефт конларини қидириб топиш ва улардан фойдаланишга алоҳида эътибор берилган. Нефт қазиб олиш анча машаққатли иш бўлиб, ҳукумат кончилик ишлари билан шуғулланган кишиларни баҳоли қудрат рағбатлантириб ҳам турган. Жумладан, Муҳаммад Азиз Марғилоний 1875 йили Олтиариқ билан Чимён оралиғидаги даштдан қадимги нефт қудуғини топган йигитнинг фикрини қуйидагича баён қилган эди: « Ер остига арчадан қилинган зинани кўриб ниҳоятда таажжубландик. Зоҳиран бурун зомонда ўтган подшолар шундай ёғларни излашиб, топган жойларидан ер остига зинапоя қилишганлиги ва ёғ олиб чиққанликлари маълум бўлди. Чунончи, у кўрган одамларнинг муважжиби таҳсини (таҳсинга лойиқ) ва хайратига сабаб бўлди»[6, 28].

Туркистонда Россия империяси ҳукмронлиги ўрнатилгач, кончилик саноати ишларини илмий асосда ўрганиш бўйича тадқиқот ишлари олиб борилди. Жумладан, 1869-йили 19-декабрда К.П.Кауфман топшириғи билан Туркистон генерал-губернаторлиги ҳузуридаги кончилик ишлари раҳбари А.С.Татаринов кимё лабораториясини ташкил қилди. Лаборатория ишида Мушкетов, Романовский, Северцов, Миддендорфкабиолимлар, Мишенков, Давидов, Мейер, Иванов, Лопушинский каби тоғ-кон инженерлари қатнашишган. Лаборатория олимлар иўлканинг табиий бойликлари олтин, кумуш, мис рудаси, қўрғошин, темир ва тошкўмир конларини, кейинчалик туз, нефт, графит ҳамда қурилиш материаллари, қимматбаҳо тошларни аниқлашга жалб қилинган.

Қўқон хонлигининг сўнгги йилларида нефт конлари рус саноатчилари ихтиёрига берилган. 1868-йил бошларида Худоёрхон билан Туркистон генерал-губернатори К.П.Кауфман ўртасида имзоланган «Савдо битими»нинг 1-моддасида «Россия савдогарлари учун Қўқон хонлигининг барча шаҳар ва қишлоқларида бемалол савдо-сотик билан шуғулланиш имкони берилади...» дейилган. К.П.Кауфман Худоёрхондан хонлик ҳудудларида рус «саноатчи ва тадбиркорлари»га тоғ-кончилик ишлари билан шуғулланишга рухсат беришини сўраган. Худоёрхон фойдаланилаётган конлардан олиб кетилаётган маҳсулотларнинг 1/10 қисмини хоннинг хазинаси фойдасига ўтказиш шarti билан рухсат берган. 1868-йилнинг ёзида савдогар Фёдоров ҳам Мойбулок нефт булоқларидан фойдаланиш учун Худоёрхондан рухсат олган[7, 5-9].



Туркистонда қазилма бойликлар кўплигини билиб олган империя маъмурлари ўлкага йирик геолог олимларни жалб қилдилар. 1874-йили шундай олимлардан бири И.В. Мушкетов ўлкада маълум тизим ва режа асосида тадқиқот ишларини бошлаб юборди. У олти йил (1874-1880) давомида ўлканинг деярли барча вилоятларини тадқиқ қилиб чиқди ва зарур материалларни тўплади. Мушкетов билан бир вақтда Г.Д. Романовский, Барбот-де-Марни, Д.Л.Иванов ва бошқа геологлар ҳам қидирув ишларини олиб бордилар. Мушкетов ва Романовскийлар узоқ ва машаққатли меҳнатлари натижасида 1881-йили ўлканинг дастлабки геологик харитаси яратилди

[7, 31-32]. 1882-йили Россия Давлат геология комитети ташкил этилгандан кейин Мушкетов Туркистон генерал-губернаторлигининг бош геологи лавозимига тайинланди.

Мушкетов ва Романовскийлар ўзлари олиб борган қидирув ишлари асосида Фарғона водийсида кўрғошин конлари кўплигини, кўрғошин билан бутун Россияни таъминлаш мумкинлигини маълум қилишган. Улар Хўжанд шаҳридан 25 чақирим наридаги Қора Мозор тоғларида жойлашган «Дарвозакон» ёки «Консой» конини текширишган. Маҳаллий аҳолига қадимдан маълум бўлган бу коннинг майдони 103 десятина атрофида бўлиб, ундан кўрғошин, рух ва мис қоришмалари қазиб олинган. Олимларнинг фикрича конни қайта ишга тушириш учун чор ҳукумати 30-40 минг сўм пул сарфлаши лозим бўлган[9, 2, 3]. Аммо, чоризм бунга етарли миқдорда маблағ ажратмагач, бу ишни кейинчалик хусусий корхоналар амалга оширди.

Туркистон ўлканинг табиий бойликлари Россия империяси ишбилармонларни тезда ўзига ром қилди. Улар ўлкага келиб нефт, тошқўмир, руда, турли минераллар ва бошқа қазилма бойликларни қазиб олишишларини бошлаб юбордилар. Айниқса, Россияда нефт саноати билан боғлиқ молия-капиталистик муносабатлар нисбатан яхши йўлга қўйилганлиги натижасида у максимал даражада маблағ билан таъминлана бошлаган тармоқлардан бирига айланди. Бошқа тармоқлардан фарқ қилиб, нефт саноатининг нафақат ички, балки жаҳон бозорида ҳам аҳамияти ошиб борди. Натижада, Россия нефт саноати ўзига чет эл капиталини жалб қилувчи асосий тармоқлардан бирига айланди. Рус ишбилармонлари билан ҳамкорлик қилган чет эл капитали Туркистонга ҳам кириб келди. Нефтнинг асосий қисми Каспий бўйи вилоятининг Небитдаг, Челекен ороли, ҚизилАрват, Бола-Эшим деган жойларида, Фарғона вилоятининг Кўқон, Марғилон ва Наманган уездларида жадал қазиб олина бошлади.

1871-йили Бокуда нефт саноати корхоналарига асос солган ака-ука Роберт ва Альфред Нобеллар 1876-йили Челекен оролида нефт қазилма ишларини бошлаб юбордилар. Улар унча чуқур бўлмаган (40 саржин) тўртта қудуқ қаздиришган ва қарийб 20 йил шу қудуқлардан нефт қазиб олишган. Фақат 20 йилдан кейингина Боку типигаги диаметри кенг (18 дюйма) қудуқлар қазилмага киришилган.

Ака-ука Нобеллардан кейин, 1882-йилдан бошлаб саноатчи С.Палашковский Челекен оролининг турли жойларида 14 та кудук қаздирган. У 12 йил давомида олиб борилган қазииш ишларига 600000 рубл атрофида маблағ сарфласа-да кутилган натижага эриша олмагач, 1893-йили қазииш ишларини тўхтатишга мажбур бўлди[10, 31]. Палашковский харажатларнинг бир қисмини қоплаш мақсадида Челекен оролидан биринчи бўлиб озокерит (тоғмуми) қазиб олишни йўлга қўйган бўлишига қарамасдан, олган даромади кетган харажатларини қоплай олмади.

Ўша вақтда Челекен оролидаги ерлар бир неча кам сувли булоқлар билан бирга учта туркман қишлоғига қарашли эди. С.Палашковский нефт қазиб олиш ниятидан воз кечиб, туркманлар билан тузган шартномасини бузгандан кейин Закаспий вилоятининг ўша вақтдаги бошлиғи генерал А.А.Куропаткиннинг буйруғи билан бўш қолган ерлар давлат ихтиёрига ўтказилди. Ишбилармонлар орасида Челекендан дурустроқ миқдорда нефт қазиб олиш мумкин эмаслиги ҳақидаги миш-мишлар ҳам тарқалди.

Шунга қарамасдан, «Ака-ука Нобеллар» ширкати оролни ташлаб кетмадилар, балки 1890-йилгача бўлган ижара муддатини чўздилар ва қўшимча кудуклар қазиишга киришдилар. Натижада, оролдаги учта участкада кудуклар сони кўпайтирилиб, улардан 1903-1905-йилларда тўхтовсиз нефт қазиб олина бошланди. Биринчи участкадан 1904, 1905-йилларда 360, 240 пуд учинчи участкадан (фонтан бўлиб чиққан) 2500, 5120 пуд нефт олинган. 1906-йили буконлар бор йўғи уч ҳафта ишлаб 141,2 пудгина нефт қазиб олинган. Бу вақтда жаҳон бозорида нефт маҳсулотлари арзонлашиб, Боку нефтининг ҳам нархи тушиб кета бошлади. Бундай вазиятда Боку нефтига нисбатан сарф харажатлари ортиқча бўлган Челекен нефти рақобатга бардош бера олмади.

Марказий Челекен нефт саноати жамияти Челекен нефт ишлаб чиқариш корхоналарини сақлаб қолиш мақсадида давлатдан оролда яна 225 десятина ерни хусусий қилиб беришни сўради. Бу ерлар Сакин деган кимсага ижарага берилди. Бироқ, бир қатор имкониятлари бўлгани ҳолда нефт саноатининг иши 1907-йилгача яхши йўлга қўйилмади. Фақат 1907 йилнинг охирига келиб, «Ака-ука Нобеллар» ширкатининг эски, ташландиқ кудукларидан бири қайтадан 77 саржин чуқурликкача бурғуланди. Бу кудукдан нефт фантани отилиб чиққандан сўнггина Челекенга қизиқиш кучайиб, орол нефт саноатчиларини яна ўзига жалб қила бошлади.

Кўрилган чора-тадбирлар натижасида Челекен оролидан нефт қазиб олиш кескин кўтарилди. Агар 1901-йили бу ердан 600 минг пуд нефт қазиб олинган бўлса, орадан 10 йил ўтгач у кўрсаткич 15 млн. пудга етди[11, 28]. Челекен оролидаги энг йирик фирма Исабек Гаджиевга тегишли бўлиб, 1912-йил январида фирма 30 та кудукга эга эди. 1911-йили фирма 7 млн. пуд нефт қазиб олган ва уни Бокуга ташиб кетган. «Ака-ука Нобеллар» ширкати оролда нефт қазиб олиш бўйича иккинчи ўрнида турар эди. 1911-йили ширкат 2954597 пуд нефт қазиб олган, унинг 300000 пуди Астраханга,

қолгани Бокуга ташиб кетилган[12, 12]. Бу вақтга келиб, Туркистон нефти ишбилармонларга катта фойда келтира бошлади.

Туркистон нефти эътиборга туша бошлаганданкейин, 1908-йилга келибўлкада 30 га яқиннефткорхоналари иш бошладилар. Улар орасида «Чимён», «Селроҳа» ва Валуевага тегишли (отаси князь Хилковдан мерос қолган) Мойлисой фирмалари энг йириклари эди. Кейинчалик, «Ака-ука Нобеллар» ширкати «Чимён», Мойлисой ва «Селроҳа» ширкатлари акцияларининг ярмидан кўпини (10000 дан 6000 тасини) сотиб олиб, бу конларнинг асосий хўжайинига айланди.

Ўлкада «Селроҳа» нефт қазиб олиш савдо жамияти – «Санто» ўз фаолиятини 1905-йили 500 минг рубллик асосий капитал билан бошлаган эди. «Санто»нинг дастлабки таъсисчиси Н.Н.Цуханов жамият фаолиятини жонлантириш учун Москванинг йирик фирмалари ва банклари билан ҳамкорлик қилишга уринди. Жамият ишига Москва фабрикачилари – И.Д. Морозов, П.А.Морозов, И.М.Любимов, И.П.Ушков, А.Б.Найденовлар жалб қилинди. Орадан 5 йил ўтгач, жамият фаолиятида жиддий ўзгаришлар содир бўлди. Жумладан, 1913-йили жамият акцияларининг асосий қисми Рус-Осиё банки ва нефт бозорида хорижий капиталлар билан яқин алоқада бўлган монополистлар – А.И.Путилов, Л.Лианозов, П.Глазберг ва бошқалар ихтиёрига ўтди. Шу йили жамият бошқаруви жамият акцияларининг асосий қисми Петербург акционерлари ихтиёрига ўтганлигини тан олди[13, 14]. Шундан кейин, акционерлар йиғилиши «Санто» идорасини Москвадан Петербургга кўчиришга қарор қилди.

«Санто» жамияти нефт қазиб олишни йилдан-йилга ошириб борди. Уруш йиллари вазият оғир бўлишига қарамасдан 1915-йили 1166901 пуд нефт қазиб олинди. Бу 1914-йилга нисбатан 134256 пуд кўп эди. Агар «Санто» жамиятининг фойдаси 1912-йили 11705 рублни ташкил қилган бўлса, 1915-йили у 114407 рубл 42 копеекга етди. Шундай қилиб, «Санто» нефт корхонаси дастлаб ўз фаолиятини 500 минг рубллик капитал билан бошлаган бўлса, 1916-йилга келиб унинг капитали 2 млн. рублдан ошди[14, 97].

Асосий капитали 2 млн. рублни ташкил қилган «Чимён» акционерлик жамияти «Санто» жамиятидан фарқ қилиб, ўзишларини бир текисда олиб бора олмади. Агар 1908-йили жамият 2749000 пуд нефт қазиб олган бўлса, 1909-йили букўрсаткич 783000 пудни ташкил қилди, холос. «Чимён» жамияти ихтиёрида 20 та қудуқ бўлиб, уларда 290 киши ишлаган. Жамиятнинг ишлаб чиқариш жараёнидаги тушқунлик ҳолати ишчиларнинг турмуш тарзига ҳам таъсир кўрсатган: иш ўринлари қисқартирилди, иш ҳақи янада камайтирилди. Бу кон ишчиларининг норозилигини келтириб чиқарди.

Туркистон нефт саноатининг қулай имкониятлари бўлишига қарамасдан, унинг секин ривожланишига қудуқларнинг нефт чиқариш қуввати камайганлиги, малакали ишчи кучи, зарур техник жиҳозларнинг етишмаслигидан ташқари, Челекен оролида ўрнашиб олган «Ака-ука Нобеллар» ширкати Доғистон-Челекен акционарлик жамиятини тузиб,

Туркистондаги бошқа нефт ширкатларини маълум даражада чеклаб қўйишга у эришганликлари ҳам сабаб бўлаётган эди. Бунинг натижасида ширкат Баку нефтини «Чимён» жамияти орқали сотишдан катта фойда ола бошлади.

«Ака-ука Нобеллар» ширкати Туркистон нефт конларини ўз монополиясига айлантириш, ўлкада ўзининг Кавказ ва Челекендан қазиб олинган нефт маҳсулотларини сотиш мақсадида Фарғона вилоятининг Ванновская темирўл станциясида нефтни қайта ишлаш заводини курди. «Чимён» нефт конидан станциягача қувурлар ётқизилди. Ўлкага тайёр маҳсулотларни келтиришга нисбатан темирўл орқали келтирилган хомашёни қайта ишлаш «Ака-ука Нобеллар» ширкатига катта иқтисодий фойда келтирди. Бу ширкат Туркистонда ўз мавқеини мустаҳкамлаб олиш учун ўлка бозорларида нефт маҳсулотларини арзон нархда сота бошлади. В.Н.Оглобин маълумотиغا кўра, 1913-йил баҳорида Боку нефтининг бир пуди Москвада 50-53 копеек сотилгани ҳолда, Туркистонда нефт маҳсулотлари 45 копеекдан сотилган[11, 29]. Шунга қарамадан, Туркистон нефти ширкатга иқтисодий жиҳатдан катта фойда келтирган.

#### Адабиётлар:

1. ЎР МДА ф. И-1, р.25, х.185, в.1.
2. Негматов Н.Н. Государство Саманидов. –Душанбе: «Дониш», 1977.
3. Бутенев К. Заводское дело в Бухарии//Горнкй журнал,V, кн. XI. СПб., 1842.
4. Мусаев Н. Туркистонда саноат ишлаб чиқаришининг вужудга келиши ва ривожланиши тарихидан. –Тошкент: “Ю`TISOD-VOLIYA”, 2011.
5. История таджикского народа. т. II, кн. II, -М.: «Наука», 1964.
6. Жамолхожи И.Н. Фарғона водийсида нефт саноатининг шаклланиш ва ривожланиш тарихи (1860-1917). Тарих фан. ном. дисс. –Т., 2004.
7. ЎзР МДА, 1-фонд, 15-рўйхат, 18-иш, 5-9-в.
8. Власова Э.Н., Деева Е.А., Кравец Л.Н., Файзиева Формирование рабочего класса в дореволюционном Узбекистане. –Ташкент, «Фан», 1979.
9. ЎР МДА ф. И-1, р.25, х.185, в.2-3.
10. Рождественский А. Материалы из истории нефтепромышленности на острове Челекен. // Закаспийское Обозрение, 1909, 16 сентябрь.
11. Оглоблин В.Н. Промышленность и торговля Туркестан.
12. Дмитриев-Мамонов А.И. Путеводитель по Тукестану и железным дорогам Среднеазиатской и Ташкентской. Изд. 8-е, -СПб., 1915.
13. ЦГИАЛ, ф. 1468, оп. 1, д. 17, л-14.
14. Бабаханов.М. Предпосылки революционного союза трудящихся Туркестанского края с Российским пролетариатом.–Душанбе:«Ирфон», 1975.

## АБУ РАЙХОН БЕРУНИЙ ТАВАЛЛУДИНИНГ 1050 ЙИЛЛИГИГА

**Бўриев О.**

*т.ф.д., проф.,*

*Қарши Давлат университети*

Илм-маърифатнинг ёрқин тимсоли Абу Райхон Беруний (973-1048) ёшлигидан илм-фанга ниҳоятда қизиққан, фанларнинг турли соҳалари бўйича самарали шуғулланган қомусий олим ҳисобланади. Шарқ олами фани ва маданиятига ошна тутиниб, ўз она тилидан ташқари араб, суғдий, форс сурёний, хийтий, юнон ва қадимги яҳудий, ҳиндларнинг санскрит тилларини мукамал эгалаган эди. Буюк аллома ўз давридаги илм-фаннинг барча соҳалар бўйича қалам тебратиб, 160 дан зиёд асарлар ёзган, шундан 30 тага яқини бизгача сақланган. Унинг *“Қадимги халқлардан қолган ёдгорликлар”, “Ҳиндистон”, “Минералогия”, “Масъуд қонуни”, “Сайдана”* ва бошқа салмоқли асарлари ўз замонасида олимга улкан шухрат келтирган эди. Беруний инсоният тарихида илк бор глобусни яратган. У юнон олимларидан фарқли ўлароқ Ҳинд ва Атлантика океанларини туташганлигини исботлаб, Христофор Колумбдан 500 йил аввал океан ортида бизга номаълум бўлган Америка қитъаси мавжудлигини илмий башорат қилганди. Суюкли шоиримиз Абдулла Орипов мадҳ этганидек:

*Денгиз ортин ёритди илк бор,  
Берунийнинг ақл машъали.*

Берунийнинг ўзи тузган рўйхатдан кўринадики, у «Зижга оид» (жалвал ва таквимлар тўғрисида) 18 та асар, «Шаҳарларнинг бўйи, эни ҳамда бири-бирининг қайтарафида эканлиги ҳақида 15 та асар, “Ҳисоб фанига оид” 8 та, «Қуёш йўллари ҳақида 4 та, «Зиж асбоблари ва уларни ишлатиш ҳақида 5 та, “Думли юлдузлар ҳақида” 5 та, «Ой манзилларини текшириш ҳақида» 12 та, «Юлдуз ҳукмлари ҳақида» 7 та асар ёзган. Унинг кўлида нусхаси қолмаган ҳамда умрининг охириги дамларида ёза бошлаб, тамом қила олмаган ва оққа кўчирилмаган китоблари ҳам маълум бўлган[1:96-98].

Муаррих Ёқут Ҳамавий Марв шаҳридаги Жомий масжидининг вақфномасида Беруний асарларининг 60 саҳифага майда қилиб ёзилган рўйхатини кўрган. Абу Райхон бу рўйхатни 65 ёшида бир дўстининг илтимосига кўра тузган. Мазкур рўйхат «Фихрист» номи билан машҳурдир. Бошқача қилиб айтганда, у Абу Бақр Закария, Ар-Розий асарининг рўйхатига илова қилинган алоҳида библиографик рўйхат ҳисобланиб, унда Берунийнинг 113 та асари кўрсатилган экан. Ҳар бир асарнинг ким ва нима учун ёзилгани айтиб ўтилган, 70 та асарининг эса ҳажми ҳам келтирилган.

Шарқшуносларнинг энг сўнги маълумотларига кўра, Беруний асарлари куйидагича тақсимланади: астрономияга оид 70 та, математикага оид 20 та, география ва геодезияга оид 12 та, харитаграфияга 4 та, иқлим ва об-ҳавога оид 3 та, минералогияга оид 3 та, фалсафага оид 4 та, физикага оид

1 та, диншуносликка оид 2 та, тарих, этнографияга оид 15 та, адабиётга оид 28 тадир.

Манбаларга кўра, Беруний жами 10 минг қўлёзма варақ асар ёзган. Агар шуларнинг ҳаммаси босма усулда нашр этилса, ҳар бири 35 босма тобоқдан иборат - 40 жилд «Беруний асарлари тўплами» ҳосил бўлар экан. Аммо унинг «Хоразм тарихи», «Иқлимлар тақсимоти» («Дунё географияси») асарлари йўқолган. Беруний ёзган ҳар бир асар ўзига хос қомус ҳисобланган. Буюк аллома таъкидлаганидек: «Барча китобларим - менинг фарзайдларим, кўпчилик одамлар ўз болалари ва шеърлари билан фахрланадилар».

Абу Райҳон Беруний жаҳон фани тарихида қимматбаҳо манба ҳисобланган (**“Ал-осор ал-боқия ан ал-қурун ал-ҳолия”**) (**“Қадимги халқлардан қолган ёдгорликлар”**) дастлабкиасарини ёзиб (1000 йил), уни “Шамс ал-маолий” (“Олий мартабалар кўёши”) лақаби билан машҳур бўлган ҳукмдор Қобус ибн Вашмгир (ваф. 1012)га бағишлаган. Қобус ибн Вашмгир ҳукмдорлар орасида илм-маърифатли ва адолатпарвар инсон ҳисобланган. Ўз саройида бошпана бериб, илмий ишлар олиб боришга имкон яратган Журжон ҳокими Шамс Маолий Қобус ибн Вашмгир ( ваф.1012)бағишланган.

Абу Райҳон Беруний бу асарини ёзилиши ҳақида шундай ёзган эдики. “Адиблардан бири мендан (турли) халқлар ҳақидаги тарихлар, уларнинг бошланишлари ва шохобчалари, яъни ойлар ва йиллари устида у тарих эгаларининг ихтилофлари ва бу ихтилофлар сабаблари, машҳур байрамлар, турли вақтлар ва ҳар хил юмушлар учун белгиланган кунлар, миллатларнинг баъзиси амал қилиб, баъзиси амал қилмайдиган бошқа (маросимлар) ҳақида сўради ва мени имкон борича уларни жуда равшан баён этиб, ўқувчи фаҳмлайдиган, (турли) китобларни ахтариш ва у китоб эгаларини суриштиришга эҳтиёж қолдирмайдиган (бир асар ёзишга) даъват этди”[2:40].

Берунийнинг ёзишича, у “халққа адолатли, тангрининг дини ва халқига ёрдамчи, мусулмонлар ҳарамларини кўриқловчи, улар мулкларини талон-тарожлардан асровчи йўлбошчи қилиб, бандаларини ўзидан миннатдор этди”. Беруний унинг саройида яшаган даврларида ўзини шиа мазҳабига ён босгандай қилиб кўрсатган, аммо **“Ал-осор ал-боқия”** асарида шиаларни нодонлар деб атаган. Олим динда мўътадилликни ёқлаган ва барча мазҳабларга нисбатан бағрикенглик билан қараш тарафдори бўлган. Асар подшоҳлар ва машҳур шахслар тарихини ёритувчи ва ўша даврнинг маданиятини акс эттирувчи тарихий - этнографик асардир. Асарнинг қиммати шундаки, у исломгача бўлган (Хоразмда) бутун бир даврни очиш имкониятини туғдирди.

Мазкурасар Европада **“Хронология”** номи билан машҳурдир. Бу асарни Журжонда олим 27 ёшида, яъни 1000 йили араб тилида ёзиб тугаллаган. Буюк алломанинг бу асарида Хоразм, Мовароуннаҳр ва Ўрта Осиёнинг бошқа минтақаларда яшаган халқлар ҳақида ҳам муҳим тарихий-этнографик маълумотлар баён этилган [3:39-41].

Ушбу асарда юнонлар, румликлар, эронийлар, суғдийлар, хоразмликлар, харронийлар,(юлдузларгаасигинувчилар), қибтийлар,

христианлар, яхудийлар, исломгача даврдаги араблар, йил ҳисоблари байрам ва машҳур кунлари, жумладан, Хитой чегараларигача бўлган минтақаларда яшовчи туркий халқлар, ўғуз турклари ва уларнинг эътиқодлари, урф-одатлари ҳамда байрамлари баён этилган. Унда кўп халқларнинг маънавий ҳаёти ва тарихига оид маълумотлар мавжуд[4:244].

Берунийнинг Суғд ва Хоразмга оид маълумотлари биз учун аҳамиятлидир, чунки уларда тарих, дин, урф-одат, одоб-ахлоқ ва анъаналарнинг турли халқлардаги кўринишларини ўрганб, ҳар бир халқнинг инсоният тараққиётида ўз ўрнини илмий жиҳатдан исботлаб берган [5:14-15].

Алломанинг ёзишича, суғдийларда, Мовсат ойининг биринчи куни-Наврўз ҳисобланади. Муаллиф Хоразмликлар байрами ҳақида алоҳида тўхталиб, навсаржий ойида йил боши (Наврўздир) деб таъкидлаган [6:33-43]. Беруний хоразмликлар байрамини икки турга бўлган: табиат ҳодисаларига бахишланган -йил боши байрами (Наврўз), очилиш байрами, гулҳанда исиниш байрами, ёғли нон ёпиш куни Мано кечаси ва ҳ.к.

Беруний Наврўз ҳақида шундай ёзган: “Наврўз... ўтмиш замонларда Қуёшнинг Саратон буржигача кириш пайтига тўғри келар эди. Сўнгра у орқага сурилгач, баҳорда келадиган бўлди. (Энди) у бутун йил бўйи унга ҳизмат қиладиган бир вақтда, яъни баҳор ёмғирининг биринчи томчиси тушишидан гуллар очилгунча, дарахтлар гуллашидан мевалар етилгунча, ҳайвонларда (шаҳват) кўзғалишидан то насл вужудга келгунча ва ўсмлик униб чиқа бошлашидан такомиллашгунча давом этган вақтда келади. Шунинг учун наврўз оламнинг бошланиши ва яратилишига далил қилинган” [7:253].

Беруний ушбу асарида Зардуштийлар байрам тақвимлари, бошқа турли сайиллар (узум, сув ва ҳ.к) ҳамда урф-одатлар ҳақида муфассал маълумотлар берилганки, бу алоҳида илмий тадқиқотни талаб қилади, албатта[8:280].

Ўз даврида ушбу нодир асарга С.П.Толстов юксак баҳо берган эди: “Бу асар Яқин ва Ўрта Шарқ халқларининг, биринчи навбатда Ўрта Осиё халқларининг хўжалик ҳаёти, урф-одатлари, маросимлари, эътиқодлари ҳақидаги ўзига ҳос бир қомусдир”[9]: Ўша давр муаллифлари таъкидлашича, Беруний ушбу асарини ёзишида “Ўзидан олдиги олимларни китобларидан сочилган дурларга ўхшаш нафисларини териб, тарих ипига теран шарҳ қилган” [10:314].

Яна бу асарга С. П. Толстов баҳо бериб таъкидлаган эдики: “Берунийнинг дунё халқларининг сана ҳисоблари тўғрисида ҳикоя қилувчи “Ал Осор ал-Боқия” деган дастлабки асарларидан бири бизнинг замонамизга қадар етиб келган. Хоразмлик олимнинг фавқуллодда кўп нарсани билишидан далолат берувчи бу асари турли халқларнинг маданияти, фалсафаси, астрономия ва дин тўғрисида маълумот берувчи чинакам хазинадир” [10:314].

Бу асарнинг биринчи нашрини немис берунийшунос олими Эдуард Захау 1876–1887 йилларда Лейпцигда босиб чиқарган. 1879 йили унинг инглизча таржимаси нашр этилган. 1950 йили ўзбек шарқшунос олими А.Расулов мазкур асарнинг бир қисмини ўзбекчага таржима қилган, 1957 йили бу асар арабшунос олим М.А.Салье томонидан рус тилига ўгирилган.

1968 йили А.Расулов томонидан бу асарнинг ўзбек тилидаги тўлиқ таржимаси Тошкентда босилиб чиққан ва аллома “Танланган асари”нинг 1-томига киритилган, Асар 2015 йили рус тилида Тошкентда қайта нашр этилди. Мазкур асарнинг биричи том бошида И.Абдуллаевнинг “Беруний ва унинг “Қадимги халқлардан қолган ёдгорликлар асари”, О.Файзуллаевнинг “Абу Райҳон Беруний “Қадимги халқлардан қолган ёдгорликлар” асаридаги баъзи масалалар, А.Расуловнинг “Таржимондан” мақолалари ўрин олган [11].

Ўзбек элшунослик мактабининг асосчиси, академик К.Шониёзов жуда тўғри таъкидлаганидек: «Беруний асарларидаги маълумотлар Ўрта Осиё халқларининг ўрта асрлар давридаги жойлашиши ва уларнинг ҳаётини ўрганиш учун етарли манба ҳисобланади» [12:29].

Демакки, жаҳон цивилизацияси равнақиға ўзининг йирик илмий кашфиётлари билан салмоқли ҳисса қўшган, Ўрта Осиё биринчи Уйғониш (Ренессанс) даврининг йирик намояндаси, қомусий олим Абу Райҳон Берунийнинг “Қадимги халқлардан қолган ёдгорликлар” асаридаги бой этнографик маълумотлар ўзбекларнинг тарихи, келиб чиқиши (этногенези), этник тарихи ва этномаданиятини янада теранроқ ўрганиб, янада салмоқли ва тўлақонли илмий-тадқиқотлар яратишда энг қимматли ва ноёб манбалардан бири саналади.

Янги Ўзбекистонда ҳозирги миллий юксалиш даврида буюк аломанинг илмий асарларини чуқуроқ ва ҳолисона ўрганиш давлат сиёсати даражасига кўтарилди. 2022 йил 25 августда Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Буюк мутафаккир ва қомусий олим Абу Райҳон Беруний таваллудининг 1050 йиллигини халқаро миқёсда кенг нишонлаш тўғрида”ги қарори қабул қилиниб, ЮНЕСКО шафелигида ўтказиш белгилаб берилди [13]. Аини вақтда ушбу юқори мақомдаги қарор ижросини рўёбга чиқариш мақсадида кўзда тутилган комплекс тадбирлар изчиллик билан рўёбга чиқарилмоқда.

#### **Адабиётлар:**

1. Рахимов М., Зарипов Б. Янги Ўзбекистон Учунчи Ренессанс остонасида.-Т.: “Zamin nashr”, 2021. Б. 96-98.
2. Абу Райҳон Беруний Қадимги халқлардан қолган ёдгорликлар.-ТА. 1 т. -Т.: “Фан”, 1968. Б. 40.
3. Шониёзов К. Ўзбек халқининг шаклланиш жараёни.-Т.: “Шарқ”, 2001. Б. 39 - 41.
4. Крачковский И. Ю. Избр.соч.т. IV-.М-Л., 1965.С. 244.
5. Отахўжаев А. Абу Райҳон Беруний.-Т.:“Abu matbuot konsalt”, 2011.Б. 14-15.
6. Қорабоев У. Ўзбек халқи байрамлари, -Т.: “Шарқ,” 2002. Б. 33 - 43.
7. Абу Райҳон Беруний. Қадимги халқлардан қолган ёдгорликлар. Б. 253.
8. Абу Райҳон Беруний. Арабчадан А. Расулов таржимаси Қадимги халқлардан қолган ёдгорликлар -ТА, 1-ж, -Т.: “Фан”, 1968. Б. 280.
9. Толстов С.П. Беруни и его “Памятники минувших поколений” - Абу Райхан Бируни. –Избр. произв. Пер. Салъе М. А. т. 1.-Т.; “Наука”, 1957.



10. Толстов С. П. Қадимги Хоразм цивилизациясини излаб. -Т.: “Янги аср авлоди”, 2014. Б. 314.

11. Абу Райҳан Бируни. “Памятники минувших поколений”.- Избр. прозв. т. 1.-Т.: Изд-во АН УзССР, 1957; Шу муаллиф. Қадимги халқлардан қолган ёдгорликлар.- ТА, 1т.-Т.: “Фан”, 1968; Шу муаллиф. Памятники минувших поколений.( Хронология) -Т.: “Фан”, 2015.

12. Шониёзов К. - Беруний асарларида этнографияга оид материаллар. - Беруний ва ижтимоий фанлар. -Т.: «Фан»,1973. Б. 29.

13. “Халқ сўзи”, 2022 йил 26 август.

## **МАРКАЗИЙ ОСИЁ МИНТАҚАВИЙ ХАМКОРЛИК МАСАЛАЛАРИ ГЕНЕЗИСИ ВА АСОСИЙ МУАММОЛАРИ: ЕВРОПА ТАЖРИБАСИДАН САБОҚЛАР**

**Юлдашев А.**  
*т.ф.д., проф.,*  
*ЎзРПхДБА*

Марказий Осиё минтақаси қадимдан Ғарб ва Шарқ давлатларининг диққат марказида бўлиб келган, чунки у муҳим геосиёсий ва геоиктисодий мавқега эга бўлиб, Осиё ва Европа давлатларини боғловчи кўприк бўлиб келган. Бир неча асрлар илгари Буюк ипак йўли Хитой ва Ҳиндистондан Европага ўтишни таъминлаган. Бугун ҳам жаҳоннинг йирик давлатларининг Марказий Осиё минтақасига қизиқтириши ортиб бормоқда. Чунки, биринчидан, бу ерда катта ҳажмда нефт ва газ заҳиралари жамланган. Иккинчидан, минтақа мамлакатлари Евроосиё қитъасида муҳим стратегик мавқега эга. Охириги пайтларгача Марказий Осиёга нисбатан энг нуфузли ўйинчилар Россия, АҚШ ва Хитой эди, лекин яқинда Европа Иттифоқи ҳам, мазкур минтақага алоҳида қизиқиш кўрсата бошлади. Мавзуга оид адабиётлар таҳлили ўтган асрнинг 90-йилларидан Европа Иттифоқи ўзининг стратегик таъсирини Марказий Осиёнинг янги давлатларига кенгайтириш сиёсатини олиб бораётганлигидан далолат беради. Хусусан, Россия Фанлар Академиясининг Европа институти директори муовини, профессор Михаил Носовнинг таъкидлашича “Европа Иттифоқи мустақилликка эришган ёш давлатлар билан ҳамкорлик қилиш бўйича катта тажрибага эга. Агар авваллари бундай давлатларнинг кўпчилиги, улар Африка, араб ёки Осиё мамлакатлари бир вақтлар Ғарбнинг мустамлакаси бўлиб, Европа Иттифоқининг кўп қиррали таъсири остида бўлган. Улардан фарқли ўлароқ Марказий Осиё давлатлари 1991 йилгача Совет Иттифоқи таркибида бўлган республикалар эди. Совет Иттифоқининг қулаши, Москванинг минтақадаги иқтисодий ва сиёсий таъсирини йўқотиши маълум даражада сиёсий бўшлиқни юзага келтирди, бу эса Ғарб ва хусусан Европа Иттифоқининг бу ерда ўз мавқеини мустаҳкамлаш сиёсатини кучайтирмасдан қолдирмади”[1]. Бунга исботан Европа Иттифоқининг ташқи ишлар ва хавфсизлик сиёсати бўйича Олий вакили Федерика Могеринининг 2017 йил 20 ноябрь куни

«Газета.uz»га берган интервьюсида “Европа Иттифоқининг Марказий Осиё мамлакатлари билан муносабати бошқа давлатлар ва кучлар билан рақобатлашиш учун курилади, бизнинг ҳаракатларимиз минтақада яшовчи одамларнинг турмуш тарзини фақат яхшилашга йўналтирилган”, деган фикрни келтиради [2].

Санкт-Петербург давлат университети профессори Н.В. Еремина [3], Қозоғистон Республикаси биринчи Президенти фонди ҳузуридаги Жаҳон иқтисодиёти институти эксперти Г.Тулпбергенова [4], Россия Ташқи ишлар вазирлиги ҳузуридаги Москва давлат халқаро муносабатлар университети аспиранти Г.И.Акказиева [5], Лондонда ишлаб, ижод қилаётган ёш тадқиқотчи Зайнаб Муҳаммад-Дост [6] ва бошқаларнинг мавзу бўйича ёзган илмий асарларидаги маълумотлар бизга Европа Иттифоқининг Марказий Осиёга нисбатан анъанавий "кузатувчи" ролидан "фаол иштирокчи" ролига ўтиш жараёнини минтақавий миқёсда қуйидаги 4 даврга бўлишга имкон яратди.

Биринчи давр, 1991-1995 йиллар даврини ўз ичига олади. Бу даврда Европа Иттифоқи Марказий Осиё республикаларида ички сиёсий вазиятни барқарорлаштириш; демократик янгиликлар ва Европа ахлоқий меъёрлари учун турли асос яратиш ва бозорга чиқиш ва ташқи иқтисодий алоқаларни ўрнатиш жараёнида иқтисодий ёрдам кўрсатиш вазифалари билан шуғулланди.

Мазкур давр ҳақида гапирганда шуни таъкидлаш жоизки, юқоридаги мақсадларга эришиш турли соҳаларда фойсиз кредит ёки ссудалар кўринишидаги давлатлараро битимлар тузиш йўли билан молиялаштириш орқали амалга оширилди. Молиявий ёрдам билан бир қаторда, Европа Иттифоқи халқаро ва Европа ташкилотлари (ЙХХТ, Европа Парламенти, Европа Комиссияси, БМТнинг Қочқинлар Комиссарияти, Европа Кенгаши ва бошқалар) томонидан ички сиёсий вазиятни кузатди.

Иккинчи даврни (1996-2000 йиллар) Европа Иттифоқи мамлакатлари учун умидсизлик даври деб аташ мумкин. Марказий Осиё республикалари бу даврда Европа Иттифоқининг бозор иқтисодиёти ва демократиянинг Европа стандартларига яқинроқ бўла олмади.

Шу билан бирга, Фарбий демократия стандартлари МО мамлакатларида диний уйғониш жараёнини бошлашга имкон яратди, бу кўп жиҳатдан минтақадаги республикаларда ҳукуматларга қарши норозилик кайфиятлари туғилишига сабаб бўлди. *(Ислом жангариларининг 1999 йил 16 февралдаги Тошкент, ноябрь ойида Тошкент вилоятининг Янгиобод туманидаги, 2000 йили Сариосиёдаги террорчилик ҳаракатлари, шунингдек, мазкур даврдаги Тожикистон ва Қирғизистон воқеаларини эслатиб ўтиш ўринли бўлади).*

Марказий Осиё мамлакатлари бу даврда кескинлик ва беқарорлик манбаи бўлганлиги ҳеч кимга сир эмас, бундай беқарорликнинг қўлами ва олдиндан айтиб бўлмайдиган оқибатлари нафақат Европа Иттифоқининг дастурларини тўхтатди, балки муносабатларга бирмунча совуқликлар туширди.

Учинчи даврни (2001-2004 йиллар) Европа Иттифоқининг учта асосий мақсадга эришишга қаратилган ўз дастурларини қайта бошлашга уриниши деб аташ мумкин. Улар Марказий Осиё республикаларида демократик жамиятни шакллантириш ва ривожлантиришга чора -тадбирлар; ички сиёсий вазиятни барқарорлаштиришга қаратилган тадбирлар мажмуини амалга ошириш ҳамда минтақа республикаларини молиявий қўллаб-қувватлаш.

Шу билан бирга, учинчи мақсадга эришиш, иқтисодий муаммоларни ҳал қилишга қаратилганлигини унутмаслик керак. Чунки, минтақанинг энергетикаси ва минерал ресурсларини ривожлантиришда Европанинг иқтисодий манфаатлари кузатилади.

Шуни ҳам таъкидлаш жоизки, 2001 йил 11 сентябрда АҚШда содир бўлган воқеалардан кейин Европа Иттифоқи Марказий Осиё минтақаси давлатларига нисбатан сиёсатини тубдан қайта кўриб чиқди, бу эса минтақавий ҳамкорликни кучайтиришга қаратилган тадбир эди.

Биз гувоҳ бўлиб турган тўртинчи давр Европа Иттифоқининг Марказий Осиёдаги мавқесини мустаҳкамлаш ва кенгайтиришга қаратилган. Бугунги кунда Европа Иттифоқи Марказий Осиё келажаги ҳақидаги тасаввурини аллақачон гиёҳванд моддалар савдоси, ноқонуний миграция ва диний экстремизмга тўсқинлик қила оладиган минтақа сифатида ишлаб чиқди.

Интеграциялашув жараёни: Европа Иттифоқи билан қиёсий таҳлил. Айнан иқтисодий ҳамкорлик, сўнгра Европанинг бирлашуви 2-Жаҳон уруши натижасида вайрона бўлган мамлакатларнинг дунёнинг кучли давлатлари сифатида қайта тикланишига имкон берди. Марказий Осиёнинг геостратегик позицияси уни денгизга чиқишидан маҳрум қилади, қимматбаҳо табиий бойликларнинг мавжудлиги абадий эмас ва Евроосиёнинг қоқ марказида жойлашганлиги минтақанинг дунё сиёсатининг бир четида қолиб кетмаслиги учун бирлашишини тақозо этади. Европа интеграцияси назариясининг асосчиси Эрнст Хаас томонидан Марказий Осиё Европанинг интеграциялашув тажрибасидан фойдаланиш учун уникал ҳудуд ҳисобланишини таъкидлаган эди. Унинг фикрига кўра, Марказий Осиё ҳозир Европанинг интеграция жараёнигача бўлган хусусиятларига эга [7].

Биринчидан, Марказий Осиё халқларининг тарихий, этник ва маданий бирлигига эътибор қаратиш лозим. Марказий Осиё аҳолисига турк-мўғул ва эрон миллатларига мансуб одамлар киради. Европани бирлаштириш ғояси Европа Иттифоқи пайдо бўлишидан анча олдин, 18-асрда Австрия шаҳзодаси Ричард Калерги томонидан таклиф қилинган, 1920-йилларда француз сиёсатчиси Аристид Брианнинг рисоласида пайдо бўлган [8]. Буни ҳал қилиш учун Европа икки жаҳон урушини бошидан кечирди. Марказий Осиё мисолида, бирлашиш халқларнинг маданияти ва урф-одатларининг ўхшашлиги ва ўзаро боғлиқлиги туфайли табиийдир, бу мустақил республикаларнинг интеграцион ташаббуслари билан намоён бўлди.

Иккинчидан, интеграциядан олдинги Европа каби, Марказий Осиё давлатларида муҳим иқтисодиёт тармоқлари ва иқтисодий фаолият билан

боғлиқ бўлган ресурслар мавжуд. Европа интеграцияси таранглик хосил қилган кўмир ва пўлат муаммосини ҳал қилиб, Европа транспорт секторини, кейин савдо, қишлоқ хўжалиги ва бошқа соҳаларни бирлаштира бошлади. Марказий Осиёда долзарб муаммо сувдан фойдаланиш ва энергия таъминоти бўлиб, минтақавий ҳамкорлик ташаббуслари айнан шу мақсадга қаратилган. Шундай қилиб, агар минтақа давлатлари сувнинг умумий манба эканлигини ўзаро тан олиб, сувдан фойдаланиш муаммосини ҳал қила олсалар, биз автоматик равишда энергия таъминоти тўғрисида келиша оламиз. Агар транспорт сектори бирлаштирилса, бу бизни савдо ва божхона сиёсатида ҳамкорлик қилишга мажбур қилади.

Учинчидан, ўхшаш ташқи ва ички таҳдидларнинг мавжудлиги. Бунга нафақат кучлар ўртасидаги геосиёсий рақобат ва бу энергияга бой минтақада ҳукмронлик қилишдаги манфаатлар, балки трансмиллий таҳдидлар ҳам киради. Европанинг бир пайтлар коммунизмга қарши бирлашуви сингари, Марказий Осиё учун гиёҳванд моддалар савдоси, терроризм ва экстремизм каби таҳдидлар, шунингдек, уларни озиқлантирувчи мафкура борасида бир фикрга келишуви. Бу хавфсизлик соҳаси бўлиб, мамлакатларнинг иродаси бирлашган эди. Таҳлилчиларнинг фикрича, МОИХ даврида муҳим натижа терроризм, сиёсий ва диний экстремизм, трансмиллий уюшган жиноятчилик муаммоларига қарши биргаликда курашиш тўғрисидаги келишув бўлди [11].

Тўртинчидан, миллатчилик аксарият ҳолларда мамлакатларнинг интеграцияга бўлган интилишларига зид бўлади. Европа интеграциясининг баъзи жиҳатлари бу ерда ҳам ўз тасдиғини топди. Мустақиллик амбицияларидан воз кечишни истамаган мамлакатлар ўртасидаги секинлашиш туфайли мамлакатларнинг дастлабки ижобий интилишлари тўхтатилди. Евроиттифоқ назариясининг бошқа вакили Леон Линдбергнинг таъкидлашича, "стресс" энг ёмон ҳолатда тескари жараёнга, яъни тўхташ ҳолатига олиб келиши мумкин. Шундай қилиб, у 1960-йиллардан бошлаб, Европанинг кўмир ва пўлатдан ясалган жамиятини тузиш тўғрисидаги келишувига қарамай, яъни миллатлараро механизм мавжудлигига қарамай, Европа давлатлари кўмир муаммосини ҳал қилишни афзал кўрган 1960-йиллардан бошлаб, Европа лойиҳасидаги баъзи хатоларга эътибор қаратди. Қолаверса, бирлашиш ҳақида гапиришга қарамай, Европа Иттифоқи аъзолари ўз иқтисодиётини рақобатдан ҳимоя қилиш учун тарифсиз тўсиқларни ҳам киритдилар. Бу жараённинг Марказий Осиёдаги ифодаси сифатида 2000 йилда Қозоғистоннинг Марказий Осиёда савдони тарифли ва тарифсиз тартибга солишдан бир томонлама воз кечганлигини эслаш кифоя [12].

Бешинчидан, Европанинг шаклланиши бирлашган минтақа тарафдорлари ва евроскептиклар ўртасидаги мунозаралар билан бирга ўтди. Кўпчилик бирлашган Европа ғоясини утопия ва эришиб бўлмайдиган мақсад деб аташди. Шунга қарамай, Европа Иттифоқи евроскептиклар таъсири остида қурилган эди. Буюк Британияда евро-пессимистларнинг мустаҳкам мавқеи туфайли, мамлакат 2016 йилги референдум натижасида Европа

Иттифоқидан чиқди. Бироқ, Буюк Британия чиқиб кетиши Европа лойиҳасининг тугабини англамайди. Худди шундай интеграция ғояси билан боғлиқ вазият Марказий Осиё мамлакатларида ҳам кузатилмоқда, бу ерда ягона жамоа шакллантиришга нисбатан пессимизм кайфияти ҳукмрон.

Европа Иттифоқининг Марказий Осиё бўйича янги стратегияси: 2022 - 2023 йиллар истиқболлари. Европа Иттифоқининг Марказий Осиё бўйича янги стратегияси расман эълон қилингандан сўнг (2019 йил май), унинг айрим ғоялари ЕИ нинг Марказий Осиё бўйича махсус вакили Федерика Могерини томонидан ўша йилнинг июнь ойида Бишкекда қилган баёнотида батафсил ёритилди. 2019-йилнинг октябр ойида Иттифоқнинг Могеринидан кейинги вакили Питер Буриан Ўзбекистоннинг ЕОИИга киришини қўллаб-қувватлади. ЕОИИ "Россия лойиҳаси" сифатида кўрилиши ва унга Қўшма Штатлар қарши бўлса ҳам. Бу эса, Европа Иттифоқининг Марказий Осиёда конфликтсиз, Россия ва бошқа минтақавий ўйинчилар билан ҳамкорликка йўналтирилган янги стратегияси шаклланаётганидан далолат беради.

Европа Иттифоқининг янги стратегияда Марказий Осиё Шарқ ва Ғарбни боғловчи асосий минтақа сифатида қайд қилиниб, Иттифоқнинг умумий мақсади ҳисобланган барқарорлик концепцияси билан боғланади. Шу билан бирга, Европа Иттифоқи чегараларни назорат қилиш, атроф-муҳит, қонун устуворлиги, ички ислоҳотлар билан боғлиқ муаммоларни ҳал қилишда Иттифоқни минтақа давлатларининг “асосий ҳамкори” деб аташ билан Марказий Осиёда ўз мавқеларини мустаҳкамлашни реклама қилишда давом этмоқда. Европа Иттифоқи ёшларни қўллаб-қувватлаш ҳамда минтақавий ҳамкорликни ривожлантириш зарурлигини тан олади.

Европа қайси соҳаларда Марказий Осиёда интеграция механизмларини илгари суриши мумкин? Европа Кенгаши ҳужжатларида Марказий Осиё давлатлари интеграциясига тўсқинлик қиладиган транспортни ривожлантиришга алоҳида эътибор берилмоқда. Транспорт тармоқларини интеграциялашуви минтақадаги савдо ҳажмини оширади ва Евросиё транспорт кўприги сифатида Марказий Осиёнинг жозибadorлигини оширади.

Шунингдек, европалик дипломатлар эътиборида баҳсли минтақавий масалалар, жумладан, сувдан фойдаланиш борасида мамлакатлар ўртасидаги ҳамкорликни рағбатлантириш муаммоси ҳам ўрин олган. Бундан ташқари, Европа Иттифоқи Марказий Осиё давлатларида таълим ташаббусларига ҳомийлик қилган ҳолда, минтақадаги таълим стандартларини такомиллаштириш, тадқиқотлар ва академик мулоқотни рағбатлантириш билан ҳам машғул[8].

Европа Иттифоқининг МО давлатларига бераётган кўмакларидан диққатга сазовор яна бир жихати хавфсизлик масалалари бўйича минтақаларо ҳамкорликни амалга ошириш.

Хулоса қилиб айтганда, Европа Иттифоқининг Марказий Осиё давлатлари билан умумий савдоси пастлигича қолмоқда. 2021 йил якунлари бўйича фақат Ўзбекистоннинг ЕИ билан савдо айланмаси бор-йўғи 3,9 млрд.

долларни ташкил этди (умумий савдо айланмасининг 9%), деб ёзади Ўзбекистон Республикаси давлат статистика қўмитаси ўзининг сайтыда [9]. Минтақадан Европа Иттифоқиға экспорт асосан бир нечта товарларга, хусусан, нефт, газ, металллар ва пахта толасига қаратилган. Европа Иттифоқи экспортида машина ва транспорт ускуналари, шунингдек, бошқа ишлаб чиқарилган маҳсулотлар устунлик қилади. Бумаҳсулотлар Европа Иттифоқининг Марказий Осиёга экспортининг ярмидан кўпини ташкил қилади.

Интеграция масаласида замонавий Марказий Осиё минтақаси икки уруш натижасида вайрон бўлган Европага нисбатан аниқ афзалликларга эга. Интеграция ва чуқурроқ ҳамкорлик келгусида Марказий Осиё мамлакатларини турли сабаблар асосида намоён бўлиши мумкин бўлган минтақавий низо ва урушлардан асрашнинг кафолати бўлади. Бу биринчи навбатда сувдан ўзаро манфаатли фойдаланиш, энергия таъминоти, логистика, савдо ва чегараларни муҳофаза қилиш масалалари.

Интеграция - бу халқлар учун энг катта ютуқларга эга бўлган жараён, лекин бу жараён Европа Иттифоқининг қарийб 60 йиллик тарихида кўриниб турганидек, вақт ва сиёсий ирода талаб этади. Бугун биз Марказий Осиёда Европа тажрибасидан хулоса чиқариш имкониятига эгамиз, интеграцион ташаббусларни ишлаб чиқишда минтақавий ва хорижий экспертларни жалб қилган ҳолда Европа Иттифоқининг тажрибасига таянишимиз лозим. Агар мамлакатларимиз шаффофликка интилса, минтақанинг инвесторлар учун жозибадорлиги сезиларли даражада ошади. Европанинг ўзи ҳам бу мақсадларни амалга ошириш учун маълум минтақавий дастурларни илгари сурмоқда [10].

Фикримизча, келажакда Европа Иттифоқи Марказий Осиё давлатлари билан тўлақонли мулоқотга тўсқинлик қилаётган муаммоларни – қийинчилик ва тўсиқларни аниқлаши керак бўлади. Шунингдек, у минтақада Россия ва Хитой билан рақобат қилиш унинг мавқеига фойдадан кўра кўпроқ зарар келтиришини англаши лозим. Хозирча Брюссел стратегияси мамлакатлар ўртасидаги тафовутларни ҳисобга олмаяпти, бу эса икки томонламалик ҳамкорликни ривожлантиришга тўсқинлик қилмоқда.

Бироқ, катта эҳтимол билан таъкидлаш мумкинки, ЕИ умумий стратегия, умумий позиция ва умумий вазифаларга таянишда давом этади. Шунингдек, Брюссел ҳамкорлик масалаларида ўз қарашларига устувор аҳамият беришда давом этиб, сиёсий жихатларни иқтисодий сабаблардан юқори мавқега қўяди.

Бугунги кунда Марказий Осиё давлатлари Европа Иттифоқи учун логистика билан бир қаторда хавфсизлик масалаларини ҳал қилиш нуктаи назаридан ҳам муҳим аҳамиятга эга. Бу давлатлар Европа Иттифоқи билан бутун Осиёнинг улкан минтақаси ўртасида алоқа платформаси бўлиб хизмат қилиш имкониятига эга, шунинг учун уларга бўлган қизиқиш бундан кейин ҳам пасаймайди. Бундан ташқари, хавфсизликни таъминлаш мақсадида Европа Иттифоқи бу ерда АҚШ билан ҳамкорликда ҳаракат қилиши тайин, лекин муқаррар равишда Россия ва Хитой билан рақобатлашади. Вазият

кандай ривожланишидан қатъий назар, ЕИ минтақавий ўйинчилар билан муносабатларда “зиддиятсиз, қарама-қаршиликсиз” стратегияга ўтиши мақсадга мувофиқ бўлади.

Шунингдек, таъкидлаш жоизки, юқорида қайд қилинганидек, Россия-Украина муносабатларидаги ҳозирги вазият ЕИ нинг МО га бўлган сиёсатига ҳам таъсир этмай қўймайди. Бу эса алоҳида эътибор ва ўрганишни талаб этади...

#### **Адабиётлар:**

1. Носов М.Г. Евросоюз и Центральная Азия. <http://www.sov-europe.ru/pdf/posov4-2006>.
2. <https://www.gazeta.uz/uz/2017/11/20/yei-mogerini/>
3. Еремина Н.В. Евросоюз в Центральной Азии: Стратегия проникновения <https://eurasia.expert>.
4. Тулепбергенова Г.А. Проект большой Центральной Азии: анализ состояния и эволюция//Центральная Азия и Кавказ, №1(61). 2009.
5. Акказиева Г.И. Современная центральноазиатская политика Европейского союза: тенденции развития//Вестник МГИМО – Университета. – 2012. - № 3.
6. Зайнаб Мухаммад-Дост: Узбекистан привлекает ЕС своей независимой политикой. <https://anhor.uz/vzglyad-iznutri/zaynab-muhammad-dost-uzbekistan-privlekaet-es-svoey-nezavisimoy-politikoy/>.
7. Haas E. «The uniting of Europe» in “The EU. Readings on theory and practice of European integration» edited by V.Nelsen and A.Stubb, Lynne Rienner 2003.
8. Юсупов А.С. Евросиё Иқтисодий Ҳамжамияти (Евразэс): Минтақавий интеграциялашув шарт-шароитлари ва истиқболлари // “Иқтисодиёт ва инновацион технологиялар” илмий электрон журнали. № 5, сентябрь-октябрь, 2017 йил. -Б.1-12.
9. Ўзбекистон Республикаси Ташқи ишлар вазирлигининг 2020 йилдаги фаолияти ҳақида ҳисобот”, 9 январь 2021 й.
10. Қодиров А. “Янгиланаётган Ўзбекистон ташқи сиёсатининг энг муҳим устувор йўналишлари”, 29 июль 2020 й.,

#### **ТУРКИСТОНДА СОВЕТ ДАВЛАТ БОШҚАРУВИНИ МУСТАҲҚАМЛАНИШИДА ИШЧИ-ДЕҲҚОН ИНСПЕКЦИЯСИНИНГ ИШТИРОКИ (1918-1923 йиллар)**

**Ерметов А.А.**  
*т.ф.д., проф.,*

*Ўзбекистон Миллий университети*

Меҳнаткаш халқ манфаатларини ҳимоя қилишни ўзининг асосий мақсади деб эълон қилган большевиклар ҳукумати инқилоб қонунлари ҳамда ҳуқуқ ва тартиботга қатъий амал қилинишини таъминловчи махсус органларга муҳтож бўлган эди.

1917 йил 25 октябрда, яъни Петроградда Октябрь тўнтариши ғалаба қилган куни В.И.Ленин Петроград Советида сўзлаган нутқида “Биз саноат устидан ҳақиқий ишчи назоратини ўрнатамиз” – деб таъкидлаган эди [1, Б.4]. Шундан сўнг у томонидан “Ишчи назорати ҳақида Низом” ишлаб чиқилиб, Бутунроссия Марказий Ижроия Комитетининг йиғилишида 1917 йил 14 ноябрда тасдиқланди [2, Б.8].

Бу даврда марказ Туркистонда ишчи назоратини ўрнатиш сиёсатини ўлкадаги ишчи депутатлари Советлари орқали амалга ошира бошлаган бўлсада, Туркистон Коммунистик партияси раҳбарлигидаги ишчи назорати органлари ўлкадаги кўплаб корхона, завод ва фабрикаларни давлат ихтиёрига ўтказишда “фаол” иштирок этди ҳамда совет ҳукумати Туркистондаги умумий назоратни ва халқ хўжалигини қўлга олишида асосий бўғинлардан бири сифатида фаолият юритди.

1918 йил 23 январда РСФСР ХКС “Марказий назорат коллегияси ва маҳаллий ҳисобга олиш коллегия ҳамда комиссияларини тузиш тўғрисида”ги декретни эълон қилди [3, Б.20]. Мазкур декрет асосида 1918 йил 8 мартда “Давлат назорати ҳақида Низом” қабул қилинди [4, Б.62]. Шу йил 9 апрелда Тошкент Халқ хўжалиги кенгаши қошида Давлат назорати бўлими очилганидан сўнг Самарқанд, Полторацк (Ашхабод), Скобелев (Фарғона), Наманган, Янги Бухоро каби шаҳарлар ва бошқа айрим уездларда унинг бўлимлари ташкил этилди [5, Б.51].

1918 йил 9 майда Бутунроссия Марказий Ижроия Комитети томонидан “Давлат назорати халқ комиссарлиги” тузилганлиги ҳақидаги қарор эълон қилинди [6, Б. 69]. Унга ҳукумат томонидан чиқарилган декрет ва фармойишларнинг ижросини таъминланишини, моддий ва молиявий харажатларни ҳамда корхона ва ташкилотларнинг фаолиятини назорат қилиш вазифаси юклатилди<sup>4</sup>.

Туркистон ўлкасида назорат органларининг нуфузини орттириш мақсадида Москвадан РСФСР Давлат назорати халқ комиссарлигининг вакили В.Смирнов юборилди. Унинг иштирокида “Туркистон АССР Давлат назорати Низоми” ишлаб чиқилди (1918 йил 4 июнь) [7, Б. 70] ва шу йил ноябрь ойида Туркистон АССР Давлат назорати халқ комиссарлиги тузилди [8, Б. 11].

Низомга асосан, ўлкадаги Давлат назорати халқ комиссарлигига қўйидаги вазифалар юклатилган эди: Совет ҳукуматининг иқтисодий, молиявий ва хўжалик соҳаларидаги сиёсати амалга оширилишини назорат қилиш, янги тузилган совет ташкилотларига ёрдам бериш, республиканинг барча мол-мулки ва бойликларини ҳисобга олиш ишларини тўғри йўлга қўйиш, ҳамма ташкилотлардаги ҳисоботларни тартибга солиш, маблағларнинг ҳаражати ва тақсимотини бир тизимга келтириш ва бошқалар.

---

<sup>4</sup>Шу ўринда қайд этиш ўринлики, ўша даврда РСФСР Миллатлар ишлари халқ комиссари лавозимида бўлган И.В.Сталин айти пайтда РСФСР Давлат назорати халқ комиссари (1919 йилдан) сифатида ҳам фаолият юритган. Бу комиссарлик 1920 йили РСФСР Ишчи-деҳқон инспекцияси халқ комиссарлигига айлантирилгач, 1920-1922 йилларда ҳам бу комиссарликни И.В.Сталин бошқарган эди.



Шу тариқа Давлат назорати Туркистон АССРдаги иктисодий ва хўжалик ҳаётининг барча жабҳаларидаги назоратни ўз қўлига олди.

Большевиктик ғояларни халқ орасида чуқурроқ сингдириш ва ҳокимиятда назорат органларининг нуфузини янада ошириш мақсадида, 1920 йил февраль ойида Давлат назорати халқ комиссарлиги РСФСР Ишчи-деҳқон инспекцияси халқ комиссарлиги қилиб ўзгартирилди [9, Б. 80].

Ишчи-деҳқон инспекциясини тузиш тadbирлари тез орада бутун совет Россияси ҳудудини, шу қаторда, Туркистон Республикасини ҳам қамраб олди. Жумладан, 1920 йилнинг апрелида “Туркистон АССР Ишчи-деҳқон инспекциясининг Низоми” қабул қилинди. Бу Низомда унинг асосий фаолияти сифатида қуйидагилар кўрсатиб ўтилди: меҳнаткашларни давлат бошқарувига жалб этиш, “социалистик” мулкни кўриқлаш, давлат аппаратини кучайтириш, хўжалик ва бошқа ташкилотларда тафтиш ўтказиш. Бунга қўшимча равишда Ишчи-деҳқон инспекцияси ташкилотлар устидан тушадиган арзномалар таҳлилини ҳам назорат қиларди.

Туркистонда тузилган Ишчи-деҳқон инспекцияси унга берилган вазифа ва ваколатлар доирасида ўлкада марказнинг сиёсатини амалга оширишда партиянинг ҳаракатдаги ёрдамчиси сифатида фаолият олиб борди. Туркистондаги бошқарув тизимининг муҳим бўғинларини қўлга олган бу янги орган давлат тизими ва умуман барча идоралардаги бир қатор мансабдор шахсларни “буржуа тарафдорлари” деб айблаб, кўплаб ходимларнинг билими, малакаси ва иш юритишдаги тажрибасини инобатга олмай, уларнинг ўрнини давлат бошқаруви ҳақида умуман тасаввурга эга бўлмаган, бироқ партиёга содиқ шахслар ҳисобига тўлдира бошлади [10, Б. 30].

Бу даврда Ишчи-деҳқон инспекцияси халқ комиссарлиги аниқ вазифалари белгиланган қуйидаги 12 та бўлим ёрдамида фаолият юритган: 1. Ишлар бошқармаси. 2. Молиявий ҳисобот. 3. Маъмурий. 4. Қишлоқ хўжалиги. 5. Саноат-техника. 6. Соғлиқни сақлаш, меҳнат ва ижтимоий таъминот. 7. Алоқа воситалари. 8. Маориф ва тарғибот. 9. Тақсимот. 10. Ҳарбий. 11. Тезкор тафтиш. 12. Арзномалар бюроси.

Маълумотларда келтирилишича, 1920 йили инспекция сафларида 271 киши доимий равишда, 285 киши вақтинчалик фаолият кўрсатган. Бироқ 1920 йилдаги штат жадвалида доимий ходимларнинг сони 812 киши бўлиши белгиланган. Штатларнинг тўлмаслиги ўз навбатида, ташкилотнинг фаолиятига салбий таъсир кўрсатар эди.

Умуман олганда, ўлкада фаолият юритган Ишчи-деҳқон инспекцияси қисқа вақт давомида бюрократик ташкилотга айланди. Жумладан, шу даврга оид ҳужжатда, “Ишчи-деҳқон инспекцияси синган ва тамом бўлган бошқарув аппаратини ўзида намоён этиб, ҳеч қандай жавобгарликни сезмайдиган ва фаолияти давомида ҳаёт талабларини ифода этишга қодир бўлмаган бир ташкилотга айланди. Ишчи-деҳқон инспекцияси ходимларининг аксарияти ўзларига бириктирилган ташкилотларда текшириш ҳамда тафтиш у ёқда

турсин, улар ҳатто ўзларига юклатилган вазифа ва ваколатлар ҳақида умумий бир тушунчага ҳам эга эмасдилар” – дея қайд этилган эди [11, Б. 30].

Ташкилотда ҳукм сурган бундай бошбошдоқлик, иш фаолиятидаги сансалорлик ва тартибсизликлар Туркистон АССРдаги мавжуд ижтимоий-иқтисодий қийинчиликлар ҳамда очарчиликни бошидан кечираётган маҳаллий халқларнинг аҳволини янада мураккаблаштирувчи омил бўлди.

Хулоса қилиб айтганда, Туркистонда тузилган Ишчи-деҳқон инспекцияси ўлкада марказнинг сиёсатини амалиётга қўллашда большевиклар партиясининг ҳаракатдаги ёрдамчиси сифатида фаолият юритиб, у давлат муассасалари, корхона ва ташкилотлари ҳамда умуман ҳуқуқ-тартибот ва назорат органлари устидан бошқарувни амалга оширган эди.

#### **Адабиётлар:**

1. Ленин В.И. Полное собрание сочинений. Т.38. – С.4.
2. Рабочий контроль и национализация промышленности в Туркестане (1917-1920 гг.). Сборник документов. – Ташкент, 1955. – С. 8.
3. Ленинская система партийно-государственного контроля и его роль в строительстве социализме. – Москва: Мысль, 1965. – С.20.
4. Ўзбекистон Миллий архиви, 41-фонд, 1-рўйхат, 904-иш, 62-варак.
5. Ўзбекистон Миллий архиви, 41-фонд, 1-рўйхат, 1032-иш, 51-варак.
6. Козлитин М. Организация государственного контроля в годы гражданской войны (1918-1920 гг.). Исторические записки. Т.26. – Москва, 1948. – С.69.
7. Ўзбекистон Миллий архиви, 41-фонд, 1-рўйхат, 904-иш, 70-варак.
8. Атаджанов А. Организация и деятельность рабоче-крестьянской инспекции в Туркестанской АССР (1920-1924 гг.). Автореф. дисс. канд. ист. Наук. – Ташкент, 1966. – С.11.
9. Козлитин М. Организация государственного контроля в годы гражданской войны (1918-1920 гг.). Исторические записки. Т.26. – Москва, 1948. – С.80.
10. Атаджанов А. Организация и деятельность РКИ в Туркестане. – Ташкент: Фан, 1972. – С.30.
11. Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси архиви, 60-фонд, 1-рўйхат, 1423-иш, 3-варак.

## АХАМОНИЙЛАР ҲУКМРОНЛИГИ ДАВРИДА ЎРТА ОСИЁДАГИ САТРАПЛИКЛАРНИНГ БОШҚАРУВИ ТИЗИМИ

Эгамбердиева Н.А.

*т.ф.д., доц.,*

*Тошкент давлат педагогика университети*

Қадимги Бактрия, Хоразм ва Суғд давлатлари мил.авв. VI–IV асрларда ахамонийлар империяси ҳукмронлиги остида бўлган. Ахамонийлар империясини чекланмаган ҳуқуқга эга бўлган шоҳ бошқарган. Уни шоҳлар шоҳи деб аташган, худо даражасига кўтариб, илоҳийлаштирганлар [б. – Б.231-233]. Шоҳнинг ўзи империяни доимий назоратда ушлаб турган. Давлат бошқаруви ва текширувлар Ҳазорапад (мингбоши) томонидан амалга оширилган. Ахамонийлар империяси маъмурий жиҳатдан сатрапликларга бўлинган ҳолда бошқарилган.

Сатраплар ахамонийларнинг авлодларидан тайинланган. Кир II ва Камбиз даврида қарам давлатлар маҳаллий ҳукмдорлар томонидан бошқарилган. Бу икки ҳукмдор даврида империянинг маълум бир маркази бўлмаган. Солиқлар ҳам аниқ белгиланмаган [1. – Б.35]. Давлат бошқарувидаги ислохотларни Доро I (мил.авв.522-486 йй) амалга оширган. Унинг ислохотлари натижасида давлатда 20 та сатраплик ташкил қилинган ва уларга маълум миқдорда солиқлар белгиланган. Доро I нинг ислохотигача сатраплар ҳам маъмурий ҳам ҳарбий вазифаларни бажаришган. Ислохотлар натижасида сатрап фақат маъмурий назоратни амалга оширган ва тинчлик пайтида уларни кам сонли ҳарбийлар химоялаган. Доро I даврида сатрапликлардаги ҳарбий кўмондонлар алоҳида бўлиб, шахсан подшога бўйсунган.

Доро I ислохотлари натижасида Суза шаҳри империянинг пойтахти сифатида танланиб, Персеполни династия вакилларининг хилхонаси бўлиб, кейинчалик у ерда ҳам сарой қурдирган.

Доро I вафотидан кейин сатраплар марказий бошқарув томонидан каттиқ назоратга олинган. Ҳазарапат – подшо армиясининг бош кўмондони улар устидан назоратни ўрнатган.

Ахамонийлар ҳудудни сатрапликларга бўлинган ҳолда бошқарган бўлсаларда, ҳудудларда оқсоқоллар кенгаши томонидан бошқарув услуби сақланиб қолган. Қадимги рим ва юнон муаллифлари маълумотича, ахамонийлар босиб олган ҳудудларнинг маҳаллий бошқарувиغا, урф–одатларга аралашмаганлар. Фақат сатраплар улар устидан назорат ўрнатган [3. – Б.5-37]. Сатрапликлар ҳам илгариги сиёсий ҳудудларни инобатга олган ҳолда ташкил қилинган. Дехқончилик хўжалиги устун бўлган ўлкаларга, яъни Бактрия, Суғд ҳудудлари бошқарувида маҳаллий ҳоким билан биргаликда ахамонийлар томонидан тайинланган сатрап назорат қилган. Бу айниқса, ёзма манбаларда Бактрия сатраплари ҳақида ёзиб қолдирилган манбаларда акс этган. Кир II вафотидан олдин Таниорсаркни шарқий

вилоятлар, шу жумладан, Бактрия ва Парфияга сатрап қилиб тайинланади. Мил.авв. 486–480 ва 480–465 йилларда Доро I нинг ўғиллари Ариамен ва Масист, мил.авв. 335–329 йилларда Доро III қариндоши Бесс Бактрия сатрапи этиб тайинланган.

Ҳарбий ишлар билан шуғулланиш бошқа ҳарбий саркардаларга топширилган. Жумладан, Ксеркснинг мил.авв. 480 йилида юнонларга қарши юриши даврида Бактрия сатрапи Доро I нинг ўғли Масист бўлган. Бактрия жангчиларига қарши Доро I нинг бошқа ўғли Гистасп бошлаб борган. Парфия ва хоразмликларга Артабаз, Суғдларга Азан қўмондонлик қилган (Геродот, VII, 64,66,82). Лекин ҳар доим ҳам сатрапликнинг бундай бўлиниш қаттиқ назорат қилинмаган [5. – Б.112]. Доро III даврида Бактрия сатрапи Бесс Александр Македонскийга қарши курашда хиндлар, бактрийлар ва суғдларни бошқарган.

Кўчманчи аҳолига эса, сатрап тайинланмаган, улар мустақил фаолият юритганлар, аҳамонийларга фақат солиқ йиғиб бериш ёки уруш пайтларида аскарлар етказиб бериш билан шуғулланганлар.

Ўрта Осиёда аҳамонийларнинг учта сатраплиги ташкил қилинган. Геродот маълумотига кўра, XII сатраплик “бактрияликлардан эгларгача”, XV–сатрапликни “саклар ва каспийлар”, XVI–сатрапликни “Парфия, Арейя, Суғд ва Хоразм” (Геродот, III, 92–93) ташкил қилган. Э.В.Ртвеладзе эгларни Бадахшон худудида яшаган қабила деб кўрсатади [5. – Б. 92]. Улар яшаган тоғли худудларда лаъл, олтин, мис, темир, кўрғошин каби қимматбаҳо металлларга бой бўлган худуд ҳисобланган. Тадқиқотчилар ўртасида, аҳамонийлар бу сатрапликларни нима асосда бирлаштирганлар, деган мунозара мавжуд, чунки бу худудлар этник жиҳатдан ҳам, географик жиҳатдан ҳам мос бўлинмаган. Ўрта Осиёдаги аҳамонийлар давлати таркибига кирган худудлар географик жиҳатдан Бактрия–Марғиёна археологик комплекси тарқалган худудларга деярли мос келади. Бу эса, аҳамонийларнинг худудларни сатрапликларга ажратишда дахью састини асос қилиб олишган бўлишлари эҳтимолдан ҳоли эмас. Бу археологик манбалар асосида таҳлил қилинса, бу худудларнинг моддий манбалари бир–бирига яқин.

Аҳамонийлар давлати таркибига Тошкент ва Фарғона воҳалари кирмаган. Унинг энг шарқий чегарасида Курушкат жойлашган. Унинг локализацияси ҳозирги кунда мунозара мавзуси ҳисобланади. Кўпчилик олимлар фикрича, Курушкат Тожикистон худудидаги мил.авв. VI–IV асрларга оид йирик мустаҳкам мудофаага эга Нуртепа ёдгорлигидир [2,8].

Сатрапликлар маълум бир сиёсий худуд–ҳокимликларга бўлинган. Бу ҳокимликлар деҳқончилик воҳалари, яъни маълум бир суғориш тизими билан чегараланган худуд бўлган. Ҳар бир деҳқончилик воҳасида йирик шаҳар бўлиб, унинг атрофида кўрғонлар ва қишлоқлар бунёд этилган. Йирик шаҳар эса, шу деҳқончилик воҳасининг бошқарув маркази ҳисобланган. Унда бошқарув маркази–арк жойлашган. Бу шаҳар бошқарув маркази бўлиши билан бирга, атрофидаги аҳолининг тинчлигини ҳам таъминлашга хизмат

қилган. Уруш пайтларда аҳоли шу мустаҳкам мудофаага эга бўлган қалъаларда жон сақланганлар.

Деҳқончилик воҳаларининг ҳокимлари давлат сатрапига бўйсунган. Аҳамоний манбаларда бундай ҳокимлар “фратарак” деб аталган. Жанубий Бақтриядан мил.авв. 353–324 йилларга оид топилган хатларда Аҳамонийлар империясида давлат ҳудудларга бўлинган ҳолда идора қилинганлиги акс этган. Хатлар асосида Ахвамазда вилоят, яъни деҳқончилик воҳаси ҳокими, Багавант эса, янада кичикроқ ҳудуд бошқарувчиси бўлган бўлиши мумкин деган фикр билдирилган [7. – Б.35, 5. – Б.97].

Аҳамонийлар давлат бошқарувида ҳудудларни назорат қилиш учун яна бир лавозим – “қулоқ ва кўз”, яъни подшо ва ҳокимларнинг айғоқчиларини тайинлашган. Мазкур хатларда сатрапнинг “қулоқ ва кўзи” Вайя–Атра исмли шахс бўлганлиги ёзиб қолдирилган [7. – Б.53].

Қадимги Хоразм давлати аҳамонийлар давлатининг XVI–сатраплиги қаторида Парфия, Арейя, Суғд билан биргаликда тилга олинган. Бошқа халқлар қатори Хоразм давлати ҳам солиқ тўлаб турган. Лекин И.В.Пьянков таҳлилича, Артаксеркс II даврида (мил.авв. 404–359 йй.) Хоразм алоҳида сатраплик бўлиб ажралиб чиққан [9. – Б.38]. Шу даврдан бошлаб, аҳамоний ёзувларида Хоразмликлар уларга қарам эмас, балки иттифоқчи сифатида тилга олина бошлаган деб кўрсатади. Лекин кейинги давр тадқиқотларига эътибор берадиган бўлсак, бу даврда Хоразм аҳамонийлар давлати қарамлигидан ажралиб, ўзи мустақил давлат барпо этган. Буни Аҳамонийлар резиденцияси сифатида қурилатган Қалъалиқир қалъасининг қурилиши тўхтатиб қолиши ҳам билан ҳам асослаш мумкин. Шу даврдан бошлаб, Хоразм давлати чегараларда ва пойтахт шаҳар – Оқшахонқалъада катта қурилиш ишлари олиб борилган. Давлат мудофаасига алоҳида эътибор қаратилган.

Мил. авв. VI-IV асрларда аҳамонийлар Ўрта Осиёда сиёсий ҳукмронлик ўрнатиб, ўзларининг бошқарув тизимларини ўрнатган бўлсаларда, маҳаллий бошқарувда анаъаналарига таъсир кўрсатмаганлар. “Авесто” маълумотларида кўрсатилган оқсоқоллар кенгаши орқали давлатни бошқариш тамойили ўз аҳамиятини сақлаб қолган. Давлат таркибига кирган ҳар бир қабила ва уруғ оқсоқолининг ўз ўрни ва мавқеи бўлган. Бугунги кун нуқтаи назари бўйича, давлат демократик принциплар асосида бошқарилган. Бу бошқарув услуби асрлар давомида сақланиб қолган.

#### **Адабиётлар:**

1. Азамат Зиё. Ўзбекдавлатчилигитарихи. —Ташкент: Шарк, 2001.
2. Беляева Т.В. Исследования в Ленинабадской области. // АО. 1979. – Москва. 1980.
3. Гафуров Б.Г. К 2500 – летию Иранского государства. / История Иранского государства и культуры. – Москва: Наука, 1971.
4. Дандамаев М.А., Луконин В.Г. Культура и экономика древнего Ирана. – Москва: Наука, 1980.

5. История государственности Узбекистана: В 3-х т. Т.І. /Авт. Э.В.Ртвеладзе, Д.А.Алимова и др. – Ташкент: Узбекистан, 2009.

6. Шайдуллаев Ш.Б. Ўзбекистон худудида давлатчиликнинг пайдо бўлиши ва ривожланиш босқичлари. Тарих фанлари доктори илмий даражасини олиш учун ёзилган дисс. –Самарқанд, 2009.

7. Кошеленко Г.А. Новые письменные документы по истории Центральноазиатского региона в древности. // Самарқанд шаҳрининг умумбашарий маданий тараққиёт тарихида тутган ўрни. Самарқанд шаҳрининг 2750 йиллик юбилейига бағишланган халқаро илмий симпозиум материаллари. – Тошкент – Самарқанд, 2007.

8. Сагдуллаев А.С. О культурных связях Северной Бактрии с областью Чача до середины I тыс. до н.э. // Материалы по археологии Средней Азии. Труды ТашГУ. № 707. – Ташкент. 1983.

9. Пьянков И.В. “История Персии” Ктесия и среднеазиатские сатрапии ахеменидов в конце V -го века до нашей эры. // ВДИ. 1965. №2.

## ҚАРШИ БЕКЛИГИНИНГ СИЁСИЙ-МАЪМУРИЙ ТУЗИЛИШИ ТАРИХИДАН

**Хасанов А.М.**

*т.ф.д., доц.,*

*Қарши Давлат университети*

Қадим ва илк ўрта асрларда Нахшаб номи остида алоҳида тарихий-географик вилоят ёки ҳукмдорлик (мулклик) сифатида билинган Қарши Суғд воҳасининг таркибий бир қисми бўлиб, Кеш билан бирга Жанубий Суғд ҳукмдорликларидан бири бўлган. Ривожланган ўрта асрларда Насаф номи билан танилган ушбу тарихий-географик вилоят Чигатой улуси, Темурийлар, Шайбонийлар, Аштархонийлар ва Бухоро амирлиги даврида асосан Қарши номи билан юритилган. Шу билан бирга, ўрта асрларга тегишли араб, форс ва туркий тилли тарихий ва адабий асарларда Насаф номи билан ҳам тилга олингани кўзга ташланади.

Илк ўрта асрларда Нахшаб, ривожланган ўрта асрларда эса Насаф деб аталган[1:79] ушбу тарихий-географик вилоят муайян бир ҳукмдорлик сифатида шимоли-ғарбда Бухоро, шимолда Самарқанд, шарқда Кеш, жанубда Чағониён (Денов), жануби-ғарб ва ғарбда Амуя (Чоржуй) каби воҳа ҳукмдорликлари билан қўшни бўлган. Бу даврда Нахшаб ҳукмдорлиги асосан бугунги Қарши, Косон, Касби, Миришкор, Муборак, Ғузор ва Дехқонобод туманлари худудини ўз таркибига олиши билан бирга, Чироқчи ва Қамаша туманларининг ҳам сезиларли бир қисми ушбу ҳукмдорлик таркибига кирган. Шу билан бирга, асосан бугунги Ғузор ва Дехқонобод туманларини ўз ичига олган тарихий Ғузор баъзан Нахшабдан алоҳида маъмурий бирлик сифатида билинган.

Масалан, Қарши номи Захириддин Муҳаммад Бобурнинг “Бобурнома” асарида (XVI аср) учраб, Бобур шаҳарга “*Яна Қарши вилоятидурким, Насаф*

ва Нахшаб ҳам дерлар ... Кам оброқ ердур, баҳори хуб бўлур, экини ва қовуни яхши бўлур” деб таъриф берган[2:47]. Нахшаб номи қадимий паҳлавий (ўрта форс) ва юнон тилли манбаларда Нахшаб, Никшапа, Никшапайа шаклларида, қадимги хитой йилномаларида эса Нашебо, Нашеболо ва қайд этилган бўлса[3:315-317], Касби номи илк ўрта асрларга оид арман манбаларида Казбион кўринишда тилга олинади[4:140-142].

Бухоро амирлигининг асосий сиёсий ва иқтисодий марказларидан бири сифатида билинган[5:94-95] Қарши беклигидаги аҳоли масканларининг номи Бухоро амирлиги даврида, хусусан, XIX асрнинг охирлари – XX аср бошларида кўплаб ёзма манбаларда нисбатан тўлақонли равишда қайд этилган бўлиб, уларнинг катта бир қисми ҳозирги кунда ҳам сақланиб қолган. Асосан амирликка тегишли турли ҳужжатлар ҳамда рус элчи ва сайёҳлари асарларидан маълум бўлишича[6:22-32], Қарши беклиги ўнлаб қишлоқлардан иборат Бешкент – Давр-қўрғон, Файзобод, Хонобод, Потрон, Фазли, Қамаш, Жуйнав, Касби, Чим, Парғуза, Косон, Фулоди, Даха-и миёна, Майманоқ каби 14 та амлок (мулклик)ка бўлиниб бошқарилган. Ушбу амлоқлар орасида энг кўп аҳоли масканлари - қишлоқлар Бешкент – Давр-қўрғон амлоқида жойлашган бўлиб, уларнинг сони 40 тадан ошган бўлса, энг кам аҳоли масканига эга Жуйнавда 8 та, Косонда 5 та қишлоқ бўлган [7:292-296].

Қарши беклигидаги 14 та амлоқнинг кўпчилиги Қарши шаҳрига яқин ва қўшни бўлиб, улар шаҳарнинг қуйидагича томонларидан ҳамхудуд эди:

1. Хонобод амлоқи – Қарши шаҳрининг шарқий ва жануби-шарқий томонларида, Ғузор беклигига қўшни ҳудудда.

2. Чим амлоқи – Қарши беклигининг шарқий ҳудудида, Хонобод амлоқида қўшни, Чироқчи ва Яккабоғ бекликлари яқинида.

3. Парғуза амлоқи – Қарши беклигининг шимолий ҳудудида, Косон амлоқида қўшни.

4. Фулоди амлоқи – Қарши беклигининг шимоли ҳудудларида, Парғуза ва Косон амлоқларида қўшни.

5. Косон амлоқи – Қарши беклигининг шимоли-ғарбида, Фулоди амлоқидан жануби-ғарбда.

6. Майманоқ амлоқи – Қарши беклигининг шимоли-ғарбида, Косон амлоқи ғарбида, Косон ва Жуйнав амлоқлари оралиғида ўрин олган. Шунингдек, ушбу амлоққа кирувчи Хўжа-Муборак қишлоғи Қарши беклигининг энг чекка шимоли-ғарбий қисмида, Бухоро воҳасига яқин ҳудудда жойлашган.

7. Бешкент – Давр-қўрғон амлоқи – Қарши шаҳрининг ғарбий ва жануби-ғарбий томонларида.

8. Касби амлоқи – Қарши шаҳридан ғарбда, Бешкент – Давр-қўрғон амлоқининг ғарбий томонида.

9. Жуйнав амлоқи – Қарши шаҳридан ғарбда, Бешкент – Давр-қўрғон амлоқида қўшни Касби амлоқидан ғарбда.

10. Фазли амлоки - Қарши шаҳридан ғарбда, шаҳарга қўшни Бешкент – Давр-қўрғон амлокидан ғарбда, Жуйнав амлокига қўшни, унинг бироз жануби-шарқида.

11. Қамаш амлоки – Қарши шаҳридан бироз жануби-ғарбда, Жуйнав ва Фазли амлоклари оралиғида.

12. Файзобод амлоки – Қарши шаҳри яқинида, унинг жануби-шарқида, Хонобод амлокига қўшни.

13. Даҳа-и миёна амлоки – Қарши шаҳри яқинида, ундан шимоли-ғарб ва ғарбда, Косон, Бешкент – Давр-қўрғон ва Касби амлоклари оралиғида.

14. Потрон амлоки – Қарши шаҳридан жануби-ғарбда, Бешкент – Давр-қўрғон амлокидан жануби-ғарбда, Ғузур беклиги ҳудудига яқин жойлашган.

Қарши беклигидаги ҳар бир амлок афтидан ўзининг географик жойлашув ўрни ва маиший-иқтисодий ҳаётидан келиб чиқиб тузилган. Яъни, Косон амлоки кам сонли қишлоқлар билан чекланган бўлса, унга қўшни Фулоди амлоки 20 (баъзан бундан ҳам кўп) қишлоқларни ўз ичига олган. Чамаси, Оброн, Тал-и Кўпак, Бойғунди, Пудина, Косон каби аҳолиси асосан деҳқончилик билан шуғулланувчи қишлоқлардан иборат Косон амлокига қараганда Фулоди амлокида Қарши чўлининг (“Ўртачўл”, аслида даштлик – *диссертант*) Қарши шаҳридан шимолда жойлашган Қўнғиртоғ ва унинг атрофларидан бошлаб то Бухоро, Самарқанд ва Навоий вилоятларигача чўзилиб кетган ҳудудда жойлашган ўнлаб қишлоқлар асосан чорвачилик билан шуғулланувчи аҳоли сифатида билинган. Шу билан бирга, Фулоди амлокига қаршли Фулоди (Пўлати), Бўлмас, Гўбалак, Шербек, Ушоқ-тепа ва яна бир қатор қишлоқлар аҳолиси ҳам чорвачилик, ҳам деҳқончилик билан машғул бўлишган. Қарши беклигининг Самарқанд вилоятига яқин Ашурбека (Ҳардури), Талоқ-тепа, Майда-ёбу, Раҳим-суфи каби қишлоқлар аҳолиси эса асосан чорвачилик билан шуғулланиб келишган.

Бухоро амирлиги давридаги Қарши беклигига қаршли аҳоли масканлари номининг бир қисмини арабча асосли топонимлар ташкил этган. Қутб-шайх, Мавсум-обод (Махсум-обод), Ҳожи-Хизир, Шоир-хўжа, Мирмирон, Араб-хона, Йулум-шайх (Бешкент – Давр-қўрғон), Файзобод, Жалолиддин, Шайх-Шибли (Файзобод), Шерали (Хонобод), Мушқоқи-араб (Қамаш), Азиз-обод, Қодир-ободи Хўжа-Хайрон (Жуйнав), Райим-суфи (Фулоди), Ҳалима, Хўжа-Муборак (Майманоқ) каби аҳоли масканларининг арабча, арабча-форсча, арабча-туркийча аралаш топонимлар эканлиги англашилади[7:292-296]. Қарши беклигидаги жой номларида арабча элементларнинг учраши биринчидан беклик аҳолисининг кўпасрлардан бери ислом динига эътиқод қилиш ва Олд Осиё ва маҳаллий анъаналарнинг ўзаро қоришуvidан дарак берса, иккинчидан, беклик аҳолисининг маълум бир қисми ўзбек тилли ва форсий тилли араб аҳолидан ташкил топганлиги билан очиқланади. Шу ўринда айтиб ўтиш керак, бекликдаги араб аҳоли нафақат арабча номга эга аҳоли масканларида яшаган, балки форсий ва туркий номга эга ўнлаб қишлоқларда ҳам ўзларини “араб” деб билувчи аҳоли истиқомат қилган. Хусусан, Бешкент – Давр-қўрғон, Касби, Жуйнав, Фазли, Косон,



Фулоди, Парғуза каби амлоқлардаги бир неча қишлоқ аҳолиси асосан араб аҳолидан иборат бўлган[9:191-205].

Бухоро амирлигининг бир неча вилоят ва туманларида манғит уруғи вакиллари бирмунча нуфузга эга бўлган. Айниқса, ушбу уруғ вакиллари Бухоро шаҳри ва унинг атрофларида, Қарши беклиги ва Самарқанд шаҳрига яқин туманларда ўзларининг ўнлаб қишлоқ ва маҳаллаларига эга бўлишган[10:63]. Қарши беклигида, хусусан, бекликнинг бошқарув маркази – Қарши шаҳри атрофларида манғит уруғи билан боғлиқ ўнлаб аҳоли масканларининг амирлик ҳужжатларида қайд этилиши буни тасдиқлаб турибди. Хусусан, Қарши шаҳри яқинидаги аҳоли масканлари – Даҳа-и миёна амлокида Чол-манғит, Тўқ-манғит, Потрон амлокида Оқ-манғит, Парғуза амлокида эса Тўқ-манғит каби қишлоқлар ўрин олган бўлиб [7:292-296], уларнинг асосий аҳолиси ушбу уруғ вакилларидан иборат бўлган. Шу билан бирга, манғит уруғининг тармоқлари ҳисобланган *гўбалак*, *некуз*, *эсабой*, *бойғунди*, *қўзи-қўчқор*, *уз* каби бирор тўп ёки уруғлари билан боғлиқ аҳоли масканлари [11:76] Қарши беклигининг шимолий ҳудудларида мавжуд бўлган. Масалан, Фулоди амлокига қарашли Гўбалак, Қўзи-қўчқор, Парғуза амлоки таркибидаги Некуз қишлоқларида манғит уруғи вакиллари истиқомат қилган.

Қизиғи шундаки, Бухоро амирлиги давридаги ҳужжатларда қайд этилган 200 дан ортиқ жой қишлоқ номининг бугунги кунда ҳам деярли катта ўзгаришга учрамасдан сақланиб қолганлиги кўзга ташланади.

Қарши беклиги аҳолисининг катта қисми Қарши шаҳри ва унинг атроф қишлоқларида яшаб, улар маъмурий-сиёсий жиҳатдан юқорида келтириб ўтилган амлоқлик бошқарувидан бошқа яна ўзига хос маҳаллий анъанавий бошқарувга ҳам эга бўлган. Қарши шаҳри атрофидаги қишлоқлар 2 та “эл”га – Чармгар ва Бузург-равот элларига бўлиниб, уларнинг ҳар иккаласининг таркибида бир неча қишлоқлар мавжуд бўлган. Чармгар эли Чармгар ва Қўрғончагузарлари билан бирга Гунгон, Кат, Чуғ-думбой, Қавали, Арал, Худойзод, Чавқай қишлоқларининг ўз ичига олган. Бузург-равот эли эса Бузург-равот, Беш-гумбаз ва Қарлуқ-хона гузарлари билан бирга Гулшан, Арабхона, Писта-кент, Шуллак-тепа, Кучкак, Чорва-бойғунди (Сухаревада Чорвабой-ғунди – *диссертант*), Гов-хона қишлоқларидан иборат бўлган. Шаҳарнинг марказий қисми аҳолиси эса асосан амалдорлар ва бой савдогарлардан иборат бўлиб, улар ушбу “эл” тақсимотида кирмаган[5:122]. Ушбу “эл”ларнинг “бобо” деб аталган ўз бошқарувчиси бўлган. Шу ўринда айтиб ўтиш керак, ҳар иккала “эл”га кирувчи қишлоқлар Бухоро амирлиги аҳоли масканлари рўйхатларида бир неча амлоқлар таркибида кўрсатилган[7:292-296].

Қарши шаҳри гузарлари ва шаҳар атрофидаги яқин қишлоқлардан ташкил топган ушбу маъмурий бўлиниш – “эл” уюшмаси, яъни Чармгар эли ва Бузург-равот эли географик жойлашуви бўйича асосан шаҳарнинг жанубий ва шимолий ҳудудларини ўз ичига олган. Хусусан, Чармгар эли Қарши шаҳрининг жануби-шарқий қисмларидаги гузар ва қишлоқлардан,

Бузург-равот эли эса шаҳарнинг шимоли-ғарбий қисмларидаги гузар ва қишлоқлардан ташкил топган эди. Қарши шаҳри ва атрофидаги қишлоқларнинг бундай “эл”га бирлашуви афтидан этник маъно касб этмай, кўпроқ “жамоа” маъносида бўлган. Аслида “эл” атамаси туркий халқларнинг кўпчилигида учраб, кўпроқ “уруғлар уюшмаси” маъносида бўлган. Қарши беклигида бу атама ҳам уруғлар уюшмаси, ҳам маълум бир ҳудудий бирлик – жамоа маъносида қўлланилган кўринади[5:122-123].

Қисқаси, Бухоро амирлиги даврида, хусусан, XIX аср охири – XX аср бошларида Қарши беклигининг сиёсий-маъмурий бўлиниши, бекликдаги амлоқлар ва улар таркибидаги қишлоқлар масаласи билан танишиб чиқиш шуни кўрсатадики, ушбу беклик ҳам ҳудудининг катталиги, ҳам аҳолисининг сон жиҳатдан кўплиги билан Қашқадарё воҳасидаги бошқа бекликлардан ажралиб турган. Бекликдаги ҳар бир аҳоли маскани ўз бошқарувчиси – “оқсоқол”га эга бўлиб, улар амлоқ бошқарувчиси – “амин”га, амин эса ўз навбатида беклик ҳокими – “бек”ка бўйсунганлар. Шу билан бирга, айрим ҳудудларда бир неча қишлоқлардан ташкил топган жамоалар “эл”га тақсимланиб, “бобо” деб аталадиган амалдорлар томонидан бошқарилган.

Умуман олганда Қарши беклигининг сиёсий-маъмурий тузилиши Бухоро амирлигининг бошқа бекликлари сиёсий-маъмурий тузилиши аксарият бир хилда бўлишига қарамасдан, ўзига хос хусусиятларга ҳам эга бўлган.

#### **Адабиётлар:**

1. Махмуд ибн Вали. Море тайн относительно доблестей благородных (география). Введение, перевод, примечания, указатели Б. А. Ахмедова. – Ташкент: Изд-во «Фан» УзССР, 1977. – С. 79.

2. Бобур Захириддин Муҳаммад. Бобурнома. – Тошкент: Юлдузча, 1989. – Б.47.

3. Бичурин Н. Я. (Иакинф). Собрание сведений о народах, обитавших в Средней Азии в древние времена. В 3-х томах. Том II. – М. - Л.: Изд. АН СССР, 1950. – С. 264, 271-275, 280-281, 286-287, 310-313, 315-317.

4. Тревер К. В. Кушаны, хиониы и эфталиты по армянским источникам IV–VII вв. (К истории народов Средней Азии)//СА. – Москва, 1954. – № XXI. – С. 140-142.

5. Сухарева О.А. К истории городов Бухарского ханства. – Т.: АН УзССР, 1958. – С. 109-127; Амонова Ф. Бухоро амирлиги иқтисодиётига тарихий назар. (XIX аср охири—XX аср бошлари). – Тошкент: Yangiu nashr, 2013. – Б. 94-95.

6. Ханыков Н.В. Описание Бухарского ханства. – СПб., 1843. – С. 65; Вяткин В.Л. Материалы к исторической географии Самаркандского вилаета // СКСО, 1902. Вып. VII. – Самарканд, 1902. – С. 22, 32.

7. Населенные пункты Бухарского эмирата (конец XIX - начало XX в.) / Материалы к исторической географии Средней Азии. Под. Ред. А.Р. Мухаммеджанова. – Т.: Университет, 2001. – С. 292-296.

8. Ражабов Р. Ўзбекистондаги араблар тарихи ва этноргафияси. – Т.: Sharq, 2012. – Б. 191-205.

9. Ханыков Н.В. Описание Бухарского ханства. – СПб., 1843. – С. 63.

10. Қораев С. Географик номлар маъноси ..., б. 76.

Мавлонов, Ў. (2008). Марказий Осиёнинг қадимги йўллари: шаклланиши ва ривожланиш босқичлари. Тошкент: Академия.

Сагдуллаев, А., & Мавлонов, У. (2006). Узоекистонда давлат бошқаруви тарихи.

Мавлонов, Ў., & Маҳкамова, Д. (2004). Маданий алоқалар ва савдо йўллари. Тошкент: Академия.

Мавлонов, У. М. (1994). Торговые и культурные связи Кашкадарьинского оазиса в XVII-XIX вв.

Мавлонов, У. М., Каримов, Я. А., & Артиков, Х. (2017). Место амударьинских переправ в коммуникационной системе центральной Азии. *The Newman in Foreign policy*, (38 (82)), 54-58.

## **ХИВА ХОНЛИГИ МАРКАЗИЙ ВА МАҲАЛЛИЙ БОШҚАРУВ ТИЗИМИДА МАНСАБ ВА УНВОНЛАРНИНГ ЎРНИ**

**Худойкулов Т.Д.**

*т.ф.д., доц.,*

*Шаҳрисабз Давлат педагогика институти*

XVIII асрнинг ўрталаридан бошлаб Хива хонлигида чуқур сиёсий инқироз даври бошланди. Бунинг асосий сабабларидан бири - қабилалар орасидаги қонли курашлар, хон билан катта мулкдорлар, кўчманчилар билан ўтроқ халқ ўртасидаги тўқнашувлар, шунингдек, ташқи душманлар билан бўлган курашлардир. Бу ҳол хонлик иқтисодий тараққиётига ҳам катта таъсир ўтказмасдан қолмади. Сиёсий вазият мураккаблашиб давлат тушкунликка қараб бораётган ва тўхтовсиз қонли кураш давом этаётган бир вақтда қўнғирот уруғи сулоласининг етакчиларидан бўлмиш Эшмуҳаммад ўғли Муҳаммадамин сиёсий кураш майдонига кириб келди ва марказий ҳокимиятни қўлга олишга уринди.

Ниҳоят, 1770 йилга келиб, қўнғирот уруғи вакилларининг ҳукмронлиги бошланиб, уларнинг эътиборли етакчиларидан бири Муҳаммадамин иноқ (1770-1790 йиллар) ҳокимиятни қўлга олди. Манбаларда бу сохта хонларнинг келиб чиқиши ҳақида аниқ бир маълумотлар учрамасада, улар асосан ўзларини Чингизхон авлоди деб ҳисобловчи қозоқ султонлари орасидан Хоразмнинг муътабар зотлари томонидан сайлана бошлади.

Муҳаммадамин иноқ ҳокимиятни қўлга олиб, ўз ҳукмронлигини тиклашда амирлар, катта ер эгалари, савдогарлар ва уламоларга суянганлигини Мунис қуйидагича изоҳлайди. “Муҳаммадамин иноқ... вақтни ғанимат билиб, аксари умаро (амирлар) била ёвмут муҳолифатида муттафиқ бўлиб, қалъадорлик умурига иштиғол кўрғизди”. [1, Б. 47]

Муҳаммадамин иноқ ички сиёсатни барқарорлаштириш мақсадида Хива хонлигида ўз ҳукмронлигини тиклаш учун ҳаракат қилаётган Орол манғитларига (1787 йил) қақшатгич зарба бериб, уларни тор-мор қилди.

Мамлакатни идора этишда маъмурий ислоҳотлар амалга оширилар экан, XVIII асрнинг охирларидан Муҳаммадамин иноқ ва унинг ўғли Аваз иноқлар даврида хонликни идора этишда қуйидаги мансаб унвонларнинг вазифалари қайтадан белгилаб берилди. Жумладан, дастлаб кўшбеги - маъмурий ишлар, меҳтар - молия ишлари, оталиқ - аскар бошлиқларидан иборат уруғ бошлиқларига суянадиган кенгаш тузди.

Хивада иноқлар ўзларини мустақил сезиб, тахтни наслдан-наслга ўтказиш имкониятига эга бўлганларидан кейин хонлик тахтида ҳеч қандай ҳуқуққа эга бўлмаган, иноқлар қўлида ўйинчоқ бўлган Чингиз авлодини хон қилиб кўтаришди (мисол учун, сохта Абулғози V ни Аваз иноқнинг ўғли Элтузартахтдан тушириб, 1218 йил 13 шаъбон ойида ўзини қўнғирот уруғи сулоласининг хони деб эълон қилди).

Қўнғирот Элтузар хонлик тахтига ўтирганидан сўнг Хива хонлигининг ишларига аралшиб келаётган Бухоро амирлигига қарши исёнга бошчилик қила бошлади. Ниҳоят 1806 йили икки хонлик ўртасида бўлган жанг Хива аскарларининг мағлубияти ва Элтузарнинг ҳалокати (манбаларда айтилишича у сувга чўкиб ўлган) билан тугайди. Шундан сўнг Хива тахтига мазкур сулоланинг кўзга кўринган энг йирик вакилларидан бири - Элтузарнинг укаси Муҳаммадраҳим I(1806-1825) ўтиради.

Сўнги йилларда Хива хонлиги тарихи бўйича қатор асарлар илмий тадқиқот юзини кўра бошлади. Ушбу асарларда хонликнинг давлат бошқаруви ва унинг шаклланиши, унвон ва мансаб, унинг вазифалари каби қатор масалалар ўрганилган. Сарой тарихчиларидан Мунис, Огаҳий [2] ва Баёний [3] ларнинг асарлари илмий таҳлил қилинган. Тадқиқотчи олимлардан айниқса Л.Ф.Костенко, Л.Соболев, М.И.Иванин, Н.Н.Муравьёв, Г.И.Данилевский, Х.Вамбери, В.В.Бартольд, А.А.Семёнов, П.П.Иванов, М.Йўлдошев, А.Болтаев ва Ш.Воҳидов [4, Б. 214-223]ларнинг асар ва рисолаларида Хивада давлат бошқаруви масалаларига оид муҳим маълумотлар берилган. Улар орасида айниқса, А.Болтаев ва Ш.Воҳидовларнинг асарларидаги маълумотлар алоҳида аҳамият касб этади.

Хива хонлигида маъмурий ислоҳот ўтказган яна бир ҳукмдор Абулғози Баходирхон бўлади. У хонлик ҳокимият тепасига келган биринчи кундан бошлаб асосий эътиборни давлатни мустаҳкамлаш масаласига қаратди. Биринчи ўринда туркман задогонларини давлат бошқаруви ишларидан четлаштиради. Уларнинг қўлларидаги молу-мулкларини, ер-сувларини тортиб олиб, ўзларини хонлик ичкарасидан қувғин қилган. Шундан сўнг туркманлар Хуросонга, Жанубий Туркменистонга, Абулхон ва Мангишлоққа кўчиб кетишга мажбур бўладилар [5, Б. 91]. Хонликнинг барча юқори лавозимлари ўзбек ҳукмдорлари қўлига топширилди. Хива тарихчиси Муниснинг кўрсатишича, Абулғозихон маъмурий ислоҳат ўтказиб, хонликнинг марказий бошқарув тизимини батамом янгидан ташкил этди. У ўзбек зодагонларидан

360 кишини хонликнинг турли лавозимларига тайинлади. Шулардан энг обрўли 32 кишига саройда ўз ёнидан ўрин берди. Улар хоннинг яқин маслаҳатчилари бўлган. Шунингдек, саройда 32 та марказий бошқарув лавозимларини ташкил этилиб, улар қўйидагича тақсим этилади: 2 та шайхулислом, 1 та мутавалли, 1 та ноиб, 4 та оталик, 4 та иноқ, 4 та мироб, 4 та бий, 1 та парвоначи, 2 та ака, 2 та арбоб, 4 та чигатой-иноқи, 1 та вазир (у меҳтар деб юритилган) ва яна 1 та қушбеги лавозимларидир. Шу билан Абулғозихон ўзбекларни ва ерли аҳолининг нуфузли вакилларини давлат бошқарув ишларига жалб этиб, улар орасида маълум барқарорликни вужудга келтирди. Давлат ҳокимиятини мустаҳкамланиши Абулғозихонга ички ва ташқи сиёсатни кенг кўламда амалга ошириш имкониятини беради. Манбаларда таъкидланишича хонлик саройида фаолият кўрсатувчи мансаб ва унвонлар қўйидагича тавсифланган:

Шайх ул-ислом. Хива хонлигида шайх ул-ислом мансабига пайғамбар Муҳаммад авлодлари саналмиш саййидлардан тайинланган[6]. Хива хонлари ҳам ўз ҳукмронликларини қонунийлаштириш учун мусулмон элитасига мансуб саййид ва шайхлар хонадонидан уйланиш ва уларга ўз қизларини бериш қондасидан фойдаланишган. Хивада Абулғозий даврида икки нафар шайх ул-ислом (пойтахт ва вилоятлар учун) тайинланган.

Мутавалли. Хивада ҳам вақф мулклари катта ўрин эгаллаган. Хонликда барча вақф мулклари шу мутавалли томонидан назорат қилинган.

Ноиб. Хоннинг ўринбосари (бир нафар). Вилоят ҳукмдорлари. Хонзода ва хон авлодидан бўлмиш муътабар зотлардан, катта ер эгалари, хоннинг қариндош-уруғлари ёки маҳрамларидан тайинланарди.

Оталиқ. Хонзода ва тахт валиаҳдининг мураббийси. Хивада энг кучли ва қудратли бўлган қабила бошлиқларига берилган. Уларнинг сони 4 нафар эди.

Иноқлик маснабига ҳам 4 нафар тайинланган.

Мироблик вазифаси ҳам тўрт нафарга берилиб, у жуда юқори мартабали мансаб саналган.

Бий. Аслида бий кўчманчи қабилаларнинг бошлиғи ҳисобланар эди. Бийларнинг қабила ва уруғ аъзоларидан таркиб топган ўз қўшинлари бўлган. Саройда тўрт нафар бий бўлиб, улар ҳам энг кучли қабила вакиллари бўлган.

Парвоначи. Бу амалдор мансаби “капалак”, деб таржима қилинади. Мазкур амал Бухорода жорий қилинган бўлиб, унинг эгаси капалакдек ҳукмдор ҳузурига кириб-чиқиб, арз қилгувчиларнинг арзини хонга етказиб жавобини олиб чиқар эди. Хонга яқин маҳрамлардан бир киши тайинланган.

Ака, яъни оға, оқа. Хоннинг ака-укалари, авлодидаги энг қудратли ва ёши улуғ кишига берилган. Саройда уларнинг сони икки нафар эди.

Арбоб, яъни хўжайин; улуғ шахс. Саройда икки нафар бу мансабга кўтарилган.

Чигатой-иноқларининг сони 4 нафар бўлиб, булар барча ўзбек уруғларининг вакиллари сифатида саройда фаолият кўрсатилган. Аслида

Абулғозий қабила ва уруғ раҳбарларига бу мансабларни бериб уларни саройда, ўзи хузурида “амонат” тарзида ушлаб турган.

Вазир (у меҳтар деб юритилган). Абулғозий айна шу вазифага энг лойиқ ва арзанда кишини тайинлаган. Кўп ҳолларда Хива зодагонларининг энг кучли ва обрўли намояндаси вазирлик мансабига кўтарилган.

Юқорида Абулғозий Баҳодирхонни Хивада (гегемон) қабилалардан бўлмиш ўзбеклардан 360 нафарига турли вазифа ва унвонлар, амаллар бергани айтилди. Хивада ҳам давлат бошқаруви куйи ва юқори, ҳамда горизонтал шаклда мавжуд бўлган. Давлат бошқарувидаги дунёвий, диний, ҳарбий, қозихона иши, молиявий бошқарув якка ҳукмронлик тамойилига таянган жамият идораси учун хизмат қилган.

Хулоса қилиб айтганда XIX асрда Хива хонлигида ҳарбий тузилиш тизими ҳам бирмунча янгиланди. Кўшиннинг асосий қисмини навкарлар ташкил қилди. Мунтазам кўшиннинг бўлинмалари кучайтирилди.

#### Адабиётлар:

1. Мунис ва Огаҳий. Фирдавс ул-иқбол, 47<sup>б</sup> вар.
2. Огаҳий. Жомий ул-воқеоти султоний //Қўлёзма, ЎзФАШИ. – №9756; Риёз уд-давла // Қўлёзма, ЎзФАШИ. – №821/II.
3. Баёний. Шажараи хоразмшоҳий //Қўлёзма, ЎзФАШИ. – №9596; Хоразм тарихи //Қўлёзма, ЎзФАШИ. – №7421.
4. Воҳидов Ш. Қўқон хонлиги ва Бухоро амирлигида унвон ва мансаблар. – Тошкент.: ФА Ҳ.Сулаймонов номидаги Қўлёмалар институти, 1996; Қўқон хонлигида унвон ва мансаблар // Шарқ юлдузи, 1995. – №3, 4. – 214-223 б; Ш.Воҳидов ва С.Сабурова. Хива хонлигида унвон ва мансаблар //Ўзбекистонда ижтимоий фанлар. 1998. – №3. 39-46 б; Воҳидов Ш., Холиқова Р. Марказий Осиёдаги давлат бошқаруви тарихидан. –Тошкент: Янги аср авлоди. 2006. – 48-70.
5. Мунис ва Огаҳий. Фирдавс ул-иқбол. – Б.91.
6. Мусулмон давлатларидан шайхулислом (дин) ва давлат ўртасидаги анъанавий муносабатлар Усмонли Туркия мисолида ўрганилган. Қаранг: Sencer M. Osmanlilarda din ve devlet. – Istanbul, 1974; Pixley M. The development and role of the seyhuūlislam in early Ottoman history // Journal of the American oriental Society. – Baltimore, 1976, t. 96. – № 1. – P. 92 Мейер М.С. О соотношении светской и духовной власти в османской политической системе в XVI-XVIII вв. / Ислам в истории народов Востока. – Москва: Наука, 1981. – С.51-62. Яна қаранг: Бартольд В.В. Теократическая идея и светская власть в мусульманском государстве / Сочинения, т. VI. – Москва: Наука, 1966. – С.309.; Шу муаллиф. Халиф и султан. Там же. – С.18-24.
7. Воҳидов Ш ва С.Сабурова. Хива хонлигида унвон ва мансаблар //Ўзбекистонда ижтимоий фанлар. 1998. – №3. 39-46 б;
8. Мунис ва Огаҳий. Фирдавс ул-иқбол. – Б. 63.
9. Костенко Л.Ф. Город Хива в 1873 г. -СПб., 1874. – С. 24.

10. Иванов М.И. Сведения Хивинском ханстве //Манфактура и торговли. 1873. – №4. –С. 154.
11. Хива хонлигида ов ва саёсат ишларини калон халифа, овчи халифа бошқарар эди. Бухоро ва Қўқонда қушбеги, қушчилар бўлган. Қар.: Воҳидов Ш. Қўқон хонлигида унвон ва мансаблар //Шарқюлдузи. 1995. – №3, 4. – Б.87, 103.
12. Залесов Н. Посольство в Хиву капитана Никифорова в 1841 г. //ВС. Т. XXVI, 1861. Ч. II. – С. 65.
13. Бартольд В.В. Церемониал при дворе узбекских ханов в XVII веке //ЗРГО. -СПб., 1909. – С. 301.
14. Баёний. Хоразмтарихи, 328 вар.
15. Болтаев А. Хоразм тарихига оид ҳужжатлар. – №9320, 90<sup>а</sup>вар.
16. Кун. Л.А. Культурный оазис Хивинского ханства //ТВ. 1874. – С. 2.
17. Ҳасан Мурод Муҳаммад Амин ўғли. Хоразм тарихига доир материаллар. – Б. 173-175.
18. Сабурова С. XIX аср ва XX аср бошларида Хива хонлигининг давлат тизими. Тарих фан. ном. дисс. – Тошкент., 2002. – Б. 120 ва кейингилари.
19. Баёний. Хоразмтарихи, 376 вар.
20. Воҳидов Ш., Холиқова Р. Марказий Осиёдаги давлат бошқаруви тарихидан. –Тошкент: Янги аср авлоди. 2006. – 48-70.
- Мавлонов, Ў. (2008). Марказий Осиёнинг қадимги йўллари: шаклланиши ва ривожланиш босқичлари. Тошкент: Академия.
- Сагдуллаев, А., & Мавлонов, У. (2006). Узоекистонда давлат бошқаруви тарихи.
- Мавлонов, Ў., & Маҳкамова, Д. (2004). Маданий алоқалар ва савдо йўллари. Тошкент: Академия.
- Мавлонов, У. М. (1994). Торговые и культурные связи Кашкадарьинского оазиса в XVII-XIX вв.
- Мавлонов, У. М., Каримов, Я. А., & Артиков, Х. (2017). Место амударьинских переправ в коммуникационной системе центральной Азии. *The Newman in Foreign policy*, (38 (82)), 54-58.

## ШИМОЛИЙ БАКТРИЯНИНГ ТАРИХИЙ ГЕОГРАФИЯСИ

**Яхшиев А.Ж.**  
*т.ф.н., доц.,*  
*Фискал институти*

Қадимги Бактриянинг ҳудудий жойлашуви ҳамда географик чегаралари масалаларига қизиқиш XIX асрдаёқ бошланган эди. Ўша вақтда австриялик шарқшунос В.Томашек мил.авв. IV асрга оид бактриялик зодагон – Сизимитр кўрғонининг Бойсун тоғидаги Темир дарвоза (Дари Оҳанин) атрофида жойлашганлиги хусусида тахмин юритиб: «...Сизимитр кўрғонининг Бактра

вилояти таркибига кириши бизни таажжублантирмаслиги керак; худди кейинчалик Тухара вилояти Темир дарвозадан бошланганидек, қадимги замонларда Бақтра сатраплиги Оксдан шимолга ёйилган бўлиши ва дарё вилояти Тармидани довоннинг қўшни дарвозалари билан бирга ўз ичига қамраб олган бўлиши керак» [1, Б. 27], деган хулосага келган эди. Бу ғояни археология маълумотлари асосида XX асрнинг 50-йилларида М.М. Дьяконов ривожлантирди ва анча кенгайтирди, шунингдек, у биринчи бўлиб «Шимолий Бақтрия» тушунчасини илмий муомалага киритди [2, Б. 128; 3, Б. 22].

Шу даврдан бошлаб бу атама шимолдан Ҳисор тоғ тизими, ғарбдан Кўхитанг тизмаси, жанубдан Амударё, шарқдан Помир тизмалари билан чегараланувчи кенг географик вилоятни англатадиган бўлди. Бу атамадан келиб чиқиб, Шимоли-Шарқий ва Шимоли-Ғарбий Бақтрия атамалари ҳам пайдо бўлди. Шимоли-Ғарбий Бақтрия атамасининг келиб чиқиши Шимолий Бақтрия худудий чегараларининг анча кенгайишига ва унинг таркибига Туркманистоннинг Келифдан Керкигача бўлган жануби-шарқий худуди ва хатто Чоржўйнинг ҳам киритилишига сабаб бўлди [4, Б. 30; 5, Б. 38; 6, Б. 75].

Б.Я.Ставиский Бақтриянинг шимолий чегаралари масаласининг ечимига археология ва эпиграфикага оид янги маълумотларни кенг жалб қилди ҳамда кушонлар даврида жанубга ва шимолга Амударёдан бошлаб Ҳисор тизмаларига қадар бўлган худуд этник ва маданий муносабатларда ягона тарихий-маданий вилоятни ўзида акс эттирганлигини кўрсатиб берди [5, Б. 39].

Америкалик олим Р.Фрайнинг фикрига кўра, Бақтрия – кенг қамровли вилоятнинг маданий маркази бўлиб, уни шимолдан, шарқдан ва жанубдан тоғлар ўраб турган, унинг ерларини суғорувчи Амударё уни икки қисмга: жанубий, яъни Афғон Туркистонига ва Шимолий, ўнг қирғоқ, яъни Тожикистонга ажратиб турган [5, Б. 12, 31, 234, 235].

Бир қатор олимлар бу фикрга қўшилмайдилар. Улар антик давр ёзма манбаларига таяниб юқорида кўрсатилган вилоят Суғдиёнага қарашли бўлган ва Бақтриянинг шимолий чегараси Амударё – Окс орқали ўтган деб ҳисоблайдилар [5, Б. 36; 8, Б. 34-39].

Шунингдек, И.Н. Хлопиннинг фикрича, «Шимолий Бақтрия» иборасини фақат Юнон-Бақтрия подшолиги мавжуд бўлган даврга нисбатангина қўллаш мумкин. Александр Македонскийнинг Ўрта Осиёга юришлари даври ёки Ўрта Осиёнинг Ахамонийлар ҳукмронлиги остига ўтиши даври учун эса «Суғдиёна» атамасини қўллаган маъқул [9, Б. 150-151]. Унинг таъкидлашича, қадимда Окс бирор-бир мамлакатнинг ички дарёси бўлган бўлиши мумкин эмас, аксинча, у фақат икки мустақил давлат – Бақтрия ва Суғдиёнанинг табиий чегараси бўлган бўлиши керак [9, Б. 215].

Б.Я. Ставиский эса бу масалада бошқача фикрни илгари суради. Унинг ёзишича, Амударё ўзининг ўрта оқимида вақтинчалик ҳарбий сиёсий чегара вазифасини ўтаган бўлиши мумкин, аммо у ҳеч қачон қатъий этник-маданий ёки этник-тарихий чегара вазифасини бажармаган [5, Б. 38]. Шунингдек, И.В. Пьянков антик ёзма манбаларда Окс Бақтрия ва Суғд ўртасидаги чегара



сифатида эътироф қилиниши билан бирга унга тубдан қарама-қарши бўлган маълумотлар ҳам борлигини ишонарли тарзда исботлаб берди. Бу маълумотлар икки хил тахминга асосланган. Уларнинг бирига кўра, Ҳисор тизмасининг жануби-ғарбий бўлаги ва Амударё оралиғидаги вилоят Бақтриядан фарқ қилган бўлса-да, лекин у шу даврнинг ўзида Суғдиёнадан ҳам аниқ ажралиб турган. Иккинчи тахминга кўра, бу ҳудуд тўғридан-тўғри «Бақтрия» деб аталган [8, Б. 52].

Бир қатор тадқиқотчиларнинг фикрича, Бақтрия ва Суғдиёна ўртасидаги чегара Амударё ва Сурхондарё бўйлаб ўтган. Бу чегара Вахш ва Амударё орқали ўтган, деган фикрлар ҳам мавжуд [8, Б. 37-38]. Бу фикрга кўра, Сурхондарё ва Кофирниҳон вилоятлари Суғдиёнага қарашли бўлган, Жанубий Тожикистон эса Бақтрия ҳудудига кирган.

П.Бернарнинг ёзишига кўра, аҳамонийлар даврида «Катта Суғдиёна» деган маъмурий бирлашма вужудга келган. Унинг таркибига Амударё ўрта оқимининг бутун ўнг қирғоғидаги ерлар ва шунингдек, Кўкча ёки Қундуздан шарқдаги вилоят ҳамда бутун Бадахшон кирган [10, Б. 10-12].

Бақтриянинг шимолий чегаралари масаласидаги ўн йиллик мунозараларга И.В. Пьянков маълум маънода якуний ҳулоса ясади. У антик ёзма манбаларни синчиклаб таҳлил қилиш асосида бир қатор тадқиқотчиларнинг, Бақтрия ҳақидаги, уни Окснинг фақат чап қирғоғида жойлашган бир вилоят, деган қарашлари ҳақиқатга тўғри келмаслигини асослаб берди [8, Б. 13]. Унинг фикрига кўра, «Бақтрия» деганда (соф географикатама маъносида) дастлаб Балх воҳаси назарда тутилган. Кейинчалик унинг маъноси кенгайди: «Бақтрия» ва «бақтрийлар» деганда энг дастлабки даврда Заратуштра подшолиги, «Қирга қарши курашган халқ», Аҳамонийлар давлати, Искандар, Салавкийлар ва, ниҳоят, скифлар асос солган подшоликнинг шу номдаги қисми ёки сатраплик англашиладиган бўлади [8, Б. 14].

И.В. Пьянков аҳамонийларнинг сатраплиги бўлган ва Танаисгача чўзилган – йирик маъмурий бирлашма сифатидаги Бақтрияни «мамлакат», «халқ» маъносидаги анча тор маъмурий уюшма бўлган Бақтриядан фарқлаш лозимлигини таклиф қилади. «Мамлакат», «халқ» маъносида айтилганда Бақтриянинг таркибига Шеробод дарё, Сурхондарё, Вахш, Қоратегин водийлари кирган ва шунингдек, Кўхистон ҳамда Кўлоб вилоятлари ҳам кирган бўлиши мумкин. Ўша даврда Амударёнинг қуйироқдаги, тахминан Келифдан Керкига қадар бўлган қисми вилоятнинг шимолий чегараси ҳисобланган [8, Б. 53-54]. Унинг тахминича, Амударё–Оксни Бақтрия ва Суғднинг чегараси бўлган деган фикрлар Искандарнинг Келифда (Туркманистоннинг жанубий-шарқи) кечувдан ўтган еридаги ҳолатини умумлаштириш натижасида келиб чиққан, лекин дарёнинг юқори қисмида, яъни Ўзбекистон ва Тожикистон ҳудудларидаги ҳолат бошқача бўлган [8, Б. 13]. Шунингдек, Бақтриянинг бу чегараси асосан Искандар тарихчиларининг маълумотлари асосида аниқланган. Искандардан аввалги ва унинг юришларидан кейинги даврга оид Бақтриянинг шимолий чегаралари ҳақида гувоҳлик берувчи ёзма манбалар эса мавжуд эмас.

Шундай қилиб, ёзма манбаларнинг маълумотларига асосланганидан бўлсак, мил.авв. IV аср учинчи чорагининг охирига келиб Амударёнинг ўнг қирғоғидаги ерлар – Ўзбекистоннинг Сурхондарё вилояти ва Жанубий Тожикистон ерлари Бактриянинг таркибига кирган деб хулоса чиқариш мумкин.

Лекин қадимги даврда «Шимолий Бактрия» деган тушунчанинг мавжуд бўлганлиги эҳтимолдан узоқ. Бу ҳудуднинг алоҳида қисмлари Габаза ва Паретакена номлари билан аталганлиги ҳақиқатга яқиндир [11, Б. 99]. Бу ҳудудлар ҳам Бактриянинг таркибий қисми саналиб, «Дарёорти Бактрияси» дейилган бўлиши эҳтимолдан холи эмас [8, Б. 47].

Хуллас, ўтган асрнинг ўрталаридан бошлаб «Шимолий Бактрия» атамаси илмий муомалага киритилган бўлиб, бу ҳудуд шимолдан Ҳисор тоғ тизими, ғарбдан Кўҳитанг тизмаси, жанубдан Амударё, шарқдан Помир тоғлари билан чегараланувчи қадимги тарихий-маданий вилоятни ўз ичига олади. Ушбу масала юзасидан тадқиқотчилар орасида кўпгина баҳслар бўлиб ўтганлигига қарамасдан, археологик маълумотлар натижаларини ёзма манбалар билан солиштириш натижасида масалага кўпгина аниқликлар киритилди.

Хусусан, Шимолий Бактриядан ўтувчи қадимги йўллар ва уларнинг йўналишлари, вилоятлар ва қалъаларнинг жойлашуви масалалари мумкин қадар ўз ечимини топди дейиш мумкин. Ушбу маълумотларга асосланганидан бўлсак, мил. авв. IV аср ўрталарида Амударё юқори оқимининг ўнг қирғоғидаги ерлар – Сурхон воҳаси ва қисман Жанубий Тожикистон ерлари Бактриянинг таркибига кирган. Аммо ўша даврда бу ҳудудлар қандай умумий ном билан номланганлиги ҳозирча маълум эмас. Биз кўриб чиққан долзарб масалани ўрганишга М.М.Дьяконов, И.В.Пьянков, Б.Я.Ставиский, Э.В.Ртвеладзе, П.Бернар, Х.Франкфор, А.С.Сагдуллаев, Ш.Р.Пидаев ва бошқа олимлар муҳим ҳисса қўшдилар. Юз йилдан зиёд вақт давомида баҳсли илмий масала сифатида қаралган долзарб муаммо ўз ечимини етарли даражада топди.

#### **Адабиётлар:**

1. Tomashek W. Zentralasatische Studien, I. Sogdiana, – Wien, 1877.
2. Дяконов М.М. Сложение классового общества в Северной Бактрии // СА. – 1954. -XIX. – С. 128
3. Дяконов М.М. У истоков древней культуры Таджикистана. – Сталинабад, 1956.
4. Материалы к историко-географическому обзору Памира и припамирских областей. Тр. АН Тадж. ССР. Т. LIII. 1957.
5. Ставиский Б.Я. Кушанская Бактрия: Проблемы истории и культуры. – М. 1977.
6. Пилипко В.Н. Поселения северо-западной Бактрии. – Ашхабад, 1985.
7. Фрай Р. Наследие Ирана / Пер. с англ. В.А.Лившица и Е.В.Зеймаль. – М., 1972.

8. Пьянков И.В. Бактрия в античной традиции (общие данные о стране: название и территория). – Душанбе, 1982.

9. Хлопин И.Н. Историческая география южных областей Средней Азии (античность и ранее-средневековье). – Ашхабад, 1983.

10. Bernard P. Frankfort H. Etudes de geographie historique sur la plaine d A.L.Khanoum (Afghanistan). – Paris. 1978.

11. Ртвеладзе Э.В. Ксениппа-Паретака // Кавказ и Средняя Азия в древности. – М. 1981

## **ҚАДИМГИ ДАВРДА МАРКАЗИЙ ОСИЁ ВА ҲИНДИСТОН ХАЛҚЛАРИ ЎРТАСИДАГИ ИЖТИМОЙ-ИҚТИСОДИЙ ВА СИЁСИЙ МУНОСАБАТЛАР ТАРИХИ**

**Бийкузиев А.А.**

*т.ф.ф.д.(PhD),*

*Ўзбекистон Миллий университети*

Ҳозирги вақтда Ўрта Осиёнинг қадимги аҳолиси ҳисобланган орийлар тарихи долзарб бўлиб келмоқда. Уларнинг милoddан аввалги II минг йилликнинг охирида Ҳинд ва Ганга дарёлари оралигидаги ҳудудга бостириб кириши, Мохенжо-Даро ва Хараппа маданиятлари инқирозидан сўнг қадимги Ҳинд цивилизациясини янгидан ривожланишига сабабчи бўлган эди. Бу муаммо нафақат Ҳиндистон, балки Марказий Осиё тарихи учун ҳам муҳим аҳамиятга эга. Ҳинд-европа тил oilасининг барча этник гуруҳлари миграция жараёнлари ҳам орийлар тарихига бевосита алақадор. Қадимги Ҳиндистон тарихи яна шуниси билан қизиқарлики, айнан ҳинд-европаликлар Шимолий кўчманчилар қадимий эътиқоди меросининг асосий қисмини сақлаб қолган. Археологлар Волга даштларидан Ҳинд водийсига (милoddан аввалги II-I минг йилликлар) кўчиб келган кўчманчи “ҳинд-орийлар”нинг келиб чиқишини аниқлашга ва бронза даври қабилаларининг Шимолдан Ўрта Осиё ва Шимолий Ҳиндистонга ҳаракатини кузатишга муваффақ бўлдилар.

Аввало бронза даврида маълум бўлган Волга бўйи минтақаси ва Урал даштларининг этносларини қайси кўчманчи чорвадор орийлари билан боғлаш кераклигини аниқлаб олиш лозим. Кейинчалик антик даврда юнон муаллифлари уларни умумий этник атама номи билан “скифлар”деб атаган бўлса, Эронга аввалроқ ўрнашиб олган орийлар Ўрта Осиё даштларида қолган кўчманчи қариндошларини “саклар” деб атайдилар. Етти аср ўтгач, орийларнинг ўзлари ўтроқ ва кўчманчиларга бўлина бошлаган. БужараёнАлександр Македонскийюрришлари ва Юнон-Бактрия давлати юзага келгунига қадар тўхтамаган. Салавкийлар даврида Сўғд ва Бактрияни сак ва дахлар экспансиясидан сақлаб қолиш қийин бўлиб қолган эди. Фақат подшо Гелиокл даврида Юнон-Бактрия заифлашгандан сўнг сакларнинг жанубга кўчиши янада кучайган. Саклар ва Ўрта Осиёнинг бошқа қабилаларини Эронга миграцияси мил.ав. 250 йилларда Аршак бошчилигида бошланган.

Улар милоддан аввалги 238 йил атрофида замонавий Эроннинг шимолий-шарқи ва Туркменистоннинг жанубини эгаллаб, Парфия подшолигига асос солган. Парфия аристократияси Ўрта Осиёлик кўчманчи зодагонлардан таркиб топа бошлаган. Улар эллин ва маҳаллий аҳамонийлар аристократиясининг мафкуравий мухолифлари бўлган. Кейинчалик Парфия худуди келажакда Салавкийлар Эронининг қолган қисмини эгаллаб олиш учун ўзига ҳос “трамплин” ролини ўйнай бошлаган. Аммо бир аср мобайнида подшо Аршак билан бирга келган саклар аллақачон ўтроқлашув жараёнини бошдан кечирди. Парфия энди улар учун бегона мамлакат эмас эди. Ўрта Осиё сакларининг жанубга – Бактрия чегараларига янги миграцияси – буюк кўчиши милоддан аввалги 140 йилда Ўрта Осиёда халқларининг хуннлар ва юе-чжилар таъсири даврида юз беради. Оқибатта Дахя (шимолий Бактрия) юе-чжилар тамонидан босиб олинади. Кейинчалик мил.ав. 90 йили Бактриянинг қолган қисми эгаллангач, орадан бир асрдан кўпроқ вақт ўтиб Кушонлар давлатига асос солинади.

Саклар эса юе-чжилар Бактрияни шимолини босиб олаётган пайтда Парфиянинг Жануби-шарқий (Дрангиана ёки Зарангиана) ўлкаларига жойлашиб, бу ерда ўзларига ўзига ҳос плацдарм яратадилар. Бу эса Шимолий Ҳиндистонга кириб бориш учун қулай шароит эди. Кўп ўтмай Дрангиана вилояти Сакистон деб атала бошлаган.

Мил.аввалги II аср биринчи ярмида Шимолий Ҳиндистонда эса Шунга давлати подшоси Пушямитра Шунга (мил.авв. 185-151 йй) Юнон-ҳинд давлатини мамлакат шарқига силжиб боришига чек қўйишга муваффақ бўлади. Гарчанд юнон-бактрияликлар (ҳинд манбаларида яванлар) подшоси Деметрий Паталипутрага қадар борган бўлсада[1, Б. 650], юнонлар бутун Шимолий Ҳиндистон устидан тўлиқ ҳукумронликни ўрната олмаган. Мил.авв. 149 йил Шунга империясида Агнимитра тахтга келади. У Мауриялар сулоласи даврида мустақилликни қўлга киритган Видарбха (Шарқий Ҳиндистон) давлати билан уруш бошлайди[2, Б. 47-50]. Видарбха подшолиги Шунга давлатига бўйсиндирилади.

Агнимитра подшолиги замонида эса Видарбхадан ғарбда Юнон-ҳинд давлатида буддавийликни қабул қилган Менандр I (мил.авв. 150-134 йй) ҳукумронлик қилар эди. Бу икки давлатга Шимоли-шарқдан (Сейистон) кўчманчи сак қабилалари ҳавф солиб турган. Юнон-ҳинд ва Видарбха ҳам марказлашмаган конфедератив давлат бўлгани учун узоқ муддат сакларнинг миграциясига қаршилик қила олмас эди. Бунинг устига Юнон-ҳинд подшолиги Видарбха билан уруш олиб бориши икки давлатни ҳам кучсизлантирган. Менандр I вафотидан кейин Юнон-ҳинд давлати тахтига ёш Стратон I келади. Аммо амалда мамлакатни унинг онаси Агофоклея (мил.авв. 134-125 йй) бошқарган[3, Б. 240]. Унинг даврида Юнон-ҳинд давлати парчалана бошлайди. Видарбха подшоси Васумитра (мил.авв. 131-124 йй) юнон-ҳинд кўшинини Ҳинд дарёси олдида тор-мор келтиради. Шундан сўнг бу давлат бутунлай парчаланиб кетади. Шимоли-шарқдан саклар унинг худудини эгаллаб олади.

Саклар миграциясидан кейин Дахя (Шимолий Бақтрия) юе-чжилар назоратига ўтади. Гуйшуанлар ябғуси Кудзула Кадфиз милодий I асрда барча юе-чжилар мулкларини бирлаштиришга эришади. Сўнгра Шимолий Ҳиндистонга юриш қилиб, Кушон далатига асос солади. Кушон подшоси Канишка I (78-126 й) нафақат Бақтрия, балки Ҳиндистоннинг иқтисодий тараққиётига ҳам этибор қаратади. Кушон империяси шаҳарсозлиги мил. II асрларда юнон-ҳинд маданияти таъсирида ривожланиши янги босқичига чиққан эди. Шимоли-ғарбий Ҳиндистонда кушонлар даврида ўзлаштириладиган ерларни кенгайтириш мақсадида бир нечта сув омборлари қурилишига аҳамият берганлар. Бу жараён айниқса, мил. I – II асрларида кенг тарқалган. Ғарбий Ҳиндистонда эса империяга қарам сак сатрапликларида эски усулдаги ерга ишлов бериш маданияти ҳукмронлик қилган. Бу эллинлар ва маҳаллийлашган сак зодагонларининг иқтисодий-сиёсатининг асоси бўлган. Шундай бўлса-да, сак сатраплари бу хилдаги ер хўжалигини ислоҳ қилганлар[4, Б. 140-141].

Мил.авв. II асрдан – мил. I асрлар оралиғида Бақтрияда эллин давлатчилиги завола топа бошланган. Чунки маҳаллий маданиятни кўчманчи юе-чжилар ўзлаштира бошлайдилар. Эллинларнинг ўзлари ассимиляция натижасида Бақтрия аҳолиси орасига сингиб кетади. Икки дарё оралиғида эллик бешга яқин маҳаллий давлатлар мавжуд бўлган[5, Б. 268]. Антик давр ёзма манбаларда суғдликларнинг макон тутган жойлари етарлича ёритилмаган. Тарихчилар томонидан илгари сурилган суғдликлар атамасини, эллин даврида “йиғувчи” яъни, кўп миллатли кўчманчи ва ўтроқ компонентлар йиғиндисига нисбатан қўллаш мумкин. Қолаверса, Марғиёнанинг диний тасаввурларини ифода этувчи сополдан ясалган илоҳа тасвири, қадимги Нақшабда маҳаллийлаштирилган[6, Б. 204]. Бундан ташқари, кушонлар даврида Икки дарё оралиғига, Рим империяси таркибидаги Миср диний эътиқодига тегишли урф (Саксанохура илоҳаси)нинг кириб келиши кушонларнинг маданий таъсирини кучайтирган[7, Б. 205]. Кушон маданиятининг Нақшабга қадар кириб боришини бирон-бир бегона маданий компонент сифатида қабул қилиш керак эмас. Зеро, Бақтриянинг шимолий ерлари қанғлик (сак)лар назоратидаги жанубий Суғдга доимий маданий таъсир ўтказиб борган. Она (Нана-Анахита) илоҳаси образи қадимдан Бақтрия ва Суғдда кенг тарқалган эди. Қолаверса, саклар ва маҳаллий ўтроқ аҳоли диний маданиятида алоҳида ўрин эгаллаган. Уларнинг эътиқодида она тириклик, поклик ва соғлик тимсоли сифатида гавдаланган эди. Кушонлар даврида Икки дарё оралиғининг жанубида маҳаллий илоҳлар Орланго(уруш худоси), Ашто (олов худоси), Фарро (жангчи қиёфасидаги олов худоси), Мах (ой худоси), Вадо (шамол худоси), Вахшо (сув худоси)ларга сиғинган[8, Б. 46-47]. Айримлари зардуштийлик ақидасига ҳам таъсир кўрсатган.

Кушонлар Бақтриясида ҳисоб-китоб учун белгиланган муддатлардаги ойлар номлари, яъни Икки дарё оралиғи балки Хўтан (Шарқий Туркистон)да ҳам ишлатилган[9, Б. 418]. Милодий I асрда Кушон ҳукумдорлари Тангри-

Тоғдан (Тян-Шан) ўтиб, саина (сак ёки қанғ)ларни тор-мор келтириб кучсизлантирганлиги борасида кхароштри ёзувида битилган Дашти Навур (Марказий Афғонистон) маълумотини учратиш мумкин. Унда қуйидаги сўзлар келтирилган: “Қаранғлар (биз) подшолар подшоси олийнасаб, буюк Катфис Кусан (Кушон). Энди бу ердан эзгулик учун қахрамонликни тараннум этиш сўзларини ўзишни буюрдик. У Катфис баланд тоққа чиқиб, тоғли ўлкага тушган. У Каписага қаради. У хужумдаги хизматкорларига ёрдамга қўшимча куч юборди. Жангда олишди, вилоятни кесиб ўтди. Ортларидан қувиб бориб Санас (Авестода саини)ни эгаллаб, уларни йўқ қилди. Хизматкорларини раҳмдиллик билан хотиржам қилиб, худога бағишлаб байрам уюштирди. ...содиқ ва раҳмдил бўлишлик. Кейин у зобитларга ва умуман жангчиларга байрам уюштирди. У қояга ёздирган яхши (ёки қулай) ҳисоботида олий худонинг муқаддас қадамжосидан солиқ ва ҳисса ўлпонини олиб ташлашни буюрди” [10, Б. 419], деган эди.

Демак, Икки дарё оралиғининг жанубидаги чегараларни мустаҳкамлаш учун ҳарбий юришлар уюштириш Кушон подшоси Вима Кадфиз учун аҳамияти катта бўлган. Зеро, Қанғ конфедерациясига тегишли сакларнинг айримлари Шимолий Бақтрияга ўтиб жойлашган. Шунинг учун уларни Икки дарё оралиғининг ички вилоятларига суриб чиқариш кушонлар учун муҳим масала ҳисобланган. Кушон аскарларининг орасида Икки дарё оралиғилик сакларнинг тилига оид шевалари ишлатилган бўлса-да, лекин кушон тили устунлик қилган [11, Б. 419]. Бу эса Икки дарё оралиғи аҳолисининг тили Бақтрияга доимий таъсир ўтказиб турганлигидан далолат беради. Жанубий Суғднинг антик даврга оид қатор шаҳарлари масалан: Қалъаи Заҳоки Марон, Шулуқтапа, Кўҳна Фазли, Киндиклитепа [12, Б. 113-114] аҳолиси бири-бирига яқин этнослардан ташкил топган эди. Қолаверса, Шимолий Бақтрия худуди Икки дарё оралиғига киришининг ўзи Кушонлар Бақтрияси ва Қанғ назоратидаги Икки дарё оралиғи маданиятларини ўзаро уйғунлашувини таъминлаган эди.

Антик давр Ҳиндистони буддавийлик матнлари “Милиндапанхе”да (мил.авв. 100 й) таъкидланишича, мамлакатда етмиш бешга яқин ҳунармандчилик тури мавжуд бўлган [13]. Буддавийлик матнларида ва хатто “Артхашастра”да ҳам бунчалик кўп ҳунармандчилик касблари кўрсатиб ўтилмаган. Улардан саккизтаси минерал хом ашёга ишлов берувчи ва ҳар хил металллар билан ишловчи, жумладан: олтин, кумуш, қўрғошин, мис, бронза, темир ва қимматбаҳо тошлар билан ишлашга ихтисослашган эди. Бундан ташқари, аракута (бронзанинг бир тури), қалай, сурма ва маргимушлар алоҳида таъкидлаб ўтилган. Буларнинг барчаси Ҳиндистон ҳунармандчилигининг металлургия йўналишидаги ютуқларидан далолат беради. Айниқса, темир эритиш борасидаги ҳинд санъати ўз даврида Эфиопия шаҳарларигача етиб борган эди. Тўқимачилик матоларининг нафислиги билан Матхура шаҳри шуҳрат қозонган. Матхура газламалари бутун Кушон империясининг ички ва ташқи бозорларига ҳам чиқарилар эди. Улар хатто Икки дарё оралиғи орқали Марказий Осиёнинг шимолий

худудларигача олиб борилган. Кушон империясида савдогарлар жуда бой табақани ташкил қилган. Улар хатто ўзларининг будда ибодатхоналарига ҳам эга бўлган. Демак, империяда нафақат диний, балки савдо-иқтисодий алоқалари ҳам эркин ривожланиб борган.

#### **Адабиётлар:**

1. Страбон. География в 17 книгах. – М., 1964. - С. 650.
2. Lahiri Bela. Indigenous States of Northern India (Circa 200 B.C.to 320 A.D.) – Calcutta: University of Calcutta, 1974. P .47-50.
3. Попов А. А. Греко-Бактрийское царство. – СПб.: Издательство Санкт-Петербургского университета, 2008. – С. 240
4. Бонгард–Левин Г.М. Индия в древности. – Москва, 1985.– С. 140–141.
5. Ртвеладзе Э.В. Цивилизации государства культуры Центральной Азии.– Ташкент, 2008. – С.268.
6. Сулейманов Р.Х. Древний Накшаб. Проблемы цивилизации Узбекистана VIв.до.н.э.– VIIв.н.э. – Самарканд–Ташкент., 2000. – С. 204.
7. Ўша жойда. – Б. 205.
8. Дервиш Р.А., Левтеева Л.Г., Мусакаева А. Памятники истории религии и культуры в Узбекистане. – Ташкент, 1994. – С. 46–47.
9. Harmatta J. Languages and literature in the Kushan Empeire. // History of Civilations of Central Asia. Volume II. The development of sedentary and nomadic civilizations: 700 B.C. to A. D. 250. Paris. 1994. – P. 418
10. Harmatta J. Languages and literature in the Kushan Empeire. // History of Civilations of Central Asia. Volume II. The development of sedentary and nomadic civilizations: 700 B.C. to A. D. 250. Paris. 1994. – P.419
11. Harmatta J. Languages and literature in the Kushan Empeire. // History of Civilations of Central Asia. Volume II. The development of sedentary and nomadic civilizations: 700 B.C. to A. D. 250. Paris. 1994. – P.419.
12. Эшов. Б. Ўзбекистон давлатчилиги ва бошқаруви тарихи.– Тошкент, 2012., – Б. 113–114.
13. <https://www.sacred-texts.com/bud/sbe36/sbe3609.htm>.

## ТУРОН ҲУДУДИДА ШАЙБОНИЙЛАР СУЛОЛАСИ БОШҚАРУВНИНГ ЎЗИГА ХОСЛИКЛАРИ ҲАҚИДА

**Замонов А.Т.**

*т.ф.ф.д. (PhD), доц.,*

*Тошкент Кимё халқаро университети*

Муҳаммад Шайбонийхон томонидан Мовароуннаҳр ва Хуросонда марказлашган давлат ташкил этилишидан бошлаб, то хонлик тарихининг сўнгги даврларигача ҳам давлат бошқарувида, ижтимоий-иқтисодий, сиёсий ҳаётда мамлакат олий амалдорларининг ўрни юқори бўлиб, шу туфайли ҳам шайбонийлар давлати тарихини хонлик мансаби ва унинг эгалланиш тартибларини қамраб олган марказий бошқарув тарихисиз ажратган ҳолда кўриш мумкин эмас.

XVI асрда Мовароннаҳрдаги ҳарбий-сиёсий жараёнлар, хусусан, шайбонийларнинг мамлакатни эгаллаш ва марказлашган давлат барпо этиш йўлидаги жараёнларни нисбий равишда қуйидаги 3 даврга бўлиб таҳлил қилиш мумкин: 1) 1500-1510 йиллар – Муҳаммад Шайбонийнинг Мовароуннаҳр ва Хуросонда марказлашган давлат барпо этиш йўлидаги фаолияти даври; 2) 1512 йилда Убайдуллахоннинг Мовароуннаҳрни эгаллаш ва бирлаштириш йўлидаги ҳарбий-сиёсий фаолияти; 3) 1552-1598 йилларда Абдуллахоннинг марказлашган давлат барпо этиш йўлидаги фаолияти.

Шайбонийларда мамлакат тахтининг эгалланиш анъаналари тартибини шартли равишда икки босқичга бўлишимиз мумкин:

1. Давлат ташкил топишидан, то XVI асрнинг 40-йилларигача бўлган давр. Бу давр бошқарувининг асосий хусусияти шундаки, давлатдаги олий ҳукмдорлик отадан болага эмас, балки сулоланинг ёши энг улуғ вакилига ўтган.

2. XVI асрнинг 40-йилларидан, то сулола барҳам топишигача бўлган давр (1601 йил). Убайдуллахон вафотидан кейин мамлакатда бошланган сиёсий низо, оилавий тахт талашлар ва бу курашда шайбонийзодаларнинг ҳар бири тахтга даъвогарлик қилиш имкониятларига эга эканликлари тахтнинг отадан болага ўтиш тартибини юзига келтирди. Бу ерда Абдуллахон II нинг ўзидан олдин амакиси Пирмуҳаммад ва отаси Искандар султонларни ёши улуғлиги жаҳатидан тахтга чиқарганини нисбий ҳолат дейишимиз мумкин. Чунки бу жараён битта оила доирасида амалга оширилган. Ваҳоланки, бу даврда Мовароуннаҳр ва Хуросонда ҳукмронлик қилаётган шайбоний султонлар орасида Пирмуҳаммад ва Искандар султонга нисбатан ёши катта шайбоний султонлар бўлган.

XVI асрнинг биринчи ярмида олий ҳукмдорлар шайбоний султонлар, уруғ ва қабила бошлиқлари томонидан сайлаб қўйилган. Хон томонидан белгиланган ҳар қандай тадбир дастлаб унинг ҳузурига чақирилиб туриладиган кенгашда муҳокама қилинган. Муҳокамага қўйилган тадбир кенгаш аҳли томонидан ёқлангандагина кучга кирган [1: 84].



Шайбонийлар анъанаси бўйича вилоятларни тақсимлаш олий ҳукмдор ваколатигагина тааллуқли бўлиб, у бу тақсимотни амалга оширишда аввало, ўзининг энг яқин одамлари манфаатини юқори қўйган. Чунки, мамлакатнинг тинчлиги, марказий ҳокимиятнинг мустақкамлиги маҳаллий ҳокимларнинг ишончилиги ва содиқлигига боғлиқ бўлган. Муҳаммад Шайбонийхон томонидан Мовароуннаҳр ҳудуди эгаллангач (1504 йилга келиб), мамлакат вилоятларини ўз сулоласининг йирик намояндаларига бўлиб берди. Ҳофиз Таниш Бухорийнинг маълумот беришича, йирик ҳудудлар ишончли шайбоний султонларнинг энг зийрак ва тадбиркор, шу билан бирга, сиёсий жараёнларда машҳур бўлган вакилларига берилган. Чунончи, Туркистон Кучкунчи султонга, Тошкент ва Шохрухия унинг укаси Суюнчхожа султонга, Бухоро Шайбонийхоннинг укаси Маҳмуд султонга, Аҳси ва Андижон Жонибек султонга, Самарқанд Аҳмад султонга (Шайбонийхоннинг амакиваччалари), Ҳисор ва унга туташ ҳудудлар Ҳамза султон ва унинг укаси Маҳдий султонга, Термиз Саид Муҳаммад султонга берилган [5:57].

Бундай тартибдаги бўлинишнинг эгалик ҳуқуқи ҳудудларнинг кенгайиб бориши, шайбоний султонларнинг айримлари тўсатдан вафот этиши ёки жангда ҳалок бўлиши натижасида ўзгариб борган. Муҳаммад Шайбоний 1510 йил Марв яқинидаги Маҳмудобод мавзеъсидаги жангда ҳалок бўлгач, шайбонийларда икки йил давомида расман олий ҳукмдор бўлмасида, бошқарув амалда Жонибек султон ва Убайдулла султонлар қўлида бўлган. Хусусан, 1512 йил шайбоний султонлар йиғилиб, ёши улут ҳарбий йўлбошчи бўлган Жонибек султонга ҳудудларни қайта тақсимлаш вазифаси топширилган (У ёш жиҳатидан Кучкунчи ва Суюнчхожахонлардан кейин учинчи ўринда турса-да, ҳарбий-сиёсий жараёнларда етакчи мавқеъга эга бўлган). Унга кўра, Самарқанд ҳудудини Кучкунчи султон ва Шайбонийхоннинг катта ўғли Муҳаммад Темурга, Тошкент вилоятини Суюнчхожа султонга, Бухоро шаҳри ва Қоракўл Убайдулла султонга, Ҳисор ва унга тобеъ ҳудудлар Ҳамза ва Маҳдий султон ўғилларига (1511 йил Бобур қўшинлари билан тўқнашувда Ҳамза ва Маҳдий султонлар ҳалок бўлган) берилган бўлса, Кармана ва Миёнқол вилоятларини ўзи ва фарзандлари учун олиб қолди [2:156].

Ҳарбий юришлар чоғида ҳам вилоят раҳбарлари бўлган шайбоний султонлар ўз қўшинлари билан армиянинг асосий қисмини ташкил этган ва ўнг қанот, сўл қанот, қалб сингари қўшиннинг асосини ташкил қилган қисмларида жойлашган. Жумладан, 1512 йил ноябр ойида Ғиждувон яқинида Сафавийлар лашкарбошиси Нажми Соний (Ёр Аҳмад Исфажоний) билан бўлган жангда шайбоний султонлар қўшин бошқарувида қуйидаги тартибда жойлашганлар: Қўшин марказида (қалб) Убайдулла султон, бурунғорда Муҳаммад Темур ва унинг ўғли Пўлод султон, жавонғорда Абу Саъид султон (Кучкунчи хоннинг ўғли) ва Жонибек султонлар қўмондонлик қилган [2:140]. Қўшиннинг қалб қисмини асосан, бош қўмондон бошқариб борган. Бундан кўринадики, Муҳаммад Шайбоний ҳалок бўлганидан кейин умумий қўшинга Убайдулла султон қўмондонлик қилган.

Юқорида айтиб ўтилганидек, тахт ворисини белгилашда ҳам маълум тартиблар амал қилган. Муҳаммад Шайбонийхон томонидан Хуросон ерлари эгаллангач, унинг катта ўғли Муҳаммад Темур валиахд деб эълон қилинган ва унга “хон” рутбаси берилган [5:57]. Лекин Муҳаммад Шайбоний вафот этгач, барча шайбоний султонлар кенгашиб, эски тўра ва ясоқ қоидалари бўйича ўша даврдаги ёши энг улуғ шайбоний Кучкунчи ибн Абулхайрхонни (1454-1530 йилларда яшаган) олий ҳукмдор этиб сайлаган [4:306]. Шу даврдан бошлаб Мовароуннаҳрда “хон” билан бир пайтда валиахд ҳам белгиланадиган бўлди. Шайбонийлар давлатида валиахд “қолға” деб аталиб, 1512 йил ёш жиҳатдан хондан кейин иккинчи ўринда турган унинг укаси Суюнчхожа “қолға” сифатида белгиланган. 1525 йил Суюнчхожа султон бевақт вафот этгач, хондан кейинги ёши улуғ султонлардан бири – Кармана ва Миёнқол ҳокими Жонибек султон (машҳур шайбонийлар – Абулхайрхоннинг набираси, Абдуллахон II нинг бобоси) валиахд этиб белгиланди. 1529 йил Жонибек султон вафот этгач, энг катта шахзодалар Кучкунчиҳоннинг ўғиллари Абу Саъид султон ва Абдуллахон I лар биринкетин “қолға” [3:399], ундан кейин эса олий ҳукмдорлик мартабаларига кўтарилган [2:142].

1512 йилга мулк тақсимотига кўра Мовароуннаҳр кейинчалик Абулхайрхоннинг тўрт ўғли авлодилари томонидан бошқарилди; булар Шох Бўдоғ (Шайбонийхоннинг ўзи, Убайдуллахон, Абдулазизхон, Бурхон султон), Хўжа Муҳаммад султон (Пирмуҳаммадхон, Искандархон, Абдуллахон, Абдулмўминхон), Кўчкунчиҳон (Абу Саидхон, Абдуллахон I, Абдулатифхон, Жавонмардалихон), Суюнхўжахон (Келди Муҳаммадхон, Наврўз Аҳмадхон) каби султонлар ва уларнинг авлодларидир.

Қуйидаги жадвалда абулхайрийларнинг Мовароуннаҳрдаги бошқаруви ва марказлашув ҳолати акс этиб, қора ҳарфларда олий ҳукмдорлар номи келтирилган:

Бухоро	Самарқанд	Тошкент
Маҳмуд султон (1501-1505)	<b>Кўчкунчиҳон</b> ибн Абулхайрхон (1501-1530; 1512 йилдан олий ҳукмдор)	Суюнчхожа ибн Абулхайрхон (1503-1525)
<b>Убайдуллахон</b> ибн Маҳмуд султон (1505-1540; 1533 йилдан олий ҳукмдор)	<b>Абу Саидхон</b> ибн Кўчкунчиҳон (1530-1533)	Келди Муҳаммад ибн Суюнчхожа (1525-1532)
<b>Абдулазизхон</b> (1540-1550)	<b>Абдулатифхон</b> ибн Кўчкунчиҳон (1533-1552; 1540 йилдан Абдулазизхон билан кўшҳокимликда олий ҳукмдор)	<b>Наврўз Аҳмадхон</b> ибн Суюнчхожа (1532-1556; 1552 йиллар олий ҳукмдор)
Муҳаммадиёр ибн Суюнч Муҳаммад ибн Шайбонийхон (1550-1554)	<b>Абдуллахон (I)</b> ибн Кўчкунчиҳон 1540 февраль-октябрь)	Дарвеш султон (1556-1579). Бобо султон (1556-1579-1583). Ака-укалар ўртасида ҳокимият талаш даври.
Бурхон султон ибн Муҳаммад Раҳим султон ибн Убайдул-	<b>Наврўз Аҳмадхон</b> ибн	


лахон (1550-1557). Муҳаммадиёр ва Бурҳон султонлар кўшхокимликда	Суюнчхожа (1552-1556)	
	Султон Саид султон ибн Абу Саидхон (1557-1572)	
	Жавонмардалихон ибн Абу Саидхон (1572-1578)	
<b>Абдуллахон ибн Искандархон (Бухоро хонлиги)</b>		
Бухоро 1557 йилда бўйсундирилиб, амакиси <b>Пирмухаммадхон</b> га топширилди.	Самарқанд 1578 йил бўйсундирилиб, укаси Ибодулла султон ҳоким этиб тайинланди.	Тошкент 1583 йил бўйсундирилиб, укаси Дўстим султон ҳоким этиб тайинланди.

Мавжуд туркий анъаналарга риоя қилган шайбоний султонлар Шайбонийхон ҳалок бўлгач, унинг фарзандини эмас, балки ёши энг улуғ шахзодани тахтга чиқаришди. Натижада, Шайбонийхон ташкил этган давлатни унинг бевосита авлодлари бошқармади. Шунинг учун ҳам, баъзи манбаларда (“Мусаххир ал-билод”, “Абдуллонома”) ва тадқиқотларда (Диккенс, Н.Аллаева) “Абулхайрийлар”, “Мовароуннахр Абулхайрийлари” каби номлар билан айтилади. Шу жиҳатдан ҳам, Мовароуннахрда ҳукмронлик қилган шайбонийлар сулоласи номи Муҳаммад Шайбоний номи билан эмас, Жўчининг ўғли Шайбон номи билан аталади. Бунинг сабаби ҳам Абулхайрхон шахси билан боғлиқ бўлиб, у шайбонийлар сулоласи ва Шайбонийлар давлати ҳукмдори деб қайд этилади.

Абдуллахон I вафотиданкейин мамлакатда маълум муддат кўшхокимиятчилик юзага келди ва Убайдуллахоннинг ўғли Абдулазиз Бухорода, вафот этган хон – Абдуллахон I нинг укаси Абдулатиф султон Самарқандда ўз ҳукмронлигини ўрнатиб олди. XVI асрнинг 50-йилларидан бошлаб эса сиёсий курашнинг янада кучайиши натижасида, Самарқандда Кучкунчихон авлодлари, Бухорода Убайдуллахон авлодлари, Тошкентда Суюнчхожа султон авлодлари, Кармана ва Миёнқолда Жонибек султон авлодлари мустақил равишда ҳукмронлик қила бошлаган. 1557 йил Абдуллахон II томонидан мамлакат пойтахти Бухоронинг эгалланиши натижасида шайбонийлар давлатининг марказлашуви жараёни қайтадан бошланди.

Сулола ҳукмронлигининг деярли ярми айнан Абдуллахон II фаолияти билан боғлиқдир. 1557-1561 йилларда амакиси Пирмухаммадхонни, 1561-1583 йилларда отаси Искандархонларни олий ҳукмдор даражасида бўлишини таъминлаган бўлса, 1583-1598 йилларда ўзи расман “хон” рутбаси асосида мамлакатни бошқарди [6:39].

### Муҳаммад Шайбонийхон шажараси:



Шайбонийлар давлатининг бошқарув тизимида сулола бошқарувига оид маълумотларни таҳлил қилиш натижасида қуйидаги хулосаларни чиқариш мумкин: биринчидан, шайбоний султонлар ўзларининг Мовароуннаҳрда бир асрлик ҳукмронлигининг дастлабки ярмида ўзаро ҳамжиҳатлик ва бирдамликда фаолият олиб борганлиги натижасида марказлашган давлат барпо этганлигининг гувоҳи бўламиз; иккинчидан, биз юқоридаги хонлик бошқарувини даврлаштириш усулидан келиб чиқиладиган биринчи босқичда мамлакатда нисбатан барқарорлик таъминланганлиги кузатишимиз мумкин. Бунинг асосий сабабларидан бири маълум қоида ҳамда интизом асосида ёши энг улуғ сулола вакилининг сайлаб қўйилиши натижасида тахт учун талашишнинг келиб чиқмаганлигидир; бу масаланинг иккинчи жиҳати эса, ушбу анъана натижасида давлат асосчиси бўлган Муҳаммад Шайбонийхоннинг бирорта ҳам авлоди олий ҳукмдор сифатида мамлакатни бошқариш имконига эга бўлмаган; тўртинчидан, белгиланган анъанага риоя қилинмасдан тахт учун аканинг укага қарши, ўғилнинг отага қарши ва бошқа қариндошларнинг бир-бирига қарши курашлари ҳамда ҳалокат топишлари натижасида аср охирига келиб давлат марказий ҳокимиятини асраб қоладиган даражага эга бўлган сулола вакили қолмади.

#### Адабиётлар:

1. Аҳмедов Б. Кўчманчи ўзбеклар давлати. Тарихдан сабоқлар. // Т., 1994.
2. Муҳаммадиёр ибн Араб Қатаған. Мусаххир ал-Билод. Форс тилидан таржима ва изоҳлар муаллифи И.Бекжонов, Д.Сангирова. Т.: Янги аср авлоди, 2009.

3. Муҳаммад Ҳайдар мирзо. Тарихи Рашидий. Тошкент: Шарқ, 2010. 399-бет.

4. Эшов Б. Ўзбекистонда давлат ва маҳаллий бошқарув тарихи. Т.: Янги аср авлоди, 2012.

5. Ҳофиз Таниш Бухорий. Абдулланом. Биринчи китоб. Форс тилидан С.Мирзаев таржимаси, нашрга тайёрловчи, сўз боши ва изоҳлар муаллифи Б.Аҳмедов. Т., Шарқ, 1999.

6. История Узбекистана (XVI - первая половина XIX в.). Т.: Фан, 2012.

## XIVA XONLIGI SHAHARLARI TARIXI TADQIQOTLAR TALQINIDA

**Tadjiyeva F.J.**

*t.f.f.d. (PhD), dots.,*

*Ma'mun universiteti*

O'zbekistonda davlat mustaqilligi qo'lga kiritilganidan so'ng Vatan tarixining turli bosqichlari va muammolarini xolisona va atroflicha o'rganish uchun zarur shart-sharoitlar yuzaga keldi. Mustaqillik yillarida ilm-fan, xususan, tarix fanini rivojlantirish davlat siyosati darajasiga ko'tarildi.

O'zbekistonning tarixiy shaharlaridan biri Xiva mustaqillik yillarida olimlarning ilmiy tadqiqotlari markazida turdi. 1997-yili shaharning 2500 yillik yubileyining o'tkazilishi bu tadqiqotlarning yanada jonlanib ketishiga turtki bo'ldi. Yubiley munosabati bilan chop etilgan asarlar, maqolalar, ma'ruzalar to'plamida Xivaning qadimdan to hozirgacha bo'lgan tarixining ayrim masalalari o'z aksini topdi. Ulardagi ma'lumotlarning aksariyati ilgari e'lon qilingan bo'lsa-da, ularning bir joyga jamlanishi Xiva shahrining ko'p yillik tarixiga yangicha bir nazar ifodasi sifatida ahamiyatlidir.

Xiva xonligi tarixi, shahar hayotining ayrim masalalari Q. Munirov, I. Jabborov, A. Abdurasulov, G. Agzamova, M. Matniyozov, A. Sotliqov, D. Rahim, Sh. Matrasul, N. Jumaxo'ja kabi tadqiqotchi va olimlarning ishlarida o'z aksini topdi. Arxiv hujjatlari, mahalliy manbalar ma'lumotlarini tahlil etish orqali mazkur olimlar shahar hayotining ayrim masalalarini ob'yektiv yoritishga harakat qilganlar. Jumladan, Xiva shahri hayoti tarixining ayrim jihatlarini ko'p yillar davomida "Ichan qal'a" muzeyi qo'riqxonasi direktori lavozimida ishlagan tarix fanlari nomzodi A. Abdurasulov asarlarida yoritilgan. Olimning 1997-yil chop etilgan "Xiva (tarixiy-etnografik ocherklar)" asarida XIX asr oxiri – XX asr boshlaridagi shahar hayotining ayrim masalalari, xususan, uning topografiyasi, iqtisodiy va madaniy hayotining ba'zi jihatlariga e'tibor qaratilgan bo'lib, asarda shahar hayotining bu davrdagi asosiy xususiyatlari haqida tarixiy ekskurs berilgan[1].

Xiva shahri tarixi bilan shug'ullangan soha olimalaridan biri G.A. Agzamovaning tadqiqotlarida Xiva XVI–XIX asr birinchi yarmida O'zbekistonda kechgan urbanizatsiya jarayonlar bilan uzviy aloqadorlikda tadqiq etilgan[2].

Mustaqillik yillarida Xiva tarixi manbashunosligi bo'yicha ham bir qator asarlar yaratildi. Ular jumlasiga A. O'rinboev, T. Fayziev, G'. Jo'raeva va yapon olimlari – T. Xorikava, K. Isogaylar tomonidan tayyorlangan XIX–XX asr boshlariga oid qozilik hujjatlari katalogi hamda E. Karimov tomonidan Xivadagi Ichan qal'a muzey qo'riqxonasida saqlanayotgan XVII–XX asr boshlariga mansub qozilik hujjatlari va xon yorliqlari tavsifini o'zida mujassamlashtirgan asarini kiritish mumkin. Ularda xonlik, xususan, Xiva shahri tarixiga doir muhim hujjatlar haqida ma'lumotlar mavjud. Shu jihatdan, ushbu asarlarning Xiva shahrining tarixini o'rganishda ahamiyati kattadir[3].

Xorazm tarixini o'rganish va tadqiq etish bosh vazifaga aylanganligi sabab xorazmlik ko'pgina tarixchilar mustaqillik yillarida ilmiy tadqiqot ishlarini olib bordilar va tadqiqot natijalarini nashrlar orqali e'lon qildilar va keng ommaga taqdim qildilar. Jumladan, M. Mahmudovning “Xorazm tarixi istiqlol qo'zgisida” kitobi, M. Matniyozovning “Xorazm tarixi” kitobining 1-2 qismlari, N. Polvonovning “Xorazmda ijtimoiy harakatlar va siyosiy partiyalar tarixi” kitobi, Q. Sobirovning “Xorazmning qishloq va shaharlari mudofaa inshootlari” kitobi, O'. Abdullaevning “O'rta Osiyoda qadimgi boshqaruv tizimi va ilk davlatchilik tarixshunosligi” kitobi, K. Xudoyberganovning “Xiva xonlari tarixidan” kitobi, M. Matkarimovning “Xorazm Respublikasi: davlat tuzilishi, nozirlari va iqtisodi” kitobi, Polvonniyoz Xoji Yusupovning “Yosh xivaliklar tarixi” kitobining qayta nashri, S. Tolstovning “Qadimiy Xorazm silvizatsiyasini izlab” kitobining o'zbek tilidagi nashri kabilar shular jumlasidandir.

“Riyoziy davlat” asari ma'lumotlari asosida yozilgan O.N. Mutalovning Olloqulixon davrida (1825–1842) Xiva tarixiga bag'ishlangan nomzodlik dissertatsiyasida asosiy e'tibor ko'proq xonlikning siyosiy hayotiga qaratilib, shahar hayoti bilan bog'liq shahar strukturasi, aholining asosiy mashg'ulotlari kabi masalalar muallifning e'tiboridan chetda qolgan.

S.A. Saburovaning XIX asr oxiri – XX asr boshlaridagi Xiva xonligining davlat tizimi masalalariga bag'ishlangan dissertatsiyasida asosiy e'tibor xonlikning markaziy va mahalliy boshqaruv tizimiga qaratilgan. Biroq unda poytaxt shahar ma'muriy-boshqaruv tizimi alohida masala sifatida o'rganilmagan.

M. Qayumov va N. Polvonovlarning dissertatsiyalarida esa asosiy e'tibor Xiva xonligida XIX asr ikkinchi yarmi – XX asr birinchi choragida kechgan ijtimoiy jarayonlar va siyosiy partiyalar tarixiga qaratilgan bo'lib, bu jarayonlarda poytaxt shahar tutgan o'rin masalalari ularda maxsus tadqiqot ob'yekti sifatida o'rganilmagan.

M. Madaminovning qadimgi va o'rta asr Xorazm poytaxt qal'alari va ularning qurilish tarixiga bag'ishlangan nomzodlik dissertatsiyasiga alohida to'xtalish lozim. Xronologik jihatdan juda katta davrni qamrab olgan va asosan arxeologik ma'lumotlar asosida yozilgan ushbu tadqiqotda qadim zamonlardan boshlab Xorazmda poytaxt vazifasini bajargan shaharlar va ularning funksional ahamiyatining o'zgarib turishi hamda ulardagi qurilish uslublari va materiallariga e'tiborini qaratgan muallif e'tiboridan Xiva shahri tarixi ham chetda qolmagan.

Ammo unda shahar hayoti va uning muhim sohalari – shahar boshqaruvi, savdo, hunarmandchilik, madaniy hayot va h.k. tahlili tadqiqot doirasiga kiritilmagan.

Professor R.G. Muqminova ilmiy rahbarligida ishlagan tadqiqotchi N. Allaeva “XVI–XVIII asrlarda Xiva xonligi va Eron o`rtasidagi o`zaro aloqalar” mavzusida tadqiqot olib borib, Xiva xonligi va Eronning tadqiqot qamrab olgan davriy chegaradagi ijtimoiy-siyosiy ahvoli, ular o`rtasidagi siyosiy, iqtisodiy munosabatlar va bu aloqalarning ikkala mamlakat hududidagi etnomadaniy jarayonlarga ta`sirini o`rgangan.

“XVII asrning ikkinchi yarmi - XIX asrning birinchi choragida Xiva xonligida yer munosabatlari” mavzuida tadqiqot olib borgan U. Abdura-su-lov o`z e`tiborini tadqiqot qamrab olgan davriy chegarada xonlikdagi yerga egalik shakllari, uni ijaraga olish va ular bilan bog`liq bir qator masalalarni ilmiy tahlil etishga qaratgan.

Keyingi yillarda XVI–XX asr boshlarida Xiva xonligi poytaxti vazifasini o`tagan Xiva shahri tarixi va uning hududdagi yirik siyosiy, ijtimoiy-iqtisodiy va madaniy markaz sifatidagi holati o`rganilgan tadqiqotlar amalga oshirildi.

“XII-XV asrlarda Xorazm hunarmandchiligi” mavzusini yoritgan T. Abdullaev ishda Xorazmning XII-XV asrlarga oid hunarmandchilik tarmoqlari, ishlab chiqarishni tashkillashtirish, texnologik yangiliklarni yaratish va amaliyotga joriy etish, mahalliy hunarmandchilikning rivojlanish xususiyatlari, Markaziy Osiyo madaniyati tarixida Xorazm hunarmandchiligining o`rni va ahamiyatini tahlil qilgan. Zamonaviy konseptual qarashlar asosida rivojlangan o`rta asrlar Xorazm hunarmandchiligi tarixining dolzarb muommolari birinchi bor kompleks tahlil qilinib, yozma va arxeologik manbalarni qiyosiy taqqoslash va umumlashtirish orqali yangi ma`lumotlar, ilmiy muomilaga joriy etildi, shuningdek, tashqi madaniy-iqtisodiy aloqalarda mahalliy hunarmandchilikning o`rni ko`rsatib berildi va jamlab o`rganildi. Tadqiqot natijalari Xorazmda o`rta asrlar hunarmandchiligiga xos xususiyatlar va tarixiy rivojlanish qonuniyatlarining kam o`rganilgan jihatlarini to`ldirishga va mahalliy hunarmandchilik tarixini yangi asoslarda o`rganishga xizmat qiladi[4].

K. Xudayberganovning “Pahlovon Mahmud obidasidagi yozuvlar Xorazm tarixini o`rganishda manba sifatida” mavzusidagi nomzodlik dissertatsiyasini himoya qildi. Tadqiqotning ilmiy yangiligi shundaki, unda: epigrafik yozuvlar tarixiy manba sifatida foydalanildi. Bu maqbaraning bunyodkorlari bo`lgan Xiva xonlari Qo`ng`irot sulolasi vakillarining hokimiyat tepasiga kelishi, ularning bunyodkorlik ishlari ilmiy asosda o`rganildi. Tadqiq qilingan barcha yozuvlarning taxminan 70 foizi birinchi marta o`qilib, tarjima qilindi, o`zga mualliflar tomonidan avval o`rganilgan, lekin matbuotda e`lon qilinmay arxivlarda qolib ketgan yozuvlar topilib, ularning xatolari aniqlandi va muhim tuzatishlar kiritildi.

Xorazm tarixining tadqiq qilingan davrida (XVII asrdan XXasr boshigacha) memorchilikning rivojlanishi, shariyatning hayotning barcha sohalariga kirib borgani, Xivada abjad usulida tarixlar yozish odat tusiga kirgani, kundalik hayotda hijriy qamariy taqvimning qo`llanganligi aniqlandi. Xiva xonlarining shajarasi shuningdek ilk bora yog`och va marmar o`ymakorligidan ikkita sulola hunarmand

usta – san’atkorlarning silsilasi tuzildi. Shu kungacha jahonning barcha burchaklaridan kelayotgan sayyohlarning me’moriy obidalardagi bu yozuvlar mazmuni haqidagi savollariga javob topildi.

Yu. Rahmonovanning “Xiva shahrining XVI-XX asr boshlaridagi ijtimoiy-siyosiy hayoti: anana va o’zgarishlar” mavzusidagi disertatsiyasini himoya qildi. Ushbu ish turli xarakterdagi manba ma’lumotlari asosida Xiva shahrining XVI-XIX boshlaridagi tarixini kompleks tadqiq etgan ilk harakat hisoblanadi. Tadqiqotda Xivaning xonlikda kechgan siyosiy, ijtimoiy-iqtisodiy, jarayonlarda tutgan o’rni ochib berilgan. Shahar strukturasi va uning memoriy qiyofasida yuz bergan transformatsion jarayonlar xususan, uning ajralmas komponentlari hisoblangan shahar devorlari, mahallalari, ko’chalari tafsiflangan. Tadqiqot qamrab olgan davr oralig’ida Xiva xonligida mamuriy boshqaruv tizimi xususiyatlariga oid yangi ma’lumotlar aniqlangan; shaharliklarning hunarmandchilik, savdo va dehqonchilik bilan bog’liq faoliyatlari yoritilgan; katta ko’lamdagi manbalar tahlil etilgan, xususan Ichan-Qal’a muzey qo’riqxonasi fondlarida saqlanayotgan 30 dan ortiq qo’lyozma hujjatlar ilk marotaba ilmiy muomalaga kiritilgan. Disertatsiyaning mazmuni, uning xulosalari va tafsiyalaridan O’zbekiston davlatchiligi tarixi bo’yicha fundamental asarlar yaratish, darsliklar va o’quv qo’llanmalari yozish, shuningdek, tadqiqot respublika o’quv yurtlarida gumanitar yo’nalishda maruzalar va maxsus kurslar o’qishda foydalanish mumkin. Shuningdek, tadqiqot materiallaridan O’zbekiston shaharlari va shahar hayoti bo’yicha maxsus tadqiqotlar yaratishda foydalanish maqsadga muvofiqdir[5].

S. Matkarimova “Xiva xonligining Qo’ng’irotlar sulolasi davri tarixshunosligi (XIX-XXI asr boshi)” mavzusida nomzodlik dissertatsiyasini himoya qildi. Ushbu tadqiqotda manbalar, arxiv hujjatlari va adabiyotlardagi ma’lumotlar mazmuni ilmiy jihatdan tizimlashtirilgan, siyosiy, ijtimoiy-iqtisodiy va madaniy yo’nalishlarni alohida o’rganish asosida ilmiy-nazariy xulosalar chiqarildi, xonligi tarixining kam o’rganilgan tomonlari ko’rsatib berilgan ko’rsatib berildi. Yangi ma’lumotlar ilmiy muomala kiritildi va muammoning yechimini keng ko’lamda o’rganilishiga oid amaliy tavsiyalar berildi.

Tadqiqot natijalari, umumlashtirilgan ma’lumotlar tarix faniga joriy etilib Xorazm, xususan Xiva xonligining tarixini o’rganishga xizmat qilgan. Tadqiqot natijalaridan o’quv jarayonida, davlatchilik tarixi va tarixshunoslik bo’yicha maxsus kurslar, o’quv qo’llanma va darsliklar yaratishda foydalanish mumkin.

O’zbekiston tarixchilari oldida turgan dolzarb ilmiy muammo – o’zbek davlatchiligi tarixi, xususan, uning turli davrlar va sulolalar hukmronligi davridagi holati, unda kuzatilgan o’zgarishlarni aniqlashdir. Kuzatuv va tahlillarimiz O’zbekistonning mustaqillik yillarida xonlik va Xiva shahri tarixiga oid samarali tadqiqotlar olib borilganini ko’rsatadi. Jahon sivilizatsiyasining yirik markazlaridan hisoblangan ko’hna Xiva shahri hayotining ko’p asrlik tarixini tadqiq etish yana davom ettirilmog’i lozim.

**Адабиётлар:**



1. Абдурасулов А. Хива / Йўл кўрсаткич. Хива, 1994. 24 б.; Ўша муаллиф. Хива (тарихий-этнографик очерклар). Тошкент: Ўзбекистон, 1997 144 б.;
2. Агзамова Г.А. Хиванинг хонлик пойтахтига айланишига доир айрим маълумотлар//Ўзбекистонда ижтимоий фанлар.Тошкент, 1997.№ 6-7. Б.84-87;
3. Каримов Э. Регесты казийских документов и ханских йарликов Хивинских ханов XVII – начала XX в. – Тошкент, 2007. 224 с.
4. Абдуллаев Т. “Хоразм хунармандчилиги тарихи”. Хива, 2016.
5. Рахманова Ю.М. “Общественно-политическая жизнь города Хивы в XVI - начале XX века: традиции и трансформации”.): Автореф. дис. ... канд. истор. наук. Ташкент, 2009. 29 с.

## **МАРКАЗИЙ ОСИЁНИНГ ҚАДИМГИ ТАРИХИГА ОИД ЮНОН ВА РИМ МУАЛЛИФЛАРИНИНГ ТАРИХИЙ ВА ГЕОГРАФИК МАНБАЛАРИ ТАРИХШУНОСЛИГИГА ДОИР**

**Адилов Ж.**

*катта илмий ходим*

*ЎзР ФА Тарих институти*

Ёзма манбалар тарихий манбаларнинг муҳим ва асосий тури бўлиб, улар инсоннинг ижтимоий фаолияти, ўзаро муносабатлари натижаси ўлароқ яратилган ва ўша замонларда юз берган ижтимоий-сиёсий воқеаларни ўзида акс эттирган манба сифатида Ўзбекистон тарихини ўрганишда муҳим ўрин тутди[1, Б. 29]. Ўзбекистон ва умуман Марказий Осиёнинг қадимги даври тарихини ўрганишда қадимги Юнонистон ва Рим тарихчилари ҳамда географ олимларининг асарлари муҳим манба бўлиб хизмат қилади. Юнон-форс урушлари бошланиши билан ушбу сиёсий воқеаларда иштирок этган Марказий Осиё халқларининг тарихи қадимги юнон тарихчиларининг асарларида ёритилган.

Марказий Осиёнинг қадимги тарихига оид юнон-рим муаллифлари асарлари қуйидагилар:

Аврелий Виктор – “Инсони келиб чиқиши”, Аммиан Марцелин – “Амаллар”, Аппиан – “Рим тарихи”, Аристотель – “Метрологик масалалар ҳақида”, Арриан Флавий – “Искандар юриши”, Гай Азиний Квадрат – “Парфика”, Гай Плиний – “Табиий тарих”, Геродот Галикарнастик – “Тарих”, Дион Кассий – “Рим тарихи”, Евсефий Кесарийский – “Солномалар”, Иосиф Флавий – “Иудейия уруши”, Квинт Куртсий Руф – “Искандар тарихи”, Клавдий Птоломей – “Географиядан қўлланма”, Ксенофонт – “Анабасис”, Ксенофонт – “Киропедия”, Ксенофонт – “Юнон тарихи”, Ктесий – “Форс тарихи”, Милетлик Гекатей – “Генеалогия”, Плутарх – “Қиёсий биография”, Полибий – “Тарих”, Полиэн – “Ҳарбий хийлалар”, Помпей Трог ва Юстиниан – “Филлип тарихи”, Сицилиялик Диодор – “Тарихий кутубхона”, Страбон –

“География”, Тацит – “Анналлар”, Фукидид – “Пелопонес урши тарихи”, Эсхил – “Форслар”, Эфор – “Умумий тарих”.

Марказий Осиёнинг қадимги тарихига оид қадимги юнон ва рим муаллифларининг маълумотлари тарихий тадқиқотларда XIX асрнинг охири ва XX асрнинг бошларида илмий мауомилага киритила бошланди. Хусусан, бу манбалар дастлаб археологик тадқиқотлар доирасида ўрганила бошланган бўлса, кейинчалик бевосита манбашунослар томонидан алоҳида тадқиқот объектига айлана бошланди.

XX асрнинг 30-йилларининг иккинчи ярмидан бошлаб қадимги юнон ва рим муаллифларининг Марказий Осиё ҳудудига оид маълумотларини тадқиқ қилиш ва таржима қилиш ишлари бошланди. Бунда аввало СССРда айна шу даврда тарих фани олдида бир қатор вазифаларнинг қўйилганлиги, миллий республикалар тарихини “яратиш” муаммолари сабаб бўлган бўлса, иккинчидан айна шу даврда Марказий Осиёда фаол тарзда археологик тадқиқотларни ўйла қўйилиши ҳам бу жараёнга туртки бўлди. Чунки, археологик топилмаларни манбалар билан солиштириш ва асослаш лозим эди. Натижада XX асрнинг 40-йилларига келиб бир қатор тадқиқотлар ва таржималар илмий муомилага киритилди (Л.В. Баженов, А.П. Кондратьева, С.Я. Лурье, Г.И. Савицкий, С.П. Толстов ва бошқаларнинг ишлари) [2, Б. 229-317; 11; 14; 23; 24; 28, Б. 170-173; 29, Б. 177-179]. 50-80 йилларда СССР халқлари умумий тарихи ва алоҳида Марказий Осиё халқлари тарихига оид ишларда қадимги юнон ва рим манбаларидан фойдаланилди ва янги манбалар илмий муомилага киритилди [6, Б. 26-30; 7, Б. 6-175; 8; 9, Б. 71-75; 10; 12; 15, Б. 110-116; 16; 17, Б. 35-50; 18; 19; 20, Б. 115-130; 21, 98-103; 22, Б. 36-52; 27; 30].

XX асрнинг 90-йилларида ушбу манбалар ўзбек тилига ўгирила бошланди. Хусусан, ушбу манбаларнинг Марказий Осиё ҳудудига бевосита тегишли бўлган қисмлари Б.А. Аҳмедов ва А.С. Сагдуллаевлар томонидан биринчилардан бўлиб ўзбек тилига ўгирилиб нашр этилган [3; 4].

Шу ўринда қадимги юнон тарихнависиликни тадқиқ этиш учун, унинг ривожланиш босқичларини кўриб чиқиш лозим. Қадимги Юнонистонда тарих ёзиш анъанасининг вужудга келиш босқичлари қуйидагилар:

Дастлабки босқич – Гомернинг “Илиада” ва “Одиссея” эпик асарлари. Тарихий анъаналар ва тарихий дунёқарашнинг илк кўринишлари (мил. ав. VIII аср). Гесиод, Тиртей, Солон, Алкей ва бошқаларнинг эпик, лирик ёки поетик асарларида тарихий хотирага мурожат этилиши (мил. ав. VIII аср).

Оралик босқич – Қадимги Юнонистонда логографлар фаолияти. Қадимги юнон тарихий наср жанрини вужудга келиши. Вакиллари: Милетлик Кадм, Милетлик Гекатей, Харон, Скилак ва бошқалар. Геродотдан аввал ва унга замондош бўлганлар (мил. ав. VI-V асрлар) [5, Б. 457-458].

Яқунловчи босқич – дастлабки соф тарихий асарларни вужудга келиши. Геродот, Фукидид, Ксенофонтларнинг фаолияти. Юнон жамиятида тарихга бўлган қизиқишнинг ортиши ва ўтмишга тарихий ёндашувни қарор топиши.

Шунингдек, қадимги юнон-рим манбалари ўзига хос хусусиятларга эга бўлиб, уларни аниқлаштириш ва таҳлил этиш орқали улардаги маълумотларни холислик ва илмий аҳамиятини тушуниб этиш мумкин.

Юнон ва рим манбаларининг хусусиятлари:

1. Ижобий жиҳатлари:

- қадимги давр бўйича баъзи жабҳларда ягона ёзма манба эканлиги;
- тарихий онг нуқтаи назаридан ёзилганлиги;
- географик, этнологик ва бошқа маълумотларни ҳам қамраб олганлиги;
- деярли барчаси рус, инглиз ва немис тилига ўгирилиб нашр этилган;
- деярли барчаси илмий муомилага киритилганлиги.

2. Манфий жиҳатлари:

- кучли афсонавийлашув;
- ўша давр дунёқарашининг кескин намоён бўлиши;
- муаллифларнинг бу ҳудудларда бўлмаганлиги туфайли воқеяларни бузулиши ва ноаниқлиги;
  - географик ноаниқлик ва локализация муаммоси;
  - маълумотларни узук юлуқлиги (чунки минтақа тарихи бошқа жараёнлар доирасида ёритилган).

Шу ўринда қадимги Марказий Осиё ҳақида тарихий билимларни шаклланиши сабабларини ҳам аниқлаб олиш алоҳида аҳамият касб этади. Ҳозирда қадимги юнон муаллифларнинг Шарққа ва хусусан, Марказий Осиёга бўлган қизиқишига икки ҳолат сабаб бўлганлиги ҳақида фаразлар мавжуд бўлиб, биринчидан, бу юнон-форс урушлари билан изоҳланса, иккинчидан, Александрнинг Шарққа юриши билан асосланади [13, Б. 45].

Чунки юнон-форс урушларида аҳамонийлар кўшини таркибида Марказий Осиёда халқлари ҳам иштирок этган. Юнон тарихчилари бунга табиий қизиқиш билдириб, минтақа ва бу ерда яшаган халқлар ҳақида маълумотларни келтириб ўтган. Бундан ташқари, қадимги тарихчилар, ўз асарларида Александрнинг Шарққа қилган юришларини ёритиш давомида Марказий Осиёни четлаб ўта олмас эди.

Ушбу асарларни келиб чиқишига кўра куйидаги гуруҳларга бўлиш мумкин:

1. қадимги юнон тарихий-географик асарлари;
2. қадимги Рим даври тарихий-географик асарлари;
3. илк ўрта асрлар давригача бўлган Византиялик тарихчилар асарлари.

Рим ва Византия тарихнависида қадимги Марказий Осиё мавзусини ёритилишига эса ўз навбатида куйидаги омиллар сабаб эди.

Қадимги Рим тарихнависида икки сабабга кўра Марказий Осиё халқлари тарихи ва географиясини ёритган:

1. Юнон тарихнависида аналарида давомисифатида;
2. Шарқ давлатлари билан сиёсий-ҳарбий ва савдо-иқтисодий муносабатларга киришганлиги туфайли.

Византия тарихнавислигида эса, қадимги юнон ва рим анъаналарини давомчиси ҳамда бевосита Шарқ билан турли муносабатлар нуқтаи назаридан Марказий Осиё ҳудуди тарихи ўрганилди.

Шунингдек, ушбу манбаларни тил хусусиятига кўра ҳам уч гуруҳга бўлиш мумкин:

1. юнон тилидаги асарлар;
2. лотин тилидаги асарлар;
3. сурёний тилдаги асарлар.

Лекин бу таснифлашни мутлоқ деб бўлмайди. Чунки, асарларнинг бир қисми дастлаб бир тилда яратилган бўлиб, кейинчалик бошқа тилга ўгирилган ва бизга шу тилда етиб келган. Мисол учун, юнон муаллифи Ктесийнинг “Форс тарихи” бизгача лотин тилидагина етиб келган. Ёки муаллифи келиб чиқиши юнон бўлмай туриб асар юнон тилида ёзилган ҳолатлар ҳам учрайди. Мисол учун Рим империяси даврида яшаб ижод қилган, келиб чиқиши яҳудий бўлган Иосиф Флавий “Иудейия уруши” асарини юнон тилида ёзган.

Мазмунига кўра ушбу асарларни икки йирик гуруҳга тавсифлаш мумкин:

1. Тарихий асарлар;
2. Табiiй-географик асарлар.

Хулоса қилиб айтганда юнон-рим манбалари Марказий Осиёнинг қадимги тарихига оид қимматли манбалардан бири бўлиб, улар бошқа манбаларга нисбатан қадимги давр бўйича баъзи жабҳаларда ягона ёзма манба эканлиги, тарихий онг нуқтаи назаридан ёзилганлиги, географик, этнологик ва бошқа маълумотларни ҳам қамраб олганлиги, деярли барчаси илмий муомилага киритилганлиги билан ажралиб туради. Шу ўринда ушбу манбаларда кучли афсонавийлашув, ўша давр дунёқарашининг кескин намоён бўлиши, муаллифларнинг бу ҳудудларда бўлмаганлиги туфайли воқеяларни бузулиши ва ноаниқлиги, географик ноаниқлик ва локализация муаммоси, маълумотларни узук юлуклиг (чунки минтақа тарихи бошқа жараёнлар доирасида ёритилган) каби муаммолар мавжуд. Шунингдек, ушбу манбалар бугунгача тўлиқ ўзбек тилига илмий таржима этилмаганлиги ҳам мавзу тарихшунослигининг бош муаммоларидан бири ҳисобланади.

#### **Адабиётлар:**

1. O'zbekiston tarixi. I kitob. Darslik. Toshkent: Fan, 2018.
2. Аппиан. Митридатовы войны. Сирийские дела / Пер. А.П. Кондратьева // Вестник древней истории. 1946. № 4. С. 229-317.
3. Аҳмедов Б.А. Ўзбекистон тарихи манбалари. Тошкент, 1991. 216 б.
4. Аҳмедов Б.А. Ўзбекистон тарихи манбалари. Тошкент, 2010. 352 б.
5. Борухович В.Г. Научное и литературное значение труда Геродота/ В кн.: Геродот. История в девяти книгах. Пер. и примем. Г.А. Стратановского. Л., 1972. С. 457-458.

6. Горбунова Н.Г. Фергана по сведениям античных авторов // История и культура народов Средней Азии: Древность и средние века. М., 1976. С. 26-30.
7. Грацианская Л. И. «География» Страбона. Проблемы источниковедения // Древнейшие государства на территории СССР 1986 г. М., 1988. С. 6-175.
8. Грацианская Л.И. "География" Страбона как исторический источник: Автореф. дис. канд. ист. наук. М., 1982.-24 с.
9. Гумбах Г. Птолемей и Центральная Азия в кушанскую эпоху. // Центральная Азия в кушанскую эпоху. Т. 2. М., 1975. С. 71-75.
10. Дитмар А.Б. От Скифии до Элефантины. Жизнь и путешествия Геродота. М.: Географгиз, 1961. 86 с.
11. Древние авторы о Средней Азии (VI в. до н. э. – III в. н. э.): Хрестоматия/ Под ред. Л. В. Баженова, Ташкент, 1940. 172 с.
12. Куклина И.В. Этногеография Скифии по античным источникам. Ленинград: Наука, 1985. 205 с.
13. Лунин Б.В. История Узбекистана в источниках. (Древний период). Ташкент, 1984. С. 45.
14. Лурье С.Я. Геродот. М.-Л.: Издательство Академии наук СССР, 1947. 212
15. Мончадская Е.А. О правителях Бактрии и Согдианы VI—IV веков до н.э. (Из древней истории народов Средней Азии). // ТГЭ. Т.6. Культура и Искусство народов Востока. Л., 1961. С. 110-116.
16. Подосинов А.В. К проблеме интерпретации античных историко-географических источников по истории народов СССР (Mela, I, 11-13). // Теория и практика источниковедения и архео-графии отечественной истории. М., 1978.
17. Пьянков И.В. «История Персии» Ктесия и среднеазиатские сатрапии Ахеменидов в конце V в. до н.э. // Вестник древней истории. 1965. №2. С. 35-50.
18. Пьянков И.В. «Саки» (Содержание понятия). // Известия АН Таджикской ССР. Отделение общественных наук, 1968, № 3.
19. Пьянков И.В. Бактрия в античной традиции: общие данные о стране: название и территория / отв. ред. Ранов В. А. Душанбе: Дониш, 1982. 66 с.
20. Пьянков И.В. К вопросу о маршруте похода Кира II на массагетов // Вестник древней истории. 1964. № 3. С. 115-130.
21. Пьянков И.В. Сведения Ктесия о владениях Бардии на востоке Ирана: (административная политика Кира II на северо-востоке его державы) // Вестник древней истории. 1961. № 4. С. 98-103.
22. Пьянков И.В., Литвинский Б.А. Военное дело у народов Средней Азии в VI – IV вв. до н. э. // Вестник древней истории. 1966. № 3. С. 36-52.

23. Савицкий Г.И. Древняя Бактриана. (Известия античных писателей о Средней Азии) // Труды Самаркандского государственного пединститута. Т. 2. Вып. 4. Самарканд, 1941.

24. Савицкий Г.И. Древняя Согдиана (до эпохи греко--македонского владычества) по данным античных писателей // Труды Самаркандского государственного пединститута. Т. 1. Вып. 1. Самарканд, 1940.

25. Сагдуллаев А. Қадимги Ўзбекистон илк ёзма манбаларда. Тошкент: Ўқитувчи, 1996. 110 б.;

26. Сагдуллаев А. Қадимги Ўрта Осиё тарихи. Тошкент, “Фан”, 2004.

27. Струве В.В. Этюды по истории Северного Причерноморья, Кавказа и Средней Азии. Л., 1968.

28. Толстов С.П. Древние авторы о Средней Азии (IV век до н.э. – III век н.э.). Хрестоматия / Под ред. Л.В. Баженова. Ташкент, 1940. ВДИ. 1946. 1 (15) . 170–173.

29. Толстов С.П., Баженов Л.В., Средняя Азия в древний период (между шестым и вторым веками до нашей эры). Ташкент, 1937. // Вестник древней истории. 2 (3). 1938. – С. 177–179.

30. Хлопин И.Н. Историческая география южных областей Средней Азии (античность и раннее средневековье). Ашхабад, 1983.

## **ТУРКИСТОН АССР ИҚТИСОДИЙ БОШҚАРУВ ТИЗИМИДА БОЖХОНАЛАРНИНГ ЎРНИ**

**Ботиров Э.А.**

*катта ўқитувчи*

*Ўзбекистон Миллий университети*

Туркистон ўлкасида божхона иши давлат бошқарувининг иқтисодий сиёсатининг ажралмас бир бўлаги ҳисобланади. Ҳеч бир мамлакат ўз иқтисодий хавфсизлигини ҳимоя қилмасдан фаолият юрита олмайди. Туркистонда совет ҳокимияти ўрнатилгандан сўнг сиёсий, иқтисодий ва ижтимоий ҳаётнинг бошқа соҳалари каби божхоналар фаолияти бошқарувига нисбатан ҳам турли фикрлар пайдо бўлди. Баъзилар эски тузумнинг бир тизими сифатида божхоналарни йўқотиш фикрини билдирса, кўпчилик давлат ёпик ҳолатда фаолият юрита олмайди, у қўшни давлатлар билан савдо муносабатлари ўрнатиши керак деган нуқтаи назарни илгари суради. Ташки савдо фаолиятини йуналтириш учун ҳамда иқтисодиётни ҳимоя қилиш учун божхона органлари зарур бўлган. Қолаверса, Совет ҳокимияти божхона ишига факат иқтисодий эмас, балки сиёсий жиҳатдан ҳам муҳим вазифа сифатида қараганди. Бу эса совет ҳокимияти божхона сиёсатининг асосини ташкил қилган.

Туркистонда божхона бошқарув назорати Биринчи жаҳон уруш тугаши арафасида янада мураккаблашди. Россия империяси ўрнига совет тузумининг ўрнатилиши ва худудлар ўртасидаги янги қоидалар асосида чегараланиши бошқарув тизимини ислоҳ қилинишига олиб келди. Божхона қисми тўлиқ қайта ташкил этилгунга қадар, Туркистон божхона назоратининг барча

муассасалари Бутун Россия марказий ижро қўмитаси Туркистон ишлари бўйича комиссияси томонидан тасдиқланган комиссия ҳаётига тўлиқ бўйсунган ҳолда иш олиб борди. Дастлабки вақтларда марказий ва маҳаллий ҳукумат органлари томонидан тасдиқлаб юборилган қарорлар асосида ишлар ташкил қилинди. 1918 йил 1-январда РСФСР Халқ Нозирлари Кенгашининг “Товарларни олиб кириш ва экспорт қилишга рухсат бериш тартиби тўғрисида”ги қарори кучга кирди. Ушбу Фармонга мувофиқ Иттифок республикалари божхона органларининг бўйсунуши тартиби ва функциялари муофиқлаштирилди [1, В.7].

1918 йил 29 майда РСФСР Халқ Нозирлари Кенгашининг “Божхона йиғимлари ва муассасалари тўғрисидаги” ва “Марказий ва маҳаллий Совет ҳокимият органларининг бож йиғиш ҳуқуқларини чегаралаш ва маҳаллий божхона муассасалари фаолиятини тартибга солиш тўғрисида”ги фармонлари кўрсатмаларига биноан, божхона солиқлари ва йиғимлари бўйича марказий ҳукуматнинг ҳуқуқий масалаларни ҳал қилувчи ташкилотига ўтказилди [2, Б.114]. “Божхона йиғимлари ва муассасалар тўғрисидаги” Қарорида кўрсатилишича, божхона тўловлари ва у билан боғлиқ бошқа йиғимлар давлат ғазнаси маблағларига тушиши, чет элдан келатган товарларни қабул қилиш ва чиқариш, белгиланган бож ва бошқа йиғимларни ундириш, шунингдек фуқоролик ва ҳарбий органлар чегараларда ва республика ҳудудидаги барча божхона муассасалари ишлари ва амалиётига турли буйруқлар билан аралаштиришга ҳақли эмаслиги тушунтириб берилган. Шунингдек, 1918 йил 29 майда божхона тизими хавфсизлигини таъминлаш мақсадида чегара хизмати тузилди.

Туркистон АССРда Божхона бошқарув маъмуриятини ташкил этилиши: ходимларни тайинлаш, ишдан бўшатиш ва бошқа жойга кўчириш Туркистон АССР Молия Халқ Нозирлиги Божхона тўловлари бўлимига юклатилган. 1918 йил 29 майдаги фармон совет божхона муассасаларини ташкил қилишнинг ҳуқуқий пойдевори бўлди.

1920 йил 3 мартда Ташқи ишлар халқ комсарлиги ва Туркистон божхона назорати бошқармаси томонидан “Чегарани кесиб ўтаётган шахслар ва уларнинг юкларини ўтказиш бўйича муваққат низом”га кўра чегарадан ўтаётган шахсларни ва уларнинг йўл ҳалтасини (багажи) кўздан кечириш фақат божхона органларининг мажбуриятига киради ва ҳеч бир фуқаролик ёки ҳарбий органлар божхона ишларининг боришидан келиб чиқадиган буйруқлар билан божхона операциялари чегараларига аралашмаслиги келтирилиб ўтилган [3, В. 6а].

1918-1922 йилларгача фаолияти ҳажмига кўра бошқарув тартибига кўра, Туркистон АССР божхона идоралари 1, 2 ва 3-даражали божхона идораларига ҳамда назорат-ўтказиш пунктларига бўлинган. Биринчи даражали божхона муассасалари темирйўл станциялари ва юк айланмаси катта бўлган портларда яратилган. Иккинчи тоифадаги божхона идоралари – автомобил йўлларида ва кичик дарё ва кўл портларида. Учинчи тоифадаги божхоналар – тупроқли йўлларида ташкил қилинди. Агар керак бўлса,

божхона постлари уларнинг бўлимлари сифатида божхонадан узоқ жойларда ташкил этилган.

Шундай қилиб, РСФСР Халқ Нозирлари Кенгашининг 1918 йилдаги Фармони [4, В. 7] билан ташқи савдо монополлаштирилишга ва бир неча йил ўтгач ривожлана бошлаган протекционизмнинг кучайишини англатар эди. 1918 йил 29 июндаги фармон билан божхона божлари департаменти номи ўзгартирилди. Божхона назорати бош бошқармаси, тўғридан-тўғри Савдо ва саноат Халқ Нозирлигига бўйсунди, иккинчиси 1920 йилда Ташқи савдо Халқ Нозирлигига айлантирилди. Ташқи савдо давлат монополияси ғоясини амалга оширишни ҳисобга олган ҳолда, божхона назорати унинг ёрдамчи воситасига айлантирилди. Товарлар сотилмади, балки тарқатилди. Ташқи савдо айланмаси тартибсиз ва аҳамиятсиз бўлиб қолди [5, В.42]. Аммо лицензиялар тизимига ўтиш билан божхона ва тарифларни тартибга солишдан кенг фойдаланишни рад этиш, шунга қарамай, ёрдамчи регуляторларни, хусусан, божхона солиқларини жорий қилишни талаб қилди. Бунга иккита асосий сабаб мавжуд эди. Биринчидан, 20-йилларнинг бошларида лицензиялаш тизими ташқи савдо айланмасини тўлиқ қамраб олмаган, иккинчидан, товарларга нархларни ҳисоблашда, божхона тўловлари мавжудлигини ҳисобга олиш керак эди. Бундан ташқари, янги иқтисодий сиёсатга ўтиш пайтида кўпчилик божхона органлари вазифаларининг ўзгаришларига олиб келди. Бу ҳам ташқи савдонинг кенгайиши, ҳам қатор давлат ва хўжалик ташкилотларига жаҳон бозорига мустақил равишда кириш ҳуқуқини бериш билан боғлиқ эди. Белгиланган омиллар зудлик билан божхона ва ташқи савдо қоидаларини тартибга солишни тиклашни, тегишли божхона тарифларини жорий этишни талаб қилар эди [6, С.248].

Туркистон ўлкасида мавжуд муваққат божхона низоми қайта кўриб чиқилгунга қадар, Савдо ва саноат халқ комиссари билан тузилган шартномаларга мувофиқ молия халқ комиссарлиги ташқи савдони миллийлаштириш тўғрисидаги фармон билан боғлиқ ҳолда, божхона органлари ўз ҳаракатларида халқ хўжалигининг умумий раҳбарлигида бу борада амалдаги барча қонунлар ва қоидаларга амал қилиниб турилди.

Ташқи савдода божхона ва тариф усулларига қайтиш 1922 йилда янги иқтисодий сиёсатга ўтиш билан боғлиқ эди. Мамлакатда товарларнинг этишмаслиги ва очлик сабабли, бож тарифлари жуда эркин бўлиб, ички бозорни имкон қадар тез импорт қилинадиган маҳсулотлар билан тўлдиришга чорлар эди. Собиқ Россия империяси ҳудудларида бўлаётган фуқаролар уруши даврида божхона органларининг ҳуқуқий мақоми сезиларли даражада заифлашди.

XX асрнинг 20-йиллари охирига келиб, давлат саноат фаолиятига тобора кўпроқ аралашиб, деярли барча корхоналарни аста-секин миллийлаштирди. Хусусий мулк йўқ қилиниши ва ташқи савдо эса монополлаштириши давлатни деярли барча фаолият соҳаларини назорат қилинишига, бошқарувнинг маъмурий тартибини жорий қилинишига, маъмурий ва бюрократик аппаратни яраталишига сабаб бўлди [7, С.194].



Ташқи савдо монополлаштириш фонида қонунчилик ҳам ўзгариб борди. Божхона қонунчилигида товарларни ташиш устидан назоратни кучайтириш ва ташқи савдо бўйича давлат монополияси тўғрисидаги қарорларни бажариш йўналишида кескин ўзгаришлар юз берди. РСФСР Халқ Нозирлари Кенгашининг 1922 йил 23 февралдаги фармони билан Кенгаши хузуридаги Божхона ва бож тарифлари қўмитаси тасдиқланиб, мазкур қўмита божхона бождари тарифларига ўзгартиришлар киритиш масалаларини ишлаб чиқиш, импорт ва экспорт қилиш тақиқланган товарларнинг янги ва ўзгарувчан эски рўйхатларини тузиш, божхона тарифларини қўллаш масалаларини ҳал қилиш, божхона тарифларини қўллаш бўйича шикоятларни кўриб чиқиш, барча қонун лойиҳалари, савдо шартномалари, конвенсиялар ва ташқи савдони божхона-тариф тартибига солинган битимлар бўйича хулосалар тузиш каби вазифаларни бажарган [8, В.45,48,50].

1924 йил 2 мартдаги Ташқи савдо Халқ Нозирлиги буйруғи билан Бош божхона бошқармаси ташкил этилди. Бошқарма тизимида махсус яратилган бож тарифлари бўлими божхона ва тариф сиёсати масалалари билан шуғулланган. Шунингдек, давлат ҳудудида контрабандага қарши курашни ташкил этиш вазифалари ҳам юклатилган. Иттифоқ ҳудудида мавжуд барча божхоналар тизимини бошқариш Ташқи савдо Халқ Нозирлигига юклатилди. Божхона идораларини очиш ва тугатиш, уларнинг жойлашган жойларини аниқлаш, божхоналарга даражалар берилишини Ташқи савдо Халқ Нозирлиги зиммасида бўлган. 1922 йилда РСФСР ҳудудида саккизта божхона округлари ташкил этилди: Петрозаводск, Ғарбий, Сибир, Туркистон, Семипалатинск, Жанубий, Украина, Кавказорти. Улар таркибига 134 та божхона ва 149 та божхона постлари киритилган.

Маъмурий ҳудудий чегараланишдан сўнг, Ўзбекистон ССР Божхона бошқаруви 1924 йилда қабул қилинган СССР Божхона Низоми асосида бошқариладиган бўлди, унинг таркибидаги олти та бўлим, 283 та моддани ўз ичига олган қоидалар Марказий Осиё божхона бошқарув тизимини амалга ошириш имкониятини берди [9, В. 45-47 ]. Божхона низоми Ўзбекистон ССР да кучга кириши билан ўша пайтгача шаклланган божхона органларининг таркиби қонуний равишда мустаҳкамланди. Республикада мавжуд божхона муассасалари фаолиятини тўғридан-тўғри назорат қилиш Низом билан Ташқи савдо Халқ Нозирлигига юкланган. Маҳаллий божхона муассасаларини бошқариш эса туман божхона инспекторлари бошчилигидаги туман божхона назорати бўлимларига юклатилган. Назоратчиларга вилоят божхона муассасалари фаолиятига умумий раҳбарлик қилиш ва уларнинг меъёрий ҳужжатлар талабларига мувофиқлигини назорат қилиш топширилган.

Хулоса қилиб айтиш мумкинки, Туркистонда совет ҳокимиятини ўрнатилиши ва ўлкада божхоналар тизимининг янгича шаклда намоён бўлиши иқтисодий протекционизм асосида фаолият олиб борилишига, божхона иши бошқарувида марказлашган ҳокимиятнинг таъсири ортиб

бориши натижасида эса савдо-сотикда давлат монополиясининг вужудга келишига сабаб бўлди. Совет тузумининг дастлабки вақтларида чегараларнинг узунлиги ва қизил армиянинг фуқоролар уруши билан бандлиги сабабли Туркистон ўлкасида контрафакт товарлар сонини ошиши ва чегарадан Туркистон тарихига доир саънат буюмлари ва асори атиқаларни контрабанда йўллари билан чет мамлакатларга кўп миқдорда чиқиб кетилишига олиб келди.

#### **Адабиётлар:**

1. Ўз МА 330-фонд, 1-рўйхат, 5-йиғмажилд, 7-варақ.
2. Беляева, Н. А. История таможенного дела и таможенной политики России - Владивосток , 2008. С-114
3. ЎзР МА 330-фонд, 1-рўйхат, 5- йиғмажилд, ба-варақ.
4. ЎзР МА 330-фонд, 1-рўйхат, 5- йиғмажилд, 7-варақ.
5. ЎзР МА 330-фонд, 1-рўйхат, 17-йиғмажилд, 42-варақ.
6. Кисловский, Ю. Г. Контрабанда: история и современность /Ю. Г. Кисловский ; под общ. ред. А. С. Круглова ; Рос. тамож. акад. -М. : Автор, 1996. С-248
7. Соломеин, А. Ю. История таможенного дела и таможенной политики России : учеб. пособие / А. Ю. Соломеин. - : Интермедия, 2012. С-194
8. ЎзР МА 330-фонд, 1-рўйхат, 56-йиғмажилд, 45,48,50-варақлар.
9. <https://istmat.org/node/42835>// Таможенный устав от 12 декабря 1924 г. Президиум ЦИК СССР // СЗ СССР. 1924. – № 19. С-45-47.

### **ЎЗБЕКИСТОНДА ЎЗИНИ ОҚЛАМАГАН КАДРНИ МАҲАЛЛИЙЛАШТИРИШ СИЁСАТИ (Сурхондарё округи мисолида)**

**Давлатова Ш.**

*катта ўқитувчи*

*Термиз Давлат университети*

XX асрнинг 20-йилларида Ўрта Осиё халқлари ҳаётида содир бўлган сиёсий ўзгаришлар бу ҳудудда мажбуран миллий-худудий чегараланишнинг ўтказилиши, бунинг ҳисобига бир неча миллий республикаларнинг, жумладан, Ўзбекистон ССРнинг ташкил этилиши туб ерли аҳолининг сиёсий, ижтимоий, иқтисодий ҳуқуқларининг чекланишини янада кучайтирди, уларни миллий, маънавий, диний соҳалардаги эркинликларидан Мосуво қилиш авж олди. Маҳаллий кадрлар техник қоқоқликда, саводсизликда айбланиб, марказдан маҳаллий шарт-шароитни, туб ерли аҳолининг тили, урф-одатларини билмайдиган, тушунмайдиган европалик кадрлар оқимининг кириб келиши ортиб борди.

1920 йил 13-июнда В.И.Лениннинг “РКП (б) Марказий Комитетининг Туркистондаги вазифалари” ҳақидаги қарори лойиҳасига ёзган мулоҳазаларида: “Партия кучлари қайта тақсим қилиниб, Туркистоннинг мустамлакачилик ва буюк рус миллатчилиги билан заҳарланган барча

коммунистлари Марказий Комитет ихтиёрига юборилсин ва айни замонда марказдан Туркистонга ишлаш учун бир неча юз коммунист сафарбар қилинсин” [1] каби маъмурий-бўйруқбозлик асосидаги қарорларини амалга ошириш авж олди. Ўзбекистондаги ҳар бир ҳудуд, ҳар бир соҳа- давлат бошқаруви, қишлоқ хўжалиги, саноат, маданият, маориф, соғлиқни сақлаш ва бошқалар, ҳамма-ҳаммасининг бошқарилиши, кадрлар билан таъминланиши марказ режаси асосида ташкил этилди ҳамда олиб борилди. Бошқарув аппаратидаги маҳаллий раҳбарларнинг ҳатти-ҳаракатлари, фаолиятлари, чиқарадиган қарорлари мустақил равишда амалга оширилмади. Республика ҳудудида юзага келадиган ҳар қандай сиёсий жараён, ҳатто бирор-бир уюшманинг тузилиши, саноат объектининг қурилиши ҳам марказнинг кўрсатмаси асосида бажарилди.

Мустамлакачилар томонидан маҳаллий аҳолини фаолиятини ҳар томонлама чеклаш, уларни ўз она тилидан маҳрум қилиш, миллийлигидан жудо этиш, миллий камситиш каби таҳқирлаш ҳаракатлари тўхтовсиз ўсиб борди. Ҳатто европалик “малакали кадрлар” мамлакатимизнинг марказидан энг узоқ округлари, жумладан, Сурхондарё округигача ҳам етиб келиб, давлат бошқарув органларидан жамиятнинг қуйи поғонасидаги лавозимларини ҳам эгаллаб олишиб, маҳаллий аҳолини иш ўринларидан сиқиб чиқаришни бошладилар. Совет ҳокимиятининг ўлкада юритаётган нотенгликни келтириб чиқарган миллий сиёсати, давлат бошқаруви ва аҳолисига нисбатан бундай муносабат маҳаллий миллат вакиллари, миллий раҳбар кадрларини марказга турли сиёсий талаблар билан ҳаракат бошлашга мажбур қилди. Улар халқ хоҳиш-иродасини ифодаловчи саъй-ҳаракатлар билан марказ идораларига мурожаатлар билан чиқишди.

Маҳаллий раҳбар кадрларнинг норозилигини бартараф этиш мақсадида марказ Ўзбекистонда давлат аппаратини маҳаллийлаштириш, ўзбеклаштириш сиёсатини амалга оширди. 1925 йил мартдан “Советларни оммага яқинлаштирмақ, уларни таркиб жиҳатдан миллийлаштирмақ ва меҳнаткашлар оммасига яқин ва тушунарли бўлган миллий совет давлатини ўрнатмоқ керак” [2] деган сталинча дастурларнинг давоми сифатида ташкил этилган маҳаллийлаштириш, ўзбеклаштириш комиссиялари XX асрнинг 30-йиллари бошида ҳам ўз фаолиятини давом эттирди. Ўзбекистон маҳаллий аҳолисининг миллий, сиёсий талабларини вақтинчалик “жиловлаб” туриш мақсадида ўтказилган бу сиёсат бир неча йиллар давомида республиканинг барча ҳудудида кенг қамровли ташкилотларда сохта режалар, низомлар асосида олиб борилди, ўзбеклаштириш кўрсаткичларида деярли ўзгаришлар бўлмади. Йил, вақт ўтган сайин ўзбеклаштириш натижаси ўсиш, ўзгариш ўрнига пасайиб борди.

Буни Сурхондарё давлат архивининг 18-фондида сақланаётган маълумотлар асосида ҳам билиб олиш мумкин. 1929 йил 25 мартда ўтказилган Сурхондарё округ ижроия кўмитаси ишчи, деҳқон, қизил аскар депутатларининг IV-съезди материалларида ушбу округда 1927 йилнинг февралдан 1929 йил январигача бўлган даврда ижтимоий-иқтисодий,

сиёсий, маданий ва бошқа соҳаларда олиб борилган ишлар ҳақида ҳисобот қилинган. Айнан округда ўзбеклаштириш ҳолати ҳам таҳлил қилиниб, унда округдаги район марказларидаги корхоналаргина ўзбеклаштирилганлиги қайд этилган. Ҳисобот асосида 1928 йилда Сурхондарё округида 32 та корхона бўлиб, 857 нафар ходимлар фаолият юритганлигини, уларнинг 132 нафари раҳбар ходимлар, 387 нафари техник ходимлар, 70 нафари мутахассислар, 268 нафари хизмат кўрсатувчилар бўлиб, ўзбеклаштириш даражаси 36,6 % ни ташкил этганлигини билиб олиш мумкин.

1929 йилда эса округда 30 та корхона мавжуд бўлиб, уларда 567 нафар ходимлар фаолият юритишган. Уларнинг 66 нафари бошқарувчилар, 117 нафари бошқа масъул ходимлар, 286 нафари техник ходимлар, 61 нафари мутахассислар, 37 нафари хизмат кўрсатиш соҳаси ходимларидан иборат бўлиб, ўзбеклаштириш ҳолати 30,2 % га тенг бўлган [3].

Энг ачинарли томони шундаки, округ бошқарувининг ҳар қандай йиғилишлари иштирокчилари таркибида маҳаллий миллат вакиллари ниҳоятда кам бўлган, чунки округдаги корхоналарнинг бошқаруви ҳам марказдан келган “меҳмонлар” кўлига ўтган. Масалан, 1929 йил 18-декабрда ўтказилган йиғилишда Сурхондарё округи Президиуми аъзоларининг таркиби қуйидагича бўлган: Берқалиев (Сурхондарё округи маъмурий бўлиmidан), Кутерман (шаҳар Кенгашидан), Редкозубов (давлат банкидан), Абдуллаев ва Кинкулин (Хунарматдчиликсаноатидан), Новожилов (Денов туманидан), Кондратьев (Ўзбек савдо банкидан), Дельфонцев (пахта заводидан), Проценко (давлат суғурталаш бўлиmidан), Арон (давлат савдо ташкилотидан), Шокиров (округ халқ таълими бошқармасидан), Ибрагимов (округ ер ишлари бўлиmidан), Посохов (округ савдо бошқармасидан), Завивалов (қишлоқ хўжалик банкидан), Редкоробров (Ўзбек матлубот жамиятидан), Волобуев (округ меҳнат бўлиmidан), Розиков (округ ички ишлар бошқармасидан), Зуев (округ ижроия кўмитаси ташкилий бўлиmidан) [4]. Уларнинг жами 18 нафар бўлса, атиги 4 нафари маҳаллий миллат вакилларидан иборат.

Бундан ташқари баъзи корхоналарда ўтказилган йиғилишлар рус тилида олиб борилиб, ўзбек тилига таржима қилинмаган. Бунинг натижасида европалик раҳбарлар маҳаллий аҳоли тилини билмаганлиги учун ёки ерли халқ четдан келган бошқарувчининг тилини ўзлаштирмаганлиги оқибатида йиғилишларда режалаштирилган топшириқлар етарли даражада бажарилмай қолишига, раҳбар ҳамда ходимлар ўртасидаги муносабатларда келишмовчиликларга ҳам олиб келган. Ваҳоланки, 1928 йил 16-январда Ўзбекистон ССР Марказий Ижроия кўмитаси Кенгашининг “Иш ҳужжатларини икки- ўзбек ва рус тилларида параллел равишда ташкил этиш тўғрисида”ги 3/ 521 рақамли қарори қабул қилинган.

1928 йил 22-июнда Сурхондарё округи ижроия кўмитаси томонидан округ бўлимлари ва марказий корхоналарга округдаги баъзи корхоналарда юқори ташкилотдан келган бу директива талаблари ижроси таъминланмаётганлиги, бу борада меъёрлар бузилиб, хатто иш маъмурий-

бўйруқбозлик асосида ташкил этилаётганлиги, таржимонлар бўлмаганлиги сабабли деҳқонлар ташкилотларга ўзбек тилида аризалар билан мурожаат қилганда аризалар қабул қилинмаган ҳоллар учраётганлиги, ўзбек тилидаги ёзма ҳужжатларга нисбатан совуққонлик билан муносабат қилинаётганлиги қайд этилган [5].

1928 йил 24-июнда Сурхондарё округи Денов туманидаги қишлоқ советлари ва бошқа меҳнат жамоаларининг аъзолари Ўзбекистон ССР Марказий Ижроия Қўмитаси ҳамда Сурхондарё округи Ижроия қўмитасига маълумот ва ариза билан мурожаат қилишган. Улар ўз аризаларида меҳнат жамоаларида дуч келаётган қўйидаги тўсиқ ва муаммоларни келтиришган ҳамда бу орқали юқори бошқарув органларидан лўъак сўрашган:

1. Районларга юқори ташкилотларнинг бўйруғи асосида жўнатилаётган ҳар қандай ходим биринчи навбатда маҳаллий ишчилар билан маҳкам алоқада бўлиши ва ҳамкорликда ишлаши лозим. Бизда-чи? Бунинг акси. Юқоридан келаётган ходимлар маъмурий-бўйруқбозлар.

2. Иттифоқ бўйича аппаратни маҳаллийлаштириш, маҳаллий ходимлар билан таъминлаш жараёни кетмоқда, бизнинг туманда эса бундай эмас. Бизнинг туман марказимизда бир қанча ташкилотлар бор, улардан фақатгина 3 тасини- Денов туман ижроия қўмитаси, Ер ишлари бўлими, Назорат бўлимини маҳаллий миллат вакиллари билан иборат раҳбарлар бошқаради, қолганларида раҳбар ўринларини европаликлар эгаллашган.

3. Маҳаллий ишчилар билан европалик ишчилар орасида умуман дўстона муносабат ва ҳамкорлик йўқ. Аксинча, европаликлар маҳаллий ходимларни ишдан бўшатиш учун манба тўплаш, уларни ишдан бўшатиб, ўрнига жойлаштириш ёки ўзларининг ерли бўлмаган ишчиларини жойлаштириш билан шуғулланишяпти. Натижада маҳаллий аҳолини ишдан четлатиш кўпайиб, улар орасида ишсизлар сони ортиб борапти. Қишлоқ совети раислари ўз ишлари билан туманга кела олишмайди. Район ижроия қўмитаси ходимлари уларни милиция орқали қамоққа олишини айтиб кўрқитишади. Биз қишлоқ совети раисларини тупроққа итариб юборишганини кўрдик. Бундай ҳолатдан кейин улар албатта туманга ўзидан юқори бирор органга кела олмайдилар. Бизнинг совет ҳокимиятимиз орқага қолган халқ оммасини совет ишларига жалб қилиш вазифасини ўз олдига қўйган-ку. Қачонгача деҳқонлар уларнинг хоҳиш-истакларини эътиборга оладиган ҳимоячи топмай ўзларининг аризалари билан мурожаат қиладилар? Бунинг адоғи борми? Ёки бизнинг тақдиримизда шундай ёзилганми?

4. Умумий қилиб қисқача айтганда европаликлар ўзларини бек, чиновник, ҳокимият эгаси, деб ҳисоблашмоқда. Биз туманнинг маҳаллий ишчилари ва деҳқонлари уларнинг олдида малай ва биз меҳнаткашлар ўзимиз учун деярли ҳеч қандай ҳуқуққа эга эмасмиз, ҳамма билдирилган жавобгарликларни ўз зиммамизга оламиз [6].

Хуллас, Сурхондарё давлат архиви ҳужжатларида сақланаётган мазкур маълумотлар совет ҳокимиятининг миллий чекка ҳудудларда ўтказган ва узоқ давом этган нотенгликка асосланган миллий сиёсатининг натижаси эди.

Мазмунан таҳлил қилинганда ҳам Ўзбекистонда ўзбеклаштириш сиёсатининг олиб борилиши мантиққа тўғри келмасди. Қолоқ халқлар ва миллатларнинг маданий тенгсизлигига барҳам бериш, уларнинг ижтимоий-иқтисодий, маданий ва сиёсий жиҳатдан юксалишига кенг йўл очиб беришни ваъда қилган ленинча миллий сиёсатнинг янги бир найранги бўлган ўзбеклаштириш шиори остида амалга оширилган бу тадбир республикамизнинг бошқа ҳудудларида бўлгани сингари Сурхондарё округида ҳам ўзини оқламади. Рус миллатчилиқ шовинизми, маҳаллий миллат вакиллариининг европалик ходимлар томонидан таҳқирланиши, ҳуқуқлари ва қадриятларининг поймол қилинишига ўзбеклаштириш сиёсати ҳам барҳам бера олмади. Республикада нафақат марказий ҳудудлар, марказий давлат аппаратлари, балки чекка округ ва қишлоқларда ҳам европалик миллат вакиллариининг кўчиб келиши, яхши жойлар, иш ўринлари ва лавозимларни эгаллашни маҳаллийлаштириш, ўзбеклаштириш сиёсати билан ҳам тўхтатиш ёки чеклаш имкони бўлмади.

#### **Адабиётлар:**

1. Ленин В.И. Ўрта Осиё ва Қозоғистон тўғрисида.Т, Ўзбекистон, 1984, 308-б.
2. Сталин И.В. Асарлар. Том 7, 163-б.
3. Сурхондарё давлат архиви. 18-жамғарма, 1-рўйхат, 378-йиғма жилд, 202-б.
4. Сурхондарё давлат архиви. 18-жамғарма, 1-рўйхат, 312-йиғма жилд, 117-.,
5. Сурхондарё давлат архиви. 18-жамғарма, 1-рўйхат, 271-йиғма жилд, 64-.,
6. Сурхондарё давлат архиви. 18-жамғарма, 1-рўйхат, 271-йиғма жилд, 57-58.,

### **ТУРК ҲОҚОНЛИГИДА ХАЛҚАРО ТИЖОРАТГА ДАВЛАТ ҲОМИЙЛИГИ ВА ШАҲАРЛАРНИНГ ТИЖОРАТ-СИМБИОТИК ХУСУСИЯТИ**

**Хатамова М.**

*т.ф.ф.д.(PhD),*

*ЎзР ФА Миллий археология маркази*

Чорвадорларда шаҳарларнинг юзага келишидаги омиллардан бири уларнинг воҳа шаҳарларини қўлга киритишлари ёки олдинги даврлардан қолган эски шаҳарлардир [1]. Ашина турклари ҳам ўз ўтмишдошлари сингари хоқонлик қурилиши биланоқ Шарқий Туркистон ва Амударё – Сирдарё оралиғидаги воҳа хукмдорликларини бўйсундиришни ўз сиёсатларининг бош вазифаси деб билишган [2].

Шу ўринда хоқонларга воҳа шаҳарлари нима учун керак эди ёки улар умуман, шаҳарларга зарурат сезишганми, деган савол туғилади. Албатта,

дашт ҳукмдорлари зарурат туғилганида мудофаа учун ўзларига мустаҳкам қароргоҳ шаҳарлар қуришган. Бунга хун шаньюйси Чжи-чжининг ўзини Хан кўшинидан ҳимоялаш учун Талас дарёси бўйига шаҳар-қўрғон қурдиргани мисол бўлади [3]. Шунингдек, шаҳарлар турк хоқонлари учун йилнинг муайян вақтида, кўпроқ қишда турар-жой вазифасини ўтаган бўлса [4], исён, мағлубият каби нохуш ҳолатларда улар шаҳарлардан бошпана топишган [4]. Жумладан, Талас водийсидаги Қулон, Чочдаги Уштуркат ва Хотункат шаҳарлари, Суғд, Фарғона, Тўхористондаги айрим шаҳарлар турк хоқонлари учун ҳокимият талашувлари вақтида бошпана вазифасини ўтаган [5].

Турк хоқонлари қўлга киритган воҳа шаҳарларида қандай сиёсат юритишгани тўғрисида совет олимларининг фикрлари деярли ўхшаш бўлган. Хусусан, улар Ғарбий хоқонликда турклар озчиликни ташкил қилишгани, хоқонлар шаҳарлар ҳаётига аралаштирмагани, фақат тижоратдан келувчи фойдадан ўз улушларини олиш билан чекланишгани ва умуман, маҳаллий ижтимоий-иқтисодий ва сиёсий тизимга ўзгартиришлар киритишмагани, турклар ўтроқ аҳоли ичига сингиб кетишмаганини илгари суришган [6]. Бироқ ўтган юзйиллик сўнггидан шаҳар цивилизацияси ва кўчманчи даштнинг ўзаро бир-бирига таъсири масаласига, хусусан, уларнинг биргаликдаги тинч ҳамкорлик ва савдо-хўжалик алоқаларига таянган муносабатлари иккисининг ҳам иқтисодий базаларини ташкил этганига эътибор қаратила бошланди [7]. Шунга қарамай, бу ишларда ҳам кўпроқ тижорий ёки ҳарбий алоқалар, маҳсулотлар айирбошлаш ва шаҳарнинг маданий томондан даштга таъсири борасида сўз юритилиб, даштнинг шаҳарга маданий таъсири масаласи деярли кўриб ўтилмади [8]. Шунингдек, хоқонларнинг айрим воҳа ҳукмдорликларида ўз ноиблари – *тудунларни*, бошқаларида эса тўғридан-тўғри Ашина хонадони аъзоларини тайинлаганликлари [9] ҳам юқоридаги хулосанинг асоссиз эканини кўрсатиб берди.

Кўпчилик олимлар VI – VIII асрларда минтақада шаҳарларнинг тараққий этишини халқаро савдо йўлининг жадал ривожланиши билан боғлашади [10]. Агар эътибор берилса, Турк хоқонлиги даврида Буюк ипак йўлининг шимолий тармоғи, яъни Сирдарё – Тангри-тоғ – Олтой йўналишлари жанубий тармоққа қараганда анча ривожлангани кўзга ташланади. Бу йўлга Сосонийлар билан ўзаро муносабатларнинг бузилиши туфайли Истеми хоқоннинг суғдлик Маниах бошчилигида савдо ва дипломатик элчилик ҳайъатини Византия империясига янги йўл – Еттисув, Сирдарё, Оролбўйи, Каспийбўйи, Шимолий Кавказ, Константинопол орқали юборилиши билан асос солинган эди. Шундай қилиб, ушбу йўл бўйидаги эски шаҳар ва манзилгоҳларнинг янада тараққий этишига, янги тижорат марказларининг тезлик билан қад кўтаришига олиб келган. Бошқача айтганда, турклар ва суғдларнинг ўзаро яқин алоқаларини кўрсатувчи Амударё – Сирдарё оралиғидаги шаҳарларнинг тижорат-симбиотик хусусияти ушбу шаҳарларнинг юксалишини таъминлаган ва кичик шаҳарларнинг тижорий, сиёсий ва иқтисодий ҳаёт марказлари бўлиб трансформациялашувига олиб

келган. Бу жараёнда Бухоро, Марв, Самарқанд, Тароз ва Чоч шаҳарларининг трансформацияси куйидаги тарихий шароитларда катализациялашган: 1) минтақага турк қабилаларининг силжиши ва уларнинг оммавий жойлашуви; 2) Ипак йўлининг Шимолий йўналишидаги тижоратда чорвадор қабилалар ролининг ортиши ва ундан суғдлар ҳам, турклар ҳам бирдек манфаатдорлиги; 3) Византия – Эрон рақобати контекстида Ўрта Ер денгизи билан Шарқий Осиёни Марказий Осиё минтақаси орқали боғловчи Шимолий савдо йўлининг фаоллашуви [10].

Чиндан-да, улкан империянинг иқтисодий қудратини таъминловчи омиллардан бири тижоратга давлат томонидан ҳомийлик қилиниши бўлиб, у турк хоқонларининг халқаро савдо битимларини тузишлари, янги тижорат йўлларига асос солишлари ва уларнинг хавфсизлигини таъминлашлари кабиларда кузатилади [11]. Буларнинг барчаси олдиндан тижоратга моҳир суғд савдогарларининг карвон йўллари бўйлаб ўз тижорат факторияларига асос солишлари учун қулай имконият яратган. Суғдлар турклар ҳомийлиги остида Ипак йўлида воситачилик қилиб катта фойда олишган [12].

Суғдлар ва бошқа чет эл савдогарлари бошиданок кучли империялар билан иттифоқ тузишга интилишган. Шу муносабат билан турклар савдога катта аҳамият бериб, Хитойни бозорларни очишга мажбур қилишган ва ундан ипак ундиришган. Кейин хусусий савдода қатнашмоқчи бўлган чет эллик савдогарлар даштдан Хитойга борадиган элчиликларга қўшила бошладилар. Бундан ташқари, савдогарлар ғарбда қайта сотиш учун Хитойдан олинган ипак ва бошқа товарларни харидор ўлароқсотиб олишган уринишган. Кўчманчилар Эрон ерларини Хитой билан боғлайдиган худуднинг катта қисмини назорат қилган. Шунинг учун карвон савдоси хавфсизлигини таъминлаш учун дашт қабилалари билан дўстона муносабатларни сақлаш керакэди. Ниҳоят, суғдлар дашт қабилаларини душман деб эмас, иттифоқчи деб билишган ва уларга мураса санъатини усталик билан эгаллаган амалдорлар ўлароқ хизмат қилишган. Иккала гуруҳ ҳам савдо-сотикни ҳаётнинг муҳим манбаи деб ҳисоблашди [13].

Туркларнинг карвон савдосидаги роли жуда хилма-хил эди: воситачилик савдоси, товарларни ташиш, улов ҳайвонларини сотиш ёки ижарага бериш, карвонларни кузатиб бориш ва ҳимоя қилиш, улардан ҳақ эвазига тўсиксиз ўтиш ва бошқалар. Бундай ҳолда, дашт кўчманчиларининг афзаллиги нафақат уларнинг географик ўрнашуви, ҳаракатчанлиги, улов ҳайвонларининг борлиги, балки саёҳат, кўчиш, одатдаги яшаб турган теграларидан бошқа ташқаридаги ерларда ҳам ҳаракатланишга бўлган психологик муносабати эди. Қадимги ва ўрта асрларнинг барча буюк куруқлик савдо йўллари кўчманчиларнинг ўзлари ёки уларнинг қатнашувида асос солингани ҳам шунчаки эмас [14]. Шу билан бирга, Т. Аллсеннинг ёзишича, биз кўчманчи давлатлар узоқ чақиримларга чўзилувчи товар алмашинуви ёки тижоратга карвон хавфсизлиги ва от-улов билан таъминлаш орқалистимул берган деб биламиз, бироқаслида, кўчманчилар орасида давлатнинг шаклланиши жараёнида қимматбаҳо металллар, қимматбаҳо



тошлар ва айниқса, нозик матоларга бўлган талабнинг ортишини савдо орқали стимуллаштирган.

Аслида Евросиёдаги жангу- жадалларнинг бош сабабларидан бири – бу Ипак йўлини назоратда ушлаб туриш эди [15]. Халқаро тижоратда муҳим воситачи бўлган турклар ва Турк хоқонлиги Евросиёни бошдан-оёқ туташтирган кўприк вазифасини бажарган ҳамда Ипак йўли тармоқларини бирлаштириш ва назоратда тутиш хоқонлик иқтисодиётида катта аҳамиятга эга бўлган [16]. Айниқса, Суғд ва Каспийбўйида жойлашган тижорат шаҳарлари ва портлар хоқонлик иқтисодиётида муҳим ўрин тутган [17].

Ғарбий Турк хоқонлигининг вассал ҳудудлари – Шарқий Туркистон, Амударё – Сирдарё оралиғи, Хуросон ва Шимолий Ҳиндистон каби кўпроқ олдиндан ўтроқ маданият ўчоқлари бўлиб келган ерларда яшовчи, этник, диний ва касбий мансубликларига кўра уюшган аҳолининг ижтимоий-иқтисодий турмушида ҳунармандчилик ва савдо-сотик биринчи ўринда турган. Шу билан бирга, ушбу ҳудудларда яйловлар ҳам бўлиб, уларда аҳоли кўчманчи ва ярим кўчманчилик билан турмуш кечирган. Ғарбий Турк хоқонлигининг иқтисоди ушбу ҳудудлар аҳолисидан йиғиладиган ўлпон ва солиқлар, ҳарбий сафарлар ва савдо-сотикдан тушадиган даромадлардан бўлиб, айниқса, хоқонлик катта қисми ўз ҳудудидан ўтган Ипак йўли тармоқлари бўйлаб жойлашган савдо-сотик масканларидан келадиган даромадлардан ва халқаро ипак савдосидан катта фойда олган [18].

Ғарбий Турк хоқонлиги шаҳарлари тараққиётида дашт чорвадорлари ҳам сезиларли рол ўйнаган. Бунда кўчманчи аҳолининг сингиб бориши билан шаҳарларнинг йириклашгани, ҳатто, улардан айримларининг тепасида турк ҳукмдорлари тургани – булар барчаси шаҳарлардаги эстетик устунликларда акс этмай қолмаган. Изланувчилар айнан шу даврда Жанубий Қозоғистон, Еттисув каби кўчманчи ҳудудларда урбанизация жараёнларининг фаоллашганини эътироф этадилар.

Халқаро тижорат ва ички бозорни янада жонлантириш учун турк хоқонлари ўз танга-пулларини бостиришган. Давлатларнинг танга-пул зарбхонаси қайси шаҳарда жойлашган бўлса, ўша шаҳар ва унинг атрофидаги ҳудудлар жадаллик билан тараққий этиб борган. Хусусан, Чоч воҳаси турк хоқонларининг танга зарб қилдирадиган марказларидан бири бўлганини сўнгги пайтларда Тошкент воҳасидан топилган кўпчилик тангаларнинг шу даврга оидлиги тасдиқлайди [19]. Афсуски, ҳозирча хоқонликнинг зарбхонаси айнан қайси шаҳар ёки шаҳарларда жойлашгани аниқ бўлмаса-да, топилган нумизматик материалларнинг кўпчилиги Тошкент воҳаси ва унинг теварагидан, қолаверса, Фарғонадан чиқаётгани учун бундай марказ Чоч ва Фарғонада бўлган, дейишга асос бўлади.

Турк хоқонлари, вассал ҳукмдорликлар бошқарувига тайинланган шахзода (*тегин*)лар ва ноиб (*тудун*, *тутуқ*)лар ўзларига воҳаларда маъмурий-сиёсий марказ ўлароқ танлаган жойларда янги шаҳарлар қад кўтаргани ёки олдин кичик манзилгоҳ бўлган шаҳарчалар кенгайиб янада ривожлангани кузатилади. Хусусан, Еттисувда шаҳарларнинг шаклланишида

дашт империялари ҳукмдорларининг қароргоҳлари айнан шу ерда жойлашгани ҳам муҳим рол ўйнаган [20]. Чунки вассаллардан тушадиган ўлпон, бошқача қилиб айтганда, “бойлик”нинг хоқонлик бошқарув марказлари – Еттисув ва Чочда тўпланиши ҳам бу ерларда шаҳарларнинг юзага келишига ва гуллаб-яшнашига олиб келган [21].

Турк хоқонлари воҳаларда ўзлари ёки ноиблари учун қароргоҳ танлар экан, мавжуд инфраструктурага – иқтисодий тизимга ҳалал бермаслик учун имкони борича уни аҳоли зич бўлган шаҳарларда қурмасликка ҳаракат қилган. Чунки хоқонликнинг юзлаб, баъзан ўн минглаб аскар ва амалдорлардан иборат вакилларининг шаҳар ўртасига кириб жойлашиши узоқ йиллар давомида шаклланган иқтисодий тизимга зарар етказиши мумкин эди. Жумладан, хоқонлик томонидан Чоч воҳасида барпо этилган *Жабзукат* воҳанинг пойтахти Чоч (Қанқа) шаҳридан бирмунча узоқда эди. Ёки Фарғонада хоқонлик вакилларининг қароргоҳи ўлароқ Ахсикет эмас, ундан анча узоқдаги *Косон* шаҳрининг танланиши, Тўхористонда хоқонлик вакиллари ўзларига Балх, Термиз каби йирик иқтисодий марказларни эмас, балки *Қундуз* шаҳрини қароргоҳ қилиб танланганликларида ҳам кўринади. Шу ўринда А.Ж. Тойнбининг агар империя четдан келган бегона халқлар томонидан қурилган бўлса, унда олдин пойтахт мамлакатнинг чекка ҳудудларида бўлиб, вақт ўтиши билан, у марказ томон кўчирилиши мумкинлиги тўғрисидаги хулосаси ўринли [22].

Бир сўз билан айтганда, Еттисув ва Чочда турк хоқонларининг марказ қароргоҳлари ўрнашгани у ердаги шаҳарларнинг гуллаб-яшнашига туртки берган. Ваҳоланки, Кушонлар ва ундан кейинги хоқонликкача бўлган давлатларда Амударё ва унга туташ ерлардан ўтувчи тижорат йўлининг жанубий тармоғи анча тараққий этган эдики, бунга уларнинг сиёсий марказлари Жанубий йўналиш бўйлаб ерлашгани ҳам туртки бўлган. Фарбий Турк хоқонлигининг марказлари эса аксинча, шимолий тармоқда ташкил топган эди. Демак, давлатларнинг сиёсий марказлари халқаро савдо ва иқтисодиётга таъсир этибгина қолмай, урбанизация жараёнларида ҳам сезиларли рол ўйнаган.

### Адабиётлар:

1. Плетнева С.А. Кочевники средневековья. Поиски исторических закономерностей. – Москва: Наука, 1982. – С. 78, 121, 145; Легран Дж. Кочевые формы городов в степных кочевых империях // Урбанизация и номадизм в Центральной Евразии: истории и проблемы. Материалы международной конференции. – Алматы, 2005. – С. 331-336.

2. Толстов С.П. Древний Хорезм. Опыт историко-археологического исследования. – Москва: МГУ, 1948. – С. 265.

3. Бичурин Н.Я. (Иакинф). Собрание сведений о народах, обитавших в Средней Азии в древние времена. В 3-х томах. – Москва – Ленинград: Изд. АН СССР. – Том I. – 1950. – С. 91; Бичурин Н.Я. (Иакинф). Собрание сведений о народах, обитавших в Средней Азии в древние времена. В 3-х томах. – Москва – Ленинград: Изд. АН СССР. – Том II. – 1950. – С. 184;

Материалы по истории сюнну (по китайским источникам). / Пред., пер. и примеч. В.С. Таскина. Вып. 1. – Москва: Наука, 1968. – С. 37; Материалы по истории сюнну (по китайским источникам). / Пред., пер. и примеч. В.С. Таскина. Вып. 2. – Москва: Наука, 1973. – С. 126.

4. Бичурин Н.Я. Собрание сведений о народах... Т.1. – С. 290; Малявкин А.Г. Танские хроники о государствах Центральной Азии. Тексты и исследование. – Новосибирск: Наука, 1989. – С. 238.

5. Бичурин Н.Я. Собрание сведений о народах... Т. 1. – С. 284-285, 288, 292; Chavannes E. Documents sur les Tou-Kiue (Turks) occidentaux// Сборник трудов Орхонской экспедиции. – Вып. 6. – Санкт-Петербург, 1903. – Р. 58; Taşagıl A. Gök-Türkler II. – Ankara, 1999. – S. 64.

6. Гумилев Л.Н. Древние тюрки. – М., 1993. – С. 44-45, 148, 149, 153; Восточный Туркестан в древности и раннем средневековье. Этнос, язык, религии. Т. II. – М., 1992. – С. 132; Кляшторный С.Г. История Центральной Азии и памятники рунического письма. – СПб., 2003. – С. 435.

Толстов С.П. Древний Хорезм... – С. 275; Байпаков К.М. Взаимодействие земледельческих и кочевых культур в рамках степной цивилизации Казахстана // Цивилизация Центральной Евразии: земледельцы и скотоводы. – Самарканд, 2002. – С. 9; Мукминова Р.Г. Взаимодействие оседлой и кочевой цивилизации как один из факторов исторического развития народы Центральной Азии // Цивилизация Центральной Евразии: земледельцы и скотоводы. – Самарканд, 2002. – С. 51-52; Гюль Э. Городская цивилизация и кочевая степь: еще раз о характере взаимодействий // Ўзбекистон урбанистик маданияти. Халқаро илмий конференция материаллари. – Т., 2003. – С. 116-117.

7. Гюль Э. Городская цивилизация и кочевая степь... – С. 116-117.

8. Бобоёров Ғ.Б. Ғарбий Турк хоқонлигининг давлат тузуми... – Б. 257-301.

9. Буряков Ю.Ф. Торговые пути и их роль в урбанизации бассейна Яксарта // На Среднеазиатских трассах Великого шелкового пути. – Т., 1990. – С. 82-100; Байпаков К.М., Шарденова З.М., Перегудова С.Я. Раннесредневековая архитектура Семиречья и Южного Казахстана на Великом шелковом пути. – Алматы, 2001. – С. 30.

10. Tosheva D. Central Asian Architecture: Turko-Sogdian symbiosis manifested in the post Islamic Architecture. (Ten-thirteenth centuries.) A Thesis Submitted in Partial Fulfillment of the Requirements for the Degree of Master of Science in Architecture. – Milwaukee, 2017. – P. 26.

11. Суяб. Ак-Бешим. – СПб., 2002. – С. 170; Камалов А.К. Тюрки и иранцы в Танской империи... – С. 102.

12. Мокрынин В.П. К вопросу о тюрко-согдийской интеграции в VI–VIII вв. // Из истории дореволюционного Киргизистана. – Фрунзе, 1985. – С. 152-164;

13. Барфилд Т.Дж. Опасная граница: кочевые империи и Китай (221 г. до н. э. – 1757 г. н.э.) / Пер. Д.В. Рухлядева, В.Б. Кузнецова; науч. ред. п пред. Д.В. Рухлядева. – СПб., 2009. – С. 130.

14. Хазанов А.М. Кочевники и внешний мир. Изд. 3-е, доп. – Алматы: Дайк-Пресс, 2002.–С. 338.
15. Кляшторный С.Г. Древнетюркская письменность и культура народов Центральной Азии (по материалам полевых исследований в Монголии, 1968–1969 гг.) // Тюркологический сборник. 1972. Памяти П.М. Мелиоранского. – М., 1973.– С. 256.
16. Golden P.B. Türk Halkları tarihine Giriş / Çev.O.Karatay.– Ankara,2002–S.125.
17. Пигулевская Н.В. Сирийские источники по истории народов СССР. – М.–Л., 1941. – С. 71, 73.
18. Проблемы этногенеза и этнической истории народов Средней Азии и Казахстана. Сборник статей. – М., 1990. – С. 61.
19. Бабаяров Г.Б. Древнетюркские монеты Чачского оазиса VI – VIII вв. – Т., 2007; Ўша муаллиф. Köktürk kağanlığı sikkeleri katalogu. – Ankara, 2007; Исхаков М., Камолиддин Ш., Бабаяров Г. Заметки по истории нумизматики раннесредневекового Чача (III–VIII вв.). Серия «Рабочие документы ИФЕАК». Вып. 26. – Т., 2007.
20. Байпаков К.М., Шарденова З.М., Перегудова С.Я. Раннесредневековая архитектура... – С. 26.
21. Бобоёров Ф.Б. Чоч тарихидан лавҳалар... – Б. 143.
22. Тойнби А.Дж. Постигание истории / Пер. с англ. Е.Д. Жаркова. – М., 2006. – С. 521-522

## **XIVA XONLIGINING BOSHQARUVI VA MA’MURIY TIZIMI XIX ASRDA**

**Polvonov J.A.**

*o‘qituvchi*

*O‘zR Milliy Gvardiyasi Toshkent*

*“Temurbeklar maktabi” harbiy litseyi*

Xiva xonligi xon tomonidan saroy amaldorlari yordamida boshqariladigan, yakka hokimchilikka asoslangan davlat bo‘lib, uning tizimi Buxoro va Qo‘qon xonliklaridan deyarli farq qilmagan. Xonlikdagi eng oliy unvon xon bo‘lib, u ma‘muriy-siyosiy, harbiy va diniy vakolatlarga ega. XIX asr boshlaridan Xiva xoni huzurida doimiy faoliyat ko‘rsatuvchi Kengash (Devon) mavjud bo‘lgan. Eng yuqori mansab va unvondagi amaldorlar a‘zo bo‘lgan bu kengashning vakolati cheklangan.

Xiva xonligi ma‘muriy jihatdan XVI – XVIII asrlarda viloyatlarga, XIX asr oxirlarida 27 ta ma‘muriy birlikka: undan bittasi – Xiva va uning atrofi bevosita xon va bosh vazirga bo‘ysungan [1], hokimlar tomonidan boshqarilgan 20 ta (Anbarmanaq, G‘oziobod, Gurlan, Ilonchi, Qipchoq, Qilichniyozboy, Qo‘shko‘pir, Qo‘ng‘irot, Ko‘hna Urganch, Qiyot, Mang‘it, Pitnak, Darg‘on ota, Sadvar, Porsu, Toshhovuz, Yangi Urganch, Hazorasp, Xonqa, Xo‘jayli, Shumanay(Yangiqal’a ),

Shoxobod hokimlikka va ikkita (Beshariq yoki Bog‘ot, Qiyot - Qo‘ng‘irot) noiblik hamda to‘rtta turkmanlarga tegishli hududga bo‘lingan [2].

Xonlik janubdan Eron, sharqda Buxoro amirligi, g‘arbda Kaspiy dengizi, shimolda qozoq juzlari bilan chegaradosh edi. Tarixiy adabiyotlarda bu ma‘muriy birliklar beklik deb atalgani bilan Xorazmda, asosan, hokimlik deb yuritilgan.

Inoqdan tortib oqsoqolgacha xazinadan maosh olishmagan. Ular, asosan, o‘zlariga tegishli yerdan olingan foyda va ishlab chiqaruvchilardan olingan soliqning bir qismi evaziga hayot kechirishgan. Bu haqda Turkiston general-gubernatorligi devonxonasiga tegishli hujjatlarning birida shunday yozilgan: “... chorizm xonlikni bosib olgandan keyin... boshqaruv tizimi odingidek saqlanib qoldi, beklar va hukumat vakillari... o‘zlarining xizmat mavqelarining mustahkamligiga ishonch bo‘lmaganligi sababli faqat o‘zlarining foydalari haqidagina o‘ylashdi, ... himoyadan butunlay mahrum bo‘lgan, turli xil soliq va majburiyatlar yuklatilgan aholining katta qismi ochlik va yo‘qchilik holatida edi” [3].

Xiva xonligida bosh amaldorlar quyidagilar: 1) Vazir yoki qushbegi, bu birinchi mansab egasi ariq qazuvchi mardikorlarga mutasaddilik qiladi. 2) Mehtar maosh to‘lash ishlariga mutasaddi, qo‘shin xizmati ustidan nazorat qiladi va qo‘shin hisobini olada. [4] 3) Matchan mahram va uning noibi Doniyol mahram Xiva bozorlarida sotish uchun olib kelingan mol va hayvonlardan hamda karvonlardan boj yig‘diradi [5]. Biy osoyishtalik davrida o‘ziga ishonib topshirilgan shaharlar va tumanlarni idora qiladi Qushbегining farmoniga muvofiq bu joylardan o‘lpon yig‘diradi. Urush mahalida uning amali bizdagi ilgarigi tisyachnik (ming boshi) mansabiga to‘g‘ri keladi. 5) Qozilar biylar bilan birga da‘vo ishlarini ko‘rib hal qiladilar, biylar yo‘qlik mahalida ularningo‘rnini bosadi, xalq huzurida qasamyod qiladig 6) Raislar shahardagi tartib-qoidalarni nazorat qiladi, toshtorozilarni tekshiradi, diniy marosimlarning bajarilishini kuzatib turadi. 7) Matchan mahram qaramog‘ida bo‘lib, shahar bozorlarida sotilgan tuyoqlik mollardan xiroj to‘playdi. 8) Yuzboshi. 9) Yasovullar xonlar qazdirayotgan ariqlarni nazorat qilib turadi [6].

Mamlakatda bosh o‘lponchilar devonbegi, qushbegi va mehtardir. Ularning har biri o‘z mahkamasiga ega, har birida uch-to‘rt kishidan iborat devon (mirza) bo‘ladi. Bu devonlardan biri boshliq hisoblanadi. Devonlar tushadigan daromad daftarlarini yurgizadilar, pullarni esa, devonbegi, qushbegi va mehtarlarning o‘zlari qabul qilib oladilar [7].

Chunonchi, Orol-Qo‘ng‘irot nomli 60-daftarda o‘n tilla maosh olgan Hasan Omon otaliq [8], olti tilla olgan Pahlavon otaliq, o‘n tilla olgan O‘roz Muhammad otaliq, yigirma tilla olgan Xusayn otaliq [9], Uyshun va Eshniyoz otaliq [10], yigirma tilla olgan Gurlanlik Qilich otaliq, o‘n tilla olgan Murod otaliq va hokazolar ko‘rsatiladi.

Bunday ma‘lumotlarni boshqa daftarlarda ham uchratamiz. Shunday qilib, xonlikda juda ko‘p otaliqlar borligini qayd etish mumkin. Otaliq unvoni yolg‘iz o‘zbeklargagina berilmasdan, boshqa urug‘ vakillariga ham berilardi. Chunonchi, 1282 (1871-1872) yili xon turli turkman urug‘idan bo‘lgan olti kishiga ham otaliq unvoni bergan [11].

Xiva xonligida qo'ng'irotlar sulolasi hokimiyati mustahkamlanishi Muhammad Rahimxon I davriga to'g'ri keladi. Qo'ng'irotlar sulolasi 1804 yildan to Xiva inqilobigacha, 1920 yilgacha davom etadi [12].

Shuni alohida ta'kilash lozimki, Xiva xonligida davlat hokimiyatining markazlashuvi, uning kudratli davlatga aylanishi ma'muriy boshqaruvning takomillashuviga, ijtimoiy-iqtisodiy sohadagi tub o'zgarishlarning amalga oshirilishiga ko'p jihatdan bog'liq bo'lgan. Ana shuni bilgan Muhammad Rahimxon bu borada qator islohotlar o'tkazib, quyidagilarni amalga oshirdi:

1. Ilgari butun xonlik hududi ko'p sonli bekliklar orqali idora qilinib kelinayotgan edi. Bekliklardagi hukmdorlar esa o'z qo'llariga juda katta yer mulklarni to'plab, mustaqil xokmilik tarafdori edilar. Shuni hisobga olib, Muhammad Rahimxon xonlik hududida bekliklarga bekor qildi va mamlakatni ma'muriy jihatdan 15 ta hokimlikka bo'ldi. Keyinchalik esa 26 ta hokimlik tashkil etildi.

2. Viloyat hokimliklari esa, o'z navbatida, masjid-qavslarga bo'lindi. Xonlikda jami 1578 ta masjid-qavm bo'lgan. Viloyat hokimliklari xon tomonidan tayinlangan hokimlar orqali boshqarilgan, masjidning qozi va oqsoqollari esa viloyat hokimlari tomonidan tayinlangan.

3. Davlat hokimiyatining boshqaruv tizimi tartibga keltirilgan. Abulg'oziy Bahodirxon zamonidagi 360 ta lavozim qisqartirilib 100 ta lavozim ta'sis etildi.

4. Oliy Kengash deb ataluvchi boshqarish organi ta'sis etildi. Oliy Kengash davlat hokimiyatining eng yuqori organi bo'lib, u qonun chiqaruvchilik, ma'muriy boshqarish va oliy sud vazifasini bajardi.

5. Pul muomalasini tartibga solish ishlari ham amalga oshirildi. O'sha davrda Xivada Buxoroda zarb qilingan mis tangalar mamlakat ichki savdosida ishlatilar edi. Muhammad Rahimxon Ko'hna Arkda maxsus zarbxona tashkil etdi. Bu yerda oltin, kumush va misdan yasalgan xonlikning o'z pullari-tangalari zarb qilina boshlandi.

6. Soliq tizimi tartibga keltirildi. Avvalgi mahsulot bilan yig'ib olinadigan soliq-hiroj o'rniga pul solig'i – solg'ut joriy qilindi [13].

7. mamlakatning harbiy qudratini mustahkamlash borasida katta ishlar amalga oshirildi. Xonlikda muntazam armiya vujudga keldi.

1806 yilda Buxoro bilan bo'lgan urushda Xiva qo'shinlarining mag'lubiyatga uchrashi xonlikning harbiy siyosiy mavqeini pasaytirib yubordi [14].

Bayoniyning "Xorazm tarixi" asarida aytilishicha 1221 (1806-1807) jumadi ulavval oyida (avgust) Beshqa'la hududidagi dehqonlarning asosiy qismi Muhammad Rahimxonga qarshi bosh ko'tarib, Xivaga yo'l oldilar. U bu dehqon harakatini tor-mor keltirgan bo'lsa-da, isyondan qo'rqib Muhammad Rahimxon Abdug'oziy V taxtga ko'taradi va o'zi uning huzurida inoq bo'lib qoladi.

Yana bir manbada esa Muhammad Rahimxon e'tiborli feodallarning ko'z o'ngida Xivaning taxtiga oxirgi xon Abulg'oziyi ko'tarishga majbur bo'ldi va shuning uchun adolatlilik bilan vaqtinchalik uni taxtda qo'ydi [15], deb yozilgan.

Qo'zg'olondan to'rt oy o'tgach Muhammad Rahimxon Abdug'oziy V ni taxtdan tushirdi va o'zini xon deb e'lon qildi. Bayoniy bu vaqtni aniq qilib Muhammad Rahimxon payshanba kuni taxtga o'tirdi, deb yozadi[16].

Muhammad Rahimxon 30 yil ya'ni taxtga o'tirguncha (1806 yil) har tomonlama ota bobolari, muallimlaridan ta'lim tarbiya olib kuchli, aqlli, adolatli davlat raxbari bo'lib yetishdi. U atrofdagilarga lavozimi yoki kelib chiqishiga qarab emas balki aytgan so'ziga va qilgan ishiga qarab baho bergan. Muhammad Rahimxon taxtga o'tirishi bilan ko'pgina ishlarni amalga oshirdi. Jumladan ichki va tashqi siyosatda bo'layotgan kelishmovchiliklarni iqtisodiy sohadagi o'zgarishlar, davlatni barqororlashtirish va markazlashtirish maqsadida boshqaruv islohotlarini, iqtisodni tartibga solish hamda rivojlantirish maqsadida soliqlarni tartibga solish mamlakatdagi o'zboshimchalarni tarbiyalash uchun farmon va qonunlar ishlab chiqdi [17].

Xorazmda markazlashgan xonlik tashkil qilish va atrofdagi xalqlarni xonlikka bo'ysundirish uchun, ayniqsa, Muhammad Rahimxon I davrida harakat kuchaygan. Muhammad Rahimxon I Xuroson, Orolga (Qo'ng'irot), turkman, qoraqalpoq, yerlariga muntazam ravishda hujum qilib turdi va ulardan ko'pini o'ziga bo'ysundirishga muvaffaq bo'ldi. O'zi bosh bo'lib, bir necha marta Orolga yurish qildi, Orol esa To'ra Murod so'fi boshchiligida Xiva xonligiga bo'ysunishdan, unga zokot va xiroj to'lashdan bosh tortgan edi. Uzoq qarshilikdan keyin 1811 yili Muhammad Rahimxon Orol atrofidagi qoraqalpoqlarni bo'ysundirdi. Qo'ng'irot shahri vayron qilindi [18].

Xulosa qilib aytganda, XIX asrning birinchi choragi Xiva xonligining tarixida muhim o'zgarishlar davri bo'ldi. Xiva xoni Muhammad Rahimxon o'tkazgan ilohotlar tufayli davlat hokimiyati markazlashdi. Ma'muriy boshqarishning ancha takomillashgan tizimi qaror topdi, xonlikning iqtisodiy va harbiy qudrati mustahkamlandi. Lekin bu jarayon uzoqqa bormadi. 1873 yilda Xiva xonligi ham O'rta Osiyoning boshqa xonliklari qatori, chor Rossiyasi qo'shinlari tomonidan bosib olindi. Xiva xonligi chorizmning sof mustamlakasi bo'lib qoldi. Xonning butun faoliyati Rossiya hukumati nazorati ostiga o'tdi. Xonning muntazam harbiy qo'shini tarqatib yuborildi. Xivada maxsus rus qo'shinlari saqlandi. Xonlikning moliyaviy ishlari, soliq tizimi va xazinasini rus harbiylari nazorati ostiga o'tdi. Oliy Kengash ishida rus ofitserlari qatnashadigan bo'ldi. Hukumat lavozimlariga ham ular ma'qullagan amaldorlarga tayinlangan. Xiva xoni davlatni idora qilishda o'z mustaqilligidan batamom mahrum bo'lgan edi.

#### **Adabiyotlar:**

1. O'zR MDA, 125-jamg'arma, 11-ro'yxat, 59-ish, 21-varaq.
2. O'zR MDA, 125 – jamg'arma, 1- ro'yxat, 528– ish; 599 – ish, 1 - 2-varaqlar
3. O'zR MDA, 1 – jamg'arma, 12- ro'yxat, 1950– ish, 13- varaq.
4. Иванин П. Сведения о Хивинском ханстве // “Мануфактура и торговля”, 1843.– С. 157.
5. Yuqoridagi asar.-158 b.

6. O'sha joyda, 158-bet.
7. Кун А.Л. Порядок взимания податей в Хивинском ханстве. Заметки о податях в Хивинском ханстве // "Туркестанские ведомости" газетаси
8. Xiva xonlari arxivi, 60-daftar, 16-varaq.
9. O'sha joyda, 13-varaq,
10. O'sha joyda, 14-varaq.
11. Xudayberganov K. Xiva xonlari tarixidan. "Xorazm", 2008. - 142 – 143 b.
12. O'zR MDA, I – 125- jamg'arma, 2-ro'xat, 397– ish.
13. Yo'ldoshev M.M. Xiva xonligida feodal yer egaligi va davlat tuzilishi. - T.: Fan, 1959. -64 b.
14. Иванов П.П. Архив Хивинских ханов XIXв. – Ленинград, 1940. – С. 10.
15. Bayoniy. Xorazm tarixi. ....142 – 143 varaqlar.
16. Xudayberganov.K. Xiva xonlari tarixidan: "Xorazm", 2008. - 142 – 143 b.
17. Eshmuradov M. Xorazm manbalarida davlatchilik tarixi. - T.: "Fan va texnologiya", 2011. -147b.
18. Asqarov A. O'zbekiston xalqlari tarixi.2 jild. – T.: "Fan", 1993. – 71 b.
- Ochildiev, F. B. (2020). Social relationship and tax types in the XIX-XX century in Bukhara Emirate. *International Journal of Scientific and Technology Research*, 9(1), 723-729.
- Очилдиев, Ф. Б. (2008). Сурхон воҳаси бекликларидаги ижтимоий-сиёсий ва иқтисодий ўзгаришлар. T.: *ABU MATBUOT-KONSALT*, 82.
- Ochildiev, F. (2021). The inflow of Russian capital and industry into the Bukhara emirate in the late 19th and early 20th centuries. *current research journal of history (2767-472X)*, 2(06), 20-26.
- Ochildiev, F., & Kuyliev, R. (2021). Location of the population and ethnic composition of surkhan oasis in the late xix and early xx centuries. *ACADEMICIA: An International Multidisciplinary Research Journal*, 11(3), 1062-1069.

## **COOPERATION'S DEVELOPMENT PROBLEMS IN UZBEK-FRENCH RELATIONS**

**Makhmasobirova Y.U.**

*doctoral student*

*University of World Economy and Diplomacy*

France was one of the first countries that established official diplomatic relations with all the former Soviet republics in Central Asia since their independence. It is one of the main drivers of European integration, a permanent member of the UN Security Council, a country of rich historical and cultural heritage, socio-political traditions and innovations. It is the world's seventh largest economy by GDP per capita and the second largest in the European Union [1].

However, because of France's general activity in world politics and Uzbekistan's active and effective political and economic relations with major actors such as the Russian Federation, the People's Republic of China, the United



States, India, the Republic of Korea, Germany, Japan and Turkey, Uzbek-French cooperation may not seem to be a priority for France or Uzbekistan. For a long time, there were two main problems in Uzbek-French relations:

*1. Natural barrier - geographical location of countries.*

It is known that Uzbekistan does not have direct access to the sea routes, and Central Asia and Western Europe are not neighboring regions. Uzbekistan, is geographically far from France: in order to move from one country across the continent to another, one must pass through at least five countries that differ greatly from each other in socio-political and economic terms. Also, Uzbekistan has no direct access to the region other than access to South Asia via Afghanistan; due to the lack of market integration in Central Asia, Uzbekistan cannot provide foreign partners with access to third country markets. However, the evolution and state of relations between France and Kazakhstan can be cited as an example of the fact that such natural barriers do not hinder cooperation between not neighboring countries. As it is known, there are similar natural and geographical barriers between France and Kazakhstan, but the single trade turnover between the two countries in 2017 exceeded the average Uzbek-French foreign trade turnover by 10 times (\$ 3 billion) [2].

*2. Problems in determining the priorities of cooperation, its specific "algorithm".* For a long time, the main challenge in developing relations between France and Uzbekistan has been to set priorities. France which made republican regime "based on broad democracy, on parliamentarism, political and ideological pluralism, open struggle of ideas and political parties, change of power during the electoral struggle of political parties, and not class organizations"[3] an ideal in international relations; and which is "struggling to portray itself as a multi-faceted actor with a modest and contradictory role in Central Asia and a key player in influencing regional societies" [4], believes that the main issue in relations with Uzbekistan should be the internal organizational, administrative and legislative reforms of Uzbek society and political elite. Due to the lack of internal financial resources in the construction of a new independent state, the main topic of discussion for Uzbekistan was always investment and trade. From the earliest days of Uzbek-French relations, this difference of views in relation to the cooperation agenda has hindered the full coordination of interaction.

However, the positive trend in the development of bilateral relations in recent years, changes in the foreign policy rhetoric of the parties indicate an improvement in relations. On the one hand, Uzbekistan has realized that modernization means not only political and administrative modernization. On the other hand, France realized that it could miss out on many potential business projects by interfering in the internal affairs of states. The growing number of countries such as China, India, Japan and Germany investing in other countries not only in terms of democratization but also in terms of stability, and the fact that such countries dominate the economies and investment markets of many developing countries have become the basis in order for France to understand that it is missing the

opportunity to expand the zones to ensure its economic interests. In particular, France is now choosing a neutral partner in relations with Central Asia [5].

The dynamics of relations was also influenced by Uzbekistan's long-standing policy of "investment" isolation, and the nature of France's foreign policy in general. As the President of the Fifth Republic Charles de Gaulle wrote in his memoirs, "France that has lost its greatness is not France" [6]. As France's foreign policy has a glorious past, the notion of a "centre of great power" is firmly ingrained in the minds of French officials, and preserving France's "greatness" and uniqueness has always been a priority in political decision-making. All this led to "the predominance of stagnation over dynamics" [7] in the country's foreign policy. This conceptual feature of the foreign policy of the Fifth Republic can also explain the long and debilitating stagnation in Uzbek-French cooperation.

As the above problems began to be addressed, a number of new problems of narrow areas that negatively affected the state of relations come to the fore. These problems have mostly organizational and institutional character rather than intersectional: updating the legal framework for cooperation, maintaining information and statistics, and monitoring mechanisms etc.

First of all, France has not yet fully conceptualized its foreign policy towards Central Asia. The questions, such as, "How does the French government plan to implement cooperation in the regional format?", "What will be the direction of bilateral cooperation?" remain open. In the foreign policy of the French Republic, the evolution of the Central Asian vector is based on inconsistent and rather chaotic decisions that contradict each other and certain uncertainties. Therefore, France's current positive rhetoric for Central Asia, free from a "didactic" agenda and based on a neutral partnership without interfering with domestic policy, is may change if it does not become a strategy.

*Outdated legal framework* for cooperation is another problem. The conceptual and legal basis of cooperation between Uzbekistan and France – "Treaty of Friendship and Cooperation" was signed in 1993, in a political process and conditions significantly different from the current state of international relations. Given the rapid development of relations between the two countries in recent years and the ongoing negotiations between Uzbekistan and the European Union on the signing of a new expanded agreement, it is time to sign the resulting Extended Partnership Agreement, or a new conceptual agreement between Uzbekistan and France.

*Problem of control and monitoring of joint projects.* The main problem of cooperation of any country, which organizes economic cooperation with foreign countries mainly through state-owned enterprises and agencies, depends on the level of organization of the executive mechanism. In Uzbekistan, the number and volume of "entrepreneur-to-entrepreneur" projects in cooperation with France is low, mainly or only state-owned enterprises are involved. Cooperation projects with private French enterprises or control over them are entrusted to state organizations [8].

There are two reasons why agreements reached in France with Uzbekistan and control over projects are not as problematic as in Uzbekistan. First, in the French Republic, the country's Parliament, and in practice the Senate, has more control over foreign affairs. The working body of the Senate on these issues is the Commission on Foreign Affairs, Defense and Armed Forces. The Senate, like the President of the country, may appoint a special representative for a limited period of time to develop or regulate relations with a particular issue, region or state, if necessary. Such an open and transparent control system greatly facilitates the status of interstate projects. Second, most of France's current projects with Uzbekistan (with the exception of the French Development Agency) are being implemented by the private sector, which reduces the burden on French officials to oversee bilateral projects.

In this context, the private sector in Uzbekistan faces the problem of a low share and number of international cooperation projects. State bodies, as a key player in business and entrepreneurship, trade and the economy may increase the level of project assurance. But over time, cooperation can become a "donor-recipient" and lead to a slowdown in diversification. The share of the private sector in Uzbekistan, especially small and medium-sized businesses, in the country's gross domestic product has consistently exceeded 50% since 2015. In 2020 alone, the share of small businesses in GDP was 53.9%. The main sectors in the structure of trade with France falls on agriculture, forestry and fisheries, investment and industry, and the share of the private sector in these areas in Uzbekistan is as follows: in the fish and agricultural sectors - 97.0%, services - 51.4%, investments - 49.7%, industry - 27.5% and imports - 51% [11]. This is a huge potential of Uzbekistan, but it is not fully realized in international cooperation and in cooperation with France in particular.

*Conclusion.* Natural and geographical barriers, problems with coordination of actions in determining the priorities of cooperation, Uzbekistan's long-standing closed policy in foreign relations, especially on investment, and the predominance of the idea of "stagnation" in the foreign policy of the French Republic had a negative impact on Uzbek-French cooperation. The fact that the main obstacles to cooperation are organizational, institutional and cross-sectoral issues related to the general problems and the internal situation in Uzbekistan proves that the decisive step in Uzbek-French cooperation often depends on Uzbekistan.

France has not always been a clear, comprehensible and "loyal" partner for Uzbekistan. However, the fact that Uzbek-French cooperation is free from the threat of geopolitical, military and geostrategic goals and secret plans ensures that the relations between the two countries are promising in all circumstances. In addition to external factors and institutional problems, cooperation with France not only brings economic and financial benefits to Uzbekistan, but also attracts cautious and conservative Western investors and entrepreneurs to Uzbekistan, providing a "reputable dividend".

## References:

1. World economic outlook. International monetary fund. October, 2021- P.88
  2. Why Kazakhstan. CCI France Kazakhstan. <https://www.ccifk.kz/ru/dejatelnost/pochemu-kazakhstan.html>
  3. Farmonov R.F. Revolyutsiya 1848-1849 gg. i politicheskoe razvitie Frantsii v period vtoroy Respubliki (1848-1851 gg). Avtoreferat dissertatsii na soiskanie uchenoy stepeni doktora istoricheskikh nauk. -M.:1992. - С.29
  4. Boulègue M. L'Union européenne en Asie centrale entre valeurs, intérêts et sécurité//Outre-terre.-2016.-Vol.3, No48.-p.196
  5. PaskalLoro. Frantsiya- idealniy partner dlyaTSentralnoy Azii. <https://cabar.asia/ru/paskal-loro-frantsiya-idealniy-partner-dlya-stran-tsentralnoj-azii>. 13.03.2020
  6. Ch. De Gaulle. Mémoires de guerre et mémoires d'espoir. Ed. Place des éditeurs. 2016. Résumé.- 2073 p.
  7. Gomar T. Frantsiya i ee "spetsificheskaya" problema// Rossiya v globalnoy politike. №6 2014 Noyabr/Dekabr. <https://globalaffairs.ru/articles/francziya-i-ee-speczificheskaya-problema/>
  8. Decree of the President of the Republic of Uzbekistan "On measures to further expand and strengthen bilateral cooperation between the Republic of Uzbekistan and the French Republic" dated November 28, 2018 No. 4 0 3 7
- Мавлонов, Ў. (2008). Марказий Осиёнинг қадимги йўллари: шаклланиши ва ривожланиш босқичлари. Тошкент: Академия.
- Сағдуллаев, А., & Мавлонов, У. (2006). Узоекистонда давлат бошқаруви тарихи.
- Мавлонов, Ў., & Маҳкамова, Д. (2004). Маданий алоқалар ва савдо йўллари. Тошкент: Академия.
- Мавлонов, У. М. (1994). Торговые и культурные связи Кашкадарьинского оазиса в XVII-XIX вв.
- Мавлонов, У. М., Каримов, Я. А., & Артиков, Х. (2017). Место амударьинских переправ в коммуникационной системе центральной Азии. The Newman in Foreign policy, (38 (82)), 54-58.

## **ҚАРШИ ШАҲРИНИНГ ХАЛҚАРО САВДО-СОТИҚДА ТУТГАН ЎРНИ**

**Мўминов У.**

*ўқитувчи*

*Қарши Давлат университети*

Шаҳарлар йирик савдо марказлари сифатида ҳам муҳим аҳамият касб этган. XVIII асрнинг иккинчи ярми – XX аср бошларида шаҳар аҳолиси асосий қисмининг асосий машғулоти савдо-сотик эди. Воҳадаги энг йирик савдо шаҳри бўлган Қарши бутун Бухоро амирлигининг савдо алоқаларида катта ўрин тутган. Қарши шаҳри катта қарвон йўлининг чорраҳасида жойлашганлиги туфайли бу йўл орқали шаҳар шарқ ва ғарб, жануб ва шимолий ўлкалар ва мамлакатлар билан доимий алоқада бўлган. Қарши

шаҳри Бухоро воҳасини Шаҳрисабз ва Ҳисор билан боғлаб турувчи Бухоро амирлигидаги муҳим аҳамиятга эга шаҳар ҳисобланади.

Маълумки Бухородан келадиган карвон йўли Хўжа Муборакдан ўтгач икки тармоққа ажралган йўлнинг бири Майманок орқали Қаршига, ундан Ғузор орқали Тохаристонга ўтган. Қаршидан чиққан яна бир йўл Қаршини Кеш (Шаҳрисабз) билан боғлаган. Хўжа Муборакдан ажралган иккинчи тармоқ Касби, Базда орқали Келиф кечувига ва ундан Афғонистонга ўтган. Қарши Самарқанд билан асосан Жом йўли билан боғланган. Бу карвон йўлларида карвон тизими кечаю-кундуз, қишин-ёзин ҳаракатда бўлган. Қарши аҳолиси асосан ғалла, майиз, ҳунармандчилик буюмлари, тери ва бошқа маҳсулотлар билан савдо қилганлар. Шаҳар атрофида жойлашган қишлоқлардан Қаршига деҳқончилик маҳсулотлари – арпа, буғдой, пахта, тамаки, боғдорчилик, сабзавот ва полиз маҳсулотлари кўплаб олиб келинган.

Чорвадорлар эса шаҳар бозорига жун, жундан тайёрланган иплар ва тайёр маҳсулотлар (гилам, хуржун, арқон ва бошқалар) тери ва тери маҳсулотлари, тирик чорва моллари етказиб бериб туришган. Шаҳар бозорида қоракўл териларга талаб айниқса катта бўлган. Қарши шаҳри атрофидаги чорвадорлар томонидан етказиб бериладиган бу қоракўл терилар Қарши бозорида йиғилиб, бу ердан Бухоро орқали Россияга олиб чиқилган. Четга чиқариладиган қоракўл териси навлари ичида Қарши беклигида етиштириладиган кўкиш кулранг нави алоҳида ўрин тутган. Қоракўл терисининг донадор, карпак (муддатидан аввал туғилган қўзи териси) деб номланган навлари жуда машҳур бўлиб, улар Россия, Англия, Туркия, Афғонистон, Хитой, Эрон, Кўкон, Хивага кўп миқдорда жўнатилган.[15;32]

Қарши шаҳри қўйи Қашқадарёдаги барча қўчманчи чорвадорлар учун асосий савдо маркази эди. Қаршида катта мол бозори мавжуд бўлиб, бу бозорда ҳатто Амударё бўйларида яшовчи туркманлар ҳам ўз қўйларини ва машҳур туркман отларини сотиш учун олиб келишган.[7;25] Манбаларда Қарши шаҳрида жун ва жундан тайёрланадиган маҳсулотлар сотиладиган савдо расталари жуда катта майдонни эгаллаганлиги қайд этилади.[17;109]

Шунингдек, Қарши бозорига Сурхон воҳасидан келтирилган деҳқончилик маҳсулотлари, ҳунармандчилик буюмлари ҳам кўплаб сотилган. Манбаларда Ҳисордан олиб келинган олача, Шерободдан келтирилган турли хилдаги гиламлар, ҳисорлик усталарнинг бутун амирликда машҳур бўлган пичоқ ва ханжарларини Қарши бозорларида сотилганлиги ҳақида маълумотлар мавжуд.[5;34, 4;377] Қарши бозори орқали воҳанинг бошқа жойларига Самарқанд ва Бухоро ҳунармандларининг маҳсулотлари қимматбаҳо ипак буюмларига тарқалган.[8;90]

Кўпинча четдан келтирилган маҳсулотлар Қарши бозори орқали бутун воҳага тарқалган. Масалан, Россиядан чинни идишлар, металл ва металл буюмлар келтирилган.[2;366] Россиядан келтирилган металл, хусусан сарик мисдан маҳаллий ҳунарманд усталар мисгарлар турли турдаги маҳсулотларни тайёрлашган. Қарши шаҳрининг қўшни қўчманчи чорвадор

аҳолиси Амударё бўйи туркманлари ва Қарши чўлида яшовчи чорвадорлар билан доимий алоқада бўлганлиги боис, Россия ҳамда шарқ мамлакатларига етказиб берадиган молларининг кўп қисми тери ва тери маҳсулотлари ҳисобланган. Жумладан, Россияга Бухородан 1840 - 1850 йилларда, яъни 10 йил давомида Оренбург йўли орқали 427 797 дона, Троицкий орқали эса 60 583 дона қорақўл териси олиб кетилган.[3;295] Бухоро қорақўл териси экспорти орқасидан шуҳрат топган ва давлат хазинасига катта даромад келтирган.

Ҳиндистондан келтирилган турли матолар ҳам Қарши бозори орқали воҳага тарқалган. Хусусан, Панжобдан келтирилган оқ матога аҳоли орасида талаб катта бўлган.[17;114] Қаршида Ҳиндистондан келтириладиган пахта, ипак иплари, матоларни бўяшда ишлатиладиган бўёқ индиго ҳам сотилган.[8;92] Ҳиндистондан келтирилиб, Қарши бозори орқали воҳага тарқаладиган маҳсулотлар ичида кўк чойни ҳам айтиб ўтиш ўринли бўлади.[17;115] Қаршида шунингдек, Россиядан (XIX аср сўнгида), Эрон, Ҳиндистон ва Афғонистондан келтирилган доривор ўсимлик илдизлари, ўтлар ва дори дармонлар сотилган.[19;51] Қарши бозорида воҳа аҳолисининг бой ва ўзига тўқ оилалари Хитойдан келтирилган чинни идишлар-пиёла, чойнак, коса-товоқларни кўплаб харид қилишган.[8;92]

Шу тариқа, Қарши Амударёга қадар чўзилган улкан дашт чўл зонасидаги йирик савдо маркази сифатида катта аҳамиятга эга эди. Бундан ташқари Қарши Бухоронинг Афғонистондаги (Балх, Ҳирот, Қобул) ва Ҳиндистон шаҳарлар билан бўлган савдо алоқаларида муҳим ўрин тутарди. Географик кашфиётлар натижасида сув йўллари очилган бўлса-да, XVIII аср иккинчи ярми – XX аср бошларида аҳамияти анча катта бўлган карвон йўлларида хорижий савдогарлар тўхтовсиз равишда қатнаб турган. Шарқ ва ғарбни боғловчи мана шу йўлнинг бир неча тармоқлари Қарши шаҳрида кесишиб чорраҳа ҳосил қилган. Шунинг учун ҳам Қарши шаҳри Бухоро амирлиги хазинасига мана шу савдо йўллари катта даромад келтирган. Бу шаҳар карвонсаройларида тўхтаган савдогарлар ҳар бир сотиладиган маҳсулот учун амирлик хазинасига бож тўлаганлигини тарихий маълумотлардан билиш мумкин. Масалан, бу ерда савдо карвонлари 1 та туя юки учун 105 танга, 1 та туянинг ўзи учун 51 танга, от учун 32, эшак учун 15, кулларнинг ҳар бири учун 88 тангадан закот тўлаган.[15;32]

Бухородан Эронга қорақўлнинг олиб кетилиши 1844 йилдан (1851 йилгача) бошлаб илгарига қараганда янада кучаяди.[15;32] Чунки Бухоро амирлиги томонидан инглизлар билан савдо алоқаларининг таъқиқланиши боисидан Англия ҳукумати тўғридан-тўғри эмас, балки Эрон савдогарлари воситачилигидагина қорақўл сотиб олишга мажбур бўлган эди. Бундан кўриниб турибдики, қорақўл Эрон орқали Англияга, Англия орқали эса бутун Европа мамлакатларига етиб борган. Унинг Европа бозорларида олтин баҳосида сотилишида Россия савдогарларининг ҳам хизматлари катта бўлган, албатта.

Қаршининг савдо-сотик муносабатларда тамаки маҳсулотининг ҳам ўрни бекиёс бўлган. Бутун Ўрта Осиёда етиштириладиган тамакининг энг сифатлиси, деб тан олинган Қарши тамакиси «оқ тамаки» номи билан савдога чиқарилган.[8;89] У доимий равишда қўшни бекликлардан ташқари, Тошкент, Қўқон ва Хивага олиб кетилган. XIX асрнинг 80-йилларида Хива хонлигидаги бозорларда Қарши тамакисини 1 пуди 7 сўмдан, Шаҳрисабз тамакисини 1 пуди эса 5 сўмдан сотилган.[13;91] Шероз тамакиси Эронда қанчалик машҳур бўлган бўлса, Қаршининг тамакиси Ўрта Осиёда худди шундай шухрат қозонган.

Бундан ташқари, Қарши бозорларида нафақат маҳаллий матолар, балки Бухоро, Самарқанд, Шаҳрисабздан ва Ҳисор орқали шарқий бекликлардан келтирилган юқори сифатли ипак ва ипак матолар савдоси ҳам жуда қизгин бўлган. Бухоро амирлиги йирик шаҳарларида, жумладан, Қаршининг ўзида тайёрланган ипак, ип матолар қўшни мамлакатлар Афғонистон, Ҳиндистон, Россияга ҳам сотилган.[8;91]

Бу даврда маҳаллий аҳоли томонидан ишлаб чиқарилган ипак мато ва либослар Россия фабрика моллари билан рақобатлашибгина қолмай, балки Европа бозорларида ҳам машҳур ва харидоргир бўлган.[11;172] Шунингдек, манбаларда айтилишича, Бухородан Россия давлатига жўнатиладиган пахтанинг кўп қисми Шаҳрисабз беклиги ҳиссасига тўғри келган. Шаҳрисабз пахталари Қарши шаҳри орқали Бухорога олиб ўтилган ва сўнгра Россияга жўнатилган.

Бундан ташқари, бу бозорда бекликдаги Қамаш қишлоғида тўқилган машҳур гиламлар савдоси жуда қизгин бўлган.[6;222] Нақшинкор ҳамда сифатли Қарши гиламлари, шоллари ҳамда кигизларининг Бухоро амирлигининг бошқа ҳудудларида ҳам донғи баланд бўлган.[14;126] Бундай гилам ва кигизлар Эрон (Ҳирот орқали Машҳадга), Россия, Истамбул орқали Европа мамлакатларига кўплаб жўнатиладиган моллар қаторидан ўрин олган.

Қарши шаҳри ўзидагина тўқиладиган гиламлар учунгина эмас, балки машҳур Кашмир шолларининг халқаро савдо бозорига, жумладан, Россия ва Европа мамлакатларига чиқарилиши учун ҳам воситачи бозор вазифасини ўтаган. Чунки Қобул орқали Бухорога келтириладиган Кашмир шоллари Қарши шаҳри орқали олиб ўтилган. Бу жараён ўз навбатида Қаршида унинг амирликнинг бошқа жойларидагига нисбатан арзон бўлишига, бошқа юртларга тўғридан тўғри шу ернинг ўзидан ҳам олиб кетилишига имкон яратган. Манбаларда ёзилишича, 1 йилда Бухорога олиб келинадиган 3000 донадан зиёд кашмир шолларидан 2000 таси Россияга жўнатилган.[1;77] Бу даврда Бухоро амирлигидан Эронга энг кўп олиб кетиладиган маҳсулотлар ичида қоракўлдан кейин иккинчи ўринни Кашмир шоллари эгаллагани ҳам маълум. Юқорида айтганимиздек, бу савдода Қарши шаҳрининг ўрни бекиёс бўлган.

Қаршининг пичоқсозлик буюмлари ҳам бутун Ўрта Осиёга кенг тарқалган бўлган. Ҳаж сафарига жўнаётганлар томонидан Эрон, Арабистон ва Туркияга ҳам олиб кетиладиган бу пичоқсозлик маҳсулотлари бошқа

мамлакатларда ўз жойидагига нисбатан 3-4 марта қимматроқ нархда пулланган. Айниқса, дастасига олтин, кумуш қоплаб, қимматбаҳо тошлар билан безатилган пичоқ ва қиличлар чет элларда жуда қадрланган.[3;170,171] Пўлатдан ясалиб, дастасига олтин ёки кумуш қопланган Қарши пичоқлари XX аср бошида 7-8 сўм атрофида баҳоланган.[16;4]

Воҳанининг кўп қисми чўл худудлардан иборат бўлганлиги ва карвон йўли устида жойлашганлиги боис бу ерда асосий транспорт воситаси ҳисобланган туяларга бўлган талабнинг катта бўлишига сабаб бўлган. Шунинг учун ҳам Қарши бозорларида туя ҳам кўплаб сотилган ва харид қилинган. Атроф чорвадорлари, қўшни бекликлар ва туркманлар томонидан кўпайтирилган бир ва икки урқачли тезюрар туялар асосан юк ташишга қулай восита сифатида ҳатто Афғонистонга ҳам сотилган.[9;104] Қарши шаҳридан савдо карвонлари юк олиб юриш учун туяларни ёллашган. Қаршилиқ туя билан юк ташувчилар 1 тош масофага 1 кумуш танга ҳақ олиб карвонларга хизмат қилган.[12;70] Туяларда юк ташишнинг йўлга кўйилганлиги ва Қарши шаҳрини карвон йўллари устида жойлашганлиги ўз навбатида шаҳар бозорларида туя савдосининг ўсишига хизмат қилган.

Қарши бозорида чидамли, юк ташишга қулай транспорт воситаси сифатида кўплаб эшаклар ҳам сотилган ва харид қилинган. Уларнинг оқ ранглиси бошқа рангдагиларига қараганда қимматроқ бўлган. Ҳатто ҳажга кетаётган зиёратчилар бу ердан ўзлари билан Эрон, Боғдод, Дамашқ ва Миср каби давлатларга кўплаб эшакларни ҳайдаб кетадилар, деб ёзади А. Вамбери.[3;293] Қарши чорва моллари бозорида қорамол, эчкиларнинг ҳам ҳар хил зотдагилари сотувда бўлган.

Бозорлар закотхоналарида бозорда савдо қилганларнинг даромадидан 1/ 40 ҳисса миқдорида закот ундирилган.[10;116] Хунармандлар ва савдогарлардан олинадиган солиқнинг асосийси даромад солиғи тамға ҳисобланиб, мусулмон савдогарлардан донабай маҳсулотлардан 40 тадан 1 дона, мусулмон бўлмаган савдогарлардан эса донабай маҳсулотлардан 20 тадан 1 дона, донабай бўлмаган маҳсулотлардан маҳсулот баҳосининг 5 % миқдорида солиқ ундирилган.[18;104] Араб халифалиги даврида ўрнатилиб, асрлар давомида сақланиб келган закот солиғи ундириш қоидалари XIX аср охири – XX аср бошларида анча ўзгарган бўлиб, бу даврда солиқлар юқорида келтирилганидан кўпроқ ундирилган. Бунга ғайридин савдогарлардан ундирилган закот солиғи миқдорининг тартиб қоидаларидан анча юқори бўлганлигини мисол қилиб кўрсатишимиз мумкин. Рус савдогарларидан закот миқдори 5%, 10% миқдоргача ундирилган. Бозорда қайси мамлакатдан бўлишига қарамай, мусулмон савдогарлардан ҳар бир раста учун 40 червон чет эл тангасидан бир миқдорда ундирилган бўлса, рус савдогарларидан 12 червонгача ундирилган.[18;104] Шу билан бирга закот тўланганлиги ҳақидаги ёзма гувоҳнома олган ҳар бир савдогар амирликнинг барча худудларида бемалол савдо қилиши мумкин бўлган.

Хуллас, XVIII – XX аср бошларига келиб, оммавий истеъмол молларига бўлган талабнинг ошиши, ташқи савдонинг ривожини ишлаб



чиқариш ҳажмининг кенгайишига олиб келди. Қарши шаҳридаги бозорларда маҳаллий маҳсулотлар билан бирга чет эл маҳсулотлари сотилган бўлиб, савдо-сотик ишлари шаҳар аҳолиси ва амирлик хазинасига катта даромад олиб келган.

#### Адабиётлар:

1. Eversman E. Reise von Orenburg nach Buchara. —Berlin. 1823. p. 77.
2. Борнс А. Путешествие в Бухару. – М.: Издание П.В. Голубкова, 1848.с. 366.
3. Вамбери А. Путешествие по Средней Азии. Москва «Восточная литература» РАН 2003. с – 295.
4. Галкин А. Военно-статистический очерк средней и южной частей Сурханской долины 1889г., составленный Генерального Штаба подполковником Галкиным. //Сборник географических, топографических и статистических материалов по Азии Вып. LVII. СПб.,1894. с.377.
5. Гинтелло. Сведения по интендатской части, собранные в Бухаре капитаном Генерального Штаба Гинтелло в 1885 г. // Сборник географических, топографических и статических материалов по Азии. Вып. XXI. СПб. 1866. С. 34; Маев Н. Город Карши. 1879. № 24.
6. Ефремов Ф. Десятилетнее странствование. —М.: Гос изд-во геогрлит., 1950. с. 26, 30-32.
7. Крестовский В.В. В гостях у эмира Бухарского. СПб. 1887. с. 222
8. Маев Н. Города Карши. //Туркестанские ведомости. 1879. № 25.
9. Массон М.Е. Столичные города в области низовьев Кашкадарьи с древнейших времен.Т. Фан; 1973. с.92.
10. Мейендорф Е.К. Путешествие из Оренбурга в Бухару.М.:Наука, 1975.с104.
11. Насриддинов Қ. Қарширегистони.Т.2014 б.116
12. Пален К. К. Отчет по ревизии Туркестанского края, проведенной по высочайшему повелению сенатором гофмейстром графом К. К. Паленом. 4.2. Спб., 1909. с. 172.
13. Сагдуллаев А. Мавлонов Ў. Маҳкамова Д. Ўрта Осиёда ўрта асрлар савдо-сотик тизими. Тошкент. Академия. 2012. б.70
14. Садыков А. С. Экономические связи Хивы с Россией во второй половине XIX – начала XX вв. Т. 1965. с.91
15. Сухарева О.А. К истории городов Бухарского ханства.,Тошкент. 1958.с.127.
16. Таниева Г. Қарши беклиги тарихидан лавҳалар.Тошкент.2006. б. 32.
17. Тўраева М. Миллий кадриятларимизни асраб авайлашда халқ амалий санъатининг ўрни. “Миллийкадриятлар, тарихийхотира: тарихий-маънавий ўқитишнинг долзарб муаммолари” Республика илмий-амалий конференцияси материаллари. Қарши – 2021. б.4.
18. Ханыков Н. Описание Бухарского ханства. СПб 1843. с. 114.

19. Ҳамидова М. Кашқадарёвоҳасиҳунармандчилигитарихи (XIX — XX асрбошлари). Т. 2009.б.104

20. Записки о Бухарском ханстве. (отчеты П.И.Демезона и И.В.Виткевича). М. Наука,1983. с. 51.

## **XIX АСРНИНГ ИККИНЧИ ЯРМИДА ШАҲРИСАБЗ БЕКЛИГИ (П.Равшанов тадқиқотлари асосида)**

**Поёнов Т.**

*тадқиқотчи*

*Қарши Давлат университети*

Амир Насрулло ўрнига тахтга чиққан амир Музаффарнинг салтанатни идора этишдаги муаммоларидан энг қийини Шаҳрисабз ва Китоб бекликларининг итоатда ушлаб туришэди. Бухоро амирларининг кўшин устига кўшин тортиши оқибатида аҳоли моддий жихатдан қийинчилик кўради, солиқлар, ҳар хил турдаги йиғинлар ҳаддан зиёд кўпайиб кетади[1:469].

Амир Музаффар ҳокимиятга келган йилларда Шаҳрисабз ва Китоб беклиги номигагина Бухоро амирлигига тобе эди. 1863 йилда амирлик ҳудудларига ташриф буюрган сайёҳ Х.Вамбери бу ҳолат ҳақида:У, “Бухоро хонлиги, Хивада бўлгани сингари, сиёсий нуқтаи назардан катта шаҳарлар сонига қараб бўлинади. Ҳозирги вақтда хонлик эгаллаган ҳудуди ва аҳолиси сонига қараб кўйидаги бекликлардан ташкил топган: 1) Қоракўл, 2) Бухоро, 3) Қарши, 4) Самарқанд, 5) Карки, 6) Хизор (Хузор), 7) Миёнқол ёки Кармина, 8) Каттакўрғон, 9) Чоршўй (Чоржўй), 10) Жиззах, 1) Уратуба, 12) Шари Сабз (Шаҳрисабз). Бу сўнгги беклик катталиги жихатидан Самарқандга тенглашади, бироқ амир билан мунтазам олиб борилган урушлар оқибатида унинг фақат бир қисмини хонлик тобе дейиш мумкин”, деган фикрни айтади [2:46].

Аштархонийлар давридан эътиборан мустақиллик учун тинимсиз курашиб келган Шаҳрисабз ва Китоб XIX асрнинг иккинчи яримларига келиб ҳарбий жихатдан анча мустаҳкам эди. Амир Насрулло батамом бўйсундиришга эриша олмаган бу икки шаҳар анча гавжумлашган бўлиб, ҳар бир шаҳарда 18-20 мингдан атрофида аҳоли яшаган.

Амир Музаффар тахтни эгаллагандан кейин Шаҳрисабз ва Китоб бекликларига нисбатан авваллари ўтказиб келган йўлни тутди. У қўйган ҳокимларни аҳоли ҳоҳламайди. Амирбек ва Зокирбек Шаҳрисабз ва Китоб ҳокимиятига келгач, зўравонлик ва нафсни ҳаддан оширади. Олиқ-солиқлар улар ҳоҳлагандай амалга оширилади[3:113]. Халқ норози бўлиб, адолат талаб қилишади. Амир Музаффарга деҳқонлар, хунармандларнинг ҳақли талабини «бўйсунмаслик исёни». деб талқин қиладилар. Бекликлардаги кўтарилишлардан кўрқиб кетган амир Шаҳрисабз ва Китобга қиладиган юришини хаспўшлаш учун Самарқанд орқали отлар уюрларини ҳайдаш

тадбирини қўллайди. Отлар уюрларини минглаб сипоҳийлар Шаҳрисабз ва Китоб сарҳадларига ҳайдаб келадилар. Буни одатдаги яйлов кўчуви деб, эътиборсиз қараган кенагаслар устига бало ёпирилади. Қанча бегуноҳ кишилар қурбон бўлади, кўплар асирга олиниб Бухорога олиб кетилади. Амир Музаффар қўлига тушганлар орасида Китобнинг бўлажак ҳокими, тўқсабо Жўрабек ҳам бўлади.

Амир Музаффарнинг хийласи элнинг ғазабини тошириб юборади. Кенагасларнинг очамайли шоҳобчаси вакиллари амирга қарши кураш бошлаганларнинг олдинги сафида бўлади. Уруғ саркори Ҳакимбек бир гуруҳ йигитлари билан Шаҳрисабз қалъасини ишғол этиб, амир қолдирган қоравуллар ва сарбозларни оломон қилиб, шаҳардан ҳайдаб юборади. Ашурбек қўлга олинади ва банди этилади. Жанговор гуруҳ Шаҳрисабзни озод этиб, Китоб кўрғонига ҳужум уюштиради. Бу ерда зиндонда сақланаётган Жўрабек ва бошқа ғалаёнчилар ҳибсдан қутқарилади.

Амир Музаффар сиёсатига қарши борган аҳоли Шаҳрисабзга Ҳакимбекни, Китобга эса Жўрабек тўқсабони ҳоким қилиб кўтардилар. Орадан кўп ўтмай, Жўрабекнинг ҳоким бўлиши баъзибир бийларнинг иззат-нафсига тегади ва унинг ўрнига 6 ойдан сўнг амакиларидан бири Қобилбек Китоб беклигига қўйилади. Бийларнинг Жўрабекка нисбатан амалга оширган фитнаси оддий одамларнинг, қўшиндаги сипоҳларнинг норозилигига сабаб бўлади. Қобилбекда элни бошқарадиган, оғир вазиятда тадбир қўллайдиган қобилият йўқ эди.

Жўрабек элу халқининг, сипоҳларнинг қўллаши билан яна Китоб беклигини эгаллайди. Амир Музаффар Бухорога қайтганидан сўнг тоғлик бекликларда содир бўлган воқеаҳодисалар уни яна жунбишга келтиради. Вазиятни ўрганмай, уни тинч, муомала-ю мадора йўли билан ҳал қилиш чораларини хаёлга ҳам келтирмай, қўшинларини оёққа турғизади. Амир Музаффарнинг бу галги юриши икки ойга чўзилиб кетади. Шаҳрисабз ва Китобга, кўрғонларга қилинган ҳужумлар натижа бермайди. Амир кўпгина сипоҳларидан ажралади, қамал қилинганлар ҳам катта зарар кўрадилар. Бесамар уруштинкани қуритиб, ўртада сулҳ вужудга келади. Битимга мувофиқ асирлар қайтарилади. Бу ярашув ҳам номига бўлади [1:471]. Амир Музаффар Шаҳрисабз ва Китоб қасдида яна юришлар қилади, икки ўртадаги муносабат тобора кескинлашиб боради. 1868 йилга келиб Бухоро билан алоқалар узилган, Шаҳрисабз ва Китоб бекликлари мустақиллик кайфиятида ҳукм сураётган эди.

XIX асрнинг иккинчи ярми бошларида Туркистон Хива. Бухоро ва Қўқон хонликларига бўлиниб қолган эди. Улар ўртасида узоқ вақтлар давомида душманчилик кайфиятишум суриб келди. Бири иккинчиси ҳисобига чегарасини кенгайтириш, иккинчиси учинчиси мулкларини талаш билан машғул бўлиб, ягона ватан, она-юрт ҳақида мутлақо ўйлаб кўрилмади. Хонликларнинг ҳар бирида ички низолар ва зарб кетган эди. тож-у тахт билан боғлиқ сарой фитналари эмас, вилоятларда уруғлар ҳам ёвлашиш

даражасига келиб қолган эди[4: 49].Қадим Туркистоннинг аввалги шукуҳи, ҳарбий қудрати заифлашиб бормоқда эди.

Жўрабек ва Ҳакимбекларнинг амир Музаффар розилигисиз Китоб, Шаҳрисабз бекликларини идора қилиши Бухорода яхши қабул қилинмайди. Ғазабланган амир Музаффар катта кўшин билан босиб келади. Бу юриш натижага эриша олмайди. Икки томон ҳам кўп куч йўқотади. Ўртада ноилож сулҳ қарор топади. Узоқ вақтлардан бери анъана бўлиб келганидек, бу ярашув ҳам омонат эди.

Амир Насруллодан иқтисодиёти издан чиққан, бошбошдоқлик авж олган хонлик мерос бўлиб қолган эди. Узоқни кўра билмаслик, айш-ишратга берилиш, тахтим омон бўлса, бас, қабилида ҳукм суриш мамлакатни жарлик ёқасига келтириб қўйган эди. Амир Музаффар хонликда қаттиқ ўрнашиб қолган уруғбозлик қутқуларига, маҳаллий ҳокимлар ва бийларнинг ўзбошимчалигига, бир сўз билан айтганда, ички ҳокимият талашувларига барҳам бера олмади. У ҳам ихтилофни, низони бартараф қилишнинг бирдан-бир йўли кўшин тортиш, қалъаларни яқсон қилиш, деб билади. Бу хилдаги ваҳшиёна қон тўкиш усули манғитлар сулоласи ҳокимиятга келгандан буён мунтазам амалда бўлиб келган бўлса-да, самарасиз эканлиги мутлақо ўйлаб кўрилмаган эди.

Амир Музаффар ҳам неча бор Шаҳрисабз ва Китоб устига босқин дағдағаси билан келади. Ойлаб давом этган курашларда қонлар тўкилган, иш тагин сулҳ билан яқун топган. Қўқон ва Хива хонликларида ҳам аҳвол бундан яхши эмасди. Ички курашлар гирдобида қолган Туркистон қисмати Шимолдан келаётган хатар хавфида қолганди.

Кўпдан буён Марказий Осиёни босиб олиш мақсадида унга кўз тикиб турган Чор Россияси тажовузи учун қулай вақт етилиб келмоқда эди.

Юртни босқин кўланкаси ўлкани чўлғаган бир пайтда Музаффар тахтда барқарор эди. В.В. Бартольд бу ҳақда, “Насрулло вориси Музаффариддин тахтга чиққан на (1860-1885) руслар Сирдарёнинг қуйи оқимида қаттиқ ўрнашган эди. Шу жойдан аста-секин қадимий Мовароуннахрнинг бошқа қисмларига ҳам силжий бошладилар Бир қанча мағлубиятлардан кейин амирнинг русларга бўйсунушидан бошқа чораси қолмади...», [4:51]деган эди.

Хуллас, XIX асрнинг иккинчи ярмида Чор Россияси асорати бошланади. Ватан бошига яна мустамлакачиликнинг мудҳиш кунлари тушади. Шаҳрисабз ҳам руслар томонидан истило этилади.

#### **Адабиётлар:**

1. Равшанов П. Шаҳрисабз тарихи. Тошкент., “Янги аср авлоди”. 2011. Б.469.
2. Равшанов П. Қашқадарё тарихи. Тошкент., “Фан”, 1995. Б.46
3. Равшанов П. Нахшаб ва Кеш тарихи манбалари. Қарши., 2005. Б.113
4. Равшанов П., Хушвақов Н. Қашқадарё тарихига саёҳат. Тошкент. 2020. Б.

## LIAISON TERMEZ ET AMOU DARYA: ECONOMIE DE LA VILLE

**Makhmasobirova F.U.**

*Doctorante  
à l'université Aix Marseille*

Il est connu de l'histoire que les villes le long du fleuve se développent plus rapidement que les autres villes. La vie socio-économique des villes le long des voies navigables dépend également du facteur fluvial. Est-ce la même chose à Termez, sur les rives de l'Amou Darya, même l'image de la ville était une ancre. Nous pouvons également le voir dans les anciennes pièces de monnaie trouvées dans la région de Termez. Dans cet article nous discutons de l'économie de la ville dans l'époque médiévale et nous analysons les relations économiques et sociales de Termez avant l'invasion mongole.

Quant à la vie économique de Termez, le fait que la ville soit située sur les routes maritimes et terrestres a eu un impact positif sur sa vie économique. Termez situé sur la rive gauche de l'Amou Darya, était un port majeur sur la voie navigable de la fleuve au Moyen Âge développé et était l'une des villes stratégiquement importantes au sud de Mawarannahr.

Il est connu de nombreuses sources écrites que Termez était l'une des villes portuaires les plus importantes de la voie navigable d'Amou Darya à l'époque ancienne et médiévale. Le célèbre ambassadeur d'Espagne, Clavijo, a également déclaré que les marins portant des étiquettes spéciales permettraient aux gens de traverser d'un rivage à l'autre lors d'un passage près de Termez[1, p. 100].

Dans le système de traversées importantes sur l'Amou Darya, l'importance de la traversée près de la ville de Termez était beaucoup plus élevée. Une autre traversée majeure sur la rivière Amou Darya, près de la ville de Termez, était une route caravanière qui reliait la partie sud de la région avec l'Afghanistan et l'Inde, en particulier la ville de Balkh. Selon un expert qui a étudié les anciennes routes caravanières de l'Asie centrale, U. Mavlonov[2], l'émergence de la ville de Termez peut être vue en relation avec les activités de ce passage, ce qui signifie que Termez a été construit pour contrôler les activités de ce passage.

On peut voir que Termez a établi des liens économiques avec d'autres villes d'Asie centrale, y compris les villes le long de l'Amou Darya. Selon al-Maqdisi[3], des navires de diverses villes sont arrivés au port de Termez. Ces navires ont remonté l'Amou Darya, ainsi que vers le bas, vers Khorezm. Il convient de noter que les navires ont été construits à Termez et qu'il s'agissait de l'un des centres de construction navale les plus importants d'Asie Centrale. Le fait que le quartier des bateliers, connu sous le nom de «Kashtabonon», soit situé dans la partie sud de la ville, et à la fin du Moyen Âge, à l'ouest de l'arc de la ville, parmi les maîtres de la construction navale, prouve notre point[4, p. 249]. Rtveladze a déclaré qu'il y avait de tels quartiers à Termez, tirant les conclusions des fouilles archéologiques à Termez au XXe siècle. Dans les temps anciens et médiévaux, des liens économiques et culturels entre les villes de Termez et l'oasis de Khorezm ont été

établis le long de la voie navigable d'Amou Darya. Les résultats des fouilles archéologiques dans les villes et lieux antiques du bassin d'Amou Darya le confirment[5, p. 64-66]. Dans ses recherches sur Khorezm, Khidirniyazov a parlé de ses relations commerciales aux XV-XVI siècles, notant que les relations entre Termez et Khorezm ont commencé bien avant ce siècle. Les traversées de Termez dans le cours supérieur de l'Amou Darya à la voie navigable d'Amou Darya à Kath ont été importantes dans le système de communication de la région. L'opération de ces passages et leur accessibilité ont mis en évidence l'importance des itinéraires caravaniers reliant les parties nord et sud de la région en tant que système continu.

Selon les sources historiques, la ville a produit de nombreux articles différents, tels que savons, bateaux, métaux et verres, et exporté la substance à base de plantes appelée l'ase fétide; la céramique devrait avoir été une fabrication bien développée, car Termez était également connu pour la fabrication de cruches[6, p. 2]. L'ase fétide a été largement utilisée en médecine, ainsi que dans la fabrication d'aliments et de boissons délicieuses et parfumées au Moyen-Orient et en Inde.

La route des caravanes de Termez à Balkh (les ruines de Balkh sont situées dans le nord de l'Afghanistan, à 22 verstes (environ 24 km) de l'actuelle ville de Mazar-e-Sharif), la plus grande ville du Khorasan oriental, connue en arabe comme «Umm ul-Bilod» (mère des villes), était très importante, et entre eux se trouvait un grand village appelé Siyahgird[7, p.126-128].

Pour montrer le potentiel économique de la ville de Termez des informations sont également disponibles dans les travaux des géographes historiens arabes. Pour apprécier la situation économique de Termez, on peut citer les informations données par Ibn Hurdadbeh [8] sur kharvǰ. L'un d'eux était Ibn Khurdadbeh, qui dans son travail cite le montant de kharvǰ pour 2 ans payé par les villes locales aux Tahirids. 47 100 dirhams ont été payés par la ville de Tirmidh. À titre de comparaison, 48 500 dirhams ont été payés de Saganian (Chaganian), ce qui est légèrement plus grand que Termez, 90 000 dirhams de Nasaf, 293 400 dirhams de la province d'Amul et 12 600 dirhams de Simindjan (une ville montagneuse du Tokharistan).

Aux XI-XIII siècles, les principaux centres de commerce et d'artisanat de la ville étaient situés à rabat (faubourg). Il y a au moins 10 caravansérails dans la région de Rabat, dont la plupart sont situés sur ou près de la route principale. Certains palais sont situés dans la partie centrale de rabat. Ibn Hawqal a écrit qu'il y avait des caravansérails à Termez qui rapportaient beaucoup d'argent[9].

La ville avait des quartiers séparés pour les potiers, les forgerons, les artisans du laiton et les verriers. Les potiers de Termez ont été les premiers en Asie centrale à produire des céramiques émaillées avec une surface parfaite. Les experts n'ont pas de conclusion claire sur le moment où ce type de traitement céramique est apparu. Certains experts disent qu'il est originaire de la période Kushan, mais il n'est pas possible de le déterminer à partir des fragments de poterie conservés. La poterie en émail qui subsiste remonte au VIIIe siècle. Aux

X-XI siècles, les céramiques de la ville de Termez étaient de haute qualité et richement décorées. La production de céramique émaillée s'est développée à partir du XI<sup>e</sup> siècle et est devenue l'une des méthodes les plus courantes au XII<sup>e</sup> siècle. C'est au cours de cette période que la céramique à motifs s'est répandue. Il est décoré de divers motifs islamiques, *girrih* et épigraphiques [10, p. 48-50]. Un autre domaine important de l'artisanat était la verrerie. La verrerie est depuis longtemps l'une des industries les plus développées de la région de Bactriane. La production de verre de Termez a pris la deuxième place après la céramique aux XI-XIII siècles. Le nombre de verreries a augmenté et la technologie de production s'est considérablement développée [11, p.53-58].

Le plus grand centre de la production textile était Merv, suivi de Boukhara et de l'oasis de Boukhara, et le troisième centre était Samarkand. À cet égard, selon «*Hudūd al-‘Ālam*», les tissus en laine, les tapis étaient des spécialités des maîtres de Termez et Chaganian [12, p.114].

À partir des données sur la situation économique des Termez au Moyen Âge, on peut conclure que la vie économique de la ville était directement liée au fleuve et aux routes fluviales. Avec l'artisanat produit dans la ville, Termez a été activement impliqué dans les relations commerciales non seulement avec les villes d'Asie centrale, mais aussi avec l'Afghanistan et l'Inde voisins. Le caractère unique de chaque *mahalla* (quartier) artisanal de la ville témoigne du haut niveau de la culture de l'urbanisme à Termez. Au Moyen Âge, en particulier aux X-XII siècles, l'économie de Termez s'est développée. Bien que la ville ait été détruite lors de l'invasion mongole, par la suite, la ville s'est reconstruite. On peut en voir la preuve dans la déclaration d'Ibn Battuta selon laquelle il existe de grands marchés dans la ville [13].

### **Bibliographie:**

1. RUI GANSALES DE CLAVIJO. *Samarqandga Amir Temur saroyiga sayohat kundaligi (1403-1406 yillar)* (Journal d'un voyage à Samarkand au palais d'Amir Temur (1403-1406) / Traduit de l'Ancien Span, préface et commentaire par I.S. Mirokova. Moscou, 1990, p. 100-101

2. MAVLONOV U.M. Markaziy Osiyoning qadimgi yo'llari: shakllanishi va rivojlanish bosqichlari ("Les anciennes routes d'Asie centrale: formation et étapes du développement") – Tashkent. Akademiya, 2008.

3. MAQDISI, Lutshei razdelenie dlya poznanie klimatov (Ahsan fi-taqasim li ma'rifiti aqalim), sur l'édition De Goeje (BGA, III) (en ligne) disponible sur: <http://www.vostlit.info/Texts/rus15/Mukaddasi/frameset1.htm>

4. RTVELADZE.E. Sivilizatsii, gosudarstva, kulturi (Civilisation, État, Culture) p.249

5. KDIRNIYAZOV M.Sh. Termezisrednevekoviye goroda Xorezma. K voprosu o svyazax materialnoy kulturi Termezai yegookrugov s Xorezmom v XV-XVI vekax (Termez et les cités médiévales de Khorezm. À la question des liens de la culture matérielle de Termez et de ses quartiers avec Khorezm aux XV-XVI

siècles) // Le rôle de Termez dans la civilisation mondiale. Collection scientifique. – Tachkent, Fan, 2001. p. 64-66.

6. Judit MOLERA, Veronica Martinez FERRERAS, « Islamic Glazed Wares from Ancient Termez (Southern Uzbekistan) Raw Materials and Techniques» *Journal of Archaeological Science: Reports* 29 (2020) 102169, p.2( en ligne) disponible sur: <https://www.sciencedirect.com/journal/journal-of-archaeological-science-reports/vol/29/suppl/C>

7. BARTOLD V. *Turkestan v epoxy mongolskogo nashestviye* (Le Turkestan à l'époque de l'invasion mongole)... – p. 126-128.

8. IBN XORDODBEH, *Kniga putey i stran* (Kitab al-masalik val-mamalik), traduit par. N.M. VELIKHANOVA, Le texte est reproduit à partir de l'édition: Ibn Khordadbeh. Livre des chemins et des pays, Moscou, 1986, (en ligne) disponible sur: <http://www.vostlit.info/Texts/rus2/Hordabeh/frameset2.htm>;

9. IBN HAWQAL, *Kniga putey i stran* (Kitab al-masalik-va-l mamalik), source en ligne, disponible sur: <http://www.vostlit.info/Texts/rus9/Haukal/frameset4.htm>

10. PIDAYEV SH. *Goncharnoye iskusstvo Termeza v XII- nachale XIII vekov* (L'art de la poterie de Termez au XIIe-début XIIIe siècles), Bactriane et Tokharistan dans l'Antiquité et le Moyen Âge. Samarkand, 1993, pp. 48-50

11. PIDAYEV SH. *Steklo srednevekovogo Termeza* (Verre de Termez medieval)// ONU № 7, 1986, p. 53-58

12. HUDŪD al-'ĀLAM «The regions of the world' a persian geography 372 a.h.- 982 a.d. translated and explained by v. MINORSKY with the preface by v. V. BARTHOLD, printed at the university press, oxford, for the trustees of the 'E. J. W., Gibb memorial' And published by messrs. Luzac & co. 46 great russell street, london, w.c. 1 1937, p.114

13. IBN BATTUTA. *Sayohatnoma* (Tuhfat an-nuzzar fi gharayib al-amsar et ajayib al-asfar) traducteur IBRAHIMOV. N. – Tachkent, Sharq bayozi, 1993.

Мавлонов, Ў. (2008). Марказий Осиёнинг қадимги йўллари: шаклланиши ва ривожланиш босқичлари. Тошкент: Академия.  
Сагдуллаев, А., & Мавлонов, У. (2006). Узоекистонда давлат бошқаруви тарихи.

Мавлонов, Ў., & Маҳкамова, Д. (2004). Маданий алоқалар ва савдо йўллари. Тошкент: Академия.

Мавлонов, У. М. (1994). Торговые и культурные связи Кашкадарьинского оазиса в XVII-XIX вв.

Мавлонов, У. М., Каримов, Я. А., & Артиков, Х. (2017). Место амударьинских переправ в коммуникационной системе центральной Азии. *The Newman in Foreign policy*, (38 (82)), 54-58.



## ИЛК ЎРТА АСРЛАР ДАВРИГА ОИД СУҒДИЙ ТИЛЛИ МАНБАЛАРДА ФАРҒОНА ТАРИХИНИНГ ЁРИТИЛИШИ

Халмуминов У.Р.

т.ф.ф.д. (PhD), доц.,

Тошкент Кимё халқаро университети

Суғдий тилли манбалар айнан Суғд воҳаси ва унга туташ ҳудудларда, суғдийлар устувор бўлган муҳитда яратилган. Улар орасида энг муҳими VIII асрнинг илк чорагига тегишли, бугунги кун илмий адабиётида “Муғ тоғи суғдий ҳужжатлари” деб юритиладиган ҳужжатлар туркумидан иборат [1]. Суғдий тилли ҳужжатларнинг деярли барчаси 1960-йилларда совет шарқшунослари томонидан рус тилига, кейинчалик улардан бир қисми инглиз ва француз тилларига ўгирилиб чоп этилди. Ҳужжатларни русчага ўгириш мобайнида В.А. Лившиц, О.И. Смирнова, М.Н. Боголюбов каби тилшунос ва тарихчи олимлар уларда учрайдиган кўплаб тарихий атамаларга, киши исмлари ва унвонларга кенг изоҳлар берган бўлиб, улар орасида Фарғона тарихига тегишли қисмлари ҳам бор.

Кейинги йилларда суғдий ҳужжатлардан бир қисмини, шу жумладан, Фарғона тўғрисида сўз борувчи ҳужжатларни француз ва инглиз тилларига ўгириб, уларга бирмунча кенг изоҳлар ёзган француз олимлари Ф. Гренэ ва Э. де ла Веспьерларнинг изланишлари диққатни ўзига тортади [2]. Шунингдек, суғдий жой номлари ва киши исмлари (ономастика) бўйича чуқур изланишлар олиб борган россиялик тадқиқотчи П.Б. Лурье суғдий ҳужжатлардаги киши исми ва унвонларга тўхталар экан Фарғона билан боғлиқ атамаларни ҳам келтириб ўтган [3]. Бундан ташқари, суғдий ҳужжатларни тарихий ва тилшунослик нуқтаи назаридан тадқиқ этган хорижлик олимлардан яна бири япониялик Ё. Ютаканинг изланишлари ҳам диққатни ўзига тортади [4].

Суғдий ҳужжатлар бўйича ўзбек суғдшунослари ҳам бирмунча илмий ишлар олиб боришган. М. Исҳоқов етакчилигидаги ўзбек суғдшунослик мактаби вакиллари бу борада анчагина тадқиқотлар нашр қилган бўлиб, уларда Фарғона билан боғлиқ жиҳатларга ҳам тўхталиб ўтилган. Фарғона тарихи учун бирламчи маълумот берувчи А-14 ҳужжати М. Исҳоқов томонидан илк бор ўзбек тилига ўгирилган бўлса [5], яна бир ҳужжат В-17 эса М. Исҳоқов, Ғ. Бобоёров ва А. Кубатинлар томонидан илмий изоҳлари билан ўзбек тилида чоп этилган [6]. Шунингдек, ушбу тадқиқотчилар А-14 ҳужжатининг изоҳлар билан тўлдирилган қайта нашрини ҳам амалга оширишган. Бундан ташқари, суғдшунос А. Отахўжаев ўзининг қатор ишларида суғдий ҳужжатларга тўхталиб ўтар экан Фарғона билан боғлиқ томонларига ҳам эътибор қаратган [7].

Бу ҳужжатлар асосан, Панч ва унинг теваарагидаги ҳукмдорликларга тегишлидир. Жумладан, А-14, В-17 деб юритиладиган “Муғ тоғи ҳужжатларида”ги Фарғона ва Ғарбий турк хоқонлигига тегишли маълумотлар учрайди. Улардан биринчисида *βry'nk MLK* “Фарғона подшоси”,

*βry'nk twttk* “Фарғона тутуғи” тўғрисида сўз борса, қолган иккитасида “хун (турк) хоқони” ва унинг ёнидаги “фарғоналик кўмондон” ҳақида эслатиб ўтилади. Ушбу сатрларни таҳлил қилган тадқиқотчилар ҳужжатлардаги *βry'nk MLK* “Фарғона ҳукмдори”ни водийнинг “ихшид” унвонли бошқарувчилари билан *βry'nk twttk* “Фарғона тутуғи”ни эса Хитой ёки Шарқий Турк хоқонлиги томонидан водийда ноиб сифатида тайинлаган амалдор билан тенглаштирадilar. Фақат Ғ. Бобоёров суғдий А-14 рақамли ҳужжат мазмунидан келиб чиқиб, бир вақтлар айрим тадқиқотчилар, шу жумладан, В.А. Лившиц томонидан “тутуқ” Хитой империясининг ноиби бўлиши мумкин мазмунидаги фикрнинг нотўғри эканини олға суради. Унга кўра, ҳужжатда “хоқонга ва Фарғона ҳукмдориға аталган мактубнинг Фарғона тутуғига топширилгани” ҳақида гап бориши, бу эса “тутуқ” Турк хоқонлигининг, Фарғона водийсидаги ноиби бўлганини тасдиқлайди [8].

Турк хоқонлигининг ҳар иккала қаноти – Шарқий хоқонлик ва Ғарбий хоқонлик унвонлар тизимида *тутуқ* унвони учраб, кўпчилик тадқиқотчилар уни “бирор вилоятнинг ҳарбий-маъмурий ҳокими маъносидаги хитойча *ду-ду* сўзидан ўзлашган” деб ҳисоблайдилар. Уларга кўра, Ғарбий турк хоқонлигида ҳам ушбу унвон эгалари худди шундай вазифани бажаришган [9]. Шу билан бирга, ушбу унвонни қадимги туркча *тут-* “тутмоқ” феълидан шаклланган, деб қаровчи тадқиқотчилар ҳам талай [10]. Бироқ *тутуқ* унвони хитойчадан ўзлашгани ҳақиқатга яқин кўринади [11]. Чунки ушбу унвон хоқонликдан анча олдин, милодий IV асрда Хитой бошқарувида анча фаол равишда учрайди. Ғарбий турк хоқонлиги тарихига алоқадор манбаларда мазкур унвон эгасининг айнан қайси вазифани бажарганига доир батафсил маълумот учрамайди.

Шунга қарамай, *тутуқ* унвонининг Хитой сулолалари бошқарувидаги вазифасидан келиб чиқиб, шунингдек, баъзи маълумотларга асосланиб, уни хоқонларнинг жойлардаги вакили (эҳтимол, ҳарбий) – ноиби бўлган, деб тахмин қилиш мумкин. Жумладан, битиктошларда хоқонликка қарши олиб борилган жангларга йўлбошчилик қилган “*Табғач (Хитой) ўнг-тутуқ*”, “*Аз (қабиласи) тутуғи*” ҳақида гап бориши [12], А–14 рақамли Муғ тоғи суғдий ҳужжатида “*хоқонга ва Фарғона ҳукмдориға аталган хат топширилган Фарғона тутуғи*”, Ўтрор тангаларида “*Алп хоқон тутуқ*” ёки “Алп-хоқон тутуғи” жумлалари учраши ушбу унвон эгаларининг ҳарбий ишлар билан машғул бўлганидан дарак беради. Умуман олганда, суғдий тилдаги манбаларнинг Фарғона ва Ғарбий турк хоқонлиги тарихини ёритишдаги аҳамияти шуки, Суғд ва Фарғона алоқалари доирасида шаклланган ҳужжатларда томонларнинг ўзаро муносабатлари доирасида акс эттирилган. Шу сабабли, уларни ўзига хос далиллар сифатида баҳолаш мумкин.

Турк хоқонлиги тарихини ёритувчи хитой йилномалари ва битиктошларда *тутуқ* (ҳарбий волий) унвони *субоши*, *ана-тархон* (бош лашкарбоши), *сангун* (кўмондон, генерал), *чабиши* (ҳарбий амалдор), *бингбоши* (мингбоши), *юзбоши*, *ўнбоши* ва ҳоказо каби ҳарбийларнинг унвони ёки лавозим номи сифатида келади [13]. Ғарбий турк хоқонлиги

таркибидаги вассал хукмдорликлар орасида Фарғона ва Ўтрордагина ушбу унвоннинг учраши эса ўша даврда ҳар иккала хукмдорликнинг хоқонлик сиёсий ҳаётида алоҳида ўрни бўлганини кўрсатади.

### Адабиётлар:

1. Согдийские документы с горы Муг. Чтение, Перевод. Комментарий. Вып. II. Юридические документы и письма / Чтение, перевод и комментарии В. А. Лившица. Москва:Изд-во восточной лит-ры, 1962; Согдийские документы с горы Муг. Чтение. Перевод. Комментарий. Вып. III. Хозяйственные документы. Чтение, перевод и комментарии М. Н. Боголюбова и О. И. Смирновой. – Москва., 1963.

2. Grenet F. Les «Huns» dans les documents Sogdiens du montMugh (aves un Appendice par N. Sims-Williams // StIr, 7. ЎтудесIrano-Aryennesoffertes б Gilbert Lazard. – Paris, 1989. – P. 165–184; GrenetF., de la VaissiereE. The last days of Panjikent // Silk Road Art and Archaeology, 8. – Kamakura 2002. – P. 155–196.

3. Лурье П. Б. Историко-лингвистический анализ согдийской топонимии: Дис. ... канд. фил. наук. – Санкт-Петербург: Санкт-Петербургский филиал ИВ РАН, 2004. – 305 с.; Lurje P. Personal names in Sogdian texts in Iranisches Personennamenbuch 2. Mitteliranische Personennamen 8. – Wien: Verlag der Цsterreichischen Akademie der Wissenschaften, 2010.

4. Yoshida Y. On the Origin of the Sogdian Surname Zhaowu and Related Problems // JA. – Paris, 2003. – No. 1–2 (291). – P. 35–67.

5. Исҳоқов М. Унутилган подшоликдан хатлар (Бир туркум суғд хужжатларининг ўзбек тилига таржимаси ва изоҳлари). – Тошкент.: Фан, 1992. – Б. 5-6.

6. Исҳоқов М., Бобоёров Ғ., Кубатин А. Суғдий тилидаги манбалар / Ўзбекистон тарихи. Хрестоматия, 2/1. – Тошкент.: Фан, 2014. – Б. 64-71, 83-84; Бобоёров Ғ., Ғойибов Б., Кубатин А. Ўрта Осиё битиклари – I. Суғдий ёзма ёдгорликлар. – Тошкент: Tafakkur avlodi, 2020. – Б. 24-58.

7. Отахўжаев А. Илк ўрта асрларда Марказий Осиё цивилизациясида турк-суғд муносабатлари. – Тошкент.: ART-FLEX, 2010. – Б. 13.

8. Babayar G. Fergane bölgesinde bulunan Türk-Runik yazılı Köktürk sikkeleri üzerine // Dünden Bugüne İpek Yolu: Beklentiler ve Gerçekler. İstanbul, 2008. – S. 135-146.

9. Ecsedy H. Old Turkic titles of Chinese origin // Acta Orient. Hung. T. XVIII. – 1965. – P. 84; Gabain A. von. Eski Türkçenin Grameri. Türkçe çev. M. Akalın. – Ankara: TTK, 1988. – S. 302.

10. Бернштам А.Н Социально-экономический строй... – С. 114; Абдурахмонов Ғ., Рустамов А. Қадимги туркий тил... – Б. 119.

11. Ecsedy H. Old Turkic titles ... – P. 84; Джуманалиев Т. Д. Очерки политической истории кочевников Притяньшаня с древности до конца XVII века. – Бишкек, 2007. – С. 197.

12. Абдурахмонов Ф., Рустамов А. Қадимги туркий тил. – Тошкент.: Ўқитувчи, 1982. – Б. 108–109.

13. Дадабаев Х. Военная лексика в староузбекском языке / Дадабаев Х., Насыров И., Хусанов Н. Проблемы лексики староузбекского языка. – Ташкент.: Фан, 1990. – С. 8–11.

## **BUXORO AMIRLIGIDA KO‘TARILGAN XITOIY-QIPCHOQ QO‘ZG‘OLONIDA TASHQI KUCHLARNING TUTGAN O‘RNI**

**Rahmonov A.**

*O‘zbekiston Milliy universiteti talabasi*

XVIII asrning ikkinchi yarmiga kelib Buxoro o‘lkasida mang‘itlar sulolasi hokimiyatga keldi va mang‘itlar sulolasining ikkinchi hamda uchinchi vakillari bo‘lgan Amir Doniyolbiy otaliq (1758–1785), shuningdek, Amir Shohmurod (1785–1800) davrida mamlakatda mang‘itlar sulolasining hokimiyati bir muncha mustahkamlandi. Mang‘itlar sulolasi markaziy hokimiyatining kuchayishi hamda mamlakatda nisbatan barqarorlik o‘rnatilgan davr Amir Shohmurod davriga to‘g‘ri kelib, amirning davlat boshqaruvida amalga oshirgan islohotlari, shuningdek, halq oldidagi obro‘si mang‘itlar sulolasining xalq tomonidan keng qo‘llab-quvvatlanishiga olib keldi. Amir Shohmurodning tashqi va ichki siyosatida amalga oshirgan keng ko‘lamli faol harakatlari natijasida Buxoro amirligi ham bir muncha mustahkamlandi. Ayirmachilik harakatlari bostirilib, mamlakatda barqaror rivojlanish uchun imkoniyat yaratildi. Amir Haydar hukmronligining dastlabki yillari esa ana shu osoyishta davrlarga to‘g‘ri keldi. Amir Haydar ibn Amir Shohmurod Buxoro amirligining to‘rtinchi hukmdori bo‘lib, u ona tomondan ham sayyidlarga, ham Chingiziylarga borib taqalar edi, yanada aniqroq qilib aytganda, Amir Haydar ashtarxoniyalar sulolasining vakili Abulfayzxonning qizi Shamsiya bonuning Amir Shohmurod nikohidan tug‘ilgan o‘g‘li edi. Shu jihatdan, Amir Haydar o‘ziga xon rutbasini olishi ham mumkin edi. 1800-yili 2-dekabr kuni Amir Haydar Buxoro taxtini rasman egalladi.

Amir Haydar shaxsiyati haqida manbalarda turli ma‘lumotlarni topishimiz mumkin, jumladan Ahmad Donish o‘zining “Risola tarixiy” yoxud “Ta’rixii saltanati xonadoni mang‘itiya” asarida quyidagi ma‘lumotlarni beradi: “Bu podsho yoshlik davridayoq din ilmini chuqur o‘rganish, Qur’onni yod olish, kun ora ro‘za tutishga ahd qilgan [1. – B. 31] bo‘lib, bu uch majburiyatni o‘z ahdiga muvofiq ado etar edi”. Biz Ahmad Donishning yuqoridagi bu ta’rifi Amir Haydarga tom ma’noda mos kelganligi bois Amir Haydar shaxsiyati haqida bildirilgan boshqa manbalarda kelgan fikrlarga to‘xtalib o‘tirmaslikni lozim topdik. Amir Haydar ham yuqorida nomlari zikr qilingan hukmdorlar singari mamlakatni birlashtirish, hokimiyatni markazlashtirish uchun harakatlar olib bordi. Uning tashqi siyosati dastlab samarali bo‘lgan edi. Jumladan, Hitori shodmon o‘lkasiga Amir Haydarning amalga oshirgan yurishi natijasida bu yerdagi ayirmachi hokim Olloberdiyori o‘ldirildi va bu viloyat qaytadan mamlakat tarkibiga qo‘shib olindi [2. – B. 65]. Shuningdek, O‘ratepaga amalga oshirilgan dastlabki yurish ham

Bekmurodbek ibn Hudayorbekning aldov yo'li bilan o'ldirilishi oqibatida muvaffaqiyatli yakun topdi. Shunga qaramasdan, Amir Haydar hukmdorligining keyingi davrlari mamlakatda beqarorlik holati hukm surganligi bilan xarakterlidir.

Amir Haydar davrida Buxoro amirligining o'z qo'shnilari bilan tashqi aloqalari yaxshi bo'lmay, bu holat ko'pincha mamlakat uchun ayanchli hodisalarni yuz berishiga olib kelar edi. Xususan, mazkur davrda Amir Haydar uchun ham eng asosiy xavf tashqi xavflar bo'lib ular ko'pincha markazdan qochuvchi kuchlar, yoki ayirmachi kuchlarning tashqi kuchlar, jumladan, Qo'qon xonligi yokida Xiva xonligi tomonidan qo'llab-quvvatlanishi ko'rinishida namoyon bo'lar edi. Bularning barchasi esa mamlakatda aholi ahvolining yomonlashishi, xalq noroziligining oshishi, talon-toroj ishlarining tez-tez yuz berib turishiga olib kelgan edi. Maqolada Buxoro amirligida ko'tarilgan va davlatni tom ma'noda larzaga keltirgan xitoy-qipchoq qo'zg'oloni haqida so'z yurtamiz.

Umuman olganda, Buxoro amirligida tashqi kuchlar tomonidan qo'llab-quvvatlangan qo'zg'olonlar juda ko'p bo'lib, Amir Haydarning raqiblari bu qo'zg'olonlarning har qanday ko'rinishidan foydalanishga harakat qilgan edilar. Jumladan, Xiva xoni Eltuzarxon yordamida Dinnosirbekning mamlakat janubida joylashgan Marv viloyatida ko'targan qo'zg'olonini shunday qo'zg'olonlar sirasiga kiritishimiz mumkin. Bunday qo'zg'olonlardan yana biri Xitoy-qipchoq qo'zg'oloni bo'lib, u uzoq davom etganligi bilan xarakterlidir. Bu qo'zg'olon 1821 – 1825-yillarda davom etgan bo'lib, bu qo'zg'oloni davom etish muddatini Mirzo Shams Buxoriyning “Bayoni ba'zi havodisoti Buxoro, Ho'qand va Qashg'ar tarixi” asarida 7 yil muddat deb bergan [3, – B. 9-10]. Ushbu qo'zg'olonning boshlanishiga turtki bo'lgan sabablarga to'xtalsak, ular bir qancha bo'lib bu sabablardan quyidagilarni alohida ajratib ko'rsatish mumkin.

1820-yili Amir Haydar qo'shinida vabo kasalligi tarqaladi va buning natijasida Amir Haydar xitoy-qipchoqlar jamoalaridan 500 nafar askarni Marv viloyatiga safarbar etish to'g'risida farmon chiqaradi, shuningdek, Kattaqo'rg'on hokimi bo'lgan Ayozbek xitoy-qipchoq qabilasidan soliqlarni oldindan yig'ib olishga urinadi, bularning barchasi qo'zg'olon boshlanishiga turtki bo'lgan edi. Umuman olganda, bu qo'zg'olon Amir Haydarning soliq siyosatiga qarshi qaratilgan qo'zg'olon edi. Muhammadhakimxon To'raning “Muntaxab at-tavorix” asarida keltirilishicha, qo'zg'olon hijriy 1236-yil, milodiy 1820–1821-yillarda yuz bergan bo'lib, Samarqand hokimi Davlat qo'shbegi nevarasi Shukurbekning to'yi munosabati bilan Yangi qo'rg'on qal'asiga tashrif buyuradi. Ammo o'sha kuni kechasi xitoy-qipchoq qabilalari [4, – B. 66] Davlat qushbегining oilasini talab, o'zini qamoqqa oladi hamda Jizzax qamali bilan band bo'lgan Qo'qon xoni Umarxon huzuriga jo'natadi, shuningdek, Mirzo Shams Buxoriy o'z asarida bu qo'zg'oloni boshlanishi haqida quyidagi ma'lumotlarni berib o'tgan edi: xitoy-qipchoq qabilasi bu 12000 [5. – B. 10] oilalik qabila bo'lib, ular Miyonqoldan Samarqandga qadar bo'lgan yerlarda yashashgan. Ular Yangiqo'rg'on va Chelak qal'alarini egallab oladilar hamda Shahrizabz, Xiva, Qo'qon hukmdorlariga yordam so'rab xatlar yuboradilar. Ular, shuningdek, Samarqanddan 8 chaqirim uzoqlikda yashovchi qoraqalpoq qabilalarini ham amirga qarshi kurashishga

undadilar. Tez orada Yangiqo'rg'on qalasi ham egallanib, hokimi Ayozbek asirga olinadi. Bundan xabar topgan Xiva xoni Muhammad Rahimxon esa Buxoro sari qo'shin tortib keladi va bu yerlarda talonchilikni avj oldiradi. Buxoroning Chorjo'y viloyatini ayovsiz talab Qorako'l darvozasiga o't qo'yib, ortga qaytadi.

Amir Haydar Urganch qo'shinini daf qilish uchun Rajab devonbegi boshchiligida qo'shin jo'natadi. Muhammadhakimxon To'raning "Muntaxab at-tavorix" asarida keltirilishicha, ushbu qo'shin Urganch qo'shini tomonidan mag'lub qilinadi. Bu jangda Rajab devonbegining o'g'li Erdonabiy ham asirga tushadi.

"Anjum at-tavorix" asarida esa bu qo'zg'olon davom etayotgan paytda Umarxon Jizzax qamali bilan band bo'lganligi va xitoy-qipchoq, qoraqalpoq sardorlari Odinaqulibiy va Ma'murbiy o'zlarining ming nafar odamlari bilan kelganligi haqida yozgan edi. Shuningdek, ushbu asarda Shahrisabz hokimi Doniyolbiy otaliq Qo'qon xoniga Avliyo yasovulboshi orqali xat berib yuborilganligi va bu xatda Umarxonga xitoy-qipchoq, qoraqalpoq qabilalarini qo'llab-quvvatlash orqali Samarqandni egallash taklifi berilgan, shuningdek, birgalikda harakat qilib Buxoro amirligiga qarshi kurashish taklif qilingan edi. Bundan shu ma'lum bo'ladiki, Shahrisabz bekligining asosiy vazifasi Buxoro amirligini Shahrisabzga bo'lishi kutilgan bosqinining oldini olish bo'lgan. Qo'qon xonligi esa bu isyonlarni qo'llab-quvvatlash orqali Jizzax qal'asini egallash va Buxoro Amirligini kuchsizlantirishga erishishni asosiy vazifa qilib olgan edi. Bundan keyingi harakatlar ham aynan shu yo'nalishda davom etgan edi. Xudoyorxon zodaning "Anjum at-tavorix" asarida bundan keyingi voqealar quyidagicha bayon qilinadi: "Oqibat shunday qarorga keldilarki, Hazrati valine'mat Umarxon va saltanat markazida turib, buzg'unchi yuz qavmiga jazo berish uchun mashgul bo'lib, sipohni orasta qilib, ul o'lkani egallanishi uchun yuborib, ehtiyojga yarasha lashkarni ta'minlab yetkazish uchun madad berib turadi.

Umarxon Samarqand qamalida Buxoro Amirining amakivachchasi Is'hoqbek ibn Mahmud, Arslonbek dodxoh, Yodgorbek dodxoh va Rahmonquli parvonachini o'n ming sipoh bilan Shoh pisand boshchiligida 200 to'pchi va 10 adad to'p qoldirib o'zi Jizzax qamaliga qaytib ketdi. Tez orada Jizzax qal'asi ham egallanib, u yerning hokimi Abdurasul ham o'z o'rnida qoldiriladi.

Ammo undan keyingi voqealar Mirzo Shams Buxoriyning asarida boshqacha tasvirlanadi. Unga ko'ra Amir Haydar Samarqandga isyonni bostirishga keladi va dastlab Chelak qal'asini qamalga oladi. Qamal uzoqqa cho'zilib, Amir Haydar bundan hech ish ko'rmay ortiga qaytib ketadi. Shuningdek, "Bayoni ba'zi havodisoti Buxoro, Ho'qand va Qoshg'ar" ("Buxoro, Qo'qon va Qashqarning ayrim voqea-hodisalari bayoni") asarida keltirilishicha, ushbu isyon 7 yil davom etib, nihoyat xitoy-qipchoq qabilalarini Hisor va Shahrisabz hukmdorlarining vositachiligida Amir bilan yarashishi hamda qo'zg'olon rahbarlari Odinaqulibiy va Ma'murbiylarni Amir Haydar huzuriga borib, o'z gunohlarini tan olishi bilan yakunlanadi, deb bayon etiladi.

Shuningdek, bu voqealarni bo'lishi ushbu asarda 1825-yilga to'g'ri kelganligi ko'rsatib o'tiladi. Ammo Hakimxon To'raning "Muntaxab at-tavorix" asarida esa bu isyonning yakuni quyidagi ko'rinishda davom etiriladi:

Amir Haydar o'z yaqinlari bilan Samarqand shahriga keladi, bu yerda dastlab Yangiqo'rg'on qal'asi qamali bilan band bo'ladi, ammo, u yerni qo'lga kirita olmasligini bilgach Buxoroga qaytib ketadi. Ammo xuddi shu davrlarda Umarxon ham yo'qlik olamiga ko'chib, Qo'qon hukmronligi toji Muhammadalixon boshida edi. Bu esa Amir Haydarga Muhammadalixon bilan aloqalarni yahshilash uchun imkon bo'lib Amir Haydar o'zining elchilarini Ismatullobiy boshchiligida bir qancha peshkashlar bilan Muhammadalixon huzuriga jo'natgan edi. Muhammadalixon bunga javoban Azimboy dodxoh va Eshon sultonxonni Ismatullobiy bilan Amir Haydar huzuriga qayta jo'natadi, bu orada Amir Haydar hali ham xitoy-qipchoq qamali bilan band bo'lib, "Muntaxab at-tavorix" asarida bu davrda Amir xitoy-qipchoq qabilasini ikki yarim oy qamal qilganligini yozadi [6, –B. 69]. Shuningdek, Eshon Sultonxon Amir va Yangiqo'rg'on qal'asi ichidagi xitoy-qipchoq qabilalari bilan vositachilik qilib, bu ikki tarafni murosaga kelishida yordam bergan edi. Bundan shuni anglash mumkinki, Amir Haydar yuqorida zikr etilgani kabi Muhammadalixonga elchi jo'natgan bo'lsa, undan ushbu qo'zg'olonni to'xtatishda yokida qo'llab-quvvatlamaslikda Qo'qon xonidan yordam so'rganligi ma'lum bo'ladi. Garchand asarlarda voqealar turlicha keltirilsada, Qo'qon xonligiga oid barcha asarlar ushbu qo'zg'olonida Qo'qon xonligini ishtirokini tasdiqlaydi.

Amir Haydar hukmronligining so'nggi davrlariga kelib mamlakatda ayirmachilik harakatlari kuchayib ketadi, bu harakatlar esa amirlikning tinkasini quritgan edi. Shu bilan birgalikda, bu isyonlar qo'shni davlatlarni Buxoro amirligini ichki ishlariga aralashishiga, shuningdek, hududiga daxl qilishiga ham olib kelgan edi.

Bu davrda Buxoro aholisining umumiy turmush darajasi ham ancha yomonlashgan bo'lib bu amaldorlarni markazga bo'ysinmaslikka intilishida ham namoyon bo'ladi. Bularning barchasi mamlakat uchun oxiri ko'rinmas urushlar bo'lishi uchun shart-sharoit yaratar edi.

Amir Haydar davrida qo'zg'olonlar ham ko'p bo'lib turganligini Ahmad Donish ham o'zining "Risola tarixiy" yoxud "Ta'rix saltanati xonadoni mang'itiya" asarida quyidagicha yozgan edi: "Amir Haydarning ulamolarga iltifoti cheksiz edi bu esa o'z navbatida amirlarning g'ashiga tegar edi. Amirlar podshodan ortiqcha mulk va sovg'alar olib turish uchun turli elatlarni unga qarshi qo'zg'atib turar edilar. Chunki hamma joyda tinchlik hukm sursa podsho hech vaqt xonaqoh va madrasadan tashqariga chiqmas va din ulamolaridan boshqa hech kimga iltifot ko'rsatmas edi. Shu bois har uch yokida olti oyda goh u viloyatda, goh, bu viloyatda isyon uyishtirib amirni bu hududlarga qo'shin tortishga undar edilar. Bu orqali esa amirdan mulk va tanho yerlarini olar edilar [7, – B. 32].

Bularning barchasi esa hali mamlakatning mustahkam emasligidan darak berar edi. Shuningdek, Amir Haydar davrida Qo'qon va Buxoro munosabatlari doimgidan ham yomon bo'lganligi bunga sabab esa ular o'rtasidagi O'ratepava

Jizzax qalalari uchun doimiy raqobatni mavjudligi edi. Shu bois ham bu ikki davlat bir-biriga qarshi kurashda ayirmachi kuchlardan yaxshi foydalanganligini ko‘rishimiz mumkin.

Doniyolbiy otaliq o‘z xatida Qo‘qon xoni Umarxonga quyidagilarni yozgan edi. “Adolatni yoyuvchi xotiri munirlaridan yashirin qolmaskim, bizning qavmlarimiz va ajdodlarimizga Buxoro hukumatdorlarining mang‘it amirlaridan qanday zulm va jafolar yetgan. Oxirgi topqir xam bu muzofotning shaharlari va aholisi ular noiblari yetkazgan musibatlarini natijasida poymol bo‘ldi. Xorazm xonlariga nisbatan ham bunday zulm va sitamni kup ravo ko‘rganlar. Xulosa shul kim, ularning ko‘ksilaridagi oyinalari xonlar va hukumatdorlariga nisbatan tiniq va pok emas. Kinna va adovat zangidan u darajada qora va kir bo‘lganki, davru zamonlar o‘tgach murosa va madoro bilan xam uni yuvib tozalab bo‘lmaydi” [8, – B. 233].

Yuqoridagilardan kelib chiqib shuni aytish mumkinki, Amir Haydar Turkiston va O‘ratepa viloyatlarida yashovchi qozoq va yuz qabilasini Qo‘qon xonligiga qarshi kurashda qo‘llagan bo‘lsa, bu jarayon xitoy-qipchoq qo‘zg‘olonlarida ham Qo‘qon tomonidan ushbu qabilalarni markazga qarshi qo‘llab-quvvatlashiga olib kelgan edi. Yuqoridagi omillarning barchasi O‘rta Osiyo xonliklar o‘rtasida bo‘lgan munosabatlarning tinch rivojlanishiga yo‘l bermadi va ular o‘rtasida doimiy kurashlar, raqobatlar bo‘lishiga olib keldi.

#### **Adabiyotlar:**

1. Ahmad Donish. “Risola tarixiy” yoxud “Ta’rixii saltanati xonadoni mang‘itiya” (Mang‘it xonadoni sulolasining qisqacha tarixi). – Toshkent. 2014. – B. 31.
2. Muhammadhakimxon To‘ra. Muntaxab at-tavorix – Toshkent. 2014. – B. 65.
3. Григорьев В.В. О некоторых событиях в Бухаре, Хоканде и Кашгаре. Записки Мирзы-Шемса Бухари. Казань, 1861. – С. 9-10.
4. Muhammadhakimxon To‘ra. Muntaxab at-tavorix – Toshkent. 2010. – B. 66.
5. Григорьев В.В. О некоторых событиях в Бухаре, Хоканде и Кашгаре. Записки Мирзы-Шемса Бухари. Казань, 1861. – С. 10.
6. Muhammadhakimxon To‘ra. Muntaxab at-tavorix – Toshkent. 2014. – B. 69.
7. Ahmad Donish. “Risola tarixiy” yoxud “Ta’rixii saltanati xonadoni mang‘itiya” (Mang‘it xonadoni sulolasining qisqacha tarixi). – Toshkent. 2014. – B. 32.
8. Muhammadhakimxon To‘ra. Muntaxab at-tavorix – Toshkent. 2014. – B. 233.



# **МАРКАЗИЙ ОСИЁДА АҲОЛИ МИГРАЦИЯСИ, ЭТНОГЕНЕЗ ВА ЭТНОМАДАНИЙ ЖАРАЁНЛАР: ТАРИХ ВА ЗАМОНАВИЙ АНЪАНАЛАР**

\*\*\*\*\*

## **ДЎРМОН УРУҒИ ТАРИХИ ХУСУСИДА**

**Абдушукуров Б.Б.**

*фил.ф.д., проф.,*

*Тошкент Давлат Ўзбек тили ва адабиёти университети*

Халқимизнинг этник таркиби назар ташлайдиган бўлсак, ўзбекларнинг 92 уруғдан иборат экани тўғрисидаги фикрлар қадимдан сақланиб келмоқда. Юз уруғидан етишиб чиққан истъодли шоир Турди Фароғийнинг қуйидаги мисрлалари ҳам буни тасдиқлайди:

Тор кўнгулук беклар, ман-ман деманг, кенглик қилинг,

Тўқсон икки бовли (бори) ўзбек юртидур тенглик қилинг.

Дўрмон ана шундай 92 та ўзбек қавмларидан бири сифатида Ўзбекистон, Тожикистон ва Афғонистон ҳудудларига Дашти Қипчоқдан XVI-VII асрларда келиб ўрнашган. Дўрмон лар Бухоро амирлигининг сиёсий ҳаётида фаол қатнашиб келган. Тожикистон аҳолисини рўйхатга олиш маълумотларига кўра дўрмонларнинг сони 2000 йилда 3502, 2010 йилда эса 7608 кишини ташкил этган.

Ўзбекистон ҳудудида дўрмон қавми кичик-кичик гуруҳларга бўлиниб тарқоқ ҳолда яшаган. Асосан, Зарафшон дарёси ва Сурхондарё вилоятидаги Қоратоғ дарёсининг ўрта оқими, Сурхон дарёсининг юқори оқимлари, Боботоғ этаклари, Тошкент воҳасида, қисман Хоразм вилоятида ҳаёт кечиришган. Дўрмон қавмининг таркибида оқ қўйли, увоқ, уч уруғ, кўк челак, нўғай, гурдак, ой тамғали каби оймоқлари бўлган. Марказий Осийда Дўрмон атамаси жой номлари сифатида сақланиб қолган. Масалан, Тошкент шаҳри яқинидаги Дўрмон қишлоғи, Сурхондарё вилояти Узун туманидаги Дўрмантерак қишлоғи.

Дўрмон уруғи Сурхон воҳасида анча кенг ҳудудларда тарқалганлигини кузатиш мумкин. Шеробод воҳасида, Шеробод дарёсининг ўнг irmoғида жойлашган Ҳожиги қишлоғи аҳолисининг кўпчилигини дўрмонлар ташкил этган. Ҳисор ва Сурхон воҳаларида дўрмонлардан 7979 та, Қабодиён ва унинг атрофида эса 2400 киши борлиги аниқланган. Улар яшаш жойларига қараб икки гуруҳга-ҳисори ва қабодиёнга бўлинган. Шунингдек, улар Кофирниҳон воҳасининг ўрта ва қуйи оқимида, Боботоғнинг шимолий қисмидаги кўплаб қишлоқларда ҳам яшашган [1]. Н.Г.Борознанинг фикрича, Боботоғ дўрмонлари асосан гурдак, нўғай ва чарчур уруғларидан иборат бўлган.

Дўрмон уруғининг бир қисми Сарийосиё ва Денов ҳудудларида ҳам мавжуд. Уларнинг Холчаён, Файзово, Ўланқул, Серҳаракат, Янгиобод

(Лойлик) кишлоклари ҳамда тоғли Жийдабулок, Анорбулок, Шоршар, Заркамар ва Пистамозор кишлокларида ҳам борлиги аниқланган. Маълумотларнинг гувоҳлик беришича, улар воҳага бундан 200-250 йил олдин келиб жойлашганлар. Дўрмонларнинг воҳага келишини ҳам Муҳаммад Шайбонийхон билан боғлашади [2].

Н.Аристовнинг кўрсатишича, қадимги араб ёзувчиларидан Амир Рукниддин Байбарс (1325 йили вафот этган) ва Ибн Холдунлар (1332-1406) нинг маълумотига кўра ўша даврда Арабистонда яшаган қипчоқларнинг 11 уруғи бўлган: тўқсаба, ета (сета), буржўғли, бурли (элбўли), қангуўғли, анжўғли, дурут, қарабарўғли, жузнан, қарабиркли, кўтан (кунун). Олимнинг фикрича, араблар қадимги даврларда Арабистондаги туркий халқларнинг деярли барчасини қипчоқ деб аташган [3]. Шу маънода, шевашунос Х. Дониёров айтмоқчи, бу ерда қипчоқларнинг аймақлари сифатида саналган уруғ ёки қабилаларни, яъни қангуўғлини қангли, анжўғлини олчин ёки арғин, дурутни ду(ғ)лат, тўртовул ёки дўрман деб тушуниш мумкин.

XIV асрда яшаган машҳур Шарқ тарихчиси Рашидиддин Фазлуллоҳ Қазвиний (Ҳамадоний) “Жомеъ-ат таворих” асари 92 қавмга бўлинувчи ўзбекларнинг уруғ ва қабилаларини ўрганишга тааллуқлидир. Рашидиддиннинг китоби ана шу жиҳатдан ҳам аҳамиятлики, у катта олим, табиб ва давлат бошлиғи сифатида XIV асрдаги тарихий воқеалар, хусусан, ўша даврдаги туркий халқларнинг қabila ва уруғларга бўлинишларини жуда яхши билганидир.

Муаллиф асарда кўрсатилган қabila ва уруғларнинг келиб чиқиши ҳақидаги тарихий маълумот ва ривоятларни қайд қилишга, уларнинг бошлиқлари ҳақида тўлароқ маълумот беришга ўтади. Жумладан, қуйида татар, дўрман ва баҳрин уруғлари хусусидаги фикрларга тўхталамиз.

Татар (тотор). Рашидиддин уларни жуда қадимдан бери бўлган, илгари 70 минг уйдаи иборат бўлган, бошқаларга хирож тўлаб келганлигини айтади. Кўпинча татар авлодлари ўзаро уришиб келганлар. Лекин улар дўрбан (дўрман), солжувит ва қатоқин (қатоған) қабилар билан бирлашиб иттифоқ тузгач, анча мартабага эришган ва баъзи бошқа турк қабилалари ҳам уларга қўшилиб ўзларини татарлар деб атай бошлаганлар.

Дўрбан (дўрман). Бу қabila ҳам нерунлардан бўлиб, Баҳрин уруғига яқин туради. Улар бир илдиздан келиб чиққан. Чингизхон вақтида булар ҳам тойжувутларга қўшилган. Булардан чиққан нуфузли амирни Пўлат ака деб аташган.

Баҳрин. Бу қabila дўрманга яқин туради. Суканут қабиласи шулардан келиб чиққандир. Муаллифнинг фикрича, буқа билан инготаси канизақдан туғилган бўлиб, уни Сукай деб аталган ўт (қиёт ёки кўға)нинг орасидан топиб олганликлари учун уларни кейинчалик суканут деб атаб кетишган. Муаллиф яна шу қабиллада Янги деган бир кишининг Чингизхон томонидан унга яхшилик қилгани учун тархонлик даражасига кўтарилганлигини ҳам қайд қилади.

Соҳибқирон Амир Темур ва темурийлар даврида (Шарафиддин Али Яздийнинг “Зафарнома”, “Темур тузуклари” асарлари мисолида) авғон, апарди, араб, арқамут, арғун, орлот, ашқужа (аш кузи), баҳрин, барлос, булғачи, гуржи, дуғлот (дўрман), дулдой, жалойир, жата, қалжи, қорлиқут, керай, кўрбуқа, туркун, манғит, мўғул, найман, ос (аз), оққўйлук, парлон, солучи, сулдус, тағочи, тархон, тожик, туман, татар, турк, туркман, тулкичи, уйғур, черкас,, чигатой, ўзбек, уйрот, козок, қангли, қирғиз, қайтоғ, қораукас, қорақуйлук, қипчоқ, қўнғирот, ҳазора каби уруғлар бўлган. Бугун мамлакатдатуркий (эскиўзбек тили) тил асосий ва бирдан-бир коммуникатив алоқани бажарган.

Кўпгина тарихий асарларда кўчманчи ўзбеклар ёки қипчоқ-ўзбекларнинг Ўрта Осиё, жумладан, Ўзбекистонга ерлашуви тарихи фақат XVI аср, яъни Шайбонихон қўл остидаги ўзбекларнинг Ўрта Осиёга кириб келиши вақтидан бошланган, деб кўрсатилади. Баъзида бугунги ўзбек миллатининг келиб чиқиш қадимияти, унинг 92 уруғи Дашти Қипчоқ билан боғлаб қўйилади. Ҳолбуки, бу ҳақиқатга тўғри келмайди. Чунки қипчоқ-ўзбекларнинг Ўрта Осиё билан яқин муносабати қадим даврларга бориб тақалади. XVI асрда эса қипчоқ-ўзбеклар бу ҳудуддаги ўтроқ ўзбеклар таркибига энг сўнгги катта компонент сифатида келиб қўшилди. Аслида “Тарихи Гузидаи Нусратнома”да Олтин Ўрда ва Дашти Қипчоқда арғун, дўрмон, бек, найман, қиёт, ички, қўнғирот, туман, манғит, уйғур, туба туман, уйшун, ўртачи, жот, масит, бекқут, чимбой, шунқор, қалмоқ, қўшчи, қишлиқ, можор, тотор, солоркозон, чакмоқ, юзбеги, туркман, отувчи қолиқ, ички байри (навкар), бошқирд, иирхон (тархон), ойрат, бурқут, имак, керак каби уруғ ва аймоқлар яшагани тилга олинган. Улардан дўрмон, қиёт, қўнғирот, манғит, уйшун, жат, можор, татар, бошқирд, қўшчи, найман, уйғур, курловут, ички уруғларининг бошлиқлари Муҳаммад Шайбонийни тахтга кўтариш жараёни ва ҳарбий юришларда фаол иштирок этишган. Абулхайрхон ва Муҳаммад Шайбонийлар давридаги ўзбек уруғлари мавжуд манбалар бўйича ўрганилганда умумий сони 30 га етмайди. Шундай экан, Муҳаммад Шайбоний истилоси даврида Дашти Қипчоқдан Мовароуннаҳрга кириб келган 92 уруғ ҳақидаги маълумотларни қайта мулоҳаза қилиш зарур [7].

Мовароуннаҳр, Хуросон, Бадахшон, Дашти Қипчоқнинг бир қисмини қўл остига бирлаштирган Абдуллахон II нинг XVI асрда Ҳиндистондаги бобурийлар салтанатининг подшоси Акбаршоҳга ёзган мактубида 92 ўзбек уруғи тилга олинган. Мазкур маълумотлардан хабардор бўлган Ҳофиз Таниш Бухорий “Абдулланнома” асарида дўрмон қавмини 80 га яқин ўзбек уруғ номлари қаторида қайд этади. Жумладан, мазкур уруғ ҳақида қуйидаги маълумотни бериб ўтади: “Бу тоифа ҳам Нуридан тарқалгандир. Шундай нақл қиладиларки, булар ака-ука бўлиб, тўрт ўғилдурлар. Улар ўзлари турган жойдан Чингизхоннинг вилоятига киришни истаганлар ва сол боғлаб унга ўтирганлар ва унинг вилоятига

кирганлар. Ҳикоя қиладиларки, дўрмон қавми ўшаларнинг наслидандур ва мўғулча “дўрмон” “тўрт ” деганидир” [12].

Абулғозий Баҳодирхоннинг «Шажараи турк» асарида дўрмон уруғини Мўғулнинг Бичанқаён отли подшоҳини тўрт ўғлидан тарқалган деб таъкидлайди: Мўғулнинг Бичинқаён отли подшоҳининг беш ўғли бор эрди. Кичиги барчасиндим яхшироқ эрди. Отаси ўлар бўлганида: «Кичик ўғлимни тўра қилинг!» — теб васият қилди. Халк ҳам кичик ўғлини тўраликка лойик билиб хон кўтардилар. Анинг оти Тимач Мерган эрди. Тўрт улуғи халққа кўп айтдилар: «Биз тўртимизнинг қар қайсимизни тўра қилсангиз розимиз, аммо кичикка рози эрмасмиз»,— теб. Халк ул тўртининг сўзларин қабул қилмадилар. Анинг учун элга ўпкалаб, юртдан кетиб, ёт элнинг ичина бориб ўлтурдилар. Мўғул тўртни дўрман дер. Ёт эл бу йигитларга дўрманлар теб от қўйдилар. Ул тўртиси ўлди. Ўғлонлари қайтиб қаринтошлари ичига келдилар.

Абулғози Баҳодирхон барин қавмини дўрмоннинг авлоди сифатида келтириб ўтади: бир Дўрманнинг уч ўғли бор эрди. Улуғининготи Барин. Барча Барик эли анингнаслитурурлар. КичикинисиҚадхудойбўлди[13].

XIX асрда ўзбек халқининг уруғ ва қабилаларга бўлиниши, унинг ҳаёти ва урф-одатлари ҳақида ёзилган китоблар ичида Н.Ханиковнинг «Бухоро хонлигининг тавсифи» (Описание Бухарского ханство - 1843 йил) деган асари алоҳида ўрин тутди [15]. Н.Хаников XIX асрнинг ўрталарида Бухоро хонлигида яшаган ўзбеклар сони ва ўзларининг ҳамжиҳатлигига кўра етакчилик ролини ўйнаганини таъкидлайди. У ўзбекларнинг жуда кўп уруғ ва қабилалар ҳамда аймақларга бўлиниши хусусида сўз юритар экан, дўрман 57- ўриндазикр қилинган.

Х.Вамбери ўзбек уруғлари тўғрисидагификр ва мулоҳозаларини 1865 йилда ёзилган «Ўрта Осиё бўйлаб саёхат» номли китобида баён қилган. Мазкур асар ўша даврда Хива хонлигига тегишли бўлган ерлардаги 32 та уруғ ва қабилалар ҳақида маълумот беради: 1. Қўнғирот. 2. Қипчоқлар. 4. Манғитлар. 5. Нўқис. 6. Найман. 7. Қулам. 8. Қиёт. 9. Ўз (аз). . 10. Тоз. 11. Сайёд. 12. Ч(Ж)иғатой. 13. Уйғур. 14. Ойбет. 15. Дўрман. 16. Ўшин (Уйшун). 17. Қанжиғали. 18. Нуғай. 19. Болғали.20. Метан (Митан). 21. Жалайир. 22. Кенагас. 23. Қангли. 24. Ичкили. 25. Бағурли (Бавурли). 26. Олчин. 27. Очмойли (Очамайли). 28. Қорақурсоқ. 29, Бирқулоч. 30. Тирлиш. 31. Катта кесар. 32. Минг.

А.Хорошхиннинг “Сборник статей, касающихся до туркестанского края” тўпламидагимаълумотлари Зарафшон воҳасида яшовчи ўзбек уруғлари, уларнинг яшаш жойларини акс эттиради. Муаллиф ўзбек халқининг 92 уруққа бўлинишини рус олимлари ичида биринчилардан бўлиб эътироф этган мутахассислардан. Унинг «Қитмир» китобига таяниб, ўзбек халқининг 92 бовли уруғи келтириб ўтади. Бунда дўрман уруғини 35 ўринда тилга олади.

Н.А.Аристовнинг «Туркий қабила ва халқларнинг этник таркиби бўйича мулоҳазалар ва уларнинг сони тўғрисида маълумотлар» [18] номли

асарида туркий халклар тарихи ва этнографиясининг олимлар (хусусан, рус ва гарб туркологлари) томонидан XIX аср охирига қадар қандай ўрганилгани жамланган.

Муаллиф туркий халқларнинг шаклланишида асосий роль ўйнаган энг қадимги қабилалардан 12 тасини ажратиб кўрсатади: 1) қангли, 2) қипчоқ, 3) дўрлат (дўрман), 4) олчин, 5) арғин, 6) найман, 7) кирейт, 8) қирғиз, 9) соха ёки ёкут, 10) теле, 11) турк, 12) қарлук.

Д.Н.Логофетнинг 1911 йилда ёзилган «Бухоро хонлиги рус вассаллигида» [19] деган асарида 103 та ўзбек уруғи номи берилган бўлиб, дўрман уруғи 11 ўринда битилган. Б.Аҳмедовнинг XIV-XV асрларда Абулхайрхон бошчилигида қипчоқ-ўзбекларнинг ташкил топиши, ижтимоий-иқтисодий муносабатлари, сиёсий-маъмурий тузилиши, унинг Олтин Ўрда хонлиги ва темурийлар давлати билан алоқаларига бағишланган “Кўчманчи ўзбек давлати” [21] китобида ўзбек, қозоқ, қорақалпоқ халқларининг этнографиясига оид анчагина материаллар мавжуд. Шу билан бирга, мазкур китобда ўша вақтда кўчманчи ўзбеклар таркибига кирган уруғлардан буркут, қиёт, қушчи, қўнғирот, уйшин, найман, жот, чимбой, қарлук, кенагас, дўрман, манғит, нукус, тангут, уйғурлар ва минг каби йигирма учтасининг номи берилган.

Х.Дониёровнинг фикрича, ўзбекларнинг 92 уруғга бўлиниши ўша кўчманчи ўзбеклар давлати вақтидан бери давом этиб келган (ҳеч бўлмаганда, бу бўлинишнинг тарихи улар Ўрта Осиёга кириб келгандан кейин, яъни XVI асрдан бошланган). Чунки қипчоқ-ўзбеклари орасида сақланиб қолган уруғлар номининг кўпчилиги айнан ҳолда қозоқ ва қорақалпоқлар орасида ҳам учрайди (Масалан: қўнғирот, қипчоқ, юз, найман, манғит, қангли, уйшин, дўрман, арғин, миситлар, кенагаслар ва бошқалар). Демак, китобда келтирилган уруғлар ана шу 92 уруғнинг фақат бир қисми бўлиши мумкин.

Кўриб ўтганимиздек, маннбаларда дўрмон сўзини мўғулча “тўрт” деган маънони билдириши таъкидланган. Бундан шу нарса маълум бўладики, тўрт ака-укадан тарқалган авлодлар дўрмонлар деб атала бошланган. Маълумотларга кўра, дўрмонлар тўрт тоифадан иборат бўлиб, 18 та уруғга бўлинган [23]. Унинг биринчи тоифаси учури деб номланган. Бу тоифа уруғлари: тибир, солтиқ, қоратона, қунур, ола-той, жомонтой, охча, уйли ва бошқалар. Қиённома тоифасининг уруғлари: қиёт, қабла, қутучи, жертебар, тўкизалу, оқ қўйли.

Гурдак тоифасининг уруғлари: нўғой, қозоқ, бўрбой, уста. Соксан тоифасининг уруғлари маълум эмас. Шунингдек, дўрмонларни яна увоқ, уч уруғ, кўк челақ, йўғон, ой тамғали, қўйли каби бир қатор уруғларга бўлинганлиги қайд этилган [24]. Юқорида тилга олинган уруғлардан ташқари бошқа бир қатор уруғлар ҳам борлигини кузатишимиз мумкин. Масалан, бугунги кунда Узун туманидаги Серҳаракат кишлоғида яшовчи дўрмонлар таркибида биз кўрсатиб ўтган уруғлар билан биргаликда бодрок, мойда-турк, кўсакалас, чорчур, жумук, мода, кал, нўғой, бўрлоқ каби уруғларни учратиш

мумкин [25]. Мазкур туманда дўрмон уруғи олдин уч-тўртта қишлоқларда яшаганлиги кузатилган бўлса, ҳозирда улар яшайдиган қишлоқлар сони 17 дан ошган. XIX - XX аср бошларида дўрмон уруғи Сурхон-Шеробод воҳасининг маълум бир қишлоқларида ҳаёт кечирган бўлса, ҳозир воҳанинг барча туманларида истиқомат қилади. Дўрмон уруғларининг маиший турмуш тарзи, уй жой, ўтов қурилиши, тил шеvasи ва антропологик типи бўйича улар ўзбек-қўнғиротларидан деярли фарқ қилмайди.

### Адабиётлар:

1. Борозна Н.Г. Социалистические преобразования в хозяйстве и быте узбеков-дурменов в долине Кафернигана и Бабатагских гор.: Автореф. дис. канд. ист. наук. - М.: МГУ, 1966. - С. 16.
2. Наджимов К. Антропологический состав населения Сурхан-Дарьинской области.-Т.: САГУ, 1958. - С. 84; Хидоятлов И. К вопросу о формировании населения южных районов Узбекистана// Из истории культуры народов Узбекистана. - Т. , 1965. - С. 12.
3. Аристов Н.А.Заметки об этническом составе тюркских племен и народностей. – СПб., 1897. -С. 98.
4. Петрушевский И.А. Рашид-ад-дин и его исторический труд. Сборник летописей. -Т. 1.-М.-Л.:1952. -С.36.
5. Дониёров Х. Ўзбек халқининг шажара ва шевалари.–Т.:Наврўз, 2017. - Б.21-24.
6. Дониёров Х. Ўзбек халқининг шажара ва шевалари. – Т.: Наврўз, 2017. -Б. 34.
7. Носиров Ў. Ўзбеклар шажараси. -Тошкент: Extremum Press, 2011. - Б.364.
8. Дониёров Х. Ўзбек халқининг шажара ва шевалари.: Наврўз, 2017.Б. 13-15.
9. Самойлович А.Н. К истории среднеазиатско-турецкого литературного языка. Сб. Мир Али-Шир. - Л.,1928. -С.4-6; Бернштам А.Н. Социально-экономический строй Орхоно-Енисейских турок. - Фрунзе, 1946. -С.6-8; Шералиев М.Ш. Озарбайжонтилидакипчокэлементлари//Ўзбек тили ва адабиёти. -Т., 1961. -№6; Решетов В.В. Узбекский язык, Ч.1.-Т., 1959. - С.60; Наджиб Э.М. Кипчакско-огузский литературный язык мамлюкского Египта XIV века. Автореферат док.дисс.-М., 1965. -С.2.
10. Маҳмуд Кошғарий. Девону луғотит турк. -Тошкент: 2016. -Б.358.
11. Носиров Ў. Ўзбеклар шажараси. -Тошкент: Extremum Press, 2017. - Б.366.
12. ХофизТаниш Ал-Бухорий. Абдулланом. Форс тилиданС. Мирзаев таржимаси. Сўз боши ва изоҳлар муаллифи Б.Ахмедов. -Т.:Шарқ,1999.- Б.46.
13. Абулғозий. Шажарайи турк. - Тошкент: Чўлпон, 1992. -Б.41
14. Абулғозий. Шажарайи турк. Тошкент: Чўлпон, 1992. -Б.38.
15. Вамбери Х. Путешествие по Средней Азии. – СПб., 1865.
16. Гребенкин А.К. Узбеки. -СПБ: Русский Туркестан. -№2. -М.,1872.

17. Носиров Ў. Ўзбеклар шажараси. -Тошкент: Extremum Press, 2011. - Б.371.
18. Аристов Н.А. Заметки об этническом составе тюркский племен народностей. -СПб., 1897. -С.178.
19. Логофет Д.Н. Бухарское ханство под русским протекторатом. 1897. - С.155.
20. Ғози Олим. Ўзбек лаҳжаларини таснифда бир тажриба. – Тошкент, 1936.
21. Ахмедов Б.А. Государство кочевых узбеков. -М.: Наука, 1965.
22. Абдураимов М.А. Очерки аграрныхотношение в Бухарском ханства. - Т. : Фан, 1966.
23. Рустамов М. Ўзбекэтнографияси.-Т., 1990.-Б. 19.
24. Чориев З. Тарих атамаларининг қисқача изоҳли луғати.- Т.:Шарқ,1999.-Б. 38.
25. Дала маълумотлари. Узун тумани. Серҳаракат қишлоғи. 2001 йил, апрель.

## **ЎРТА АСРЛАРДАГИ ЖАНУБИЙ ШАРҚИЙ УСТЮРТ ҚИРИ ШАҲАР ЭЛАТЛИҚЛАРИ**

**Алимбетов А.К.**

*т.ф.ф.д.(PhD),*

**Қдырниязов О-Ш.М.**

*т.ф.н., доц.,*

**Толыбаев М.Е.**

*ўқитувчи*

*Нукус Давлат университети*

Элат- кишиларнинг тил, ҳудуд иқтисодий ва маданий жиҳатдан тарихан таркиб топган миллатдт олдинги бирлиги. Элат қабила билан миллат орасидаги этник бирликнинг кўринишидир. Элатнинг шаклланишига бири-бирига яқин бир неча қабилаларнинг уюшуви асос бўлган. Элатлардаги этник, хўжалик, моддий ва маданий алоқаларнинг тобора ривожланиб бориши натижасида бир қанча қабилалар бирлашадилар. Натижада, этник бирликнинг янги тури вужудга келади. Бу элат дейилиб, маълум тарихий шароитда ҳудудий, иқтисодий, тил ва маданий умумийлик асосида шаклланади.

Элат (асоси «эл») атамаси ўтмишда кенг маънода қўлланилган; халқ, давлат, қабила, қабила иттифоқи, маълум бир қабила ёки ҳудуд фуқароларини англатган. Турли элатларнинг ҳудуд жиҳатидан ўзаро яқинлашуви уруғ ва қабила гуруҳларидаги кишиларнинг қонқариндошлик алоқаларини кучайтирган.

Қадимдан то сўнги ўрта асрларгача Шарқий Устюрт қирлари ва унга туташ минтақаларда бир неча элатлиқлар вужудга келган: Улардан Ҳоким ота елатлиғи, Бограхан шаҳри ва ўниннг атирофи элатлиқлари, Тупроққалъа

шаҳри тебарак атирофи элатлиқлари, Пульжой шаҳри ва унинг тебарак атирофи элатлиқлари бўлган.

XVIII-XIX асрларга тегишли тарихий-географик асарлар ва хариталарда Орол денгизи ҳудудидаги халқлар, шаҳарлар ҳақида маълумотларни учратамиз. Жанубий Оролбўйлари А.Маас харитасида (1735 йил) белгиланади. Орол денгизининг Устирт текислиги ва Қўнғирот ҳудуди илк марта 1826 йил харитага олинади. 1832 йил Оренбургдан Хивагача бўлган карвон йўллари, мудофаа иншоатлар ўринлари харитага туширилади.

1841 йил Ханыков, 1842 йил Рус империясининг махсус элчиси Г.Данилевский «Қўнғиротга яқин жойда қорақалпоқларнинг авлиё бобоси, кароматли Ҳаким ота мақбараси жойлашганлигини ёзади». Қўнғиротдаикки марта бўлган Орол денгизининг адмирали Бутаков (1849 йил) «Ҳакимота» мақбарасини топографик харитага туширган. 1858 йил Яковлев, 1859 йил Игнатъевнинг ҳарбий экспедицияси вақтида «Ҳакимота» мақбараси харитага белгиланади.

Москвадаги Марказий ҳарбий тарих архивида Бош штабнинг Осиёликлар бўлимида (1836-1879 йй.) маълумотларида Хужайли, Қўнғирот шаҳарлари, шимолда карвон йўллар бандаргоҳида «Ҳакимота» мақбараси жойлашганлиги ёзилган. Бунга қўшимча, А.Кун архивида «Гробница Ҳаким ата» деб, уша жойдан карвон йўллар ўтишини ёзиб қолдирган.

1892 йил Устюрт орқали Қўнғиротгача бўлган карвон йўллари техник-геологик тадқиқот қилган Пашкевич, Никитин баёнатида: Қўнғиротдан 11 км. масофада «Буғроҳон минори» жойлашганлиги таъкидланади. Шунингдек, Рус империяси ген штаби полковниги А.В. Каульбарснинг «Амударё хавзасида» асаридаги харитада «Башня Бурахан» кўрсатилган [10, 61-62 б].

Таниқли рус шарқшуноси К.Г. Залеман эълон қилган Ҳакимота тўғрисидаги афсона, ривоятлар шарҳида унинг Амударёнинг қуйилишида – Орол денгизининг этакларида Боқирғон деген жойда таваллуд топганлигини ва дафн қилинганлиги ҳақида ёзади. Туркий мусулмон дунёсида Сулайман Боқирғоний Хожа Аҳмад Яссавийдан кейинги авлиё сифатида тан олинган. Шу боис халқунинг қабри тепасига бир неча бора маҳобатли мақбаралар ўрнатган. Масалан, XII, XIV, XVI асрларда ва сўнгиси Хива хони Оллоқули (1826-1843) томонидан XIX асрда тикланган [1, 144-б].

Сўнги қурилган мақбара 1935-1946 йиллардаги дарё тошқини оқибатида сув тагида қолиб қулагандан кейин, 1978 йил Дўлетали Жаббаровнинг раҳбарлигида маҳаллий халқ томонидан хашар йўли билан Ҳакимота ва Саййид оталарнинг қабри устига пишган ғичдан жой ва гумбаз ўрнатилади.

2019 йил Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.М. Мирзиёевнинг ташаббуси билан Ҳакимота Сулаймон Бақирғонийнинг саҳоватли мақбараси қайта тикланади [5, 8-б].

Шунингдек, туркий халқларнинг тарихини етук билган машҳур рус олими академик А.Н. Самойлович (1903) «Хоразмнома»дан икки парча» номли мақоласида: «Хива ўзбекларининг шиори «Ё, ҳазирати Палвон! Ё,



Шахимардон» бўлса, қорақалпоқларнинг шиори «Ё, ҳазирати Ҳакимота» - хисобланади» - деб ёзган эди [5, 83-б].

Араб, форс ва туркий тилларда ёзилган қадимги манбаларни чуқур тадқиқ қилган, ўрганган академик В.В. Бартольд (1868-1930) К.Г. Залеман фикрларини тасдиқлайди ва ўзининг «Ҳакимота», «Ҳакимота таваллуд топган жой масаласи ҳақида» номли мақолаларида қуйидагича ёзади:

«Ҳакимота Хоразмдан чиққан туркийзабон авлиё. 1166 йили вафот этган Аҳмад Яссавийнинг шогирди. Унинг ҳақийқий исми Сулаймон Бақирғоний, шунингдек, уни Сулаймонота ёки Ҳакимота деб ҳам аташади. Боқирғон деган жой ҳозирги Қўнғирот шаҳридан анча қуйроқда жойлашган. Шу ерда Ҳакимотанинг мақбараси ҳозирги вақтда ҳам зиёратгоҳ, муқаддас қадамжо хисобланади» [3, 361, 532-б].

Ўзбек археологиясининг отаси, академик Яхё Ғуломов (1908-1977) чуқур тадқиқотлар асосида Боқирғон ҳақиқатан ҳам шу жой эканлигини аниқлаган эди. «Бурахон шаҳрининг қораба хонаси ёки Хованд XIX аср хроникаларида Ҳакимота Боқирғоний мақбараси билан Қўнғирот ўртасидаги шаҳар қорабахоналари сифатида тез-тез белгилаб ўтилган. Мунис ва Огаҳийларнинг фикрларига қараганда, шаҳар қорабахонасининг асл номи Хованд деб номланган, лекин у Буғрохон номи билан машҳур бўлган. Ушбу шаҳар катта адирда – Машанқўлга яқин жойлашган. Шунинг учун у кўлда тошқинлар пайдо бўлган вақтларда шаҳарни сув босиб турган» [4, 158, 159-б].

Абулғозийнинг «Шажарайи турк» асарида қуйидаги сатрларни ўқишимиз мумкин: «Ул вақтда Маздуҳқон қалъасидан то Боқирғоннинг бери юзи Қўйғун деган ергача буғдой экилур эди. Бизнинг хон (Араб Муҳаммад хон даври) Турк қалъасининг юқорисидан бир ариқ қаздиради. Бир неча йилдан сўнг ариқнинг кенлиги отган ўқ ўтмасдай бўлди. Андин Ачи (Орол) денгизига борди» [2, 161-162-б].

Жаҳонга маълум машҳур бошқирд шарқшуноси Заки Валидий Тўғон (1890-1970) Қўнғиротга 1920 йилнинг куз ойларида келган ва ўзининг «Хотиралар» китобида қуйидагича маълумот ёзиб қолдирган:

«Қўнғирот Хива хонлигининг вилоят маркази. Букичик шаҳар бўлишига қарамасдан Германиянинг Гамбург, Англиянинг Манчестер, Хитойнинг Шанхай шаҳарлари каби харитада номи бор шаҳар. Арабларнинг географик харитасида X асрда бу шаҳар Боқирғон деб аталади. У ҳозирги Қўнғиротнинг шимоли-ғарбидаги овул. Бу ерда машҳур мутасаввир шайх Ҳакимота Боқирғоний мақбараси бор.

Демак, унинг ёзишича, Боқирғон Қўнғирот шаҳрининг эски номи. Ҳазрати Ҳакимотанинг Боқирғон юртида, унинг ташқарисида ислом динини ва яссавия тариқатини ёйишда онгли равишда муқим яшаб фаолият кўрсатган шаҳри, бу- Боқирғондир. Тарихимизда учраганидек, юрт пойтахти номини олган, лекин пойтахт Хованд, кейинчалик Мадмина шаҳрига кўчирилганда ҳам юрт номи ўзгармади. Боқирғон шаҳри юртнинг диний пойтахти – маркази бўлиб қолаверган [7, 107-б].

Тупроққалъа Кўнғирот туманининг ғарбий ҳудудида Устюрт тепалигига кўтариладиган қирда (чинк) жойлашган, у топографик планга кўра туртбурчакли қалъада В.Н. Ягодин ва М.Т. Туребеков олиб борган археологик қазиишлари натижасида илк ўрта аср кўрлиш лойихаси қурилиш материаллари, хронологик санаси ва атрофтаги қишлоқ жойлари, суғориш иншоотлари тўғрисида қимматли маълумотлар тўпланди ва ёдгорликнинг араб манбаларидаги Куджаг номли масканга тўғри келиши исботланди. Ёдгорлик ёзма манбадаги Куджак урботопоними билан муқоясавий тўғри келади. «Куджаг Гитдан беш фарсах, Гурганчдан 80 км узоқликда жойлашган, девор билан ураб олинган»-деб маълумот беради ўрта аср муаллифи ал-Истаҳрий [13, 73-97-б 12].

Бугроҳон-Мадминия шаҳри Хоразмнинг шимолий ҳудудидаги меъморий, диний зиёратгоҳ (Ҳакимота Боқирғоний мақбараси) ва иқтисодий савдо марказ сифатида фаолият кўрсатган. Аслида, ўз пайтида бу ер «Қорақўл» деб номланган дарё ўзани бўйлаб кетган сув йўлидаги порт бандаргоҳ вазифасин бажарган эди. Арк-цитадель (60x50 м) ва шаҳристон (250x200 м) унча катта бўлмаган майдонни эгаллаган бўлсада, унинг атрофида катта рабод жойлашган бўлиб барчасини ҳисоблаганда 60 га майдонни эгаллайди [8,158-б].

Пулжой Хоразмшоҳлар даврида бу ёдгорлик Чинк (Кир) қиялигида жойлашган ҳажми 74x74 метр ўлчамдаги куҳна кўрғон (IX-XI аср) бўлиб, ўнинг пастида ва пастида XI-XIII асрларда фаолият кўрсатган, сирти мудоффа деворларга эга бўлмаган, мустаҳкамланмаган катта манзилгоҳ (рабод) кад кўтарган (100 га). Мудоффа деворлари ва миноралари кунгурадор пахсадан тикланган, уларнинг асоси эса тош плиталардан ишланган пойдевордан иборат.

Алоҳида таъкидлаш жоизки, мустаҳкамланмаган рабод қисмидаги уй-жойлар кичик тепаликлар устида жойлашган. Тепаликлар устида пойдевори тош плиталардан қурилган 1, 2-3 хонали қурилишлар мавжуд. Бу ҳолат кўчаларни аниқ ва тўғри шакллантиришга имконият бермайди, оқибатда Пулжойнинг айрим жиҳатлари Хоразмнинг марказий урбанизация зонасидан фарқли эканлиги кўринади. Пулжойда маҳалла чегаралари ҳам аниқ кузатилмайди. Бу ҳолат шаҳарнинг тузилиши ва қурилиш хусусияти маҳаллий шароитга, жай рельефига мос деган фикрни туғдиради. Лекин шунга қарамай шаҳар меъморий қурилишида урбанизациянинг таркибий қисмлари бўлган кўплаб белгилар, жумладан, сопол пиширувчи хумдонлар, темирчилик устахоналари ва жамоат жойлари бунёд этилган.

Пулжойдаги янги ва сўни археологик қазиишмалар профессор М.-Ш.Қдырниязов раҳбарлигида 2012, 2014, 2015, 2016 йиллари олиб борилди.

Шу вақт мобайнида VIII, IX-X қазиишмаларда бир, уч ва саккиз хонали турар жойлар очилди. 2015-йил Пулжойнинг 10 объектида қазув ишлари ташкил этилди. Улардан № I,IV,VIII,IX, X деб шартли белгиланган манзилларда турар жойлар қазиб очилди. Олинган маълумотлар ўрта аср

шаҳарларининг ўзига хос кўрсаткичларини аниқлаш имконини беради, янги, қимматли маълумотлар тўплашга олиб келди [6,73-78 б].

2016 йил Пулжой кўрғонида янгидан 3 та хона қазиб очилди. Хоналар олдинги даврлар деворнинг ичкарасига мослаб унга ёпиштирилиб, тўғри тўрт бурчаксимон шаклда қурилган, ўларнинг ўлчамлари ҳажмлари бири-бирига яқин. Бу каби хоналар кўрғон қалъадаги бўш майдонлардан сифатли фойдаланиш учун махсус ишланган бўлиши керак. Бу хоналарда пишиқ ғиштлардан оддий қурилган тўрт бурчакли ўчоқлар мавжуд.

№ IV-қазишма муҳим аҳамиятга эга бўлиб, бу объектда бир-неча йил давомида шаҳарнинг архитектура-топографик тизимида катта маъқега эга, ўлчамлари 40 х 28 м.га эга қарвонсарой мажмуаси доимий қазишлар натижасида очилди. Мажмуанинг (фасад) олди тарафи жанубга қараган, бу қаноатда пештоқ-портал ва айланма бурж-қунгура (гулдаста) шаклида безатилган. Меъморий қурилиш тархи дарё сувининг қадимий ирмоғи бир-неча марта ювишига қарамай «тирноқ-фундамент» шаклида яхши сақланган. Жумладан, бу катта иншоотни қуришда уч тарафи махсус силлиқланган тош плиталар ва пишган ғиштдан фойдаланилган. Сўнгги қазишмалар давомида яна 9 та хонадан иборат қурлиш мажмуасини очилди. Хоналар катта ва ўртача ҳажмда бўлиб, зал, меҳмонхона, ошхона, катта ётоқхона, ғаллахона ва бошқада турар жойларга оид иморатлардан иборат. Катта хоналар сополдон тайёрланган кўчма ўчоқлар ёрдамида иситилган. Уларнинг қолдиғи № 1 қазишма залининг шимолий, ғарбий қисмида кўчма ўчоқ жойлаштиришга мўлжалланган 4 та айлана шаклдаги тош плитадан шаклланган тоқчалар қайд этилган. Қарвон саройнинг турар жой мажмуаси хоналарининг баъзилари сиртки девордан ташқарида, унинг шарқий ва жанубий қисмида қўшимча тарзда қурилган № 10,11,12,13 хоналар. Турар жой хоналарининг ички интерьерлари ўчоқ-каан, тандир, ташнов, супа, тош тагдонлар, ғаллахона секциялари, тегирмонлардан ташкил топган. Маълумки, ўрта асрларда қарвон саройлар асосан шаҳар ташқарисида, йўл буйларида қурилган. Баъзи ҳолатларда обрули меҳмонлар, савдагорлар учун шаҳар ҳудудида ҳам қарвонсарой типидagi иншоотлар бўниёд этилган. А.Меъ Самарканд шаҳри меҳмонхона (хан, кичик қарвонсарой) бўлганини таъкидлайди. Бизнингча, Пулжой қарвон саройи ҳам шаҳарга келувчи маълум даражадаги бой меҳмонларга мўлжаллаб қурилган.

№ VIII қазишмада очилган 8 хонали уй жой қолдиғи Олтин Ўрда даври билан саналади. Ушбу давр турар жойлар хоналарида аввалги даврларга нисбатан анчагина меъморий ўзгаришлар кузатилади. Хусусан, жойлар катта ва кичик хоналарга бўлиниб, хона деворлари турли хилдаги қурилиш материалларидан тикланиб, иморатларнинг ички интерьерларида ҳам янги шакллар кузатилади. Жумладан, бу даврда ўчоқ-каан типидagi қиздириш системаси ва супаларнинг янги тури пайдо бўлади. Бундан ташқари, 23х23х4; 23х23х5 см, 22х22х5 см ўлчамдаги пишиқ ва хом ғиштлар, асосан уч тарафи силлиқланиб тайёрланган катта, кичик ҳажмдаги тош плиталар қурилишда фойдаланилган. Турар жойларнинг тархи ҳамда уларда

аниқланган моддий маданият намуналари бу ерда этник жиҳатдан аралашган турли аҳоли вакиллари истиқомат қилганлигидан гувоҳлик беради[6,73-78 б].

Сўнгги йилларда ўрта аср Жанубий Шарқий Устюрт қирлари шаҳар элатлиқлари Тупроқ қалъа, Пульжой, Бограхан, Ҳаким отада изчиллик билан олиб борилган қазилмалар туфайли шаҳар ва элатлиқлар топографияси, турар жойлари, моддий маданиятига оид янги ашёвий маълумотлар тупланди.

#### **Адабиётлар:**

1. Абдисайд Пахритдинов. Руўхыймий расымыздың дәреклериниң бири. «Еркин Қарақалпақстан» газетасы. 144-сон, 2002.
2. Абулғозий «Шажарайи турк». – Тошкент. 1992.
3. Бартольд В.В. Сочинения, том 11, часть 2, «Наука». Москва. 1999. –
4. ҒуломовЯҳё. Хоразмнинг суғорилиш тарихи. – Тошкент. «Фан». – 1959.
5. Ембергенов Ө.,Шамуратов Ж., Сулайман Бақырғаний Ҳәкимата. Ташкент, 2021.
6. Кдырниязов М.-Ш., Сайпов С.Т., Алимбетов А.К., Кдырниязов О.-Ш., Городище Пульжай. ҚДУ Ахборотнамаси. №1,2016.
7. Тоған З.В. Воспоминания. – Москва. 1997.
8. Турбеков М.Т, Алимбетов А. Раскопки городища Бограхан// Аиу-2000 год-Самарканд, 2001
9. «Сулайман Бақырғаний хәмоньң дәўири». Республикалық илимий-теориялық конференция материаллары. Нөкис-Қоңырат 2002.
10. Ҳаким ота (Сулаймон Боқырғаний) таваллудининг 900 йиллигига бағишланган Халқаро илмий-амалий конференция материаллари. Нукус. 2022.
11. Ҳакимниязов Ж., Тарийх ыйестеликлердегижаңаашылығлар «Еркин Қарақалпақстан» газетасы 1999-ж. 30-ноябрь.
12. Ягодин В.Н. «Маршрутные археологические исследования в левобережной части Приаральской дельты Аму-дарьи»-МХЭ,вып.7, М., 1963.

#### **УСТЮРТДАГИ ЎРТА АСРЛАРДАГИ КАРВОНСАРОЙЛАРИ**

**Ҳакимниязов Ж.Х.**

*т.ф.н.,доц.,*

**Шерниязов Р.Х.**

*ўқитувчи*

*Қорақалпоқ Давлат университети*

Олтин Ўрда даврида аввалги Хоразмшоҳлар давридагидек Хоразм савдогарлари Шарқий Европа, Кавказ, Византия ва Қирм ерлари билан савдо муносабатларини давом эттирди.

Каспий-Орол оралиғидаги ерлар Устюрт номи билан маълум бўлди. Бу ерлар қадимги ва ўрта асрларда ҳам кўчманчилар билан қатор ўтроқ Хоразм халқларининг савдо маданий муносабатларида катта аҳамият касб этди. Устюрт текистлигининг одамлар томонидан фойдаланиши айниқса XIII-XIV асрларда кучли болган.

Бу даврда муғуллар томонидан тузилган Олтин Ўрда давлати ҳаёт кечирди. Хоразм савдо ва маданият ўчоқларининг бири бўлган. XIII-XIV асрларда Хоразмнинг Шарқий ва Ғарбий давлатлари билан маданий муносабатлари давом этди.

Айниқса Хоразм Устюрт орқали Шарқий Европа давлатлари (Волга бўйи Болгарияси, Рус, Кавказ, Олтин Ўрда) билан савдо муносабатларини кучайттиради.

Савдо маданиятининг ривожланишига карвон йўлларда савдогарлар билан унинг ходимлари дам олиб, тунайдиган меҳмонхона, карвон-саройлар барпо этилишига катта таъсир кўрсатади. Нукусли археологлар Ю.П.Маньолов билан М.Ш.Қдырниязов, Б.Сайпанов, Х.Алланазаровлар 1976-1978 йиллари Устюртдаги Хоразм-Шарқий Европа бўйидаги Белеўли, Булоқ, Қосбулоқ, Учбулоқ ёки бошқа шунга уқшаш карвон-саройларни тадқиқот қилган. Улар XIII-XIV асрларга тегишли бўлиб чиқди.

Бу карвонсаройлар Ю.П.Маньоловнинг “Марказий Устюртдаги карвонсаройлар” деб аталган мақоласида келтириб ўтилади. Устюрт тегистлигидаги кўчманчилар билан савдо муносабатларида аҳамияти кучли бўлган Шемаха-қалъа, Ой-Ота, Пулжой сингари чегара қалъалари, Учқудук карвонсаройлар, ёдгорликлардан топилган қурилиш архитектураси, хунармандчилик материаллари Жанубий Оролбўйлари ва Волга бўйи Олтин Ўрда қалъалари орасидаги боғлиқликларнинг аҳамиятини кўрсатади.

Олтин Ўрда замонида Хоразмда қалъа маданияти кучли ривожланади. Қалъалар Оролбўйи кўчманчиларининг Устюрт билан чегерадош қалъаларида кучли сезилади. Кўчманчилар бу чегара шаҳарларига келиб ўтроқ аҳоли билан товар алмашди, маданий муносабатда бўлди. Шундай қалъаларнинг бири Шемаха-қалъа бўлган. Шемаха-қалъанинг тадқиқ этилиши Москвада олимлар С.П.Толстов, Н.Н. Вактурская номлари билан боғлиқ. Н.Н. Вактурская 1952 йил бу қалъани тадқиқ қилади.

Олтин Ўрда давридаги Устюрт соҳилидаги қалъаларнинг бири Пулжой ҳисобланади. Пулжойда топилган шийша, тош, темир ва танга намуналари бу қалъанинг ҳам XIII-XIV асрларда ривожланганини кўрсатади [1, Б. 76.].

Устюртдаги қалъа маданиятининг изларини Ой-Ота мажмуаси шимолида тадқиқ қилишга бўлади. Бу археологик мажмуасида карвон-сарой, ханако, мавзолейлар, қабирстон, жойлар ўрни аниқланди [2. Б. 157.]. Бу материаллар Олтин Ўрда даврининг ижодлари ҳисобланади.

Устюртнинг Қорақалпоғистон худудида Волгабўйи ерларига қараб ҳар бири 30-110 км масофадан қурилган карвонсаройлар, Учқудук, Булоқ, Қосбулоқ, Белеўли, Шурақсингари ёдгорликлар ўрганилди (1973-1981-йй). Улар тўртбурчакли кўрғон шаклда солинган.

Асосий қурилиш материаллари Устюртдан чиқадиган бақанчоқаралашган тошдан фойдаланган. Ҳар бир карвонсаройда шу ердан кудуқ қазилган ва тош қўпарадиган ерлар очилган. Бу карвонсаройлар орқали Хоразм савдогарлари Волгабўйларига чиқиб Шарқий Европа ерларига ўтган. Савдо йўли Шемаха-қалъа ва Пулжой қалъа ёдгорликлари орқали бошланган. Бу қалъаларда Олтин Ўрда даврининг маданий қатламлари (XIII-XIV) очилди. Пулжой ёдгорлигига яқин овуллар билан қатор Чивинли деб аталган жойда Устюртга кўтариладиган жой бор. Бундай баландликга кўтариладиган жой Шемаха-қалъа ёнида ҳам жойлашган. Шемаха-қалъа Кўҳна Урганчгача 60 чақирим ерда жойлашган.

Устюрт карвонсаройи бир лойха бир шаклда солинган. Фақат Белеўли карвонсарой баландлиги 9 метрдан ортиқ портал-дарвозаси, Сардоба-сув сақлагичи, порт қудуғи ва тош ўндирадиган карьер, қабирстонлиги билан ажралиб туради.

Хива кўрғонининг Белеўлиқораба хонаси Самарқанд архитектураси стилида сармат извест тошлари билан солинганлиги ҳақида Рябинин айтиб ўтади [3. Б. 80.].

Чернышевский Белеўли ёдгорлиги Амир Темур даврига тегишли деб ҳисоблайди. Бунда ҳозирги вақтларида бу жойда яшаган халқлар қурилишининг барчаси Темурийлар бошқарган даврга мос келади деб ҳисобланилмоқда.

Белеўли карвонсаройидан 250 мю шимолий-ғарбда қабирстон жойлашган. Қабирстоннинг дафн этилиши диққатни ўзига тортади. Қабирстонда қабр усти қурилишларининг уч типи аниқланди.

1) тош стелалар. Бош учида ёки оёқ учида турган ва антропордонье кўринишларни эслатади. Уларнинг орасида горизонтал ётган плиталар ҳам бор.

2) узун тўғрибуршақли қабртошлар. Бу қабртошлар тош плита устига қўйилган.

3) дафн этиш образларида Ўрта Осиё мусулмон дастурларига тан бўлган наъмуналар бор. (бошини жанубга буриб қўйилиши, ҳеч қанақа моддий мулкнинг йуқлиги). Шунинг билан қатор биз дафн қилиш дастуридаги бир қатор айирмачиликларни айтиб ўтсак. Бунга тош билан тўсаш, қабрнинг ички томони (чуқури) тош билан ўриб, дафн қилганда ғарбга қараб бўриб қўйишни айтсак бўлади.

4) бу дафн қилиш дастурида мусулмон динидан аввалги кўчманчилар ритуллари билан мусулмончиликнинг дастурлари аралашган бўлиши мумкин.

5) бир қабирстонда ҳар қил расага тегишли типларнинг учраши ҳар қил этник гуруҳларнинг Хоразмнинг кўчманчи сахро қавмлари билан қанчалик чуқур муносабатда бўлганлигидан дарак беради.

6) карвонсаройлардан топилган Ўзбекхон (1326-1337 й), Жонибекхон (1345-1346 й), Кульна (1359-1360 й), Аноним (1370 й) тангалар бу карвонсаройлар XIV асрнинг иккинчи чорагидан бошлаб сўнгги

чорагигача қурилиб ҳаракат қилганини далиллайди. Бу даврлар Олтин Ўрда ва Хоразмнинг XIII-XIV асрда ривожланган вақти ҳисобланади.

Биз юқарида Устюрт ва утроқ маданиятга эга булан Хоразмнинг давлат чегарасида барпо этилган мудофа ва савдо алоқаларида таянч нуқтаси булган қатор шаҳар қаьлаларин куриб чиқдик. Антик даврга ухшашилк урта аср ва XI-XIII асрларда ҳам Хоразм воҳаси сарҳадларида қаьлалар занжири бунёд этилган деган фикр туғади. Чунки, илк урта асрдан хоразмшоҳлар давлати шаклланган кундан бошлаб кучманчилар қисмида булди. Қадимги даврлардагидек IX-XI асрларда Хоразм воҳаси шимолий-шарқий Орол – Каспий буйи кучманчилар ҳужумидан сақлаш учун, давлат тамонидан бир қатор қурғон ва қоровултепалар қурилди. Пульжой, Катта Айбуйир, Шемаха қаьла ораликларида, улар орқали ўтган йўлни назорат қилишга мулжалланган қоровултепалар (Касқажол, Қалыгумбез, Қулонли, Айбуйир, Пульжой ва ҳақозо) мавжуд [4. Б. 201., 220., 226.]. Улар аввал, IX-XI асрда барпо этилиб, сунг Хоразмшоҳлар даврида актив фойдаланилган. Бу ёдгорликларнинг ичкари тарафида, деҳқончилик қилинадиган воҳачаларнинг марказларида қадимдан шаклланган йирик шаҳарларнинг (Гурганж, Миздахкан, Дарган, Хива, Хазарасп) мавжудлиги, чегарақурғон – шаҳарларининг махсус аҳамиятга эга бўлганлигидан далолат беради. Устюрт қирларидаги ва шимолий – ғарбий Қорақум тарафдаги чегарада жойлашган шаҳарлар пойтахт Гурганж учун таянч буфер нуқтаси булиб, мудофава иқтисодий минтақа вазифасин бажариши мумкин эди. Лекин, бу чегара худуди шаҳарлари майдани жиҳатдан, марказий урбанизация объектларига нисбатан кичик ҳажмда булишига қарамай иқтисодий ва маданий солоҳияти буйича илк урта асрлардан Хоразмшоҳлар давлати тарихида аҳамиятга эга.

Умуман олганда Устюрт қирлари ва унга ёндош худудларда 28 яқин қоровултепалар мавжуд. Уларнинг сақланиши ҳар турли, лекин уларнинг шакли ва бажариш хизмати археологик қазилар ва муқиясавий тадқиқотлар ёрдамида урганса булади.

Шунақа қилиб, биз юқорида сўз этган Устюртдаги қалъа ва қарвонсаройларни тадқиқ қилиш якунида бу ёдгорликлар таниқли бир даврда қурилганини кўрамиз. Уларни батафсил тадқиқ қилиш Хоразмнинг ўрта аср маданиятини тўлиғироқ урганишга ёрдамлашади.

### **Адабиётлар:**

1. Ягодин В.Н. Стреловидные сооружения Устюрта. Ташкент. 1991. - Археология Приаралья. Вып. VI.

2. Манилов Ю.П. Исследования средневековых городищ Восточного Устюрта. Археология Приаралья. вып. 4, 157-бет.

3. Чернышевский М.Н. Через Устюрт в Среднюю Азию цит на жуков Л, Левтеева Л. Дневник участника экспедиции 1899 г. занимавшейся изучением возможности прокладки железнодорожной линии. Александров-Гай Чарджоу-ВКФ 1973 г №4.

4. Древняя и средневековая культура юго-восточного Устюрта.- Ташкент,1978.

## **МАМЛАКАТ ИЖТИМОИЙ-МАДАНИЙ ТАРАҚҚИЁТИДА МИЛЛАТЛАР ЎРТАСИДАГИ ҲАМКОРЛИКНИНГ РИВОЖЛАНИШ БОСҚИЧЛАРИ (Корейс диаспораси мисолида)**

**Жумаев Т.Х.**

*с.ф.ф.д.(PhD),*

*Тошкент Кимё халқаро университети*

Тарихий манбаларнинг гувоҳлик беришича, Корея ярим оролида юзага келган бирлашган Силла ва Корё қироллиги билан Ўрта Осиё халқлари ўртасидаги иқтисодий алоқалар Хитой қитъасини бирлаштирган Тан ва Ван қироллиги орқали бўлган, деган илмий қарашлар мавжуд. Айниқса, Ван давлати Осиё қитъаси билан бирлашганидан сўнг Чингизхон ёрдамида Ипак савдо йўлини бутунлай кўлга киритди. Ана шу тарихий воқеъликка таяниб, Корея ярим оролида тайёрланган маҳсулотлар узок давр мобайнида элчилар ва савдогарлар орқали Марказий Осиё худудига олиб келингани тарихий манбаларда келтирилган.[1]

Янги давр тарихий манбалари ҳамда мавжуд архив ҳужжатларига кўра, Кореяликларнинг Қозоғистон, Ўзбекистон ва Қирғизистон худудига кириб келиши 1897 йилда Россия империяси аҳолисининг биринчи умумий аҳолини рўйхатга олиш маълумотларида қайд этилган. Кореяликлар Семиречинск вилоятида - 11 киши, Сирдарёда - 2 киши, Акмолинскийда - 5 киши ва Қўқон, Наманган округларида, шаҳарларида бир неча киши яшаган. Натижада Наманган, Пишпек, Пржевалск вилоятларида бир нечта корейс миллати вакиллари келиб жойлашиш жараёнлари юз беради. Кореяликлар 1926 йилдаги Биринчи Бутуниттифоқ аҳолини рўйхатга олиш китобида замонавий Қозоғистоннинг учта худудида рўйхатга олинган: Акмола, Семипалатинск ва Сирдарё вилоятларида. Қозоғистонда - 42 киши; Ўзбекистонда - 36 ва Қирғизистонда - 9 киши истиқомат қилишган [2].

Собиқ СССР давлати худудида 30-50 йилларда депортация қилинган ингушлар, чеченлар, немислар, қалмиқлар, булғорлар, қирим татарлари ва бошқа халқлар орасида биринчи бўлиб корейс халқи яшаб турган жойидан мажбуран кўчирилган эди. Бу воқеа собиқ СССР Халқ Комиссарлари Кенгаши ва ВКП(б) Марказий комитетининг 1937 йил 21 августдаги «Узоқ Шарқ ўлкаси чегара районларидан корейс аҳолисини кўчириш ҳақида»ги қарори асосида амалга оширилди. Қарордан сўнг шу йилнинг ўзида (1937 й.) 170 минг корейслар Ўрта Осиё ва Қозоғистон худудига мажбуран кўчириб олиб келинди. Улардан 74 мингдан ортиғи Ўзбекистонга, қолгани эса Қозоғистон худудига жойлаштирилди [3].

Узоқ Шарқ худудидан биринчи поездлар 1937 йил сентябр охирида Қозоғистонга, бироздан кейин эса Ўзбекистонга кела бошлади. На



Қозоғистонда, на Ўзбекистонда улар бундай кўп сонли одамларни қабул қилишга ва жойлаштиришга тайёр эмас эдилар. Депортация пайтида қабул қилинадиган ва жойлаштириладиган корейс хонадонларининг сони аввал кўрсатилган кўрсаткичга нисбатан 30-40 фоизга кўпайди, вилоятларда маҳаллий аҳоли билан жойлашиши орқали муҳожирларнинг миқдорий тақсимланиши ўзгарган, бу уларни ташкил этишда кўшимча қийинчиликларни келтириб чиқарди [4].

Ўзбекистоннинг Тошкент, Самарқанд, Фарғона, Наманган, Андижон, Қўқон, Бухоро ва бошқа шаҳарларида 2500 дан ортиқ корейс оилалари истиқомат қилишиб, ҳаммаси бўлиб, 1938 йил 15 ноябрда Ўзбекистонда 16 минг 307 корейс оиласи ёки 74 500 корейс миллати вакиллари истиқомат қилганлиги рўйхати қайд этилган [5].

Корейсларни ижтимоийлашувини жадаллаштириш мақсадида собиқ СССР Халқ Комиссарлари Кенгашининг 1938 йил 13 мартдаги «Миллий республика ва вилоятлар мактабларида рус тилини мажбурий ўрганиш ҳақида»ги махсус қарори Ўзбекистонга кўчириб келтирилган корейслар халқ таълимини ташкил қилишга қаратилади. Шу муносабат билан собиқ Ўзбекистон ССР Халқ Комиссарлари Кенгаши ҳам 1938 йил 19 мартда «Ўзбекистон ССР даги ўзбек ва бошқа рус бўлмаган мактабларда рус тилини ўрганиш ҳақида» қарор қабул қилди [6].

Собиқ ССР Халқ Комиссарлар Кенгашининг мазкур қарори ҳаётга тадбиқ этилиши натижасида Ўзбекистондаги рус бўлмаган халқлар, жумладан, корейслар маданий ҳаётида бир қатор салбий ҳолатлар юзага келади. Масалан, ҳозирги кунда Ўзбекистонда истиқомат қилаётган корейсларнинг 99 фоизи она тилида ёзишни ва ўқишни билмаслиги, ана шу қарорнинг ҳаётга тадбиқ қилиниши оқибатидир. Қарорга биноан республика Халқ таълими Комиссарлиги 1939/1940 ўқув йилидан бошлабоқ барча корейс мактабларини рус мактабларига айлантирди. 1937-1938 йилларда дастлабки корейс колхозлари Тошкент вилояти Бекобод туманида “Янги турмуш”, “Авангард”, “Ҳақиқат” номлари билан ташкил этилган. Кейинчалик Тошкент ва Самарқанд вилоятларида йирик “Политотдел”, шунингдек, бугунда Ким Пен Хва номи билан машҳур хўжаликлар ташкил этилди [7].

Корейслар азалдан қишлоқ хўжалигида катта маҳорати билан ажралиб келганлар. Улар асосан шолчилик ҳамда полиз экинлари билан узоқ вақт давомида шуғулланиб келганлар. Охириги йиллардаги ижтимоий-иқтисодий ўзгаришларга қарамасдан ҳалигача уларнинг аксариятлари қишлоқ хўжалиги билан шуғулланиб келишмоқда.

Умуман мажбурий кўчириб келтирилган корейс аҳолиси Ўзбекистон халқи билан ёнма-ён туриб республика халқ хўжалигининг барча тармоқларида фаолият кўрсатади. 1953 йилда корейс аҳолисининг кўчиб юриши учун қўйилган барча тўсиқлар ва чеклашлар бекор қилиниши улар фаолиятини янада фаоллаштиради. Корейслар орасидан таниқли қишлоқ хўжалиги мутахассислари, саноат соҳасида илғор ишчилар, фан ва маданият

ходимлари етишиб чиқади. Тахминий ҳисоб-китобларга қараганда 1945-1991 йиллар давомида Ўзбекистон Республикасидан 650 илғор ходимларга Социалистик Меҳнат Қаҳрамони унвони берилган бўлиб, улардан 139 нафари корейс миллатига мансуб шахслар бўлган. Бу Ўзбекистон раҳбарияти, ўзбек ҳақининг бағрикенглиги, миллати, дини, эътиқодидан қатъий назар, ҳаммага бир ҳилда ҳурмат ва эҳтиром билан қараганлиги натижасидир [8].

Ҳозирги кунда МДХ ҳудудида яшаётган 500 минга яқин корейс миллатининг 185 мингдан кўпроқ қисми Ўзбекистонда истиқомат қилишади [9]. Ушбукорейс диаспораси кўп миллатли жамиятимизнинг ажралмас қисмига айланган. 2019 йил апрелда янги бинода ташкил этилган Корейс Маданият Маркази Ассоциацияси корейс диаспораси вакиллари билан маҳаллий ҳамда тарихий ватандошлари бўлган Корея Республикаси халқи билан ижтимоий-маданий соҳаларда кўплаб самарали ишларни амалга ошириб келмоқда.

Корейс миллатига мансуб ватандошларимиз Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси ва Сенатида, маҳаллий Кенгашларда, бошқарув органларида, ижтимоий-иқтисодий ҳаётнинг барча соҳаларида фаолият юритаётгани, истиқлол йилларида уларнинг 300 нафарга яқини давлат мукофотларига сазовор бўлгани бунинг яққол тасдиғидир.

Ўзбек ва корейс халқларининг дунёқараши ва урф-одатлари ўхшаш. Мамлакатларимиз энг қийин даврларда бир-бирини қўллаган. 2017 йили Ўзбекистонда корейс миллати вакиллари яшаётганининг 80 йиллиги муносабати билан пойтахтимиздаги "Дўстлик" боғида ёдгорлик монументи очилди. Пойтахтимизнинг марказий кўчаларидан бирига Сеул номи берилди. Корейс халқининг маънавий-маданий меросини сақлаш ва ривожлантириш мақсадида Корея Республикаси ҳукумати томонидан Тошкент шаҳрида Корея маданияти уйи қуриб битказилди. Ушбу маскан халқларимиз абадий дўстлигининг яна бир ёрқин тимсоли бўлади.

Корейс диаспораси Ўзбекистондаги кўп миллатли халқнинг ажралмас қисми ҳисобланади ва республикада ўтказиладиган барча ижтимоий ва маданий тадбирларда фаол иштирок этади. Ҳукуватимиз мамлакатнинг ижтимоий-иқтисодий соҳалари ривожига ушбу миллат вакиллари кўшаётган ҳиссасини қадрлайди.

Хулоса ўрнида шуни таъкидлаш жоизки, Ўзбекистонга мажбуран кўчириб келтирилган корейс аҳолисининг совет режими туфайли унутиб юборган она тилини ўрганиш, миллий маданиятини, урф-одатлари ва анъаналарини қайта тиклаш учун мустақиллик йилларида кенг имкониятлар яратилди. Ўз Ватанлари ва ватандошларидан мажбурий ажралиб қолган ўзбекистонлик корейс аҳолиси учун она диёрлари билан танишиш, мулоқотда бўлиш, уни билиш имконияти яратилди. Шунингдек, корейс халқи Ўзбекистоннинг ижтимоий, иқтисодий, маданий соҳалар ривожигаги ислохотларида барча миллатлар қаторида юртимиз равнақи йўлида фидойилик наъмуналарини кўрсатиб келмоқда.

### Адабиётлар:

1. Сун Дон Ги. Ўзбекистон Республикаси ва жанубий Корея иқтисодий ва маданий алоқалар ҳамда истиқболли режалар. Дис.5982. Тошкент. 2000 Б-90.
2. 1926 йилдаги Бутуниттифоқ аҳолини рўйхатга олиш. М., 1928, в. 8. Қозоқ Автоном Совет Социалистик Республикаси. Қирғиз Автоном Социалистик Республикаси, 16-35 бетлар; Т. 15. Ўзбекистон ССР, п.С-17-36
3. 김장수. 1995. 중앙아시아한연[고려인]외이주과정및새활상].[한민족공동체]. P-15
4. Ким П.Г. Корейцы Республики Узбекистана-Т.1993 г.Стр-. 14-15, 21
5. ТсГА РУ, ф Р-837, 27-бет, 39-сон, С-19.
6. Ким П.Г.Корейцы Республики Узбекистана. Т. 1993. Б-119.
7. Koryo sinmun. 2016 й. 26 феврал. 3-сон(281) Герои корейских диаспоры 3-сон Б-28
8. <http://mg.uz/print/publish/doc/text55461> народы [Узбекистана-корейцы](#)
9. Очётная справка АККЦ Республики Узбекистана. 26 июн.2019 йил.

### ЖИЗЗАХ ВОҲАСИДА ТОЖИК ЭТНОСИ ВАКИЛЛАРИНИНГ ЖОЙЛАШУВИ ВА ЭТНОМАДАНИЙ ХУСУСИЯТЛАРИ

Алманов Қ.О.

т.ф.ф.д.(PhD),

Гулистон Давлат университети

XIX аср охири XX аср бошларида Жиззах воҳаси, аҳолисининг этник таркиби ҳилма хиллиги, бу ҳудудда турли этнос ва субэтнослар истиқомат қилиши билан, минтақада алоҳида ажралиб турган. Воҳада яшаётган аҳолининг этник мансублигига қараганимизда энг юқори ўринларда ўзбек, қирғиз(қозоқ), тожик ва бошқа этнослар шунингдек яна бир қанча субэтнослар ташкил этишини кузатамиз. Минтақада яшаб келаётган қадимий этнослардан бири тожик халқи вакиллари дир. Воҳада яшаётган тожиклар асосан, Қизилқумнинг бепаён майдонларига чегарадош жойлар ва Нурота, Туркистон тоғларининг ён бағридаги кўп сонли майда тоғ сойлари, булоқ сувлари атрофларида яшаб ўзларининг ўзига хос тарихини яратган. Бу сойлар ва булоқлар атрофида ўзларининг яшаш манзилгоҳлари кишлоқларни аҳоли масканларини вужудга келтириб асосан деҳқончилик ва кам қисми чорвачилик, ва савдо сотиқ билан шуғулланган. Бу ҳудудларда яшаётган аҳолининг кўпчилиги қисмини ўзбеклар ташкил қилиб, улар Жиззахдан жанубий шарқдаги дараларда Форишнинг марказига қадар бўлган ҳудудларда яшашган. Янги кишлоқдан (Фориш туманининг марказий ҳудудлари) ғарб томондаги ҳудудларда эса асосан тожиклар яшашган. Бу икки халқ доимо бир бири билан ўзаро яқин алоқада яшаб хўжалик турмуш тарзи, урф одат ва ананалари бир бириникидан фарқ қилмаган. Ўзаро урф одатлар яқинлиги ва ижтимоий муносабатлардаги яқинлик бу икки халқнинг

доимий фаровон яшашига хизмат қилган. Воҳа тожиклари асосан Фориш, Янгиобод, Ғаллаорол, Бахмал, Зомин тумани ҳудудларидаги бир қанча катта кичик қишлоқларда яшайди. Улар ўз манзилгоҳларини турли тоғ сойларининг бўйларида, тоғларнинг этагида, дараларнинг ичида барпо қилишган. Аҳолининг турар жойлари тош ва ёғочлардан бино қилинган бўлиб бу ҳолат аҳолининг хўжалик маданий ҳаёти билан белгиланади[1]. Биз тадқиқ қилган воҳанинг тоғли туманлари ҳисобланган Фориш, Зомин, Янгиобод туманидаги асосан тожик этноси яшайдиган Ўхм, Мочарм, Соб, Эч Чаканд, қишлоқлари оқсоқоллари берган маълумотлар ва қурилганига бир асрдан ошиқроқ бўлган бир қанча иморатларда (*асосан хонадонлар хонадонларнинг шифтадаги шопилларнинг тоқ сонлардан иборатлигини кузатдик уларнинг сони 7,9,11 та бўлган асосан бунинг сабаби сифатида хонадон эгаси билан уларнинг сони жуфт бўлган деган қараш мавжуд*) ҳам бу элементлар кўзга ташланишини айтиб ўтмоқчимиз[2]. Шунингдек воҳада асосан сон жихатдан кўпчиликини ташкил этган тожик қишлоқлари Форишда жойлашган. Нурота тоғларидан ва унинг атрофларида қадимдан савдо йўллари ўтган бўлиб бу савдо йўллари воҳани қўшни ҳудудлар Самарқанд, Бухоро, Жанубий Қозоғистон, Еттисув вилоятлари билан боғлаган. Ушбу ҳудудларда турли савдо карвонлари тўхтаб дам оладиган карвонсарой ва работларнинг харобалари XX асрнинг ўрталарига қадар сақланиб қолган. Россия империясининг тамонидан эгаллангандан сўнг Нурота тоғлари ва унинг шимолий ҳудудларида рус пасёлкалари вужудга кела бошлаган. XIX асрнинг сўнги чорагидаги Жиззах уезди бошлиғининг келтириб ўтган маълумотларига қараганда Боғдонота волостида жами 1300 та аҳоли турар жойлари бўлган[3]. Бу турар жойларда турли этнос ва суб этнослар истиқомат қилган бўлиб деҳқончилик учун қулай ҳудудлар бўлмаганлиги учун қишлоқ аҳолиси бир қанча қийинчиликларга дуч келган турли хил касалликлар авж олиши натижасида янги ҳудудларга кўчиб ўз манзилгоҳларини барпо қилишган. Натижада янги қишлоқ, янги дала, янги фориш каби атамалар пайдо бўлган. Нурота тоғлари ўзбеклари ва тожиклари моддий ҳамда маданий соҳаларда мана шундай омиллар сабаб анча орқада қолганлар. Боғдонота, Синтоб, Устук, Темирқобуқ, Туркман қишлоқ жамоалари Нурота тоғларининг шимолий қисмида жойлашган бўлиб, бу ҳудудларда яшаётган маҳаллий аҳоли ҳам иқтисодий ҳаётнинг бир меёрда бўлмаганлигидан азият чекишган ўзларининг хўжалик турларини тез тез ўзгартириб туришга мажбур бўлганлар. Минтақадаги Мочарим, Андигон қишлоқларида асосан тожик этносининг 382 хўжалиги бўлиб, улардан 269 тасида ер майдони бўлса, 113 тасида ер бўлмаган. Отлар 30 та, хўкизлар 64 та, сигирлар 90 та, эшаклар сони 120 та, қўй-эчкилар сони 2600 тани ташкил этганлиги тўғрисида бир қанча малумотлар сақланиб қолган[4]. Этнографик дала тадқиқотлари давомида биз воҳадаги тожиклар яшайдиган қишлоқларда тожикларнинг бир қанча уруғ ва турли бўлақларга бўлиниб яшашини кузатдик. Масалан Фориш туманидаги Порашт, Ўхм, Ҳоят, Мочарм, Синтаб, Соб, Эч қишлоқларида шунингдек Янгиобод туманидаги Чаканд қишлоғида

Ғаллаорол туманидаги Сарбазор қишлоғида, Бахмал туманидаги Тожиқ қишлоқда яшовчи тожиқлар тўғрисида ва уларнинг сони ва турли уруғ ва бўлақларга бўлиниши тўғрисида архив ва статистик маълумотлар мавжуд. Биз тадқиқотимиз давомида воҳа халқларининг ўз насабномаларини тузиш борасида қилган ишларини, турли тадқиқотчиларнинг тадқиқотларини ва дала этнографик тадқиқотларимизни умумлаштирган ҳолда бир қанча фикрларни бериб ўтмоқчимиз. М. Фориши ўзининг “Тоҷикони Фориши” тўпламида, Фориш туманидаги жами 7 та қишлоқда истиқомат қилаётган тожиқ этноси вакиллари турли уруғ ва бўлақларга яни, 7 (етти) отаси бир бўлган ларни турли тўпларга бўлиб қуйидаги жадвални тузади.

Қишлоқ номи	Уруғ номи	Уруғнинг ичидаги шохлар
1.Порашт	1.Қишлоқи 2.Махмадзамони 3.Қоровулбеги 4.Калмақи	Нест
2. Ўҳм	1.Албақи 2. Султони 3. Табақди	Соқиги, Ёрбой, Муллоноеъмати, Давлати, Арбоби, Қозиги Солеҳбой, Алибой, Одинабой, Некмаҳмади, Муллоартуқи, Муллониёзи, Мулломусой, Тўрбағи, Бобочағи
3.Ҳоят	1.Куйиқи 2.Нодирбобой 3.Доҳайити	Нест
4. Мочарм	1.Қунуқсой 2.Ҳалачи 3.Сайфи	Муллофой, Доабдулати, Дорифи, Қалмоқи, Қозиги Шомаҳмади, Дўстмаҳмади, Карвони, Давлатбоқиги, Боқиги, Кочақи Аширмаҳмади, Муллоғи, Домўмини
5.Синтаб	1.Муллоғи 2.Султонхусейни	Боқиги, Начмидини, Солиҳи, Тамури, Ҳофизиги, Аёни, Байрами, Ёдғори, Қурама, Эшмаҳмади
6. Соб	1.Ёқуби 2.Султонмуроди 3.Ҳайлоғи 4.Арбоби	Нест
7. Эч	1.Қозиги 2.Арбоби 3.Муллоғи 4.Шоҳиги 5.Чолмағи	Морхўрхо, Лумлумақон, Даҳонялоқиҳо Ашури, Табарбақитфон, Малиқи, Боқисоқийён Зумрадшоҳи Нест

Бу каби уруғларнинг бўлиниши ва уларнинг ичидаги шохларга қарайдиган бўлсак кўпчилиги бир биридан фарқ қилганлигини кузатамиз. Бу қишлоқларда яшаётган тожиқ этноси вакиллари турли уруғ ва қавмларга бўлинишида асосан 7 отаси бир бўлганлар алоҳида ўзларининг манзилгоҳларини барпо этишгани билан боғлиқ бўлса керак. Уларнинг машғулотлари тўғрисидаги маълумотлар бир биридан фарқ қилганлигини, уларнинг катта қисми деҳқончилик билан шуғулланган бўлса, яна бир катта қисми чорвачилик билан шуғулланишган. Кичик бир гуруҳи эса боғдорчилик билан шуғулланиб ўзаро товар айрибошлашда фаол иштирок этишган. Бундан турли машғулотлар билан шуғулланиш халқнинг ўз ички озуқавий захирасини қоплашда муҳим рўл ўйнаган. Савдо сотиқ учун асосан қўшни

қишлоқ бўлган Накрут (бу қишлоқда асосан ўзбеклар яшайди) қишлоғига сой бўйлаб боришган. Шунингдек, Жиззах воҳасининг яна бир тоғли ҳудуди ҳисобланган Янгибод туманида Чаканд номли тоғлик қишлоқ бўлиб бу қишлоқда асосан тожик этносининг *варгин* уруғи вакиллари истиқомат қилишган. Бу ҳақида бизга маълумот берган уруғнинг кекса зиёли вакили Қ.Ҳамзаевнинг келтириб ўтишича бу уруғ 2 та катта бўллакка бўлинган бўлган буни ичида энгкўпи *Зохчаҳўри* тўпи вакиллари деб айтиб ўтди. Воҳада жойлашган тожик этноси вакиллари яшайдиган катта қишлоқлардан бири (бугунги кунда Нурота тумани таркибида) Синтоб қишлоғи ҳисобланади. Асосан аҳолиси чорвадор бўлган ҳозирга қадар ёзда тоғдаги Фозилмон кўли атрофидаги яйловларда ўз чорвасини боқиб келади. Дала этнографик маълумотлар қилганимизда бу уруғнинг хотин-қизлари ҳам навбат билан яйловга чиқиб, қишга сут ва сутли маҳсулотларни тайёрлашларини аниқладик. XIX аср охири - XX аср бошларида анъанавий дашт-адир чорвачилиги Жиззах воҳаси аҳолисининг хўжалик маданий ҳаётида муҳим ўринга эга бўлган бўлсада, воҳанинг тоғли ҳудудларидаги булоқ бўйлари ва сув ҳавзаларида яшаётган этнос ва суб этнослар буғдой, кунжут, масхар, тарик, қовун, тарвуз экиб суғорма деҳқончилик билан ҳам шуғулланганлар. Хўжаликнинг бу икки тури воҳанинг суғорма деҳқончилиги ва дашт яйлов чорвачилиги ўзаро бир-бирини тўлдириб, уйғунлашиб бориши натижасида воҳадаги турли этнослар ва этник гуруҳлараро (туркман, сарой, хўжа, найман, манғит ва бошқалар ўртасида) ўзаро иқтисодий, маданий алоқаларни вужудга келтирган. Воҳада яшаётган турли этнос ва этник гуруҳлар ўзаро савдо сотиқда ҳам ўзларининг маҳсулотлари билан доимо фаол алоқада бўлиб келган. Бугунги Жиззах воҳасининг турли этнослари яшайдиган қишлоқлар номларига қисқача тўхталиб ўтган элшунос ва топонимист олимлар С.П. Толстов,[5] Б.Ўринбоев,[6] В.В.Бартолд, Б.Х. Кармышева, Қ.Ҳакимов ҳам бу ҳудудларнинг аҳолиси ва топонимиясини ёритиб беришга ҳаракат қилганлигини Б. Миркамилов эса Форишдаги бир қанча жой номларининг этимологияси бўйича ўзининг сезиларли илмий тадқиқотларини амалга оширганлигига гувоҳ бўлдиқ[7]. Ўтмишда бутун ёз ва кузнинг катта қисмида воҳадаги тожик этноси вакиллари боғларда яшаб, чорвасини Нурота, Туркистон тоғ яйловларида боқишган. XX асрнинг бошларга қадар қишлоқда асосан қиш мавсумида яшашган. Нурота тоғлари шимолий қисми қишлоқлари аҳолисининг қўшимча машғулоти пахтадан ип ясаб, дастгоҳда мато тўқиш бўлган. Ип йиғириш хотин-қизлар юмуши, мато тўқиш эса эркаклар иши эди. Тожик қишлоқлари, қисман ўзбеклар ҳам пахтадан мато тўқиш билан XX асрнинг 50-йиллари ўрталарига қадар шуғулланишган. Воҳа тожиклари асосан чорвачилик ва деҳқончилик билан шуғулланган уларнинг диний ва миллий урф одатлари ўзларига қўшни бўлган бошқа кўчманчи халқлар билан ўзаро фарқли ва ўхшаш ҳолатлари бўлган. Бу воҳада ўзбек, тожик, қирғиз, қозоқ ва бошқа турли миллат ва элат вакиллари ўзаро ҳамжиҳатликда истиқомат қилишганлигини кўрсатади. XIX асрнинг сўнгги чорагида Жиззах воҳасини руслар тамонидан эгаллагандан

сўнг аҳолисининг ижтимоий-сиёсий ҳаётида этник ва ижтимоий таркибида жиддий ўзгаришлар содир бўла бошлаган. Жиззах воҳасига тожик этносининг жойлашиши бўйича турли тадқиқотчиларнинг фикрларига диққат қилиб шуни ҳулоса қилишимиз мумкинки, бу воҳадаги халқлар қадимдан ягона этномаданий муҳитда яшаганликлари, мустаҳкам қон-қардошлик алоқалари, ҳудудий яқинлик, дин ва маданият яқинлиги, савдо-иқтисодий алоқаларнинг мустаҳкамлиги, қадимдан ҳаракатдаги савдо ва қарвон йўлларининг мавжудлиги, ҳамда турли этносларнинг ўзаро ҳамжихатлигидан маҳаллий ҳукмдорлар ҳам манфаатдор бўлган. Жиззах воҳаси аҳолисининг этник, тил, урф-одат ва эътиқод яқинлиги улар ўртасидаги ассимиляция ва консолидация жараёнларини янада жадал кечишига юқоридаги омиллар асос бўлди. Моддий маданият борасидаги ютуқлар ҳам хусусан, «тожикча» деб номланган кийиниш услуби, таом ва емаклар оммалашди. Мазкур минтақа халқларининг ўзаро яқинлашуви маънавий маданиятнинг ажралмас қисми бўлган урф-одат ва маросимлари, санъатида ҳам кузатилади. Хуллас, тожик этносининг Жиззах воҳасининг йирик тоғли туманларида ўзларига яқин қариндошдек бўлиб кетган ўзбек ва боқа этнослар билан ўзаро куда анда бўлиб яшаши, аҳоли сонининг ўсишига баъзи ҳудудларида жой номларининг ўзгаришига, ҳамда янги атамаларнинг пайдо бўлишига, умуман воҳа этнотопонимикасига янги номлар киритилишига сабаб бўлганлигини кузатамиз. Бундай жой номлари воҳада янги ташкил этилган туманларда ҳам пайдо бўла бошлаганлиги буни исботидир. Бу каби омиллар воҳанинг ижтимоий –иқтисодий этномаданий жараёнларига ўз таъсирини ўтказмай қолмаган.

#### **Адабиётлар:**

1. Гулямов Я.Г. Нур Бухарский //Этнография и археология Средней Азии. -М. “Наука”. 1979, с 133.
2. Соб, Эч, Мочарм,Чаканд қишлоғи 2022 йил дала этнографик ёзувлари.
3. ЦГА респ.Узб. И.1. оп 22, д 15, 1869-1873 гг. Рапорт начальника Сырдаринской области об осмотре Западной части Джизакского уезда и населения Кызылкума и переписка по вопросу об устройства киргизов (казахов)на общих с прочих населением верованиям,Ростарт от янв1874г. 176
4. И.Ф. 18, оп 1.д 10935, 1906-1907 гг. -С 33.
5. Osnovnaya problema etnogeneza narodov sredney Azii. S.E.VI-VII. 1947-у
6. Б.Ўринбоев Жиззах вилояти топонимларининг изохли луғатии. Ўқув кўлланма. Ж.2007.
7. Кармышева Б.Х. Новые материалы по этнографии населения Нуратинского хребта. М. Наука 1978 г. С-156. Қ.Ҳакимов, С.Қораев Топонимика дарслик Т. 2003 йил,б.169-171. Қ. Hakimov Jizax viloyati toponimlari. “Sangzor” Jizzax.2014-у . 114- bet Б.Миркамилов.Фориш тумани тарихига доир айрим чизгилар. “Жиззах воҳаси – Марказий Осиё

цивилизацияси тизимида(қадимги даврдан ҳозирги кунгача)” (республика миқёсидаги илмий-амалий конференция материаллари) Ж.2020- б-364-365

Ochildiev, F. B. (2020). Social relationship and tax types in the XIX-XX century in Bukhara Emirate. *International Journal of Scientific and Technology Research*, 9(1), 723-729.

Очилдиев, Ф. Б. (2008). Сурхон воҳаси бекликларидаги ижтимоий-сиёсий ва иқтисодий ўзгаришлар.Т.: *ABU MATBUOT-KONSALT*, 82.

Ochildiev, F. (2021). The inflow of russian capital and industry into the Bukhara emirate in the late 19th and early 20th centuries. *Current research journal of history (2767-472X)*, 2(06), 20-26.

Muhamedov, Y. (2021, November). Chach As The Administrative Center Of The Western Khanate. In *International Scientific and Current Research Conferences* (pp. 75-79).

## ТОШКЕНТ ВОҲАСИ ҲУДУДИДА СОДИР БЎЛГАН ҚАДИМГИ МИГРАЦИЯ ЖАРАЁНЛАРИ

**Ибрагимов Р.З.**

*кичик илмий ходим*

*ЎзР ФА Миллий археология маркази*

Евросиёнинг бронза даври жамияти чуқур ижтимоий-иқтисодий ва маданий жараёнларнинг кечиши билан тавсифланади. Мил. авв. II минг йилликда Марказий Осиёнинг шимолий даштларида кўчманчи чорвачилик хўжалик шаклини юритган Андронов маданиятига мансуб қабилалар яшаган. Улар асосан кўчманчи чорвачилик ва қисман лалми деҳқончилик хўжалиги билан кун кечирган.

Маълумки, мил. авв. III-II минг йилликда Атлантик иқлими даври тугаб, Евросиё ҳудудида об-ҳаво қуруқлашиб, Андронов маданиятига мансуб халқларнинг жанубга кўчишига олиб келган. Уларнинг кўчиши мил. авв. II минг йилликнинг ўрталарида кучайиб, минг йилликнинг охириги чорагида Ўрта Осиёнинг жанубий ерларига кириб борган[1,6-62].

Тошкент воҳаси ерларида сўнгги бронза даври Андронов маданиятига оид ўрганилган маконлар, дафн иншоотлари ва тасодиқий топилмалар мил. авв. II минг йилликнинг иккинчи ярми билан саналанган. Ушбу ёдгорликлар алоҳида локал маданиятга ажратилмаган ва даври санаси бўйича қатъий фикр мавжуд эмас. Археолог олим А.З.Бейсеновнинг оғзаки маълумотига қараганда Қозоғистон ҳудудида мил. авв. XV асрдан кейин Андронов маданиятига оид ёдгорлик қолмаган.

Кейинги йилларда амалга оширилган даврлаштириш бўйича Бургулик маданиятининг шаклланган даври мил. авв. XIII асрлар билан саналанса[2,13], Андронов жамоаларга оид ёдгорликларни мил. авв. II минг йилликнинг иккинчи ярми ва учинчи чорагининг биринчи ярми билан саналаш тўғри қарор бўлади. Унда Андронов маданиятига оид чорвадор



халқларнинг Тошкент воҳаси ерларига кўчиб келиш даври ҳам тахминан мана шу даврга тўғри келади. Андронов маданиятига оид ёдгорликлар асосан воҳанинг тоғ ва тоғ олди ёки адирлик ҳудудларида аниқланиб, улар чорвачилик хўжалиги учун қулай бўлган ерларни жойлашган.

Тошкент воҳасининг сўнгги бронза ва илк темир даври тарихи Бургулик маданиятида ўз аксини топган. Бу маданиятига оид ертўла уй-жойлардан ташкил топган қишлоқлар асосан дарё ҳавзаларига яқин жойларда ва тоғ ва тоғ олди ерларда тарқалган. Х.Дуке Бургулик маданияти Андронов маданиятига оид халқларнинг ўтроқлашуви натижаси вужудга келган, деб ҳисоблайди [3,57-73]. Француз мутахассиси Ж.Бендуза-Самиенто Туябўғиз сув омбори ерларидаги ертўла уйлари Амурдарёнинг қуйи оқимидаги сўнгги бронза даври уйлари билан қиёслаб, Бургулик маданияти Тозабоб маданияти таъсирида шаклланишини қайд этган [4,39-44]. Умуман Бургулик маданиятининг шаклланишида Андронов маданиятининг таъсири устун бўлганлиги аниқ.

Мил. авв. VII-V асрларда Евросиё даштларида яшаган кўчманчи чорвадор қабилаларнинг жанубий ўлкаларга кўчиши содир бўлади. Сирдарёнинг ўрта оқими ерлари мил. авв. I минг йилликнинг иккинчи чорагидан бошлаб кўчманчи чорвадор қабилалари эгаллайди. Уларнинг моддий маданияти намуналари Чордара ҳудудида жойлашган мил. авв. VII-VI асрлар оид Жомантўба қабристонинг 1 қабр-қўрғонида [5,103]. Кўчманчи чорвадорларга тегишли Бурчмулло қабр-қўрғони материаллари эса мил. авв. V-III асрлар билан саналаган [5,103]. Шоштепа манзилгоҳи ҳудудидаги Бургулик маданиятига оид ертўла уйлари устида жойлашган қабрлар ҳам мазкур даврга оид [6,15].

Сирдарёнинг ўрта оқими ҳудудида аниқланган кам сонли археологик ёдгорликлари материалларини Ўрта Осиёнинг бошқа ерлари билан қиёслаш асосида мил. авв. VIII/VII асрларда (Бургулик II босқичи даврида) воҳа ҳудудига бир гуруҳ кўчманчи чорвадор сак қабилалари келиб жойлашиб, Бургулик маданияти соҳиблари билан аралашиб кетган. Улар ҳозирча Ўрта Осиё археологиясида қайд этилмаган археологик мажмуани, яъни чорвадор *саклар* маданиятини яратган.

Қадимги чорвадор сак қабилалари тўғрисидаги маълумотлар Геродотнинг “Тарих” асари (мил. авв. VI аср), Доро I нинг Бехустун қоя тош ва Ксеркснинг Персепол шаҳри саройидаги ёзувлар ҳамда бошқаларда келтирилган [7,38-39]. Улардан “Саки тиграхаудалар” замонавий тадқиқотчиларнинг фикрига кўра Сирдарё ортида, хусусан Тошкент воҳаси ерларида яшаган [8].

Мил. авв. IV минг йилликнинг охири чорагидан Сирдарё ортига Сўғд маданиятининг таъсири бошланган. Жанубий Қозоғистоннинг Чимкент шаҳри яқинидаги қўхна шаҳарнинг қуйи қатламидан Сўғднинг мил. авв. V-IV асрларга оид кулолчилик буюмларига ўхшаш сополлар топилган Улар Р.Ҳ.Сулеймановнинг фикрига кўра мил. авв. 329 йилда Александр Македонский кўшинлари Сўғдга юриш қилган пайтда Сирдарё ортига

чекинган аҳолининг кулоллари томонидан ишлаб чиқарилган[9,22-35]. Бу ўз навбатида сўғдликларнинг Тошкент воҳаси ерларига келиб жойлашиш эҳтимолидан дарак беради.

Антик даври ёзма манбаларида селевкийлар саркардаси Демодам кўчманчи скифларга (сак) қаршилик кўрсатиш учун Яксарт (Сирдарё) дарёсидан ўтиб, қалъа (шаҳар) барпо этганлиги келтирилган. Оққўрғон тумани ҳудудида жойлашган Қанқа манзилгоҳининг биринчи шаҳристонини (Шаҳристон I) мудофаа девори эллин меъморчилик усулида барпо этилган бўлиб, уни Ю.Ф.Буряков Демодам барпо қилган шаҳарнинг ўрни, деб ҳисоблайди[10,106]. Бу жараён мил. авв. IV/III асрда содир бўлиб, юнон амалдорлар ва сўғдлик курувчилардан иборат аҳоли вакиллари кўчиб келганлиги, табиий.

Тошкент воҳасида маданий тараққиётининг кейинги босқичи Қовунчи маданиятининг шаклланиши билан боғлиқ. Л.М.Левинанинг фикрига кўра Сирдарёнинг айрим ўзанлари мил.ав. III-II асрларда сувсизланиб қолгандан кейин Бабишмулла ва Чирикрабод маданиятлари инкирозга учраган[11,5-6]. Бу ҳудудда яшаган аҳолининг бир гуруҳи мил. авв. III асрнинг ўрталарида Парфияга (дахлар) кўчиб бориб, аршакийлар сулоласига асос солган. Бошқа бир гуруҳи эса Тошкент воҳасига келиб жойлашган[6,84-92]. Қовунчи маданиятига асос солган халқлар айнан Сирдарёнинг қуйи оқими ерларидан кўчиб келган аҳоли вакиллар бўлган. Маълумки, бу даврда Сирдарёнинг ўрта оқими ҳудудида маркази Тошкент воҳаси ерларида жойлашган Қанғ давлати ташкил топади[12,150;186]. Тадқиқотчи олимлар Қовунчи маданияти ва Қанғ давлати ўртасида яқин алоқадорлик мавжуд бўлганлиги тўғрисида фикр билдирадilar. Б.А.Литвинский фикрига кўра Қовунчи I мажмуаси Қанғ давлатини илк босқичи бўлиб, сўнгги сак давлати ҳисобланган[13,27]. Антиқ даврининг илк босқичида кўчиб келиб, Қовунчи маданияти ва Қанғ давлатларига асос солган аҳоли вакиллари Тошкент воҳасида кечган этногенез, урбанизация жараёнлари ва давлатчилигида чуқур из қолдирган.

Умуман Тошкент воҳаси ҳудудига илк тош давридан бошлаб қадимги одамларнинг кириб келиши бошланиб, кейинги миграциялар давомида аҳоли сонининг кўпайиши билан бирга жамиятнинг ижтимоий-иқтисодий ва маданий тараққиёти чуқурлашиб борган.

#### **Адабиётлар:**

1. Кузьмина Е.Е. Арии-путь на юг. М.-Спб., «Летний сад» 2008.
2. Баратов С.Р.Бургулик маданияти. // Тошкент воҳаси археологияси. Тошкент, UNESCO, 2008.
3. Дуке Х.Туябугузские поселение бургулюкской культуры. Ташкент. “Фан” 1982.
4. Bendezu-Sarmiento J., Lhuillier J. Between Nomadic and Sedentary Cultures: study the Ancient Iron Age cultures of in Chach. Is it possible to speak about an influence of Khorezm? Тошкент шаҳрининг 2200-йиллик юбилейига бағишланган халқаро анжуман материаллари. Тошкент, “Фан”, 2009.

5. Заднепровский Ю.А. Ранние кочевники Южного Казахстана и Ташкентского оазиса // Археология СССР. Степная полоса Азиатской части СССР в скифо-сарматское время. – М., “Наука”, 1992.
6. Филанович М.И. Древняя и средневековая история Ташкента в археологических источниках. Ташкент, “Фан” 2010.
7. История Узбекистана в источниках. Под. ред. Б.В. Лунина. Ташкент. “Фан” 1984.
8. Сагдуллаев А.С. Қадимги Ўзбекистон илк ёзма манбаларда. Ташкент, 1982.
9. Сулейманов Р.Х., Байтанаев Б.А. Стратиграфия городища Шымкент: возникновение и развитие города // Древняя и средневековая урбанизация Евразии и возраст города Шымкент. Материалы научно-практической конференции. 16 октября 2008 г. Шымкент, 2008.
10. Буряков Ю.Ф., Генезис и этапы города и городской культуры Ташкентского оазиса. Ташкент “Фан”, 1982.
11. Левина Л.М. Этнокультурная история Восточного Приаралья. I тысячелетие до н.э.-I тысячелетие н.э. М., “Восточная литература”, 1996.
12. Бичурин Н.Я. (Иакинф). Собрание сведений о народах обитавших в Средней Азии в древние времена. МЛ. “Изд. Академия наук СССР” 1950. Т. II.
13. Литвинский Б.А. Кангюйско-сарматский фарн (к историко-культурным связям племён южной России и Средней Азии). Душанбе, “Дониш” 1968.

## **ЎЗБЕКИСТОНДА БАДИИЙ ХАВАСКОРЛИК ЖАМОАЛАРИ ФАОЛИЯТИ ТАРИХИДАН**

**Чориева Д.А.**

*илмий ходим*

*Ўзбекистоннинг энг янги тарихи масалалари бўйича*

*Мувофиқлаштирувчи-методик марказ*

Ўзбекистон мустақилликка эришганидан сўнг давлат бошқарувида маданият соҳасидаги сиёсатини белгилаш ва амалга оширишда асосан миллийлик, тарихийлик ва халқ маънавий-ахлоқий тараққиётининг кўп асрлик анъаналари ҳисобга олиниб, миллий қадриятлар, миллий анъаналар, халқнинг миллий ўзига хослиги сақлаб қолиниши учун зарур шарт-шароитлар яратилиб, қўллаб-қувватланди. Ушбу миллий маданий меросни тиклаш, тарғиб қилиш маъсулиятини ўз зиммасига олган бадий жамоалар фаолияти муҳим аҳамиятга эга бўлди.

Ўзбекистонда бадий хаваскорлик жамоалари тарихи ўтган асрнинг 20 йилларидан бошланган ҳамда 1961 йилдан бошлаб, мусиқа хаваскорлиги тўғаракларига халқ унвони берилди бошланган [1]. Мустақиллик йилларида хаваскор жамоаларининг сонини оширишда янгича йўл тутилди. Бунда халққа яқин миллий анъаналарга ҳурмат ва уларнинг давомийлигини таъминлаш мақсадида оилавий дасталар, бахши шоирлар, лапарчилар,

халфалар, масхарабоз-аскиячилардан оилавий хаваскорлик ижод дасталари ташкил қилишга эътибор қаратилди.

Миллий анъаналар дастлаб, маҳаллий мазмунда, яъни Хоразм, Сурхондарё, Бухоро, Самарқанд, Тошкент, Фарғона, Қорақалпоғистон ва хоказо ҳудудларда яшовчи элатларга хос урф-одатлар, расм-русумлар, маросимлар тарзида вужудга келган. Сўнгра уларнинг энг яхшилари асрлар давомида сараланиб, умуммиллий қадриятлар даражасига кўтарилган. Турли мамлакатларга хос энг яхши қадриятлар умумлашган ҳолда сараланиб, башарият қадриятларига айланади. Шу боисдан ҳам ҳар бир инсон учун ўз миллий қадриятларини, шунингдек умуминсоний қадриятларни билиш жуда муҳим.

Ўзбек халқи томонидан ўтмишда ардоқлаб келинган ва улар ҳаётининг мазмунига айланган хилма-хил урф-одатлар, расм-русумлар, анъаналарни қамраб олган миллий маданий меросни қайта тиклаш, ёшлар онгига сингдириш муҳим омиллардан бири ҳисобланади. Ўзбекистон Республикасининг Биринчи Президенти И.А.Каримов: "...ҳар қайси халқ ёки миллатнинг маънавиятини унинг тарихи, ўзига хос урф-одат ва анъаналари, ҳаётий қадриятларидан айри ҳолда тасаввур этиб бўлмайди. Бу борада, табиийки, маънавий мерос, маданий бойликлар, кўхна тарихий ёдгорликлар энг муҳим омиллардан бири бўлиб хизмат килади" деб тўғри таъкидлаган [2]

Ҳозирги кунда Ўзбекистон Республикасида Маданият вазирлиги тизимидаги маданият муассасаларида 444 та бадий жамоалар фаолият юритади. Бу жамоаларнинг 408 тасига "Халқ хаваскорлик жамоаси" ва 36 тасига "Болалар намунали жамоаси" унвони берилган [3]. Бадий жамоаларга: Ашула ва рақс ансамбли, фольклор-этнографик ансамбли, рақс ансамбли, вокал чолгу-эстрада халқ ансамбли, халқ хорлари халқ театрлари, мақом ансамбллари, дорбозлар гуруҳи, цирк жамоалари, халқ филармонияси, карнай-сурнайчилар жамоалари, тасвирий санъат халқ студияси, чолғу асбоблари халқ ансамбли, опера студияси, кино-фото студия, миллий эстрада гуруҳи, дуторчилар халқ ансамбли, оилавий ансамбллари киради.

Хусусан, мустақиллик йилларида маданий меросни қайта тиклаш мақсадида маданият уйлари қошида кўплаб бадий жамоалар ташкил қилинган. Жумладан, Қорақалпоғистон Республикаси, Навоий, Наманган, Сурхондарё, Фарғона, Хоразм, Қашқадарё вилоятлари ва Тошкент шаҳрида кўплаб ашула ва рақс ансамбллари ташкил қилинган. Жумладан, 1991 йилда Қорақалпоғистон Республикасининг Беруний туманида "Ёғду", Сурхондарё вилоятининг Жарқўрғон туманида "Дилрабо" (1992), Хоразм вилоятининг Хива туманида "Хива нақшлари" (1993), Шовот туманида "Шохобод" (1993), 1995 йилда Қорақалпоғистон Республикаси Хўжайли туманида "Шуғло-Энерго", Янгибозор туманида "Хушнаво" (1997), Навоий вилоятининг Конимех туманида "Сарибел" (2001), Тошкент шаҳрида "Таманно" (2003), ашула ва рақс ансамбллари ташкил қилинган бўлса, Фарғона шаҳрида "Ёрқиной" оилавий ансамбли (2010) ташкил қилинди [4]. Шу билан бирга, республикада фольклор-этнографик ансамбллари ҳам ташкил этила

бошлаган, Жумладан, 1991 йилда Жиззах вилоятининг Ғаллаорол туманида “Гаштак”, Тошкент вилоятининг Оққўрғон туманида “Тўрғай”, Навоий вилоятининг Нурота туманида “Нуржаҳон” фолклор этнографик ансамбллари ташкил этилган бўлса, кейинчалик йилар давомида Ўзбекистоннинг бошқа ҳудудларида ҳам шундай ансамбллар ташкили кузатилади. Булар, Андижон вилоятининг Балиқчи туманида “Зилол” (1992), Сирдарё вилоятининг Сардоба туманида “Жан-жанай (1994), “Бодом гуллари” (2008), Бухоро вилоятининг Шофиркон туманида “Вардонзе наволари” (1992), Пешку туманида “Миришкор” (1997), Галаосиё шаҳарчасида “Мавжи Бухоро” (2002), Олот туманида “Олот дурдоналари” (2010), Тошкент шаҳрида “Хилола” (2008), “Ўзбекойим” (2008), Қашқадарё вилоятининг Муборак туманида “Занжирсарой” (1995), Қарши шаҳрида “Насаф” (2012), “Ойдиной” (2012) каби кўплаб фолклор этнографик ансамбллар ташкил қилинди [4].

Ўзбекистон бадиий жамоаларининг халқ оғзаки ижодиётни, миллий маросимларни эъзозлаш ва сақлаш билан бирга улардан келгуси авлодлар ҳам баҳраманд бўлишига ўз хиссаларини қўшиб келган. Бадиий жамоалар нафақат республика миқёсида, балки хорижий алоқларда ҳам муносиб ўрин олган.

Жумладан, Тошкент вилоятининг Ангрен шаҳар маданият уйи қошида “Шанс” халқ шоу балет рақс ансамбли (1991) республикада ҳамда хорижда ўтказиладиган турли тадбирлар иштирокчиси бўлган. Ансамблнинг 1991 йилда Татаристон Республикаси Альметьевск шаҳрида республикалараро ўтказилган эстрада рақслари фестивалида қатнашиб лауреатликни қўлга киритиши ансамблнинг дастлабки ютуғи бўлса, 1994 йил Ўрта Осиё бўйича ўтказилган “Фарғона-94” номли шоу-балет фестивали, шунингдек, 1995 йилда Тошкент шаҳрида ўтказилган “Spring-95” шоу-балет фестиваллари дипломини қўлга киритиши эса уни республикага танитди [4].

Бундан ташқари, Республикада ҳозирги кунда 49 та болалар бадиий жамоалари фаолият юритиб келмоқда. Йиллар давомида Ўзбекистонда ва хорижда танилиб улгурган машҳур болалар жамоаларидан бири Сурхондарё вилоятининг Бойсун тумани уйи қошида 1991 йилда ташкил қилинган “Қуралай” фольклор-этнографик болалар ансамблдир. Ушбу жамоа иштирокчилари мактаб ўқувчиларидан ташкил топган бўлиб, уларнинг репертуарларида ўзбек халқининг урф-одатлари, одоб-ахлоқ, ватан мавзулари кўзга ташланади. [5].

Хулоса қилиб айтганда, мустақиллик йилларида бадиий ҳаваскор жамоалар сонини оширишда янгича йўл тутилди. Кўплаб янги жамоалар ташкил қилинди. Бунда халққа яқин миллий анъаналарга ҳурмат ва уларнинг давомийлигини таъминлаш мақсадида оилавий дасталар, бахши шоирлар, лапарчилар, халфалар, масхарабоз-аскиячилардан оилавий ҳаваскорлик ижод дасталари ташкил қилишга эътибор қаратилди. Ушбу ҳаваскор бадиий жамоалар миллий кадриятлар, нутилиб кетаётган урф-одатлар, кўп асрлик миллий анъаналар ва миллий санъат каби маданий меросимизни қайта

тиклаш, тарғиб қилишда муҳим аҳамиятга эга бўлди. Бадий жамоалар нафақат миллий маданий меросимизни тиклаш, балки бой тарихий маданий меросимизни кенг хорижий оммага танитишда ҳам муҳим аҳамият касб этди.

#### **Адабиётлар:**

1. Ирзаев Б.Ш. Мустақиллик йилларида Ўзбекистонда муסיқа маданиятининг ривожланиши. – Т.: Янги аср авлоди. 2015, – 344 б.
2. Каримов И.А. Юксак маънавият - енгилмас куч. Т.: Маънавият, 2008, 30-б.
3. Ўзбекистон Республикаси Маданият вазирлиги жорий архиви. Республика маданият муассасалари фаолиятини ташкил этиш илмий-методик маркази ҳисоботи. 2016 йил.
4. Хаваскорлик санъати – профессионал санъатнинг пойдевори. (Республикадаги энг илғор бадий жамоалар мисолида). –Т., 2008, 7-бет.
5. ЎЗРМА. Фонд-М-7, рўйхат-1, 653-йиғма жилд, 72-варақ.

### **ILK O'RTA ASR TERRAKOTALARINI TADQIQ QILISHDA BA'ZI MULOHAZALAR**

**Abdullayeva M.M.**

*o'qituvchi*

*O'zbekiston Milliy universiteti*

Terrakotalar tahlili keng qamrovli bo'lib, ularni arxeologik nuqtai nazardan tavsiflash, bu boradagi yangi yondashuvlarni tahlil qilish masalalari mavzuning ahamiyatli ekanligidan dalolat beradi.

Bugungi kunga qadar O'rta Osiyoning terrakotadan yasalgan haykallarini tadqiq qilishda yuzdan ortiq tadqiqotchilarning 400 dan ortiq nashr etilgan asarlari mavjud. Bu adabiyotlarning barcha hajmi ikki xronologik bosqichga bo'lingan. Uning dastlabki bosqichi XIX asrda O'rta Osiyoda olib borilgan birinchi arxeologik tadqiqotlar hisoblansa, ikkinchi bosqichi XX asr o'rtalarida yaratilgan arxeologik ekspeditsiyalar materiallari hisoblanadi. Birinchi bosqich O'rta Osiyoda terrakota haykaltaroshligi muammolarini o'rganish bilan ajralib tursa, ikkinchi bosqich ilmiy tadqiqotlarni alohida hududlarda mahalliyLashtirish xususiyatlari bilan ajralib turadi.

Terrakotalar – bu mustaqil semantik va tasviriy tarkibga ega bo'lgan ob'ektlar bo'lib, ular xom loy massasidan turli xil usullarda qo'lda tayyorlash va keyinchalik pishirish bilan shakllantiriladi [5: s. 8]. Qadimgi O'rta Osiyoning terrakota plastikasi san'atini o'rganishning bugungi kundagi asosiy vazifalaridan biri bu topilmalar toifasini to'laqonli arxeologik manba toifasiga kiritishdir [5: s. 7]. Ba'zi madaniyatlar uchun terrakotalar mafkura va san'at masalalarini hal qilishda asosiy manbalardan biridir. Terrakotalarning ortib borayotgan ahamiyati uni o'rganishning yangi usullariga bo'lgan ehtiyojni belgilaydi. Bu esa allaqachon to'plangan va ko'rib chiqilgan materiallardan ko'proq ma'lumot olish imkonini beradi [4: s. 151]. Terrakotalarni o'rganishda arxeologik usullarning yaratilgani va

qo'llanilgani uchun 1940 yillardan boshlab, ular moddiy madaniyatni emas, balki kishilarning ijtimoiy hayoti, diniy dunyoqarashi, ma'naviy madaniyati va san'ati haqida berilgan ma'lumotlarning ob'ekti sifatida ham qarala boshlangan [4: s. 152].

San'at ob'ektlari sifatida terrakota buyumlari P. Tolstoy va N.Kondakovlar asarida ko'rib chiqilgan. Shuningdek, V.V.Bartold topilmalar tavsifini berishda yozma manbalardan dalillarni izlash kerakligini ta'kidlaydi. Olim o'z hamkasblarini ossuariylarni o'rganishda arxeologlarni asosiy yondashuvdan chalg'itmaydigan, moddiy madaniyat mavzusini o'rganishga asoslangan ma'lum bir yo'nalishga qat'iy rioya qilishga chaqirgan: "Alohida namunalarni taqqoslash, tiplarni aniqlashtirish, ularning tabiiy-geografik, etnografik hamda boshqa sharoitlarga bog'liqligini tahlil qilish kerak" [5: s. 14-15].

Yozma manbalarda dalillarni izlash va ularni sharhlashda I.T.Poslavskiyning tadqiqotlari muhim hisoblanib, u turli xil terrakota haykaltaroshlik turlarining yaqinligini ta'kidlab, uni barcha tarkibiy qismlarning yig'indisida ko'rib chiqish zarurligini birinchilardan bo'lib tushuntirgan. Terrakotalarning yagona ishlab chiqarish texnologiyasi bilan bog'langanligini va bir xil jihatlarni aks ettirishini ta'kidlagan [5: s. 15].

K. Abdullaev [1: s. 62-69] Baqtriya-Tohariston, So'g'd hududidagi sosoniylar davri tasvirlarining ahamiyati va o'ziga xosligiga to'xtalgan bo'lib, bunda terrakotalarda berilgan tasvirlar o'sha davr numizmatika va devoriy tasvirlarining ko'rinishlari bilan qiyosiy tahlil qilinadi. Qiyosiy tahlil natijalariga ko'ra: terrakota boshida tasvirlangan tojlar hukmdorlik ramzi hisoblanib, ularning aksi asosan zardushtiylikning ramziy belgilari (xudo axuramazda, anaxita, mitra, quyosh, muqaddas qush qanotlari) bilan uyg'unlashgan. Bu davr terrakotalari buddaning oldingi ko'rinishini siqib chiqargan. Asosiy e'tiborni hukmdor kuch qudrati zardusht xudolari hamrohligida uyg'un ko'rsatilgan.

Dj. Y. Ilyasov [6: s. 155-158] o'z maqolasida Toxaristonning asosiy mulklaridan biri bo'lgan ilk o'rta asrlar Chag'oniyon terrakotalarida bugungi kungacha to'plangan materiallar tahlili asosida yangi ma'lumotlar va talqinlarni taqdim etadi. Xususan, Chag'oniyon terrakotasining buddist ikonografiyasi bilan bog'liqligi haqidagi taxmin ma'lum darajada oqlaydi. Bu esa terrakotalar bilan bog'liq oldingi ta'riflarni rad etadi (G. A .Pugachenkova - "ayol xudosining byusti", "ma'buda boshi", E. V. Rtveladze va A. S. Sagdullaev - "ayol oy xudosi", L.I.Rempel - "shoxli ma'buda", Y.Yakubova - "yovuzlik" ruh"). Chag'oniyon terrakotasini ayol xudo yoki bodxisattva emas, balki ideallashtirilgan yoki ilohiylashtirilgan hukmdorning tasviri sifatida talqin qilish kerak deb hisoblaydi. Ularni sanasini V-VII asrlar deb taxmin qiladi va terrakotalarni eftaliylar bilan bog'laydi. Bu fikrini ushbu terrakotalarning ikkita belgisi - uch yarim oyli toj va uchburchak darvozaga alohida e'tibor qaratish va tahlil qilish orqali isbotlashga harakat qilgan.

N. D. Dvurechenskaya [4: s. 151-155] qadimgi va ilk o'rta asrlarda O'rta Osiyoda terrakota haykaltaroshligi muammolariga oid mavjud adabiyotlarning butun hajmini tarixnavislik usuli bilan tadqiq qilgan. Qadimgi moddiy madaniyatni

arxeologik o'rganish uslublarini san'at tarixi yo'nalishidagi uslublar bilan bog'lanishi orqali turli madaniyatlarning, diniy va mafkuraviy g'oyalarning o'zaro ta'siri bilan bog'liq muammolarni olib chiqishini ta'kidlagan. Shuningdek, olimlar terrakota haykaltaroshligini yaxlit o'rganishni tadqiq qilib, buning muhim sharti, terrakota haykaltaroshlik buyumlarining barcha turlarini umumiy xususiyatga ega bo'lgan hodisa sifatida ko'rib chiqqan. Shu bilan birga, har xil turdagi mahsulotlarni yaxlitlik doirasida tabaqalashtirib o'rganishni amalga oshirishni muhim deb hisoblagan.

Demak, yuqoridagi tahlillardan xulosa qiladigan bo'lsak, terrakotalar haqidagi adabiyotlar tahliliga ko'ra, ular yagona ishlab chiqarish texnologiyasi bilan bog'langan bo'lib, terrakota haykaltaroshlik buyumlarining barcha turlarini umumiy xususiyati mavjud. Bu esa ularni nafaqat arxeologik balki, antropologik (madaniy-antropologiya), etnologik (etnografiya) jihatdan tahlil qilish imkoniyatini kengaytiradi va konkretlashtiradi.

### **Adabiyotlar:**

1. Абдуллаев К. Сасанидские параллели в Согде и Бактрии-тохаристане на примери некоторых памятников пластического искусства//Культура Среднего Востока (С древнейших времен до наших дней) . – Т.: “Фан”, 1990.

2. Ахраров И., Усманова З. И. Терракоты Бухары//Культура Среднего Востока (С древнейших времен до наших дней) . – Т.: “Фан”, 1990. – С. 36-44.

3. Грицина А. А. Терракотовая статуэтка из Уструшаны // Посвященной 50-летию научной деятельности Г. В. Шишкиной: Материалы международной конференции. – Государственный музей Востока (Москва), 14-16 декабря 2000 года. – С. 148-150.

4. Двуреченская Н. Д. Изучение терракотовой пластики Средней Азии (проблемы и перспективы их разрешения) // Посвященной 50-летию научной деятельности Г.В. Шишкиной: Материалы международной конференции. – Государственный музей Востока (Москва), 14-16 декабря 2000 г.

5. Двуреченская Н. Д. Терракотовая пластика древнейших государств Средней Азии IV в. до н. э. — IV в. н. э. (археологический аспект). – Санкт-Петербург, 2016. – С. 607.

6. Ильясов Дж. Я. Терракота раннесредневекового чаганиана // Посвященной 50-летию научной деятельности Г.В. Шишкиной: Материалы международной конференции. – Государственный музей Востока (Москва), 14-16 декабря 2000 года. – С. 155-158.

7. Кириллова О.В. Богиня в шлеме с городища Афрасиаб // Посвященной 50-летию научной деятельности Г.В. Шишкиной: Материалы международной конференции. – Государственный музей Востока (Москва), 14-16 декабря 2000 года. – С. 158-160.

8. Пугаченкова Г. А. На путях познания художественного наследия средней Азии//Культура Среднего Востока (С древнейших времен до наших дней) . – Т.: “Фан”, 1990. – С.7-17.



## **ХІХ АСР ЎРТАЛАРИДА МИРЗАЧЎЛ ХУДУДИДА ЯШАГАН АҲОЛИНИНГ ИЖТИМОЙ ҲАЁТИ**

**Жўраев И.**

*ўқитувчи*

*Гулистон Давлат университети*

ХІХ аср ўрталарида Мирзачўл худудида яшаган аҳолининг ижтимоий ҳаёти ва иқтисодий манбалари ҳақида маълумот манбаларда тўлиқ ва аниқ берилмаган. Рус ҳарбий тарихчиси П.П.Шубинскийнинг ёзишича, қадимда Мирзачўл ўзлаштирилиб, суғориш ишлари олиб борилган. У ўлканинг бутунлай бўшаб қолишига Бухоро ва Қўқон ўртасидаги тортишувлар сабаб бўлган, деб кўрсатади. Чўл атрофидаги адирларда қадимда яшаган аҳоли маконларининг излари сақланган. Аҳоли бошига келган нотинчлик туфайли ўтроқ аҳоли тоғ ораларига ва тинч воҳаларга кўчиб кетишга мажбур бўлган[1].

Туркистон худудига русларнинг келиши арафасида Сирдарё соҳилларида ўзбек, қирғиз ва қозоқларнинг қишки овуллари мавжуд бўлган. Қўнғирот уруғи қирғизларининг бу худудларга келиб қолиши ХVI-ХVII асрларга бориб тақалади. Мирзачўлдаги ўзбек уруғи бошлиқлари қаропчи ва парчаюзлар ҳисобланган. Мирзачўлнинг ички қисмларида ва кўл атрофларида кўчманчи қозоқлар ўтовлари мавжуд бўлган[2]. Аҳолининг айнан дарё соҳилларида яшаганлиги сабаби бу ерда ёз ва қиш мавсумида ҳам яшаш имкони бўлган. Аҳоли ёзда чайлаларда, қишда эса ертўлаларда истиқомат қилишган. Улар чорвачилик ва қисман лалми деҳқончилик билан шуғулланишган.

ХІХ асрнинг ўрталарига оид манбаларда Сирдарё соҳилларида яшаган қирғиз, қозоқ кўчманчи аҳолисининг аниқ сони ва жойлашган овуллари ҳақида батафсил маълумот йўқ. Улар доимий ҳолатда кўчиб юришгани учун, уларнинг яшаш жойлари фақат чайлалардан иборат бўлган. Асосий истиқомат маркази овуллар ҳисобланган.

Исломий қоидага кўра, аҳолининг исми шарифи ва аниқ сонини санаб кўрсатиш анъанага айланмаган. Маҳаллий оқсоқоллар ва хон ҳукумати вакиллари фақат аҳолининг мол-мулки, ҳосили ҳақида маълумот олишган. Шу сабабли кўчманчи аҳолининг сони ва таркиби ҳақида аниқ маълумот олиш мушкул бўлган.

1872 йили рус тадқиқотчиси А.И.Макшеевнинг Мирзачўлда яшаган уруғларнинг жойлашган ўрни, овул ва қишлоқлар номи, улардаги ўтовлар сони борасида тўплаган материаллари муҳим илмий қимматга эга. Бу манбада Мирзачўлга рус аҳолисининг кириб келишидан илгари маҳаллий аҳолининг этник таркиби, жойлашган ўрни ҳақида батафсил маълумот берилган. Унда ёзилишича, ўзбекларнинг қаропчи уруғига мансуб аҳоли Мирзачўлнинг Эржар, Халқакўл, Майда жинғил, Қолгансир манзилгоҳлари ва Бегавот, Лангар, Чақир, Намингон, Искандар, Сармич, Увоқ, Тарнов,

Топқоқ қишлоқларида яшаганлар. Эржар манзилгоҳи Сирдарё бўйлаб 12 верст масофага чўзилган бўлиб, кенглиги 4 верстни ташкил этган. Ўтовлар сони 19 та бўлган. Халқакўл манзилгоҳи Сирдарёга яқин жойда жойлашган бўлиб, узунлиги 4, эни эса 2 верстни ташкил этиб, 7 та ўтов жойлашган. Қолгансирда 5 та ўтов бўлиб, бу худдуд Майда жингилга яқин жойда жойлашган. Майда жингилда энг кўп, яъни 35 та ўтов жойлашган бўлиб, у Сирдарё бўйлаб 4 верст узунликда, эни 1 верстни ташкил этган[3].

Парчаюз уруғига мансуб аҳоли қаропчилар билан бирга Халқакўл, Майда жингил, Эржар манзилгоҳларида ва Ховос қишлоғи яқинидаги даштда Парча, Оққувоқ, Қизилчанғил, Мулла бобо кудуғи номли манзилгоҳларда яшаганлар. Халқакўлда улар 21 та ўтовда, Майда жингилда 7 та ўтовда истиқомат қилишган, қишлоғи шу ерда қаропчилар билан бирга ўтказганлар. Парчаюзларнинг уяс уруғига тегишли аҳоли Эржарда жами 27 та ўтовда, Парчада 12 та, Оққувоқда 15 та, Қизилчанғилда 17 та, Мулла бобо кудуғида 6 та, Ховос қишлоғи атрофида 50 та ўтовда яшаган. Фақат Совет қишлоғида парчаюзлар доимий равишда истиқомат қилганлар.

Совет ва Намингон қишлоқларида ўзбеклар истиқомат қилиб, Советда 8 та устахона ва дўкон, 5 та тегирмон мавжуд бўлган бўлса, Намингон қишлоғида 4 та дўкон ва устахона, 2 та тегирмон ишлаб турган. Ховос оқсоқоллигига Хўжақишлоқ, Қўшкент, Итбулоқ, Чанговул, Учтурғон, Қипчоқ, Ховос, Логин қишлоқлари қараган. Энг йирик қишлоқ Ховос бўлиб, 120 та хўжалиқдан иборат бўлган. Хўжақишлоқ, Итбулоқ, Қипчоқ қишлоқларидан бошқа барча қишлоқларда дўконлар, тегирмонлар, хунармандчилик устахоналари мавжуд бўлган.

Ховосда иккита, Қўшкент, Чанговул, Учтурғон, Қипчоқ, Ховос, Логин қишлоқларида биттадан мактаб бўлган, фақат Хўжақишлоқ, Итбулоқ қишлоқларида мактаб бўлмаган. Мактабларда ўқувчилар сони 5 нафардан 25 нафаргача бўлган.

Ховос оқсоқоллигида 10 та масжид бўлиб, ҳар бир масжидда бир нафар имом диний маросимларни ўтказилишини назорат қилиб турган. Фақат Хўжақишлоқда масжид ҳам, имом ҳам бўлмаган.

Мирзачўлнинг Совет волостида ўзбек – қаропчилар (юзлар) яшаган бўлиб, улар 7 урукқа бўлинган: туркман, кўштамғали, уяс, парчаюз, ачамайли, боёвут, еттиуруғ. Қаропчи қабиласининг 7 уруғи ўз навбатида бир неча бўғинларга бўлиниб овулларда яшаганлар. Овуллар бир неча ўн хўжалиқдан иборат бўлган. Овул қанчалик катта бўлса, хўжалиқлар сони шунчалик кўп бўлган. Гоҳида овулга келиб чиқиши уларга ёт бўлган ўтовлар ҳам келиб қўшилган, аммо улар вақтинча бирга истиқомат қилганлар[2].

Мирзачўлда яшаган, ярим кўчманчилик билан ҳаёт кечирган ўзбеклар XIX асрнинг иккинчи ярмида ўтроқ турмуш тарзига ўта бошлаганлар.

Эржар волостида яшаган қозоқлар икки урукқа бўлинган, булар қўнғирот (қоракўз) ва ромадон уруғлари бўлиб, қўнғирот уруғи 3 бўғинга бўлинган: бултай, хальпэ, жетим. Улар қишни Сирдарё бўйидаги тўқайларда ўтказганлар. Ёзда йирик отарларини тоғларга ҳайдаб кетганлар. Асосий озик-

овқат маҳсулотлари буғдой нони бўлган, кейинги ўринларда тарик, сут ва барча турдаги гўштлар турган. Қиш кунлари гўштни кўп истеъмол қилганлар, асосан бўйра тўқиганлар.

Маҳаллий аҳолининг қандай экин турлари билан шуғулланганлиги илк бор расмий жиҳатдан аниқ ҳолатда 1908 йилда Туркистон ўлкаси Давлат мулки ва ер ишлари Бошқармаси кичик топографи Ю.И.Гоппер томонидан рўйхатга олинган. Унда ёзилишича, маҳаллий аҳоли чорвачилик, деҳқончиликдан ташқари балиқчилик ва хунармандчилик билан ҳам шуғулланганлар. Боғлари бўлмаган. Маҳаллий хунармандлар қўй юнгидан кийгиз, арқон, гилам, хуржун, чакмон тўқиганлар. Ўзбеклар ҳам, қозоқлар ҳам яйловларни ижарага бермаган, ўз навбатида улар кўчиб юрган яйловлар учун ҳеч кимга ҳеч қандай ҳақ тўламаганлар[2].

Аҳоли кўчманчи ва ўтроқ ҳолатда маҳаллий оқсоқолликлар бошқарувида яшаган. Кўчманчи аҳоли ўзаро келишувга кўра, янги яйлов ва чорвачилик майдонларини излаб кетган.

Хулоса ўрнида шуни айтиш мумкинки, XIX аср ўрталарида Мирзачўл аҳолиси этник тузилишига кўра хилма-хил бўлиб, ўзбек уруғлари, тожиклар, қозоқлар, қорақалпоқлар ва қирғизлардан иборат бўлган. Улар воҳада ўтроқ, ярим-ўтроқ, кўчманчи ҳолатда турмуш кечирган. Чорвачилик, лалми деҳқончилик, қисман суғорма деҳқончилик ва боғдорчилик, хунармандчиликнинг айрим турлари, Сирдарё соҳиллари ва кўл бўйларида балиқчилик билан шуғулланган. XIX асрнинг охири XX асрнинг бошларида Мирзачўлда суғориш иншоотлари ва темир йўл тармоғининг қурилиши билан кўчманчи ва ярим кўчманчи аҳоли ўтроқ турмуш тарзига ўта бошлаган. XIX асрнинг охири XX асрнинг бошларида янги барпо этилган суғориш иншоотлари атрофида ва темир йўл станциялари ёнида йирик аҳоли манзилгоҳлари, шаҳар типигаги посёлкалар вужудга кела бошлайди.

#### **Адабиётлар:**

1. Шубинский П.П. Бухарские посольства при дворе Екатерины II, – СПб, 1897.
2. Алибеков У. XIX аср охири – XX аср бошларида Сирдарё вилояти демографияси//Ўзбекистонда урбанизация жараёнлари: Тарих ва ҳозирги замон. Халқаро илмий-амалий анжуман материаллари. –Тошкент, 2007. – 17 - 20 б
3. Омонжулов Т., Мирзаева Н. Мирзачўлнинг ўтмиш тарихи. Гулистон, 2011. – 15 б.

## СУРХОН ВОҲАСИДА МИСКАРЛИК ВА ЗАРГАРЛИК САНЪАТИ ҲАҚИДА АЙРИМ МУЛОҲАЗАЛАР

Чориев С.Х.

ўқитувчи

Термиз Давлат университети

Ўзбекистоннинг бир қатор маданий марказларида бўлгани каби Сурхон воҳаси ҳам ўзига хос анъана ва ишлаб чиқариш усулларига эга бўлган ҳунармандчиликнинг мискарлик ва заргарлик санъати мактаблари вужудга келган. Ушбу мактабларда яратилган маҳсулотлар ўзининг бетакрор шакл ва безаклари билан алоҳида ажралиб турган.

Мискар усталар томонидан ясалган мис коса, мис лали, лалича, ликопча, чой идиш, мис чилим, мис офтоба кундалик турмушда кенг қўлланилган. Мис буюмлар уч ҳунарманд меҳнати маҳсулидир. Мискарлар қизил ёки сариқ мисдан идишнинг андозасини тайёрлаган ва қалай юргизиб оқартирган. Рехтагорлар буюмнинг алоҳида қисмларини (дастак, куббали қопқоқ, чумак учи - санула, ошиқ-мошиқ) ясаган. Кандакорлар эса буюмларга нақш бериб беаган.[7, Б.80]

Академик Г.А.Пугаченкова ҳамда Л.И.Ремпелнинг маълумотларига кўра, мискар усталар мис идишни икки йўл билан ясаганлар:

1.Қуймачилик йули орқали, бунда металлни эритиб, сўнгра қолибга туширишган.

2.Болға ёрдамида, бунда мис болғаланиб, кейин бир-бирига улаб идиш шаклига келтирилган. Болғалаб ясашда металл сандонда тез-тез қиздириб турилган, буюмлар ясалгач тозаланиб нақш берилган. Мис буюмларини мазкур усулда яшаш Сурхон воҳаси мискарлари фаолиятига хос.

Тўғри, Сурхон воҳаси бекликлари мискарлари Самарканд, Бухоро, Шаҳрисабз мискарлари мактаблари даражасида санъат асарлари яратолмаган бўлсада-да, мис буюмларнинг баъзи турларини яшаш бўйича анча машҳур эдилар. Масалан, Юрчи беклигида мискарлар ўзлари тайёрлаган мис офтобалари билан танилган, офтобалар бўғзига, жумраги атрофига нақш ўйма гуллар, безаклар ишланган.

Воҳа чорвадор аҳолиси, хусусан, чўпон ва подабонлар томонидан бугунги кунгача ишлатиб келинаётган мис идишлардан бири човгум, чойдишдир. У чой қайнатиш ва чой дамлашда ишлатилади. Чойдишнинг ўртасига расм туширилиб, жимжимадор қопқоғи нафис қилиб ишланган. Жумраги эса қуш тумшуғига ухшайди. 1792 йили сурхонлик машҳур уста Баротбой томони-дан ясалган чойдиш Термиз археология мўзейига қўйилган.

Воҳа ҳаётда кўп қўллаган уй-рўзғор буюмларидан бири қумғондир. У сув солиш, чой қайнатишда ишлатилган. Қумғон оғзи ўртаси катталиги билан обдастан фарқланган. Идиш юпқа мисдан ишланиб, марказий қисми овалсимон, тухумга ўхшаган. Қумғонлар гулсиз, ниҳоятда силлиқ

ишланиб, ранги қизил бўлган.

Воҳа мискарлари томонидан палов ейишга мослашган лаган 3 - 3,5 ҳафта давомида тайёрланиб, 30 - 50 сўмгача нархда бозорда сотилган.[1, Б.27]

Заргарлик санъати вужудга келиши ва ривожланиши мингйилликларга бориб тақалади, воҳада заргар-лик санъати яхши ривожланган.[2, С.242]

Давр ўтиши билан маълум бир ҳудуд миқёсида баъзи бир тақинчок турлари кенг ёйилиб, баъзилари ўз аҳамиятини йўқотади. Яъни янги қўринишдаги тақинчоклар пайдо бўлиб, илгарироқ юзага келгани йўқолиб боради. Заргарлик устахоналарида нафақат хотин-кизлар, балки бой-амалдорлар учун ҳам маҳсулот тайёрланган. Буюмлар асосан мис, кумуш, тилладан тайёрланиб, рангли тошлар билан безатилган. Уста заргар чиройли заргарлик буюми тайёрлаш учун устахонада барча асбоб-анжомларини тайёрлаши зарур эди. Устахонада қуйидаги иш қуроллари бўлган: тарози, дамдаханам, ўчоқ, бута, сандон, манқал, дастаманқал, дастакчўб, қайчи, киря, рачкоса, оташчироқ, резак, сувдон, болға, болғача, омбир, омбирча, чистик, санчиманак, ҳақиқисағири, заргарқум, сумба, қолиб, муҳр, қалам, масқол, дупоя, босмадамдан. Заргарлар асосан аёлларнинг ҳар хил тақинчоклари ва бошқа хил безакли буюмларини ясаган[3, С.443-444]. Заргарлик буюмлари ранг-баранг, нафис ва чиройли эди, улар турли ўзига хос белгиларга эга бўлган: зебисина, тилла барак, ақиқ, қўлтиқ тумор, заркокил, халқай Муҳаммади, халқайсепоя, халқайбешоёк, тиллақош, бибишок ва х.к.

Воҳада заргарлик санъати юксак даражада ривожланган. Уста заргарлар кумуш ва мисдан аёлларнинг турли безакларини ясаганлар. Аёлларнинг безаклари бир неча турга бўлинади: пешона боғ безаклар (тиллақош, пешана бандва бош), бўйин ва кўкракка (бўйин тумор, кўкрак тумор, зебигардон, хафабанд, бозубанд, нозигардон ва х.к.), қўлга (турли узуклар ва браслетлар) ва қулоққа (турли сирғалар)[5, С.18].

Заргарлик буюмларининг айримлари хусусида қисқача маълумот.

Тиллақош XIX аср охири - XX аср бошларида ўтроқ ўзбек уруғлари ва тожиклар орасида кўп тарқалган пешона тақинчоғи ҳисобланади.[6-С.17.]О.Суҳарева тиллақошни Бухоро заргарлари энг кадимги бош безағи деб ҳисоблайдилар деб ёзади[4, С.49].

Воҳа аёллари тақадиган ва заргарлари томонидан ишланган тақинчоклардан бири силсиладир. Силсила безакли занжир бўлиб, у қуёш, юлдўз, турна услубларида ишланган. Бойсун силсиласи пешонага маҳкам боғланган. Асосан кумуш, мис ва тиллодан ясалган. Сирғаларнинг ҳам уй сирға, қозиқ сирға, ойбалдоқ турлари усталар томонидан моҳирона ясалган.

Сурхон воҳаси заргарлари томонидан эркаклар учун ҳам заргарлик буюмлари тайёрланган. Юқорида таъкидлаганимиздек, эркаклар, хусусан, бой-амалдорлар маҳсус узўқлар тайёрлатиб, қўлларига тақиб юрган.

Умуман, муқаммал заргарлик санъатини эгаллаган усталар нодир металлларга ишлов беришни яхши билганлар. XIX аср охири - XX аср бошларида уста заргарлар томонидан бошқа юртлардан олиб келинган нодир металллар ва маҳаллий қимматбаҳо тошларни уйғунлаштириб гўзал санъат асарлари яратилган.

#### **Адабиётлар:**

1. Жайхун: 2007. №1. – Б. 27.
2. Ремпель Л.И. Далёкое и близкое. Страницы жизни быта, строительного дела, ремесла и искусство Старой Бухары. - Ташкент: Адабиёт ва санъат, 1981. – С.242.
3. Розводовский В. Опыт исследования...//Туркестанское сельское хозяйство. 1916. Вып.5. – С.443 — 444.
4. Сухарева О.А. Позднефеодальный город Бухара конце XIX - начале XX века. - М.: Наука, 1966. – С.49.
5. Холиков З.Э. Термез и Чаганиян в позднем средневековье. Автореф. дисс... канд. ист. наук. - Самарканд, 2001. – С.18.
6. ЧвырьЛ.А. Таджикские ювелирные украшения. - М.:Наука, 1977 – С.17.
7. Ҳамиджонова М. Қашқадарё воҳаси ҳунармандчили тарихи.- Тошкент;Ўзбекистон Миллий кутубхонаси. 2009.– Б . 80.

### **SURXON VOHASI TOQCHI QAVMLARI HUDUDIY JOYLASHUVINING ILMIY TAHLILI**

**Rahmonov M.X.**

*o'qituvchi*

*Termiz Davlat universiteti*

Vatanimiz milliy mustaqillikni qo'lg'a kiritganidankeyin tarixiy haqiqatni mafkuraviy tazyiq va ta'sirlardan xoli tarzda, xolisona vahaqqoniy, adolat va tarixiylik nuqtai nazaridan xalqimizga etkazish imkoniyatiyuzaga keldi. Surxon vohasidagi etnik guruhlarining yuzaga kelish tarixi etnik shakllanishi uzoq davom etgan murakkab jarayondir. Tarixiy taraqqiyot davomidavohada etnik birliklar tarkib topdi va ular o'ziga xos turmush tarzi, xo'jalikmashg'uloti va urf-odatlarini yuzaga keltirdi. Tilshunos X.Doniyorovning monografiyasida Janubiy Surxon vohasida yashovchi qo'ng'iroq, qatog'on, tog'chi kabi o'zbek qavmlari tarixiga oid ma'lumotlarmavjud[1,B.83].Tog'chi, toqchi, toxchi — Janubiy O'zbekistonning qadimiy tub (avtohton) turkiy qavmlaridan biri. Tog'chi so'zi "tog'lik" ma'nosini anglatadi. Ular ba'zan o'zlarini Dashti Qipchoq o'zbek qatag'onlariga ham mansub deb biladilar. Lekin Toqchilarning ajdodlari Janubiy O'zbekiston hududida Dashti Qipchoq o'zbeklari kelishidan ham burun yashashgan[2,B.112].

B.X.Karmisheva Surxon vohasida olib borgan tadqiqotlari natijasida vohaning o'ziga xos etnikhamda ijtimoiy holati yoritilgan ko'plab monografiya,

maqolalarni yaratdi. Olima butun O'rta Osiyo hududini yayov kezib chiqqan va har bir urug', elat va xalqning etnogenezi va etnik tarixi bo'yicha ma'lumotlar to'plagan, moddiy va ma'naviy madaniyati bo'yicha chuqur ilmiy izlanishlar olib borgan tadqiqotchi edi [3, B.22]. Muallif 32 ta o'zbek urug'i ro'yxatini keltiradi va ularning joylashuv xususiyatlariborasida o'zining fikr-mulohazalarini bildiradi. Jumladan, Toqchi qavmlari xususida o'z asarlarida ko'plab ma'lumotlar keltirib o'tgan [4, B.46].

Bu qavm tog'larda istiqomat qilganliklari sababli Toqchilar deb atalgan. Toqchilar, asosan, Surxondaryo vohasida yashab soni jihatidan chig'atoylar va qo'ng'irotlardan keyin turishgan. O'tgan asr boshlarida voqa aholisi asosan Surxondaryo, Sherobod daryo va uning irmoqlari bo'yida joylashgan edi. Etnik guruhlarining bunday hududiy joylashuvlari bugungi kungacha deyarli o'zgargani yo'q. Sherobod daryoning yuqori qismida Qizilnavr, Kegdala, O'rikli qishloqlarida qatag'on etnik guruhining tog'chi urug'i joylashgan.

Ushbu guruh vakillari ko'pincha o'zlarini qatag'onlar deb atashgan. Bu nom ostida Dashtiqipchoqning kata o'zbek qabilasi ma'lum bo'lgan, biroq tog'chilar o'zlarini umuman o'zbek deb bilishmagan, Ularning nomidan ko'rinib turibdiki (tog'chi - o'zbekcha "tog'li") ular ko'pincha baland tog'larda yashagan. 1924-yilda o'tkazilgan so'rovda tog'chilar alohida qayd etilmagan, balki o'zbeklarning qatag'on qabilasiga mansub deb berilgan. Binobarin tog'chilar bu hududda 5605 kishini tashkil etgan bo'lib, Ko'hitangtog'larining sharqiy yon bag'irlarida 1190 ta, Sherobod daryoning o'rta oqimi havzasida 2695 ta, Sherobod daryoning yuqori oqimi havzasida 665 ta, Surxon havzasining o'ng qirg'og'ida 1055 kishi yashagan.

Tog'chilar Ko'hitang tog'larining sharqiy yon bag'irlarida Sherjand (tojiklar bilan birga), Zarbog' (tojiklar va o'zbeklar bilan birga Xo'ja), Xo'jank, Bedakata, Sherqishloq va Zarautsoy qishloqlarida yashagan. Sherobod daryoning o'rta oqimi havzasida ikkita yirik tog'chi qishlog'i- Xatak va Tangidival bo'lgan. Xatakda 500 ta uy bor edi. Ular tili va turmush tarsi jihatdan chig'atoylarga yaqin bo'lgan. Qishloqlarning bu guruhi aholisi *xataksam-hataklar* deb atalgan. Ular o'zlarini *saribosh-qatag'on* urug'iga taalluqli deb bilishgan va quyidagi guruhlariga bo'lingan: *Sher, Baymak, Xidir, Kuchak* [5, B.83-85].

Sherobod daryoning yuqori oqimida yashagan tog'chilar *Chubash-qatag'on* urug'iga mansub bo'lib Qizilnavr, Komurchi, Ko'ksoy, Kentala qishloqlarini egallagan. Chubash-qatag'onlar orasida tog'chilarga oid ikki guruh nomi qayd etilgan-*xudoyberdi* va *almaxat*. Toqchilar Boysun shahri va Naulionda tojik-chag'atoylar, Sariosiyo qishlog'ida chig'atoy, xo'ja va qo'ng'irotlar, Regarda barloslar bilan birgalikda yashagan. Surxon havzasida tog'chilar Qayroq, Gashnaz, Qizilqishloq, Saroytosh, Bagchiq va Xo'japarnavat qishloqlarida yashaganlar. Sangardak darasida Changlak, Chakana va Baxchaning Tagchin qishloqlari joylashgan. Ular orasida eng kata qishloq Changlakda, keksalarning guvohliklariga ko'ra, XX asr boshlarida 400 ta xonadon bor edi. XIX asrda bu uch qishloq tog'chilarning yozgi oromgohlari bo'lib, qishda ularning ko'pchiligi Surxon vodiysiga – Yurchi, Denov va Sariosiyo tumanlariga tushib ketgan.

Tog'chilar To'palangning chap qirg'og'idagi Taxchi, Tutay va Tagitova qishloqlarida joylashgan. Denov shahridan sharqda tog'chilar faqat bir nuqtada Jatta urug'iga mansub barloslar bilan birga qayd etilgan. Ta'kidlash joizki, Tog'chi toponimi mahalliy aholi tomomidan *to'xchi* shaklida talaffuz qilinadi. Umuman olganda tog'chilar *qorapoycha, ajina, norkal, bo'tashshig', xo'yaki, ko'mirchi* kabi bo'g'inlarga bo'linadi. Ular asosan, chorvachilik, bog'dorchilik va qisman dehqonchilik bilan shug'ullanib kelishadi[5, B.83].

B.X.Karmisheva ta'kidlaganidek Boysunda tog'chilar chag'atoylar tarkibiga kirgan. Boysunda toqchilar aholining 20.3%ni tashkil etgan. Toqchida o'z otabobolarini Qunduz, Toshqo'rg'on va Balxdan kelgan deb hisoblaganlar. Poshxurd vodiysida tog'chilar Amudaryoning chap qirg'og'ida qolgan qarindoshlari bilan aloqalarga egaligi haqida ma'lumotlar uchraydi. Tog'chilarning ajdodlari bu yerga kelgan davr haqidagi ma'lumotlar bir biridan 200-800 yillargacha katta farq qiladi. XIX asrning 60-yillari oxirlarida A.D. Grebenkin Samarqand viloyati qatag'on-toqchilar orasida ularning otabobolarining Qunduzdan Abdulazizxon davrida hijrat qilgani haqidagi rivoyat qayd etilgan.

Toqchilarning ayrimlari dashti qipchoqlardan bo'lgan yarim ko'chmanchi o'zbeklarga xos bo'lgan uylarda yashagan, ammo ular qarluq tipidagi kulbani o'zlarining yashash joyining asl shakli deb bilishgan. Toqchilar eroniy zabon mahalliy aholining antropologik qiyofasini o'ziga singdirgan, aborigen o'troq aholi madaniyati xususiyatlarini o'zlashtirgan. B.L.Grombchevskiy qayd etishicha o'sha paytdagi toqchilar liboslari tojiklarning libosidan farq qilmagan.

«Surxon jahon sivilizatsiyasining qadimiy beshiklari Qadimgi Baqtriya va Kushon davlatlariga zamin bo'lgani bilan olamga mashhur» [6, B.376]hisoblanadi. Surxon vohasida toqchilarning o'rni beqiyosdir. Olima B.X.Karmisheva tog'chi urug'ini vohadagi qadimgi aholi toifasiga kiritadi. Ularning antropologik xususiyatlaridan kelib chiqib, mongoloid irqiga yaqinroq deb ta'kidlaydi. Bundan tashqari tog'chilarning kata qismi Jarqo'rg'on tumani Surxon jamoa xo'jaligida, Denov tumanining Xazarbog' jamoa xo'jaligida va Muzrobod tumanlarida istiqomat qilishadi. XX asrning boshlarida sodir bo'lgan iqtisodiy va siyosiy jarayonlar tufayli Toqchilarning ko'pchiligi o'zbeklar, ba'zi guruhleri esa tojiklar tarkibiga singib ketishgan. Yuqorida aytib o'tilgan Toqchi qavmlarning xo'jalik faoliyatlari boshqa etnik guruhleri bilan deyarli farq qilmagan. Bu etnik guruh o'ziga xos urf-odat, etnomadaniyat, marosimlarni yuzaga keltirgan. Bir so'z bilan aytganda bu etnik guruh Surxon vohasi etnografiyasini yuzaga keltirgan.

#### **Adabiyotlar:**

1. Дониёров Х. Ўзбек халқининг шажара ва шевалари. Тошкент., Фан,1968.
2. Кармышева Б.Х. Очерки этнической истории южных районов Таджикистана и Узбекистана. Москва, 1976.196-197-бетлар
3. Турсунов С, Қобилов Э, Пардаев Т, Буртозоев Б. Сурхон дарё тарих кўзгусида. Тошкент. 2008. 376-бет.



4. To'rayev Sh. Surxondaryo etnografik tadqiqotlari B.X. Karmisheva misolida. Surxondaryoda ilm va fan jurnal. №2, 2021-yil., B-30-34

5. To'rayev, M. Rahmonov. B.X. Karmisheva tadqiqotlarida Surxon vohasi yuz urug'larining etnik tavsifi. Oriental Renaissance: Innovative, educational, natural and social sciences journal. Termiz 2022. B 44-51

6. Shoniyozov K. O'zbek xalqining shakllanish jarayoni, Toshkent., 2001.

## РОССИЯ ИМПЕРИЯСИ ДАВРИДА ФАРҒОНА ВИЛОЯТИ АҲОЛИСИНING МИЛЛИЙ-ЭТНИК ТАРКИБИ

**Равшанов Ш.Р.**

*докторант*

*Навоий Давлат педагогика институти*

Тарихдан маълумки ватанимиз ҳудудида қадимдан турли миллат ва элат вакиллари истиқомат қилиб келишган. Россия империяси ҳукмронлиги даврида ҳам Туркистон минтақасининг Фарғона вилоятида кўп сонли этник таркиб сақланган ҳолда русийзабон аҳоли вакиллари кўчириб келтириш ҳисобига янада кенгайиб борган. Бу даврдаги Фарғона вилояти аҳолисининг этник таркибини хусусиятига кўра уч гуруҳга бўлиб ўрганиш мақсадга мувофиқ бўларди. Биринчи гуруҳга, Фарғона вилоятининг маҳаллий тубжой аҳолиси, бунга сартлар[1, Б-1], ўзбеклар, тожиклар, қирғизлар, қоратегинлар, қипчоқлар, қорақалпоқлар, курамалар, тоғли турклар ва ҳ.к.; иккинчи гуруҳга, Фарғона вилоятига маълум бир сабабларга кўра турли ҳудудлардан кўчиб келганлар, бунга афғонлар, форслар, ҳиндлар, лўлилар, яҳудийлар, арманлар ва бошқа кавказ халқлари, поляклар, немислар, французлар, инглизлар, дунганлар, уйғурлар ва ҳ.к.; учинчи гуруҳга, Россия империяси томонидан Туркистонга, жумладан, Фарғона вилоятига кўчирилганлар, уларга русийзабон аҳоли (руслар, украинлар, белоруслар), урал казаклари, чўқинтирилган татарлар, қалмоқлар, қисман тоғли кавказ халқлари (арманлар, грузинлар ва бошқ.) кабилар киради.

Россия империяси даврида Фарғона вилояти аҳолисининг этник таркиби хилма хил бўлиб, вилоят девонхонасининг 1882 йилги ҳисоботида аҳолининг уезд ва шаҳарларда миллий таркиби, жинсига қараб тақсимооти қуйидаги жадвалда ўз аксини топган[2,Б-2].

Андижон уездининг Андижон шаҳрида:				
	Миллати	Эркаклар	Аёллар	Жами
	Руслар	76	35	111
Маҳаллий аҳоли	Сартлар	11309	13507	24836
	Тожиклар	293	310	603
	Қирғизлар	13	18	31
	Ҳиндлар	52	-	52
	Яҳудийлар	84	75	159
	Лўлилар	8	11	19
	<b>Жами:</b>	<b>11835</b>	<b>13976</b>	<b>25811</b>
Андижон уездида:				
	Руслар (Кўшинлар бундан	117	131	248

	мустасно)			
Маҳаллий аҳоли	Сартлар	20347	22948	43295
	Тожиқлар	2700	2900	5600
	Қирғизлар	16934	17124	34058
	Ҳиндлар	74	-	74
	Яҳудийлар	173	62	235
	<b>Жами:</b>	40350	43166	83516
	<b>Жами: Андижон шаҳри ва уезди бўйича</b>	52185	57142	109321
<b>Марғилон уездининг Марғилон шаҳрида:</b>				
	Руслар (Кўшинлар бундан мустасно)	Берилмаган	Берилмаган	Берилмаган
Маҳаллий аҳоли	Сартлар	13032	12125	25157
	Тожиқлар	2410	1314	3724
	Қирғизлар	26	17	43
	Ҳиндлар	21	-	21
	Яҳудийлар	200	145	345
	<b>Жами:</b>	<b>15689</b>	<b>13600</b>	<b>29290</b>
<b>Марғилон уездида:</b>				
	Руслар (Кўшинлар бундан мустасно)	Берилмаган	Берилмаган	Берилмаган
Маҳаллий аҳоли	Сартлар	41843	41802	83645
	Тожиқлар	14210	14125	28335
	Қирғизлар	10750	10260	21010
	Ҳиндлар	15	-	15
	<b>Жами:</b>	66818	66187	133015
	<b>Жами Марғилон шаҳри ва уезди бўйича</b>	<b>82507</b>	<b>79788</b>	<b>162295</b>
<b>Наманган уезди Наманган шаҳрида:</b>				
	Руслар (Кўшинлар бундан мустасно)	76	63	139
Маҳаллий аҳоли	Сартлар	16715	13330	30035
	Қоратегинлар	117	67	184
	Қипчоқлар	63	30	93
	Ҳиндлар	20	-	20
	Яҳудийлар	38	35	73
	Дунганлар	26	17	43
	Афғонлар	11	-	11
	<b>Жами:</b>	<b>17066</b>	<b>13532</b>	<b>30598</b>
<b>Наманган уездида:</b>				
	Руслар (Кўшинлар бундан мустасно)	6	5	11
Маҳаллий аҳоли	Сартлар	15091	11144	26235
	Ўзбеклар	2678	2117	4795
	Тожиқлар	2771	1829	4600
	Қипчоқлар	932	713	1645
	Қорақалпоқлар	547	303	850
	Қурама	194	101	295
	Турклар	879	581	1460
	Қирғизлар	11233	7162	18395
	<b>Жами:</b>	<b>34330</b>	<b>23951</b>	<b>28281</b>
	<b>Жами Наманган шаҳри ва уезди бўйича</b>	<b>51396</b>	<b>37483</b>	<b>88879</b>

Юқорида келтирилган 1882 йилги ҳисоботдан маълум бўладики, Россия империяси даврида Фарғона вилояти аҳолиси миллий, этник таркибида руслар ва империянинг Европа қисми минтақаларидан кўчиб келганлар салмоқли рақамларни ташкил этмайди. Таҳлиллар шуни кўрсатадики, аҳолининг асосий қисми бу маҳаллий сартлардан (руслар шундай атаган) ташкил топган. Кейинги ўринларда тожиклар ва қирғизлар сон жихатидан юқори ўринда бўлишган.

Архив ҳужжатларига кўра, Фарғона вилояти девонхонасининг 1883 йилги ҳисоботларида вилоятнинг жами туб аҳолиси таркиби куйидагича бўлган: сартлар - 475.625 нафар, қирғизлар - 104.000 нафар, тожиклар - 43.210 нафар, ўзбеклар - 5.740 нафар, қипчоқлар - 5.595 нафар, турклар - 5.145 нафар, қорақалпоқлар - 1.475 нафар, жами - 640.790 минг нафарни ташкил этган. Бундан ташқари, бу даврда Фарғона вилоятида куйидаги этник бирликларга мансуб аҳоли ҳам яшаб келган: дунганлар (қошғарликлар) 10.675 нафар, яхудийлар (Бухоро яхудийлари) - 1.529 нафар, қурамаликлар (Сирдарё вилоятидан келганлар) - 1403 нафар, хўжа араблар - 981 нафар, юзлар - 301 нафар, хиндлар - 185 нафар, қоратегинлар - 97 нафар, Россиядан келган татарлар - 72 нафар, афғонлар - 43 нафар, жами - 16.535 нафарни ташкил этган.

Мазкур ҳисоботга кўра, дастлаб Россия империяси томонидан Фарғона вилоятига кўчиб келганларнинг этник таркиби куйидагича эди. Хусусан, руслар - 2.115 нафар, немислар - 56 нафар, поляклар - 40 нафар, француз - 1 нафар, жами - 2212 нафарни ташкил этган [3,Б-4]. Бу миллат вакиллари Фарғона вилоятининг асосий шаҳарларига келиб жойлашган ва истиқомат қилишган ҳамда бу миқдор йиллар давомида тўхтовсиз ўсиб борган.

Фарғона вилояти туб жой аҳолиси 1883 йилда 659.537 нафар бўлгани ҳолда рус аҳолисининг сони 2.115 (0,3 фоиз) нафарни ташкил этган бўлса, 1902 йилда вилоят умумий аҳолиси 1.760.159 нафарни ташкил этгани ҳолда рус аҳолисининг сони 12.307 (0,7 фоиз) нафар [4, Б-4]ни, 1910 йилда эса Фарғона вилояти девонхонасининг статистик ҳисоботида кўра, Фарғона вилояти аҳолисининг умумий сони 2.062.531 нафарни ташкил этгани ҳолда 31.636 нафар руслар истиқомат қилган ёки вилоят аҳолисининг умумий сонини 1,5 фоизини руслар ташкил этган эди. Бу даврда Фарғона вилоятида 30 га яқин миллатлар истиқомат қилган бўлиб, шундан 395 минг 355 нафари Фарғона вилояти шаҳарларида, 1 млн 667 минг 176 нафари уездларда истиқомат қилган.

Юқоридаги рақамлардан аён бўладики, 1890 йиллардан Фарғона вилояти уездларида рус посёлкалари ва селениялари пайдо бўла бошлаши билан рус тилли аҳоли сонининг фоизи 1902 йилда икки баробар, 1910 йилга келиб ҳам 8 йил оралиғида 2 баробардан ортиқ кўпайган.

Русийзабон аҳоли вилоятнинг шаҳар ва уездларига куйидагича тақсимланган. Андижон шаҳри ва уездида 10335 нафар, Қўқон шаҳри ва уездида 5468 нафар, Янги Марғилон (Скобелев) ҳамда Эски Марғилон шаҳри ва уездида 10031 нафар, Наманган шаҳри ва уездида 2251 нафар, Ўш шаҳри

ва уездида 3551 нафар рус аҳолиси мавжуд эди. Руслар асосан шаҳар марказларида истиқомат қилишган[5, Б-5].

Ҳисоботга кўра, дастлаб Россия империяси томонидан Туркистонга, жумладан, Фарғона вилоятига кўчирилган русийзабон аҳоли ҳақида тўхталганимизда, шунини таъкидламоқ жоизки, Россия империяси ва мустамлакачи амалдорлар 1881 йилгача маҳаллий ва Туркистонга кўчиб келаётган аҳолининг сонини, ижтимоий ва миллий таркибини назорат қилишга етарлича эътибор беришмаган.

Туркистонга, жумладан, Фарғона вилоятига аҳолини кўчириш амалиётининг биринчи босқичи тартибсиз ҳолда бўлиб, унда асосан ўз яшаш жойини ўзгартирувчилар, ҳеч қанақа ҳужжатсиз, қўшин ортидан эргашиб келувчилар бўлган. Уларнинг асосий қисми камбағал, ерсиз ва ўз бахтини бошқа ҳудудлардан изловчилар эди.

Хулоса ўрнида айтиш мумкинки, кўчиб келувчиларнинг этник таркиби йилдан йилга кенгайиб, улар асосан империя манфаатларига хизмат қилувчилар эди. Кўчиб келаётган христиан аҳоли барча солиқлардан озод қилинган ҳолда шаҳарларда уй-жой, иш билан, қишлоқ жойларида маҳаллий аҳолидан тортиб олинган суғориладиган ерлар ва яйловлар билан таъминланган. Улар оқимининг ортиши ўз навбатида миллий-этник таркибни кенгайтирган, балки, аҳолиси зич жойлашган Фарғона вилоятида турли ижтимоий, иқтисодий ва маданий соҳада муаммоларни келтириб чиқарган.

#### **Адабиётлар:**

1. Маҳаллий кўпчилик аҳолини руслар шундай камситувчи атама билан аташган.(Қаранг. Маҳмудхўжа Бехбудий. “Сарт сўзи мажхулдур”, “Ойна” журнали, 1915 йил, 22-,23-,25-,26- сонлар, 314-315-, 338-340-,386-388-, 478-480-бетлар.

2. Ўзбекистон Миллий архиви, И-19-фонд, 1-рўйхат, 837-йиғма жилд, 35-36-варақлар.

3. Ўзбекистон миллий архиви, И-19-фонд, 1-рўйхат, 1170-йиғма жилд, 421-варақ.

4. Ежегодник Ферганской области.Том I.Выпуск.1902 года.-Новый Маргилан.Типография Ферганского областного правления.1902.-С.10.

5. Статический обзор Ферганской области за 1910 год. Г.Скобелев, 1912.-С.6.

## СУРХОН ВОҲАСИ ТОЖИКЛАРИДА ХАЛҚ ҶИЙНЛАРИНИНГ ТАРИХИЙ-ИЖТИМОЙ ВА МАИШИЙ-ХЎЖАЛИК ХУСУСИЯТЛАРИ

Ахмедов С.С.

докторант

*Термиз Давлат университети*

Воҳада тожик ва ўзбек аждодлари қадимда, илк ўрта асрларда ва кейин ҳам доимо аралаш, ёнма-ён яшаб келганлар. Маҳмуд Кошғарий “Тотсиз турк бўлмас, бошсиз бўрк бўлмас” яъни тожиксиз турк бўлмаганидек, бош қалпоқсиз (бош кийимсиз) бўлмас, деган мақолни бежиз келтирмаган [12, Б.432].

Воҳанинг Сариосиё ҳудудларида 9395 нафар, Денов ҳудудларида 6360 нафар, Юрчи ҳудудларида эса 3420 нафар тожиклар истиқомат қилган.[9, Б.265] Улар ўзларини қишлоқ номлари билан атаб келишган. Хусусан, Хуфар тоғ қишлоғидагилар – хуфарлик тожик, Маланд тоғ қишлоғидагилар – маландлик тожик, Хурватан тоғ қишлоғидагилар – хурватанлик тожик каби номлар билан аталади [14]. Сангардак ҳудудларида эса чигатой тожиклари яшаб келишади. Сангардак ҳудудидаги 10 та қишлоқдан иккитасида, яъни Сангардак ва Хубон қишлоқларида тожиклар, қолган саккизта қишлоқда эса ўзбеклар яшайдилар. Шимолий Сурхон воҳасининг Дехбодом, Дехсурх, Хонджизза ва Хўжаасмин каби қишлоқларида асосан тожик чигатойлари яшайдилар. Дала тадқиқотлари сўровларида улар бизнинг ота-боболаримиз Самарқанд ва Шаҳрисабздан кўчиб келганлар, деб қайд этишган [14].

Воҳанинг Сина қишлоғи бир қанча майда Кўкабулоқ, Ойбарак, Куёвсу, Даҳана каби қишлоқлардан иборат бўлиб, бу қишлоқларда чигатой тожиклари билан бирга қоратегин, афғони, кўлоби каби тожиклар ҳам яшайдилар. Синадан юқоридаги Ўшор қишлоғида эса турклар билан бирга чигатой тожиклар ҳам яшайдилар. Юрчи ҳудудидаги тожиклар Карш қишлоғидан кўчиб келган бўлиб, ўзларини каршлик тожиклар деб атайдилар.

Сурхон воҳаси тожикларида анъанавий халқ ўйинлари аҳолининг ижтимоий турмушида, хусусан оммавий сайл ва мусобақаларда, тўй ва бошқа маросимларда ўтказилган бўлиб, ўйинлар ўтмиш ёзма ёдгорликларида ва халқ ўйинларига бағишланган баъзи манба ва адабиётларда ўз аксини топган. Манбаларда энг қадимий ўйинлар сифатида овчилик ва дехқончилик ўйинлари тилга олинади [13, Б.73]. Шунинг учун ҳам анъанавий ўйинларнинг келиб чиқиши, тарихи, келажак авлод тарбиясидаги аҳамиятини тадқиқ этиш бугунги этнология фани учун долзарб масала ҳисобланади. Қолаверса, анъанавий халқ ўйинларини тўплаш ҳамда илмий таҳлил қилиш келажак авлодни баркамол қилиб тарбиялашга қаратилган қадимий ва илғор анъаналарини тиклашда ҳил қилувчи аҳамият касб этади. Шу нуқтаи назардан унутилган халқ ўйинларини тўплаш ва қайта тиклаш ҳамда ҳаётга татбиқ этиш баркамол авлодни вояга етказишда муҳим аҳамиятга эга.

Тарихий келиб чиқишига кўра, Сурхон воҳаси тожиклари анъанавий ўйинлари Марказий Осиёда қадимдан истиқомат қилиб келаётган туркий халқларнинг турмуш тарзи, хўжалик ҳаёти, қолаверса бадий тафаккури ҳамда эстетик қарашлари билан бевосита боғлиқдир. Хусусан, қадимдан деҳқончилик, чорвачилик ҳамда овчилик билан шуғулланиб келган халқлар томонидан яратилган кўпгина маросим ва удумларнинг айримлари вақтлар ўтиши давомида анъанавий ўйинларнинг шаклланиши учун эстетик асос вазифасини ўтай бошлаган. Масалан, овнинг барорли бўлиши, кўпроқ ўлжаларни қўлга киритиш мақсадида ўтказилган овдан олдинги удумлар, тотем – аждодлардан кўмак сўрашнинг ўзига хос машқ амалларини ўз ичига олган маросим рақслар асосида даврлар ўтиши билан овчиликка хос бўлган анъанавий ўйинлар юзага келган. Ўз навбатида деҳқончиликнинг вужудга келиши ва ривожланиши икки анъана, яъни баҳорда меҳнат мавсумига кириш ва кузги ҳосилни йиғиштириш билан боғлиқ маросим ва байрамларни юзага келтирган. Айниқса, ёз бўйи меҳнат қилиб, баракали ҳосил етиштирган деҳқонлар хурсанд бўлганидан ўзига хос хирмон тўйини ўтказиб, унда меҳнат жараёнларини ўйинлар орқали акс эттирган. Бу «Меҳнат ўйинлари» яхши кайфиятда, байрам ҳолатида ўтган [13, Б.73].

Умуман олганда, энг қадимги даврлардан бошлаб инсон ҳаётида термачилик, овчилик, чорвачилик, деҳқончиликка оид меҳнат тажрибалари билан бирга ўйинлар шакллана бошлаган. Онгли меҳнат ва тажриба асосида турли ўйинлар пайдо бўлган бўлиб, махсус илмий адабиётларда кўпгина илмий тадқиқотларда халқ ўйинларини тўрт асосий гуруҳга – жанговар, ишқий, тақлидий ва ижтимоий ўйинларга ажаратилади [4, Б.85]. Бошқа тадқиқотларда эса халқ ўйинларини иккита асосий гуруҳ – драматик, чакқонлик ва мувафаққият асосида вужудга келган ўйинларга бўлинади. Шунингдек, ўйинлар вертикал, яъни тик ва горизонтал, яъни тўғри чизик йўналиши бўйича кичик гуруҳларга ажратилади [5, Б.56].

Сурхон воҳаси тожиклари анъанавий ўйинларини учта гуруҳга бўлиб таҳлил қилдик:

1) бирор предмет асосида ўйналадиган ўйинлар: “дўл”, “чиллик”, “арғимчоқ”, “тиқмоқ”, “ошиқ”, “ганош”, “кўрпа ёпти”, “кўчмоқ”, “оқ суяк”, “ғирбайди” ва ҳоказо;

2) предметсиз ўйналадиган ўйинлар: “боболтака”, “чиркаш”, “бекинмачоқ”, “оқ теракми-кўк терак”, “қувлашмачоқ”, “зим-зиё” ва ҳоказо;

3) ўртада бирор шарт қўйиб ўйналадиган ўйинлар: бу ўйинларга кураш, кўпкари каби ўйинлар киради.

Бу анъанавий халқ ўйинлари шуниси билан характерлики, айрим ўйинлар мавсумий ўйинлар бўлиб, қиш фасли ўтиб, баҳор фасли келиши билан ўйналса, айримлари йил давомида ҳам ўйналган.

Тадқиқ этилаётган ҳудуд аҳолисининг анъанавий ўйинлари нафақат болалар, қолаверса, катталар ўйинларига ҳам бўлинган. Бу анъанавий халқ ўйинлари ёшларни жисмоний бақувват, сергак, кўркмас бўлишига, уларнинг

ақлини ўстиришга, тез фикрлашга ўргатишга, топқир, зукко бўлишига ўзига хос ўрни бор бўлиб, катта тарбиявий аҳамиятга эга бўлган.

Сурхон воҳаси тожикларианъанавий ўйинларидан яна бири “тўпиқ” ўйини бўлиб, бу ўйинда “ушоқ мол” гўшtidан пиширилган таом истеъмол қилинган вақтда косасидан тўпиқ суяги бор гўшт чиққан одам бир илож қилиб, ана шу суякли гўштни шерикларидан бирортасининг қўлига тутқазса, у киши тўпиққа ютқазган бўлади. Тўпиқни асосан ёғли гўштга ўраб беришган, айрим ҳолларда нон орасига солиб ҳам узатишган.

Тўпиқни билмасдан олиб қўйган киши тўпиқ берган кишига “тўпиққа ютқазган” ҳисобланади. Ўйин шартига кўра ютилган киши тўпиқни давра олдидаги одамлар олдида ютиб юбориши ёки ёнида ҳамиша сақлаб туриши лозим бўлган. Ўйинда ютган киши хоҳлаган вақтда, хоҳлаган жойида тўпиқни сўраса ютилган киши ўйин шартига кўра топиб бериши керак бўлган. Шу боис, ютқазган киши тўпиқни доимо ёнида кўтариб юрган. Айрим кишилар бу суякни тешиб, ёнларига ёки бўйинларига тақиб юрганлар. Ўйин шартига кўра тўпиқ исталган вақтда сўралганда кўрсатилса ютган ҳисобланади. Аксинча эса ютилган ҳисобланиб, ўртага қандай шарт қўйилган бўлса, бажаришга мажбур бўлган. Воҳа аҳолисининг кўпчилик қисми дехқончилик билан бирга чорвачилик билан ҳам шуғулланганлиги боис кўпинча бир мол сўйиб, зиёфат бериш шарт қилиб белгиланган. Албатта, сўралган тўпиқни бера олса, тўпиқ берган киши ютқазган ҳисобланиб, ўзи ўша ўйинда иштирок этганларга ўйин шarti бўйича зиёфат қилиб берган.

Бугунги кунгача воҳанинг айрим ҳудуд аҳолисининг нафақат болалар, балки ёши катта кишилар орасида ҳам давом этиб келаётган сўз ўйинларидан бири бу “тарабар тили” ўйини бўлиб, ўйинда гуруҳларга бўлинишган.[3, Б. 33]. Бу ўйиннинг ўзига хос усуллари шундан иборатки, ҳар бир сўз таркибидаги бўғинларнинг жойи ўзгартирилади. Масалан, “ётган эдим” сўзидаги бўғинларнинг ўрни ўзгартирилса, “ганёт димэ” сўзи ҳосил бўлади. Бундай бўғинларнинг ўрни ўзгартирилганда сўзлар тез талаффуз қилинганда, бошқа гуруҳ аъзолари ҳеч нарсани тушуна олмаган.

Ҳозирги кунгача сақланиб келаётган анъанавий халқ ўйинларидан бири “ҳалинчак учиш” ўйини бўлиб, асосан баҳор фаслида йигитлар ва қизлар, қолаверса, келинчаклар мевали дарахтлар (асосан ёнғоқ, ўрик (зардоли) дарахтлар мустаҳкам бўлганлиги учун)га арқон боғлаб, ҳалинчакларда учганлар. Ҳалинчак учиш ўйинининг анъанавий тарзда ўтиб келиши, халқимизнинг қадимдан ўтроқ яшаб дехқончилик билан шуғулланиб келаётганлигидан далолат беради.

#### **Адабиётлар:**

1. Андреев М.С. Таджики долины Хуф верховья Амударья. Вып. I. – Сталинабад, 1953. – 251 с.; Вып. II. 1958. – 152 с.
2. Асқаров А. Ўзбек халқининг этногенези ва этник тарихи. – Тошкент: Университет, 2007. – 340 б.

3. Боровков А.К. Аист и связанные с ним приметы и поверья у местного населения //Сб. научного кружка при востфаке САГУ. Вып. I. –Ташкент, 1928. –С. 33.
4. Всеволодский-Гернгросс В.Н. Игры народов СССР. –М.-Л.: Академия, 1933. –С. XXIII-XXIV.
5. Всеволодский-Гернгросс В.Н. Игры народов СССР... – Б. XXIV.
6. Джахонов У. Земледелие таджиков долины Соха (в конце XIX – начале XX в.). – Душанбе, 1989.
7. Жабборов И. Ўзбеклар. (Анъанавий хўжалиги, турмуш тарзи ва этномаданияти). –Тошкент: Шарқ, 2008. – 240 б.
8. Кармышева Б.Х. Очерки этнической истории южных районов Таджикистана и Узбекистана. – М.: Наука, 1976. – 324 с.
9. Материалы по районированию Средней Азии. Кн. 1. Территория и население Бухары и Хорезма. Ч.1.Бухара.–Ташкент:Гос.Изд., 1926 –С 261.
10. Турсунов С.Н. Ўзбекистонда этник қадриятлар ва миллий-маданий мерос. //профессор-ўқитувчиларининг илмий назарий конференцияси материаллари. – Тошкент: Университет, 2000.
11. Турсунов С.Н. ва бошқалар. Сурхондарё тарих кўзгусида. – Тошкент, 2001. – 384 б.
12. Шониёзов К.Ўзбек халқининг шаклланиш жараёни–Тошкент,2001–Б. 432.
13. Қорабоев У. Халқ ўйинларининг шаклланиши ҳақида // Этномаданият. – Тошкент, 2003. –Б. 71.
14. Дала ёзувлари. 2018-2022-йиллар

## **БУХОРО АМИРЛИГИ ДОИРАСИДА КЕЧГАН ЭТНИК ЖАРАЁНЛАРДА ҚАШҚАДАРЁ ВОҲАСИ АҲОЛИСИНING ИШТИРОКИ**

**Бахрамов Т.Б.**

*докторант*

*Қарши Давлат университети*

Бухоро амирлиги (1753-1920) доирасида Ўрта Осиёда, хусусан, бугунги Ўзбекистон ва Тожикистон ҳудудларида, қисман эса Жануби-Шарқий Туркменистон ва Шимолий Афғонистон ҳудудларида кечган этник жараёнлар жадал ривожланиб, минтақадаги бир неча халқларнинг этник шаклланишида муҳим роль ўйнади. Ушбу жараёнларда Бухоро хонлигининг марказий қисмида жойлашган Зарафшон ва Қашқадарё воҳасининг ўрни айниқса муҳим аҳамият касб этди.

Бухоро амирлиги маъмурий-худудий жиҳатдан 27 беклик ёки вилоятга бўлинган бўлиб, айрим истисноларни ҳисобга олмаганда, қуйидагича бўлиниш давом этган <sup>[1; 4-10-б]</sup>: 1. Кармана, 2. Хатирчи, 3. Зиёвуддин, 4. Нурота, 5. Қарши, 6. Китоб, 7. Шахрисабз, 8. Чироқчи, 9. Яккабоғ, 10. Ғузор, 11. Бойсун, 12. Шеробод, 13. Денов, 14. Карки, 15. Чоржўй, 16. Ҳисор, 17.



Кўлоб, 18. Қоратегин, 19. Дарвоз, 20. Балжувон, 21. Шуғнон-Рушон, 22. Қўрғонтепа, 23. Қабодиён, 24. Калиф, 25. Бўрдалиқ, 26. Қобоғли ва 27. Хоразм.

Бухоро амирлигидаги ҳар бир беклик амир томонидан тайинланган ҳоким “бек” деб аталувчи амалдорлар томонидан бошқарилган. Ўз навбатида бекликлар амлоқдорликлар (мулкликлар)га бўлиниб, уларни “амлоқдор”лар ёки “шоҳ” деб номланувчи амалдорлар бошқарган<sup>[2; 4-6]</sup>. Амирликдаги амлоқдорлар беклар томонидан тайинланган, шоҳлар эса аҳоли томонидан сайланиб, сўнгра беклар томонидан уларнинг ваколати тасдиқланган. Бухоро амирлигидаги амлоқдорликлар аминликларга бўлиниб, бу маъмурий бўлинманинг энг қуйи бўғинини ташкил этарди. Аминликларни ўзбекларда “мингбоши”, тожикларда “арбоб” деб аталувчи, аҳоли томонидан сайлаб қўйилган оқсоқоллар бошқарганлар.

XIX асрнинг иккинчи ярмида Бухоро амирлигининг энг йирик шаҳарлари Самарқандда 50 минг, Қаршида 15-20 минг, Шаҳрисабз ва Китобда 18 минг, пойтахт шаҳар Бухорода эса 85-90 минг атрофида аҳоли яшаган<sup>[3; 73-6]</sup>. Қўшни хонликларга нисбатан Бухоро амирлигининг этник таркиби ранг-баранг бўлиб, унда кўплаб элатлар истиқомат қилганлар<sup>[4; 67-75-6]</sup>. Амирликдаги аҳолининг ярмидан кўпроғини ўзбеклар ташкил этиб, улар асосан Зарафшон водийсида, Қашқадарё ва Сурхондарё воҳасида истиқомат қилганлар. Жами аҳолининг 30% ини ташкил этган тожиклар қисман Бухоро ва Самарқанд шаҳарларида, асосан амирлигининг тоғли худуди бўлган Шарқий Бухорода маҳаллий аҳолининг катта қисмини ташкил этган. Амирлигининг жанубий чегаралари бўлмиш Амударёнинг ўнг қирғоғида, Чоржўй ва Каркида яшовчи туркманлар эса мамлакат аҳолисининг 10% ини ташкил этган. Шунингдек, Кармана ва Нуротада ўзбек қабилалари билан бир қаторда қозоқлар, Бухоро ва Самарқанд шаҳрида кўплаб ўзбек ва тожиклар билан бирга яхудийлар, араблар, лўлилар ва афғонлар яшаган<sup>[5; 89-6]</sup>.

Бухоро амирлиги аҳолисининг катта қисмини Зарафшон ва Қашқадарё воҳалари аҳолиси ташкил этиб, уларнинг сезиларли бир қисми ушбу воҳалардаги Бухоро, Самарқанд, Каттақўрғон, Қарши, Шаҳрисабз каби йирик шаҳарларда истиқомат қилганлар. Шу билан бирга, ҳар иккала воҳа аҳолисининг кўпчилиги қишлоқ ва овулларда яшаб, хўжалик турмуш тарзида деҳқончилик, боғдорчилик ва чорвачилик катта ўрин тутган. Шу билан бирга, амирликка қарашли воҳаларнинг тоғолди, дашт ва чўл қисмларида кўчманчи ва ярми кўчманчи ҳаёт кечирувчи чорвадор аҳоли – кўчманчи ўзбеклар, қозоқ, туркман ва араблар истиқомат қилганлар. Бухоро амирлиги даврида уларнинг кўпчилиги яппасига ўтроқ ҳаётга ўта бошлаганлар. Шу ўринда айтиб ўтиш керак, XVII – XIX асрлар оралиғида кўплаб кўчманчи ўзбек уруғларининг Зарафшон воҳаси ва Қашқадарё воҳаларида фаоллашуви ҳамда ўтроқ ҳаётга кўчишлари кенг кўлам касб этди. Бу жараёнлар нафақат ўз даври ёзма манбаларида ўз аксини топган, балки мамлакатимиздаги юзлаб ўхшаш этнотопонимлар мисолида ҳам ўз тасдиғига эга. Бир томондан Нурота ва Жиззах воҳасидан ушбу воҳаларга йирик кўчишлар юз берган бўлса,

иккинчи томондан Шимолий Афғонистондан бир қатор ўзбек уруғлари шимолга – Сурхондарё – Зарафшон воҳаси орасидаги дашт ва тоғ этақларига кўчиб бориб жойлашганлар<sup>6</sup>; 105-108-б<sup>1</sup>. Бошқа томондан эса минг, сарой, барлос, кенагас ва яна бир қатор кўчманчи ўзбек уруғларининг Сурхондарё – Қашқадарё воҳаларидан чиқиб, Самарқанд ва Жиззах орқали Фарғона водийсига бориб ўрнашишлари кузатилди. Бу ҳолат нафақат ўз даври ёзма манбаларида, балки бугунгача сақланиб қолган турли маълумотлар (этнографик, топономик ва ҳ.к.) орқали ўз тасдиғига эга<sup>7</sup>; 10-б<sup>1</sup>.

Бухоро амирлигининг марказий ва чекка ҳудудларидан амирлик ҳамда унга қўшни хонликлар ҳудудига кўчиб ўтиш – миграция жараёнлари кучайишининг негизида бир неча омиллар ётади. Биринчидан, амирликнинг асосчи уруғи бўлмиш манғитлар ҳокимиятни мустаҳкамлаш мақсадида стратегик аҳамиятга эга жойларга ўзларига иттифоқдош уруғларни кўчириб жойлаштирган бўлса (мас. Қарши шаҳри атрофига Нурота воҳасидан манғитларга яқин уруғларнинг кўчирилиши), иккинчидан, амирлик билан келиша олмай қолган айрим уруғларнинг Қўқон хонлиги ҳудудларига кўчиб кетиши (мас. минг, кенагас, барлос уруғлари) каби ҳолатлар юз берди. Шу ўринда, туркий уруғларнинг муайян бир ҳудуддан бошқа бир ҳудудга кўчиб бориб жойлашуви фақатгина Бухоро амирлиги учун хос бўлмай, бу ҳолат анча олдинги даврларда ҳам тез-тез содир бўлганлиги кузатилади. Айниқса, Темурийлар (1365-1505), Шайбонийлар (1501-1601) ва Аштархонийлар (1601-1751) даврида ҳам барлос, қовчин, арғун, арлот ва яна бир қатор уруғларнинг Фарғона водийси, Тошкент ва Ясси (Туркистон), Хужанд, Самарқанд, Бухоро, Қарши, Термиз, Балх, Бадахшон вилоятларида кўчиб юришгани ёки жой алмаштиргани кўзга ташланади<sup>8</sup>; 75-б<sup>1</sup>. Демак, Бухоро амирлиги даврида Сурхондарё, Қашқадарё ва Зарафшон воҳаларидан ўзбек уруғларининг Фарғона водийсига бўлган кўчишларни ушбу миграция жараёнларининг навбатдаги такрори дейиш мумкин.

Бухоро амирлиги давридаги этник жараёнларда Қашқадарё воҳаси аҳолиси иштирокини шартли равишда қуйидагича гуруҳларга ажратиш мумкин:

1- гуруҳ. Ўз уруғ-қабилавий бўлиниш тизимига эга кўчманчи ўзбек уруғларининг турли ҳудудларга кўчиб бориб жойлашуви ёки кўчиб келишлари;

2- гуруҳ. Воҳа аҳолиси этник жараёнларида иштирок этган туркий (қозок, туркманлар) ва туркий бўлмаган (араб, тожик ва ҳ.к.) гуруҳлар;

3- гуруҳ. “Қаршилиқлар”, “миришкор” деб аталувчи аҳоли гуруҳлари.

Улар орасида биринчи гуруҳ вакиллари кўпчиликни ташкил қилганлиги ўз даври ёзма манбаларида – Бухоро амирлиги тарихнависида асарларида, рус сайёҳ ва элчиларининг қайдларида ва ҳоказоларда ўз исботига эга [9; 109-б<sup>1</sup>]. Улардан маълум бўлишича, айнан амирлик даврида манғитлар Қашқадарё воҳасининг Қарши беклиги ва унинг атрофи (Косон, Касби)да сезиларли даражада, Шаҳрисабз, Яккабоғ, Чироқчи бекликларида эса қисман ўз қишлоқларига эга бўлишган. Манғитларга қариндош кенагас уруғи

вакиллари эса Шаҳрисабз ва Китоб бекликларида анча кўпчиликни, саройлар Чироқчи беклиги ва атрофларида, кўнғиротлар эса Ғузор беклиги ва атрофида (бугунги Деҳқонобод туманида) аҳолининг сезиларли бир қисмини ташкил эта бошлаган [10; 129-б]. Чироқчи беклигида, бекликнинг маркази бўлмиш Чироқчи шаҳрида чуют уруғи, Чияли номли аҳоли масканларида кушчи ёки кушчи-қипчоқ уруғи, Қораянтоқ (бугунги Кўкдала) ва атрофларида уз уруғи вакиллари ўзларининг ўнлаб қишлоқларига эга бўлган.

#### Адабиётлар:

1. Населенные пункты Бухарского эмирата (конец XIX - начало XXв.) / Материалы к исторической географии Средней Азии. Под. Ред. А.Р. Мухаммеджанова. – Т.: Университет, 2001. – С. 4, 10.
2. Материалы по районированию Средней Азии. Кн.1: Территория и населения Бухары и Хорезма. Часть 1: Бухара. – Т.: Туркпечать, 1926. – Б. 63-64; Населенные пункты Бухарского эмирата (конец XIX-начало XXв) ., с. 4, 10
3. Костенко Л.О. Путешествие по Средней Азии. – СПб., 1870. – С. 389-390; Сухарева О.А. К истории городов Бухарского ханства. – Ташкент: Академии наук УзССР, 1958. – С. 73.
4. Кармышева Б.Х. Очерки этнической истории южных районов Таджикистана и Узбекистана. – М.: Наука, 1976; Маликов А.М. Тюркские этнонимы и этнотопонимы долины Зерафшана (XVIII – начало XX в.). – Ташкент: Muharrir nashriyoti, 2018. – С. 67-75
5. Сухарева О.А. К истории городов ..., с. 89.
6. Абдуллаев У.С. Фаргона водийсида этнослараро жараёнлар (XIX–XX аср бошлари). – Тошкент: Янги аср авлоди, 2005; Ражабов Р. Ўзбекистондаги араблар тарихи ва этнографияси ..., б. 105-108.
7. Қораев С. Географик номлар маъноси. – Т.: «Ўзбекистон», 1978. – Б. 33; Миндон ва миндонликлар. – Тошкент: Yangi nashr, 2015. – Б. 10-11.
8. Нафасов Т. Ўзбекистон топонимларининг изоҳли луғати. – Тошкент: “Ўқитувчи”, 1988; Бўриев О., Усмонов М. Ўзбеклар: этник тарихи ва этномаданий жараёнлар. – Самарқанд, 2008; Маликов А.М. Тюркские этнонимы и этнотопонимы долины Зерафшана (XVIII – начало XX в.)
9. Ханьков Н.В. Описание Бухарского ханства. – СПб., 1843; Вамбери А. Путешествие по Средней Азии. – СПб., 1865; Кун А. Очерки Шахрисабзского бекства. – СПб., 1880; Сухарева О.А. К истории городов Бухарского ханства. – Т.: АН УзССР, 1958. – С. 109-139.
10. Маликов А. Узбеки группы «сарай» долины Зерафшана в XIX – начале XX вв. // Научный вестник Бухарского Государственного университета. 2007, №3. – С.5-10; Маликов А.М. Тюркские этнонимы и этнотопонимы долины Зерафшана (XVIII – начало XX в.) ..., с. 129-121.

## КАНГЛЫ В РОДОВОЙ СТРУКТУРЕ КАРАКАЛПАКОВ

Давлетияров М.М.

Докторант Каракалпакского научно-исследовательского института гуманитарных наук АНУз

Большинство тюркоязычных этнических групп (гунны, тюрки, огузы, печенеги, кипчаки, канглы и др.) в определенный период времени оседали и формировались в Приаралье в народности из различных этнических компонентов. Они оставили свой след в культуре народов, формировавшийся на данной территории. Среди них надо особо отметить печенегов, кипчаков, канглы, которые играли немаловажную роль в этнокультурных контактах населения Приаралья, особенно в этногенезе каракалпаков.

В прошлом, исследователи не раз указывали на то, что большей частью размещение каракалпаков в сельской местности имеет родовой характер. Родовые подразделения каракалпаков объединены в два крупные арыса: «*коңырат*» и «*он төртуруй*». Каждый из этих арысов делится на *урыу*, *урыу* на *тийре*, а *тийре* в свою очередь делится на *көше*, и каждый соответственно имеет свои собственные названия. Среди них огромный интерес представляет род Қанглы в составе племени Қыпшақ. Қанглы имеются также у казахов, киргизов, узбеков и у башкир. Қанглы – видоизмененное и тюркизированное «кангар», одно из наименований печенегов, который также считается основным этническим компонентом в этногенезе каракалпаков.

Впоследствии рядом с народом кыпчак часто упоминается народ канглы; у Махмуда Кашгарского слово *канглы* как народное название не встречается, говорится только, что Канглы — имя великого мужа из кипчаков; кроме того, слово *канглы* означает «телега» [2. 86]. Қанглы происходят от тех воинов Огуза, которые завели телеги для возки добычи и запасов, ибо канглы по-тюркски «телега» [1. 84-85].

В работе Т.А.Жданко канглы рассматривается как самостоятельное племя, имеющее много разветвлений, и что его подразделения в большинстве соответствует названиям крупных племен каракалпаков конграт. Эти факты подтверждают существующую в современной литературе точку зрения, что племена и роды канглы у народов Приаралья представляли собой остатки одноименного родоплеменного союза XII в. [3. 6].

Рассмотрение канглы на уровне племени и его многочисленность Т.А. Жданко подтверждает тем, что все роды кроме канглы в племени кыпшақ экзогамны. Это в свою очередь объясняет тем, что канглы не столь давно считалось еще племенем, а его подразделения самостоятельными родами или частями родов, не связанными друг с другом традициями, вытекающими из кровного родства [5. 72]. Каракалпакские канглы делится на 11 родовых групп – тийре. Среди них имеется кровно родственные группы, представители которых не вступают в брак друг с другом, а есть группы, которым разрешается. Например, Ашамайлы и Ыргаклы могут вступать друг

с другом в брак. А представителям ыргаклы и катканглы не разрешено, так как считаются близко родственными. Если Жданко объясняет это тем, что канглы раньше был крупным племенным объединением, и входившие в его состав группы не имели кровно родственных связей, то имеется еще другой вариант объяснения к нему.

Известно, что из рода канглы вышли много ишанов. Одним из крупных ишанов в Каракалпакии, видный представитель рода канглы является Имам-ад-дин ишан (или Имам Мухаммед ишан), сын Кайпназар бия. Последний в XVIII в. возглавлял племя канглы каракалпаков, проживавших в местности Мискин (современный Турткульский район), где и родился Имам Мухаммед. В Бухаре Имам ишан стал одним из первых представителей суфийского братства среди каракалпаков. Имам ишан жил в ауле Кран-тау. Есть сведения, что Имам ишан просил сородичей из рода канглы жениться внутри рода, дабы не выдавать дочерей постороннему роду [4. 88].

Данному явлению подробное объяснение дает М.А.Карлыбаев: «Как и во многих «святых семействах» Мавераннахра, в родах каракалпакских ишанов и ходжей, пытались по-своему объяснить «священные корни» своего происхождения... По сложившимся представлениям того времени, отдавать дочерей за выходцев из «низких» социальных страт означало потерю авторитета, а значит социального капитала. Во-вторых, всякий брак в таких фамилиях связан с обязательствами прилагать богатое приданое (сарупа) девушкам из богатых фамилий, в виде имущества, земель и пр. Тем более, даже «ушедшая из рода» (вышедшая замуж) женщина по шариату могла вполне претендовать на часть имущества, в случае смерти отца семейства. Исследователи предполагают, что внутренними браками такие именитые и богатые фамилии старались сохранить движимый и особенно недвижимый капитал в семье». Но, в настоящее время многие представители из рода канглы против брака внутри рода [4. 107].

Для каракалпаков был характерным (и сохраняется по сегодняшний день) обычай хоронить покойника на родовом кладбище, даже если кладбище расположено далеко от места проживания. К примеру, кладбище «Крантау в основном принадлежал и принадлежит до сих пор этнической группе каракалпаков *Он торт уру*. Здесь и сейчас продолжают хоронить умерших, принадлежащих к четырнадцати этническим группам *он торт уру*: канглы, айтеке, кенегес, уйгыр и др. Среди них особое место занимают, конечно, первые два группы (канглы и айтеке)».

Т.А.Жданко также отмечает, что канглы как и многие другие бывшие крупные племена «некогда многочисленное, политически сильное племя, ослабев и уменьшившись» потерял свою самобытность и включился в систему племени кыпшак [3. 53].

В заключении хотелось бы отметить, что рассмотрение канглы как основную составляющую часть печенегов порождает интерес углубленному изучению печенегов как этнического компонента каракалпаков.

### Литература:

1. Аристов Н. А. Труды по истории и этническому составу тюркских племен / Отв. ред. акад. В.М. Плоских. - Бишкек: Илим, 2003.
2. Бартольд В.В. Тюрки. Двенадцать лекций по истории турецких народов Средней Азии. – Алматы: ТОО «Жалын», 1993 г.
3. Жданко Т.А. Очерки исторической этнографии каракалпаков. Родоплеменная структура и расселение в XIX – начале XX века. АН СССР. М.Л. 1950. 178 с.
4. Карлыбаев М.А. К истории ислама у каракалпаков: исторические, социальные, этнические и генеалогические контексты / М.А.Карлыбаев. – Нукус: «Илим», 2021. – 274 с. (29 стр. илл.)
5. Плетнева С.А. Кочевники средневековья. Поиски исторических закономерностей. «Наука», – М. 1982.

### ЛАЛМИКОР ДЕҲҚОНЧИЛИКДА АЖДОДЛАРДАН МЕРОС АНЪАНА ВА УРФ-ОДАТЛАР (Кўҳитанг тоғ қишлоқлари мисолида)

**Кичкилов Ш.Х.**

*ЎзР Инновацион ривожланиш вазирлигининг Сурхондарё  
вилояти ҳудудий бошқармаси*

Хўжаликка оид муаммоларни ўрганиш бугунги кунда этнология фанининг муҳим вазифаларидан бири ҳисобланади. Хўжалик соҳасидаги тажриба ва усуллар халқимизнинг кўп асрлар давомида ижод қилган бойлиги бўлишидан ташқари, унинг ижобий жиҳатларидан ҳозирга қадар фойдаланиб келинмоқда. Кўҳитанг тоғ қишлоқларидан бири Хомкон географик жойлашиши сабаб, яъни тоғлик жой ва яйловлари кўп бўлганлиги учун бу ернинг аҳолиси азал-азалдан, асосан, чорвачилик билан шуғулланиб келган. Шунингдек, қисман лалми деҳқончилик, йилқичилик, хунармандчилик, шу билан бир қаторда яқин йиллардан бошлаб, яъни 1930-40 йиллардан боғдорчилик билан ҳам шуғулланган.

Сурхон воҳасида барча ерлар суғориладиган ва лалмикор ерларга бўлинади. Воҳанинг текислик қисмида сув манбаларининг етарли бўлганлиги суғорма деҳқончиликнинг ривожланишига имкон яратган бўлса, тоғ ва тоғ олди ҳудудларида айнан сув танқислиги лалмикор деҳқончиликнинг таракқий этишига олиб келган. Ғалла ва полиз экинлари суғориладиган ерлар билан бир қаторда лалмикор ерларда ҳам етиштирилган. Кўҳитанг тоғ олди қишлоқларида ҳам деҳқончилик асосан, булоқ ва сой сувлари ҳисобига қилинади. Хомкон қишлоғида ўнлаб сойлар ва булоқлар бўлиб, жумладан Охурлисой, Оқбулоқсой, Жийдалисой, Толлисой ва бошқалардир. Шунингдек, Хомкон қишлоғи тоғлик ва адирликлардан иборат бўлгани учун деҳқончиликда лалмикор усулдан фойдаланадилар. Лалмикор деҳқончиликда буғдой, арпа, нўхат, зиғир, тарвуз, қовун каби кўплаб маҳсулотлар етиштиради.

XX асрнинг бошларигача ҳам экин экишда омов билан ер ҳайдаб деҳқончилик қилишган. Омов яхлит тут ёки ўрик ёғочидан, пасти текис пойли темир ёки чўндан ясалган тиш (поза) ўрнатилган асосий қисми ва унга тик ҳолда ҳўкиз ёки от қўшиладиган якка шоти беркитилган қисмлардан иборат бўлган. Оғир тошлоқ ерларда катта омов, енгил тупроқли ерларда кичик омов ишлатилган. Омовга қараб якка шотининг узунлиги ҳар хил 1,75 см дан 2 м гача бўлган. Одатда омовга иккита ҳўкиз қўшилган. Бунинг учун бўйтерак ёғочдан ясалган бўйинтириқ омовга ўрнатилиб, унга ҳўкизлар қўшилган. Бир қўш ҳўкиз билан бир кунда икки, уч таноб, яъни ярим гектардан кўпроқ, 70-80 сотих ер ҳайдалган. Ҳайдалган ерни текислаш ва уруғ сепилгач устидан тупроқ тортиш учун мола ишлатилган. Асли икки хил мола бўлган: бири катта ва оғир, тут ёки ўрик ёғочидан ясалган. Бу моланинг узунлиги икки метргача этади. Молага темир ёки чўян тишлар ўрнатилган. Иккинчи мола эса оддий тахтадан икки ярим метр ёки ундан узунроқ ясалган. Хомконда мола сифатида шох-шаббалардан ясалган чопар билан ҳам ерни молалаганлар. Бундан ташқари, деҳқончиликда кетмон, бел, теша, ўроқ, чалғи асосий иш қуроллари ҳисобланган. Ҳозирги кунда эса экин экиш ва ҳосилни йиғиб олишда техникадан ҳам фойдаланилмоқда.

Шуни айтиш керакки, Хомкон қишлоғида деҳқончилик маҳсулотларини бозорга чиқариб сотиш учун эмас, балки ўз аъзоларининг эҳтиёжларини қондириш учун ишлаб чиқарадиган хўжалик устун туради. Бир нечта оиладан иборат бир хўжалик аъзолари ўроқ ўриш, хирмондаги донни ажратиш каби ишларни ҳамжиҳат бўлиб бажариб келишади. Ота ўғилларига янги уй қуриб бериб, уларни ажратган бўлсада, далада бирга ишлашади.

Энг кўп экиладиган экин турига донли маҳсулотлардан буғдой ва арпа киради. Буғдойни экишдан олдин ерни омов билан бир неча бор қайта ҳайдаб кузги ва баҳорги қилиб экишган. Кузги буғдойни сентябрдан то октябрь ойининг ўнларигача экишган. Баҳорда экиладиган буғдойни эса мартдан бошлаб то апрелнинг биринчи ўн кунлигига қадар экилади. Буғдой пишгандан сўнг уни ўроқ билан ўриб олишади. Ўроқ билан ишлашнинг иш унуми анча паст бўлгани учун ҳам кишилар биргалашиб ишлашни маъқул кўришади. Буғдой ўрими билан боғлиқ удумлардан бири ҳашар шу тариқа юзага келади. Бу давр “ўроқ” деб аталиб, ҳамма иш билан банд бўлган жуда масъулиятли давр ҳисобланади. Йиғиб олинган буғдойнинг донини ажратиб олиш учун хирмон-хирмон қилиб сўнгра устидан от юритиб буғдойнинг донини ажратиб олишган ва тегирмонда янчилиб ун қилинган. Қишлоқда асосан сув тегирмонидан фойдаланиб келишган.

Шунингдек, хонадонларда қўл тегирмони (ёрғучоқ) ишлатилган. Ярғучоқ - диаметри 40-45 см, қалинлиги 6-7 см бўлган икки тошдан иборат бўлган асбоб, икки тошни боғлаб турувчи ўқ ўтказилган. Ярғучоқда ҳам устки тош айланган устки тошни айлантириш учун, уни тешиб унга узун таёқ маҳкамланган, таёқ силтанмаслиги учун икки томондан арқон билан боғланган. Ярғучоқда кўпроқ эркаклар ишлашган, ярғучоқ бир шароитда айлантирилиб тешигига қўлда дон ташланган. Қишлоқ аҳолиси буғдойни ун

килиш учун асосан тегирмонга боришган ва зарурат яъни ун тугаб қолган, тегирмонга буғдойни олиб борувчи улов ( транспорт) бўлмаган вақтларда уй шароитида яргичоқ ва кели ёрдамида ҳам ун қилинган. Арпа эса асосан ем маҳсулоти сифатида ишлатилган бўлса, зиғир экинидан мой маҳсулоти олинган. Мойни мойжувозда чиқартиришган. Бундан ташқари, лалмикор деҳқончиликда қовун, тарвуз, нўхат, зиғир каби экинлар ҳам экилиб, мўл ҳосил олинади. Қовун-тарвуз асосан май ойи охири ва июнь ойи бошида, нўхат ва зиғир баҳорда экилади. Етиштирилган қовун-тарвузлардан турли хил ширинлик, қоқи ва қиёмлар, яъни қовун қоқи, шинни, қоракулча кабилар тайёрланади.

Анъанавий деҳқончилик билан боғлиқ ишларда аجدодлардан мерос қилиб қолдирилган турли-туман урф-одатлар, маросим ва удумларга амал қилиб келишган. Ижтимоий ҳаётга сингиб кетган бу маросимларда халқ қарашлари ва ишончлар ўз ифодасини топган бўлиб, шунингдек, исломгача бўлган эътиқодий қарашлар билан исломий қарашлар қоришиб кетган. Шундай маросимларга ўрим тугаллангандан кейин ҳосилни янчиш ва хирмон кўтариш билан боғлиқ урф-одатлар кириб, уларда халқимизга хос энг яхши фазилатлар ўз ифодасини топган. Шулардан бири хирмон қилиш жойида, янчиш бошланиши олдидан Бободехқонга атаб хирмонда мол сўйиб қон чиқарилган ва ҳурматли кексалар таклиф қилиниб, Оллоҳдан барака тилаганлар. Маълумки, деҳқончиликнинг ҳомийси Бободехқон ҳалол меҳнат билан кун кўрувчи, бошқалар ҳақидан ҳазар қиладиган, деҳқонларга ҳомийлик қилувчи, меҳнат унумдорлигини оширувчи пир ҳисобланган. У айна сахар пайтида хирмон олдида пайдо бўлиб, хирмонга барака улашиб, деҳқонларнинг етиштирган ҳосилини тўкилиб-сочилиб исроф бўлишидан асрар эмиш [1]. Хирмон одатда отлар ёки хўкизлар ёрдамида янчилган. Отлар ёрдамида хирмон янчилганда, 3-4 та от ёнма-ён боғланган ва марказдаги кучли от устидаги одам томонидан галагов ҳайдалган. Хўкизлар ёрдамида хирмон янчилганида хирмон марказида «хўп чўпи» қоқилган. Хўп чўпга бир неча хўкиз бир-бирига ёнма-ён қилиб боғланган ва гаврон (узун хивчин) ёрдамида ҳайдалган. Галаговга хўкизлардан мумкин қадар камроқ фойдаланганининг боиси, улар секин ҳаракат қилган, шунинг учун ҳосил унуми ҳам кам бўлган. Ҳалол ҳайвон ҳисобланган отлардан фойдланиш ҳам қулай, ҳам ҳосил унумли бўлган. Эшак эса ҳаром ҳайвон ҳисобланганлиги боис галаговга қўйилмаган. Фақат от ёки хўкизи йўқ ночор оилаларгина эшакдан фойдаланишган. Сурхон воҳасининг бошқа қишлоқлари каби, Хомкон қишлоғида ҳам халқ томонидан ижро этилиб келинган кўплаб кўшиқлар деҳқончилик билан боғлиқ бўлиб, ранг-баранг усулда ва улардан бизга қадар «Кўш кўшиқлари», «Ўрим ёки ўроқчилар кўшиқлари», «Хирмон кўшиқлари», «Хўп майда» каби жанрлари етиб келган [2]. Бободехқон тонг сахар пайти, яъни тангри одамларга ризқ улашаётган пайтда хирмонда ҳозир бўлиб, турли ёвузлик ва ёмонликлардан асрайди, донларнинг сочилиб тупроққа қоришиб кетишига йўл қўймайди, яхши назар билан қараса дон кўпайиб, ҳосилнинг баракаси ошади деб тушунилган.



Қишлоқ деҳқонларининг шамол чақириш билан боғлиқ удумларида шамолнинг афсонавий ҳомийси – Ҳайдар ёки Мирҳайдар номи кўпроқ тилга олинади. Янчилган хирмоннинг донини сомонидан ажратиб олиш учун шамол ҳомийсини чақириш Олтой ва Сибир халқларида ҳам мавжуд бўлиб, шамолни аллақандай тош одамлар пайдо қилади деб, улкан қояларга сизғиниб, қурбонлик келтирганлар [3]. Янчилган хирмон шоха ёки курак билан ташланиб, дони ажратилгандан кейин дон «пайхон» қилинган. Бу Сурхон воҳасининг қўнғирот ўзбекларида «пайхин», тожикларида «пайхот» деб аталган [4]. Пайхонда ҳали янчилмаган бошоқ чори(қобикдан чиқмаган донлар) кўп бўлган. Чори кўп буғдой, яна хирмонга ёйилиб галагов қилинган. Шундан сўнг хирмон тўдаланиб, курак билан шамолга совурилгач, чиғилдан (ошланган тери ипидан тўқилган, тешигидан буғдой ўтадиган асбоб) ўтказилган. Тозаланиб, тўдалаб қўйилган буғдой чош деб аталган. Чошни “ҳалоллаш” удуми ҳам ўтказилган. Хирмон эгаси чошдан бир ғалвир буғдой олиб, пири ёки муллага ҳалоллатган. Бунинг маъноси шундаки, токи буғдой янчилиб, чош қилингунича, унинг устида юрган ҳар хил ҳаром ҳайвон, кемирувчи ва жониворлардан поклаш бўлган. Бу билан бутун чош ҳалолланган.

Хуллас, ота-боболаримиз меҳнат қуроллари оддий бўлган ва турмуш кечириш машаққатларини ўз бошидан кечирган бўлсаларда, ҳамжиҳатликка асосланган ҳолда енгиб ўтишга ҳаракат қилишган. Ана шундай машаққатли меҳнат шароитида шаклланган урф-одат, удум ва маросимлар ҳам фақат эзгуликка йўналтирилганлиги билан диққатга сазовордир.

#### **Адабиётлар:**

1. РаҳмоновФ. Х1Х аср охири ХХаср бошларида Қашқадарё воҳаси аҳолисининг зироатчилик билан боғлиқ урф-одат ва маросимлари. Дисс... кўлёмаси. – Т., 2004. – Б. 41.
2. ТурсуновС. Ва бошқ. Шеробод тарихидан лавҳалар. – Т.: Yanginashr, 2014.
3. Республикамизнинг Фарғона, Самарқанд, Бухоро, Қашқадарё вилоятларида ҳам шамол ҳомийсини кекса аёл образида ҳам тасвирлаганлар. Қаранг: Саримсоқов Б. Маросим фольклори. // Ўзбек фольклоридан очерклар. – Тошкент, 1986. Т.1. – Б. 112.
4. Шаниязов К. Узбеки - Карлуки. – Т., 1964. – Б. 55.

## ЎРТА ОСИЁДАГИ ИЛК ЎТРОҚ МАДАНИЯТ МАНЗИЛГОҲЛАРИДА АЁЛГА ЭЪТИҚОД (Жойтун маданияти)

**Абдуғаниев А.А.**

*кичик илмий ходим*

*ЎзР ФА Тарих институти*

Дунё ўтмиш тарихи асосан халқлар, жамиятлар, давлатлар тарихи билан белгиланади. Аммо ана шундай жамиятлардаги ижтимоий муносабатлар инсониятнинг дастлабки ўтмиш тузуми ҳисобланган ибтидоий жамоа тузуми давридан то ҳозирги кунгача битта социал муносабатга асосланган. Бу аёл ва эркак муносабатларидир. Бу ижтимоий муносабат мулкчилик, бошқарув, дин, маданият, урф-одат, анъана, адабиёт, санъат, илм-фан деярли барча соҳаларида кўзга ташланди. Бизгача маълум бўлган дунё тарихидаги дастлабки жамоалар, халқлар, сивилизациялар, давлатлар, динлар тарихининг оғзаки ва ёзма манбаларида, шунингдек, археологик моддий манбаларида яққол намоён бўлади. Кўпгина ибтидоий жамоаларда қадимги тош даврининг охирларида аёл жинсига сиғиниш, уни илоҳийлаштириш вужудга кела бошлайди, бунинг исботини археологлар аёл тасвирлари мавжуд бўлган суяк ва тошдан ясалган одам тасвирланган ибтидоий ҳайкалчаларда учратадилар. Бу илоҳалар кейинги динларнинг асосий илоҳаларига айланади. Қадимги Ўрта Осиё деҳқончилик маданияти манзилгоҳларида аёлга сиғиниш мавжудлигини тасдиқловчи энг ишончли далил Жойтун маданияти манзилгоҳидир. Бу жойни қазиб жараёнида топилган, аёл илоҳа кўриниши тасвирланган, лойдан ясалган ҳайкалчалар топилган. Ушбу ҳайкалчалар қабрларга қўйилган, турар-жой бинолари ёки зиёратгоҳлардаги махсус жиҳозларга осилган бутлар ёки инъом сифатида ишлатилган деб тахмин қилиш мумкин. Топилган артефактлар тўплами жуда кичик бўлиб, кўпчилик ҳайкалчалар яхши сақланмаган, шунинг учун ўша даврда худолар пантеони мавжуд бўлганми ёки битта худо турли қиёфада ҳаракат қилган дейиш мушкулдир. Аммо бу топилмалар жанубий Туркманистоннинг неолит даври аҳолиси сиғинадиган худонинг аёл қиёфасида бўлганлиги ва қадимги одамларнинг бутун эътиқод тизими ва диний ҳаёти айнан шу образда тўпланганлигининг шубҳасиз далилидир. Ушбу ҳайкалчалар орасида фақат биттаси тўлиқ сақланиб қолган бўлиб, унинг боши ясси кўринишда, юзи схематик тарзда ўйилган, қўллари, кўкраклари бўлмаган теккис танаси ва бўрттирилган танасининг орқа қисми мавжуд. Бошқа ҳайкалчалар қисман сақланиб қолган бўлиб, цилиндрсимон қисмларга бўлингандир. Бу эса уларни рамзи рамзий маъно касб этишини англатади. Бу бошқа неолит даври маданиятлари ва қадимги сивилизациялар тасвирлари билан ўхшашликни кўрсатади ифодалайди. Устунга ўхшаш пойдевор қадимги маданиятларда она маъбуда тимсоли сифатида қаралган дарахтнинг рамзи бўлган деб тахмин қилиш мумкин. Қадимги жанубий Туркманистон маданиятида бу кўриниш сўнгги энеолит даври сопол

идишлари сиртидаги одамга ўхшатиб чизилган дарахт шакли туширилган тасвирларда ўз аксини топган.[6, С.124] Бу ҳайкалчаларда шохлари кенг ёйилган дарахт кўринишидаги инсон тасвирланган. Дарахт рамзий кўринишдаги маъбуданинг бағри ҳисобланиб, новдалар гўё унинг пастки қисмида, учбурчакдан ўсиб чиққанлигини тахмин қилиш мумкин. Қадимги маданиятларнинг антропоморфик тасвирларидаги дарахт семантикаси мураккаб бўлиб, ҳайкалча сиймосини бошқа дунё билан алоқасини кўрсатади. Бошқа томондан, дарахт ҳаёт рамзи сифатида, унумдорлик худосининг атрибути ёки тимсоли ҳисобланади. Устунга ўхшаш таглиги бор ҳайкалчалар хусусияти улардаги худонинг унумдорлик ғояси билан боғлиқлигини англатади.

Бу борада энг катта қизиқиш Олтинтепадан топилган, ҳомиладор маъбуда тасвирини акс эттирувчи ҳайкалчадир. Шуниси эътиборга лойиқки, унинг қорин қисми ўткир найза излари билан қопланган. Бошқа ҳайкалчаларда жинсий аъзоси қисми кўплаб майда тешиқлар билан қопланган ва қориннинг пастки қисмида чуқур кесма қилинган. Эҳтимол, бу ҳайкалчаларда туғиш арафасидаги ва ҳомиладор аёлларнинг ҳомийси бўлган илоҳа қиёфасини тасвирлаган. Ушбу ҳайкалчалар туғишни осонлаштиришга қаратилган сеҳрли маросимларда ишлатилганлигини тахмин қилиш мумкин.[4, С.37] Баъзи этнографик маълумотлар шуни кўрсатадики, кўплаб халқларда лойдан ҳайкалчалар яшаш анъанаси доялик белгиси билан боғлиқдир. Бу шунингдек, инсоннинг лойдан яратилиши ҳақидаги Месопотамия мифларидан бирига ишора қилади, унда бундай ҳайкалчалар туғишни осонлаштириш маросимида фойдаланилган. Жойтун маданияти турар жойларидан топилган топилмалар орасида ўтирган одам қиёфасига ўхшаш шаклидаги тош артефактни ҳам учратиш мумкин.[1, С.112] Ҳайкалча шартли равишда яратилганига қарамай, у шубҳасиз аёл худосининг қиёфасини акс эттиради.

Жанубий Туркманистон маданиятида маъбудани ўтирган ҳолатда тасвирлаш услуби энеолит ва бронза даврларида анъанага айланган.

Й.В.Антонованинг сўзларига кўра, бу анъана ўтроқ ҳаёт ва доимий турар-жойларнинг пайдо бўлиши билан, шунингдек, аёл болаларни ўтирган ҳолатда туғиши ва боқиши ҳақидаги ғоялар билан боғлиқ. Мавжуд артефактларга асосланиб айтишимиз мумкинки, неолитнинг дастлабки босқичида диний ғояларнинг ривожланиши, аёл илоҳа орқали янги образлар яратиш ва унинг турли жиҳатлари ва функцияларини акс эттирувчи тимсоллар яратилган.

Жойтун халқи ҳаётининг маънавий томони ҳақида гапирадиган бўлсак, неолит даври кулочкилиги бунинг энг асосий моддий ашёсидир. Аҳоли манзилгоҳларидан топилган сопол идишларнинг аксарияти дон сақлаш, озиқ-овқат идиш-товоқлари бўлиб, улар кўпинча расмлар билан безатилмаган ва соф майший аҳамиятга эга бўлган. Аммо қизил жигарранг минерал бўёқлар билан бўялган идишлар ҳам бор. Бу идишлар маросимлар учун ишлатилган, шунинг учун уларнинг юзасига қўлланиладиган безакларга алоҳида, рамзий,

диний маъно берилган. Жойтунликларнинг сопол парчаларидаги энг машхур безак бу идиш танаси бўйлаб оқаетган сув оқимларига ўхшаш тўлқинли чизиклардир. Бундан шундай хулоса қилиш мумкинки, Жойтунлик рассомлар ўз ота-боболарининг қишлоқлари ёнидан оқиб ўтадиган дарёларнинг унумдор оқимларини шундай тасвирлашган. Жойтун далалари учун сув ҳаётини зарур эди, экинлар сувга боғлиқ эди ва пировардида қадимги деҳқонларнинг ҳаёти ҳам сувга боғлиқ бўлган. Ҳатто палеолит даврида ҳам сув одамларнинг онгида муқаддас, ҳаёт берувчи кучга эга бўлган, буни ибтидоий кулолчилик санъати (хусусан, лой юзасига бармоқлар билан чизилган тўлқинсимон чизиклар), овчилар ва термачилар томонидан ишлатиладиган сув элементи билан боғлиқ кўплаб маросимлар буни тасдиқлайди. Қишлоқ хўжалигининг пайдо бўлиши билан сув одамлар ҳаётида янада катта аҳамиятга эга бўлади, бу неолит даври буюмлар безакларида сув элементи рамзининг ҳукмронлигини ўрнатган.

Натуралистик услубда ясалган ва оналик белгилари аниқ ифодаланган аёл ҳайкалчаларнинг хусусиятларидан келиб чиқадиган бўлсак, жойтунликлар ғояларидаги маъбуда, энг аввало, она образининг тимсоли бўлган. Бу топилмалар орасида ҳайкалчалар гуруҳи айниқса қизиқарли бўлиб, қолганларидан иккита характерли жиҳати билан ажралиб туради: оёқ ўрнига цилиндрсимон асос ва ҳайкалчаларнинг пастки қисмида фақат маржон тасвирланганлигидир.

Дунёнинг турли бурчакларидаги неолит даври санъат намуналарида, шунингдек, одамларнинг табиат ҳақидаги энг қадимги ғояларини ўзида мужассам этган қадимги мифологияда сув элементи кўпинча аёл билан боғланган.[5, С.11] Неолит даври Европа кулолчилигида сув рамзи одатда унумдорликнинг бошқа белгилари билан бирлаштирилади, масалан, маросим идишларида тухум ёки илон билан тасвирланган. Ёмғир ва она сути нақшлари Евроосиё неолит маданиятининг деворий расмлари ва сополчилигида асосий мавзу бўлиб, уларнинг тасвири туширилган маросим идишлари аёл илоҳага эътиқод қилинган ибодатхоналарнинг умумий буюмлари ҳисобланган.[5, С.53] Жойтун маданиятига оид маросим сопол идишларининг нафақат безаклари, балки уларнинг аёл қиёфасига аниқ мос келадиган шакли ҳам бу маданиятда сув элементига эҳтиром кўрсатиш аёл илоҳаси билан чамбарчас боғлиқ бўлган дейишга асос бўлади. Эҳтимол, ўша давр деҳқонларидаги сув манбаларини илоҳий аёл қиёфаси билан боғлаш анъанаси кейинчалик, Зардуштийлик динининг асосий худоларидан бири ҳисобланган маъбуда Анаҳитага сиғинишга айлангандир.

Жойтун маданияти манзилгоҳларидан топилган топилмалар орасида энг кўп топилган ҳайкалчалар майда теракота ва тош ҳайкалчалар бўлиб, уларнинг кўпчилиги ҳайвонлар – эчки, қўчқор, буқалардир. Айрим ҳайкалчаларда тешик излар борлиги эътиборлидир. В.М.Массоннинг фикрига кўра, ҳайвон шаклидаги ва антропоморфик ҳайкалчалар умумий фетишизм артефактлари сифатида ишлатилган.[3, С.88] В.И.Сарианиди ва бошқа тадқиқотчилар эса улар сирли маросимлар учун ишлатилган деб

ҳисоблашади. В.И.Сарианиди томонидан тешиқлар муваффақиятли овни таъминлаш мақсадида етказилган "пичоқ яралари" деб таърифланади.[5, С.15]

Неолит даври ёдгорликларида ҳайвон шаклидаги тасвирлар ва ҳайкаллар дин элементи сифатида, шунингдек, унда она маъбуда образи марказий ўринни эгаллаганлиги ифодаланган. Дунёдаги бир қатор ёдгорликлар ва бошқа топилмалар билан биргаликда Жойтун маданияти масканларидан топилган артефактлар ов сеҳрининг ёки қабила фетишларининг алоҳида, бир-бирига боғлиқ бўлмаган кўринишлари эмас, балки аёл илоҳа тимсолида мужассамланган ҳаёт ва барча инсоний неъматларнинг манбайи ва эътиқодни акс эттирувчи бир ғоя тимсоли эканлиги аён бўлади.

Ўрта Осиё жанубидаги неолит даври аҳолисининг маънавий оламининг мафкуравий асоси ҳаёт ва ўлим ғояси бўлган, дафн маросимлари орқали буни англаш мумкин. Афсуски, Жойтун ёдгорликлари худудидан фақат битта қабр топилган ҳолос. Вафот этганлар турар-жойлардан ташқарида дафн этилган бўлиши мумкин, аммо бундай қабрлар топилмаган.[3, С. 90] Аммо бу санокли топилмалар ҳам Ўрта Осиёнинг илк деҳқонларининг диний-мафкуравий тизимини қайта тиклаш имконини беради. Топилган қабрларга кўра, Жойтун аҳолиси ўзларининг аجدодлари сингари, ўликларни қабрга чўккалатиб қўйишган, уларга оҳра сепиб, жасадларни коври чиганоқлари қобиқлари билан ўрашган.[3, С. 88] Бу ерда ҳам оҳра ва коври қобиқлари Р. Айслер таъбири билан айтганда барча тирик мавжудотларнинг аждоди бўлган она маъбудага сиғинишнинг асосий элементларидир.[2, С.18] Майитнинг эгилган ҳолатда жойлашишини баъзи экспертлар шу тарзда марҳумга ухлаётган одамнинг ҳолати берилган, бошқалари бу ҳолат бачадондаги эмбрионнинг ҳолатига тақлид қилинган деб ҳисоблашади. Иккинчи версия, бир қатор сабабларга кўра, ҳақиқатга яқинроқдир. Биринчидан, мурдалар ғайритабiiй ҳолатда эгилганлиги, тиззалари иягигача борганлиги кўпроқ ҳомила ҳолатини эслатади. Иккинчидан, бу ўликларни қон ва ҳаётга тақлид қилувчи оҳра сепиш одатидан ҳам далолат беради. Майитни ерга қўйиш, марҳумнинг она замин қорнига қайтишини англатади ва жасадга оҳра сепилиши унинг қайта жонланиши ва янги туғилишига ҳисса қўшиши керак бўлган. Шундай қилиб, дафн маросимининг иккала элементи биргаликда қайта туғилиш жараёнига тақлид қилгандек маънони англатади.

Жойтун ашёларининг юқоридаги таҳлили шуни кўрсатадики, Ўрта Осиёнинг илк деҳқонлари ўтроқ деҳқончилик маданияти пайдо бўлишидан анча аввал вужудга келган анъанани давом эттирган ва ривожлантирган. Улар ҳаётнинг циклик табиатига (ҳаёт - ўлим - қайта туғилиш), ўлимдан кейин тирилишга ва дафн маросимлари ёрдамида ўлган одамни ҳаётга қайтариш имкониятига ишонишган. Ушбу эътиқодларда марказий ўринни аёлнинг танаси ва унумдорлик функцияси билан боғлиқ бўлган ва она маъбуданинг алоҳида жиҳатларидан бири бўлган ернинг қайта тикланадиган кучи ҳақидаги ғоялар эгаллаган.

### **Адабиётлар:**

1. Антонова Е.В. Антропоморфная скульптура древних земледельцев Передней и Средней Азии.
2. Айслер Р. Чаша и клинок. М., 1993
3. Массон В.М. Земледельческий неолит юго-запада Средней Азии.
4. Массон В.М., Сарианиди В.И. Среднеазиатская терракота эпохи бронзы. Опыт классификации и интерпретации. М., 1973.
5. Сарианиди В.И. Тайны исчезнувшего искусства Каракумов.
6. Хлопин И.Н. Энеолит юго-запада Средней Азии // Средняя Азия в эпоху камня и бронзы. М.-Л., 1966.

## **FARG'ONA VODIYSINING TIRNAB SOLINGAN BEZAKLI SOPOL BUYUMLARI TARIXSHUNOSLIGI**

**Pozilova X.O.**

*magistr*

*O'zbekiston Milliy universiteti*

Qadimgi Farg'ona vodiysi hududlarida olib borilgan qazishishlari natijasida qizil angobli va tirnab bezak berilgan kulolchilik buyumlari topib o'rganildi.

В. А. Литвинский hunarmandchilikning kulolchilik tarmog'i bo'yicha bir qator ilmiy izlanishlar olib borgan va qizil angobli tiralgan bezakli spool buyumlarga "Dovan bezaklari" deb nom bergan [1, B. 258]. Qadimgi Farg'ona vodiysidagi aholi punktlari va qabristonlarni qazish vaqtida huddi shu turdagi sopol buyumlar topilgan. Bunday turdagi bezakli idishlar Farg'ona vodiysidan tashqarida, xususan Xorazm, Gang vodiysining markaziy qismi va Hindistondan ham topib o'rganilgan. Biroq angobning yorqinligi va bezak berish texnikasi bo'yicha Farg'onadan topilgan buyumlar bilan o'xshashlik yo'q. Shunday bo'lsada Hindistondan olingan namunalar naqsh jihatidan Farg'onaga yaqinroq bo'lib chiqdi [7, B. 53].

Odatda idishlarga "Dovan bezaklari" yoki oddiy bezak turlari qo'llanilgan. Ba'zan esa har ikkalasini ham umumlashtirib yagona bir bezak qo'llanilgan. Ushbu bezak ingichka chiziqlar bilan tirnab chizilgan bo'lib, uning chuqurligi 0,5-0,7 mm ba'zan esa 1,1 mmgacha borgan. Idish bezaklari bir- birini takrorlamaydi. Keyinchalik, XII asrning II- yarmida sirli spool idishlarda bunday usulda bezak yana qayta paydo bo'ladi. Dovan bezagining tarixiy ahamiyati shundaki, unda faqat sopol buyumlarning ajoyib bezaklarining yaratish uchun yangi imkoniyatlar ochdi, balki, uni o'zlashtirib, takomillashtirib yangi bir usul ya'ni sirlangan idishlar guruhini paydo bo'lishida kata ahamiyatga ega ekanligi haqidagi fikrlarini berib o'tadi [1, B.160].

Bundan tashqari aynan В. А. Литвинский "tiralgan bezakli spool idishlar bezak berish jarayonida quruq bo'lganligi" ya'ni spool buyum xumdonda pishirilib, undan so'ng esa tirnab naqsh solinganligi haqida fikrlarni bildirib o'tadi [1, B.160. 7, B. 54].

B. Abdulg'aziyeva ham vodiylar arxeologiyasi bilan shug'ullanib, Farg'onaning ellin davri keramikasiga oid ilmiy tadqiqotlar olib borgan. Bunga ko'ra, ilk antic davrda butun Markaziy Osiyoda ro'y bergan kulolchilik ishlab chiqarishidagi keskin o'zgarishlarni faqat madaniy ta'sirlar bilan izohlab bo'lmasligini ta'kidlaydi. Buni bevosita Makedoniyalik Iskandarning Sharqqa yurishlari bilan bog'laydi. O'rta Osiyo xalqlarining janubiy qo'shnilar bilan yaqin madaniy aloqalari avvalroq mavjud bo'lgan. Markaziy Hindistonda, Taxila, Charsada, Gang daryosining yuqori oqimida, Farg'ona kosalariga juda o'xshash bo'lgan kosalar topilgan. Bundan tashqari, milodiy I asrda Farg'ona kulolchiligiga xos bo'lgan, sirtida tirnalgan bezak xususiyatlari mavjud bo'lgan idishlar Markaziy Hindistondagi Gang vodiysidan ham topib o'rganilgan. Aynan shu davrda tirnalgan bezakli sopol idishlar Farg'onada o'zining yuksak cho'qqisiga chiqqan edi [2, B. 27].

Farg'ona vodiysining ilk o'rta asrlar tarixi va madaniyatini o'rganishda N. G. Gorbunovanning alohida hissasini ta'kidlash kerak. Olimaning ta'kidicha, V-VI asrlarda charxda yasalgan idishlar ulushi kamayadi, angob sifati pasayadi, angobdan idish sirtiga bezak solish paydo bo'ladi, qo'shni Qovunchi madaniyati ta'siri yaqqol seziladi va Sug'd bilan aloqalar rivojlana boshlaydi. VII-VIII asrlarda, N. G. Gorbunova fikricha, sirti qizil angob bilan qoplangan sopollar ko'paya boradi va bu o'zgarishlarni u ko'hna turklar hamda sug'diylar ta'siri bilan bog'laydi.

Farg'onada boshqa hududlarga nisbatan juda uzoq vaqt muqim turgan bezakli sopollar X-XII asrlarga kelib yana qayta jonlanadi. Ammo bu davrda idishlarning sirtiga avvalgidek yuqori qismiga emas, balki idishning sirtiga to'liq naqsh berilgan. Shu o'rinda ta'kidlash kerakki, asosan qo'lda yasalgan sopollar sirtiga bo'yoq yordamida bezak berilgan bo'lsa, tirnama naqshlar faqatgina charxda yasalgan idishlarda qo'llanilgan [3, B. 113].

Ayrim tadqiqotchilar, xususan, B. M. Abdullayev yuqoridagi fikrlarga qo'shimcha qilgan holda kulolchilikda paydo bo'lgan qizil angobli, tirnab solingan bezakli sopol idishlarning paydo bo'lishi va rivojlanishida, O'rta Osiyoning janubiy-g'arbiy hududlari bilan madaniy aloqalarning mavjudligi kata ahamiyat kasb etishi haqida fikr bildirgan. G'arb usul va uslublarining tarqalishi natijasida Farg'ona vodiysi sharqiy hududlarida qo'lda yasalgan hamda bo'yab naqsh berilgan kulolchilik mahsulotlari ishlab chiqarila boshlangan. Bundan tashqari, farg'onaliklar yangi texnologiyani o'zlashtirish bilan birga o'zlarining avvalgi an'anasiga sodiq qolgan holda kulolchilikda yangi – qizil angobli, sirtiga tirnab naqsh solish uslubini yaratishgan. Ushbu uslub Chust madaniyati sopollaridagi an'analarni saqlab qolgan holda yangi Sho'rabashat idishlaridagi naqsh uslublarini ham ma'lum ma'noda uyg'unlashtirgan. Bundan tashqari idishlarni bezashda hayvon va o'simlik tasvirlaridan ham foydalanila boshlanadi [4, B. 27].

B. Matboboyev esa Andijon shahrida amalga oshirilgan qazuv ishlari natijasiga ko'ra, qizil angobli tirnalgan sopol idishlar vaqtini III-IV asrlar bilan belgilaydi. Sopol idishlar oldingilaridan sifati va shakli bilan biroz farqlanadi. Hatto, bu guruhda sopol idishlarni tayyorlashda yaxshi tomonga sifat o'zgarishlari

kuzatiladi. Ya'ni, idishlar nafisroq va yupqaroq qilib ishlangan, tirnab gul solingan ayrim idishlardan foydalanish boshlanadi. Sopol buyumlarning ko'za, kosa, xurma va mayda idish turlari keng iste'molda bo'lgan. Ko'zalarni aksariyati bo'g'zi kalta, gardishi tashqariga qayrilgan.

Balantepa va Munchoqtepadan topilgan kulolchilik idishlarida ham yuqoridagi holatlarni ko'rishimiz mumkin. Masalan Munchoqtepadan milodiy I-IV asrlarga tegishli bo'lgan tanasi uzunchoq, qalin va yaltirab turuvchi angob bilan qoplangan yog'loqi, yoki dastasi qirra qilinib o'tkir asbob bilan kesib tekislangan, o'rta qismida taram-taram aylana chiziqlari bo'lgan tirnalgan naqsh tushirilgan ko'zani misol qilib keltirish mumkin [5, B. 31-32].

Qizlartepa yodgorligida ko'plab tadqiqotlar olib borgan F. A. Maqsudov ham qizil angobli tirnalgan spool idishlarning kelib chiqishi, rivojlanishi va bezak semantikasi bo'yicha o'z fikr va xulosalarini berib o'tgan.

Qizlartepada olib borilgan qazishmalar chog'ida tirnalgan bezakli qizil angobli sopol buyumlar topilgan. Bunday kulolchilik buyumlari Farg'onaning hamma joyida antik davrdagi aholi punktlari va qabristonlarida topilgan.

Dafn inshootlarida tirnalgan bezakli idish-tovoqlar ko'pincha bo'lishidan kelib chiqib, ularning nisbatan ko'p qismi Qizlartepa ibodatxonasi inshootini qazish jarayonida topilganligi, idishlarning bunday bezaklar bilan ehtiyotkorlik bilan bezatilganligi, oddiy aholi punktlarida kam uchraydiganligi va g'ayrioddiylikiga qarab ushbu idishlarning asosiy maqsadi "marosim-himoya" xususiyatidan dalolat beradi, ya'ni idish-tovoqlar ma'lum darajada diniy xususiyatga ega bo'lgan deb taxmin qilish mumkin [6, B.134]. Tirnalgan bezakli idish-tovoqlarning funktsional maqsadi haqida ham to'xtalib o'tgan. Xususan, bunday idishlar oziq-ovqat saqlash uchun ishlatilgan bo'lishi mumkin. Chunki, tirnalgan bezaklarning asosiy qismi qozon parchalarida, ayrim hollarda esa teshikchalari bo'lgan buyumlarda-tumornlarni bezashda foydalanilgan bo'lishi mumkin. Bu idishlarga buyurtma berishgan, shuning uchun ham qimmatroq turgan [7, B. 53].

Yu. A. Zadneprovskiy ham tirnab bezak berilgan qizil angobli buyumlar haqida fikr bildirib o'tgan. Arxeologik ma'lumotlarga ko'ra, miloddan avvalgi I mingyillikning oxirida va milodiy asr boshlarida moddiy madaniyat sohalarida keskin o'zgarishlar ro'y beradi. U bo'yalgan idishlarning yo'qolib ketishi va tirnalgan bezaklar bilan bezatilgan qizil angobli idishlarning ustunligida yaqqol namoyon bo'ladi. Bunga asosiy sabab, ehtimol, Farg'ona vodiysida toxar-yuechji birlashmasi qabilalarining paydo bo'lishi bilan bog'liq bo'lsa kerak. Qadimgi Xitoy yozma manbalarida bu qabilalarning keng ko'lamlari harakatlari aynan Davan orqali o'tganligi haqida to'g'ridan to'g'ri ma'lumotlar berilgan [8, B.113].

Xulosa o'rnida shuni aytish mumkinki, idishlarni tirnalgan bezak bilan bezash usuli qariyb 5 asr davomida Farg'ona vodiysi hududlari aholisi tomonidan foydalanilgan. Bunday turdagi idishlarni oddiy aholi yashash hududlaridan kamroq, diniy inshootlarda esa ko'plab topilishi diniy harakterga ega ekanligini ko'rsatadi. Idishlarni angob yordamida bo'yash rivojlana borishi bilan unga bezak berish ham qiyinlashib borgan. Chunki angob yaltiroq va silliq bo'lganligi uchun bo'yoq idish sirtiga surilganda ma'lum bir tasvir chizish murakkab bo'lib qolgan



va shuning uchun ham ushbu uslubni o'ylab topishgan bo'lishi mumkin. Ushbu idishlarda qo'llanilgan tirlangan bezak semantikasi juda qiziqarli va baxs munozaraga boydir. Tirlangan bezak tushirilgan idishlarning maqsadi va vazifalarini yanada aniqlashtirish va semantikasi haqida ma'lumot berish uchun yanada ko'proq arxeologik tadqiqot ishlari olib borish kerak.

### **Adabiyotlar:**

1. Литвинский Б. А. Керамика из могилников Западной Ферганы. Москва: Изд-во «НАУКА», 1973. 258 с.
  2. Абдулгазиева Б. Эллинистическая керамика Ферганы // Античная цивилизация и варварский мир. Материалы III-го археологического семинара // Новочеркасск. 1993. С. 20-28.
  3. Горбунова Н. Г. Культура Ферганы в эпоху ранне железа// СА. № 4 Москва,- 1962. С. 91-122.
  4. Abdullayev B. A. Farg'onaning qadimiy madaniyatlari shakllanishidagi aytim hususiyatlar. – B. 27
  5. Матбобоев Б. Х. Қадимги Фарғонанинг илк ва ўрта асрлар даври маданияти : avtoref, докт. ... дисс. -Самарқанд, 2009. 60 Б.
  6. Мақсудов Ф. А. Становление и этапы развития земледельческой культуры в южной Фергане (вторая половина I тысячелетия до нашей эры – первая половина II тысячелетия нашей эры по материалам Маргилансайского оазиса) : avtoref, дисс...канд. ист. наук.-Самарқанд, 2002. 179 с.
  7. Мақсудов Ф. А. Некоторые вопросы семантики процарапанного орнамента на керамике Маргилана (по материалам Кызлартепа) // ИМКУ. Вып. 28. Самарканд, 1997. С. 53-59.
  8. Заднепровский Ю. А. Древнеземледельческая культура Ферганы // МИА, №.118, М.-Л., Изд-во АН СССР, 1962. 332 с.
- Mukhamedov, Y. Q. (2022). Chach administrative center of the western turkic khaganate. *American Journal Of Social Sciences And Humanity Research*, 2(05), 46-52. Ochildiyev, F. (2019). Trade relations between Bukhara and India in the second half of the 19th century and at the beginning of the 20th century. *Actual Problems of Applied Sciences Journal World*, (4), 13-19.

## **АНТРОПОЛОГИЧЕСКИЕ ИССЛЕДОВАНИЯ СРЕДНЕЙ АЗИИ ДО 80-Х ГОДОВ XX В (на примере Ферганской долины)**

**Хомиджонова М.А.**

*магистрант*

*Национальный университет Узбекистана*

В конце I тысячелетия до н. э. в предгорьях и горных долинах Ферганского региона растет число погребальных памятников с подбойно-катакомбными захоронениями, которые одни авторы связывают с проникновением сюда других племен извне, другие - считают их

памятниками местного происхождения. Наибольшее количество могильников в Ферганской долине концентрируется в поймах рек, озер, в местах с удобными подходами к воде, с обильными камышовыми и тугайными зарослями. Отмечены различные типы погребальных сооружений, локализуемых в разных районах. Так, на севере долины распространены земляные насыпи и погребения в катакомбах, на востоке преобладают погребения в виде подбоев, на юге — могилы в виде грунтовых ям.

Антропологический материал древней Ферганы первой половины I тысячелетия н. э. многочислен. Хотя и нет достоверных критериев для разделения памятников, принадлежащих оседло-земледельческому и скотоводческому населению Ферганы, многие исследователи относят эти памятники к скотоводческому населению.

Ширинсайский могильник. На западе Ферганской долины из подбойных и катакомбных захоронений II – IV вв. Ширинсайского могильника получены черепа различного антропологического типа: хорасанского, урало-алтайского и европеоидно-дравидоидного [2; с. 125-129]. Однако Кияткина Т. П., проанализировав эти материалы заново, пришла к заключению, что население Ширинсая европеоидное, однородное и аналогичное населению юго-западной Ферганы [14; с. 158-160].

Могильник Кайрагач. В могильнике Кайрагач, который находится в 25 км южнее Ленинабада, раскопано 10 курганов. Изучен лишь один череп, отнесенный к европеоидному мезокранному типу, близкому к типу Среднеазиатского междуречья [8; с. 94]. К европеоидному долихокранному типу Гинзбург В. В. отнес черепа из могильника Кара-Мойнак юго-западной Ферганы [8; с. 106].

Могильники Исфаринской долины. Ряд могильников Исфаринской долины (Ворух, Кех, Чорку, Калантархона, Сурх, Навгилем) оставлен племенами, переходившими к оседлости. Население юго-западной Ферганы характеризовалось европеоидным типом Среднеазиатского междуречья без следов монголоидного типа [9; с. 131-163].

Пещера Кувасай. На юго-востоке Ферганской долины, в 23 км от г. Ферганы, в пещере Кувасай из массового захоронения получены черепа I – III вв. н. э., принадлежавшие оседлому населению. Серия, несомненно, европеоидная, состоящая из долихокранных и брахикранных компонентов [3; с. 89-91, 96-101]. На востоке Ферганской долины, на городище Шурабашат, обнаружено погребение первых веков нашей эры, также оставленное оседлым населением. По предварительному определению Г. Ф. Дебеца и Н. Н. Миклашевской, череп европеоидный, сходный с усуньскими [8; с. 20].

Урюкзорский могильник. Все погребения датируются первыми веками нашей эры. Исключение составляет череп 5 из кургана 1а, датирующийся более ранним временем – V – IV вв. до н. э. Изучаемый череп антропологи отнесли к восточной ветви средиземноморской расы. Этот тип отмечается в

Ферганской долине с эпохи бронзы у поселений Дальверзин и Чуст, которые относятся к земледельческому типу населений [5; с. 118].

Рапканмазарский могильник. Могильник датируется первой половиной I тысячелетия н. э. Захоронения произведены в курганах. Черепа из Урюкзорского и Ранканмазарского могильников характеризуются главным образом мезобрахикранным европеоидным типом Среднеазиатского междуречья. На некоторых черепах отмечается примесь монголоидных элементов.

Поселения Куюктепа. В 1971 г. при раскопках поселения Куюктепа в Учкурганском районе Ферганской области на глубине 340 см у северной стены башни № 9 получен сильно фрагментированный череп ребенка 4 – 5 лет, датирующийся первыми веками нашей эры. Черепная коробка удлиненная. Поперечный диаметр 120 мм.

Тагапский могильник. Здесь также детский череп, который датируется первой половиной I тысячелетия н. э., получен из кургана 4 Тагапского могильника. Захоронение ребенка 8 – 12 лет. Черепная коробка удлиненная, без следов преднамеренной деформации.

Могильник Гурмирон. В течение 1973 г. археологический отряд Института археологии АН УзССР изучал курганный могильник Гурмирон I в. до н. э.— I в. н. э. Вскрыто около 30 курганов. Все курганные погребения содержат от одного до нескольких захоронений. Погребения в основном катакомбные, лишь два из них ямного типа. Небольшой антропологический материал из раскопок 1951 г. изучен В. В. Гинзбургом [3; с. 87-89].

Могильник Обишир. Могильник расположен в 17 км восточнее кишлака Сох, на левом берегу саяОбишир. Был открыт в 1969 г. Дуке Х. И. На дне оврага вскрыто три погребения [7; с. 71-75].

Могильник Хангиз. Курганный могильник Хангиз располагается в Ферганской области в 30 км юго-западнее г. Ферганы и датируется первыми веками нашей эры [6; с. 14]. Видимо, в расовом отношении население Хангиза было смешанным. Здесь распространено умеренно брахикранное европеоидное население типа Среднеазиатского междуречья с отдельными вкраплениями средиземноморского расового типа.

Памятники эпохи античности, из которых были получены краниологические материалы с достаточной численностью, сосредоточены в западной (Ворух, Кех, Чорку, Калантархона, Сурх, Навгплем и Ширинсай), юго-восточной (Рапканмазар, Урюкзор, Тагап, Обишмр, Кувасай и Хамгиз) и северной (Гурмирон, Лу-гумбек и Богджай) частях Ферганской долины [15; с. 20-21].

Земледельческое и скотоводческое население Ферганской долины характеризуется в основном мезобрахикранным типом Среднеазиатского междуречья. В составе населения долины по-прежнему встречается восточносредиземноморский тип. Однако он представлен единичными случаями и его можно встретить на севере, юге и западе долины.

В заключение можно отметить, что при подсчете удельной доли монголоидного элемента оказалось, что европеоидные черты сосредоточены у населения западных районов Ферганской долины, главным образом в Исфаринской долине [16; с. 101]. Возможно, что в расовом отношении население Пенджикента было тесно связано с населением Исфаринской долины. Жители юго-восточной Ферганы имели европеоидные черты, но с незначительным вкраплением монголоидных. Несомненно, наличие тесных связей населения юго-восточной и западной Ферганы. У населения северной части Ферганы монголоидные элементы представлены более заметно. На антропологических материалах отражаются связи его со скотоводческим населением Ташкентского оазиса и Тянь-Шаня.

### Литература:

1. Гамбург Б. З. Горбунова Н. Г. Актамский могильник. КСНИМК, 69, 1957.
2. Герасимов М. М. Основы восстановления лица по черепу.
3. Гинзбург В. В. Материалы к антропологии древнего населения Ферганской долины. ТКАЭЭ, т. I. М., 1956.
4. Гинзбург В. В. Антропологические материалы из Вуадильского и Актамского могильников. КСИИМК. вып. 69. 1957.
5. Гинзбург В. В. К антропологии населения Ферганской долины в эпоху бронзы. МИА, 118, 1962; Зезенкова В. Я. Скелет из погребения в поселении эпохи бронзы близ г. Чуста. – САН, 1958, № 3.
6. Горбунова Н. Г., Гамбург Б. З. Могильник Хангиз. «Изв. отделения общественных наук АН Тадж ССР», 1957, № 14.
7. Дуке Х. И. Археологические исследования в Сохской долине. ОНУ, 1973, №9, с. 48—50. Он же. Могильник Обишир. ИМКУ, вып.11, 1974.
8. Заднепровский Ю. А. Археологические памятники южных районов Ошской области. Фрунзе, 1960.
9. Зазенкова В. Я. Предварительный отчет об исследовании краниологического материала из раскопок курганов в Ворухе (1952). Труды Института истории, археологии и этнографии АН Тадж ССР. 1955. т. 35
10. Зазенкова В. Я. Антропологические типы Узбекистана по данным остеологии. Бюлл. САГУ. вып. 23, 1945; Она же. Материалы к палеоантропологии Узбекистана и Туркмении. В сб. «Вопросы этногенеза народов Средней Азии в свете данных антропологии». Ташкент. 1953.; Она же. Антропологическая характеристика черепов из древних погребений Богджая. ИМКУ, вып. 2, 1961.
11. Зезенкова В. Я. Некоторые данные о скелетах из погребальных курганов возле станции Вревская.
12. Кадыров Э. Б. Древние погребальные памятники Ферганы как - исторический источник.- Автореф. канд. дисс. Ташкент, 1975, с. 16—18; рук.
13. Кияткина Т. П. Предварительное определение краниологического материала из могильника в Ворухе. Труды Института истории, археологии и

этнографии АН Тадж ССР, 1956. т. 63. Она же. Материалы к палеоантропологии Таджикистана.

14. Кияткпна Т. П. Материалы к палеоантропологии Таджикистана.

15. Ходжайов Т. К. К палеоантропологии древнего Узбекистана.

16. Ходжайов Т. К. К палеоантропологии древнего Узбекистана. (для Северной Ферганы УЛС равен 40,4; ПФЦ 90,7; УДМЭ 23,4; для юго-восточной соответственно 24,9; 89,0; — 3,8; для западной — 12,4; 90,7; 9,2.)

Очилдиев, Ф., & Хайдаров, З. (2022). Кеш ва Шахрисабз археологияси: КАТЭ таджикотлари. *Общество и инновации*, 3(2/S), 79-86.

Очилдиев, Ф. Б., & Тогаев, Ж. Э. (2015). Заметки о системе местного управления в бухарском эмирате в середине XIX-начале XX века. *Национальная ассоциация ученых*, (2-9 (7)), 47-50.

## **АНЪАНАВИЙ ХЎЖАЛИКДА СУРХОН ВОҲАСИ АҲОЛИСИНИНГ ДОРИВОР ГИЁҲЛАРДАН ФОЙДАЛАНИШИ**

**Носиров С.Ш.**

*магистр*

*Термиз агротехнологиялар ва инновацион ривожланиш институти*

Шарқда минг йиллардан буён одамларни табиблар халқ табобати асосида даволаб келишади. Олимларнинг таъкидлашларича, халқ табобатида доривор ўсимликлар 70-80 фоизни ташкил этган бўлса, қолгани ҳайвонлар ва уларнинг маҳсулотлари, озгина қисми эса табиий маъданлардан иборат бўлган [1]. Сурхон воҳасининг Боботоғ, Тўйинтоғ, Бойсунтоғ ва Кўхитангтоғ этаклари, Тебат, Оғзикенг, Тангимуш, Бандихон, Музработ ва Қизирик худудларининг паст текисликлари қадимдан ўзининг ўт-ўланларга бой бўлган яйловлари билан машҳур бўлган. Жумладан, Кўхитанг ва Сувсиз тоғлар ортида, денгиз сатҳидан 2000 метр баландликда жойлашган Хомкон яйловлари доривор гиёҳларга жуда бой: Бу ерда ўсимликлардан *шувоқ, янтоқ, ковул, гулхайри, қашқа йўнғичқа, бугдойиқ, чалов, гулсапсар, қўзиқулоқ, чирич (ширач), сутлама каррак, латта каррак, сизир қуйруқ, дастарбош, қирқбугин, кампирчапон, коврак, андиз, кийик ўт, бўйи модарон ва бошқалар, мавсумий ранг ўтлардан нўхатак, чучмома, шивит, чўчқа пиёз (анзур пиёз), қўнғирбош, қоқигул, қўён, такасақол, исмалоқ, тортмоқ, гозоёқ, печак, қўзигул* ва майса ўтларнинг ўнлаб турлари; ўрмон дарахтларидан *арча, дўлана, заранг, учқат, иргай, наматак, чия, ёввойи бодом, писта, олмурут, бодомча* ва бошқалар ўсади. Тоғ гиёҳларини ва айниқса, тоғ арчасини ёб семирган қўйларнинг гўшти чўл зонасида боқилган қўйларнинг гўшtidан ўзининг хуштаъмлилиги ва мазалилиги билан алоҳида ажралиб туради. Тоғ яйловларида қўйларни боқиш учун ўт-ўланлар ва наботот ўсимликларининг юзлаб хиллари ўсганки, булар воҳада қўйчиликнинг ривожланишидаги асосий омил ҳисобланган.

Маҳаллий аҳоли халқ ветеринариясига ҳам амал қилиб келаяпти ва бугунги кунда ҳам ўз аҳамиятини йўқотмаган. Маълумки, бузоқлаган сигир алоҳида парваришланиб, унга турли хил доривор гиёҳлардан тайёрланган дамламалар ичирилади. Мабодо сигир учиниб, соғдирмай қўйган тақдирда фармацевтик амаллардан ҳам фойдаланилган. Жумладан, қишлоқ аҳолисига яхши таниш, яра-чақаларни даволашда жуда асқотадиган “учқат” дарахтидан фойдаланилган. Аввал, учқат новдалари майдаланади ва қозонга солиб обдон қайнатилади. Қайнатма қуюқлашиб, қора тусга киргандан кейин у тайёр ҳисобланади ва сиқиб олиниб, оғзи ёпиқ шиша идишга солиб қўйилади. Тайёр дорини молларнинг яра жойига суртса яхши бўлиб кетади (Бу доривор гиёҳдан инсонлар ҳам фойдаланиши мумкин)[2]. Агар, қорамолнинг тили касалланиб, (маҳаллий тилда “қилов” деб аталади), овқат ея олмай қолса, суюлтирилган қатиқ ичирилади. Қорамол ва ушоқ моллар охурида доимо яхлит кон тузи қўйилган, чунки туз ялаб турган жониворнинг тили пишиб (стомотит) кетишдан сақланган. Қорамол кўп ем еб қўйиши натижасида емлаб қолиши мумкин. Бундай шароитда, унинг оғзига тол дарахтининг чўпи қистирилиб, устидан дастурхон ёпилиб, муздек сув челақлаб қуйилади ва шундан сўнг қорамол ҳолдан тойгунча югуртирилади. Чўп қистирилишининг сабаби, у бошқа нарса ея олмайди, лекин чўпни чайнаш оқибатида ошқозони ишлайди, яъни сигир оғзида сўлак (овқат ҳазм қилдирувчи суюқлик) ажралиб чиқади ва овқат ҳазм бўлишига ёрдам беради [3]. Агар қорамолнинг ичи қотиб қолса, унга доғланган пахта ёғи ёки илиқ сут ичирилади. Шундай пайтлар бўладикки, қорамоллар ариқдан сув ичаётганда зулук ютиб юбориши мумкин. Бундай ҳолда, токи қорамол тилининг тагидан зулукни қўл билан олиб ташламагунча унга сув берилмайди, чунки унга сув берилса зулук болалаб қўпайиб кетади ва уни олиш жуда қийин кечади. Қорамол йўтал бўлганда эса, сариеғ, қуйруқ ёғи ёки тухум ичирилган. Бундай амаллар қандай шаклда бажарилишидан қатъий назар ризқ-рўз манбаини асраб-аввайлашга қаратилганини ҳамда аждоқларимиз табиатдаги бор нарсалардан фойдаланиб, халқ табобатчилиги анъаналарини давом эттириб келаётганини кузатиш мумкин.

Шу билан бирга, чўпонлар қўйларни фойдасиз, уларга ёқмайдиган ва зарар келтирадиган ўтлар ва ўсимликлардан ҳимоялаганлар, иложи борича бундай зарарли ўтлар ва ўсимликлар ўсадиган жойларга ҳайдамаганлар. Бундай ўтларга қилгин (қўйнинг кўзини кўр қилган), хом ўт (қўйларнинг ичини дамлатган), какра (аччиқ бўлиб заҳарлаган) ва бошқалар мисол бўла олади. Воҳа қишлоқларининг ўсимлик дунёси бой ва хилма-хилдир. Дарахтлардан биргина арчанинг уч-тўрт хили учрайди.

Мевали дарахтлардан: *олма, гилос, зардоли, бодом, олхўри, дўлана;*

Манзарали дарахтлардан: *терак, тол, заранг, писта* кабилар ўсади.

Доривор гиёҳлардан: *кийик ўт, наматак, ялтиз, қизилпойча, войбодром, элбаҳоси, саримсоқ, чукри (равоч), каврак, каррак, алқор, шувоқ, бугдойиқ, қозонзор, лола, қизгалдоқ, бинафша, қоқиўт, ҳазориспанд, чучмома, бойчечак, оққурай, ялтирбош, қўзиқулоқ, чўчқатиёз, зира* ва бошқа жуда

қўплаб ўсимликларни учратиш мумкин. Бу доривор ўсимликлардан турли хил касалликларни даволашда, шунингдек, таомларга солишда ишлатилади. Жумладан, куви пишиб ундан сарёғи ажратиб олинган кубининг ичида айрон қолади. Айронни катта қозонга солиб қайнатадилар. Айрон қуюқлашгач унинг ичига турли хил доривор ўтлар (кийик ўт, алқор, ялпиз) ва туз солиб катта шол ёки канош қопга солиб илинади. Орадан вақт ўтиб сузма қотиш ҳолатига келгандан кейин қўл билан синдириб-синдириб, тўқилган чий ёки бўйра тўшалган сўри устига ёйиб куритилади.

Шундай қилиб, халқ табобатидан яхши хабардор воҳа аҳолиси доривор гиёҳлар, ўт-ўланларнинг хусусиятларини яхши биладилар ва амалда қўллаб келмоқдалар.

#### **Адабиётлар:**

1. Халқ табобати // <https://muslimaat.uz/maqola/1227>
2. Дала ёзувлари. Бойсун тумани, Хомкон қишлоғи. 2020 й.
3. Дала ёзувлари. Бойсун тумани, Хомкон қишлоғи. 2020 й.

### **ЧОЧ ВОҲАСИ БУЮК ИПАК ЙЎЛИДАГИ АЛОҚАЛАРДА**

**Юсупова Х.М.**

*Ал-Бухорий университети*

Тошкент воҳасида олиб борилган археологик тадқиқотлар натижалари бу қадимий ўлканинг қадим тарихи ва маданиятини ёритишга имкон берувчи қўплаб моддий маълумотларни тақдим этди. Уларни қадимги давр ва ўрта асрларда яратилган ёзма манбалари маълумотлари билан қиёсий солиштириш орқали Тошкент воҳасининг ташқи алоқалари ҳақида муҳим илмий хулосаларга келиш мумкин. Бу алоқалар мил. авв. Имингйиллик бошларидан бошлаб бирмунча изчил йўлга қўйилган. Воҳанинг бу даврдаги ички ва ташқи алоқалари йўналишларини белгилашда Бурғулик маданиятига мансуб йирик маконларнинг жуғрофий ўрни аниқлаштирилгани муҳим аҳамиятга эга бўлди [1]. Ҳозирги кунгача Чотқол-Қурама тоғ ёнбағирларидан ва Сирдарёнинг воҳадаги асосий ирмоқлари Ангрэн ва Чирчиқ дарёлари водийларидан Бурғулик маданиятига оид 20 дан ортиқ маконлар топилган бўлиб, улар Фарғона – Чоч – Суғдиёна алоқа йўлида жойлашган ёки бу йўл билан ёрдамчи тармоқлар орқали боғланган эди. Бурғулик маданиятларига оид маконлардан топилган моддий буюмлар Фарғонадаги Чуст ва Эйлатон ёдгорликлари топилмаларига ўхшашлиги минтақанинг бу икки қадимий ўлкалари ўртасида тифиз иқтисодий-хўжалик алоқалари ва маданий таъсир мавжуд бўлганлигидан далолат беради. Хусусан, мутахассислар уй-жой (ертўла ва ярим ертўла шаклидаги маконлар) қурилиши ва кулолчилик маҳсулотларидаги (қўлда ясалган ва рангли нақшлар билан безатилган сопол идишлар) баъзи ўхшашликларга эътибор қаратмоқдалар [2]. Табиийки бу ўхшашликлар икки ҳудуд ўртасидаги алоқалар ва алоқа йўллари фаолияти

маҳсули эди. Фарғона водийси ва Чоч воҳасини ажратиб турувчи Чотқол-Қурама тоғларидаги довлар орқали Ангрн ва Чирчиқ дарёлари бўйида жойлашган қадимги Чоч воҳасига олиб келган [3].

Антик даврда Фарғонадан Чоч воҳасига Чотқол тоғларидаги довлар орқали Сирдарёнинг ўрта оқимидаги Қанғ давлатига, бу ердан Салавкийлар давлати таркибида бўлиб келаётган Суғдиёна, Бактрия Марғиёна ва Парфияга олиб ўтувчи йўллар минтақа миқёсида муҳим аҳамиятга эга эди. Бу алоқа йўллари илк антик даврда Чоч воҳаси ҳудудларида урбанизация ва шаҳарсозлик маданиятининг янги марказлари пайдо бўлишига мос равишда шаклланди. Сирдарёнинг ўрта оқими, ўнг қирғоғида жойлашган Қанғ давлатининг шаҳар ва қалъалари, хусусан пойтахт Қанқашаҳри<sup>[4]</sup> бу алоқа йўли бўйидаги муҳим савдо марказлари ҳисобланар эди. Оҳангарон дарёсининг қадимги ўзани чап қирғоғида жойлашган Қанқа шаҳридан мил авв. II-I асрларда зарб этилган кумуш ва мис тангалар, олтин ва қимматбаҳо тошлардан ишланган тақинчоқлар топилиши қадимги карвон йўли бўйида жойлашган бу шаҳарнинг иқтисодий-савдо алоқаларидаги кенг иштирокидан далолат беради [5].

Қадимги Шарқ давлатларида қимматбаҳо ва нодир металлларга, хусусан, кумуш ва олтинга бўлган талаб аҳамонийлар даврида, эҳтимол ундан ҳам олдинроқ, илмий адабиётларда рамзий равишда “Олтин йўли” номи билан аталувчи транминтақавий алоқа йўли фаолиятини келтириб чиқарди [6]. Тоғли Олтойдаги олтин конларидан бошланиб, Еттисув ва Тошкент воҳаси орқали Суғдиёна ва Бактрияга ўтган бу йўл қадимги даврнинг катта сиёсий ва стратегик аҳамиятга эга йўлларида ҳисобланарди. Доро I нинг Сузадаги ёзувларида Бактрия форс подшоларининг олтин сақлайдиган жойи (Сард шаҳридаги хазинахона билан бирга) сифатида қайд этилганлиги маълум [7].

Марказий Осиёнинг жануби ва марказий ҳудудларининг Сибир, Олтой ва Шарқий Туркистон билан алоқаларида, ўзининг географик жойлашувига кўра, Тошкент воҳаси ва Еттисув оралик ҳудудлар сифатида катта ўрин тутган. Тошкент воҳасидаги илк темир даврига оид маконлардан топилган бронзадан ясалган бурама пичоқлар Сибирдаги Минусинск котлавинасида топиб ўрганилган Қорасук маданиятига тегишли маконларда ҳам учрайди [8]. Ўрта Осиё – Сибир ҳудудлари ўртасидаги алоқалар йўналишлари ва бу алоқаларда қадимги Чоч воҳасининг тутган ўрни ҳақида муҳим маълумотлар беради.

Буюк ипак йўли шаклланган илк даврларда унинг Шимолий тармоғи (Бэйдао) Марказий Осиёнинг бир қанча давлатлари орқали ўтган эди. Ғарбий Чеш ҳокими қароргоҳидан бошланган бу йўналиш “Шимолий тоғ” (Тяншань . – Х.Ю.)нинг шарқий тизмалари ёнбағирлари бўйлаб Қашғарга, Тяншань тоғидаги довлар орқали Даван (Фарғона)га олиб келган [9]. Буюк ипак йўлининг Фарғона водийси шаҳарлари орқали ўтган йўналишларидан бири Чотқол ва Қурама тоғларидаги довлар орқали Чоч воҳасига олиб келган. Фарғона водийсидан Чотқол тоғидаги довлар (Қамчиқ ёки Розик довлари) орқали келувчи йўллар Оҳангарон ва Чирчиқ дарёси водийсидаги шаҳарлар



ва маконлар орқали ўтарди. Мил. авв. III-II асрларда Тошкент воҳасида кейинги даврлар учун ҳам катта аҳамиятга эга бўлган ижтимоий-иқтисодий ўзгаришлар бошланди. Бу, биринчи галда, воҳанинг қудратли Қанғ давлати шаклланган ҳудуд сифатидаги ўрни билан ҳамда қадимги шаҳарларнинг пайдо бўлиши ва уларнинг иқтисодий-маданий марказлар сифатидаги аҳамияти ошиб бориши билан боғлиқ эди. Тошкент воҳасидаги дастлабки шаҳарлар Қовунчи маданиятининг биринчи босқичида пайдо бўлган [10]. Бу даврда Қанқа, Шарқия, Оқтепа-2, Қовунчитепа, Далварзинтепа, Киндиктепа каби қадимги шаҳарларга асос солинган бўлса, мил. II-IV асрларга келиб воҳадаги шаҳарлар сони ошиб борди. Уларнинг харобалари Сирдарёнинг ирмоқлари бўлган Оҳангарон ва Чирчиқ дарёлари қуйи оқимида топилган ёдгорликлар: Тўрткўлттепа 1-2, Шаматонтепа, Оқкўрғон ҳамда воҳанинг дашт ва тоғолди ҳудудлари чегарасида жойлашган Кавардан, Мингўрик, Кулота орқали маълум. Бу шаҳарларнинг географик жойлашувини таҳлил қилиб, улар воҳадаги сув манбалари яқинида жойлашганлигини ҳамда уларни боғловчи ички йўллар Оҳангарон ва Чирчиқ дарёлари водийси бўйлаб ўтганлигини кўриш мумкин. Воҳадаги шаҳарларни бир-бири билан ҳамда қишлоқлар, далалар, яйловлар ва конлар билан боғловчи йўллар воҳадаги ички савдо йўллари тизимининг муҳим бўғинини ташкил қилиб, воҳани Фарғона водийси, Уструшона ва Суғд билан боғловчи транзит йўллар тизими билан боғланган эди. Хитой манбаларида Юни ўлкаси сифатида қайд этилган Тошкент воҳаси бу даврда Қанғ давлати [11] таркибида бўлиб, воҳадаги ички йўллар тизимида бу давлат пойтахти катта ўрин тутган. Тадқиқотчилар фикрича, Тошкент воҳасига, унинг пойтахти Битян шаҳри эса Оҳангарон дарёсининг Сирдарёга қўйилиш жойида, дарёнинг чап қирғоғида жойлашган Қанқа шаҳри харобаларига тўғри келади [12]. Кўриб чиқиладиган даврда Қанқа воҳадан Уструшона ва Суғдга олиб кетувчи муҳим йўллар ўтган Сирдарёдаги кечувни ҳамда Сирдарё сув йўлини назорат қилиб турган. Қанғ давлатининг пойтахти бўлган бу шаҳардан I-II асрларда зарб этилган кумуш ва мис тангалар топилиши [13] шаҳарнинг ички ва ташқи иқтисодий алоқаларда тутган муҳим ўрнидан далолат беради.

Воҳадаги қадимги шаҳарларнинг Сирдарёнинг ўнг қирғоғидаги текисликларда, Оҳангарон ва Чирчиқнинг қуйи оқимларида шаклланганлигидан келиб чиққан мутахассислар воҳада урбанизация жараёни бошланишида кўшни Суғднинг таъсири катта бўлганлигини қайд этишади [14]. Бу, ўз навбатида, Ўрта Осиёнинг бу икки тарихий-маданий вилоятлари ўртасидаги қалин иқтисодий-маданий муносабатлардан ва воҳани Суғдиёна билан боғловчи алоқа йўллари изчил фаолият кўрсатганлигидан далолат беради. Кўриб чиқиладиган даврда Тошкент воҳасидан Суғдга ўтувчи асосий йўл Уструшонанинг шимолий ҳудудлари орқали ўтган [15]. Нуртепа ўрнидаги қадимги шаҳарда Чоч воҳасидан Ховос орқали келувчи қадимги йўл Хўжанддан келувчи йўлга қўшилиб Сават яқинидаги Хонтепа ёдгорлиги [16] орқали Зомин, Жиззах ва Мароқандага қараб кетган.

Буюк ипак йўлининг шаклланиши ва ривожланиши Марказий Осиёнинг халқаро алоқа-коммуникация тизимидаги аҳамиятининг ошишига олиб келди. Хитойни Парфия ва Рим империяси билан боғловчи транзит алоқа-савдо йўллари фаолиятида Қадимги Фарғонадаги Даван давлати, Сирдарёнинг ўрта ва қуйи ҳавзасидаги Қанғ давлати ва Кушонлар салтанати каби марказлашган давлатларнинг тарих саҳнасига чиқиши катта ижобий ўрин тутди. Буюк ипак йўли шаклланган даврдан бошлаб Марказий Осиёни Хитой билан боғловчи йўллар ичида Шош воҳаси ҳам муҳим ўрин тутган.

Юқоридаги фикрлардан келиб чиқиб, Чоч (Тошкент) воҳаси Марказий Осиёнинг шарқий ва жануби-ғарбий ҳудудларини ўзаро боғлоб турган қадимги алоқа йўллари тизимида муҳим ўрин тутганлиги ҳақида хулосага келиш мумкин.

### Адабиётлар:

1. Буряков Ю.Ф. Генезис и этапы развития городской культуры Ташкентского оазиса. – Ташкент, 1982. – С. 70.
2. Буряков Ю.Ф. Экономические и культурные связи Чача и Ферганы // БуюкИпакЙўли ва Фарғона вадийси: Республика илмий-амалий анжумани материаллари. – Тошкент, 2004. – С.22-23.
3. Мавлонов Ў.М. Марказий Осиёнинг қадимги йўллари: шаклланиши ва ривожлани босқичлари. – Тошкент: Akademiya, 2008. – Б. 79-80.
4. Буряков Ю.Ф. Генезис и этапы развития городской культуры Ташкентского оазиса. – Ташкент, 1982.
5. Қанқа / Ўзбекистон миллий энциклопедияси. – Тошкент: “Ўзбекистон миллий энциклопедияси” Давлат илмий нашриёти, 2005. 10-жилд – Б. 600.
6. Мавлонов Ў.М. Марказий Осиёнинг қадимги йўллари. ... – Б. 92-94.
7. Пьянков И.В. Бактрийский гриф в античной литературе // Сб. История и культуры народов Средней Азии (древность и средние века). –М.: Наука, 1976. - С.23-29.
8. Буряков Ю.Ф. Экономические и культурные связи Чача и Ферганы ... –С.24.
9. Бичурин Н.Я. (Иакинф). Собрание сведений о народах ... Ч. II. – С. 154.
10. Григорьев Г.В. Отчет об археологической разведки в Янгюльском районе УзССР в 1934 г. – Ташкент, 1937; Буряков Ю.Ф. Генезис и этапы развития городской культуры Ташкентского оазиса ... – С. 79.
11. Бичурин Н.Я (Иакинф). Собрание сведений о народах обитавших в Средней Азии в древние времена. В 3-х частях.–Алматы: ТОО “Жалын Баспасы”, 1998. Ч.2. – С. 154, 190-192.
12. Умумий майдони 200 га., арк, шахристон ва работдан иборат бу шаҳар ривожланган ўрта асрларда Харашкент деб юритилган ва Бинкатдан кейинги иккинчи шаҳар ҳисобланган. Мўғуллар истилоси арафасида, Оҳангарон дарёсининг ўзани ўзгариши натижасида ташлаб кетилган ва вайронага айланган.

13. Қанқа. Харашкент, Қанқа, Қанқатепа // Ўзбекистон миллий энциклопедияси. – Тошкент: “Ўзбекистон миллий энциклопедияси” Давлат илмий нашриёти, 2005. 10-жилд. – Б. 600.

14. Буряков Ю.Ф. Генезис и этапы развития городской культуры Ташкентского оазиса... – С. 113; Буряков Ю.Ф., Кошеленко Г.А. Ташкентский оазис (Чач) / Древнейшие государства Кавказа и Средней Азии... – С. 297-298.

15. Кошеленко Г.А. Уструшана / Древнейшие государства Кавказа и Средней Азии... – С. 293.

16. Грицина А.А. Археологические памятники Сырдарынской области... – С.

## FROM THE HISTORY OF THE MADRASES OF UZBEKISTAN

**Gofforov Sh.S.**

*Professor of Samarkand State University*

Our country has a glorious history as one of the centers of ancient science, education and culture. For this reason, it is not for nothing that many great people and thinkers came out of our country. Because in our country since ancient times there was a historical basis for the formation of science, culture and spirituality. The same can be said about educational institutions, activities of madrasahs, their educational system, form and educational process. We intend to pay special attention to these aspects of the issue.

In the East, including in the regions of Uzbekistan, the education system was studied by a number of scientists on the basis of sources that have come down to us, and their results were published in different languages [1.2.3.5.]

In some works on the history of culture and education, it is noted that the appearance of madrasahs in Islamic lands dates back to the 10th century, and the first madrasahs were built in Nishapur. However, historical sources, including the "History of Bukhara" by Narshakhi, claim that back in the 10th century there were madrasahs in Bukhara, one of which was badly damaged by a fire in 937, staged by Farjak.[13]

One of the most important stages of the education system was the construction of madrasahs in two great cities of our country - Samarkand and Bukhara, the first in the Islamic world in the late 8th - early 9th centuries.

The education system consisted of three levels and three educational institutions - primary school, madrasah and secondary school madrasah. Madrasahs with secondary specialized education could exist in the form of "madrasatunkharbiya" (military school), "madrasatunmuallimin" (pedagogical institute), and higher educational institutions-universities could exist as "madrasahs ulum" ("madrasah of sciences" - dorilfunun).[7]

All this testifies to the fact that the education system of our Motherland and other peoples of Turkestan in the past was perfect and mature and fully met the requirements of life at that time.

The most brilliant and perfect stage in the history of the education system undoubtedly dates back to the times of the great master Amir Temur and the Temurids.

After the establishment of the rule of Amir Temur in Movarounnahr at the end of the 14 th century, large-scale work was carried out to unite the country and organize various processions, as well as various structures, improve the education system and build educational centers. As a result, 12 gardens and palaces described in "Boburnom" by Zakhiriddin Muhammad Babur around Samarkand, a city arch, a mosque, the grave of Kusam - Kusam ibn Abbas (now known as Shahi Zinda), the son of Abbas, uncle of the Prophet Muhammad and a number of mausoleums around him. Samarkand stone fortress - Oksaroy in the Chakar region was built on the direct orders of Amir Temur. Members of Amir Temur's family - his wife, grandchildren and Amir officials, began similar work, many of whom began to build madrasahs and trade in rastas (teams).

As a result of Amir Temur's wife - Saraimulkhanim (madrasah), Tuman aka (khanaka and kulokhfurushontimi), IdiguTemur, Firuzhah (madrasah), grandson Muhammad Sultan (madrasah), Samarkand sadriMavlonoKutbid (madrasah) built a number of rows. buildings., especially madrasah.

The construction of these madrasahs was not in vain. As the foundation of Amir Temur's empire was laid and expanded, a need arose for the education of officials and the intelligentsia, necessary for a more solid administration of it. Secondly, Amir Temur intended to demonstrate the glory, power and talent of the kingdom by erecting magnificent buildings and gardens. To achieve these goals, he brought famous scientists, doctors, craftsmen, in a word, talented specialists from other countries to his capital Samarkand. Therefore, experts from different cities of Movarounnahr, Khorasan, Rum, Iran, Damascus and India gathered in Samarkand. Among them are SaiddinMas'udTaftazani, Sayyid Sharif Jurjani, Salahiddin Musa Kazizoda-i Rumi, Abu Sayyid ibn Burkhaniddin Sogardji, Mawlana Kamoliddin Keshi; architects and engineers Fakhri Ali, Alim Nasafi, Zainiddin Shams-i Tabrez, Muhammad ibn Mahmud Isfahani; artists and calligraphers Yusuf Sherazi, Muhammad bin Haji Banjir al-Tugra-iTabrezi and others. In order to effectively use these specialists, great attention was paid to the construction of madrasahs in all spheres, including the revival of the education system, the writing of new works and the growth of the popularity of Amir Temur and the Temurids.

Some of the madrasahs built during the Sahibkiran period were dedicated to science for 20-25 students (Muhammad Sultan madrasah), some up to 100 students were dedicated to science (IdiguTemur, Qutbiddin Sadr, Saraimulkhanim madrasah). Madrasahs seem to be somewhat specialized, including in the form of management education (Mavlono Qutbiddin Sadr madrasah), general education (intellectuals, imams, scientists, school teachers) and other directions (Idigu Temur, Saroimulkhanim madrasah).

Classes in the madrasah were conducted in three languages - Arabic, Persian and Turkish (Uzbek). In each madrasah, depending on the income and specialization determined by its fund, the number of students is determined.

Accordingly, they determine the number of sadr-mutawwali, mudarri, mu'id, hafiz, imam, mukri, nokit, mujavir, farrosh, musdir and others. The Chief Chairperson is also responsible for hiring teachers and other staff and renovating madrassas.[11]

The "golden age" in the education system of the peoples of Central Asia is undoubtedly the period of Mirzo Ulugbek (1409-1449). During the 40-year reign of Mirzo Ulugbek in Movarounnahr, a patron of science and enlightenment such as a great scientist and statesman, a great ancestor, the country was at the forefront of world civilization at that time. Thanks to the efforts of the scientist and ruler, Samarkand became the center of science and culture of the entire Muslim East. The great Jahangir Amir Temur brought scientists and craftsmen from other countries to increase the cultural, educational and scientific power of his kingdom, and during the reign of Ulugbek Mirzo, Arabu Ajam and Ruma, the students of India, voluntarily came to Turkestan.

Historical sources contain a lot of information about dozens of madrasahs and mosques, mausoleums, khanaks, bazaars and baths built by Ulugbek. The madrasahs built by the great scientist have survived to this day, which we will talk about below.

The madrasah of Mirzo Ulugbek in Bukhara was built in 1417, and its architect was Ismail ibn Tahir ibn Mahmud Isfahani.

The madrasah is small in size (history is 50x40 meters), it has a beautiful entrance roof, and in the courtyard there are two floors of rooms, a mosque, and a classroom.

The entrance to the madrasah is known in the upper layer of the right layer - the hadith "All Muslims are obliged to seek knowledge" is written in a beautiful nastalik script. It is known that such an inscription is among the inscriptions on the tomb of Khoja Ahmad Yassavi (Yassi, now in Turkestan), built by Amir Temur.

The second inscription, corresponding to this meaning, is also notable for the words inscribed on the first (bronze) ring of the gate: "The door of God's blessing is always open to those seeking biblical knowledge."

It is worth noting that at the entrance to the Mirzo Ulugbek madrasah in Bukhara there are inscriptions that propagandize and promote science. The fact is that Mirza paid special attention to the education system, madrasahs, which are one of his centers.

Although the lack of information about the activities of the madrasah does not allow us to speak unambiguously about many madrasahs, there is no doubt that this is a general purpose madrasah.

Now the madrasah has been preserved. Renovated in 1993-1994. To the 600th anniversary of Mirzo Ulugbek.

In 1433, Mirzo Ulugbek built a small one-story madrasah (in the city of Gijduvan) on the sunset side of the grave of Sheikh AbdulkhalikGijduvani. The madrasah had a roof and a courtyard with a mosque, classroom and khanaka. It was not in vain. While building this madrasah, Mirzo Ulugbek expressed his respect to AbdulkhalikGijduvani, the founder of the Khojagon sect.

Today the roof and facade of the madrasah have been preserved. In the following centuries, a summer mosque was built and added, and a small minaret was built next to it (a small branch of the Kalon minaret in Bukhara).

Mirzo Ulugbek, with the help of scientific forces and qualified engineers who gathered in Samarkand, began large-scale construction work in the country, including in the capital Samarkand, for the effective implementation of the education and scientific research system. The fact is that before starting this work, much attention was paid to the purpose, task, location, architects of madrasahs and madrasah complexes for the education system and scientific research, as well as the fact that each building is based on accumulated experience and theory. While. In this work, a group of engineers Sultan Giyosiddin Kashi, famous architects and artists Muhammad ibn Mahmud Isfahani, Ismail bin Tahir bin Mahmud Isfahani, Yusuf Sherozi, Muhammad bin Haji Banjir and others created long-term plans under the direct leadership of Mawlan and Ruganbek and Mirzoda. On the basis of this, a plan was approved for the construction of madrasahs in Bukhara (1417) and Gijduvan (1433), as well as the creation of a complex of madrasahs in Samarkand.

Abdurazzak Samarkandi (1413-1482) writes in his *Matla us-sa'dainwamajma 'ul-bahrain*:

"(Mirzo Ulugbek) built a madrasah and a khanaka inside Samarkand, in the center of the city and in the center of the square, in an area called Sary-Davonik, not far from the Arch of Oli." The madrasah in Samarkand was built in 1417-1420 due to its size and a large number of premises.

The madrasah is extraordinarily magnificent in terms of architecture, and painting is the supreme example of calligraphy, stone carving and carpentry. The history of the madrasah covers an area of 81x56 meters, and its facade - the roof - faces the sun. The starry sky on the roof is a blue image, the entrance gate is made of wood using the carving technique. On the southern and northern sides of the obverse there are two three-tiered bouquets. a minaret with two beautiful domes on the sides, closed entrance gates and entrances from the southern and northern sides of the madrasah, a courtyard of the madrasah on the southern and northern sides of the sunset side with two more flower towers and two domes.

The madrasah has 55 rooms on two floors. Each room, in turn, has two floors. On the first floor there is a boiler room, a reading room and a chat room, and on the second there is a hostel. One room is designed for two people.

There are four classrooms on the four sides of the madrasah, and a mosque on the west side. They say that the complex of Mirzo Ulugbek madrasah in Samarkand differed from other madrasahs in that it also had an observatory. In support of this idea, it is appropriate to cite a wonderful reference text in the work "Tazkiratush-shuaro" by the poet, literary critic and historian Mawlana Mutribi Samarkandi, who lived and worked in the 17th century. Mawlana Mutribi writes: (Contents) "Binders Atorudfatinatlirasad and MushtariyhislatKamar, photographic detectors depict the image of seven climates and the rulership of the Earth on the wall of the madrasah of Sultan Shahid Ulugbek Koragon in Samarkand and Firdavsmonand (It is necessary to believe

what MawlanaMutribi wrote. that the compilation of seven climatic maps in the madrasah was carried out after the launch of the observatory and the determination of seven climatic directions, and a copy of this map was drawn on the wall of the madrasah. Therefore, the image of the seven climatic maps applied to the wall of the madrasah has not survived to this day. [8]

At the beginning of the madrasah, the level of knowledge of the student was determined, which was divided into three groups - excellent (high), avsat (medium) and adno (low). It is worth mentioning here that in order to find out which group a student belongs to, he was examined. The exam was conducted by a special delegation headed by MavlanaKazizade Rumi. Mirzo Ulugbek sometimes took part in the Taliban science exam.

The educational process in the madrasah lasted seven months. It began on the first day of the criterion month (September 21) and lasted until the first day of the pregnancy month (March 21). The period from the month of Hamal (March 21) to the month of Mezan (September 21) is a holiday, and the student of natural sciences was engaged in various activities (agriculture, crafts, the imam of the mosque, etc.).

The term of study in madrasah is 8 years, with three stages - adno, avsat, alo, during which the student is given a month and uluf.

A student who distinguished himself by his abilities and talents was allowed to teach science and was left as a teacher in a madrasah (for example, Ali Kushchi, Abdurahman Jami).

A graduate of a madrasah is issued a diploma, a certificate that he can teach science. License - the diploma contains the name of the science and the works studied by the student. One of these diplomas, issued in 1435 by the senior teacher of the Mirzo Ulugbek madrasah Salokhiddin Musa Kazizoda Rumi, is now kept in the Manuscript Fund of the Institute of Oriental Studies. Abu RaikhanBeruni of the Academy of Sciences of the Republic of Belarus. Uzbekistan.

After the death of Mirzo Ulugbek (1449), the madrasah continued its activity. According to the work of MavlonuDavlatshahSamarkandi "Tazkiratush-shuaro" (1487), during this period (1487) more than 100 students continued their studies at the Mirzo Ulugbek madrasah. Along with Khoja Fazlullah Abu Laysi and Ali Kushchilar, this subject was taught by the Majlis Mir of Alisher Navoi un-nafais. Mavlana Khoja Khurd also taught. In particular, Mir Alisher Navoi was in Samarkand and studied there (1465-1469). Mir Alisher Navoi also wrote: "Khoja Khurd is the only judge of the Samarkand throne and teacher of the madrasah of Ulugbek Mirzo. His generosity is among perfect wisdom and knowledge, and his generosity is among the adornments of morality. Yes In the interpretation of the waqfi of the poor (Mir Alisher Navoi) "Min waqf-i Alisher" was found by history"1. It can be seen from the above data that the antiquity of the higher education system in our country and their unique traditions are described. This shows that the education system in Turkestan does not lag behind the education systems in other parts of the world (for example, China, Egypt, Western Europe), but in some respects (teaching languages, financing the educational process) it will surpass

them. However, in the distant past, it was more perfect and comprehensive. Russian colonialists came face to face with him when the education system in Turkestan was in crisis. In some Russian (and partly European) sources, hasty conclusions about his condition should be explained by this factor or by the fact that the researchers did not have a deep approach to the essence of the matter. [4]

Brief information about the history of national schools and madrasahs of Turkestan is given. It was the turn of the madrasahs of the tsarist period, their place in the education system of the region. Among the messages on this topic are notes by V.P. Nalivkina, A.P. Khoroshkhin, K.E. Bendrikov are distinguished by their breadth, accuracy and richness of evidence.

"In Samarkand, Syrdarya and Fergana regions," V.P. Nalivkin, - the total number of madrasahs is 189, including 118 in Fergana, 50 in Samarkand and 21 in Syrdarya region. There are 34 madrasahs in Kokand and 25 in Margilan. " Samarkand, 18 in Andijan, 14 in Namangan, 14 in Tashkent and 10 in Khojand ". [12]

A.P. Khoroshkhin in his "Collection of Articles on the Turkestan Territory" [15] notes that there were about 200 such madrasahs in the Khiva Khanate and the Bukhara Emirate.

It is pleasant to note that in addition to the medieval madrasahs, new madrasahs were built and put into operation on the eve and during the conquest by the imperial government. Indicates that it is not extinct. Information K.E. Bendrikov about this fully confirm our opinion. He says: "Madrasahs were opened in the Fergano-Andijan region: in Karasuv (1862), Karachinos, the village of Kokand (1865), Sozok (1860), Tashchik, Uzgen, Khayrabad (1841). Kokand region: Khozhimat Vali madrasah in Kashgar, New madrasahs have been built in Buvaida volost, new madrasahs in Isfara and Rishtan, new madrasahs have been opened in Vodilskiy, Kuva, Yakkatutskiy, Asakskiy, Uchkurgan, Chimgan and Shakhrikhanskiy districts of Seluraghilan region, Tukhrikhan region, Kokand Chust and the villages of Yakurgan. Namangan region. In addition to five madrasahs in Osh, madrasahs were opened in 1859 in Bulakbashi and in 1855 in Khojaabad. Three madrasahs were opened in Abdik volost in 1848, in Boka in 1863 and 1870, and in Zangiot from 1835 to 1850. In 1875, new madrasahs were opened in the village of Kultepa, Tashkent region, in 1821 and 1875. - in Pskent and Turkestan, in 1874-1878. - in Chinaz. [6]. These authors also provide concrete evidence in their works about the economic funds of the madrasah, their income, the property of the fund, on the basis of which one can understand the achievements and shortcomings of the madrasah, the quality of teaching. The higher the income in the madrasah, the better the educational process and organizational issues are resolved. The most important thing is that such madrasahs, which attracted the attention of the population, were donated by the wealthy part of the population for the education of their children, as well as at the expense of their own income. Information provided by K.K. Palenom on these aspects deserves attention. Refinement If we look at pages 120-121 of the reports, we can see that these questions are clear and concise about the financial situation



of the madrasah. In it, the author provides such information, including. In total, there are thirty-two madrasahs in the Syrdarya region, of which 23 are located in cities and 9 in villages. The income of these madrasahs from waqf property is small, and the richest madrasah in Tashkent, Khoja Akhror, earns 3100 soums a year.

Three more madrasahs have an income of 1,000 to 2,000 soums, and the rest have an annual income of 100 to 10 soums. Some madrasahs are of no use. According to the revision of the 1891/92 academic year, 124 madrasahs were registered in the Fergana region. Of these, 95 are located in cities, and 29 - in the countryside. After the occupation of Fergana by the Russians, 6 madrasahs were opened. Many madrasahs in the province use charitable donations from the wealthy to supplement the fund's income. In general, the average annual income of Fergana madrasah is 149,797 soums. Of these, 12 madrasahs earn more than 2,000 soums, and 13 madrasahs earn from 1,000 to 2,000 soums a year. Fifteen madrasahs have no waqf property or income at all.

In the 1892-93 academic year, according to the audit of the Samarkand region, there were 58 madrasahs in the region, 40 of them in cities and 18 in villages. The average annual income of all madrasahs in the region is 28,555 soums. Twelve madrasahs earn more than 2,000 soums, and seven madrasahs earn from 100 to 2,000 soums. Nine of these madrasahs have no income. " [14]. The facts show that madrasahs in the country differ sharply in both economic and educational aspects. If we look at their activities in terms of teaching methods and the level of financial support, then another. the exact number of schools and madrasahs in Turkestan is unknown, it is impossible to draw unambiguous conclusions about the quality of the educational process in them, in particular, they were dominated by an environment of low, middle and high level.

What are the educational process and programs of traditional schools and madrasahs based on? the question arises. About this SM Gramenitsky's notes are noteworthy. "The indigenous population," he said, "has been taught to read and write in Turkestan since ancient times. After the invasion, the Russians saw that there are many schools where Arabic is taught in their native language, and that literacy is one of the main factors of the Muslim religion. "The first reading in schools and madrasahs began with teaching children to write. When writing was fully mastered, learned the Haftiyak in Arabic, and then chor books in Persian. learned to read the works of artists.

The letter of the chief inspector of educational institutions of the region to the Ministry of Education of Russia in 1902 contained more satisfactory comments on the methods of the educational system of schools and madrasahs. The letter, in particular, says: "Muslims study in their schools and madrasahs, both in the European part of Russia and in Siberia. Schools and madrasahs play an important role in people's lives and set the direction for the younger generation [9] ... In what order are our schools and madrasahs. organized schools were introduced with almost no changes compared to Bukhara, not to mention a slight change in appearance, as required by most local conditions.

Schools are based on primary education. In them, the youngest children learn to read and write in Arabic. They memorize the Quran, prayer and a few verses in Turkish. How many older children should attend school is not specified. The stages of learning are determined by mastering one book and moving on to another. The duration of training depends on the abilities of the students, as well as on the experience of the teachers and ranges from 3 to 5 years. "

It is also surprising that by the end of the 19th century, none of these schools taught science. The fact that children are thoroughly taught the art of calligraphy and writing can be found in information about some schools. However, there are qualitative differences in teaching between some rural schools.

In this regard, it is advisable to use some methods of studying the scientific heritage of traditional schools and madrasahs, including the experience of studying the Arabic and Persian languages, which are closely related to the ancient Turkic culture in our country, from national education systems in Turkestan to our modern education system. As you know, most of the history, rich cultural, scientific and philosophical heritage of the Turkic peoples is written in these languages. In the future, it is important to train a large number of professionals who will read and understand this great spiritual wealth of our people and translate it into our language. Senator K.K. In the aforementioned book by Palen, the method of reading in a madrasah is divided into three stages.

The first stage is called "One", in which the Taliban studied for 2, 4, 5 years. Classes were conducted mainly in Arabic and Persian. During these years, Arabic grammar and Persian were studied. There were read such works as "Zanjani", "Ikhlabi", "Avomil", "Harakat", "Kofiya" (his commentary also "Sharh-mullah") in Arabic and "Avwaliilm" in Persian. In the second stage, the student studied the sciences of jurisprudence and studied Islamic law.

At the third stage, we studied "Shamsia" and its commentary "Hoshiya" and "Mushkilot".

He also read Akida (dogmatics), Tahzib (dialectics), Hikmat al-Ain and astronomy and gained general knowledge of cosmography. Attention was also paid to logic, lectures were given on this topic: "Tavzikh", "Hadith", "Qiyas" and "TavsifikaziBoyzaviy". For students of jurisprudence, the following books served as the program: "Fiqhigaydoni", "Mukhtasar ul-vikaya", "Hidoyaisharif" and others.

The Taliban were also involved in accounting and medicine. Poems and epics of classical poets are taught especially zealously.

The school year began in October and ended in April. Readings were held four days a week: Sunday, Monday, Tuesday and Wednesday. During Ramadan and Eid al-Adha, two weeks of vacation.

So, on this basis, teaching was carried out in schools and madrassas. The facts also show that the peoples of Turkestan were not completely illiterate, as some Soviet historians say. The traditions of upbringing in their own way were consistently continued in the country. Of course, it must be admitted that the

education system based on the requirements of global development has not been fully formed and has not fully assimilated advanced traditions.

There is one more aspect to the question. This is due to the fact that most of those who provided information about the education system of Turkestan were non-indigenous. Therefore, no matter how well their views are confirmed, they do not provide absolutely objective information about the education system in the country. They often appear in the form of observations by a researcher or tourist. The works of our domestic historians on this subject have been excluded from scientific use or are still unknown.

The next question is an explanation of the policy of the colonial authorities in the field of education in Turkestan. As noted above, the first governor-general of Turkestan K.P. Von Kaufmann was personally involved in the country's education system. He was the organizer of Orthodox church schools for missionaries and took a number of effective measures to Russify the population in the steppes of the Volga region, Bashkortostan and Kazakhstan, in order to learn how to organize educational work in the country. Ilminsky for advice and recommendations. K.P. von Kaufman urges N.I. Ilminsky to come to Turkestan and study the local conditions, and then develop a clear plan for the direction of pedagogical work. On this occasion, in the spring of 1868 N.I. Ilminsky sent K.P. von Kaufmann a letter with a number of sketches and ideas. In the proposals of N.I. Ilminsky emphasizes the need for large-scale missionary work in the education of Central Asia.

The goal was to carefully convert local Muslim schools to Christian schools. Recommended for educational work by I.S. Yastrebov, graduate of the Kazan Theological Academy, expert in Tatar and Arabic languages and culture. However, von Kaufmann was unable to bring I.S. Yastrebova to Turkestan. In those years, Yastrebov held the post of secretary in one of the most responsible positions in the Russian government - the Russian consulate in Turkey. At the same time, Kaufman's views on the organization of educational work in Turkestan did not correspond to Ilminsky's proposal. According to von Kaufmann, even the slightest pressure on the religious views of the local population could cause hatred and hostility of the local population towards them. colonialists.

N.I. Ilminsky felt the difficulties of developing plans for the education system in Turkestan and their implementation, and in August 1869 sent a letter of resignation to Governor-General Kaufman. Fifteen years later, N.I. Ilminsky wrote to Chief Prosecutor Pobedonostsev: "In 1869, when the Governor-General of Turkestan K.P. von Kaufmann heard about me from Count D.A. Tolstoy, when I came to Turkestan for a year and got acquainted with the social life and identity of local residents, the country began to ask me for expert advice and guidelines for organizing public education. What happened? I categorically rejected these offers because I was scared. And I had to write to General von Kaufmann with tears in my eyes because my health was deteriorating and I was not strong enough. [10].

After that, the authorities of Turkestan will begin to resolve the issue on their own. In 1870, a special commission was created to organize educational work. The commission concluded that public education in the country should be subordinated

to the interests of the Russian Empire. At the same time, it was emphasized that there will be no persecution of local religious views and that local Muslim schools should not rely on the help of the Russian government.

Senator K.K. Pahlen quotes the commission's conclusion as follows: "We have not found an example of a school that could replace local schools, because Russian schools will remain alien to local residents in this country for many years, and maybe forever." [10].

The policy of tsarism in the education system of Turkestan continued until the last governor-general. In this regard, all the governors-general of Turkestan are provincial, they did not dare to carry out serious reforms that would change the national customs and traditions of Muslims, which caused individual protests. For many years, the attitude towards national schools and madrassas was limited to administrative control.

At the same time, a policy of non-interference in the religious beliefs of indigenous children was pursued in Russian schools. But there were also supporters of the policy of Christianization of Muslim schools, for example N.I. Ilminsky. During the reign of K.P. von Kaufmann's supporters of this policy were deprived of administrative, economic and ideological support. Therefore, they were unable to organize the necessary events to implement their ideas.

On November 20, 1874, a law was passed on the transfer of all Muslim educational institutions of the Russian Empire to the Ministry of Public Education of Russia. General Kaufman, who had special powers in the presence of the king for his services in the conquest of Turkestan, issued an order not to apply this law on the land of Turkestan. Von Kaufmann then explains to the king that this order was taken into account in the interests and security of the empire.

Thus, reforms to bring madrassas and schools in line with modern standards did not find a solution during the first governor-general. Gradually, some of the indigenous people began to show zeal for this work.

In conclusion, we note that the education system in Uzbekistan has undergone dramatic changes in recent years. Of particular importance are the organization of preschool education, 11-year general education schools, presidential schools, specialized mathematical schools, the Ulugbek International Astronomical Olympiad.

It is worth dwelling on another aspect of the issue. Since our country has one of the oldest institutions of higher education in the world, we need to study the history of such education and restore its status in history and bring their dates to the level of anniversaries. Fifteenth century madrasahs, including Mirzo Ulugbek Madrasahs were also considered the university of their time. In the Middle Ages, schools established by churches in European countries were called universities. Religious and secular sciences were taught at the Ulugbek madrasah in Samarkand.

These madrasahs, which were traditional educational institutions, also functioned as higher educational institutions in the second half of the 19th - early 20th centuries. European universities, including the University of Warsaw, have been closed for hundreds of years. Ulugbek madrasah in Samarkand was

temporarily closed only in 1920-1930s during the Dzungar invasion. Then it continued in the 50s of the 18th century and existed until the 20s of the 20th century.

As rector of Samarkand State University, Professor R.I. Khalmurodov correctly and rightly noted that Samarkand State University is the direct successor of Mirzo Ulugbek Madrasah, which dates back to.

Fully supporting this idea, we can say that the government's decision to widely celebrate the 600th anniversary of Samarkand State University this year is timely and fair work.

#### References:

1. E.Ihsanog'lu, Osmanli egitimuesseseleri. Kp.: Osmanli devletivemedeniyyetitarhi, 2 cilt, Istanbul, 1998, ss. 232-251.
2. Mez A. Die Renaissance des Islams. 1922.
3. Абдуллаев В., Валиходжаев Б. Дыхание веков. Самарканд 1970.
4. Алишер Навоий. Мажолис ун -нафоис. Илмийтанқидийматни. Т.: ФАН, 1961. Б. 182.
5. Бартольд В.В. Сочинения. Т.П, ч.2. – М., 1964.
6. Бендриков К.Е. Очерки истории народного образования в Туркестанском крае. - М., 1961. С. 75.
7. Валихўжаев Б. Н. Темурийлар қурғон мадрасаи олиялар // Маърифат, 2001.
8. Валихўжаев Б. Сурати ҳафт иқлим дар мадрасаи Мирзо Улуғбек // Овози Самарқанд, 1992. 18 апр..
9. Граменицкий С.М. Положение инородческого образования в Сырдарьинской обл.. Т.: 1916. С. 54.
10. Знаменский Н.Б. Участие Н.И.Ильминского в деле инородческого образования в Туркестанском крае. – Казань, 1900. Ч.4. С. 113-114.
11. Мукминова Р.Г. К истории аграрных отношений в Узбекистане XVI в. /Вакф-наме/ Т.: Наука, 1966. С. 66.
12. Наливкин В.П. Сведения о состоянии туземных мадрасе Сыр-Дарьинской области в 1890-91 учебному году. 1916. С. 49-60.
13. Наршахий. Бухоро тарихи. Т., 1966. Б. 84.
14. Отчет по развитию Туркестанского края, произведенный по величайшему повелению сенатором графмейст. графом. К.К. Паленом. Учебное дело. – СПб., 1910. С. 124-126.
15. Хорошхин А.П. Сборник статей касающихся до Туркест. края. СПб., 1876.

## HARBIY SARKARDA AN LU-SHAN (RUXSHON) JASORATINING TARBIYAVIY AHAMIYATI

**Ermatov M.**

*Prof., v.b.,*

**Tursunov F.G'.**

*Yoshlar masalasi bo'yicha dekan o'rinbosari  
O'zbekiston Davlat san'at va madaniyat insituti*

Ayrim tarixiy shaxslar nomi va qilgan ishlaridan yosh avlod xabardor emas. Bunday vatandoshlarimiz to'g'risidagi ma'lumotlarni darsliklarga kiritishimiz, ularning hayoti va ibratli ishlari aks etgan film ishlashimiz kerak. Shunday vatandoshlarimizdan biri asl kelib chiqishi sug'diy bo'lgan An Lu Shan (ya'ni Ruxshon) edi. Bu tarixiy shaxsning ismi-sharifi xitoy manbalarida An Lu Shan deb atalgan bo'lib, sug'diylar va turkiy xalqlar uning ismini Ruxshon deb atashgan.



**1-2 rasm. An Lu Shan (Ruxshon) (milodiy 703-757 yillarda yashagan)**

Tarixiy manbalarda An Lu Shan (Ruxshon)ning kelib chiqishini sug'diylar yoki Sug'diyona bilan bog'lashadi. Qadimgi So'g'diyona, o'tmishda Zarafshon va Qashqadaryo vohalarida joylashgan davlat bo'lib, janubiy-sharqda Baqtriya, shimoli-g'arbda Xorazm bilan chegaradosh bo'lgan. So'g'diyona haqida «Avesto», ahmoniylar davri, mixxat yozuvlari va yunon-rim tarixchilari ma'lumotlar beradilar. Qashqadaryodagi bir qator turar-joylar va uy-qo'rg'onlar qoldiqlari mil. avv. IX-VIII asrlarga oiddir. So'g'diyonada Afrosiyob, Yerqo'rg'on, Uzunqir kabi yirik shahar markazlari hamda qo'shni viloyatlar va davlatlar bilan o'zaro iqtisodiy va madaniy aloqalar rivojlanadi.

O'zbekiston hududlaridagi eng qadimgi davlatlar haqida zardo'shtiylarning muqaddas diniy kitobi «Avesto», ahmoniylarning mixxat yozuvlari (Bexistun, Naqshi Rustom, Suza, Persepol) yunon-rim tarixchilarining (Gerodot, Gekatey, Kursiy Ruf, Arrian, Strabon va boshqalar) ma'lumotlar beradi. So'nggi yillarda qadimgi Baqtriya, So'g'diyona va Xorazm hududlarida olib borilgan izlanishlar va arxeologik tadqiqotlar aksariyat hollarda yozma manbalarda keltirilgan ma'lumotlarini tasdiqlaydi. Sug'diylar bir necha asrlar davomida Buyuk ipak yo'li

integratsiyasi va xalqlar o'rtasidagi etnomadaniy aloqalar rivojida muhim o'rin tutgan.

Xitoy manbalarida mavjud bo'lgan ma'lumotlarga ko'ra, Tan sulolasi davrida Xitoyning poytaxti Chan'an xalqaro savdo markaziga aylanganligi sababli, bu yerda turkistonliklar nihoyatda ko'p to'plangan edi. Ular, asosan, shaharning g'arbiy darvozasiga yaqin yerdagi "sishi" ("G'arbiy bozor") atrofiga joylashgan edi. Ana shu Bozorda va bozorga olib keladigan asosiy yo'llarda son-sanoqsiz katta-kichik oshxonalar, novvoyxonalar ochilgan. Chan'anda bir turkistonlik boy kishining oshxonasi "Xuji jyusi" ("G'uz malikasi restorani") deb nomlangan. Restoranlarga nom qo'yishda ko'pincha ayollar ismidan foydalanilgan.

Ruxshonning familiyasi An bo'lib, ismi xitoyliklar tomonidan *Lu Shan* deb o'zgartirilgan. Tarixiy manbalarda An Lu Shan harbiy sarkarda, boy sug'diy amaldorning farzandi yoki tarixdagi eng katta Tan imperiyasiga qarshi ko'tarilgan qo'zg'alon rahbari sifatida keltiriladi. Biroq o'sha darvrga nazar tashlash kerak. Nega An Lu Shan Tan imperiyasiga qarshi qo'zg'alon ko'tardi. Fikrimizcha bu faqat Tan imperiyasidagi vaziyat bilan bog'liq emas. Lev Gumilev keltirgan ma'lumotga ko'ra, "Sug'diyona jon bermoqda edi: g'olib arablar ularning takrorlanmas madaniyatidan urvoq ham qolmasligi uchun jahd ko'rsatdilar, ...". Aslida An Lu Shan boshqa sug'diylar kabi bir nechta tilni jumladan, turkiylar tilini ham bilgan. Bundan xulosa qilish mumkinki, u ona yurti Movarounnahrni arablardan qaytarib olishni maqsad qilgan. "700-701 yillarda arablardan Sug'udni himoya qilgan turklar Tan imperiyasi tobelari bo'lmish g'arbiy turkutlardir" degan ma'lumot ham fikrimizni to'ldiradi.

Tarixiy manbalarda va ular asosida tasvirga olingan Xitoyning tarixiy filmlarida An Lu Shanni imperatorga va saroy amaldirlariga sovg'alar ulashganli yoritiladi. Imperator tomonidan vazir Yan Go-Chjunning salbiy fikrlariga qaramay, An Lu Shanning fikrlari qo'llab quvvatlanadi.

Tan imperiyasini larzaga solgan va uning tanazzuliga sabab bo'lgan An Lu Shan qo'zg'aloni to'g'risida turli fikrlar yozib qoldirilgan. Ba'zi olimlar, jumladan yapon olimi Matsui Hitoshi Inchjou kidanlar bilan chegara ekanligini inobatga olib, An Lu – shanni kelib chiqishini so'g'diylardan emas, balki, Kidan qabilasiga taalluqli deb hisoblaydi. Yapon olimi qarashlarini taniqli fransuz olimi Rene Grusse ham qo'llab – quvvatlaydi. Ammo, ushbu fikrni qaysi manbadan olganligini har ikki olim ham keltirib o'tmaydi. Biz bu fikrga qo'shilmaymiz, chunki An Lu Shanning sug'diy ekanligi tarixiy manbalarda yoritilgan. Qolaversa uning Imperator xonadoni va saroy ayonlariga sovg'alar ulashgani boy so'g'd savdogarining o'g'li ekanligidan darak beradi. Shu bilan birga An Lu Shan boshqalar eplay olmagan vazifani bajargan, ya'ni kidanlarni jangda mag'lub etgan. U vatandoshlariga qarshi kurashmagan bo'lar edi.

Tarixiy manbalarda qayd etilishicha, kelib chiqishi sug'diy bo'lgan An Lu Shan 6 ta tilni bilgan va tarjimonlikdan harbiy sarkarda darajasiga ko'tarilgan. Vazir Yan Go-chjun uni o'ziga raqib deb hisoblab, ig'vo qilganligiga qaramay imperator xonadoni An Lu Shanga hurmat bilan qaragan.

Tan imperiyasi uchun chet ellik sarkardalar faqatgina bo'ysundirilgan xalqlarni itoatda tutib turish, ularga qarshi kurashlarda foydalanish uchungina zarur edi. Har qanday o'zga el vakili bo'lgan sarkardaning xitoylik amaldorga hurmatsizligi uning imperiya oldidagi xizmati qanchalik bo'lmasin shafqatsizlik bilan jazolangan. An Lu-shan Tan imperiyasi uchun tibetliklar, Kidan va Si qabilalari xavfini bartaraf etish uchun zarur bo'lib, keyinchalik uni siyosat maydonidan chetlashtirishga bo'lgan urinishlar ushbu qo'zg'alonni keltirib chiqardi.



*3-rasm. Xitoy kino ijodkorlari tomonidan yaratilgan multifilm.*

Xulosa sifatida qayd etish o'rinliki, An Lu-Shanning jasorati aks etgan multifilm va filmning suratga olinishi yoshlar uchun muhim tarbiyaviy ahamiyatga ega bo'ladi deb hisoblaymiz. Zero sug'diyalar boshqa xalqlarning shakllanishi va madaniyatining rivojida muhim o'rin tutgan.

#### **Adabiyotlar:**

1. Xu Elina-Qian. Historical development of the pre-dynastic Khitan. Helsinki: MultiprintOy, 2005. – P. 248.
2. Гумилёв Л.Н. Қадимги турклар. – Т.: Фан; 2007. – Б. 412.
3. Хўжаев А. Буюк ипак йўли: муносабатлар ва тақдирлар. – Т.: “Ўзбекистон миллий энциклопедияси” Давлат илмий нашриёти, 2007.
4. Орзиев М.З., Латипов Ж.Л. СУҒДИЙ АНЬ ЛУ-ШАНЬ ХИТОЙДАГИ ҲАРБИЙ САРКАРДА. – Бухоро.: Дурдона; 2015. 76 б.



## ТЕМУР ВА ТЕМУРИЙЛАР ДАВРИДА КАРВОН ЙЎЛЛАРИНИНГ ТАРАҚҚИЙ ЭТИШИ ВА УНИНГ ЭТНОМАДАНИЙ ЖАРАЁНЛАРГА ТАЪСИРИ

**Рахмонов Ф.**

*т.ф.н., доц.,*

*Қарши Давлат университети*

Марказий Осиё, жумладан ҳозирги Ўзбекистон ҳудуди Амир Темур ва ворислари даврида ҳалқаро муносабатлар муҳум ўрин тутган. Буни темурийларнинг Хитой билан элчилик алоқаларида ҳам кўриш мумкин. Бу алоқалар Соҳибқирон Амир Темур Мовораунахирда ҳокимиятга келгач анча фаоллашган ва Буюк Ипак йўлининг Моворауннахрда орқали ўтган йўналиши раванқ топган эди [1: 180].

XIII аср бошларидан то XIV асрнинг иккинчи яримига қадар – бир ярим асрдан кўпроқ вақт давомида Осиё минтақасининг катта қисми мўғил босқинчилари қўли остида бўлиб, бу ерда мўғул хонлари талончилик ва зўравонликка асосланган сиёсат юритган эди. 1368-йилда Осиё минтақасидаги энг ривожланган табиий ва иқтисодий имкониятлари катта бўлган Хитойда оддий деҳқон оиласидан чиққан, мўғиллар зулмига қарши кўтарилган халқ кўзғолони раҳбари Чжу Юань Чжан босқинчиларни Хитойдан қувиб чиқарди. Умин сулоласига (1368-1644) асос солиб, император Хунъу (1368-1398) номи билан тахтга ўтирган. Айни вақтда 1370 йилдан Туронда Амир Темур марказлашган давлат тузиб, унинг хафсизлиги, юрт ободлиги, халқнинг тинч-фаровон турмишини таъминлашга қаратилган сиёсатни амалга оширётган эди.

Бу икки ҳукимдор даврида Турон ва Хитой ўртасидаги алоқалар деярли узилиб қолган ва ҳатто, Амир Темурнинг Хитойга ҳарбий юриш уйуштиришгача бориб етган эди. Бунинг асосий сабаби Хитой императорининг Амир Темур давлатига элчи юбориб, ундан ўлпон тўлашни ва ўзини Хитой тобеъси деб тан олишини талаб қилаётгани эди.

Бундай муносабат Амир Темурдек буюк саркарда ва давлат арбоби шаънига ҳақорат бўлиб, худди шу давирда Олтин Ўрда хони Тўхтамишхон, Миср султони Барқук, Усманийлар империяси султони Боязид каби ўз даврининг улуғ ҳукимдорларининг тақдири аянчли тугаган эди. Юртни мўғил босқинчиларидан тозалаш, тарқаб кетган мамлакатни бирлаштириш, марказлашган давлат тузиш, уни ривожлантириш, муҳофаза қилиш ва хафсизлигини таъминлаш Амир Темур, аввало мохир саркардалиқ маҳоратини талаб қилар эди. Соҳибқирон давлатида ҳар бир ҳарбий юриш пухта тайёргарлик ва ўта жиддийлик билан амалга оширилар, қўшин сони, юришнинг бошланиш куни, йўналиши, жанг тактикаси, усуллари қаттиқ сир сақланар эди.

Амир Темур ҳукумронлигининг сўнги ўн беш йилида Хитойга ҳарбий юришга тайёргарликишлари бошлаб юборилган эди. Аввал Юлдуз воҳасида озиқ-овқат захирасини тайёрлаш мақсадида деҳқончилик, чорвачилик ва йилқичиликни ривожлантириш ишлари йўлга қўйилган. Амирзода Искандар Хўтангача бўлган ерларни салтанатга қўшиб олган эди. Ҳиндистон юриши даврида стратегик нуқтани назардан Хитой билан чегарадош бўлган Кашмир шохига марҳаматлар кўрсатилган.

Бу тайёргарликлар зимдан қилинган. Натижада 1405 йил январиди Хитой юришига фармон берилган. Бунинг икки сабаби бор эди: биричиси, Хитой императорининг ноўрин даъволари бўлса, иккинчиси, Хитойда мусулмон аҳолига нисбатан душманлик кайфияти ҳукум сурган бўлиб, императори Хунъу ўлимидан биров олдин мусулмонларга нисбатан қатилни уюштирган. “Темур тузуклари” да ёзилганидек: “Тангри таоллонинг дини ва Муҳаммад мустафонинг шариатида дунёда ривож бердим. Ҳар ерда ва ҳар вақт ислом динини қўллаб қувватладим”[2:74].

Муаррих Низомиддин Шомий “Зафарнома” сида мусулмонларнинг Хитойда қирғин қилиниши ҳақида қуйидагича фикрларни келтиради: «Чин, Мочин ва Хитой вилоятида бу мамлакат водийси Тўнғизхон куфур залолатни авжга чиқариб, шу даражага етдики, биргал андақ ғараз билан бир неча минг мусулмонни қатил қилди»[3.].

Рус шарқшуноси В.В.Бартолднинг маълумотида кўра, юзмингдан ортиқроқ мусулмонлар қатлом қилинган. Амир Темур Хитойда мусулмонларнинг қирғин қилиниши ҳақидаги ҳабарни 1399 йилда Тоғли Қорабоғ (Озарбайжон) да қишда хабардор бўлган эди.

Хитойга қўшин тортишдан олдин Соҳибқирон сийёсий ва элчилар берган Хитойнинг шаҳар ва қишлоқлар, тоғ ва доволари, ўтиш йўлари, кечувлар, даралар, ҳарбий аскарлар сони, жанг олиб бориш тактикаси ва бошқа малумотларни синчиклаб ўрганган. Айниқса, Хитой кинязларининг ички низоларини диққат билан кузатиб борган.

Амир Темур Европа қироллари, Султон Боязид, Тўтамишхон ва бошқа ҳукумдорларга йўллагани каби Хитой императорига ҳам дўстлик савдо алоқаларини ривожлантириш борасидаги таклифлари билан қатор элчилар йўллаб, ҳамкорлик қилишни бир неча марта таклиф этган. Шу мақсадда 1387 ва 1389 йилда Ниғматиддин, 1394 ва 1395 йилларда Дарвиш, 1396 йилда Аломат ад-Дютар Амир Темурнинг элчилари сифатида катта совғалар билан Хитойга боришган.

Хитой ҳукумдори элчилар келтирган совғаларга вассал давлат юборган деб қараган. Элчилар қарвони орасида савдогарлар, айғоқчилар, ҳарбий мутахасислар ҳам бўлганки, улар Амир Темурни зарур малумотлар билан таминлаб турган. Хитой императорининг дунёга ҳукумрон бўлиш орзусидан

ўлпон талаб қилиши кейинчалик икки давлат ўртасидаги муносабатларнинг бузилишига сабаб бўлди.

Соҳибқирон салтанатининг қудрати ошиб борганлиги, Хитой мусулмонларининг унга хайрихоҳлиги, шимолдаги мўғул князларининг ҳам ҳарбий юриш бошлаган вақтда Моворауннаҳр хукмдорини қўллаб қувватлаши мумкинлигини назарда тутган император Хуньу бир қатор ҳарбий ислоҳотлар ўтказишга мажбур бўлган. Ҳарбий ҳаф туғилган вақтда аввалгидек ихтиёрийлик асосида халқ лашкарларини тўплаш тартибидан воз кечиб, рекрутлик (мунтазам қўшинда бир умир ёки белгиланган муддатда ҳарбий хизмат ўташ) тартиби жорий этилган.

Амир Темур Хитой ҳарбий юришга тайёргарликнинг сўнгги босқичида эътиборли мўғул шахзодаларини ўз хизматига олиб, уларга мансаб ва амаллар берган. Мўғил шахзодаларининг аксаряти ҳарбий юришларда Соҳибқирон билан бирга бўлишган. Хитой ҳарбий юришида ҳам Жўжихон авлодларидан бўлган ва Тўхтамишхон билан ҳокимят учун курашда мағлубиятга учрагач, Амир Темур қўл остида хизмат қилиш учун келган Тоштемир ўғлон ва Чехра ўғлонлар, Ўқтойхон (Угедей) хон авлодларидан бўлган.

Хитойга қилинган ҳарбий юришдан бир оз олдин Самарқанд шаҳрида, Европанинг ўша даврида салоҳиятли давлатларидан бири саналган Испаня (Кастиля) элчиси Руи Гансалис де Клавихо 1404 йил кузида Хитойлик элчи билан учрашади. У элчи билан бўлган ўзаро муҳокама ҳақида ёзиб муҳим маълумотларни келтирганки, бу алоҳида илмий тадқиқотни талаб қилади. Элчи ўз кундалигининг 34-фаслини “Хитой ҳақида. Хитой элчилари ҳикоялари” деб номлаган.[4:201-202].

Хитойлик элчи Клавихога ўз мамлакати ҳарбий қудрати ҳақида гапириб, Хитойда отлик аскарлар сони 400 минг нафар эканлиги, жанчилар учун отлар етишмаслиги, шу сабабдан отда юришга фақат минг боши лавозимида бўлганлар ҳақли эканлигини билдирган. Элчининг таъкидича, бундай ҳуқуққа эга булганлар эса Хитойда жуда кўплиги ҳақидаги фикрларни ёзиб қолдирган.

Юқорида таъкидланганлигидек, Хитойда 1368 йили чингизийлар сулоласи ҳайдалгач, йирик марказлашган Мин салтанати (1368-1644) ташкил топган эди. XIV асирнинг 70-80 йилларида Хитой ва Мўғилистонда мавжуд мураккаб сиёсий вазият элчилик алоқаларининг ривожланишига монелик қилиб келди. Амир Темур 1398 йили Мўғилистонни узил-кесил ўз тасарруфига киритгач, Хитой билан элчилик муносабатларини йўлга қўйишга имкон туғулди. Амир Темур давлатининг Хитой билан элчилик муносабатлари тарихи, асосан, Хитой тилида ёзилган солномаларда ҳамда қисман форс тилидаги Шарқ ёзма манбаларида қайд этилган.

Тадқиқотларда хитой тилидаги манбалардан Хитойнинг XIV-XVII асирлар оралиғидаги тарихи анча мукаммал акс этган солнома “Мин ши лу” (Мин сулоласи императорлари ҳукумронлиги ҳақидаги ҳаққоний хотиралар) да тарихий кечинмалар йилма-йил ёзилган. Унда 1388-1398 йиллар оралиғида Хитойга Моворауннахирдан тўққиз марта элчилар келганлиги ва шундан 1395 йилгача бевосита Амир Темур номидан олти марта элчилар ташриф буюргани мухирланган [1:80].

Хитойнинг Амир Темур ва темурийлар давлати билан элчилик алоқаларида, асосан иккита дипломат - Фу Ань ( ваф.1429) ва Чень-Чэнларнинг хизматлари катта. Энг муҳими, улар ўз сафар хотираларини ёзиб қолдирганлар ва бу малумотлар Хитой солномаларига киритилиб, қимматли тарихий манба бўлиб қолган. “Мин ши лу” да ёзилишича, Хитой императори 1395 йилда Фу Ань бошчилигида Самарқандга, Амир Темур ҳузурига яна элчилар юборган ва улал орқали император муҳри босилган махсус мактуб ҳам йўлланган. Фу Ань бошчилигидаги элчилар 1395 йили Хитойдан йўлга чиққани ҳақида “Мин ши лу” да ҳам хабар бор. Улар Хитойдан қайтаётган Амир Темур элчилари билан ҳамроҳ бўлганлар.

Муаррих Шарафуддин Али Яздийнинг “Зафарнома” асаридаги маълумотга кўра, мазкур элчилар 1397 йилнинг 22 февralида Амир Темур жойлашган Тошкент вилоятидаги Чинозга етиб келганлар. “Зафарнома”да Хитой подшоси элчилари келиб, Соҳибқирон ҳузурига бўлгани, тортиқлар келтирганлари, яхши қабул қилгани ва қайтишга рухсат этилгани нақда ёзилган. “Ва элчиларким, Хитой мамлакатининг (тўнғиз) қошидан келиб пешкашла келтуруб эрдилар, беклар элчиларни Соҳибқиронга кўрсатдилар ва сўзларини арз қилдилар” [5:191].

Элчи Клавихо ўз “Кундалиги” да Хитой подшоси Чуйсхоннинг “бож талаб қилиб юборган элчилари” да, дебёзган. Хитойсолномаси “Мин ши лу” да ҳам: “Фу Ань ва бошқалар ушланиб қолинди, ўлпон келиши ҳам тўхтади”, деган жумла мавжуд. Амир Темурнинг ғазаблангани асосли эди, чунки Фу Ань тақдим этган ва ўлпон сўралган мактуб Хитой императорининг муҳри билан тасдиқланган бўлиб, расмий хужжат саналарди. Муаррих Шарафиддин Али Яздий “Зафарнома” сида Хитой императорининг исми “Тўнғизхон” деб қайд этлган [5:191]. Буни элчи Клавихо ҳам ўз “Кундалиги” да “Тўнғиз”, яъни “Чўчқохон” деб аталишини қайд этган [4:157].

Амир Темур Хитой императорининг элчиларини ушлаб қолган бўлсада, бироқ унинг элчилик ҳурматини сақлаган ва ўзининг буюк ҳукумдор эканлигини намойиш этиш учун элчиларга салтанатининг узок гўшаларигача жойларни бориб кўришини буюрган. Шу асосда Фу Ань бошчилигидаги элчиларни кўпгина жойларга (Мовароунахр, Хуросон, Эрон ва х.к) олиб борганлар. Ундан ташқари Фу Ань расмий қабул маросимларида ҳам Соҳибқирон аъёнлари қаторида ўтирган. Элчи Клавихо ўз “Кундалиги” да

Самарқандда Амир Темур хузурида бўлганида, у ерда Хитой элчилари ҳам ўтиришгани ҳақида ёзган [4:157].

Кониғилдаги қурилтойдан сўнг Амир Темур Хитойга юришга қарор қилган ва 1404 йил ноябрда Самарқанддан йўлга отланган, бироқ унинг вафоти туфайли мазкур юриш амалга ошмай қолган. “Мин шу лу” да ёзилишича, Фу Анъ бошчилигидаги хитой элчилари ватанларига фақат Соҳибқирон вафотидан сўнг, 1407 йил Хитойга қайтиб кетишган [6:70-71].

Буюк Ҳуқумдор ўз даврида асос солган Хитой билан савдо, элчилик алоқалари темурийзода Шохрух Мирзо салтанати даврида (1405-1447) ҳам изчил давом этган.

XV асрнинг биринчи чорагида Мирзо Улуғбек ва Шохрух Мирзо давлатлари билан Хитой ўртасида мунтазам равишда элчилар алмашиб туришган. Хитой темурийлар билан савдо қилишдан манифатдор эди. Хитой Мовароуннаҳр ва Хуросондан кўплаб йилқилар сотиб олган. Ҳар иккала давлат ўртасидаги савдо ва элчилик алоқалари бу давирда анча ривожланган. Деярли ҳар икки-уч йилда Самарқанд билан ҳиротга хитой элчилари, Хонбалиққа (Пекинга) эса Мовароуннаҳр ва Хуросон элчилари ва савдогарлари қатнаб туришган.

1418 йили Ардашер бошлиқ Шохрух Мирзо эчилари Хитойга боришган. Бунга жавобан 1419 йилда Ли-До ва Жонг-фу Хитойдан Самарқанд ва Хиротга элчи бўлиб келдилар. Элчилар Мирзо Улуғбек ва Шохрух Мирзо номига ўзаро дўстлик муносабатларини ривожлантириши хусусидаги твклифлар ёзилган мактуб ва катта совға саломларни топширишган. 1420 йилда Шохрух Мирзо ва Улуғбек Мирзо 530 нафардан иборат элчилик қарвонини Хитойга жўнатган. Темурийларнинг ушбу элчилари икки йилдан зиёроқ Хитойда бўлиб, 1422 йилда ўз ватанига қайтиб келишган.

Хуллас Амир Темур ва темурийлар асос солган буюк империянинг элчилик алоқаларига доир юқорида келтирилган маълумотлар ўша давр этномаданий жараёнларида ҳам муҳим рол ўйнаш билан бир қаторда уларнинг зукко дипломатлар бўлганлигини, тузилган давлатнинг жаҳон миқёсида доврўқ таратганлиги ва кенг миқёсда фаолият кўрсатганлиги, ўз давридаги барча нуфузли мамлакатлар билан яқин алоқалар ўрнатганлигини исботлаб турибди.

#### **Адабиётлар:**

1. Ў.Мавлонов. Марказий Осиёнинг қадимг йўллари.Т.:”Академик” 2008.
2. Темур тузуклари. Т.:”Ўзбекистон”,2013.
3. Низомиддин Шомий. Зафрнома.Т.:”Ўзбекистон”,1996.
4. Руи Гансалис де Клавихо Самарқандга Амир Темур саройига саёхат кундалиги (1403-1406 йиллар) Т.:”Ўзбекистон”, 2010.

5. Шарафиддин Ал Яздий. Зафарнома. Т.: “Шарқ.”, 1997.
6. Бўриев Омонулло. Соҳибқирон Амир Темур. Т.: “Ўзбекистон”, 2001.

## **ДЕНГИЗ САВДОСИДА ЮРТИМИЗ АҲОЛИСИ ИШТИРОКИ ХУСУСИДА (илк ўрта асрлар даври)**

**Орзиев М.З.**

*т.ф.ф.д. (PhD),*

*Бухоро Давлат университети*

**Кўчаров Ж.Қ.**

*т.ф.ф.д. (PhD),*

*Қариш Давлат университети*

Илк ўрта асрларда суғд, хоразм аҳолисининг халқаро муносабатларда ва савдо-иқтисодий алоқаларда моҳир инсонлар бўлганлигига оид маълумотлар тарихий манба ва адабиётларда сақланиб қолинган. Араб сайёҳи ва географи бўлган ал-Мақдиси маълумотларида Хоразмдан амударё орқали Каспийга йўл олган кемалар ўзлари билан олиб кетилган юкларни Волга дарёсида ҳам учратиш мумкин бўлган [7, 164]лигига оид маълумотларни ёзиб қолдирганлигини кўришимиз мумкин. Бу Ўрта Осиё аҳолисининг денгиз савдоси географиясининг кенг кўламли эканлигини асослашга хизмат қиладиган маълумотлардан бўлиб ҳисобланади. Шунингдек, ҳозирги Қрим ярим ороли шарқида “Соғдак” номли сўғдийларнинг савдо колонияси мавжуд бўлган бўлиб, В.И. Абаев фикрича, унинг маъноси “Кичкина Суғдиёна” эканлигига оид фикр-мулоҳазаларни келтириб ўтган. Сўғд савдогарлари Қора денгиз бўйида жойлашган давлатлар билан ҳам савдо алоқаларини фаол олиб борган бўлиб, Эрон билан Турк ҳоконлиги ўртасидаги муносабатлар ёмонлашгандан сўнг, Византия империяси билан савдо-иқтисодий алоқалар Қора денгиз орқали амалга оширилган. Турк ҳокони буйруғига биноан суғдий Манних ҳам айнан шу йўналиш орқали Византияга борган [3, 243]. Шу тариқа Соғдак савдо колонияси вужудга келган деб хулоса қилишимиз мумкин. Э.В. Ртвеладзе фикрига кўра, сўғдларнинг Қора денгиздаги савдо муносабатларида фаол бўлиши бу ерда ўз колонияларини ташкил этиш эҳтиёжини вужудга келтирган [4, 228].

Ёзма манбалардан ташқари археологик изланишлар ҳам юртимиз аҳолисининг денгизорти мамлакатлари билан турли муносабатларга киришганликларини тасдиқлайди. С.П. Толстовнинг Хоразмда олиб борган археологик тадқиқотлари бунга мисол бўла олади. Хоразм ёдгорликлари хусусан, Жонбос - IV ёдгорлигидан топиб ўрганилган денгиз чиғаноқлари маҳаллий турларга мансуб бўлмай, уларнинг таркиби Ҳинд океанида ва Қизил денгизда учрайдиган чиғаноқлар билан бир хилда эканлиги аниқланган [6, 336]. Демак, Шарқий Африка ва Арабистон ярим ороли минтақаси билан савдо-сотик алоқалари олиб борилган деб хулоса қилиш мумкин.

Таниқли археолог олим С.П. Толстовнинг Тупроққалъадаги Хоразмшоҳлар саройини тадқиқ этиши ҳам юқоридаги фикрларга мос келади. Тупроққалъадаги подшо қабулхонаси қазиб ўрганилганда, тахт орқасидаги деворий тасвирда, шоҳ тахтда маҳаллий либосларда савлат тўкиб ўтиргани, унинг атрофида қалин тивит матодан тўқилган кийимлар кийган шоҳнинг шахсий соқчилари тургани тасвирланган. Шоҳнинг шахсий гвардияси негроид ирқига хос антропологик кўринишда тасвирланган бўлиб, уларни антропологик нуқтаи-назардан С.П. Толстов Шарқий Африкадаги эфиопларга ўхшатган. Тасвирлардаги инсонлар ташқи кўриниши бадани қора, лаблари қалин, бурунчали кенг ва катта, сочлари жингалак бўлиб, С.П. Толстов уларни жанубий Ҳиндистондан олиб келинган дравид аҳоли ёки Шарқий Африкадан келтирилган деган илмий хулосаларга келган [1, 197].

Сўғдларнинг Япония ва Узоқ Шарқ минтақаси денгизбўйи давлатлари билан муносабатлари алоҳида тадқиқот талаб қиладиган мавзу бўлиб ҳисобланади. Япониянинг қадимий пойтахти Нара шаҳрида жойлашган Хоруджи қалъасида бир қатор ҳунармандчилик ашёлар топилган бўлиб, уларда паҳлавий ва сўғд тилидаги ёзувлар ёзилганлиги аниқланган. Паҳлавий тилдаги ёзувларда Японияга келтирилган ҳунармандчилик маҳсулотлари, уларнинг рўйхати ва уларни сотиш билан боғлиқ жараёнларга оид маълумотлар тилга олинган. Ҳунармандчилик маҳсулотларининг бирида, сўғд тилида *tum sug* сўзлари ёзилган бўлиб, у илк ўрта асрларда сўғддаги оғирлик ўлчов бирлигини билдирган. Олимларнинг маълумотларига кўра, Японияга ушбу буюмларни келиб қолиши 761 йил деб ҳисобланган [5, 51]. Э.В. Ртвеладзе келтирган маълумотларда, маҳсулотларнинг сўғд тилида ёзилганларининг бирида маҳсулотлар кимники эканлиги ва ушбу шахс номи ҳам келтириб ўтилганлигини кўришимиз мумкин. Шунингдек, яна бир ўринда Э.В. Ртвеладзе ушбу буюмларни Японияга келиб қолишини 761 йил эканлигини келтириб, паҳлавий ва сўғд ёзувларини иккита сандал ёғочига ёзилганлигига оид фикр-мулоҳазаларини келтириб ўтилганлигини кўриш мумкин [4, 228].

Дини тарғиботи билан шуғулланган Ўрта осиеликлар, бухороликлар фаолияти илк ўрта асрларда муҳим аҳамиятга эга бўлиб ҳисобланади. Мисол тариқасида асли бухоролик бўлган Ань Ченни келтириб ўтиш мумкин. У христиан динига мансуб бўлиб, 707-709 йилларда вафот этганлиги унинг қабртошига ёзиб қолдирилган. Ань хитойликлар томонидан бухороликларга берилган умумимий ном бўлиб ҳисобланади [5, 52]. Ань Ченнинг вафот этган жанубий Хитойдаги жой номи тарихий манбаларда Гуйлин мавзеи эканлигига оид маълумотлар ҳам мавжуд [4, 311].

Ўтган асрнинг 80-йиллари биринчи ярмида Вьетнам билан чегарадош Кантон ўлкасида олиб борилган археологик изланишлар натижасида топилган сопол идиш, кўплаб олтин, қумуш буюмлар билан бирга сосонийлар ҳуқумдори Перўз (459-481 йй) драхмалари топилган. Буюмлар VI асрнинг биринчи ярмига оид бўлиб, улардаги сўғдий ёзувларни япониялик сўғдшунос Йотака Йошида ўқиган. Ушбу топилма Хитой ва Япония

олимларининг сўғдий аҳоли Хитой ва Ҳиндистон ўртасидаги денгиз савдосида фаол бўлганлигини, бу хусусан V-VIII асрларда яққол кўзга ташланишини таъкидлайдилар[5, 51]. VI асрнинг биринчи ярмига тўғри келадиган ушбу археологик топилмалар орасидаги идишда унинг эгаси номи ҳам ёзиб қўйилган бўлиб, идишнинг чочлик ишига таълуқли эканлиги юртимиз савдогарлари буюмлари эканлигини исботлайди[3, 243]. Сўғдликларнинг Ҳиндистон ва Хитой ўртасидаги денгиз савдо йўлида VII-VIII асрларда фаол бўлганликларини япониялик олим Иоджима келтириб ўтган. Унинг фикрича бу даврда денгиз йўлидаги асосий савдо маҳсулоти сандал ёғочи (дарахти) бўлган деган фикр-мулоҳазаларни келтириб ўтган[3, 244].

Умуман денгиз йўлларининг йўналишлари ва савдо-иқтисодий алоқаларнинг таракқий қилишига асос илк ўрта асрларда асос солинган дейишга тўла асослар мавжуд. Энг қадимги даврлардан илк ўрта асрлар давригача бўлган савдо-иқтисодий йўлларни тарихий адабиётларда қадимги денгиз йўли деб келтирилганлигини кўришимиз мумкин. Шунингдек, адабиётлардан Қадимда Хитойдан Ҳиндистон ва форс кўрфази худудларига қадар чўзилган денгиз йўллари икки йўналишга эга эканлиги келтириб ўтилган. Биринчи йўл бу Хитойнинг ҳозирги Фуцзян ўлкаси худудларидан, Тайван қўлтиғи орқали Борнео оролига, Целебес ва Моллук ярим оролига борган бўлса, иккинчи йўл Хитойнинг жанубий-ғарбий портларидан бошланиб, Ҳинди-Хитойнинг шарқий қирғоқбўйи портлари ва Сиам қўлтиғи орқали Малая ярим оролига ва у ердан Суматра оролигача келган. Бу ердан яна бир тармоқ Ява, Бали ва Индонезиянинг бошқа оролларига ҳам борган. Шу минтақадан бирлашган икки савдо йўли кемалари Ҳиндистон, Цейлон ва Форс қўлтиғига қадар йўл олганлар[2, 297]. Ушбу йўлнинг шаклланиши эса, узоқ тарихий даврни қамраб олган.

Хулоса қилиб айтганда, қадимги даврлардан бошлаб Ўрта осий аҳолисининг ижтимоий-иқтисодий муносабатларда фаол иштирок этганлар. Энг қадимги даврлардан бошлаб мол айрбошлашнинг вужудга келиши билан транспорт воситаларининг ривожига таъсир қилган бўлиб, археологик топилмалар буни тасдиқлайди. Шунингдек, Ўрта Осиёликларнинг, хусусан сўғдлар ва Хитой манбаларида Анъ фамилияси билан итлга олинган бухороликларнинг денгиз савдоси ривожига улкан ҳисса қўшганликларини кўришимиз мумкин.

#### **Адабиётлар:**

1. Византия на путях в Индию (из истории торговли византии с востоком в IV – VI вв.) – М – Л. Наука; 1951. – 257 с.
2. Всемирная история в десяти томах. Том III. – М.: Государственное издательство политической литературы, 1957. – 896 с.
3. Ртвеладзе Э.В. Цивилизации, государства, культуры Центральной Азии. – Т.: Жаҳон иқтисодиёти ва дипломатия университети, 2005. – 288 с.



4. Ртвеладзе Э.В. Великий индийский путь. Из истории важнейших торговых дорог Евразии. – Т.: Zamonprassinfo, 2018. – 280 с.

5. Ртвеладзе Э.В. Согдийцы на дальнем Востоке. // Ўзбекистонда ижтимоий фанлар. 1998. № 8-9. – С. 51-52.

6. Толстов С. П. По следам Древнехорезмской цивилизации. – М – Л. Наука; 1948. – 322 с.

7. Гуломов Я. Хоразмнинг суғорилиш тарихи. Қадимги замонлардан hozirгача. – Т.: Ўзбекистон ССРФанлар академияси нашриёти, 1959. – 323 б.

## **СИРДАРЁ ВИЛОЯТИГА МЕТРОПОЛИЯДАН КЎЧИРИБ КЕЛТИРИЛГАН АҲОЛИНИНГ МИЛЛИЙ ТАРКИБИ (XIX асрнинг иккинчи ярми – XX аср бошлари )**

**Турсунова Г.Б.**

*ўқитувчи*

*Самарқанд Давлат туризм университети*

Ўзбекистон Республикаси Биринчи Президенти Ислон Каримов «Тарихий хотирасиз келажак йўқ» асарида «Тарихимиз каби, қадим маданиятмизнинг яратилишида ҳам унга кўплаб этник гуруҳлар, Эл-элатлар ўз улушини қўшган. Бу – табиий ҳол. Чунки, ҳеч қачон, ҳеч қаерда фақат бита миллатга мансуб маданият бўлмади. Ҳар қандай цивилизация кўпдан-кўп халқлар, миллатлар, элатган фаолиятининг ва самарали таъсирининг маҳсулидир. Бир сўз билан айтганда, кўчманчилар, босқинчилар келиб кетаверишади, лекин халқ боқий қолади, унинг маданияти абадий яшайди», деб таъкидлаган эди.

Аслида бирор-бир республиканинг миллий таркиби объектив равишда демографик омиллар ҳамда урбонизация туфайли кенгайса, бунинг ҳеч қандай зарарли томони йўқ. Лекин мустамлакачилик даврида Сирдарё вилоятига метрополиядан кўплаб аҳолини кўчириб келтириш йўли билан минтақа аҳолисининг миллий таркибини механик тарзда кенгайтириш сиёсати ижтимоий, иқтисодий ва мафқуравий соҳаларда жиддий оқибатларни келтириб чиқаради.

Туркистон области тузилганича (1865 йил 2 март) қадар Оренбург ва Ғарбий Сибир генерал-губернаторликларнинг чегараларидан тортиб то Тошкент воҳасигача бўлган шаҳарларга, ҳарбий истехкомлар атрофига Россиядан аҳоли кўчиб кела бошлаган эди. Казалинск, Окмачит (Перовск), Туркистон, Верний, Аягаз (Сергиополь), Жаркент, Тўқмоқ, Қарақўл, Пишпак, Марки (Мерке), Авлиёота, Талас, Чимкент шаҳарларига ва уларни боғловчи асосий йўллар бўйида барпо этилган ҳамда бўлажак посёлкаларга рус, украин, белорус аҳолиси кўплаб келиб бўлган эди. Чоризм томонидан кўчирувчилик сиёсати бўйича илк бор 1881 йил ва кейин 1883, 1886 1889 йиларда қабул қилинган махсус қоидаларда ва қонунларда Туркистонга рус аҳолини кўчириш ҳаракатини авж олдирилди.

Шу сабабли Етисув областида биргина 1883 йилда 36 рус посёлкалари тузилди. Ундан ташқари империянинг ички губернияларда қурғоқчилик оқибатида очарчилик пайдо бўлган йилларда у ерлардан ўзбошимчалик билан

стихияли тарзда кўчиб келганлар фақатгина 1882-1893 йилларда Сирдарё областида 22 посёлкани барпо қилинган ва 1900 йилгача посёлкаларнинг сони 52 тага етди. Биргина Тошкент уездида 90 йилларда 10 дан ортиқ рус ва 1 та немис посёлкалари тузилди. Сирдарё, Самарқанд айниқса Фарғона областларига бу даврларда шаҳарларда ва тоғ кон саноати, нефть қазиб чиқарувчи корхоналар атрофида жойлашган. Фарғона областида суғориладиган ер камлиги, туб аҳолининг зич жойлашганлиги сабабли кўчиб келадиган ер крестьянлар оиласига 2-3 десятинадан суғориладиган ер берилиши мумкин, деб ҳисобланди. Бундай ер майдони жуда кичкина ва ер крестьянларни фаровон яшашига етарли эмас, деб баҳоланса ҳам водийда бу вазифани ҳал қилиш қийин эди, чунки маҳаллий деҳқонларнинг аксарияти 1 десятинагача суғориладиган ерга эга бўлган. Бундан ташқари, рус крестьянлари пахтачилик ҳақида тасаввурга эга бўлганидан кейин ҳам пахта етиштириш билан шуғуланишни хохламасдан ўз ерларини ижарага беришар эди. Шундай бўлсада ҳам, Туркистон маъмурияти ўлкага кўчиб келаётган рус аҳолининг каттагина қисмини айнан Сирдарё, Фарғона, Самарқанд областларининг шаҳарларидагина эмас, балки қишлоқ ҳудудларида жойлаштиришга интиланган. Бу интилиш Андижон қўзғолонидан кейин айниқса кучайганини исёнкор деб топилган учта қишлоқ ўрнида 1883 йил «Русское село»ни барпо этиш тажрибаси яққол кўрсатди.

Бу ерда 201 рус оиласига 201 десятина таморқа 1177 десятина деҳқончиликка яроқли ер, 436 десятина яйлов ва 86 десятина бедазор ерлари берилди. Бу кўрсаткичлар Ўш ва Наманган уездларида 80-йилларда ташкил топган Николаевская ҳамда Успенское селоларида жойлаштирилган 264 рус оиласига берилган турли ер майдонларидан 2,5 баробар кам эди, лекин 90-йилларга Фарғона областида юқори кўрсаткичлар эди.

Красноводск-Самарқанд темирўлини ўтказилиш (1883-1887 йй) Каспийорти ва Самарқанд областларига Амударё бўлимини ҳудудига ва Бухоро амирлигидан зўрлик билан тортиб олинган ерларга (Когон, Чоржуй, Каркивах.к) рус аҳолини кўчириш, жойлаштириш ишини анча осонлаштирди. Пайдо бўлган имкониятлардан унумли фойдаланишга Россия императорининг Каспийорти областининг қулай жойларига русларни кўчириш тўғрисидаги 1892 йилги фармони ҳам жиддий омил бўлган. Бу фармонга биноан шу областга кўчиб келганлар 10 йил мобайнида барча солиқлардан, ҳар хил мажбурият хизматлардан, жумладан ҳарбий хизматдан озод этиларди ва ҳар бир оилага жойлашиб олиш учун 100 рубл ёрдам сифатида берилар эди. Натижада 1900 йилларга Каспийорти областида (1882 йилдан 1898 йилга Кавказ ноиблиги таркибида бўлган) ўнлаб темирўл станциялари ёнидаги ва солиқчилар посёлкаларидан ташқари 20 дан ортиқ рус крестьянларнинг селолари пайдо бўлди. Рус украин, белорус аҳолинингумумий сони эса 35 минга етди.

Туркистонда Россияда аҳолининг кўчириб келтириш ва имтиёзли жойлаштириш билан боғлиқ қоидалар, қонунлар, фармонларни бажариш, турли чора тадбирларни амалга ошириш туфайли ўлканинг асосий Сирдарё, Самарқанд, Фарғона областларида 200 гаяқин рус крестьянларининг селениялари ташкил қилинди. Рус, украин, белорус аҳолининг сони эса 200 мингдан ошди, унинг 13 фоиздан сал кўпроғи шаҳарларда яшаган.

Россиядан кўчиб келган казаклар, рус крестьянларни таъминлаш мақсадида XX аср бошларигача маҳаллий аҳолисидан Сирдарё областида 159561 десятина ер тортиб олинди. Туркистон областлари орасида туб аҳолининг сонига нисбатан рус аҳолининг салмоғи 1897 йил Сирдарё областида 3.03 фоизни (44834 киши) ташкил этган.

Андижон кўзғолонидан кейин 2 йил мобайнида Фарғона областига деярли 4 минг рус крестьянлари кўчириб келтирилди.

XIX асрнинг охирида, аниқроғи 1897 йилда Туркистонда рус аҳолининг сони 197420 кишининг ташкил қилган бўлса, улардан 95941 киши шаҳарларда, тоғ-кон посёлкаларда яшаган, 101479 киши эса қишлоқ ҳудудларда истекомат қилган. Умуман эса Туркистонда рус аҳоли ва туб аҳоли ўртасидаги ижтимоий тенгсизлик айниқса, қишлоқларда яққол кўринар эди. Шунга қарамаздан маҳаллий аҳолии ўзининг сахийлиги, бағрикенглиги билан христиан динига мансуб кўчиб келган русларга ғаразгуйлик қилмадилар. Уларни ҳам худонинг тенг бандаси сифатида қарадилар ва муносабатда бўлдилар.

Туркистоннинг 4,5 млн. кишидан иборат аҳоли ҳар йилда метрополиядан кўчиб келаётган 70-100 мингли аҳолини қабул қилишга мажбур бўлган. Лекин уларга бериладиган бўш ерлар XX асрнинг бошларида ёқй ўқлиги маълум бўлса ҳам кўчиб келаётганларнинг оқими тўхтатилмади ва ҳатто камайтирилмади. Лекин Туркистондаги ижтимоий аҳвол оғирлигини бир мунча ҳисобга олиб, император Николай II 1903 йили 10 июнда христиан аҳолини Туркистонга кўчиришнинг янги (ҳисоб бўйича олтинчи) қоидаларини тасдиқлади. Бу қоидаларга биноан, кўчирувчи оиладаги ҳар бир эркакга бериладиган ер майдони илгари 10 десятинадан энди 3 десятинагача камайтирилди, кўчиб келганлар бирга солиқлардан фақат биринчи 5 йилга озод қилиниб, кейинги 3 йилда солиқларнинг ярмини тўлаши, 15 ёшдаги катта бўлган эркаклар ҳарбий хизматидан бутунлай озод қилиниши белгиланган. Шу билан биргаикда мазкур қоидага биноан кўчиб келган аҳоли милтиқ билан қуролланиш ҳуқуқига ҳам эга бўлди.

Туркистонда чоризмнинг охириги ўн йиллиги ҳуқумронлиги туб аҳолини эзиш, иқтисодиётини фақат империянинг манфаатларига хизмат қилдириш амалиёт билан таърифланади. Туб аҳолининг қарийиб 90 фоизи қишлоқда яшаган ҳолда ишлов бериладиган ерларнинг катта қисми мустамлака маъмурияти ва рус аҳолининг ихтиёрида бўлган. Ерсиз қолган деҳқонлар шаҳарларга кетиб, ҳар қандай ишни бажаришга тайёр бўлишган. Қишлоқларида қолганлар эса чорикорлик билан шуғулланишган. Масалан, 1906-1907 йилларда Туркистонда етиштирилган пахтанинг 82,3 физи чорикорлар меҳнатига тўғри келган.

Шундай оғир аҳволни бироз бўлсада енгиллаштириш ўрнига чоризм Россиядаги ижтимоий муаммоларнинг бир қаторини Туркистон аҳолисининг ҳисобидан ҳал этиш сиёсатини ва амалиётини кўчайтирди. Бу борада императорнинг Туркистонда кўчманчи аҳолидаги ортиқча ерлани олиб кўчиб келувчилар учун бериш ва давлатнинг бошқа эҳтиёжлари учун фойдаланиш мақсадлари тўғрисида номли қонуни туб аҳоли учун ниҳоятда салбий оқибатларни келтирди. Биргина натижа сифатида қуйидаги рақамларни кўрсатиш мумкин:

1) 1916 йилга келиб Туркистонда фақат рус, украин, беларус аҳолининг сони 350 мингдан ошди. Улардан ташқари 250 мингга яқин озарбайжон, армани, яхудий ва бошқа кўчириб келтирилганлар ва қочоқлар яшаган. Энг кўп шарқий славян аҳоли Сирдарё (97 минг киши) областида жойлашган эди.

Россия биринчи жаҳон урушда қатнашаётган вақтда ҳам Туркистоннинг чўл ўлкасининг моддий бойлигидан, туб аҳолининг меҳнатидан беаёв фойдаланди. 1914 йилнинг охиридан давлат заёми ва махсус ҳарбий солиқ ҳисобига пул фақат туб аҳолидан мажбуран ундириш бошланди. Уруш йилларида рус армиясини таъминлаш учун Туркистондан 300 минг пуд (1пуд=16 кг) гўшт, 70 минг от, деярли 13 минг туя, 270 аравава 13441 юрта (ўтов), шу жумладан Еттисув областидан умумий қиймати 34 млн рубльга тенг от қорамол ва гўшт олиб кетилган. 1914 йилнинг охиридан Туркистонга Австро-Венгрия, Германия ва бир қатор бошқа мамлакатларнинг армияларининг солдат ва зобитлари ҳарбий асирлар сифатида келтира бошланди. Ҳарбий асирлар турклар Сибир ва Уралга жўнатишга эди, лекин у ердан Туркистонга, Чўл ўлкасига қочганлар туб аҳолида паноҳ топишди. Туркистонга 1914-1916 йилларда 200 минг ҳарбийлар ва ғарбий ҳудудлардан 70 минг қочоқар келтирилди. Уларнинг меҳнатидан шарқий славян аҳолиси фойдаланилган бўлса-да, ҳарбий асирларни концентрацион лагерларда сақлаш билан боғлиқ ҳаракат Туркистоннинг туб аҳолисидан турли қўшимча солиқ ва тўловлар ундириш йўли билан қопланган.

Ниҳоят, яна бир мисол. Рус-герман frontiда рус армияси кўп талофат кўраётган пайтда император Николай II 1916 йили 25 июнда Сибир, Кавказ, Чўл ўлкасига ва Туркистоннинг «Ғайри миллийли» 19 ёшдан 43 ёшгача бўлган эркакларни фронт ёнидаги ҳудудларда ҳарбий-фронт орти ишларни бажаришга сафарбар қилиш тўғрисида фармон чиқарди. Фармонга биноан Туркистоннинг областларидан 250 минг киши сафарбар қилиниши белгиланди. Бундай мустамлакачи, буюк давлатчи тадбир бутун Марказий Осиё туб аҳолисини кўзғолон кўтаришга мажбур қилди. Бироқ ҳарбий ва полиция кучларнинг устунлиги ҳамда рус аҳолининг мадади чоризмга бу кўзғолонларни ашшадий тарзда бостиришга имкон берди.

Совет даврида Ўзбекистонга бошқа республикаларга шарқий славян аҳолини кўчириш анча кенг мақсадда ва мунтазам равишда давом этди. Бу бир қатор ижобий оқибатлар билан бирга туб миллатли аҳолини руслаштириш, миллий қадриятларидан узоклаштириш каби салбий тенденцияларни яратди. Фақат мустақилликка эришганидан кейин турли салбий оқибатлар аста-секин бартараф этиши бошланди ва бунда барча миллат, элатларнинг кадр-қимматига зарар етказилмасликка ҳаракат қилинмоқда.

#### **Адабиётлар:**

1. Каримов И.А. Тарихий хотирасиз келажак йўқ. Т-Т., «Шарқ», 1999, 20-21 б.
2. ЎзР МА. Ф.1, 2-рўйхат, 1905-иш, 4-варақ.
3. ЎзР МА. Ф.1, 12-рўйхат, 1995-иш, 19-варақ.
4. ЎзР МА. Ф.1, 11-рўйхат, 906 иш, 17-18 варақлар.
5. ЎзР МА, ф.1, 1-рўйхат, 769 иш, 80-81 варақлар.

6. ЎзР МА. Ф. 17, 1-рўйхат, 32702-иш, 19-20 варақлар.
7. ЎзР МА. Ф. 17, 1-рўйхат, 37702-иш, 20-варақ.
8. ЎзР МА. Ф.И. – 1, 4-рўйхат, 1026 иш, 11-12 варақлар.
9. ЎзР МА. Ф.И. – 1, 9- рўйхат, 769 – иш, 81-88 варақлар.
10. ЎзР МА. Ф.И – 18, 72-рўйхат, 8-иш, 143-144 варақлар.
11. ЎзР МА. Ф.И – 19, 1-рўйхат, 9829 иш, 8 варақлар.
12. Фомченко А.П. Русские поселения в Туркестанском крае в конце XIX-начале XXвв (социально-экономический аспект). – Т.: «Фан», 1983
13. Социально-экономическое и политическое положение Узбекистана накануне Октября, Т.: «Фан», 1973, С.32, С.34.
14. Пален К.К. Материалы к характеристике народного хозяйства в Туркестане. Ч II – СПб., 1911, С.71.
15. Турчанинов А. Итоги переселенческого движения за время 1886 по 1909 года. – СПб, 1910, С.3.
16. Гинзбург А.И. Русское население в Туркистане-Москва, 1991-85 бет.
17. История Казахстана. Очерк-Алмата, 1993 г, 27 стр.

## ЎЗБЕКИСТОННИНГ ЯНГИ ВА ЭНГ ЯНГИ ТАРИХИ

\*\*\*\*\*

### ХІХ АСР ОХИРИ - ХХ АСР БОШЛАРИДА СУРХОН ВОҲАСИНИНГ АМУДАРЁ СУВ ЙЎЛИ ВА КЕЧУВЛАРИ ОРҚАЛИ САВДО МУНОСАБАТЛАРИ

**Қобулов Э.А.**

*т.ф.д., проф.*

**Алламуратов Ш.А.**

*докторант*

*Термиз Давлат университети*

Сурхон воҳаси тарихига назар солар эканмиз, унинг ижтимоий-иқтисодий ҳаётида савдо йўллари муҳим ўрин тутганлигига гувоҳ бўламиз. “Буюк ипак йўлининг”нинг Ўрта Осиёдан, жумладан, Сурхон воҳасидан ўтганлиги бунга далилдир. Хусусан, бу ҳудуд ғарб ва шарқни боғловчи асосий халқалардан бири бўлганлиги сабабли унинг стратегик ўрнига юқори баҳо берилган. Ўзбекистон Президенти Ш.Мирзиёев таъкидлаганидек: ”Сурхондарё вилояти – ўзининг иқтисодий салоҳияти, муҳим географик ўрни, табиий имкониятлари билан мамлакатимиз тараққиётида алоҳида аҳамиятга эга” [1, Б.279].

Сурхон воҳаси қадимий карвон йўллари, Амударё сув йўли, рус флотилиясининг Термизга кириб келиши натижасида Шарқ давлатлари билан савдо-сотик ишларининг аҳволини ўрганиш тарихимизнинг ўрганилмаган саҳифаларини ёритишда муҳим аҳамият касб этади. Шунингдек, Амударё бўйлаб Бухоро – Афғонистон чегарасидаги кечув ва божхона пунктларида Россия империяси назоратининг ўрнатилиши, воҳа орқали Афғонистон, Эрон, Ҳиндистон билан олиб бориладиган транзит савдо йўллари Россия ҳукмрон доираларининг буюк империячилик сиёсати манфаатларига хизмат қилиши масалаларини тадқиқ этиш ҳам муҳим саналади.

Шарқ давлатлари билан савдо-сотик олиб боришга катта эътибор берган рус ҳукмрон доиралари воҳа ҳудудини, ундан ўтувчи куруқлик ва сув йўлларини ўрганишга алоҳида эътибор бериб, элчилик, жосуслик экспедицияларини жўнатган ҳолда жиддий ўргандилар. Аввало, сув йўлларида имкон борича кўпроқ фойдаланишга интилишди. Биринчидан, сув йўлларида талончилик куруқлик йўлларига нисбатдан камроқ эди. Иккинчидан, сув йўли билан товарларни ташиш нисбатан арзонга тушарди. Юқоридаги сабаблар туфайли Россия империяси Ўрта Осиёни эгаллаб олганидан кейинги дастлабки йилларда сув йўлларига жиддий эътибор қаратди [2, Б.331].

Сурхон воҳасида Амударё сув йўлининг муҳим кечувлари - Паттакесар, Эски Термиз, Ёргоҳ, Шўроб, Чўчкагузар, Қоракамар ташки савдода муҳим ўрин тутган бўлса [3, Б.92], Хотинрабат, Бургуттепа, Айритом, Маймунтўқай, Сассиққўл ва Болдир кечувлари эса маҳаллий аҳамиятга эга бўлган [4, С.49]. Бу

кечувлар XVI асрдан то Амударё флотилияси ташкил бўлгунга қадар ўз аҳамиятини йўқотмаган.

Россия империяси ҳали Сурхон воҳаси ҳудудига келмасидан олдин, яъни 1874 – 1878 йиллардаёқ Амударё сув йўлининг ўрта ва қуйи оқимларида чуқур тадқиқот ишлари олиб борган [5, С. 1-2]. Рус ҳукумати томонидан Амударё кечувлари диққат билан ўрганилган. Улар олиб борган тадқиқотларга кўра, Вахш дарёсидан то Каркигача 11 та кечув қайд қилинган. Биринчи даражали кечувларга Қабодиён, Паттакесар, Шўроб, Чўчкагузар кириб, улар, асосан, Бухоро амирлигини Шимолий Афғонистон билан боғлайди. Иккинчи даражали кечувлар Калиф ва Карки кечувлари бўлиб, Афғонистоннинг барча шаҳарлари, жумладан, Кобул билан боғлайдиган транзит йўлда жойлашган [6, С. 3-9].

Амударё - Панж кечувида Афғонистондан келувчи маҳсулотларнинг 40 фоизи Керки божхонаси орқали ўтган. Шарқ давлатлари, хусусан, Шимолий Афғонистон (Чорвилоят, Андхўй, Маймана) билан савдода Паттакесар кечуви (Керки божхонасидан кейинги ўринда) муҳим ўрин тутган. Паттакесар божхонаси Мозори Шариф – Тошқўрғон савдо йўлида жойлашиб, умумий юк айланмаси 715 минг рублни ташкил этган. Паттакесар кечуви орқали 1891-1892 йилларда 118 минг пуд кишиш майиз, 27,5 минг бош чорва моллари, 41,4 минг пуд пахта, 12,4 минг пуд уруғлик чигит, 13 минг пуд ҳар хил бўёқлар Бухорога олиб ўтилган бўлса, 11,1 минг пуд шакар, 0,5 минг пуд шам, 2,2 минг пуд сопол буюмлар, 2,6 минг пуд керосин, 7,4 минг пуд металл, 25,7 минг пуд мато ва 2,2 минг пуд бошқа маҳсулотлар Афғонистонга экспорт қилинган [7, С.37].

Ўрта Осиёнинг ягона божхона тизимида биноан Сурхон воҳаси ҳудудидаги муҳим Амударё кечувлари ҳисобланмиш Паттакесарда учинчи даражали божхона ва Чўчкагузарда эса божхона қисми ташкил этилди. Паттакесар ва Чўчкагузар кечувларидаги божхоналар орқали 1896 йилда 145532 рубль, 1900 йилда 60521 рубль, 1904 йилда 38770 рублли товарлар Афғонистонга экспорт учун ўтказилган бўлса, худди йилларга мос равишда 1896 йилда 439749 рубль, 1900 йилда 167080 рубль, 1904 йилда 549135 рублли товарлар олиб келинган [8, С.120-128].

XIX аср охири – XX аср бошларида Амударёда Бухоро амирлиги, Хива хонлиги, туркман ва афғон қайиқлари ҳаракат қилган. Йилдан-йилга Амударё бўйлаб сузувчи, юк ташувчи кема-қайиқлар сони кўпайиб борган. Ушбу даврга оид манбаларда Амударёда ҳаракатланган кема ва қайиқлар сони турлича келтирилганлигини кузатишимиз мумкин.

Масалан, архив манбаларида XIX аср охирида Кўнғиротдан то Питнакгача Хива хонлиги аҳолисига тегишли 2 мингга яқин қайиқлар Амударёда сузганлиги тўғрисидаги маълумотлар мавжуд [8, 17-варақ]. Бошқа бир архив ҳужжатлари ва манбаларида эса, Амударёда бўйлаб 800 пуддан 1500 пудгача юк кўтара оладиган 600 га яқин қайиқлар қатнаганлиги келтириб ўтилган [9, Б. 241-242]. И.А.Ремез эса, Амударё бўйлаб одатда 600-800 пуд, баъзилари эса 3000 пудгача, жами 500 минг пуд юк кўтара оладиган 500 га яқин қайиқлар мавжудлигини таъкидлаган [7, С.7].

XX аср бошларида эса, Амударёда қисман Бухоро амирлиги, кўпчилиги эса Хива хонлигига қарашли 1,5 га яқин кема ва қайиқлар сузган бўлиб, улар жами 1 млн. пудгача юк ташиши мумкин эди [4, С.75]. Бухоро амирлиги ва Хива хонлиги ўртасидаги ўзаро савдо алоқаларида 420 та Хива қайиқлари, 80 та Бухоро қайиқлари бўлган [10, С.212-213]. Амударёдан юқори оқим бўйлаб эса 1000 дан ортиқ қайиқлар Вахш ва Панж дарёлари бўйлаб сузишган [11, С.188].

Амударёда воҳа савдогарларига тегишли қайиқлар ҳам сузишган. Термиз қадимги ва ўрта асрларда Амударёдаги йирик кемасозлик марказларидан бири бўлганлигини тарихий манбалар исботлайди. Рус ҳарбий зобити капитан Гинтилло Шеробод беклигида эса кема ясаш билан шуғулланувчи 10 га яқин хунарманд бўлиб, улар нархи – 200-235 рублли, 600 пуд юк кўтарадиган қайиқни 40 кунда ясаши мумкинлиги ҳақида маълумот берган [12, С.13-28]. Шунингдек, Бухоро амирлигининг Амударёга яқин бўлган айрим ҳудудларида ҳам кемалар ясаладиган йирик қишлоқлар бўлган. Хозирда ҳам Қорақўл яқинида “Камачи” номи билан аталувчи қишлоқ борлиги, маҳаллий қариялар амирлик даврида бу ерда кемалар ясовчи усталар бўлгани ҳамда кема ясаш учун ёғоч Панжикент яқинидан Зарафшон дарёси оқими бўйлаб бу ерга олиб келингани ҳақида маълумот беради [13, Б.223]. Маҳаллий кемалар қурилишида, асосан, қаттиқ ва сувга чидамли дарахтлардан фойдаланилган. Хусусан, тол (қоратол ва оқтол), терак (“патта”), тўрангил – тўқай ёввойи тераги, қайрағоч, тут, арча, жийда, гужум дарахтлари кемачилиқда асосий хомашё бўлган [6; 8].

XX аср бошларидан Термизга Сибирнинг нинабаргли ўрмонларидан ёғочларнинг келтирилиши натижасида рус хунармандлари ундан енгил ва пишиқ қайиқ ясай бошлади. Бу кемалар кейинчалик маҳаллий аҳоли томонидан “ўрис кемалари” деб аталган [14, Б.214]. Бу енгил қайиқлар кўпайиши натижасида маҳаллий тол қайиқлар аста-секин истеъмолдан сиқиб чиқарила бошланган.

Бухоро амирлиги ва Афғонистон савдо алоқаларида муҳим аҳамият касб этувчи Паттакесар кечувида 4 та қайиқ бўлиб, уларнинг 2 таси Бухорога, 2 таси Афғонистонга тегишли эди. Уларнинг йиллик даромади 3 минг рублни бўлиб, шунинг 1500 рубли Шеробод бегининг даромади ҳисобланган [15]. Савдогарлар Шерободдан ўтувчи катта карвон йўли бўйлаб Чўчкагузар кечуви орқали Балх ва Мозори Шарифга, Афғонистондан эса Шеробод ва Келиф беклигига олиб борувчи йўллар орқали савдо қилишган [16, С.65]. Чўчкагузар кечувида 6 та қайиқ бўлиб, шундан учтаси Бухорога, учтаси Афғонистонга тегишли эди. Бу қайиқлар товар ва йўловчи ўтказиб кўйганлиги учун қуйидагича ҳақ олган: туя ва отдаги юк учун 1 танга, эшакдаги юк учун ярим танга, ҳар бир йўловчидан 16 чек ҳақ олган [17, С.80].

Шарқий Бухоро бекликлари ҳудудларини ғарбий ҳудудлар билан боғлашда сув йўллари муҳим аҳамият касб этган. Қайиқлар дарё бўйлаб асосан ғалла ва пахта каби қишлоқ хўжалик маҳсулотларини ташиган. Амударё бўйлаб қайиқларнинг юк ташиши учун йилнинг ҳамма вақти ҳам қулай



эмасди, айникса, ноябрь, декабрь, январь ва февраль ойларида юк ташиш қийинлашарди.

Шундай қилиб, Сурхон воҳаси Бухоро амирлигининг Шарқ давлатлари билан сиёсий муносабатлари, савдо-иқтисодий алоқаларида муҳим стратегик ва транзит аҳамиятга эга минтақасига айланди. Шу билан биргаликда воҳаси худуди Россия империяси ва Англия мустамлакачилари манфаатлари тўқнашган минтақа бўлганлиги сабабли унинг стратегик маъқеи янада ошди. Амударё флотилиясининг тузилиши, Самарқанд-Термиз тупроқ йўли, Термиз темир йўли қурилиши, Бухоро – Афғонистон чегарасининг Россия – Афғонистон чегарасига айлантирилиши, Амударё бўйлаб кечув ва божхона пунктларида Россия империяси назоратининг ўрнатилиши ҳамда Сурхон воҳаси орқали Афғонистон, Эрон, Ҳиндистон билан олиб бориладиган транзит савдо йўллари Россия ҳукмрон доираларининг буюк империячилик сиёсати манфаатларига хизмат қилиши натижасида Бухоро амирлиги савдо-сотик ишларининг Россия империясига бўйсундирилишига олиб келди.

#### **Адабиётлар:**

1. Мирзиёев Ш.М. Буюк келажакимизни мард ва олижаноб халқимиз билан бирга қурамиз. – Тошкент: Ўзбекистон, 2017.
2. Қобулов Э. А. Сурхон воҳаси хўжалиги. – Тошкент: Akademnashr, 2012.
3. Аннаев Т., Шайдуллаев Ш. Сурхондарё тарихидан лавҳалар. – Тошкент: А.Қодирий 1997.
4. Бенцелевич Н.А. Водные пути Туркестана. Материалы для описания русских рек и истории улучшения их судоходных условий. Выпуск LV. – СПб.: М-во путей сообщения, 1914.
5. Грулев М.В. Некоторые географико – статистические данные, относящиеся к участкам Аму-Дарьи между Чорджуем и Патта-Киссаром // Известия Туркестанского отдела русского географического общества. Том 2, Выпуск I. – СПб., 1900. – С. 5-87.
6. Капитан Быков А. Очерк переправ через реку Амударью // Туркестанский сборник. Том 340. – СПб., 1883.
7. Ремез И. А. Внешняя торговля Бухары до мировой войны. – Ташкент: ЦСУ Турккеспублики, 1922.
8. Ўз МА. И-1-жамғарма. 22-рўйхат. 832-иш. 9-10, 17, 27-варақлар.
9. Искандаров Б. И. Восточная Бухара и Памир во второй половине XIX в. Часть. II. – Душанбе: Акад. наук Тадж.ССР, 1963.
10. Логофет Д.Н. Бухарское ханство под русским протекторатом. Том I. – СПб.: В.Березовский, 1911.
11. Логофет Д.Н. На границах Средней Азии. Путевые очерки в 3 книгах. Книга 2. Русско-афганская граница. – СПб.: В.Березовский, 1909.
12. Капитан Гинтылло. Сведения по интендантския части, собранные в Бухаре // Сборник географических, топографических и статистических материалов по Азии. Выпуск XXI. – СПб., 1886. – С. 1-53.

13. Мавлонов Ў.М. Марказий Осиёнинг қадимги йўллари: шаклланиши ва ривожланиш босқичлари. – Тошкент: Akademiya, 2008. – 432 б.
14. Турсунов С., Қобилов Э. ва бошқ. Сурхондарё тарихи. – Тошкент: Шарқ.
15. Ўз МА. И-3-жамғарма. 1-рўйхат, 296-иш. 76-варақ.
16. Грулев М.В. Аму-Дарья (очерк среднего течения). – Ташкент:тип. Штаба Туркест. воен. окр., 1900.
17. Петров. Путевые заметки классного топографа тит. Петрова 1884г. // Сборник географических, топографических и статистических материалов по Азии. Выпуск XXI. – СПб., 1886. – С. 53-102.

## **ЦИФРОВОЙ УЗБЕКИСТАН И АКТУАЛЬНЫЕ ЗАДАЧИ ИСТОРИЧЕСКОГО ОБРАЗОВАНИЯ**

**Ишанходжаева З.Р.**

*д.и.н., проф.,*

*Национальный университет Узбекистана*

Современные технологии и телекоммуникации открывают широкие возможности перед высшим образованием и научными исследованиями. Они, безусловно, позволяют повысить качество учебно-воспитательного процесса и мотивировать студентов и исследователей в получении новых знаний и сведений. В этой связи, поставленные перед Высшей школой задачи подготовки высококвалифицированных, конкурентоспособных, отвечающих современным требованиям, кадров – специалистов XXI века, требуют незамедлительного их выполнения. В связи с этим являются актуальными вопросы подготовки специалистов – кадров с применением современных цифровых технологий, создание инновационных или технологических парков (технопарков) в этом направлении и др.

Отметим, что современное высшее образование характеризуется устойчивыми тенденциями к информатизации и цифровым ресурсам, которые открыли новые перспективы в высшем образовании. В настоящее время имеет место тенденция слияния образовательных и информационных технологий на всех уровнях, формирование на этой основе принципиально новых инновационных, интегрированных технологий обучения, основанных, в частности, на цифровых ресурсах и технологиях. Это является актуальной задачей профессионального образования XXI века и решит многие вопросы и глобальные проблемы высшего образования, являясь необходимым условием перехода к информационной цивилизации [1].

Использование математических методов в исторических исследованиях, убедительно показано и в трудах зарубежных ученых таких как Л.И. Бородкина, где он неоднократно подчеркивает, что «Моделирование заняло более прочное (хотя и достаточно скромное) место в арсенале методов и технологий исторического исследования»[2]. Это ставит перед высшим профессиональным образованием новые задачи.

По мнению директора программы MOOVE для студентов от бизнес-школы СКОЛКОВО и МТС Б. Нуреева, - лекции нового типа, реализованные в цифровой среде и с помощью цифровых элементов, предполагают, что студенты не только общаются с преподавателем, но и взаимодействуют друг с другом, и делают это еще более качественно, чем в традиционной аудитории. Б.Нуреев считает, что главный вызов образованию, который был обострен пандемией, — не цифровые инструменты, а образовательные методики, которые должны быть изменены и адаптированы к реальности дистантного взаимодействия. Концентрация на обсуждении и рефлексии уже заранее прочитанного или проделанного, кейс-метод, симуляции, проектная работа — все, что погружает студента не в пассивно-воспринимающую, а активную деятельную позицию — попадет в повестку образовательной трансформации. Во время онлайн-занятий они должны что-то делать, а не просто слушать: играть в онлайн-симуляции, реагировать, взаимодействовать — это ключевое отличие дистантного взаимодействия от физического [3]. Это открывает новые перспективы развития профессионального образования. В связи с этим меняются взгляды на деятельность преподавателя, роль которого связана с переходом от простого транслятора знаний к достаточно сложной роли - организатора деятельности обучаемых по приобретению новых знаний, умений и навыков [4].

Создание информационной образовательной среды обеспечивает доступность и качество системы образования. В этой связи как один из примеров можно рассмотреть электронную образовательную платформу Национального университета Узбекистана [5], которая предназначена для размещения учебных материалов для студентов всех направлений бакалавриата очной, заочной и вечерней формы обучения и магистратуры. Коллективом университета разработаны, созданы и внедрены в электронный учебный процесс все необходимые учебные материалы – лекции, презентации, задания в виде тестов и индивидуальных тем самостоятельных работ, тематики курсовых работ и рефератов, итоговых выпускных работ для каждого студента, вопросы семинарских занятий, видеоролики, список литературы и др. К примеру, по предмету «Научное наследие мыслителей Востока» на платформе размещены тексты лекций, презентации, тестовые задания по темам курса, планы семинаров, тематика самостоятельных работ, видеозаписи и список литературы. Для изучения одной из тем курса - «Мухаммад Аль-Хорезми (783–850 гг) и его вклад в развитие мировой науки» размещены материалы о жизненном пути среднеазиатского математика, астронома, историка, географа Аль Хорезми - одного из крупнейших ученых средневековья, другая необходимая информация об эпохе культурного и научного подъёма IX-XII вв и обеспечивших его условий. В презентациях содержатся оцифрованные карты из произведений Аль –Хорезми по географии, фрагменты сохранившихся оцифрованных работ ученого по математике, алгебре, астрономии и др. Студенты знакомятся с краткими аннотациями работ ученого - «Краткая книга об

исчислении алгебры и аль-мукабалы» («Китабмухтасаб аль-джабр и ва-ль-мукабала»), «Астрономические таблицы» («Зидж»), «Книга об индийском счёте» и др. При помощи оцифрованных документов, миниатюр и фрагментов трудов ученого разъясняется роль трудов Аль - Хорезми в становлении науки эпохи Возрождения и их плодотворное влияние на развитие средневековой научной мысли в странах Востока и Запада. Таким образом, мы используем цифровые ресурсы - электронные тексты, презентации с оцифрованными историческими картами, миниатюрами, текстами произведений средневековых ученых, фото и видеоматериалами.

Современные информационные технологии расширяют возможности и методы передачи и распространения знаний, формирования на их основе необходимых компетенций, управления образовательным процессом и обеспечения доступа к профессиональному историческому образованию.

### **Литература:**

1. Ватунский А.А. Современные инновационные технологии в профессиональном образовании. <https://cyberleninka.ru/article/n/>. Дата обращения 10.09.2020.

2. Бородкин Л.И. Моделирование исторических процессов: от реконструкции реальности к анализу альтернатив. СПб.: Алетейя, 2016. – С. 5. [http://hist.msu.ru/about/gen\\_news/23015/](http://hist.msu.ru/about/gen_news/23015/). Дата обращения 12.09.2020.

3. Нуреев Б. Будущее образования в онлайн: как меняются лекции, студенты и педагоги. <https://trends.rbc.ru/trends/>. Дата обращения 11.09.2020.

4. Елисеева Е.В., Злобина С.Н. Цифровые образовательные ресурсы как составляющая инновационной образовательной среды современного ВУЗа. <https://cyberleninka.ru/article/>. Дата обращения 10.09.2020.

5. Национальный университет Узбекистана им. Мирзо Улугбека. Сайт <https://hhemis.nuu.uz/> Дата обращения 20.10.2020.

## **НОВОЕ НАПРАВЛЕНИЕ В ИСТОРИОГРАФИИ УЗБЕКИСТАНА И КАРАКАЛПАКСТАНА**

**Коцанов Б.А.**

*д.и.н., проф.,*

*Каракалпакский государственный университет*

Историческая наука Узбекистана за годы независимости претерпела кардинальное обновление и вышла на новый уровень развития. Она пополнилась большим объемом архивно-документального материала, на основе которого были сделаны новые выводы, значительно обновилась и методология исторической науки.

Отличительной чертой новейшей историографии Узбекистана стало то, что она обратила свое внимание на существовавшее долгое время табу –

истории водных путей и караванных сообщений Средней Азии [1]. По существу, профессор Уктам Мавлонов является новатором этого направления в современной историографии.

Хорезмийцы, независимо от этнической и национальной принадлежности, выработали специфические формулы благопожеланий: "да будет река многоводной, да течет она в собственном русле". Амударья оказалась неким объединяющим фактором. Взаимное длительное проживание представителей различных этнонациональных групп в долине реки Амударья формировало общие для всех способы хозяйственной деятельности, методы проведения оросительных работ. Объективно также происходило взаимопроникновение элементов их общественного сознания, устройства семейной жизни. Сгладились многие сугубо национальные черты в браке и семейно-бытовых отношениях у узбеков, таджиков и каракалпаков. В результате совместного проживания на общей территории, в общей социально-экономической и духовной среде тюркоязычных и персоязычных наций, народностей и активного торгового, культурного взаимодействия с народами Востока и Запада жители Хорезма выработали много общих, свойственных исключительно им черт, собственную речную "культуру многообразия" [2].

История водных путей и караванных сообщений в низовьях Амударьи была объектом востоковедческой школы историографов в контексте изучения Средней Азии. В них доминировало описание жизни и быта народов Средней Азии, в том числе низовьев Амударьи. Изучение различных способов природопользования в Приаралье в XIX-XX вв. показывает, что при решении сложных экологических проблем современности необходимо обращаться к традиционному экологическому опыту.

В нынешних условиях, когда с каждым днем открываются новые, ранее не востребованные, пласты архивных документов, обозначение актуальных вопросов изучения истории Аральской и Амударьинской флотилий требует усилий и определенных навыков работы, применение современных методологических и методических основ [3]. За годы независимости накоплен богатый документальный материал для осознания правдивой истории. Сегодня правомерно ставить вопрос о необходимости организации творческих дискуссий по актуальным вопросам исторической науки, в том числе истории водных путей Средней Азии.

Исследование истории водных путей в низовьях Амударьи имеет важное значение и для современности. Как известно, Узбекистан предполагает совместно со странами Центральной Азии создание транзитных транспортных коридоров, которые обеспечит им выход к морским портам и будут способствовать возрождению древней магистрали Великого шелкового пути.

М.С.Сейтимбетов в контексте изучения видов транспорта Каракалпакстана также уделял большое внимание деятельности флотилий [4]. Автор вводит в научный оборот ценные работы русских востоковедов,

путешественников, военных и послов второй половины XIX века. В работах С.С.Сайманова также нашло освещение изучаемая нами проблема, однако, через призму роли и места города Кунграда в этих военно-политических и торгово-культурных событиях [5]. Заслуживает внимания работы Б.М.Бекимбетова, хронологические рамки которой охватывает 60-70-е годы XX века, тогда от следов Аральской и Амударьинской флотилий остались лишь воспоминания [6].

Исторические труды по историографии изучаемой темы, созданные на уровне достижений общественных наук прошлых лет, сыграли определенную роль в формировании самосознания народа. В большинстве своем в них широко освещена история Аральской и Амударьинской флотилий на основе общих тенденций, которые были присущи для всей бывшей Российской империи и бывшего СССР.

В период независимости на смену упрощенным и порой искаженным освещением истории Аральской и Амударьинской флотилий пробивались новые ростки исторической правды, основанной на творческом осмыслении пройденного народом трудного и сложного пути, вопросы истории Узбекистана, стали находиться в центре внимания не только профессиональных историков, но и государственных структур, широкой общественности.

Требуется более глубокого изучения история формирования различных культурных путей сообщения с древнейших времен включая средние века, необходимо использование результатов археологических исследований древних построек, восстановленные при помощи 3-D программ, определение первоначального вида предметов архитектуры и искусства, их состояния, факторов и процессов развития и т.д.

Нуждается в более глубоком изучении симбиоз различных культур региона, в частности, интеграционные процессы, имевшие место в культурной и духовной сфере, а также вопросы об исторических корнях и традициях религиозной толерантности, особенностях административного управления.

Необходимо последовательно изучать историю Великого Шелкового пути и вопросы торговли, путей сообщения и интеграции культур.

### **Литература:**

1. Мавлонов Ў. Ўрта Осиёда қадимги алоқа йўлларининг шаклланиши ва ривожланиши тарихидан //Тарих, мустақиллик, миллий гоя. – Тошкент, 2001. – С. 137-140; Его же. Позднесредневековые транзитные дороги Кашкадарьинского оазиса//Культурное наследие Средней Азии. – Ташкент, 2002. – С. 154-160; Его же. К истории сложения древнейших путей на юге Средней Азии//Ўрта Осиё археологияси, тарихи ва маданияти. - Ташкент, 2002. – С.73-74; Его же. Қадимги йўллар ва этномаданий алоқалар // Ўзбекистонда этнодемографик жараёнлар. – Тошкент, 2005. -Б . 64-68; Его же Древние пути Центральной Азии. К проблеме древних взаимосвязей

Средней Азии и Алтая // Великий шелковый путь. Культура и традиции. Прошлое и настоящее. – Ташкент, 2006.-С.122-123; Его же Қадимги йўлларнинг урбанизация ва шаҳарсозлик маданияти ривожиди тўтган ўрни//Ўзбекистонда урбанизация жараёнлари: тарих ва ҳозирги замон. – Ташкент, 2007.-С. 50-54; Его же. Самарканд в системе древних путей Среднеазиатского междуречья//Роль города Самарканда в истории мирового культурного развития. – Ташкент-Самарканд. – С. 101-104; Мавлонов Ў., Маҳкамова Д. Маданий алоқалар ва савдо йуллари. – Тошкент, 2004; Мавланов Ў.М. Марказий Осиёнинг қадимги йўллари: шаклланиши ва ривожланиш босқичлари. – Тошкент, 2008 и др.

2. Кдырнийазов М.-Ш., Ягодин В.Н., Мамбетуллаев М.М., Сагдуллаев А.С., Кдырнийазов О.-Ш. История цивилизации Хорезма. – Нукус, 2017.

3. Сайманов С.С., Сулайманов С.А. Пути сообщения Хивинского ханства// “Вестник” ККО АНРУз., 2007. – № 3.– С.64-65; Сулайманов С.А., Сапаров Н.Ж. О судоходстве по реке Амударья и его руслах// Материалы Международного симпозиума “Приаралья на перекрестке культур”, посвященного 100-летию со дня рождения С.П.Толстова. – Нукус, 2007. – С.81-82; Сулайманов С.А. История создания и деятельности Аральской флотилии//Материалы II международной научно-практической конференции “Историко-культурное наследие Арало-Каспийского региона”. – Актау, 2010. – С. 87-90.

4. Сейтимбетов М. Дневник М.Н.Чернышевского «Через Усть-Урт в Среднюю Азию» и его значение // Каспий-Арал өңирининг тарихи-мәдени муралары атамасындағы халық-аралық конференция материаллары. Актау, 2007; Его же. Рус изертлеўшилерининг мийнетлеринде Қарақалпақстан тарихы бойынша мағлыўматлар (XIX әсирақыры – XX басы)// Вестник Каракалпақского государственного университета. 2008. №1.

5. Сайманов С.С. История города Кунграда (XVIII – первая половина XIX вв.). Автореф. дисс. ... канд. ист. наук. – Нукус, 2001; Его же Русские миссии и посольства в Хивинском ханстве (XVIII-первая половина XIX вв.)// «Восток Запад: аспекты взаимодействия». – Ташкент 2006, – С. 161-164.

6. Бекимбетов Б. История общественно-политического движения за спасение Аральского моря (1960-1990-е годы). Автореф. дисс. ... канд. ист. наук. – Нукус, 2007.

## **ЎЗБЕКИСТОН ЭНГ ЯНГИ ТАРИХ ЧОРРАҲАСИДА (геосиёсат ва унда инсон омилига оид айрим мулоҳазалар)**

**Холбеков А.**  
*соц.ф.д., проф.,*  
*Ўзбекистон Миллий университети*

Социология ижтимоий ҳаётни, хусусан ижтимоий ўзгаришларни инсон хатти-ҳаракатларининг сабаблари ва социал оқибатлари контекстида ўрганеди. Ушбу жараёнлар шунингдек умуман тарих ва хусусан аниқ бир

даврга боғлаб ўрганилади. Шундан келиб чиққан ҳолда, ижтимоий конструкциялар, яъни ижтимоий гуруҳлар, институтлар ва ташкилотлар одамларнинг ушбу тузилмалардаги ҳолати ва роли нуқтаи назаридан қаралади. Инсоннинг барча хулқ-атвори ва хатти-ҳаракати ўз моҳияти ва оқибатларига кўра ижтимоий мазмунга эга бўлганлиги сабабли, социологияпредмети инсон омили билан боғлиқ. Бу айниқса жамиятнинг сиёсий тарихи, аввало энг янги тарихи билан боғлиқлигини кўрсатади.

Юқорида баён қилинган нуқтаи назардан, Ўзбекистоннинг энг янги тарихидаги фундаментал аҳамиятли воқеа –бу давлат мустақиллигининг кўлга киритилишидир. Демак, ушбу воқеа халқимиз ўз янги тарихига империалистик мамлакатлар тажовузига қарши туриш салоҳияти нуқтаи назаридан қарашига барча асослар бор. Шу ўринда империалистик сиёсат моҳиятига оид бир неча тарихий фактларни келтириб ўтиш лозим.

Биринчи тарихий факт. 18-асрда ҳозирги Канада ҳудудида 250 000, АҚШ ҳудудида бир миллионга яқин туб аҳоли, яъни хиндулар яшаган эди. Кейинчалик колониалистлар томонидан хиндуларни резервацияларга кўчириш ва оммавий қириб юбориш бошлангач, уларнинг сони кескин камайиб кетган. Лекин, ҳозирда америкача либерал демократия пропагандачилари бу тарихий фактни ошкор қилмайдилар.

Иккинчи тарихий факт. Конго тарихан дастлаб Франция томонидан истило қилинган эди. Кейинчалик устаси фаранглар колонияларга эга бўлиш борасида ўз улушлари кўпайиб кетгач, қарам ҳудудларни босиб олиш учун курашда кеч қолган, фаранг тилида сўзлашувчи бельгиялик қироллар оиласига сотиб юборганлиги ҳақида далиллар мавжуд. Бельгия қироли Леопольд II Конгода каучук плантациясини жорий қилиб, ҳаддан зиёд зулмга асосланган режимни жорий этган. Масалан, кунлик нормани бажармаган туб аҳоли вакилининг кўл панжалари чопилган. Сал ўтиб, Леопольд II фил суягига ружу қўйган, чунки унинг кўплаб хонимчалари учун фил суягидан тақинчоқлар тайёрланар эди. Натижада нафақат минглаб филлар, уларнинг ортидан қора танлилар ўлимга маҳкум бўлган. Умумий ҳисобда, Леопольд II даврида Конгода бир миллион қора танли туб аҳоли вакиллари оғир меҳнат, шафқатсиз эксплуатация ва жазо тизими, шунингдек турли касалликлар оқибатида қирилиб кетишган. Ҳозирда ғарб “демократлари”чин маънодаги бугеноцид ҳақида лом-лим дейишмайди. Демак, тарихга холис қараш кўпинча геосиёсатнинг қурбони бўлаётганлигини кўрамайди.

Юқоридаги тарихий фактлар асосида Ўзбекистоннинг энг янги тарихини ёритишда ва уни ўқитишда мустақиллик ғоялари ва унинг аҳамиятига алоҳида аҳамият қаратилиши керак.

Мамлакатимизнинг ўз тараққиёт йўлини танлаш муаммоси мавзунинг иккинчи бир қиррасидир. Тарихан мураккаб даврда давлатимизнинг Биринчи президенти Ислам Каримов Ўзбекистоннинг ўз тараққиёт йўлини тўғри асослаб берганлигини бугунги воқелик кўрсатмоқда.

Маълумки, ҳозирда ҳеч бир замонавий жамият ўзиникапиталистик деб аташни хуш кўрмайди, балки унинг ўрнига "бозор механизмлари" атамаси



ишлатилади. Қолаверса, "социализм" атамасига нисбатан ҳам шу мулоҳазани билдириш мумкин. Шу ўринда янги тарих дунёнинг собиқ СССР ва АҚШ бошчилигидаги икки лагерга бўлинган даврда уларнинг ҳар иккаласига нисбатан танқидий ёндашув Хитой давлати раҳбарлари ҳаммадан узоқни кўра билганлигини кўрсатмоқда. Гап шундаки, 1970-йиллар охирида хитой жамиятини жар ёқасига олиб келиб қўйган догматик раҳбар Мао Це Дун вафотидан сўнг, Хитойда кенг қамровли ислохотлар бошланган эди. Уларнинг бошида реформатор Ден Сяопин турар эди. У Хитой етакчисига айланган дастлабки кунидан бошлаб, муҳим стратегик вазифани амалга оширди. Хитойнинг деярли барча даражадаги раҳбарлари, яъни ҳозирги замон сиёсатшунослари тилида айтганда, мамлакат сиёсий элитаси вакиллари ямлаган коммунистик партия қурултойида Дэн Сяопин йиғилганларга қарата бир савол билан мурожаат қилди: "Айтингчи, оқ мушук яхшими ёки қора мушук яхшими?". Табиийки, ҳамма таажжубдан жим туришди. Дэн саволини яна такрорлайди. Яна ҳеч ким жавоб беролмагач, у фикрини баён қилади: "Жавоб беролмаслигингизни билардим. Чунки, сиз икки ўзаро бир-бирига зид нарсани мувофиқлаштиришни хаёлингизга ҳам келтиролмадингиз. Тасаввур килинг, оқ мушук - оппоқ, покиза, тоза жонзот, уни мажозан социализмга қиёслайлик. Моҳиятан социализм гўёки яхши тузум бўлиб кўринсада, аммо самараси кам бўлган иқтисодга асосланади. Унинг яхшилиги шуки, унда коллективизм бор, бой ва камбағал ўртасида фарқ деярли йўқ, оммавий ташкилотлар эса ижтимоий тартибни сақлашга ҳаракат қилади. Аммо самарасизлиги шуки, унда мотивация йўқ, яъни яхши ишлаган ҳам, ёмон ишлаган ҳам бир хил маош, даромад олади. Натижада, дангаса ва ишёқмаслар кўпайиб, улар давлатнинг бўйнида қолиб кетадилар. Кўриниб турибдики, оқ мушук сичқон овламаяпти. Қора мушукни эса капитализмга қиёслайлик. Капитализм шафқатсиз тузум, агарда омад ва пулинг бўлса яхши яшайсан, сал оёғинг тойса, омадинг кетса, ҳеч ким ҳеч бирор инсонга раҳм қилмайди. Аммо, капитализм шу вақтнинг ўзида мотивация асосига қурилган. Агар ғоянг бўлса, бойиб кетишинг осон, солиқ тўлаб юрсанг ва қонунни бузмасанг бўлди, бизнесингга ҳеч бир тўсиқ бўлмайди, гуллаб-яшнайсан. Бунинг ортидан бой одамлар соат сайин кўпайиб бораверади. Демак, оқ мушук ёки қора мушук, бунинг аҳамияти йўқ, муҳими у сичқон овлаши керак. Шу маънода биз қурадиган жамиятни капиталистик ёки социалистик деб аташ муҳим эмас. Муҳими, у шундай жамият бўлсинки, унда одамлар яхши яшасин, фаровон ҳаёт кечирсин. Демак, биз ҳар икки тузумнинг энг яхши томонларини оламитиз ва уларнинг ёмон томонларидан воз кечамиз".

Дарҳақиқат, хитой ислохотларининг пойдеворини шу каби оддий ва доно принциплар ташкил этди. Натижада, мамлакат 30-40 йил ичида энг қашшоқ мамлакатлар сафидан чиқиб, бугунги кунда дунёнинг энг тез ривожланаётган давлатига айланди. Ден Сяопин аввал бошдан оқ, коммунистик партия обрўси ва кучига таяниб, ягона ҳаракат стратегиясини олиб бориш учун сиёсий элитанинг қафолатини талаб қилди ва бунга бутун

ислоҳотлари давомида эриша олди. Бу эса ислоҳотларни охиригача олиб боришда асос бўлиб хизмат қилди. Хитой ҳар иккала тузумни давлат ва жамият фойдасига ишлата олган ягона мамлакатдир.

Табиийки, тараққиёт моделлари турлича бўлиб, инсон тараққиёти индекси (соғлини сақлаш, узоқ умр куриш давомийлиги, таълим ва ҳ.к.) умуминсоний характерга эгадир. Замоनावий цивилизациянинг турфа кемтикликлари ҳам бор. Агар замонавий цивилизация ижтимоий адолатни таъминлаш томонга юз бурмаса, ҳалокатга учраши мумкин деган фикрлар ҳам мавжуд. Маълум маънода шундай бўлди ҳам. Европа XX асрда инқилоблардан қутулиб қолди. Аввало, Европада ишчилар синфи ўз ҳуқуқлари учун бирлашиб курашгани учун ҳам капиталистлар ён босишга мажбур бўлишди. Қолаверса, айрим марксистик ғоялардан унумли фойдаланиш, айтишлик иш кунини қисқартиришди, маошларни ошириш охир оқибат ишчиларнинг инқилоб қилишга бўлган эҳтиёжини сўндирди. Натижада кўплаб шимолий Европа мамлакатларида социал фарқланиш камайди. Аммо бугунги постсоциалистик макондаги мамлакатларда молия олигархларининг иш ўринларини яратиш, тадбиркорлик қилиш эмас, балки давлат бюджети ўғирлаб, халқнинг ҳаққини еб бойиб кетиш ҳолатлари бундан мустаснодир.

Швеция айрим социалистик ғоялар ва бозор механизмларининг ўзаро боғлай олган яна бир мамлакатдир. Демак, ҳозирда тизимлар қарама-қаршилиги биринчи планда турмаяпти. Албатта, синфий антагонизм актуаллигича турибди. Капиталнинг ҳаракатланиш қонунига кўра, эртамикеч давлатнинг капитални тийиб турувчи социалистик механизмларини ютиб юбориши ҳам мумкин. Социализмқуриш учун капитализм орқали етарли шарт-шароитларни яратиш олиб, жаҳон бозорида етакчига айланган мамлакатнинг ўзи йўқ. Иқтисодни вақт ўтиб яна социалистик ўзганга қайтариш иқтисодий ўсишнинг пасайишига олиб келиши мумкин. Юқрида айтиб ўтилган симбиотик тузум қайтадан тўлиқ капитализм реставрациясига олиб келиши ёки социалистик механизмларнинг ортиқча кучайиб кетмаслиги учун эса бозор механизмлари амал қилиши муҳимдир. Буни ҳозирда давлатимиз раҳбари Шавкат Мирзиёев олиб бораётган сиёсатда кўряпмиз. Энди мавзуга оид учинчи масалага тўхталсак. Бу XXI аср сиёсати реал сиёсий арбоблари фаолияти билан чамбарчас боғлиқлиги масаласидир. Сиёсатчилар ҳар бир даврга мос бўлиб, давр мураккаблиги кучли сиёсатчини майдонга олиб чиқади. Масалан, ўтган асрнинг 30-40 йилларида Рузвельт ва Черчилль каби, урушдан кейинги йилларда эса де Голь, Аденауэр каби, тинч 60-йиллар Брандт, Шмит каби сиёсатчиларни олдинга чиқарди. Дунёнинг икки қутбли тизимлари ўртасида кураш авж олган йилларда, айниқса, 60-йиллар бошида АҚШ да сиёсат майдонига Джон Кеннеди кириб келди. Агар ана шу гайратчан, аммо ёшига нисбатан доно сиёсатчи булмаганида, унинг ҳамкасби ва антилагер вакили Хрушев ўз волюнтаризми ва анчагина ҳовлиқмалиги билан инсониятни атом уруши хавфидан холи қилишига ишонч йўқ эди. Кейинчалик, икки лагер ўртасида муносабатлар нисбатан

мувозанатлашган 70-йилларда Никсон ҳокимиятга келиб, собиқ СССР га визити пайтида Леонид Брежнев билан шартномалар тузишга эришди. Аммо кўп ўтмай, “совуқ уруш” яна авжига чиқди ва Андропов (у кўп жихатдан Путиннинг устози) дунёга очикдан-очик ядро куролиниқўллаш билан таҳдид қилмоқда.

Икки лагер ўртасидакураш авж олиб, социалистик лагер ўз догматизми ва ортиқча манманлиги ошиб кетиб, турғунлик даври ҳукмрон бўлгач, Леонид Брежнев даври бошланди. Аммо турғунлик тизимли кризисни келтириб чиқаргач, унинг даври тугди. Сиёсатда "артистлар" даври бошланди: Горбачев артист бўлмасида, бу касбнинг кўплаб қирраларини ўзлаштирган бўлиб чиқди, унинг даврдоши Рональд Рейган (ўз хотини билан биргалиқда) асл касбига кўра ҳақиқий артистдан чиққан АҚШ президентига айланди. Натижа маълум: у ўз ролини ажойиб тарзда бажарди. Дунёда икки қутбли тартибот ўрнида бир қутбли сиёсий тизим барпо бўлиши билан, 70 йилдан ортиқ даврда катта энергия, ақл ва руҳий зўриқишни талаб қилган ва шунга мос тарзда иродали шахсларни талаб қилган тартиботга эҳтиёж қолмади: сиёсатдонлар, сўнг эса сиёсатбоз сиёсатчилар плеядаси сиёсий сахнага ёпирилди. Тўғри, икки лагер асосий акторлари курашидан четроқда турган Европанинг бир қатор тажрибали сиёсатчилари ҳам оз эмасди: Миттеран, кейинроқ Жак Ширак, Маргарет Тэтчер, Шредер ва б.

Хуллас, Ўзбекистон ўзининг муносиб етакчиси бошчилигида ўз мустақиллигини ҳар томонлама мустаҳкамлаб, мамлакатимизда фаровон жамият барпо этиши унинг энг янги тарихидаги муҳим воқеликка айланади.

## **РОССИЯНИНГ ШАРҚИЙ БУХОРОДАГИ МУСТАМЛАКАЧИЛИК СИЁСАТИ**

**Турсунов С.Н.**

*т.ф.д., проф.,*

*Термиз Давлат университети*

XIX аср ўрталарида Европа сиёсий доираларини таъкидлашича, Осиёда Туркиядан кейин Мусулмон дунёсида алоҳида мавқега эга бўлган Бухоро катта иқтисодий сиёсий нуфузга эга эди. Туркистон ва Бухоронинг Россия томонидан истило қилиниши натижасида Россия ҳукуматини иқтисодий-сиёсий нуфузи ўсиб саноат учун бой хомашё манбасига эга бўлди. Россия Бухоро хонлигига қарашли мусулмонлар яшайдиган катта ҳудудларни ўз мустамлакасига айлантириб, унинг иқтисодий имкониятларини Россия манфаатларига хизмат қилдирди, хомашё манбасини толон-тарож қилишга жиддий киришди. Миллий камситиш сиёсати асосида маҳаллий халқларнинг ҳуқуқларини чеклаб, миллий тил ва маданият ривожига тўсиқ бўлиб, миллий ғоялар таъқиб остига олинди. Ўз навбатида Россиядан кўчириб келтирилган рус ва рус тилида сўзлашувчи аҳолига худди Россия марказидагидай имкониятлар яратилиб, келгинди миллий гуруҳларга ҳуқуқий шарт-шароитлар яратилади [1,Б.35]. Россия ва Афғонистон ўртасида тузилган

шартнома асосида ташкил этилган чегаралардаги Термиз ва Керки Ҳарбий қалъаларга таяниб, рус ҳарбий қисмларини жойлаштириш, Ҳарбий-стратегик режаларни қабул қилиш асосида келгусида мукамал ишларни бажариш бош мақсад қилиб олинган эди. Россия ҳукумати Бухоро хонлигини Жанубий Шарқий ҳудудларидаги бепоён ҳосилдор ерларни тўлиқ ўз назоратига олиш, ўзлаштириш, сунъий суғориш учун хизмат қилувчи ирригация-суғориш тизимини вужудга келтириш асосида Ҳукуматни хомашёга бўлган талабини қондиришни асосий мақсад қилиб олган эди. Энг муҳими янги ўзлаштирилган ерлар ҳисобига пахта экишни яна кўпайтириб, ўсиб бораётган ҳарбий эҳтиёжларни қондиришга мослаштирган янги фабрика саноатни пахта хомашё билан таъминлаш Туркистон ўлкаси зиммасига юклатилган эди [2, Б.91]. Ниҳоятда қулай иқлим шароитига ва ҳосилдор бўз тупроққа эга бўлган Шарқий Бухоро ҳудуди кам меҳнат сарфлаб кўпроқ ҳосил олишдек имкониятни Россияга тақдим этиши яққол сезилган эди. Шарқий Бухоро ҳудудида маҳаллий аҳоли сийрак жойлашиб, Россияга қаршилиқ кўрсатувчи муҳим ҳарбий стратегик қалъалар, аҳоли марказлари ёки мустаҳкам сиёсий-маъмурий бошқарув тизими йўқ эди. Янги Бухородан Термизгача бўлган ҳудудлардаги бепоён чексиз чўл ҳудудлари назоратсиз ва қаровсиз ҳолда бўлиб, бу ҳудудлардан Бухоро амирлиги ўзининг иқтисодий манфаатлари учун фойдалана олмаган ҳамда сунъий суғориш тизими шахобчаларини ривожлантиришга қизикмаган эди [5,Б.54-55].

XIX асрнинг 60-йиллар охири 70-йиллар бошларида Бухоро амирлиги ўзига қаршли мулкни аста-секин ўз қўлидан бериб, сиёсий жиҳатдан заифлашиб, мусулмон давлатлар орасида сиёсий мавқеини йўқотиб Россияга қарам давлатга айланиб қолди. Россия билан 1868 йил тузилган тинчлик шартномасига мувофиқ Бухоро Россияга:

- 1) 125 минг тилла-танга яъни 500 минг рубль ҳарбий контрибуция тўлаши;
- 2) Руслар амирлик ҳудудида эркин савдо қилиш ҳуқуқини амирлик ҳимоясида амалга ошириши;
- 3) Амирлик ҳудудида савдо-сотик билан шуғулланувчи идораларни ташкил этиш;
- 4) рус товарларидан олинадиган бож таърифини 1/40 қилиб белгилаш;
- 5) рус савдогорларига савдо-сотик қилиш учун амирлик чегара Ҳудудларидан қўшни давлатларга ўтиш учун эркин имкониятлар яратиб бериш каби мажбуриятлар юклатилган эди.

1873 йилги янги шартномага мувофиқ Бухоро амирлиги бир қатор имкониятларга эга бўлди. Битимга мувофиқ Бухоро амирлиги ички ишларига руслар аралашмайдиган бўлиб, рус ҳукмдорларининг манфаатлари чегараланиб, ҳуқуқлари чекланди [8]. Шунингдек Россиядан аҳолини кўчириб келиши таъқиқланиб, Рус аҳолисини Бухоро ҳудудларига кириб келиши таъқиқланди. Ушбу битимдан нарози бўлган Рус ҳукмдорлари Бухоро ҳудудига тўла қонуний ҳукмрон бўлиш ҳуқуқини қўлга киритишга ҳаракат қилдилар. Натижада 1888 йилги янги келишув битимига мувофиқ Янги Бухоро, Чоржуй, Керки, 1892 йилдан Термиз ва 1905 йилдан эътиборан

Сарой қишлоқларида Руслар ўтроқ жойлашиши ва ерга эгалик қилиш ҳуқуқларини қўлга киритдилар. Бухоро амирлигини Шарқий чегара ҳудудлар бўйича Афғонистон билан аниқ келишув шартномаси тузилган эмас эди. Натижада, Помир, Воҳон, Шуган ҳудудлар масаласида низо-жанжаллар мавжуд бўлиб, кейинги 25 йил давомида Бухоро-Афғонистон чегараси очик бўлиб, савдо-божхона шартномалари мавжуд эмас эди[11]. 1894 йил тузилган Россия-Бухоро келишув шартномасига мувофиқ Бухоро-Афғонистон чегара ҳудудлари бўлган савдо марказларида, Амударёни кечиб ўтиш қирғоқларида божхона масканлари ўрнатилди. Божхона масканлари, дарё қирғоқлари рус чегара ҳарбий қисмлари ихтиёрига топширилиб, Афғонистондан келадиган товарларга қатъий нарх қўйилди. 1895 йил Помир-Термиз оралиғидаги чегара ҳудудлари аниқланиб, Афғонистонни бу ҳудудларга бўлган босқинчилик, талончилик урушларига чек қўйилди. 1894 йилдан бошлаб Бухоро амирлиги инглиз-ҳинд товарларини эркин кириб келиши чекланиб, бу товарлар фақатгина Керки, Келиф, Чўчқа Гузар, Патта-Кесар Айванж, Сарой, Чубек, Боғаракдаги рус божхоналари руҳсати билан катта бож тўлаш орқали Бухоро ҳудудига кириб келадиган бўлди [3, Б.101-102].

1894 йилда Амударё ҳарбий флоти ташкил этиши билан бирга Термиз-Самарқанд тракти бўйлаб Россия манфаатларини ҳимоя қилувчи 14 та мудофаа таянч иншоатлари қурилди. Россиянинг келгуси манфаатларини ҳимоя қилиш мақсадида Бухоро амирлиги ҳисобидан 15 верст темирўл қурилди. Россия савдо фирмалари Янги Бухоро, Чоржуй, Керки ва Термизда савдо дўконларини очиб Россияда ишлаб чиқилган товарларни Бухоро бозорларига таъминлаш ҳамда маҳаллий халқ томонидан ишлаб чиқилган маҳсулотларни арзон-гаровга сотиб олиб Россияга жўнатиш билан шуғулланди. Россия мустамлакачилик сиёсатининг бош мақсади рус саноатини хомашё билан таъминлаш, арзон маҳсулот ва текин савдо бозорига эга бўлишга йўналтирилган эди. Сиёсий ҳуқуқдан маҳрум этилган Бухоро амирлигини ички-ташқи сиёсатини ўз назоратига олган Россия Бухоро амирлигининг Шарқий бекликлари бўлган Шаҳрисабз, Китоб, Яккабоғ, Бойсун, Шеробод Ҳисор, Кулоб, Болижувон, Қоратегин, Дарвоз каби ҳудудларга ҳам ўз таъсирини ўтказишга ҳаракат қилди. Бироқ маҳаллий аҳолини нарозилиги ва бекларни фаол ҳаракати туфайли ушбу сиёсий босқинчилик ҳаракатларига чек қўйилди. Бу масалада ўз мақсадига эриша олмаган Россия ҳукумати бутун кучни Помир-Панж-Юқори Амударё оқимида қаратиб Ҳисор, Қабадиён, Шаҳритуз ҳудудларини тўлиқ ўз мустамлакасига айлантириш, бу ҳудудда кучли сиёсий-маъмурий бошқарув ҳамда ҳарбий истехкомни вужудга келтиришга жиддий киришди[12].

Россия Бухоро амирлигини деярли ҳамма чегара ҳудудларини ўз назоратига олиб, эркин чет элга чиқиш имкониятидан маҳрум қилди. Россия Афғонистон билан мавжуд чегарани ҳал қилиш билан Афғонистонни истило қилиш режасини ҳам ишлаб чиқди [7, Б.103]. Бироқ Афғонистон масаласида Англия билан бўлган сиёсий тортишув туфайли Россиянинг бу уриниши амалга ошмади. 1892 йилда Бухоро-Афғонистон-Россия ўртасида Англия

аралашуви билан Панждарё оқими ва Амударё қирғоқлари бўйлаб аниқ чегара чизиғи белгилаб олинди[13]. Бухоро амирлиги маъмурий бошқарувда билимли, етук, сиёсий билимга эга бўлган элчиларнинг йўқлиги, шарқий худудларни географик жойлашувини билмаслиги, давлатни иқтисодий-сиёсий ҳолатини чуқур тушунадиган раҳбарларнинг йўқлиги туфайли Бухоро Помир худудларини бошқариш ҳуқуқидан деяри маҳрум бўлиб Панжбўйидаги Дарбоз, Андхой, Маймана худудлари Россия ихтиёрига тўлиқ ўтди. Россия мустамлака худудларини ҳарбий жиҳатдан мустаҳкамлаш учун махсус чораларни кўриб 1887 йил 13 ноябрда Керки Термиз йўналиши бўйича Амударё ҳарбий флотини тузди. Бундан асосий мақсад чегара худудларни кузатиш ва қўриқлаш билан бирга йўловчилар юкларни ташиш, Термиз-Керки-Петро-Александровский йўналишидаги йўлларни бир-бири билан боғлаш, темирйўл орқали Каспий денгизга юкларни етказишни ўз зиммасига олган эди. Дастлаб 1888 йилда Амударё флотига «Царь» ва «Царица», 1895 йилда «Царицаревичь» пороходлари келтирилган бўлса, 1887 йилда «Великий Князь», 1899 йилда «Великая Княжна Ольга», 1901 йилда «Императоръ Николай II» пароходлари сув қатновига қўйилди. 1910 йилга келиб Чоржуйда махсус кема таъмирлаш устахонаси қурилиб, 6 та пароход, 2 та буғкатори, 13 та темир баржа, 2 та нефт сақловчи ва бошқа кемалар бўлиб, уларнинг умумий қиймати 1 миллион 500 минг рублни ташкил қилган эди[14]. Россия ўз ҳарбий қудратини Марказий Осиёда намойиш этиш мақсадида ҳарбий флотни янги замонавий қуроллар билан жиҳозлаш билан бирга Амударё қирғоқларида яшовчи маҳаллий аҳоли истиқомат қилувчи қишлоқлар яқинида ҳарбий машқлар ўтказиш, маҳаллий халқнинг кўзини кўрқитишга ҳаракат қилди. Чунки Бухоро амирлиги ўзини ҳимоя қилишга қурби етмас, армия ниҳоятда қолоқ, қуролланиш жиҳатдан заиф, найза ва қилич энг асосий қурол ҳисобланар эди.

Амир ўз ҳокимиятини сақлаш ва ҳимоя қилишда Манғит уруғига таяниб иш юритиб, армиянинг асосий қисми манғитлардан тузилган ҳарбийлар-сарбозлардан иборат бўлиб, улар Амирни шахсий қўриқчилари ҳамда шаҳар ҳимояси билан шуғулланган эди. Амирликка қарашли Бекликларда қисман оз миқдорда ҳарбийлар бўлиб, улар шаҳар ва қалъаларни ҳимоя қилиш билан шуғулланиб, армия доимий ҳамда лашкарга бўлинган эди. Халқ лашкари ёмон қуролланган, замонавий уруш олиб бориш тажрибасига эга эмас эди. Россия армияси эса янги уруш олиб бориш имкониятига эга бўлиб, қуролланиш ҳамда жанг олиб бориш тажрибаси жиҳатдан Бухоро армиясидан анча устун эди. Бухоро амирлигини Шарқий худуди Россия манфаатларини қизиқтирган эди. Чунки бу ўлкалар Россия иқтисодини кўтаришда битмас-туганмас бойликларга эга бўлиб, саноат, қишлоқ хўжалиги, чорвачилик маҳсулотларини етказиб берувчи серунум воҳа эди. Россия Амударё йўналиши бўйлаб 1907 йил Чоржу-Сарой оралиғидан 2 миллион пуд юкни ташиб, уни асосан жун, гилам ва бошқа турли хил хомашё манбалар ташкил этган [2,Б.48-50]. Масалан 11,697 пуд зиғир ёғи 12,000 пуд писта, 19440 пуд кунжут, 10,312 пуд грек ёнғоғи, 200

минг пуд арпа, 250 минг пуд буғдой, 10 минг пуд бошқа маҳсулотлар, жами 500 минг пуд маҳсулотлар Айванждан, Термиз орқали Афғонистондан гилам, писта ва бошқа маҳсулотлар, Қундуз шаҳридан 41,000 пуд зиғир ёғи, 3000 пуд кунжут, 2000 пуд қуритилган мева, 3000 пуд кунжут, 200 пуд хом-ашё, 1000 пуд гуруч, Жиликўл, Қўрғон-Тева, Вахшдан 100 минг пуд буғдой, 75 минг пуд арпа, жами бўлиб 250 минг пуд маҳсулотлар Россияга жўнатилаган. 1907 йил Чоржуй (Аму-дарё) станциясидан 1,556,842 пуд юклар жўнатилиб 1,822,543 пуд юклар қабул қилиниб, жами 3.379,385 пуд юклар қабул қилинган. Ушбу юкларнинг асосий қисми тижорат юкларини ташкил этган. Бундан ташқари 300,000 пуд юклар Термиздан жўнатилаган[9]. Термиз, Керки ва Чоржуйдан жўнатилаган юкларни ҳамда шаҳардаги ҳарбий ва рус аҳолиси манфаатлари учун қолдирилган юкларни умумий ҳисоблаганда 3 миллион 700 минг пудни ташкил этган. Россия Бухоро амирлигини Шарқий ҳудудларига мустаҳкам жойлашиб олиб, келажакда ҳинд океанига чиқиш учун муҳим ҳарбий стратегик базани вужудга келтиришга жиддий киришди. Бу мақсадни амалга ошириш учун Бухоро амирлиги ҳудудда Почта-телеграф ва йўл алоқаларини ўрнатиш, дастлабки қайта ишловчи саноат-фабрикаларни ишга тушириш, Амударё-Панжсув пароход катновини яна мустаҳкамлаш, Бухоро-Шаҳрисабз, Қарши, Термиз, Ҳисор ва Кулоб Темир йўлларни қуриш ва ишга туширишга киришди. Россия ўз мустамлакачилиги даврида Шарқий Бухоро ҳудудида миллий камситувчи сиёсатни олиб бориб, ўзини зўравонлик, талончилик ва босқинчилик сиёсатини яққол намоён этди.

#### Адабиётлар:

1. Турсунов С.Н., Саидов Б. Термиз йилномаси.–Тошкент:Шарқ,2001.– Б. 124.
2. Турсунов С., Қобилов Э., Муртазоев Б., Пардаев Т. Сурхондарё тарихи. –Тошкент: Шарқ, 2004. – Б. 608.
3. Турсунов С.Н. Шерободликлар. –Тошкент: А.Навоий номидаги Ўзбекистон миллий кутубхонаси, 2007. – Б. 385.
4. Турсунов С.Н. Жарқўрғон. –Тошкент: Фан. 2008. –Б. 303.
5. Турсунов С., Турдиев Т. Денов. –Тошкент: Фан, 2009. – Б. 501.
6. Турсунов С., Рашидов Қ. Бойсун. –Тошкент: Akademhashr. 2011. – Б. 551.
7. Турсунов С., Қобулов Э., Муртазоев Б., Пардаев Т., Умаров И. Термиз тарихи. –Тошкент: Yangi nashr, 2019. –Б. 288.
8. 45-фонд, Сурхондарё вилояти меҳнаткашлар депутатлари Советларининг ижроия комитети (облисполком).
9. 76-фонд, Сурхондарё вилояти статистика бошқармаси.
10. 6.316-фонд, Марказий статистика бошқармаси. Сурхондарё област статистика бошқармаси.
11. 474-фонд, МДТОСИ (Меҳнаткашлар депутатлари Сурхондарё область) комитети аҳолини ишга жойлаштириш ва ишчиларни ташкилий танлаб олиш.

12. Правда (Москва), 1920-1970 гг.
13. Правда Востока (Ташкент), 1926-1990 гг.
14. Қизил Ўзбекистон (Тошкент), 1925-1941 йй.

## **МУСТАҚИЛЛИК ЙИЛЛАРИДА ТОШКЕНТ ШАҲАР КЎЧАЛАРИ НОМЛАНИШИДА ТАРИХИЙЛИК ВА МИЛЛИЙЛИК ЖИҲАТЛАРИНИНГ АКС ЭТИШИ**

**Буриева Х.А.**  
*т.ф.д., проф.в.б.*

*Ўзбекистон Миллий университети*

Ўзбекистон Республикасида мустақиллик йилларида миллий ўзликни англаш, кадриятларни ҳаётга қайтариш, собиқ совет тизими даврида асосиз равишда ўзгартириб юборилган кўплаб қадимий жой номларини тиклаш борасида катта ишлар амалга оширилди. Айниқса, мамлакат пойтахти Тошкент шаҳрида топонимик объектларнинг номларини тартибга солиш борасида мунтазам тадбирлар олиб борилиб, дастлаб шаҳардаги маъмурий бирликлар – туманлар ва даҳалар, кейинги навбатда аҳоли пунктларининг таркибий қисмлари – маҳаллалар, шунингдек, шохкўча, кўча, майдон, боғ, хиёбонлар номларига тегишли ўзгартиришлар киритила бошланди.

Ўзбекистон Республикасининг “Давлат тили ҳақида”ги Қонунида жой номлари давлат тилида бўлишига алоҳида эътибор қаратилиб, унинг 22-моддасида “Географик объектларнинг номлари давлат тилида акс эттирилади”, деб белгиланди [1]. Кейинги навбатда, 1996 йил 30 августда “Ўзбекистон Республикасида маъмурий-худудий тузилиш, топонимик объектларга ном бериш ва уларнинг номларини ўзгартириш масалаларини ҳал этиш тартиби тўғрисида”га Қонун қабул қилинди [2]. Ушбу Қонуннинг 19-моддасида: “Маҳаллалар, кўчалар, майдонлар, хиёбонлар, боғлар, аҳоли пунктларининг бошқа таркибий қисмларига ном бериш ва уларнинг номини ўзгартириш фуқаролар ўзини ўзи бошқариш органларининг тақдимномасига мувофиқ халқ депутатлари тегишли туман, шаҳар Кенгаши томонидан амалга оширилади,” – деб белгиланди. Бу борада Тошкент кўчалари номларини ўлканинг тарихи, худуднинг табиати, аҳолиси ва ижтимоий ҳолати, миллий кадриятлар билан боғлиқ равишда ўзгартириш ишлари йўлга қўйила бошланди. Қонунни бажариш борасида республика ҳукумати томонидан қарорлар қабул қилинди. Хусусан, ЎзР ВМнинг 383-сон қарори асосида Республика топонимик комиссиясининг Тавсиялари ишлаб чиқилди ва уларда жой номларини қўйиш бўйича маълум талаблар белгиланди [3; 4 б.]. Масалан, шахс исмларини жой номлари сифатида танлаб олиш борасида ҳужжатнинг 1–5-бандларида кўрсатмалар берилиб, уларга кўра: “...Шахс номи унинг вафотидан кейин камида 5 йил ўтгач ёки аввал вафот этган шахснинг обрў-эътибори камида чорак асрлик муддатга бардош бергандагина бирор объектга қўйилиши мумкин. Мамалакатимиз миқёсида алоҳида хизмат кўрсатган, шунингдек, мустақилликни мустаҳкамлаш ва уни



ҳимоя қилиш йўлида қаҳрамонлик кўрсатиб қурбон бўлган шахслар номи Ўзбекистон Республикаси Президенти Фармони, Вазирлар Маҳкамасининг қарорига мувофиқ, истисно тариқасида, абадийлаштирилади... Маҳаллий ҳокимият органларининг объектларга кишилар номини бериш ҳақидаги таклифлари дастлабки тарзда Ўзбекистон Республикасидаги топонимик объектларга ном бериш масалаларини мувофиқлаштирувчи Республика комиссияси билан келишилиши шарт...". Жой номини тарихий шаклини тиклаш ёки уни миллийлаштиришга доир талаблар ушбу ҳужжатнинг 6–9 бандларида кўрсатилган: "...Аввалдан мавжуд жой номини ўзгартириш зарур бўлганда, биринчи навбатда, жойнинг ўтмишда мавжуд бўлган тарихий номини тиклашга ҳаракат қилиш лозим. Жой ва объектларнинг тарихий-миллий анъаналаримизга, миллий тафаккур ва маънавиятимизга ёт бўлган номлари янгилашни шарт. Янги танланган ва қўйилган ном ўзбек тили топонимия қоидаларини бузмаслиги, унга зид келмаслиги, халқимизнинг тарихий, миллий анъаналарига, умумдавлат манфаатларига мос бўлиши лозим". Шаҳар ҳудудида учраётган бир хил жой номларини ўзгартириш зарурати ҳамда янги номларнинг шаклига қўйиладиган талаблар Тавсияларнинг 10–11-бандларида келтирилган: "Бир номни бир неча объектларга такроран қўйиш, шунингдек, бир хил, шаклан ўхшаш номларнинг кўпайиб кетишига йўл қўймаслик керак... Берилаётган ном шаклан қисқа, талаффузи қулай, ўзбек тилининг имловий нормалари талабларига мос бўлмоғи лозим" [3; 5 б.]

Топонимия комиссияси томонидан шаҳардаги жой номларини ўзгартириш ёки янги кўча ва объектларга номлар бериш таклифлари Тошкент шаҳар ҳокимиятига тақдим этилган. Мазкур таклифлар ва уларнинг асослари ҳокимиятда кўриб чиқилиб, шаҳар ҳокимининг Қарорига кўра тасдиқланган ва шундан сўнг ҳукуқий асосга эга бўлган [4]. Айни вақтда Тошкент шаҳар ҳудудида янги топонимларни шаклланиши ва уларнинг тасдиқланиши билан боғлиқ қарорларни қабул қилишда шаҳар ҳокими ҳукумат ва мутасадди ташкилотлар, яъни Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси, Республика топонимик объектларга ном бериш масалаларини мувофиқлаштирувчи комиссия, шаҳар Топонимия комиссиялари қарорларида белгиланган таклиф ва кўрсатмаларга таянган, ўз навбатида, комиссиялар соҳа мутахассислари ҳамда шаҳар аҳолисининг фикрларини инобатга олган ҳолда, таклифлар берган [5; 43-варақ].

Мазкур йилларда жой номларига тарихийлик шаклини бериш ва уларда миллийлик жиҳатларини кучайтириш жиҳатларига алоҳида эътибор қаратилган. Кўчаларнинг янги номлари кўчаларда илинган тахтачалар, тегишли расмий ҳужжатлар, оммавий ахборот воситалари ва ҳ.к.ларда эълон қилинган. Бу борада манбавий жиҳатдан айниқса шаҳар маъмурияти қарорлари ва булар билан боғлиқ нашрлар, шунингдек, Тошкент шаҳар карталари ҳамда турли хўжалик тармоқларига оид чизмалар алоҳида аҳамиятга эга. Масалан, 1992 йилда Тошкент шаҳар Ҳокими маҳкамаси ҳузуридаги Атамалар комиссияси рухсати билан чоп этилган

Маълумотномада “охирги бир неча йиллар ичида” Тошкент кўчалари номлари билан боғлиқ ўзгаришлар қайд этилиб, жами 342 та кўча, берккўча, торкўчанинг янгича номлари берилган [3; 92 б.]. Манбада 1989–2005 йиллар давомида Тошкент шаҳрида жами 1225 та кўча, берккўча ва торкўчанинг ўзгартирилган шакллари келтирилган. Юқорида кўрсатилган Маълумотномада кўчаларнинг эски ҳамда янги номи туманлар кесимида берилган. Уларни таҳлил қилиш натижасида кўчаларга берилган янги номлар бўйича статистик маълумотларни қўлга киритиш мумкин (1-жадвал):

*1-жадвал*

**1980 йиллар охири – 2005 йилларда Тошкентда номи ўзгартирилган кўчалар сони тўғрисида маълумот\***

<i>1980 йиллар охири – 1992 йил</i>		<i>1989 – 2005 йиллар</i>	
<i>Туман номи</i>	<i>Кўча сони</i>	<i>Туман номи</i>	<i>Кўча сони</i>
Акмал Икромов	10 та	Учтепа	48 та
Бектемир	22 та	Бектемир	34 та
Мирзо Улуғбек	16 та	Мирзо Улуғбек	213 та
Миробод	23 та	Миробод	162 та
Сергели	36 та	Сергели	72 та
Собир Раҳимов	30 та	Собир Раҳимов	128 та
Чилонзор	17 та	Чилонзор	70 та
Шайхонтохур	49 та	Шайхонтохур	135 та
Юнусобод	31 та	Юнусобод	184 та
Яккасарой	65 та	Яккасарой	157 та
Ҳамза	43 та	Ҳамза	94 та
Жами шаҳар бўйича	342 та	Жами шаҳар бўйича	1225 та

• Жадвал қуйидаги адабиётда келтирилган маълумотларини таҳлил этиш асосида тузилди: Тошкент шаҳар номи ўзгарган кўчалар тўғрисида маълумот (1989-2005). – Тайёрловчи: Исматуллаев Э. Тошкент шаҳар Камолот бўлими. Тошкент, 2005. 92 б.

Кўчаларнинг янги номлари мазмунининг таҳлили улар турли омиллар билан боғлиқ ҳолда аталганини кўрсатади. Хусусан, ўлкада яшаб ўтган машҳур тарихий шахслар, таниқли фан ва маданият арбоблари, дунёнинг бошқа давлатлари таниқли арбоблари ва мутахассилари, Иккинчи жаҳон урушида жасорат кўрсатган қаҳрамонларнинг исмлари, Ўзбекистон халқининг тинчлиги учун жонини қурбон қилган шахслар (Али Қушчи, Шукур Бурҳонов, Билол Нозим, Генерал Каримов, Маткарим Матчонов), Республиканинг турли ҳудудларидаги географик жойларнинг номлари (Водил, Орол), мазкур кўча жойлашган ҳудуднинг тарихий аталиши (Фарғона йўли, Оққўрғон), табиий шароити билан боғлиқ номлар (Боғишамол, Чирчиқбўйи), шаҳарнинг маданий, ижтимоий-иқтисодий ҳаёти билан боғлиқ номлар (Матбуотчилар, Маърифат, Пойгоҳ), инсон ҳис-туйғулари, маънавий дунёсини акс эттирувчи номлар (Олий ҳиммат, Ҳулқар), шунингдек, кўча номига тартиб киритиш мақсадида аталган номлар (Катта Миробод 1-тор, Кичик ҳалқа йўли) Тошкент шаҳри кўчалари билан боғлиқ микротопонимларнинг янги таркибидан ўрин олган.

Мустақиллик йилларида кўчалар билан боғлиқ топонимлардаги ўзгаришлар картографик манбаларда ҳам қайд этилган. Мустақилликнинг дастлабки 10-15 йиллик даврида кўча номлари билан боғлиқ топонимик гуруҳлар таркибидаги ўзгаришларни таҳлилий натижаларда кузатиш мумкин (2-жадвалга қаранг).

*2-жадвал*

**Мустақиллик йилларида Тошкент шаҳар кўча номлари билан боғлиқ топонимик гуруҳлар салмоғи\***

<i>1994 йил</i>	<i>2007 йил</i>
Антропотопонимлар – 61 %	Антропотопонимлар – 45,4 %
Географик жойлар номи билан аталган топонимлар – 12 %	Табиат билан боғлиқ номлар – 17 %
Табиат билан боғлиқ номлар – 7,5 %	Иқтисодий-ижтимоий ҳаёт билан боғлиқ номлар – 11 %
Маданий-маънавий тараққиётни акс эттирувчи топонимлар – 7 %	Маданий-маънавий тараққиётни акс эттирувчи топонимлар – 10 %
Иқтисодий-ижтимоий ҳаёт билан боғлиқ номлар – 6 %	Географик жойлар номи билан боғлиқ топонимлар – 8 %
Шарқ исмлари билан аталаган номлар – 4 %	Шарқ исмлари билан аталаган номлар – 6 %
Тарихий воқеаларни акс эттирувчи топонимлар – 2 %	Тарихий воқеаларни акс эттирувчи топонимлар – 1,3 %
Этнотопонимлар – 0,5 %	Этнотопонимлар – 1,3 %

Жадвал Тошкент шаҳрининг 1994 йил ҳамда 2007 йил географик карталарида қайд этилган кўча номларини таҳлил қилиш натижалари бўйича тузилди.

Картографик манбаларда келтирилган шаҳар кўчалари билан боғлиқ микротопонимларнинг қиёсий таҳлили ҳамда топонимларнинг гуруҳларга таснифлаш натижасида аниқ бўлишича, ўрганилаётган даврда шахс исмига атаб қўйилгани ва табиий шароитлар боғлиқ топонимлар гуруҳларида анчагина ўзгаришлар рўй берган. Антропотопонимлар салмоғи аввалги йиллардаги каби юқори бўлиб, 1994 картасида берилган кўча номларининг деярли учдан икки қисми шахс исмларига атаб қўйилган, қолган кўча номлари таркибида географик жой, табиий шароит, маданий-маънавий ва иқтисодий-ижтимоий ҳаёт, тарихий воқеалар билан боғлиқ. Бироқ кейинги йилларда жойларга шахс исмларини қўйиш ишлари маълум тартибга солиниб, бунга Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2004 йил 11 августдаги 383-сон қарорининг 4-банди меъёрий асос бўлган. Ушбу қарорга кўра топонимик объектларга ном бериш масалаларини мувофиқлаштирувчи Республика комиссияси махсус тавсиялар ишлаб чиққан. Натижада, кўча номларида шахс исмларининг салмоғи кейинги йилларда бирмунча пасайгани кузатилади. Масалан, 2007 йилги картада шахс исмларига атаб қўйилган кўча номлари умумий таркибда ярмидан камроқ қисмини ташкил этса-да, аммо улар таркибида айнан Ўзбекистон тарихи билан боғлиқ таниқли тарихий шахслар, алломалар, қаҳрамонлар, олимлар ва маданият арбобларининг исмлари кўпайган, жойнинг табиати, шунингдек, маданий-маънавий тараққиёт билан боғлиқ номлар сони ўсган, кейинги ўринни шаҳар хўжалиги, географик жойларнинг номлари ва Шарқ

исмларини акс эттирувчи топонимлар эгаллаб, этнотопонимлар, тарихий воқеалар билан боғлиқ номлар салмоғи камайган.

Кўча номларидаги бундай ўзгаришлар Ўзбекистон Республикаси Мустақиллик тараққиётининг дастлабки йилларида Давлат раҳбарияти томонидан жой номларини миллийлаштириш ҳамда уларга тарихийлик тусини беришга қаратилган тадбирлари натижаси деб эътироф этиш мумкин. Мазкур жараёнларни ўрганиш кўчалар тарихини ёритиш билан бир қаторда, мустақилликнинг дастлабки йилларида республика ҳукумат томонидан кўча номларини акс эттирувчи топонимларни қадрият сифатида сақлашда олиб борган тадбирлари моҳиятини англашда алоҳида аҳамият эга.

### **Адабиётлар:**

1. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 2011 йил, 41-сон, 449-модда.

2. “Географик объектларнинг номлари тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни. // Газета “Халқ сўзи”, 13 октябр 2011 йил.

3. Тошкент шаҳар номи ўзгарган кўчалар тўғрисида маълумот (1989-2005). – Тайёрловчи: Исматуллаев Э. Тошкент шаҳар Камолот бўлими. Тошкент.

4. Фақат шаҳар туманлари номларининг тасдиқланиши бундан мустасно. Зеро, уларни ўзгартириш тўғрисидаги таклиф шаҳар ҳокими томонидан Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасига тасдиқланиши учун тавсия қилинган.

5. Тошкент шаҳар МДА. 582-жамғарма, 1-рўйхат, 379-йиғмажилд.

## **ЎЗБЕКИСТОННИНГ ЖАНУБИЙ ҲУДУДЛАРИДА ШАҲАРЛАРНИНГ РИВОЖЛАНИШИ ВА УНДАГИ МУАММОЛАР ТАҲЛИЛИ (XX асрнинг 50-60 йиллари мисолида)**

**Пардаев Т.Р.**

*т.ф.д.,*

*Термиз Давлат университети*

Урушдан кейинги йилларда республика иқтисодиётининг барча тармоқлари сезиларли даражада ривожланиб борди. Натижада аҳолининг моддий турмуш шароити ҳам анча яхшиланиб, ижтимоий муаммолари ҳал қилина бошлади. Асосий вазифа урушнинг бутун оғирлигини елкасига олган халқнинг турмушини фаровонлаштириш, ишчилар, хизматчилар, инженер-техник ходимлар ва уларнинг оилаларга моддий ва маиший хизмат кўрсатишни яхшилаш зарур эди. Айниқса уй-жой қурилиши, мавжуд уй-жой фондарини таъмирлаш зарурати шу даврнинг долзарб вазифалардан бири эди. Хусусан шу даврда жанубий областларининг шаҳар аҳолисини уй-жой билан таъминлаш масаласида ҳам анчагина ишлар амалга оширилди.

Ўзбекистон ССР Олий Советининг 1946 йил 30 августда бўлиб ўтган VIII сессиясида аҳолини уй-жой билан таъминлаш юзасидан аниқ дастурлар

белгилаб олинди. Хусусан, уй-жой муаммосини ҳал қилиш учун катта миқдорда маблағ ажратилди, қолаверса, уй-жой қуриш учун корхоналарда алоҳида жамғармалар ташкил этилди. Ўзбекистон ҳукумати уй-жой қуриш учун 1946 йилга нисбатан 1947 йилда 1,5 барабар кўп маблағ ажратди [1]. 1948 йилга келиб уй-жой қурилиши учун урушгача бўлган учта беш йилликдаги маблағга нисбатан 3 марта кўп маблағ ажратилди [2]. Бу даврда Сурхондарё областининг бош шаҳри бўлган Термизда ҳам анчагина бунёдкорлик ишлари амалга оширилди. 1949 йилда шаҳарда уй-жой фондлари 1937 йилдагига нисбатан 2 марта кўпайди [3]. Шу даврда областнинг Шўрчи, Шеробод, Жарқўрғон районларининг марказларида ҳам анча кенг кўламли қурилиш ишлари амалга оширилди. Жумладан, 1947-1951 йилларда шаҳар ва шаҳар типидagi посёлкалардаги уй-жой фонди қарийиб уч барабар ошди [4]. Бу даврда давлат корхоналари билан бир қаторда кооператив ташкилотлар ҳам аҳолига уй-жойлар қура бошлади. 1947 йилда Сурхондарё области пахта тозалаш трести уй-жой қурилиши учун 265 минг рубль, Китоб пахта тозалаш заводига эса 14 минг рубль капитал маблағ ажратилди. Ушбу маблағлар ҳисобига Сурхондарё пахта тозалаш заводи ходимлар учун 116 кв метрли 2 та уй қурилиш режалаштирилди. Бироқ, турли сабабларга кўра ажратилган маблағнинг катта қисми ўзлаштирилмади [5]. Бундай ҳолатни Денов пахта тозалаш заводи мисолида ҳам кўриш мумкин. Масалан: 1948 йилда Денов пахта тозалаш заводига уй-жой қурилиши учун 214 минг рубль маблағ ажратилди. Бироқ, ушбу маблағнинг бор-йўғи 47 минг рубли ўзлаштирилди холос [6]. Йилдан-йилга аҳоли сонининг ўсиб бориши билан бирга одамларнинг уй-жойга бўлган эҳтиёжи ҳам ортиб борди. 1957 йилда КПСС Марказий Комитети ва СССР Министрлар Совети “СССРда уй-жой қурилишини ривожлантириш тўғрисида қарор қабул қилди. 1956-1985 йиллар оралиғида эса Иттифоқ миқёсида 3 миллиард кв метрдан зиёд бўлган 66 миллионга яқин уй-жойлар қурилди [7].

Ўзбекистонда ҳам шу давр мобайнида уй-жой қурилиши йилдан йилга кўпайиб борди. Чунинчи тўртинчи беш йилликда (1946-1950 йй)да 6951 минг кв метр, бешинчи беш йиллик (1951-1955 йй)да 10752 минг кв метр, олтинчи беш йилликда 18312 минг кв метр, еттинчи беш йилликда 15528 минг кв метр, саккизинчи беш йилликда 25660 минг кв метр, тўққизинчи беш йилликда 24761 минг кв метр, ўнинчи беш йилликда 27382 минг кв метр, ўн биринчи беш йилликда эса 27382 минг кв метр уй-жой бунёд этилди [8]. Лекин шунга қарамадан Ўзбекистонда аҳолининг уй-жой таъминоти муаммоси ҳал қилинмаган эди. Бу борада Ўзбекистон Иттифоқда охириги ўринлардан бирида турарди. 1980 йилдан 1986 йилгача ҳар бир шаҳар аҳолига турар жой майдони 9,6 квадрат метрдан 11,1 квадрат метрга ошган бўлса, бу кўрсаткич Иттифоқ бўйича 13,1 метр квадратдан 14,1 метр квадратга, Латвияда – 15,7 метр квадратдан 16,7 метр квадратга, Эстонияда эса 16,0 метр квадратдан 17,6 метр квадратга ошди [9]. Ўзбекистонда аҳолининг йиллик ўсиши юқори бўлганлиги боис йилдан-йилга турар

жойларга бўлган эҳтиёж ошиб борди. Шу сабабли ҳам Жанубий областларнинг марказий шаҳарларида кўп қаватли уйлар бунёд этилган бутун-бутун микрорайонлар пайдо бўлди. Ана шундай микрорайонлардан Термиз шаҳридаги 4 ва 5 микрорайонларни мисол сифатида келтириш мумкин. Аҳолини уй-жойга бўлган эҳтиёжини қондириш учун республика ҳукумати ўз маблағи ҳисобига шахсий уй қураётган кишиларни ҳар томонлама қўллаб қувватлаб борди. Уларга ер участкалари ва узоқ муддатли қарзлар бериб борди.

Урушдан кейинги дастлабки беш йиллик мобайнида республикада жами 1771 минг квадрат метр уй-жой қурилди. Жумладан, давлат ва кооператив ташкилотлари томонидан эса 887 минг квадрат метр уй-жой қурилди [10]. Лекин шу даврда шаҳар аҳолисининг уй-жойга бўлган талаби тўлиқ қондирилмаган эди. Республикада аҳоли жон бошига меъёрдаги 9 квадрат метр ўрнига 4 квадрат метрдан уй-жой тўғри келарди [11]. 1951 йилда Термиз шаҳрида яқка тартибда қурилган уйларнинг сони 70 тадан кўпроқни ташкил этди. 2170 квадрат метр уй-жой бинолари эса тўлиқ таъмирдан чиқарилди [12]. 1957 йилда Ўзбекистон Министрлар Советининг қарорига кўра Термиз шаҳрида 165-қурилиш трести ташкил этилди. Натижада трест шу йилнинг ўзида 5224 минг рублик қурилиш монтаж ишларини амалга оширди [13]. 1958 йилга келиб Термиз шаҳрида 10 минг квадрат метрга яқин турар-жой бинолари барпо этилди [14]. 1958 йилда Китоб консерва заводи ишчилари учун 1820 квадрат метр уй-жой бунёд этилди [15].

Шу йили Қарши ёғ экстракция заводининг 50 фоиз ишчи хизматчиси уй-жой билан таъминланган эди [16].

1959 йилдан бошлаб республикада шахсий уй-жойларни қуриш ишлари камая бошлади. Чунки шу йилдан бошлаб, айрим сабабларга кўра республиканинг Тошкент, Сирдарё, Фарғон, Андижон, Қашқадарё ва Сурхондарё областларининг шаҳарларида шахсий уй-жой қурилиш ишлари тақиқланди. 1960 йилга келиб шахсий уй-жойларнинг қурилиши кескин камайиб кетганлиги яққол сезилиб қолди. Масалан 1958 йилда Қашқадарёда ўз маблағи ҳисобига 108 минг квадрат метр, Сурхондарёда эса 43 минг квадрат метр уй-жой қурилган бўлса, 1960 йилга келиб Қашқадарёда 98000 квадрат метр, Сурхондарёда эса атига 21 минг квадрат метр уй-жой қурилди [17].

Ишчи хизматчиларнинг шахсий уй-жой қуриш ташаббусини бу тарзда бўғиб қўйилиши туфайли шаҳарларда аҳолини уй-жой билан таъминлашда жиддий муаммолар вужудга келди. Оқибатда уй-жойларга навбатда турувчилар сони йилдан йилга кўпайиб борди. Масалан, 1963 йилда Термиз шаҳрида 163 нафар ишчи хизматчи квартира олиш учун навбатда турган бўлса 1969 йилга келиб уларнинг сони 216 тага етди [18]. Қашқадарё областида давлат ва кооператив ташкилотлар томонидан 1958 йилда 18 та 1959 йилда 26 та 1960 йилда эса 28 та уй-жой қурилган бўлса, Сурхондарёда эса 1958 йилда 25 та, 1959 йилда 46 та, 1960 йилда эса 49 та уй-жой қурилди.

Ишчи ва хизматчиларнинг шахсий ва давлат қарзлари ҳисобига қурган уйлар эса Қашқадарёда сони 1958 йилда 108 та, 1959 йилда 114 та, 1960 йилда эса 98 та уйни ташкил этди. Сурхондарёда 1959 йилда 43 та, 1959 йилда 23 та, 1960 йилда 21 та шундай уй - жойлар қурилди [19]. Бу даврда шаҳар аҳолисини уй-жой билан таъминлашни яхшилаш мақсадида қатор қурилиш ташкилотлари ҳам ташкил этилди. Жумладан, 1963 йил февралда Сурхондарёда 11 қурилиш трести, 1968 йилда 26 қурилиш трести, кейинроқ эса Сурхон совхоз водстрой ва Сурханстрой трестларининг ташкил этилиши натижасида област шаҳарларида олиб борилаётган қурилиш монтаж ишларининг ҳажми кескин кўпайди. Агар 1960 йилда Термизда 24 та уй-жой қурилиб фойдаланишга топширилган бўлса, 1961 йилда 6275 квадрат метр турар-жой биноси ишга туширилиб 21 оилага уй-жой учун ордер берилди [20]. Термиз шаҳрида 1951-1961 йиллар оралиғида 93,2 минг квадрат метр уй-жой бинолари қурилди [21]. Бу даврда Республикада шаҳар аҳолисининг демографияси ҳам анча ўсди. Янги ерларни ўзлаштирилиши туфайли Республикада янги 21 та шаҳар вужудга келди. Жумладан Жанубий областлардаги Гагарин, Муборак, Таллимаржон каби шаҳарлар асосан аҳоли миграцияси туфайли вужудга келган эди [22].

Ўрганилаётган даврда шаҳарларни ободонлаштириш, газ ва тоза ичимлик суви билан таъминлаш йўли қурилиши борасида ҳам анчагина ишлар бажарилди. Жумладан, 1956 йилда Шаҳрисабз шаҳрини қайта таъмирлаш бош лойиҳаси тасдиқланди. 1956 йилда эса шаҳар кўчаларини асфальтлаш ишлари амалга оширилган бўлса, 1958 йилдан бошлаб эса Шаҳрисабз шаҳри аҳолисига ичимлик сувини қувурлар орқали етказиб бериш йўлига қўйилди [23]. 1959 йилдан бошлаб Термиз шаҳри эса газлаштирила бошланди. Ўша йилнинг охиригача шаҳардаги 60 та хонадонга газ плитаси ўрнатилди. 1962 йилнинг бошига қадар бу кўрсаткич 2500 тадан ошди [24].

1962 йилда Термиз шаҳри аҳолисини тоза ичимлик суви билан таъминлаш мақсадида 500 минг рубль пул ажратилиб шаҳарда 19 километр узунликдаги сув қувури ётқизилди [25]. Шу даврда шаҳар аҳолисининг сони ҳам йил сайин ўсиб борди. Бу жараён аҳоли демографиясининг йил сайин ўсиб бориши билан бир қаторда, шаҳарларда ишлаб чиқариш ҳамда маиший ва маданий иншоотларнинг барпо этилганлиги сабабли аҳоли миграциясининг шаҳарга интилиши билан боғлиқ тарзда кечди. Шу боис Ўзбекистон шаҳарлар сони тез ўсиб бораётган республикалар қаторига кирди. Фақатгина 1970 йилдан 1985 йилгача бўлган даврда республика харитасида 80 та янги шаҳар вужудга келди [26]. Ана шу даврда бунёд этилган шаҳарларнинг учдан икки қисми республика ер ости бойликларидан фойдаланишнинг бошланиши ва янги ерларни ўзлаштириш туфайли вужудга келди.

#### **Адабиётлар:**

1. Ўз МА 737-фонд 3-ёзув, 90-иш, 180-варақ
2. Правда Востока, 1948 йил 28 май.

3. Азимов М. Термиз тарихи. “Насаф” 2001. –Б.164.
4. Сурхондарё вилояти давлат архиви 70-фонд, 1-ёзув, 137-иш, 55-56-в.
5. Ўз МА 2099-фонд 4-ёзув, 170-иш, 56-варақ.
6. Сурхондарё вилояти давлат архиви 70-фонд, 1-ёзув, 126-иш, 29-30-в.
7. Минульский К.И. ва бошқ. КПССнинг социал сиёсати. – Тошкент: “Ўзбекистон”. 1987. –Б.272.
8. Народное хозяйство Узбекской ССР. 1985. – Ташкент: “Ўзбекистон”. 1986.
9. Народное хозяйство СССР в 1988. – С.168.
10. Народное хозяйство Узбекской ССР в 1965. Статистический ежегодник. – Ташкент, 1966. –С. 278.
11. Ўз МА 868-фонд 12-ёзув, 16-иш, 28-варақ
12. Сурхондарё вилояти давлат архиви 70-фонд, 1-ёзув, 136-иш, 13-варақ.
13. Азимов М. Термиз тарихи. – Қарши: “Насаф”. 2001. – Б.16.
14. Сурхондарё вилояти давлат архиви 70-фонд, 1-ёзув, 52-иш, 18-варақ.
15. Ўз МА 2099-фонд 4-ёзув, 171-иш, 43-варақ.
16. Қашқадарё вилоят давлат архиви 31-фонд, 1-рўйхат 362-иш, 262-варақ.
17. Народное хозяйство Узбекской ССР в 1965 году. Статистический ежегодник. – Ташкент, 1966 г. – С.272.
18. Сурхондарё вилояти давлат архиви 70-фонд, 1-ёзув, 228-иш, 360-361-в.
19. Народное хозяйство Узбекской ССР в 1965 году. Статистический ежегодник. – Ташкент, 1966 г. – С. 279.
20. Ленин байроғи газетаси. 1961 йил 18 декабр сони.
21. Азимов М. Термиз тарихи. – Қарши: “Насаф”. 2001. – Б. 116.
22. Бобожонова Д. Ўзбекистонда демографик жараёнлар ва уларнинг хусусияти. – Ташкент: “Фан”. 1995. –Б.70.
23. Жўрақулов О. Раҳматов А. Шаҳрисабз йилномаси.–Тошкент: “Фан”. 2007.
24. Ленин байроғи газетаси 1962 йил 11 феврал 26-сон.
25. Азимов М. Термиз тарихи. – Қарши: “Насаф”. 2011. – Б. 167.
26. Народное хозяйство Узбекской ССР в 1987 году. Статистический ежегодник. – Ташкент: – С.203.



## ХІХ АСРНИНГ БИРИНЧИ ЯРМИДА БУХОРО - РОССИЯ САВДО АЛОҚАЛАРИ

**Очилдиев Ф.Б.**

*т.ф.н., доц.,*

*Ўзбекистон Миллий университети*

Россия империяси ўз манфаатлари йўлида иқтисодий муаммолар ва саноатни ривожлантириш мақсадида Ўрта Осиёдаги вазиятларни ҳар томонлама ўрганиб, хонликларга қарши кенг қамровли ҳарбий-сиёсий ҳаракатларни олиб боришга тайёргарлик кўра бошлади. Шундай ҳаракатлардан бири 1858 йилда Хива ва Бухоро хонлигига Н.П.Игнатъев бошчилигидаги миссия ташриф буюрди. Игнатъев бошчилигидаги ҳаракатлар Хива хонлигида бирон бир натижага эришмаган бўлсада, бироқ Бухорода баъзи бир ижобий натижаларни қўлга киритган. Бухоро амири Игнатъев томонидан илгари сурилган талабларга рози бўлган. Унга кўра Бухоро ҳукуматига қуйидаги талаблар қўйилганди: рус молларидан олинадиган божларни камайтириш; Бухорода муваққат савдо агентлигини жорий қилиш; асирда (тутқинда) сақланаётган рус асирларини озод этиш; рус савдогарлари учун алоҳида карвонсарой ажратиш бериш шарти қўйилганди [1, С.227-228]. Аммо Н.Игнатъев томонидан илгари сурган талабларнинг аксарияти Бухоро ҳукумати томонидан ижро қилинмаган [2].

Маълумотларга кўра, XVIII асрнинг иккинчи ярмида ҳам ундан кейинги даврларда ҳам Бухоро амирлигида пахтадан тўқилган матолар ипак ва ярим ипакдан тўқилган газламалар ҳунармандлар томонидан кўп миқдорда ишлаб чиқарилган. Ўрта Осиё хонликлари ичида Бухоро амирлиги Россияга газламаларни экспорт қилиш бўйича етакчилик қилишган. 1747-1750 йилларда Бухорода ишлаб чиқарилган 84210 аршин зандана матоси ҳамда 81950 аршин ҳар хил рангдаги чит матолари Россияга чиқарилган. Бухорода тайёрланган ипак ва ярим ипак матолари Россиянинг Оренбург савдо марказида Эронда ишлаб чиқарилган ипак ва ярим ипак матоларга нисбатан 6-7 барабар кўп сотилгани тўғрисида маълумотлар мавжуд [3, С.81].

Бу даврда Бухоро-Россия ўртасидаги савдо алоқаларида бироз жонланиш кузатилади. Бунга турли даврлардаги тижорий муносабатларни кузатиш орқали гувоҳ бўлиш мумкин: XVIII аср ўрталарида Оренбургдан Бухорога олиб келинган ҳар бир туя юкучун 17-25 рубль [4, С.393] миқдорда кира ҳақи олинган бўлса, XIX асрнинг ўрталарига келиб эса бу харажат 9-16 рублга арзонлашган [5, С.39]. Е.К.Мейендорф Троицкдан Бухорога олиб келинган юк учун тахминан 6 рубль кира ҳақи олинганини ёзади [6, С.124].

Бухоро амирлиги билан Россия савдо алоқаларининг ривожланишига ижобий таъсир кўрсатган омиллардан бири, бу йўл харажатининг арзонлашуви эмас, балки ўша даврда карвон йўли хавфсизлигининг тўлиқ таъминланиши бўлган. Л.Яворскийнинг сўзларига кўра, карвон йўллари хавфсизлиги таъминланиши туфайли Россиядан Бухорога ҳар йили 25-30 минг, Ҳиндистондан 12 минг, Эрон ва Хуросондан 3 минг туя юк ортилган

савдо карвонлари ташриф буюрган. Шунингдек, у Бухоро бозорларида харидоргир ва кўпроқ сотиб олинадиган тижорий молларнинг сифати масаласида фикр юритиб, унда энг сара маҳсулотлар рўйхатида биринчи навбатда француз товарлари, кейинги ўринларда эса рус ва инглиз маҳсулотлари туришини таъкидлайди [7, С.342].

Манбаларда XIX аср бошларигача Россиядан Бухорога очикдан очик металл олиб келиш таъқиқланганлиги баён қилинган. Лекин истисно тариқасида Бухоро ҳукуматининг таклифига кўра Россия ҳукуматининг розилиги билан наёб металллар амирликга олиб кирилган. Масалан 1731 йили Россия ҳукумати рухсати билан 3000 пуд мис металл олиб келинган [8, С.22].

XIX аср бошларига келиб Россиядан Бухоро амирлигига эркин тарзда металл олиб келишга рухсат берилди. Шундан сўнг савдогарлар эркин тарзда амирликка темир, мис, пўлат ва чуғун металлларни кўплаб олиб кира бошлади. Бухоро – Россия ўртасида олиб борилган савдода темирдан тайёрланган буюмларни олиб кириш етакчи ўринда турган. 1840-1850 йилларда Россиядан Оренбург божхона бўлими орқали 40 минг пуд мис, 400 минг пуддан ортиқ темир, 75 минг пуд чуғун ва 25 минг пўлат Бухорога олиб кирилган [9, С.22]. Россиядан олиб келинган метал буюмларга Бухоро амирлигида талаб юқори бўлиб, бу металллардан қишлоқ хўжалигида ишлатиладиган асбоб ускуналар ва хўжалик учун зарур бўлган турли хилдаги меҳнат қуроллари ясалган.

Бухоро амирлигида баҳор ойларида савдо-сотик ўзининг юқори чўққисига кўтарилган. Бу даврда Россия, Эрон, Афғонистон, Ҳиндистон, Тибет ва қўшни хонликлардан кўплаб савдо карвонлари кириб келган. Ф.Ефремов фикрича Бухорода 4 та карвонсарой чет мамлакатлардан келган карвонларга қўналға вазифасини ўтаган. Эрталаб бозор Чорсуда бўлса, тушдан кейин бозор Бухоронинг маркази ҳисобланган Регистон майдонида давом эттирилган. Т.С.Бурнашев Бухорода 9 та икки этажли карвонсарой бўлганлигини, савдогарлар омборларда сақлаган моллари учун тўланадиган тўлов карвонларнинг келиб-кейтишига қараб олинганлигини қайд қилган [10, С.73 ].

Оренбург чегара божхона тизимининг маълумотларига кўра, XIX аср бошларида Бухорода хориж савдогарлар учун 10 та карвонсарой хизмат кўрсатганлигини ёзади [11, С.37]. А.Негри Бухорога ташриф буюрганда Бухорода 14 та карвонсаройнинг номини кўрсатиб ўтган: Абдуллажон, Қушбеги, Ҳинд, Нўгай, Хўжа Жўйбара, Тошкент, Қарши, Марағул, Амир, Қулота, Фишина, Жонқулшира ва иккита кичик Урганч номли карвонсаройлари. Булар ичида энг каттаси Абдуллажон карвонсаройи ҳисобланиб, у 1819 йилда қурилган [12, С.100 ].

Н.В.Ханыков Бухорога ташриф буюрган даврда Бухорода 24 та тош ва 14 та тахтадан қурилган карвонсарой борлигини ёзган [13, С.88]. Е.К. Мейендорф Бухоро амирлигида карвонсаройлар қурилиш режаси тўғри тўртбурчакли қилиб қурилганлигини, карвонсаройнинг ҳар тарафида

расталар борлигини, карвонсаройнинг иккинчи этажи омборхона вазифасини бажарганлигини, омборхонада молларни сақланганлиги учун бир кунга ярим тиллодан ҳақ тўланиши, карвонсаройдаги раста учун ойига 16 рубль тўланганлигини, шунингдек, карвонсарой савдогарлар учун ётоқжой яъни меҳмонхона вазифасини ўтаганлигини, баъзи савдогарлар ўз омборларида баъзилари эса карвонсаройдан ташқарида бошқа жойларда тунашликларини ҳам таъкидлаб ўтаган [14, С.100]. Вамбери Бухорода 30 га яқин карвон сарой бўлиб, бу карвон саройлар савдогарларнинг молларига омборхона, ўзларига ётоқхона ҳамда сайёҳлар учун қўналға вазифасини бажарганлигини маълум қилган [15, С.182].

Ҳиндистондан Қобул орқали Бухорога кўплаб савдо карвонлари келиб турган. Ҳиндистондан келтирилган матоларга Бухоро амирлигида талаб катта бўлган. Бухоролик савдогарлар Ҳиндистондан келтирилган матоларни насияга (реалга) олиб Россия шаҳарларига олиб бориб сотишган. 1790-1800 йиллар ичида Россияга 50 минг рубллик ҳинд матоларидан бўз, босма тик, пардалар, одеял, ипақдан тўқилган матолар ва Ҳиндстон ёнғоқлари олиб чиқарилган [16, С.73]. XIX аср бошларида ҳинд савдогарлари Бухорога катта миқдорда Кашмир ва Форс шалейсини олиб келишган. Бухоролик савдогарлар эса бу маҳсулотларни Россия ва Европа мамлакатларига ҳам олиб чиқишган. Масалан, 1828 йилда бухоролик савдогар Морқаев Ҳиндистондан келтирилган 600 та кашмир шалейсини Оренбургга жўнатган. Бухорода Кашмир шалейсининг бир жуфти 100 тиллодан 300 тиллогача сотилган бўлса, Россияда эса анча қиммат нархда бир донаси 400 рублдан – 1000 рублгача баҳоланган. Кашмир шалейсини кўпроқ ўзига тўқ ёки сарой айёни ва мулозимлари кўпроқ харид қилишган. 1809 йили Оренбург генерал-губернатори Г.С.Волконский шахсан ўзи Кашмир шалейсига буюртма бериб, 15 та турли рангдаги шалейни 400 рублдан жами 6 минг сўмга харид қилгани борасида маълумотлар мавжуд [17, С.141-142].

Бухоро пахтаси ва ипагидан тайёрланган матоларни кўпроқ Россиянинг Волга бўйи, Қозон ва Сибир ҳудудларида яшовчи камбағал оилалар кўпроқ харид қилишган. Бухорода арзон матонинг 1 аршини 1-2 копейк (тийин)дан сотилган бўлса, бу матолар Россияда 5-6 копейкга нархланган [18, С.57]. Бундан савдогарлар ҳам катта фойда кўрган ҳамда аҳоли учун ҳам ҳамёнбоп ҳисобланган.

Бухородан Россияга Оренбург божхонаси орқали савдогарлар кўп миқдорда кумуш чиқариб Россия маҳсулотларига алмашишган. 1749 йилда Бухоро савдогарлари Оренбургда 418 пуд кумушни Россияда ишлаб чиқарилган маҳсулотларга айирбошлашган [19, С.80]. Россияда ишлаб чиқарилган қимматбаҳо металл ва тошдан ясалган заргарлик буюмларига Ўрта Осиё хонликларида эҳтиёж кучли бўлган. Шунинг учун ҳам Россияга кўп миқдорда олтин ва кумуш тангалар олиб чиқилган. 1748-1755 йилларда Ўрта Осиё хонликларидан 50 пуд олтин, 4500 пуд кумуш Россиянинг турли ҳудудларига сотиш учун чиқарилган. 1749-1750 йилларда эса Россиянинг Оренбург шаҳрига 10 пуд олтин, 2540 пуд кумуш жўнатилган [20, С.1-10].

Бухоро амирлиги кулай географик ҳудудда жойлашгани учун ҳам Ўрта Осиёда муҳим ўрин тутган. Чет мамлакатлар ва қўшни хонликлар бевосита Бухоро амирлиги орқали савдо алоқаларини олиб боришган. Маълумотларга кўра, йилига Бухоро амирлигига турли мамлакатлардан 15 мингдан ортиқ туяларда карвонлар келиб кетган [21, С.116]. Бухоролик савдогарлар нафақат Оренбург божхона бўлими орқали Троицк орқали ҳам Россия билан савдо алоқаларини олиб боришган. Троицкдаги савдо марказига йилига 200 дан ортиқ бухоролик савдогарлар бевосита савдо сотиқ ишларини олиб боришган [22, С.91].

1816 йилда Бухородан Россияга 6126 та туяда юк чиқарилган бўлса, 5008 та туяларда юк олиб кирилган. 1818 йилда Оренбург савдо марказига Ўрта Осиё хонликларидан бир йилда жами 7584 туяларда юк киритилган, шундан 5616 таси эса Бухоро амирлиги ҳисобига тўғри келган. 1820 йилда Бухородан Россияга 4951 туяда юк чиқарилган бўлса, Хива хонлигидан шу йили 268 та туяда юк олиб борилгани маълум [23, С.86].

Маълумотларга кўра, 1821 йилдан бошлаб Оренбург савдо марказига Ўрта Осиё хонликларидан савдо карвонларининг келиши кескин қисқариб кетганлиги таъкидланади. [28] Бухордан 1783 та туяда савдо моллари Хивадан эса бор йўғи 5 туяда келтирилди. Бунинг асосий сабабларидан бири карвон йўлларининг хавфсизлиги етарли даражада таъминланмаганлиги боис дашт ҳудудларида карвонларга қароқчилик хужуми кучайиб кетганлиги билан изоҳланади. Бунинг натижасида Россия савдогарлари Ўрта Осиёга келишни хоҳламай қўйишади. Масаланинг яна бир томонига эътибор берадиган бўлсак, рус савдогарларига кўпроқ даромад тушганда жон дилдан Ўрта Осиёга кўпроқ ташриф буюрарди. Бу даврда савдони назорат қилиш Ўрта Осиё хонликлари савдогарлари қўлида эди улар кўпроқ Россияга мол чиқарар ва олиб кирар эди. Савдо-сотиқ ишларида Ўрта Осиё хонликлари савдогарларининг савдо қўли баланд бўлиши баъзи савдогарларнинг миллионерга айланишига сабаб бўлган. Уларнинг қўлида кўп миқдорда капитал тўпланган. Масалан, бухоролик Галибой Қўшоқов қўли остида 1 млн дан ортиқ капитали бўлган. Бундан ташқари Москвада 2 та тижорат магазини ҳам бўлган. Шунингдек, Галибой ўзининг савдо моллари билан Макарьева, Ирбит ва Корен ярмаркаларида доимий равишда қатнашиб келган, шу билан бирга бухоролик савдогарлар томонидан келтирилган шалей ва бошқа тўқимачилик маҳсулотларини ҳам назорат қилиб келган. Россиядан эса Бухорога ҳар йили катта миқдордаги карвонларда темир, мис, қалайи ва чет эл тангаларини жўнатиб турган. Бу даврда Россия-Бухоро савдо айирбошлаши 10 млн рубльни ташкил қилган [24, С. 87].

1818-1824 ймларда йилига Ўрта Осиёдан Россияга 3384854 рубллик садо моллари олиб чиқилган. [29] Жумладан, 1824 йилда Бухородан 1228852 рубль, Хивадан 14869 рубллик маҳсулот экспорт қилинган. Оренбург божхонасининг берган маълумотларига кўра, бу чиқарилган маҳсулотлардан қимматбаҳо феруза тошининг пуди 100 рубль, ипак матосидан тикилган 4 та халат 100 рубльдан сотилган.

1827 йилда Бухоро ва Хивадан 1207073 рубллик маҳсулот чиқарилган маҳсулотлар ичида пахтадан тайёрланган буюмлар биринчи ўринда турган (4343324), пахтадан тўқилган калава ип (286945 рубль), кашмир шалийси (249930 руб.), катта миқдорда юмшоқ эски туски маҳсулотлар (107457 руб.), пахта хомашёси (1600 рубль), жундан тўқилган буюмлар (776 руб.), курук мевалар (9070 руб.), ипак ва ярим ипак буюмлар (3174 руб.), феруза тоши (3200 руб.), дармана уруғи (цитвариого) (720 руб.), ва сарогин буғдой (189 руб.) экспорт қилинган [25, С.88].

Россия – Ўрта Осиё ўртасида олиб борилган савдо алоқаларида Бухоро амирлиги етакчи ўринни эгаллаган. Масалан, 1828 йил Ўрта Осиё хонликларидан Оренбург савдо марказига 3578 та туядан иборат савдо карвони ташриф буюрган. Шундан жами молларнинг нархи 4456241 рублга баҳоланган. Шундан 2480 туя юк Бухорога 1003 та туя юк Хива, 95 туя юк Тошкент ҳисобига тўғри келган. Бухоро – Россия савдо алоқаларида Оренбург савдо марказининг ўрни муҳим ҳисобланган. 1829 йилда 213 та, 1833 йили 152 та, 1835 йили 341 та, 1837 йилда 388 та бухоролик савдогарлар Оренбургга ташриф буюришган.

XIX асрнинг 40-50 йилларига келиб ҳам Бухоро – Россия ўртасида савдо молларини айирбошлаш чой ва хом ипак ва шийидан ташқари деярли ўзгармади. Бу даврда Бухородан Россияга чиқарилган пахтадан тўқилган бир ботмон олий навли ип калава 120 рубль, ўрта нави 100 рубль, учинчи нави 80 рубль, яхши рангли 100 бўлак чит матоси 120 рубль, бозор чити 100 бўлаги (кусоги) 100 рубль, қўй териси (мерлушки) хомашёси 10 таси 12 рубль, биринчи навли буғдой ботмони 2 руб. 40 коп., иккинчи нави 2 рубль, учинчи нави 1 руб. 80 коп., уч ботмон арпа 4 руб.дан сотилган.

1840-1850 йилларда Ўрта Осиё ва Россия ўртасида 10 млн. фунт-стерлингли савдо-сотик ишлари амалга оширилган. Шундан 788785 Бухорога 199830 Хивага, 39936 фунт-стерлинг Қўқон ҳисобига тўғри келган [26, С.337-341]. 1850-1852 йилларда Бухоро амирлигидан Россияга чиқарилган ва олиб кирилган савдо молларининг умумий қиймати 4 млн. рублни ташкил қилган [27, С.100].

#### **Адабиётлар:**

1. Игнатъев Н.П. Миссии в Хиву и Бухару в 1858 г., - СПб., 1897. – С.227-228.
2. Туркестанские ведомости.1871. № 5. 22 февраля.
3. Михалева Г.А. Узбекистан в XVIII – первой половина XIX века ремесло, торговля и пошлины. – Т.: Фан. 1991. – С. 81.
4. Черемшанский В. М. Описание Оренбургской губернии. –Уфа, 1859.
5. Михалева Г.А. Торговые и посольские связи России со Среднеазиатскими ханствами через Оренбург. – Т.: 1982. “Фан”. – С. 39.
6. Мейендорф Е.К. Путешествие из Оренбурга в Бухару. (Перевод с франц. Е.Бетгера). –М., 1975. –С.124.

7. Яворского И.Л Путешествие русского посольства по Афганистану и Бухарскому ханству в 1878-1879 гг. –СПб., 1882. – С. 342.
8. Михалева Г.А. Узбекистан в XVIII – первой половина XIX века ремесло.
9. Михалева Г.А. Узбекистан в XVIII – первой половина XIX века ремесло.
10. Бурнашев Т.С. Поездка Бурнашева и Поспелова в Ташкент в 1880 г. с при меганиями Я.Ханикова // Вестник РГО. Кн. I. Ч. I. Отд. VI. 1851. – С. 73.
11. Михалева Г.А. Узбекистан в XVIII – первой половина XIX века ремесло.
12. Мейендорф Е.К. Путешествие из Оренбурга в Бухару. – М., 1875. – С. 100.
13. Ханьков Н.В. Описание Бухарского ханства. – СПб., 1843. – С.88.
14. Мейендорф Е.К Путешествие из .. – С. 100.
15. Вамбери А. Путешествие по Средней Азии. – СПб., 1865. – С. 182.
16. Михалева Г.А. Узбекистан в XVIII – первой половина XIX века ремесло.
17. Гра А. Материалы по истории. Оренбург // Труды ОУАК. Вып. XI. – Оренбург, 1903. – С. 141-142.
18. Кастельская З.Д. Из истории Туркестанского края (1865-1917). – М., 1980. – С.57.
19. Михалева Г.А. Узбекистан в XVIII – первой половина XIX века ремесло.
20. Туркестанский сборник. Т. 5. – С. 1-10.
21. Туркестанский сборник. Т. 30. – С. 116.
22. Туркестанский сборник. Т. 2. – С. 91.
23. Ochildiev, F. B. (2020). Social relationship and tax types in the XIX-XX century in Bukhara Emirate. *International Journal of Scientific and Technology Research*, 9(1), 723-729.
24. Очилдиев, Ф. Б. (2008). Сурхон воҳаси бекликларидаги ижтимоий-сиёсий ва иқтисодий ўзгаришлар. Т.: *ABU MATBUOT-KONSALT*, 82.
25. Ochildiev, F. (2021). The inflow of Russian capital and industry into the Bukhara emirate in the late 19th and early 20th centuries. *current research journal of history (2767-472X)*, 2(06), 20-26.
26. Ochildiev, F. (2021). Cotton Production Development In Bukhara Emirate During The Late XIX–Early XX Centuries. *The American Journal of Social Science and Education Innovations*, 3(02), 119-125.
27. Ochildiev, F. B. (2019). Trade relations between Bukhara-Russia in the second half of XVIII century-in the XIX century. *Theoretical & Applied Science*, (5), 484-487.
28. Холикулов, Ахмаджон. "Некоторые комментарии к двусторонним отношениям Бухарского ханства и Российского царства." *Общество и инновации* 2.10/S (2021): 561-571.

29. Kholikulov, A. B. "BUKHARA EMIRATES FARMING IN THE XIX-XX CENTURIES (IN THE CASE OF KASHKADARYA OASIS STABLES)." Theoretical & Applied Science 4 (2019): 546-549.

## ЭРОН ЭЛЧИСИ САФАРНОМАСИДА БУХОРО АМИРЛИГИ РАСМИЙ ҚАБУЛ МАРОСИМЛАРИ

**Холикулов А.Б.**

*т.ф.н., доц.,*

*Ўзбекистон Миллий университети*

Тарихдан маълумки, ҳар бир давлатнинг давлат бошқаруви расмий жараёнларида ўзига хос анъалари мавжуд бўлиб, бу ҳолат дипломатик муносабатлар, хусусан, расмий қабулларда яққол кўзга ташланади. Расмий қабул маросимлари ҳақида қатор тарихий манбалар маълумот бериб ўтган. Хусусан, Бухоро амирлигида бўлган Эрон элчиси Аббосқулихон ўз сафарномасида расмий қабул маросимларида иштирок этувчи амалдорлар, элчиларни қабул қилиш тартиби ҳақида тўхталиб ўтади.

Эрон элчиси Аббосқулихон амирликда фаолият юритувчи мансабларни куйидан юқорига қараб йигирма саккизта гуруҳга ажратган ҳолда куйидагича таърифлайди: “биринчи буйруқсиз (бефармон) амалдор деб ўнбошини айтадилар; иккинчи фармонсиз элликбоши, аммо тобийин; учинчи фармонсиз, лекин тобийин юзбоши, тўртинчи тобийиндор юзбоши; бешинчи чухра оғаси; олтинчи мирзабоши; еттинчи хазинадорбоши; саккизинчи жарчибоши; тўққизинчи чапонақчи; ўнинчи рисолачи; ўн биринчи чалибочи; ўн иккинчи кўрчибоши; ўн учинчи қоровулбеги; ўн тўртинчи понсадбоши; ўн бешинчи амирохур; ўн олтинчи тўқсоба; ўн еттинчи меҳтар; ўн саккизинчи эшикоғабоши; ўн тўққизинчи чигатойбек; йигирманчи муҳрдор иноқ бўлиб, айрим фармонларга муҳр босади; йигирма биринчи бийлик амали бўлиб, у ҳам бир мансабдир; йигирма иккинчи ҳассали додхоҳ; йигирма учинчи муҳрсиз катта иноқ; йигирма тўртинчи муҳри бор катта парвоначи; йигирма бешинчи катта девонбеги; йигирма олтинчи мирзолик амали бўлиб, амирнинг ўз уруғидан бўлиши лозим; йигирма еттинчи оталиқ мансаби. Бу мансабда фақат бир одам ўлгунича туриши шарт, у вафот этгачгина ўрнига бошқа киши ўтиришга ҳақли. Шунинг учун оталиқ мансабида сира иккита одам бўла олмайди; йигирма саккизинчиси вазир мансабидаги қушбеги” [1].

Бундан ташқари Аббосқулихон амир саройидаги мансабдорлар ва уларнинг мартабалари, ташқи ишлар, элчилар қабули билан боғлиқ масалаларга масъул шахслар ҳақида ҳам маълумот бериб ўтади. Унга кўра: “биринчи маҳрам деб аталувчи сарой хизматчилари, уларнинг биринчи лавозими ўнбошилиқ, сўнг мансаб юқорилашиб, миршаб бўладилар. Кейин ўсиб тўпчибоши бўлишади. Тўпчибошини қалъабегги ҳам дейишади. Тўпчибошидан ўсиб қутвол бўлади. Қутволдан меҳтар, яъни амалга эга хазинадор бўладилар. Меҳтарликдан шиғовулликка кўтариладилар. Шиғовул

ташқи ишлар вазири мансаби саналади. Барча ташқи ва ички ишлар унга тааллуқли. Шиғовулликдан ўсиб, подшоҳ отхонаси амирохурлигига чикилади. Амирохур ҳам катта мансаб” [2].

Эрон сафарномаларидаги қайдлар ҳам ҳукмдорлар шахси, элчиларни расмий қабул қилиш маросимлари, қабул маросимлари билан боғлиқ мансабдорлар, минтақадаги сиёсий жараёнлар, давлатлараро муносабатлар масалаларини ўрганиш ва таҳлил қилиш, юзага келган геосиёсий вазият ҳамда ўзаро сиёсий алоқаларга таъсир ўтказётган ички ва ташқи сиёсий омилларни аниқлашда ёрдам беради [3]. Масалан, Эрон элчиси Аббосқулихон “Бухоро сафарномаси”да “Шаҳарга икки фарсанг қолганида тўқсоба ва эшик оғаси мансабидаги шиғовул жаноб амир кўшиб юборган қирқ-эллик нафар отликлар билан расмий равишда келиб пешвоз чиққани”ни эслайди [4].

У Бухорода амирнинг укаси марҳум Саййид Хусайнхонга тегишди бўлган уйга жойлаштирилади. Элчи ўзининг Бухорога кириб келиш жараёнини қуйидагича “ҳеч оширмай ва камайтирмай” тарифлайди: “ниҳоятда чиройли ва ҳафсала билан безатилган отларга минган ўн саккиз нафар суворийларим бор эди. Тилла эгар-жабдуқли от, тўртта найзадор ҳарбий олдинда юрганича тўла ҳашамат ва дабдаба билан кириб бордик. Ўн тўртта хачиримиз устида сандиқлар, гиламли тўшовлар ва бу сандиқлар асл матолардан ёпинчиқлари билан денг, тағин. ... Қаторасига юк ортилган ўн тўртта туяларимиз ва бошқа кира қилинган туялар ҳамда бекаму-кўст кийинган, сара тўфанг ва яроқлар билан қуролланган навкарлар қуршовида шаҳарга кириб борар эканмиз, бутун Бухоро шаҳри аҳолиси ва бошқа атроф яқиндагилар ҳам, Эрон давлатидан элчи келибди, дея бизни томоша қилгани йўл ва кўчаларга чиқишганди” [5].

Аббоқулихон Бухорога келганининг эртаси куни амир Насрулло шиғовул орқали уни учрашувга чақиради. Саёҳатномада элчининг дастлабки қабули тафсилотлари қайд этилган. Элчи арк дарвозасига етиб келгач, у ерда аркка кириб-чиқувчи ҳар бир амалдорнинг мансаби ва даражасига қараб отини боғлаш учун занжирлар билан алоҳида бўлимларга ажратилган жой борлигига кўзи тушади. Аббосқулихон шу ергача отда юриб, шахсан амир, кушбеги ва қозикалон учун махсус ажратилган ва улардан бошқа ҳеч кимнинг от боғлашга ҳадди сиғмайдиган бўлимда отдан тушади. Шу ердан шиғовул билан биргаликда арк дарвозаси орқали ичкарига кириб, девонхонага ўтади. Элчининг таърифлашича: “Девонхона каттакон бир хона бўлиб, узунлиги ўн икки зар, эни етти зар чиқади. Саҳнига тагидан бўйра тўшаб, устидан олти-етти зарлик оқ кигиз ташланган эди. Кирганимизда ўртада амирнинг битта ўзи ўтирарди. Шиғовул пойгақдан буёғига ўта олмади. Камина хонага кириб баланд овоз билан салом бердим. Амир жаноблари саломга жавоб қайтариб, қўли билан ишоро қилганича, ўзига икки ярим зар яқин ердан жой кўрсатди. Расмият бўйича ҳол-аҳвол сўрашлар тугагач, ... амир жаноблари ... каминадан хатни олди ва бошидан охиригача ўқиб чиқди” [6]. Амир Насрулло Муҳаммадшоҳ Кожорнинг мактубини ўқиб бўлгач,



шоҳнинг оғзаки омонати ҳақида ҳам сўрайди. Биринчи учрашувдаги суҳбат бир ярим соатча давом этади. Эртаси куни Бухоронинг барча аъён ва улуғлари иштирокидаги йиғинда шоҳнинг амирга юборган совға ва ҳадялари топширилади. Йиғин тугагач, элчи дастурхончининг уйида меҳмон қилинади ва элчиликнинг Бухорода туриши мобайнидаги барча харажатлари дартурхончи зиммасига юклатилади [7].

Аббосқулихон амир Насрулло Хўжанд қамалидан қайтган вақтда [8] амирни кутиб олиш маросими ҳақида маълумот беради. Унга кўра, амир Бухорога кириб келишида халойиқ унинг истиқболига пешвоз чиқиб, фақат ҳурмат юзасидан бир неча кишигина бундай мажбуриятдан озод бўлишади. Булар: “... биринчиси қозикалон, иккинчиси таниқли руҳоний, шайхлар авлодидан саналган жўйбор саййиди бўлиб, у зот амирликда ўта этиборга молик киши ҳисобланган [14]. Амирнинг қизи унинг ўғлиникида, яъни шайхнинг келинидир; учинчи одам эса каминангиз бўлиб, ... амирнинг хос хонасида ўтиришимни тайинлашди” [9]. Бундан Эрон элчиси Аббосқулихонга Амир Насруллонинг қай даражада ҳурмат билан муносабатда бўлганлигини билиб олишимиз мумкин.

Элчи амирнинг ўта савлатли эканлигидан унинг ҳайбати босиб, маросимда бирорта амалдор ўзаро сўзлаша олмаслиги, хаттоки, бир-бирининг уйига ҳам боришга журъати йўқлигини қайд этади [15]. Сафарномада амир ноғора садоси остида кириб келганлиги, йиғин аҳлининг барчаси бараварига салом бергани, амирнинг саломга жавоб қайтаргани ва йиғилганларнинг барчаси амир Насруллонинг қўлини ўпганлиги, шу жумладан Аббосқулихон ҳам уларга эргашганлиги ҳамда амирнинг элчи билан “ниҳоятда лутф ва меҳрибончилик билан” сўрашгани ҳақида маълумот берилади [10].

Шунингдек, Аббосқулихон бухороликларнинг меҳмондўстлиги, одамгарчилиги, муомала маданиятини қуйидагича эътироф этади: “Ўзбакиянинг хулқ-атвори, одамгарчилик ва гапириши, еб-ичиши, ўтириб-туриши, кийиниши, муомала ва урф-одатлари бошқа ўлкалардан мутлақо фарқ қилади. Ажойиб яшаш тарзлари ва ғаройиб расм-русмлари бор”[11].

Эрон элчиси Аббосқулихон ҳам Амир Насруллонинг расмий маросимларда Бухоро саййидлари ва уларнинг мартабалари, амирнинг йиғинларида қайси томонда ўтиришларига алоҳида тўхталиб ўтади: “биринчиси ўроқ; [13, 16] иккинчиси судур; учинчиси садр; тўртинчиси катта ўроқ; бешинчиси фарзчи катта ўроқ; олтинчиси нақиб; еттинчиси подшоҳнинг чап томонида ўтирувчи ва салом вақти нақиб ўрнида ўтирувчи шахс; саккизинчиси тўрт нафар жўйбор хўжалари, улар подшоҳнинг ўнг томонида ўтирадилар, мансабга эга эмаслар, иккитаси ҳар куни, қолганлари йилда олти мартагина байрамлик қилиб саломга келадилар [17, 18, 19]. Ҳар куни саройга келувчи иккита хўжа қозикалоннинг чап томон юқорисида ўтирадилар. Бу икки хўжадан бири шайхулислом, бири хонлик, яъни бир кичик ноҳия бошлиғи амалига эга. Иккита жўйбор хўжаларидан қуйироқда қозикалон ўтиради. Қозикалондан кейин мирасад ўтиради. Бу ҳам бир

мансабдир. Мирасаддан кейин мирзо дейилувчи яна бир мансаб бор. Айтишларича, бу мансабга сайидлардан чикқан мулло тайинланаркан. Ана ўша мирзо ўтиради. Мирзодан кейин катта девонбеги ўтиради. Катта девонбегидан кейин қози аскар ўтиради. Қози аскардан кейин муфти аскар ўтиради. Қолганлар, яъни уламодан иборат гуруҳ муфти аскардан пастрокда то тўқсоба ўтирган томоннинг юқори қисмигача жойлашадилар. Амалдорлар тўнлари устидан камар боғлаб юриш ҳуқуқига эгадирлар, бироқ сайидлар, уламо ва муллолар ташқи кийимлари устидан камар боғламайдилар”[12].

Хулоса қилиб айтадиган бўлсак, Эрон элчисининг сафарномаси Амир Насруллонинг шахси, унинг элчиларни расмий қабул қилиш таомиллари, қабул маросимлари билан боғлиқ амалдорлар ва уларнинг жойлашуви, давлатлараро муносабатлар, минтақадаги сиёсий жараёнлар масалаларини ўрганишда, таҳлил қилишда ҳамда ўзаро сиёсий алоқаларга таъсир қилувчи ички ва ташқи сиёсий омилларни аниқлашда муҳим ўрин тутади.

### Адабиётлар:

1. Бухоро сафарномаси (Амир Насруллоҳ ва Муҳаммадшоҳ Кожор ўртасидаги дипломатик муносабатларга доир. 1844 йил.) / Форсчадан таржимаваизоҳлармуаллифи: И. Бекжон. – Тошкент. 2007. – Б. 86-87.
2. Бухоро сафарномаси ... – Б. 88.
3. Зияева Д.Ҳ. Эрон сафарномалари ва мемуар асарлари тарихий манба сифатида // Ўтмишга назар. – № SI-4. – Тошкент. 2020. – Б. 7.
4. Аббос Қулихон. Бухоро сафарномаси (Амир Насруллоҳ ва Муҳаммадшоҳ Кожор ўртасидаги дипломатик муносабатларга доир. 1844 йил.) / Форс-тожик тилидан таржима ва изоҳлар муаллифи: И. Бекжонов. – Тошкент: «LESSON PRESS», 2019. – Б. 44.
5. Аббос Қулихон. Бухоро сафарномаси. ... – Б. 44-46.
6. АббосҚулихон. Бухоро сафарномаси. ... – Б. 46-47.
7. АббосҚулихон. Бухоро сафарномаси. ... – Б. 47-52
8. Амирнинг Хўжанд юришидан қайтиб, Самарқанд орқали Бухорога кириб келган куни ражаб ул-муржаб ойининг иккинчиси (ҳижрий 1260 йил, ражаб ойининг иккинчиси – 1844 йил 2 июль). Қаранг: Бухоро сафарномаси.
9. Бухоро сафарномаси. ... – Б. 53.
10. Ўша жойда. – Б. 53.
11. Ўша жойда. – Б. 53.
12. Бухоро сафарномаси. ... – Б. 87.
13. Очилдиев, Ф. Б., & Тогаев, Ж. Э. (2015). Заметки о системе местного управления в бухарском эмирате в середине XIX-начале XX века. *Национальная ассоциация ученых*, (2-9 (7)), 47-50.
14. Ochildiyev, F. (2019). Trade relations between Bukhara and Russia in the second half of the XIX century-the beginning of the XX century//*Social Sciences: Achievements and Prospects Journal* 3 (11), 2019/OEAPS Inc.(Open

European Academy of Public Sciences); Chief Editor Mark Freeman-Barcelona, Spain. 16.03.2019:OEAPS Inc., 2019.-pp. 55-60.

15. Fayzulla, O. (2020). The craftsmanship of the emirate of bukhara at the second half of the XIX century-the beginning of the XX century. *The American Journal of Interdisciplinary Innovations and Research*,2(11), 33-38.

16. Ochildiyev, F. (2019). Trade relations between Bukhara and India in the second half of the 19th century and at the beginning of the 20th century. *Actual Problems of Applied Sciences Journal World*, (4), 13-19.

17. Ochildiev, F. B. (2019). The creation of the amudarya fleet. *ISJ Theoretical & Applied Science*,10(78), 583-586.

18. Холикулов, Ахмаджон. "Некоторые комментарии к двусторонним отношениям Бухарского ханства и Российского царства." *Общество и инновации* 2.10/S (2021): 561-571.

19. Kholikulov, A. B. "BUKHARA EMIRATES FARMING IN THE XIX-XX CENTURIES (IN THE CASE OF KASHKADARYA OASIS STABLES)." *Theoretical & Applied Science* 4 (2019): 546-549.

## **ЎЗБЕКИСТОН МЕЪМОРИЙ ЁДГОРЛИКЛАРИНИ ЎРГАНИШДА АРХИВ ВА МУЗЕЙ МАНБАЛАРИНИНГ АҲАМИЯТИ**

**Ҳамидова М.С.**

*т.ф.д., доц.,*

*Ўзбекистон Миллий университети*

Ўзбекистон халқлари меъморий меросини тадқиқ этилиши натижасида яратилган архив ҳужжатларининг аксарият қисми XIX аср охири—XX асрга оиддир. Хусусан, Ўзбекистон Миллий архивида сақланаётган ТКЛА, Средазкомстарис, Узкомстарис, Ўрта Осиё бош музейи архив фондлари ҳамда В.Л. Вяткин, М.Е. Массон, Г.А. Пугаченкова, Б.Н. Засыпкин, Я.Ф. Ғуломов, Л.И. Ремпель, С.Н. Полупанов, Л.Ю. Маньковская ва бошқа тадқиқотчи-олимнинг шахсий архив фондлари ҳужжатлари Ўзбекистон миллий меъморий мероси тарихини ўрганишда катта аҳамиятга эгадир [1-12].

Мутахассислар томонидан тарихий тадқиқотларни олиб боришда бирламчи тарихий манба сифатида эътироф этилаётган архив ҳужжатлари сирасига, Ўзбекистон Республикаси Туризм ва маданий мерос вазирлиги архиви (аввал ЎзР Маданият вазирлиги ҳузуридаги “Бош бошқарма”) фонди ҳужжатларини ҳам киритиш мумкин. Мазкур архивнинг ёритилаётган масалага тегишли ҳужжатлари XX асрнинг 70-йилларидан XXI аср бошларигача бўлган даврни ўз ичига олади. Уларнинг аксарият қисми XX асрнинг охириги чорагида республикамизнинг турли ҳудудларида жойлашган меъморий ёдгорликларда амалга оширилган археологик тадқиқотлар йўналиши ва натижаларига бағишланган. Унда жамланган ҳужжатлар орасида Самарқандда Амир Темур ва Темурийлар даврида бунёд этилган

меъморий обидлар тарихига оид ҳужжатларнинг ўзи қуйидагиларни ташкил этади: Бибихоним жомеъ масжиди, Бибихоним мақбараси, Регистон майдони меъморий ёдгорликлари, Шоҳи Зинда меъморий мажмуасида жойлашган ёдгорликлар, Гўри Амир, Ишратхона, Руҳобод, Оқсарой, Хўжа Дониёр, Чўпонота каби Темурийлар даври мақбаралари ва бошқалар. Юқорида номлари санаб ўтилган архив фонди материалларининг деярли барчаси ўрганилган меъморий ёдгорликларга тегишли, мавзу манабашунослигини ёритувчи бирламчи манба сифатида қимматли бўлган фотосуратлар билан бойитилган[13-21].

Ўзбекистон миллий меъморий ёдгорликларининг ўрганилишида аввало “Очиқ осмон остидаги музейлар” сифатида эътироф этилаётган қадимий шаҳар марказлари ва уларда жойлашган ёдгорликларга ҳам қимматли моддий манба сифатида алоҳида эътибор қаратилади. Хусусан, республикамизнинг Самарқанд, Бухоро, Шаҳрисабз, Хива, Тошкент, Термиз ва бошқа шаҳарларининг тарихий марказлари ва уларда жойлашган тарихий-меъморий ёдгорликлар ҳам шулар жумласидандир. Юқорида номлари келтириб ўтилган шаҳарларнинг бир қанчасида музей-қўриқхоналар ташкил этилган бўлиб, уларни муҳофаза қилиш масаласи ҳукумат томонидан махсус назорат қилинмоқда. Мазкур музейлар ҳудудидаги ёдгорликлар ёритиб берилаётган масалани ўрганишда асосий моддий манба сифатида мавзуга доир қизиқарли маълумотларни қўлга киритиш имконини беради. Тарихий ёдгорликларни қўлёзма асарлар билан қиёсий ўрганиш эса масалани ҳар томонлама ёритиш ҳамда муҳим илмий хулосаларни ишлаб чиқишда катта аҳамиятга эгадир.

XIX асрнинг иккинчи ярмидан XX асрнинг охиригача бўлган даврда Ўзбекистон меъморий ёдгорликларининг маълум бир қисмлари: обидаларнинг дарвозалари, эшик-ромлари, панжаралари, ички ва ташқи меъморий безаклари, ички интерьерлари чет эллик тадқиқотчи олимлар, шу жумладан, рус тадқиқотчилари томонидан олиб кетилган. Улар ҳозирда дунё музейлари экспонатлари сирасидан ўрин олган. Дунёнинг турли мамлакатлари ҳамда республикамиздаги тарих, санъатшунослик ва археология музейларида сақланаётган ушбу турдаги экспонатлар ҳам миллий меъморий ёдгорликлар тарихини ўрганишда муҳим аҳамиятга эгадир. Улар нафақат маҳаллий балки дунё музейларида Ўзбекистон маданияти ва санъати намуналари сифатида намоиш этилмоқда. Буларга мисол тариқасида қуйидагиларни келтириб ўтиш мумкин:

– Россия Федерациясининг Давлат Эрмидажи (Санкт-Петербург)да сақланаётган Айритом археологик ёдгорлигига тегишли фриз (Сурхондарё, эрамиздан аввалги II аср охири – IV аср), Варахша ёдгорлиги деворий суратлари (Бухоро, VII–VIII асрлар), Қадимий Афросиёб деворий суратлари (Самарқанд, IX–XII асрлар), Амир Темур томонидан 1391 йилда Олтин Ўрда хони Тўхтамишхонга қарши жангга отланганлиги тўғрисида хабар ёзилган харсангтош (Самарқанд, XIV аср охири), Гўри Амир мақбарасининг ўймакор эшиги (1895 йилда олиб кетилган), мақбара деразаси (1903 йилда император Александр III музейига олиб кетилган), мақбара пештоқидан кўчириб

олинган араб ёзувидаги “Амир Темур Кўрагоний қабри, Худо уни раҳмат қилсин ва жойи абадий жаннатда бўлсин” деб ёзилган кошинли лавҳа (Самарқанд, 1905 йилда олиб кетилган), Аҳмад Яссавий мақбараси мойчиروقларидан бири (Туркистон, XIV аср охири) ва бошқалар;

– Буюк Британиянинг Виктория ва Альберт музейи (Лондон)да сақланаётган Гўри Амир мақбарасининг эшиги (Самарқанд, XIV аср охири). У XX аср бошларида номаълум шахс томонидан кўчириб олинган ва сотиб юборилган. Бухородаги Баёнқулихон мақбараси устунни ва унинг юқори қисмидаги меъморий безаги (121, 3x22, 9x24, 4 см), пештоқ безаги, гириҳ ва эпиграфик нақшли кошин лавҳа (108, 9x24,8 см);

– Лондондаги Британия музейида сақланаётган Бухородаги Баёнқулихон мақбараси меъморий безаклари;

– Франциянинг Лувр музейи (Париж)да сақланаётган “Ислом маданияти коллекцияси” намуналари;

– АҚШнинг Метрополитен музейи (Нью-Йорк)да сақланаётган Ўрта Осиё меъморчилигига оид меъморий безаклар [22, Б.78-79].

Хулоса ўрнида шуни таъкидлаб ўтиш жоизки, миллий меъморий мерос тарихига доир фактологик маълумотларни ўзида жам этган ёзма манбалар, миниатюралар, архив ҳужжатлари, археология ва архитектура ёдгорликларининг бугунги кунгача сақланиб қолган қисмлари ҳамда мавзуга доир музей экспонатларини қиёсий таҳлил этиш тегишли масалани ҳар томонлама ёритиб беришда муҳим аҳамиятга эгадир. Шунингдек, улар тарихий обидаларни муҳофаза қилиш, ёдгорликларда тиклаш-таъмирлаш ишларини олиб бориш ҳамда улардан унумли фойдаланишга доир илмий хулосалар, таклиф ва тавсияларини ишлаб чиқиш, тарихий тадқиқотларни даврий изчилликда олиб боришда зарур бўлган тадқиқот усулларини танлашда хусусан, Ўзбекистон тарихий-меъморий ёдгорликлари манбашунослиги ва тарихшунослиги масалаларини тадқиқ этишга доир муҳим кўрсатмаларни ўзида жам этгани билан эътиборга моликдир.

#### **Адабиётлар:**

1. ЎзМА И-17-фонд, 1-рўйхат, 25 та иш, 1895–1917 йиллар.
2. ЎзМА Р-394-фонд, 1-рўйхат, 374 та иш, 1920–1928 йиллар.
3. ЎзМА Р-2296-фонд, 1-рўйхат, 755 та иш, 1928–1946 йиллар.
4. ЎзМА Р-396-фонд, 1-рўйхат, 62 та иш, 1920–1928 йиллар.
5. ЎзМА Р-1591-фонд, 1-рўйхат, 116 та иш, 1904–1932 йиллар.
6. ЎзМА Р-2773-фонд, 1-рўйхат, 1466 та иш, 1873–1987 йиллар.
7. ЎзМА Р-2773-фонд, 2-рўйхат, 2-рўйхат, 526 та иш, 1891–2000 йиллар.
8. ЎзМА Р-2406-фонд, 1-рўйхат, 1676 та иш, 1898–1955 йиллар.
9. ЎзМА Р-2883-фонд, 1-рўйхат, 83 та иш, 1931–2002 йиллар.
10. ЎзМА Р-2793-фонд, 1-рўйхат, 167 та иш, 1920–1989 йиллар.
11. ЎзМА Р-2286-фонд, 1-рўйхат, 256 та иш, 1904–1957 йиллар.
12. ЎзМА Р-2810-фонд, 1-рўйхат, 416 та иш, 1925–1988 йиллар.

13. ЎзР ТММВА. Самарканд. 3.4.-4.5.1. Мечеть Бибиханым. Паспорт №55 а. Л. I-IX; Самарканд. 3.4.5.-4.5.1. Мавзолей Бибиханым. Паспорт №62. Л. I-IX.

14. ЎзР ТММВА. Самарканд. 3.1./3.4./1-4.5.1. Ансамбль Регистан. Паспорт б/н. Л. I-IX.

15. ЎзР ТММВА. Самарканд. 3.4.2.-4.5.1. Ансамбль Шахи-Зинда. Паспорт б/н. Л. I-IX; ИА (М), М23, №1123/23. Ансамбль Шахи-Зинда. Паспорт №19. Л. I-IX; 3.4.2./т-4.5.1.-Чартак верхней группы мавзолеев в анс. Шахи-Зинда. Паспорт №б/н. Л. I-IX; 3.4.2./т-4.5.1. Чартак верхней группы мавзолеев в анс. Шахи-Зинда. Паспорт №б/н. Л. I-IX; ИА (М), М23, №1123/3. Нижняя мечеть во входной группе. Шахи-Зинда. Паспорт б/н. Л. I-IX; 3.4.2./к.-4.5.1. Мавзолей Ширинбеки Ака в анс. Шахи-Зинда. Паспорт б/н. Л. I-IX; 3.4.2./е.-4.5.1. Мавзолей Эмир-заде в анс. Шахи-Зинда. Паспорт №2. Л. I-IX; 3.4.2./п.-4.5.1. Мавзолей Безыменный №2 в анс. Шахи Зинда. Паспорт б/н. Л. I-IX; 3.4.2./е.-4.5.1. Комплекс Туман-Аки (мавзолей, мечеть, хужра) в анс. Шахи-Зинда. Паспорт №6. Л. I-IX; 3.4.2./р.-4.5.1. Мавзолей Бурундука в анс. Шахи-Зинда. Паспорт б/н. Л. I-IX; 3.4.2./ж.-4.5.1. Мавзолей Ширинбека Ака (Туркан Ака) в анс. Шахи-Зинда. Паспорт б/н. Л. I-IX; 3.4.2./и.-4.5.1. Мавзолей Туглу-Текин в анс. Шахи-Зинда. Паспорт №16. Л. I-IX; 3.4.2./о.-4.5.1. Мавзолей Уста Али Насафи в анс. Шахи-Зинда. Паспорт б/н. Л. I-IX; 3.4.2./у.-4.5.1. Большая мечеть у мавзолея Хусам ибн Аббаса в анс. Шахи-Зинда. Паспорт б/н. Л. I-IX; 3.4.2./ж./3.8./-4.5.1. Надгробие на могиле Хусам ибн Аббаса в анс. Шахи-Зинда. Паспорт б/н. Л. I-IX; 3.4.2./х.-4.5.1. Мавзолей Хусам ибн Аббаса в анс. Шахи-Зинда. Паспорт б/н. – Л. I-IX; 3.4.2./а.-4.5.1. Входные здания ансамбля Шахи-Зинда. Паспорт б/н. Л. I-IX; 3.4.2./г.-4.5.1. Мавзолей Казызаде Руми в анс. Шахи-Зинда. Паспорт б/н. Л. I-IX.

16. ЎзР ТММВА. Самарканд. 3.4.8.-4.5.1./а. Гури-Амир. Паспорт б/н. Л. I-IX.

17. ЎзР ТММВА. Самарканд. 3.4.8.-4.5.1. Ишратхана. Паспорт №53. Л. I-IX.

18. ЎзР ТММВА. Самарканд. 3.4.9.-4.5.1. Рухабод. Паспорт №58. Л. I-IX.

19. ЎзР ТММВА. Самарканд. 3.4.4.-4.5.1. Мавзолей Аксарай. Паспорт №54.

20. ЎзР ТММВА. Самарканд. 3.4.12.-4.5.1. Мавзолей Ходжа Дониёра. Паспорт №57. Л. I-IX.

21. ЎзР ТММВА. Самарканд. 3.4.27.-4.5.11. Мавзолей Чупан ата. Паспорт б/н.

22. Курбонова Д. Дунё музейларидаги меросимиз. – Тошкент: Lesson press, 2017. – 166 б.

# ЮНУСХОННИНГ МОВАРОУННАХР ТАРИХИДА ТУТГАН ЎРНИ

(Тарихи Рашидий асари асосида)

Тухтабеков К.А.

т.ф.н., доц.,

Ўзбекистон Миллий Университети

Тарихдан маълумки ҳар қандай жамиятнинг тараққиёти, аввало, одил ҳукмдорга кўп жиҳатдан боғлиқ. Айнан шундай ҳукмдортлар орийат, ғурур, садоқат ва олий даражадаги ҳукмдор шаънининг тимсолига айланишган. Ушбу мақола асосида давлатчилигимиз тараққиёти босқичларининг маълум даври аниқ маълумотларга таянган ҳолда асослашдан иборат. Зеро, “миллий ўзликни англаш, Ватанимизнинг қадимий ва бой тарихини ўрганиш, бу борада илмий-тадқиқот ишларни кучайтириш...”га алоҳида аҳамият берилмоқда [1].

Юнусхон ибн Увайсхон 1416-1487 йилларда яшаб ўтган ва 1434, 1462-1487 йиллар давомида Мўғилистон ҳукмдори бўлган (XIV асрнинг 40 йилларига келиб Чигатой улуси расман икки мустақил давлатга бўлиниб кетди. Улуснинг шарқий ва шимолий қисми Еттисув, Или воҳаси, Шарқий Туркистон, Фарғонанинг шарқий қисми Мўғилистон (Жете) деб аталган [2].

Увайсхондан икки ўғил Юнусхон ва Эсан Буғахон қолди. Ҳокимият учун амирлар ўртасидаги келишмовчиликлар амирларнинг Эсан Буғахонни қўллаб-қувватлаши сабабли ўз ҳаёти ва молидан ташвишга тушган Эрназар борин билан Мирак туркман ўттиз минг уйлик юртни олиб (айрим манбаларда уч минг деб ўтилади) 1429 йилда Самарқандга Мирзо Улуғбек ҳузурига келишди. Мирзо Улуғбек мўғилларни келаётганини эшитиб, уларни кутиб олиш учун Самарқанддан чиқади. Ўз юртини тарк этишга мажбур бўлган Юнусхон бу ерда у билан келганлардан ажратилиб, бир неча кишлари билан бирга Хуросонга Шохруҳ мирзо ҳузурига жўнатилди. Хонни Шохруҳ мирзо ҳузурига келтиришганида унга рисоладагидек муносабатда бўлинмагани учун ўғли Мирзо Улуғбекдан ранжиди. Шохруҳ мирзо хонга оталарча меҳрибонлик ва мулозамат кўрсатиб, Юнусхонни Мавлоно Шарофиддин Али Язди кўлига топширди.

Бир сўз билан айтганда, Мавлононинг ҳаётлик пайтида Юнусхон унинг хужрасида ўн икки йилни бирга ўтказди ва ундан кўплаб билимларни ўрганди. Мавлоно вафот этгач Юнусхон Ироқ, Форс, Озарбайжон, Қазвин каби шаҳарларда сафарларда бўлиб, касби орқасидан кун кўрди. Шерозда муқим яшаб, у ерда олимларнинг йиғинларида иштирок этди, шу билан бирга турли касбларни эгаллашга интилди ва мукамалликка эришди ҳамда “Уста Юнус” номи билан машҳур бўлди [3].

Темурийлар ўртасидаги давом этган ўзаро тўқнашувлар натижасида тахтга Султон Абусаид мирзо ҳокимиятга чиқди. У тахтни эгаллагач Хуросонни эгаллаб, Ироққа юриш қилиш режасини тузди, аммо, мамлакат ичидаги зиддиятлар ҳамда Эсан Буғахоннинг Фарғона, Шош, Туркистонга хавф солиб тургани сабабли Ироқ юришини тўхтатиб турди. 860 хижрий

(мелодий 1455–1456) йилда Султон Абусаид мирзо Шерозга одам юбориб, Юнусхонни олиб келди ва бир қатор шартлар ва мажбуриятлар асосида хонни Мўғилистонга юборди. Абусаид мирзо Юнусхонга рухсат бериб, бу ерларда яшаётган барча мўғилларни унга қўшиб жўнатди [4].

Юнусхон Мўғилистонга қайтганидан сўнг укаси Эсан Буғахон ҳамда амир Сайид Алининг бирлашган қўшини ўртасидаги илк жанг енгилди У Мўғилистонда қолмай, оиласини қолдириб Хуросонга Султон Абусаид Мирзо хузурига кетди. Хон шу даражада фақир аҳволда бўлганки, хатто султонга бирор нарса тортиқ қилишга ҳам қурби етмаган [5]. Юнусхон Султон Абусаид Мирзодан мўғиллар унга ишонч билдиргунларича бирор-бир вилоятни яшаб туриш учун берибни сўрайди. Султон унга Андижон кентларидан бири берди.

Юнусхон темурийлар билан муносабатларни мустаҳкамлаш мақсадида қизларини Абу Саид Мирзо ўғлларига турмушга берди. У аввалроқ шундай деган эди, “Султон Абусаид мирзо мўғиллар билан темурийлар орасидаги душманликни дўстликка айлантирди, мен эса уни қариндошликка айлантираман. Агар қиз фарзандим бўлса, Султон Абусаид мирзонинг ўғлига бераман” деб уч қизини мирзоларга умр йўлдошликка, яъни Меҳрнигорхонимни Султон Аҳмад мирзога, Султоннигорхонимни Маҳмуд мирзога берди. У Мўғилистонга қайтгач қизи Қутлуғ Нигорхоним ҳаётини Умаршайх мирзо билан боғлади. Бу никоҳ туфайли қайнота ва куёв ўртасида шундай самимий муносабат ўрнатилдики, бунақасини ота-ўғил орасида ҳам кам кўриш мумкин. Хон икки ака-ука Султон Аҳмад мирзо ва Умаршайх мирзо муносабатларини ислоҳ қилиб уларни келиштириб турган. Умаршайх мирзонинг хон қўшинларини бирлаштириб Самарқандга юриш қилиб тахтни эгаллаш борасидаги таклифига рад жавобини берган. Султон Аҳмад мирзо ҳам бир неча бор қўшин тўплаб ҳарбий ҳаракатларни амалга ошириш истагида бўлган, лекин хон Умаршайх мирзони қўллашдан чўчиб бунга журъат етмаган. Мирзо хон тимсолида ўзига кучли иттифоқчини кўрди ва хатто унга Аҳсини инъом этди. [6]

Умаршайх мирзо қайнотасига Султон Аҳмад мирзонинг ҳужумидан ҳавф сираб Аҳсини тортиқ қилади. Мирзонинг уруш қилмаслигидан хотиржам бўлиб, хоннинг Аҳсида ўтириши унга алам қилди. Зеро, Аҳси Фарғона вилоятидаги энг катта шаҳар ҳисобланарди. Аҳсини қайтариб олиш мақсадида у Юнусхонга қарши қўзғалди ва Така Секретку деган жой кўприги яқинида жанг бўлди. Жанг арфасида хон Мирзога қанча насиҳатлар қилмасин, фойдаси бўлмади. Натижада Умаршайх мирзо мағлуб бўлди ва асир олиниб қўллари боғланган ҳолда хон хузурига келтирилганда Юнусхон ўрнидан туриб Мирзо қўлларини бўшатиб совға-саломлар бериб: “Тезроқ орқанга қайт, ўз одамларинг орасида ҳам тартибсизликлар бошланмасин тагин, ман ҳам изингдан уйинга бораман” деб Андижонга жўнатиб юборди. Шундан сўнг хон қўшиннинг асосий қисмини ортига қайтариб ўзи, оиласи ва бир нечта яқинлари билан Андижонга борди ҳамда икки ой давомида Мирзо



хонадонида меҳмон бўлди бу орада барча келишмовчиликлар бартараф этилди.

Яна бир сафар Юнусхон Марғилонга келганида Умаршайх мирзо ва Султон Аҳмад мирзолар муносабатларини яхшилаш учун ташриф буюрган Ҳазрат Хожа Носириддин Убайдуллоҳ (Хўжа Аҳрор) билан учрашади. Эшонга камоли эҳтиром ва чексиз эътиқодлари ҳамда ҳурматлари туфайли мўғиллардан бирор киши ҳам унинг дуосини олишдан четда қолмади. Юнусхон Эшонни кутиб олиш учун ёлғиз борди ва у яқинлашганда отдан тушиб юзини тупроққа қўйиб таъзимга эгилди. Хонни таниган муридлардан бири Ҳазрат Хожа Носириддин Убайдуллоҳга Юнусхонни танитди. Эшон изтироб ва юксак эҳтиром ила хоннинг бошини ердан кўтариб уни дуо қилдилар. Шу воқеадан сўнг Эшон ҳазратлари унга эътиқод қўйган барча амирлар ва ҳукмдорларга мактуб ва хат жўнатиб: “Мен Юнусхон-мўғилни кўрдим, бундай хонга тобе кишиларни қул қилиб бўлмайди, улар мусулмонлардир”. Мазкур воқеа ва хабардан сўнг Мовароуннаҳр ва Ҳуросонда ҳеч ким мўғилларни қул сифатида сотмаган ва сотиб олмаган. [7]

Темурийлар ўртасидаги зидиятлар сабабли Тошкент Юнусхон қўлига ўтди. Юнусхон 1487 йил вафот этди тахтга эса Султон Маҳмудхон ибн Юнусхон ўтказилди. Хон вафот этган пайтда Хожа Аҳрор ҳаёт бўлиб, айнан унинг розилиги билан Юнусхон жасади Шайх Хованду Таҳур қабристонига қўйилади. Зеро, бу қабристон Тошкентнинг улуғ мазорларидан саналиб, Хожа Аҳрорнинг она томонидан бобокалони бўлган Шайх Хованду Таҳур дафн этилган. Хўжа Аҳрор ўзининг муридани ўз бобоси ёнида дафн этилишини муносиб кўрди [8].

Юнусхон етмиш тўрт йил умр кўрди у хон сифатида тахтга чиққандан сўнг Абу Сайид мирзо билан тузилган келишувга доимо амал қилишга интилди. Таъкидлаб ўтилганидек, у нафақат ўзаро келишувга амал қилди, балки темурийлар билан қариндошлик ришталарини боғлади. Бу ришта, яъни Умаршайх мирзо ва Қутлуғ Нигорхоним никоҳлари сабабли етук давлат арбоби ва шоир Заҳириддин Муҳаммад Бобур дунёга келди. Юнусхоннинг мамлакатимиз тарихидаги ўрнини тўлақонли ўрганиш муҳим ва долзарбдир. Бу ўз навбатида, XV асрда кечган жараёнларнинг маълум бурилиш ва эврилишларини шу шахс фаолияти билан боғлиқлиги нуқтаи-назаридан таҳлил қилиш кўпгина масалаларга ойдинлик киритади.

#### **Адабиётлар:**

1. Ўзбекистон Республикаси Президент Шавкат Мирзиёевнинг 2018 йил 28 декабрдаги Парламентга Мурожаати // <https://president.uz/uz/lists/view/2228>
2. Аҳмедов А. Амир Темур дарслари. – Тошкент, 2001. 22-бет. Султанов Т.И. Чингиз-хан и Чингизиды Судьба и власть. – Москва 2006 176-с.
3. Муҳаммад Ҳайдар мирзо. Тарихи Рашидий. (В.Раҳмонов ва Я.Эгамова таржимаси) – Тошкент, 2010. 146-бет.
4. Муҳаммад Ҳайдар мирзо. Кўрсатилган асар. 2010. 145-бет.
5. Муҳаммад Ҳайдар мирзо. Кўрсатилган асар. 2010. 151-бет.

6. Муҳаммад Ҳайдар мирзо. Кўрсатилган асар. 2010. 158-бет.
7. Муҳаммад Ҳайдар мирзо. Кўрсатилган асар. 2010. 160-бет.
8. Абулхайров Б. Мақбаралар тарихи ёхуд Юнусхон ва унинг мақбараси ҳақидаги рисола. – Тошкент, 2011. 27-бет.

## **ЯНГИЛАНАЁТГАН ЎЗБЕКИСТОНДА ОЛИЙ ТАЪЛИМ ВА КАДРЛАР ТАЙЁРЛАШ ТИЗИМИНИ ЯНАДА ТАКОМИЛЛАШТИРИЛИШИ**

**Сиддиқов Р.Б.**

*т.ф.н., доц.,*

*Ўзбекистон Миллий университети*

Охириги беш йилда Ўзбекистон Республикасида ижтимоий ҳаётнинг барча жабҳаларида Харакатлар стратегияси асосида стратегик аҳамиятга эга бўлган ўзгаришлар амалга оширилди. Жумладан олий таълим ва кадрлар тайёрлаш тизими мамлакат эҳтиёжларидан келиб чиқиб ҳамда жаҳон таълим маконидаги тенденцияларни инобатга олган ҳолда тубдан ислоҳот қилинди.

Мустақиллик йилларида Ўзбекистонда таълимни барча бўғинларида амалга оширилган ислоҳотлар натижасида яхлит узлуксиз таълим тизими шаклланди. Шундай бўлсада олий таълим соҳасида кўплаб муаммолар ўз ечимини топмади. Биринчи навбатда ўзоқ йиллар олий таълим билан ёшларни қамрови масаласи долзарб бўлиб сақланиб қолганлигини таъкидлаш керак. Ўзбекистоннинг ижтимоий-иқтисодий соҳалари учун олий малакали кадрлар тайёрлаш сифати ва ўқув юртлиридаги илмий салоҳият айрим объектив ва субъектив сабабларга кўра замон талабидан орқада қолди. Олий таълимда коррупция ва бошқа кўзбўямачиликлар авжиги чиқди ва бундай ҳолатлар таълимни барча бўғинларига салбий таъсир кўрсатди.

Бевосита Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.М.Мирзиёев раҳбарлигида 2017 йилда таълим тизимидаги аҳвол чуқур ва ҳар томонлама таҳлил қилинганидан сўнг Ўзбекистон Республикасининг “Таълим тўғрисида”ги Қонуни ҳамда Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 8 октябрдаги “Ўзбекистон Республикаси олий таълим тизimini 2030 йилгача ривожлантириш концепциясини тасдиқлаш тўғрисида”ги ПФ-5847-сон Фармони эълон қилиниши соҳани ривожлантиришда янги босқични бошлаб берди[1].

Ушбу ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишда асосий эътибор олий таълимда илғор давлатлар кредит-модуль тизimini кенг жорий қилиш ва янада такомиллаштириш, таълим сифатини баҳолашни халқаро стандартларга мослаштириш, замонавий билим ва юксак маънавий-ахлоқий фазилатларга эга, мустақил фикрлайдиган юқори малакали кадрлар тайёрлаш жараёнини сифат жиҳатидан янги босқичга кўтаришга қаратилди. Шунингдек, олий таълим тизимида меҳнат бозори конъюнктураси талабларига мос юқори малакали кадрларни тайёрлаш, инновацион илм-фан ютуқларини олий таълим ва амалиётга татбиқ этишининг

самарали механизмларини яратиш орқали олий таълим муассасаларининг илмий салоҳиятини ошириш, уларни юқори малакага эга бўлган профессор-ўқитувчилар билан таъминлаш, ҳамда хориждан малакали мутахассисларни жалб қилиш, таълим муассасаларини халқаро индекс ва рейтингларга киритиш билан боғлиқ бўлган ишлар устивор йўналиш қилиб белгиланди.

Ўзбекистондаги демографик аҳволни инобатга олиб ва иқтисодиётдаги малакали кадрларга бўлган эҳтиёжни қондириш мақсадида ёшларни ўқув юртларига қабул қилиш қамровини ошириш, нодавлат олий таълим муассасалари фаолиятини йўлга қўйиш борасида кенг қамровли ишлар амалга оширилди. Жумладан, сўнгги беш йил мобайнида олий таълим муассасаларининг сони йил сайин ошиб борди. Ўзбекистонда 2016-2017 ўқув йилида 77 та олий ўқув муассасаларида 279 мингдан ошиқ талаба тахсил олган бўлса, бугунги кунда республикада 178 та олий ўқув юрти фаолият юритмоқда. 2021/2022 ўқув йилида ОТМларга қабул қилинганлар сони 235,9 минг нафарни, жами талабалар сони 808,4 минг нафарни ташкил қилиб, битирувчиларни олий таълим билан қамраб олиш даражаси 38%га етди. [2].

Олий таълим тизимида кечки ва сиртки таълим шакли тикланди. 2022/2023 ўқув йили учун давлат олий таълим муассасаларига ўқишга қабул қилишнинг давлат буюртмаси параметрларига кўра сиртки таълим шаклига — 26 095 нафар ва кечки таълим шаклига — 3 725 нафар талабани қабул қилиш белгиланди. [3]. Агар 2016-йилда ёшларни олий таълим билан қамрови 9 фоиздан ошмаганини инобатга олсак, ёшларни олий ўқув юртларига қабул 4 баробар кўпайганини таъкидлаш керак. Шу билан бирга кам таъминланган оилаларга мансуб 2 минг нафар хотин қизларга олий ўқув юртларида тахсил олиш учун алоҳида грантлар ажратилди [4].

Олий таълим соҳасидаги етакчи мамлакатларни тажрибасига таянган ҳолда Ўзбекистонда 2021 йилда Янги Ўзбекистон университети ташкил қилинди. Бу университет давлат олий таълим муассасаси шаклида ташкил этилди. Унинг асосий вазифалари – нуфузли хорижий ўқув юртларининг таълим дастурлари асосида юксак касбий билим ва малакаларга эга бўлган истиқболли кадрлар тайёрлаш, талабаларнинг интеллектуал қобилиятини ривожлантириш, бунинг учун ҳар томонлама қулай муҳитни шакллантиришдир.

Шу мақсадда янги университетда таълим жараёни дунёнинг энг нуфузли олий ўқув юртлари билан ҳамкорликда ташкил этилди. Масалан, Кембриж университети қабул имтиҳонларини ўтказди. Массачусетс технология институти ҳамда Мюнхен техника университети билан биргаликда ўқув режа ва дастурлар ишлаб чиқилди. Университетда 5 та – муҳандислик, табиий фанлар, бошқарув, агротехнологиялар ва ахборот технологиялари факультетлари бўлади. Дарслар ўзбек ва инглиз тилларида олиб борилади. Кредит-модул тизими жорий этилиб, ўқиш давлат гранти ва тўлов-контракт асосида амалга оширилади. 2021-2022 ўқув йилида 300 нафар ёшларни ўқишга қабул қилиш режалаштирилди [5].

Ўтган давр мобайнида Ўзбекистонда илғор хорижий тажрибани жорий қилиш ва таълимда интеграция жараёнларини янада кенгайтиришга катта эътибор берилди. Ўзбекистонда 2021-2022 ўқув йилида 30 та нуфузли хорижий олий таълим муассасаларининг филиаллари фаолият кўрсатди. Охириги беш йилда Ўзбекистонда давлат-хусусий шериклик тизими асосида нодавлат олий таълим муассасалари фаолияти йилдан-йилга кенгайиб 20 сентябрь 2022 йил ҳолатига кўра уларни сони 53 тага етди[6]. Ўзбекистон олий таълим муассасаларида ўқув жараёнига изчил равишда босқичма босқич кредит-модуль тизимини жорий этиш бошланди.

Мамлакатни инновацион ривожланиши учун муҳим бўлган кадрларни тайёрлашни йўлга қўйиш мақсадида олий таълим йўналишларига ва мутахассисликлари классификаторига 329 та таълим йўналишлари ва 582 та магистратура мутахассисликлари киритилди[7].

Ўзбекистонда олий таълимни ривожлантиришни 2030 йилгача ишлаб чиқилган концепциясида мамлакат олий ўқув юртларини дунёда нуфузини кўтаришга ва тайёрланган мутахассисларни сифатини яхшилашга катта эътибор қаратилган[8]. Концепцияда кўрсатилганидек, 2030 йилга қадар республикадаги камида 10 та олий таълим муассасасини халқаро эътироф этилган ташкилотлар (Quacquarelli Symonds World University Rankings, Times Higher Education ёки Academic Ranking of World Universities) рейтингининг биринчи 1000 та ўриндаги олий таълим муассасалари рўйхатига, шу жумладан Ўзбекистон Миллий университети ва Самарқанд давлат университетини биринчи 500 та ўриндаги олий таълим муассасалари рўйхатига киритиш катта ишлар олиб борилмоқда. Шу мақсадда мазкур олий таълим муассасаларини давлат томонидан қўллаб-қувватлашнинг замонавий механизмларини жорий этилмоқда.

Хулоса ўрнида айтиш мумкинки Ўзбекистон олий таълим тизими қиёфаси амалга оширилган ислохотлар натижасида кун сайин ўзгариб бормоқда. Нодавлат таълим муассасалари таълим маконида рақобатни юззага келтирди. Илғор давлатлар билан биргаликда қўшма дастурлар жорий қилинди ва “double-degree” яъни битирувчиларга қўшма дипломлар олиш имконияти яратилди.

#### **Адабиётлар:**

1. <https://lex.uz/docs/5013007>.
2. <https://yuz.uz/uz/news/ozbekistonda-litsenziyaga-ega-nodavlat-oliy-talim-tashkilotlari-royxati-elon-qilindi-view=prezident-granti-yoshlar-uchu...>, <https://www.gazeta.uz/uz/2022/10/13/demography/>
3. <https://lex.uz/uz/docs/6069606>.
4. <https://yuz.uz/news/yangi-ozbekiston-universiteti-yoshlar-uchun-yangi->
5. <https://yuz.uz/news/yangi-ozbekiston-universiteti-yoshlar-uchun-yangi->
6. <https://daryo.uz/k/2022/02/13/ozbekistondagi-oliy-talim-muassasalari-soni-malum-qilindi/>. яна қаранг [t.me/nodavlat\\_otm](https://t.me/nodavlat_otm)
7. <https://lex.uz/docs/5701176>
8. <https://lex.uz/docs/4545884>

## ТОШКЕНТ ВОҲАСИДАГИ ГИДРОЭНЕРГЕТИК СТАНЦИЯЛАР ТАРИХИ

Саидбобоева Г.  
т.ф.ф.д.(PhD),

*Ўзбекистон Миллий университети*

Саноат, ишлаб чиқариш ва ижтимоий соҳаларда энергетика, хусусан электр энергиянинг ўрни аҳамиятли ҳисобланади. Ўзбекистондаги гидроэлектр станция (ГЭС)лар ҳам бир асрдан зиёд тарихга эга.

1913 йилда Туркистон ўлкасидаги мавжуд электр станцияларининг 1/6 қисмидан кўпи Тошкент зиммасига тўғри келган. Туркистоннинг Сирдарё, Чирчиқ ва бошқа дарёларининг ғоят кучли гидроэнергетик қуввати маълум бўлса-да, бироқ улардан оқилона фойдаланилмаган. Ҳолбуки, 1909 йилдаёқ И.И. Гейер “Путеводитель по Туркестанскому краю” асарида шундай ёзган: “Тошкент воҳаси Чирчиқдан бошланувчи қадимги ва қудратли Бўзсув канали билан суғорилади. Тўғон қуриш орқали каналдаги сув сатҳини кўтариш ва 40000 десятина бўш ётган ерни суғоришга хизмат қилдириш қийин эмас. Бўзсув сувидан янги ерларни суғоришдан ташқари улкан электр двигатели кучини ҳам пайдо қилиш мумкин. Тошкент ўзининг юз минг кишилиқ аҳолиси билан ёқилғи қимматлигидан иссиқлик билан ишловчи заводлар фаолияти ортишини талаб қилаётган бир пайтда электр энергияга ишончли истеъмолчи саналади” [1; 57-58].

Биргина 1914 йилда Туркистон энергетика хўжалигининг қуввати 20 минг от кучидан ортиқроқ бўлиб, мавжуд 51 та электр станциялардаги умумий электр моторларининг сони 500 тадан ошмас эди.

1917 йилга келиб, ҳозирги Ўзбекистон ҳудудидаги электр станцияларнинг умумий қуввати 3 минг кВт ни ташкил қилиб, уларда бир йилда 3,3 млн кВт. соат электр энергия ишлаб чиқарилган [2; 58].

Ўзбекистоннинг йирик саноат объектлари жойлашган Тошкент воҳасида ҳам гидростанциялар фаолият кўрсатиб келади.

XX асрнинг 20-йилларида Чирчиқ-Мирзачўл иқтисодий райони учун иккита асосий станцияларни қуриш кўзда тутилган: лойиҳалаштирилаётган Чирчиқ канали Бўзсув ариғига суви кўйиладиган жойда, районнинг шимолида эса дастлаб қуввати қарийб 30 минг кВт, кейинчалик эса кенгайиб, тахминан 60-80 минг кВт гача ва Мирзачўл районининг шимолидаги қўриқ ерлар ва жанубий қисми учун 18 минг кВт га тенг қувватли Бекобод станцияси [3; 645].

Электростанциялар 11 та, ишлаб чиқариш миқдори 38039 рублик, механикдвигателлар 18 та, двигателларнинг қуввати 989 от кучига эга бўлган [4; 217].

Чирчиқ–Чотқол ҳавзасининг энергетик имкониятларини яхши билган марказ вакиллари Ўрта Осиё республикаларида пахтачиликни ривожлантириш учун арзон сув энергияси воситасида синтетик азотли ўғитларни ишлаб чиқаришни йўлга қўйиш ғоясини илгари суришган. У

Чирчиқдарёси ГЭС ларкаскадидан электрохимия мажмуасива Чирчиқ электрохимия комбинатини барпо этиш нитаклиф этган<sup>[5; 17]</sup>.

Хусусан, Чирчиқ туманида қурилиш ишларига 10000, қишлоқ хўжалигига 1000, оғир саноатга 95670, қолган истеъмолчилар (кичик саноат)га 20000, шаҳарлар ва аҳоли пунктларига 66000, телеграф йўлларини электрлаштиришга 26200 минг кВт соат электр энергия истеъмоли мўлжалланган<sup>[4; 217]</sup>.

Туркистонни электрлаштириш умумий режасига доир изланишларда ўз даври учун йирик ўнлаб гидроэнергетик иншоотларни бунёд этиш режалаштирилган эдики, муаллифларига кўра улар ўлкани тиклаш, иқтисодиёти ва маданиятининг ўсишига хизмат қиларди. Масалан, Чирчиқ–Мирзачўл районини электрлаштириш учун бешта электростанция қуриш белгиланган. Улардан дастлабки иккитаси – Бўзсув ГЭС Чирчиқ каналининг Бўзсув ариғига қўйиладиган жойда қуввати 30 минг кВт, кейинчалик кенгайиб, 60-80 минг кВтли; иккинчиси эса Мирзачўл районидан Сирдарё бўйидаги қуввати 18 минг кВт ли Бекобод станциясидир. Иккинчи навбатда Аучиқўрғонидаги Хўжабақирғон дарёсида 8-12 минг кВт қувватга эга Хўжабақирғон станциясини, яна Мирзачўлнинг Шимолий ва Марказий каналларида умумий қуввати 20-30 минг кВт иккита электрстанциялари қуриш режалаштирилган.

Чирчиқ–Бўзсув – сув-энергетика тракти – Чирчиқ дарёси ва Бўзсув канали бўйлаб кетма-кет жойлашган ГЭСлар мажмуи. Трактнинг узунлиги 171,1 км. Трактда умумий ўрнатилган қуввати 1220,6 МВт га эга бўлган 19 та ГЭС бор.

1926 йилда ишга туширилган Бўзсув ГЭС трактда биринчи бўлиб қурилган. Трактнинг бошланиш қисмида (Чирчиқ дарёси ўзанида) кема-кет 3 та станция – Хўжакент ГЭС, Чорвоқ ГЭС, Ғазалкент ГЭС жойлашган. Ғазалкент ГЭСидан қуйроқда, Чирчиқ дарёси сувини тартибга солиб турувчи тўғоннинг ўнг томонидан Товоқсой ГЭС, Чирчиқ ГЭС ва Оққовоқ ГЭСлари, Қибрай ГЭСнинг деривация каналлари бошланади. Кейинчалик Оқ-қовоқ ГЭС-2 нинг сув ташлама каналидан бошланган Бўзсув ирригация каналида кема-кет Қибрай, Қодирия, Салар, Бўзсув, Шайхонтоҳур, Бўрижар, Оқтепа ГЭСлари ҳамда Қуйи Бўзсув ГЭСлари жойлашган. Трактнинг барпо этилиши натижасида Чирчиқ дарёси суви ёрдамида электр энергияси ҳосил қилиш билан бирга ирригация иншоотлари, йирик саноат марказлари, шаҳарлар, аҳолини, саноат корхоналари ва экинзорларни сув билан таъминлаш масалалари ҳам комплекс ҳал қилинган<sup>[6; 58-59]</sup>.

Иккинчи жаҳон уруши давридаги оғир шароитда яна бир ГЭС – Оққовоқ ГЭСни қуриш вазифаси қўйилади. ГЭС 8 ойда бунёд этилиб, 1943 йил март ойида ишга туширилади. Мазкур ГЭС вилоятнинг Чирчиқ шаҳрида жойлашган<sup>[6; 59]</sup>.

Қодирия ГЭС пойтахт вилоятининг Қибрай тумани Қодирия маҳалласида жойлашган, Чирчиқ–Бўзсув сув-энергетика тракти қурилган

дастлабки электрстанциялардан бири бўлиб, 4 та ГЭСни бирлаштирган Қодирия ГЭСлар каскади таркибига киради.

Қурилиш ишлари 1930 йил апрелида бошланиб, ГЭС 1933 йилда ишга туширилади. ГЭСнинг умумий қуввати 13,2 МВт. Станцияда ҳар бирининг қуввати 3,3 МВтдан иборат бўлган вертикал шаклда 4 та гидроагрегат ўрнатилган. ГЭС гидроузели таркибига узунлиги 19 м, баландлиги 6 м, умумий ҳажми секундига 100 м<sup>3</sup> сув ўтказишга мўлжалланган бш тўғон, узунлиги 5049 м, секундига 65 м<sup>3</sup> сув тказишга мўлжалланган деривация канали ҳамда босим станция иншооти киради.

1936 йил 17 ноябрда Чирчиқ ГЭСнинг асосига биринчи пойдевор қўйилиб, и катта митинг уюштирилади. Митингда ўша пайтдаги Ўзбекистоннинг уч сиёсий раҳбари – Ўзбекистон Коммунистик партияси Марказқўми котиби Акмал Икромов, Халқ комиссарлари кенгаши раиси Файзулла Хўжаев, Марказий Ижроия Қўмита раиси Йўлдош Охунбобоев катнашган [7; 50].

Иккинчи жаҳон уруши йилларида Тошкент атрофини боғловчи 35 кВт кучланишли ҳалқасимон ҳаво линияси қуриб битказилди, шимолий саноат раёнини электр энергияси билан таъминлаш учун катта қувватли “Шимолий” нимстанция қурилди [8; 14].

Республика моддий-техник базасининг аста-секинлик билан ошиб бориши ҳамда саноат марказларининг вужудга келиши ортидан ГЭСларга бўлган эҳтиёж ҳам муттасил ошиб борди.

#### Адабиётлар:

1. Ташкент. Краткий справочник-путеводитель / Под общ. ред. Р.Г. Гуламова. – Ташкент: Гос. изд-во УзССР, 1957.
2. Хонтўраев И., Саодуллаев А., Бекмурзаев А. Ўзбекистон гидроэнергетикасининг ривожланиш тарихи // “Ўзбекгидроэнергетика” журнали. 2020, №2.
3. План электрификации РСФСР (Доклад VIII съезду Советов Государственной комиссии по электрификации России). Второе издание. – М.: Гос. изд-во политической литературы, 1955.
4. Бузинова В.М. Электрификации Чирчикского и Голодностепского районов // Труды Государственной Комиссии по электрификации России ГОЭЛРО. Материалы по электрификации отдельных районов. – М.: «Наука», 1964.
5. Матниязов М. Электрификация и её социальные последствия (на материалах республик Средней Азии). – Ташкент: «Узбекистан», 1984.
6. Акрамжонов Ж., Усманов Р., Иркаев А. Қуйи Бўзсув ГЭСлар каскади: кеча ва бугун // “Ўзбекгидроэнергетика” журнали. 2019, №2.
7. Уразов А. Чирчиқ ГЭСлар каскади // “Ўзбекгидроэнергетика” журнали. 2019, №4.
8. Сафаров А.М., Ғойибов Т.Ш., Суллийев А.Х. Электр тармоқлари ва тизимлари. – Тошкент, 2020.

## ИСТОЧНИКИ ДЕЯТЕЛЬНОСТИ РУССКИХ ДУХОВНО-КУЛЬТУРНЫХ УЧРЕЖДЕНИЙ В ТУРКЕСТАНЕ КОНЕЦ XIX-НАЧАЛО XX ВВ

Смесова Е.А.

к.и.н., доц.,

*Андижанского государственного университета*

Одним из важных направлений изучения новой истории Узбекистана является объективное освещение переломного исторического периода, связанного с завоеванием и господством царской России в Средней Азии и системное изучение многоаспектного воздействия колониального режима на общественный строй и жизненный уклад народов края.

Практическая реализация этой задачи видится в обращении к мало изученным проблемам истории. Например, сегодня особую актуальность приобретает потребность в систематизированном изучении и конкретной характеристике духовно-культурных учреждений русского населения, которые сформировались и функционировали на территории Республики Узбекистан на колониальном этапе её истории.

Исследование было возможно лишь на основе всестороннего изучения разных типов источников. Особое место среди них занимают: материалы официального делопроизводства, дневники и мемуары, материалы статистики и прессы.

Подавляющая часть источников относится к первой группе. Она разнообразна по своему характеру и содержанию. Прежде всего, это законодательные акты царского правительства, юридически закреплявшие колониальное положение народов Туркестана. Наиболее полно они отложились в «Полном своде законов Российской империи». Это – комплекс законов, связанный с административными преобразованиями в Туркестане после его завоевания: «Указ Правительствующего Сената об образовании Туркестанской области 1865 г.», «Проект положения об управлении в Семиреченской и Сырдарьинской областях», «Положение об управлении Туркестанским краем 12 июня 1886 г.» и др.

Базисную основу работы составили архивные документы Центрального государственного архива Республики Узбекистан. В частности, в процессе были изучены и привлечены данные из фондов: Канцелярии Туркестанского генерал-губернатора (Ф.И- 1), Управления начальника Зерафшанского округа (Ф. 5), Правлений Сырдарьинской (Ф.И-17), Самаркандской (Ф.И-18), Ферганской (Ф.И-19) областей, Управление начальника Скобелевского уезда (Ф.23), Управление начальника города Ташкента (Ф.36), Управление учебных заведений Туркестанского края (Ф.47), Совет Туркестанского генерал-губернатора (Ф.717), Сырдарьинское попечительство о детских приютах (Ф. 268), Туркестанский комитет попечительства о слепых (Ф. 611). Концентрируя в себе документы, исходящие из правящих институтов империи и краевой администрации, они позволили проследить формирование



духовно-культурной политики российского правительства и охарактеризовать деятельность краевых и областных структур по практической реализации этой политики в Туркестанском крае. Использовались материалы Самарского областного государственного архива Российской Федерации, а именно Екатериновского (Ф. 265) и Воскресенского волостных правлений Самарской губернии (Ф. 335). [1]

Из большого количества архивных материалов была проведена процедура контент анализа, отобраны и проанализированы данные о переселенческой политике властей, в условиях и методах переселения русского населения в Туркестан; изучались журналы заседаний Канцелярии туркестанского генерал-губернатора и областных правлений по проблеме формирования духовно-культурной политики, образования приходов, монастырей, Духовной консистории, строительства храмов и т.д. Проанализированы социальные аспекты, лежащие в основе установления колониальной системы власти. Особое внимание обращено на проведение русской церковью общественно-просветительской и благотворительной деятельности среди русского населения. Осваиваясь на новом месте, русские поселенцы первым делом писали прошения о постройке церкви, о том, чтобы прислали священника, о необходимости заложения храмов.

Источники свидетельствуют о том, что церковь находилась в полной зависимости от государственной системы в материальном и моральном плане. Она была включена в качестве важной детали в механизм русификации Туркестана. Перед духовенством была поставлена задача – добиться в возможно короткие сроки того, чтобы Россия пустила корни в социальную почву Туркестана и навеки закрепились бы в ней.

Использованные в работе документы о благотворительной деятельности религиозных и светских учреждений можно разделить на следующие группы: организационные документы, распорядительные, учетные, учетно-контрольные и отчетные документы. В первую группу входят Уставы, Положения и правила благотворительных обществ, дающие представление о работе Туркестанского благотворительного общества. Примером распорядительной документации может послужить дело «Об открытии в Ташкенте Туркестанского благотворительного общества», «О принятии в ведомство учреждений императрицы Марии Федоровны Ташкентского детского приюта имени К. П. фон Кауфмана и о личном составе попечительства» [2].

К учетным документам относятся различные расходные книги и журналы, подписные листы на пожертвования, расходные кассовые книги благотворительных обществ. В группу учетно-контрольных документов входят материалы ревизий благотворительных обществ [3].

Составной частью комплекса источников из группы официального делопроизводства являются отчеты о конкретной деятельности высших чинов администрации и отчеты различных государственных учреждений, отчеты и обзоры областных правлений [4] опубликованные сборники

документов и отчёты официальных ревизий Туркестанского генерал-губернаторства [5].

Отчеты сенаторов Российской империи Ф. К. Гирса (1882) и К. К. Палена (1908) дают обширный материал для сравнительного анализа действий колониальной власти за четверть века и в то же время раскрывают подходы высших российских чинов к проблемам управления Туркестаном, и в частности, к вопросам духовно-культурной политики в регионе.

Другой, важной для нашего исследования группой источников являются материалы частного происхождения. Это дневники, памятные записки деятелей, причастных к выработке духовно-культурной политики среди русского населения или просто хорошо о ней осведомленных, мемуары, письма. Естественно, что авторы этих документов рассматривают интересующие нас события сквозь призму личного восприятия, которые во многом определялись их положением в обществе, их социально-политическими воззрениями.[6]

Для характеристики позиций общественного мнения, выразившего интересы военно-служилой бюрократии, определенный интерес имели публикации «Туркестанских ведомостей» (1870 – 1917), «Туркестанского курьера» (1908 – 1917), «Русского Туркестана» (1898 – 1907), «Туркестанских епархиальных ведомостей» (1906 – 1917), газет «Церковный голос»(1906), «Церковь и жизнь» (1917), «Ферганские областные ведомости»(1907 – 1917).

В публикациях печати содержится информация практически по любой теме конца XIX – начала XX вв. Например, на страницах печати усиленно обсуждались вопросы об итогах и перспективах экономической политики России в Туркестане, деловых качествах русской администрации, конкретных фактах её произвола. Современники отмечали, что «ни одна часть России не интересовало наше общество и не находилось под таким близким и постоянным контролем общественного мнения и печати, как именно Туркестанский край»[7].

Некоторые страницы истории духовно-культурной жизни русского населения колониального Андижана нашли отражение в сборнике «Андижан в документах и материалах (1876 – 1917)», - Андижан, 2009. В нем опубликовано 402 документа ЦГА РУз, раскрывающих разнообразные вопросы из жизни Андижана. [8].

Привлечение значительного массива разных источников в их органической взаимосвязи и сравнительном сопоставлении, позволило глубже исследовать изучаемую тему.

### **Литература:**

1. Россия Федерация; Самара ш, Ф. 265 – Екатериновское волостное правление Самарской губернии  
Ф. 335 – Воскресенское волостное правление Самарской губернии
2. ЦГА РУз ф. 268, оп.1, д. 43..

3. Например: дело «О расследовании жалоб на администрацию Ташкентской богадельни (1907); «Отчет главного комитета о действиях Туркестанского благотворительного общества за 1874 – 1875 гг.»; «Отчет Самаркандского областного попечительства детских приютов за 1909 г. и др.

4. Обзоры Сырдарьинской области за 1885-1913 гг.-Ташкент,1886-1916; Обзоры Самаркандской области за 1888-1910 гг. – -Самарканд-Ташкент,1888-1912; Обзоры Ферганской области за 1889-1913 гг.–.Новый Маргелан,1889-1916; Терентьев М.А. Статические очерки Среднеазиатской России. // Записки русского географического общества отдел статистики. – Ташкент,IV –. СПб.1874; Церковные школы Российской империи. Статистические сведения – СПб.: 1907.

5. Гирс Ф.К. Отчет о состоянии Туркестанского края. – СПб.1883;Он же, Отчет о состоянии Туркестанского края. – СПб. 1888; . Отчет Туркестанской учительской семинарии за 25 лет ее существования (30 августа 1879–30 августа 1904 гг.), Составитель Н.П.Остроумов – .СПб.1905.–219 с.; Отчет по ревизии Туркестанского края,,произведенный по высочайшему повелению сенатором гофмейстером графом К. К. Паленом. Выпуск I – XVIII – СПб. 1909 – 1910. Пален К.К. Материалы к характеристике переселенческого хозяйства в Туркестане. - Приложение к отчету по ревизии Туркестанского края. Ч. 1. Отд. 4. – СПб. 1911;

6. Романовский Д. И. Заметки по среднеазиатскому вопросу. – СПб. 1868; Остроумов Н. П. К истории народного образования в Туркестанском крае. К. П. фон-Кауфман (1867 – 1881). – Т. 1895; Он же. Константин Петрович фон Кауфман, устроитель Туркестанского края. Личные воспоминания. – Т. 1899.;Федоров Г. П. Моя служба в Туркестанском крае./Исторический вестник. Том 133. – 1913, № 9, Том 134, № 10. Мустафин А. Николай Иванович Гродеков (1883 – 1913). Воспоминания, заметки. /Исторический вестник.Том 142 – 1915; Лыкошин Н. С. Полжизни в Туркестане. – Пг. 1916.

7. Петербургские ведомости. № 37, 6 февраля 1875.

8. Шамсутдинов Р.Т., Хошимов С., Бозоров Қ. История Андижана в документах и материалах (1876-1917). Т.1. – Андижан, 2009.

## **ЎЗБЕКИСТОННИНГ ЖАНУБИЙ ҲУДУДЛАРИДА ОЗИҚ-ОВҚАТ САНОАТИ РИВОЖИДАГИ КАМЧИЛИК ВА НУҚСОНЛАР**

**Худойкулов У.К.**

*т.ф.н., доц.,*

*Ўзбекистон Миллий университети*

Мустақиллик йилларида ижтмий-иқтисодий ўзгаришлар кенг миқёсида ислохотларнинг амалга оширилиши туфайли жамиятнинг тубдан ўзгариш. Янги ижтмий тузумнинг шаклланишига имконият яратди. Ўзбекистоннинг биринчи Президенти тарихнинг инсонва жамият

таракқиётидаги ролига баҳо бериб: “Ўз тарихини билмайдиган кечаги кунини унутган миллатнинг келажаги ўқ бу ҳақида кишилик тарихида кўп бора ўз исботини топган” деб таъкидлайди.

Ўзбекистонда совет ҳокимияти йилларида озиқ-овқат саноатини янада ривожлантириш ва ушбу соҳани замонавий жиҳозлар билан таъминлаш учун жиддий ҳаракатлар амалга оширилмай, фан ва техника натижаларидан мазкур тармоқни ривожлантиришда фойдаланилмади. Хуллас, озиқ-овқат саноати корхоналарининг жадал ривожланишига, корхоналарнинг эркин рақобатига шароит яратилмади. Озиқ-овқат саноатини ривожлантириш ва қишлоқ хўжалигидаги зиддиятлар ва қийинчиликлар, шу жумладан хўжасизлик ўрнини совет ҳукумати чет элдан озиқ-овқат ва ғалла сотиб олиш йўли билан тўлдиришга ҳаракат қилди. 1970-1980 йилларда гўшт, балиқ, ёғ, қанд, шакар, ғаллани чет элдан сотиб олиш 10 баробарга ошди. Совет ҳукумати 1980 йил бошларида қишлоқ хўжалиги тушкунлигини олдини олиш мақсадида махсус озиқ-овқат режасини ишлаб чиқди. Ушбу режа КПСС Марказий Комитетининг 1980 йил май Пленумида тасдиқланди. Бироқ у маъмурий-бўйруқбозлик бошқарувининг эскирган тизими доирасида ишлаб чиқилиб, турғунлик асоратининг олдини ололмади. Қабул қилинган қарор озиқ-овқат саноатидаги муаммоларни бартараф эта олмади ҳамда замонавий озиқ-овқат саноати корхоналарини қуриш, қайта таъмирлаш масаласида бирон бир жиддий натижага эриша олмади.

1990 йил 11 февралда бўлиб ўтган Ўзбекистон ССР Министрлар Совети кенгашида Ўзбекистонда озиқ-овқат саноати корхоналари томонидан тайёрланаётган маҳсулотларни рўйхатга олиш, сут, гўшт, ун, ёғ, макарон, колбаса, шакар ва бошқа маҳсулотларнинг ички ва ташқи нархларини аниқлаш, республикадан четга чиқарилаётган маҳсулотларнинг баҳосини ҳисобга олиш, шунингдек, республикага четдан келтирилаётган озиқ-овқат маҳсулотлари миқдори, уларнинг баҳоси ҳақида ҳаққоний мулоҳазалар юритиш, миллий даромадни тўғри ҳисоблаш ва “қарз” деган баҳонадан қутулиш масаласини ҳал қилиш кун тартибига қўйилди. Энг муҳими тайёр озиқ-овқат маҳсулотни кўпайтириш, бунинг учун қайта ишловчи соҳаларни кенгайтириш, маҳсулотлар баҳосини қайта кўриб чиқиш, ушбу саноат маҳсулотларининг республикада қолиши, шунингдек, саноат соҳасида мутахассислар тайёрлаш, ишсизликка барҳам бериш масалаларини ҳал қилиш кун тартибига киритилди [1].

Қайта қуриш йилларида Ўзбекистонда озиқ-овқат саноати корхоналари ўзининг ишлаб чиқариш имкониятларини тўлиқ ишга тушира олмади. Меҳнат унумдорлигини ошириш, замонавий техника билан таъминлаш ҳамда ишлаб чиқариш самарадорлигини ошириш масаласида жиддий ўзгаришлар бўлмади. Қайта қуриш йилларида халқ хўжалигида озиқ-овқат саноатини техник жиҳатдан замонавий жиҳозлаш, хўжалик механизмининг жорий этиш, ишлаб чиқариш кучларини ҳар томонлама ривожлантириш масаласига эътибор берилмади. Озиқ-овқат саноатини молиявий қўллаб-қувватлаш, иқтисодий эркинлик бериш, маҳаллий шароитни ҳисобга олган ҳолда хом

ашё маҳсулотларини тайёр озиқ-овқат саноат маҳсулоти сифатида ишлаб чиқиш имкониятига йўл берилмади. Ўзбекистонда, жумладан, жанубий худудларда аҳоли жон бошига озиқ-овқат саноат маҳсулотларини ишлаб чиқариш деярли талаб даражасининг атиги 45 фоизини таъминлади, холос. Озиқ-овқат саноатини замонавий асосда қуриш, маҳсулот ишлаб чиқаришни механизациялаш ва автоматлаштириш ишлари фақат режада кўрсатилган рақамларга асосланиб, халқнинг талаб-эҳтиёжлари асосида маҳсулотнинг тури, сифатини кўпайтиришга эътибор берилмади.

Қашқадарё ва Сурхондарё вилоятларида агросаноатни ривожлантириш масаласида режалар, кўрсатмалар, лойиҳалар ишлаб чиқилган бўлсада, амалда агросаноат комплексларини қуриб ишга тушириш масалалари сустр олиб борилди. Қишлоқ хўжалик маҳсулотларини қайта ишлайдиган саноат корхоналарини қуриш, ишга тушириш сустр олиб борилиши натижасида олиб келинган саноат ускуналари занглаб, ўз вақтида ишга туширилмаганлиги туфайли ишлаб чиқариш қувватини йўқотди. Ишга туширилган озиқ-овқат саноати маҳсулотларини ўз вақтида хом ашё манбалар билан таъминланмаганлиги, тайёр маҳсулотларни жиҳозлайдиган, сақлайдиган ускуналарнинг ўз вақтида етказиб берилмаслиги натижасида маҳсулотнинг сифати ва самараси халқ эҳтиёжларини қондира олмади.

Қашқадарё ва Сурхондарё вилоятларида озиқ-овқат маҳсулотлари учун зарур бўлган шартли банклар, консерва ёпадиган ускуналар, маҳсулотни сақлайдиган омборлар, уни транспорт асосида ташиш ишлари ўз вақтида ташкил этилмаганлиги туфайли тайёр маҳсулотларни сифатли ишлаб чиқариш имконияти бўлмади. Энг муҳими озиқ-овқат маҳсулотларини етиштириш учун зарур ҳудудий фондлар маҳаллий бюджет ҳисобига ўтказилмади ҳамда кўшимча иқтисодий рағбатлантирилмади, шунингдек, озиқ-овқат саноати корхоналарини қуришга бўлган масофа, транспорт ҳаражати ҳисобга олинмади. Ҳар бир ҳудуднинг озиқ-овқат саноатини ривожлантиришдаги имкониятлари ҳисобга олинмаган ҳолда озиқ-овқат саноати корхоналарини қуриш режа асосида амалга оширилди ва ишлаб чиқарилган маҳсулотлар Марказга жўнатилди. Шунини алоҳида таъкидлаш керакки, озиқ-овқат саноати корхоналарини қуришда табиий шароит, иқлим, географик жойлашув, аҳолининг сони ва талаб даражаси, ишчи кучи, ижтимоий турмуш даражаси ва хом ашё билан таъминлашдаги оралиқ масофалар ҳисобга олинмади. Натижада озиқ-овқат саноати корхоналарини ишчи кучи, муҳандис техник ходимлар ва хизматчилар билан таъминлаш, уларни уй-жой ва ижтимоий маиший жиҳатдан ҳимоя қилиш доимий тарзда муаммоли масала бўлиб келди [2].

Машина-ускуналар у ёқда турсин, Ўзбекистон шароитида етиштириш ва тайёрлаш мумкин бўлган озиқ-овқат саноати истеъмол маҳсулотларининг асосий қисми ҳам (масалан, дон ва гўштнинг 70 фоизи, картошканинг 60 фоизи, шакарнинг 100 фоизи) республикага четдан олиб келинарди, хатто Ўзбекистоннинг ўзида захиралари тўлиб-тошиб ётган ош тузи ҳам ташқаридан келтирилди [3]. Шу каби мавжуд муаммолар ҳамда

камчиликларга қарамасдан маҳаллий имкониятларни ҳисобга олган ҳолда озиқ-овқат саноатида 1960 йилга нисбатан жанубий ҳудудларда маълум маънода ижобий силжишлар амалга оширилганлигини қуйидаги таҳлиллар орқали кўриш мумкин.

Озиқ-овқат саноатида қайта ишловчи комплексларни шакллантиришда Ўзбекистоннинг ҳудудий иқтисодий имкониятлари ҳисобга олинди. Сурхондарё вилоятида озиқ-овқат маҳсулотлари ишлаб чиқариш 1965 йилга нисбатан 1970 йилда 110,9 фоизга, ўсимлик ёғи ишлаб чиқариш 95 фоизга, консерва маҳсулотлари ишлаб чиқариш 160 фоизга, вино ва вино маҳсулотлари ишлаб чиқариш 175 фоизга, қандолатчилик маҳсулотлари ишлаб чиқариш 138 фоизга ўсди. Қашқадарё вилоятида 1970 йилда 1965 йилга нисбатан озиқ-овқат саноати маҳсулотларини ишлаб чиқариш 2.8 фоизга ошиб, ўсимлик ёғи ишлаб чиқариш 1970 йилда 16184 тонна, 1973 йилда 20656 тонна, консерва маҳсулотлари ишлаб чиқариш 1970 йилда 33030 банка, 1973 йилда 38133 банка, вино ва вино маҳсулотлари ишлаб чиқариш 364 минг дал литр, 1973 йилда 426 минг дал литрга етди, озиқ-овқат маҳсулотларини ишлаб чиқариш 1970 йилга нисбатан 1973 йилда 129.8 фоизга ошди. Қашқадарё вилоятида 1970 йилга нисбатан 1973 йилда 175 фоизга озиқ-овқат саноати маҳсулотларини ишлаб чиқариш ўсди [4].

Бироқ озиқ-овқат саноати маҳсулотларини ишлаб чиқариш Ўзбекистонда аҳолини сони ва талаб-эҳтиёжларини ҳисобга олиш нуктаи назаридан эмас, балки Марказнинг бевосита режаси асосида олиб борилиб, маҳаллий хом-ашёни қайта ишлаш, замонавий асбоб-ускуналарни ўрнатиш, сифатли маҳсулотлар ишлаб чиқаришга зарурий маблағлар сарфланмай, ишлаб чиқариш технологияси янгиланмай амалга оширилди. Ўсимлик ёғи ишлаб чиқариш 1970 йилда Ўзбекистонда 293.604 тонна, жумладан, Қашқадарё вилоятида 16184 тонна, Сурхондарё вилоятда 18103 тоннани ташкил этди. Қайд этилган ўсимлик ёғи аҳоли жон бошига ўртача тақсимланганда ишлаб чиқариш қувватини ёки ўртача аҳоли жон бошига ишлаб чиқилган маҳсулот режасининг фақат 75,2 фоизини ташкил этди. Пахта чигитдан олинган ёғ озуқа ва техник маҳсулотлар учун хом ашё ҳисобланиб, ундан ошхона мойлари, маргарин, майонез, совун, алиф ва жами 50 га яқин турли-туман маҳсулотлар олинади. Рафинадланган пахта ёғи ишлаб чиқариш 1990 йилда республикадаги ҳар бир киши бошига тахминан 2,5 килограммдан тўғри келган [5].

Хулоса қилиб айтганда, Ўзбекистоннинг жанубий вилоятларида озиқ-овқат саноати ривожини асосан пахта маҳсулотларини қайта ишлаш асосида олинган маҳсулотлар ҳисобида шаклланган бўлса, пахта чигитидан ёғ олиш сифати талаб даражасида эмас эди.

Ўзбекистоннинг жанубий ҳудудларида озиқ-овқат саноат маҳсулотларининг сифат ва самарадорлиги талаб даражасида эмас эди. Шунинг алоҳида қайд этиш керакки, Қашқадарё ва Сурхондарё вилоятларида аҳоли эҳтиёжлари учун зарур бўлган сут ва сут маҳсулотлари, колбаса, макарон, қандолат маҳсулотлари ишлаб чиқариш корхоналари замонавий

технологиялар билан жиҳозланмаган эди. Шунингдек, жанубий ҳудудларда озиқ-овқат саноати корхоналарининг янги технологик жараёнлар билан жиҳозлаш, янги маҳсулот турларини яратиш, замонавий ишчи мутахассисларни тайёрлаш тажрибаси талаб даражасида эмас эди. Озиқ-овқат саноатини ривожлантириш учун катта имкониятлар бўлишига қарамасдан минтақада саноатбоп хом ашё манбаларини қайта ишловчи ва такомиллаштирувчи имкониятларни ишга солиш Марказ томонидан махсус назардан четда қолдирилган эди.

#### **Адабиётлар:**

1. “Фан ва турмуш”, 1990. №9, 20-21 бетлар.
2. Зиядуллаев С. Экономические реформы в Узбекистане в действии.- Т., 1994.
3. Узбекистан за годы восьмой пятилетки (1966-1970 гг.) – Т.: Изд. ЦК КП Узбекистана, 1971. – С.20,22, 23.
4. Народное хозяйство Узбекской ССР за 50 лет–Т.:“Узбекистан”, 1974. – С.91
5. Мирзаев З., Қобилов Э. Сурхондарёда пахтачилик ва Термиз пахта тозалаш заводи тарихи. Термиз, 1996. 68-бет.

### **ЎЗБЕКИСТОНДА СОЛИҚ ТИЗИМИНИНГ ТАШКИЛ ЭТИЛИШИ ВА УНИНГ ТАКОМИЛЛАШУВ БОСҚИЧЛАРИ**

**Худаёров А.Х.**  
*т.ф.ф.д.(PhD),*

*Тошкент Кимё халқаро университети*

Ўзбекистонда истиқлолнинг биринчи кунларидан бошлаб самарали солиқ тизимини яратишга катта эътибор берилди ва бу масалага ижтимоий-иқтисодий ислохотлар муваффақиятини таъминлашнинг энг муҳим омили сифатида қаралди.

Иттифоқнинг парчаланиши ўзининг иерархик жиҳатдан марказлаштирилган давлат аппарати билан янги иқтисодий тизим – бозор иқтисодиётини яратишга ва иқтисодий жиҳатдан самарали солиқ тизимини яратишга йўл очди [1, С. 112].

Ҳар бир мустақил давлатнинг иқтисодий кудратини солиқлар асосида шакллантирилган давлат бюджети, хусусан унинг молия тизими ташкил этади. Мустақиллик йилларида Ўзбекистон Республикаси ташқи иқтисодий фаолиятнинг либераллашуви ва давлат томонидан рағбатлантирилиши, солиқ тизимини айна шу мақсадлар учун кўмаклашувчи давлат институти сифатида фаолият юритишини тақозо этарди. Бу вазифани амалга ошириш эндигина мустақилликка эришган Ўзбекистон учун машаққатли кечди.

*Биринчидан*, тарихдан маълумки Ўзбекистонда солиқ тизими, қарийб 130 йил давомида Россия империяси ва Совет давлати солиқ тизимининг кичик

бир бўлаги сифатида фаолият кўрсатиб келди. Солиқ сиёсатининг асосий мақсади Россия, СССР республикалари учун давлат ғазнасини тўлдиришдан иборат бўлди. Солиқ тизими сиёсатини юритиш ваколати фақат марказий ҳокимиятгагина берилган эди. Солиқ сиёсатини ишлаб чиқувчи, солиқ хизматини ташкил этишнинг асосларини белгилаб берувчи малакали маҳаллий кадрлар йўқ эди.

*Иккинчидан*, республикамиз келажаги маълум миқдорда солиқ тизими фаолиятини тўғри йўлга қўйишга боғлиқ эди. Солиқ сиёсати мамлакатимизда бозор тамойилларига жавоб берадиган, солиқларни бошқаришнинг замонавий методлари ва механизмларининг жорий этилиши, солиқ органларининг яхлит тизимини муносиб равишда яратиш лозим эди.

*Учинчидан*, солиқ сиёсати умумхалқ манфаатлари асосида ишлаб чиқилиши давр талаби эди. Мамлакатдаги ижтимоий, иқтисодий ва демографик вазиятни ҳисобга олган ҳолда, оғир иқтисодий ва ижтимоий оқибатларнинг олдини олиш учун солиқ сиёсатини юритишда миллий давлат манфаатларининг мақсад, вазифаларини аниқ ва пухта белгилаб олиш зарур эди. Солиқ сиёсатида тажрибаси бўлмаган давлат биринчи кундан бошлаб, қаерда таназзулга учраши, ёхуд муваффақият қозониши мумкин ана шундай жиддий масалани ҳал этишга тўғри келди.

Шу нуқтаи назардан қаралганда, Ўзбекистон Республикаси солиқ органлари тизимининг бугунги кунга қадар шаклланиш жараёнини шартли равишда тўрт босқичга бўлиб ўрганиш мумкин:

*Ислохотларининг биринчи босқичи* 1991-1997 йилларни ўз ичига олган бўлиб, Ўзбекистоннинг ўз мустақил солиқ тизимининг шаклланиши ва солиқларнинг хазинавий аҳамиятини ошириш, солиқ тизимининг ягона ташкилий асосларини ишлаб чиқиш, солиқларни бозор иқтисодиёти талабларига мослаштириш ва корхоналарнинг ишлаб чиқаришларини рағбатлантиришга қаратилган давридир.

Республикамизда солиқ идораларининг мустақил фаолияти давлат суверенитетига эришмасдан аввал Ўзбекистон ССР Олий Кенгашининг 1991 йил 14 июндаги қарори билан “Ўзбекистон Республикасининг давлат солиқ идоралари тўғрисида”ги Низоми қабул қилинганидан кейин давлат назорати ва бошқарувининг алоҳида тузилмаси сифатида солиқ идораларининг шаклланиши ва мустақил фаолият кўрсатишига асос солинди.

Бунинг асосий сабаби сифатида айтиш мумкинки, Совет иттифоқининг сўнгги йилларида барча давлатларда бўлгани каби, Ўзбекистонда ҳам бюджет тақчиллиги кузатилаётган эди. Жумладан, 1991 йилнинг бошида Республика давлат бюджети тақчиллиги қарийб 7,5 фоиз [2, Б. 6] ни ташкил этган. Бу ўз навбатида, давлат даромадини мустаҳкамлашга қаратилган солиқ механизмнинг ҳуқуқий асосларини ишлаб чиқиш ва уни жорий этиш бўйича амалий чоралар кўрилиши зарурлигини кўрсатди.

Республикамизнинг мустақил солиқ тизимининг шаклланишидаги дастлабки қонун 1991 йил 15 февралда қабул қилинган [3, Б. 77]. Унга кўра,



биринчи марта солиқ тизимининг тузилиши ва ишлашининг умумий асослари аниқлаб берилди, солиқларни ҳисоблаш ва ундириш тартиблари ўрнатилди.

Ушбу босқич ишлаб чиқаришнинг пасайиши, юқори инфляция, даромад даражаси бўйича чуқур тафовут билан аҳоли турмуш даражасининг пасайиши, ишсизлик муаммоларининг кучайиши, маданият, илм-фан, ахлоқнинг аста-секин таназзулга учраши ва жинойтчиликнинг кўпайиши билан тавсифланади.

*Ислохотларнинг иккинчи босқичи* 1998 йилдан 2008 йилгача бўлган даврни ўз ичига олади. Бу даврни солиқ тизими асосларини ташкилий-ҳуқуқий мустаҳкамлаш ва ривожлантириш, солиқларни ихчамлаштириш соҳасидаги муҳим босқичнинг бошланиши, тадбиркорлик субъектларини ҳар томонлама рағбатлантириш, улар фаолиятини қўллаб-қувватлаш, солиқ сиёсатини такомиллаштириш ва эркинлаштириш даври, деб аташ мумкин.

Мазкур босқичда солиқ тўловчи юридик шахсларга имкони борича соддалаштирилган, ихчамлаштирилган солиқ тўлаш, солиқ ҳисоботлари ва солиқ тўлаш муддатлари соддалаштириш тизими жорий этилди. Ишлаб чиқариш тармоқлари ва корхоналар бўйнига тушаётган солиқ оғирлиги тобора йилдан-йилга камайиб борди.

Мустақиллик йилларида солиқ тизимининг ислоҳ қилиниши ўз самарасини бериб, кичик ва ўрта бизнес корхоналарининг мамлакат ялпи ички маҳсулот ишлаб чиқаришдаги ўрни ва салмоғи ортиб борди. Бу эса мамлакатимизда солиқ тизимини янада изчил ислоҳ қилишни ва такомиллаштиришни тақозо этди.

Солиқ ва бошқа имтиёзлар билан боғлиқ бир қатор ҳукумат қарорлари қабул қилинганлигига қарамай, жойларда, яъни Фарғона, Навоий, Жиззах ва Сурхондарё вилоятларида солиқ органлари томонидан сиёсат тушунарли етказилмаган, оқибатда Давлат солиқ қўмитасининг ишлари қониқарсиз деб топилган [4].

Аммо, бу босқичда қўлга киритилган ютуқлардан ташқари, камчиликлардан ҳам холи эмас эди. Кўп ҳолларда, қабул қилинган қонунлар, фармон ва қарорлар қоғозда қолиб кетди, яққол ижобий ўзгаришлар кўзга ташланмади.

*Ислохотларининг учинчи босқичи* 2009-2016 йилларни ўз ичига олиб, солиқ тизими фаолиятини такомиллаштириш, солиқ юқини енгиллаштириш, солиққа тортиш тизимини соддалаштириш ва унификация қилиш, солиқ юқини пасайтиришга қаратилган ва изчил амалга оширилаётган сиёсат, солиқ ва бошқа масалаларда имтиёзлар бериш сиёсати давом эттирилди.

Юқорида кўрсатиб ўтилган уч босқичда мамлакатда амалга оширилган солиқ сиёсати деярли ўзини оқламади. Масалан, Жаҳон банки томонидан “Price Waterhouse Coopers” билан ҳамкорликда тайёрлаган “Солиқ тўлаш 2010” солиқ тизимлари рейтингида солиқ режими энг қийин бўлган ўнта мамлакатлар рўйхатига 174-183 ўринларни эгаллаган давлатлар орасида Ўзбекистон Республикаси ўрганилган 183 мамлакатдан 178 ўринни эгаллади.

Таққослаш учун МДХ ва Болтиқбўйи давлатлари орасида вазият куйидагича эди: Эстония - 38, Латвия - 45, Литва - 51, Қозоғистон - 52-, Грузия - 64, Молдова - 101, Россия - 103, Озарбайжон - 108, Польша - 151, Арманистон - 153, Қирғизистон - 156, Тожикистон - 162, Ўзбекистон - 178 ва Украина - 181-ўрин [5].

*Ислоҳотларининг тўртинчи босқичи* 2017 йилда Ўзбекистон солиқ сиёсатида тарихий ўзгаришлар даври бўлди. Барча масалалар танқидий кўриб чиқиш асосида, тартиб-интизомни кучайтириш ва шахсий маъсулият ҳамда жавобгарликни ошириш чораларини кўриш орқали амалга оширилган. Солиққа тортиш базаси янада кенгайди. Солиқ бошқаруви учун замонавий тартибга солиш механизмлари - жорий этилди.

2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясида муҳим вазифалар сифатида жамият ва давлат ҳаётининг барча соҳаларини, шу жумладан, солиқ соҳасида солиқ юкини камайтириш ва солиққа тортиш тизимини соддалаштириш йўлини давом эттириш, солиқ маъмуриятчилигини такомиллаштириш ва рағбатлантиришнинг тегишли чораларини кенгайтириш белгиланди [6].

Умуман олганда, Ўзбекистон Республикаси солиқ органлари тизимининг бугунги кунга қадар шаклланиш жараёнининг таҳлилий хулосаси шундан далолат берадики, 1991-1997 йилларда Ўзбекистоннинг ўз мустақил солиқ тизими шаклланиб, солиқ тизимининг ягона ташкилий асослари ишлаб чиқилди. 2017 йилда Ўзбекистон солиқ сиёсатида тарихий ўзгаришлар даври бўлди. Барча масалалар танқидий таҳлил асосида, қатъий тартиб-интизом ва шахсий жавобгарлик чораларини кўриш орқали амалга оширилди.

#### **Адабиётлар:**

1. Супруненко С.А. История становления и развития системы налога обложения Украины. Экономика и современный менеджмент: теория и практика // XXI междунар. науч. практ. конф. – Новосибирск: СибАК, 2013.
2. Мустақиллик йилларидаги тараққиёт. Давлат солиқ қўмитаси ахборот хизмати. – Тошкент, 2016. – Б. 6.
3. Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг Ахборотномаси, 86 – модда. 1991, 4 – сон. – Б.77.
4. ЎзМА, М – 37 – фонд, 1 – рўйхат, 8959 – йиғма жилд, 1 – варак.
5. Рейтинг уплаты налогов Paying Taxes 2010.
6. Халқ сўзи газетаси. 2017 й 8 февраль, № 28 (6722). – Б.3.

# СОВЕТ ҲОКИМИЯТИНИНГ ДАСТЛАБКИ ДАВРИДА МАРКАЗИЙ ОСИЁ ИНФРАТУЗИЛМАЛАРИ ТИЗИМИДА ТЕМИР ЙЎЛЛАРНИНГ ТУТГАН ЎРНИ

**Раджабов О.А.**

*т.ф.ф.д.(PhD),*

*Ўзбекистон Миллий университети*

Жаҳон мамлакатлари ўртасида интеграция жараёнлари кундан-кунга ривожланиб, такомиллашиб бораётган бугунги кунда ички ва ташқи коммуникация алоқалари, инфратузилма масалаларини тадқиқ этиш долзарб вазифага айланиб бормоқда. Йўловчи ва юк қатновида энг қулай ва нисбатан ресурс тежовчи тармоқ шубҳасиз темир йўллар тизимидир. Айниқса, халқаро транзит савдо йўлларида узокда жойлашган минтақа ва мамлакатлар иқтисодиётида темир йўллар аҳамияти янада юқорироқдир.

Темир йўл йўловчи ҳамда турли-туман юкларни ташишга ихтисослашган техник воситалар (поездлар, вагонлар, станциялар, автоматика ва телемеханика қурилмалари, диспетчерлик хизмати) билан жиҳозланган транспорт корхонаси бўлиб, вазифасига кўра умумий фойдаланиладиган (магистраль), саноат транспорти ва шаҳар темир йўли (трамвай, метрополитен) каби турларга бўлинади. Темир йўл транспорти қатнайдиغان рельсли из, устки қурилма, ер полотноси ва сунъий иншоотларда ташкил топгани ҳолда, устки қурилма рельслар, рельс бирикмалари, стрелкали ўтказгичлар, шпал, бруслар ва балласт қатламларидан иборат бўлади. Ер полотноси кўтарма ва ўймалардан иборат бўлиб, йўл устки қурилмасига замин бўлиб хизмат қилади. Темир йўл тизимидаги сунъий иншоотларга темир йўл кўприклари, тоннеллар, виадук, дренаж қувурлари, тиргак деворлар ва бошқалар киради. Темир йўл бўйлаб йўл белгилари (километрлар, пикетлар ва ҳоказолар) ўрнатилади[1, Б. 254].

Россия империяси ҳукумати империянинг жанубий чегараларини мустаҳкамлаш ва ҳарбий-стратегик мақсадларни амалга ошириш учун 1880 йил ноябридан 1886 йил декабргача Закаспий (Каспий орти) ҳарбий темир йўли номи билан аталувчи Красноводск-Чоржўй темир йўлини барпо қилди. Мазкур темир йўл йўналиши таркибида 1886-1888 йилларда Закаспий темир йўлининг Фороб станциясидан Самарқанд шаҳригача бўлган масофада темир йўл излари ётқизиб чиқилган. 1888 йил май ойида Амударё орқали 2,7 км узунликдаги ёғоч кўприк қуриб битказилди ва Самарқандгача поездлар қатнови йўлга қўйилди[1, Б. 24]. Мазкур темир йўл тармоғи 1895-1897 йилларда Урсатьевск (Ховос)станциясидан Қўқон шаҳригача давом эттирилди. 1899 йилга келиб темир йўл Тошкент шаҳригача етказилди.

1874 йилда Россия империясининг махсус темир йўл комиссияси Тошкент-Оренбург темир йўлини қуриш зарурияти тўғрисидаги баёноти билан чиқди. 1890 йилга келиб мазкур тармоқнинг қурилиши бошланди. 1906 йил январида Тошкент-Оренбург темир йўл йўналиши бўйлаб биринчи локомотив ҳаракатланишни бошлади. Аста-секинлик билан худудлараро

темир йўллар тармоғини кенгайтириш жараёнлари бошлаб юборилди. Хусусан, 1907 йилда Когон-Бухоро, 1913-16 йилларда Қўқон-Наманган-Андижон темир йўли, 1913-1915 йилларда Когон-Амударё станцияси ва Қарши-Китоб шохобчалари қуриб битказилган. 1917 йилга қадар ҳозирги Ўзбекистон ҳудудидаги мавжуд барча темир йўллар узунлиги 1,1 минг километрга етган эди[3, Б. 186].

Ўрта Осиё, хусусан Ўзбекистон ССРда барпо этиладиган транспорт тармоқлари билан боғлиқ жараённи шартли равишда икки гуруҳга ажратиш мумкин. Биринчи гуруҳда республикалардаги ишлаб чиқаришга алоқадор бўлган қурилиш масаласи ҳамда аввалдан ҳудудда мавжуд бўлган транспорт тармоқларини кенгайтириш, янгиларига асос солиш билан боғлиқ муаммоларни ҳал қилишдан иборат.

1924 йилги маълумотларга кўра, Ўзбекистон ҳиссасига 1,843 чақирим, Туркменистонга 1,346 чақирим, Қирғизистон АССРга 983 чақирим, Қорақирғиз автоном областига 100 чақирим темир йўл тўғри келди[4, Б. 349].

1924 йилдан бошлаб совет ҳокимияти Ўрта Осиё ҳудудларидаги вайрон қилинган темир йўл йўналишлари: Қарши-Китоб, Когон-Амударё-Термиз йўналишларини, Фарғона водийсидаги темир йўл тармоқларини қайта таъмирлаб, ишга тушириш масаласини кўриб чиқа бошлади. Йўл хўжалиги борасида кучайтирилган тартибда иш суръатлари олиб борила бошланди. Темир йўл изларидаги ҳаракатни 1913 йил, яъни урушдан олдинги даврга етказиш асосий масала сифатида бир қанча ташкилотларнинг кун тартибда турар эди. Темир йўл йўналишларининг тикланиши нафақат ижтимоий-иқтисодий ҳаёт, балки аҳоли турмуш тарзига ҳам ўзининг ижобий таъсирини кўрсатар эди.

Эски тармоқ йўлларининг таъмирланиши билан бир қаторда янги темирйўл йўналишлари: Термиз-Душанбе, Термиз-Пристан (Амударё), Фарғона-Қувасой, Андижон-Тентаксой каби тармоқларни барпо қилишга киришилди. Умумий ҳисобда биринчи беш йилликнинг дастлабки даврида 500 кмлик эски темирйўл йўналишлари қайта тикланган бўлса, 265 та янги тармоқ йўлларини барпо қилиш мақсад қилиб қўйилди [5, Б. 25].

1926-1933 йилларга мўлжалланган беш йиллик давлат режасида темирйўлларга алоқадор бўлган қуйидаги масалаларни ечиш кўзда тутилган эди:

- 1) 203 верст узунликдаги Эски Бухоро темирйўллар тармоғи тасарруфида бўлган Самсоново-Термиз темирйўл йўналиши фаолиятини қайта тиклаш;
- 2) 210 верст узунликдаги Термиз-Денов-Душанбе янги темирйўл йўналишини барпо этиш;
- 3) 16 верст узунликдаги Федченко-Шахрихон шохобчаси фаолиятини қайта тиклаш (Фарғона тармоғи);
- 4) 18 верст узунликдаги Федченко-Андижон-Қўқон-Қишлоқ шохобчаси фаолиятини қайта тиклаш (Тентакисой йўналиши)
- 5) 35 верст\* узунликдаги Андижон I-Чинобод шохобчаси фаолиятини қайта тиклаш (Фарғона тармоғи);

б) Тошкент темирйўлининг Пишпек станциясидан бошланиб Олма-ота орқали ўтувчи Еттисув йўналиши қурилишини давом эттириш (Верный йўналиши) [6, Б. 13].

1926-1933 йилларга мўлжалланган беш йиллик режада темирйўл тармоқларига бағишланган дастлабки режа Самсоново-Термиз темирйўл тармоғини қайта тиклашга қаратилган эди. 1918 йилда эски Бухоро темирйўл тармоғининг 574 верст масофалик қисми бузилиб кетган эди. 1922 йилдан бошлаб мазкур тармоқни босқичма-босқич таъмирлашишлари бошланган. 1925 йилга келиб эса қайта тикланмаган биттагина участка Самсоново-Термиз қолган бўлиб, унинг узунлиги 203 верстни ташкил қилган.

Энди бевосита Самсоново-Термиз темирйўл йўналишини қайта тиклаш учун Ўрта Осиё темирйўллари ташкилотининг сарф-харажатларига эътибор қаратадиган бўлсак, у 3.740.000 рублни ташкил қилганлигини кўриш мумкин [7, Б.143]. Мазкур қийматдаги маблағ марказ томонидан ажратилгач, йўналишни қайта тиклашишлари бошланиши ҳамда беш ой муддат ичида тугалланиши белгилаб олинди.

Шунингдек, Самсоново-Термиз темирйўлини таъмирлаш учун Ўзбекистон ССРнинг маҳаллий республика маблағидан 950 рубль, СССР Халқ Комиссарлари Совети томонидан 220 рубль, ҳарбий вазирлик томонидан 600 рубль маблағ йўналтирилиши кўзда тутилган.

СССР Иқтисодий Бюроси томонидан Самсоново-Термиз темирйўлини таъмирлаш мақсадида йўналтириладиган маблағнинг 25 фоизи миқдорини 1925 йилдан бошлаб Ўзбекистон ССРнинг маҳаллий бюджет маблағларидан ундирилиши белгиланди. Ҳарбий ташкилотлар томонидан қурилиш жараёнларини ишчи кучи билан таъминлаш вазифаси ҳам юклатилган [8, Б. 72].

Тахминий ҳисоб-китобларга кўра, Термиз-Денов-Душанбе темирйўл қурилиши икки миллион рублдан ошиқроқ маблағ талаб этган ва 1932 йилгача қурилишнинг якунланиши белгиланган эди.

Хулоса ўрнида шуни таъкидлаш лозимки, Ўрта Осиё, хусусан Ўзбекистонда ҳам транспорт тизимининг аҳволи қониқарли даражада бўлмаган. Станциялар, ўтказиш пунктлари, тармоқ йўллар хорижий стандартларга мос келмаган. Бундан ташқари Иттифокнинг марказий республикаларидаги шароит билан Ўрта Осиё, шунингдек Ўзбекистон йўллари, транспорт тармоқларидаги вазият ўртасида жуда катта тафовут мавжуд бўлган. Жумладан, Иттифокнинг бирорта ҳудудида кузатилмаган маҳаллий транспортнинг давлат аҳамиятига молик йўллар, маҳаллий аҳоли фойдаланувчи тупроқ йўллар, давлат ихтиёрига олинмиши режа қилинган йўллар каби гуруҳларга бўлиниши фақат Ўрта Осиё республикаларида мавжуд бўлган. Ўзбекистондаги транспорт тармоқларининг ачинарли аҳволи ҳукуматнинг асосий куч ва эътиборни яна темирйўлларга қаратишига сабабчи бўлган.

### Адабиётлар:

1. Ўзбекистон Миллий Энциклопедияси. Т харфи. – Тошкент: Ўзбекистон миллий энциклопедияси Давлат илмий нашриёти, 2000.
2. Хачатуров Т.С. Железно дорожный транспорт СССР. – М.: Государственное транспортное железнодорожное издательство, 1952.
3. Ўрта Осиёда тузиладиган жумхуриятларнинг иқтисодиётидан // Туркистон. – 1924. – № 349.
4. Железные дороги в Средней Азии. – Ташкент, 1933 .
5. Железнодорожный путь. – 1925. – 25 апрель.
6. ЎзМА, Р.1621-фонд, 2-рўйхат, 155-йиғма жилд, 13-варак.
7. Годыцкий-Цвирко А.М. История железных дорог. Учебное пособие. – Л.: Наука и техника, 1959. – С.143.
8. Железнодорожная статистика. Под общей ред. И.В.Кочетова. – М.: Трансжелдориздат, 1939.

## МАМЛАКАТИМИЗДА ТЕМИР ЙЎЛ ТАРМОҚЛАРИНИ ҚУРИШ ВА МОДДИЙ ТЕХНИК ТАЪМИНОТИ ТАРИХИДАН

**Хидиров Х.Д.**  
*т.ф.ф.д.(PhD),*

*Термиз Давлат университети*

Темир йўл шахобчаларининг қурилиши Туркистонда аҳоли зич яшайдиган барча туманларни ўзаро боғлади. Бу шахобчалар йирик пахта заводлари ва корхоналарга ҳам етадилди. Натижада, ўлкада етиштирилган пахта толаси, мева, ипак ва бошқа товарлар Россия бозорларига ташила бошланди. Фақат Хива хонлигигина темирйўл орқали боғланмаган эди.. Тошкент-Оренбург темирйўли қурилиши билан Орол денгизида ҳам кемалар қатнови авж олди. Шундан кейин Хоразм пахтаси, Чоржўй орқали айланма йўл билан ташилмасдан. Амударё орқали Орол станциясига етказилиб берилла бошланди.

Шундай қилиб, Ўрта Осиё ва Тошкент-Оренбург темирйўллари ҳамда маҳаллий шахарчаларнинг ишга тушурилиши товар алмашувини, ўлкага капитал кириб келишини ниҳоятда жадаллаштириб юборди. Туркистоннинг Россия империяси шахарлари билан темирйўл орқали боғланиш иўлкада нафақат саноат ишлаб чиқаришни, балки қишлоқ хўжалигининг ҳам муқобил ривожланиши учун шароит яратди.

Россия империяси Туркистон ўлкасининг катта қисмини ўзининг иқтисодий таъсир доирасига олгандан кейин асосан этиборини ўлка бозорлари ҳамда хом-ашё манбалари устидан тўла ҳуқумронлигини ўрнатишга қаратди. Шу мақсадда у дастлаб ишни метрология билан мустамлака ўртасида совдо-сотик ва товар алмашувини янада кучайтиришдан бошлади. Аммо, хонликлар билан Россия ўртасида уша пайтгача фойдаланиб келинган карвон йўллари буржуазия кўзлаган

мақсадларни тўла амалга оширишга имкон бермас эди. Шу учун ҳам ўлкани Россия билан боғловчи темирўл қурилиши масаласи долзарб бўлиб қолди. Қисқа вақт ичида ҳукумат доирасида бу масалага доир қирққа яқин лойиҳалар ишлаб чиқилди. Улар орасида темирўл қурилишига Красноводск қалъасидан бошлаш лойиҳаси мақбул деб топилди. 1869 йили ҳарбий истеҳком сифатида Каспий денгизибўйига қурилган. Буқалъа Волга дарёси орқали ташиб келинган қурилиш материалларини жойлаштириш учун қулай эди. Иккинчидан бу қалъа жанговар туркман қабилаларини бўйсундириш учун стратегик жиҳатидан муҳим аҳамиятга ҳам эга эди.

Туркман уруғларини бўйсундиришнинг чўзилиб кетиши ҳамда Англияни Туркистонга ўз таъсирини кучайтиришга интилиши натижасида Бухоро ва Хива хонликларига нисбатан ўз мавқиеининг пасайишидан чўчиган Россия ҳукумати темирўл қурилишини айнан Красноводск қалъасидан бошлашга қарор қилди. Темир ўл қурилиши бошлиғи қилиб Барановск, темирўли комиссиясининг иш юритувчиси аъзоси ишбилармон генерал М.И.Аннеков тайинланди. Унга йўл қурилиши муҳандиси Лессер кўмаклашади [4. Б. 3].

Темир йўл қурилишини амалга ошириш учун дастлаб ҳарбий қурилиш батальони тузилди. Унинг таркибига 25 та зобит, 30 та инженер-техник ва врачлар ҳамда турли касбларга эга бўлган 1081 кичик зобит ва аскарлар бор эди. Улардан ташқари тупроқ ишларини бажариш учун Смоленск губерниясидан 200 дан ортиқ ишчилар, шунингдек бир қанча эронийлар жалб қилинган. Уларга ойига ўртача 25-30 рубл ҳақ тўланган [2. Б. 159].

Йўл қурилишишларига 1880 йили 26-августда Михайловское кўрфазидан Қизил Арватгача бўлган 217 чақиримлик масофада бошлаб юборилди. Давлат йўл қурилиши учун зарур барча харажатларни ўз зиммасига олди. Бироқ қурилишга маблағ билан таъминлашда узилишлар бўла бошлади. М.И.Аннеков варшавалик савдогар И.Н.Кереновский билан шартнома тузди [2. Б. 159]. И.Кереновский темир йўл қурилишини зарур маблағ билан таъминлаб туришни ўз зиммасига олди. Шундан кейин бошланган ишлар тезлашиб дастлабки самарасини бера бошлади. Темир йўл 1881 йил 1-январдан 60 чақирим масофага қурилиб, Бола-Эшим деган жойгача етказилди.

Тарихда биринчи марта кўчма қумлардан ўтказилган темир йўл қурилишининг Қизил Арват қисми катта қийинчиликлардан кейин 1881 йил 1 сентябрда ишга туширилди. Россия империясининг Туркистонни батамом эгаллаб олиш мақсадидаги ҳаракатлари Англия ҳукмрон доираларининг жиддий қаршилигига дуч келди. Англия-Россия муносабатлари янада кескинлашди. 1885 йил 18 мартда Англия таъсирида бўлган афғонлар руслар билан Тошкўприк яқинида тўқнашдилар. Бу тўқнашувда ғалаба қозонган руслар Панда ва Атрек вохаларини қўлга киритдилар. Бу муваффақиятлардан мағрурланган Россия Ҳарбий вазирлиги темир йўл қурилишини Амударёгача чўзиш ҳаракатига тушди. 1885 йил июн ойида темир йўлни Чоржўйгача етказиш ҳақида Бухоро амири Абдулаҳадхондан рухсат олинди. Шундай

қилиб, темир йўл қурилишига маҳаллий халқлар вакилларида ҳам кўплаб ишчилар жалб қилинди. Агар 1885 йил 4 июнгача Каспийолди темир йўли қурилишида 2000 гаяқин киши ишлаган бўлса, 20 ноябрга келиб уларнинг сони 14 мингга етди. 1886 йили 4 февралда чор ҳукумати Марв-Чоржўй темир йўли қурилишини тасдиқлади [3.Б.19-20].

Темир йўл қурилиши бу босқичнинг оғирлиги ва узоқлиги ҳисобга олиниб, иккинчи қурилиш батальонини тузди. Ишчиларнинг умумий сони 23 минг кишига етди. Шунинг учун ҳам қурилиш ишлари ўша давр шароитига нисбатан ниҳоятда тез олиб борилган. Қурувчилар кунига ўртача икки чақирим масофага рельс ётқизишган. 1886 йил 2 июндан бошлаб Марвгача, 9 ноябрдан Репетек станциясигача поездлар қатнай бошлади. Шу йилнинг 30 ноябрида Бухоро амирлиги ҳудудига Чоржўйга кириб келди [7.Б.85]. Темир йўлни яна давом эттириш учун Амударёдан ўтиш керак эди. Бироқ, дарё кўприк қуриш кўп вақт ва харажат талаб қилиши туфайли лойиҳада сол ясаш мўлжалланган эди, аммо солнинг ўзига яраша ташвишлари кўплиги учун муҳандис-меъмор Багинский дарёга ёғоч кўприк қуришни таклиф қилди. Бу таклиф кўпчиликка маъқул тушди ва катта техник қийинчиликларга қарамасдан кўприк қуриш ишлари бошлаб юборилди. Кўприк 124 кун ичида қуриб битказилди. Кўприкнинг асосий қисмининг узунлиги 811 сажен бўлиб, икки чети 300 саженлик туғонларга уланганди. 1888 йил 6 январда кўприкдан дастлабки поезд ўтди. Кўприк тез ва шошилинич қурилганлиги туфайли унчалик мустаҳкам бўлмаган. Шу туфайли тошқинлар ва оғир юкли поездлар уни тез-тез ишдан чиқариб турган. Шундай бўлсада, бу кўприк ўз даврининг улкан иншооти бўлиб, узунлиги жиҳатидан дунёда учинчи ўринда турган.

1886 йил, яъни кўприк қурилиш ишлари бошланиши арафасида муҳандис К.Толпыго, Самарқандда техник Р. Пальмгрен, Каттакўрғонда техник В.Лепинский, Зиёвуддинда муҳандис С.Иванов, Бухорода муҳандислар Д.Семагенва Л. Дараганлар Қорақўл ҳамда Амударёда темир йўл қурилиши бўйича ишларни бошлаб юбордилар. 1887 йил 12 июнда йўлнинг Самарқанд қисмида қурилиш ишларини ташкил этиш бўйича қўлланма ишлаб чиқилди ваниҳоят 1888 йилнинг февралда Самарқандгача темир йўл қуриб битказилди [7.Б.20].

Темир йўл қурилиши Самарқандгача етказилгандан кейин империя ҳукумати молиявий қийинчиликларни сабаб қилиб кўрсатиб, Самарқанд-Андижон йўналишини (Тошкент тармоғи билан) вақтинча тўхтатиб туришга қарор қилди. Бироқ, Туркистон генерал губернаторлиги шаклланаётга маҳаллий буржуазия ва ишбилармонлар йўл қурилишини Тошкентгача етказиш талаби билан чиқа бошладилар. Ҳатто, 1890 йили княз М.И.Хилков, 1892 йили бошида саноатчи Решетников, 1893 йили маслаҳатчи Ф.А.Половцев ва истеъфодаги капитан Бибиниковлар темир йўл қурилишига доир ўз лойиҳаларини таклиф қилдилар. Россия алоқа вазирлиги қурилиш ишларини ўз зиммасига олди [7.Б.109]. 1895 йил 21 сентябрида қурилишни бошлаш ҳақида расмий кўрсатма берилди. Самарқанд-Андижон темир йўлишларининг жадаллашиши натижасида биринчи поезд 1897 йили 27



ноябрда Қўқонга, 1899 йили Тошкентга, 1900 йили Андижонга кириб келди. Бу магистрал йўлга “Ўрта Осиё темир йўли” деб ном берилди. Унинг Ўрта Осиё темир йўл қурилиши фақат давлат ҳисобидан амалга оширилди.

1900 йилдан темир йўлни Оренбург билан боғлаш масаласи кўйилиб, у давлат ҳисобидан амалга оширилди ва 1906 йили Тошкент-Оренбург темир йўли қуриб битказилди. Шундан кейин Ўрта Осиё темир йўлининг яна 42, 7 км. лик иккита тармоғи қурилди. Шундай қилиб, Заорская ва Александер маъулмотларига кўра, Ўрта Осиё (1748 км) ва Оренбург-Тошкент (1852 км) темир йўллари қурилгандан кейин давлат ҳисобидан темир йўл қурилиши тўхтатилди [6. Б. 126-240]. Туркистонда темирйўл қурилиши шу билан тўхтаб қолмасдан уни яна давом эттириш масаласи кўрила бошлади. Энди кўпроқ хусусий тадбиркорлар фаолият кўрсата бошладилар. Масалан, 1907 йили баҳорида савдо-саноат вазири бошчилигида тўқимачилик саноатининг бир гуруҳ машҳур корчалонлар томонидан подшога ёзилган баённомага “Эмил Синдее”, “Викула Морозов”, М.Н.Полишин, Иван Коновалов, “Ярославль катта мануфактураси”, Альберт Губнер, Андревский ширкати, Исмоилов, Кренгольм, Висковский, Воннесенский мануфактуралари ва бошқаларнинг бошлиқлари имзо чекишиб, улар хусусий темирйўлқуришгарухсатберишниваЕттисувтемирйўлиниқурилишинитезлашт иришниилтимосқилдилар [7. Б. 68].

1908 йилдан бошлаб ўлка темир йўл қурилишида янги босқич бошланди. Илгари темирйўл қурилиши фақат давлат томонидан амалга оширилган бўлса, кейинчалик бу ишни хусусий тадбиркорлар ўз зиммасига ола бошладилар. Улар 458400 рублик акция капиталига эга бўлган “Қўқон-Наманган” темир йўл жамиятини ташкил этдилар [6. Б. 126-240]. 1912 йили бу жамият 89,6 км лик Қўқон-Наманган темир йўл қурилиши бошлаб юборилди.

Ўлкада тобора ривожланиб бораётган капиталистик муносабатлар хусусий мулкдорларнинг темир йўл қурилишига эътиборини кучайтирди. 1913 йили маҳаллий пахта ширкатига эга бўлган Р.Потеляхов савдо уйи Асакадан Ванновский станциясигача темир йўл қурдирди [1. Б. 164]. Фаолият тобора ўзгариб бораётган “Қўқон-Наманган” темир йўл жамияти Намангандан Андижон орқали Жалолободгача ҳамда Андижондан Қўқонқишлоқ ва Чинободгача темир йўл қурилишига рухсат олди [6.Б.240].

1913 йили Когон-Термиз темир йўли қурилишига ҳам рухсат берилди. Шундай қилиб, хусусий темир йўл қурилишига эътиборни кучайтириш натижасида 1912-1915 йилларда Ўрта Осиёда қуйидаги темир йўл шахобчалари қурилди [6. Б. 241].

<i>Шахобчаларнинг номи</i>	<i>Узунлиги (чакирим)</i>	<i>Қурилган йили</i>
Горгаково - Скобелев	8	1912
Қўқон- Наманган	84	1912
Когон-Бухоро	12	1912
Андижон-Гуручмозор	27	1914

1-Андижон – Андижон	8,3	1915
Гуручмозор-Жалолобод	46,3	1915
Когон-Қарши	147,4	1915
Қарши-Амиробод	144,2	1915
Қарши-Самсонов	109,2	1915
Қарши-Ғузор-Китоб	114,0	1915

### Адабиётлар:

1. Аминов А.М. Экономическое развитие Средней Азии (колониальный период). Ташкент, Госиздат УзССР, 1959. – С.164
2. Антипин В.А. Закаспийская военная железная дорога (1880-1898). Исторический очерк. Путеводитель по Туркестану. – СПб, 1903, -С.159.
3. Ахмаджонова З.К. К истории строительства железных дорог Средней Азии (1880-1917). Ташкент, 1965. – С.19-20.
4. Гулшанбаров С.И. Экономический обзор Туркестанского района. Ч.II. Сооружение дороги и ее работа. – Асхабат, 1913, - С.3
5. ЎРМДА, ф.И-3,р.1.х.3, в.85.
6. Ўзбекистон ССР тарихи. I-жилд, II-китоб...Б.126-240.
7. LavzentjefI.Tyristanola Kerpitebism. – Toskent, - 1931 – Вак. В.68.

## XX АСРНИНГ 20 – 30-ЙИЛЛАРИДА ЎРТА ОСИЁ МИНТАҚАСИДАГИ ГЕОГРАФИК ТАДҚИҚОТЛАР

**Толибов Н.А.**

*ўқитувчи*

*Ўзбекистон Миллий университети*

География фани инсоният тамаддунининг ажралмас бир қисми бўлиб, рўй бераётган жараёнлар ва ҳодисалар, уларнинг шаклланиш омиллари ва ривожланиши, инсон хўжалик фаолиятини табиий шароит ва қонуниятларга мослаштириш орқали табиий ресурслардан оқилона фойдаланиш ҳамда жамиятнинг табиатга муносабатини оптималлаштириш каби муаммоларни ҳал этишнинг назарий ва амалий масалаларини ўрганади. Олимлар география билан узоқ даврдан бери шуғулланиб келмоқда.

Ҳар бир фаннинг ўзига хос ривожланиш тарихи ва илмий мактаблари мавжуд бўлганидек, география илмий мактабларининг ўрни ҳам ўлкамизда муҳим ҳисобланади. XX асрнинг 20-йилларида Ўрта Осиё табиати ва иқтисодий ресурслари СССР Фанлар академияси ҳамда Ўрта Осиё Давлат университетининг бир қатор географлари томонидан тадқиқ қилина бошланган.

СССР Фанлар академияси томонидан амалга оширилган Ўрта Осиёдаги экспедициялар асосан чўллар тоғлар, саноат хом ашёси ҳисобланган фойдали қазилмалар (нефт, кўмир, темир, олтингугурт ва бошқалар)ни излаб топиш ва захирасини аниқлашга эътибор қаратилган бўлса, университет олимлари иштирокида амалга оширилган экспедицияларда эса табиатнинг барча компонентлари ўрганилганини кузатиш мумкин. Олиб борилган тадқиқотлар натижасида минтақа география

фани соҳасига янги илмий маълумотлар қўлга киритилди.

XX асрнинг 20-йилларда университет олимлари томонидан хусусан Ўрта Осиёда география фанининг етук арбоблари ҳисобланган Н.Л.Корженевский, Г.Н.Черданцев, Н.Г.Маллицкий, Р.И.Аболин, Ю.А.Скворцов ва С.Д.Муравейский ва бошқалар ўлка табиати ўрганишда катта амалий ишларни адо этишган. Хусусан, Н.Л.Корженевский ҳар йили ёз мавсумида турли ташкилот ва муассасалар (асосан, Туркмет – Средазмет) билан ҳамкорликда ўлканинг энг баланд тоғли ҳудудлари, қисман чўл зоналарига ҳам экспедициялар уюштириб, Ўрта Осиё географиясига кўплаб янгиликларни олиб кирган.

У 1926 йил Ўрта Осиёнинг энг улкан музлиги ҳисобланган Помир тоғида жойлашган Федченко музлигини ўрганиб, бир қанча географик кашфиётларни амалга оширган. Тадқиқот давомида Музжилға чўққисидан жануби-ғарбда фанга номаълум бўлган тоғ тизмасини илк бор аниқлаб, бу тизмани Фанлар академияси тизмаси деб, унинг энг юксак чўққисини эса машҳур геолог академик Карпинский номи билан атади. Олиб борилган тадқиқотлар давомида қўлга киритилган маълумотлар асосида “Мўксув ва унинг музликлари” (1927) номли географик асарини ёзган.

Оролбўйи ҳудудларида Ленинград География институти ҳам кенг кўламли тадқиқотларни олиб борди. Изланишлар давомида Оролбўйи ва Устюртда қўлга киритилган география соҳасига доир янгиликлар Н.Л.Благовидовнинг «Устюртнинг табиий географик очерки» (1925 й.), И.П.Герасимовнинг «Устюртдаги ботаник-географик тадқиқотлар» (1925 й.), Я.Д.Зекель ва К.Д.Тироннинг «Гидрометеорологик ишлар» (1926 й.) номли илмий ишларида ўз аксини топди.

Кейинги йилларда изланишлар янада жадаллашиб, Ўрта Осиёнинг барча иттифоқдош республикаларида комплекс геологик-географик экспедиция ишлари олиб борилди. 1930 йилга келиб, Қорақумни ўрганиш учун СССР ФА комплекс равишда экспедициялар ташкил этди. Улар учта отрядга бўлиниб: СССР ФА томонидан Д.И.Шчербаков бошчилигидаги географик, Е.Н.Павловский бошчилигидаги чорвачилик, Б.А.Федченко раҳбарлигида ботаник соҳаларда илмий изланишлар олиб борилди. Шунингдек, ўша йилларда В.А.Дубянский раҳбарлигида Қорақум чўлида географик изланишлар амалга оширилган.

Ўлкамизнинг табиий шароити ва бойликлари, хўжалиги ва аҳолисига таълуқли бўлган маълумотлар кўпайгани сари географик изланишлар ҳам мураккаблашиб борди. География фанига доир илмий тадқиқот ишлари 1933 йилдан бошлаб Самарқанд Давлат университети томонидан ҳам олиб борилган. Бу ишларга ботаник ва географ олимлардан М.Г.Попов ва Н.А.Меркуловичнинг изланишлари эътиборга лойиқ ишлардан ҳисобланади.

1933–1937 йиллар давомида Ўрта Осиё Давлат университетининг Биология институти ходимлари томонидан ҳам комплекс экспедициялар ташкил қилиниб, илмий изланишлар давомида П.А.Баранов ҳамда И.А.Райкова Ўрта Осиёдаги барча тоғли ҳудудларнинг иқлими, табиий

шароити ва қишлоқ хўжалиги тўғрисида муҳим илмий маълумотлар тўплашган.

1935 йилга келиб, Ўрта Осиё Давлат университетида Геология-тупроқшунослик-география факультети ташкил этилиб ўлканинг табиий географиясини ўрганиш марказига айланди. Табиий-географик тасаввурларнинг ривожланишига факультет геологларидан А.С.Уклонений, В.И.Попов, Н.Ф.Безобразова, М.И.Брик, О.К.Ланге, А.С.Аделунг, Д.Й.Архангельский, Н.П.Васильковский, С.Н.Колов, О.И.Сергунькова ва бошқалар ўзларининг тадқиқотлари ҳамда самарали ишлари билан муносиб ҳисса қўшдилар.

Шунингдек, факультет олимларидан М.А.Орлов бошчилигида географияга оид комплекс экспедициялар ташкил қилинган. Жумладан географ Н.Г.Маллицкий, ўлканинг табиати, Л.А.Молчанов эса иқлимини, гидробиолог-географ С.Д.Муравейский сув манбаи ва ўсимликлар дунёсини ўрганишган.

Хулоса ўрнида шуни айтиш мумкинки, умуминсоний маданиятни ривожлантириш, мамлакатимиз табиати ва хўжалигини ўзаро чамбарчас ўрганилишида география соҳасининг тутган ўрни бекиёсдир. XX асрнинг 20–30-йилларида йирик илмий мактабларнинг шаклланиши ҳамда табиий-географик ғояларнинг ривожланиши жуда тезлашди ва илмий тадқиқот ишларининг амалий аҳамияти тобора ортиб борди. Бу даврда ўлкада география соҳаси ривожини асосан фактик материаллар тўплаш ва илмий йўналишларнинг юзага келиши, шунингдек, кўплаб фундаментал асарлар яратилиши босқичи бўлди.

#### **Адабиётлар:**

1. Ҳасанов И.А, Ғуломов П.Н. Ўзбекистон табиий географияси. – Тошкент, 2006. – Б. 28.
2. Қурбонниёзов Р. География ўқитиш методикаси. – Урганч, 2001. – Б. 38.
3. Раҳимбеков Р.У, Донцова З.Н. Ўрта Осиё табиатини географик ўрганиш тарихи. – Тошкент: “Ўқитувчи”, 1982. – Б. 146-170.
4. Ата-Мирзаев О.Б. Геодемографическое исследование городского расселения и прогнозирование урбанизации Узбекской ССР: Автореф. дис. канд. геогр. наук. –Л,1985. – 32 с.
5. Ата-Мирзаев О. Б., Гентшке В., Муртазаева Р., Салиев А. Историко-демографические очерки урбанизации Узбекистана. –Ташкент: Университет, 2002. – 125 с.
6. Ҳасанов. Ҳ. ЎртаОсиёлик географ сайёҳлар. –Тошкент, 1964. – Б. 28.
7. Вологдин А.Г. Земля и жизнь. – М.: Недра, 1976. – 48 с.
8. Гаврилов В.П. Путешествия в прошлое Земли. – М.: Недра, 1976.
9. Гангнус А.А. Через горы времени. – М.: Мысль, 1973. – 88 с.
10. Громов В.И. Из прошлого Земли. – М.: Воениздат, 1958. – 95 с.
11. Кузнецов С.С. Как читают историю Земли. – Л.: Недра, 1973. – 75 с.

12. Монин А.С. Популярная история Земли. – М.: Наука, 1980. – 57 с.

13. Салиев А.С. Проблемы расселения и урбанизации в республиках Средней Азии. – Тошкент, 1984. – 123 с.

Khaydarov, Z. (2021). Archaeology of Kesh and Shakhrisabz: on the basis of KATE reports. *Current research journal of history (2767-472X)*, 2(11), 52-57.

Очилдиев, Ф. (2021). XIX асрнинг иккинчи ярми-XX аср бошларида Сурхон воҳаси бекликларининг мамурий бўлиниши ва бошқарув тизими. *Общество и инновации*, 2(4/S), 387-397.

Ochildiev, F. (2021). Cotton Production Development In Bukhara Emirate During The Late XIX–Early XX Centuries. *The American Journal of Social Science and Education Innovations*, 3(02), 119-125.

Ochildiev, F. B. (2019). Trade relations between bukhara-russia in the second half of XVIII century-in the XIX century. *Theoretical & Applied Science*, (5), 484-487.

Ochildiev, F. B. (2019). The creation of the amudarya fleet. *ISJ Theoretical & Applied Science*, 10(78), 583-586.

Очилдиев, Ф. Б., & Тогаев, Ж. Э. (2015). Заметки о системе местного управления в бухарском эмирате в середине XIX-начале XX века. *Национальная ассоциация ученых*, (2-9 (7)), 47-50.

Ochildiyev, F. (2019). Trade relations between Bukhara and Russia in the second half of the XIX century-the beginning of the XX century//*Social Sciences: Achievements and Prospects Journal* 3 (11), 2019/OEAPS Inc.(Open European Academy of Public Sciences); Chief Editor Mark Freeman-Barcelona, Spain. 16.03. 2019: OEAPS Inc., 2019.-pp. 55-60.

Очилдиев, Ф., & Хайдаров, З. (2022). Кеш ва Шаҳрисабз археологияси: КАТЭ тадқиқотлари. *Общество и инновации*, 3(2/S), 79-86.

## ЭКОЛОГИК МУАММОЛАР ВА УНИНГ ИНСОНИЯТ ҲАЁТИГА ТАҲДИДИ

**Аннаева З.М.**

*кат. ўқитувчи*

*Термиз Давлат университети*

Учинчи минг йилликнинг бошланиши муҳим икки тамойил билан характерланади. Биринчидан, ҳозирги цивилизация глобал экологик муаммолар (иқлим ўзгариши, озон қатлами емирилиши, ичимлик суви ифлосланиши ва етишмаслиги, ўрмон ва тупроқ инқирози, биохилма-хиллик қисқариши, ортиқча ҳажмдаги чиқиндилар ҳосил бўлиши ҳамда уларни зарарсизлантириш муаммолари ва бошқалар) билан тўқнаш келди.

Иккинчидан, дунё жадал суръатларда ўзгариб бормоқда. Шунинг учун ўтган даврдаги мезонлар билан келгусидаги истиқболни белгилаш у ёқда турсин, ҳатто бугунги ҳодисаларни ҳам баҳолаб бўлмайди.

Инсоният цивилизациясининг ҳозирги тарихий ривожланиш босқичида бир қатор ижтимоий, иқтисодий, маънавий муаммолар алоҳида аҳамият касб

этмоқда. Жумладан, экология билан боғлиқ масалалар, табиат экотизими емирилишининг кенгайиб бориши, биологик хилма- хилликнинг қисқариши, табиий муҳит глобал ўзгаришининг таҳдиди, саноат объектларидаги ҳалокатлар, хўжалик ва бошқа турдаги фаолиятнинг атроф-муҳит ва аҳоли саломатлигига салбий таъсири дунё ҳамжамиятини хавотирга солмоқда.

Глобаллашув жараёнининг юқори суратларда жадаллашуви кўплаб локал, регионал ва глобал экологик тизимлар инқирозига сабаб бўлмоқда. Кундан-кунга ўсимлик ва ҳайвонларнинг кўплаб турлари камайиб ёки бутунлай йўқ бўлиб кетмоқда. Иқлим ўзгариши, музликларнинг эриши, тупроқ емирилиши, ўрмонларнинг йўқолиб бориши, ер юзида ҳароратнинг кўтарилиши, ичимлик суви танқислиги, озик-овқат етишмовчилиги, турли юқумли касалликларнинг тарқалиши каби офатлар бугунги кунда инсониятни жиддий ташвишга солмоқда.

Мутахассисларнинг фикрича, шу пайтгача инсон цивилизацияси туфайли ер юзида ўрмонларнинг 66 фоизи йўқотилган, 2 млрд гектар унумли тупроқ қишлоқ хўжалик ҳисобидан чиқариб борилган. 200 дан ортиқ ҳайвонот ва ўсимлик турлари йўқолиб кетган, атмосфера ҳавосидаги кислород миқдори 10 млрд тоннага камайган [1]. XXI аср бошига келиб сайёрамизда йилига 5-7 млн гектар ер қишлоқ хўжалиги тасарруфидан чиқиб кетди. Кунига 44 гектар майдон саҳрога айланмоқда. Атмосферада миллионлаб тонна миқдордаги зарарли моддалар пайдо бўлаётганлиги ачинарли ҳолдир. Ҳаво ҳарорати кейинги 200 йил ичида ўрта минтақаларда 2-3 даражага, шимолий ва жанубий кутбларда 10 даражагача кўтарилган[2].

Сайёрамизда инсонларнинг ишлаб чиқариш ва ҳаётий фаолияти натижасида пайдо бўладиган чиқиндилар миқдори миллиардлаб тоннани ташкил этаётган бир шароитда уларни қайта ишлаш қобилиятига эга бўлган тирик организмлар бу даражадаги ишни бажара олмасдан қолмоқда. Сабаби, кишилар томонидан атроф муҳитга қайта ишлашга яроқсиз минглаб тонна сунъий моддалар чиқариб ташланмоқда. Олимларнинг таъкидлашича, 30-50-йиллардан сўнг тиклаб бўлмайдиган жараёнлар бошланади ва улар XXI-XXII асрлар оралиғида глобал экологик фалкатга олиб келиши мумкин. Айниқса, саноати ривожланган Европа мамлакатлари бу вазиятга бошқалардан кўра эртароқ дуч келиши мумкин. Чунки бу минтақада табиий ресурслар деярли тугаб бормоқда, улар бу эҳтиёжни четдан келтириладиган маҳсулотлар эвазига қондиришга ўтганлар. БМТ маълумотлари бўйича ҳар йили дунё океанига 30 млрд тонна нефт маҳсулотлари, 50 минг тонн, пестицидлар ва 5 минг тонна, симоб ташланади[3]. Аҳолини тоза ичимлик суви билан таъминлаш ва оқава сувларни тозалаш муаммолари алоҳида аҳамият касб этмоқда. Саноатда жуда кўп миқдорда сув ишлатилади. Масалан, 1 тонна пўлатни эритиш учун 200 м<sup>3</sup>, 1 тонна қоғоз ишлаб чиқариш учун 100 м<sup>3</sup>, 1 тонна синтетик ипак тайёрлаш учун эса 2500 дан 5000 м<sup>3</sup>гача сув сарф қилинади. Статистик маълумотларга кўра, бугунги кунда ривожланаётган мамлакатларда 1,3 миллиард аҳоли тоза ичимлик сувидан мунтазам фойдалана олмайди[4]. Қанчадан-қанча давлатларда эса ичимлик сувини

фақат пул эвазига сотиб олиш мумкин.

Айни пайтда дунёдаги минерал захираларга бой минтақаларни эгаллаш учун қудратли давлатлар уртасида тинимсиз “манфаатлар” жанги бормоқда. Ёқилғининг ёниши натижасида ҳар йили атмосферага 20 млрд тонна атрофида карбонат ангидрид гази ташланмоқда. Газларнинг атмосферадаги миқдори секин аста кўпайиб бормоқда, охириги 100 йил ичида бу кўрсаткич 10 фоиздан ошди[5]. Карбонат ангидрид гази космик фазода иссиқликнинг тарқалишига тўсқинлик қилмоқда, бу эса Ер ҳарорати исиб кетишига олиб келмоқда. Газларнинг атмосферага чиқарилиши ультрабинафша нурлардан Ернинг асосий ҳимоячиси бўлган озон қатламининг 9 фоизини йўқ қилди. “Озон туйнуғи”нинг умумий майдони АҚШ ҳудудига тенг майдонни ташкил қилади.

Сайёрамизга таъсир қилаётган иссиқлик эффекти ҳодисаси ҳам бугуннинг энг долзарб муаммоси ҳисобланади. 1959 йилга келиб, атмосферада углерод оксиди миқдори 13 фоиз, сўнги 39 йил ичида 17 фоизга кўпайди. Бунинг натижасида Ер юзасининг ҳарорати кескин кўтарилиб бормоқда. Маълумотларга кўра, Ер юзи ҳароратининг 1°C га ортиши дунё океани сатҳининг 17 см гача кўтарилишига олиб келади[6]. Охириги юз йилликда океаннинг глобал сатҳи тахминан 15см.га кўтарилди. Агар иссиқхона газлари эмиссиясининг ҳозирги суръати сақланиб қолса, 2100 йилга бориб, океан сатҳи яна 65 см.га кўтарилиши мумкин. Буэсамиллионлаб квадрат километр қуруқликучун, демакки, миллионлаб одамлар учун таҳликали вазиятни вужудга келтиради.

Кейинги ўнйилликда Ернинг муз қатлами эриши тезлашмоқда. Олимлар фикрича, бу турли газлар келтириб чиқараётган кенг миқёсдаги ҳаво исишидан далолат берувчи белгилардан биридир. Муз қатламини йўқотиш нафақат об-ҳавога таъсир этади, балки катта сув тошқинларини ҳам келтириб чиқаради, кенг кўламли муз эриши у жойлардаги ҳайвонот ва ўсимликлар дунёсига ҳам хавф солади. Арктика денгизларида музликлар майдони 1978 йилдан 1996 йилгача 6 фоизга қисқарган. Бу йилига 34300 квадрат километр муз майдонлари эриб кетяпти деган гап. Кейинги 30 йил ичида музликлар қалинлиги 40 фоизга камайган. Мутахассисларнинг фикрича, 2050 йилга келиб, тоғ музликларининг 1/4 қисми йўқолади. 2100 йилга бориб эса йирик муз массивлари фақат Аляска, Патагония ва Ҳимолайда сақланиб қолади[7].

Мутахассисларнинг қайд этишича, экологик инқироз ҳудудларида инсоннинг умри умуммиллий даражадан 10-15 йилгача қисқариб бормоқда. Орол денгизи ҳавзасида экологик инқироз аллақачон глобал даражага чиқди ва бу Ер шарининг миллионлаб аҳолиси яшаш шароити ва саломатлигига ёмон таъсир қилмоқда. Чунончи, ичимлик сув танқислиги, респиратор ҳамда буйрак касалликлари, камқонлик ва генетик заифлашувнинг ортиши, оналар ва болалар саломатлиги ёмонлашуви кузатилди. Айни пайтда мазкур экологик инқирозларга фақат Марказий Осиё минтақаси эмас, сайёрамиздаги деярли барча мамлакатлар тўқнаш келаётир. Бошқача айтганда, яқин

ўтмишда йўл қўйилган хатоларни тузатиш айти кунда барчанинг гарданига тушган. Оролбўйи аҳолисининг касалланиши ичимлик сувининг ифлосланиши ва етарлича таъминланмаганлиги, қишлоқ жойларда ижтимоий ободончилик ва иқтисодий ривожланганликнинг пастлиги билан ҳам боғлиқ. Қуриган денгиз қаъридан ҳар йили 140 млн. Тоннага яқин туз атмосферага кўтарилмоқда[8]. Орол тузлари Норвегия ўрмонларида, Греландия музликларида ва Антарктидада яшовчи жонзотлар қонида ҳам топилган.

Марказий Осиё минтақасида XXI асрдаги энг катта муаммолардан бири сув ресурслари тақчиллиги бўлиши мумкин. Сув ресурслари таъминоти бўйича Ўзбекистон энг ноқулай ҳудудда жойлашган. Масалан, Сирдарёнинг бир йиллик сув оқими 37,9 км<sup>3</sup> ни ташкил этади. Бу сувнинг 28,0 км<sup>3</sup> (73,8 фоизи) Қирғизистон ҳудудида, 5,59 км<sup>3</sup> (14,8 фоизи) Ўзбекистон ҳудудида, 4,08 км<sup>3</sup> (10,8 фоизи) Қозоғистон ҳудудида шаклланади. Амударё сувининг бир йиллик миқдори 78 км<sup>3</sup> ни ташкил этиб, унинг 62,9 км<sup>3</sup> (80 фоизи) Тожикистон ҳудудида, 4,7км<sup>3</sup> (6 фоизи) эса Ўзбекистон ҳудудида шаклланади[9]. Кўриниб турибдики, сув ресурслари шаклланиш нуқталари асосан қўшни давлатлар ҳудудларида жойлашган. Бу эса Ўзбекистон Республикасининг сувга бўлган эҳтиёжини қондиришда муайян муаммоларни келтириб чиқармоқда.

Экологик саломатлик масаласи миллийликдан халқаро миқёсда ривожланиб, Бирлашган Миллатлар Ташкилоти томонидан доимий эътибор предметига айланди. ЖССТ маълумотларига кўра, аҳолининг саломатлик ҳолати ижтимоий-иқтисодий ривожланиш даражасига 50-60 фоизга, экологик муаммоларни ҳал этишга 20-30 фоизга ва фақат соғлиқни сақлаш тизимининг ривожланишига 15-20 фоизга боғлиқ [10]. Аҳоли саломатлиги ва жамият фаровонлигига хавф солаётган атмосфера ҳавоси ифлосланишига қарши кураш атроф-муҳитни муҳофаза қилишда алоҳида ўрин тутади.

Умуман олганда, экологик муаммолар нафақат бизнинг минтақамизда, балки бутун дунёда долзарб ҳисобланади. Инсониятнинг келажаги ушбу муаммоларнинг нечоғлиқ тезлик ва ҳамкорликда бартараф қилинишига боғлиқ бўлиб қолмоқда. Зеро, ушбу муаммо чегара билмаслиги, миллат, халқ, давлат танламаслиги ҳақиқат. Шундай экан, экологик муаммоларни айрим давлатларгина эмас, бутун жаҳон ҳамжамияти биргаликда бартараф этиши лозим.

Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Ассамблеяси томонидан 1992 йилда Риоде-Жанейрода ташкиллаштирилган “Ер муаммолари бўйича олий даражадаги учрашув” деб номланган Конференсияда БМТнинг атроф-муҳит муҳофазаси ва тараққиёт бўйича Концепцияси (ЮНСЕ-92 муҳокама қилинди ва XXI асрга ташриф дастури қабул қилинди. Конференция атроф-муҳит ҳолатининг ёмонлашаётганлигига чек қўйиш ва XXI асрдаги барқарор ҳаёт учун асос яратиш чораларини белгилади. Шунингдек, Рио декларациясида барча турдаги ўрмонларни бошқариш, сақлаб қолиш ва барқарор ривожлантириш глобал конценсуси тамойиллари тўғри баёнот қабул қилинди.



Халқаро ҳамжамият инсоннинг нафақат яшаш ҳуқуқи, балки тўлақонли ва соғлом турмуш кечириши учун зарур атроф муҳит шароитларига шароитларига ҳам бўлган ҳуқуқларининг муқаддас ва дахлсизлигини аллақачон эътироф этган. Бундан роппа-роса 36 йил аввал Стокгольм шаҳрида БМТ атроф-муҳит муаммоларига бағишланган анжуманида башарият келажаги учун муҳим ҳужжат - Атроф-муҳит дастури ишлаб чиқилди. Кўп ўтмай БМТ ушбу тарихий анжуманиш бошлаган сана, яни 5-июни – “Жаҳон атроф-муҳитни муҳофаза қилиш куни” деб эълон қилди[11]. БМТ муамога ўз вақтида эътибор қаратган бўлсада, сўздан амалга ўтилиши учун анча йиллар керак бўлди. Бу бежиз эмасди, албатта. Саноат, илм-фанда юз берган улкан ўзгаришлар, жадал тараққиётдан эсанкираб қолган одамзод табиат ҳам жонли вужуд эканлигини, олмоқнинг бермоғи борлигини мутлақо унутиб қўйди. Айниқса аср табиий ресурсларни пала-партиш хўжасизларча истифода қилишда рекорд ўрнатди, замин ҳам, гардун ҳам, сув ҳам ҳайвонот ва наботот дунёси ҳам, боринги, барча безабон дунё инсониятнинг манфаатига беаёв “хизмат” қилдирилди. Миллионлаб йиллар давомида ўз қонуниятлари билан яшаб келган табиат одам аралашуви билан қисқа вақтда ҳавф ёқасига келиб қолди. Атмосфера ҳавосининг бузилиши, сувнинг ифлосланиши чўлланиш, жониворлар ва ўсимликлар тур-ларининг кескин қисқариб кетиши, лўнда қилиб айтганда, экологик тизимнинг издан чиқиши инсоннинг келгуси тақдирини ҳам хавф остига қўйди.

2008 йил БМТ томонидан “Ер сайёраси йили” деб эълон қилинди[12]. Жаҳоннинг нуфузли минбарларидан табиатни асраш ҳақида оташин даъватлар янграмоқда. Янги минг йиллик остонасига келиб, дунё мамлакатлари экологик тангликни очиқ-ошкора эътироф эта бошлади. БМТнинг 2000 йилда ўтказилган Мингйиллик саммитида экологик барқарорликни таъминлаш инсониятнинг ёруғ истиқболи учун асосий гаровлардан бири эканлиги қайд этилди. Ушбу анжуманда қабул қилинган Мингйиллик декларациясида атроф-муҳитни муҳофаза қилиш масаласи саккизта глобал мақсаднинг бири сифатида белгиланди. Лекин мамлакатлар инсон ва табиат ўртасидаги мувозанатни тиклашни устувор вазифа деб билмас экан, ҳужжат нечоғлиқ муҳим бўлмасин, қоғозда қолиб кетаверади.

Кўриниб турибдики, табиий муҳитни инсон юритадиган хўжалик фаолиятининг зарарли таъсиридан ҳимоя қилиш билан боғлиқ кўпгина муаммолар кенг кўлам касб этади. Шу нуқтаи назардан улар фақат халқаро ҳамкорлик асосида ҳал қилиниши даркор. Шу нарсани алоҳида таъкидлаш лозимки, бугунги кунда экологик муаммоларни бутун инсониятга хавф солиб турган таҳдид сифатида қараш керак. Бизнинг назаримизда, юқорида санаб ўтилган муаммоларни ҳал қилишда биринчи навбатда инсонларнинг табиатга бўлган муносабатини ўзгартириш, экологик онги ва маданиятини шакллантириш, давлатларнинг ички ва ташқи сиёсатида экологик хавфсизлик масалалари муҳим ўрин эгаллашига эътибор қаратиш, экологик барқарорликни таъминлашда халқаро ҳамкорликни кучайтириш алоҳида аҳамият касб этмоғи лозим.

### **Адабиётлар:**

1. Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг иқлим ўзгариши бўйича рамкавий конвенцияси бўйича Ўзбекистон Республикасининг Биринчи Миллий ахбороти. Тошкент., 1999.
2. Валуконис Г.Ю, Мурадов Ш.О. Основы экологии. Том I Обхая экология, Ташкент, “Мехнат”, 2001.
3. Нигматов А. Экология нима? Т, 2002.
4. Турсунов Х. Экология асослари ва табиатни муҳофаза қилиш. Тошкент, “Ўзбекистон”, 1997.
5. Холмуродов Н. Сурхондарё табиати ва унинг муҳофазаси. – Тошкент: “Чинор”, 1998.
6. Эргашев Т. Умумий экология. – Тошкент, 2003.
7. Эргашев А., Эргашев Т. Атроф-муҳитни муҳофаза қилиш .–Тошкент, 2005.
8. Тилавов Т. Экологиянинг долзарб муаммолари. – Қарши, Насаф, 2003.
9. Тўхтаев А.С. Экология. Тошкент., Ўқитувчи, 2001.144-б.
10. Экология. Интерактив қўлланма. – Тошкент.
11. Зокиров Х. Табиатни муҳофаза қилишнинг ижтимоий, иқтисодий, сиёсий ва экологик жиҳатлари. – Термиз, 2009.
12. Зокиров Х. Сув ресурсларини муҳофазха қилиш ва улардан оқилона фойдаланиш. – Термиз, 2010.

### **ТУРИЗМ СОҲАСИДАГИ ҲАМКОРЛИКНИНГ ЯНГИ УФҚЛАРИ (Ўзбекистон ва Асеан давлатлари мисолида)**

**Толибова С.Р.**

*илмий ходим*

*ЎзР ФА ҳузуридаги Ўзбекистоннинг энг янги  
тарихи масалалари бўйича Мувофиқлаштирувчи-методик марказ*

Дунё иқтисодиётининг энг ривожланган тармоқларидан бири туризм соҳаси ҳисобланади. 2017-2018 йилларда Ўзбекистонда туризм соҳасини ривожлантириш янги босқичга кўтарилди. Жумладан, 2018 йилда Ўзбекистон Республикасида туризм соҳасини янада тараққий этишга қаратилган Ўзбекистон Республикаси Президентининг 11 та, Вазирлар Маҳкамасининг 25 та норматив-ҳуқуқий ҳужжатлари қабул қилинди. 2018 йилнинг 15 июлидан электрон кириш визаларини расмийлаштириш ва бериш тизими амалиётга жорий этила бошланди. Ўзбекистон Республикасига ташриф буюрган хорижий туристларни вақтинчалик рўйхатга қўйишнинг Е-МЕНМОН электрон тизими яратилди ва 101 давлат фуқаролари мамлакатда транзит орқали ўтишда вақтинчалик бўлиш визаси тартиби киритилди. Шунингдек, 86 та давлат фуқароларига визасиз ва 57 та давлат фуқароларига соддалаштирилган виза режими жорий этилиши натижасида 2019 йил

юртимизга 6,7 миллион нафар хорижий сайёҳ ташриф буюрди. Бу 2016 йилга нисбатан 4,7 миллион нафарга ёки 3,3 баробар кўп демакдир [1, Б. 2].

Ўзбекистоннинг Жануби-Шарқий Осиё мамлакатлари билан туризм соҳасидаги ҳамкорлик алоқалар яхши йўлга қўйилган. Давлат статистика қўмитаси маълумотларига кўра, Жануби-Шарқий Осиё мамлакатларидан 2018 йилда жами 8614 та турист Ўзбекистон Республикасига келган бўлиб, улардан 682 нафари хизмат, 11 нафари ўқиш, 150 нафари иш, 6415 нафари туристик, 868 нафари қариндошларни йўқлаш, 2 нафари доимий яшаш учун (Вьетнам), 248 нафари тижорат, 89 нафари транзит ва 149 нафари турли бошқа мақсадларда мамлакатга ташриф буюрган. Кўриниб турибдики, Жануби-Шарқий Осиё мамлакатларидан ташриф буюрган туристларларнинг асосий салмоғини зиёрат туризми ташкил этади. Шу сабаб мамлакатимизда “Нақшбанд туризм фестивали–2018” номли халқаро тадбир ўтказилди. Ушбу халқаро фестивал доирасида 18 давлатдан 170 га яқин меҳмон (жумладан, Малайзия, Индонезия) [2] ташриф буюрди. Таъкидлаш керакки, ушбу туризм фестивали Ўзбекистонда янги йўналишлардан биридир. Соҳани янада такомиллаштириш ва ўзаро алоқаларни чуқурлаштириш мақсадида Индонезия пойтахти Жакартада индонез тилида Ўзбекистоннинг туризм салоҳиятини тарғиб этувчи веб-сайт очилди. 2018 йилда Индонезиянинг “NetTV” телеканали тасвирчиси Реза Ривалди Ўзбекистоннинг зиёрат туризми ҳақида ҳикоя қилувчи видеороликни ҳамюртлари эътиборига ҳавола этди. Шунингдек, «NetTV» телеканали ижодкорлари 2018 йил март ойида ҳам Ўзбекистон ҳақида “Мусулмон саёҳатчилар” (*Muslim traveler*) рукнида “Ўзбекистоннинг ажойиб шаҳарларини кашф этинг” [3] ҳамда “Самарқанд, Ўзбекистон” [4] номли иккита кўрсатув тайёрлашди. Самарқанднинг сайёҳлик салоҳияти ҳақида узатилган илк кўрсатувни 22 май куни 180 мингдан ортиқ индонезиялик томоша қилган. Бундан ташқари, бу кўрсатувни “YouTube” орқали 1,7 миллион фойдаланувчи кўрган [5].

2019 йил 19 февралда Сингапурда Ўзбек-Сингапур сайёҳлик маркази ҳам очилди. 2019 йил 21-23 февраль кунлари Бухоро ва Самарқандда I Халқаро зиёрат туризми форуми бўлиб ўтди. Унда 34 та давлатдан 120 нафарга яқин вакиллар орасида Жануби-Шарқий Осиё мамлакатларидан иштирокчилар ҳам ташриф буюришди.

Жануби-Шарқий Осиё мамлакатларидан Ўзбекистонга ташриф буюраётган туристларнинг салмоғи охириги 3 йилда сезиларли даражада ўсди. Алоҳида таъкидлаш жоизки, республикага Осиё қитъасидан ташриф буюрувчилар орасида Жануби-Шарқий Осиё давлатларидан сайёҳлар салмоғи кўпроқ.

**2019 йилда Ўзбекистон Республикасига ташириф буюрган Жануби-Шарқий Осиё давлатларидан ташириф буюрганлар (киши)**

№	Давлатлар	Турли мақсадларда таширифлар сони	Сайёҳат мақсадида ташириф буюрганлар
1	Малайзия	4460	3946
2	Индонезия	2855	2324
3	Сингапур	1850	1638
4	Таиланд	1772	1196
5	Филиппин	1564	462
6	Вьетнам	460	257
7	Бруней	52	47
8	Камбоджа	46	20
9	Мьянма	65	7
10	Лаос	29	6
	<b>ЖАМИ</b>	<b>13153</b>	<b>9903</b>

*Манба: Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитаси маълумотлари асосида тадқиқотчи томонидан тузилган.*

Кўриниб турибдики, мазкур жадвалда Жануби-Шарқий Осиё мамлакатларидан жами ташириф буюрганларнинг асосий салмоғини туризм мақсадида келувчилар ташкил этади. Шунингдек, Малайзия ва Индонезия каби минтақанинг мусулмон давлатлари бу борада етакчи. Буни Малайзия, Индонезия, Вьетнам ва Таиланд давлатларидан ташириф буюрганлар учун Ўзбекистонда 30 кунлик визасиз тартибнинг жорий этилиши, 2019 йил май ойидан бошлаб Малайзиянинг Куала-Лампур шаҳри орқали Индонезия пойтахтига ҳафтада икки маротаба рейсларни амалга оширишни йўлга қўйилгани, 2018-2019 йилларда зиёрат туризми йўналишида “Накшбанд туризм фестивали” халқаро тадбирининг ўтказилиши, шунингдек, Сингапурнинг S.E.A. Business Centre Pte. Ltd. (Ўзбекистон-Сингапур туризм маркази) билан ҳамкорликда дунёда ягона– “Марказий ва Жануби-Шарқий Осиё туризми халқаро тадқиқот маркази” (CASEA-InTouReC)га асос солиниб, амалий ишлар ўз натижасини бераётгани билан изоҳлаш мумкин. Бу эса ўз навбатида малайзиялик ва индонезиялик сайёҳларнинг мамлакатга оқимини янада кўпайтиришга улкан ҳисса қўшди.

Шу ўринда таъкидлаш лозимки, 2020 йилдан буён дунё туризм соҳасига, барча мамлакатлар иқтисодиётига жуда кучли таъсир кўрсатаётган глобал муаммолардан бири коронавирус (COVID-19) пандемияси ҳисобланади. Коронавирус пандемияси сабабли биргина 2020 йилнинг январь-май оралиғида жаҳон туризм индустрияси 320 миллиард АҚШ доллари миқдоридagi даромадни йўқотди. Бутунжаҳон туризм ташкилотининг маълумот беришича бу кўрсаткич 2009 йилдаги глобал молиявий–иқтисодий инқироз натижасида соҳа томонидан кўрилган зарардан уч баравар кўпдир.

Ўзбекистон Республикаси Президенти томонидан 2020 йил 28 майдаги ПФ-6002-сон «Коронавирус пандемиясининг салбий таъсирини камайтириш учун туризм соҳасини қўллаб-қувватлашга доир кечиктириб бўлмайдиган чора-тадбирлар тўғрисида»ги, 2021 йил 9 февралдаги ПФ-6165-сон «Ўзбекистон Республикасида ички ва зиёрат туризмини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Фармони қабул қилинди. Ушбу фармонда пандемия шароитидан келиб чиқиб, белгиланган вазифалар амалга ошириш, мавжуд муаммоларни ечиш ва соҳани рағбатлантиришда муҳим қадам бўлди.

Пандемия даври Ўзбекистон ва Жануби-Шарқий Осиё давлатларининг туризм соҳасидаги ҳамкорлигига ҳам таъсир қилди. Шундай бўлсада, Ўзбекистон Малайзия, Индонезия, Таиланд ва Вьетнам давлатлари билан туризм соҳасидаги ҳамкорлик алоқаларини олиб бормоқда. Хусусан, минтақанинг мусулмон давлатларида зиёрат туризмини тарғиб қилиш бўйича элчихоналар томонидан мақсадли ишлар амалга оширилди. Турли даражадаги музокаралар натижасида республика сайёҳлик соҳаси вакиллари учун веб-семинарлар ва малака ошириш курсларини ташкил этиш, қўшма маънавий-маърифий тадбирлар ўтказиш, Малайзиядаги масжидларда жума намозида Ўзбекистон зиёрат туризмини тарғиб қилиш, ҳалол саноатида қўшма лойиҳаларни амалга ошириш бўйича келишувларга эришилди [7].

Хулоса ўрнида айтиш мумкинки, Ўзбекистон Жануби-Шарқий Осиё минтақасидаги етакчи мамлакатлар билан туризм соҳасида ўзаро кўптомонлама муносабатларни йўлга қўйган. Мамлакатимизга ҳар йили ушбу минтақадан кўплаб сайёҳлар келмоқда. Ўз навбатида Ўзбекистон фуқаролари ҳам Жануби-Шарқий Осиёнинг йирик туристик ҳудудларига сайёҳат қилмоқдалар. Бироқ тадқиқ қилинаётган мавзуимиз таҳлили шуни кўрсатдики, Ўзбекистонда минтақа давлатлари билан туризм соҳасини ривожлантириш учун ҳукуматлараро битим имзоланмаганлиги, минтақадаги туризм соҳаси ривожланган Таиланд ва Вьетнам давлатларига тўғридан-тўғри мунтазам авиақатновлар йўлга қўйилмаганлиги, мазкур давлатларда мамлакатимиз туризм салоҳияти етарлича тарғиб қилинмаётганлиги Ўзбекистон ва Жануби-Шарқий Осиё давлатлари туризм соҳасидаги ҳамкорлигида мавжуд имкониятлардан тўлиқ фойдаланмаётганлигини кўрсатмоқда.

Фикримизча, Ўзбекистон Малайзия ва Индонезия давлатлари билан туризм соҳасига оид ҳукуматлараро битимларни имзолаш ҳамда зиёрат туризм йўналишларини кенгайтиришда минтақадаги нафақат мусулмон давлатлар, балки буддавийлик динига эътиқод қилувчиларни мамлакатимиздаги буддавийлик манзилгоҳларига ташрифлари учун тур йўналишлар ташкил этиш Ўзбекистоннинг мазкур минтақа давлатлари билан туризм соҳасидаги алоқаларнинг ривожланишига ва халқлар дўстлигини ҳар томонлама мустаҳкамлашда муҳим асос бўлиб хизмат қилади.

### Адабиётлар:

1. Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Олий Мажлисга Мурожатномаси. Халқ сўзи. 2020 йил 25 январь. №19 (7521).-Б. 2.
2. [Электрон ресурс:] “Нақшбанд туризм фестивали – 2018”. <https://www.religions.uz/news/detail?id=1050> (18.06.2018)
3. [Электрон ресурс:] Menjelajahi Kota Cantik Uzbekistan - Muslim Travelers 2018 // [https://www.youtube.com/watch?v=Ze\\_5J89XMdU](https://www.youtube.com/watch?v=Ze_5J89XMdU)(24.09.2018)
4. [Электрон ресурс:] Muslim Travelers 2018 - Samarkand, Uzbekistan [https://www.youtube.com/watch?v=qxA\\_o0qcjfk](https://www.youtube.com/watch?v=qxA_o0qcjfk) (12.12.2018)
5. [Электрон ресурс:] «NetTV» телеканали Ўзбекистонда зиёрат туризми ривожига ҳисса қўшмоқда // <http://muslim.uz/index.php/yangiliklar-2016/uzbekistan/item/10615> (26.08.2017)
6. Ўзбекистоннинг ижтимоий-иқтисодий ҳолати. Туристик оқим–2019. <https://stat.uz/uz/default/choraklik-natijalar/9388-2019>. (05.08.2022)
7. Усмонов Р. Малайзия Ўзбекистон мустақиллигини тан олган Жануби-Шарқий Осиёдаги биринчи давлатдир.

## IKKINCHI JAHON URUSHI YILLARIDA O‘ZBEK MILLIY MATBUOTIDA SOG‘LIQNI SAQLASH MASALASI

**Akbarov R.M.**

*tadqiqotchi*

*Namangan Davlat universiteti*

Ikkinchi jahon urushining boshlanishi Sovet Ittifoqi mamlakatlarida davlat va jamiyat hayotini keskin burilishiga olib keldi. Mamlakat hayoti harbiy izga o‘ta boshladi. Ishlab chiqarish bevosita yoki bilvosita front manfaatlariga xizmat qila boshladi. Urush yillarida front uchun eng muhim jabhalardan biri – bu tibbiyot sohasi bo‘ldi. Fashizm ustidan qozonilgan g‘alabada tibbiyot sohasi vakillarining ham alohida o‘rni bor.

Urush yillarida O‘zbekistonda 120 dan ortiq gospitallar faoliyat yuritgan. Harbiy gospitallarda 1941-yil oktabridan 1945-yil 1-iyuliga qadar 164 ming 382 nafar yarador askar va ofitserlar davolangan [1]. O‘zbekiston tibbiyot xodimlari ham respublikadagi anashu gospitallarda ham aholi orasida, ham frontda Qizil Armiya saflarida fidokorona xizmat qildi.

Tibbiy yordamni tashkil etish urush davrining asosiy vazifalaridan biri bo‘ldi. Buning uchun yetarli tibbiyot xodimlari bazasini shakllantirish lozim edi. Urush davrida tibbiyot kurslari ko‘paytirildi, ularda o‘qish muddati qisqartirildi. Kurslar bitiruvchilari turli jarohatlar uchun birinchi tibbiy yordam ko‘rsatish, harbiy harakatlarda jabrlanganlarni tashish, og‘ir bemorlarni parvarish qilish va hokazolar bo‘yicha o‘qitildi.

Ikkinchi jahon urushi yillarida kichik tibbiyot xodimlari tayyorlashda Qizil Yarim oy jamiyati tashkilotlari katta o‘rin tutdi. Jumladan, O‘zbekiston SSRda tashkilot tomonidan urush yillarida 7000 hamshira, 16700 sanitariya drujinachilari,

10 mingdan ortiq tibbiyot instruktori va sanitarkalar tayyorlandi. Evakuatsiya shifoxonalarida jamiyatning 230 hamshirasi, 2000 drujinachi ayollar ishlagan. Jamiyatning 17000 dan ortiq o'qitilgan faollari ixtiyoriy ravishda yaradorlar bilan O'zbekiston gospitalarida va saralash stansiyalarida ishlashgan. Urushning boshida 2500 hamshira va drujinachi ayollar o'z ixtiyori bilan frontga jo'nab ketdi va front va armiya bo'linmalarida fidokorona jang qildi, ularning ko'plari hukumat mukofotlari bilan taqdirlandi [2].

1941-1945-yillar davomida o'zbek tilida nashr etilgan front va frontorti gazetalarda bir qator o'zbek tibbiyot xodimlarining nomlari mashhur bo'lgan edi. Xususan, harbiy vrach sifatida Stalingrad uchun bo'lgan janglarda boshdan oxirigacha qatnashgan Xolmat Rahimov, sanitarlardan buxorolik Rahima Alimova [3], sanitariya instruktori katta serjant Xalil Jalilov, Mamasoli Jo'rayev, Mirsayid Usmonov, kichik leytenant Isamuhammad Ernazarov, Sobirov, Serjant Samin Uzoqov, Safar Abduraimovlar singari jasur jangchilar qurol ko'tarish bilan birga frontdagi yaradorlarni jang maydonlaridan olib chiqish, ularga birinchi tez tibbiy yordam berish ishida ko'rsatgan jasoratlari uchun bir necha bor hukumat tomonidan orden va medallar bilan mukofotlanganlar.

O'zbekiston SSR tashkil etilganligining 20 yilligi munosabati bilan sog'liqni saqlash ishlarini rivojlantirish sohasida ko'rsatgan xizmatlari uchun O'zbekiston SSR Oliy Sovetining Prezidiumi 92 kishiga xizmat ko'rsatgan vrach degan faxriy nom berdi.[4] "Qizil O'zbekiston" gazetasining 1944-yil 17-may sonida berilgan xabariga qaraganda, SSSR Oliy Soveti Prezidiumining farmoni bilan Toshkent okrug 340-gospitalining 75 yilligi munosabati bilan va Qizil Armiyaning yarador va kasal oddiy askarlar hamda ofitserlar tarkibini davolash sohasida qilgan xizmatlari uchun bir qator meditsina xizmati xodimlari taqdirlangan. Ulardan gospital boshlig'i Aleksey Nikolayevich Sirnev "Ikkinchi daraja vatan urushi ordeni" bilan, 3 kishi "Mehnat qizil bayroq ordeni" bilan, 7 kishi "Qizil yulduz ordeni" bilan, 8 kishi "Xurmat belgisi" ordeni bilan, 4 kishi "Shavkatli mehnat uchun" medali bilan mukofotlanganlar.[5]

Mamlakatda urush yillarida yarador jangchilarning hayotini saqlab qolish uchun ko'ngilli ravishda qon berish (donorlik) harakati kuchaydi. Masalan, "Dushmanga qarshi olg'a" front gazetasining 1944-yil 23-dekabr sonida berilgan ma'lumotga ko'ra, frontdagi birgina gospitalda dastlab 3 ta donorlik qiluvchi shaxslar bo'lgan bo'lsa, keyinchalik ularning soni 22 tani tashkil etgan [6]. O'zbekistondagi "Gematologiya va qon quyish ilmiy-tadqiqot instituti" tomonidan butun urush davomida frontning tibbiy muassasalariga jami 1.600 tonna konservalangan qon yetkazib berilgan [7].

Ikkinchi jahon urushi davri milliy matbuot sahifalarida tibbiy sohadagi maqolalar tahlili shuni ko'rsatadiki, O'zbekistonda aholi orasida yuqumli kasalliklarning tarqalishi kuchaygan. Buning bir qator o'ziga xos sabablari bor albatta.

O'zbekistonga ko'plab aholining ko'chirib keltirilishi (ularning salomatlik darajasi turlicha bo'lgan), aholi turmush darajasining keskin tushishi, urush sharoitida sanitariya qoidalariga rioya qilishi darajasining pasayishi va boshqa

ko‘plab omillar tufayli mamlakatda yuqumli kasalliklarning tarqalishi avj olgan. Aholi orasida ich terlama, tepkili terlama, dizenteriya, yozgi bolalar ich ketishi, sil va boshqa kasalliklarning tarqalishi havfli tus olgan.

Jumladan, birgina Namangan oblastida ich terlamasi bilan kasallanganlar soni 1941-yil iyul oyida 9 nafarni tashkil etgan bo‘lsa, 1942-yil iyunda 46 nafar, iyul oyida esa 54 nafarga ko‘paygan. Bezgak (malyariya) kasaliga chalinganlar soni esa, 1941-yil iyulda 1540 kishini, 1942-yil iyunda 2698 kishini, iyulda esa 4049 kishini tashkil etgan.[8] Ikkinchi jahon urushi davrida ko‘plab vrach va hamshiralarning frontga jalb etilishi frontortidagi aholiga tibbiy xizmat ko‘rsatish darajasini anchagina pasaytirgan.

Ikkinchi jahon urushi davri matbuoti aholiga yuqumli kasalliklar to‘g‘risida tibbiy bilimlar berishda eng muhim vosita vazifasini ham bajargan. Matbuot sahifalarida kasalliklar va ularga qarshi kurashish choralari to‘g‘risidagi tibbiy bilimlar berib borilgan; aholini sanitariya qoidalariga rioya qilish, uy va ko‘chalarni ozoda saqlashga chaqiradigan maqolalar tez-tez chop etib turilgan. Shahar va qishloqlar ozodalagini ta‘minlashga xizmat qiladigan qaror va farmoyishlar gazetalar orqali aholiga yetkazilgan. Bundan tashqari ko‘cha va mahallalarda davra suhbatlari, uylarda tushuntirish ishlari ham olib borilgan.

Aholini yuqumli kasalliklar to‘g‘risidagi bilimlarini oshirish maqsadida gazetalarda vrach va shifokorlarning “Vrach maslahati” turkumi bilan tibbiy bilimlar berib borilganini ko‘rish mumkin. Jumladan, urush yillarida vrach V.Rahimovning “Ich terlamasi haqida”, “Tepkili terlama haqida” [9], Iskandarovning “Ich burug‘ kasalidan saqlaningiz” [10] kabi maqolalarda kasalliklarning keltirib chiqaradigan omillar, kasallikning belgilari, oqibatlari hamda davolash usullari haqida ma‘lumotlar berilgan. Vrach V.Rahimovning “Tepkili terlama” sarlavhali maqolasida tepkili terlamani “urush vaqtining terlamasi” deb ataladi. “..... bu kasallikning aynan urush vaqtida kuchayishi, urush vaqtida odamlar bir joydan ikkinchi joyga ko‘chiriladi, tinch vaqtdagidan ko‘ra zichroq yashashga to‘g‘ri keladi. Kishilar zicha yashaganda odatda shahsiy gigiyena va tozalik qoidalariga yetarli e‘tibor berilmaydi. Mana bu hol aholi orasida yuqumli kasalliklar, ayniqsa, tepkili terlama paydo bo‘lishiga yo‘l ochishi mumkin” [11] deyiladi. Bu kabi maqolalarda aholini yuqumli kasalliklardan saqlanish uchun tozalikka rioya qilishga chaqiriladi.

Ikkinchi jahon urushi yillarida tibbiyot sohasida amalga oshirilgan ilmiy tadqiqot ishlarida ham yuqumli kasalliklarni aniqlash va davolash masalalari asosiy o‘rinda bo‘lgan. Masalan, V.M.Molotov nomidagi Toshkent Meditsina instituti ilmiy kengashida 1944-yilda Tropik kasalliklar klinikasining dotsenti vrach Tursunxo‘ja Najmiddinov meditsina fanlari doktori degan ilmiy darajini olish uchun “Surunkali bezgakni aniqlash va uning klinik manzarasi” mavzusida dissertatsiya yoqlagan [12]. Surunkali bezgak kasalligi ungacha bo‘lgan davrda faqat O‘zbekistondagina emas, balki butun Ittifoqda kam darajada o‘rganilgan.

Urush yillarida yuqumli kasalliklarning tarqalishini oldini olish maqsadida oblastlarda partiya va ijroiya komitetlari tomonidan hududlardagi ozodalikni saqlash uchun turli qaror va farmoyishlar qabul qilingan. Misol uchun, “Stalin



haqiqati” gazetasining 1942-yil 18-dekabr sonida berilgan ma’lumotga qaraganda Namangan shahrida yuqumli kasalliklarga qarshi kurash tadbirlari haqida Namangan shahar soveti ijrokomi majburiy farmoyish chiqaradi. Unga ko‘ra:

– Fuqarolarning umumiy yotoqxonalar, musofirxonalar, davlat, kooperativ, jamoat va xususiy kishilarning uylariga joylashish, shuningdek, uy va xonalarni o‘zgartirish mahalida ularning sanitariya ishlovidan majburiy ravishda o‘tishlari talab etiladigan bo‘ldi;

– bozorlarda dizinfeksiya kamerasidan o‘tkazilganligi haqidagi ma’lumotnomasini ko‘rsatmasdan turib, tutilgan narsalarni sotish taqiqlangan;

– Umumiy yotoqxonalar bo‘lgan muassasa va korxonalarining hamma turuvchilarini har 10 kunda sanitariya ishloviga jalb etish tartibi yo‘lga qo‘yildi;

– Shahar sog‘liqni saqlash bo‘limiga barcha kasallarni majburiy tartibda davolash vazifasi yuklandi.

– Shahar hammomlarining grafik bo‘yicha ishlashini ta’minlash dolzarb vazifalardan qilib belgilandi [13].

Keyinchalik Namangan oblastida shahar partiya komitetining 1945-yil 24-martdagi majburiy qarori bilan Bezgak paydo bo‘lishi va shaharda bezgak kasali bilan og‘rishni kamaytirish maqsadida Namangan shahrida va shahar atrofida 3 kilometr doirada sholi ekish man etilgan. Shu doirida ekilgan sholi aniqlanganda, darhol yo‘q qilinishi bilan birga, ushbu qarorni buzgan kishilar sud javobgarligiga tortilishi belgilab qo‘yildi [14]. Chunki, sholi ekilgan maydonda chivinlar ko‘p bo‘ladi va ular yuqumli kasalliklar, xususan, bezgak kasalini tashuvchi vazifasini bajaradi.

1943-yil 30-aprelda Samarqand oblast ijroiya komitetining “Shaharlarda, rayon markazlari va qishloq joylarda sanitariya rejimiga rioya qilish” haqidagi majburiy farmoyishi [15] ham oblastdagi ko‘cha va trotuarlarda, xovlilarda, umumiy foydalanish joylari va boshqalardagi ozodalik ishlarini tartibga solishga qaratilganini ko‘rish mumkin.

Toshkent shahar Sovetining ijroiya komiteti shahar hududini ozoda saqlash va sanitariya qoidalariga rioya qilish haqidagi 1944-yilning may oyida chiqargan qaroriga ko‘ra, shaharda 15-apreldan 20-oktyabrgacha bo‘lgan davrda kuniga ikki marta (ertalab soat 4 dan 7 gacha va kechqurun soat 18 dan 20 gacha) ko‘cha va trotuarlarga suv sepilishi shart qilib qo‘yildi [16].

Ko‘rilayotgan davrda shahar va qishloqlardagi ozodalikni saqlash, yuqumli kasalliklarga qarshi kurash maqsadi bilan chiqarilgan qaror va farmoyishlarning umumiy jihatlari quyidagilardan iborat edi:

har bir hovlida xojatxona, axlat yashchigi va iflos suvlarni to‘kadigan chuqur bo‘lishi hamda bularning sanitariya talablariga javob beradigan holda saqlanishi talab etildi.

Ko‘chalarga, trotuarlarga, hovlilarga yuvindi suvlarni to‘kish, kirlarni deraza va balkonlarga osib qo‘yish, ariq va xovuzlarda cho‘milish, kiryuvish, hayvon sug‘orish va boshqa shu kabi ishlar taqiqlandi.

Qaror va farmoyishlarni buzishda aybdor bo‘lgan kishilarga jarima, majburiy xizmat yoki jinoiy javobgarlikka tortilishi belgilab qo‘yildi.

Ikkinchi jahon urushi davrida sovet hukumatining aholi orasida yuqumli kasalliklarning tarqalishiga qarshi kurash siyosati asosan ikki omilni hisobga olgan holda amalga oshirildi. Birinchidan, Qizil Armiyaga sogʻlom rezervlar berish. Ikkinchidan, sanoat va qishloq xoʻjaligida mehnat unumini oshirish kabi urush davri talablarini bajarish.

Amalga oshirilgan tadqiqotning natijalaridan kelib chiqib, quyidagi xulosalarga kelish mumkin:

– Urush yillarida Oʻzbekistonga Ittifoqning boshqa hududlaridan koʻplab gospitallar koʻchirib keltirildi yohud yangidan vujudga keltirildi. Koʻrilayotgan davrda respublikada 120 dan ortiq gospitallar faoliyat yuritdi.

– Urush davridagi ogʻir turmush tarzi va boshqa omillar tufayli aholi orasida tepkili terlama, ich terlamasi, dizinteriya, sil, yozgi bolalar ich ketishi va boshqa shu kabi yuqumli kasalliklarning tarqalishi avj oldi. Buning oldini olish uchun matbuot sahifalarida tibbiy bilimlar berib borildi.

– Mahalliy partiya va ijroiya komitetlari yuqumli kasalliklarga qarshi kurash choralari toʻgʻrisida qaror va farmoyishlar chiqardi. Aholi toʻplanadigan joylar, jamoat xovuzlari, quduqlar, doʻkon va oshxonalar, xalq istirohat joylari va qizil choyxonalarning sogʻliqni saqlash qoidalariga muvofiqligi nazorat ostiga olindi.

Yakuniy xulosa sifatida, tibbiyot xodimlari mamlakat mudofaasi uchun mislsiz mehnatlari bilan gʻalabani tezlashtirishda katta hissa qoʻshdi. Urush davri iborasi bilan aytganda hamma narsa front uchun xizmat qildi.

#### **Adabiyotlar:**

1. Shadmanova S.B. Ikkinchi jahon urushi yillarida Oʻzbekistonda gospitallar faoliyati. / Ikkinchi jahon urushi va Oʻzbekiston xalqi: tadqiqotlar. Ilmiy maqolalar toʻplami. 2-jild. –T.: “Oʻzbekiston” nashriyoti, 2022. –B.239

2. Oʻzbekiston Qizil Yarim oy jamiyati tarixi. <https://redcrescent.uz/uz/about-us/history/>

3. Ўзбек қизининг ботирлиги. // Душманга қарши олға. 1944. 3 февраль. – Б.3

4. Шамсутдинов Р. Иккинчи жаҳон уруши ва фронт газеталари. 2-китоб. – Тошкент: Akadem nashr, 2017. –Б.196

5. Қизил Ўзбекистон . –№.96 (6008). 1944, 17 май. –Б.1

6. Донорлар. // Душманга қарши олға. –№.101 (262). 1944, 23 декабрь. – Б.4

7. Моʻminov Т.Т. Иккинчи жаҳон урушидаги гʻалабда Оʻzbekiston tibbiyot sohasining tarixiy hissasi. Arxiv hujjatlari asosida. // <https://archive.uz/post/ikkinchi-jahon-urushidagi-galabada-ozbekiston-tibbiyot-sohasining-tarixiy-hissasi-arxiv-hujjatlari-asosida>

8. Наманган вилоят давлат архиви. Жамғарма – 595, рўйхат – 1, иш – 514.

9. Рахимов В. Тепкили терлама. // Қизил Ўзбекистон. –№.60 (5660). 1943

10. "Қизил Ўзбекистон" Қуйибўзсув ГЕСи қурилишида. махсус сон – №.10. 1943, 1 июль. –Б.2
11. Рахимов В. Тепкилитерлама. // ҚизилЎзбекистон. –№.60 (5660). 1943.
12. Т.Х. Нажмиддинов – медицина фанларидоктори. // Қизил Ўзбекистон.–№.96 (6008). 1944, 17 май. –Б.4
13. Наманган шаҳрида юқумли касалликларга қарши кураш тадбирлари ҳақида Наманган шаҳар совети ижрокомининг мажбурий фармойиши. // Сталин ҳақиқати. –№.291 (2430). 1942, 18 декабр. –Б.2
14. Безгакка қарши кураш чоралари ҳақида. // Сталин ҳақиқати. –№.66 (3317). 1945, 24 апрель. –Б.2
15. Ленин йўли. –№.99 (3427). 1943, 11 май. –Б.2
16. Шаҳар озодлигини таъминлайдиган муҳим қарор. // Қизил Ўзбекистон. –№.96 (6008). 1944, 17 май. –Б.4

#### **XIVA XONLIGI TARIXSHUNOSLIGI MASALASIGA OID BA'ZI MULOHAZALAR**

**Raxmanova M.Sh.**

*magistr*

*O'zbekiston Milliy universiteti*

Ma'lum hudud yoki davr tarixini o'rganish va tadqiq etishda dastlab birlamchi manbalar: arxeologik va etnografik ma'lumotlar, mahalliy tarixchilar yozib qoldirgan asarlar hamda sayyohlar, elchilar va savdogarlarning esdalik hamda kundaliklariga murojaat qilinadi. Ushbu manbalarni har tomonlama o'rganish, tahlil qilish orqali tarixni bugungi kunda talqin qilishga erishishimiz mumkin.

O'zbek davlatchilik tarixining ajralmas qismi bo'lgan, to'rt yuz yildan ortiq tarixga ega bo'lgan Xiva xonligi qo'ng'irotlar sulolasi davri tarixshunosligini yoritish, turli davrlarda amalga oshirilgan tadqiqotlar natijalari asosida davlatchilik muammolari o'rganilib, haqqoniy baho berish muhim vazifalardan biriga aylangan.

XIX asr – XX asrning boshlarida O'rta Osiyoga, jumladan Xiva xonligiga kelgan sayyohlar, olimlar, harbiylar va boshqa davlat vakillarining yozgan asarlari, mamlakatning o'sha davr tarixi, xo'jaligi, ijtimoiy-siyosiy va madaniy hayotini o'rganishda asosiy manba bo'lib xizmat qiladi.

Xiva xonligi tarixini o'rganishda sovet tarixchi-sharqshunoslari yevropalik sayyohlar ma'lumotlariga tayangan holda hudud tarixini yoritishgan. Xususan, Rossiya Fanlar Akademiyasi muxbir a'zosi N.I.Veselovskiy Xiva xonligi tarixi va tarixiy-geografiyasiga bag'ishlangan asarida Xiva xonligida mavjud mansab va unvonlarga ham to'xtalib o'tgan. Lekin asosiy e'tibor O'rta Osiyo xususan, Xorazm xalqining "qoloq"ligi hamda o'zaro ichki sinfiy kurashlarga qaratilgan[1].

Turkiston arxeologiya to'garagi asoschilaridan biri, sharqshunos olim V.V.Bartold Xiva xonligi tarixini o'rganishga katta hissa qo'shgan yirik olim

hisoblanadi. Uning shaxsiy fondida Xiva xonligi hayoti hamda Xiva shahri tarixiga doir 200 varoqdan ko'proq materiallar mavjud.

Sovet davri tarixchisi P.P. Ivanov 1936-yilda Leningradda M.E. Saltikov-Shedrin nomidagi davlat kutubxonasining qo'lyozmalar bo'limidan 1873-yilda olib ketilgan, lekin kutubxona ro'yxatiga kiritilmagan Xiva xonlarining arxiv hujjatlarini topishga muvaffaq bo'lgan[2]. Oltmish yildan oshig'roq vaqt davomida rus sharqshunos olimlarining e'tiboridan chetda qolgan ushbu rasmiy arxiv hujjatlari Xiva xonligi tarixini o'rganishdagi muhim bosqich bo'ldi.

Xiva xonligi tarixiga doir yana bir yirik asar akademik Y. G'ulomov tomonidan yozilgan "Xorazmning sug'orilish tarixi" asaridir. Ushbu asar arxeologik ma'lumotlarga asoslangan holda Amudaryo hududlarida sun'iy sug'orishning vujudga kelishi va rivojlanishi, dehqonchilik an'analari haqida bo'libgina qolmay, xonlikdagi siyosiy hayot, aholining ijtimoiy-iqtisodiy munosabatlari xususida ham to'xtalib o'tilgan[3].

O'zbek olimlaridan akademik M. Yo'ldoshev Xiva xonlarining arxiv hujjatlari asosida "Xiva xonligida feodal yer egaligi va davlat tuzilishi" asarini yozgan. Ushbu asar uchta bobdan iborat bo'lib, birinchi bobda Xiva xonlari arxivining topilishi hamda xonlik tarixini o'rganishdagi ularning ahamiyati haqida ma'lumot beriladi. Ikkinchi bobi xonlikdagi yer egaligi, soliq turlariga bag'ishlangan bo'lib, uchinchi bobda Xiva xonligining ma'muriy tuzilishi, saroydagi mansab va unvonlar hamda ularning vazifalari haqida so'z yuritiladi[4].

Bundan tashqari Q. Munirov, A. Boltayev, A. Muhammadjonov, T. Ne'matov, O. Qo'shjonov, O. Jalilovlar ham O'rta Osiyo xususan, Xiva xonligi tarixini o'rganishda o'zlarining katta xissalarini qo'shganlar[5].

Mustaqillikdan keyingi davrda tadqiqotchilar tomonidan Xiva xonligining ichki va tashqi aloqalari, soliq tizimi, xonlik aholisining ijtimoiy ahvoli, madaniy hayoti to'g'risida ilmiy izlanishlar olib borildi va hozirgi kunda ham davom etmoqda. Masalan, A. Abdurasulov tomonidan nashr qilingan "Xiva (tarixiy-etnografik ocherklar)" asarida Xiva shahrining vujudga kelishi, joylashuvi, undagi ko'chalar, bozorlar va boshqa jamoat muassasalari hamda Xiva shahridagi madaniy hayot to'g'risida so'z yuritilgan. U. Abdurasulovning "XVII asrning ikkinchi yarmi – XIX asrning birinchi choragida Xiva xonligidagi agrar munosabatlar" nomli nomzodlik ishida Xiva xonligidagi yer-suv munosabatlari tadqiqot markaziga olingan[6].

O. Qo'shjonov va N. Polvonov hammuallifligidagi "Xorazmdagi ijtimoiy-siyosiy harakatlar va jarayonlar" nomli monografiyasida dastlab Xorazmga rus ekspeditsiyalarining kelishi, keyinchalik Rossiya imperiyasi tomonidan bosib olinishidan tortib Xorazmdagi jadidchilik harakati hamda Xorazm Xalq Sovat Respublikasidagi siyosiy harakatlar haqida so'z yuritilgan[7].

Xivadagi Ichan qal'a muzey qo'riqxonasida saqlanayotgan XVII–XX asr boshlariga mansub qozilik hujjatlari va xon yorliqlari tavsifiga oid E. Karimovning asari alohida e'tiborga loyiq. Chunki, unda xonlik, xususan, Xiva shahri tarixiga doir muhim bo'lgan rasmiy hujjatlar haqida ma'lumotlar mavjud[8]. Shu jihatdan, ushbu asarlarning Xiva shahrining tarixini o'rganishda ahamiyati kattadir.

So'nggi yillarda Xiva xonligi tarixiga oid olib borilayotgan tadqiqotlar jumlasiga N. Allayeva va Q. Yakubovlarning ilmiy izlanishlarini kiritishimiz mumkin. N. Allayeva tadqiqotlarida O'rta Osiyo xususan Xiva xonligi tarixi hamda tashqi savdo va diplomatik aloqalari bo'yicha o'z ilmiy izlanishlarini olib bormoqda. Bundan tashqari xonlikning tashkil topishi, davlat boshqaruv, hokimyatning legitimligi hamda Xiva xonligidagi ijtimoiy-siyosiy jarayonlarga ham to'xtalib o'tilganligibilan ahamiyatlidir[9]. Xiva xonligidagi vaqf mulklari, ularni tasarruf etish, xonlikdagi vaqf muassasalarining faoliyati, vazifalari hamda mutavvalining vaqf mulkchiligidagi o'rni xususida Q. Yakubovning ilmiy izlanishlarini keltirishimiz mumkin[10, B. 117-120].

Bundan tashqari U. Sheripov, S. Matkarimova, X. Madrimov, S. Soburova, M. Matyakubova, O. Mutalov, F. Ernazarov, H. Nazirovalar Xiva xonligi tarixini o'rganishga, tariximizni ilmiy yangiliklar bilan boyitishga o'z hissalarini qo'shib kelmoqda[11].

O'rta Osiyo, jumladan, Xiva xonligi tarixi bo'yicha chet ellik olimlarning bir qancha asarlarini ham tilga olish lozim. Ular qatoriga jurnalist Mak-Gaxan, Yu. Bregel, M. Olvort, S. Bekker, J. Uiler[12] kabilarning asarlarini kiritish mumkin. E'tiborli jihati shundaki, XIX asr oxiri – XX asr boshlaridagi Xiva xonligi tarixini yoritishda xorijiy tadqiqotchilar davr madaniy muhitiga ko'proq e'tibor qaratishgan.

XX asr oxirlariga kelib Yevropa va AQSHda O'rta Osiyo tarixini o'rganuvchi ilmiy tadqiqot institutlari va jamiyatlari ochiladi. Xususan, Indiana universitetining Markaziy Yevroosiyo tadqiqotlari bo'limining a'zosi hamda Ichki Osiyo tadqiqotlari ilmiy-tadqiqot instituti direktori, Xiva xonligi tarkibida bo'lgan turkmanlar va qoraqalpoqlar tarixini chuqur o'rgangan Yu. Bregel tomonidan nashr etilgan "Musulmon Markaziy Osiyosi"[13] nomli fundamental asar hamda "Turkmanlar haqida maqolalar" to'plamlari ham muhim ahamiyatga ega. Bundan tashqari O'rta Osiyo tarixi va madaniyatining muammolariga bag'ishlangan 12 ta maqoladan iborat bo'lgan "Yuriy Bregel sharafiga Markaziy Osiyo tarixi bo'yicha tadqiqotlar"[14] asari ham nashr qilingan.

Xulosa qilib aytishimiz mumkinki, Xiva xonligi xususan qo'ng'irotlar sulolasi davri tarixshunoslik masalasi ziddiyatli hisoblanadi. Chunki sovet davri olimlari tomonidan yaratilgan asarlarda tarixiy haqiqatlar mafkuraga moslashtirilib xonlikni qoloq, savodsiz qilib ko'rsatishga harakat qilingan. So'nggi davrda olib borilayotgan tadqiqotlar hamda Xiva xonlarining rasmiy arxiv hujjatlarining topilib o'rganilishi esa asl tarixni o'rganishga, haqqoniy baho berishga xizmat qilmoqda.

### **Adabiyotlar:**

1. Веселовский Н.И. Очерк историко-географических сведений о Хивинском ханстве в древнейших времен до настоящего СПб. 1877.
2. Иванов П.П. Архив хивинских ханов XIX в. Ленинград: 1940.
3. Ғулломов Й. Хоразмнинг суғорилиш тарихи. Тошкент: 1959.
4. Йўлдошев М. Хива хонлигида феодал ер эгалиги ва давлат тузилиши – Тошкент: 1959.

5. Муниров Қ. Мунис, Огаҳий ва Баёнийнинг тарихий асарлари. – Т.: 1959. \\ Муҳаммаджонов А., Нейматов Т. Бухоро ва Хиванинг Россия билан муносабатларига доир баъзи манбалар. Тошкент.: 1957. \\ Қўшжонов О. Из истории аграрных отношений в Хивинском ханстве в конце XIX – начале XX вв. автореф. дисс. ... канд.ист.наук. Тошкент.: 1966. \\ Жалилов О. XIX – XX аср бошларидаги қорақалпоқлар тарихига оид муҳим ҳужжатлар. Тошкент.

6. Абурасулов У. Хива (тарихий-этнографик очерклар). Тошкент.: 1997. \\ Абдурасулов А. Земельные отношения в Хивинском ханстве во второй половине XVII – первой четверть XIX вв. дисс. ... канд.истор. наук. Тошкент.

7. Қўшжонов О., Полвонов Н. Хоразмдаги ижтимоий-сиёсий жараёнлар ва ҳаракатлар (XIX аср иккинчи ярми XX аср биринчи чораги). Тошкент.: 2007.

8. Каримов Э. Регесты казийских документов и ханских йарликов Хивинских ханов XVII – начала XX в. Тошкент.: 2007.

9. Аллаева Н. Хива хонлигининг дипломатияси ва савдо алоқалари (XVI-XIX асрлар). Тошкент: 2019.

10. Якубов Қ. Хива хонлигида вақф маъмуриятининг фаолияти: мутавалли лавозими ба унинг функциялари. Хоразм тарихи замонавий тадқиқотларда Тошкент-Урганч, 117-120 б.

11. Шерипов У. Хива хонлиги тарихи (1511-1920). Тарих фан. номз. дисс. – Урганч: 2009. 170 б. \\ Маткаримова С. Хива хонлигининг қўнғиротлар сулоласи даври тарихшунослиги (XIX – XXI аср боши) Тарих фан. номз. дисс. – Урганч: 2010. 193 б. \\ Мадримов Х. Хива хонлигининг давлат тузуми ва ҳуқуқ манбалари. Юридик фан. номз. дисс. – Тошкент: 2012. – 160 б. \\ Собурова С. XIX аср ва XX аср бошларида Хива хонлигининг давлат тизими. Тарих фан. номз. дисс. – Тошкент: 2002. – 204 б. \\ Матякубова М. XIX аср иккинчи ярми – XX аср бошларида Хива хонлигида китобат ва кутбхона тарихи. Тарих фан. номз. дисс. – Урганч: 2008. – 184 б. \\ Муталов О. Хива хонлиги Оллақулихон даврида (1825-1842 йиллар). Тарих фан. номз. дисс. – Тошкент: 2003. – 136 б. \\ Эрназаров Ф. XIX аср охири – XX аср бошларида Хива хонлигида маданий ҳаёт. Тарих фан. номз. дисс. – Тошкент: 2005. – 170 б. \\ Назирова Ҳ. Қўнғиротлар сулоласи тарихнавислигида Муҳаммадризо Огаҳийнинг “Зубдатут-таворих” асари. Тарих фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) дисс ... автореф. – Тошкент: 2022.

12. Мак-Гахан Януарий Алоизий. Военные действия на Оксусе и падение Хивы. – М., 1875; Мак-Гахан. Ўқуздаги ҳарбий ҳаракатлар ва Хиванинг истило қилиниши. – СПб., 1875. О.Абдуллаев таржимаси. Тошкент., 2000. \\ Bregel Y. Bibliography of Islamic Central Asia. Compiled and edited by Yu-ri Bregel. Indiana University. Part II. Descriptions and Travel; Written Sources for Central Asian History; Ethnography; Folklore; Folk Entertainments; Physical Anthropology. 1995. \\ Holdeworth M. Turkistan in the nineteenth century: A brief history of the Khanates of Bu-khara, Kokand and Khiva. – London, 1959. \\ Becker S. Russias protectorates in Central Asia:

Bukhara and Khiva, 1865-1924. – Cambridge. MA: Harvard University, 1968. \\\nWheeler G.E. The modern history of Soviet Central Asia. – London-New York, 1964.

13. Bregel Yu. Bibilbografhy of Islamic Central Asia. Complied and edited by Yuri Bregel. Part I–III. – Bloomington, Indiana, 1995. \\\nBregel Yu., William I., va boshqalar Turkmenlar uzerine makaleler. – Istanbul, 2019.

14. Devin DeWeese Studies on Central Asian history in honor of Yuri Bregel. Indiana. Sinor Research Institute of Inner Asian Studies, 2001.

## **ҚАШҚАДАРЁДА МУСТАҚИЛЛИК ЙИЛЛАРИДА ЗИЁРАТ ТУРИЗМИНИНГ РИВОЖЛАНИШ ЖАРАЁНЛАРИ**

**Ўролов Ғ.**

*ўқитувчи*

*Қарши Давлат университети*

Муслмон мамлакатларида “Зиёрат” тушунчаси “муқаддас қадамжоларга бориш”ни англатади ва унинг иккита асосий тури мавжуд: зиёрат қилиш ҳамда сайёҳлик-ўрганиш йўналишидаги диний туризм. Ҳозирги пайтда Ўзбекистонда 7,3 мингдан зиёд маданий мерос объектлари мавжуд. Ўзбекистон кўплаб маданиятлар ва цивилизацияларнинг кесишиш маркази бўлиб келган, бу ерда турли динлар тарғиб қилинган, шунинг учун ҳам ислом, ҳам буддизм ва христиан динларига тегишли ноёб ёдгорликлар сақланиб қолган. Бугунги кунда Қашқадарё вилоятининг моддий маданий меросининг кўчмас мулк объектлари миллий рўйхатида 1468 та маданий мерос объектлари рўйхатга олинган бўлиб, шундан 1189 таси археология ёдгорликлари, 215 таси архитектура, 36 таси монументал санъат ёдгорликлари, 28 таси диққатга сазовор жойлар (зиёратгоҳлар) сифатида хатловдан ўтказилган. Шу жойларда туризмни ривожлантириш соҳасида бир қанча амалий ишлар амалга оширилмоқда. Зиёрат туризми, тоғ туризми, гастрономик туризм, маданий-маърифий туризм, экологик туризм, ишбилармонлик туризми, жип-турлар, геотуризм каби турлари кейинги йилларда сезиларли даражада ривож топмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев раислигида 2018 йилнинг 22 феввалида видеоселектор йиғилиши ўтказилди. Унда хорижий туристлар оқимини кўпайтириш ва ички туризмни янада ривожлантириш, сайёҳлик хизматларини яхшилаш ва турларини кенгайтириш бўйича кўрилаётган чоралар натижадорлиги танқидий таҳлил қилинди.

Юртимизда ислом дунёсида тан олинган алломаларнинг мақбаралари, табаррук қадамжолар кўп. Турли вилоятларда Нақшбандия тариқатини тарғиб қилган 12 уламанинг қабри бор. Биз ҳозир уларнинг 8 таси, яъни Бухородаги “Етти пир” ва Самарқанддаги “Хўжа Аҳрор Валий” зиёратгоҳларини обод қиляпмиз. Лекин Сурхондарёдаги Муҳаммад Зоҳид

Бухорий, Аловуддин Аттор ва Қашқадарёдаги Муҳаммад Дарвеш, Муҳаммад Инганакий мақбаралари таъмирга муҳтож эканлигини Президентимиз алоҳида таъкидлаб, Сурхондарё ва Қашқадарё вилоятлари ҳокимларига ушбу кадамжоларни ободонлаштириш, уларга олиб борувчи йўллар ҳолатини яхшилаш, зиёратчилар учун барча шароитлар яратиш бўйича топшириқлар берганлиги ҳам бу соҳада амалга оширилиши лозим бўлган ишларимиз кўплигидан далолат беради[1].

Мамлакатимиз туризм соҳасида улкан салоҳиятга эга бўлса-да, узок йиллар давомида бу имкониятдан тўлиқ ва самарали фойдаланила олинди. Туризм ривожини учун қулай иқтисодий ва ташкилий-ҳуқуқий шарт – шароитлар яратилмай, ҳамма ўз билганича фаолият юритиб келган эди. Кейинги йилларда Президентимиз Шавкат Мирзиёев ташаббуси билан туризм инфатузилмасидаги мавжуд муаммоларни ҳал этиш, тақдим этилаётган хизматлар сифатини ошириш ва жаҳон бозорларида туризм маҳсулотларини фаол тарғиб қилиш, туризм тармоғининг кадрлар салоҳиятини кучайтириш орқали туризм соҳасида амалга оширилаётган ислохотлар самарадорлигини ошириш ҳамда республикага кириб келаётган хорижий фуқаролар сонини кескин кўпайтириш чора-тадбирлари юзасидан бир қатор фармон ва қарорлар қабул қилинди ва тегишли ташкилотларга вазифалар белгилаб берилди. Бугунги кунда эса туризм соҳаси иқтисодиётда ўз ўрнига эга ва мамлакатимизда соҳани ривожлантириш бўйича кўрилаётган чоралар самарадорлиги ўсиб бормоқда. Хусусан, бу соҳада бир қанча ислохотлар ҳам амалга оширилмоқда.

Мамлакатимиз каби Қашқадарё вилоятида ҳам туризмнинг барча турлари ўзига хос ривожланиб келмоқда. Айниқса, зиёрат туризми ҳам вилоятда ўзининг ўрнига эга. 2018-йилдан мамлакатимизда зиёрат туризмини ривожлантириш бўлими ташкил этилди. Ушбу бўлимнинг асосий мақсади этиб хорижий сайёҳларни зиёрат туризми доирасида ташрифларини тизимли йўлга қўйиш бўйича ишларни олиб бориш, юртимизда зиёрат туризмини жадал ривожлантириш, мавжуд улкан туризм салоҳиятидан янада тўлиқ ва самарали фойдаланиш, анъанавий маданий-тарихий туризмни ривожлантириш ҳисобига ҳудудларда янги туризм йўналишларини ташкил этиш, уларни паспортлаштириш, туризм йўналишлари ва туризм объектлари бўйича ягона миллий реэстрларни шакллантиришга йўналтирилган ички, кириш ва чиқиш туризмини комплекс ривожлантиришнинг миллий ва ҳудудий дастурларини ишлаб чиқиш ва амалга оширишни мувофиқлаштириш белгиланди.

Қашқадарё ҳудудида жойлашган туризм объектлари, шунингдек, вилоят ҳудудидаги муқаддас кадамжолар бугунги кунда сайёҳлар эътиборини тортмай қолмади. Қадимий обидалар, муқаддас зиёратгоҳлар, тарихий ва маданий ёдгорликлар билан бир қаторда, бетакрор маданияти ва анъаналари, хушманзара табиати ҳамда файзли гўшалари билан сайёҳларни ўзига ром этиб келаётган вилоятимизда зиёрат туризми йўналишида амалга оширилаётган сабъ-ҳаракатлар туризм индустрияси ҳамда



инфратузилмасини янада ривожлантиришда муҳим аҳамият касб этмоқда. “Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг Қашқадаро вилоятида туризм соҳасини ривожлантириш дастури тўғрисида”ги қарори вилоятимизда ушбу соҳани янада раванқ топтиришга хизмат қилмоқда [2]. Мазкур ҳужжат асосида тасдиқланган дастурга мувофиқ, вилоятимизда 30 та тарихий-маданий объект қайта тикланади. Шаҳрисабздаги Коба карвонсаройида ҳунармандлар маркази ташкил этилди. Оқсарой, Дор ут-тиловат ва Дор ус-саодат мажмуаларини боғлаб турувчи хиёбонда кўл иши миллий маркази, сувенир буюмлар, ҳунармандлар дўконлари қурилди. Қашқадарёнинг қадим ва бой тарихини ўзида мужассам этган гўшаларини, маданий ёдгорликлар, мафтункор табиат қўйнида жойлашган сўлим дам олиш масканларини тарғиб этишда туризм соҳасини юксалтиришнинг аҳамияти бекиёс. Хусусан, Президентимизнинг ўтган йил декабрдаги “Ўзбекистон республикасининг туризм соҳасини жадал ривожлантиришни таъминлаш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Фармони ҳамда “Ўзбекистон Республикаси туризмни ривожлантириш давлат қўмитаси фаолиятини ташкил этиш тўғрисида”ги қарори соҳада туб бурилиш ясалишига, тараққиётда янги саҳифалар очилишига хизмат қилмоқда.[3:44] Хусусан, Қарши шаҳрида чет эл тажрибасини ўрганиш асосида “Қарши” аэропортида “Очиқ осмон” режими жорий қилиниб, сайёҳларга ҳам кенг эркинликлар яратилмоқда. Шу асосида келгусида шу тизим Андижон, Нукус ва Навоий аэропортларида ҳам қўлланилиши режалаштирилган.

2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича ҳаракатлар стратегиясида белгилаб берилган вазифалар ижроси доирасида ишлаб чиқилган зиёрат туризмни ривожлантириш бўйича “Йўл харитаси” бу борадаги ишларни янги босқичда рўёбга чиқаришга хизмат қилди[4]. Янги йўналишларда зиёрат туризмни ривожлантириш бўйича “Йўл харитаси” да азиз-авлиёларимиз муқаддас ҳоқиқат қўйилган бу масканларни ободонлаштириб, зиёратчи сайёҳларнинг таҳорат қилиши, намоз ўқиши учун замонавий қулайликлар яратиш кабилар белгиланган эди. 2022-2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг Тараққиёт стратегияси тўғрисидаги Ўзбекистон республикаси Президентининг 2022 йил 28 январдаги ПФ-60-сон фармонининг 35-мақсади: «Ўзбекистон бўйлаб саёҳат қилинг» дастури доирасида маҳаллий сайёҳлар сонини 12 миллион нафарданошириш ҳамда республикага ташриф буюрадиган хорижий туристлар сонини 9 миллион нафарга етказиш асосий масала қилиб белгиланди

Тўсиқсиз туризм инфратузилмасини мамлакатнинг асосий туризм шаҳарларида кенг жорий қилиш. 2026 йилгача туризм соҳасида банд бўлганаҳолисонини 2 бараварошириб, 520 минг нафарга етказиш.

Қашқадарёда ташкил этилган янги туристик масканлар 2019 йилнинг 10-14 май кунлари “Дунё бўйлаб” телеканали ижодкорлари Қашқадарё вилоятида Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2019-йил 8-мартдаги “Қашқадарё вилоятининг туризм салоҳиятидан самарали

фойдаланиш чора-тадбирлари тўғрисида” ги 198-сонли қарори ижроси юзасидан вилоятда ижодий сафарни амалга оширди. Асосий мақсадлардан бири вилоятнинг мавжуд туризм салоҳиятини халқимиз орасида кенг тарғиб этилиб, оммалаштириш ва маҳаллий сайёҳларга сифатли маълумотлар берилди. Туризмни ривожлантириш давлат кўмитаси билан ҳамкорликда тайёрланган дастурда дастурида Қашқадарё вилоятининг “Сийпантош”, “Ғилон”, “Ҳазрати Башир”, “Татар-Вари”, “Тошқўрғон”, “Сарчашма” ва “Сувтушар” масканлари ўрин олди.

Абу Муъин Насафий зиёратгоҳини ҳақиқий зиёратчилар учун обод гўшага айлантирилгани ҳозирда эса Касби туманидаги қадимий ва машҳур Ҳазрати Султон Мир Ҳайдар ота зиёратгоҳини ҳам қайта таъмирлаб, зиёратчилар ва сайёҳлар қадами узилмайдиган обод гўшага айлантириш ишларининг бошланаётгани Касби туманида зиёрат туризмни ривожлантиришдаги амалий ишларимизнинг дебочасидан дарак беради.

Қашқадарё вилоятидаги туризмни ривожлантириш бўйича амалга оширилаётган самарали ислохотлардан яна бири бу – Қашқадарё вилояти тарихида илк бор инглиз тилидаги “Inside Kashkadarya” журнали Amazon.com орқали АҚШ ва дунёнинг бошқа давлатларида сотувга қўйилди. Вилоятнинг туристик, сиёсий, ижтимоий-маданий ҳаётини ёритишга мўлжалланган журналнинг илк сони Қашқадарёнинг туризм салоҳиятига бағишланди. Бунда воҳанинг зиёрат, эко, этно ва экстремал туризм йўналишлари кенг очиб берилди.

#### **Адабиётлар:**

1. president.uz Шавкат Мирзиёев.”Туризм-мамлакатимиз иқтисодиётининг эртанги куни”23-февраль 2018-йил.
2. Ўзбекистон Республикасининг ”Ўзбекистон Республикасида туризм соҳасини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Қонуни.Тошкент-2019
3. Туленова Х.,Холдаров Т.Туризм (Сайёҳлик).Тошкент-2013. Б. 44
4. <https://lex.uz/docs/5841063>. “2022 — 2026 йилларга мўлжалланган янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси тўғрисида” Ўзбекистон Республикаси Президентининг 28.01.2022 йилдаги ПФ.-60 Фармони.

## **XX АСР БОШИДА АМУДАРЁ ФЛОТИЛИЯСИНИНГ МИНТАҚА КОММУНИКАЦИЯ ТИЗИМИДА ТЎТГАН ЎРНИ**

**Сулайманов С.А.**

*т.ф.н., доц.,*

*Қорақалпоқ Давлат университети*

Ўрта Осиё ва Тошкент-Оренбург темир йўллари қурилишининг бошланиши билан Амударё флотилияси юк ташиш хизматининг аҳамияти янада ортди: «Ўрта Осиё темир йўллари қурилиши муносабати билан Амударё сув йўли, бир томондан, Афғонистондан, жанубий-шарқий ва дарё соҳилидаги Бухородан, Хива ва Амударё бўлимидан Чоржўй станцияларига

олиб келинган юкларни Европа Россиясига йўналтиришда табиий кириш йўли ҳисобланса, иккинчи томондан, ўша сув йўли рус маҳсулотларининг Чоржўйдан биз билан чегарадош, Амударё соҳилларида жойлашган ерларга ташишда хизмат қилади».

Амударё бўлимининг пахтаси «Кавказ ва Меркурий» жамиятининг, «Шарқий жамиятнинг», «Россия жамиятининг» ва «Надежда» компаниясининг транспорт конторалари орқали Чаржоугача Амударё флотилиясининг баржалари ва қайиқлари билан, ундан нариги томонга темир йўл вагонлари билан юборилиб турилди [1, 35].

1895-1901 йилларда флотилия таркиби 4 та пароход, 2 та буғли катер, буғли баркас, 13 та баржа билан тўлиқтирилди: 1894-йилда Чоржўйда «Цесаревич» кемаси қурилди, 1898 йилда «Великий князь», «Великая княжна Ольга» кемалари, 1901 йилда «Император Николай II» кемаси ва «Екатеринослав» катери сувга туширилди. Кемалар Чоржўй — Петро-Александровск ва Чоржўй — Керки-Келиф — Термез участкаларида почта-йўловчи ва юк ташиш билан машғул бўлса, айрим пароходлар Орол денгизи орқали Сирдарёга чиқди. Навигация йилига 8,5—10 ойгача давом этди [2, 201].

Амударё флотилиясининг 1907-йили мавсумдаги фаолияти юк ташиш бўйича қўйидагича бўлди. Транспорт конторалари томонидан Хива хонлиги ва Амударё бўлиmidан Чарджуйга маҳаллий қайиқларда 691233 пуд юк, туяларда 79.120 пуд юк жўнатилди. Жўнатилган юкнинг асосий қисми пахта, беда тухуми, тери, газлама, қорақўл териси ва жўн маҳсулотлари эди.

Амударё бўлими ва Хива хонлигига келтирилган юклар маҳаллий қайиқларда 397.635 пуд, туяларда 5500 пуд юк келтирилиб асосан мануфактура товарлари, шакар, чай, керосин, озик-овқат маҳсулотларидан иборат бўлди.

1905-1908 йиллар ҳолатига Амударё флотилиясида йилига ўртача 77 рейс амалга оширилган бўлса, уларда 17 минг йўловчи ва 530 минг пуд юк ташилди.

Амударёнинг умумий юк айланмаси 1907 йилда 3300 минг пудни ташкил қилди, унинг тақсимланиши қўйидагича:

- Файзобод қалъадан Патта-Гиссар (Термез)гача йўлнинг юқори участкасида юк айланмаси 100 минг пудни ташкил қилди;
- ўрта участкада — Патта-Гиссардан Чоржўйгача 120 минг пуд;
- қуйи участкада — Чоржўйдан Амударё бўлими ва Хива хонлигигача — 2 млн. пуд атрофида.

1907 йилги навигация даврида Амударё флотилияси кемалари билан 850 минг пуд, жумладан, 250 минг пуд мазут, 138 минг пуд давлат юклари ва 462 минг пуд хусусий тижорат юклари ташилди. 2,5 млн. пуд атрофидаги юклар маҳаллий қайиқлар ва туялар ёрдамида ташилди. Бундан келиб чиқадики, Амударё флотилияси кемалари томонидан ташилган хусусий тижорат юклари Амударёнинг умумий юк айланмасининг 15 % ини ташкил қилади.

Амударё бўлимига темир йўлни келтириш масаласи 1906-йили кўтарилиб Казалинскдан Петро Александровскка темир йўл келтириш масаласи ўрганилди. Амударё бўлиmidан олиб кетиладиган ва олиб келинадиган юкларнинг статистика маълумотлари таҳлил қилинди. Россиянинг Марказий районларидан Амударё бўлими ва Хива хонлигига келтириладиган юкларнинг умумий ҳажми 845720 пудга тенг, худуддан Россияга олиб кетиладиган юк ҳажми 170300 пудга тенг, яъни Амударё сув йўли орқали ташиладиган юк ҳажми 2 млн пуд атрофида бўлди. [3, 22]

Амударё сув йўли 3 қисмга бўлинди, биринчиси юқори оқим Файзабод қалъадан Патта Гиссар (Термез)гача 100 минг пуд юк айланмасига эга, иккинчи қисм ўрта оқим Патта Гиссардан Чарджуйгача 1.200.000 пуд юк айланмасига эга ва учинчи қўйи оқим Чарджуйдан Амударё бўлимигача 2 млн юк айланмасига эга 1907-йил навигация даврида ташилган юкнинг умумий ҳажми 3.300.000 пуд бўлган бўлса шундан 850.000 пуд юк Амударё флотилияси кемаларида қолган 2.500.000 пуд юк хусусий қайиқларда ва туяларда ташилди.

Амударё сув йўли орқали хусусий қайиқлар билан юк ташиш ҳажми йилдан йилга ортиб борди. Қайиқлар енгил ҳаракатланиб Амударё сувларига тўлиқ мослашган эди. Тут ва қора ёғочдан ишланган қайиқлар жуда тез ҳаракатланди. Катта дарёларда сузувчи қайиқлар 4-5 йил хизмат кўрсатди.

Катта қайиқларда 8-10 киши хизмат кўрсатди. Улардан бири қайиқ эгаси, 1 руль бошқарувчи, 1 повар, қолганлар эккан экини учун ишга олинди. Қайиқларда ташишга қулай маҳсулот пахта ва бўғдой бўлди. Катта қайиқларда 800-900 пудгача юкларни ташиш имконияти бўлди [4, 38].

Савдо муносабатларини ривожлантиришда Амударё ўлкан аҳамиятга эга бўлди. 1908-йили Чаржоу билан Петро Александровск орасида дарё билан 220 қайиқ қатнади. Улар умуман 250 минг пуд юк ташиди. 1910-йили 315 қайиқ, шунинг ичида кўп юк оладиган (800-2000 пуд юк оладиган) 153 кема, 48 ўрта кема (500-800 пуд), 114 кичик кема (500 пуд) бўлди. Қайиқларнинг тезлиги ускуналарига, сувнинг горизонтига, ариқга ва салдовчиларга боғлиқ бўлди. Петро Александровскдан Чаржоуга кемалар 20-30 кунда, қуйигача 15 кунда етди.

Орол денгизи ва Амударё сув йўлида Амударё флотилияси ва «Хива» акциядорлик жамиятининг флотилияси юк ташиди. Амударё флотилияси ҳарбий бўлгани учун, қишлоқ хўжалик маҳсулотларини оз миқдорда, йилига 30 минг пуд шунинг ичида 15 минг пуд пахта ўз манзилига етказилди. Карвон йўллари орқали ҳам юклар (ҳар йили 85 минг пуд туяларда-С.С.) ва (арбада 20 минг пуд) ташилди.

Россия транспорт ва суғурта бюроси Петро Александровскда Марказий Россияга юбориш учун юк қабул қилиш складини қурди ва махсус контора очди. 1909-йили Урганчда Москва савдо-саноат шериклигининг бош контораси ташкил қилинди [5, 136].

XX асрнинг бошида Каспий орти темир йўли қурилганидан сўнг икки томоннинг савдо алоқалари кучайди. Қорақалпоғистон йўлдан бир четда

қолди, лекин уни сув транспортининг икки йўналиши (Чимбой)-Аральск ва Петро Александровск-Чарджау темир йўл станциялари билан ва курукликдаги транспорт қатнайдиған йўл Қазали станцияси билан боғлайди [6, 137].

Амударёдаги кемаларнинг сонининг кўп бўлишига қарамай, у товар айрибошлаш талабларини қаноатландиролмади. Амударё жуда тентак дарё бўлиб, ўзининг оқимини ҳамийша ўзгартириб турди. Чарджоудан Петро-Александровскгача (450 версть) параход 8-9 сутка, оқимга қарши 18-20 сутка юрди.

Амударёнинг қуйи оқими сузиш учун жуда ноқулай келди. Нукусдан қўйирокда бир нечта тармоқларга бўлиниб, Амударё суви саёзланиб борди. Улкан Дарёдан ва Таллиқдан Тўқмоқ оролигача қалин камишликлар орқали ўтди. Орол денгизида ҳам кема қатнови учун ноқўлайликларга эга бўлди. Орол денгизи станциясида сувнинг саёзлигига боғлиқ параходлар очик денгизда туришга мажбур бўлди. У ерда кучли шамол пайтида юк юклаш ва олиш имконияти бўлмади. Масалан, «Хивинец» теплоходи Тўқмоқ Отадан Орол денгизи станциясигача рейсга бир ой вақт сарфлади. Ҳақийқатда бир томонига фақат йўлнинг ўзига 48 соатгина юришга тўғри келадиган эди. Бу юкни юклаш ва олиб келишда барча қийинчиликларни пайдо қилди. Ургада ва Тўқмоқ-Отада ўн минглаб пуд балиқ юклари тўпланиб қолди. Шунингдек «Хива» жамияти кемалари қабул қилинган пахта ва беда тухумларини ўз вақтида олиб бора олмади [7, 5-7].

Хоразм оазиси темир йўл билан Амударёнинг ўрта оқимидан Чарджоугача ва қуйи оқими бўйлаб ва Орол денгизидан Аральскгача сув йўлида алоқада бўлди. Оазиснинг асосий марказидан темир йўлгача биринчи йўналиш бўйича 500 км, иккинчиси бўйича 750 км гача масофани ташкил қилди.

Амударё бўлимида ички сув йўлларини Амударё ва бошқа йўллар қуради. Бунда кемалар, қайиқлар ва майда суднолар сузиб юрди. Ариқларда Хиванинг елканли кемалари сузиб юрди. Улар шамол бўлмаган пайтида салдовчилари томонидан ҳаракатга келтирилди. Амударё ва унинг тармоқлари бўйлаб параходлар сузиб юрди. Юкларни ташиш учун халқ рус кемаларидан фойдаланди.

1914-йили Хоразм оазисининг сув транспорти барча юкларнинг 58% ташиди, масалан пахтанинг 55% қайиқларда ва фақат 3% параходларда ташилди[8, 33].

XX асрнинг бошида йўлларнинг ёмон ва яроқсиз бўлиши ўлканинг иқтисодий, маданий ва сиёсий ривожланишига салбий таъсир қилди. Қурукликдаги транспортнинг қиммат бўлишига боғлиқ деҳқончилик ва чорвачилик маҳсулотлари етарли миқдорда ташқарига чиқарилмади.

#### **Адабиётлар:**

1. Досумов Я.М. Очерки истории Каракалпакской АССР Т. 1960, б. 35.
2. Сулайманов С. История Аральской и Амударьинской флотилии(1847

1920гг) Автореф. дисс. канд. ист. наук. Н.2010

3. «Туркестанские ведомости» 27-сентябрь 1877 г.

4. Туркестанские ведомости» сентябрь 1907 г.

5. Қорақалпоғистон АССР тарихи. Н, 1989, б. 136.

6. Қарақалпақстан АССР тарихи. Н, 1989, б. 137.

7. Каспийско-Аральская железная дорога. Спб, 1914, бб. 5-7.

8. Досумов Я.М. Очерки истории Каракалпакской АССР. Т, 1960, б, 33.

## **АМИР ТЕМУР ДАВРИ МЕЪМОРЧИЛИК ОБИДАЛАРИДА ТУРИЗМ МАСАЛАЛАРИ**

**Расулова М.**

*ўқитувчи*

*Қарши Давлат университети*

Соҳибқирон Амир Темур улуг салтанат тузиш билан бирга илм-фан, санъат, меъморчиликни равнақ топтиришга алоҳида аҳамият берган. Қашқадарё воҳаси, хусусан Кешнинг тараққиётига алоҳида аҳамият берган. Қашқадарёдаги Темурийлар даврига доир меъморий обидалар жаҳон олим-у фузалолари, дунё саёхларини хануз ўзига чорлайди. Қуйида биз мана шу меъморий обидалар тарихи, уларнинг ўрганилиш тарихи ҳамда туризмни ривожлантиришдаги ўрни ҳақида батафсил фикр юритамиз. Оқсарой. Шаҳрисабз шаҳрининг шимоли-шарқидаги бош майдонда жойлашган ёдгорлик бўлиб, Соҳибқирон Амир Темур томонидан 1380-1404-йилларда қурдирилган. Пештоқ равоғининг эни 22,5 метр, баландлиги 40 метр ва умумий баландлиги 50 метрдан ошади. Пештоқ минораси ичидаги айланма зина орқали юқорига чиқилган[1:316].

Оқсаройнинг аввалги ҳолати тўғрисида фақат ёзма манбаларга қараб фикр юритиш мумкин. Муаррих Шарафуддин Али Яздий бу ҳақда шундай лавҳа келтирган: “Сичен йилда, торих етти юз сексан бирда (1380, март) ул шаҳарға қалъа солдурди ва жаҳдлаб тамом қилдурди. Ва андоқ шаҳри бўлдиким, гардун Муҳандиси мунча ёши билан оламни кезиб, ҳеч бир ерда мундоқ шаҳар ва кўшк кўрмаган турур”[2:88]. Испания (Кастилия) элчиси Руи Гонсалес де Клавихо Самарқандга Темурбек хузурига келатуриб (1404 йил 29 август) Шаҳрисабзда тўхтаган ва Оқсаройни томоша қилган. Ўшанда Оқсаройдаги қурилиш ишлари асосан тугалланган бўлса-да, лекин жиҳозлаш ишлари ниҳоясига етмаган эди.

Оқсарой безакларидан ҳайратга тушган элчи Клавихо: “... бу ерда хоналар чунчалик кички, уларни бирданига таърифлаб тугата олмайман. Хоналарнинг бари олтин, дур-гавҳарлар билан зийнатланган. Буни Париж усталари кўрса, ҳайратда қолишлари табиий. Бундай ишлар уларда жуда юқори баҳоланади” [3:111], - деб ёзган эди. Бобур Мирзо ёзадики: “мунча олий тоқ оламда кам нашон берурлар. Дерларким, Кисро тоқидан ҳам бу бийиктур”[4:47].

Тарихий маълумотларга кўра, Оқсарой қурилишида тахминан 30 минг нафарга яқин ғишт терувчи, 20 минг нафарга яқин кошинкор ва бошқа усталар иштирок этишиб, уларни овқатлантириш учун ҳар куни 700 га яқин қозон қайнаб турган.

Демакки, Оқсарой Марказий Осиё меъморчилигидаги буюк обида бўлиб, халқ меъморлари ижодининг энг юқори чўққиси намунаси ҳисобланади[5:149].

Мустақиллик йилларида Оқсаройнинг бизгача сақланиб қолган қисми реконструкция қилинди. Қашқадарёга ташриф буюрган ҳар бир турист Оқсаройни кўрмасдан кетмайди.

Дорут-тиловат меъморий мажмуи. Амир Темур Шаҳрисабзда бир неча ибодат мажмуалари ва мақбаралар ҳам бунёд эттирган. Масалан, 1370 йилда шаҳар жоме масжиди ёнида отаси Амир Тарағайнинг (ўзининг ҳам) пири Шайх Шамсуддин Кулол мозори устига мақбара қурдрган, 1374 йилда отаси Амир Тарағайбек Баҳодир мозори қолдиғини Шаҳрисабзга кўчиртириб, унинг пири оёғи томони пойида қўйилган мозори устига мақбара бунёд эттирган. Бу икки мақбара кейинчалик бузилиб кетган шаҳар жоме масжиди ўрнига Мирзо Улуғбек қурдирган масжид (Кўкгумбаз) билан уйғунлашиб кетиб, шаҳарнинг Қуръон ўқиладиган махсус ховлили мадрасаси Қуръон ўқиладиган жой – Дорут-тиловат меъморий мажмуаси таркибига кирган.

Темурбек ўғли Жаҳонгир мирзонинг вафотидан сўнг Доруттиловат мажмуаси ёнига ўзи ва авлодлари учун (1379-1380) улкан мақбара қурдирган ва унга Жаҳонгир мирзонинг жасадини дафн эттирган. Бобур мирзо ёзадики: “Яна Кешда мадраса ва мақбара қилибтур. Жаҳонгир мирзо ва яна баъзи авлодининг мақобири андадур[4:47]. Ушбу мақбара ёнига кейинчалик (XIX аср ўрталарида) Ҳазрати Имом масжиди қурилгач, мақбара ҳам унинг номи билан юритилган, бинони урганчлик меъморлар қуришган.

Шайх Шамсуддин Кулол 1370 йилда вафот этган. Амир Темур барча муваффақиятларини пири шайхнинг дуолари билан боғлиқ деб ҳисоблар эди. Шу сабабли ҳам Соҳибқирон Шамсуддин Кулолга мақбара бунёд этишга фармон берган. Ёзма манбаларга кўра, Амир Темур 1360 йилда вафот этган отаси Тарағай Баҳодирнинг ҳам жасадини 1374 йилда унинг васиятига биноан Шайхнинг оёқ томони – пойига қўйилган.

Гумбази Саййидон мақбараси 1437 йил Мирзо Улуғбек томонидан қурилган. Гумбази Саййидон “Саййидлар гумбази” деган маънони билдиради. XIV асргача Муҳаммад алайҳиссаломнинг авлодлари ҳисобланувчи саййидлар, асосан Термиз шаҳрида яшашган ва одатда улар вафотидан кейин Термиздаги Султон саодат мақбарасида дафн этилган. Амир Темур кўплаб саййидларни бошқа шаҳарларга яшашишига даъват этиб, қулай шароитлар яратиб берган. Чунки саййидлар XIV аср 2-ярмида мўғулларга қарши курашда Темурбекка катта ёрдам беришган. Хусусан, Сабзаворда дафн этилган Абул Маолий шундай эътиборли шахс бўлиб, у 1370 йилда апрелда Балхда Амир Темур тахтга ўтирган тантаналарда ҳам катнашган[6:121].

Доруссиёдат мажмуи. Доруссиёдат мажуаси таркибига 4 та тарихий меъморчилик иншоотлари жойлашиб, Хоразм меъморий услубида ишланган. Амир Темурнинг фарзандлари Жаҳонгир мирзо, Умаршайх мирзо ҳамда кўплаб барлос уруғига мансуб амирлар, буюк соҳибқирон Амир Темурнинг ўзи учун қурдирган “Жаҳонгир даҳмаси” деб аталган сағана ҳамда Ҳазрати Имом жоме масжиди шаклланган. Мажмуанинг қурилиши Амир Темурнинг 1376 йилда тўнғич ўғли Жаҳонгир мирзо вафотидан сўнг 1380 йилларда бошланган. 1395 йилда Темурбекнинг иккинчи ўғли Умаршайх ҳалок бўлган, унинг жасади Табриздан Кешга келтирилиб дафн этилган. Икки бўлмали даҳма 1380 йилда Соҳибқирон ота-онаси, устозлари, фарзандлари ҳамда унинг ҳокимият тепасига келишида хизмат қилган кўплаб амирларни айнан Доруссиёдат мажмуасида дафн этилган.

Икки бўлмали даҳмадаги тошдан ясалган тобут бўш бўлиб, ҳазрати Амир Темур ўғли учун бунёд этгани бўлиши мумкин. Соҳибқироннинг тўнғич ўғли Жаҳонгир мирзо Яқин Шарқдаги ҳарбий юришлар даврида вафот этганидан сўнг Кешга ҳоки келтирилган. Мақбарани қурилиши 20 йилдан кўпроқ давом этиб, обиданинг баландлиги 52 м. ни ташкил этади. Ҳазрати Имом жоме масжиди 1868 йилда Бухоро хони Музаффархон томонидан қурилиб, ҳозирги вақтдаги Шаҳрисабз шаҳридаги энг катта жоме масжиди ҳисобланади.

Мазкур объект 2001 йилда ЮНЕСКОнинг “Умуминсоният мероси” китоби рўйхатига киритилган.

Демакки, Амир Темур даврида Шаҳрисабзда Дорут-тиловат мажмуаси (Шайх Шамсуддин Кулол қабри устига тикланган мақбара; 1374 йилда Соҳибқирон унинг ёнида янги мақбара қурдириб, отаси Амир Тарағай Баҳодир қабрини ҳам шу ерга кўчиртирган), жоме масжид, ундан шарқда иккита меъморий мажмуа – Доруссиёдат, шаҳарнинг жануби-шарқий қисмида Ҳазрати Имом мақбараси бунёд этилиб, зиёратгоҳга айлантилган[7].

Шунингдек, Темурбек қурдирган Оқсарой мажмуаси ҳам айна даврда нафақат Ўзбекистон, балки жаҳон миқёсидаги гўзал зиёратгоҳ маскани ҳисобланади.

Одина масжиди- Қарши шаҳрида жойлашган тарихий ёдгорликлардан бири бўлиб, манбаларда келтирилишича, мазкур иншоот Соҳибқирон Амир Темур томонидан 1385-1386-йилларда барпо еттирилган [8:52]. Тарихчи олим М. Массон Одина масжидининг кўриниши, ўлчамлари ва бошқа диққатга сазовор жиҳатларини батафсил баён етган. Регистонда жойлашган бу муаззам иншоот Абдуллахон мадрасаси билан биргаликда меъморчиликдаги “кўш” мажмуасини ташкил этганлиги, унинг ҳажми бўйига 50 метр, енига 40 метрдан иборатлиги, алоҳида кўзга ташланадиган томони: кириш эшигининг қулфи бўлиб, унинг калит солиб бураладиган қисмининг қопламаси ҳамда эшикнинг икки ҳалқаси балиқ шаклида ишланганлигини қайд этган [8:53]. Кексаларнинг айтишига қараганда, Одина масжиди XIX аср 60-йилларида рус истилочилари томонидан тўплардан тутилиб, вайрон



килинган. Масжид гумбази ва минораларининг қолдиқлари 1914-йилгача сақланган. Ўша йили Амир Олимхон томонидан Қаршидаги бир қанча бинолар таъмирланган, жумладан, Одина масжиди ҳам [9:40].

Мустақиллик даврида республикада тарихий ёдгорликларга муносабат ўзгарди. 2004-йил охиридан эътиборан, турма-ҳибсхона бошқа жойга кўчирилди. Қаршидаги бошқа ёдгорликлари қаторида Одина масжидини ўзининг асл, қадимий ҳолига келтириш мақсадида таъмирлаш ишлари амалга оширилди [10:33:62].

Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Қатағон қурбонларининг меросини янада чуқур ўрганиш ва улар хотирасини абадийлаштиришга доир кўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги[11] фармойишига биноан 2021-йилда Одина масжидида “Қатағон қурбонлари хотираси” музейи очилди.

Абу Убайда ибн ал – Жарроҳ ёдгорлик мажмуаси - Қарши шаҳрининг жануби – шарқий томонида Гулшан МФЙ да жойлашган. Ривоятларга кўра, Амир Темур араб мамлакатларига, хусусан, Иорданияга қилган юришларида машҳур табиб Абу Убайда ибн ал- Жарроҳ ҳокими олиб келиб дафн етган.

Абу Убайда 583-йилда Макка шаҳрида туғилган. Пайғамбар Муҳаммад (с.а.в) нинг издошларидан бири бўлган Абу Убайда Халифа Умар даврида Халифалик кўшини кўмондонларидан бири бўлган. Бадр, Уҳуд, Ярмук жангларида фаол иштирок етган. Бадр жанги (624-йил)да ўз отасига қарши курашишга мажбур бўлган. Исломни ёйишга жуда катта ҳисса қўшган саҳобалардан биридир. Сурияда исломни ёйиш учун бўлган курашлар вақтида вабо билан оғрийди ва ҳозирги Иордания ҳудудида 638-йилда вафот этади.

Абу Убайда ёдгорлик мажмуасида XIX – XX аср бошларида қабрнинг шимоли-ғарбий тарафида нақшин минора бўлган. Бу йердаги масжид еса 1926-йилда бузиб ташланган. Мажмуанинг жанубида 4 қиррали катта ҳовуз жойлашган. Зиёратгоҳ 2000- йилда қайта таъмирланиб, атрофи обод етилган. Қабр устига еса мақбара қурилган [12:506]. Мажмуа 2012-йилда реставрация қилинган.

Бугунги кунда Абу Убайда ибн ал – Жарроҳ ёдгорлик мажмуаси жуда кўп зиёратчилар ташриф буюрадиган масканлардан бирига айланган.

Хулоса қилиб айтишимиз мумкинки, Қашқадарё воҳасида Амир Темур даври меъморий ёдгорликларининг кўпчилиги сақланиб қолмаган бўлсада, лекин юқорида келтирилган зиёратгоҳлар энг кўп сайёҳларни жалб этувчи туризм объектларидир.

#### **Адабиётлар:**

1. Ўзбекистон миллий энциклопедияси, 316-б, [www.ziyouz.com](http://www.ziyouz.com) кутубхона
2. Шарафуддин Али Яздий. Зафарнома. – Т.: “Шарқ”, 1997, 88-б.
3. Амир Темур Европа элчилари нигоҳида. – Т.: Ғ.Ғуллом номидаги НМИУ, 2007. – Б.111.
4. Бобурнома. – Б.47

5. Амир Темур жаҳон тарихида. – Б.149.
6. Шаҳрисабз: минг йиллар мероси. – Т.: “Шарқ”, 2002. – Б.121.
7. Бўриев Омонулла. Соҳибқирон Амир Темур. – Т.: “Ўзбекистон”, 2011.
8. Массон М. Е. «Столичные города в области низовьев Кашкадарьи с древнейших времен». Т., «Фан», 1973, 52-б
9. Насриддинов Қ., Хўжаёров Ў., Қарши шаҳрининг меъморий ёдгорликлари, Т.,2011, 40-б
10. Насриддинов Қ. Қарши қалъаси, 2006, 33-62-б
11. Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Қатағон қурбонларининг меросини янада чуқур ўрганиш ва улар хотирасини абадийлаштиришга доир кўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги ПФ-5598-сонли фармойиши, 2020-йил 8-октабр.
12. Равшанов П. Қарши тарихи.Т: 2006, 506-б.

## **ҒУЗОР БЕКЛИГИНИНГ ТАРИХИЙ – ГЕОГРАФИК ШАРҲИ**

**Эрназаров А.Х.**

*докторант*

*Қарши Давлат университети*

Ғузор беклигининг географик ўрни Ҳисор тоғ тизмасининг ғарбий ён бағридаги адирларга тўғри келади ва Қаршидан 45 верст жанубий шарқда жойлашган[1:663].

Ғузор беклиги шимолдан Катта Ўрадарёнинг юқори оқими, шарқдан Катта Ўрадарё ва Қиршақтоғнинг шарқий қисми билан ҳамда ғарбдан 35-40 кенгликда чегараланган.

Бекликнинг ғарбий қисмидан оқиб ўтувчи Қуйитанг дарёси Ғузор ва Келиф бекликларининг чегараси ҳисобланган. Ғузор беклигининг шарқий, жанубий ва ғарбий қисмлари тоғли худудлардан ташкил топган бўлиб. бекликнинг фақат шимоли-ғарбий, яъни Қарши беклиги билан чегарадош қисмигина текисликдан иборат бўлган. XIX асрда Ғузор ва Қарши бекликлари чегараси Янгикент қишлоғидан бошланиб, бу қишлоқ денгиз сатҳидан 1150 фут баландликда жойлашган. Ғузор беклигининг шарқий ва жануби-шарқий қисмидаги тоғликларнинг баландлиги 2200-2400 футни ташкил қилган [2:154-155].

Ғузор шаҳри эса 1530 фут, 718 мм баландликда жойлашганлиги ҳақида маълумотлар мавжуд[3:24]. Бошқа бир манбада эса Ғузор шаҳри 1310 фут мутлақ баландликда ҳамда 38.36.18. шимолий кенгликда ва 35.53.15 шарқий узунликда жойлашганлиги келтириб ўтилган[4:34]. XIX аср охирида воҳа иқлими континентал ва қуруқ бўлиб, кундузи ва кечаси ҳамда қиш ва ёз ойларидаги ўртача ҳарорат орасидаги тафовут жуда катта бўлган. Қишда қор уч ойгача туриб, баъзи йиллари баҳор серёғин келган. Шунга қарамасдан ҳавонинг иссиқлиги туфайли буғланиш кучли бўлиб, ёмғирдан сўнг далалар бирпасда қуриб қолган. Қашқадарё воҳанинг асосий дарёси саналиб, унинг

ирмоқлари бўлмиш Жиннидарё, Оқсув, Яккабоғдарё, Ғузордарё (Катта ва Кичик Ўрадарё билан бирга) қор, ёмғир ва музлик сувларидан тўйинган.

Хитой манбаларида Катта Ўрадарё Тамо, Тун дейилган. П. Пеле уни Думо деб атаган. В. В. Бартольд Ғузордарё, яъни Катта Ўрадарё Кеш шахридан 8 фарсах узоқда жойлашганлигини қайд этган[5:188]. Катта ва Кичик Ўрадарёлари Чангар тоғларидан бошланиб, Ғузор шахридан юқоридаги Қўшилиш қишлоғида бирлашиб, Ғузордарё номини олади. Ғузордарёдаги сув миқдори тоғларга ёғадиган қорнинг ҳажмига боғлиқ бўлиб, у Янгикент қишлоғига оқиб келган. Катта ва Кичик Ўрадарёлари ўзининг ўрта оқимида туз конларидан оқиб ўтганлиги боис, Ғузор дарёсининг суви шўрроқ бўлган.

Бекликнинг тоғли ҳудудларидаги барча дарёларнинг оқими жуда тез бўлиб, ёмғирли кунларда улар тўлиб тошиб оққан. Бу ердаги сойларда март, апрел ойларида сув кўп бўлиб, май ойига келганда улар қуриб қолган.

Айрим мутахассислар воҳанинг текислик қисми иқлимига, гидролик ва хўжалик шартларига кўра Китоб - Шаҳрисабз, Китоб - Қамаш, Кўкдала, Қарши-Ғузор ва қуйи Қашқадарё туманларга бўлинишини қайд қиладилар[6:9-10]. Воҳанинг географик ўрни, ундаги йўллар тоғлар ва текисликлар XIX асрнинг иккинчи ярмига келиб, рус ҳарбийлари томонидан ўрганила бошланган. Бундан асосий мақсад ҳарбий юришлар чоғида қулай бўлган жойларни излаб топиш, улардан келгусида фойдаланиш имкониятлари ҳамда муҳим жиҳатларини белгилашдан иборат бўлган. Бу ишлар гарчи подшоҳ Россиясининг мустамлакачилик манфаатларини кўзлаб амалга оширилган бўлсада, уларнинг илм-фан учун аҳамияти воҳанинг тарихий географиясини ўрганиш борасида муҳим маълумотлар қўлга киритилганлиги билан изоҳланади.

Ғузор Ғузордарё водийсида жойлашган бўлиб, Суғдни Тохаристон (Бақтрия) билан боғлайдиган муҳим стратегик ва қулай савдо йўлидаги (чорраҳадаги) рустоқлардан бири саналган. Мазкур рустоқ юқори ва қуйи Қашқадарё воҳаси ҳудудларини географик жиҳатдан бир-биридан ажратиб ҳам турган.

XV асрга оид Самарқанд хужжатларида келтирилган Ғузор (Ғузор) шаҳри ҳудудида илк маконнинг вужудга келиши милоднинг дастлабки асрларига бориб тақалиши аниқланган. Шаҳар Шаҳрисабз ва Қаршини Термиз билан боғловчи карвон йўллари кесишган ҳудудда жойлашган. У қўрғон деворлари билан ўралган бўлиб, аркка, бир қанча гузарларга ва шаҳар дарвозаларига эга бўлган ҳамда майдони 12 га га етган. Ушбу белгиларга кўра Ғузорни карвон йўлларида жойлашган унча йирик бўлмаган савдо, хунармандчилик шаҳарлари сирасига киритиш мумкин.

Бек ўрдасининг ҳозирги жойидаги харобаси Тўрақўрғон деб аталади. Шаҳар ўртасидан Ғузордарё оқиб ўтган бўлиб, шаҳарнинг икки қисми ўртасидаги алоқалар иккита кўприк орқали амалга оширилган[7:15-16]. Шаҳар Ғузордарёнинг чап қирғоғида жойлашган бўлиб, Шарқий дарвозаси “Темур дарвоза” дейилган. Араблар ҳужумидан сўнг шаҳар дарёнинг ўнг қирғоғига ўтган. Шаҳарнинг маркази 2 метр қалинлик, 4-5 метр баландликдаги пахса

девор билан ўралган. Шаҳарда Қарши, Кунчиқар ва Чармгар дарвозалари ҳамда Хўжағузор, Чармгар, Бойғузор, Тошқўрғон каби маҳаллалар жойлашган. Бу йирик қалъа харобалари XVIII асргача сақланиб қолган. XIX аср бошларида шаҳар харобалари батамом йўқолиб, шаҳар ҳозирги ўрнида шаклланган, маъмурий ва бошқа иншоотлар бунёд этилган[8:9]. Ўз навбатида Қарши шаҳрининг Ғузор йўли билан туташган шимолий-шарқдаги Тутан дарвозаси Ғузор дарвозаси деб ҳам аталган.

Ғузор беклиги ҳам амирликнинг муҳим аҳамиятга молик бекликларидан хисобланиб, Амир Ҳайдар отаси ҳукмронлиги йилларида бу ерда беклик маснадида турган. XX аср бошларида эса Ғузор беклиги Бухоро амирининг акаси томонидан бошқарилган. Ғузор беклиги 6 та амлокликка бўлинган[11:79]. Ғузор беклигидаги биринчи амлоклик Афғон деб аталиб, унга Ғузор шаҳрининг шимоли ва Ғузордарёнинг ўнг томонида жойлашган 2000 аҳолидан иборат 10 та қишлоқ кирган. Иккинчи амлоклик Ғузор шаҳрининг шимоли-ғарбий ва Ғузор дарёнинг чап томонида жойлашган 1600 нафар аҳолидан иборат Ғармистон амлоклиги деб номланиб, у 16 та қишлоқдан таркиб топган. Учинчиси Эскибоғ амлоклиги бўлиб, унга Ғузор шаҳрининг ғарбий ва жанубий (22 верст узоқликгача бўлган ҳудуд) қисмида жойлашган 1600 дан зиёд аҳолидан иборат 9 та қишлоқ кирган. Тўртинчи амлоклик Катта Ўра дарё водийсида жойлашганлиги боис Катта Ўра деб номланган ҳамда 3000 кишилик аҳолидан иборат 40 та қишлоқни ўз ичига олган. Кичик Ўра дарё водийсида жойлашган бешинчи амлоклик Кичик Ўра деб аталиб, 1500 аҳолидан иборат 17 қишлоқни ўз ичига олган[2:164].

XIX аср охирларида рус ҳарбий зобитлари Келифдан Ғузор ва Қаршига ўтувчи йўллар ҳақида маълумотлар беришган. Қўҳитанг қишлоғида Келиф - Ғузор йўлидаги ягона бозор бўлган ва сўнг йўл Шерободга ўтган[9:194-195].

Н.Маев таъкидлайдики, Амударёдан Ғузоргача бўлган ораликдаги қишлоқларда яшовчи аҳоли ўзларининг қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини ва чорва молларини ҳафтанинг сешанба ва жума кунлари фаолият кўрсатувчи Шеробод беклигидаги Қўҳитанг қишлоғидаги бозорга элтиб сотишган.

Н.А. Маев Шеробод беклигидаги Қўҳитанг қишлоғидан Ғузор, Танги ҳарам (Дехқонобод) Шеробод ва Келифга йўл ўтганлигини аниқлаган [12:49-51].

Россия ҳарбий маслаҳатчиси капитан Петров Бойсун, Шеробод, Ғузорга элтувчи йўллар ҳақида маълумотлар берган ва Дарбанддан Хоелкон тоғи ва Қораховол довони орқали ўтиб, Кичик Ўрадарё бўйида жойлашган қишлоқлар йўллари юк ташиш учун қулайлигини аниқлаган. Демак, қадим ва ўрта асрларда Ғузор шаҳри ва вилояти минтақа, қолаверса бутун Марказий Осиё савдо йўлларининг чорраҳасидаги салоҳиятли марказлардан бири саналган.

Бухоро амирлигида 50 га яқин солиқлар ва тўловлар мавжуд бўлган. Бир йилда Ғузор беклигида 140 минг танга миқдорида закот йиғиб олинган[10:79].

XX асрнинг биринчи чорагидаги статистик маълумотларга кўра 1924 йилда Қашқадарё областида 3 та вилоят тузилган: Ғузор, Қарши, Шаҳрисабз. Ғузор вилоятининг майдони 4978 кв.км, аҳолиси 37405 киши бўлиб, 1 кв.кмга

7,5 киши тўғри келган. Ғузур вилоятига Ғузур, Тангиҳарам (Дехқонобод), Янгиқент туманлари кирган.

Ғузур беклигининг майдони 4500 кв верст ёки 9 милни ташкил етиб, бир кв.км милга ўртача 260 киши тўғри келган. Аҳолининг 22.000 яқини Катта Ўрадарё водийсида, 3500 га яқини Кичик Ўрадарё, 2000 га яқини Ғузурдарё бўйларида, яъни бекликнинг шимоли - шарқида ўрнашишган. Бекликнинг баъзи ҳудудларида аҳоли нисбатан зич жойлашган, хусусан Ғармистон амлокининг умумий майдони 3,5 кв милни ташкил қилиб, ҳар бир квадрат милга ўртача 550 нафарга яқин одам тўғри келган[2:165].

Хуллас, манбаларда қайд этилишича, Ғузур тарихий-географик жихатдан суғориладиган деҳқончилик учун қулай бўлган воҳалардан бири ҳисобланган. Ғузур XIX асрнинг иккинчи ярмида тарихий воқеаларга бойлиги билан ажралиб туради. Бу даврда Ғузур Бухоро амирлигининг энг йирик бекликларидан бирига айланган. Ҳисор, Шеробод, Бойсун, Нурота, Кармана каби бекликлари билан тенг мавқега эга бўлган.

### Адабиётлар:

1. Семёнов – Тянь-Шанский В. П. Россия: Полное географическое описание издательства А. Н. Девриена Туркестанский край. СПб., 1913. Т.9 – С. 663.
2. Полк. Федоров. Статический очерк Гузарского и Куйтангского и Каллюкского амлякдарств Келифского бекства // Сборник географических, топографических и статистических материалов по Азии. – СПб., Военная типография, 1894.- Вп 2. 57. – С. 154-155.
3. Кап. Покотило. Отчет о поездке в предел Центральной и Восточной Бухаре в 1886 году. Т., Типография Окружного штаба. 1888. – С. 24.
4. Туркестанский сборник. Т., 288. – СПб., 1882. – С. 34.
5. Бартолд В. В. Туркестан в эпоху монгольского нашествия – Соч., Т. 1963.
6. Лунина С.Б. Города Южного Согда VII-XII вв. Т., 1984. С.9-10.
7. Хасанов А. Қашқадарё воҳаси шаҳарсозлиги ва меъморчилиги. (XVI-XIX асрлар). Монография.-Т.: “Voris-nashriyot”, 2019. Б. 15-16.
8. Чориев З., Жўраев А. Ғузур тарихидан лавҳалар. Т., 1997. Б. 99.
9. Мавлонов Ў. Марказий Осиёнинг қадимги йўллари. Т., 2008. Б. 194-195.
10. Очилдиев Ф. Сурхон воҳаси бекликларидаги ижтимоий-сиёсий ва иқтисодий ўзгаришлар. Т., 2008. Б. 79.
11. Мухаммаджонов А.Р. Населенные пункты Бухарского эмирата. Т.: Университет. 2001. С. 79-104.
12. МаевН. Бухоро хонлиги очерклари (рус тилидан И.Ботиров таржимаси). Т.: “Фан ва технология”, 2012. Б. 49-51.

## ЖАНУБИЙ ЎЗБЕКИСТОН МУЗЕЙЛАРИДА ХАЛҚАРО ТАШКИЛОТЛАР ВА ХОРИЖИЙ МАМЛАКАТЛАР БИЛАН ЎЗARO АЛОҚАЛАР

**Хосиятов Х.О.**

*т.ф.ф.д. (PhD), в.б. доц.*

*Қарши муҳандислик иқтисодиёт университети*

Ўзбекистонда музейлар ишини ривожлантиришда халқаро ташкилотлар ва хорижий давлатлар билан ҳамкорлик муҳим аҳамиятга эга. Бу борада Қашқадарё ва Сурхондарё вилоятлари музейларида қатор ишлар амалга оширилди. Қашқадарё ва Сурхондарё вилояти музейлари илмий ходимлари доимий равишда халқаро анжуманларда иштирок этиб, ўзларининг тадқиқотлари натижаларини илмий маъруза шаклида эълон қилиб борди. Бу эса жаҳон ҳамжамиятида Ўзбекистон маданий мероси ҳақида кенг тушунча ҳосил қилишга хизмат қилди. Масалан, Сурхондарё вилоят ўлкашунослик музейи, Термиз давлат университети ва Халқаро халқ педагоглари ассосацияси ҳамкорликда 1995 йилнинг апрель ойида Зараутсойда “Жаҳон халқлари педагогикаси тараққиётида Зараутсой мактабининг аҳамияти” мавзусидаги Халқаро симпозиумни ташкил этди. Халқаро симпозиумда Сурхондарё вилоят ўлкашунослик музейи илмий ходимлари фаол иштирок этди [1]. Сурхондарё вилоят ўлкашунослик музейининг археология бўлими экспонатларидан Кушон даврига оид “фаришта аёл” номи билан машҳур бўлган аёл кишининг бош қисми Зараутсой халқаро симпозиумида намойиш этилди.

Ўзбекистонда турли давлатларнинг маданият кунларини ўтказиш анъанага айланган бўлиб, бу тадбирлар доирасида ҳам музейларнинг вакиллари иштирок этиб, ноёб экспонатларни намойиш қилди. Масалан, 1997 йил Ўзбекистонда ўтказилган Украина маданияти кунлари муносабати билан Қашқадарё вилоят ўлкани ўрганиш музейи халқ амалий санъати бўлимига украиналик меҳмонлар ташрифи давомида “Қашқадарё амалий санъати” мавзусида давра суҳбати уюштирилди.

2000 йили Қашқадарё вилоят ўлкани ўрганиш музейида “Қарши шаҳрининг тарихи ва этнографияси, зардўштийлик даҳмалари” мавзусида халқаро анжуман ўтказилди. Халқаро анжуманда Исроил, Германия, Туркия, АҚШ, Франция, Афғонистон, Россия, Қозоғистон, Қирғизистон, Украина ва бошқа давлатлардан келган олимлар иштирок этди. Анжуманда Қашқадарё вилоят ўлкани ўрганиш музейи ходимлари томонидан “Қашқадарё халқ амалий санъати ва этнографияси” деб номланган кўчма кўрғазма намойиш қилинди.

Музей ишини яхшилашда хорижий давлатларнинг мутахассислари билан илмий учрашувлар ҳам муҳим роль ўйнайди. Масалан, Термиз Археология музейида 2002 йил 22 апрелда Япония археология экспедиция вакили К. Като, шу йилнинг 6 май куни россиялик археолог олим В.С.Соловьёв, Россиянинг “Шарқ музейи” катта илмий ходими археолог

олим Т.Мкртчев билан илмий учрашувлар ўтказилди. Хорижлик мутахассислар учрашувда музей иши бўйича муҳим маълумотларни баён қилди.

2007 йил 7-11 майда республика музейлар фаолиятини янада такомиллаштириш музей ходимларининг касбий маҳоратини ва малакасини ошириш, уларни замонавий билимлар ва янги иш шакллари билан таништириш мақсадида “Дашт и Арт” замонавий маданият марказининг “Музей экспозицияси замонавий тажриба ва имкониятлар” мавзусидаги илмий семинари Шаҳрисабз шаҳар моддий-маданият тарихи музейида ўтказилди[2]. Россиялик санъатшунос Готкина Светлана Александровна ушбу семинарда иштирок этиб, ўзининг музей иши бўйича тажрибалари билан иштирокчиларни таништирди.

Термиз Археология музейи катта илмий ходими Т.Аннаев 2008 йилнинг 28 сентябридан – 10 октябригача Ҳиндистонда илмий сафарда бўлиб, Дехлидаги “Халқаро марказ” ва Банорас университетида Кушонлар археологиясига бағишланган илмий семинарда иштирок этди. Шу музейнинг “Тош даври” бўлими катта илмий ходими Ш.Б.Шайдуллаев эса 2009 йили Ашхобод шаҳрида ўтказилган Халқаро конференцияда “Дехистан на парогe раннеклассового общества” номли маърузаси билан қатнашди. Шу йилнинг 18 май – Халқаро музейлар кунида Термиз Археология музейида франциялик профессор Жерар Фуссман “Кушон давлати тарихи ҳақида янги изланишлар” мавзусида маъруза қилди. Шунингдек, франциялик профессор Ж.Фуссманнинг амалий ёрдами билан нумизматика фондида сақланаётган турли даврларга мансуб тангаларнинг қайси даврга мансублик даражаси ва ёзувларини аниқлаштириш ишларига ёрдам берди.

2012 йил Ўзбекистон музейларининг илмий ходимлари кўплаб халқаро анжуманларда иштирок этган йил бўлди. Масалан, Термиз Археология музейи “Нумизматика” бўлимининг катта илмий ходими Ж.Мирзаев 2012 йил 1-5 октябрь кунлари Озарбайжон Республикасида бўлиб ўтган Евроосиё археологияси халқаро конференциясида “Евроосиё ҳудудида археологик тадқиқотларнинг истиқболлари ва археотуризм” мавзусидаги, шу йилнинг 22-23 мартда Тошкент шаҳрида бўлиб ўтган Ўзбекистон ва Германия давлатларининг ўзаро келишувига мувофиқ “Таълим ва фан – Ўзбекистон ва Германия ўртасидаги кўприк” мавзусидаги халқаро илмий-амалий анжуманда иштирок этди.

Ўзбекистонда музейлар фаолиятини турли кўринишларда жаҳон миқёсида тарғиб этишга аҳамият қаратилди. Масалан, 2012 йилда Ўзбекистон Ҳаво йўллари авиа компанияси йўловчилари учун наشر қилинадиган махсус журналда рус ва инглиз тилларида Термиз Археология музейи ҳақида “Археологический Клондайк” номли мақола чоп этилди. Мақолада музей залларидаги 12 та экспонатларнинг суратлари ҳам чоп этилган. Ушбу журнал 25 минг нусхада чоп этилган бўлиб, 100 дан ортиқ мамлакатларга Ўзбекистон Ҳаво йўллари авиакомпанияси рейслари орқали

тарқатилди [3]. Мақоланинг чоп этилиши кўплаб хорижий сайёҳларнинг воҳага жалб этилишида муҳим аҳамиятга эга бўлди.

UNESCO инсониятнинг маданий меросини асраб қолишга катта аҳамият бериб, бунда музейларнинг етакчи роль ўйнашини, давлатлараро ва маданиятлараро алоқаларнинг барқарор ривожланишини таъминлаш учун катта имкониятлари борлигига эътиборни қаратади [4]. Ўзбекистон ҳозирги замон шароитида музейлар ишини ривожлантиришда UNESCO халқаро ташкилотининг кўмагига таяниб иш тутмоқда. Бу ташкилот Қашқадарё ва Сурхондарё вилоятлари музейлари ишининг йўлга қўйилишида яқиндан ёрдам бериб келди. 1999 йил UNESCO ташкилотининг Андреано Бруно бошчилигидаги вакиллари Шаҳрисабзга ташриф буюриб, ўзбек халқининг моддий ва маънавий меросини асраб-авайлаб, келажак авлодлар учун сақлаётганлиги халқаро ҳамжамият вакилларида катта таасурот қолдирди. UNESCO вакилларига Шаҳрисабз шаҳар тарихига доир ҳужжатлар ва манбаларни Амир Темур номидаги моддий-маданият тарихи музейи ходимлари тақдим қилди.

2000 йил декабрда Шаҳрисабз шаҳрининг UNESCO ташкилотининг “Маданий мерос” рўйхатига киритилиши, Шаҳрисабзнинг 2002 йил ноябрида 2700 йиллик юбилейини ўтказилиши музейлар фаолиятини ривожлантиришда муҳим аҳамиятга эга бўлди. Мазкур музей ходимлари UNESCOнинг тадбирларида фаол иштирок этиб келмоқдалар.

2018 йил 14 сентябр Термиз Археология музейида Франциянинг Эколь Нормаль Супермер университетининг Шарқ ва Ғарб археология ва филология лабораторияси археологи Сеголен де Понтбрианд ва Термиз Археология музейи илмий ходимлари билан ўзаро тажриба алмашишди. Шу йилнинг 25 сентябрида Термиз Археология музейига Париждаги Лувр музейининг “Ислом маданияти” бўлими бошлиғи Яник Линдтс, музей ходими Рокко Ранте келди. Лувр музейи ва Ўзбекистон Республикаси Маданият вазирлиги ўртасида ўзаро илмий ҳамкорлик қилиш ва халқаро кўргазмалар ташкил этиш бўйича шартнома имзоланди. Лувр музейи илмий ходимларининг Термиз Археология музейига ташрифидан асосий мақсад 2020-2021 йилларда Лувр музейида Ўзбекистон тарихи ва Ислом даври археологиясига оид халқаро кўргазма ташкил этиш режалаштирилди. Ушбу кўргазмага Ўзбекистон музейларида экспозицияга қўйилган ва захира фондларида сақланаётган экспонатларни илмий тадқиқ этган ҳолда Лувр музейида ташкил этиладиган халқаро кўргазмага экспонатларни саралаш ишлари режалаштирилди. Режага мувофиқ Лувр музейи илмий ходимлари томонидан Термиз Археология музейидаги ноёб экспонатлар илмий тадқиқ этилди [5]. Ўзбекистондаги Германия элчихонасининг 1-котиби Новак, Маннхейм шаҳри музейи ходимлари ва Гунвор Линдструм иштирокидаги гуруҳ аъзолари билан Термиз Археология музейи маъмурияти “Буюк Александр ва Осиё маданияти” мавзусида амалий учрашувлар ва мулоқотлар олиб борди. Учрашув чоғида музейда халқаро кўргазмага танлаб олинган 67 та экспонат 2009 йил 2 ноябрдан 2010 йил 10 февралгача Германия



Федератив Республикасининг Маннхейм шаҳри Реисс-Энгельхорн музейларида “Буюк Александр ва Осиё маданияти” халқаро кўргазмасида қатнашди.

2010 йилнинг 25 мартда Қарши шаҳрига Германия Республикасидан Инге Кноп хоним ташриф буюриб, шаҳардаги кўплаб тарихий обидалар ҳамда қадимий Ерқўрғон шаҳри бўйлаб саёҳат қилди ва Қашқадарё вилоят ўлкани ўрганиш музейи билан ҳамкорлик бўйича фикр-мулоҳазаларини баён қилди.

Хуллас, Ўзбекистон жанубий вилоятларида музей ишини йўлга қўйишда халқаро нуфузли ташкилотлар ва хорижий мамлакатлар билан ҳамкорлик алоқаларининг ўрнатилиши соҳа ривожига муҳим аҳамиятга эга бўлди. Хорижий мамлакатларнинг мутахассислари Қашқадарё ва Сурхондарё музейлари илмий ходимлари билан ноёб экспонатларни излаб топиш, экспозицияга қўйилган ва захира фондларида сақланаётган экспонатларни илмий тадқиқ этиш, консервация ва музейфикация қилиш, виртуал музей яратиш муаамолари ечимини топиш, объектга оид тарихий маълумотлар ва иншоотни техник жиҳатдан ўрганиш каби масалаларда ҳамкорлик қилди. Жорий йилнинг 23 ноябридан 2023 йилнинг 6 мартига қадар Лувр музейида илк бор Ўзбекистоннинг бой меросига бағишланган “ Ўзбекистон воҳаларининг хазиналари. Карвон йўллари чорраҳасида” номли кўргазманинг ўтказилиши ҳам муҳим аҳамиятга эга.

#### **Адабиётлар:**

1. Ўз МА, М-7-фонд, 1-рўйхат, 283-иш, 21-варақ.
2. Ўзбекистон Республикаси Маданият вазирлиги жорий архиви, М-38-фонд, 1-рўйхат, 718-иш, 30-31-варақлар.
3. Ўзбекистон Республикаси Маданият вазирлиги жорий архиви, Термиз Археология музейининг 2018 йилдаги иш фаолияти тўғрисида ёзма ҳисоботи папкаси, 77-варақ.
4. Ходжаев Б. ЮНЕСКОнинг жаҳон тарихий-маданий меросини асраш соҳасида олиб бораётган фаолияти // Моддий-маънавий мерос ва умумбашарий қадриятлар мавзусидаги илмий мақолалар тўплами. – Тошкент: 2013. –Б. 348-349.
5. Сурхондарё вилояти Термиз археология музейи жорий архиви. Музейнинг 2018 йилдаги иш фаолияти тўғрисидаги ёзма ҳисоботи папкаси, 14-варақ.

# ХОРАЗМИЙ АЛГОРИЗМИ ЭВОЛЮЦИЯСИ: АЛГОРИТМДАН GOOGLEГАЧА

**Шамсиева И.М.**

*т.ф.н., доц.,*

*Тошкент Кимё халқаро университети*

XXI аср рақамли ва сунъий интеллект технологиялари асрида алгоритм ва алгоритмлаш тушунчалари “ахборот” каби инсон фаолиятининг ажралмас қисмига айланиб бормоқда. Негаки, алгоритмсиз инсониятнинг бугунги ҳаётини тасаввур қилиб бўлмайди. Баъзи олимларнинг фикрига кўра, алгоритмлар бугунги жамиятда шунчалик кенг тарқалганки, улар ҳаётнинг деярли барча жабҳаларида одамларнинг хатти-ҳаракатларини кузатиб боради, башорат қилади ва таъсир қилади.

Одамлар минг йиллар давомида, бу атама пайдо бўлишидан анча олдин алгоритмларни ишлаб чиқишган, ўзгартиришган ва ўзаро улашишган. Алгоритмлар математикани ўз ичига олиши шарт эмас. Масалан, Бобилликлар ҳуқуқий масалаларда алгоритмлардан фойдаланганлар; қадимда лотиндан сабоқ берган ўқитувчилар грамматикани алгоритмлар ёрдамида текширишган; шифокорлар узок йиллар давомида ташхис қўйиш учун ҳам алгоритмларга таянган, ҳаттоки дунёнинг турли жойларида истиқомат қилувчи инсонлар келажакни башорат қилиш мақсадида ҳам алгоритмдан фойдаланганлар.

Алгоритм бўлмаса Ер ва Фазодаги аппарат ва машиналар ишламай, транспорт ҳалокатлари юзага келади, барча технологик жараёнлар ишдан чиқади ва ҳоказо. Номмақбул ҳолатларнинг юз бермагаётганлигининг асосий сабаби эса, Муҳаммад ибн Мусо ал -Хоразмиининг илмий тасаввуридан генетик келиб чиққан алгоритм тушунчасининг умри боқийлигидадир.

Шу боис, ушбу илмий-техник атаманинг ҳозирги кундаги оламшумул тарихий аҳамиятидан келиб чиқиб, алгоритмнинг пайдо бўлиши тарихи, унинг ҳисоблаш ва ахборот технологиялари тараққиётида тутган ўрнини аниқлаш муҳимдир. Зотан, келажакни кўриш учун ўтмишга назар солишнинг аҳамияти катта. Алгоритм бу - маълум бир турга оид масалаларни ечишда ишлатиладиган амалларнинг муайян тартибда бажарилиши ҳақидаги аниқ қоида (дастур) [1, Б.201]. Информатика ва математика фанларининг фундаментал тушунчалари ҳамда дастурлашнинг асосларидан бири. Шунингдек, алгоритмни сонлар ёрдамида ҳисоблаш санъатидир, деб таърифласа ҳам бўлади.

Ал -Хоразмиий замонида одамлар ўртасида оддий, яъни инсонлар тили мулоқот воситаси бўлган. Олим ўзининг барча алгоритмларини гап кўринишида сўзлар билан ифода этган: “Масалан, квадрат ва йигирма бир дирҳам сон унинг ўнта илдизига тенг. Алгоритм эса, қуйидагича: аввал илдизлар сонини иккила, беш ҳосил бўлади. Буни ўзига тенгига кўпайтир, йигирма беш бўлади. Ундан квадрат билан бирга бўлган йигирма бирни айир, тўрт қолади. Бундан илдиз чиқар, икки бўлади. Уни илдизлар сонининг

ярмидан, яъни бешдан айир, уч қолади. Мана шу сен қидирган квадрат илдизи бўлади” [2, Б.81 ]. Бу амалларнинг барчаси оддий инсон тилида баён этилган.

Кибернетика ва ЭҲМларнинг пайдо бўлгунича квадрат тенгламалар ана шундай тарзда бажарилган. Юқорида қайд этилганидек, ўтмишда ҳисоб амалларини инсон бажарган, яъни у ҳисобловчи бўлган, ҳозирги пайтда ҳисобловчи вазифасини компьютер бажаради. Ҳисобловчи берилган математик масалаларни ўзи “фаҳмлаб” ечган, ҳисоб амалларининг кетма кетлигини ишлаб чиқа олган. Яъни инсон учун алгоритмларни яратиш зарурияти бўлмаган. Электрон ҳисоблаш машиналар ва компьютерларнинг вужудга келиши билан вазият тубдан ўзгарди. Гап шундаки, компьютерларда мустақил “фаҳмлаш” қобилияти йўқ. Компьютернинг фаҳмлаши учун уларга аниқ кетма - кетликдаги ҳаракатлар дастурини, яъни алгоритмни киритиш даркор. Инсонлар берадиган алгоритмларни тушуниши учун эса, компьютерга тил керак эди. Шу тариқа, 1958 йилда Парижда инсон ва компьютерлар орасида мулоқот вазифасини бажарувчи алгоритмик тил ALGOL (Algorithmic language ) яратилади [3, Б.58]. Айтиш жоизки, Algolни рус тилида Алхояз (алхорезмийский язык ) ва ўзбек тилида Алхотил (ал – Хоразмий тили) деб ҳам ёзса бўлади. Сўнгги пайтда ялпи назарий ривожланиб бораётган ва амалда кенг қўлланилаётган Интернет тармоғи ҳам асосан HTML, Java ва бошқа алгоритмик тилларда ишлайди.

Алгоритм тарихига келсак, уни шартли равишда уч даврга бўлиш мумкин:

1.Муҳаммад ал-Хоразмийгача қадимги дунёда шахсий алгоритмларнинг пайдо бўлиши - мил.ав. IV-III асрлар

2. Муҳаммад ал-Хоразмий томонидан формула шаклидаги умумлаштирилган санок алгоритмларининг яратилиши ва уларнинг кибернетикага қадар кейинги тараққиёти - IX аср ўрталари – XX аср 40-йиллари

3. Ҳисобчи (дастурчи) ва ҳисоблаш машинаси (ЭҲМ) ўртасида мулоқот воситаси - алгоритмик тилларнинг пайдо бўлиши - XX асрнинг 50-60 йиллари.

4.Google глобал қидирув тизимининг оммавийлашиши – 2000 – йилларнинг боши.

Алгоритмлар тарихида бир нечта алгоритмлар, хусусан , “Еквлид алгоритми”, “Невилл алгоритми”, “Ғиёсиддин ал-Коший алгоритми” ва бошқа кўплаб алгоритмлар мавжуд. Бундай мисолларни беҳисоб келтириш мумкин. Бироқ, улар ҳисоблаш амалларини алгоритмик даражага олиб чиқа олмаганлари боис, фанда фақат уларнинг номлари сақланиб қолган.

Жаҳон илм аҳли орасида алгоритмлар тарихининг иккинчи, яъни, Хоразмий ижоди билан боғлиқ даври эътиборга лойиқдир. Негаки, ушбу давр алгоритмлар ривожланиши тарихида асосий белгиловчи бўғин ҳисобланади. Таниқли олим, алгоритмлар тарихчиси – алгоритмиолог Жан-Лук Кхаберт ўзининг “Алгоритмлар тарихи” китобида алгоритмлар

тарихини ал-Хоразмийнинг алгоритмлар концепцияси тўғрисидаги арабча ва лотин тилидаги сўзлари билан бошлайди [4, Б.10].

Маълумки, алгоритм атамаси даставвал буюк аллома, математик, астроном, географ Муҳаммад ибн Мусо ал-Хоразмий номи билан боғлиқ. Алгоритм олимнинг “Ал Хоразмий” иборасининг Европа тилларида бузилиб ўзгартирилган талаффузидир. Алломага оламшумул шуҳратни “Китоб ал-жамъ ва -т-тафриқ би - ҳисоб ал - ҳинд” (“Ҳинд ҳисоби бўйича қўшув ва айирув китоби”) номли рисоласи келтирган. Афсуски, қўлёзманинг араб тилида ёзилган асл нусхаси ҳанузгача аниқланмаган. Унинг лотин тилидаги ягона намунаси сақланиб қолинган бўлиб, XII асрнинг биринчи ярмида Европага кириб келади. Ҳозирги кунда бу қўлёзманинг ягона нусхаси Кембриж университети кутубхонасида сақланади. Кембриж қўлёзмасининг сарлавҳаси йўқ. Китобнинг биринчи бети : “Dixit Algorithmi”, яъни “Дедики Алгоритми” деган сўзлар билан бошланади. Бу эса “Дедики Алхоразмий” нинг лотинча ифодаси эди. Шу тариқа ал - Хоразмийнинг лотинлаштирилган номи китобга сарлавҳа бўлиб қолган.

Жаҳон математика тарихида ўша даврдан бошлаб алгоритм сўзи янги арифметикани англатиб, позицион ўнлик тизими бўйича ёзма санок қоидаси сифатида ишлатила бошланди, Европада янги ҳисоб издошларини “алгоритмиклар” (Хоразмийнинг лотинлаштирилган “алгоритм” ёки “алгорисм” номидан келиб чиқиб) кейинчалик эса, ҳинд арифметикасини ҳам “алгорисм” атамаси билан атай бошладилар[5, Б.154]. Аввал санокнинг ўзини, сўнгра қатъий аниқ қоида билан қўйилган масалани охиригача ечиб борувчи ҳар қандай ҳисоблаш тизимини алгоритм деб атай бошлашди.

“Алгоритмий” атамаси олимлар учун олти асрдан зиёд вақт сир бўлиб келди. 1849 йили француз олими, шарқшунос Жан Рейно уни қайта кашф этади. Бу номнинг арабча “ал Хоразмий” сўзининг бузиб айтилган эканини ва Хоразмий нисбасини англатишини аниқлайди [6, Б.7]. Бунгача эса Ал Хоразмийнинг нисбаси Европа илмий адабиётларида лотинча “Algorism”, “Algorismus”, “Algorismo”, “Alchawirism” “Алхорезмус”, “Алкарезмус”, “Алхавризмус”, “Алгоритмус” ва ҳоказо аталиб келинар эди.

Турли тарихий даврларда алгоритм тушунчаси турли кўринишларда намоён бўлган, турлича талқин қилинган ва тўлдириб борилган. Бироқ вақт ўтиши билан математик асарларнинг номларида доимий учраб турадиган *algorism* ёки *algorismus* сўзи абак номли санок тахтасида эмас, балки қоғозда араб рақамлари воситасида арифметик амалларнинг бажарилишини англата бошлади. Айнан мана шундай мазмунда алгоритм атамаси кўпгина Европа тилларига кириб келади. Хусусан, 1934 йилда нашр қилинган Webster’s New World Dictionary номли инглиз тили луғатига ушбу сўз киритилган эди [7].

1890 йилда нашр қилинган “Брокгауз ва Ефроннинг энциклопедик луғат”ида *Algorithm* сўзининг рус тилига таржимаси “Алгорифмъ” деб берилади ва қуйидагича таърифланади: “Алгорифмъ арабча Аль- Горетмъ сўзидан олинган бўлиб, илдиз деган маънони англатади ”[8, Б.368].

1904 йилда Россияда “Большая энциклопедия” нашрга чиқади. Унда алгоритмга “Алгорифм (Алгарифм)” араб математиги 820 йилда вафот этган Могамед Бен Муза Алкарезми номидан келиб чиққан, ўрта асрларда ҳисобнинг ўнлик санок тизими бўйича ҳисоблашни англаган. Кейинчалик хиндлардан араблар орқали Европага етиб келган, эндиликда ҳисоблашнинг ҳар қандай тўғри усули ҳисобланади.”[9, Б.303] деб изоҳ берилади.

XX асрнинг йигирманчи йилларида рус олимларининг математикага доир нашрларида: “... алгоритм алгорифм деб ёзилган ва бу сўз IX асрда яшаган араб математиги Ал-Хоразмий номининг бузиб талаффуз қилинишидан олинган” [3, Б.46] дейилади.

Инглиз тилидаги “th” ҳарфи рус тилига XX асрнинг 70 йилларигача “Ф” деб таржима қилиниб келган. Шунинг учун ҳам алгоритм атамасини собиқ совет республикаларида, жумладан Ўзбекистонда ҳам “алгорифм” деб ёзиш ва талаффуз қилиш қабул қилинган. Хусусан, 1971 йилдаги “Ўзбек совет энциклопедияси” да алгоритм атамаси ёнида алгорифм, деб ҳам ёзилган [10, Б.232].

Жаҳон илм-фанида эса алгоритм атамасининг маъноси ва ушбу тушунчанинг келиб чиқиши масаласи 1888 йилда Англияда нашр қилинган “A new English Dictionary” (“Янги инглиз луғати”) да баён қилинган [3, Б.47]. Ал Хоразмийнинг исми ушбу илмий атаманинг номида абадий сақланиб қолган. Ал Хоразмий сўзи эса, ўн икки аср давомида такомиллашиб ва ўзгариб борди.

Йиллар давомида алгоритмлар олимларнинг жиддий эътиборини жалб қилиб, секин-аста бу тушунча замонавий математиканинг марказий ўринларини эгаллайди. “Алгоритм” тушунчасининг ривожланиш жараёнида унинг шакли сақланиб қолган бўлса ҳам мазмуни ўзгариб ва анча кенгайиб борди. Мазкур тушунчанинг тараққий этиши билан бир вақтда унинг асл математикадан ташқари илм-фаннинг бошқа соҳаларга ёйилиш жараёни кузатилади. Бу жараёни авваламбор ЭҲМ (Электрон ҳисоблаш машиналари) ва компьютерларнинг пайдо бўлиши бошлаб берди. Улар туфайли “алгоритм” сўзи барча информатика дарсликларига киритилди ва янги ҳаётини бошлади.

2000-йилларнинг бошларига келиб, “Google” атамаси интернетда қидириш” сўзининг синонимига айланганидан сўнг алгоритмлар ғояси кенг тарқала бошлади. Айнан ўша даврдан инсонларнинг кундалик ҳаётига ақлли компьютер коди ўз таъсирини ўтказа бошлади: . Netflix фильмлари тавсияси, Amazon даги харидлар, Facebook ва бошқа ижтимоий тармоқларда дўстларни қидириш амаллари бунга мисол бўлади.

1998 йилда ташкил этилганидан бир неча йил ўтгач, Google фойдали бизнес моделига муҳтож бўлганлиги боис у хусусий рекламаларни тижоратлаштириш мақсадида Интернет фойдаланувчиларининг рақамли “излари”ни қўллай бошлади. Тез орада Facebook ҳам ундан ибрат олди. Глобал ижтимоий медиа платформа обрўси ва реклама қудратини ўзининг “ижтимоий графиги”, “дўстлар” ва “лайк” кўрсаткичлари билан бойитилган

Интернет фойдаланувчилари ўртасидаги муносабатлар асосида мустаҳкамлашга муваффақ бўлди. Маълумки, ҳар қайси ижтимоий тармоқ муайян алгоритм воситасида ишлайди. Ижтимоий тармоқ алгоритми фойдаланувчиси ёқтирган контент, унинг постлари ва кимларга “подписка” бўлганини кузатиб боради. Алгоритм шунингдек, контент кузатувчиларига қайси аккаунтлар қизиқ бўлишини ҳам аниқлайди.

Ҳозирги рақамли асрда алгоритм алоҳида аҳамиятга моликдир. Алгоритм – бу замонавий илм-фан ва технологияларнинг керакли ресурсидир. Айни дамда “алгоритм” тушунчаси инсон ва рақамли технологиялар билан узвий боғлиқ: инсон дастур кўринишида алгоритмни яратади, компьютер эса ҳисоблаш амалларини бажариш орқали алгоритмларни бажаради.

Шундай қилиб, ал-Хоразмий алгоритми ЭҲМ ва компьютерлардан анча олдин пайдо бўлган, бироқ ривожланиш жараёни давомида шакли сақланиб, мазмун жиҳатидан ўзгариб борган. Ўрта асрларда алгоритм ҳисоблашнинг позицион тизими бўйича санашни англаган бўлса, бугунги пайтда дастлабки маълумотларни охириги натижага ўтказувчи ҳисоблаш жараёни орқали масала ечимини аниқ кўрсатувчи амаллар мазмуни ва кетма - кетлигини билдирувчи ҳисоблашнинг ҳар қандай тизимини ифода этади [11, Б.14].

Кўриниб турганидек, рақамли технологиялар ва роботехника даврига келиб алгоритм тушунчаси ниҳоятда кенг миқёсда тарқалди ва ҳозирги маъноси билан ахборот ва Интернет-технологияларнинг асосий атамаларидан бири бўлиб қолди.

Ахборотлашган жамиятда веб алгоритм, ахборотни излаш алгоритми, Интернет учун алгоритм, телекоммуникация тармоқлари алгоритми, сунъий интеллект алгоритми ва шу каби атамаларнинг қўлланилиши, ўн икки асрга тенг алгоритмнинг информация асрида ҳам замонавийлиги, ҳаётийлиги ва долзарблигини сақлаб қолганлигининг муҳим далилидир.

Ал-Хоразмий илмий мероси 1225 йилдан ортиқ давр мобайнида долзарблигини сақлабгина қолмай, балки янгидан яралиш имконига эга бўлди. Ал-Хоразмийнинг исми эса, “алгоритм” илмий атамасида абадий муҳрланиб қолди.

#### **Адабиётлар:**

1. Ўзбекистон Миллий Энциклопедияси. – Т.: 2000. 1-жилд, – Б. 201.
2. Муҳаммад ибн Мусо ал -Хоразмий. Танланган асарлар. – Т.: 1983. – Б. 81.
3. Кабулов В., Назаров Ф., Назиров Ш. Ал-Хорезми, алгоритм и алгоритмизация. – Т.: 2006. – Б. 58.
4. Jean – Luc Chabert Et Al. A history of algorithms. From the pebble to the Microchip Springer-Verlag Berlin Heidelberg, 1999. – P. 10.

5. Жаров В.К. Об инструментальном счёте в арифметическом трактате Ал -Хорезми. // Великий учёный средневековья Аль-Хорезми. – М.: 1983. – С. 154.
6. Абдурахмонов А. Мухаммад Ибн Мусо Хоразмий – буюк математик.
7. [http:// wikipedia.org](http://wikipedia.org). – “Алгоритм”// Википедия электрон энциклопедияси.
8. Энциклопедический словарь. / Ф.А.Брокгауза и И.А.Ефрона. -Спб., 1890.
9. Большая энциклопедия. – Спб., 1904. т.1. стр. 303.
10. “Ўзбек совет энциклопедияси”. – Т.: 1971. – Б. 232.
11. Ахборот-коммуникация технологиялари изоҳли луғати. – Т.: 2004. – Б. 14.

## **ЎЗБЕКИСТОН МИЛЛИЙ АРХИВ ХЎЖЖАТЛАРИ СОВЕТ ҲОКИМИЯТИНИНГ КОЛЛЕКТИВЛАШТИРИШ СИЁСАТИ ТАРИХИГА ОИД МАНБА СИФАТИДА**

**Чориев Ш.Ш.**  
*т.ф.ф.д. (PhD), доц,*  
*Ўзбекистон Миллий университети*

Ўзбекистонда қишлоқ хўжалиги соҳасини коллективлаштириш сиёсати тарихини ўрганиш совет ҳокимиятининг республикада олиб борган ижтимоий-иқтисодий сиёсатининг мазмун моҳиятини очиб беришда муҳим аҳамият касб этади. Айнан 1924-1941 йилларда совет ҳокимиятининг колхозлаштириш сиёсати ўзининг муҳим босқичин босиб ўтди.

Қишлоқ хўжалиги соҳасини коллективлаштириш сиёсати В.И.Лениннинг ижтимоий (социалистик) хўжаликларни кооперативлаштириш режаларида ҳам ўз аксини топган бўлиб, бу ислохотлар аслида шахсий мулкларни тугатиш ва жамоалашган ишлаб чиқариш тизимини йўлга қуйиб феодал муносабатларни тугатиш каби марксизм ғояларига асосланган эди [1].

Дастлабки хўжаликларни коллективлаштириш ишлари 1917-1918 йилларда бошланган бўлиб, бу жараёнлар совет ҳокимиятининг йирик ерларни эгаларидан барча мол-мулк ва чорвалари билан мусодара қилиш сиёсатида акс этган эди. 1919 йилгача қишлоқ хўжаликларини коллективлаштириш истеъмолчи ва ишлаб чиқарувчилар бирлашмаси (коммуна) кўринишида шаклланиб, деҳқонлар учун артель ва деҳқончилик ширкатлари ташкил этилди. Масалан, 1918 йилда РСФСРда 1579 та, 1920 йилда 11644 та артеллар, бирлашмалар, деҳқончилик ширкатлари ташкил этилди.

В.И.Ленин таълимоти асосида коммунистик партия деҳқонларни аста секин кооперациянинг энг оддий шакли матлубот жамиятидан турли ширкатлар орқали коллектив хўжалик – колхозларга олиб келди [2].

Архивда сақланган ҳисоботларда маълумот берилишича, Туркистонда олиб борилган ер ислохотларидан сўнг 1922 йилда дастлабки жамоалаштирилган хўжаликлар ташкил этилган бўлиб, уларнинг сони 200 тагача бўлган [3]. Айнан, Туркистон АССРда қишлоқ хўжалигини коллективлаштириш сиёсати олиб борилганлигини кўплаб архив ҳужжатлари ҳам тасдиқлайди[4].

Аммо шуни алоҳида таъкидлаб ўтиш лозимки, совет ҳокимиятининг Янги Иқтисодий Сиёсати (кейинги ўринларда ЯИС деб берилади) даврида эркин товар айирбошлаш ва яққа хўжаликдаги деҳқончиликка ҳамда кооперацияларнинг содда кўринишига урғу берилди. ЯИС ислохотларининг дастлабки йилларида жамоалаштирилган хўжаликларни ўз-ўзини молиялаштириш, яъни хўжалик ҳисобига ўтказилиши [5], шунингдек, жамоалаштирилган хўжаликларнинг кўшиб юборилиши, уларнинг ташкилий ва агро-ишлаб чиқариш жиҳатларидан кўллаб қувватланмаганлиги натижасида кўплаб колхозлаштирилган хўжаликларнинг тугатилиб кетишига олиб келди [6].

1927 йил 2-19 декабрда бўлиб ўтган XV партия съездида қишлоқ хўжалиги соҳасини оммавий коллективлаштириш сиёсатининг вазифалари белгилаб берилди [7]. Айнан республиканинг биринчи беш йиллик режасининг охириги йилларида совет ҳокимияти қишлоқ хўжалиги соҳасини коллективлаштириш сиёсатига алоҳида эътибор қаратди. Натижада, 1927-1929 йилларда Ўзбекистондаги колхоз қурилиши икки босқичда амалга оширилиб, биринчи босқичда ўзбек қишлоқларида ер ислохотлари ўтказилди ва деҳқонлар қишлоқ хўжалик маҳсулотларини сотувчи ва таъминот кооперативларига уюштирилди. Иккинчи босқичда эса деҳқонлар ишлаб чиқариш кооперативларига, яъни ерни биргалашиб ишлаш ширкати (ТОЗ), артель коммуна ва совхозлар ташкил этилди [8].

Бугунги кунда Ўзбекистонда қишлоқ хўжалигини коллективлаштириш сиёсатига оид тарихий ҳужжатлар Ўзбекистон Миллий архивининг Ўзбекистон МИҚ (Р-86), ХКС (Р-837), Ишчи-Деҳқон инспекцияси Халқ Комиссарлиги (Р-95), Ер ишлари Халқ комиссарлиги (Р-90), СССР ХКС қошидаги Ўрта Осиё иқтисодий кенгаши (Р-9), Ўзбекистон қишлоқ хўжалиги жамоалари Иттифоқи (Р-196), Бутуниттифоқ Марказий касаба уюшмаси Кенгашининг Ўрта Осиё Бюроси (Р-736), Ўрта Осиё иқтисодий Кенгаши қошидаги Ўрта Осиё режа комиссияси (Р-10) фондларида сақланган. Шу ўринда таъкидлаб ўтиш лозимки, архивда мавзуга оид маълумотларни қидириб топишда муҳим аҳамият касб этган 2,5 мингдан ортиқ каталог карточкалар ҳам айнан юқорида санаб ўтилган ташкилотларнинг фондлари асосида тузилган. Карточкалар колхозлаштирилган хўжаликларга ёрдам кўрсатиш, электрлаштириш, тақдирлаш, статистик маълумотлар, қурилиш ишларининг олиб борилиши, даромадларни тақсимлаш, МТСлар билан ҳамкорлик, кооперациялар, қишлоқ хўжалиги кенгашлари рукнларида мавзулаштирилган.



Хулоса ўрнида айтиш мумкинки, совет ҳокмиятининг коллективлаштириш сиёсати тарихини ёритишда Ўзбекистон Миллий архивининг фондларида сақланган маъруза ҳисботлари, жадвал, тезис материаллари муҳим тарихий ҳужжат ҳисобланади.

Айнан И.В. Сталин даврида қишлоқ хўжалигини коллективлаштириш сиёсати В.И.Лениннинг сиёсати қиёсий ўхшаш равишда, яъни дастлаб ерларни мусодара қилиш, кейинги босқичда эса оммавий коллективлаштириш сиёсати олиб борилган.

Тарихий тадқиқотларда совет ҳокмиятининг қишлоқ хўжалигини коллективлаштириш сиёсати жараёнларини 1928-1929 йилларда оммавий равишда коллективлаштиришга тайёргарлик кўриш, 1929 – 1932 – йилларда яқка хўжаликларни оммавий жамоалаштириш сиёсатининг олиб борилиши ва 1933-1937 йилларда қишлоқ хўжалигини коллективлаштириш сиёсатини тугаллаш босқичларини кўрсатиб ўтилади. Аммо тарихий маълумотлар таҳлиliga кўра, совет ҳокимиятининг қишлоқ хўжалиги соҳасини коллективлаштириш сиёсати 1917-1918 йилларда коллективлаштириш сиёсатининг бошланғич даври, 1921-1928 йилларда коллективлаштириш сиёсати (бўйича ўз қарашларини ўзгартирмаган бўлса-да)нинг инқироз даври босқичларини ҳам босиб ўтганлигини алоҳида таъкидлаб ўтиш лозим.

#### **Адабиётлар:**

1. Советская историческая энциклопедия. М.: Советская энциклопедия. 1965. Т.7. – С. 484
2. Ўзбекистон колхоз ва совхозлар тарихи (очерклар). // I -III томда., I том. Муаллифлар жамоаси. Тошкент: Ўзбекистон. 1969. – Б. 6.
3. ЎзМА, Р-95-фонд, 1-рўйхат, 1060 йғмажилд, 42-варақ. “Отчетный доклад республиканского Оргбюро колхозов”.
4. ЎзМА, Р-29-фонд, 1-рўйхат, 1502-йғмажилд, 407-варақ;
5. Советская историческая энциклопедия.М.: Советская энциклопедия. 1965. Т.7. – С. 486.
6. ЎзМА, Р-95-фонд, 1-рўйхат, 1060 йғмажилд, 42-варақ.
7. Аминова Р. Х., Яцышина А. Ф. XV Съезд партии и его историческое значение. // Общественные науки в Узбекистане. 1967. №12. – С.17-20.
8. Ўзбекистон тарихи (1917-1991 йиллар). К. 1. Ўзбекистон 1917-1939 йилларда / масъул муҳаррирлар Р. Абдуллаев, М. Раҳимов, Қ. Ражабов. – Тошкент.: «O'zbekiston» НМИУ, 2019. – Б. 511.